

**Н.Р. Юсупбеков, Ҳ.С. Нурмуҳамедов, С.Г. Зокиров**

## **Кимёвий технология асосий жараён ва қурилмалари**

*ЎзР ФА академиги Н.Р. Юсупбеков таҳририяти остида*

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта  
махсус таълим вазирлиги томонидан олий  
ўқув юртлари учун дарслик сифатида  
тавсия этилган**

**«Шарқ» нашиёт-матбаа акциядорлик  
компанияси Бош таҳририяти  
Тошкент - 2003**

Тақризчилар: Абу Райхон Беруний номидаги ТошДТУ нинг «САНОАТ ИССИҚЛИК ЭНЕРГЕТИКАСИ» кафедраси;

ЎзР ФА акад. Б.М. БЕГЛОВ;

т.ф.д., проф. М.М. ЮСИПОВ.

**Н.Р. Юсупбеков, Ҳ.С. Нурмуҳамедов, С.Г. Зокиров.** Кимёвий технология асосий жараён ва қурилмалари. - Т.; «Шарқ», 2003. - 644 б.

Дарсликда кимёвий технология асосий жараёнлари, уларнинг назарияси, типик қурилмалар конструкциялари ва ишлаш принциплари ҳамда уларни ҳисоблаш услублари баён этилган.

Ушбу дарслик «Кимёвий технология», «Биотехнология», «Нефт, нефт ва газни қайта ишлаш технологияси», «Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси», «Дон ва дон маҳсулотлари технологияси», «Ёғочсозлик саноати технологияси, машина ва жиҳозлари», «Курилиш материаллари ва конструкциялари технологияси», «Касбий таълим» ва “Атроф мұхит мұхофазаси”, кимё ва нефт-газ кимёси. ҳамда юқорида қайд этилган мутахассисликлар машинасозлиги гурухига киругичи йўналишларда таълим олувчи бакалавр ва магистрларга дарслик сифатида тавсия этилади. Бундан ташқари ундан кимё ва бошқа саноатларнинг инженер-техник ходимлари, аспирант ва докторантлари ҳам қўлланма сифатида фойдаланишлари мумкин.

Жадвал 19 та, расм – 424 та, адабиётлар – 133 та.

ББК 35.11

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Баш таҳририяти, 2003 йил.

# МУНДАРИЖА

## КИРИШ

1.	«Жараён ва қурилмалар» фанининг мазмуни ва моҳияти	9
2.	«Жараён ва қурилмалар» фанининг келиб чиқиши ва ривожланиши	11
3.	Асосий технологик жараёнлар классификацияси	12
		13

## 1-боб. УМУМИЙ ҚИСМ

1.1.	Хом-ашё, материал ва маҳсулотларнинг асосий хоссалари	16
1.2.	Ўхшашлик назарияси асослари	25
1.3.	Жараён ва қурилмаларни ҳисоблаш ва таҳлилиниңг асосий принциплари	32

## 2-боб. ГИДРАВЛИКА АСОСЛАРИ

### ГИДРОСТАТИКА

2.1.	Умумий тушунчалар	35
2.2.	Эйлернинг мувозанат дифференциал тенгламаси	35
2.3.	Гидростатиканинг асосий тенгламаси	37
2.4.	Гидростатиканинг асосий тенгламасини амалиётда қўллаш	38

### ГИДРОДИНАМИКА

2.5.	Суюқлик ҳаракатининг асосий характеристикалари	40
2.6.	Оқимнинг узлуксизлик тенгламаси	42
2.7.	Суюқлик ҳаракатининг Эйлер дифференциал тенгламаси.	44
2.8.	Хақиқий суюқлик оқими учун Бернуlli тенгламаси	45
2.9.	Суюқлик ҳаракатининг Навье-Стокс дифференциал тенгламаси.	48
2.10.	Бернуlli тенгламасининг амалий қўлланилиши	49
2.11.	Суюқлик ҳаракати режимлари	51
2.12.	Ламинар ҳаракат қонунлари	53
2.13.	Турбулент ҳаракат режими	55
2.14.	Қовушоқ суюқлик ҳаракатининг критериал тенгламалари	57
2.15.	Труба қувурларидағи гидравлик қаршилик	58
2.16.	Труба қувурлари диаметрини ҳисоблаш	63
2.17.	Насадка ва тешиклар орқали суюқлик оқиб чиқиши	64
2.18.	Қаттиқ жисмларнинг суюқликда ҳаракати	68

### НАСОСЛАР

2.19.	Умумий тушунчалар	71
2.20.	Насослар классификацияси	71
2.21.	Насосларнинг асосий параметрлари..	71
2.22.	Марказдан қочма насослар	74
2.23.	Поршенил насослар	80
2.24.	Насосларнинг маҳсус турлари.	85
2.25.	Насосларни таққослаш	88

### КОМПРЕССОРЛАР

2.26.	Асосий тушунчалар	89
2.27.	Газларни сиқиши жараёнининг термодинамик асослари	89
2.28.	Поршенил компрессорлар	93
2.29.	Роторли компрессорлар	98
2.30.	Марказдан қочма типдаги компрессорлар	99
2.31.	Ўқли ва винтли компрессорлар	101
2.32.	Вакуум-насослар	103
2.33.	Компрессорларни таққослаш ва танлаш	104

## 3-боб. ГИДРОМЕХАНИК ЖАРАЁНЛАР

3.1.	Турли жинсли системалар классификацияси	106
------	---	-----

3.2.	Ажратиш усуллари	107
3.3.	Ажратиш жараёнининг моддий баланси	107
<b>ТИНДИРИШ ВА ЧҮКТИРИШ</b>		
3.4.	Оғирлик кучи таъсирида чўқтириш	108
3.5.	Сиқиқ чўкиш тезлиги	111
3.6.	Суспензия концентрацияси ва заррачалар шаклининг чўкиш тезлигига таъсири	113
3.7.	Марказдан қочма куч таъсирида чўқтириш	113
3.8.	Тиндириш ва чўқтириш қурилмалари	115
<b>ФИЛЬТРЛАШ</b>		
3.9.	Умумий тушунчалар	122
3.10.	Фильтрлаш турлари	123
3.11.	Фильтрлаш жараёнининг назарий асослари	124
3.12.	Фильтрлар	126
3.13.	Фильтрлаш жараёнини интенсивлаш	132
3.14.	Фильтрларни ҳисоблаш	133
<b>ГАЗЛАРНИ ТОЗАЛАШ</b>		
3.15.	Умумий тушунчалар	135
3.16.	Оғирлик кучи таъсирида газларни тозалаш	136
3.17.	Инерцион ва марказдан қочма кучлар таъсирида газларни тозалаш	137
3.18.	Газларни ғовакли тўсиқларда тозалаш	139
3.19.	Газларни суюқлик билан юваб тозалаш	142
3.20.	Электр майдон таъсирида газларни тозалаш	144
3.21.	Газларни тозалаш жараёнини интенсивлаш	148
<b>ҚЎЗҒАЛМАС ВА МАВҲУМ ҚАЙНАШ ҚАТЛАМЛАРИ ГИДРОДИНАМИКАСИ</b>		
3.22.	Умумий тушунчалар	150
3.23.	Қўзғалмас донадор ва ғовак қатламлар орқали суюқлик ҳаракати	150
3.24.	Мавҳум қайнаш жараёни асослари ва гидродинамикаси	154
3.25.	Оқимчали мавҳум қайнаш	161
3.26.	Мавҳум қайнаш қатламли қурилмалар	164
<b>АРАЛАШТИРИШ</b>		
3.27.	Умумий тушунчалар	166
3.28.	Суюқликни аралаштириш усуллари	166
3.29.	Пластмассаларни аралаштириш	171
3.30.	Сочилувчан материалларни аралаштириш	172
3.31.	Аралаштириш мосламаларини ҳисоблаш	174
<b>ТЕСКАРИ ОСМОС ВА УЛЬТРАФИЛЬТРЛАШ</b>		
3.32.	Умумий тушунчалар	181
3.33.	Тескари осмос ва ультрафильтрлаш жараёнларнинг физик-кимёвий асослари	183
3.34.	Диффузион-мембранали жараёнлар	185
3.35.	Мембраналарни тозалаш усуллари	187
3.36.	Мембранали қурилмалар тузилиши ва ишлаш принципи	188
3.37.	Мембранали жараён ва қурилмаларни ҳисоблаш	193
<b>4-боб. ИССИҚЛИК АЛМАШИННИШ ЖАРАЁNLARI</b>		
<b>ИССИҚЛИК ЎТКАЗИШ</b>		
4.1.	Умумий тушунчалар	196
4.1.1.	Иссиклик баланси	197
4.1.2.	Температура майдони ва градиенти	198

4.2.	Иссиқлик ўтказувчанлик	199
4.2.1.	Иссиқлик ўтказувчанликнинг дифференциал тенгламаси	200
4.2.2.	Текис деворнинг иссиқлик ўтказувчанлиги	202
4.2.3.	Цилиндрик деворнинг иссиқлик ўтказувчанлиги	204
4.2.4.	Шарсимон деворнинг иссиқлик ўтказувчанлиги	205
4.2.5.	Мураккаб шакли жисмлар иссиқлик ўтказувчанлиги	207
4.3.	Иссиқлик нурланиши	208
4.4.	Конвектив иссиқлик алмашиниш	212
4.4.1.	Ньютоң қонвекция	212
4.4.2.	Конвектив иссиқлик алмашинишнинг дифференциал тенгламаси (Фурье-Кирхгоф тенгламаси)	213
4.4.3.	Конвектив иссиқлик алмашинишнинг ўхшашлик критерий ва тенгламалари.	215
4.4.4.	Эркин конвекция даврида иссиқлик бериш	217
4.4.5.	Мажбурий конвекция даврида иссиқлик бериш	218
4.4.6.	Иссиқлик элткичнинг агрегат ҳолати ўзгаришида иссиқлик бериш	219
4.5.	Иссиқлик ўтказиш	223
4.6.	Иссиқлик алмашиниш жараёнларини ҳаракатта келтирувчи куч	226
<b>ИСИТИШ, БУГЛАНИШ, СОВИТИШ ВА КОНДЕНСАЦИЯЛАШ</b>		
4.7.	Умумий тушунчалар	230
4.7.1.	Буг билан иситиш	230
4.7.2.	Иссиқ сув билан иситиш	231
4.7.3.	Юқори температурали органик суюқлик ва уларнинг буғлари билан иситиш	231
4.7.4.	Тўйинган сув буғи билан иситиш	232
4.7.5.	Тутун газлари билан иситиш	233
4.7.6.	Электр токи билан иситиш	233
4.8.	Конденсациялаш	234
4.9.	Атроф мұхит температурасигача совитиш	235
4.10.	Атроф мұхит температурасидан паст температурагача совитиш.	237
4.11.	Иссиқлик алмашиниш қурилмалари	238
4.11.1.	Сиртий иссиқлик алмашиниш қурилмалари	238
4.11.2.	Регенератив иссиқлик алмашиниш қурилмалари	254
4.11.3.	Аралаштирувчи иссиқлик алмашиниш қурилмалари	255
4.12.	Иссиқлик алмашиниш қурилмаларини танлаш	257
4.13.	Иссиқлик алмашиниш жараёнларини интенсивлаш.	260
<b>БУГЛАТИШ</b>		
4.14.	Умумий тушунчалар	269
4.15.	Буглатишнинг назарий асослари.	270
4.16.	Буглатиш усууллари	272
4.16.1.	Оддий буглатишнинг моддий баланси	274
4.16.2.	Оддий буглатишнинг иссиқлик баланси	274
4.16.3.	Иситиш юзаси	275
4.17.	Буглатичлар тузилиши ва ишлаш принциплари	280
4.18.	Перспектив иссиқлик алмашиниш қурилмалари	287
4.19.	Қобиқ-трубали иссиқлик алмашиниш қурилмаларини ҳисоблаш	291
<b>5-бөб. МАССА АЛМАШИНИШ ЖАРАЁНЛАРИ</b>		
<b>МАССА АЛМАШИНИШ АСОСЛАРИ</b>		
5.1.	Умумий тушунчалар	302
5.2.	Масса ўтказиш кинетикаси	303
5.3.	Масса алмашиниш жараёнининг моддий баланси	305
5.4.	Масса ўтказишнинг асосий қонунлари	306
5.5.	Қаттиқ жисм иштироқида масса алмашиниш	310
5.6.	Конвектив диффузиянинг дифференциал тенгламаси	314

5.6.1.	Масса алмашиниш жараёни механизми	317
5.6.2.	Масса ўтказиш ва бериш коэффициентлари ўртасидаги боғлиқлик.	318
5.6.3.	Масса алмашиниш жараёнларининг моделлари	319
5.6.4.	Масса алмашиниш жараёнларини ҳаракатта қелтирувчи күч.	321
5.7.	Масса алмашиниш қурилмаларининг асосий ўлчамларини ҳисоблаш	325
<b>АБСОРБЦИЯ</b>		
5.8.	Умумий тушунчалар .	329
5.9.	Абсорбция жараённинг физик асослари	329
5.10.	Абсорбциянинг моддий баланси ва кинетик қонуниятлари.	331
5.11.	Абсорбция жараёнини олиб бориш усуллари.	334
5.12.	Абсорберлар конструкциялари	335
5.13.	Абсорберларни ҳисоблаш.	344
<b>ҲАЙДАШ ВА РЕКТИФИКАЦИЯ</b>		
5.14.	Умумий тушунчалар	350
5.15.	Ҳайдаш ва ректификация жараёнларининг назарий асослари	350
5.16.	Оддий ҳайдаш	354
5.17.	Ректификация	357
5.17.1.	Ректификация жараённинг моддий ва иссиқлик баланслари	358
5.17.2.	Ўзлуксиз ишлайдиган ректификацион колоннанинг иссиқлик баланси.	360
5.17.3.	Ҳақиқий флегма сони.	362
5.17.4.	Ректификацион колонна ишчи баландлиги ва тарелкалар сонини ҳисоблаш	362
5.18.	Ректификация жараёнини ташкил этиш усуллари.	363
5.19.	Ректификацион колонналарни ҳисоблаш	365
<b>«СУЮҚЛИК–СУЮҚЛИК» СИСТЕМАСИДА ЭКСТРАКЦИЯЛАШ</b>		
5.20.	Умумий тушунчалар	369
5.21.	«Суюқлик - суюқлик» системасининг мувозанати.	370
5.22.	Экстракция жараённада масса ўтказиш	372
5.23.	Экстракция жараёнини ташкил этиш усуллари	374
5.24.	Экстракторлар конструкциялари.	377
5.25.	Экстракторларни ҳисоблаш	383
<b>«ҚАТТИҚ ЖИСМ – СУЮҚЛИК» СИСТЕМАСИДА ЭКСТРАКЦИЯЛАШ</b>		
5.26.	Умумий тушунчалар	393
5.27.	Эритиш жараёни статикаси ва кинетикаси	393
5.28.	Ишқорлаб ажратиш экстракторларининг конструкциялари	396
5.29.	Эриткичларни ҳисоблаш.	401
<b>АДСОРБЦИЯ</b>		
5.30.	Умумий тушунчалар	404
5.31.	Адсорбентлар турлари ва характеристикалари	405
5.32.	Адсорбция жараёни мувозанати	407
5.33.	Адсорбция статикаси ва кинетикаси	408
5.34.	Адсорбция жараёнини ташкил этиш усуллари	411
5.35.	Десорбция	411
5.36.	Адсорберлар конструкциялари	412
5.37.	Адсорберларни ҳисоблаш	419
5.38.	Ион алмашиниш жараёнлари ва қурилмалари	421
<b>ҚУРИТИШ</b>		
5.39.	Умумий тушунчалар .	426
5.40.	Рамзиннинг нам ҳаво I-х диаграммаси	427

5.41.	Куритиш жараёни статикаси.	431
5.42.	Материал билан намликнинг боғланиш усуллари	432
5.43.	Куритиш жараёни кинетикаси	435
5.44.	Курикличнинг моддий ва иссиқлик баланслари.	441
5.45.	Куритиш жараёнини ташкил этиш усуллари.	447
5.46.	Курикличлар конструкциялари	449
5.47.	Курикличларни ҳисоблаш	459

#### **КРИСТАЛЛАНИШ**

5.48.	Умумий тушунчалар	471
5.49.	Кристалланиш статикаси ва кинетикаси	471
5.50.	Кристалланиш усуллари	474
5.51.	Кристаллизаторлар конструкциялари	475
5.52.	Кристаллизаторларни ҳисоблаш	479

### **6-боб. БИОКИМЁВИЙ ЖАРАЁНЛАР**

6.1.	Умумий тушунчалар	482
6.2.	Ферментация жараёни кинетикаси	485
6.3.	Ферментация жараёнида масса алмашиниш	487
6.4.	Ферментаторлар конструкциялари	488
6.5.	Микробиологик синтез асосида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумлашган технологик схемаси	489
6.6.	Ферментация жараёнининг тавсифлари ва технологик схемалари	491

### **7-боб. МЕХАНИК ЖАРАЁНЛАР**

#### **ҚАТТИҚ МАТЕРИАЛЛАРНИ МАЙДАЛАШ ВА КЛАССИФИКАЦИЯЛАШ**

7.1.	Умумий тушунчалар	496
7.2.	Сочилувчан материаллар механикасининг асослари	497
7.3.	Майдалаш усуллари	499
7.4.	Майдалагичлар конструкциялари	501
7.5.	Донадор, сочилювчан материалларни классификациялаш	511
7.6.	Қаттиқ материалларни майдалашнинг маҳсус усуллари.	515

### **8-боб. ГРАНУЛЛАШ ВА ПРЕССЛАШ**

8.1.	Умумий тушунчалар	517
8.2.	Сувсизлантириш ва брикетлаш	517
8.3.	Шакллантириш	519
8.4.	Маҳсулотларни пресслаш ускуналари	519
8.5.	Грануллаш усуллари ва гранулятор конструкциялари	523
8.6.	Сочилувчан материални грануллашга мойилигини баҳолаш	530
8.7.	Грануляторларни ҳисоблаш	531

### **9-боб. КИМЁВИЙ ЖАРАЁНЛАР**

9.1.	Умумий тушунчалар	533
9.2.	Кимёвий айланишлар давридаги мувозанат	533
9.3.	Кимёвий жараёнлар кинетикаси	537
9.4.	Кимёвий жараёнлар моддий ва иссиқлик баланслари	543
9.5.	Кимёвий жараёнлар принципиал схемалари	545
9.6.	Реакторлар конструкциялари	546
9.7.	Реакторларнинг аралаштириш ва иссиқлик алмашиниш мосламалари	548
9.8.	Реакторларни ҳисоблаш	551

## **10-боб. СОВИТИШ ЖАРАЁНЛАРИ**

10.1.	Умумий тушунчалар	554
10.2.	Совуқлик олишнинг термодинамик асослари	554
10.3.	Сунъий совитиш усуллари	556
10.4.	Паст температура олиш усуллари	560
10.5.	Компрессор буг совитиш машиналари	561
10.6.	Икки ва уч босқичли совитиш машиналари	564
10.7.	Совуқлик элткичлар	565
10.8.	Каскадли цикл	567
10.9.	Компрессор курилмаларининг жиҳозлари	568
10.10.	Абсорбцион совитиш машиналари	568
10.11.	Сув-буғ инжектор совитиш машиналари	570
10.12.	Ўта паст температурали совуқлик олиш	570
10.13.	Газни дросселлаш цикллари	571
10.14.	Бир карра дросселланишли ва аммиакли совитиш цикли.	572
10.15.	Икки карра дросселланишли ва газнинг босим остидаги айланишли цикли	573
10.16.	Дросселланиш ва газни детандерда кенгайишига асосланган цикллар	574
10.17.	Паст босим цикли (Калица цикли).	576
10.18.	Чуқур совитиш циклларини солишириш	577
10.19.	Совитиш жараёни ва машиналарини ҳисоблаш.	579

## **11-боб. КИМЁ САНОАТИНИНГ ЭНЕРГОТЕХНОЛОГИЯ АСОСЛАРИ**

11.1.	Умумий тушунчалар	586
11.2.	Энергокимё-технологик системаларни (ЭКТС) термодинамик таҳлил қилиш усуллари	586
11.3.	Эксергия турлари	591
11.4.	Эксергетик ҳолат диаграммалари	594
11.5.	Эксергетик йўқотилиш турлари.	595
11.6.	ЭКТС ва элементларининг эксергетик баланси ва фойдали иш коэффициенти.	597
11.7.	Эксергетик утгумдорлик ва кувват	600
11.8.	Термодинамик системалар энергетик ва эксергетик характеристикалари ўртасидаги боғлиқлик	601
11.9.	ЭКТС умумий кўрсаткич ва элементларнинг характеристикалари орасидаги боғлиқлик.	602
11.10.	Кимёвий технология жараёнларининг эксергетик таҳлили	603
11.11.	ЭКТС таҳлили ва термодинамик оптималлаш.	608
11.12.	Жараён ва қурилмалар эксергиясини ҳисоблаш	609

## **И Л О В А Л А Р**

И1.	Физик катталиклар ўлчов бирликлари системаси	615
И2.	Асосий конструкцион материаллар ва уларнинг хоссалари	618

## **ТАЯНЧ СЎЗ ва ИБОРАЛАР**

## **А Д А Б И Ё Т Л А Р**

## КИРИШ

Ўзбекистон мустақил миллий демократик давлат сифатида ривожланиш йўлида муҳим қадамларидан бири “**Таълим тўғрисида**” ги янги Қонун, ҳамда “**Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури**” нинг қабул қилиниши катта аҳамиятга эга.

Ватанимиз ҳалқ хўжалиги учун малакали мутахассислар тайёрлашда “Кимёвий технология асосий жараён ва қурилмалари” фанининг алоҳида ўрни бор.

Бу фан талабаларга ихтисослик фанларини чуқур ўзлаштиришга, қай йўл билан ишлаб чиқариш интенсивлигини ошириш ва технологик қурилмалардан унумли фойдаланиш мумкинлигини ўргатади.

Дарсликда келтирилган жараёнлар назарий асослари, уларни ҳисоблаш усуллари ва самарадор қурилмалар билан жиҳозлаш принциплари ушбу фан асосини ташкил этади.

Ушбу дарслик замонавий техника ва унинг ривожланиш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда малакали мутахассисларни сифатли тайёрлашда узлусиз мукаммаллаштиришга хизмат қиласди.

Охирги ўн йил ичida кимёвий, нефт ва газни қайта ишлаш озиқовқат ва бошқа саноатларда кескин ўзгаришлар рўй бериб, янги технологиялар амалда қўлланиб, ривожланиш бошланди. Бундай ўзгаришлар жараён ва қурилмалар фанини янада юқори даражага кўтарилишига сабабчи бўлди. Ушбу фаннинг бундай юқори савияга кўтарилишига ҳисоблаш техникасининг гуркираб ривожланиши ҳам ўз хиссасини қўшди, чунки у жараён ва қурилмаларни ўрганиш, моделлаштириш ва ҳисоблаш ишларини мисли қўрилмаган имкониятларини яратди.

Ҳар бир жараённи ўрганишда унинг статикаси ва кинетикасига, яъни ўрганилаётган системанинг мувозанат нисбатлари ва жараён механизмига алоҳида эътибор бериш зарур.

Тавсия этилаётган дарслик фаннинг тасдиқланган дастурига биноан тузилган бўлиб, талабаларнинг физика, химия, математика, термодинамика, иссиқлик ва совитиш техникаси ва бошқа фанлардан олган билимларини ҳисобга олган.

Дарсликнинг кириш қисмida «Жараён ва қурилмалар» фанининг мазмуни, келиб чиқиши ва жараёнлар классификациялари берилган.

1-бобда газ, суюқлик, ҳом-ашё ва маҳсулотларнинг асосий физик-механик ва иссиқлик-диффузион хоссалари, ўхшашлик назарияси асослари, ўхшашлик теоремалари ва шартлари, ўлчов бирликлар таҳдил усули, ҳамда жараён ва қурилмалар таҳдилининг асосий принциплари, машина ва қурилмаларга қўйиладиган талаблар келтирилган.

2-боб гидравлика асослари, яъни суюқликлар гидростатика ва гидродинамикаси, суюқлик ҳаракатининг асосий характеристикалари, труба қувурларидағи гидравлик қаршилик, уларнинг оптималь диаметрини аниқлаш, қаттиқ жисмларнинг суюқликдаги ҳаракати, насос ва компрессор машиналарининг тузилиши, ишлаш принципи ва уларни танлашга бағишиланган.

Кейинги 3-бобда гидромеханик жараёнлар, яъни турли жинсли газсизмон ва суюқлик аралашмаларини ажратишга бағишиланган. Бунда тиндириш ва чўқтириш, фильтрлаш, газларни тозалаш, мавҳум қайнаш қатлами гид-

родинамикаси, аралаштириш, тескари осмос ва ультрафильтрлаш каби жараёнлар ўрганилади. Ҳар бир бўлим охирида, ушбу жараённи интенсивлаш ёки қурилмани ҳисоблаш услуги келтирилган.

4-боб бутунлай иссиқлик алмашиниш жараёнлар назарияси, уни ташкил этиш усуллари ва қурилмаларига бағишиланган. Ундан ташқари, ушбу бобда иситиш, совитиш, буғлатиш ва конденсациялаш жараёнлари, иссиқлик элткичлар турлари ва ушбу жараёнларнинг асосий теорема ва қонуниятлари, ҳамда эритмаларни буғлатиш усуллари ва қурилмалари кўриб чиқилган. Шу билан бирга, бу бобда иссиқлик алмашиниш жараёнларини интенсивлаш усуллари, мосламалари ва перспектив иссиқлик алмашиниш қурилмалари келтирилган. Ушбу бобнинг якунида турли иссиқлик алмашиниш қурилмаларини ҳисоблаш кетма-кетлиги берилган.

Масса алмашиниш жараён ва қурилмалари 5-бобда баён этилган. Унда жараённинг назарий асослари билан бирга, абсорбция, ҳайдаш ва ректификация, экстракция, адсорбция, қуритиш, кристалланиш каби жараёнлар ва уларни қурилмалар билан жиҳозлаш тизимлари кўрсатилган.

6-бобда биокимёвий жараёнларда масса алмашиниш назарияси ва уни ўтказиш учун қурилмалар конструкциялари, тузилиши ва ишлаш принциplerи, ҳамда жараённинг умумлашган технологик схемалари келтирилган.

7,8-боблар механик жараёнларга бағишиланган. Уларда қаттиқ жисмларни майдалаш усуллари, жараёнларнинг назарий асослари, классификациялаш, гранулаш ва пресслаш, ҳамда бу жараёнларга тегишли қурилмалар конструкциялари ва уларни ҳисоблаш услублари берилган.

Кимёвий жараёнлар 9-бобда баён этилган бўлиб, унда жараён мувознати, кинетикиси, ташкил этиш усуллари ва реакторлар конструкциялари, ҳамда реакторларнинг аралаштириш, иссиқлик алмашиниш мосламалари ва бу турдаги қурилмаларнинг ҳисоблаш кетма-кетликлари келтирилган.

10-бобда сунъий совуқлик олиш, яъни ўрта ва ўта паст температура-лар олиш усуллари ва қурилмалари баён этилган.

11-бобда кимё саноатининг энерготехнология асослари, эксергия, кимёвий технология жараёнларининг эксергетик таҳлили ва термодинамик оптималлаш, ҳамда қурилмалар эксергиясининг ҳисоби келтирилган. Жумладан, китобнинг илова қисмида физик катталиклар ўлчам бирликлари системаси, асосий конструкцион материаллар ва уларни танлаш учун жадваллар берилган.

Ҳар боб унга тегишли қурилмаларни ҳисоблаш билан якунланади.

Китобнинг ҳажми чегараланганилиги ва фақат ўқув дастури тўлиқ ёритилиши лозим бўлганлиги сабабли дарсликда минимал миқдорда эмпирик формулалар ва ёрдамчи маълумотлар келтирилган.

Кимёвий технология асосий жараён ва қурилмаларини ҳисоблаш эмпирик тенгламалари, қурилма қисмлари ва деталлари тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар қўйидаги ўқув қўлланмаларда батағсил келтирилган:

Юсупбеков Н.Р., Нурмуҳамедов Ҳ.С., Исламатуллаев П.Р. «Кимё ва озиқ-овқат саноатларнинг жараёнлари ва қурилмалари фанидан ҳисоблар ва мисоллар». – Тошкент, Nisim, 1999. – 351 б;

- Юсупбеков Н.Р., Нурмуҳамедов Ҳ.С., Исламатуллаев П.Р., Зокиров С.Г., Маннанов У.В. «Кимё ва озиқ-овқат саноатларининг асосий жараён ва қурилмаларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш». – Тошкент, Жаҳон, 2000. – 266 б.

Бу икки китобларни ушбу дарсликнинг амалий қисми деб ҳисобласа бўлади.

Ушбу дарслик ТошКТИ «Технологик жараён ва қурилмалар» кафедраси профессор-ўқитувчиларининг кўп йиллик тажрибасига таяниб ёзилган. Ки-

тобнинг кириш, 1,3,5,6 боблари ЎзР ФА акад. Юсупбеков Н.Р., 4,5,7,8,9 боблари ва дарсликнинг якунидаги таянч сўз ва иборалар проф. Нурмуҳамедов Х.С. ва 4,10,11 боблари эса - проф. Зокиров С.Г лар томонидан ёзилган.

Муаллифлар номидан кафедра доценти Нигмаджонов С.К. га 2,3 бобларни ёзиб берганлиги ва проф. Вакил М.М.га 6 бобнинг тақризи учун катта миннатдорчилик билдирамиз.

Ушбу дарсликни компьютерда кафедранинг доц. Абдуллаев А.Ш., асс. Алиева Ш.Ш ғизборантлари Ўтбосарова М., Абдуллаева С., Ҳалирова Л., Тўхтаева М. ва талаба Шахабидинов Р.Ж. лар теришди. Муаллифлар номидан уларга катта миннатдорчилик билдирамиз.

Дарсликнинг сифатини яхшилаш учун қаратилган таклиф ва танқиди фикр-мулоҳазалар ташаккурлик билан қабул қилинади.

Қўлёзманинг тақризчилари: Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетининг «Саноат иссиқлик энергетикаси» кафедрасига, ЎзР ФА акад. Беглов Б.М. ва проф. Юсипов М.М. ларга катта миннатдорчилик билдирамиз.

Бизнинг манзилимиз: 700011, Тошкент, Навоий кўчаси, 32 уй. ТошКТИ, КТФ, «Технологик жараён ва қурилмалар» кафедраси.

## **1. «Жараён ва қурилмалар» фанининг мазмуни ва моҳияти**

«Жараён ва қурилмалар» фани бакалаврларни тайёрлашда умуммуҳандислик бўлим фанларидан, маҳсус фанларни ўрганишга ўтишда энг муҳим вазифани бажарувчи зарур фандир.

Ҳозирги кун фанининг аниқловчи ва тавсифловчи белгиларидан бири бу саноат ва техниканинг фан билан узвий боғланишининг чуқурлашиши ва кенгайишидир. Дунёнинг қўпчилик таниқли олимлари фан ва унинг амалиётда қўлланиши бир бутун ва узвий боғлиқ эканлигини таъкидлашган.

«Жараёнлар ва қурилмалар» фани ҳақидаги замонавий таълим кимё, физика, математика, механика, иссиқлик ва совуқлик техникаси, электротехника, кимёвий кибернетика, материалшунослик, саноат иқтисодиёти ва бошқа соҳалар фундаментал фанларининг асосий қонуналари таянади. Лекин, жараёнлар ва қурилмалар тўғрисидаги таълим фан сифатида аниқ, алоҳида курс бўлиб, ўзининг тажриба, ҳисоблаш услублари, ҳамда назарий қонуниятлари билан ажралиб туради.

Кимё, озиқ-овқат, нефт ва нефт маҳсулотларини қайта ишлаш, фармацевтика ва халқ хўжалиги саноатларининг бошқа тармоқлари учун умумий бўлган жараёнлар ва қурилмалар **асосий жараёнлар ва қурилмалар** деб аталади.

Исталган кимёвий ёки бошқа технологик жараён, унинг турли услубларда ўтказилишидан қатъий назар, ўзаро бир-бирига боғлиқ типик технологик босқичлар мажмусидан иборат.

**«Жараён ва қурилмалар» курсида асосий жараёнларнинг назарияси, ушбу жараёнларни амалга оширадиган машина ва қурилмаларнинг тузилиш принциплари ва уларни ҳисоблаш услублари ўрганилади.**

Маълумки, кимё, озиқ-овқат ва бошқа саноат технологиялари мураккаб ва кўпинча бир неча жараёнлардан ташкил топган бўлади.

Ушбу дарсликда асосий жараёнлар асослари келтирилган бўлиб, уларни ўрганиш учун бир хил кинетик қонуниятлар қўлланилган.

Замонавий саноат ишлаб чиқариш жараёнларини лойиҳалашда «Жараён ва қурилмалар» фанининг аҳамияти катта. Бу фан асосида турли хил

жараёнларнинг ҳисоблаш ва таҳлил қилиш, уларнинг оптимал параметрларини аниқлаш, зарур қурилмаларни ҳисоблаш ва лойиҳалаш мумкин. Ундан ташқари, ушбу курсда лаборатория шароитидаги жараён ва қурилмалардан саноат жараён ва қурилмаларига масштаб усулида ўтиш қонуниятлари ҳам ўрганилади. Бу қонуниятларни билиш, кўп тонналик саноат жараён ва қурилмаларини лойиҳалашга ёрдам беради ва зарур.

Лаборатория шароити ва кичик системаларда олинган тажрибавий натижалардан саноат ва катта кимёвий технологик системаларда фойдаланиш қонуниятлари **моделлаштириш** деб юритилади.

Моделлаштириш «жараён ва қурилмалар» фанининг муҳим вазифаларидан бири ва ажралмас қисми деб ҳисобланади. «Кимёвий технология ва биотехнология», «Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси», «Дон ва дон маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси», «Нефт ва нефт маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси», «Атроф муҳит мухофазаси», «Касбий таълим» йўналишларида бакалаврлар кенг мухандислик дунёқарашга эга мутахассислар бўлиши керак.

Ундан ташқари, улар жараёнларни технологик қурилмалар билан жиҳозлашнинг илмий принципларини тушуниши, қурилмаларни техникиётисодий характеристикаларини таҳлил қилиш, баҳолаш ва энг оптимал қурилмани танлаш, жараёнлар самарадорлигини ва тежамкорлигини ошириш омилларини апиқлаш, энергия сарфини ва маҳсулот таннархини камайтириш йўлларини билишлари керак.

Ундан ташқари, бакалаврлар саноат самарадорлигини ошириш учун илмий тадқиқот усулларини мукаммал билишлари зарур.

## 2. «Жараён ва қурилмалар» фанининг келиб чиқиши ва ривожланиши

«Жараён ва қурилмалар» фанининг келиб чиқиши кимё саноатининг ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, XVIII аср охири ва XIX асрнинг бошларига тўғри келади ва жуда қисқа вақт ичидаги кўпчилик мамлакатлар халқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бирига айланди. Кимё саноатининг ривожланиши билан турли саноатдаги жараёнларни умумлаштирувчи, машина ва қурилмаларнинг ҳисобини рационал ҳал этувчи фанга эҳтиёж куҷайди.

Ушбу фанни келиб чиқишида Россия, АҚШ олим ва мухандисларининг хиссалари катта. Биринчи бўлиб, 1828 йилда кимё саноатининг турли соҳаларида қўлланиладиган асосий жараён ва қурилмаларнинг умумий қатори тўғрисидаги фояни проф. Ф.А.Денисов билдириди. Сўнг эса, Д.И.Менделеев кимёвий технология асосий жараёнларининг классификациясини тузиб чиқди. XIX асрнинг охирида Санкт-Петербург технология институтининг профессори А.К.Крупский «Асосий жараёнлар ва қурилмаларни ҳисоблаш ва лойиҳалаш» фани бўйича маъруза ўқий бошлади.

Ундан кейин, Москва олий техника университетида проф.И.А.Тищенко ушбу фан бўйича маъруза ўқыйди. Шунинг учун, профессорлар А.К.Крупский ва И.А. Тищенколар «Жараёнлар ва қурилмалар» фанининг асосчилари ҳисобланади.

1923 йили АҚШ олимлари Уокер, Льюис ва Мак-Адамсларнинг «Жараён ва қурилмаларнинг принциплари» номли китоби чоп этилади.

«Жараён ва қурилмалар» тўғрисидаги фаннинг айрим бўлимларини ишлаб чиқишида проф.И.А.Тищенко (буғлатиш қурилмаларини ҳисоблаш назарияси), проф.Д.П.Коновалов (суюқ аралашмаларни ҳайдашнинг назарий асос-

лари), проф.Л.Ф.Фокин ва проф.К.Ф Павлов (оригинал ва чукур мазмунли монографиялари) катта хисса қўшишди. 1935 йилда проф.А.Г. Касаткин томонидан «Кимёвий технологиянинг асосий жараёнлари ва қурилм алари» дарслигининг чоп этилиши, уни фан сифатида тан олинишида ва ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Проф.Д.П.Коновалов кимёвий технология фанининг асосий вазифасини қўйидагича «Кимёвий технологиянинг энг асосий вазифаси шундаким, у жараёнлар ўтиши учун энг қулай шарт-шароитларни топиш ва уларга мос саноат асбоблари ва механик ускуналар лойиҳалаштириш» деб белгилаган.

Россияда жараён ва қурилмалар фани Д.И.Менделеев номли кимё-технология институтида алоҳида ривож топди. Бу институтдаги илмий мактабларга А.Г. Касаткин, В.В Кафаровлар раҳбарлик қилишган; МИХМда - А.Н. Плановский; М.В.Ломоносов номли МИТХТда - Н.И. Гельтерин.

Илмий мактаблар Ленсовет номли ЛТИ да (П.Г.Романков), КТИПП да (В.Н.Стабников, В.М.Лисянский) ҳам ташкил этилган.

«Жараён ва қурилмалар» фани Ўзбекистонда ўтган асрда илк бор ривож топа бошлади. 1950-60 йилларда Абу Райхон Беруни номидаги Тошкент политехника институти (ТошПИ)нинг Киме-технология факультетида «жараёнлар ва қурилмалар» фанига алоҳида эътибор берилди.

ТошПИнинг етук олимлари М.И.Ниёзов, Н.У.Ризаев, И.П.Левш, О.Б.Ерофеева ва Х.Т.Тошпўлатовлар фаннинг турли бўлимлари бўйича илмий мактаблар ташкил этишли.

Ўтган асрнинг 70-80 йилларида шу дарслик муаллифларидан ташқари З.Салимов, О.К.Убайдуллаев, В.И.Левш ва бошқалар жараён ва қурилмалар фани бўйича янги йўналишларга илмий раҳбарлик қилишди, катта ютуқларга эришишди, ўз илмий мактабларини ташкил этишли ва шу кунгача фаол ишлаб келишмоқда.

90-йилларда М.М.Юсипов (ион алмашини жараёнининг назарий асослари), Б.Э.Мухамедов (пахта чигити шротидан эритувчини ажратиш), Ш.Н.Нуритдинов (қаттиқ фаза иштирокидаги масса алмашини жараёнларини моделлаш), У.В.Маннанов (мураккаб реакцион-ажратиш жараёнларида иссиқлик ва масса алмашини) лар докторлик диссертацияларини ёқлашди ва шу кунгача ўз изланишлари билан жараён ва қурилмалар фанининг ривожланишига ўз хиссаларини қўшишмоқда.

### 3. Асосий технологик жараёнлар классификацияси

Жараён ва қурилмалар фанининг ривожланиши технологик жараёнларнинг илмий асосланган классификацияси ва тушунчалар системасини яратиш имконини берди.

Шунинг учун саноат жараёни, технология ва технологик қурилма, машина каби асосий тушунчаларни қўриб чиқамиз.

**Саноат жараёни** - маълум натижага эришиш учун амалга ошириладиган кетма-кет ҳаракатларнинг мажмуаси ва йигиндиси.

**Технология** – бу хом-ашёдан аввалдан белгиланган хоссаларга эга маҳсулот олиш мақсадида ўтказиладиган бир қатор усууллардир. Технологиянинг фан сифатидаги мақсади энг самарадор ва тежамкор технологик жараёнларни аниқлаш ва амалиётда қўллаш учун физик, кимёвий, механик ва бошқа қонуниятларини ўрганишdir.

\* processus (лотинча) - ҳаракат

**Технологик қурилма** технологик жараёнларни ўтказиш учун мүлжалланган қурилма", ускуна ёки мослама ёки жиҳоз.

**Машина** – энергия ёки материални ўзгартыриш учун механик ҳаракат қиладиган ускуна ёки мослама.

Кимё, озиқ-овқат ва бошқа технологияларни күп қирралы, турли асосий жараёнларнинг ўтиш қонуниятларига қараб асосан би гурухга ажратса бўлади: 1) гидромеханик жараёнлар; 2) иссиқлик алмашиниш жараёнлар; 3) масса алмашиниш жараёнлар; 4) механик жараёнлар; 5) кимёвий ва биокимёвий жараёнлар; 6) совитиш жараёнлар.

**ГИДРОМЕХАНИК ЖАРАЁНЛАР** – бу шундай жараёнларки, уларнинг тезлиги механика ва гидродинамика қонунлари билан белгиланади.

Уларга труба ва қурилмаларда газ ва суюқликларни узатиш, суюқликларни аралаштириш, эмульсия ва суспензияларни чўктириш, фильтрлаш, центрифугалаш каби усулларида ажратиш, тескари осмос ва ультра-фильтрлаш, донадор, сочиувчан материалларни мавхум қайнаши каби жараёнлар киради.

Ҳар бир саноатда қайси жараён бўлишидан қатъий назар, унинг тезлигини оширишга ҳаракат қилинади, чунки жараён тезлигини кўпайиши қурилманинг иш унумдорлигини ўсишига олиб келади. Гидромеханик, иссиқлик ва масса алмашиниш, ҳамда кимёвий жараёнларнинг кинетик қонуниятлари қўйидаги умумий қонун қўринишида ифодаланиши мумкин: жараённинг тезлиги ҳаракатлантирувчи кучга тўғри ва қаршиликка тескари пропорционал.

Агар, қаршиликка тескари катталикни тезлик коэффициенти деб белгиласак, гидромеханик жараёнлар учун кинетик тенглама ушбу қўринишига эга бўлади:

$$\frac{dV}{Fdt} = \frac{\Delta P}{R_1} = K_1 \Delta P$$

бу ерда  $V$  оқиб ўтадиган суюқлик миқдори;  $F$  - кўндалант кесим юзаси;  $t$  - вақт;  $K_1$  жараённинг тезлик коэффициенти;  $\Delta P$  ҳаракатга келтирувчи куч (босимлар фарқи);  $R_1$  - гидравлик қаршилик.

**ИССИҚЛИК АЛМАШИНИШ ЖАРАЁНЛАРИ** бу шундай жараёнларки, уларда, температураси юқори жисм (ёки муҳит) дан температураси паст жисмга (ёки муҳитга) иссиқлик ўтади. Уларга иситиш, пастеризация, стерилизация, совитиш, буғлатиш, конденсациялаш ва бошқалар киради. Иссиқлик алмашиниш жараёнларининг тезлиги иссиқлик ўтказиш қонунлари билан аниқланади ва қўйидаги кинетик тенглама орқали ифодаланади:

$$\frac{dQ}{Fdt} = \frac{\Delta t}{R_2} = K_2 \Delta t$$

бу ерда  $Q$  - ўтказилган иссиқлик миқдори;  $F$  – иссиқлик алмашиниш юзаси;  $K_2$  – иссиқлик ўтказиш коэффициенти;  $R_2$  - термик қаршилик;  $\Delta t$  - ўртача температурулар фарқи.

**МАССА АЛМАШИНИШ ЁКИ ДИФФУЗИОН ЖАРАЁНЛАР** бу шундай жараёнларки, бунда концентрацияси юқори фазадан концентрацияси паст фазага турли агрегат ҳолатларда масса ўтади.

---

apparatus (лотинча) - қурилма

Бу жараёнларга абсорбция ва десорбция, ҳайдаш ва ректификация, адсорбция, экстракциялаш, эриш, кристалланиш, намлаш, қуриши, ион алмашиниш ва бошқалар киради.

Масса алмашиниш жараёнларнинг тезлиги масса ўтказиш қонунлари билан аниқланади ва қуйидаги кинетик тенглама орқали топилади:

$$\frac{dM}{F \cdot d\tau} = \frac{\Delta C}{R_3} = K_3 \cdot \Delta C$$

бу ерда  $M$  – ўтказилган масса миқдори;  $\Delta C$  жараённи ҳаракатта келтирувчи куч, ўртача концентрациялар фарқи;  $K_3$  - масса ўтказиш коэффициенти;  $R_3$  – диффузия қаршилик.

**МЕХАНИК ЖАРАЁНЛАР** – бу шундай жараёнларки, уларда жисмларнинг фақат механик ўзаро таъсирида ўтади. Уларга қаттиқ, сочилувчан материалларни майдалаш, классификациялаш (синфлаш), пресслаш, грануллаш ва бошқалар киради.

**КИМЁВИЙ ВА БИОКИМЁВИЙ ЖАРАЁНЛАР** бу шундай жараёнларки, уларда моддаларнинг кимёвий таркиби ва хоссалари ўзгариши билан характерланади. Ушбу жараёнларнинг тезлиги кимёвий кинетика қонунлари билан аниқланади ва қуйидаги тенглама ёрдамида ифодаланади:

$$\frac{dM}{Vdt} = K_4 \cdot f(c)$$

бу ерда  $M$  кимёвий жараён пайтида ўтган масса миқдори;  $V$  - реактор (курилма) ҳажми;  $K_4$  кимёвий жараён тезлиги коэффициенти;  $f(c)$  – жараённи ҳаракатта келтирувчи куч бўлиб, реакцияда иштирок этувчи моддалар концентрацияларининг функциясидир.

Шундай қилиб, юқорида кўриб чиқилган ҳамма кинетик тенгламалар қуйидаги умумий кўринишга келтирилиши мумкин:

$$I = Ix$$

бу ерда  $I$  жараённи ўтиш тезлиги;  $x$  – жараённи ҳаракатта келтирувчи куч, турли катталиклар фарқи (босим, температура, концентрация);  $I$  ўтказувчаник коэффициенти, бирор жараён учун скаляр катталик бўлиб, қаршиликка тескари катталик.

Турли жараёнларнинг тезлик коэффициентлари асосан материал оқимларининг ҳаракат тезлигига боғлиқ. Шунинг учун, ҳамма кинетик қонуниятлар материал оқимларининг ҳаракат қонунларига асосланади.

Кинетик тенгламалар таҳлили жараённи интенсивлашнинг умумий принципларини аниқлаш имконини беради. Жараён тезлигини ошириш учун ҳаракатта келтирувчи кучни ошириш ва қаршиликни камайтириш керак.

Исталган жараён таҳлил қилинганда «ҳаракатта келтирувчи куч» асосий омилдир.

Жараёнларнинг кинетик қонуниятларини билиш ва тўғри аниқлаш турли хилдаги қурилмаларнинг асосий ўлчамларини топишда асос бўлади.

## 1-боб. УМУМИЙ ҚИСМ

Кимё ва озиқ-овқат саноатларида турли хил хом-ашёлар қайта ишланади ва натижада қаттиқ, суюқ, бүг ва газ агрегат холатларидаги турли туман тайёр маҳсулотлар олинади. Маълумки, ҳар бир жараён ва қурилмаларни ҳисоблаш учун хом-ашё ва маҳсулотларнинг хоссаларини билдиш зарур.

### 1.1. Хом-ашё, материал ва маҳсулотларнинг асосий хоссалари

Хом-ашёни қайта ишлаш натижасида ҳосил бўлган кўпгина кимё ва озиқ-овқат маҳсулотлари турли жинсли системалардан ташкил топган бўлади. Уларнинг асосий физик-механик ва диффузион-иссиқлик хоссалари зичлик, солиштирма оғирлик, қовушоқлик, сиртий таранглик, иссиқлик сифим ва ўтказувчанлик, температура ўтказувчанлик ва бошқалар билан характерланади.

**Зичлик.** Ҳажм бирлигидаги  $V$  бир жинсли жисмнинг массаси  $m$  зичлик  $\rho$  деб юритилади:

$$\rho = \frac{m}{V} \quad (1)$$

бу ерда  $\rho$  - зичлик, кг/м<sup>3</sup>;  $m$  - масса, кг;  $V$  - ҳажм, м<sup>3</sup>.

Зичлик катталигига тескари бўлган катталик солиштирма ҳажм  $v$  деб юритилади:

$$v = \frac{V}{m} \quad (2)$$

бу ерда  $v$  - солиштирма ҳажм, м<sup>3</sup>/кг.

Нисбий зичлик  $\Delta$  деб модда  $\rho$  зичлигининг сув зичлиги  $\rho_c$  нисбатига айтилади ва ушбу кўринишга эга:

$$\Delta = \frac{\rho}{\rho_c} \quad (3)$$

Суюқ, тоза моддалар эритмаларининг зичлиги эриган модда концентрацияси ва эритма температурасига боғлиқ;

$$\rho = f(KM, T) \quad (4)$$

бу ерда  $KM$  - қуруқ модда концентрацияси, %;  $T$  - эритма температураси, К.

Суюқлик аралашмасининг ҳажмини компонентлар ҳажмларининг йигиндисига teng деб қабул қилиб, унинг зичлигини ушбу формуладан аниқлаш мумкин:

$$\frac{1}{\rho_{ap}} = \frac{x_1}{\rho_1} + \frac{x_2}{\rho_2} + \dots \quad (5)$$

бу ерда  $x_1, x_2, \dots$  - компонентларнинг массавий улушлари;  $\rho_{ap}, \rho_1, \rho_2, \dots$  - аралашма ва компонентларнинг зичликлари, кг/м<sup>3</sup>.

Сүспензия зичлиги  $\rho_{cyc}$  қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб топила-ди:

$$\frac{1}{\rho_{cyc}} = \frac{x}{\rho_k} + \frac{1-x}{\rho_c} \quad \text{ёки} \quad \rho_{cyc} = \rho_k \cdot x + \rho_c \cdot (1-x) \quad (6)$$

бу ерда  $x$  - сүспензия таркибидаги қаттиқ фазанинг массавий улушки;  $\rho_k$  ва  $\rho_c$  қаттиқ ва суюқ фазаларнинг зичликлари, кг/м<sup>3</sup>.

Қанд қиёми, мева ва мева-резаворларнинг шарбати ёки шакарли сут каби суюқликларнинг 20°C температурадаги зичлиги ушбу формуладан аниқланади:

$$\rho_{20} = 10 \cdot [1,42 \cdot x + (100 - x)] \rho \quad (7)$$

бу ерда  $x$  - куруқ моддалар концентрацияси, %.

Агарда, температура 20°C дан фарқли бўлса, қуйидаги формула қўлланилади:

$$\rho_t = \rho_{20} - 0,5(t - 20) \quad (8)$$

бу ерда  $t$  - маҳсулот температураси, °C.

Томат маҳсулотларининг зичлиги эса, ушбу формулада ҳисобланади:

$$\rho = 1016,76 + 4,4 \cdot x - 0,53 \cdot t \quad (9)$$

**a** ва **b** компонентлардан ташкил топган бинар, турли жинсли системаларнинг зичлиги:

$$\rho = \left( \frac{m_a}{\rho_a} + \frac{m_b}{\rho_b} \right)^{-1} \quad (10)$$

формуладан аниқланади.

Бу ерда  $m_a$  - аралашма таркибида **a** компонентнинг массавий улушки;  $m_b = 1 - m_a$  - аралашма таркибида **b** компонентнинг массавий улушки;  $\rho_a$  ва  $\rho_b$  - **a** ва **b** компонентларнинг зичликлари, кг/м<sup>3</sup>.

Агарда, бинар, турли жинсли система  $\rho_k$  бўлган қаттиқ заррачалар ва  $\rho_c$  бўлган суюқ, моддалардан таркиб топган бўлса, унинг зичлиги қўйидаги формуладан топилади:

$$\rho = \left( \frac{m_k}{\rho_k} + \frac{1 - m_k}{\rho_c} \right)^{-1} \quad (11)$$

бу ерда  $m_k$  - аралашмадаги заррачаларнинг массавий улушки.

Исталган газнинг **T** температура ва **P** босимдаги зичлиги ушбу формулада ҳисобланади:

$$\rho = \rho_o \cdot \frac{T_o \cdot p}{T \cdot p_o} = \frac{M}{22,4} \cdot \frac{273 \cdot p}{T \cdot p_o} \quad (12)$$

бу ерда  $\rho_o = M/22,4$  - нормал шароитда (0°C ва 760 мм.сим.уст.) газнинг зичлиги, кг/м<sup>3</sup>;  $M$  - моляр масса, кг;  $T$  - температура, К.

Газ аралашмасининг зичлиги эса қуйидаги тенгламадан аниқланади:

$$\rho_{ap} = y_1 \cdot \rho_1 + y_2 \cdot \rho_2 + \dots \quad (13)$$

бу ерда  $y_1, y_2, \dots$  аралашма компонентларининг ҳажмий улушлари;  $\rho_1, \rho_2, \dots$  компонентларнинг тегишли зичликлари, кг/м<sup>3</sup>.

Сочилувчан материал ва маҳсулотлар зичлиги одатда "тўкма" зичлик орқали ифодаланиб, материалнинг қаттиқ заррачаларининг ҳақиқий зичлиги ва улар орасидаги бўшлиққа боғлиқдир:

$$\rho_t = (1 - \varepsilon) \cdot \rho_k \quad (14)$$

бу ерда  $\rho_t$  - сочилувчан материалнинг "тўкма" зичлиги, кг/м<sup>3</sup>;  $\rho_k$  - қаттиқ заррачаларнинг ҳақиқий зичлиги, кг/м<sup>3</sup>;  $\varepsilon$  - қатлам заррачалари орасидаги бўшлиқ

$$\varepsilon = \frac{V - V_o}{V} \quad (15)$$

бу ерда  $V$  - донасимон қатлам ҳажми, м<sup>3</sup>;  $V_o$  - қатламдаги заррачалар эгаллаган ҳажм, м<sup>3</sup>

Оддий сочилувчан материаллар "тўкма" қатламининг бўш ҳажми одатда  $\varepsilon = 0,38-0,42$  га тенгдир.

Қаттиқ мева ва мева-резаворларнинг физик зичлиги ва "тўкма" зичликлари орасида қуйидаги боғлиқлик бор:

олма ва карам учун

$$\rho_t = 0,55 \cdot \rho$$

қолган хом-ашёлар учун эса

$$\rho_t = 0,6 \cdot \rho$$

Пахта чигитининг ҳақиқий зичлигини қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб топиш мумкин [13]:

$$\rho = 666,7 \cdot 10^{0,2} \quad (16)$$

Чигитнинг "келтирилган" зичлиги унинг момиклигига боғлиқ бўлиб, сон жиҳатдан 650...1110 кг/м<sup>3</sup> оралиқда бўлади [4,13].

**Солиширма оғирлик.** Ҳажм  $V$  бирлигидаги суюқликнинг оғирлиги  $G$  солиширма оғирлик  $\gamma$  дейилади:

$$\gamma = \frac{G}{V} \quad (17)$$

бу ерда  $G$  - суюқлик оғирлиги, Н;  $V$  - ҳажм, м<sup>3</sup>;  $\gamma$  - солиширма оғирлик, Н/м<sup>3</sup>.

Масса билан оғирлик ўзаро қуйидагича боғланган:

$$m = \frac{G}{g} \quad (18)$$

бу ерда  $g = 9,81$  м/с<sup>2</sup> - эркин тушиш тезланиши.

Масса миқдорини солиширма оғирлик формуласига қўйсан, зичлик билан солиширма оғирликнинг ўзаро боғланиш нисбати қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\gamma = \rho \cdot g$$

(19)

**Қовушоқлик.** Динамик қовушоқлик коэффициенти  $\mu$  нинг суюқлик зичлиги  $\rho$  га нисбати кинематик қовушоқлик  $\nu$  дейилади:

$$\nu = \frac{\mu}{\rho} \quad (20)$$

бу ерда  $\nu$  - кинематик қовушоқлик,  $m^2/c$ ;  $\mu$  - динамик қовушоқлик,  $\text{Па}\cdot\text{s}$ .

20°C температурада күпчилик органик суюқликларнинг динамик қовушоқлик коэффициенти қўйидаги эмпирик формула ёрдамида ҳисобланса бўлади [5]:

$$\lg(\lg \mu) = \left( \sum A \cdot n + \sum P \right) \frac{\rho}{10^3 M} - 2,9 \quad (21)$$

бу ерда  $\mu$  - атмосфера босими ва 20°C да суюқликнинг динамик қовушоқлик коэффициенти,  $\text{мPa}\cdot\text{s}$ ;  $\rho$  - суюқлик зичлиги,  $\text{kg}/\text{m}^3$ ;  $M$  - моль масса,  $\text{kg}/\text{кмоль}$ ;  $A$  - органик бирикма таркибидаги бир хил атомларнинг сони;  $n$  - атом молекуласи константасининг сон қийматлари;  $P$  - атомлар орасидаги боғлиқлик характеристи ва гурӯҳлашга киритиладиган тузатма қиймати.

Атом константалари  $n$  ва тузатма  $P$  ларнинг қийматлари иловадаги 2- жадвалда келтирилган [5].

Нормал (ассоциацияланмаган) суюқликлар аралашмасининг динамик қовушоқлик коэффициенти  $\mu_{ap}$  ни ушбу формула орқали ҳисоблаб аниқлаш мумкин:

$$\lg \mu_{ap} = x_1 \cdot \lg \mu_1 + x_2 \cdot \lg \mu_2 + \dots \quad (22)$$

бу ерда  $\mu_1, \mu_2, \dots$  - компонентларнинг динамик қовушоқлик коэффициентлари;  $x_1, x_2, \dots$  - аралашмадаги компонентларнинг моль улуши.

Суспензиянинг динамик қовушоқлик коэффициенти қўйидаги формула ёрдамида топилиши мумкин:

қаттиқ фаза концентрацияси 10% (ҳажм.) дан кам бўлганда

$$\mu_{cyc} = \mu_c \cdot (1+2,5\varphi) \quad (23)$$

қаттиқ фаза концентрацияси 10% (ҳажм.) дан кўп бўлганда

$$\mu_{cyc} = \mu_c \cdot (1+4,5\varphi) \quad (24)$$

қаттиқ фаза концентрацияси 30% (ҳажм.) гача бўлганда

$$\mu_{cyc} = \mu_c \cdot \frac{0,59}{(0,77 - \varphi)^2} \quad (25)$$

бу ерда  $\mu_c$  - тоза суюқликнинг динамик қовушоқлик коэффициенти;  $\varphi$  - суспензия таркибидаги қаттиқ фазанинг ҳажмий улуши. Кўпчилик суюқликларнинг динамик қовушоқлик коэффициентлари адабиётларда берилган [5,8,17,25,55].

Бирор  $t$  температурада шарбатлар, қиёmlар, күолтирилган ва хом сутларнинг динамик қовушоқлик коэффициенти ушбу формуладан аниқланади:

$$\mu_t = \frac{12,9 \cdot \mu}{t^{0,85}} \quad (26)$$

бу ерда  $\mu$  -  $20^{\circ}\text{C}$  температурадаги динамик қовушоқлик.

Хом сут учун

$$\mu_t = 0,7 \cdot \exp(0,06 + 0,08 \cdot x) \quad (27)$$

бу ерда  $x$  - қуруқ моддалар концентрацияси.

Ўсимлик ёғларининг динамик қовушоқлик коэффициенти ( $\text{мПа}\cdot\text{с}$ ):

$$\mu_t = \frac{0,175}{10 \cdot \exp(0,31 + 0,026 \cdot t)} \quad (28)$$

томуат маҳсулотлари учун ( $\text{Па}\cdot\text{с}$ ):

$$\mu_t = 0,0199 \cdot x^{2,94} \cdot t^{-1,17} \quad (29)$$

Ҳар хил температураларда газларнинг динамик қовушоқлик коэффициенти маҳсус адабиётларда келтирилган [25].

Газ аралашмаларининг динамик қовушоқлик коэффициенти қўйидаги таҳминий формула ёрдамида ҳисоблаш мумкин:

$$\frac{M_{\epsilon_p}}{\mu_{\epsilon_p}} = \frac{y_2 \cdot M_1}{\mu_1} + \frac{y_2 \cdot M_2}{\mu_2} + K \quad (30)$$

бу ерда  $M_{ap}$ ,  $M_1$ ,  $M_2$ , - газ аралашмаси ва компонентларнинг моль массаси;  $\mu_{ap}$ ,  $\mu_1$ ,  $\mu_2$ , - тегишили динамик қовушоқлик коэффициентлари;  $y_1$ ,  $y_2$ , - аралашмадаги компонентларнинг ҳажмий улушлари.

Атмосфера босимида бир қатор газларнинг (кокс, генератор газлари ва бошқалар) динамик қовушоқлик коэффициенти  $\mu_{ap}$  ни ҳисоблаш учун қўйидаги эмпирик formulани ҳам қўллаш мумкин:

$$\mu_{\epsilon_p} = \frac{y_1 \cdot \mu_1 \cdot \sqrt{M_1 \cdot T_{kp1}} + y_2 \cdot \mu_2 \cdot \sqrt{M_2 \cdot T_{kp2}} + K}{y_1 \cdot \sqrt{M_1 \cdot T_{kp1}} + y_2 \cdot \sqrt{M_2 \cdot T_{kp2}} + K} \quad (31)$$

бу ерда  $\mu_{ap}$  - аралашманинг  $t$  температурадаги динамик қовушоқлик коэффициенти;  $\mu_1$ ,  $\mu_2$ , -  $t$  температурада компонентларнинг динамик қовушоқлик коэффициентлари;  $y_1$ ,  $y_2$ , - компонентларнинг ҳажмий улушлари;  $M_1$ ,  $M_2$ , - компонентларнинг моль массалари;  $T_{kp1}$ ,  $T_{kp2}$ , - компонентларнинг критик температуралари, К.

Ҳар хил газлар учун  $\sqrt{M \cdot T_{kp}}$  қийматлари иловадаги З - жадвалда берилган [5].

Динамик қовушоқлик коэффициентининг температурага боғлиқлиги ушбу формула билан ифодаланади:

$$\mu_t = \mu_0 \cdot \frac{273 + C}{T + C} \cdot \left( \frac{T}{273} \right)^{1,5} \quad (32)$$

бу ерда  $\mu_0$  -  $0^{\circ}\text{C}$  температурадаги динамик қовушоқлик коэффициенти;  $T$  - темпера-тура, К;  $C$  - Сатерленд константаси.

**Сиртий таранглик** σ ўзгармас температурада фазаларни ажратувчи юзани бир бирлікка күпайтириш учун сон жиҳатдан баробар сарфланадигап ишга тенг қыйматдир.

Агарда, бир томчи суюқлик ташқи күчлардан ҳоли бўлса, у сиртий таранглик кучи таъсирида шар шаклини олади.

Сиртий таранглик температурага боғлик бўлади ва температура ортishi билан унинг сон қыйматлари камаяди.

Баъзи суюқликлар учун сиртий тарангликнинг сон қыйматлари 1-1 жадвалда ва иловадаги 4 - жадвалда келтирилган [5,6].

### 1-1 жадвал

Суюқликларнинг сиртий таранглиги

Суюқлик	Температура, °C	Сиртий таранглик, σ 10³, Н/м
Сув	0	75,6
	20	72,8
Оливка ёғи	20	32,0
Этил спирти	20	24,1
Метил спирти	20	22,6
Сирка кислота	20	27,8

**Иссиқлик сифим** c - моддага қандайдир жараёнда берилётган иссиқлик миқдорининг тегишли температура ўзариши нисбатига айтилади.

Амалиётда массавий, ҳажмий ва моль солиштирма иссиқлик сифимлари ишлатилади. Солиштирма иссиқлик сифими қайси жараёнда (изobar, изохор, изотермик, адабатик, политроник) модда ва атроф муҳит орасида энергия алмашинишига боғлиқдир. Ҳисоблашларда жуда кўп изобар  $c_p$  ва изохор  $c_v$  иссиқлик сифимлар қўлланилади.

Ўзаро бу икки солиштирма иссиқлик сифимлар Майер формуласи билан боғлиқдир [24,61]:

$$c_p - c_v = R \quad (33)$$

бу ерда  $R$  - универсал газ константаси, Ж/(моль·К) ёки Ж/(кг·К).

Изобар иссиқлик сифимнинг изохор иссиқлик сифим нисбатига адабата кўрсаткичи дейилади:

$$\frac{c_p}{c_v} = k \quad (34)$$

### 1-2 жадвал

Баъзи моддаларнинг солиштирма иссиқлик сифими

T/p	Моддалар номи	Солиштирма иссиқлик сифими, кЖ/(кг·К)
1.	Суюқликлар	0,80 4,19
2.	Газлар	0,50 2,2
3.	Қаттиқ моддалар	0,13 1,8
4.	Ҳайвон маҳсулотларининг куруқ моддалари	1,38 1,68
5.	Ўсимлик маҳсулотларининг куруқ моддалари	0,71 ... 1,36

Турли жинсли системаларнинг солишиштирма иссиқлик сифими одатда аддитивлик (тўғри пропорционаллик) қоидасига бўйсинади ва ушбу формуладан аниқланади:

$$c_p = c_1 \cdot m_1 + c_2 \cdot m_2 + c_3 \cdot m_3 + \dots \quad (35)$$

бу ерда  $c_1, c_2, c_3, \dots$  - компонентларнинг солишиштирма иссиқлик сифимлари;  $m_1, m_2, m_3, \dots$  - аралашмадаги компонентларнинг массавий улушлар.

Томат маҳсулотларининг солишиштирма иссиқлик сифими ушбу формулада ҳисобланади:

$$c = 4228,7 - 20,98x - 10,88 \cdot t \quad (36)$$

Ўсимлик хом-ашёлариники эса

$$c = c_{\text{ахм}} \cdot (1 - 0,01 \cdot W) + 41,87W \quad (37)$$

бу ерда  $c_{\text{ахм}}$  - абсолют қуруқ мөдданинг солишиштирма иссиқлик сифими;  $W$  - памлик, %.

Сахарозанинг солишиштирма иссиқлик сифими

$$c = 4190 - 0,01 \cdot x \cdot 2510 - 7,54 \cdot t + 4,61 \cdot (100 - \mathcal{D}b) \quad (38)$$

бу ерда  $x$  - қуруқ мөддалар концентрацияси;  $\mathcal{D}b$  - маҳсулот сифати, %.

ҳамирники:

$$c = 1675 \cdot (1 + 0,015 \cdot W) \quad (39)$$

буғдойники:

$$c = 1550 + 26,4 \cdot W \quad (40)$$

Пахта чигити мураккаб, кўп компонентли система бўлгани учун тўғридан-тўғри унинг солишиштирма иссиқлик сифимини аниқлаш қийин. Чигит каби гетероген материаллар учун эффектив солишиштирма иссиқлик сифимини топиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун ҳар бир компонентнинг, яъни магиз, чигит қобиги ва пахта толаларининг солишиштирма иссиқлик сифимларини билиш керак [5].

Пахта толасининг солишиштирма иссиқлик сифимини қуйидаги формула орқали топилади [5,13]:

$$c = c_{\text{ахм}} \cdot \left( 1 - \frac{W}{100} \right) + \frac{c_c \cdot W}{100} \quad (41)$$

бу ерда  $c_c$  - сувнинг солишиштирма иссиқлик сифими.

Пахта чигитининг магизи ва қобигининг солишиштирма иссиқлик сифимлари проф. Нурмуҳамедов Ҳ.С. томонидан таклиф этилган эмпирик формулалар ёрдамида ҳисобланади [5,6,13]:

магиз учун

$$c = 540 + (3,56 \cdot W^{0,8} + 0,73) \cdot (T - 110,5) \quad (42)$$

қобиғ учун

$$c = 60 + 4 \cdot (T - 50) \cdot \exp 0,028 \cdot W \quad (43)$$

күнжара учун

$$c = (0,05 + 0,02 \cdot W) \cdot T^{1,25} \quad (44)$$

бу ерда  $W$  - маңыздыл намлиги, %;  $T$  - абсолют температура, К.

Пахта чигитининг эфектив солиштирма иссиқлик сифими ушбу формулада ҳисобланади [5,6,13]:

$$\begin{aligned} c_{ef} = m_1 & \left[ c_{акм} \cdot \left( 1 - \frac{W}{100} \right) + \frac{c_c \cdot W}{100} \right] + m_2 \\ & \cdot [60 + 4 \cdot (T - 50) \cdot \exp 0,028 \cdot W] + \\ & + m_3 \cdot \left[ 540 + (356 \cdot W^{0,8} + 0,73) \cdot (T - 110,5) \right] \end{aligned} \quad (45)$$

бу ерда  $m_1$ ,  $m_2$ ,  $m_3$ , пахта толаси, чигит магизи ва қобиғининг массавий улушлари.

(45) формула ёрдамида ҳисоблаб чиқилган пахта чигитининг эфектив солиштирма сифимлари 1-3 жадвалда көлтирилган [13].

### 1-3 жадвал

T, K	Эффектив солиштирма иссиқлик сифими $c_{ef}$ , Ж/(кг·К)							
	Пахта чигитининг момиқлиги, %							
	0	5	10	15	20	25	30	35
250	1466	1460	1454	1448	1441	1435	1429	1423
300	1812	1808	1804	1801	1797	1793	1789	1785
350	2158	2137	2116	2095	2073	2052	2031	2010
400	2504	2466	2427	2389	2360	2312	2273	2245
450	2850	2794	2738	2683	2627	2571	2515	2460

Иссиқлик ўтказувчанлик  $\lambda$  бу микрозаррачаларнинг ўзаро таъсири ва иссиқлик ҳаракати натижасида иссиқ жисмдан совук жисмга энергия ўтказилиши туфайли жисм температурасининг турғунлашишидир.

Қаттиқ материал, суюқлик ва газларда иссиқлик ўтказувчанликнинг интенсивлиги иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти  $\lambda$  билан характерлана-ди.

30°C температурадаги суюқликнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти ушбу формула ёрдамида ҳисобланиши мумкин:

$$\lambda_{30} = A_1 \cdot c \cdot \rho \cdot \sqrt[3]{\frac{\rho}{M}} \quad (46)$$

бу ерда  $A_1$  суюқликнинг ассоциацияланиш даражасига боғлиқ коэффициент;  $c$  - суюқликнинг солиштирма иссиқлик сифими, Ж/(кг·К);  $\rho$  суюқлик зичлиги, кг/м<sup>3</sup>;  $M$  - моль масса.

сув учун  $A_1 = 3,58 \cdot 10^{-8}$   
бензол учун  $A_1 = 4,22 \cdot 10^{-8}$

Бирор  $t$  температурадаги суюқликнинг иссиқлиқ ўтказувчанлик коэффициенти ушбу формуладан топилади:

$$\lambda_r = \lambda_{20} \cdot [1 - \varepsilon \cdot (t - 30)] \quad (47)$$

бу ерда  $\varepsilon$  - температура коэффициенти.

Метил спирти учун  $\varepsilon = 1,2 \cdot 10^3 \text{ C}^{-1}$ ;

Этил спирти учун  $\varepsilon = 1,2 \cdot 10^3 \text{ C}^{-1}$ ;

Мева, мева-резаворлар шарбати, қиёмлар, шакарли сут учун  $\lambda$  коэффициенти ушбу формуладан аниқланади:

$$\lambda_r = \lambda_{20} + 0,00068 \cdot (t - 20) \quad (48)$$

$20^\circ\text{C}$  да эса

$$\lambda_{20} = 0,593 - 0,025 \cdot x^{0,53} \quad (49)$$

бу ерда  $x$  - абсолют қуруқ моддалар концентрацияси.

Томат маҳсулотларининг  $\lambda$  коэффициенти куйидаги формуладан топилади:

$$\lambda = (528 - 4,04 \cdot x + 2,05 \cdot t) \cdot 10^{-3} \quad (50)$$

$0 < x < 65\%$  ва  $80^\circ\text{C}$  гача бўлган оралиқда сахарозанинг иссиқлиқ ўтказувчанлик коэффициенти эса,

$$\lambda = (1 - 5,479 \cdot 10^{-3} \cdot x) \cdot (0,5686 + 1,514 \cdot 10^{-3} \cdot t - 2,2 \cdot 10^{-6} \cdot t^2) \quad (51)$$

Донасимон тукли, кўп компонентли пахта чигитининг эффектив иссиқлиқ ўтказувчанлик коэффициенти ҳам проф. Нурмуҳамедов X.C. томонидан келтириб чиқарилган формуладан топилади [5,6,13]:

$$\lambda_{eff} = f \cdot \left( \frac{1}{r_1} - \frac{1}{r_5} \right) \cdot \left[ \frac{1}{\lambda_1} \left( \frac{1}{r_1} - \frac{1}{r_2} \right) + \frac{1}{\lambda_2} \left( \frac{1}{r_2} - \frac{1}{r_3} \right) + \frac{1}{\lambda_3} \left( \frac{1}{r_3} - \frac{1}{r_4} \right) + \frac{1}{\lambda_4} \left( \frac{1}{r_4} - \frac{1}{r_5} \right) \right]^{-1} \quad (52)$$

бу ерда  $r_1, r_2, r_3, r_4, r_5$  - бўшлиқ, ядро, ҳаво қатлами, қобиқ ва момиқлик радиуслари.  $m$ ;  $\lambda_1, \lambda_2, \lambda_3, \lambda_4$  ядро, ҳаво, қобиқ ва пахта толаларининг иссиқлиқ ўтказувчанлик коэффициентлари,  $\text{Вт}/(\text{м}\cdot\text{К})$ ;  $f$  - шакл коэффициенти.

Нотўғри шаклга эга бўлган пахта чигити учун  $f$  ушбу формуладан топилади [13]:

$$f = 1,063 + 5,5 \cdot 10^{-2} \cdot O_n \quad (53)$$

бу ерда  $O_n$  - пахта чигитининг момиқлиги бўлиб, одатда унинг сон қийматлари  $f = 0,89-0,93$  оралиқда бўлади.

(52) формула ёрдамида ҳисобланган пахта чигитининг эффектив иссиқлиқ ўтказувчанлик коэффициентининг қийматлари 1-4 жадвалда келтирилган.

Т, К	О <sub>п</sub> , момигликдаги λ, Вт/(м·К)					
	0	3	6	9	12	15
250	0,484	0,477	0,470	0,464	0,457	0,453
300	0,406	0,401	0,395	0,390	0,384	0,380
350	0,433	0,427	0,421	0,415	0,409	0,405
400	0,377	0,318	0,313	0,309	0,304	0,301
450	0,291	0,287	0,283	0,279	0,275	0,272

Маълумки, температура ўзгариши билан маҳсулотнинг иссиқлик ва физик хоссалари кескин ўзгаради. Материал хоссаларининг бунчалик ўзгаришига уларнинг таркибидаги сув ёки музларнинг асосий хоссаларидаги катта фарқ сабабчидир (1-5 жадвал).

1-5 жадвал

т/р	Хоссалар	Бирлиги	Сув	Муз
1.	Солишима иссиқлик сифим	с, кЖ/(кг·К)	4,190	2,10
2.	Иссиқлик ўтказувчанлик	λ, Вт/(м·К)	0,554	2,21
3.	Температура ўтказувчанлик	а · 10 <sup>6</sup> , м <sup>2</sup> /с	0,130	0,17
4.	Зичлик	ρ, кг/м <sup>3</sup>	999,5	916,2

## 1.2. Ўхшашлик назарияси асослари

### Кимёвий технология жараёнларини ўрганиш йўллари

Жараёнларни таҳлил қилиш ва ҳисоблаш учун тенгламаларни келтириб чиқариш мақсадида уларни назарий усулда амалга оширса бўлади.

Ушбу йўл энг қулагай бўлиб, жараёнларни тавсифловчи математик тенгламалар (кўпинча дифференциал) тузиш ва уларни счишдан иборатdir.

Бир турдаги бутун бир синфга оид ҳодиса ва воқеаларни дифференциал тенгламалар ифода этади. Ушбу синфдан бирор аниқ бир ҳодиса ёки воқеани ажратиб олиш учун дифференциал тенглама қўшимча шартлар (бир хиллик шартлари) билан чегараланади.

Бир хиллик шартлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олган: геометрик шакл ва система қурилма ўлчамларини; жараённи олиб бориш шартлари, яъни моддалар физик ўзгармас катталикларини; бошланғич шартлари, яъни бошланғич тезлик, температура, концентрация ва ҳоказо; система чегарасида ҳолатни характерловчи чегаравий шартларни, масалан, труба девори яқинида тезликнинг нолга тенглиги.

Лекин, кимёвий ва озиқ-овқат технологияларининг аксарияти жуда мураккаб ва ўзгарувчи параметрлар кўплиги билан характерланади. Шунинг учун, кўпинча фақат масаланинг математик ва бир хиллик шартлар ифодасини олиш мумкин. Олинган дифференциал тенгламаларни математикада маълум усуллар билац ечиб бўлмайди.

Турбулент оқимларда иссиқлик ва масса алмашиниш жараёнларини назарий ўрганишда ҳам худди шундай қийинчиликлар бор.

Ундан ташқари, хаттоғи мұраккаб жараёнларни ифодаловчи дифференциал тенгламалар системасини ҳам тузиб бўлмайди.

Шундай қилиб, қурилмани лойиҳалаш учун зарур ҳисоблаш тенгламаларини назарий келтириб чиқариш имконияти йўқ. Бундай ҳолатларда тажриба ўтказиш йўли билан жараённи характерловчи катталиклар орасидаги боғлиқлик аниқланади.

Олинган тажриба маълумотлари асосида эмпирик тенгламалар келтириб чиқарилади. Ушбу тенгламалар хусусий характерга эга бўлиб, улардан фақат аниқ шароитларда фойдаланиш мумкин. Одатда эмпирик тенгламалар маълум қадр-қийматга эга ва уларни мухандислик ҳисоблашларда кўлланилади.

Лекин ҳар қандай мұраккаб жараённи тадқиқот қилиш вақтида умумий бўлган қонуният ва тенгламаларни келтириб чиқариш керак. Улар ёрдамида бирор хусусий тажриба натижаларини бошқа жараёнларни ҳам текширишга қўллаш имконияти бўлсин. Шу мақсадга тажриба натижаларини қайта ишлашда, ўхшашик назарияси усулларини қўллаш орқали эришиш мумкин.

**Ўхшашик назарияси** – бу тажриба натижаларини илмий умумлаштириш усуллари ҳақидаги таълимот.

Ўхшашиб жараёнларда уларни характерловчи ва ўхшашиб бўлган катталиклар нисбати ўзгармасдир. Ўхшашик назарияси қандай тажриба ўтказиш ва олинган натижаларни қайси усул билан қайта ишлаш йўлларини ўргатади.

Ўхшашик назариясини моделларда (тажриба қурилмаларида) жараённинг номаълум катталикларини аниқлаш, текшириб кўриш ва олинган натижаларни саноат қурилмаларига кўчиришга ёрдам беради.

Шундай қилиб, масштаблаш ва моделлаш асоси бўлиб ўхшашик назария усуллари ҳисобланади.

### Ўхшашик теоремалари ва шартлари

Ўхшашик назариясининг асосий принципларидан бири бўлиб, умумий қонуният билан ифодаланувчи ўхшашиб ҳодисалар (жараёнлар) гуруҳини ажратиб олишлариди.

Мос тушадиган ва уларни характерловчи катталикларнинг нисбатлари ўзгармас бўлган ҳодисалар ўхшашиб деб аталади.


Ўхшашик шартларига биноан ўхшашиб ҳодиса ва воқеалар қўйидаги гуруҳлардан иборат: а) геометрик ўхшашик; б) вақт бўйича ўхшашик; в) физик ўхшашик; г) бошланғич ва чегаравий шартларнинг ўхшашилиги.

#### Геометрик ўхшашик.

Бу шундай ўхшашиккни, натура ва моделларнинг мос тушадиган ўлчамлари параллел ва уларнинг нисбати ўзгармас катталик билан ифодаланади.

Масалан, айланәётган цилиндр ичидаги газнинг ҳаракатини текширамиз (1.1-расм).

Ушбу қурилмадаги жараённи текшириш учун геометрик ўхшашибликка риоя



1.1-расм. Натура (а) ва моделнинг (б) ўхшашик шартларини аниқлашга онд.

қилиб модел қурилади (1.1б-расм), яъни натура ва модельнинг мос тушадиган чизикли ўлчамларининг нисбатлари тенг.

**Геометрик бир хилликка** биноан иккита ўхшаш системани геометрик ўлчов катталиклари ўзаро параллел бўлса, уларнинг нисбати ҳам ўзгармас бўлади:

$$\frac{D_1}{D_2} = \frac{L_1}{L_2} = \frac{l_1}{l_2} = \dots = a_i = \text{const} \quad (1.1)$$

Ўлчовсиз катталик  $a_i$  геометрик ўхшашлик ўзгармас катталиги (константа) ёки масштаб (ўтиш) кўпайтмаси деб аталади. Ушбу ўзгармас катталик ўхшаш системалардаги бир хил турдаги мос келадиган катталиклар нисбатини ифодалайди ва модел ўлчамидан натурага ўтиш имконини беради.

**Вақт бирликлари ўхшашлиги.** Геометрик ўхшашликда вақт бўйича бирхиллик ҳосил бўлади. Бунга биноан, икки геометрик жисмдаги нуқталар ўхшаш траектория бўйлаб, вақт бирлигига бир хил масофа босиб ўтади.

Уларнинг ўзаро бир-бирига нисбати ўзгармас катталикка тенг:

$$\frac{T_1}{T_2} = \frac{\tau_1}{\tau_2} = \dots = a_\tau = \text{const} \quad (1.2)$$

бу ерда  $T_1, T_2$  – мос келадиган заррачалар билан бутун қурилмадан ўтиш вақти;  $\tau_1, \tau_2$  – мос келадиган заррачалар билан  $L_1$  ва  $L_2$  масофалардан ўтиши;  $a_\tau$  – вақт бўйича ўхшашлик константаси.

**Физик ўхшашлик.** Физик ўхшашликка биноан, фазода жойлашган иккита система физик хоссаларининг нисбати вақт бирлигига ўзгармасdir. Масалан, агар заррача натурада  $\tau_1$  вақтда  $L_1$  масофани босиб ўтса (1.1-расм), модельда эса  $\tau_2$  вақт ичida  $L_2$  масофани босади. Унда, мос келадиган  $A_1$  ва  $A_2$  нуқталар учун.

$$\frac{\mu_1}{\mu_2} = a_\mu; \quad \frac{\rho_1}{\rho_2} = a_\rho \quad \text{ёки} \quad \frac{u_1}{u_2} = a_u \quad (1.3)$$

бу ерда  $u_1$  ва  $u_2$  – физик катталиклар йигинидиси (лекин  $a_\mu \neq a_\rho \neq a_l \neq a_\tau$  ва x.);  $a_\mu, a_\rho$  – физик катталиклар константаси.

Шундай қилиб, агар геометрик ва вақт бирлиги ўхшашлиги сақланса, унда тезлик, температура, концентрация ва бошқа физик катталик майдонлари ўхшашлиги ҳам сақланиб қолади, яъни  $w_1/w_2=a_\mu; l_1/l_2=a_\rho; c_1/c_2=a_c$ .

**Бошлангич ва чегаравий шартлар ўхшашлигига** биноан бошлангич ҳолат ва системалар (натура ва модел) чегарасидаги ҳолатлар ўхшашdir, яъни бошлангич ва система чегараларидағи асосий параметрлар нисбати ўзгармасdir.

Бу ҳолат ўхшаш фазодаги системанинг геометрик, физик ва вақт бўйича ўхшаш бўлиши учун уларнинг бошлангич ва чегаравий шартлари бир хил бўлиши зарур.

**Ўхшашлик инвариантлари ва критерийлари.** Агар, натура ва унга ўхшаш моделларнинг ҳолатини аниқловчи ҳамма мос келадиган катталиклар нисбий бирликларда ўлчанса, яъни ҳар бир система учун мос келадиган нисбатлар олинса, унда у ҳам ўзгармас ва ўлчамсиз катталик бўлади. Масалан:

$$\frac{L_1}{D_1} = \frac{L_2}{D_2} = \dots = \text{inv}^* = \text{idem}^{**} = i_1; \quad \frac{T_1}{\tau_1} = \frac{T_2}{\tau_2} = \dots = i, \quad (1.4)$$

$i_1$ ,  $i_r$  ва ҳоказо катталиклар натура ва модел ўлчамлари нисбатига боғлиқ эмас. Шунинг учун ўхшаш системаларда иккита бир хил катталиклар нисбатини ифодаловчи ўлчамсиз бирлик  $i$  инвариант ўхшашлик дейилади.

Бир хил катталиклар нисбатини ифодаловчи инвариант ўхшашлик **симплекс**<sup>\*\*\*</sup> ёки **параметрик критерий** деб аталади.

Турли хил катталиклар нисбатини ифодаловчи инвариант ўхшашлик **критериал**<sup>\*\*\*\*</sup> ўхшашлик дейилади. Одатда критерийлар шу соҳа **назариясига** катта хисса қўшган олимларнинг исмининг биринчи икки ҳарфи билан белгиланади (масалан,  $Re$  – Рейнольдс сони ёки критерийси).

Исталган физик ҳодиса учун критерий келтириб чиқариш мумкин. Бунинг учун текширилаётган ҳодисанинг ўзгарувчан катталиклари орасидаги аналитик боғлиқликни билиш кифоя.

Ўхшашлик критерийлари ўлчамсиз бўлади.

Шундай қилиб, ўзаро ўхшаш ҳодисалар, сон жиҳатдан тенг ўхшашлик критерийлар билан характерланади. Ўхшашлик критерийларининг тенглиги жараёнлар ўхшашлигининг бирдан-бир миқдорий шарти.

Бир система критерийларининг бошқа унга ўхшаш система критерийларига нисбати ҳар доим 1 га тенг. Масалан, натура ва модел учун  $Re_1 = Re_2$ . Унда

$$\frac{w_1}{w_2} \cdot \frac{d_1 \rho_1 / \mu_1}{d_2 \rho_2 / \mu_2} = 1$$

Ўхшашлик инвариантлари турли хил катталиклар нисбатлари билан ҳам ифодаланиши мумкин, яъни шу катталикларнинг ўлчамсиз симплексларини ифодалайди. Масалан,

$$\frac{w_1 \cdot d_1 \rho_1}{\mu_1} = \frac{w_2 \cdot d_2 \rho_2}{\mu_2} = idem = Re \quad (1.5)$$

Агар жараённи тавсифловчи, дифференциал тенгламаларни ўзгартириш йўли билан олинган ўхшашлик инвариант катталиклар комплекслари билан ифодаланса, улар ўхшашлик **критерийлари** деб номланади.

Демак, ўхшашлик критерийлари ҳар доим физик маънога эга бўлиб, текширилаётган жараён учун катта аҳамиятли, исталган иккита эфектлар (кучлар ва ҳ.) ўртасидаги нисбат ўлчовидир.

Ўхшашлик критерийлари исталган жараён учун келтирилиб чиқарилиши мумкин. Ўлчовсиз симплекс ёки катталиклар комплекси, хусусан ўхшашлик критерийлари, **умумлаштирилган ўзгарувчи** деб номланади.

Ўхшашлик назарияси асосан 3 та теоремага таянади ва асосланади.

Биринчи теоремани И.Ньютон кашф этган. Унга биноан, ўхшаш ҳодисалар сон жиҳатдан тенг ўхшашлик критерийлари билан характерланади:

$$\frac{f\tau}{m \cdot w} = idem = Ne$$

\* invariantis (лотинча) – ўзгармас

\*\* idem (лотинча) – бир хил

\*\*\* simplex (лотинча) - оддий

\*\*\*\* kreterion (грекча) – мезон

ёки  $\tau = l/w$  эканлигини инобатга олсак,

$$\frac{f}{mw^2} = Ne \quad (1.6)$$

бу ерда  $f$  – күч;  $m$  – заррача массаси.

Ушбу комплекс **Ньютон критерийсі** деб номланади. Ушбу критерий жағрачага таъсир этувчи күчнинг инерция кучига нисбатини характерлайди.

Бир қатор гидродинамик критерийлар оқимдаги күчларнинг ўзаро таъсир нисбатларини ифодалайды, яъни оғирлик, босим, ишқаланиш ва инерция күчлари орасидаги ўзаро таъсирни. Шундай қилиб, күпчилик гидродинамик критерийлар Ньютон критерийсінинг хусусий ҳолидир.

**Биринчи теорема.** Ўхашашлик критерийларига киругчи ҳамма катталыклар тажриба даврида ўлчаниши кераклигини тақозо этади.

**Иккинчи теорема.** Бекингем, Федерман ва Афанасьев – Эренфест олимлар гуруҳи томонидан кашф этилган. Ушбу теоремага биноан, тажриба натижалари критерийлар орасидаги боғлиқлик кўринишида ифодалаш керак.

Ўхашашлик критерийлари ўртасидаги функционал боғлиқлик **критериал тенглама** деб номланади.

Критериал тенгламалар ҳамма ўхашаш жараёнлар гуруҳини ифодалайди. Критериал тенглама кўриниши тажриба йўли билан аниқланади. Кўпчилик ҳолатларда ушбу тенглама даражали боғлиқлик кўринишида бўлади.

**Учинчи теорема.** М.В. Кирличев ва А.А. Гуманлар томонидан кашф этилган. Ушбу теоремага биноан, критериал тенгламаларни фақат ўхашаш жараёнларга қўллаш мумкин.

Агар ҳодисаларни аниқловчи критерийлар сон жиҳатдан тенг бўлса, унда албатта ўхашаш ҳодисаларда аниқланадиган критерийлар ҳам тенгдир. Шундай қилиб, ўхашашлик назарияси усулларини кўллаб жараёнларни ўрганиш қўйидаги босқичлардан иборат:

1. Жараённинг тўлиқ математик ифодасини олиш, яъни дифференциал тенглама тузилади ва бир хиллик шартлари аниқланади, уни ечими ўзgartирилади ва ўхашашлик критерийлари топилади.

2. Моделларда тажрибалар асосида ўхашашлик критерийлари орасидаги боғлиқлик аниқланади. Олинган умумлаштирувчи ҳисоблаш тенгламасини ўхашаш жараёнларни ҳисоблашда қўллаш мумкин.

Асосий жараёнларни ҳисоблашда бир неча хил ўхашашлик критерийлари ишлатилади ва улар ўрганилаётган жараённи ифодаловчи ўлчамсиз физик катталиклардир. Ўхашашлик критерийлари З гуруҳга бўлинади:

- гидромеханик ўхашашлик критерийлари;
- иссиқлик ўхашашлик критерийлари;
- диффузион ўхашашлик критерийлари;

Гидромеханик ўхашашлик критерийларига Рейнольдс (*Re*), Эйлер (*Ei*), Фруд (*Fr*), Галилей (*Ga*), гомохронлик (*No*) ва бошқа критерийлар киради.

Рейнольдс критерийси ишқаланиш күчларининг суюқлик ҳаракатига таъсирини ифодаловчи ўлчамсиз комплекс бўлиб, қўйидаги кўринишга эга:

$$Re = \frac{wl\rho}{\mu} = \frac{wl}{v} \quad (1.7)$$

бу ерда  $w$  – суюқлик оқимининг тезлиги, м/с;  $l$  – характерли ўлчам, м;  $\rho$  – суюқлик зичлиги, кг/м<sup>3</sup>;  $\mu$  – суюқлик динамик қовушоқлиги, Па·с;  $v$  – суюқлик кинематик қовушоқлиги, м<sup>2</sup>/с.

Ушбу критерий ўхаш оқимларда инерцион кучларнинг ишқаланиш кучларига нисбатини характерлайди.

Эйлер критерийси гидростатик босим фарқининг суюқлик ҳаракатига таъсирини ифодалайдиган ўлчамсиз комплекс бўлиб, қуидаги кўринишга эга:

$$Eu = \frac{\Delta p}{\rho w^2} \quad (1.8)$$

Ушбу критерий ўхаш оқимларда гидростатик кучларнинг инерция кучларига нисбатини характерлайди. Бу ерда  $\Delta p$  – оқимнинг гидростатик босимининг фарқи.

Фруд критерийси суюқлик ҳаракатига оғирлик кучлари таъсирини ифодаловчи ўлчамсиз комплекс бўлиб, қуидаги кўринишга эга:

$$Fr = \frac{w^2}{gl} \quad (1.9)$$

бу ерда  $g$  - эркин тушиш тезланиши,  $m/c^2$ . Ушбу критерий ўхаш оқимларда инерция кучларини оғирлик кучларига нисбатини характерлайди.

**Гомохронлик критерийси** суюқлик ҳаракати тезлик майдонининг вақт ўтиши билан ўзгариши тезлигини ифодаловчи ўлчамсиз комплекс бўлиб, қуидаги кўринишга эга:

$$Ho = \frac{w\tau}{l} \quad (1.10)$$

бу ерда  $\tau$  - вақт,  $s$ .

Ушбу критерий ўхаш оқимларда суюқлик ҳаракатининг турғунмас характеристини ҳисобга олади. Айрим адабиётларда ушбу критерий **Струхаль Sh критерийси** деб номланади.

**Галилей критерийси** оқимдаги молекуляр ишқаланиш кучларини оғирлик кучларига нисбатини ифодаловчи ўлчамсиз комплекс бўлиб, қуидаги кўринишга эга:

$$Ga = \frac{Re^2}{Fr} = \frac{gl^3}{v^2} \quad (1.11)$$

Ушбу критерий эркин оқиш майдонларини характерлайди.

### Ўлчов бирликлар таҳлил усули

Мурракаб жараёнларни ўрганиш пайтида, масалан, ҳаракатдаги суюқликда иссиқлик алмашиниш даврида, ҳар доим ҳам жараённи тўлиқ ифодаловчи дифференциал тенглама тузиб бўлмайди ва бир хиллик шартларини ифодалаш қийин. Шунинг учун, бундай ҳолларга ўхашлик назариясини ҳам қўллаб бўлмайди.

Лекин, критериал тенгламалар келтириб чиқариш учун жараёнга таъсир этувчи асосий физик катталиклар тажриба натижасида аниқланган бўлса, ўлчов бирликлар таҳлили усулини қўллаш мумкин.

Дарси – Вейсбах тенгламаси мисолида критериал тенгламалар келтириб чиқаришда ўлчов бирликлар таҳлили усулини кўриб чиқамиз.

Трубалар ичida суюқлик ҳаракати жараёнини тажрибавий ўрганиш натижасида, босимлар йўқотилиши труба диаметри ва узунлиги, зичлик, қовушоқлик ва суюқлик тезлигига боғлиқлиги аниқланади.

Умумий күринишида функционал боғлиқлик қуидагича ёзилади:  $\Delta p = f(d, l, \rho, \mu, w)$ . Ҳамма параметрларнинг ўлчов бирликлари битта системада ифодаланиши шарт.

Юқорида функционал боғлиқликка 6 та катталик ( $n=6$ ) киради. Улар СИ системасида қуидаги ўлчов бирликларга эга:

$$[\Delta p] = \left[ \frac{H}{M^2} \right] = \left[ \frac{\kappa \sigma}{M \cdot c^2} \right] = [FL^{-1}T^{-2}];$$

$$[d] = [M] = [L];$$

$$[l] = [M] = [L];$$

$$[\rho] = \left[ \frac{\kappa \sigma}{M^3} \right] = [FL^{-3}];$$

$$[\mu] = \left[ \frac{H \cdot c}{M^2} \right] = \left[ \frac{\kappa \sigma}{M \cdot c} \right] = [FL^{-1}T^{-1}];$$

$$[w] = \left[ \frac{M}{c} \right] = [LT^{-1}]$$

Ушбу ўлчов бирликларни тузишда 3 та бирламчи ўлчов бирлиги ишлатилган ( $m=3$ ): м, с, кг. Демак, Бекингем теоремасига биноан, функционал боғлиқликни критериал тенглама күринишига келтириш мумкин. Үнда,  $n - m = 6 - 3 = 3$  та ўхшашлик критерийсі бўлади.

Умумий функционал боғлиқликни даражали функция күринишида ёзамиз:

$$\Delta p = Ad^a l^b \rho^c \mu^e w^k \quad (1.12)$$

Ушбу каттаикларни ўлчов бирликлар формулалари билан алмаштирамиз:

$$[FL^{-1}T^{-2}] = L^a L^b [FL^{-3}]^c [FL^{-1}T^{-1}]^e [LT - 1]^k$$

Қавсларни очсак, қуидаги күринишини оламиз:

$$FL^{-1}T^{-2} = L^{a+b-3c-e+R} \cdot F^{c+e} \cdot T^{-e-k}$$

Ўлчов бирлиги бир хил символларнинг даражада кўрсаткичларини тенглаштириб 5 та номаълумли 3 та тенглама ҳосил қиласиз:

$$\left. \begin{array}{l} a + b - 3c - e + k = -1 \\ c + e = 1 \\ -e - k = -2 \end{array} \right\} \quad (1.13)$$

(1.13)нинг 2 – тенгламасидан  $c=1-e$ , учинчисидан-  $k=2-e$  ларни топамиз. Олинган  $c$  ва  $k$  ларнинг қийматини (1.13) тенгламага қўйсак,  $a = -e - e$  эканлигини аниқлаймиз.

Олинган  $a$ ,  $c$  ва  $k$  ларни дастлабки (1.11) тенгламага қўйиб, қўйидаги кўринишга эга бўламиз:

$$\Delta p = Ad^{-b-e} \cdot l^b \cdot \rho^{1-e} \cdot \mu^e \cdot w^{2-e}$$

Даража кўрсаткичларини гуруҳлаймиз ва қўйидаги кўринишдаги кри-териал тенгламани оламиз:

$$\frac{\Delta p}{\rho w^2} = A \cdot \left( \frac{l}{d} \right)^b \left( \frac{\mu}{w d \rho} \right)^e \quad (1.14)$$

(1.14) тенгламадаги ўзгармас  $A$ ,  $b$  ва  $e$  лар тажриба асосида топилади.

$b=1$  эканлиги маълум,  $A$  ва  $e$  лар эса труба ичидаги суюқлик ҳаракат режимига боғлиқ.

### 1.3. Жараён ва қурилмаларни ҳисоблаш ва таҳлилиниңг асосий принциплари

Қайта ишланा�ётган материалларнинг массавий оқимларини аниқлашдан мақсад машина ва қурилмаларни ҳисоблаш, ҳамда зарур энергия миқдорини, иссиқлик ва масса алмашиниш қурилмаларнинг оптимал юзаларини ёки жараённинг давомийлигини аниқлашдир.

Кинетик қонуниятларнинг таҳлили, машина ва қурилманинг минимал ўлчамларига оид жараённинг шартларини баҳолаш ва оптимал режимларни топиш имкониятини беради.

Жараёнлар таҳлили, машина ва қурилмалар ҳисоби қўйидаги кетма-кетликада ўтказилади:

- жараённинг моддий ва энергетик баланслари тузилади;
- статика қонуниятларига таяниб жараённинг ҳаракат йўналиши ва мувозанат шартлари аниқланади;
- ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади;
- кинетика қонуниятларига таяниб жараён тезлиги топилади.

Аниқланган оптимал режим учун жараён тезлиги ва ҳаракатга келтирувчи куч катталиклари асосида қурилманинг асосий ўлчамлари: ишчи ҳажм ёки ишчи майдон юзаси аниқланади. Асосий ўлчам ёрдамида қурилманинг қолган ўлчамлари ҳисоблаб топилади.

**Моддий баланс** массанинг сақланиш қонунига таяниб тузилади, яъни жараён ўтказилиш пайтида қурилмага киритилаётган материал миқдори  $\Sigma G_{боп}$ , ундан чиқаётган маҳсулот миқдори  $\Sigma G_{ox}$  га тенг бўлиши зарур:

$$\sum G_{боп} = \sum G_{ox} \quad (1.15)$$

Моддий баланс асосида чиқаётган маҳсулот миқдори топилади, яъни максимал маҳсулот чиқиши имкониятига нисбатан процент ҳисобида чиқсан тайёр маҳсулот миқдори. Одатда, олинган тайёр маҳсулот миқдори сар-фланган хом-ашё бирлигига ҳисобланади.

Лекин, саноатда қурилмани ишлатиш ва жараён бориши даврида қайтариб бўлмайдиган моддий йўқотилишлар албатта бўлади. Унда (1.15) тенглама қўйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\sum G_{\text{бөш}} = \sum G_{ox} + \sum G_{iyk} \quad (1.16)$$

бу ерда  $G_{iyk}$  - йүқотилган модда миқдори.

Одатда, моддий баланс бутун жараён ёки алоҳида босқичлари учун тузилади.

**Иссиқлик баланси** энергия сақланиш қонунига таяниб тузилади, яни: жараёнга киритилаётган энергия миқдори  $\Sigma G_{\text{бөш}}$ , унда ажралиб чиқаётган энергия миқдорига тенг бўлиши керак:

$$\sum G_{\text{бөш}} = \sum G_{ox} + \sum G_{iyk} \quad (1.17)$$

Демак, чиқиб кетадиган иссиқлик миқдори, маҳсулот ва иссиқлик элткич билан бирга чиқаётган иссиқлик миқдорлари йигиндисига тенг.

Энергетик балансдан, ҳамма турдаги энергияларни кириш ва чиқишидан ташқари, суюқликларни аралаштиришга ёки газларни сиқиши ва узатиш учун сарфланаётгай механик энергия ҳам ҳисоблаб топилади.

Иссиқлик балансидан келиб чиқсан ҳолда иситувчи буғ, сув ва бошқа иссиқлик элткичлар сарфи аниқланса, энергетик балансдан эса – жараённи амалга ошириш учун зарур умумий энергия сарфи топилади.

Жараён ўтиши даврида олинган натижага вақт ва юза (ёки ҳажм) бирликларининг нисбатига жараён интенсивлиги дейилади. Жараён интенсивлиги вақт бирлигига юза (ёки ҳажм) бирлигидан ўтган энергия ёки масса миқдори билан характерланади.

(1.15) формулага биноан жараён интенсивлиги жараённи ҳаракатга келтирувчи кучга тўгри пропорционалдир. Жараён интенсивлигининг мезони бўлиб, тезлик коэффициенти хизмат қиласи:

$$\frac{dV}{Fd\tau} = \frac{\Delta}{R} = K\Delta \quad (1.18)$$

бу ерда  $V$  – масса ёки энергия миқдори;  $F$  – масса ёки энергия ўтаётган юза;  $\tau$  – жараён давомийлиги;  $\Delta$  ҳаракатга келтирувчи куч;  $R$  қаршилиқ;  $K$  – тезлик коэффициенти.

Умумий ҳолатда жараённи ҳаракатга келтирувчи куч-потенциаллар фарқи. Хусусий ҳолатларда эса, гидромеханик жараёнлари учун – босимлар фарқи, иссиқлик алмашиниш жараёнлари учун – температуралар фарқи, масса алмашиниш жараёнлари учун – концентрациялар фарқи.

Жараёнларниг тезлик коэффициенти моддий оқимларнинг ҳаракат режимига боғлиқ. Оқимлар ҳаракати эса, гидродинамика қонунлари билан аниқланади.

**Курилма асосий ўлчамларини аниқлаш.** 1.18 тенгламадан фойдаланиб узлуксиз ишлайдиган қурилма асосий ўлчамлари ҳисобланади. Агар, қурилмадан вақт бирлигига ўтаётган муҳит ҳажми  $V$  маълум бўлса ва чизиқли тезлиги  $w$  берилган ёки қабул қилинган бўлса, қурилманинг кўндаланг кесим юзаси  $F$  ушбу формуладан топилади:

$$F = \frac{V}{w} \quad (1.19)$$

Қурилманинг асосий ўлчамларидан бири бўлган  $F$  (1.19) формуладан аниқланади. Цилиндр шаклдаги қурилмалар учун унинг диаметри –  $D$ . Яна

бир асосий ўлчамларидан бири қурилма ишчи баландлиги (ёки узуулиги)  $H$ . (1.18) формуладан қурилма ишчи ҳажми  $V$  ёки юза  $F$  топилиши мумкин. Агар,  $F$  маълум бўлса ва  $F = a \cdot V$  боғлиқликдан (бу ерда  $a$  – солиштирма юза) қурилма ишчи ҳажми аниқланади. Сўнг,  $V$  катталик бўйича  $V = FH$  формуладан фойдаланиб қурилма баландлиги  $H$  ҳисобланади.

### Машина ва қурилмаларга қўйиладиган талаблар

Машина ва қурилмаларга қўйидаги талаблар қўйилади: қурилма ёки машина юқори самарали (юқори иш унумдорли), ишончли, кам энергия ва металл сарфлайдиган, ҳавфсиз иш ташкил этиш талабларини қондирадиган ва эксплуатация жараёнида хизмат кўрсатиш учун қулай бўлиши керак.

Курилманинг узоқ муддат мобайнида ва бетўхтов ишлашининг қатъий шартлари бўлиб унинг механик ишончлилиги ва конструктив мукаммаллиги ҳисобланади. Курилманинг механик ишончлилиги мустаҳкамлик, қаттиқлик, турғунлик, герметиклик (зичлик) каби хоссаларини характерлайди. Мустаҳкамлик эса қурилма конструкциясининг узоқ муддат мобайнида ва ҳавфсиз иш ташкил этиш билан узвий боғлиқdir.

Конструкция мукаммаллиги қурилманинг соддалиги, кам металл сарфлаши, технологик мойиллиги ва юқори ф.и.к. билан характерланади.

Эксплуатацион афзалликлари - соддалиги, эксплуатация даврида кичик сарфлар ва хизмат кўрсатиш учун қулилиги билан характерланади.

Конструкциянинг мукаммаллик даражаси техник-иктисодий кўрсаткичлар: қурилманинг иш унумдорлиги, сарф коэффициентлар, эксплуатацион нарх ва сарфлар, ҳамда тайёр маҳсулот таннархи билан характерланади.

Одатда, технологик тизимларда стандарт қурилма ва машиналар ишлатилиши зарур.

Кимё ва озиқ-овқат саноатлар илмий-тадқиқот ва лойиҳалаштириш институтларининг лойиҳалашга сарфларини камайтириш, маҳсулот нархини пасайтириш ва серияли ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун қурилмаларни типларга ажратиш ва нормалаштириш ишини ўтказишади. Қурилмаларни лойиҳалашда асосий, таянч ҳужжат бўлиб давлат стандартлари, соҳа нормалари, техник шартлар, қўлланма ва нормалар хизмат қилиади.

Машина ва қурилма конструкциялари баҳолангандан, уларнинг техник-иктисодий характеристикалари муҳим аҳамиятга эга. Кам энергия сарф қилиб тайёр маҳсулот олиш имконини берадиган қурилма ва машиналар оптимал қурилма (ёки машина)лар деб ҳисобланади.

Қурилма ва машиналар оптимал режимларда ишлаши шарт. Бундай режимларни аниқлаш оптималлик критерийсини танлашга боғлиқ. Ўз на-вбатида оптималлик критерийси бир қатор параметрлар: температура, босим, сарф, тозалаш даражаси ва бошқаларга боғлиқ бўлиши мумкин. Кўпинча, иктиносий оптималлик критерийларидан ҳам фойдаланилади. Бу критерий жараённинг энергетик, меҳнат ва бошқа сарфларини характерлайди. Ундан ташқари, технологик, статистик, термодинамик ва бошқа оптималлик критерийларини ҳам қўллаш мумкин.

Лекин, охирги йилларда қурилма ва жараёнларни таҳлил қилишда экспергетик\* усулни (чуқур, ҳар томонлама) қўллаш кенг миқёсда тарқалмоқда.

\* экспергия – грекча “ergon” – иш, куч ва “ex” – ичидан

## 2-бөб. ГИДРАВЛИКА АСОСЛАРИ

Гидравлика – бу механиканинг бир бўлимидир. Унда, суюқликлар мувозанат ва ҳаракат қонунлари, ҳамда уларни амалиётда қўллаш ўрганилади.

Гидравлика икки бўлимдан иборат: гидростатика ва гидродинамика.

### ГИДРОСТАТИКА

Гидростатика суюқликларнинг мувозанат қонунларини, гидродинамика эса - суюқлик ва газларнинг ҳаракат қонуниятларини ўргатади.

Гидромеханик жараёнлар асосида гидродинамика қонуниятлари ётади ва бу қонуниятлар иссиқлик ва масса алмасиниши, ҳамда кимёвий ва биокимёвий жараёнлар самарадорлигини белгилайди.

#### 2.1. Умумий тушунчалар

Гидравликада суюқлик, газ ва бугларни бирлаштириб, умумий бир ном суюқлик деб юритилиши қабул қилинган. Бунга сабаб, суюқлик ва газларнинг ҳаракат тезликлари товуш тезлигидан кам бўлганда, уларнинг ҳаракат қонуниятлари бир хил. Шунинг учун, гидравликада суюқлик ҳам, газлар ҳам, буглар ҳам суюқлик деб юритилади.

Суюқлик ва газларнинг кўпчилик хоссалари бир-бирига яқин ва ўхшаш. Масалан, суюқлик ҳам, газлар ҳам бирор шаклга эга эмас. Ундан ташқари, уларнинг қовушоқликлари орасидаги фарқ жуда кичик. Яна, критик температурадан юқори температурагарда суюқлик ва газлар орасидаги фарқ умуман йўқолиб боради.

Гидравликанинг асосий қонуниятларини келтириб чиқариш учун гипотетик *идеал* суюқлик деган тушунчадан фойдаланилади.

Босим таъсирида абсолют сиқилмайдиган, температура ортиши билан зичлиги ўзгармайдиган ва қовушоқликка эга бўймаган суюқлик *идеал* суюқлик деб аталади.


Лекин, амалиётда суюқликлар босим таъсирида сиқилади, температура таъсирида эса - зичлиги ўзгаради ва маълум қовушоқликга эга бўлади. Бутдай суюқликлар *ҳақиқий* (реал) суюқликлар деб номланади.

Ҳақиқий суюқликлар томчили ва эластик (газ ва буғ) суюқликларга бўлинади. Томчили суюқликлар амалда сиқилмайди ва жуда кичик ҳажмий кенгайиш коэффициентига эга. Лекин, эластик суюқликларнинг ҳажми, температура ёки босим таъсирида ўзгаради.

#### 2.2. Эйлернинг мувозанат дифференциал тенгламаси

Ушбу тенглама суюқлик мувозанатининг дифференциал тенгламасидан келтириб чиқарилади. Нисбий тинч ҳолатдаги суюқликнинг мувозанатини кўриб чиқамиз. Бу ҳолатда суюқликка массавий кучлар – оғирлик ва энерция кучлари, ҳамда сиртий кучлар – гидростатик босим кучи таъсир этади. Бутун суюқлик ҳажмидан элементар, чексиз кичик  $d\mathbf{v}$  параллелепипед ҳажмини ажратиб оламиз.

Параллелепипеднинг  $dx$ ,  $dy$ ,  $dz$  қирралари  $x$ ,  $y$ ,  $z$  ўқларга параллел жойлашган (2.1-расм).



**2.1-расм.** Гидростатика учун Эйлернинг мувозанат дифференциал тенгламасини келтириб чиқаришга оид.

бу ерда  $dm = \rho dx dy dz$  ёки  $dQ = X \rho dx dy dz$ . Статиканинг асосий қонунига биноан, тинч ҳолатдаги суюқликка таъсир этувчи ҳамма кучларни масса бирлигига нисбатларини  $X, Y, Z$  деб белгилаймиз. Ҳажмий кучларнинг  $x$  ўқидаги проекцияси  $dQ = X dm$  бўлади,

$$pd_x d_z - \left( p - \frac{\partial p}{\partial x} dx \right) d_y d_z + X pd_x d_y d_z = 0 \quad (2.1)$$

бу ерда  $p dx dz$  – чап томонга таъсир этувчи гидростатик босим кучи;  $dp/dx \cdot x$  ўқи бирор нуқтасидаги гидростатик босимнинг ўзгариши;  $(dp/dx)dx \cdot dx$  қирра бўйлаб гидростатик босимнинг ўзгариши.

Қарама-қарши, ўнг томонга таъсир этувчи гидростатик босим  $p + (dp/dx)x$  га тенг ва унинг  $x$  ўқига проекцияси:

$$\left( p + \frac{\partial p}{\partial x} dx \right) dy dz$$

(2.1) тенгламада қавсни очиб, тегишли қисқартиришларни амалга оширасак, қўйидаги кўринишдаги тенгламани оламиз:

$$-\frac{\partial p}{\partial x} + \rho X = 0$$

Худди шундай усул билан  $y$  ва  $z$  ўқлари учун мувозанат тенгламалари ни келтириб чиқарамиз:

$$\begin{aligned} -\frac{\partial p}{\partial y} + \rho Y &= 0 \\ -\frac{\partial p}{\partial z} + \rho Z &= 0 \end{aligned}$$

Олинган тенгламаларни системалаштирсак:

$$\left. \begin{aligned} -\frac{\partial p}{\partial x} + \rho X &= 0 \\ -\frac{\partial p}{\partial y} + \rho Y &= 0 \\ -\frac{\partial p}{\partial z} + \rho Z &= 0 \end{aligned} \right\} \quad (2.2)$$

Ўртача гидростатик босим кучи, гидростатик босимнинг параллелепипед томони юзаси кўпайтмасига тенг. 2.1-расмдан кўриниб турибдики  $p = f(x, y, z)$ . Ушбу функционал боғлиқлик кўринишини аниқлаймиз. Бунинг учун элементар параллелепипедга таъсир этувчи ҳамма кучларнинг  $x, y, z$  ўқлардаги массавий кучларни масса бирлигига нисбатларини  $X, Y, Z$  деб белгилаймиз. Ҳажмий кучларнинг  $x$  ўқидаги проекцияси  $dQ = X dm$  бўлади,

Ушбу тенгламалар системаси Эйлернинг мувозанат ҳолатининг дифференциал тенгламаси деб аталади.

### 2.3. Гидростатиканинг асосий тенгламаси

(2.2) нинг ҳар бир тенгламасини  $dx, dy, dz$  ларга кўпайтириб ва ҳосил бўлган тенгламалар системасини қўшиб чиқсак, ушбу кўринишга эга бўламиш:

$$\frac{\partial p}{\partial x} dx + \frac{\partial p}{\partial y} dy + \frac{\partial p}{\partial z} dz = \rho(Xdx + Ydy + Zdz)$$

Гидростатик босим фақат координатлар функцияси бўлгани учун, тенгламанинг чап қисми босимнинг тўлиқ дифференциалини ифодалайди, яъни:

$$dp = \rho(Xdx + Ydy + Zdz) \quad (2.3)$$

Агар, суюқлик абсолют тинч ҳолатда бўлса, унда инерцион ва оғирлик кучлар пастга қараб йўналган бўлади, яъни  $Z = -g; X=0; Y=0$ . Унда

$$dp = -\rho g dz \quad (2.4)$$

Ушбу тенглама чап ва ўнг томонларини  $\rho g$  бўлсак, қуйидаги кўринишга эришамиш:

$$dz + \frac{1}{\rho g} \partial p = 0$$

Агар,  $\rho = \text{const}$  бўлса,

$$dz + d\left(\frac{p}{\rho g}\right) = 0$$

Охирги тенгламани интегралласак, унда

$$z + \frac{p}{\rho g} = \text{const} \quad (2.5)$$

бу ерда  $z$  - геометрик напор ёки исталган горизонтал юзага нисбатан олинган нуқтанинг нивелир баландлиги, м;  $p/\rho g$ - статик напор ёки пъезометрик босим кучи, м.


Бу тенглама **гидростатиканинг асосий тенгламаси** деб номланади. Гидростатиканинг асосий тенгламасига биноан, тинч ҳолатдаги суюқликнинг исталган нуқтасида геометрик ва статик напорлар йигиндиси ўзгармас миқдорга тенг.

Масалан,  $z_0$  баландликдаги  $m_0$  суюқлик заррачаси ва  $z_1$  баландликдаги  $m_1$  суюқлик заррачаси учун (2.5) тенгламани ёзсан, у ушбу кўринишда бўлади (2.2-расм):

$$z_0 + \frac{p_0}{\rho g} = z_1 + \frac{p_1}{\rho g} \quad (2.6)$$

ёки

$$p_1 = p_0 + \rho g(z_0 - z_1) = p_0 + \rho g h \quad (2.7)$$



2.2-расм. Паскаль қонунини келтириб чиқаришига оид.

(2.7) тенглама **Паскаль** қонунини ифодалайди. Унга биноан, тинч ҳолатдаги суюқликнинг исталган нуқтасига таъсир этаётган ташки босим суюқликнинг барча нуқталарига бир хилда узатилади.

Статик напор  $p/\rho g$  исталган нуқтадаги босимнинг солиштирма потенциал энергиясини характерлайди. Нивелир баландлик  $z$  – солиштириш юзасидан юқорида жойлашган исталган нуқта ҳолатининг солиштирма потенциал энергиясини ифодалайди. Иккала энергия йифиндиси суюқлик оғирлигига түбөри келадиган потенциал энергияга тенг.

Шундай қилиб, гидростатиканинг асосий тенгламаси (2.5) энергия сақланиш қонунининг хусусий ҳоли бўлиб, тинч ҳолатдаги суюқликнинг ҳамма нуқталарида солиштирма потенциал энергия қиймати ўзгармас катталькидир.

(2.3) тенгламадан фойдаланиб сатҳ юза ёки бир хил босимли юза тенгламасини келтириб чиқариш мумкин, яъни  $dp=0$  ва  $Xdx+Ydy+Zdz=0$ .

Абсолют тинч ҳолатдаги суюқлик учун тенглама қуйидаги кўринишда бўлади:

$$-gdz = 0 \quad \text{ёки} \quad dz = 0; \quad z = const$$

Шундай қилиб, абсолют тинч ҳолатдаги суюқликнинг сатҳи текис, горизонтал юза кўринишида бўлади.


#### 2.4. Гидростатиканинг асосий тенгламасини амалиётда кўллаш

**Туташган идишлар.** Иккита ёпиқ **A** ва **B** идишлар зичликлари ҳар хил  $p_1$  ва  $p_2$  аралашмайдиган суюқликлар билан тўлдирилган (2.3-расм).

**A** идишдаги босим  $p_1$ , **B** даги эса  $p_2$ . Ихтиёрий **O-O** текислигини ўтказамиз ва унда **M** нуқта танлаб, унинг учун мувозанат тенгламасини тузамиз:

$$p_1 + \rho_1 gz_1 = p_2 + \rho_2 gz_2 \quad \text{ёки} \quad p_1 - p_2 = \rho_2 gz_2 - \rho_1 gz_1 \quad (2.8)$$

бу ерда  $z_1$  ва  $z_2$  – **A** ва **B** идишларда нисбатан **M** пулға сатҳидан суюқлик юзасигача, бўлган баландлиги.



2.3-расм. Туташган идишлар.

суюқлик сатҳи бир хил бўлади.

Туташган идишларнинг бу хоссасидан техникада қурилма ва идишларнинг ичидағи суюқлик баландлигини аниқлашда фойдаланилади.

Агар, идишлар бир хил суюқлик билан тўлдирилган, лекин улардаги босимлар ҳар хил бўлса, (2.8) тенглама қуйидаги кўринишга эга бўлади:

Агар очиқ ёки ёпиқ идишларда бир хил зичлик  $\rho$  га эга суюқликлар бир босим остида, яъни  $p_1 = p_2$  бўлса, унда, (2.8) тенглама қуйидаги ҳолатга келади –  $z_1 = z_2$ .

Шундай қилиб, туташган идишлар зичлиги бир хил суюқлик билан тўлдирилган ва бир хил босим остида бўлса, унда идишлар шакли ва кўндаланг кесимидан қатъий назар,

$$z_2 - z_1 = \frac{P_1 - P_2}{\rho g}$$

Агар, идишларда босим бир хил, лекин турли хил суюқликлар солинган бўлса, (2.8) тенглама ушбу ҳолатга келади:

$$\frac{z_1}{z_2} = \frac{\rho_2}{\rho_1}$$

**Идиш девори ва тубига суюқлик босими** суюқлик ичидаги ихтиёрий нуқта ва тубидаги гидростатик босим гидростатиканинг асосий тенгламаси (2.7) ёрдамида топилади:

$$p = p_0 = \rho g(z_0 - z)$$

Ушбу ҳолатда идишнинг горизонтал туби учун  $z_0 - z = \text{const}$ . Идиш ичидаги суюқлик баландлигини  $H$  орқали ифодаласак, қуйидаги формулани оламиз:


$$p = p_0 + \rho g H$$

Идиш тубидаги босим кучи  $P=pF$  га тенг, бу ерда  $F$ -идиш тубининг юзаси.

Охирги формуладан, идишнинг горизонтал тубига тушаётган суюқликнинг босим кучи, унинг шакли ва ичидаги суюқлик ҳажмига боғлиқ эмаслиги келиб чиқади.

**Гидравлик пресс.** Кимё, озиқ-овқат ва бошқа саноатларда турли материалларни пресслаш, грануллаш ва брикетлаш учун гидравлик пресслар ишлатилади. Бундай пресслар ишлаш принципи поршеннинг юзаси босим кучининг пропорционаллигига асосланган.

Агар,  $d_1$  диаметрли поршенга  $p_1$  куч таъсир эттирилиб  $p$  гидростатик босим ҳосил қилинса, Паскаль қонунига кўра,  $d_2$  ўлчамли катта поршенга ҳам  $p$  катталикда босим таъсир этади (2.4-расм)



2.4-расм. Гидравлик пресс.

$d_2$  ўлчамли поршенга таъсир этувчи босим кучи:

$$P_2 = \frac{p \cdot \pi \cdot d_2^2}{4}$$

$d_1$  ўлчамли поршенга эса,

$$P_1 = \frac{p \cdot \pi \cdot d_1^2}{4}$$

Биринчи тенгламани иккинчи сига бўлсак, қуйидаги тенгламани оламиз:

$$\frac{P_2}{P_1} = \frac{d_2^2}{d_1^2}$$

## ГИДРОДИНАМИКА

Суюқликларнинг труба қувурлари ва каналларда оқиши, ҳаракатга келтирувчи куч, яъни босимлар фарқи таъсирида рўй беради. Ушбу қуч насос, компрессорлар, айрим ҳолларда суюқликлар зичлиги ёки сатҳининг фарқи ёрдамида ҳосил қилинади.

Маълум миқдордаги суюқликни зарур тезликда узатиш учун босимлар фарқини аниқлаш керак. Ундан ташқари, узатиш учун керакли энергия миқдори ёки босимлар фарқи маълум бўлса, суюқлик сарфи ва тезлиги топлади. Юқорида кўрсатилганларни амалга ошириш учун гидродинамика қонуниятларини билиш даркор.

Гидродинамикада ташқи ва ички масалалар бўлади. Труба ва каналлар ичидаги суюқликнинг ҳаракати бу гидродинамиканинг ички масаласидир. Турли жисмлар юзасида суюқликнинг ҳаракати – бу гидродинамиканинг ташқи масаласидир.

### 2.5. Суюқлик ҳаракатининг асосий характеристикалари

**Суюқлик сарфи ва тезлиги.** Ўзгармас кўндаланг кесимли трубада суюқлик ҳаракатини кўриб чиқамиз.

Вақт бирлигига кўндаланг кесим орқали оқиб ўтаётган суюқлик миқдорига **суюқлик сарфи** дейилади. Агар суюқлик сарфи  $m^3/s$ ,  $m^3/soat$  ўлчов бирликларида ўлчанса - ҳажмий сарф,  $kg/s$ ,  $kg/soat$  ларда ўлчанса - **массавий сарф** деб ҳисобланади.

Оқим кўндаланг кесимининг турли нуқталарида суюқлик заррачаларининг тезлиги бир хил бўлмайди.

Куйида келтирилган 2.13 - расмга биноан, труба ўқи атрофида суюқлик тезлиги максимал, унинг деворига яқинлашган сари минимал қийматга тент бўлади. Лекин, кўпчилик ҳолларда труба кўндаланг кесими орқали оқиб ўтаётган суюқлик тезликларининг тақсимланиш қонуниятлари номаълум ёки уни аниқлаш жуда қийин. Суюқликларнинг ҳақиқий тезлигини ўлчаш жуда мураккаб бўлгани учун, мухандислик ҳисоблашларда заррачалар ўртacha тезлиги ишлатилади. Суюқлик ҳажмий сарфи  $Q$  ( $m^3/s$ ) нинг труба кўндаланг кесим юзаси  $F$  ( $m^2$ ) нисбатига **ўртacha тезлик  $w$**  ( $m/s$ ) деб номланади:

$$w = \frac{Q}{F} \quad (2.9)$$

Бундан ҳажмий сарф,

$$Q = w \cdot F \quad (2.10)$$

Массавий сарф  $G$  ( $kg/s$ ) эса, қуйидаги формуладан аниқланади:

$$G = \rho \cdot w \cdot F \quad (2.11)$$

бу ерда  $\rho$  - суюқлик зичлиги,  $kg/m^3$

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, юқорида келтирилган формулалар исталган шаклдаги кўндаланг кесимли каналлар учун ҳам тўғри келади.

**Гидравлик радиус ва эквивалент диаметр.** Думалоқ бўлмаган, исталган шаклдаги кўндаланг кесимли трубалардан суюқлик оқиб ўтганда, асосий чи-

зикли ўтчам сифатида гидравлик радиус ёки эквивалент диаметри қабул қылнади.

Труба ёки канал ичида ҳаракат қилаётган оқим күндаланг кесим юзаси-нинг периметрига иисбати *гидравлик радиус r* (м) деб номланади:

$$r = \frac{F}{\Pi} \quad (2.12)$$

бу ерда  $F$  - суюқлик оқими күндаланг кесим юзаси, м<sup>2</sup>;  $\Pi$  - ҳўлланган периметр, м.

Ички диаметри  $d$ , күндаланг кесим юзаси  $F = \pi d^2/4$  ва ҳўлланган периметри  $\Pi = \pi d$  бўлган думалоқ труба учун гидравлик радиус ушбу формуладан топилади:

$$r_e = \frac{F}{\Pi} = \frac{\pi \cdot d^2 / 4}{\pi d} = \frac{d}{4} \quad (2.13)$$

Гидравлик радиус орқали ифодаланган *эквивалент диаметр* қўйидаги кўринишга эга

$$d_e = d_s = 4r$$

Агар, (2.12) тенгламани инобатга олсак,

$$d_s = \frac{4 \cdot F}{\Pi}$$

Томонлари  $a$  ва  $b$  бўлган тўргубурчак күндаланг кесимли суюқлик билан тўлдирилган каналлар учун гидравлик радиус ушбу тенгламадан аниқланади:

$$r_e = \frac{F}{\Pi} = \frac{a \cdot b}{2a + 2b} = \frac{a \cdot b}{2 \cdot (a + b)}$$

эквивалент диаметр эса

$$d_s = 4r_e = \frac{4 \cdot a \cdot b}{2 \cdot (a + b)} = \frac{2 \cdot a \cdot b}{a + b}$$

Ички диаметри  $d_u$  ва ташқи диаметри  $d_r$  бўлган иккита трубалар ҳосил қилган ҳалқасимон трубалараро бўшлиқнинг күндаланг кесим юзаси учун эквивалент диаметр қўйидаги тенгламадан аниқлаш мумкин:

$$d_s = \frac{4 \cdot F}{\Pi} = \frac{4 \cdot \left( \frac{\pi \cdot d_r^2}{4} - \frac{\pi \cdot d_u^2}{4} \right)}{\pi \cdot d_r + \pi \cdot d_u} = \frac{d_r^2 - d_u^2}{d_r + d_u} = d_r - d_u$$

Думалоқ труба учун  $d_s = d$ .

**Турғун ва турғунмас (нотурғун) оқимлар.** Суюқлик ҳаракат қонуниятларига қараб турғун ва нотурғун оқимлар бўлади.

Суюқлик оқимининг турғун ҳаракати даврида вақт ўтиши билан суюқлик заррачаларининг тезлиги ва бошқа омиллар (босим, зичлик, температура ва ҳоказолар) ўзгармайди ( $dw/dt=0$ ,  $dp/dt=0$  ва ҳоказо), лекин оқимда қузатилаётган нуқта ҳолатига боғлиқ;

$$w = f_1(x, y, z), \quad p = f_2(x, y, z), \quad h = f_3(x, y, z)$$

бу ерда  $w$  - суюқлик тезлиги;  $p$  - босим;  $h$  - оқим чуқурлиги.

Түрғунмас ҳаракат даврида тезлик, босим ва оқим чуқурлиги координата ва вактта боғлиқ бўлади:

$$w = f_1(x, y, z, \tau), \quad p = f_2(x, y, z, \tau), \quad h = f_3(x, y, z, \tau)$$

Оқимларнинг түрғун ҳаракати узлуксиз, ногурғун эса - даврий жараёнлар учун характерлидир.

Түрғун ҳаракат икки хил бўлади: текис ва нотекис.


Оқим узунлиги бўйича унинг тезлиги, босими, чуқурлиги ва шакли ўзгармаса, суюқликнинг ҳаракати текис, лекин буларнинг акси бўлса нотекис ҳаракати содир бўлади.

Оқим ўртасида (ўқида) суюқлик ҳаракатининг тезлиги максимал, девор атрофидаги оқимчаларда эса минимал бўлади. Оқимда тезликлар тақсимланиши суюқлик ҳаракат режимларига боғлиқ.

## 2.6. Оқимнинг узлуксизлик тенгламаси

Узлуксиз ҳаракат қилаётган шароитда суюқлик оқимидағи тезликлар орасидаги боғлиқликни кўриб чиқамиз.

Бўнинг учун оқимдан ҳажми  $dV = dx \cdot dy \cdot dz$  бўлган элементар параллелепипедни ажратиб оламиз (2.5-расм).



**2.5-расм. Суюқлик оқимининг узлуксизлик тенгламасини келтириб чиқаришга оид.**

Х ўқи бўйлаб ҳаракат тезигининг ташкил қилган  $w_x$  деб белгилаймиз. Унда, параллелепипеднинг  $dy \cdot dz$  чап томонидан чексиз қисқа вақт ичида унга қуйидаги миқдорда суюқлик киради:

$$M_x = \rho w_x \cdot dy \cdot dz \cdot d\tau$$

бу ерда  $\rho$  - суюқлик зичлиги.

Суюқлик умуман сиқилмайди деган таҳминни қабул қиласиз. Унда, суюқлик зичлиги  $\rho$  ўзгармас бўлади.

Параллелепипеднинг қарама-қарши томонида суюқликнинг тезлиги

$\frac{\partial w_x}{\partial x} \cdot dx$  қийматга фарқ қиласи ва қуйидагига тенг бўлади:

$$w_x + \frac{\partial w_x}{\partial x} \cdot dx$$

Ўнг томондан  $d\tau$  вақт ичида оқиб чиқсан суюқлик миқдори қуйидагига тенг:

$$M_{x+dx} = \rho \left( w_x + \frac{\partial w_x}{\partial x} \cdot dx \right) \cdot dy \cdot dz \cdot d\tau$$

Параллелепипедда ортиб бораётган масса миқдори

$$dM_x = M_x - M_{x+dx} = -\rho \frac{\partial w_x}{\partial x} \cdot dx \cdot dy \cdot dz \cdot d\tau$$

га тенг бўлади.

$y$  ва  $z$  ўқлари бўйлаб, суюқлик массасининг ўзгариши қўйидагига тенг бўлади:

$$dM_y = -\rho \frac{\partial w_y}{\partial y} \cdot dy \cdot dx \cdot dz \cdot d\tau$$

$$dM_z = -\rho \frac{\partial w_z}{\partial z} \cdot dz \cdot dx \cdot dy \cdot d\tau$$

Параллелепипедда  $d\tau$  вақт бирлиги ичидаги суюқлик массаси умумий миқдорининг ўзгариши координата ўқлари бўйлаб, унинг ўзгаришлари йиғиндисига тенг:


$$dM = dM_x + dM_y + dM_z = -\rho \left( \frac{\partial w_x}{\partial x} + \frac{\partial w_y}{\partial y} + \frac{\partial w_z}{\partial z} \right) \cdot dx \cdot dy \cdot dz \cdot d\tau$$

Агар,  $\rho = \text{const}$  бўлганда, параллелепипед ичидаги суюқлик массаси ўзгармас бўлиши керак. Демак, массанинг умумий ўзгариши  $dM=0$  ёки

$$\frac{\partial w_x}{\partial x} + \frac{\partial w_y}{\partial y} + \frac{\partial w_z}{\partial z} = 0 \quad (2.13)$$

ёки  $\text{div}w=0$ , бу ерда  $\frac{\partial w_x}{\partial x}, \frac{\partial w_y}{\partial y}, \frac{\partial w_z}{\partial z} - x, y, z$  ўқлари йўналишида тезликларнинг ўзгариши. Ушбу тенглама сиқилмайдиган суюқлик оқими узлуксизлигининг дифференциал тенгламаси.

(2.13) тенгламани интеграллагандан кейин, суюқликнинг турғун ҳаракати пайтида труба қувурининг ҳар бир кўндаланг кесимидан вақт бирлигига бир хил миқдорда суюқлик оқиб ўтади (2.6-расм).



2.6-расм. Суюқлик оқимининг узлуксизлик тенгламасини келтириб чиқаришга оид.

$$G_1 = G_2 = G_3 = \dots = \text{const} \quad (2.14)$$

бу ерда  $G$  - массавий сарф, кг/с;  $G = \rho w F$ .

Томчили, сиқилмайдиган суюқликлар учун  $\rho = \text{const}$  бўлгани учун (2.14) тенглама ушбу кўринишни олади:

$$w_1 F_1 = w_2 F_2 = w_3 F_3 = \text{const} \quad (2.15)$$

(2.15) тенгламадан кўриниб турибдики, томчили суюқлик ҳаракатининг тезлиги трубанинг кўндаланг кесим юзасига тескари пропорционалдир:

$$\frac{w_1}{w_2} = \frac{F_2}{F_1}$$

Шундай қилиб, (2.15) тенглама масса сақланиш қонунининг хусусий ҳоли бўлиб, суюқлик оқимининг моддий балансини ифодалайди.

Агар, суюқлик тарқибида ҳаво ёки сув буғи, ёки ҳаво бўшлиқлари пайдо бўлса, оқим узлуксизлиги бузилади.

## 2.7. Суюқлик ҳаракатининг Эйлер дифференциал тенгламаси

Оқимнинг исталган нуқтасида суюқлик ҳаракатининг тезлиги ва босим орасидаги боғлиқликни Л. Эйлернинг ҳаракат тенгламаси ёрдамида ифодалаш мумкин.

Ушбу тенгламани келтириб чиқариш учун турғун ҳаракат қилаётган идеал суюқлик оқимидан  $dV=dx dy dz$  ҳажмли элементар параллелепипед ажратиб оламиз (2.1-расм).

Параллелепипедга таъсир этувчи оғирлик ва босим кучларининг координат ўқларидаги проекциялари қуидагича бўлади:

$$x \text{ ўқига} \quad -\frac{\partial p}{\partial x} dx dy dz$$

$$y \text{ ўқига} \quad -\frac{\partial p}{\partial y} dx dy dz$$

$$z \text{ ўқига} \quad -\frac{\partial p}{\partial z} dx dy dz$$

Динамиканинг асосий принципига биноан, ҳаракатдаги элементар суюқлик ҳажмига таъсир этувчи ҳамма кучлар проекцияларининг йиғиндиси суюқлик массасини унинг тезланиши кўпайтмасига тенг.

Параллелепипед ҳажмидаги суюқлик массаси:

$$dm = \rho dx dy dz$$

Агар, элементар заррача тезлиги  $w$ , унинг тезланиши  $dw/d\tau$  бўлса, тезланишнинг координатлар ўқидаги проекциялари қуидагича бўлади:

$$\frac{dw_x}{d\tau}; \quad \frac{dw_y}{d\tau}; \quad \frac{dw_z}{d\tau}.$$

бу ерда  $w_x, w_y, w_z = x, y, z$  ўқлардаги тезликлар.

Координата ўқларига нисбатан тезланишнинг проекциялари  $\partial w_x / d\tau$ ,  $\partial w_y / d\tau$  ва  $\partial w_z / d\tau$  бўлади.

Суюқлик оқими турғун ҳаракат қилаётгани сабабли  $\partial w_x / d\tau = 0$ ;  $\partial w_y / d\tau = 0$ ;  $\partial w_z / d\tau = 0$ .

Бунда, тезликнинг вақт ўтиши билан ўзгариши, фазода олинган нүкта тезлигининг ўзгаришини эмас, балки суюқлик элементар заррачасининг фазода бир нүктадан иккинчисига ўтганда  $x$ ,  $y$  ва  $z$  ўқларга мос келадиган тезлик миқдори  $w_x$ ,  $w_y$  ва  $w_z$  ларнинг ўзгаришини кўрсатади. Динамиканинг асосий принципига биноан:

$$\rho dx dy dz \frac{dw_x}{d\tau} = - \frac{\partial p}{\partial x} dx dy dz$$

$$\rho dx dy dz \frac{dw_y}{d\tau} = - \frac{\partial p}{\partial y} dx dy dz$$

$$\rho dx dy dz \frac{dw_z}{d\tau} = - \left( \rho g + \frac{\partial p}{\partial z} \right) dx dy dz$$

Кисқартиришлардан сўнг эса, ушбу тенгламалар системасини оламиз:

$$\left. \begin{aligned} \rho \frac{dw_x}{d\tau} &= - \frac{\partial p}{\partial x} \\ \rho \frac{dw_y}{d\tau} &= - \frac{\partial p}{\partial y} \\ \rho \frac{dw_z}{d\tau} &= - \rho g - \frac{\partial p}{\partial z} \end{aligned} \right\} \quad (2.16)$$

Бу тенгламалар системаси турғун оқимлар учун идеал суюқликлар ҳаракатини ифодаловчи Эйлернинг дифференциал тенгламаси.

## 2.8. Ҳақиқий суюқлик оқими учун Бернуlli тенгламаси

Турғун оқимлар учун Эйлернинг дифференциал тенгламалар системасини ечиш гидродинамикада катта аҳамиятга эга ва жуда кўп ишлатиладиган Бернуlli тенгламасини олиш имконини беради.

Агар, (2.16) тенгламалар системасининг чап ва ўнг томонларини  $dx$ ,  $dy$ ,  $dz$  ларга кўтайтириб ва суюқлик зичлиги  $\rho$  га бўлсак, ушбу ифодаларни оламиз:

$$\begin{aligned} \frac{dx}{d\tau} \cdot dw_x &= - \frac{1}{\rho} \cdot \frac{\partial p}{\partial x} dx \\ \frac{dy}{d\tau} \cdot dw_y &= - \frac{1}{\rho} \cdot \frac{\partial p}{\partial y} dy \\ \frac{dz}{d\tau} \cdot dw_z &= - q dz - \frac{1}{\rho} \cdot \frac{\partial p}{\partial z} dz \end{aligned} \quad (2.17)$$

(2.17) тенгламалар системасидаги  $dx/d\tau$ ,  $dy/d\tau$  ва  $dz/d\tau$  нисбатлар тегишли координата ўқларидаги  $w_x$ ,  $w_y$  ва  $w_z$  тезликларнинг ўзгаришини ифодайди. Ушбу нисбатларни тезлик орқали ифодалаб, ўз ўрнига қўйсак:

$$w_x dw_x + w_y dw_y + w_z dw_z = -gdz - \frac{1}{\rho} \left( \frac{\partial p}{\partial x} dx + \frac{\partial p}{\partial y} dy + \frac{\partial p}{\partial z} dz \right)$$

Тенгламанинг чап томонидаги қўшилувчилар қўйидаги кўринишда ифодаланиши мумкин:

$$w_x dw_x = d\left(\frac{w_x^2}{2}\right); \quad w_y dw_y = d\left(\frac{w_y^2}{2}\right); \quad w_z dw_z = d\left(\frac{w_z^2}{2}\right).$$

Уларнинг йигиндиси эса,

$$d\left(\frac{w_x^2}{2}\right) + d\left(\frac{w_y^2}{2}\right) + d\left(\frac{w_z^2}{2}\right) = d \cdot \left( \frac{w_x^2 + w_y^2 + w_z^2}{2} \right) = d\left(\frac{w^2}{2}\right)$$

бу ерда  $w = |w|$  - тезлик векторининг катталиги бўлиб,  $w_x$ ,  $w_y$  ва  $w_z$  ўқлари учун ўз қийматига эга.

Тенгламанинг ўнг томонидаги ифода босимнинг тўла дифференциали  $d\rho$  га тенг. Турғун оқимлар учун босим фазодаги нуқта ҳолатига боғлиқ бўлиб, исталган нуқта учун вақт бирлигига ўзгармайди.

Демак,

$$d\left(\frac{w^2}{2}\right) = -\frac{dp}{\rho} - gdz$$

Ушбу тенгламанинг иккала томонини эркин тушиш тезланиши  $g$  га бўлсак ва ҳамма ифодала ни чап томонга ўтказсак, қўйидаги кўринишга эга бўламиз:

$$d \cdot \left( \frac{w^2}{2g} \right) + \frac{dp}{\rho g} + dz = 0 \quad (2.18)$$

Бир жинсли, сиқилмайдиган суюқликлар учун  $\rho = \text{const}$ .

Тенгламадаги дифференциаллар йигиндисини йигиндилар дифференциали билан алмаштирилиши мумкин, яъни:

$$d\left(z + \frac{p}{\rho g} + \frac{w^2}{2g}\right) = 0$$

бу ерда

$$z + \frac{p}{\rho \cdot g} + \frac{w^2}{2g} = \text{const} \quad (2.19)$$

Ушбу кўринишдаги ифода идеал суюқликлар учун **Бернулли тенгламаси** дейилади.  $\left(z + \frac{p}{\rho g} + \frac{w^2}{2g}\right)$  катталикка **тўлиқ гидродинамик напор** ёки **гидродинамик напор** деб номланади.

Бернулли тенгламасига биноан, идеал суюқликларнинг турғун ҳаракатида геометрик, статик ва динамик напорлар йигиндиси умумий гидро-

динамик нағорға тенг бўлиб, оқим бир трубадан иккинчисига ўтганда ҳам ўзгармайди.

$$z_1 + \frac{p_1}{\rho g} + \frac{w_1^2}{2g} = z_2 + \frac{p_2}{\rho g} + \frac{w_2^2}{2g} \quad (2.20)$$

Бернулли тенгламаси энергия сақланиш қонунининг хусусий ҳоли бўлиб, оқимниги энергетик балансини характерлайди.  $z$  нивелир баландлик ёки геометрик напор ( $h_z$ , м) деб аталади ва нуқта ҳолатининг солиштирма потенциал энергиясини ифодалайди.  $\frac{p}{\rho g}$  - босим напори ёки пъезометрик напор ( $h_c$ , м) деб номланади ва босимнинг солиштирма потенциал энергиясини ифодалайди.

$\left( z + \frac{p}{\rho g} \right)$  йигинди тўлиқ гидростатик ёки статик напор ( $h_{cm}$ , м) дейила-

ди ва ушбу нуқтадаги тўлиқ солиштирма потенциал энергияни ифодалайди.

$\frac{w^2}{2g}$  – тезлик ёки динамик напор ( $h_d$ , м) деб номланади ва ушбу нуқтадаги солиштирма кинетик энергияни характерлайди.

Демак, турғун характердаги суюқлик учун потенциал  $\left( z + \frac{p}{\rho g} \right)$  ва кинетик  $\left( \frac{w^2}{2g} \right)$  энергиялар йифиндиси оқимнинг исталган кўндаланг кесимида ўзгармас қийматга эга.

Маълумки, ҳақиқий (реал) суюқликларда ички ишқаланиш кучлари мавжуд бўлиб, улар труба ёки каналларда ҳаракат қилганда, бир қисм напор бу кучни енгишга сарф этилади.

Ҳақиқий суюқликлар учун Бернулли тенгламаси ушбу қўринишида ёзилади:

$$z_1 + \frac{p_1}{\rho g} + \frac{w_1^2}{2g} = z_2 + \frac{p_2}{\rho g} + \frac{w_2^2}{2g} + h_u \quad (2.21)$$

ёки

$$h_z + h_c + h_g + h_u = H$$

бу ерда  $h_u$  – ишқаланиш кучини енгиш учун сарфланган напор.

Агар, суюқлик горизонтал трубада ҳаракат қилаётган бўлса, унда геометрик напор нолга тенг бўлади, яъни  $h_d=0$ . Унда

$$h_c + h_d + h_u = H \quad (2.22)$$


Шундай қилиб, Бернулли тенгламаси энергия сақланиш қонунининг хусусий ҳоли бўлиб, оқимнинг энергетик балансини ифодалайди.

## 2.9. Суюқлик ҳаракатининг Навье-Стокс дифференциал тенгламаси

Суюқлик оқими ҳаракатининг Навье-Стокс дифференциал тенгламаси 1845 йили келтириб чиқарилган.

Бу тенгламани келтириб чиқариш учун қуйидаги таҳминлар қабул қилинади: суюқлик сиқилмайди ва кенгаймайди.

Қовушоқ, ҳақиқий (реал) суюқликлар ҳаракатида оқим заррачаларига оғирлик ва гидростатик кучлардан ташқари, ишқаланиш кучлар таъсирини топиш учун ҳаракатдаги ҳақиқий суюқлик оқимида чексиз кичик параллелепипед шаклидаги элементар заррача ажратиб оламиз (2.7-расм). Ишқаланиш кучлари параллелепипеддинг устки ва пастки томонлари  $dF = dx dy$  юзалаriga уринма бўйлаб, таъсир этмоқда.



**2.7-расм. Навье-Стокс тенгламасини келтириб чиқаришга оид.**

Агар параллелепипед пастки томонида уринма бўйлаб кучланиш  $\tau$  бўлса, устки томонида эса:

$$\tau + \frac{\partial \tau}{\partial z} dz$$

бу ерда  $\frac{\partial \tau}{\partial z} dz$  параллелепипед  $z$  ўқидаги пастки томон уринма кучланишининг ўзгаришини ифодалайди.

$x$  ўқига таъсир этувчи ишқаланиш кучларининг проекцияси қуйидагига тенг бўлади:

$$tadx dy - \left( \tau + \frac{\partial \tau}{\partial z} dz \right) dx dy = - \frac{\partial \tau}{\partial z} dx dy dz$$

Ушбу тенгламага уринма кучланиши  $\tau = \mu \frac{\partial w_x}{\partial z}$  ни қўйсак, қуйидагича кўринишга эга бўламиз:

$$\mu \frac{\partial \left( \frac{\partial w_x}{\partial z} \right)}{\partial z} dx dy dz = \mu \frac{\partial^2 w_x}{\partial z^2} dx dy dz$$

Умумий ҳолатда, агар уч ўлчовли оқим  $w_x$  тезлигининг ташкил этувчи-си факат  $z$  ўқи йўналишида эмас, балки координатанинг ҳамма уч ўқи йўналишида ўзгаради. Унда  $x$  ўқига бир хил таъсир этувчи ишқаланиш кучларининг проекцияси ушбу кўринишда бўлади:

$$\mu \left( \frac{\partial^2 w_x}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 w_y}{\partial y^2} + \frac{\partial^2 w_z}{\partial z^2} \right) dx dy dz$$

Координата ўқлари бўйлаб иккинчи ҳосилалар йиғиндиси Лаплас опера-тори деб номланади:

$$\frac{\partial^2 w_x}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 w_y}{\partial y^2} + \frac{\partial^2 w_z}{\partial z^2} = \nabla^2 w_x \quad (2.23)$$

Чексиз кичик элементар параллелепипед шаклдаги заррачага таъсир этувчи оғирлик, гидростатик ва ишқаланиш күчлари проекцияларининг йигиндиси динамикасининг асосий принципига биноан қўйидагига тенг:

$$\left. \begin{array}{l} \rho \frac{dw_x}{d\tau} = -\frac{\partial p}{\partial x} + \mu \nabla^2 w_x \\ \rho \frac{dw_y}{d\tau} = -\frac{\partial p}{\partial y} + \mu \nabla^2 w_y \\ \rho \frac{dw_z}{d\tau} = -\rho g - \frac{\partial p}{\partial z} + \mu \nabla^2 w_z \end{array} \right\} \quad (2.24)$$

(2.24) тенгламалар системасида  $\rho g$  оғирлик кучи,  $\partial p / \partial x$ ,  $\partial p / \partial y$ ,  $\partial p / \partial z$  - гидростатик босим ўзгариши Лаплас операторини  $\mu$  га кўпайтмаси – ишқаланиш күчларининг суюқлик оқимига таъсирини характерлайди. Тенгламалар системасининг чап томонлари инерция күчларининг таъсирини ифодалайди.

Келтириб чиқарилган (2.24) тенгламалар системаси трубада оқаётган ҳақиқий суюқлик оқимининг турғун ҳаракатини ифодаловчи Эйлер дифференциал тенгламаси дейилади.

(2.24) даги  $\mu = 0$  бўлганда, идеал суюқлик оқимларининг турғун ҳаракатини ифодаловчи Эйлернинг дифференциал тенгламасини олиш мумкин.

Ҳақиқий суюқлик ҳаракатини тўла ифодалаш учун тенгламалар системасини келтириб чиқаришда суюқликнинг сиқилувчанлиги ва температура таъсирида кенгайишини, ҳамда оқимнинг узлуксизлигини ҳисобга олиш зарур.

Лекин, математик ифода мураккаблиги учун умумий кўринишдаги Навье-Стокс дифференциал тенгламалар системасини ечиш қийин. Шунинг учун ушбу тенгламалар системаси айрим хусусий ҳоллар учунгина ечилган. Бунинг учун, бу дифференциал тенгламалардан ўхшашиблик назарияси асосида бир қатор ўхшашиблик критерийлари келтириб чиқарилади. Олинган критерийлар жараёнларни ҳисоблашда ишлатилади.


## 2.10. Бернуlli тенгламасининг амалий қўлланилиши

Кимё ва озиқ-овқат саноатларида суюқликлар тезлиги, сарфи ва тешиклардан оқиб чиқишини аниқлашда Бернуlli тенгламасидан кенг қўламда фойдаланилади.

**Суюқлик тезлиги ва сарфини ўлчаш принциплари.** Саноатда ва илмий тадқиқотларда суюқлик тезлиги ва сарфини ўлчаш учун дроссел асбоблар ва пневтометрик трубалар ишлатилади.

Пито-Прандтл пневтометрик трубасининг тузилиши 2.8-расмда кўрсатилган.

Трубкаларнинг ҳар бир кўндаланг кесимида суюқлик сатҳларининг фарқи, унинг ўқидаги нуқтанинг тезлик напори  $h_t$  ни ифодалайди. Трубкалардаги ишчи суюқлик сатҳларини  $U$ -симон дифференциал манометр ёрдамида ўлчаш қулай.  $U$ -симон дифманометр ичидаги суюқлик ишчи суюқлик билан аралашмайди ва унинг зичлиги ишчи суюқликнидан анча катта бўлади.



**2.8-расм.** Пневометрик трубка ёрдамида суюқлик тезлигини ўлчаш.

Агар, трубадаги суюқлик бирор тезликка эга бўлса, *U*-симон дифманометрда суюқлик *h* баландликка кўтарилиши динамик напорни кўрсатади, яъни

$$h_d = \frac{w^2}{2g}$$

Динамик напор қийматидан тезликни топиш мумкин:

$$w = \sqrt{2gh} \quad (2.25)$$

Пито-Прандтл трубасининг оқими йўналишида бўлиши, суюқлик тезлигининг умумий тақсимланишига таъсир этади. Шунинг учун формулага тегишли тузатиш коэффициенти киритилади:

$$w = \alpha \sqrt{2gh} \quad (2.26)$$

Формуладаги  $\alpha$  сарф коэффициентининг қиймати ҳар бир ўлчов асбоби ва пневометрик трубкалар учун тажриба йўли билан аниқланади. Унинг қиймати Рейнольдс критерийси ва дроссель асбоби диаметри  $d_0$  нинг трубы диаметри  $d_1$  нисбатига боғлиқдир:

$$\alpha = f\left( Re, \frac{d_0}{d_1} \right)$$

Суюқлик сарфи эса секундли сарф тенгламасидан топилади:

$$V = wF$$


Бу усулда суюқлик тезлиги ва сарфини аниқлаш осон, лекин пневометрик трубкани труба қувурининг ўқига ўрнатиш қийинлиги учун юқори аниқликка эришиб бўлмайди.

Шунинг учун халқ хўжалигининг турли соҳаларида суюқлик ва тезликни ўлчаш учун дроссель асбоблар қўлланилади.

Бу асбобларнинг ишлаш принципи трубаларнинг кўндаланг кесими ўзгариши билан динамик босимлар фарқининг ўзгаришига асосланган. Дроссель асбоблар сифатида ўлчов диафрагмаси, соплоси ва Вентури трубалари ишлатилиши мумкин.


Ўлчов диафрагмаси юпқа дискдан ясалади ва ўртасида думалоқ кўндаланг кесимли тешик бўлади (2.9-расм).

Ўлчов соплоси насадка бўлиб, кириш қисми аста-секин торайиб борадиган қайилишдан ва чиқиш қисми цилиндрик шаклга эга. *U*-симон дифференциал манометр ҳалқасимон *a* ёки *b* каналларга уланади (2.10-расм).




**2.9-расм.** Ўлчов диафрагмаси.

Вентури трубасида ўлчовчи диафрагма ва соплоларга нисбатан напор ва босимнинг йўқотилиши кам бўлади (2.11-расм). Бунга сабаб, Вентури трубасида диаметр  $d$  аста-секин торайиб, кейин эса аста-секин кенгайиб, дастлабки ҳолати  $d$  ўлчамига қайтишдир. Лекин, бу асбобнинг камчилиги шундаки, унинг узунлиги жуда катта. Бу эса, упинг саноатда кенг қўлланилишини маълум миқдорда чеклайди.




2.10-расм. Ўлчов соплоси.



2.11-расм. Вентури трубаси.

## 2.11. Суюқлик ҳаракати режимлари

Суюқлик ҳаракати режимлари биринчи бор тажриба қурилмасида 1883 йили инглиз олимни Рейнольдс томонидан ўрганилган (2.12-расм).



2.12-расм. Рейнольдс қурилмаси.

1-бак; 2-термометр; 3-рангли модда учун идиш; 4-капилляр труба; 5-труба; 6-кран; 7-йигич.

бўлганда, рангли суюқлик оқимчаси оқим ўқи бўйлаб ингичка чизиқ бўлиб чўзилади ва бир текис ҳаракат қилаётганини кўрамиз. Агар, турли жойларда ўрнатилган бир нечта турли капилляр найдалардан асосий оқимга ўрнатилган рангли суюқлик юборсанак, бир-бири билан йўналишлари кесишмайдиган оқимчаларни кузатамиз. Труба ичida суюқлик оқимчаларининг параллел йўналиш бўйлаб, яъни техникада **ламинар режим** деб номланувчи, суюқликнинг оқимчали ҳаракати содир бўлади.

Оқимда тезликлар тақсимланиши парабола шаклидаги чизиқ билан ифодаланади. Бунда, максимал тезлик оқимнинг ўқида бўлади, минимал тезлик эса - труба девори яқинидаги қатламларга тўғри келади. Труба деворига ёпишиб турган юпқа суюқлик қатлами - **чегаравий қатлам** деб номланади.

Суюқликнинг бак 1 дан оқиб чиқиши ўзгармас напорда содир бўлади. Суюқлик сарфи эса, кран 6 ёрдамида ростланади ва ўлчов идиши 7 да унинг миқдори аниқланади. Труба 5 нинг ўқи бўйлаб капилляр трубка 4 ўрнатилади ва у орқали рангли суюқлик узатилади.

Тажриба пайтида труба 5 га асосий суюқлик билан бирга рангли суюқлик юборилади. Труба 5 ичida тезликлар кичик

Агар, суюқлик тезлигигиң янада оширасак, рангли суюқлик түлкінсімөн ҳаракатланиб бутун суюқлик оқимига аралашиб, күрінмай кетади. Бунга сабаб, оқимнинг айрим заррачалари нафакат труба ўқы бүйлаб горизонтал, чи-зиқли ҳаракат қылади, балки суюқлик заррачалари бир-бири билан аралашиб, күндаланғ йұналишда тартибсиз ҳаракатланади. Натижада бутун суюқлик мас-саси индикатор рангига бўялади. Суюқликнинг бундай түлкінсімөн, тартиб-сиз ҳаракат *турбулент режим* деб аталади. Оқимда тезликлар тақсимланиш чўққиси кенг, параболасимон чизик билан ифодаланади.

Инглиз физик-олими Рейнольдс тажрибаларда суюқлик тезлиги, қовушоқлиги, зичлиги ва труба диаметрини ўзgartирди. Тажрибалар таҳлили асосида олим қуидагича ҳолосага келди: суюқлик оқимининг ламинар ре-жимдан турбулент режимга ўтиши суюқлик массавий тезлиги  $\rho w$ , труба диа-метрига тўғри ва суюқлик қовушоқлиги  $\mu$  га тескари пропорционалdir. Олим томонидан таклиф этилган ўлчамсиз комплекс Рейнольдс критерийси деб юритилади.

$$Re = \frac{wd\rho}{\mu} = \frac{wd}{v} \quad (2.27)$$

бу ерда  $v = \mu/\rho$  - кинематик қовушоқлик,  $m^2/c$ .


Рейнольдс критерийсининг сон қыйматларига қараб, суюқлик ҳаракат режими аниқланади. Ундан ташқари, ушбу критерий қовушоқлик ва инерция кучларининг ўзаро нисбатини характерлайди. Бир хил труба диаметри ва суюқлик тезлигига, юқори зичлик ва кичик қовушоқликка эга суюқликлар турбулент режимга тезроқ чиқади. Ламинар режимдан турбулент режимга ўтиш Рейнольдс критерийсининг критик қыйматларида содир бўлади.

Текис трубаларда суюқлик оқими ҳаракати учун  $Re_{kp} = 2320$ . Агар,  $Re < 2320$  бўлса, турғун ламинар режим бўлади. Агар,  $2320 < Re < 10000$  бўлса, суюқлик ҳаракати ўтиш режимига тўғри келади.

Суюқлик оқимининг нотурғун ҳаракатини ўтиш режими характерлайди. Бу режимда иккى ҳаракат тури бир вақтнинг ўзида содир бўлиши ёки биридан иккинчисига осон ўтиши мумкин.

$Re > 10000$  бўлса, турғун турбулент режими бўлади.

Ламинар ва турбулент режимларда труба кесимида тезликларнинг тақсимланиши 2.13-расмда кўрсатилган.



2.13-расм. Ламинар (I) ва турбулент (II) ҳаракат режимларида труба кесимида тезликларнинг тақсимланиши.

Ньютон ички ишқаланиш қонунига бўйсунмайдиган суюқликлар ҳаракатини модификациялашган Рейнольдс критерийси характерлайди:

$$Re^* = \frac{d^n \cdot w^{2-n}}{8^{n-1} k} \rho \quad (2.28)$$

бу ерда  $n$  - оқым индекси;  $k$  - консистентлик күрсаткичи.

Суюқ озиқ-овқат маңсулотлари учун турғун ламинар режим  $Re^* \ll 1$  бўлганда содир бўлади.

## 2.12. Ламинар ҳаракат қонунлари


Оқимчали ҳаракат гипотезасидан келиб чиққан ҳолда, шуни таъкидлаш мумкинки, қатламлар орасидаги ишқаланиш кучлари таъсирида ҳар бир қатламдаги суюқлик заррачасининг тезлиги аввалгидан фарқ қиласди.

Суюқлик қатламлари орасида уринма кучланишлар бўлгани учун ишқаланиш кучлари ҳосил бўлади. Ньютон қонунига биноан:

$$\tau = \pm \mu \frac{dw_r}{dr}$$

Труба деворида уринма кучланиш максимал ва оқим ўқида минимал қийматтага эга. Демак, труба деворидан суюқлик оқимчаси қанчалик узоқда бўлса, унинг тезлиги шунча катта бўлади ва максимал қиймати оқим ўқига тўғри келади (2.13).

Суюқлик оқимида тезликлар тақсимланиш қонунини аниқлаш учун оқим ўқидан  $r$  масофада жойлашган, узунлиги  $l$  ва қалинлиги  $dr$  бўлган элементлар цилиндр шаклидаги суюқлик бўлакчасини ажратиб оламиз (2.14-расм.)



2.14-расм. Тезликлар тақсимланиш қонунига келтириб чиқаришга оид.

Суюқлик турғун ҳаракатида жараённи ҳаракатга келтирувчи кучи  $\Delta P = P_1 - P_2$  бутунлай ички ишқаланиш қаршилиги  $T$  ни енгишга сарфланади:

$$P_1 - P_2 = T$$

лекин

$$P_1 - P_2 = (p_1 - p_2) \pi r^2$$

бу ерда  $p_1$  ва  $p_2$  – 1-1 ва 2-2 кесимлардаги гидростатик босим.

Юқорида келтирилган тенгламага биноан ишқаланиш кучи қуйидагига teng:

$$T = -\mu F \frac{dw_r}{dr}$$

бу ерда  $F$  – элементар цилиндр шаклидаги суюқликнинг ташқи юзаси  $F=2 \pi r l$ .

Унда

$$(p_1 - p_2) \pi r^2 = -\mu 2 \pi r l \frac{dw_r}{dr}$$

Ўзгарувчиларни бўлиш ва тегишли қисқартиришлардан сўнг ушбу кўринишга эга бўламиш:

$$\frac{p_1 - p_2}{2\mu l} r dr = -dw,$$

Бу тенгламани интегралласак

$$\int_r^R \frac{p_1 - p_2}{2\mu l} r dr = - \int_{w_r}^0 dw_r$$

Труба девори атрофида тезлик  $w = 0$  эканлигини инобатта олсак,  $r = 1$  бўлади.

Интеграллашдан сўнг куйидаги тенгламани оламиз

$$\frac{p_1 - p_2}{2\mu l} \left( \frac{R^2}{2} - \frac{r^2}{2} \right) = w_r$$

бу ерда  $R$  - труба радиуси.

Охирги олинган тенгламадан тезликни аниқласа бўлади:

$$w_r = \frac{p_1 - p_2}{4\mu l} (R^2 - r^2) \quad (2.29)$$

Труба ўқидаги ( $r = 0$ ) максимал тезлик ушбу тенгламадан топилади:

$$w_{\max} = \frac{p_1 - p_2}{4\mu l} \cdot R^2 \quad (2.30)$$

(2.29) тенгламани (2.30) га бўлиб, куйидаги кўринишга эришамиз:

$$w_r = w_{\max} \left( 1 - \frac{r^2}{R^2} \right) \quad (2.31)$$

Ушбу тенглама Стокс қонуни бўлиб, трубада ламинар режимда ҳаракатланаётган суюқлик қатламларида тезликларнинг параболик тақсимланишини ифодалайди.

(2.29) тенглама ёрдамида Стокс ламинар режимидаги суюқлик сарфини аниқлаш мумкин. Бунинг учун оқим ўқидан  $r$  масофа жойлашган,  $dr$  кенгликдаги элементар ҳалқасимон кесимдан суюқликнинг оқиб ўтишини кўриб чиқамиз.

Ҳалқасимон кесим юзаси  $df = 2\pi r dr$  га тенг.

Ушбу кўндаланг кесимдан оқим ўтаётган суюқликнинг тезлиги  $w_r$  бўлса, унинг сарфи куйидагига тенг бўлади:

$$dV_{cek} = w_r df = 2\pi w_r r dr \quad (2.32)$$

Тезлик  $w_r$  ни (2.29) тенглама орқали ифодалаб (2.32) кўйсак,

$$dV_{cek} = \frac{p_1 - p_2}{4\mu l} (R^2 - r^2) 2\pi r dr \quad (2.33)$$

Интеграллашдан сўнг ушбу кўринишга эта бўламиз:

$$V_{cek} = \frac{P_1 - P_2}{8\mu l} \pi R^4 \quad (2.34)$$

ёки

$$V_{cek} = \frac{\pi d^4}{128\mu l} \Delta p \quad (2.35)$$

бу ерда  $d$ -труба диаметри.

(2.35) тенглама цилиндрик трубадаги суюқлик сарф учун **Пуазейль тенгламаси** деб номланади.

Маълумки, суюқлик сарфини трубадаги суюқликнинг ўртача тезлиги орқали аниқлаш мумкин:

$$V_{cek} = \pi R^2 \cdot w_{yp} \quad (2.36)$$

(2.34) ва (2.36) тенгламаларни солишириб, ушбу тенгламани оламиз:

$$w_{yp} = \frac{P_1 - P_2}{8\mu l} \cdot R^2 \quad (2.37)$$

Агар, (2.30) тенгламани ҳам ҳисобга олсак:

$$w_{yp} = \frac{w_{max}}{2} \quad (2.38)$$

### 2.13. Турбулент ҳаракат режими

Саноат қурилмаларида суюқликлар турбулент ҳаракати жуда кенг тарқалган. Турбулент режимда заррачаларнинг хаотик, тартибсиз ҳаракати туфайли оқимнинг асосий қисмида тезликлар анча текисланади (2.13-расм).

Тажрибалар шуни кўрсатдикки, турбулент режимда суюқликнинг ўртача тезлиги  $w_{yp}$  ламинар режимдаги каби максимал тезликтин ярмига тенг бўлмай, ундан анча катта бўлади, яъни Рейнольдс сонининг функцияси  $w/w_{max} = f(Re)$ . Масалан,  $Re=10^4$  бўлса  $w_{yp} \approx 0,8 \cdot w_{max}$ ,  $Re=10^8$  да  $w_{yp} \approx 0,9 \cdot w_{max}$ .

Лекин шуни алоҳида таъкидлаш керакки, турбулент режим ўта мураккаб характерли бўлгани учун, назарий усул билан суюқлик тезликларининг тақсимланиш кўламини аниқлаш қўйин. Бунга сабаб суюқлик заррачаларининг тартибсиз ҳаракати ва уларнинг интенсив аралашишидир. Оқибатда, суюқлик айрим заррачалари тезлигининг йўналиши ва катталикларининг локал ўзгаришлари жуда тез содир бўлади. Бундай флюктуациялар хаотик ҳарактерга эга.

Оқимнинг исталган нуқтаси учун ҳақиқий оний тезлик  $w_x$  вақт  $\tau$  га боғлиқлигини ҳам 2.13-расмда кўриш мумкин. Турбулент режимда тезлик қандайдир ўртага тезлик атрофида пульсация қилиб туради. Ушбу нуқта учун ўртача тезлик  $\bar{w}_x$  қўйидаги ифодадан топилади:

$$\bar{w}_x = \frac{\int_0^\tau w_x d\tau}{\tau} \quad (2.39)$$

бу ерда  $w_x$  -  $x$  ўқи бўйлаб суюқлик заррачасининг оний тезлиги.

Турбулент режим ҳар доим ламинар режим билан баробар юз беради.

Назарий ва тажрибавий изланишлар шуни күрсатдикі, турбулент режимдегі ҳаракатни оқым ядрою ғидротехник чегаравий қатламдан таркиб топған деб ҳисоблаш мүмкін. Бу қатлам ичіда юпқа, миллиметрнинг бир неча улушига тенг қалинликдагы ламинар чегаравий қатлам бор. Гидродинамика чегаравий қатлам қалинлиғи  $\delta$  Рейнольдс сонига боғлиқдір ва унинг таұмынның қийматини Левич тенгламасыдан анықлаш мүмкін:

$$\delta = \frac{30d}{Re\sqrt{\lambda}} \quad (2.40)$$

бу ерда  $d$  - труба диаметри.

Турбулент режимде труба деворининг ғадир-бұдурулғы суюқлик ҳаракати қаршилигінде салмоқтың таъсир этады. Трубаларнинг ғадир-бұдурулғы абсолют геометрик ва нисбий ғадир-бұдурулғы билан харәктерланади. Труба деворларидегі ғадир-бұдурулқылар ўртаса баландліктарынинг труба узунлиғи бүйічіа ўлчаниши **абсолют ғадир-бұдурулғы** деб аталади.

Труба деворларидегі ғадир-бұдурулқылар баландлігі  $\Delta$  нинг эквивалент диаметри  $d$  га нисбатта ( $\Delta/d$ ) **нисбий ғадир-бұдурулғы** дейилади ва у ушбу формуладан анықланади:

$$\varepsilon = \frac{\Delta}{d},$$


Труба девори ғадир-бұдурулқыларынинг ўртаса баландлігі труба материалі, унинг ясалиш усули ва ишлатилиш давомийлігінде боғлиқ;

Труба	$\Delta$ , мм
Яңғы шиша ва пұлат трубалар	0,06...0,1
Ишлатылған пұлат трубалар	0,10...0,2
Чүян ва керамик трубалар	0,35...1,0
Коррозияга учраган пұлат ва чүян трубалар	0,50...2,0

Рейнольдс критерийсі қийматында қараб чегаравий қатлам қалинлиғи  $\delta$  ўзгаратылады. Труба ғадир-бұдурулқылар чегаравий қатламдан чиқып қолиши ҳолаты жуда күп напор йүқтолышига олиб келади.

$\delta$  ва  $\Delta$  нисбаттарындағы қийматтарында қараб трубалар гидравлик силлиқ ғадир-бұдурулғы болады.

Агар  $\Delta < \delta$  болса, трубалар **гидравлик силлиқ** деб аталади (2.15-расм). Бунда, суюқлик ламинар юпқа қатлам бүйлаб сирпанади, яғни суюқликнинг суюқликка ишқаланиши юз беради.



2.15-расм. Гидравлик силлиқ (а) ва ғадир-бұдурулғы (б) трубалар.

Агар  $\Delta>\delta$  бўлса, трубалар гидравлик ғадир-будур деб номланади. Бунда напорнинг йўқотилиши труба деворининг ғадир-будурлиги билан белгиланади, чунки суюқлик ғадир-будур труба деворига ишқаланиб, ҳаракат қиласди.

Ламинар режимда напорнинг йўқотилиши суюқлик тезлигининг биринчи даражасига, турғун турбулент режимда эса-тезлик квадратига пропорционалдир.

Ламинар чегаравий юпқа қатламли турбулент ва ўтиш режимларида, напорнинг йўқотилиши тезликнинг квадратидан кичикроқ даражага пропорционал бўлади. Ҳар бир аниқ ҳолат учун ушбу кўрсаткич тажрибавий усул билан топилади.

## 2.14. Қовушоқ суюқлик ҳаракатининг критериал тенгламалари

Трубада қовушоқ суюқлик ҳаракатини ифодаловчи критериал тенглами на келтириб чиқариш учун Навье-Стокс дифференциал тенгламасидан фойдаланиш мумкин.

Агар, сикиш ва чўзиш кучлари ҳисобга олинмаса, абсцисса ўқи бўйлаб ҳаракат қилаётган суюқлик учун дифференциал тенглама ушбу қўринишга эга бўлади.

$$-\frac{\partial p}{\partial x} + \mu \frac{\partial^2 w_x}{\partial x^2} + \rho g_x = \rho w_x \frac{\partial w_x}{\partial x} + \rho \frac{\partial w_x}{\partial t}$$

бу ерда  $p$  - босим;  $\mu$  - динамик қовушоқлик;  $w$  - тезлик;  $\rho$  - зичлик;  $t$  - вақт.

Ушбу тенгламадаги биринчи қўшилувчи абсцисса ўқи йўналишида оқим босимининг ўзгаришини, иккинчиси эса –ишқаланиш кучини, учинчиси оғирлик кучини; тўртинчи ва бешинчилари эса - инерция кучларини характерлайди. Тенглама қўшилувчиларининг физик маъносини инобатга олиб, қўйидагича ёзиш мумкин:

$$-P + T + G = I_1 + I_2$$

бу ерда  $P$  - босим кучи;  $T$  - ишқаланиш кучи;  $G$  - оғирлик кучи;  $I_1$  ва  $I_2$  – инерция кучлари.

Труба қувурларини ҳисоблашда қўйидаги кучларнинг нисбатлари алоҳида аҳамиятга эга: босим ва инерция  $P/I_1$ , инерция ва ишқаланиш  $I_2/T$ , оғирлик ҳамда инерция  $G/I_1$ , ва инерция кучлари нисбати  $I_1/I_2$ .

Инерция ва ишқаланиш кучларининг нисбатидан ўлчамсиз  $w_x \rho / \mu$  комплексини олиш мумкин, яъни Рейнольдс критерийсини  $Re = wd\rho / \mu$ .

Босим ва инерция кучлари нисбатидан эса, Эйлер критерийсини, яъни  $Eu = \Delta p / \rho w^2$  олиш мумкин.

Оғирлик кучи ва инерция кучлари нисбатидан эса-Фруд критерийсини, яъни  $Fr = gd / w^2$

Инерция кучларининг нисбатидан гомохронлик критерийсини, яъни  $Ho = w\tau / d$  ни олиш мумкин.

Ўхшашлик назариясининг иккинчи теоремасига биноан, Навье-Стокс тенгламаси ечимини юқорида олинган критерийлар орасидаги функционал боғлиқликни ушбу қўринишда ёзиш мумкин

$$\varphi = (Ho, Fr, Eu, Re) = O \quad (2.41)$$

Баъзи ҳолларда (2.41) геометрик ўшашлик симплекс билан тұлдирилиши мүмкін. Трубалар орқали суюқлик ҳаракат қылғанда, бундай симплекс сифатида труба узунлиги  $l$  нинг унинг диаметр  $d$  ёки эквивалент диаметр  $d_s$ , га нисбати бўлади.

Унда

$$\varphi = \left( Ho, Fr, Eu, Re, \frac{l}{d_s} \right) = O \quad (2.41a)$$

ёки

$$Eu = f \left( Ho, Fr, Re, \frac{l}{d_s} \right) \quad (2.41b)$$

(2.41), (2.41a) ва (2.41b) боғлиқликлар гидродинамиканинг критериал ёки умумлаштирилган тенгламалари деб номланади. (2.41b) кўпчилик ҳолларда қуидагича функция кўринишига келтирилади:

$$Eu = A \cdot Re^m Fr^n Ho^p \left( \frac{l}{d_s} \right)^q \quad (2.42)$$

Моделларда олинган тажриба маълумотларини қайта ишлаш натижасида коэффициент  $A$  ва даража кўрсаткичлари  $m$ ,  $n$ ,  $p$ ,  $q$  лар аниқланади.

Турғун жараёнлар учун (2.41b) дан гомохронлик критерийси  $Ho$  ни чиқариб ташлаш мумкин:

$$Eu = f \left( Fr, Re, \frac{l}{d_s} \right) \quad (2.43)$$

ёки

$$Eu = f_1 (Fr, Re, \Gamma_1, \Gamma_2, \Gamma_3, \dots)$$

бу ерда –  $\Gamma_1, \Gamma_2, \Gamma_3$ , – геометрик ўшашлик симплекслари.

Турғун турбулент режимда суюқлик ҳаракатига оғирлик кучлари таъсир кўрсатмайди. Унда (2.43) тенглама ушбу кўринишни олади:

$$Eu = f_2 (Re, \Gamma_1, \Gamma_2, \Gamma_3, \dots) \quad (2.44)$$

## 2.15. Труба қувурларидаги гидравлик қаршилик

Амалий гидродинамиканинг асосий масалаларидан бири бўлиб ҳақиқий суюқлик ҳаракатидаги гидравлик қаршиликни аниқлаш ҳисобланади.


Чунки, йўқотилган напор  $h_{\text{йўқ}}$  (ёки  $\Delta h_{\text{йўқ}}$ )ни билмасдан туриб насос, вентилятор, газодувка ва компрессорлар ёрдамида суюқликларни узатиш учун зарур бўлган энергия сарфини аниқ ҳисоблаб бўлмайди. Ундан ташқари  $h_{\text{йўқ}}$  (ёки  $\Delta h_{\text{йўқ}}$ ) билмасдан туриб, ҳақиқий суюқликлар учун Бернуlli тенгламасини кўллаб бўлмайди.

Труба қувурларида напор (ёки босим)нинг йўқотилишига ишқаланиш қаршилиги ва маҳаллий қаршиликлар сабабчи бўлади.

**Ишқаланиш қаршилиги** (ёки узунлик бўйича қаршилик) – трубадан ҳақиқий суюқлик ҳаракат қылғанда, ички ишқаланиш қаршилиги, унинг бутун узунлиги бўйича мавжуд (2.15-расм). Ички ишқаланиш кучининг катталиги

суюқлик оқимининг режими (ламинар, турбулент, турбулентлик даражаси)га боғлиқ.

**Маҳаллий қаршиликлар** – суюқлик оқими тезлиги ва ҳаракат йўналиши қийматининг исталган ўзгаришидир. Уларга қўйидагилар: кескин ва астасекин торайган ва кенгайган қисмлар, тирсаклар, жўмрак, ёпувчи ва ростловчи ускуна (вентил, задвижка, тиқишли кран) ва бошқалар киради (2.16-расм).



2.16-расм. Маҳаллий қаршиликлар.

Айрим маҳаллий қаршиликлар учун  $\xi$  нинг ўртача қийматлари 2-1 жадвалда келтирилган.

Трубадан ҳақиқий суюқлик ҳаракат қилганда, напорнинг йўқотилиши қўйидагига тенг бўлади:

$$h_{u\kappa} = h_{u\kappa} + h_{m\kappa} \quad (2.45)$$

бу ерда  $h_{u\kappa}$  ва  $h_{m\kappa}$  ишқаланиш ва маҳаллий қаршиликларни енгиш учун йўқотилган напор.

Тўғри трубада ламинар режимда ҳаракат қиласётган суюқлик учун ишқаланиш қаршилигини енгишда йўқотилиган напор Пуазель тенгламасидан (2.35) топилиши мумкин.

Бернулли тенгламасига биноан горизонтал ( $z_1=z_2$ ) ва ўзгармас кесимли ( $w_1 = w_2$ ) труба қувурларида ишқаланиш қаршилигини енгишга йўқотилган напор:

$$\frac{p_1 - p_2}{\rho g} = \frac{\Delta p}{\rho g} = h_{u\kappa}$$

## Маҳаллий қаршиликлар коэффициентлари

2.16-расмдаги маҳаллий қаршилик тартиби	Маҳаллий қаршилик тури	Маҳаллий қаршилик коэффициенти, $\xi_{m\zeta}$
1.	Трубага кириш	0,2...0,5
2.	Трубадан чиқиш	1,0
3.	90° га бурилиш	0,15
4.	$\alpha=90^0$ ли тирсак	1,1... 1,3
5.	Тиқинли кран:	
	Бутунлай очиқ	0,05
	$\alpha=20\dots 50^0$	2 95
6.	Стандарт вентиль	8
	$d_w=20\text{мм}$	
	$d_w=40\text{мм}$ ва ундан ортиқ	4..6
7.	Түсатдан көнгайиш ( $Re>3500$ ):	
	$f_1/f_2=0,1$	0,50
	0,3	0,35
	0,4	0,30
	0,5	0,25
8.	Түсатдан торайиш ( $Re>10^4$ ):	
	$f_1/f_2=0,1$	0,45
	0,3	0,35
	0,4	0,30
	0,5	0,25

Агар,  $\Delta p = \rho gh$  ни (2.35) тенгламага қўйсак ва ҳажмий сарф  $V$  ни тезлик  $w$  кўндаланг кесим юзасига кўпайтмаси билан алмаштирасак, қўйидаги кўринишга эга бўламиш:

$$w \frac{\pi d^2}{4} = \frac{\pi d^4 \rho g h_{uk}}{128 \mu l}$$

бу ерда  $l$  ва  $d$  – труба узунлиги ва лиаметри;  $\mu$  ва  $\rho$  - суюқлик қовушоқлиги ва зичлиги.

Қисқартиришдан сўнг йўқотилган напорни аниқлаш формуласи ушбу кўринишда бўлади:

$$h_{uk} = \frac{32 w \mu l}{\rho g d^2}$$

Тенглама ўнг томонининг сурати ва маҳражини  $2w$  кўпайтирасак:

$$h_{uk} = \frac{64 \mu}{wd\rho} \cdot \frac{l}{d} \cdot \frac{w^2}{2g} = \frac{64}{Re} \cdot \frac{l}{d} \cdot \frac{w^2}{2g}$$

Шундай қилиб, думалоқ кўндаланг кесимли трубада суюқлик ламинар режимда ҳаракат қилганда йўқотилган напор:

$$h_{uk} = \frac{64}{Re} \cdot \frac{l}{d} \cdot \frac{w^2}{2g} \quad (2.46)$$

яъни, ишқаланиш қаршилигини енгишда йўқотилган напор тезлик напори  $h_t = w^2/2g$  орқали ифодаланади.

Ишқаланиш қаршилигини енгисшда йүқотилған напор тезлик напоридан қанчалик фарқ қилиш катталиғи *ишқаланиш қаршилиги коэффициенти* деб атала迪 ва  $\xi_{ik}$  ҳарф билан белгиланади.

$$\xi_{ik} = \frac{64}{Re} \cdot \frac{l}{d}$$

бу ерда  $\frac{64}{Re}$  - гидравлик ишқаланиш ёки ишқаланиш коэффициенти ва у  $\lambda$  деб белгиланади.

Ламинар ( $Re < 2320$ ) режимде гидравлик ишқаланиш коэффициенти фақат Рейнольдс критерийсінинг сон қыйматыга боялғып. Буларни ҳисобға олсақ, (2.46) теңгламани қуидаги күринищда ёсса бўлади:

$$h_{ik} = \xi_{ik} \frac{w^2}{2g} = \lambda \frac{l}{d} \cdot \frac{w^2}{2g} \quad (2.47)$$

Агар,  $\Delta p_{ik} = \rho g h_{ik}$  лигини ҳисобға олсақ, ишқаланиш қаршилигини енгисшда йүқотилған босим  $\Delta p_{ik}$  қуидаги теңгламадан ҳисобланиши мумкин:

$$\Delta p_{ik} = \lambda \frac{l}{d} \cdot \frac{\rho w^2}{2} \quad (2.48)$$

бу ерда  $\rho$  - суюқлик зичлиги.

Агар, трубанинг кўндаланг кесими думалоқ бўлмаса, Рейнольдс критерийсида  $d$  ўрнига эквивалент диаметр  $d_3$  қўйилади. Унда

$$\lambda = \frac{B}{Re}$$

бу ерда  $B$  – кўндаланг кесим шаклига боялғык коэффициент, квадрат кесим учун  $B=57$ , думалоқ кесим учун  $B=96$  ва ҳоказо.

Гидравлик силлиқ трубалар учун ( $2320 < Re < 10^4$ ) гидравлик қаршилик коэффициенти Блазиуснинг эмпирик формуласидан:

$$\lambda = 0,316 \cdot Re^{-0,25} = \frac{0,316}{\sqrt[4]{Re}} \quad (2.49)$$

ёки Конаков формуласидан аниқланиши мумкин:


$$\lambda = \frac{1}{(1,8 \lg Re - 1,5)^2} \quad (2.50)$$

Ғадир-будур трубалар учун гидравлик қаршилик коэффициенти ушбу функция кўринишида ифодаланади:

$$\lambda = f(Re, \Delta/d)$$

бу ерда  $\varepsilon = \Delta/d$  – нисбий ғадир-будурлик.

Гидравлик қаршилик коэффициенти  $\lambda$  пи аниқлаш учун қуида келтирилган график тавсия этилади (2.17-расм). Ундан кўриниб турибдики, текис трубалар  $\lambda$  сидан ғадир-будур трубаларники анча юқори.



2.17-расм. Гидравлик қаршилик коэффициенти  $\lambda$  нинг Рейнольдс критерийсига боғлиқлиги.

Графикдан кўриниб турибдики,  $Re$  сони ортиши билан  $\lambda = f(Re)$  боғлиқлик аввал аралаш ишқаланиш соҳасига, бу ерда  $\lambda = f(Re, \Delta/d)$ , сўнг эса автомодел соҳаси  $\lambda = f(\Delta/d)$ га ўтади. Турбулент ҳаракат режимларининг ҳамма соҳалари учун гидравлик қаршилик коэффициентини ҳисоблашнинг умумлаштирилган тенгламаси қўйидаги кўринишга эга:

$$\frac{1}{\sqrt{\lambda}} = -2 \lg \left[ \frac{\Delta/d}{3,7} + \left( \frac{6,81}{Re} \right)^{0,9} \right] = -2 \lg \left[ \frac{e}{3,7} + \left( \frac{6,81}{Re} \right)^{0,9} \right] \quad (2.51)$$

Агар, (2.51) формуладаги биринчи қўшилувчини инобатга олмасак, ушбу формулани оламиз:

$$\frac{1}{\sqrt{\lambda}} = -2 \lg \left( \frac{6,81}{Re} \right)^{0,9} = 1,8 \lg Re - 1,5 \quad (2.52)$$

Гидравлик қаршилик  $Re$  га боғлиқ бўлмаган автомодел соҳа учун иккичи қўшилувчини инобатга олмаса ҳам бўлади. Унда:

$$\frac{1}{\sqrt{\lambda}} = 2 \lg \frac{3,7}{\Delta/d} = 2 \lg \frac{3,7}{e} \quad (2.53)$$

Ньютон қонунига бўйсинмайдиган суюқликлар учун  $Re^*=3000$  – 100000 да гидравлик қаршилик коэффициентини топишида қўйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\lambda = a / (Re^*)^b \quad (2.54)$$

бу ерда  $Re^*$  – (2.40) формуладан топилади;  $a$  ва  $b$  коэффициентлар оқиши индекси  $n$  функциясиdir ва  $n=1$  да  $a=0,316$  ва  $b=0,25$  га тенг.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, маҳаллий қаршиликларда напорнинг йўқотилиши ишқаланиш қаршиликлардаги каби тезлик напори орқали ифодаланилади.

Маҳаллий қаршиликлар туфайли йўқотилган напор  $h_{mz}$  нинг тезлик напори  $h_t = w^2/2g$  нисбатига маҳаллий қаршилик коэффициенти деб аталади ва у  $\xi_{mz}$  ҳарфи билан белгиланади.

Үнда, турли маҳаллий қаршиликлар учун

$$h_{\text{мк1}} = \xi_{\text{мк1}} \frac{w^2}{2g}$$

$$h_{\text{мк2}} = \xi_{\text{мк2}} \frac{w^2}{2g}$$

$$h_{\text{мкп}} = \xi_{\text{мкп}} \frac{w^2}{2g}$$

Ҳамма маҳаллий қаршиликлар учун:

$$h_{\text{мк}} = \sum \xi_{\text{мк}} \frac{w^2}{2g} \quad (2.55)$$

(2.47) ва (2.55) тенгламаларни инобатта олсак, (2.45) тенглама, яъни умумий напорнинг йўқотилиши, қўйидаги кўринишда ёзилиши мумкин:

$$h_{\text{уук}} = \xi_{\text{уук}} \frac{w^2}{2g} + \sum \xi_{\text{мк}} \frac{w^2}{2g} = \sum \xi \frac{w^2}{2g} \quad (2.56)$$

бу ерда  $\sum \xi$  - қаршилик коэффициентларининг йигиндиси.

Шундай қилиб, напорнинг йўқотилиши улбу формуладан топилади:

$$h_{\text{уук}} = \left( \lambda \frac{l}{d_s} + \sum \xi_{\text{мк}} \right) \frac{w^2}{2g} \quad (2.57)$$

Агар,  $\Delta p = \rho g h_{\text{уук}}$  ҳисобга олсак, умумий босимнинг йўқотилиши эса, қўйидаги тенгламадан аниқлаш лозим:

$$\Delta p_{\text{уук}} = \left( \lambda \frac{l}{d_s} + \sum \xi_{\text{мк}} \right) \frac{\rho w^2}{2} \quad (2.58)$$

## 2.16. Труба қувурлари диаметрини ҳисоблаш

Труба қувурларининг нархи кимё, озиқ-овқат саноати корхона қурилмалари умумий нархининг салмоқли қисмини ташкил этади. Ундан ташқари, труба қувурларини эксплуатация қилиш катта маблағларни сарф қилишни тақозо этади. Шунинг учун, труба диаметрини тўғри танлаш катта техник-иктисодий аҳамиятга эга.

Маълум иш унумдорликка эга труба қувурларининг диаметрини (2.10) формула ёрдамида ҳисоблаб топиш мумкин:

$$V = wF$$

бундан

$$d = \sqrt{\frac{4V}{\pi w}} \quad (2.59)$$

бу ерда  $d$  - труба ички диаметри, м;  $w$  - суюкликнинг ўртача тезлиги, м/с;  $V$  - ҳажмий сарф,  $\text{m}^3/\text{с}$ .

**Суюқларнинг тавсия этиладиган тезликлари**

т/р	Суюқлик номи	Тезлиги, w, м/с
1.	Қовушоқлуги паст томчили суюқлик	<3 м/с
2.	Қовушоқ суюқлик	<1 м/с
3.	Томчили суюқлик (ўзидан - ўзи оқиши)	0,2...1 м/с
4.	Томчили суюқлик (ҳайдаш трубасида)	1...3 м/с
5.	Газ (вентилятор ҳайдаш трубасида)	8...15 м/с
6.	Газ (босим остида)	15...25 м/с
7.	Тўйинган сув буғи	20...30 м/с
8.	Ўта қиздирилган сув буғи	30...50 м/с

Шундай қилиб, труба қувурининг диаметри, унда ҳаракат қилаётган суюқлик тезлиги орқали аниқланади.

Агар, суюқлик тезлиги қанча катта бўлса, (2.59) тенгламага биноан, зарур диаметр шунча кичик ва уни тайёрлаш учун шулга кам материал сарфланади. Демак, унинг нархи паст, монтажи ва таъмирланишига бўладиган ҳаражатлар кам бўлади. Шу билан бирга, (2.56) тенгламага биноан, суюқлик тезлиги ортиши билан уни узатиш учун зарур босимлар фарқи ошади. Бу эса, ўз навбатида, энергия сарфини ўсишига олиб келади.

Шунинг учун, труба қувурининг оптималь диаметрини топиш учун техник-иқтисодий услубдан фойдаланиш зарур.


Оптималь труба қувурида эксплуатацион сарфлар минимал бўлади.

Техник-иқтисодий ҳисоблар асосида тавсия этиладиган труба қувурларидаги суюқларнинг тезликлари 2-2 жадвалда келтирилган.

### 2.17. Насадка ва тешиклар орқали суюқлик оқиб чиқиши

Технологик қурилма, цистерна ва бошқа идишлар бўшаши пайтида тешик ва насадкалар орқали суюқлар оқиб тушиш жараёни юз беради.

Насадка деб юпқа девордаги тешикга маҳкамланган турли шаклдаги калта патрубкаларга айтилади. Одатда насадка узунылиги таҳминан 3...4 диаметрга тенг бўлади. Конструкциясига қараб насадкалар ички (а), ташки (б), кенгаювчи (в) ва тораювчи конуссимон (г), ҳамда коноидал (д) шаклли бўлади (2.18-расм).



2.18-расм. Насадка турлари.

Суюқлик оқиб чиқиши пайтида насадка ичida вакуум ҳосил бўлади ва натижада тешиклинг ўзидан суюқлик ўтказиш қобилияти ортади.

Кенгаювчи конуссимон насадкаларда цилиндрисимон насадкаларнидан кўпроқ миқдорда вакуум ҳосил бўлади.

Агар, насадкалардан чиқишида юқори тезликка эришиш зарур бўлса, тораювчи конуссимон насадкаларда қўлланилади. Коноидал насад-

калар оқимча шаклида тайёрланади. Шунинг учун бундай насадкаларда оқимча сиқилмайди ва энергия йўқотилиши минимал бўлади.

**Идишдаги суюқлик баландлиги ўзгармас бўлганда, идиш тубидаги думалоқ тешикдан суюқлик оқиб чиқиши.**

Юпқа девордаги ( $\delta \leq 2d$ ) тешик орқали суюқлик оқиб чиқмоқда, яъни тешик чети ўтқир қиррали ва унинг қалинлиги оқимча шаклига таъсир этмайди (2.19-расм).

Бу шароитда оқиб чиқиша фақат энергиянинг маҳаллий йўқотилиши содир бўлмоқда. Идиш тубидан маълум бир баландликда оқимча сиқилади ва ушбу кўндаланг кесимда параллел – оқимчали оқиб тушиш рўй бермоқда деб тасаввур қўламиз.


1-1 ва с-с кўндаланг кесимлар учун Бернулли тенгламасини ёзамиз. Расмдан кўриниб турнибдики,  $w_1 << w_c$ :

$$h_c + \frac{p_1}{\rho g} + \frac{p_c}{\rho g} + \frac{\alpha w_c^2}{2g} + h_{uyk}$$

бу ерда  $p_c$ ,  $w_c$  – сиқилган кесимдаги суюқлик босими ва тезлиги;  $\alpha$  оқимчанинг нотекислик коэффициенти:

$$h_{uyk} = \xi \frac{w_c^2}{2g}$$

бу ерда  $\xi$  маҳаллий қаршилилк коэффициенти,  $\xi=0,06$ .



**2.19-расм. Идишда суюқлик баландлиги ўзгармас бўлганда, унинг тубидаги думалоқ тешикдан оқиб чиқиши.**

Бернулли тенгламасидан куйидаги формулани оламиз:

$$w_c = \sqrt{\frac{2g}{2+\xi} \left( h_c + \frac{p_0 - p_c}{\rho g} \right)} \text{ ёки } w_c = \varphi \sqrt{2gH} \quad (2.60)$$

бу ерда

$$\varphi = \sqrt{1/(\alpha + \xi)}.$$

Ҳажмий сарф эса

$$V = \varphi F_c \sqrt{2gH}$$

бу ерда  $\varphi$  – тезлик коэффициенти, думалоқ тешик учун  $\varphi=0,97$ ;  $F_c$  – оқимча кўндаланг кесими юзаси:

$$F_c = \varepsilon_0 F_0$$

бу ерда  $\varepsilon_0$  – оқимчанинг сиқилиш коэффициенти,  $\varepsilon_0=0,64$ ;  $F_0$  – тешик кўндаланг кесими юзаси.

Унда:


$$V = \varphi \varepsilon_0 F_0 \sqrt{2gH} = \mu F_0 \sqrt{2gH} \quad (2.61)$$

бу ерда  $\mu = \varphi \varepsilon_0$  – сарф коэффициенти.

Сарф коэффициенти  $\mu$  тешик шакли, девор қалинлиги ва суюқлик қовушоқлигига боялғып. Сув учун  $\mu = 0,62 \dots 0,63$  бўлиб, бошқа суюқликлар учун  $\mu = f(Re)$ .

Агар, суюқлик атмосфера босимли идишга оқиб тушса  $p_I = p_c = p_a$ :

$$V = \mu F_0 \sqrt{2gh_c}$$



2.20-расм. Идишдаги суюқлик баландлиги ўзгармас бўлганда юпқа ён девордаги думалоқ тешикдан суюқлик оқиб чиқиши.

Идишдаги суюқлик баландлиги ўзгармас бўлганда, юпқа ён девордаги думалоқ тешикдан суюқлик оқиб чиқиши.  $d_0$  диаметри тешик оғирлик марказидан 0-0 таққослаш текислигини ўтказамиз. Идиш сатҳ юзаси 1-1 ва сикилган кўндаланг кесим с-с лар учун Бернулли тенгламасини ёзмиз (2.20-расм).

$$h_c + \frac{p_1}{\rho g} = \frac{p_a}{\rho g} + \frac{\alpha_c w_c^2}{2g} + \xi \frac{w_c^2}{2g}$$

бунда  $p_c = p_a$  эканлигини инобатга оламиз.

ечсак,

$$w_c = \sqrt{\frac{2g}{\alpha + \beta}} \left( h_c + \frac{p_1 - p_a}{\rho g} \right) = \varphi \sqrt{2gH} \quad (2.62)$$

Суюқлик сарфи эса,  $p_o = p_c = p_a$  куйидагича топилади:

$$V = \mu F_0 \sqrt{2gh}$$

бу ерда  $\mu = 0,6 \dots 0,62$ .


Идишдаги суюқлик баландлиги ўзгармас бўлганда, цилиндрик насадкадан суюқлик оқиб чиқиши.

Бернулли тенгламасига биноан сикилган кўндаланг кесимда вакуум ҳосил бўлади (2.21-расм).

Цилиндрик насадкадан суюқлик оқиб чиқиш тезлиги:

$$w = \sqrt{\frac{2gH}{\alpha + \xi_r / \varepsilon^2 + (1/\varepsilon - 1)^2 + \lambda l/d}} \quad (2.63)$$

бу ерда  $\xi_r$  – торайган кўндаланг кесимдаги маҳаллий қаршилик;  $\lambda$ -гидравлик қаршилик коэффициенти; насадка учун  $\varepsilon_r = 1$  ва  $\mu = \varphi$ .



2.21-расм. Идишдаги суюқлик ўзгармас бўлганда цилиндрик насадкадан суюқлик оқиб чиқиши.

Насадка орқали оқиб ўтаётган суюқлик сарфи;

$$V = \mu F_0 \sqrt{2gH}$$

Ҳосил бўлаётган вакуум эса:

$$h_{\text{вак}} = 2\varphi^2 H (1 - \varepsilon) / \varepsilon \quad (2.64)$$

Ташқи цилиндрик насадка учун  $\varphi=0,82$ ,  $\varepsilon=0,64$ . Ушбу  $\varphi$  ва  $\varepsilon$  қийматларида қуидагича кўринишга эга бўламиш:

$$h_{\text{вак}} \approx 0,75H \text{ ва } H \leq 1,35h_{\text{вак}}$$

Тажрибалар шуни қўрсатадики, агар вакуум 8 м.сув.уст.дан ортиқ бўлса, ҳаво чиқиш кўндаланг кесимидан сўрилиб бошланади. Бу эса вакуумнинг «узилишига» олиб келади. Бундай ҳолатларда насадка оддий тешикка ўхшаб ишлади. Шунинг учун, напорнинг қиймати қуидаги формуладан аниқланадиган энг катта қийматдан ошмаслиги керак:

$$H_{\text{вак}} = h_{\text{вак.ж}} \frac{1}{2\varphi^2} \cdot \frac{\varepsilon}{1 - \varepsilon} \quad (2.65)$$

бу ерда  $h_{\text{вак.ж}} = 8 \text{ м.сув.уст.}$

$$H_{\text{вак}} = 8 \frac{1}{2 \cdot 0,82^2} \cdot \frac{0,64}{1 - 0,64} \approx 10 \text{ м.сув.уст.}$$

### Ўзгарувчан напорда суюқликнинг оқиб чиқиши.

Ўзгарувчан напорга эга бўлган суюқликнинг юпқа деворли идиш тешигидан оқиб, бутунлай чиқиб кетишини кўрамиз (2.22-расм).

Суюқликнинг оқиб чиқиши турғулмас режимда рўй бермоқда. Идиш тубида жойлашган тешикнинг кўндаланг кесим юзаси  $F_0$ .

Элементар  $d\tau$  вақт бирлигига суюқликнинг баландлиги  $h_{c1}$  дан  $h_{c2}$  га ўзгарганда идиш тубидаги тешикдан оқиб чиқаётган суюқлик ҳажми қуидаги формуладан топилади:


$$dV = \mu F_0 \sqrt{2gh} \cdot d\tau$$

бу ерда  $h - d\tau$  вақтда тешик оғирлик маркази тепасидаги напор.

Вақт бирлигига идишдаги суюқлик баландлиги  $dh = dV/F$  га ўзаради. Бу ерда  $F$  – идиш кўндаланг кесим юзаси.

Оқимнинг узлуксизлик тенгламасига биноан:

$$-dhF = \mu F_0 \sqrt{2gh} d\tau$$



2.22-расм. Ўзгарувчан напорда суюқликнинг оқиб чиқиши.

бундан

$$d\tau = - \frac{F dh}{\mu F_0 \sqrt{2gh}} \quad (2.66)$$

Суюқликнинг оқиб тушиш вақтини топиш учун (2.66) ифодани  $h_{c1}$  ва  $h_{c2}$  ораликда интеграллаймиз

$$\tau = - \int_{h_{c1}}^{h_{c2}} \frac{Fdz}{\mu F_0 \sqrt{2gz}} = \frac{F}{\mu F_0 \sqrt{2g}} \int_{h_{c1}}^{h_{c2}} \frac{dh}{\sqrt{h}} = \frac{F}{\mu F_0 \sqrt{2g}} \left| 2\sqrt{h} \right|_{h_{c1}}$$

Демак

$$\tau = + \frac{2F(\sqrt{h_{c1}} - \sqrt{h_{c2}})}{\mu F_0 \sqrt{2g}} \quad (2.67)$$

Ушбу тенглама ёрдамида суюқлик баландлиги маълум миқдорга камайганда, яъни  $h_{c1}$  дан  $h_{c2}$  га пасайганда, суюқликнинг оқиб тушиш вақти топилади.

Агар,  $h_{c2}=0$  бўлса, идишдаги суюқлик бутунлай, тўлиқ оқиб чиқсан бўлади:

$$\tau = \frac{2F\sqrt{h_{c1}}}{\mu F_0 \sqrt{2g}}$$

ёки

$$\tau = \frac{2Fh_{c1}}{\mu F_0 \sqrt{2gh_{c1}}} = \frac{2V_p}{V} \quad (2.68)$$

бу ерда  $V_p$  – резервуар ҳажми,  $V$  –  $h_{c1}$  бўлгандаги суюқлик сарфи.


Демак, напор ўзгарувчан бўлганда резервуарнинг бутунлай, тўлиқ бўшашиб вақти ўзгармас напорлига қараганда 2 марта кўп бўлади.

## 2.18. Қаттиқ жисмларнинг суюқликда ҳаракати

**Суюқликда жисм ҳаракатига қаршилик.** Кимё ва озиқ-овқат технологияларида бир қатор жараёнлар қаттиқ жисмларнинг суюқлик ёки газларда ҳаракати билан боғлиқ. Бундай жараёнларга қаттиқ заррачаларни суспензия ва чанглардан оғирлик, инерцион кучлар таъсирида чўқтириш ва суюқлик муҳитларида механик аралаштиришлар киради. Ушбу жараёнлар қонуниятларини ўрганиш гидродинамиканинг ташки масаласидир.


Жисмлар суюқликда ҳаракат қилган пайтида қаршиликлар ҳосил бўлади. Бу қаршиликларни енгиш ва жисмнинг текис ҳаракатини таъминлаш учун маълум миқдорда энергия сарфланиши керак. Ҳосил бўлаётган қаршиликлар асосан ҳаракат режими ва жисм шаклига боғлиқдир.

Ламинар режимда, яъни суюқлик қовушоқлиги юқори ёки унинг тезлиги паст ва жисм ўлчамлари кичик бўлганда, жисм атрофида чегаравий қатлам ҳосил бўлади ва суюқлик текис, равон оқиб ўтади (2.23а-расм).




2.23. Қаттиқ жисмнинг суюқликдаги ҳаракати.

а – ламинар оқим;  
б, в – турбулент оқим.



Жисм ҳаракат тезлиги ортиши билан (турбулент режимда) инерция күчларининг ахамияти ва роли ортиб боради. Бу күчлар таъсирида жисмни ўраб турган чегаравий қатлам узила бошлайды ва натижада ҳаракат қилаётган жисм орқа томонида босим пасаяди ва ушбу жойда тартибсиз, уюрмали оқимчалар ҳосил бўлади (2.23б-расм).

Жисмнинг суюқликда ҳаракати пайтида унинг олд ва орқа томонларидағи босимлар фарқи ўсиб боради ва ламинар режимдагидан анча катта бўлади. Рейнольдс критерийсининг маълум бир қийматидан бошлаб олд томонидаги қаршиликни ҳисобга олмаслик ҳам мумкин. Трубаларда суюқлик ҳаракати пайтидек, бундай ҳолларда автомодел режим бошланади.



2.24-расмда суюқликда чўкаётган шарсимон заррачага таъсири этувчи күчлар кўрсатилган.

Диаметри  $d$  ва зичлиги  $\rho_3$  бўлган заррачанинг оғирлик кучи  $G$  ва у пастга қараб йўналган бўлади:

$$G = \left( \frac{\pi d^3}{6} \right) \rho_3 g \quad (2.69)$$

Архимед қонунига биноан кўтарувчи куч  $A$  ушбу тенгламадан топилади:

$$A = \left( \frac{\pi d^3}{6} \right) \rho g \quad (2.70)$$

бу ерда  $\rho$  - суюқлик зичлиги,  $\text{кг}/\text{м}^3$ .

Заррача чўкишига сабабчи куч эса, қуйидагига тенг:

$$G - A = \frac{\pi d^3}{6} (\rho_3 - \rho) g \quad (2.71)$$

Чўкиш жараёнида қаттиқ жисмга суюқлик қаршилик кўрсатади. Ушбу қаршилик  $R$  қиймати мухит қовушоқлиги  $\mu$ , зичлиги  $\rho$ , заррача кўндаланг кесим юзаси  $F$  ва шаклига боғлиқ.

Мұхит қаршилиқ күчі  $R$  Ньютоң қонунига биноан ушбу тенгламадан топилади:

$$R = \xi F \frac{\rho w_{\text{жк}}^2}{2} \quad (2.72)$$

бу ерда  $\xi$  - мұхит қаршилиқ коэффициенті;  $w_{\text{жк}}$  - жисм ҳаракат тезлігі, м/с.

Чүкиш жараёнини ўрганиш натижасыда күпчилик олимлар томонидан қуидаги режимлар аникланган ва уларни ифодаловчы формулалар тавсия этилған:

### 2-3 жадвал

Суюқлик ҳаракат режими	Рейнольдс сони	Архимед сони	Формула	Мұхиттің қаршилиқ коэффициенті
Ламинар	Re<2	Ar<36	Re=0,056·Ar	$\xi = \frac{24}{Re}$ (2.73)
Үтиш	Re=2...500	Ar=(36...83)·10 <sup>3</sup>	Re=0,15·Ar <sup>0,715</sup>	$\xi = \frac{18,5}{Re^{0,6}}$ (2.74)
Турбулент	Re>500	Ar>83·10 <sup>3</sup>	Re=1,74·Ar <sup>0,5</sup>	$\xi = 0,44 = const$ (2.75)

Шар шаклида бўлмаган жисмларнинг суюқлиқда ҳаракати пайтида мұхиттің қаршилиги шарсimon шаклли жисмга нисбатан катта бўлиб, Рейнольдс сони ва шакл омилига боғлиқ бўлади, яъни:

$$\begin{aligned} \xi &= f(Re, \Phi) \\ \Phi &= \frac{F_w}{F} \end{aligned} \quad (2.76)$$

бу ерда  $F$  - жисм юзаси;  $F_w$  - жисм ҳажмига тенг шарнинг юзаси.

Турли шаклдаги жисмларнинг  $\Phi$  коэффициенти қийматлари.

### 2-4 жадвал

Заррача шакли	Шар	Куб	Цилиндр ( $h=10 \cdot r$ )	Диск ( $h=0,1 \cdot r$ )
Коэффициент $\Phi$	1	0,806	0,69	0,32

Рейнольдс критерийсини ҳисоблашда шар шаклида бўлмаган жисмлар учун асосий чизиқли ўлчам сифатида шу жисм ҳажмига тенг эквивалент шарнинг диаметри қўлланилади.

Агар, жисмнинг ҳажми  $V$ , унинг массаси  $m$  ва зичлиги  $\rho$  бўлса, унда эквивалент диаметри  $d$  нинг қиймати ушбу тенгламадан топилиши мумкин:

$$V = \frac{m}{\rho_3} = \frac{\pi d^3}{6} \quad (2.77)$$

## НАСОСЛАР

### 2.19. Умумий түшүнчалар

Курилмаларда ва қувур ичидә суюқлик унинг боши ва охиридаги босимлар фарқи туфайли ҳаракат қилади. Суюқликнинг қуи сатҳдан юқори сатҳга узатиш учун эса, насослардан фойдаланилади. Бунда суюқлигга босимнинг потенциал энергияси таъсир эттирилади.

Насос шундай гидравлик машинаки, унда электр юриткичининг механик энергияси суюқликнинг ҳаракатланиш (узатиш) энергиясига айлантириб берилади.

### 2.20. Насослар классификацияси

Ҳаракатланиш турига қараб ҳажмий, куракли (марказдан қочма), уюрмавий ва ўқли насосларга бўлинади.

Ҳажмий насосларнинг ишлаш принципи ёпиқ ҳажм ичидә сиқиб чиқариш усулига асосланган бўлиб, илгарилама-қайтма ва айланма ҳаракатлар туфайли суюқлик сиқиб чиқарилади. Ҳажмий насосларга поршенли, ротацион, винтли, шестернили ва пластинали гидравлик машиналар киради. Марказдан қочма насосларда босим марказдан қочма куч таъсирида, яъни насос қобиги (асоси)га жойлашган куракли фиддиракнинг айланиши туфайли содир бўлади.

Уюрмавий насосларда уюрма энергияси ҳисобига узатилади. Бу ишчи фиддиракнинг айланишида уюрманинг тезда ҳосил бўлиши ва сўниши билан амалга ошади.

Айтиб ўтилган насослардан ташқари, яна оқимчали насослар, ҳамда газлифтлар ва монтежю деб номланадиган машиналардан ҳам фойдаланилади. Бу насосларда газ, сув ва буғларнинг босимларидан фойдаланилади.

### 2.21. Насосларнинг асосий параметрлари

Насосларнинг асосий параметрлари бўлиб унумдорлик, напор ва қувватлари ҳисобланади.

Унумдорлик  $V (m^3/c)$  – бу суюқликнинг ҳажмий сарфи бўлиб, ҳайдаш қувури орқали насос ёрдамида узатилган суюқлик миқдорини билдиради.

Насос напори  $H(m)$  – бу насоснинг масса бирлигига эга бўлган суюқлика берган солиширма энергиясидир.

Фойдали қувват  $N_\phi (Bm)$  – напор  $H$  ва суюқлик массавий сарфи  $\rho g$   $V$  кўпайтмасига teng миқдордаги суюқлик потенциал энергиясига айтилади:

$$N_\phi = \rho g V H$$

Насос ўқидаги қувват  $N_e$  ни аниқлаш учун фойдали қувватни насос фойдали иш коэффициентига бўлиш керак ва у насоснинг йўқотган энергиясини характерлайди:

$$N_e = \frac{N_\phi}{\eta_u} = \frac{\rho g V H}{\eta_u}$$

Насос йўқотган энергияси конструкциянинг мукаммаллиги, ишлатиш самарадорлиги ва насоснинг едирилиши ҳисобга олинади:

$$\eta_{_H} = \eta_V \cdot \eta_E \cdot \eta_{mer}$$

бу ерда  $\eta_1$  — узатиши ф.и.к.; суюқликнинг клапан, сальник, ҳар хил тирқишилардан оқиб чиқиб кетишини ҳисобга олади, яъни  $\eta_1 = V/V_{наз}$  ҳақиқий унумдорликнинг назарий унумдорликка нисбатини характерлайди;  $\eta_2$  — гидравлик ф.и.к.;  $\eta_2 = H/H_{наз}$  ҳажмий напорни назарий напорга нисбатини билдиради;  $\eta_{mek}$  — механик ф.и.к.; подшипник, сальник ва бошқа элементларда ишқаланишта йўқотилиган қувват.


Насоснинг фойдали иш коэффициенти  $\eta_n$  поршенини насослар учун 0,8...0,95, марказдан қочма насос учун 0,7...0,95 ни ташкил этади.

Насос қурилмасининг тўлиқ фойдали иш коэффициенти:

$$\eta = \frac{N_\phi}{N_{\text{io}}} = \eta_H - \eta_{y^3} - \eta_{\omega}$$

бу ерда  $N_{\mu}$  – юриткич истеъмол қуввати;  $\eta_{\nu}$  – узатиш ф.и.к.;  $\eta_{\mu}$  – юриткич ф.и.к.

Юриткичнинг аниқ қуввати, насосни ишга тушириш онода (вақтида)ги  $N_{10}$  ортиқча юкланишини инобатта олган ҳолда аниқланади.



### **2.25-расм. Насос курилмаси схемаси.**

суюклик сатхини оламиз:

$$\frac{p_1}{\rho g} + \frac{w_1^2}{2g} = H_{cyp} + \frac{w_{cyp}}{2n} + \frac{p_{cyp}}{\rho g} + h_{cypuyk}. \quad (2.78)$$

бу ерда  $p_1$  – пастки идишдаги босим;  $w_1$  – 1-1 кесимдеги пастки ұжымдаги суюқтык тезлиги;  $H_{cyp}$  – сүриш баландилғы;  $w_{cyp}$  – сүриш құвуридаги суюқтык тезлиги;  $P_{cyp}$  – насоснинг сүриш босими;  $h_{cyp, k\ddot{y}}$  – сүриш құвуридаги йўкотилишлар.

Хайдаш режими учун 0-0 ва 2-2 кесимлари учун тузилган Бернулли тенгламасы (такъослаш текислиги деб насос ўқидан утган 0-0 текислиги олинади) қуйилдагича ёзилади:

$$\frac{p_{y_3}}{\rho g} + \frac{w_{y_3}^2}{2g} = H_{y_3} + \frac{w_2^2}{2g} + \frac{p_2}{\rho g} + h_{y_3 \rightarrow y_K} \quad (2.79)$$

бу ерда,  $p_{yz}$  – узатиш (хайдаш) босими;  $w_{yz}$  – хайдаш күвүридаги тезлик;  $H_{yz}$  – узатиш баландилги;  $w_2$  – 2-2 – кесимдаги юқори идишидаги суюқлик тезлигі;  $p_2$  – хайдаш идишидаги босим;  $h_{\text{жеке}}$  – хайдаш күвүридаги йұқотилиши.

Сўриш ва ҳайдаш қувурларидаги тезликка нисбатан пастки ва юқоридаги идишлардаги суюқлик тезлигининг ўзгариши жуда кичик бўлгани учун, улар нолга тенг ( $w_1=0$ ;  $w_2=0$ ).

(2.78) ва (2.79) тенгламаларни ҳисобга олиб насоснинг напорини қуидагича ёзиш мумкин:

$$H = \frac{P_{y_2} - P_{cyp}}{\rho g} = \frac{P_2 - P_1}{\rho g} + \frac{w_{cyp}^2 + w_{y_2}^2}{2g} + H_{cyp} + H_{y_2} + h_{cyp,uyk} + h_{y_2,uyk} \quad (2.79a)$$

Сўриш билан ҳайдаш қувури ўзаро тенг бўлганда, ушбу тенгликни соддалаштириш мумкин бўлади, яъни  $w_{cyp} = w_{y_2}$ . Суюқликни геометрик узатиш баландлиги эса,  $H_e = H_{cyp} + H_{y_2}$ , бундан қуидаги тенглама келиб чиқади:

$$H = \frac{P_1 - P_2}{\rho g} + H + h_{uyk} \quad (2.80)$$

бу ерда  $h_{uyk} = h_{cyp} + h_{y_2,uyk}$  – босимнинг умумий йўқотилиши.

Агарда юқоридаги ва пастки идишдаги босимлар тенг бўлса, яъни  $P_2=P_1$ , у ҳолда:

$$H = H_e + h_{uyk} \quad (2.81)$$

(2.80) тенгламага биноан, насоснинг босими, суюқликни геометрик баландлик  $H_e$  кўтаришга, идишлардаги босимлар фарқини, сўриш ва ҳайдаш идишлардаги гидравлик қаршиликларни енгизшга сарф бўлади.

Горизонтал жойлашган қувур орқали сув узатилганда ( $H_e=0$ ), насос босими фақат қаршиликларни енгизш учун сарфланади:

$$H = h_{uyk} \quad (2.82)$$

Ишлаётган насоснинг босимини (напорини) вакуумметр  $H_v$  ва манометр  $H_m$  ларнинг кўрсаткичлари асосида аниқлаш мумкин:

$$H = H_m + H_v + h$$

бу ерда  $h$  – манометр ва вакуумметрлар орасида масофа.

(2.78) тенгламадан сўриш баландлигини кўриб чиқсан:

$$H_{cyp} = \frac{P_1 - P_{cyp}}{\rho g} - \frac{w_{cyp}}{2g} - h_{cyp,uyk} \quad (2.83)$$

$w_1$  тезлик қиймати  $w_{cyp}$  га нисбатан анча кичик бўлгани учун,  $w_1=0$  деб қабул қиласак бўлади.

(2.83) тенгламадан шу нарса кўриниб турибдики,  $P_{cyp}$  камайиши билан сўриш баландлиги ортади. Суюқлик насос ичида қайнаб кетмаслиги учун,  $P_{cyp}$  қиймати суюқлик узатилаётган температурадаги сув буғи тўйиниш босими  $P_v$  дан катта бўлиши керак, яъни  $P_{cyp} > P_v$ .

Шундай қилиб, сўриш баландлигининг чегаравий қийматини қуидагича аниқлаймиз:

$$H_{cyp} \leq \frac{p_{am} - p_t}{\rho g} - \frac{w_{cyp}^2}{2n} - h_{cyp.үүк}$$

бу ерда  $p_{am}$  – атмосфера босими;  $p_t = p_1$

Акс ҳолда, суюқлик насос ичиде қайнааб кетади, ва интенсив буғ ҳосил бўлишга олиб келади. Буғ пулакчалари суюқлик билан юқори босимли зонага кириб қолса, томчига айланиб, бўшлиқлар ҳосил қиласди, гидравлик зарба шовқин бўлишига олиб келади, яъни кавитация ҳодисаси содир бўлади.

Кавитация бўлиши насос унумдорлигини пасайтиради, гидравлик зарба билан ишлаган насос, тез едирилади, коррозията учрайди ва унинг тез бузилишига олиб келади.

## 2.22. Марказдан қочма насослар


**Ишлаш принципи.** Марказдан қочма насослар оқим кинетик энергиясини босимнинг потенциал энергияга айлантириб беришга асосланиб ишлади (2.26-расм). Бу турдаги насосларда суюқликни сўриш ва узатиш марказдан қочма куч таъсирида бўлиб, бу куч насос ишчи фиддирагига жойлашган спиралсимон куракчаларни айланнишидан ҳосил бўлади. Куракчалар суюқлик оқиб ўтадиган канални ҳосил қиласди.

Суюқлик, сўриш трубаси орқали, ишчи фиддирак ўқи бўйлаб, насосга киради.

Ишчи фиддирак суюқликка айланма ҳаракат беради. Марказдан қочма куч таъсирида суюқлик насос қобиги билан ишчи фиддирак орасидаги ўзгарувчан кўндаланг кесимли каналга кириб боради. Каналда суюқлик тезлиги узатиш қувуридаги тезлик қийматигача камаяди.

Натижада ишчи фиддирагига киришдаги босим пасайиб, суюқлик бетўхтов насосга сўриб борилади. Марказдан қочма турдаги насосни ишга туширишдан олдин насос ичиде сийракланиш ҳосил қилиш учун унинг ичига суюқлик қуйлади. Насосдан суюқлик орқага оқиб кетмаслиги учун, қайтариш клапани сўриш трубасига ўрнатилган бўлади. Гидравлик машиналар бир ва кўп босқичли насосларга бўлинади.


Бир босқичли насоснинг босими 50 м сув устунидан ошмайди. Шунинг учун юқори босим ҳосил қилиш учун бир ўқнинг ўзига кетма-кет бир нечта ишчи фиддираги ўрнатилади.



2.26-расм. Марказдан қочма насос схемаси.

1,7 - клапан; 2 - сўриш қувури; 3 - ишчи фиддирак; 4 - ўқ; 5 - қобик; 6 - ҳайдаш қувури; 8 - задвіжка.

Күп босқычли насоснинг босими фидирак сонига пропорционал. Күпинча фидираклар сони бештадан ортмайди (2.27-расм).




2.27-расм. Күп босқычли, марказдан қочма насос схемаси.

1-ишчи фидирак; 2-қобик;  
3 - ўқ; 4 - айланма канал.

бүйлаб ҳаракатланаётган элементар оқимча учун, фидиракка киришда:

$$\Delta m \cdot C_1 = \rho \cdot \Delta V C_1 \cdot \Delta \tau$$



2.28-расм. Марказдан қочма насоснинг асосий тенгламасини келтириб чиқаришга оид.

НИ ФИДИРАКГА КИРИШ ВА ЧИҚИШДАГИ АБСОЛЮТ ВА АЙЛАНМА ТЕЗЛИКЛАРДА ГЕОМЕТРИК ЙИГИНДИСИГА ТЕНГ БҮЛАДИ (2.28-расм). ФИДИРАК КУРАГИ

**Марказдан қочма насоснинг асосий тенгламаси (Эйлер тенгламаси).** Маълумки, айланыш ўқига нисбатан вақт бирлиги ичидаги маълум бир суюқлик массаси ҳаракат миқдорининг ўзгариши, ҳамма ташқи кучлар моментларининг йигиндисига тенг. Суюқликни фидиракка киришдаги абсолют ҳаракат тезлиги  $C_1$  тезликли мос равишда нисбий тезликлар  $w_1$  ва  $w_2$  ва айланма тезликлар  $\omega_1$  ва  $\omega_2$  нинг геометрик йигиндисига тенг бўлади (2.28-расм). Фидирак кураги

фидиракдан чиқишида эса:

$$\Delta m \cdot C_2 = \rho \Delta V \cdot C_2 \cdot \Delta \tau$$

бу ерда  $\rho$  суюқлик зичлиги;  $\Delta V$  - суюқлик оқимчаси ҳажми.

2-2 ва 1-1 кесимлар учун мос равишдаги ҳаракат миқдори моментлари:

$$M_2 = \rho \cdot \Delta V \cdot C_2 \Delta \tau \cdot r_2 \cdot \cos \alpha_2;$$

$$M_1 = \rho \cdot \Delta V \cdot C_1 \Delta \tau \cdot r_1 \cdot \cos \alpha_1,$$

бу ерда  $r_1$  ва  $r_2$  - ишчи фидиракнинг ташқи ва ички радиуслари;  $\alpha_1$  ва  $\alpha_2$  - суюқлик радиуслари орасидаги бурчак.

Ҳаракат миқдори моменти электр юриткичдан бериладиган энергия ҳисобига ошириш мумкин.

$\Delta \tau = 1$  вақт ичидаги ҳаракат миқдори моменти ортиши:  
суюқлик оқимчаси учун:

$$\Delta M = M_2 - M_1 = \rho \Delta V (C_2 r_2 \cos \alpha_2 - C_1 r_1 \cos \alpha_1)$$

суюқликнинг бутун массаси учун:

$$\sum \Delta M = \sum \rho \Delta V (C_2 r_2 \cos \alpha_2 - C_1 r_1 \cos \alpha_1) \quad (2.84)$$

Идеал оқим учун ҳамма ҳаракат энергияси ҳаракат миқдори моментининг ортишига сарфланади. Ташқи айлантириш (буриш) моменти:

$$M = \frac{N}{\omega} = \frac{\rho g V H}{\omega} \quad (2.85)$$

Ташқи четки тезликлар  $u_1 = r_1 \cdot \omega$  ва  $u_2 = r_2 \cdot \omega$  ни ҳисобга олиб ва (2.84) ва (2.85) ни тенглатиб ва (2.85) тенгламани  $H_m$  га нисбатан етганда, марказдан қочма насос учун Эйлер тенгламасига эга бўламиз:

$$H_{nas} = \frac{1}{g} (C_2 \cdot u_2 \cdot \cos \alpha_2 - C_1 \cdot u_1 \cos \alpha_1) \quad (2.86)$$

Суюқликни фиддиракка урилмасдан кириши ва ундан чиқиши шартини ҳисобга олиб,  $\alpha_1 = 90^\circ$  ва  $\alpha_2 = 10...15^\circ$  қабул қилинса, (2.86) тенглама қўйидаги кўринишга эга бўлади:

$$H_{nas} = \frac{1}{g} u_2 C_2 \cos \alpha_2 \quad (2.87)$$

2.28-расмга қараб, тезликлар параллелограммасидан  $C_2 \cos \alpha_2 = C_{u2} \cdot \alpha_1 = 90^\circ$  бўлганда:

$$H_{nas} = \frac{1}{g} u_2 C_{u2} \quad (2.88)$$

(2.88) тенгламаси ишчи фиддирагининг чексиз сонли куракчалари учун олинди. Шунинг учун куракчалар сонини ҳисобга олувчи  $\varepsilon$  коэффициент (2.88) тенгламага киритилади, унинг қиймати  $\varepsilon = 0,6...0,8$  га тенг.

Ҳақиқий ҳажмий босим назарий босимдан доимо кам бўлади. Чунки энергия насосдаги гидравлик қаршиликларни енгиш учун сарфланади:

$$H = \frac{1}{g} \varepsilon \eta_2 \cdot u_2 C_{u2} \quad (2.89)$$

бу ерда  $\eta_r$  – гидравлик фойдали иш коэффициенти  $0,8...0,95$  га тенг бўлади.

Насос босими маълум даражада куракларнинг шаклига ҳам боғлиқ бўлиб, айланма ва нисбий тезликлар вектори орасидаги  $\beta_2$  бурчак ёрдамида аниқланади (2.28-расм).

Тезлик параллелограммасидан:

$$C_{u2} = u_2 - C_{r2} \operatorname{ctg}(180 - \beta_2) = u_2 + C_{r2} \operatorname{ctg}\beta_2$$

Унда:

$$H = \frac{1}{g} E \eta_2 (u_2^2 + u_2 C_{r2} \operatorname{ctg}\beta_2) \quad (2.90)$$

$\beta_2 < 90^\circ$  бўлганда (куракчалар ишчи фиддиракнинг айланиш йўналиши бўйича эгилган бўлса):  $C_{r2} \operatorname{ctg}\beta_2 > 0$  ва  $H > \frac{1}{g} \varepsilon \eta_r u_2^2$ .  $\beta_2 > 90^\circ$  да эса (куракчалар ишчи фиддиракнинг айланиш йўналишига қарама-қарши

букланган):  $C_r = \operatorname{ctg} \beta_2 < 0$  ва  $H = \frac{1}{g} \cdot \varepsilon \cdot \eta_r \cdot u_2^2$  куракчалар радиал бўлганда  $\beta_2 = 90^\circ$ ,  $C_r = \operatorname{ctg} \beta_2 = 0$  ва  $H = \frac{1}{g} \varepsilon \eta_r u_2^2$ .

Демак, энг катта босим қуракчалар ишчи фидирагининг айланиш йўналиши бўйича букланган ҳолатга тўғри келади (2.29-расм). Фидиракдаги гидравлик йўқотишлар кам бўлиши учун, қуракчалар қўйидагича букланади  $\beta_2 = 140\dots164^\circ$  ва  $\beta_T = 153\dots166^\circ$  бўлади (2.29-расм).

Марказдан қочма насосларда унумдорлик маълум миқдорда ишчи фидирак каналларининг эркин кесим юзлари ёрдамида аниқланади (2.28-расмга қаранг).

Назарий унумдорлик ушбу тенглама ёрдамида ҳисобланади:

$$V_n = F_2 C_{r_2} = (\pi D_2 - z \delta) \cdot b \cdot C_2 \sin \alpha_2 \quad (2.91)$$

бу ерда  $F_2$  – ишчи фидиракнинг ташқи айлана бўйича эркин кесим канали юзаси;  $C_{r_2}$  – суюқликнинг ишчи фидиракдан чиқишидаги абсолют тезлигининг радиал ташкил этувчиси;  $D_2$  – фидиракнинг ташқи диаметри;  $z$  – қуракчалар сони;  $\delta$  – қуракчалар қаршилиги;  $b$  – фидирак эни.

Насоснинг ҳақиқий унумдорлиги:

$$V = \eta_v \cdot V_T$$

бу ерда  $\eta_v$  – насоснинг ҳажмий фойдали иш коэффициенти.

**Марказдан қочма насослар характеристикалари.** Насослар ишини таҳлил қилиш учун уларни хусусий ва универсал характеристикаларидан фойдаланилади.

Насоснинг хусусий характеристикиси босим  $H$ , талаб этилаётган кувват  $N$ , насоснинг фойдали иш коэффициенти  $\eta_n$  ларнинг  $n=const$  бўлгандаги унумдорлик  $V$  га нисбатан ўзаро боғлиқлигидир.

Насоснинг босимини унумдорлик билан боғлиқлигини аниқлаш учун, тезликнинг радиал ташкил этувчиси  $C_{r_2}$  ни унумдорлик орқали (2.91) тенгламага биноан қўйидаги қўриниши:

$$C_{r_2} = \frac{V}{\eta_v F_2}$$


ва (2.90) га қўйиб ушбу тенгламани оламиз:

$$H = \eta_r \left( \frac{u_2^2}{g} + \frac{u_2 \operatorname{ctg} \beta_2}{g \eta_v F_2} V \right) \quad (2.92)$$


Ушбу насос учун  $U_2$ ,  $\beta_2$ ,  $\eta_r$ ,  $F_2$  лар ўзгармас катталик бўлиб,  $H$  нинг  $V$  дан боғлиқлиги (2.92) тенгламага биноан тўғри чизик билан ифодаланади:

$$H = \eta_r (A + BV)$$

бу ерда  $A$  ва  $B$  – ўзгармас коэффициентлар.



2.29-расм. Марказдан қочма насос напорига  $\beta_2$  бурчакнинг таъсири.




2.30-расм. Марказдан қочма насоснинг ҳусусий характеристикаси.

Лўқидони берк бўлганда, яъни  $V=0$  да, насос энг кам қувват истеъмол қилади.

Насосни эксплуатация қилганда энг самарали иши  $\eta_H - V$  координатларидағи, маълум айланиш частотасидаги эгри чизиқнинг максимумига тўғри келадиган оратик  $H$  ва  $V$  зонасига тўғри келади.

**Насоснинг универсал характеристикаси** насос ишининг чегаравий қийматлари ҳақида маълумотлар ва бунда фойдали иш коэффициентининг максимал қийматини, унинг оптималь иш режимини танлашга имконият беради.

Насос универсал характеристикаси ишчи гидравликанинг турли айланиш частоталари учун олинади. Бунда  $H - V$  боғлиқлик бир неча марта олинади. Ҳар бир  $H - V$  эгри чизиқда ўзгармас фойдали иш коэффициентининг ( $\eta'_H, \eta''_H, \eta'''_H$ ) қийматларига тегишли нуқталар ажратилади.  $m-m$  чизиги фойдали иш коэффициентларининг максимум қийматларига тенг бўлади (2.31-расм).




2.31-расм. Айланиш частотаси  $n$  бўлганда марказдан қочма насоснинг универсал характеристикаси.

Ҳақиқатда эса тажриба бўйича  $n=const$  бўлганда,  $H$  нинг  $V$  га боғлиқлиги эгри чизиқни беради (2.30-расм), яъни, унумдорлик ошган сари насос босими пасайди, истеъмол қуввати эса ортади. Фойдали иш коэффициентининг қиймати эса максимумдан ўтиб кетади. Маълумки, насоснинг фойдали иш коэффициенти фойдали қувват ( $N_\phi = \rho g VH$ ) нинг насос ўқидаги қуввати нисбатига тенг. Фойдали қувват суюқликка энергиясини беришга сарф бўлади.  $V=0$  ва  $V=V_{max}$  бўлганда, фойдали қувват нолга тенг, яъни  $H=0$  бўлади. Сўриш қувури

**Насоснинг тармоқдаги иши.** Тармоқ характеристикаси узатилаётган суюқлик унумдорлиги билан босим орасидаги бөглиқтікни күрсатади. Босим эса, геометрик узатиш баландлігі билан босимни йүқотилиш үйгіндисі орқали аниқланади.

Дарси-Вейсбах тенгламасидан  $h_n = k \cdot V^2$  эканлигини аниқлаш мүмкін.

Бундан характеристиканың парабола тенгламасини  $H = H_r + k \cdot V^2$  күринишида ёзиш мүмкін.



2.32-расм. Насоснинг тармоқ характеристикасы.

Үндітесінде суралади. Агар, юқорида қайд этилған, уччала усулда ҳам унумдорлик ошмаса, у ҳолда насос янада қувватлышы билан алмаштирилади.

**Насосларни биргаликда ишлеши.** Насосларнинг суюқликни узатиш миқдорини оширишга, уларни параллел улаш йўли билан эришилди.

Насосларнинг **йифма** характеристикасини ҳар бир насос характеристикаси абсциссалари үйгіндисі орқали олинади.

2.33-расмда 1 ва 2 насосларнинг йифма характеристикалари күрсатилған. Ҳар бир насос алохіда  $V_1$  ва  $V_2$  унумдорликка эга. Параллел уланганда йифма унумдорлик  $V_3$  га тенг бўлади ( $A$  иш нуқтаси), лекин у насосларни алохіда унумдорликларидан кам бўлади. Бунда унумдорликдан ютиш тармоқ характеристикасининг шаклига бөғлиқ бўлади. Агар тармоқ характеристикаси қия бўлса (эгри чизик), йифма унумдорлик ўсади. Босимнинг ўсиши бундай ҳолларда сезиларсиз бўлади.


Босимнинг ортиши учун насослар кетма-кет уланиши керак. Бу ҳолда йифма характеристика алохіда насосларнинг характеристика ординаталарини қўшиш йўли билан олинади. Бу характеристика билан тармоқ характеристикаси кесишган нуқтаси йифма босим ва унумдорликни аниқлаб беради (2.34-расм). Тармоқнинг характеристикаси тикка (қия) бўлса сезиларли ўшишга эришилди.

**Марказдан қочма насосларни ростглаш.** Ростглаш, масалан, насос узатишини ўзгартыришдан иборат бўлади. Бунга эришиш учун ёки тармоқ характеристикаси, ёки насос характеристикаси ўзгартырилади.


2.32-расмда насос ва тармоқнинг характеристикаси күрсатилған.

Бу характеристикаларнинг кесишган жойи  $A$  иш нуқтаси дейилади. Ушбу тармоқда насос ишлагада бу нуқта энг юқори унумдорлик эканлигини билдиради. Агар каттароқ миқдорда унумдорлик керак бўлса, электр юриткичнинг айланишлар частотасини ошириш зарур ёки тармоқда босим йўқотилишини, ҳамда геометрик узатиш баландлигини камайтириш керак.

Тармоқда босим йўқотилиши камайтирилганда, ишчи нуқтаси ( $A_j$ )



2.33-расм. Параллел уланган иккита насоснинг биргаликда ишлеши.



**2.34-расм. Кетма-кет уланган иккি насоснинг биргаликда ишлапши.**

**Пропорционаллик қонуни.** Марказдан қочма насосларнинг напори ва унумдорлиги насос ишчи гидрагининг айланиш частотаси (сони)га боғлиқ бўлади. (2.89) тенгламага мувофиқ насос напори айланма тезлик квадратига боғлиқ, яъни  $H \sim c^2 u^2$ .

Агар айланышлар сони  $n_1$  да напор  $H_1$  бўлса,  $n_2 \sim H_2$  бўлади деб холоса қўлсак, унда:

$$\frac{H_1}{H_2} = \left( \frac{u'_2}{u''_2} \right)^2 = \left( \frac{n_1}{n_2} \right)^2 \quad \text{яъни} \quad \frac{H_1}{H_2} = \left( \frac{n_1}{n_2} \right)^2 \quad (2.93)$$

(2.91) тенгламадан эса, насос унумдорлиги суюқлик гидрагидан ажралишдаги абсолют тезлигини радиал ташкил этувчисига пропорционал, яъни  $V \sim C_{r2}$

$$\frac{V_1}{V_2} = \frac{C'_{2r}}{C''_{2r}} = \frac{u'_2}{u''_2} = \frac{\pi D_2 n_1}{\pi D_2 n_2} = \frac{n_1}{n_2}; \quad \frac{V_1}{V_2} = \frac{n_1}{n_2} \quad (2.94)$$

Насос талаб этадиган қувват эса, унумдорлик ва напорнинг кўпайтмасига пропорционал (2.89) ва (2.91) тенгламаларга биноан қўйидаги қўринишни ҳосил қиласиз:

$$\frac{N_1}{N_2} = \left( \frac{n_1}{n_2} \right)^3 \quad (2.95)$$

(2.93) (2.95) тенгламалар пропорционаллик қонуни тенгламалари дейилади. Бироқ бу тенгламаларни таҳминий ҳисоблар учун ишлатиш мумкин. Аниқ ҳисоблар учун эса, насос ишчи гидрагини айланышлар частотаси билан фойдали иш коэффициенти инобатта олиниши керак. Шуни қайд этиб ўтиш керакки, пропорционаллик қонунини, насоснинг айланышлар сони бирбиридан 2 баробардан ортиқ фарқ қилгандагина қўллаш мумкин.


## 2.23. Поршенли насослар

Поршенли насослар плунжер ёки поршени цилиндрда илгарилама-қайтма ҳаракати ёрдамида суюқликни сиқиб чиқариш принципига асосланган (2.35-расм). Поршени ўнг томонга қилган ҳаракатидан кейин, цилиндрнинг чап қисмида ҳавони сийракланиши содир бўлиб, сўриш клапани очилади ва

Тармоқ характеристикасини эса узатиш қувуридаги лўқидонни очиш ёки ёпиш билан ўзгартириш мумкин. Сўриш қувуридаги узатишни ростлаш, одатда насос ишини узилишига олиб келади.

Насос характеристикасини ўзгартириш учун ишчи фиддирак сонини ошириш ёки куракчаларни бурилиш бурчаклари  $\beta_1$  ва  $\beta_2$  ларни ўзгартириш билан амалга ошириш мумкин. Бурчакни ўзгартиргандан насос унумдорлигини катта қийматга оширишга эришса бўлади.

сүриш кувури орқали суюқлик цилиндрга тортиб олилади. Поршени чапга суралганда сүриш клапани беркилиб, узатиш клапани очилади ва суюқлик ҳайдаш кувури орқали узатила бошлайди.



**2.35-расм. Бир томонлама ҳаракатланувчи, горизонтал поршенили насос схемаси.**

- 1-поршен; 2-зичловчи ҳалқалар;
- 3- сүриш клапани; 4-цилиндр қопқоги;
- 5-ҳайдаш (узатиш) клапани; 6-цилиндр; 7-кривошип 8-шатун механизми.

Поршен кривошип-шатунли механизм ёрдамида ҳаракатга келтирилади. Поршен цилиндрда зичловчи ҳалқалар ёрдамида сиқиб турлади. Поршенили насослар узатмаси турига қараб, бевосита уланувчи ва узатмали бўлади.

Бевосита уланган насослар буғ насослар ёрдамида ҳаракатланади, бунда насос поршен билан битта штокда жойлашган бўлади. Узатмали насослар электр юриткич ёрдамида ҳаракатга келтирилади. Насослар кривошип айланыш частотасига қараб, секин айланадиган ( $n=45\ldots60 \text{ мин}^{-1}$ ), ўртacha ( $n=60\ldots120 \text{ мин}^{-1}$ ) ва тез айланадиган ( $n=120\ldots180 \text{ мин}^{-1}$ )ларга бўлинади.


Поршенили насослар вертикал ва горизонтал бўлиши мумкин.

Юқори босимли насослар 100 МПа гача бўлган босимни таъминлаб берса, юқори маҳсулдорлик насос эса, соатига 60 м<sup>3</sup> суюқлик ҳайдаб беради.

Поршенили насослар учун сүриш ва узатиш жараёни даврий бўлиб, суюқликни узатиш бир текис амалга ошмайди.

Нотекис узатишни бартараф этиш учун кўп томонлама таъсир этувчи насослар қўлланилади.

Икки томонлама таъсир этувчи насосда 2 та сүриш ва 2 та узатиш клапани бор (2.36-расм). Кривошип тўлиқ айланниб чиққанда цилиндрнинг ҳам чап, ҳам ўнг томонидан навбатма-навбат узатиш ва сүриш жараёнлари содир бўлади.



**2.36-расм. Икки томонлама ҳаракатланувчи насос схемаси.**

- 1- плунжер; 2- цилиндрлар;
- 3,6- сүриш клапанлари;
- 4,5- ҳайдаш клапанлари.

Суюқликни бир текисда узатишни таъминлаш учун уч томонлама ҳаракатланадиган насослар ёрдамида амалга ошириш мумкин. Оддий ҳаракатли (бир томонлама) насосларни кетма-кет жойлашган бўлиб, бундай кривошиплар ўзаро 120° бурчак остида кетма-кет жойлашган бўлади (2.37-расм).

Кривошипнинг тўлиқ битта айланishiда, 3 марта сүриш ва 3 марта узатиш жараёни содир бўлади.

Плунжернинг ўнг томонга кўзалишида, чап томонидаги сүриш клапани очилади ва суюқлик цилиндрнинг бўшлигига сўрилади. Шу вақтда эса, ўнг томондаги узатиш клапани очилиб, суюқлик цилиндрнинг ўнг қисмидан қувурга узатилади. Плунжер орқага қайтганда эса, ўнг томоннинг сүриш клапани очилиб, чап томоннинг узатиш клапани очилади.

Плунжерда сиқиши ҳалқалари бўлмайди ва узунлигининг диаметрига нисбати катта бўлади.

Поршенили насос поршенинг битта ҳаракатидаги назарий унумдорлиги, поршенинг вақт бирлигига ҳосил қылган ҳажми билан аниқланади.

Агар поршен сиқиб чиқараётган суюқлик ҳажми ( $m^3$ )  $V = f \cdot S$  бўлса, унда бир йўлли насоснинг ўртача назарий унумдорлиги ( $m^3/coat$ ):

$$V_H = 60 \cdot f \cdot S \cdot n$$

бу ерда  $f$  – цилиндрнинг кўндаланг кесими;  $S$  – поршен йўли узунлиги, яъни бошланғич ва охирги ҳаракат нуқталари орасидаги масофа;  $n$  – айланишлар частотаси.

Икки томонлама ҳаракатланадиган насосдаги кривошиппининг 1 та тўлиқ айланганида 2 та марта сўриш ва 2 марта узатиш содир бўлади. Поршенинг ўртача қылган ҳаракатида цилиндр ичига  $f \cdot S$  га тенг бўлган миқдорда суюқлик сўрилади, ўнг томондан эса  $(f - f_{yk}) \cdot S$  миқдорида суюқлик сиқиб чиқарилади ( $f_{yk}$  – штокнинг кўндаланг кесими).

Насоснинг назарий унумдорлиги:

$$V_H = f \cdot S \cdot n + (f - f_{yk}) \cdot S \cdot n = 2 \cdot f \cdot S \cdot n - f_{yk} \cdot S \cdot n$$

Ўқнинг кўндаланг кесим юзасини кичик деб олинса  $f_{yk} \ll f$ , бир соатлик назарий узатиш миқдори:

$$V_H = 2 \cdot f \cdot S \cdot n \cdot 60 \quad (2.96)$$

Насоснинг ҳақиқий унумдорлиги қўйидагича:

$$V_x = \eta_V \cdot V_H$$

бу ерда  $\eta_V$  – клапан, сальник ва қувур тирқишлидан оқиб чиқиш пайтида, йўқотиладиган суюқликни ҳисобга оладиган фойдали иш коэффициенти  $\eta_V = 0,85...0,99$ .


Кўп босқичли насосларнинг ҳақиқий унумдорлиги ( $m^3/coat$ ) да:

$$V_x = i \cdot 60 \cdot \eta_V \cdot f \cdot S \cdot n \quad (2.97)$$

бу ерда  $i$  – ҳаракат карралиги.

Бу формула насоснинг ўртача унумдорлигини ифодалайди, лекин поршени 1 марта бориб келишида суюқликнинг узатилиши нотекис амалга ошади.


Ихтиёрий вақтда поршенили насос узатган суюқлик миқдорини аниқлаш учун, поршен ҳаракати қонуниятини билиш керак.



2.37-расм. Уч томонлама ишлайдиган насос схемаси (триплекс-насос).

1-цилиндрлар; 2- плунжерлар;  
3- тирсакли ўқ; 4- шатуналар.

Поршенини  $x$  микдорда газ сўриши кривошипнинг бурилиш бурчаги  $\alpha$  га нисбатан кўйидагича ифодалаш мумкин (2.38-расм).



2.38-расм. Поршен ҳаракат қонунини келтириб чиқаришга оид.

Поршенини чап томонини охирги ҳолатида ползун  $\theta$  нуқтада жойлашади. Поршеннинг ўнгга қилган ҳаракатида эса, ползун қандайдир  $E$  нуқтага сурлади. Кривошипнинг босиб ўтган йўли эса, кривошип буриладиган  $\alpha$  бурчак ёрдамида аниқланиб, у

$A$  (нуқта) га жойлашади.

Кўйидаги ҳисоблаш ишини кўриб чиқамиз:  $E$  нуқтадан  $l$  радиусли шатун узуналигига  $AD$  ёйини чизиб,  $A$  нуқтадан горизонтал чизикка  $AC$  перпендикуляр туширамиз.

Поршен босиб ўтган  $x$  масофа эса:  $x=BD=BC+CD$  бўлади. Лекин,  $BC=MB-MC=r - r \cdot \cos\alpha = r(1 - \cos\alpha)$ ,  $CD=ED - EC=l - l\cos\beta=l(1 - \cos\beta)$ . Бу ерда  $r$  кривошип узуналиги. Демак:

$$x = r(1 - \cos\alpha) + l(1 - \cos\beta)$$

Лекин  $\cos\beta$  ни бирга яқин деймиз, чунки  $l \gg r$  ва бурчак  $\beta \rightarrow 0$ , шундай қилиб  $x=r(1-\cos\alpha)$ . Бунда поршеннинг ҳаракат тезлиги:

$$C_n = \frac{dx d\alpha}{dt d\alpha} = r \sin \alpha \frac{d\alpha}{dt} = \omega \cdot r \sin \alpha$$

бу ерда:  $\omega$  – кривошипнинг айланма бурчак тезлиги.

Шундай қилиб, оний узатиш синусоидал қонун бўйича ўзгаради:

$$V=f C_n = f \cdot r \omega \cdot \sin \alpha \quad \text{ва} \quad dV=f r \cdot \sin \alpha \cdot d\alpha$$


$$\text{лекин } \omega = \frac{d\alpha}{dt} \quad \text{унда } dV=f r \cdot \sin \alpha \cdot d\alpha$$

Кривошипнинг бурилиш бурчаги  $\alpha$  ни абсцисса ўқига қўйсак, оний қўзғалишни эса, ордината ўқига жойлаштирамиз (2.39-расм). Синусоида билан чегараланган майдон, поршеннинг 1 та босиб ўтган йўлида, яъни кривошипнинг ҳаракати йўли эса  $\pi$  дан  $2\pi$  гача бўлади, насос узатган суюқлик ҳажмига пропорционал бўлади (2.39-расмга қаранг).

$$V = \int_{\pi}^{2\pi} dV = fr \int_{\pi}^{2\pi} \sin \alpha \cdot d\alpha = 2fr = f \cdot S \quad (2.98)$$

2.39-расм кривошип бурилиш бурчаги  $\pi$  дан  $2\pi$  гача кўрсатилган бўлиб, бу абсцисса ўқида ажратилган оралиқ вақтига пропорционал.


Оддий насос сўриш йўлига мос бўлган ўқнинг биринчи ярим айланишида суюқликни узатмайди ва бу абсцисса ўқида  $\theta$  дан  $\pi$  гача узатиш чизиги абсцисса билан мос келади ( $AB$  чизиги). Оддий насоснинг кривошили тўлиқ айланиши ёки поршеннинг 2 марта бориб-келиш  $ABCD$  чизиги билан ифодаланади.




2.39-расм. Оддий насоснинг узатиш диаграммаси.

учун  $\psi_{II} = \pi / 2 = 1,57$ , учталик учун эса  $\psi_{III} = 1,047$

Икки томонлама ҳаракатли насоснинг узатиш диаграммаси бир-бирига нисбатан ўтирилган синосоидалар ташкил этади (2.40-расм), 3 босқичли насос учун эса 3 та синосоиданинг  $120^\circ$  га сурилган бўлади (2.41-расм).



2.40-расм. Икки томонлама ҳаракатланувчи насоснинг узатиш диаграммаси



2.41-расм. Уч босқичли насоснинг узатиш диаграммаси.

Натижавий узатиш эгри чизиги I, II ва III ордината эгри чизикларининг йифиндиси бўлиб, хизмат қилади, чунки улар оддий насос-ларнинг узатиш даврига тўгри келади. Графикдан кўриниб турибдики, 3 босқичли насосларнинг суюқлик узатиши текисланиб боради.

Оддий насосларнинг узатиш ва сўриш кувурларидағи нотекисликни камайтириш учун уларга бевосита ҳаво қалпоқчалари ўрнатилади. Ҳаво қалпоқчалари буфер ҳажм ҳисобланаб, унинг 50% ҳажмини ҳаво эгаллайди. Сўриш пайтида, қалпоқчага суюқлик кирганда ундаги ҳаво сиқилади, агар, узатиши ўртача қийматдан камайса, суюқлик ичидан чиқариб юборилади. Қалпоқчадаги ҳаво босимининг ўзгариш фарқи кам бўлса, суюқликнинг сўриш ва ҳайдаш қувурларида ҳаракати бир текисда бўлади.

Поршенили насоснинг унумдорлиги узатиш босимига боғлиқ бўлмасдан доимий, катталик бўлиб қолади.

Насос қувватини ҳисоблашда ва иш жараёнидаги носозликларни аниқлашда индикатор диаграммасидан фойдаланилади.

Насос цилиндрини абсолют босимини поршен босиб ўтган йўли ёки ҳажмига боғлиқлигини кўрсатиб беради. Насос цилинтрига, ўрнатилган индикатор ёрдамида индикатор диаграмма чизилади. 2.42-расмда **a** чизиги сўриш жараёнига мос келади. Насосдаги босим атмосфера босимдан паст бўлади ва  $p_a$  га тенг бўлади. Поршеннинг **b** нуқтаси энг четки ўнг ҳолатига мос келади. Бу ҳолатда сўриш клапани ёпиқ бўлади. Поршен ўнгта қараб ҳаракати бошланганда, цилиндрдаги босим бирданига  $p_n$  қийматгача кўтарилади (**c** чизиги).  $p_n - p_a$  босимлар фарқи остида ҳайдаш қувуридаги клапан очилади ва суюқлик узатила бошлайди (**ca** чизиги). **a** ва **c** нуқталардаги босимнинг тебраниши клапанларни очилиш пайтидаги инерцияси туфайли ҳосил бўлади.

Кривошиппнинг бурилиш бурчаги  $\alpha=90^\circ$  бўлганда, максимал узатиш бўлади. Насоснинг нотекис узатиши қуйидаги нисбат билан аникланади:  $\psi = V_{\max} / V_{up}$ .

Оддий ҳаракатли насос учун нотекислик коэффициенти  $\psi_1 = \pi$  бўлса, икки томонлама ҳаракатли насос


Индикатор диаграммаси ёрдамида насоснинг индикатор қувватини аниқлаш мумкин. Унинг қиймати диаграмма юзасига тенг деб олинади. Индикатор қувватини била туриб, фойдали қувватни аниқлаш мумкин бўлади:

$$N_{\phi} = \eta_{\text{инд}} N_{\text{инф}}$$


бу ерда  $\eta_{\text{инд}}$  – индикатор ф.и.к.

2.43-расм индикатор диаграмма ёрдамида насоснинг баззи бир носозилкларини аниқлаш мумкин.

2.43а-расмдаги диаграммада узатиш пайтида насос клапанининг кеч ёпилиши кузатилаётган бўлса, 2.43б-расмда эса, сўриш клапани ёпилишининг кечга қолиши тасвирланган.



2.42-расм. Индикатор диаграммаси.



2.43-расм. Насос ишидаги баззи носозилклар.

а – клапаннинг ёпишиб қолиши;  
б – сўриш клапани ёпилишининг кечикиши.

Индикатор диаграммасидаги ўзгаришлар насос ичидағи бопқа носозилклар мавжудлигидан далолат беради.

Цилиндрга ҳавони кириб қолиши диаграммадаги сўриш горизонтал чизигидан четланишига, чизиқни тебраниши кўрсатади.


Поршенили насослар асосан, суюқликни кам миқдорда узатишда босими 5 дан 100 МПа гача бўлган юқори қовушоқ, тез алангалаувчи суюқликларни узатишда, ҳамда суюқликларни тақсимлаш учун ишлатилади.

Поршенили насосларнинг камчилигини айтиб ўтадиган бўлсак, буларга, унумдорлиги кичиклиги, суюқликни нотекис узатиши, кривошип-шатунли механизми борлиги, суюқлик тарқибида қаттиқ заррачалар бўлса, клапанлари тез ишдан чиқиши киради. Ундан ташқари, уни жойлаштириш учун мустаҳкам пойdevорлар талаб этилади.

## 2.24. Насосларнинг маҳсус турлари

Куюлтирилган суюқликларни узатиш учун (олхўри, ўрик, олча ва мева-резаворлар шарбати ва қиёми) қовушоқлиги 1000 Па · с қийматга тенг бўлган суюқликлар учун ротацион ҳажмий насослар (мононасослар) ишлатилади.

Мононасоснинг асосий қисмлари статор 1 ва ротор 2 бўлади (2.44-расм).



2.44-расм. Мононасос схемаси.

1-статор; 2-ротор;  
3-ёпиқ бўшлиқ,


Одатда, статор ичи икки йўлли, юзали, винтли, профилли, юқори резьбали цилиндрдан ташкил топган.

Статорга бир йўлли ротор ўрнатилган бўлиб, у ўзининг асосий ўқи ва статорнинг кўндағанг кесим ўқи атрофида ҳам айланади.

Статор ва ротор орасида ҳосил бўладиган ёпиқ бўшлиқлар 3, насос

ишилаши пайтида суюқлик билан тұлиб туради ва ротор айланғанда, аксиал күзғалиб боради. Ротор айланғанда бу бұшлық ҳажми 0 дан максимумгача үзгаради, бұшлық ортиб борғанда суюқлик сұриб борилади.

Мононасоснинг конструкцияси 2.45-расмда көлтирилген. Насос корпуси чүяндан ёки зангламайдыган пұлатдан тайёрланади. Статор эса, табий каучук, синтетик, махсус резина, полиуретан, пластик массадан, юмшоқ поливинил хлорид, тefлон, полиамиддан, ротор эса зангламайдыган металл ва пластмассадан тайёрланади.



**2.45-расм. Мононасос конструкцияси.**

1-ротор; 2-статор; 3-иситиш фиофі; 4-хайдаш штуцері; 5-сальник; 6-үң; 7-подшипник қобиги; 8-зичловчи ҳалқа; 9-қопқок; 10-қобиқ; 11-бирашастирувчи үң; 12-шарнир.


Бу насосларнинг босими  $2,4 \text{ MPa}$  ва унумдорлиғи  $200 \text{ m}^3/\text{соат}$  гача бўлиши мумкин. Насосларда совитиш ёки иситиш учун фиофлар бўлиши мумкин. Статорнинг ишчи температуралар оралиғи  $-30$  дан  $+300^\circ\text{C}$  гача.

Кичик босим билан катта миқдордаги суюқликларни узатишида ўқли насослардан фойдаланиш юқори самара беради (2.46-расм).

Бу турдаги насосларнинг ишчи фидираги эшқакли винт шаклида тайёрланган бўлади. Суюқлик куракча ёрдамида илиб олинади ва корпусда айланиб, ўқнинг йўналиши бўйлаб узатилади. Насосдан кейин суюқликни айланма ҳаракатини тўғрилаб берувчи ускуна жойлашган бўлади.

Куюқ, юқори қовушоқли суюқликларни узатишида шестерняли насослардан фойдаланилади (2.47-расм).

Насос чўян корпусдан ясалган бўлиб, унга 2 та бир-бири билан илашадиган шестернялар ўрнатилган бўлади. Шестернялардан бири электр юриткичга уланган бўлиб, етакловчи бўлса, иккинчиси - етакланувчи ҳисобланади.




**2.46-расм. Мононасос схемаси.**

1-статор; 2-ротор; 3-ёпик бұшлық.


Чиққанида сийракланиш ҳосил бўлади ва суюқлик насосга сўрилади. Шестерня тишлари суюқликни сўриб кетади ва у айланиш йўналиши томон ҳаракатланади. Шестерня тишлари қайтадан илашганда, суюқлик узатилади. Шестерняли насосларни тақсимлаб бергич сифатида кўллаш ҳам мумкин. Ундан ташқари, кичик унумдорликда, юқори босимни таъминлаб беради.

Суюқликларни аралаштириш учун марказдан қочма аралаштиргичлардан фойдаланилади (2.48-расм).



**2.47-расм.** Шестернили насос схемаси

1-қобиқ; 2,3-шестернилар; 4-ҳайдаш штуцери; 5-сүриш штуцери.



**2.48-расм.** Марказдан қочма турдаги суюқлик аралаштиригич.

1-суюқлик узатиш штуцери; 2-аралаштирувчи барабан; 3-грейфер; 4-аралашмани қиқариш штуцери.

Расмда күрсатылғаныңде маңылум нисбатта айланыптын барабанга киради ва интенсив аралашади. Суюқлик аралашмаси грейферга кириб, босим остида аралаштиригичдан штуцер орқали чиқиб кетади.

**Марказдан қочма насос турлари.** Ишчи фиддирагининг чархига қарабар марказдан қочма насослар 5 гурұхга бўлинади.

Гурӯх	D <sub>1</sub> /D <sub>2</sub>	n <sub>s</sub>
Секин юрар	2,5	40...80
Ўртача тезликли	2	80...150
Тез юрар	1,4	150...300
Ярим ўқли	1,1	300...600
Ўқли	0,8	600...1200

Бир хил  $\alpha_2$ ,  $\beta_2$  бурчаклар ва  $\varepsilon$ ,  $\eta$  коеффициентларга эга насосларнинг асосий характеристикасини тез юрарлик критерийси  $n_s$  ифодалайди.

Тез юриш критерийси этalon насосининг айланиш частотаси бўлиб, ф.и.к. ўзаро тенг бўлиб, 0,736 кВт қувват билан 1 м сув уст. тенг босим ҳосил қиласди.

Ишчи фиддираги  $D$  ва  $D_s$  диаметрли 2 та ўзаро мос бўлган, ҳамда айланишлар частотаси мос равишда  $n$  ва  $n_s$  бўлган насосларни текшириб кўрамиз. Уларнинг босимлари  $H$  ва  $H_s$ , унумдорлиги  $V$  ва  $V_s$  бўлса, қувватлар  $N$  ва  $N_s = 0,736$  кВт бўлади.

(2.89) тенгламадан напорни аниқлаш учун (2.93) тенгламага мурожаат этсак:

$$\frac{H}{H_s} = \frac{nD}{n_s D_s}$$

(2.91) тенгламадан унумдорликни аниқлаш учун (2.94) дан фойдаланамиз:

$$\frac{V}{V_s} = \frac{F \cdot C_{2r}}{F_s C_{2rs}} = \frac{n \cdot D^3}{n_s D_s^3}$$

Кувватни нисбатини аниқлаш учун (2.95)га га мурожаат қиласак:

$$\frac{N}{N_s} = \frac{\rho g V H}{\rho g V_s H_s} = \frac{n^3 D^5}{n_s^3 D_s^5}$$

Бу тенгламалардан  $H_S = 1 \text{ м}$  ва  $N_S = 0,736 \text{ кВт}$  ни хисобга олиб:

$$n_S = \frac{3,65 \cdot n \sqrt{V}}{H^{0.75}} \quad (2.99)$$

(2.99) тенгламадан кўринадики, аниқ айланишлар частотасида тез юрарлик коэффициенти унумдорлик яхшиланишига тўғри пропорционал, напорга тескари пропорционал. Шу сабаб, секин юрар насослар унумдорлиги паст бўлиб, босимни юқори қийматга кўтаришга хизмат қилса, тез юрарлар эса, кичик босим билан катта унумдорликни таъминлаб беради.

Марказдан қочма насосларнинг афзаллиги шундан иборатки, суюқлик бир текис узатилади, кичик ўлчамли, тез юрар, клапанлари йўқлиги, ростлаш осонлиги, пластмассадан тайёрлаш ва енгил пойдевор асосга ўрнатиш мумкин.

Камчиликларига эса куйидагилар киради: босим, унумдорлик ва фойдали иш коэффициенти, насоснинг иш режимига боғлиқ, суюқлик қовушоқлиги ва напор ортиши билан фойдали иш коэффициенти камаяди; паст унумдорлида насосларнинг фойдали иш коэффициенти кичик бўлади.

Бу турдаги насослар катта унумдорлик ва кичик босим керак бўлганда ишлатилади.

## 2.25. Насосларни таққослаш

**Ҳажмий насослар.** Поршенли ва плунжерли насосларнинг асосий афзаллиги бу уларда фойдали иш коэффициентининг катталиги ва кам микдордаги, юқори қовушоқ суюқликларни ҳар қандай босимда узатиб бериш хоссасига эгалигидир. Лекин, уларда суюқлик узатилиши нотекислиги, клапанларни тез ишдан чиқиши ва уларнинг катта ўлчамга эга бўлиши, поршенли ва плунжерли насосларнинг қўлланишини озгина чегаралайди. Плунжерли насосларни ишлатиш осонроқ бўлиб, бузилиши камроқ бўлади.

Ҳажмий насослар тузилиши оддий (шестерняли ва винтли) бўлиб, суюқликни бир меъерда узатиб беради.

**Марказдан қочма ва ўқли насослар.** Бу насослар фойдали иш коэффициенти юқори ва суюқликни бир меъерда узлуксиз узатиб беради. Нисбатан содда тузилганлиги уларни узоқ хизмат қилишини ва ишончлилигини таъминлайди. Клапанларнинг йўқлиги, ишқаланиш юзлари бўлмаслиги ифлосланган суюқликларни ҳам узатиш имконини беради. Электр юриткич билан бевосита уланиши насос қурилмасининг ихчамлигини таъминлайди ва унинг фойдали иш коэффициентини оширади. Куракчали насосларни ушбу афзалликлари, уларнинг кимё саноатида кенг қўлланишига олиб келди.

Бу насосларнинг камчилиги: унумдорлиги ва босими камлигидир.

**Оқимчали насослар.** Ушбу насосларнинг афзаллиги шундан иборатки, уларнинг тузилиши анча содда, ифлосланган суюқликларни ҳам узата олади. Сув оқимчали насослар техникада қудуқлардан сувларни кўтариш учун хизмат қиласи. Буғ оқимчали насослар эса, буғ қозонларга сув узатиш учун ёки вакуум ҳосил қилишда хизмат қиласи. Оқимчали насосларнинг камчилиги: фойдали иш коэффициенти жуда кичик ва юқори босим ҳосил қила олмайди.

**Ҳаволи (газли) кўтаргичлар.** Бу насослар тузилиши содда ва уларга кўрсатиладиган хизмат ҳам оддийлигидир. Мисол учун, чуқур қудуқлардан сув чиқариш, агрессив суюқликларни узатишида қўлланилади. Ҳаволи кўтаргичлар ф.и.к. паст (25...35%). Лекин, насос таркибида ҳаракатчан қисм ва деталлар йўқлиги, унинг энг асосий афзаллигидир.

## КОМПРЕССОРЛАР

### 2.26. Асосий түшүнчалар

Кимё ва озиқ-овқат саноати корхоналарида күп миқдорда газ ва газ ара-лашмаларини қайта ишлашга түғри келади. Күтгина кимёвий жараёнларнинг атмосфера босимдан фарқли босим остида олиб борилиши, жараён тезлигини оширади, курилма ўлчамларини кичик бўлишига ва ҳоказоларга олиб келади.

Газларни сиқиши ёрдамида уларни қувурларда ва қурилмаларда ҳаракати таъминланади ва вакуум ҳосил қилинади. Бундан ташқари, ҳаво ва газларни сиқиши, уларни аралаштириш, суюқликларни пуркаш учун ишлатилади. Кимё саноатида қўлланиладиган босим миқдорлари  $10^{-3}$  дан  $10^8 \text{ Н/м}^2$  ( $10^{-8} \dots 10^3$  атм) гача бўлади.

Газларни узатиш ва сиқиши учун мўлжалланган машиналар компрессор машиналари дейилади.

Компрессор машинаси ҳосил қўлланиладиган охирги босим  $P_2$  нинг, газни сўрилиш пайтидаги босим  $P_1$  га нисбати сиқиши даражаси деб номланади.

Сиқиши кўрсаткичинини қиймати бўйича компрессор машиналари қўйидаги турларга бўлинади:

- 1) Вентиляторлар ( $P_2/P_1 < 1,1$ ) - катта миқдордаги газларни узатиш учун;
- 2, Газодувкалар  $1,1 < (P_2/P_1) < 3$  – нисбатан катта гидравлик қаршиликка эга қувурлардан газларни узатиш учун;
- 3) Компрессорлар ( $P_2/P_1 > 3$  юқори босим ҳосил қилиш учун ишлатилади;
- 4) Вакуум-насос атмосфера босимидан кичик бўлгай босимларда газларни сўриб олиш учун.

Компрессор машиналари ишлаш усули (принципи) бўйича поршенили, роторли, марказдан қочма, ўқли ва бошқа машиналарга бўлинади.

**Поршенили машиналарда** газларни сиқиши ҳажмининг камайиши ҳисобига амалга ошади. Бунда поршеннинг илгарилама-қайтма ҳаракати туфайли газнинг босими оширилади.

**Роторли машиналарда** газларни сиқиши эксцентрик жойлашган роторнинг айланиши туфайли ҳажмнинг камайиши оқибатида ҳосил бўлади.

**Марказдан қочма машиналарда** ишчи гидриракнинг айланишида ҳосил бўладиган инерция кучлари ёрдамида газ сиқилади.

**Ўқли машиналарда** ишчи гидрирак ва йўналтирувчи қурилма узунлиги бўйлаб, газ ҳаракатланганда унинг сиқилиши содир бўлади.

**Вакуум-насос** сифатида ҳар қандай компрессордан фойдаланиш мумкин. Фақат вакуум-насос билан компрессор орасида фарқ шундаки, вакуум-насосда сўриш босимнинг атмосфера босимиidan сезиларли кам бўлса, узатиш эса атмосфера босимиidan кўпроқ бўлади. Поршенили компрессорлар кам миқдордаги газларни катта босимларгача ( $0,5 \dots 20 \text{ МПа}$  ва ундан юқори) сиқишида ишлатилади. Турбокомпрессорлар эса, катта миқдордаги газларни нисбатан паст босимларда ( $0,15 \dots 1,5 \text{ МПа}$ ) узатиб беришга мўлжалланган.

### 2.27. Газларни сиқиши жараёнининг термодинамик асослари

Реал газларни сиқиши жараёнинда унинг ҳажми, босими ва температураси ўзгаради. Газларни сиқиши жараёни назарияси идеал газ термодинамикасига асосланади ва ушбу тенглама билан ифодаланади:

$$p = \rho R T \quad (2.100)$$


Компрессордан чиқишидаги 10 МПа ва ундан юқори бўлган газ учун реал газнинг ҳолат тенгламасидан фойдаланса бўлади:

$$p = z\rho RT \quad (2.101)$$

бу ерда  $z$  – сикилиш коэффициенти, унинг сон қийматлари маҳсус адабиётларда келтирилган.

Лекин, амалий ҳисоблашлар учун температура-энтропия ёки  $T$ - $S$  термодинамик диаграммадан фойдаланиш кулай ва ишончли. Одатда,  $T$ - $S$  диаграмма тажриба маълумотлари асосида қурилади.

2.49-расмда АКВ чегаравий эгри чизиқ тасвирланган бўлиб, унинг максимуми критик нуқта К га тўғри келади. Ушбу эгри чизиқ ва абсцисса ўқи оралигидаги соҳада, бир вақтнинг ўзида ҳам суюқ, ҳам буғ фазалар мавжудdir. КА кесманинг чап қисмидаги соҳа бугнинг тўлиқ конденсациянишига тўғри келади. Графикнинг бу қисмida қуруқлик даражаси  $x=1$ . КА кесмани ўнг қисми эса, суюқликнинг тўлиқ буғланишини ифодалайди ва унда қуруқлик даражаси  $x=0$ . Чегаравий эгри чизиқнинг чап томонида суюқ, ўнг томонида эса фақат буғ (газсимон) фазалар бўлади. Критик нуқта К нинг координаталари газнинг критик параметрларини характерлайди.



2.49-расм.  $T$ - $S$  диаграмма.

Бунга сабаб суюқликнинг сиқилмаслиги ва босимнинг физик хоссаларга суст таъсиридир.

Ундан ташқари,  $T$ - $S$  диаграммада ўзгармас энталпия чизиқлари ( $i=\text{const}$ ) ҳам ўтказилган.  $T$ - $S$  диаграммадаги газнинг ҳамма параметрлари 1 кг газга нисбатан олинган.

Термодинамиканинг қонунига биноан, қайтар жараёnlар учун энтропиянинг ортиши қуйидагига тенг

$$dS = \frac{dQ}{T} \quad (2.102)$$

Ушбу тенглама ёрдамида газ ҳолатининг ўзгариш иссиқлигини ҳисоблаб топиш мумкин:

$$Q = \int T dS \quad (2.103)$$

**Газларни сиқиш жараёни.** Газни сиқиш жараёнидаги охирги босими атроф-муҳит билан иссиқлик алмасинишга боғлиқ. Назарий жиҳатдан фақат иккита ҳолат бўлиши мумкин:

1) Изотермик жараён – газни сиқиш жараёнида ҳосил бўлаётган иссиқликнинг ҳаммаси атроф муҳитга ажратиб олинади ва газнинг температураси ўзгармас бўлиб туради;

2) Адиабатик жараён – бунда атроф мұхит билан иссиқтік алмашиниши умуман йүқ ва сиқиши жараёнида иссиқтік газнинг ички энергиясини оширишга сарфланади ва натижада унинг температураси құтарилади.

Лекин, одатда газни сиқиши жараёнида ҳажм ва босим ўзғариши билан унинг температурасининг ўзғаришига олиб келади ва ҳосил бўлаётган иссиқтікнинг бир қисми атроф мұхитга ўтади.

Сиқиши жараёнидаги иш ва иштеймол қилинаётган кувват. Газни  $p_1$  босимдан  $p_2$  гача изотермик сиқиши жараёни  $T$ - $S$  диаграммада  $T_A = \text{const}$  чизиги бўйлаб ўтказилган  $AB$  тўғри кесма билан ифодаланади (2.50-расм).

Адиабатик сиқиши жараёни газ ва атроф мұхит ўртасида умуман иссиқтік алмашаслиги билан характерланади. Газни адиабатик сиқищада  $dQ=0$  ва  $dS=0$ . Шундай қилиб, адиабатик жараёnda энтропия ўзгармас ва у  $T$ - $S$  диаграммада  $S_A = \text{const}$  чизиги бўйлаб ўтказилган  $AD$  тўғри чизик билан тасвирланади.

Газни  $p_1$  босимдан  $p_2$  гача сиқиши даврида политропик жараён юз беради ва у  $AC$  қия чизиги билан характерланади.

Агар, бошлангич босим  $p_1$  ва охиргиси  $p_2$  маълум бўлса газни сиқиши учун сарфланган солиштирма иш  $I$  аналитик усулда ҳам аниқланиши мумкин:

изотермик жараёни учун

$$I_{is} = p_1 v_1 \frac{p_2}{p_1} \quad (2.104)$$

адиабатик жараёни учун


$$I_{ad} = \frac{k}{k-1} p_1 v_1 \left[ \left( \frac{p_2}{p_1} \right)^{\frac{k-1}{k}} - 1 \right] \quad (2.105)$$

политропик жараёни учун

$$I_{non} = \frac{m}{m-1} p_1 \cdot v_1 \left[ \left( \frac{p_2}{p_1} \right)^{\frac{m-1}{m}} - 1 \right] \quad (2.106)$$

бу ерда  $v_1$  – сўриш давридаги газнинг солиштирма ҳажми,  $\text{m}^3/\text{кг}$ ;  $k=c_p/c_v$ -адиабата кўрсаткичи (газнинг ўзгармас ҳажмдаги иссиқтік сифимиға нисбати);  $m$  – политропа кўрсаткичи.

Политропа кўрсаткичи  $m$  нинг қиймати газнинг табиати, хоссалари ва атроф мұхит билан иссиқтік алмашиниши шароитларига боялиқ. Масалан, газни сув ёрдамида совутладиган компрессорда ҳаво сиқилганда  $m = 1,35$  деб таҳмин қилса бўлади.



2.50-расм.  $T$ - $S$  диаграммада газни сиқиши жараёнини тасвирлаш.

Изотермик сиқишида энг кам иш сарфланади. Шунинг учун ҳам газларни сиқишиз изотермик жараёнга яқин шароитда ташқил этишга ҳаракат қилинади. Демак, сиқиши жараёнида ҳосил бўлаётган иссиқликни газни совитиш йули билан ажратиб олинади.

Сиқиши жараёнидан сунг газнинг температураси  $T_2$  қуйидагича аниқланади:

изотермик жараён учун

$$T_2 = T_1 \quad (2.107)$$

адиабатик жараён учун

$$T_2 = T_1 \left( \frac{p_2}{p_1} \right)^{\frac{k-1}{k}} \quad (2.108)$$

политропик жараён учун

$$T_2 = T_1 \left( \frac{p_2}{p_1} \right)^{\frac{m-1}{m}} \quad (2.109)$$

Газни сиқиши учун компрессор сарфлаётган назарий қувват  $N_h$  (Вт) ушбу формула ёрдамида топилади:

$$N_h = V \rho l \quad (2.110)$$

бу ерда  $V$  – компрессорнинг ҳажмий сарфи, м<sup>3</sup>/с;  $\rho$  – газ зичлиги, кг/м<sup>3</sup>.

Агар, компрессорнинг ҳажмий иш унумдорлиги ва газнинг зичлиги сўриш шароити, (яъни  $V=V_1$  ва  $\rho=\rho_1=1/\nu_1$ ) ҳамда (2.104)...(2.108) тенгламаларни ҳисобга олсан, газни компрессорда сиқиши жараёнида сарфланадиган қувватни аниқлаш мумкин:

изотермик жараён учун

$$N_{h,iz} = p_1 V_1 \ln \frac{p_2}{p_1} \quad (2.111)$$

адиабатик жараён учун

$$N_{h,ad} = \frac{k}{k-1} p_1 V_1 \left[ \left( \frac{p_2}{p_1} \right)^{\frac{k-1}{k}} - 1 \right] \quad (2.112)$$

политропик жараён учун

$$N_{h,pol} = \frac{m}{m-1} p_1 V_1 \left[ \left( \frac{p_2}{p_1} \right)^{\frac{m-1}{m}} - 1 \right] \quad (2.113)$$

Компрессор ўқидаги қувват  $N_b$  ни қуйидаги тенглама орқали ҳисоблаб топилади:

$$N_b = \frac{\rho V L}{\eta_v \eta_{mech}}$$

бу ерда  $\eta_v$  – ҳажмий коэффициент, суюқликни клапан, турли тирқишилардан оқиб чиқиб кетишини ҳисобга олади;  $\eta_{mech}$  – компрессорнинг механик фойдали иш коэффициенти, механик ишқаланишни енгиз учун сарфланадиган энергияни ҳисобга олади.

Электр юриткич куввати  $N_{\text{э}} \text{ компрессор ўқидаги кувват } N_e \text{ дан катта, чунки юриткичнинг ўзида ва узатмада маълум миқдорда кувват йўқотилади:}$

$$N_{\text{э}} = \frac{N_e}{\eta_{\text{э}} \eta_{\text{у}}}$$

бу ерда  $\eta_{\text{э}}$  ва  $\eta_{\text{у}}$  – электр юриткич ва узатманинг фойдали иш коэффициентлари.

Юриткич керакли куввати  $N_{\text{э}}$  одатда 10...15% заҳира билан қабул қилинади, яъни

$$N_{\text{э}} = (1,1 - 1,15) N_{\text{он}}$$

Адиабатик фойдали иш коэффициентнинг  $\eta_{\text{ад}}$  қиймати бирга яқин бўлиб, 0,93...0,97 га тенгdir. Изотермик фойдали иш коэффициенти  $\eta_{\text{из}}$  сиқилиш даражасига қараб, 0,64...0,78 қиймат оралиғида бўлади. Механик фойдали иш коэффициенти  $\eta_{\text{мех}}$  кўпинча 0,85...0,95 оралиқдаги қийматга тенг.

Вентилятор ўқидаги  $N_e$  кувватни:

$$N_e = \rho Q H g / \eta_a \quad (2.114)$$

тенгламадан аниқланади.

Бу ерда  $\eta_a$  – вентилятор фойдали иш коэффициенти бўлиб, узатиш коэффициенти  $\eta_a$  ва механик фойдали иш коэффициенти  $\eta_{\text{мех}}$  ларнинг кўпайтмаси орқали аниқланади.

## 2.28. Поршенли компрессорлар

Поршенли компрессорлар сиқиш босқичи сонига қараб бир, икки ва кўп босқичли, ишлаш принципи бўйича эса, оддий (бир томонлама) ва икки томонлама ҳаракатли компрессорларга бўлинади. Компрессор машинасининг тузилиши худди поршени насоснинг тузилишига ўхшаш. Компрессор машинасининг газни бирор оралиқ ёки охирги босимгача сиқувчи қисмига сиқиш босқичи дейилади.

Поршен цилиндрда ўнгга ва чапга кривошип-шатун механизми ёрдамида илгарилама - қайтар ҳаракат қиласи. Компрессорларда поршен цилиндр деворига зич қилиб ўрнатилади ва уни икки қисмга бўлиб туради. Поршен чагдан унга илгарилама ҳаракат қилганда, сўриш клапани очилади ва цилиндр газга тўлади. Поршен орқага қайтганда эса, цилиндрдаги газнинг сиқилиши натижасида босим ортади ва ҳайдаш қувурига узатилади. Маълумки, газ сиқилганда унинг температураси ортади.


Оддий поршенли компрессорларда поршеннинг бир марта тўлиқ, бориб-келишида бир марта сўриш ва узатиш бўлади. Икки томонлама поршенли компрессорларда иккита сўриш ва иккита узатиш бўлади (2.51-расм).

Бир босқичли компрессорлар горизонтал ва вертикал ҳолда тайёрланади. Горизонтал компрессорлар икки томонлама, вертикаллари эса - бир томонлама бўлади.

Бир босқичли, бир томонлама горизонтал компрессорда (2.51а-расм) поршен 2 цилиндр 1 да ҳаракатланади. Цилиндр бир томонидан сўриш 3 ва узатиш 4 клапанлари ўрнатилган қопқоқ билан ёпилган. Поршен шатун 5 ва кривошип 6 билан бевосита уланган.

Ўқда эса, кривошипдан ташқари маҳовик 8 ўрнатилган. Поршен чагдан ўнгга ҳаракатланганда, цилиндр ичиди, яъни қопқоқ билан поршен орасида,

сийракланиш ҳосил бўлади. Сўриш линиясида босимлар фарқи ҳосил бўлгандан сўнг, цилиндрда клапан 3 очилади ва цилиндрга газ киради. Поршен ўнгта қараб ҳаракат қўлганда эса, сўриш клапани ёпилади, цилиндр ичи-даги газ поршен ёрдамида, маълум босим  $p_2$  гача сиқилади ва клапан 4 очил-гандан сўнг газ узатиш қувурига берилади. Бундан сўнг цикл яна қайтарилади.



**2.51-расм. Оддий поршенили компрессор:**

а-бир цилиндрли, бир томонлама ҳаракатланувчи; б-бир цилиндрли, икки томонлама ҳаракатланувчи; в-икки цилиндрли, бир томонлама ҳаракатланувчи.  
 1-цилиндр; 2-поршен; 3-сўриш клапани; 4-ҳайдаш клапани; 5-шатун; 6-кривошип; 7-маховик; 8-крайцкопф.

Бир босқичли икки томонламали компрессорда (2.51б-расм) иккита сўриш ва иккита узатиш клапанлари бор. Бу компрессорларнинг тузилиши мураккаб, лекин унумдорлиги оддий компрессорга нисбатан икки марта кўп.

Сиқилган газни совитиш учун цилиндр, баъзида эса қопқоқда ҳам сув учун филоф қилинади.


Юқорида кўриб чиқилган компрессорларнинг унумдорлигини ошириш учун улар кўп цилиндрли қилиб тайёрланади. 2.51в-расмда икки цилиндрли компрессор кўрсатилган. Бир томонлама, икки цилиндрли компрессор бир-бирига нисбатан  $90^\circ$  ёки  $180^\circ$  да жойлашган иккита цилиндр, бигта тирсакли ўқ ва кривошип узаткичдан иборат.

Бир босқичли вертикал компрессорлар, горизонтал машиналарга нисбатан тез юрар ва унумдорлиги кўпроқ бўлади. Ундан ташқари, улар кам жой эгаллайди, поршен ва цилиндрлари эса кам едирилади(горизонтал компрессорларда оғирлик кучи таъсирида поршен ва цилиндрнинг бир томони кўпроқ едирилади).

Икки босқичли горизонтал компрессорлар одатда бир цилиндрли дифференциал поршенили қилиб тайёрланади (2.52в-расм). Аввал газ поршен 2 нинг чал томонида цилиндр 1 да сиқилади, сўнг совуткич 9 орқали цилиндрнинг бошқа томонидан киради ва керакли  $p_2$  босимгача сиқилади.

Кўп босқичли компрессорлар «тандем» системаси (цилиндрлар кетмакет жойлашган, 2.52а-расм) ёки «компаунд» системаси (цилиндрлар параллел жойлашган 2.52б-расм) бўйича тайёрланади. Сўнгти пайтда «оппозит» компрессорлар кенг тарқалган бўлиб, бунда поршен ҳаракат йўналиши ўзаро ке-

сишган бўлади. Бу компрессорларда цилиндрлар тирсакли вални иккала томонида жойлашган бўлиб, оппозит компрессорларда вал айланиш тезлигини 2-2,5 мартағача ортириш мумкин. Бу машина унумдорлигини оширади. Поршенли компрессорларда газни узлуксиз узатиш учун, уни мой ва намлиқдан тозалаш зарур, сўнг эса истеъмолчига узатиш ресивер орқали амалга оширилади.




**2.52-расм. Икки босқичли поршенли компрессор:**

а-«стандем»; б-«компаунд»; в-дифференциал поршенли; г- $V$ -симон цилиндрли.  
1-цилиндр; 2-поршен; 3-сўриш клапани; 4-ҳайдаш клапани; 5-крейцкопф; 6-шатун; 7-кривошип; 8-маховик; 9-совуткич.

(2.53-расм) назарий сиқишдан анча фарқ қиласи. Поршеннинг орасида доимо бўш ҳажм ҳосил бўлади. Бу бўшлиқда узатиш ва сиқишдан жараёнидан сўнг поршен орқага қайтганда, газ кенгаяди ва сўриш клапани очилади, яъни поршен маълум бир оралиқда *a* нуқтагача бекор ҳаракатланади. Бунинг оқибатида компрессор унумдорлиги пасаяди, «зарарли бўшлиқ» цилиндрнинг иш ҳажмига нисбатан улушларда олинади:  $\varepsilon \cdot V$  (бу ерда  $\varepsilon$ -зарарли бўшлиқ ҳажмининг поршен ҳаракати туфайли

**Индикатор диаграмма.** Поршенли насосларни текшириш учун индикатор диаграммаси олинади. Бунда компрессорнинг тирсакли ўқи бир марта айланганда, босим ва узатилган газ ҳажми орасидаги боғлиқлик курилади. 2.53-расмда бир томонлама, бир босқичли компрессорнинг назарий  $p$ - $V$  диаграммаси кўрсатилган. Назарий компрессорда диаграммадаги *b* ва *d* нуқталарга мос келадиган ҳолатларда цилиндр қопқогига яқин келади ва газни сўриш жараёни узатиш тамом бўлиши билан бошланади. Диаграммада сўриш жараёни *ab*, сиқиши *bc* ва узатиш *cd* чизиқлар билан тасвирланади.

Ҳақиқий компрессорда сиқиши жараёни Цилиндр қопқоги ва порва у «зарарли бўшлиқ» деб номланади.



**2.53-расм. Индикатор диаграммалари.**  
а-назарий; б-ишчи.

ҳосил бўлган фойдали ҳажмга нисбати тенг) одатда, «зараарли ёки фойдасиз бўшлиқ» цилиндр ҳажмининг 3...5% ни ташқил этади.

2.53-расмда *«с»* ва *«с»* сиқиш чизиклари мос равищда изотермик ва адиабатик жараёнларни характерлайди. Ушбу диаграммадаги юзалар сиқиш жараёнида бажарилган ишни англатади, яъни изотермик сиқишида бажарилган иш энг кичик бўлса, адиабатикда энг катта қийматга эга бўлади.

Реал шароитда сиқиш жараёни (*«с»* чизик) политроп жараёнда амалга ошади. Бунда, ажраб чиқаётган иссиқликнинг бир қисмигина атроф муҳитга тарқалади.

**Компрессор унумдорлиги.** Поршенning бир марта босиб ўтган йўлида сўрилган газ ҳажми  $V_{cyp}$  «зараарли бўшлиқ» таъсири туфайли  $V_\phi$  ҳажмга нисбатан кичик бўлади ва компрессорнинг унумдорлигини пасайтиради. Бу унумдорликнинг пасайиши компрессорнинг ҳажмий фойдали иш коэффициенти  $\lambda_0$  билан ҳисобага олинади ва қўйидагича аниқланади:

$$\lambda_0 = \frac{V_{cyp}}{V_n} = \frac{V_{cyp}}{Q_H} \quad (2.115)$$

бу ерда  $Q_H$  – компрессорнинг назарий унумдорлиги, вакт бирлиги ичидаги поршен ҳаракати туфайли ҳосил бўлган  $V_\phi$  ҳажмга тенг.

Цилиндрнинг тўлиқ ҳажми  $V_0 = V_\phi + \varepsilon V_\phi$  дан, сўриб олинган газ ҳажми  $V_{cyp} = \lambda V_\phi$  айирмасини фойдали ҳажмга нисбатини  $x$  билан белгиласак:

$$x = \frac{(V_0 - V_{cyp})}{V_{op}} = \frac{(V_\phi + \varepsilon V_\phi - \lambda V_\phi)}{V_\phi} = 1 - \varepsilon - \lambda$$

унда:

$$\lambda_0 = 1 + \varepsilon - x \quad (2.116)$$

«Зараарли бўшлиқ»да газнинг кенгайиши политропик деб ҳисобласак, тенгламани қўйидагича ёзиш мумкин:

$$p_2 (\varepsilon \cdot V_\phi)^n = p_1 (V_0 - V_{cyp})^n = p_1 (x \cdot V_\phi)^n$$

бу ерда  $x = V_0/V_{cyp}$   $p_2$  дан ва  $p_1$  га ўзгарганда газнинг зарарли ёки фойдасиз бўшлиқда эгаллаган ҳажми.

Бундан

$$x = \varepsilon \left( \frac{p_2}{p_1} \right)^{\frac{1}{n}}$$

Ушбу ифодани (2.116) га қўйиб, қўйидагини ҳосил қиласиз:

$$\lambda_0 = 1 - \varepsilon \left[ \left( \frac{p_2}{p_1} \right)^{\frac{1}{n}} - 1 \right] \quad (2.117)$$

(2.117) ифодадан күриниб турибдикى,  $\lambda_0$  нинг қиймати  $\varepsilon$  га, сиқиши даражаси  $p_2/p_1$  га ва политропа күрсаткичи  $m$  га, газ хоссаси ва компрессор конструкциясыга боғлиқ экан.

Сиқиши күрсаткычыны ортиши ҳажмий коэффициент  $\lambda_0$  нинг қийматы камаяди ва нөлгө тенг бўлиб қолини ҳам мумкин. Сиқиши курсаткичи  $\lambda_0 = 0$  бўлганда, сиқиши даражаси одатда сиқиши чегараси дейиллади. Бу ҳолда газ, зарарли бўшлиқда кенгайди ва бутун цилиндрни тўлдириб, сўриш жараёнини тўхтатади ва компрессор унумдорлиги ноль бўлиб қолади.

Компрессорнинг унумдорлиги нафақат (2.117) тенгламадан аниқланадиган  $\lambda_0$  га кирадиган параметр қийматларига боғлиқ, балки клапан яхши жойлашмаса, газнинг чиқиб кетиши оқибатида унумдорлик пасаяди, ҳамда сўриласттган газ цилиндр деворига урилиб қизиши оқибатида ҳажми ортса, сўриладиган газ миқдори камаяди. Шунинг учун, компрессор унумдорлигини ҳисоблашда узатиш коэффициенти киритилади. Узатиш коэффициенти  $\lambda_U$  компрессордаги барча йўқотилишларни ҳисобга олади.

Узатиш коэффициенти  $\lambda_V$  ҳажмий коэффициент  $\lambda_\theta$  билан, турли тиркىшлардан газни чиқиб кетиши билан бирга исиб кетишини ҳисобга олуvsчи коэффициент  $\lambda_I$  нинг күпайтмасидан ташкил топган, яъни  $\lambda_V = \lambda_\theta \cdot \lambda_I$ . Узатиш коэффициенти  $\lambda_V$  ни куйидаги формуладан ҳам ҳисоблаб топиш мумкин:

$$\lambda_v = \lambda_0 \begin{pmatrix} 1,01 & 1,02 & \frac{p_2}{p_1} \end{pmatrix} \quad (2.118)$$

Бунда ҳақиқий унумдюрлик *Q* штокнинг кўндаланг кесим юзасини ҳисобга олмагандага қўйидагича аниқланади:

$$Q = \lambda_v \cdot zF \cdot S \cdot n \quad (2.119)$$


бу ерда  $z$  - поршеннинг бир марта юрганидаги сўриб олиш сони (бир томонлама компрессорларда  $z = 1$ );  $F$ -поршен қўндаланг кесим юзаси;  $S$  - поршен йўли;  $n$  - бир секундда компрессор ўқининг айланышлар сони.

Агар, газ босимини 0,5...0,7 МПа дан юқори қийматтагача сиқиши зарур бўлса, кўп босқичли компрессорлар кўлланилади.

Бұңдай компрессорлар газ температурасини жуда күп күтаришига йүл қўймайди ва компрессорнинг иш самара дорлигини оширади. Мисол учун, икки босқичли компрессорда бир хил қўйматта эришиш учун кам микдорда энергия сарфланади.

Бүх ҳолатни (2.54-расмда) кирилганд  $p$ - $V$  назарий диаграммада күриб чиқамиз.

Иккى босқычли компрессорнинг бирийчи босқычидаги  $p_0$  босимдан  $p_1$  гача ***AB*** оралиқда адиабатик сиқилади, ***BC*** чизиқ оралигига эса, газнинг дастлабки температурасынан гача иссиқлик алмашиниш қурилмасыда совутылади (***ACE*** изотерма чизиги). Иккинчи



**2.54-расм.** Компрессорда газни күп босқычли сиқиши жараёни-  
нинг  $p$ - $V$  назарий диаг-  
раммаси.

босқичда газ **СД** адиабатик чизиги бүйича охирги  $p_2$  босимгача сиқилади. Шунинг учун оралиқ совуткичли, икки босқылғы газни сиқиши бир босқичли компрессорда сиқиши жараёнини ифодаловчи **ABF** адиабатага нисбатан изотермага яқын бұлади (**ABCД** силлиқ чизик бүйлаб боради). Штрихланган **BCDF** юза икки босқичли сиқишини бир босқичлигига нисбатан бажарилған ишдеги ютуғини күрсатади. Юқорида айттылған маңымотлар тақдилди шуны күрсатады, босқичлар сони ортиши билан сиқиши жараённи изотермик жараёнга яқынлашади. Лекин, компрессорда босқылғылар сони ортса, конструкцияси мұраккаблашади. Шунинг учун компрессорда босқичлар сони 6...7 тадан ортмайды.

Компрессорнинг ҳамма босқичларда сиқиши күрсаткичи бир хил бўлиши, мақсадга мувофиқ. Агар, машина  $m$  сиқиши босқичли бўлганда

$$c = \left( \frac{p_k}{p_1} \right)^{\frac{1}{m}} \quad (2.120)$$

Кўп босқичли компрессорларнинг унумдорлиги биринчи босқичдаги сўрилган газ бўйича (2.119) ифодадан аниқланади.

Босқичлар орасида босимларнинг йўқотилиши ҳар босқич назарий сиқиши күрсаткичидан бир оз каттароқ бўлиши керак ва уни қўйидагича ҳисоблаш мумкин:

$$c = \psi \left( \frac{p_k}{p_1} \right)^{\frac{1}{m}} \quad (2.121)$$

бу ерда  $\psi = 1,1\dots 1,5$  босқичлар орасида босим йўқотилишини ҳисобга олувчи коэффициент;  $p_k$  - охирги босим.


Поршенили компрессорларнинг баъзи камчиликлари: катта жой эгаллайди, секин ҳаракат қиласи, оғир, кўп метал сарфлайди ва ҳоказо.

Маълумки кичик унумдорлик ва юқори босимли марказдан қочма компрессорлар тайёрлаш маълум қийинчиликлар билан боғлиқ. Шунинг учун 0,5 МПа босимдан юқори ва 3000...6000 м<sup>3</sup>/соат унумдорликка эришиш учун вертикал поршенили машиналардан фойдаланылади. Улар ихчам, тез юрар ва фойдалы иш коэффициенти юқори бўлади.

## 2. 29. Роторли компрессорлар

2.55-расмда пластина-шибер типидаги роторли компрессорлар күрсатилган. Оғир ротор 2 нинг айланишида, кўндаланг ариқларда жойлашган пластина 3 лар эркин ҳаракат қилишади. Ротор 2 нинг ариқчаларида радиал йўналишда осон сирпанадиган пластиналар бўлиб, улар ротор билан қобиқ орасидаги ўроқсимон бўшлиқни бир неча қисмга, яъни ячейкага бўлиб туради. Пластиналар айланиши натижасида улар орасидаги бўшлиққа газ патрубка 5 дан сўриб олинади. Пластиналар орасидаги ҳажм камайиши билан газнинг босими ортади ва у узатиш трубаси 6 орқали ҳайдаш қувурига узатилади. Роторли компрессор вали бевосита электр юриткич билан уланиши мумкин. Бундай ҳолларда компрессор ихчам ва енгил бўллади.

**Сув ҳалқали роторли компрессорлар** (2.56-расм). Статор 1 га эксцентрик ҳолатда узунлиги бир хил ротор 2 жойлаштирилган. Ишга туширишдан авал компрессорнинг ярми сув билан тўлдирилади.




**2.55-расм. Пластина типидаги роторли компрессор.**

1-қобиқ (статор); 2-ротор;  
3-пластиналар; 4-ариқчалар;  
5-сүриш патрубкаси; 6-хайдаш патрубкаси.

**А,Б,В,Г,Д** ишчи камераларнинг ҳажми ўзгартирилади. Ротор компрессорда ҳосил қилинадиган босим катта бўлмагани учун, ундан газодувка ёки вакуум – насос сифатида фойдаланиш мумкин.


**Икки парракли ротор компрессорлар (газодувкалар).** Қобиқ 1 да иккита параллел валларда иккита ротор 2 айланади (2.57-расм). Уларнинг бири электр юриткич ёрдамида айлантирилса, иккинчиси тишли узатма ёрдамида айланади. Ротор 2 лар ўзаро, ҳамла қобиқ девори билан зич жойлашган бўлиб, камерани икки қисмга ажратиб туради. Биринчи камерага патрубок 3 орқали газ сўриб олинса, бошқасида эса патрубка 4 орқали сиқилган газ ҳайдаш қувурига узатилади.



**2.56-расм. Сув ҳалқали, роторли компрессор:**

1-статор; 2-ротор; 3-парраклар; 4-сувли ҳалқа; 5,6- сўриш ва ҳайдаш патрубкалари.

Ротор айланганда сув честга сочилиб, бир хил қалиниликдаги сувдан иборат бўлган ҳалқа 4 ҳосил бўлади. Ротор парраклари ва сув ҳалқалари орасида ячейкалар ҳосил бўлади. Ротор айланшигиниң биринчи ярмида ячейка кагталашса, иккинчи ярмидаги камаяди. Бунда патрубок 5 орқали газ сўрилса, сиқилган газ патрубок 6 орқали узатилади. Шундай қилиб, сув ҳалқалари компрессорда поршен вазифасини бажаради, чунки ушбу ҳалқа ёрдамида.



**2.57-расм. Ротацион компрессор (газодувка)**

1-қобиқ; 2-роторлар; 3,4-сўриш ва ҳайдаш патрубкалари.

Роторли компрессорлар босими 1,0 МПа ва унумдорлиги 5000...6000 м<sup>3</sup>/соатгача бўлганда қўлланади. Роторли компрессорларнинг камчилиги: тайёрлаш мураккаб, тез ишдан чиқади, ротор пластиналари жуда тез едирилади, ишлаганда кўп шовқин тарқатади ва эксплуатацияси қиммат.


### 2.30. Марказдан қочма типидаги компрессорлар

**Динамик компрессорлар.** Бу турдаги машиналарга асосан марказдан қочма, ўқти ва оқимчали компрессорлар мисол бўлади.

Марказдан қочма компрессорлар шу турдаги насослар каби ишилш прнципи бир хил. Уларга вентилятор, турбогазодувка ва турбокомпрессорлар киради.

**Марказдан қочма вентиляторлар** шартли равища кичик ( $p < 10^3$  Па), ўрта босимли ( $p = 10^3 \dots 3 \cdot 10^3$  Па) ва юқори босимли ( $p = 3 \cdot 10^3 \dots 10^4$  Па) вентиляторга бўлинади.

Кичик босимли вентиляторнинг спирал кўринишидаги қобиги 1 да бир нечта куракчали ишчи фидираги 2 айланади (2.58-расм).



2.58- расм. Марказдан қочма вентилятор.

1-қобиг; 2-ишчи фидирак; 3-сўриш патрубкаси; 4-ҳайдаш патрубкаси.

Газ фидирак ўқи орқали патрубка 3 ёрдамида сўриб олинади ва узатиш патрубкаси 4 орқали ҳайдаш қувурига чиқариб беради. Ўрта ва юқори босимли вентиляторлар ишчи фидиракларининг эни нисбатан кенг бўлиб, куракчалари олдинга эгилган бўлади.

Марказдан қочма вентиляторлар характеристикаси насосларники билан бир хил бўлиб,  $Q$ ,  $H$ , ва  $N$  каби параметрлар айланишлар сони  $n$  га боғлиқ ва (2.122...2.124) тенгламалардан ҳисоблаб аниқланади. Вентиляторда ҳосил бўладиган босим  $H$  (2.125) ёки (2.80) тенгламалар ёрдамида аниқланади:

$$\frac{Q_1}{Q_2} = \frac{c'_2}{c''_2} = \frac{n_1}{n_2} \quad (2.122)$$

$$\frac{H_1}{H_2} \approx \left( \frac{n_1}{n_2} \right)^2 \quad (2.123)$$

$$\frac{N_1}{N_2} \approx \left( \frac{n_1}{n_2} \right)^3 \quad (2.124)$$

$$H = H + \frac{(p_2 - p_1)}{\rho \cdot g} + \frac{(w_{cyy}^2 - w_{y3}^2)}{2 \cdot g} + h_{uyk} \quad (2.125)$$

$$H = H_c + \frac{(p_2 - p_1)}{(\rho \cdot g)} + h_{uyk}$$


Вентилятор ўқидаги  $N_e$  қувватни:

$$N_e = \frac{\rho Q Hg}{\eta_a} \quad (2.126)$$

тенгламадан аниқланади.

Бу ерда  $\eta_e$  – вентилятор ф.и.к. бўлиб, у узатиш ф.и.к.  $\eta_v$ , гидравлик ф.и.к.  $\eta_g$  ва механик ф.и.к.  $\eta_{mech}$  ларнинг кўпайтмаси орқали топилади.

**Турбогазодувкалар.** Бир босқичли турбогазодувкалар (2.59-расм) юқори босимли вентиляторга ўхшаш бўлиб, газларни  $3 \cdot 10^4$  Па босимгача сиқади. Спирал кўринишидаги корпус 1 да фиддирак 2 айланади, фиддиракнинг куракчаларида ичкарига йўналтирувчи мосламаси 3 жойлашган ва унда газнинг кинетик энергияси босимнинг потенциал энергияга айлантирилади. Сиқилган газ турбогазодувкалар патрубкаси 5 орқали чиқади.



2.59-расм. Турбогазодувка схемаси.

- 1 - қобик; 2 - ишли фиддирак; 3 – йўналтирувчи мослама;
- 4 - сўриш патрубкаси; 5 - ҳайдаш патрубкаси.

Кўп босқичли турбогазодувкаларда битта ўқقا бир нечта куракчали фиддираклар (3-4 та) ўрнатилади. Бунда газ босқичлар орасида совутилмайди. Кўп босқичли турбогазодувкаларда фиддираклар диаметри ўзгармайди энига эса, биринчисидан охирига қараб, камайиб боради. Бу билан ҳар бир босқичда сиқиш даражаси ортиб боради. Ўқнинг айланислар сони ва куракчалар тузилиши ўзгартирилмайди. Турбогазодувкаларда сиқиш даражаси 3-3,5 дан ортмайди.

Турбокомпрессорлар тузилиши бўйича худди турбогазодувка конструкцияси каби, фақат улар юқори сиқиш даражасини таъминлайди. Ундан ташқари, уларда фиддираклар сони анча кўп бўлади. Фиддираклар диаметри ва эни биринчи фиддиракка нисбатан аста-секин камайиб боради. Кўп ҳолларда турбокомпрессор фиддираклари секцияланиб, 2 ёки 3 корпусга жойлаштирилади. Ҳар бир қобиқда фиддираклар диаметри турлича бўлса, лекин қобиқ ичидаги фиддираклар диаметри бир хил, эни эса ҳар хилдир. Одатда, бир қобиқдан иккинчисига ўтгаётган сиқилган газ маҳсус совукчиchlарда температураси пасайтирилади. Турбокомпрессорларда максимал эришиш мумкин бўлган босим  $2,5 \dots 3,0$  МПа.


### 2.31. Ўқли ва вингли компрессорлар

**Ўқли компрессорларнинг** қобиги қисқа цилиндрик патрубка 1 кўринишида тайёрланади (2.60-расм) ва унинг ичидаги ишли фиддирак (куракчали пропеллер кўринишида) 2 айланади.

Вентилятор ўқи бўйлаб тўғридан-тўғри ҳаво ҳаракат қиласди.


Шу сабабли ўқли вентиляторлар фойдали иш коэффициенти марказдан қочма вентиляторнидан анча юқори бўлади. Лекин, ўқли вентилятор ҳосил қиласдиган напор марказдан қочма вентилятор напоридан 3...4 марта паст.

Ўқли компрессор тузилиши бўйича кўп поғонали ўқли вентиляторларга ухшайди (2.61-расм). Одатда поғоналар сони 10...20 та бўлиши мумкин, лекин сиқилаётган газнинг температураси пасайтирилмайди.



**2.60- расм. Ўқли вентилятор.**

1 - қобиқ; 2 - ишчи фидирлак.





**2.61-расм. Ўқли компрессор.**

1- қобиқ; 2- ротор; 3- ишчи куракча; 4- кўзғалмас куракчалар.

Ишчи куракчали 3 цилиндрик ротор 2 қурилма қобиги 1 да айланади. Ишчи куракчалар қобигда маҳкамланган кўзғалмас куракчалар 4 орасида айланади. Ундан ташқари, кўзғалмас куракчалар сиқилаётган газни бир поғонадан иккинчисига йўналтирувчи мослама вазифасини ҳам бажаради. Куракчалар ва қобиқ орасидаги тирқиш жуда кичик (0,5 мм гача) бўлади.

Ўқли компрессорлар ихчам, юқори фойдали иш коэффициентига эга ва катта иш унумдорликни ( $50000\ldots80000 \text{ м}^3/\text{соат}$ ) таъминлаб беради. Лекин, ҳосил қиласдиган босими  $0,5\ldots0,6 \text{ МПа}$  дан ошмайди. Турбогазодувка ва турбокомпрессорлар жуда катта ҳажмда газлар узатилиши талаб этилганда қўллаш маҳсадга мувофиқ. Иш унумдорлиги  $3000\ldots6000 \text{ м}^3/\text{соат}$ , босими  $1\ldots1,2 \text{ МПа}$  (лекин  $3,0 \text{ МПа}$  дан ортмайди).



**2.62-расм. Винтли компрессор.**

1,2- роторлар; 3- қобиқ.

**Винтли компрессорлар** параллел ўқли иккита 1 ва 2 роторлардан таркиб топган бўлиб, қобиқ 3 ичидаги айланади (2.62-расм).

Ротор 1 бир нечта тишли (одатда 3-4 та) цилиндр кўринишида бўлиб, улар винтсимон чизик бўйлаб жойлашган. Ротор 2 да эса, винтсимон чизик бўйлаб ботиклик (чукурлик) ясалган ва шакли ротор 1 нинг тишлирага мос келади. Ротор 1 айланганда, винтсимон тишлилар ротор 2 ботиклигига илинганда икки ротор бўшлиғидаги газ сиқиб чиқарилади.

Икки погонали компрессорлар 0,8 МПа гача босим ҳосил қиласи; роторнинг айланыш тезлиги 10000 айл/мин. 0,2 МПа босим берувчи винтли компрессорлар фойдали иш коэффициенти бошқа турдаги машиналарнидан катта бўлади.

Винтли компрессорлар иҳчамлиги, тез юрарлиги ва узатилаётган газлар тозалиги билан ажralиб турадилар.

Камчиликлари: винтли роторларни тайёрлаш мураккаб ва компрессор ишлаш пайтида ортиқча шовқин чиқаради.

### 2.32. Вакуум-насослар

Вакуум-насосларни компрессорлардан конструктив фарқини белгиловчи кўрсаткичи, бу улардаги сиқиши даражасининг юқорилигидир.

Масалан, вакуум-насос газ (ҳаво)ни 0,05 атмосфера босимида сўриб олса (сийракланиш 95%) ва уни насосдан чиқишида 1,1 ат гача сиқади (ортиқча босим 0,1 ат га тенг бўлиб, у турли қаршиликларни енгиз учун сарфланади). Бу ҳолда насоснинг сиқиши даражаси:

$$\frac{P_2}{P_1} = \frac{1,1}{0,05} = 22$$

га тенг бўлади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бир босқичли поршенли компрессорларда сиқиши даражаси 8 дан ошмайди.

Бундай юқори сиқиши даражаси билан вакуум-насоснинг ҳажмий коэффициенти ва унумдорлиги бирдан пасайиб кетади. Шунинг учун насоснинг ишчи ҳажмидан тўлиқ фойдаланиш учун ««зараарли бўшлиқ»» улушкини минимумга туширишга ҳаракат қилинади. Шу мақсадда вакуум-насоснинг кўпгина турларида, мисол учун, поршенли ва ротор-пластинали насосларда, босимни текислаш усули қўлланади ва бунда вакуум-насосларнинг узатиш коэффициентини  $\lambda_v = 0,8...0,9$  гача оширса бўлади.

**Поршенли вакуум-насослар.** Ушбу қурилма ҳўл ва қуруқ машиналарга бўлинади. Қуруқ вакуум-насос газни узатиш учун, ҳўл вакуум насослар эса, газ ва суюқликларни бир вақтнинг ўзида узатиш учун ишлатилади.

Қуруқ вакуум-насослар поршенли компрессорлардан конструктив тузилиш бўйича фарқ қиласи. Ушбу машиналарни ҳажмий коэффицентини ошириш учун маҳсус тақсимлаш механизми (золотник) билан таъминланган. Ушбу механизм ёрдамида заарарли бўшлиқ сиқиши жараёни охирида сўриш камераси билан уланади, бу вақтда босим сўриш босими  $p_1$  га тенг бўлади.  $p_2$  босимгача сиқилган газ «зараарли бўшлиқ»дан  $p_1$  босимли камерага ўтади. Шунинг учун заарарли бўшлиқда газ босими пасаяди ва вакуум-насос поршени қўзғалиши олдидан газ сўрилади. Табиийки, бу ҳол унумдорликнинг ошишига олиб келади.

Суюқлик вакуум-насосда маҳсус тақсимлаш механизми бўлмайди. Ортиқча миқдордаги суюқликни чиқариб ташлаш мақсадида узатиш ва сўриш клапанлари бироз катталаштирилган бўлади (клапандан чиқаётган суюқлик тезлиги, газнинг ҳаракат тезлигидан кичик бўлиши учун). Шунинг учун суюқлик вакуум-насосларда «зараарли бўшлиғи» кўпроқ бўлиб, қуруқ вакуум-насосларга нисбатан сийракланиш қиймати анча кичик бўлади.

Қуруқ поршенли вакуум-насослар учун электр юриткичлар сиқиши даражасининг максимал қийматига қараб танланади, яъни қолдиқ босим қиймати  $p_T = 0,33$  атм. (узатиш босими  $p_2 = 1$  атм бўлиши шарти бажарилса).

Суюқлик вакуум-насосларда газ ҳолатининг ўзгариш жараёни изотермик бўлади, чунки сўриш суюқлиги билан газ орасида интенсив иссиқлик алманинди. Бунга сабаб, суюқлик иссиқлик сигими, газниги нисбатан жуда каттагидир.

**Роторли пластиналари ва сув ҳалқали вакуум-насослар.** Бу турдаги насослар мос равишда компрессорларнинг айни ўзи. Роторли ва сув ҳалқали насосларда босимни ростлаш учун «зараарли бўшлиқ» билан энг кичик босимли камерани боғлаб турувчи маҳсус қанағ орқали газ ўтказилади. Шу йўл билан вакуум-насоснинг ҳажмий коэффициентини оширишга эришилади. Ишчи суюқлик парциал босими ва температураси қанча катта бўлса, сув ҳалқали вакуум-насос ҳосил қиласидан сийракланиши шунча кичик қийматга эга бўлади. Шунинг учун, одатда сув ҳалқали вакуум-насосга имкони борича паст температурали суюқлик қуийш керак.

**Оқимчали вакуум-насослар.** Бу вакуум-насослар ишлаш принципи бўйича суюқлик насосларига ўхшашибdir. Одатда, оқимчали вакуум-насосларда ишчи элткич сифатида сув буғидан фойдаланилади. Буғ оқимчали насослар, агресив муҳитларга бардош, легирланган ва маҳсус материаллардан тайёрланниб, кислота ва бошқа суюқликлар буғларини сўриб олиш учун ишлатилади.

Бир босқичли буғ оқимчали насосларда ҳосил қилинадиган сийракланиш абсолют босимнинг 90% дан ортмайди. Чуқурроқ вакуум ҳосил қилиш учун кўп босқичли буғ оқимчали, кетма-кет уланган вакуум-насослар кўлланилади. Босқичлар орасида ишлатилган буғларни конденсациялаш фойдаланилган буғларни сиқишиш керакмаслигини таъминлайди ва умумий энергия сарфини қамайтиради.

### 2.33. Компресорларни таққослаш ва танлаш

Халқ хўжалигининг ҳамма саноатларида поршенли ва марказдан қочма компрессор машиналарининг қўлланилиши жуда кенг тарқалган.

Турбокомпрессор ва турбогазодувкалар тузилишининг соддалиги, ихчамилиги ва газни бир меъёрда узатиши билан ажralиб туради. Уларнинг асосий афзалликлари: газ тоза, мой ва чангларсиз узатилади. Инерция кучларининг йўқлиги ва катта тезликда айланиши, турбокомпрессорларни кичик пойdevорларга маҳкамлаш имконини беради.

Турбокомпрессорлар ф.и.к. қиймати поршенли машиналарнига қараганда камроқ бўлади. Иш унумдорлиги  $6000 \text{ м}^3/\text{соат}$  ва ундан юқори бўлган турбокомпрессорлар иқтисодий жиҳатдан фойдали, чунки капитал ва хизмат кўрсатиш ҳаражатлари жуда кам. Шунинг учун турбокомпрессорларни катта микдордаги унумдорлик ( $10000\dots200000 \text{ м}^3/\text{соат}$ ) талаб этилган вақтда ва  $30 \text{ atm}$  гача босим керак бўлганда (ўртacha  $10\dots12 \text{ atm}$ ) қўллаш мақсадга мувоғиқ. Ҳозирги пайтда кўп босқичли турбокомпрессорлар газ босимини  $300 \text{ atm}$ .гача қўтариб бера олади. Ундан ташқари, узатиладиган газ тозалигига юқори талаблар қўйилганда, бу турдаги компрессорлар жуда қўл келади.

Газ сарфи  $10000 \text{ м}^3/\text{соатгача}$ , яъни кичик микдордаги сарфларда ва  $1000 \text{ atm}$  босим бўлганда поршенли компрессорлар қўлланилади.

Роторли ва винтли компрессорлар марказдан қочма насослар каби афзалликларга эга бўлиб, турбокомпрессорларга нисбатан ф.и.к. юқори, унумдорлиги  $6000 \text{ м}^3/\text{соатдан}$  паст бўлган сарфларда ва босими  $15 \text{ atm}$  дан юқори бўлмагандан ишлатилади. Роторли компрессорларнинг камчиликлари: кўрсатиладиган хизмат ва тайёрлаш муроққаб, ротор пластиналари тез едирилади ва ишчи камераларини зичлаш қийин.

Үқли компрессорлар ихчам ва фойдали иш коэффициенти юқори. Юқори миқдордаги унумдорлик ( $80000 \text{ м}^3/\text{соат}$ ) ва кичик босимлар (6 атм. га-ча) талаа этилганда ишлатилади.

Вакуум-насослар ҳосил қиласидиган сийракланиш қийматига қараб күлланилади.

Поршенли суюқлик вакуум-насосларнинг абсолют сийракланиши 80...85%ни ҳосил қиласиди. Бу машиналарнинг такомиллаштирилган конструкциялари 93...97% гача сийракланиш беради. Куруқ поршенли вакуум-насослар босим ростлагичи билан бўлса, сийракланиш қийматини 99,9% га етказиш мумкин. Ротор пластинали, босим ростлагичли вакуум насослар 98...99% ли сийракланишни таъминлаб берса, ростлагичсизлиги эса – 95...96% ни ташқил этади.

Ўртacha сийракланишни (90...95%) ҳосил қилиш, агресив ва портловчи газларни аралаштириш учун саноат корхоналарида сув ҳалқали вакуум-насослар кенг күлланилади. Марказдан қочма машиналар поршенлиларга нисбатан анча қулай ва кўп афзаликкларга эга, лекин фойдали иш коэффициенти жуда кичик. Сув ҳалқали вакуум-насос ҳосил қиласидиган сийракланиш қиймати, ишчи әлткич бўлған сув бугининг температурасига боғлиқ бўлған парциал босим билан чегараландади.

0,05...0,1 мм.сим.уст.дан катта бўлмаган қолдиқ босим олиш учун махсус конструкцияли ротор вакуум-насослардан фойдаланилади. Бундай икки босқичли машиналарнинг қолдиқ босими 0,005 мм.сим.уст.ни ташқил этади. Уч босқичли машиналарда эса – 0,001 мм сим уст.

95...99,8% ли сийракланишни кўп босқичли, буг оқимчали, вакуум-насосларда олиш мумкин. Бугдай қурилмалар оддийлиги ва айланувчан қисмлардан иборат бўлгани билан ажралиб туради ва улар кимёвий агресив газларни сўриб олишда кўп күлланилади. Буг оқимчали насос қурилмаларини узатмасиз, пойдеворсиз, исталган жойга ўрнатиш мумкин.

Буг оқимчали вакуум-насосларнинг камчиликлари: сув бугининг сарфи катта, сўрилаётган газнинг буг билан аралашма ҳосил қилишидир.


### 3 - боб. ГИДРОМЕХАНИК ЖАРАӘНЛАР

Гидромеханик жараәнларга қуйидагилар киради: суюқ ва газсімөн түрли жинсли системаларни гравитацион (чүктириш), марказдан қочма (центрифуга-лаш) ёки электр майдони күчлари таъсирида қаттық заррачалардан тозалаш; босимлар фарқы остида суюқлик ва газларни ғовак түсікілар орқали ўтказиб фильтрлаш; суюқлик мұхитларда аралаштириш; мавхум қайнаш ва бошқалар.

#### 3.1. Турли жинсли системалар класификацияси

Камида иккита ҳар хил фазалардан (суюқлик - қаттық жисм, суюқлик - газ ва ҳ.) таркиб топған аралашмалар *турли жинсли системалар* деб номланади. Заррачалари ўта майин яңчилған ҳолатдаги фаза *дисперс* ёки *ички фаза* деб аталади. Дисперс фаза заррачаларини ўраб олған мұхит эса - *дисперсион* ёки *ташқы фаза* деб аталади.

Фазаларнинг физик ҳолатига қараб турли жинсли системалар қуйидаги гурухларга бўлинади: суспензия, эмульсия, кўпик, чанг, тутун ва туманлар (3.1-расм).



3.1-расм. Турли жинсли системалар класификацияси.

Суюқлик ва қаттық заррачалардан ташкил топған турли жинсли система *суспензия* деб аталади. Қаттық заррачалар ўлчамига қараб суспензиялар шартли равишда қуйидаги турларга бўлинади: дағал ( $>100$  мкм); майин (0,5...100 мкм); лойқа (0,1...0,5 мкм) суспензиялар ва коллоид эритмалар ( $\leq 0,1$  мкм).

Бири иккинчисида эримайдиган, дисперс ва дисперсион фазалардан ташкил топған аралашма системаси *эмульсия* деб номланади. Дисперс фаза заррачаларининг ўлчами кенг оралиқда ўзгариши мумкин. Одатда, эмульсия оғирлик кучи таъсирида қатламларга ажралади. Лекин, дисперс фаза томчилари 0,4...0,5 мкм дан кичик бўлса ёки стабилизаторлар қўшилган ҳолларда эмульсиялар турғун бўлади ва узоқ муддат давомида қатламларга ажралмайди. Дисперс фаза концентрацияси ортиши билан дисперс фаза дисперсион фазага ўтиши ва тескариси бўлиши мумкин. Бундай ўзаро алмашиниш ҳодисаси фазалар *инверсияси* дейилади.

Суюқлик ва унда тақсимланган газ гуфакчаларидан ташкил топған системалар *кўпиклар* деб аталади. Кўпиклар ўз хоссалари бўйича эмульсияларга яқин.

Газ ва унда тақсимланган 0,3...5 мкм ўлчамли қаттиқ заррачалардан ташкил топган системалар **тутунлар** деб номланади. Тутунлар бүг (ёки газ) ларнинг суюқ ёки қаттиқ ҳолатта конденсацияланиш жараёни орқали ўтишда ҳосил бўлади. Ундан ташқари, қаттиқ ёқилғилар ёниши натижасида ҳам пайдо бўлади.

Газ ва унда тақсимланган 3...70 мкм ўлчамли қаттиқ заррачалардан ташкил топган системалар **чанглар** деб аталади.

Кўпинча чанглар қаттиқ материални майдалаш, аралаштириш ва маълум масофага узатиш пайтида ҳосил бўлади.

Дисперсион газ ва ўлчами 0,3...5 мкм бўлган дисперс суюқлик фазалардан ташкил топган системаларга **туманлар** дейилади. Туманлар сув буғини совитиш жараёнида, буғнинг конденсацияланиши натижасида ҳосил бўлади.

Тутун, чанг ва туманлар - **аэрозоллар** деб юритилади.

### 3.2. Ажратиш усуллари

Кимё ва озиқ-овқат саноатларида турли жинсли системаларни ташкил этувчи фазаларга ажратишга тўғри келади. Масалан, вино ишлаб чиқаришда уни тиндириш, яъни муаллақ ҳолатдаги заррачаларни, суюқ фазадан ажратиш. Ажратиш усулларини танлашда дисперс фаза ўлчамига, фазалар зичликлари фарқига ва дисперсион фаза қовушоқлигига аҳамият бериш зарур. Турли жинсли системаларни ажратиш учун қуйидаги усуллар қўлланилади: а) чўктириш; б) фильтрлаш; в) центрифугалаш; г) суюқлик ёрдамида ажратиш.

Оғирлик кучи, инерция (жумладан, марказдан қочма) ёки электростатик кучлар ёрдамида турли жинсли системалар таркибидаги қаттиқ ёки суюқлик заррачаларини ажратиш жараёни чўктириш деб номланади. Агар, жараён фақат оғирлик кучи таъсирида олиб борилса **тиндириш** деб юритилади. Тиндириш одатда турли жинсли системаларни дастлабки ажратиш учун ишлатилади.

**Фильтрлаш** - турли жинсли системаларни ғоваксимон тўсиқ фильтр ёрдамида ажратиш жараёнидир. Бунда, ғоваксимон тўсиқ суюқлик ёки газни ўтказиб юборади, аммо муҳитдаги қаттиқ заррачаларни ушлаб қолади. Суспензия, эмульсия ва чангларни ажратиш учун чўктириш жараёнига қарагандা фильтрлаш анча самарали.

**Центрифугалаш** суспензия ва эмульсияларни марказдан қочма куч таъсирида ажратиш жараёнидир. Бу жараёнда яхлит ёки ғоваксимон тўсиқлар ҳам ишлатилади. Центрифугалаш жараёнида чўкма ва суюқ фаза (фугат) ҳосил бўлади.

**Суюқлик ёрдамида ажратиш** усули деб - газ таркибидаги қаттиқ заррачаларни бирорта суюқлик иштироқида ушлаб қолиш жараёнига айтилади. Бу жараён оғирлик ёки инерция кучлари таъсирида олиб борилади ва газларни тозалаш учун ишлатилади. Баъзан, бу усулдан суспензияларни ажратишда ҳам фойдаланиш мумкин.

### 3.3. Ажратиш жараёнининг моддий баланси

Дисперс фаза **a** ва дисперсион фаза **b** лардан ташкил топган турли жинсли система ажратилиши керак. Қуйидаги белгилашларни киритамиз:

$G_{ap}$   $G_{cu}$   $G_{mc}$  – бошлангич аралашма, чўкма ва тозаланган суюқлик массалари, кг;

$x_{ap}$   $x_{cu}$   $x_{mc}$  – бошлангич аралашма, чўкма ва тозаланган суюқликлар таркибида **b** модда концентрацияси, %.

Агар ажратиш жараёнида масса йўқотилиши бўлмаса, моддий баланс тенгламасини ушбу кўринишда ёзиш мумкин:

моддаларнинг умумий миқдори бўйича

$$G_{ap} = G_{mc} + G_{uyk} \quad (3.1)$$

дисперс фаза (*b* модда) бўйича

$$G_{ap}x_{ap} = G_{mc}x_{mc} + G_{uyk}x_{uyk} \quad (3.2)$$

(3.1) ва (3.2) тенгламаларни биргаликда ечсак, тозаланган суюқлик миқдорини топамиш:

$$G_{mc} = G_{ap} \frac{x_{uyk} - x_{ap}}{x_{uyk} - x_{mc}} \quad (3.3)$$

ва чўкма миқдорини:

$$G_{uyk} = G_{ap} \frac{x_{ap} - x_{mc}}{x_{uyk} - x_{mc}} \quad (3.4)$$

Ажратиш жараёнининг самарадорлиги ажратиш жадаллиги билан ҳарактерланади:

$$\Theta_{ajpr} = \frac{G_{ap} \cdot x_{ap} - G_{mc} \cdot x_{mc}}{G_{ap} \cdot x_{ap}} \quad (3.5)$$

(3.3) ва (3.4) тенгламалар ёрдамида аралаштириш жараёнини ҳам ифодаласа бўлади. Ундан ташқари, (3.3) тенгламадан аралашма таркибидаги дисперс фаза концентрациясини ҳам топиш мумкин:

$$x_{ap} = \frac{G_{mc}x_{mc} + G_{uyk} \cdot x_{uyk}}{G_{ap}} \quad (3.6)$$

## ТИНДИРИШ ВА ЧЎКТИРИШ

### 3.4. Оғирлик кучи таъсирида чўктириш

Чўкиш жараёнида қаттиқ жисм турли кучлар таъсирида суюқликда ҳаракат қиласди. Оғирлик кучи таъсирида унинг суюқликдаги ҳаракатини кўриб чиқамиз. Бунда, қаттиқ заррачага оғирлик кучи *G*, кўтарувчи (Архимед) куч *A* ва ишқаланиш кучлари *T* таъсир этади (3.2-расм).


Ихтиёрий шаклдаги заррачани кўриб чиқамиз. Унинг ҳажми чизиқли ўлчамининг учинчи даражасига тўғри пропорционалдир.

$$V = \phi_1 l^3 \quad (3.7)$$

бу ерда *l* - заррача габарит ўлчами, диаметри;  $\phi_1$  – шаклга боғлиқ коэффициент.

Агар, заррача зичлиги  $\rho_z$ , суюқликники  $\rho_c$  бўлса, унда заррачага оғирлик кучи *G* ва кўтарувчи куч *A* лар таъсир этмоқда. Бу иккала куч қарама-қарши йўналган бўлади.

$$G = \varphi_1 l^3 \rho_3 g, \quad A = \varphi_1 l^3 \rho_c g \quad (3.8)$$



**3.2-расм.** Оғирлик кучи  $G$  таъсирида заррача чўкининг дифференциал тенгламасини келтириб чиқаришга оид.

қаршилик кучи қўйидагига тенг:

$$R = \varphi_2 l^3 \mu \frac{\partial w}{\partial n} \quad (3.9)$$

Механиканинг иккинчи қонунига биноан, оғирлик, кўтарувчи ва ишқаланиш кучларининг тенг таъсир этувчи, заррача массасининг эркин тушиб тезланишига кўпайтмасига тенг. Демак:

$$\varphi_1 l^3 (\rho_3 - \rho_c) g - \varphi_2 l^3 \mu \frac{\partial w}{\partial n} = \varphi_1 l^3 \rho_3 \frac{dw}{d\tau} \quad (3.10)$$

(3.10) тенглик оғирлик кучи таъсирида чўкаётган заррачанинг дифференциал тенгламиаси деб номланади.

Ўхшашлик назарияси услубларини қўллаб, (3.10) дан оғирлик кучи таъсирида заррачанинг чўкиш жараёнини ифодаловчи ўхшашлик тенгламаларини олиш мумкин.

Бунинг учун (3.10) тенгламани  $\varphi_1 l^3 \rho_c \frac{dw}{d\tau}$  бўлиб:

$$g \frac{d\tau}{dw} \frac{\rho_3 - \rho_c}{\rho_3} \cdot \frac{\rho_3}{\rho_{\infty}} - \frac{c_2 \mu \partial w d\tau}{c_1 \rho_3 l \partial n \partial w} \cdot \frac{\rho_3}{\rho_c} - \frac{\rho_3}{\rho_c} = 0 \quad (3.11)$$

Олинган натижани  $\rho_w / \rho_c$  кўпайтириб ва тегишли қисқартиришларни амалга оширасак, қўйидаги кўринишга эга бўламиз:

$$\frac{\varphi_2}{\varphi_1} \cdot \frac{\mu \tau}{l \rho} = \frac{\varphi_2}{\varphi_1} \cdot \frac{\mu}{\rho w l} = \frac{\varphi_2}{\varphi_1} \cdot \frac{1}{Re} \quad (3.12)$$

$\varphi_2 / \varphi_1$  - нисбат заррача шаклига боғлиқ ва **шакл коэффициенти** деб номланади:

Ушбу кучларнинг фарқи таъсири остида заррача суюқликда ҳаракат қилади ва унинг ташқи юза бирлигига ишқаланиш кучи  $T$  таъсир этади.

Ишқаланиш кучи  $T$  Ньютон-Петров қонунига биноан аниқланади:

$$T = \mu \frac{\partial w}{\partial n}$$

бу ерда  $\mu$  - динамик қовушоқлик коэффициенти;  $\partial w / \partial n$  - тезлик градиенти.

Бутун заррачага таъсир этувчи муҳитнинг қаршилик кучи унинг юзасига боғлиқ Демак, муҳитнинг

$$f = \frac{\varphi_2}{\varphi_1} \quad (3.13)$$

ўлчамсиз комплекс эса:

$$\frac{\mu}{\rho wl} = \frac{1}{Re} \quad \text{ёки} \quad Re = \frac{wl\rho}{\mu} = \frac{wl}{v}$$

**Рейнолдс** сони дейилади. Бу сон суюқлик оқимлари ҳаракатининг гидродинамик ўхшашлигини характерлайди, заррачанинг чўкиш жараённида эса – суюқликнинг заррача атрофидан оқиб ўтиш гидродинамик ўхшашлигини ифодалайди.

Худди шу йўл билан (3.11) нинг биринчи айрилувчисидан қўйидаги кўринишга келамиз:

$$\frac{g\tau}{w} \cdot \frac{\rho_3 - \rho_c}{\rho_c} = \frac{gl}{w^2} \cdot \frac{\rho_3 - \rho_c}{\rho_c} \quad (3.14)$$

(3.14) тенгламани  $Re^2$  га кўпайтирасак, **Архимед** критерийсини оламиз:

$$Ar = \frac{w^2 l^2}{v^2} \frac{gl}{w^2} \cdot \frac{\rho_3 - \rho_c}{\rho_c} = \frac{gl^3}{v^2} \frac{\rho_3 - \rho_c}{\rho_c} \quad (3.15)$$

Ушбу критерий оғирлик ва кўтарувчи кучлар фарқининг кўтарувчи кучга нисбатини характерлайди.

Шундай қилиб, ўхшашлик назарияси услубларини қўллаб, (3.10) тенгламадан заррачаларнинг чўкиш жараёнини ифодаловчи ўхшашлик тенгламасини келтириб чиқариш мумкин:

$$Re = a(fAr)^n \quad (3.16)$$

Чўкиш жараёнини тажрибавий ўрганиш натижасида қўйидаги режимлар аниқланган: ламинар ( $Re \leq 0,2$ ), ўтиш ( $0,2 < Re < 50$ ) ва турбулент ( $Re < 500$ ). Амалий ҳисоблар учун қўйидаги формуулалардан фойдаланиш мумкин:

$$Re < 1,85 \quad \text{ёки} \quad fAr < 33 \quad \text{бўлганда}$$

$$Re = \frac{f}{18} Ar = 0,056 f Ar \quad (3.17)$$

$$1,85 < Re < 500 \quad \text{ёки} \quad 33 < fAr < 83 \cdot 10^3 \quad \text{бўлганда}$$

$$Re = 0,152 \cdot (fAr)^{0,725} \quad (3.18)$$

$$Re > 500 \quad \text{ёки} \quad fAr > 83 \cdot 10^3 \quad \text{бўлганда}$$

$$Re = 1,74 \cdot (fAr)^{0,5} \quad (3.19)$$

(3.17)...(3.19) формулалар ёрдамида аниқланган Рейнолдс сони орқали оғирлик кучи таъсирида суюқлиқда чўкаётган заррача тезлигини топиш мумкин:

$$w_{\text{чук}} = \frac{Re \mu}{l\rho} \quad (3.20)$$

Ламинар ҳаракат режимида чўкиш тезлигини қўйида келтирилган усулда топилади.  $d$  диаметрли сферик шаклга эга заррачалар учун  $w_{\text{чук}}$  (3.17) формуладан аниқлаш мумкин:

$$\frac{w_{\text{чук}} d\rho}{\mu} = \frac{1}{18} \frac{gd^3(\rho_3 - \rho)}{v^2 \rho}$$

Агар,  $v=\mu/\rho$  эканлигипи ҳисобга олсак, чўкиш тезлиги ушбу кўринишда ёзилади:

$$w_{\text{чук}} = \frac{gd^2(\rho_3 - \rho)}{18\mu} \quad (3.21)$$

(3.21) формула Стокс қонунини, яъни шарсимон заррачаларнинг ламинар режимдаги чўкиш тезлиги, улар диаметрининг квадратига, муҳит ва заррача зичликлари фарқига тўғри пропорционал ва муҳит қовушоқлигига тескари пропорционаллигини ифодалайди.

Нотўғри шаклдаги заррачалар учун чўкиш тезлиги шарсимоннидан кам бўлади. Заррачаларнинг шакл коэффициенти қийматлари маҳсус адабиётларда келтирилган.

Суюқликда томчининг чўкиш жараёнида унинг шакли узлуксиз равишида ўзгариб туради. Бундай ҳолларда суюқлик томчисининг чўкиш тезлиги проф. Смирнов Н.И. формуласи ёрдамида ҳисбландани:

$$w_{\text{чук}} = \frac{gd^{2,5}}{\sigma} \left( \frac{\rho - \rho_T}{\rho_T} \right)^{1,5} \left( \frac{\mu}{\rho g} \right)^{0,5} \quad (3.22)$$

бу ерда  $d$  - томчининг ўртача диаметри;  $\sigma$  - фазалар чегарасидаги сиртий таранглик;  $\rho_T$  - томчи ҳосил қилувчи суюқлик зичлиги;  $\rho$  - муҳит зичлиги;  $\mu$  - муҳит қовушоқлиги.

Стокс қонунига биноан, чўкаётган қаттиқ заррачанинг максимал ўлчами ушбу формуладан топилади:


$$d_{\max} \approx 1,56 \sqrt{\frac{\mu^2}{\rho(\rho_3 - \rho)}}$$

Чўкиш жараёнининг кинетик қонуниятларини ўрганиш натижасида қўйидаги умумий қоида келиб чиқади: заррача ўлчами ва фаза зичликларининг фарқи ортиши билан чўкиш тезлиги кўпаяди, лекин муҳитнинг қовушоқлиги кўпайиши билан чўкиш тезлиги камаяди.

### 3.5. Сиқиқ чўкиш тезлиги

3.4 параграфда қаттиқ жисмнинг суюқликда ҳаракат қонунлари қўриб чиқилган ва заррачанинг оғирлик кучи таъсирида эркин чўкиш тезлиги аниқланган. Ушбу қонунларни фақат дисперс фаза концентрацияси паст системаларга қўллаш мумкин.

Лекин саноатда дисперс фаза концентрацияси юқори бүлгандарда ҳам чүктириш жараёнлари, яғни чүкаётган заррачалар бир-бiri билан түкнешгандарда ҳам, амалга оширилади (3.3-расм).



3.3-расм. Чүкиш жараёни схемаси.

Күпчилик тадқиқотлар шуни күрсатдикі, чүкма қатлами устида қыюқлашған суспензия зонасы ҳосил бўлади ва бу ерда **сиқиқ** шароитда заррачаларнинг чүкиши ройб беради. Бунда, заррачалар ўзаро түкнешади ва жараён ишқаланиш кучи иштирокида

боради. Натижада, майда заррачалар ўзидан катта, ийрик заррачалар ҳаракатини секинлаштиради. Шу пайтнинг ўзида ийрик заррачаларни ўзи билан бирга майда, кичик ўлчамли заррачаларни илаштириб олиб кетади ва уларнинг ҳаракатини тезлаштиради. Қурилма тубига яқынлашған сари заррача тезлиги пасаяди ва чўкма аста-секин зичланаб боради. Заррача тезлигининг пасайиши суюқликнинг тўхтатиш ҳаракати, яғни заррача сиқиқ чиқараётган суюқлик ҳаракатининг тескари йўналиши билан белгиланади.

Заррачанинг сиқиқ чўкиши ҳар доим эркин чўкиш тезлигидан кам бўлади. Бунга сабаб муҳитнинг қаршилиги ва қўшимча қаршилилк мавжудлиги, яғни ишқаланиш қаршилиги ва заррачаларнинг ўзаро түкнешувидир. Ушбу ҳолатда муҳит қаршилигининг ортиши, чўкаётган заррачалар массасининг суюқликка динамик таъсири билан ҳарактерланади. Бу ҳол, ўз навбатида, муҳитда кўтариувчи оқимлар ҳосил бўлишига олиб келади.

Гидродинамик нуқтаи назаридан, заррачаларнинг сиқиқ чўкиши, қаттиқ заррачалар қатламининг мавхум қайнаш жараёнига ўхшашигидир.

Шунинг учун, кўзғалмас муҳитда заррачаларнинг бир текисда чўкиши, уларнинг кўтариувчи оқимда учиб юришига айнан ўхшашидир. Демак, сиқиқ чўкиш қонуниятларини, мавхум қайнаш қатламидаги кўтариувчи оқим ҳаракати орқали ўрганиш қулайдир. Бунда, сиқиқ чўкиш тезлиги қаттиқ заррачалар қатламининг мавхум қайнаш ҳолатидаги оқим тезлигига teng. Заррачалар концентрацияси нолга қараб интилганда, сиқиқ чўкиш тезлиги максимал қийматига, яғни эркин чўкиш тезлигига яқынлашиши шубҳасизdir.

Шундай қилиб, ҳисоблаш формуласининг умумий кўриниши мавхум қайнаш қатламида оқимнинг тезлигини аниқлаш каби бўлиши керак, яғни қуйидаги функция орқали ифодаланади:

$$Re_{c_{\text{чук}}} = f(Ar, \varepsilon)$$

Ҳамма режимлар учун сиқиқ ҳолатдаги чўкиш тезлигини аниқлаш учун қуйидаги умумий тенгламадан фойдаланилади:

$$Re_{c_{\text{чук}}} = \frac{Ar \cdot \varepsilon^{4,75}}{18 + 0,6\sqrt{Ar \cdot \varepsilon^{4,75}}} \quad (3.23)$$

бу ерда:

$$Re = \frac{wd\rho}{\mu} \quad \text{ва} \quad Ar = \frac{gd^3}{\nu^2} \frac{\rho_3 - \rho}{\rho} \quad (3.24)$$

$$\varepsilon = \frac{V_0 - V}{V_0} \quad (3.25)$$

бу ерда:  $V_0$  - суспензиядаги суюқлик ҳажми,  $m^3$   $V$  - суспензиядаги қаттиқ заррачалар ҳажми,  $m^3$

Шарсимон қаттиқ заррачаларнинг сиқиқ ҳолатдаги чўкиш тезлигини куйидаги тенгламалар ёрдамида топиш мумкин:

агар  $\varepsilon > 0,7$  дан бўлса:

$$w_{c\chi\kappa} = w_{\chi\kappa} \cdot \varepsilon^2 \cdot 10^{-1,82(1-\varepsilon)} \quad (3.26)$$

агар  $\varepsilon \leq 0,7$  дан бўлса:

$$w_{c\chi\kappa} = w_{\chi\kappa} \frac{0,123 \cdot \varepsilon^2}{1 - \varepsilon} \quad (3.27)$$

### 3.6. Суспензия концентрацияси ва заррачалар шаклининг чўкиш тезлигига таъсири

Юқорида қайд этилгандек, суюқ муҳитда қаттиқ жисм ҳаракати пайтида унинг шакли чўкиш тезлигига салмоқли таъсири этади. Оғирлик кучи таъсиридаги чўкиш жараёнида ушбу таъсири шакл коэффициенти  $f$  орқали ҳисобга олинади. Шар шаклидаги жисмлар учун  $f = 1$ . Одатда, шар шаклида бўлмаган жисмлар учун  $f < 1$

#### 3-1 жадвал

T/p	Заррача шакли	Коэффициент f
1	Шар	1,00
2	Думалоқ	0,77
3	Серқира	0,66
4	Чўзинчоқ	0,58
5	Пластинасимон	0,43

Агар, заррача шакли шарсимон бўлмаса, унинг назарий чўкиш тезлиги суюқлик оқими режимига қараб танланади. Формуладаги аниқловчи ўлчам сифатида заррачанинг эквивалент диаметри кўлланилади. Сўнг эса, заррачанинг ҳақиқий шаклига қараб, аниқланган чўкиш тезлиги  $w_{\chi\kappa}$  тегишли шакл коэффициенти  $f$  га кўпайтирилади:

$$w'_{\chi\kappa} = w_{\chi\kappa} \cdot f \quad (3.28)$$

Келтириб чиқарилган формулаларда чексиз бўшлиқда заррачалар эркин чўкмоқда деб фараз қилинган. Бундай таҳмин суспензия концентрацияси жуда паст бўлганда тўғри. Лекин, суспензия концентрацияси ўрта ва юқори бўлса, чўкиш жараёнида заррачалар бир-бири билан тўқнашади ва катта заррачалар майдаларини илинтириб, ўзи билан олиб кетади. Заррачаларнинг бундай тўқнашуви натижасида, уларнинг ҳаракат энергияси йўқотилади, яъни муҳитнинг қаршилиги ортади ва оқибатда чўкиш тезлиги камаяди.

Агар, суспензия концентрацияси қанчалик юқори бўлса, чўкиш тезлигига сиқиқлик ҳодисаси шунчалик катта таъсири қиласи. Шунинг учун, ҳақиқий ёки назарий чўкиш тезлиги, ҳажмий концентрацияни ҳисобга олувчи тузатиш коэффициентига кўпайтирилади.

### 3.7. Марказдан қочма куч таъсирида чўктириш

Эмульсиядаги суюқлик томчиларини ва суспензиядаги қаттиқ заррачаларни марказдан қочма кучлар майдонида ажратиш жараёнига центрифугалаш

дайилади. Центрифугалаш жараёнини амалға оширадиган курилма центрифуга деб номланади.

Марказдан қочма күч таъсирида суспензия чўкма ва фугат деб номланувчи суюқлик фазаларга ажралади. Одатда чўкма курилма ротори ичидаги қолади, фугат эса - ташқарига чиқарилади.

Центрифуга ишлаш пайтида ҳосил бўладиган марказдан қочма күч чўқтириш жараёнидаги оғирлик ва фильтрлашдаги гидростатик кучларга нисбатан анча катта бўлади. Шунинг учун турли жинсли системаларни ажратиш учун қўлланиладиган чўқтириш ва фильтрлаш жараёнларига қараганда центрифугалаш жуда самарали ҳисобланади.

Центрифуганинг асосий қисми горизонтал ёки вертикал ўқта ўрнатилган ва катта тезлиқда айланувчи цилиндрик ротор бўлиб, у электр юриткич ёрдамида айланма ҳаракатга келтирилади. Марказдан қочма күч таъсирида турли жинсли системадаги қаттиқ заррачалар чўкмага тушиб, суюқликдан ажралади.

Ажратиш принципига қараб, центрифугалар 2 хил бўлади: фильтрловчи ва чўқтирувчи центрифугалар.

Чўқтирувчи центрифуганинг цилиндрик ротори яхлит деворли бўлиб, эмульсия ва суспензияларни чўқтириш принципи асосида ажратади. Бу курилмада ажратиш жараёнида оғирлик кучи ўрнига марказдан қочма күч ишлатилади. Цилиндрик ротор айланиши натижасида ҳосил бўладиган марказдан қочма күч таъсирида суспензия ёки эмульсия ротор деворига қараб ҳаракат қиласади. Зичлиги юқори бўлган қаттиқ заррачалар ротор деворида, зичлиги камроғи эса - ўқ атрофида йигилади.

Фильтрловчи центрифуга ротори ғоваксимон бўлиб, эмульсия ва суспензияларни фильтрлаш принципи асосида ажратади. Бу курилмаларда, ажратиш жараёнида босимлар фарқи ўрнига, марказдан қочма күч ишлатилади.

Бу турдаги центрифугаларда суспензия ёки эмульсия ротор деворига қараб ҳаракат қиласади ва фазаларга ажралади. Фазаларга ажратиш жараёни қўйидагича рўй беради: суюқ фаза роторнинг тўсигидан ўтиб, курилма қобиғига йигилади ва штутер орқали чиқарилади. Қаттиқ фаза эса, фильтрловчи тўсиқда ушланиб қолади ва ундан сўнг ротордан туширилади.

Ишлаш принципига кўра центрифугалар даврий ва узлуксиз бўлади. Ротор ўқининг ўрнатилишига қараб, горизонтал ва вертикал центрифугалар бўлади. Даврий ишлайдиган центрифугаларда чўкма қўл, оғирлик кучи ёки пичноқ ёрдамида туширилади. Узлуксиз центрифугаларда чўкма шнек ёрдамида инерцион ва пульсацион кучлар ёрдамида туширилади.

Фильтрловчи ва чўқтиривчи центрифугаларда ажратиш жараёнларининг таҳлили шуни қўрсатадики, чўқтириш ва фильтрлаш жараёнлар билан центрифугалаш орасида ўхшашик кўп ва ҳамма жараёнларнинг умумий қонуниятлари ҳам ўхшашидир.

Центрифугаларда ҳосил бўладиган марказдан қочма күч ушбу тенглик билан ифодаланади:

$$c = \frac{mw^2}{r} = \frac{Gw^2}{gr} \quad (3.29)$$

бу ерда:  $m$  - айланувчи жисм массаси, кг;  $G$  - айланувчи жисм оғирлиги, Н;  $w$  - роторнинг айланиш тезлиги, м/с;  $g$  - эркин тушиш тезланиши, м<sup>2</sup>/с;  $r$  - айланиш радиуси, м.

Роторнинг айланиш тезлиги ушбу тенгликдан топилади:

$$w = \omega \cdot r = \frac{2\pi n}{60} r \quad (3.30)$$

бу ерда:  $\omega$  - бурчак тезлиги, рад/с;  $n$  - айланиш сони, айл/мин.

(3.29) ва (3.30) тенгликлардан марказдан қочма күчни аниқтаймиз:

$$C = \frac{G}{rg} \left( \frac{2\pi n}{60} r \right)^2 \quad (3.31)$$

ёки

$$C \approx \frac{Grn^2}{900} \quad (3.32)$$

Шундай қилиб, ротор диаметрини күпайтиришга қараганда, унинг айланиш сонини ошириш, марказдан қочма күчнинг ўсишига олиб келади.

Центрифугаларнинг иш унумдорлиги ажратиш коэффициентига боғлиқ. Центрифугаларда ажратиш коэффициенти марказдан қочма күчлар майдонида ҳосил бўлган күчланиш билан характерланади. Центрифугада ҳосил бўлаётган марказдан қочма күчлар миқдорининг оғирлик кучи тезланишидан неча марта кўплигини кўрсатувчи катталик **ажратиш коэффициенти** деб номланади:

$$K_a = \frac{w^2}{rg} \quad (3.33)$$

Центрифуга ротори айланиш частотасининг ортиши ва унинг диаметри камайиши билан марказдан қочма күч майдонида ажратиш самарадорлиги ортади. Агар, айланиш тезлигини айланиш частотаси орқали, ифодаласак ажратиш коэффициентини аниқлаш учун ушбу кўринишдаги формулани оламиз:

$$K_a \approx \frac{n^2 r}{900} \quad (3.34)$$

Ажратиш коэффициенти центрифугаларнинг муҳим характеристикаси бўлиб, унинг ажратиш қобилиятини аниқловчи кўрсаткичdir.

### 3.8. Тиндириш ва чўқтириш қурилмалари

Чўқтириш жараёни турли конструкцияли қурилмаларда, яъни чўқтиргичларда амалга оширилади.

Чўқтиргичда суспензия ҳаракати туфайли чўқтириш жараёни содир бўлади: қаттиқ заррачалар қурилма тубига чўкади ва чўкма қатлами ҳосил қиласди.

Одатда, чўқтиргичларни ҳисоби ўз ичига энг майда заррачаларни чўқтиришни кўзда тутади.

Чўқтиргичнинг солиштирма иш унумдорлигини куйидаги формуладан топиш мумкин:

$$V = \frac{l b h}{\tau_0} \quad (3.35)$$

бу ерда:  $I$ ,  $b$ ,  $h$  қурилманинг геометрик ўлчамлари, м;  $\tau_g$  заррачаларниң ўртага чүкиш давомийлиги, с.

Агар, чўқтиргичнинг иш унумдорлиги маълум бўлса, чўқтириш юзасини ушбу формуладан аниқлаш мумкин:

$$F = \frac{G}{\rho \cdot w} \quad (3.36)$$

бу ерда:  $G = G_m / \tau$  – чўқтиргич иш унумдорлиги, кг/с;  $\rho$  – маҳсулот зичлиги, кг/м<sup>3</sup>.

Тиндириш ва чўқтириш учун мўлжалланган қурилмалар ишлаш принципига кўра қуйидагиларга бўлинади: гравитацион чўқтиргич, центрифуга, гидроциклон ва сепараторларга.


Тиндиригчлар узлукли, ярим узлуксиз ва узлуксиз ишлайдиган бўлади.

**Узлукли ишлайдиган тиндиригич.** Бу турдаги қурилма аралаштиргичи бўлмаган, ясси сув ҳавзасидан иборат. Сув ҳавзаси суспензия билан тўлдирилгандан сўнг, тўлиқ ажралиш содир бўлгунча, чўқтириш жараёни давом этади.

Ундан кейин, чўкма қатламидан юқорида жойлашган штуцердан тозаланган суюқлик чиқариб олинади. Қурилма тубидаги қаттиқ заррачалардан бўлган чўкма кўл ёрдамида олиб ташланади.

Чўқтиргич ўлчамлари ва шакли турли жинсли система заррачалари диаметри ва суспензия концентрациясига боғлиқ. Суспензия зичлиги ва заррачаларининг диаметри ортиши, тиндиригич ўлчамларини камайтириш имконини беради.

Тиндириш жараёнининг давомийлиги дисперсион фаза қовушоқлигига боғлиқ. Маълумки, температура ўсиши билан суюқликлар қовушоқлиги пасяди. Шунинг учун, чўқтириш жараёнини интенсивлаш мақсадида суспензиялар қиздирилади (агар технологияга зид бўлмаса).



**3.4-расм. Қия тўсиқли ярим узлуксиз тиндиригич.**  
1 - қобик; 2 - қия тўсиқлар; 3 - бункерлар.

**Қия тўсиқли, ярим узлуксиз тиндиригич.** Суспензия штуцер орқали қурилмага киритилади ва қўя ўрнатилган тўсиқ 2 лар ёрдамида галма-гал юқорида пастга ва пастдан юқорига қараб йўналтирилади (3.4-расм).

Қия тўсиқлар қурилмада суспензиянинг ҳаракат давомийлиги ва тиндириш юзасини оширади. Ҳосил бўладиган шлам эса, бункер 3 ларда йигилади ва тўлиқ чиққандан сўнг жўмраклар ёрдамида чиқазиб юборилади.

Тозаланган суюқлик тиндиригичнинг тепа қисмидаги ўрнатилган штуцер орқали чиқарилади.


Кимё ва озиқ - овқат саноатларида узлуксиз ишлайдиган тиндиригчлар кенг кўламда қўлланилмоқда.

**Эшқак аралаштиргичли, узлуксиз ишлайдиган тиндиригич.** Одатда бундай турдаги тиндиригич конуссимон туб 5 ва цилиндрик қобик 6 дан, ҳамда қурилманинг тепа қисмидаги ҳалқасимон тарнов 1 дан таркиб топган бўлади (3.5-расм). Чиқариш люки 4 га чўкманни узатиш учун қия парракли аралаштиргич 2 да бир неча эшқаклар ўрнатилган бўлади. Аралаштиргич 0,02...0,5

мин<sup>-1</sup> частота билан айланади. Труба ёрдамида суспензия цилиндрик қобиқ ўртасига узлуксиз равишда узатилади. Тозаланган суюқлик ҳалқасимон тарновга қуилади ва сўнг тиндиригчдан чиқарилади. Ҳосил бўлган шлам диафрагмали насос ёрдамида қурилманинг пастки қисмидан сўриб олинади. Агар, шлам таркибидағи дисперс фаза қимматли ёки келгуси технолого-гик жараёнлар учун яроқли бўлса, у қайта ишланишга юборилади.

Бу турдаги тиндиригчларда зичлиги бир текисда бўлган чўкмаларга ва уни самарали сувсизлантиришга эришса бўлади. Эшқакли тиндиригчлар камчилиги, бу уларнинг қўполлигидир.

**Кўп қаватли тиндиригч.** Бундай қурилмалар узлуксиз ишлайдиган тиндиригчлардан иборат (3.6-расм). Ҳар бир қаватлар орасида конуссимон тўсиқлар жойлаштирилган. Бу тўсиқлар туфайли тиндиригч юзаси анчага кўпаяди ва натижада қурилма ихчамроқ бўлади.




3.6-расм. Кўп қаватли тиндиригч.  
 1 – тақсимловчи мослама;  
 2 - трубалар; 3 - стакан;  
 4 - эшқакли аралаштиргич;  
 5 – тўкиш конуси; 6 - қирғич;  
 7 - коллектор; 8 - ром.

дан чиқарилади.

**Эмульсияларни узлуксиз ажратиш тиндиригчи** бир неча қисмдан иборат (3.7-расм). Эмульсия қурилманинг чап қисмига берилади ва у ердан ўрта сепарацион камерага узатилади.

Чаг тўсиқ 2 аралашма сатҳи баландлигини ростлаш имконини беради. Сепарацион қисмда бошланғич аралашма оғирлик куч таъсирида фазаларга ажрайди. Енгил фаза тепага кўтарилади ва тиндиригчнинг юқорисидаги штуцердан оқиб чиқади. Оғир фаза эса, ўнг тўсиқ 3 остидан ўтиб пастга тушади ва қурилма тубидаги штуцердан оқиб чиқади.

**Ҷўқтирувчи центрифуга.** Бу турдаги қурилмалар ротори яхлит металлдан тайёрланади (3.8-расм). Уларнинг ишлаш принципи худди тиндиригчларни-




3.5-расм. Эшқак аралаштиргичли узлуксиз ишлайдиган тиндиригч.


1 - ҳалқасимон тарнов; 2 - аралаштиргич; 3 - эшқак; 4 - люк; 5 - конуссимон туб; 6 - цилиндрик қобиқ

тиндиригч умумий ўқга эга бўлиб, унга аралаштирувчи эшқаклар жойлаштирилади. Суспензия эса тақсимловчи мосламадан трубалар орқали ҳар бир қават стаканига узатилади. Тозаланган суюқлик ҳалқасимон тарновлардан ўтиб, коллекторда йигилади. Ҳар бир ярус шламни чиқариб юбориш стаканлари билан уланган. Юқорида жойлашган ҳар бир қават стаканининг пастки учи куйи қават шламини ичига кириб туради. Шундай қилиб, тиндиригчнинг қаватлари шлам бўйича кетма-кет уланган. Ҳосил бўлаётган шлам фақат энг пастки қаватнинг ичидаги қирғич ўрнатилган тўкиш конусидан чиқади.

га ўхшашдир. Бошланғич аралашма қурилма роторига трубы орқали узатилади. Ротор 2 нинг айланиши натижасида марказдан қочма куч таъсирида зичлиги юқори бўлган заррачалар роторнинг ички юзасига тўпланади, зичлиги камроғи эса, айланиш ўқига яқинроқ жойда тозилади. Тозаланган суюқлик, яъни фугат, қобиқ 3 даги штуцер орқали ташқарига чиқарилади. Ротор деворида ҳосил бўлган чўкма эса, жараён тутагандан сўнг тўкилади.




3.7-расм. Эмульсияларни узлуксиз ажратиш учун тиндиригич.  
1 - қобиқ; 2 - чап тўсик; 3 - ўнг тўсик.



3.8-расм. Чўктирувчи центрифуга.  
1 - ўқ; 2 - ротор; 3 - қобиқ.


**Фильтровчи центрифуга.** Ушбу центрифуга қобиқ 3 ичидаги ўрнатилган айланувчи ротор 4 дан ташкил топган. Ротор девори тешик, тўрсимон бўлиб, унинг ички юзаси фильтровчи материал билан қопланган (3.9-расм).

Ротор электр юриткич ёрдамида айлантирилади. Айланма ҳаракат тифайли ротор 4 ичидаги суюқликга марказдан қочма куч таъсири қила бошлайди. Натижада гидростатик босим ҳосил бўлади ва у жараённи ҳаракатга келтирувчи кучи деб аталади. Ушбу куч таъсирида аралашма фильтровчи материал ва ротор деворида ҳосил бўлган чўкма қатламидан ўтиб тозаланади. Бундай центрифугаларда жараён уч босқичда ўтади: а) чўкма ҳосил қилиш ва фильтрлаш; б) чўкма қатламининг зичланиши; в) чўкмадан суюқ фазани ажратиш. Жараёнда ҳосил бўлган фугат штуцер 5 дан ташқарига чиқарилади. Жараён тамомлангандан сўнг, чўкма сув билан ювилади. Ҳамма босқичлар тутагандан кейин центрифуга тўхтатилади, сўнг эса конус 6 тепага кўтарилади ва чўкма тўкилади.



3.9-расм. Фильтровчи центрифуга.  
1 - супензия бериш трубаси;  
2 - чўкма туширадиган тешик;  
3 - қобиқ; 4 - ротор; 5 - фугат чиқариш штуцери; 6 - конус.

**Узлуксиз шлайдиган, чўкманни шнекда тўқувчи горизонтал чўктирувчи центрифуга (НОГШ).** Ушбу қурилма ротор 2 ва қобиқ 1 да ўрнатилган шнекли мослама 3 лардан таркиб топган (3.10-расм). Супензия марказий труба 5 орқали ғовак ўқ 4 га узатилади. Ушбу трубадан чиқишида супензия марказдан қочма куч таъсирида ротор бўшлиғига тақсимланади. Қобиқдаги ғовак цапфаларда ротор 2 айланаб туради. Шнек эса, ротор ичидаги цапфаларда айланади. Марказдан қочма куч таъсирида қаттиқ заррачалар ротор деворига қараб ҳаракат қиласиди, суюқлик эса ички ҳалқа ҳосил қиласиди. Бу суюқлик ҳалқасининг қалинлиги ротор ён томонидаги тўкиш тешикларининг жойла-



**3.10-расм.** Узлуксиз ишлайдиган, чўкмани шнекда тўкувчи горизонтал чўқтирувчи центрифуга.

1 - қобиқ; 2 - ротор; 3 - шнекли мослама; 4 - говак ўқ; 5 - марказий труба; 6 - чўкма камера-си; 7 - фугат чиқарин патруб-каси.

ладан топилади:

$$V = \frac{3,5 D_T^2 L_T (\rho_3 - \rho) d^2 n^2}{\mu} \quad (3.37)$$

бу ерда;  $D_T$ ,  $L_T$  - тўкиш цилиндрининг диаметри ва узунлиги, м;  $\rho_3$ ,  $\rho$  - заррача ва муҳит зичликлари, кг/м<sup>3</sup>;  $d$  - заррачанинг энг кичик диаметри м;  $n$  - роторнинг айланishi частотаси, мин<sup>-1</sup>;  $\mu$  - динамик қовушоқлик коэффициенти, Па·с.

Чўқтирувчи центрифугалар иш унумдорлиги эса ушбу формуладан ҳисобланади:

$$V = \eta F w_k \quad (3.38)$$

бу ерда:  $\eta$  - пропорционаллик коэффициенти;  $F = 2\pi R_0 L$  - ротордаги суспензия кўзгуси майдонининг юзаси (бу ерда  $R_0$  - суспензия ҳалқасимон қатламининг ички радиуси, м;  $L$  - ротор узулилиги, м) м<sup>2</sup>;  $w_k = w_{\text{чук}} \cdot K$  марказдан қочма куч таъсиридаги чўкини тезлиги, м/с (бу ерда  $w_{\text{чук}}$  - оғирлик кучи таъсирида чўкиш тезлиги, м/с;  $K$  - ажратиш коэффициенти).

(3.38) тенглама ёрдамида чўкмани пичноқ билан кесиб оладиган чўқтирувчи центрифуга иш унумдорлигини ҳисоблаш формуласини келтириб чиқариш мумкин:

$$V = 25,3 \cdot \eta L n^2 R_0^2 w_{\text{чук}} k \quad (3.39)$$

бу ерда:  $k$  - суспензия ўзатиш вақтининг центрифуга умумий ишлаш вақтига нисбати.

**Тарелкали сепаратор.** Бу турдаги қурилмалар қобиқ 1 ичидаги жойлашган ротор ва тарелкалар дастаси 8 лардан таркиб топган (3.11-расм).


Сепараторга суспензия берилиши ташки ҳалқасимон труба орқали амалга оширилади (3.11б-расм). Суспензия кўп тешикли тарелка остига узатилади ва марказдан қочма куч таъсирида қисман ажратилади. Ундан сўнг, суспензия 2 юқорида жойлашган тарелкалар орасига кўтарилади. Тарелкалар дастаси заррачалар эркин чўкиш масофасини камайтириш ҳисобига сепарация жараёнининг самарадорлигини оширади. Агар, ажратиб олинган заррачалар

шиши билан аниқланади. Ротор бўйлаб чўкма ҳаракат қылганда йўл - йўлакай зичланиб боради. Технологик зарурият бўйса, чўкма ювилиши ҳам мумкин.

Фугат эса, тўкиш тешиклар орқали фугат камера-сига йифилади ва патрубка 7 дан ташқарига чиқарилади.

НОГШ типидаги центрифуга катта иш унумдорликка эга ва юқори концентрацияли майин, дисперс суспензияларни ажратиш учун кўлланилади. Бундай центрифугаларнинг суспензия бўйича иш унумдорлиги ушбу форму-

тарелканинг пастки юзасига етиб келган бўлса, унда улар бутун аралашмадан ажратиб олинган деб ҳисобласа бўлади.




### 3.11-расм. Тарелкали сепаратор.

а - умумий кўриниш; б - тарелкалар ишлаш схемаси.  
1-қобик; 2-ички сопло; 3-узатма; 4-ром; 5-ишли валинг алмашиниши втулкаси; 6-ростловчи труба; 7-ювиш системаси клапани; 8-тарелкалар дастаси.

Чўкган заррачалар ички соплолардан ҳалқасимон трубага ўтади ва сепаратордан чиқариб юборилади. Тозаланган суюқлик четдаги трубадан чиқарила-ди.

Соплоли сепараторларнинг бир тури бўлиб **бактофуга** ҳисобланади (3.12-расм). Бактофуга герметик, юқори тезликда айланувчи соплоли сепаратор бўлиб, аралашмаларни тозалаш учун мўлжалланган. Ушбу сепаратор таркибида совитиш филофи ва концентратни деаэрация қилиш циклони ҳам бўлади.




### 3.12-расм. Бактофуга схемаси.

1 - ғовак ўқ орқали бошланғич суюқлик кириши;  
2 - сопло орқали концентрат чиқиши; 3 - циклондан деаэрация қилинган концентрат чиқиши учун штуцер; 4 - циклонда циркуляция қилинган ҳаво оқими; 5 - бактофугада тозаланган суюқлик чиқиши штуцери.

Бактофугалар афзалликлари: юқори ажратиш коэффициенти; концентрат қаттиқ заррачалари узлуксиз равишида тўкилиб туради; технологик ва тозаланган суюқликлар кириши ва чиқишининг герметиклиги, сепарация жараёнида унинг совитилиши; ифлюслangan ҳаво сирқиб кетиши олдини олуви чосрлами борлиги.

Ҳосил бўлаётган чўкмани узлуксиз тўкиб туриш учун четда жойлашган 2 та сопло мўлжалланган. Технологик суюқлик ғовак ўқ 1 нинг пастки қисмига юборилади ва марказдан қочма куч таъсирида ҳамма тарелкаларга бир хилда тақсимланади. Оғир фаза узлуксиз равишида озгина миқдордаги суюқ фаза билан согло орқали чиқарилади. Тозаланган суюқликнинг асосий

қисми штуцер 5 орқали чиқарилади. Соплодан чиқаётган нам концентра т центрифуга қолқоғида йигилади, сүнг эса деаэрация учун циклонга юборилади.



**3.13-расм. Үта самарали центрифуга.**

1 - қобік; 2 - ротор; 3 - паррак;  
4 - поднятник; 5 - труба; 6 - то заланган суюқлик чиқиши тешігі;  
7 - шпиндель; 8 - таянч;  
9 - шкив.


Тайёр концентра т циклоннинг штуцери 5 дан түкілади. Ифлосланган ҳаво циклон ва барабан қолқоғи орқали циркуляция қылади. Бундай бак тофугалар сут таркибидаги бактерияларни тозалаш (99% гача), фармацевтика соҳасида чўкиб қолган оқсиллар (гамма – глобулин) ва турли ферментларни ажратиб олиш учун қўлланилади.

Үта самарали центрифуга роторининг кичик диаметри  $d < 200$  мм бўлиб, катта тезликда ( $< 4500$  мин<sup>-1</sup>) айланади. Бу қурилмаларнинг ажратиш коэффициенти 15000 га тенг (3.13-расм).

Бу турдаги центрифугаларда жуда майин дисперс суспензия ва эмульсия (ёғсизлантирилган сут) лар ажратилилади.

## 3.9. Умумий тушунчалар

Турли жинсли системаларни ғовак фильтр түсиқлар ёрдамида фазаларга ажратиш жараёнига фильтрлаш дейиллади. Фильтр түсиқлар аралашманинг қаттиқ (дисперс) фазасини ушлаб қолади, суюқ (дисперсион) фазасини ўтказиб юбориш қобилиятига эга. Фильтр түсиқлар ёки бундан бўён фильтрлар сифатида ғовакли материаллар кўлланилади (масалан, тўр пардалар, картон, газламалар, сочилиувчан материаллар, шағал, қум, ғовак полимер материаллар, керамика, металлокерамика ва бошқалар).



**Фильтр түсиқ ва чўкма қатлами орқали суюқликнинг ўтиш схемаси.**

рати туғилади.

Кимё, озиқ - овқат ва бошқа саноатларда чўкма ҳосил қилиш йўли билан фильтрлаш кенг тарқалган.

Масалан, шакарпазликда фильтрлаш қиёmlарни тозалаш, чўкмани сатурацион шарбатдан ажратиш учун кўлланилади. Пиво пиширишда эса, ушбу жараён суслодан қаттиқ фазани ажратиш ва тайёр маҳсулотни тиндириш учун ишлатилади. Ундаи ташқари, винопазлик, ликер – ароқ ва шарбатлар ишлаб чиқариш саноатларида фильтрлаш жараёнидан кенг миқёсда фойдаланилади.

Кимё, нон пишириш, тегирмон ва спирт саноатларида газларни тозалаш учун фильтрлаш жараёни ишлатилади.

Фильтрлаш жараёнида сиқилувчи ва сиқилмайдиган чўкмалар ҳосил бўлади. Сиқилувчи чўкма заррачалари босим ортиши билан қатлам деформацияга учрайди ва унинг ўлчами камаяди. Сиқилмайдиган чўкмада босим кўпайиши билан қатлам шакли ва ўлчами узгармайди.

Амалда фильтрлашдан кейин қуйидаги қўшимча жараёнлар кўлланилади:

- чўкмани ювиш;
- чўкмани ҳаво ёки инерт газлар оқими билан тозалаш;
- чўкмани қуритиш;

Фильтрлаш жараёнининг унумдорлиги ва олинган фильтратнинг тозалиги фильтр түсиқлар хусусиятларига боғлиқ. Фильтр түсиқлар ғовак, тешиклари катта ва гидравлик қаршилиги кичик бўлиши керак. Фильтр түсиқлар тузилишига қараб эгилувчан ва эгилмас бўлади.

Фильтр түсиқлар тепа ва остки қисмидаги босимларнинг фарқи фильтрлаш жараёнининг ҳаракатлантирувчи кучи деб ҳисобланади.

Фильтрлаш жараёни босимлар фарқи ёки марказдан қочма кучлар майдони таъсирида амалга оширилади.

Фильтрлаш интенсивлиги суспензия сифати, яъни дисперс фаза чўкмаси қаршилигининг миқдорига, картон, шилимшиқ ва коллоид моддалар бор-йўқлигига боғлиқдир.

Турли жинсли системаларни ажратиш пайтида фильтр конструкцияси ёки фильтрловчи центрифуга, фильтр түсиқ ва фильтрлаш режимларини танлаш зарурати туғилади.

Ҳаракатлантирувчи кучлар турига қараб фильтрлаш жараёни икки гурхага бўлинади: а) босимлар фарқи таъсирида ажратиш (фильтрлаш); б) марказдан қочма куч таъсирида ажратиш (центрифугалаш).


### 3.10. Фильтрлаш турлари

Турли жинсли системаларни ажратиш пайтида фильтр тўсиқ тури ва суспензия хоссаларига қараб, фильтр тўсиқ юзасида чўкма ҳосил қилиш, фильтр ковакларини тўлдириш ва ҳам биринчи, ҳам иккинчи ҳодисалар биргаликда келган (оралиқ) ҳолатларда фильтрлаш жараёни содир бўлиши мумкин.

**Фильтр тўсиқ юзасида чўкма ҳосил қилиб фильтрлаш жараёни қаттиқ жисм заррачаларининг диаметри  $d_3$ , ковак диаметри  $d$  дан катта бўлганда рўй беради (3.14а-расм).**

Бу усул суспензия таркибидаги қаттиқ фаза концентрацияси 1% (масс) дан ортиқ бўлганда қўлланилади, чунки бунда фильтр тўсиқ ковагига кириш жойида гумбазчалар ҳосил бўлиши учун қулай шароитлар яратилади. Гумбазчалар ҳосил бўлиши, чўкиш тезлиги ва суспензия концентрациясининг ортишига имконият туғдиради.

**Ковакларни тўлдириш усулида фильтрлаш** (3.14б-расм) фильтр тўсиқ ковакларига қаттиқ заррачалар кириб тўлдирганда рўй беради. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, фильтрлаш жараёнининг бошланғич давридаёқ, қаттиқ заррачалар тўсиқ ковакларини тўлдириб бошлайди. Бу ҳодиса, албатта фильтр курилмалар иш унумдорлигини пасайтиради. Жараённи керакли даражада ушлаб туриш учун фильтр тўсиқни биринчи ҳолатини тиклаш, яъни фильтрлашга яроқли қилиш керак. Бунинг учун тўсиқлар суюқлик оқими билан ювилади ёки тўсиқ металлдан ясалган бўлса, қиздириб куйдириласи.



3.14-расм. Фильтрлаш схемаси.

- 1 - чўкма ҳосил қилиб фильтрлаш;
- 2 - тўсиқ ковакларини тўлдириб фильтрлаш.

**Оралиқ фильтрлаш** усули бир вақтнинг ўзида ҳам фильтр тўсиқ юзасида чўкма ҳосил қилиш, ҳам ковакларни тўлдириб, фильтрлаш усуллари рўй берганда амалга ошади.

Ушбу усулда кичик концентрацияли суспензияларни фильтрлаш жараёни тезлигини ошириш учун қўшимча моддалар иштирокида олиб борилади. Жараёндан аввал фильтр тўсиқ юзаси қўшимча модда билан қопланади. Қўшимча моддалардан қилинган қоплама тўсиқ ковакларини тўлиб қолишдан сақлайди. Қўшимча моддалар сифатида ўта майин кўмир, перлит, асбест, кизельгур, фиброфло, асканит ва бошқа материаллар қўлланилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, фильтрлаш жараёни интенсивлиги ва фильтр курилманинг иш унумдорлиги фильтрлаш тезлигига боғлиқдир.

### 3.11. Фильтрлаш жараёнининг назарий асослари

Фильтр тўсиқнинг пастки ва тепа қисмларидаги босимлар фарқига ёки марказдан қочма кучга фильтрлаш жараёнини ҳаракатга келтирувчи кучи деб айтилади.

Босимлар фарқини турли усуллар: фильтр тўсиқнинг тела бўшлиғида ортиқча босим барпо этиш ёки пастки қисмини вакуум трубага улаш йўли билан ҳосил қилиш мумкин. Бундай ҳолатларда фильтрлаш ўзгармас босимлар фарқида боради ва жараён тезлиги босимлар фарқига тўғри ва чўкма қатлами қаршилигига тескари пропорционалдир.

Фильтрлаш жараёни эса қуйидаги кинетик тенглама билан ифодаланади:

$$\frac{dV}{Fd\tau} = \frac{\Delta p}{\mu(R_u + R_{\phi m})} \quad (3.40)$$

бу ерда  $V$  - фильтрат ҳажми,  $\text{m}^3$ ;  $F$  - фильтрлаш юзаси,  $\text{m}^2$ ;  $\tau$  - фильтрлаш вақти, с;  $\Delta p$  - босимлар фарқи,  $\text{Н/м}^2$ ;  $\mu$  - динамик қовушоқлик,  $\text{Па}\cdot\text{с}$ ;  $R_u$ ,  $R_{\phi m}$  – чўкма ва фильтр тўсиқлар қаршилиги,  $\text{м}^{-1}$ .

1  $\text{м}^3$  фильтрат олинганда  $x_u$  ( $\text{м}^3$ ) миқдорда чўкма ҳосил бўлади деб қабул қиласиз. Унда,

$$x_u \cdot V = h_u F \quad (3.41)$$

бу ерда  $h_u$  – чўкма қатлами баландлиги, м.

Бу формуладан:

$$h_u = \frac{x_u \cdot V}{F}$$

Чўкма қатламининг қаршилиги унинг баландлигига пропорционал деб фараз қиласиз.

$$R_0 = r_0 h_0 = \frac{r_0 x_0 V}{F} \quad (3.42)$$

бу ерда  $r_0$  – чўкманинг солиштирма қаршилиги,  $\text{м}^{-2}$ .

Агар (3.42) ни (3.40) га қўйсак, ушбу кўринишга эга бўламиш:

$$\frac{dV}{Fd\tau} = \frac{\Delta p}{\mu \cdot \left( \frac{r_0 x_0 V}{F} + R_{\phi m} \right)} \quad (3.43)$$

(3.43) тенглик фильтрлаш жараёнининг асосий тенгламаси деб аталади.

Фильтр тўсиқ қаршилиги ҳисобга олинмаса, қуйидаги тенглама ҳолатига келамиш

$$r_u = \frac{\Delta p}{\mu h_u \cdot w} \quad (3.44)$$

бу ерда  $w$  – фильтрлаш тезлиги.

Фильтрлаш жараёнининг бошланғич фурсати учун, яъни  $V = 0$  да,  $R_{\phi m} = \Delta p / (\mu w)$ .

$\Delta p = \text{const}$  бўлган ҳолат учун (3.43) тенгламани интегралласак ( $0 - V$  ва  $0 - \tau$  оралиқда), ушбу тенглама келиб чиқади:

$$V^2 + 2 \frac{R_{\phi m}}{r_0 x_0} \cdot F \cdot V = 2 \frac{\Delta p F^2}{\mu r_q x_q} \cdot \tau \quad (3.45)$$

Олинган ушбу тенглама сиқиладиган ва сиқилмайдиган чўқмалар учун қўлласа бўлади ва у фильтрат ҳажми ортиши билан фильтрлаш тезлиги камай-ишини кўрсатади.

(3.45) тенгламани фильтрлаш вақти  $\tau$  га нисбатан ечсак, ушбу ифодага эришилади:

$$\tau = \frac{\mu r_q r_q}{2 \Delta p} \left( \frac{V}{F} \right)^2 + \frac{R_{\phi m} \cdot V}{\Delta p \cdot F} \quad (3.46)$$

ёки (3.41) ни ҳисобга олсак

$$\tau = \frac{\mu r_q}{2 \Delta p x_q} h_q^2 + \frac{R_{\phi m}}{\Delta p x_q} h_q \quad (3.47)$$

Шундай қилиб, фильтрлаш вақти олинган фильтрат ҳажми квадратига тўғри пропорционалдир.

Охирги тенгламани фильтрнинг солиштирма иш унумдорлиги ( $V_f = V/F$ ) га нисбатан ечсак, куйидаги қўринишга эга бўламиз:

$$V_f = \sqrt{\frac{2 \Delta p}{\mu r_q r_q} \tau + \left( \frac{R_{\phi m}}{\mu r_q r_q} \right)^2} - \frac{R_{\phi m}}{\mu r_q r_q} \quad (3.48)$$

Ўзгармас тезлик  $w = \text{const}$  ҳолат учун (3.43) дан ушбу тенгламани оламиз:

$$V^2 \mu r_q r_q + R_{\phi m} V F \mu = \Delta F^2 \tau \quad (3.49)$$

ёки

$$V^2 + \frac{R_{\phi m} \cdot F}{r_q x_q} V = \frac{\Delta p F^2}{\mu r_q x_q} \tau$$

бу тенгламадан:

$$\Delta p = \mu r_q r_q \left( \frac{V}{F} \right)^2 \frac{1}{\tau} + \mu R_{\phi m} \left( \frac{V}{F} \right) \frac{1}{\tau} \quad (3.50)$$

ёки

$$\Delta p = \mu r_q r_q w^2 + \mu R_{\phi m} w$$

Шундай қилиб, фильтрлаш вақти ортиши билан босимлар фарқи кўпаяди:

$$\tau = \frac{\mu r_q r_q}{\Delta p} \left( \frac{V}{F} \right)^2 + \frac{R_{\phi m}}{\Delta p} \frac{V}{F} \quad (3.51)$$

яъни олинган фильтрат ҳажми квадратига тўғри пропорционал.

Фильтрнинг солишишторма иш унумдорлиги ( $m^3 / m^2$ ):

$$V_f = \sqrt{\frac{\Delta p}{\mu x_u r_u} \tau + \left( \frac{R_{\phi m}}{2\mu x_u r_u} \right)^2} - \frac{R_{\phi m}}{2\mu x_u K_u} \quad (3.52)$$

Амалда чўкма ҳажмининг фильтрат ҳажмига нисбати  $x_u$ , чўкма қатламишторма ҳажмий қаршилиги  $r_u$  ва фильтр тўсиқ қаршиликлари тажриба йўли билан аниқланади.

Агар,  $F = 1 \text{ m}^2$  бўлган ҳол учун (3.45) тенгламани ушбу кўринишда ёзиш мумкин:

$$V^2 + 2CFV = 2KF^2\tau \quad (3.53)$$

бу ерда  $C$  - фильтр тўсиқ гидравлик қаршилигини характерловчи фильтрлаш константаси,  $\text{m}^3/\text{m}^2$ ;  $K$  - фильтрлаш режими ва суюқликдаги чўкманинг физик-кимевий хоссаларини ҳисобга олувчи фильтрлаш константаси,  $\text{m}^2/\text{s}$ .


$$C = \frac{R_{\phi m}}{r_u x_u} \quad (3.54)$$

$$K = \frac{2\Delta p}{\mu r_u x_u} \quad (3.55)$$

Агар, (3.53) тенгламага ўзгартириш киритсак, ушбу кўринишга эга бўламиш:

$$\frac{\tau}{V} = \frac{2V}{K} + \frac{2C}{K} \quad (3.56)$$

Кўриниб турибдики, (3.56) тенглик абсциссага  $\alpha$  қия бурчак остида жойлашган тўғри чизиқ тенгламаси. Ушбу бурчак тангенси  $\operatorname{tg} \alpha = 2/K$  тенг ва у ордината ўқида  $m = 2C/K$  кесмани ажратади (3.15-расм).



3.15-расм. Фильтрлаш  
константасини  
аниқлашга доир.

Ушбу тўғри чизиқни қуриш учун абсцисса ўқига ўлчангандан  $V_1, V_2, \dots, V_n$  қийматлари, ордината ўқига эса  $\tau_1/V_1, \tau_2/V_2, \dots, \tau_n/V_n$  ларнинг тегишли қийматлари кўйилади.

Сўнг, аниқланган  $K$  ва  $C$  қийматлар ёрдамида (3.54) ва (3.55) тенгламалардан  $r_u$  ва  $R_{\phi m}$  лар топилади. Чўкма ва фильтрат ҳажмларини ўлчашнатижасида эса -  $x_u$  қиймати топилади.

### 3.12. Фильтрлар


Ишлаш принципига қараб, фильтрлар куйидагиларга бўлинади: ўзгармас босимлар фарқи ёки ўзгармас фильтрлаш тезлигига ишлайдиган фильтрлар; фильтр тўсиқда ҳосил қиласидиган босимлар фарқига қараб, вакуум ёки ортиқча босим остида ишлайдиган курилмалар; жараённи ташкил этишга қараб, узлукли ёки узлуксиз ишлайдиган курилмалар.

Босим остида ишлайдиган қурилма бир неча турға, яни гидростатик босим, насос ёки компрессор ёрдамида ҳосил қилинган, вакуум ва марказдан қочма күч таъсирида ҳосил бўлган босимларда ишлайдиган фильтрларга бўлинади.

Технологик мақсадларга қараб, қурилмалар иккى турға бўлинади: а) суюқликларни тозалаш фильтрлари; б) газларни тозалаш фильтрлари.

Фильтр тўсиқларнинг турига қараб, донасимон материаллар, турли газламалар ва қаттиқ материаллар (керамика, тўр) ёрдамида турли жинсли системаларни тозалайдиган **фильтрларга** бўлинади.

**Кумли фильтр.** Бу қурилма донасимон материалини фильтрлар гуруҳига оид (3.16-расм).



3.16-расм. Кумли фильтр.

- 1 - турли дисклар;
- 2 - кум;
- 3 - қобик;
- 4 - ҳаво жўмраги;
- 5 – суспензия кириш трубаси;
- 6 - пахта;
- 7 - фильтрловчи тўқима;
- 8 - фильтратни чиқариш трубаси.

чиқарилади.

Фильтрлаш тезлиги 250...750 кг/(м<sup>2</sup>. соат).

Ушбу фильтр тузилиши содда, фильтрлаш сифати эса – юқори.


Лекин, ҳажм бирлигига фильтрловчи юза кам ва жараён тезлиги паст бўлгани учун, фильтрнинг иш унумдорлиги жуда кичик. Ундан ташқари, фильтр қумни алмаштириш қийин ва кўп вақт талаб қиласи.

**Нутч - фильтр** вакуум ёки ортиқча босим остида ишлаши мумкин (3.17-расм). Чўкмани чиқариб ташлаш учун фильтрга бир парракли аралаштиргич ўрнатилган.

Суспензия ва сиқилган ҳаво алоҳида штуцерлар орқали узатилади. Олинган фильтрат эса, тўкиш жумра-

Бу турдаги фильтрлар суспензия таркибида қаттиқ фаза микдори кам бўлган ҳолларда, яни озиқ-овқат саноатида сувни фильтрлаш ва ликер-ароқ корхоналарида кенг кўламда ишлатилади.

Фильтрнинг цилиндрик қобигига иккита тўрли диск бўлиб, улар қурилмани 3 қисмга ажратади: юқори суспензия оқиб киравчи, ўрта фильтрловчи ва қуий ийфувчи. Иккала диск орасида фильтрловчи кум қатлами жойлашган бўлиб, у йирик ва майдада фракциялардан иборат бўлади. Фракциялар фильтр тўқима билан ажратилган. Юқори ва қуий дисклар ҳам фильтр тўқима билан қопланган бўлади. Фильтрланувчи суюқлик 0,02....0,03 МПа босимда қурилма тепасидан юборилади, фильтрат эса пастки қисмдан



3.17-расм. Аралаштиргичли нутч - фильтр.

- 1-узатма;
- 2-фильтр қобиги;
- 3-аралаштиргич;
- 4-тўкиш жўмраги;
- 5-фильтр тўсиқ;
- 6-фильтрловчи тўқима.


ги 4 орқали чиқарилади. Ундан ташқари, фильтрга сақловчи жүмрак ҳам ўрнатылған.

Фильтрнинг иш цикли қуйидаги босқичлардан иборат: суспензия билан тұлдириш; босим остида фильтрлаш; фильтр түсиқдан чўкмани тушириш; фильтр түсиқни қайта тиклаш. Бундай фильтрларда чўкмани ювиш жараёнини ҳам бир вақтда ўтказса бўлади.

Суспензияларни фильтрлаш пайтида фильтр түсиқ сифатида картон, бельтинг ва синтетик толаларни кўллаш мумкин. Синтетик толаларнинг афзаллиги шундаки, улар юқори механик мустаҳкамлик, термик ва кимёвий чидамлиликка эга. Синтетик толалардан, зичлиги аста секин ўзгарадиган, фильтр түсиқлар тайёрлаш мумкин.

Бундай фильтр қаттиқ фаза миқдори кам бўлган суспензияларни фильтрлашда жуда кўл келади, чунки заррачалар унинг бутун баландлиги бўйлаб чўкади. Фильтрнинг ташқи қатламида йирик, ички қатламларида эса майдада заррачалар ушланиб қолади. Бундай селектив фильтрлаш жараён тезлиги юқори бўлиши, ковакчалар юзасини тўлиб қолиш олдини олади ва фильтрнинг хизмат муддатини узайтиради.

**Ромли фильтр - пресс.** Бундай фильтрлар суспензиялар (масалан: вино, пиво, сут маҳсулотлар) ни тозалаш учун кўлланилади (3.18-расм).



3.18-расм. Ромли фильтр-пресс.


- 1 - таянч плита;
- 2 - ром;
- 3 - плита;
- 4 - фильтр түсиқ;
- 5 - ҳаракатчан плита;
- 6 - горизонтал йўналтирувчи;
- 7 винт;
- 8 - станина;
- 9 - тарнов.

қисми эса, айланма каналлар билан уланган.

Суспензия босим остида канал орқали ромнинг ичкарисига фильтр материалдан ўтади (3.20 а-расм), кейин эса юзасидаги каналчалар орқали пастга тушади.


Фильтрат плитанинг пастки қисмida жойлашган каналча орқали чиқиб, умумий тарновга тушади. Ромнинг иккала томони чўкма билан тўлғанда, фильтрлаш жараёни тўхтатилиди ва тескари йўналишда юқори босимли суюқлик юборилиб, чўкма ювилади ва айланма каналлар орқали чиқарилади. Шундан кейин ювиш учун сув юборилади ва жараён тугагач плита чапга сурилиб, чўкма тўклилади. (3.20 б-расм)

Фильтр - пресснинг иш цикли ушбу жараёнлардан иборат: ишга тайёрлаш; фильтрлаш; ювиш; чўкмани тўкиш. Даврий ишлайдиган фильтр курилмаларда ёрдамчи жараёнларни бажариш учун иш циклининг 30% га яқин вақти сарфланади ва чўкмани тўкиш кўп меҳнат талаб қиласи. Бу турдаги фильтрларда фильтр тўқималар сарфи катта ва уларни алмаштириш қийин. Узлуксиз ишлайдиган курилмаларда ушбу камчиликлар бартараф этилган, чунки бу фильтрларда фильтрлаш, чўкмани қуритиш, ювиш, ажратиш жараёнлари бир вақтда содир бўлади.



**3.19-расм. Фильтр-пресс роми (а) ва плитаси (б).**

1, 2 - суспензия ва ювиш суюқлиги кириш каналлари; 3 - дренаж канали; 4 - ийгиш канали; 5 - айланма канал.



**3.20-расм. Ромли фильтр-пресс ишлаш схемаси.**

а - фильтрлаш;  
б - чүкма ювиш;  
1 - ром; 2-плита.

**Фильтр - пресс (ФПАКМ).** Бундай фильтрда чүкмани түкиш механизациялыштан. Ушбу қурилма камерали, автоматлаштирилган фильтр бўлиб, температураси  $80^{\circ}\text{C}$ , концентрацияси  $10\ldots500 \text{ кг}/\text{м}^3$  ли майин дисперс суспензияларни ажратиш учун қўлланилади. Бу турдаги фильтр даврий ишлайдиган бўлади.

Қўпинча бу фильтр - прессларда бир - бирига зич жойлашган бир қатор тўртбурчак шаклдаги фильтрлардан иборат (3.21-расм).


Тўртбурчак фильтрларнинг бундай жойлашиши солиштирма фильтрлар юзасининг кўпайишига олиб келади.

Агар фильтр **A** ҳолатда бўлса, коллектор 8 дан камерага ажратиш учун суспензия, ювиш учун суюқлик ва чўкмани қисман қуритиш учун сиқилган ҳаволар кетма - кет келади. Сўнг фильтрат, ювиш суюқлиги ва ҳаво каналлар 12 орқали коллектор 10 га чиқарилади.

Фильтрнинг **B** ҳолатида каналлар 9 орқали бўшлиқ 11 га босим остида сув узатилиди. Натижада эгилувчан эластик диафрагма **G** ёрдамида чўкма сиқилади. Ундан кейин, **B** ҳолатда плиталар суриласди ва ҳосил бўлган тирқишилардан чўкма тўкилади.

**Барабанли вакуум - фильтр.** Бу турдаги фильтрлар концентрацияси  $50\ldots500 \text{ кг}/\text{м}^3$  бўлган суспензияларни узлуксиз равища ажратиш учун ишлатилади (3.22-расм). Қаттиқ заррачалар кристалл, толали аморф ва коллоид тузилишга эга бўлиши мумкин. Фильтр иш унумдорлиги қаттиқ заррачалар тузилишига боғлиқ ва юқорида келтирилган кетма - кетлиқда пасайиб боради.

Фильтрнинг асосий қисми горизонтал барабан бўлиб, у электр юриткич ёрдамида аста - секин айлантирилади. Одатда унинг  $0,3\ldots0,4$  қисми суспензияли тогорага тушиб туради. Тогора ичидаги силкиниб турувчи аралаштиргич суспензия таркибини бир хил бўлишини таъминлайди, яъни унинг таркибида-



**3.21-расм. Горизонтал камерали фильтр - пресс (ФПКАМ).**

1-пастки плита; 2-тепа плита;  
3-суспензия ва чўкма учун бўшлиқ;  
4-тешикли диск; 5-фильтрат учун  
бўшлиқ; 6-эгилувчан диафрагма;  
7, 9, 12-каналлар; 8-суспензия учун  
коллектор; 10-фильтратни чиқариш  
коллектори; 11-сув учун бўшлиқ;  
13-фильтр тўқима.

ти заррачаларни чўкмага тушишига тўсқинлик қиласди. Барабан иккита цилиндрдан тузилган бўлади. Ташки цилиндр элаксимон бўлиб, унинг устига сим тўр тортилган.


Сим тўрнинг усти эса, фильтр тўқима билан қопланган. Барабаннинг фильтрловчи тўсиқларидан фильтрат вакуум остида сўриб олиниади. Фильтрнинг устида суспензиядаги қаттиқ заррачалар чўкма қатламини ҳосил қиласди. Бу чўкма пичоқ ёрдамида барабанинг устки қисмидан узлуксиз равишда кесиб олиниади. Барабаннинг ички қисми тўсиқлар ёрдамида алоҳида секторларга бўлинган. Каналлар эса фильтрлаш жараёнининг ҳамма циклари ни бевосита фильтр ишлашини бошқарувчи бош тақсимлагич билан биректирилган. Бош тақсимлагичда иккита диск бўлиб, бири айланма ҳаракат қиласа, иккинчиси қўзғалмасдири. Қўзғалмас диска даги тешиклар трубалар орқали вакуум – насос, ҳамда фильтратни ажратиб олевучи ва юувучи суюқлик билан чўкмани ажратиш ва фильтр тўқимани тозалаш учун сиқилган ҳаво берувчи компрессор билан уланган бўлади.

Айланувчи дискининг ҳар бир тешиги бирин-кетин қўзғалмас дискининг тешиклари билан уланади. Шунинг учун барабан бир марта айланганида, фильтрлаш жараёнининг ҳамма босқичлари бажарилади. Биринчи босқичда барабан секциялари вакуум – насос билан уланади ва фильтрат идишга тушади. Кейинги босқичда барабан секциялари юувучи суюқлик билан уланади ва чўкма ювилади. Охирги босқичда барабан секциялари сиқилган ҳаво трубалари билан уланиб, чўкма куритилади ва фильтрлаш юзаси тозаланади.

Бу турдаги фильтрларнинг ишчи юзаси  $5\ldots150 \text{ м}^3$  бўлади. Камчиликлари:


фильтрлаш юзаси катта бўлгани учун кўп жой эгаллади; фильтрнинг нархи қиммат бўлади.

**Дискили фильтр.** Бу фильтрлар майин дисперс суспензияларни ажратиши учун мўлжалланган бўлиб, қўшимча моддалар ўтиринди қатлами билан босим остида ишлайди. Иситадиган филофли вертикаль идиш кўринишига эга бўлган дискили фильтрларда ишчи босим – 0,5 МПа, филоф ичидаги босим эса – 0,3 МПа. Фильтр ичидаги фовак ўқ 6 бўлиб унга металлдан ясалган тешикли диск фильтрга элемент 7 лар ўрнатилган (3.23-расм). Дисклар, ўз навбатида, полипропилен ёки бошқа фильтр тўқима билан қопланниб, ҳалқасимон қисқичлар ёрдамида маҳкамланади.



3.22-расм. Барабанли вакуум – фильтр.

1-тешикли барабан; 2-фильтр тўқима; 3-чўкмани кесиб турувчи пичоқ; 4-секция; 5-тогора; 6-аралаштиргич; 7-труба; 8-суюқлик пуркагич; 9-бош тақсимлагич.



3.23-расм. Дискили фильтр.


1 - шкив; 2 – сальникли қистирма; 3 - қопқоклар; 4 - фильтр қобик; 5 - филоф; 6 - фовак ўқ; 7 – фильтрловчи элемент; 8 - подпятник.

Дискли фильтрларда қисман қуристилган чүкмани марказдан қочма күч ёрдамида түкиш имконияти бор. Фильтрловчи дисклар ўрнатылған ичи бүш ўқ электр ёки гидравлик қориткіш ёрдамида айлантирилади. Ўқнинг айланыш частотаси  $250 \text{ мин}^{-1}$  бўлиб, тефлон сальник ёрдамида зичланади.

Фильтрлашдан аввал суспензаторда қўшимча моддалардан суспензия тайёрланади ва фильтрловчи элементларга ўтиринди чўкма ҳосил қилинади. Бунинг учун, фильтрловчи элементларда 15...30 мм қалинликда ўтиринди чўкма пайдо бўлмагунча, насос ёрдамида тайёр суспензия узатилади.

Фильтрат фильтрловчи дискдан ўтиб, ғовак ўқдаги тешиклар орқали ичи бўш ўқга тушади ва фильтрдан суспензаторга чиқарилади. Худди шу йўсинда суспензия фильтрланади. Жараён тугагандан сўнг, чўкма ювилади ва ҳаво ёрдамида қисман қуритилади.

**Лентали фильтр.** Бу фильтр ром, узатувчи 1 ва тарангловчи 6 барабанлардан, ҳамда икки барабан орасига тортилган тешикли, чексиз узунликдаги резина лента 4 дан таркиб топган (3.24-расм).



3.24-расм. Лентали вакуум - фильтр.

- 1 - узатувчи барабан;
- 2 - пуркагич;
- 3 - вакуум-камера;
- 4 - резина лента;
- 5 - нов;
- 6 - тарангловчи барабан;
- 7 - тарангловчи гилдиракчалар;
- 8 - фильтрат чиқариш коллектори;
- 9 - юувучи сувни чиқариш коллектори;
- 10 - чўкма ийғич;
- 11 - фильтр тўқима.

Тешикли резина лента остида вакуум камера 3 бўлиб, у пастки қисми билан фильтрат 8 ва юувучи суюқлик чиқариш коллекторлари 9 билан уланган. Ҳосил қилинаётган вакуум ҳисобига лента вакуум – камеранинг тепа қисмита ёпишиб туради.

Фильтр тўқима эса, тарангловчи гилдиракчалар 7 ёрдамида чексиз резина лентага сикиб қўйилади.


Фильтр тўқимага нов 5 дан суспензия узатилади. Фильтрат вакуум остида камераларга ва коллектор орқали йигичга юборилади. Ҳосил бўлган чўкмага пуркагич 2 дан юувучи сув берилади ва камераларга сўриб олиниб, сўнг коллектор 9 орқали йигич 10 га чиқарилади.

Узатувчи барабанда фильтр тўқима резина лентадан ажрайди ва йўналтирувчи гилдиракчани айланаб ўтади. Шунда, чўкма фильтр тўқимадан сирпаниб тушади ва чўкма йигичга тўкилади. Фильтр тўқима иккита гилдиракча 7 лар орасидан ўтгугича ювилади, қуритилади ва тозаланади.

**Фильтровчи центрифугалар** даврий ва узлуксиз ишлайдиган бўлиб, ўқининг жойлашига қараб вертикаль ва горизонтал бўлади. Жараён мобайнида ҳосил бўладиган чўкмани тўкишига қараб қўлда тўқадиган, гравитацион, марказдан қочма ва узлукли тўқадиган центрифугаларга бўлинади.


**Даврий ишлайдиган фильтровчи центрифуга** суспензия барабан тепасидан юкланди (3.25-расм). Суспензия юклангандан сўнг барабан ҳаракатга келтирилади, яъни айлантириб бошланади. Марказдан қочма куч таъсирида суспензия барабан деворига улоқтирилади. Суюқ дисперсион фаза фильтр тўсиқ орқали ўтади, чўкма эса унда ушланиб қолади. Фильтрлаш цикли тугандага сўнг, чўкма қопқоқ З орқали қўл ёрдамида олиб ташланади.

**Чўкмани ўзи тўқадиган центрифуга** чўкма гравитацион куч таъсирида курилмадан чиқариб юборилади (3.26-расм).



**3.25-расм. Даврий ишлайдиган фильтровчи центрифуга.**

- 1 - станица;
- 2 - тешикли барабан;
- 3 - қопқоқ;
- 4 - қобик;
- 5 - гупчак;
- 6 - подшипник;
- 7 - электр юрит-кич;
- 8 - камар узатмали шків;
- 9 - дренаж;
- 10 - фильтр тўқима.



**3.26-расм. Чўкмани гравитацион куч таъсирида тўқадиган центрифуга.**

- 1 - ўқ;
- 2 - барабан;
- 3 - тақсимловчи диск;
- 4 - таянч втулка.

Одатда бундай центрифугалар тешикли барабан ўрнатилган вертикаль ўқли қилиб ясалади. Барабан кичик частота билан айлангандан суспензия юкловчи дискка берилади. Барабаннинг пастки қисми конуссимон шаклида бўлиб, конуслик бурчаги чўкманинг табиий қиялик бурчагидан ортиқ қилинади. Фильтрлаш цикли тамом бўлғандага ва барабан тўлиқ тўхтаганидан сўнг оғирлик кучи таъсирида чўкма барабан деворида сирпаниб тушади ва курилма тубидаги штуцер орқали чиқарилади.

**Узлуксиз ишлайдиган, марказдан қочма куч таъсирида чўкмани тўқадиган центрифуга** конуссимон тешикли барабан ва унинг ичидаги айланувчи шнеклардан таркиб топган. Шнекнинг айланishi тезлиги барабаннидан озгина кам бўлади. Шнек айланиси даврида унинг ўрамлари барабандага ўтириб қолган чўкмани пастга олиб тушади. Чўкмани тўкиш марказдан қочма куч таъсирида амалга оширилади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, марказдан қочма куч таъсирида тўкиш пайтида чўкма майдаланмайди ва яхлитлиги бузилмайди.

### 3.13. Фильтрлаш жараёнини интенсивлаш

Халқ хўжалигида турли саноатлар тайёр маҳсулотининг салмоғи ортиб бориши ва юқори гидравлик қаршиликка эга чўкмаларнинг тuri, миқдорининг кўпайиши, фильтрлар иш унумдорлигини оширишни тақозо этади. Бу муаммони ҳал этиш учун фильтрларнинг фильтрлаш юзаси ва жараён тезлигини ошириш йўллари билан эришиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги кунда барабанли вакуум - фильтрларнинг юзаси  $140 \text{ м}^2$ , дис-клиларники  $300 \text{ м}^2$ , лентали фильтрларники  $25 \text{ м}^2$  гача етказилган.

Суспензиялар ажратишида оптималь шароитларни яратиш учун конструктив, технологик ва физик - кимёвий усуллардан фойдаланилади.

Конструктив гуруҳ усулларига қуйидагилар киради: фильтрлаш жараёнини автоматлаштириш; реверсив (чўкма қалинлиги кам бўлганда), динамик (чўкма узлуксиз ювилиб туриладиган ҳолларда), турли таркибли (цилиндрик юзаларда эгрилик радиуси кичик чўкма қатламлари ҳосил бўлганда) ва тебранма фильтрлаш.

Технологик гуруҳ усулларига қуйидагилар киради: чўкма қатлами, босимлар фарқи, суспензия концентрацияларининг оптималь қийматларини, ҳамда унинг таркибидаги қаттиқ заррачаларни олдинган майин ва дағал дисперс фракцияларга дастлабки классификациялаш.

Физик кимёвий гуруҳ усулларига эга қуйидагилар киради: чўкма солиширма қаршилигини камайтириш мақсадида суспензияга физик - кимёвий таъсир этиш. Ушбу тадбирларни суспензия олиш жараёнида ёки ундан кейин ҳам ўтказиш мумкин.

Биринчи ҳолатда суспензия ҳосил қилишда тегишли шароитларни (температура, концентрация ва бошқалар) амалга ошириш мақсадида қаттиқ заррачалаф ўлчамини катталаштириш, кристаллик заррачалар (аморф заррачалар ўрнига) олиш имконияти ва коллоид, ёпишқоқ аралашма ҳосил бўлиш олдини олиш мумкин. Натижада айрим суспензия чўкмаларининг солиширма қаршилиги 10 ва ундан ортиқ марта пасайтирилиши мумкин.

Иккинчи ҳолатда, яъни суспензияга агрегирловчи ёки қўшимча моддалар қўшиш, суспензия солиширма қаршилигини кескин камайишга олиб келади.

### 3.14. Фильтрларни ҳисоблаш

Суспензияларни фильтрлаш жараёнига қўргина омиллар таъсир этганини сабабли фильтрларни ҳисоблаш жуда мураккаб масаладир. Шунинг учун, қуйида келтирилган ҳисоблаш схемалари бир қатор таҳминлар ва суспензияларни ажратиши қонуниятларини соддалаштиришлар асосида ишлаб чиқилган. Шундай таҳминлардан бири, оғирлик кучи таъсирида қаттиқ заррачалар чўкмайди деб, фараз қилинади. Амалиётда заррачалар чўкмаслиги учун суспензия аралаштирилиб турилади.

Ҳисоблашларда эса тажриба йўли билан топилган фильтр тўсиқ ва чўкма гидравлик қаршиликларининг ўртача қиймати ишлатилади.

**Узлуксиз ишлайдиган фильтрлар ҳисоби.** Бошлангич маълумотларда фильтр иш унумдорлиги берилган бўлади. Ундан ташқари, фильтрлаш юзаси берилиши мумкин ёки қабул қилинади. Демак, юқорида кўрсатилган параметрлар маълум бўлса, яъни фильтрнинг берилган юзаси бўйича фильтрлар сони, фильтрат миқдори ва фильтрлаш жараёни давомийлиги аниқланади.

Барабанли вакуум фильтрни (фильтр тўсиқ гидравлик қаршилигини ҳисобга олмаймиз) ҳисоблашнинг умумий кетма - кетлигини кўриб чиқамиз.

1. Фильтр қурилмага энг юқори иш унумдорлик таъминлаш учун чўкма қатлам қалинлигининг рухсат этилган энг кичик қиймати қабул қилинади. Масалан, барабанли вакуум - фильтр учун таҳминан 5 мм (чўкма хоссаларига қараб) деб, қабул қилинса бўлади.

2.  $x_u = h_u \cdot F/V$  тенгламадан  $V$  ни топамиз:

$$V = \frac{h_u \cdot F}{x_0} \quad (3.57)$$

3.  $R_{\phi m} = 0$  деб қабул қилиб,  $V$  нинг қийматини (3.45) формулага қўйиб ва уни  $\tau$  га нисбатан ечиб, зарур қалинликдаги чўкма ҳосил қилиш вақтини аниқлаймиз:

$$\tau = \frac{\mu r_c h_c^2}{2\Delta p x_c} \quad (3.58)$$

4. Ҳисоблаш тенгламаларидан фойдаланиб ёки тажриба йўли билан ювиш босқичининг давомийлиги  $\tau_{io}$  ни топамиз.

5. Барабан секциялари умумий сони  $n$  дан: а - сувсизлантириш зонасида  $n_c^1$  та секция; б - сувсизлантириш зонасида  $n_c^2$  та секция, чўкмани тўкиш ва фильтр тўқимани тиклаш зонасида  $n_{TT}$  та секция банд деб қабул қиласми.

6. Ҳар бир босқичнинг давомийлиги ушбу тенгламалардан аниқланади:  
а - сувсизлантириш:

$$\tau_c^1 = (\tau + \tau_{io}) \frac{n_c^1}{n_{phi}} \quad (3.59)$$

бу ерда  $n_{phi} = n - (n_c^1 + n_c^2 + n_{TT})$  фильтрлаш ва ювиш зоналаридаги барабан секцияларининг сони:

б - сувсизлантириш:

$$\tau_c^2 = (\tau + \tau_{io}) \frac{n_c^2}{n_{phi}} \quad (3.60)$$

чўкмани тўкиш ва фильтр тўқимани тиклаш:

$$\tau_{TT} = (\tau + \tau_{io}) \frac{n_{TT}}{n_{phi}} \quad (3.61)$$

7. Ушбу тенгликдан циклнинг умумий давомийлиги  $\tau_u$  ( $s$ ) ҳисобланади:

$$\tau_u = \tau + \tau_c^1 + \tau_c^2 + \tau_{io} + \tau_{TT} \quad (3.62)$$

8. Барабаннинг айланиш тезлиги  $w$  (айл/мин) эса, қуйидаги нисбатдан топилади:

$$w = \frac{60}{\tau_u} \quad (3.63)$$

9. Фильтрлаш зонасининг марказий бурчаги қуйидагига тенг бўлади:

$$\bullet \theta = \frac{360 \cdot \tau}{\tau_u} \quad (3.64)$$

10. Фильтрнинг иш унумдорлиги  $Q$  ( $m^3/\text{сутка}$ ):

$$Q = \frac{3600 \cdot 24 \cdot V}{\tau_u} \quad (3.65)$$

11. Агар, фильтрат бўйича умумий иш унумдорлик  $Q_{ym}$  маълум бўлса, зарур барабанли вакуум - фильтрлар сони ушбу нисбатдан аниқланади:

$$N_\phi = \frac{Q_{ym}}{Q} \quad (3.66)$$

# ГАЗЛАРНИ ТОЗАЛАШ


## 3.15. Умумий түшүнчалар

Газ аралашмалар таркибидаги қаттиқ ёки суюқ заррачаларни саноат миқёсида ажратылдан маңсад ҳаво ифлослигини камайтириш, құмматбақо маңсулоттарни ажратып олиш ёки технологияга салбий таъсир этувчи зааралы, ҳамда қурилмаларни бузилишга олиб келувчи моддаларни чиқариб ташлашдир.

Кимё, енгил, тоғ-кон ва озиқ-овқат саноатларнинг асосий технологик жараёнларидан бири ифлосланган газларни тозалашдир. Шунинг учун, турли жинсли газ системаларни ажратып кимёвий технологиянинг долзарб ва энг кенг тарқалган асосий жараёнларидан биридір.

Саноат миқёсида чанг ҳосил бўлишининг манбалари: қаттиқ жисмларни механик майдалаш (чақыш, эзиш, арралаш, едирилиш ва уларни узатиш), ёқилғилар ёнишида (кул ҳосил бўлиш), буғлар конденсацияланишида, ҳамда газларнинг ўзаро кимёвий таъсири натижасида қаттиқ маңсулотлар ҳосил бўлиш жараёнида.

Одатда, чаглар таркибида ўлчами 3...100 мкм бўлган қаттиқ заррачалар мавжуд бўлади. Буғлар конденсацияланиши натижасида 0,001...1 мкм ўлчамли майда суюқлик томчилари ҳосил бўлали.



Газ оқымидаги заррачаларни ажратып олишнинг асосий усуллари.

- а- оғирлик кучи таъсирида чўқтириш; б- инерцион кучлар таъсирида чўқтириш;
- в- марказдан қочма куч таъсирида чўқтириш; г- электр майдони таъсирида чўқтириш; д- фильтраш; е- ювиб тозалаш; 1- газ таркибидаги заррача; 1'(1'')- газдан ажратып олинган заррача; 2- чўқтириш юзаси; 3- тўсиқ; 4- фильтр-тўсиқ; 5- суюқликни пуркаш мосламаси.

Газларни қуидаги тозалаш усуллари маълум:

1. оғирлик кучи таъсирида чўқтириш (гравитацион тозалаш);
2. инерция кучлари таъсирида чўқтириш, яъни марказдан қочма кучлар;
3. фильтраш;
4. суюқлик билан ювиб тозалаш;
5. электростатик кучлар таъсирида чўқтириш (электр майдон таъсирида).

Биринчи иккита усулда, яъни оғирлик ва марказдан қочма кучлар таъсирида, тозалаш натижасида йирик заррачаларни, қолган усулларда эса - 20 мкм ва ундан ўлчами кичик бўлган заррачаларни ажратып олиш мумкин.

Хар доим ҳам битта газ тозалаш қурилмасида газларни керакли юқори даражада тозалаб бўлмайди. Шунинг учун, амалиётда икки ва кўп босқичли тозалаш қурилмалари қўлланилади.

Газни тозалаш даражаси  $\eta$  қуйидаги тенгламадан аниқланади:

$$\eta = \frac{G_1 - G_2}{G_1} \cdot 100\% = \frac{V_1 x_1 - V_2 x_2}{V_1 x_1} \cdot 100\% \quad (3.67)$$

бу ерда  $G_1$  ва  $G_2$  – бошлангич ва тозаланган газдаги қаттиқ заррачалар массаси, кг/соат;  $V_1$  ва  $V_2$  – бошлангич ва тозаланган газларнинг ҳажмий сарфлари, м<sup>3</sup>/соат;  $x_1$  ва  $x_2$  – бошлангич ва тозаланган газда қаттиқ заррачалар концентрацияси, кг/м<sup>3</sup>.


Газсимон турли жинсли системаларни тозалаш жараёнининг назарий асослари 3.1... 3.13 параграфларда баён этилган.

### 3.16. Оғирлик кучи таъсирида газларни тозалаш

Чўқтириш жараёнини ҳисоблашда 3.4 параграфда келтириб чиқарилган, яни қаттиқ заррачаларни суюқликларда чўкишини ифодаловчи тенглама ва қонуниятлар қўлланилади.

Чангларни (дагал тозалаш учун) тозалаш учун даврий ва узлуксиз ишлайдиган қурилмалардан фойдаланилади. Чанг чўқтириш камераси бу турдаги асосий қурилмалардан биридир.

Чанг чўқтириш камераси ичда горизонтал токчалар жойлаштирилган бўлиб, тўғри тўртбурчак шаклдаги асосий қисмдан иборат (3.27-расм).



3.27-расм. Чанг чўқтириш камераси.

- 1 – чиқиши канали;
- 2 – йигувчи канал;
- 3 - клапанлар;
- 4 - горизонтал токча;
- 5 - эшикчалар;
- 6 – сўриш канали.

Чанг, ростловчи клапан 3 орқали сўриш канали 6 га киради ва горизонтал токчалар 4 орасига тақсимланади. Токчалар орасидаги масофа 100...400 мм бўлади.

Токчаларнинг асосий вазифаси чанг заррачаларининг чўкиш масофасини қисқартиришидир. Ундан ташқари, токчалар борлиги чўкиш юзасини кўпайишига олиб келади. Токчалар орасида чанг ҳаракат қилгандан, чанг оқимининг йўналиши ўзгаради, бу эса унинг тезлигини камайишига олиб

келади. Натижада қаттиқ заррачалар уларининг юзасида чўкиб қолади. Тозаланган газ эса, чиқиш канали орқали ташқариға йўналади. Курилма камерасида чанг газ оқимининг тезлиги чўкиш вақти билан чегараланди.

Чўқтириш камерасида чанг газ оқимининг ҳаракати вақтида қаттиқ заррачалар токчалар юзасига чўкиб улгурishi керак.

Токчаларга йиғилиб қолган чанглар вақти-вақти билан куракчаларда олиб ташланади ёки сув билан ювилади. Чанг чўқтириш камераси навбатмай навбат ишлайдиган икки бўлимдан иборат. Биринчи бўлим чанг (қаттиқ заррачалар)дан тозаланса, иккинчисида эса, шу вақтда газни тозалаш жараёни боради ва натижада курилманинг узлуксиз ишлашига эришилади.


Чанг чўқтириш камерасининг ишчи юзаси (3.41) тенглама ёрдамида ҳисобланади. Бунда  $x_n = 1$  деб қабул қилиш мумкин.

Чанг чўқтириш камерасида фақат газлардан йирик заррачаларни ажратиш мумкин, яъни дагал тозалаш учун қўллаш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун, бу турдаги курилмалар дастлабки тозалаш учун, яъни қаттиқ заррачалар ўлчами 100 мкм дан катта бўлган газсимон турли жинсли системаларни ажратиш учун мўлжалланган. Курилманинг тозалаш даражаси 30...40%.

Хозирги кунда ушбу турдаги курилмалар қўполлиги ва самадорлиги паст бўлгани учун замонавий ва мукаммал тозалаш қурилмалари билан алмаштирилмоқда.

### 3.17. Инерцион ва марказдан қочма кучлар таъсирида газларни тозалаш

Инерция кучлари остида газларни тозалаш қайтарувчи тўсиқли тиндиригич ва марказдан қочма кучлар таъсирида ишлайдиган циклонлар конструкцияси асосида ётибди.



3.28-расм. Қайтарувчи тўсиқли тиндиригич.  
1 - қайтарувчи тўсиқлар; 2 - чанг йиғгич; 3 - шиберлар.

**Қайтарувчи тўсиқли тиндиригич** йирик дисперсли чангларни ажратиш учун мўлжалланган (3.28-расм).


Қайтарувчи тўсиқлар газ оқимини уормаланиши учун хизмат қиласи. Тўсиқлардан ўтиш пайтида ҳосил бўладиган инерция кучлари қаттиқ заррачаларни интенсив чўкишига сабабчи бўлади. Йиғгич 2 га тўпланган қаттиқ

заррачалар шибер 3 ёрдамида чиқарип юборилади. Бундай курилмалар газ ўтказиш системаларида ўрнатилади. Инерция кучлари асосида ишлайдиган чанг тозалаш қурилмаларининг тузилиши содда ва ихчам. Тозалаш даражаси 60%, чўқтирилаётган заррачалар ўлчами 25 мкм ва ундан юқори.

**Циклонлар** марказдан қочма кучлар майдонида чангларни тозалаш имконини беради. Машинасозлик корхоналарида қобигининг диаметри 100...1000 мм ли циклонлар тайёрланади. Уларнинг ишлаш самарадорлиги ажратиш коэффициенти билан характерланади. Чангларни тозалаш даражаси циклон конструкцияси, заррача ўлчами ва зичлигига боғлиқ.

Масалан, 25 мкм ли заррачалар чўқтирилаётган бўлса, циклоннинг ф.и.к. 95% ни ташкил этади, лекин заррача диаметри 10 мкм бўлса, ф.и.к. 70% гача камаяди.

Циклон кичик гидравлик қаршиликтен нисбатан юқори тозалаш даражасига эга бўлган цилиндрик ва конуссимон қисмлардан иборат курилмадир (3.29-расм).



3.29-расм. НИИОГаз циклони.

Чангли газ тангенциал йўналишда 10...40 м/с тезлиқда циклоннинг кириш патрубкаси орқали киритилади. Тангенциал кириш ва курилманинг ичидаги марказий чиқариш трубаси борлиги учун газ оқими пастга спиралсимон айланма ҳаракат қилади. Бу эса ўз навбатида марказдан қочма куч ҳосил бўлишига олиб келади. Ушбу куч таъсирида газ оқимидаги қаттиқ заррачалар циклоннинг ички деворига улоқтириб ташланади, деворга урилиб кинетик энергиясини йўқотади ва оғирлик кучи таъсирида қурилма тубига қараб тўкилади. Циклоннинг пастки конуссимон қисмидаги газ оқими инерция кучи таъсирида спиралсимон ҳаракат йўналишини давом эттиради ва конус диаметри камайиб бориши сабабли юқорига қараб йўналган оқим пайдо бўлади. Бу оқим тозаланган газ бўлиб, марказий труба орқали циклондан ташқарига чиқиб кетади.

Циклонларнинг аниқ ҳисоби жуда мураккаб бўлгани учун гидравлик қаршиликтен  $\Delta p$  параметри бўйича соддалаштирилган ҳисоблар қилинади.

Циклоннинг цилиндрик қисмидаги газнинг сохта тезлиги  $w_\phi$  (м/с) куйидаги формула ёрдамида аниқланиши мумкин:

$$w_\phi = \sqrt{\frac{2\Delta p}{\rho_0 \cdot \xi}} \quad (3.68)$$

бу ерда  $\Delta p/\rho_0$  - ажратиш фактори;  $\xi$  гидравлик қаршиликтин коэффициенти

3.29-расмда келтирилган циклонлар учун  $\Delta p/\xi = 500...700 \text{ м}^2/\text{с}^2$ .

Циклон диаметри  $D$  (м) ушбу формуладан топилади:

$$D = \sqrt{\frac{4V}{\pi \cdot w_\phi}} \quad (3.69)$$


Циклоннинг цилиндрик қисми диаметри  $D$  аниқлангандан сўнг, қолган ўлчамлари ҳисобланади, чунки ҳамма ўлчамлар циклон диаметри  $D$  нинг функциясиadir.

Газларни тозалаш даражасини ошириш учун циклон диаметрини камайтириш ёки газ оқими тезлигини ошириш зарур.

НИИОГаз циклонида газсимон тури жинсли системаларни тозалаш даражаси 30...85% га teng. Лекин, газ таркибида гарчадан заррачалар ўлчами ортиши билан газларнинг тозаланиш даражаси 90...95% гача ўсиши мумкин.

**Батареяли циклон** бир қанча параллел уланган кичик диаметрли (150...250мм) циклонлардан ташкил топган (3.30-расм). Циклон элементлари диаметрининг кичиклиги, марказдан қочма куч ва чўкиш тезлигини ошириш имконини беради. Кичик ўлчамли циклонлар қурилмадаги иккита тўсиқга маҳкамланади.

Курилмага кириш патрубкаси орқали юборилган чанг газ тақсимлаш камерасига киради ва у ердан барча циклон элементларга бир хилда тарқалади. Сўнг, элементларга газ тангенциал йўналишида эмас, балки уларнинг тепасидан циклон қобиги ва марказий чиқиш трубаси орасидаги ҳалқасимон бўшлиқда юборилади. Ушбу ҳалқасимон бўшлиқда оқимга спиралсимон айланма ҳаракат йўналишини таъминлаш учун у ерга винтли парраклар ўрнатилади (3.31-расм).



**3.30-расм. Батареяли циклон.**

1 - қобиқ; 2 - газ тақсимлаш камераси;

**3.31-расм. Батареяли циклон элементи.**

1 - марказий чиқиши трубаси;  
2 - винтли парраклар; 3 - қобиқ; 4 - конуссимон туб.

Циклон элементларидан ўтиб тозаланган газлар марказий труба 1 орқали умумий камерага йигилади ва чиқиши шитуцеридан ташқарига узатилади.

Ҳамма циклон элементларида ушланиб қолинган қаттиқ заррачалар батареяли циклоннинг пастки қисми 5 да тўпланади ва ундан сўнг ташқарига тўкилади.

Агар бир нечта катта циклонларни иқтисодий жиҳатдан қўллаш мақсадга мувофиқ бўлмаса, газлар сарфи катта жараёнларда батареяли циклонлар ишлатилиади. Циклонлarda ўлчами 10 мкм ва ундан кам бўлган қаттиқ заррачаларни чўктириш тавсия этилади. Батареяли циклонларнинг тозалаш даражаси 65...85% ( $d = 5$  мкм ли заррачалар учун), 85...90% ( $d = 10$  мкм ли заррачалар учун) ва 90...95% ( $d = 20$  мкм заррачалар учун).


### 3.18. Газларни ғовакли тўсиқларда тозалаш

Фильтровчи тўсиқ турига қараб эгилувчан, ярим қаттиқ, қаттиқ ғовак тўсиқли ва донадор қатламли фильтрлар бўлади.

**Юмшоқ фильтровчи тўсиқли фильтрларга** енгли ёки қопли фильтрлар киради ва улар газларни тозалаш учун кенг миқёсда қўлланилади. Фильтровчи тўсиқ сифатида табиий, синтетик ва минерал толалар (тўқима материаллар), ғовак листли материаллар (ғовакли резина, пенополиуретан) ва металл тўқималар ишлатилиади.

**Батареяли енгли фильтр.** Бу турдаги курилмаларнинг фильтровчи элементи тўқима материалдан ясалади (3.32-расм). Фильтровчи енг 4 ва қоплар тўртбурчак шаклидаги қобиқ 3 нинг умумий роми 1 га осилиб кўйилади. Пастдан юқорига қараб ҳаракат қилаётган чангли газ фильтровчи

енгларнинг учидаги очиқ тешикдан ичига киради. Сўнг, цилиндр енгларининг ён томон юзасидан ўтаётганида газ тозаланиб чиқиб кетади, қаттиқ заррачалар эса енгнинг ички деворида ушланиб қолади.



3.32-расм. Енгли фильтр.

1 - ром; 2 – силкитувчи механизм; 3 - қобиқ;  
4 - енг; 5 - шнек.

$0,007\ldots0,017 \text{ м}^3/(\text{м}^2 \cdot \text{с})$  га тенг. Лекин, фильтрловчи тўқималар узлуксиз равишда қайта тикланиши туфайли фильтрлаш тезлиги  $0,05\ldots0,08 \text{ м}^3/(\text{м}^2 \cdot \text{с})$  гача ортади.

Энг кенг тарқалган енгли фильтрларнинг гидравлик қаршилиги  $1,5\ldots2,5 \text{ кН}/\text{м}^2$  ( $150\ldots250 \text{ мм. сув уст.}$ ).

Агар енгли фильтрлардан тўғри фойдаланилса, газларни майин, дисперс чанглардан тозалаш даражаси  $98\ldots99\%$  ли ташкил этади.

Енглар табиий, синтетик ва минерал материаллардан тайёрланади. Масалан,  $80^\circ\text{C}$  дан паст температураларда пахта, бўздан,  $110^\circ\text{C}$  дан паст температураларда жундан,  $130\ldots140^\circ\text{C}$  да полиамид, полиэтилен, полиакрилнитрил толаларидан,  $275^\circ\text{C}$  гача политетрафторэтилен ва фторопластдан,  $400^\circ\text{C}$  гача шиша толаларидан ясалган фильтрловчи енглар ишлатилади.


Камчиликлари: енглар тез ишдан чиқади ва каналлари тўлиб қолади; юқори температурали ва нам газларни тозалаш мумкин эмас.

**Ярим қаттиқ, фильтрловчи тўсиқли фильтрлар** кассеталардан таркиб топган бўлади. Газ таркибидаги қаттиқ заррачаларни ушлаб қолиш учун кассетада иккита тўр орасида шиша толалар, металл қиринди ёки бошқа материаллар қатлами жойлаштирилган бўлади.

Секцияларга биринчирилган кассеталар паст концентрацияли  $0,001\ldots0,005 \text{ г}/\text{м}^3$  чангларни тозалаш учун мўлжалланган.

**Қаттиқ фильтрловчи тўсиқли фильтрлар** одатда чангли газларни майин тозалаш учун ишлатилади. Фильтрловчи тўсиқлар ғовакли керамика, прессланган ёки қиздириб биринчирилган кукунлар, ҳамда пластмассалардан ясалishi мумкин.

**Цилиндрик фильтрловчи элементли, патронли фильтрлар.** Температураси юқори бўлган чангли газларни тозалаш учун кўлланилади. Бу қурилмаларнинг фильтрловчи элементи ғовакли қилиб металлокерамикадан ясалади ва улар патронлар деб номланади (3.33-расм). Фильтрловчи элементлар цилиндрик ҳалқасимон ёки текис шаклда бўлиши мумкин.



3.33-расм. Патронлы фильтр.

- 1 - коттоқ;
- 2 - коллектор;
- 3 - труба панжараси;
- 4 - қобик;
- 5 - фильтрловчи элемент;
- 6 - труба;
- 7 - чанг йиггич.

Хам, ушбу фильтрловчи элементлар тозалаш учун ишлатилади.

Газларни тозалаш фильтрларнинг ҳисобини ўтказишдан мақсад, унинг умумий фильтрлаш юзасини аниқлашыдир, яни

$$F = \frac{V}{V_{co1}} \quad (3.70)$$

бу ерда  $V$  - чангли газнинг ҳажмий сарфи,  $\text{m}^3/\text{s}$ ;  $V_{co1}$  - фильтрларнинг солишиштирма тезлиги,  $\text{m}^3/(\text{m}^2 \cdot \text{s})$ ;

Фильтрловчи элементлар сони эса, ушбу тенгликдан топилади:

$$n = F(\pi d l) \quad (3.71)$$

бу ерда  $d$  ва  $l$  - енгнинг диаметри ва узунлиги.

**Донадор қатламли фильтрлар.** Бундай фильтрларда даврий, құзгалмас ёки узлуксиз ҳаракатдаги фильтрловчи қатлам сифатида майдаланган кокс, кварц күм, шлак, шағал ва бошқа материаллар құлланиши мумкин.

Фильтрловчи қатлам панжара ёки түр орасидаги секцияда, горизонтал ёки вертикаль қолатда үрнатилиши мумкин.

3.16-расмда узлуксиз ишлайдиган күмли фильтр конструкцияси көлтирилген. Бу турдаги фильтрлар газларни майин тозалаш учун құлланилади. Масалан, сиқылған газларни мойлардан, қоракуядан ва синтез газларини чангдан тозалаш учун ишлатилиши мумкин.

Чанг фильтрлөвчи элементдан ўтиб, тозаланған газ қурилманинг юқори қисмидеги штуцердан чиқиб кетади. Чанглар эса фильтрловчи патроннинг ташқи юзаси ва ғовакларида ушланиб қолади. Патронлар ташқи юзаси ва ғоваклари чанг билан тұлыб қолса, жараён тезлиги кескин равиша пасаяди.

Шунинг учун улар сиқилған газ ёки ҳаво ёрдамида пулаб қайта тикланади. Ундан кейин, яна қайтадан газни тозалаш жараёни давом эттирилади.

Қайта тиклаш пайтида патрондан пулаб чиқарылған чанглар конуссимон туб 6 дан чанг йиггич 7 га түкіледи.

Металлокерамик фильтр элементли фильтрларда заррачаларнинг ўлчами 5 мкм дан юқори бүлгап чангли газларни тозалаш мүмкін.

Патронлы фильтрловчи элементлар қаттықтеги, юқори механик мустақкамлиги, кимёвий ва температуранинг кескин тебранишларига чидамлилiği билан ажралиб туради. Шунинг учун кимёвий агрессив ва иссиқ чангларни тозалаш учун ишлатылади.


### 3.19. Газларни суюқлик билан ювиб тозалаш

Чангли газларни тозалаш учун уларни сув ёки бошқа суюқликлар ёрдамида ювиб, қаттиқ заррачалардан тозаланади. Бу усул газларни совитиш ва намлаш рухсат этилган, ҳамда қаттиқ заррачалар қиммати бўлмаган ҳолларда қўлланилади. Маълумки, газлар совутилганда сув бутлари конденсацияланиб, заррачалар намланади ва уларнинг зичлиги ортади. Натижада қаттиқ заррачалар газдан осон ажралади. Бунда, заррачалар конденсацияланиш марказлари вазифасини бажаради. Агар, заррачалар суюқлик билан хўлланмаса, унда бу турдаги курилмаларда газларни тозалаш самарасиздир. Бундай ҳолларда газларни тозалаш даражасини ошириш учун суюқлик таркибига спирт – сиртий фаол моддалар қўшилади, яъни суюқликнинг хўллаш қобилияти оширилади.

Суюқлик билан ювиб тозаловчи курилмаларда, уларнинг конструкциясига қараб, газларни тозалаш даражаси 60 дан 85% гача бўлади. Бу турдаги курилмаларнинг асосий камчилиги шундаки, тозалаш жараёни ўтказилиши натижасида оқава сувлар ҳосил бўлишидир. Маълумки, оқава сувлар ҳам ўз навбатида тозаланиши керак.

**Скрубберлар** ичи бўш ёки насадкали, кўндаланг кесим юзасига қараб эса, цилиндрсизмон ёки тўғри тўртбурчак шаклдаги колонналар кўрининшида бўлади.

Ичи бўш скрубберларга чангли газ қурилманинг пастки қисмидан 0,8...1,0 м/с тезлиқда киритилади. Газ ўз йўналишини ўзгартириб, юқорига қараб ҳаракат қиласи. Скруббернинг тепа қисмидаги пуркагичдан сув ёки бошқа суюқлик сочилиб, оғирлик кучи таъсирида майдада томчилар пастга қараб йўналади. Натижада газ ва сув томчилари қарама қарши йўлли ҳаракатида бир бирига кўп марта урилади. Бу ўзаро таъсир туфайли газ таркибидаги қаттиқ заррачалар суюқлик билан ювилади, оғирлашади ва оқава сув ҳосил қилиб, пастга тушади. Тозаланган газ скруббернинг тепа қисмидаги штуцердан чиқиб кетади. Оқава сув қурилманинг тубидаги штуцер орқали тозалашга чиқариб юборилади.



3.34a-расм. Насадкали скруббер.  
1 - пуркагич;  
2 - насадка.

сув томчилари газ оқимидан ажратилади.

Ичи бўш скрубберда газларнинг тозаланиш даражаси 60...75% ни ташкил этади. Насадкали скрубберларда қобигнинг ичига насадкалар маълум бир тартибда ёки тартибсиз ўрнатилади (3.34a-расм).

Тозалаш жараёни интенсивлиги ва тезлигини ошириш учун скрубберларга албатта насадкалар жойлаштирилади. Насадкалар кўлланилиши натижасида газ ва суюқ фазалар ўртасида уринишлар ортади, яъни тўқнашув юзаси ошади. Одатда скрубберларга ҳалқасимон ёки хордали насадкалар ўрнатилади. Айрим ҳолларда эса, кокс ёки кварц бўлакларидан ҳосил қилинган қатлам, насадка сифатида ишлатилиши мумкин. Насадкали скрубберларда газларнинг тозаланиш даражаси 75...85%.


**Вентури скрубберлари.** Бу турдаги скруббер икки қисмдан (3.34б-расм): Вентури трубаси 3 ва ажратгич 1 дан таркиб топган бўлади. Вентури трубаси 3 да газ тозаланса, ажраткич 1 да эса

Тозаланиши зарур бўлган газ, курилманинг паски қисмидан патрубкага узатилади. Маълумки, Вентури трубасининг диффузор қисмидаги конуслик ортиб боради. Бу эса, диффузорда босим камайишига, яъни вакуум ҳосил бўлишига олиб келади. Ушбу вакуум ҳисобига идишдан коллектор орқали Вентури трубасига сув сўриб олинади. Суюқ фаза газ билан тўқнашиши натижасида майдада томчиларга (~10 мкм) ажралиб кетади. Газ ва майдада томчиларнинг ўзаро урилиши пайтида суюқлик томчилари қаттиқ заррачаларни ўзига тортиб олади ва йириклишади. Сўнг эса, ушбу томчилар газ оқими билан бирга диффузор орқали ўтади ва натижада тезлиги пасаиди. Газ оқимини суюқлик заррачаларидан ажратиш учун уормалантирувчи мослама хизмат қиласди. Ажратичда ажратиб олинган суюқлик йигичга оқиб тушади. Тозаланган газ эса, скруббернинг тепа қисмидаги патрубкадан атмосферага чиқариб юборилади.

Вентури скрубберида газларнинг тозаланиш даражаси 98...99%, тузилиши содда ва механик ҳаракатланувчи қисмлари йўқ.

Камчилклари: гидравлик қаршиликлари катта (1500...7500 Па) ва курилма кўшимча томчи ушлагич билан жиҳозланиши лозим.


**Кўпикли (барботажли) чанг ушлагичлар** таркибида, қаттиқ заррачалар кўп ва жуда катта ҳажмдаги чангли газларни тозалаш учун мўлжалланган (3.35-расм).



3.35-расм. Кўпикли скруббер.

1 - қобиқ; 2 – ростловчи остона; 3 - тешикли тарелка

тозаланиш даражасига қараб аниқланади.



3.346-расм. Вентури скруббери.

1 - ажратгич; 2 – оқими ни уормалантирувчи мослама; 3 - Вентури трубаси; 4-вентилятор.

Кўпикли (барботажли) чанг ушлагичлар тарелкали скруббер кўринишида бўлади. Чангли газ курилманинг пастки қисмидаги штуцер орқали юборилади ва у тепага қараб ҳаракат қиласди. Курилма цилиндрик қобиқ 1 нинг ўргасида жойлашган штуцер орқали юувучи сув (ёки суюқлик) тешикли тарелка устига юборилади. Пастдан келаётган чангли газ оқими суюқликни барботаж қиласди ва натижада ҳаракатчан кўпикли қатлам ҳосил бўлади. «Газ – суюқлик» аралашмасидан иборат кўпикларда тўқнашув ёки урилиш юзаси катта ва заррачани илинтириш имконияти юқори. Шунинг учун ҳам, кўпикли чанг ушлагичларда чангли газларнинг тозаланиш даражаси юқори. Газнинг курилмадаги тешикли тарелкалар сони

Кўпикли қатламда чангнинг асосий миқдори (~80%) суюқлик билан ушланади ва кўпик билан бирга ростловчи остона 2 орқали чиқарилади. Суюқликнинг қолган қисми (~20%) тарелка тешиклари орқали пастга оқиб тушади ва унинг остидаги бўшлиқда чангли газ таркибидаги йирик заррачаларни ушлаб, пастга олиб кетади. Ҳосил бўлган оқава сув конуссимон тубдаги штуцер орқали чиқарилади. Кўпикли курилмаларда газларнинг тозаланиш даражаси 95...99% ва ундан юқори бўлади. Курилманинг тузилиши содда ва ихчам, ҳамда кам капитал ва эксплуатацион сарфлар талаб этади.

### 3.20. Электр майдон таъсирида газларни тозалаш

**Жараённинг физик асослари.** Электр майдон таъсирида газларни тозалаш электр разряди ёрдамида газ молекулаларининг ионизацияция қилинишига асосланган.

Агар, газ юқори кучланиши ўзгармас токга уланган икки электрод орасида ҳосил бўлган электр майдонига газ юборилса, унинг молекулалари ионизацияяга учрайди, яъни мусбат ва манфий зарядланган заррачаларга ажрайди. Натижада улар куч чизиқлар йўналишида ҳаракат қилиб бошлайди. Зарядланган заррача тезлигининг вектор йўналиши, унинг мусбат ёки

манфийлигига боғлиқ бўлса, ҳаракат тезлиги эса электр майдони кучланганлиги билан белгиланади.

Агар электр майдон кучланганлигини 10000В дан оширсак, ион ва электронлар кинетик энергияси шунчалик катталашади, ҳаракат йўлида учраган газнинг барча нейтрап молекулаларини мусбат ион ва эркин электронларга парчалайди. Янгидан ҳосил бўлган зарядлар ҳам ўз ҳаракат йўналишида газларни ионизацияяга дучор қиласди. Натижада тўхтовсиз равишда ион ҳосил бўлади ва ҳамма газ ионизацияланади. Бундай жараен **зарбални ионизация** деб номланади.


Газ тўлиқ ионизацияяга учраганда, электродлар орасида электр разряди пайдо бўлиши учун шароитлар яратилади. Агар, электр майдон кучланганлиги янада оширилса, учқун сакраб ўтиши, кейин эса электр ўтиши ва электродлар қисқа тугашуви бўлиши мумкин. Бундай ҳодисалар олдини олиш учун турли жинсли электр майдони ҳосил қилинади.

Бунинг учун, труба ўқидан ёки икки параллел пластиналар орасида тортилган ингичка симлар кўринишида электр одамади.

Сим олдида электр майдон кучланганлиги жуда юқори бўлиб, труба ёки пластина томонга яқинлашган сари камайиб боради. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, труба ёки пластина олдида майдон кучланганлиги шундайки, учқун ва электр ўтиш ҳодисалари рўй бермайди.

Тўлиқ ионизацияяга оид майдон кучланганлигига электродлар орасида "тожли" разряд ҳосил бўлади. Бунда бутунлай ионизацияяга учраган газ қатлами чўғланиб, нур ва чарсиланган овоз чиқаради. "Тож" ҳосил қиласиган электр одамоди "тожли" электр одамоди деб номланади. Труба ёки пластина кўринишидаги қарама - қарши зарядланган электр одамоди чўқтирувчи электр одамоди деб аталади.

"Тожли" электр одамоди манфий, чўқтирувчи эса мусбат қутбга уланади. Бундай ҳолатларда электродларга жуда юқори кучланиш бериш мумкин. "Тож" ҳосил бўлиши билан иккала ишорали ион ва эркин электронлар пайдо бўлади.



Электр майдон куч чизиқларининг схемаси

Электр майдон күчләнгәнлиги таъсирида ионлар "тожли" электрод томон ҳаракат қилади ва унда нейтралланади.

Манфий ион ва эркин электронлар чўқтирувчи электрод томон йўналади. Йўл-йўлакай чанг ва томчилар билан тўқнашиб, уларга ўз зарядини ўтказади ва чўқтирувчи электрод томон олиб кетади. Натижада чанг ёки туман заррачалари шу электродда чўқади. Газдаги чанг заррачаларининг асосий қисми манфий зарядланади, чунки мусбат ионларга қараганда ҳаракатчан манфий электрон ва ионлар чўқтирувчи электродга етгунча катта масофани босиб ўтади. Шунинг учун ҳам, газдаги заррачалар билан уларнинг тўқнашиш эҳтимоли катта. Фақат "тожли" электрод атрофидаги мусбат зарядланган ионлар билан тўқнашганда, чанг ёки туман заррачаларининг кичик бир қисми "тожли" электродда чўқади. Манфий зарядланган ионлар, чанг ёки туман заррачалари чўқтирувчи электродга етганда, унга ўз зарядини беради ва оғирлик кучи таъсирида чўқади. Бундай чўқтириш жараёни электрофильтрда олиб бориласди.


Электродларга ўтириб қолган чанг заррачаларининг заарали таъсирини камайтириш мақсадида, вақти-вақти билан электродларга ўтириб қолган заррачалар силкитиб туширилади ёки электрофильтрга киритилишдан аввал чангли газ намланади (ўтказувчанлигини ошириш учун). Лекин, газнинг температураси шудринг нуқтасидан пасайиб кетиши мумкин эмас.

Чынгли газлар таркибидаги қаттиқ заррачаларни электр майдони таъсирида тозалаш, бошқа усулларга қараганда кўпгина афзалликларга эга. Чўқтириш қурилмаларида, яъни циклон, енгли фильтр, скрубберларда оғирлик ва марказдан қочма куч таъсирида майдо заррачаларни ажратиб бўлмайди.

Турли жинсли газ аралашмаларини электр майдон таъсирида ажратиш электродларда амалга оширилади. Чанг ва тутунларни тозалаш учун қуруқ, туманларни тозалаш учун эса - хўл электрофильтрлар кўлланилади.

**Оддий электрофильтр** иккита электроддан иборат бўлиб, биттаси анод- труба ёки пластина, иккинчиси эса катод сим кўринишида тайёрланади. Катод сим труба ичига ёки пластина анодлар орасига тортилади. Анодлар ҳар доим ерга уланади.

Электродлар ўзгармас ток манбасига уланганда 4...6 кВ/см га тенг потенциаллар фарқи ҳосил бўлади. Бу қиймат катоднинг 1 м узунлигига 0,05...0,5 мА ток зичлигини таъминлайди.



Трубали (а) ва пластинали (б) электродлар.

1-«тожли» электрод; 2-чўқтирувчи трубали электрод; 3-куч йўналишлари; 4-чўқтирувчи, пластинали электрод. I-чангли газ; II-тозаланган газ.

Газли аралашма трубали-электрод ичига ёки пластиналар орасига узатилади. Электродлардаги юқори потенциаллар фарқи ва электр майдонининг турли жинслилиги туфайли манфий электрод-катод атрофидағи газ қатламида анодга қараб йўналган электронлар оқими ҳосил бўлади. Натижада газ нейтрал молекулаларининг электронлар билан тўқнашуви туфайли газ ионизацияга учрайди. Ионизация ўз навбатида газни мусбат ва манфий ионлар ажралишига олиб келади. Мусбат ионлар катод, манфийлари эса катта тезликда анод томон ҳаракат қиласиди. Одатда, чанг ва туман заррачалари анодга чўқади ва уни чўкма қатлами билан қоплайди. Электр майдони таъсирида чўқтириш тезлиги секундига бир неча сантиметрдан бир неча ўнлаб сантиметргача оралиқда бўлади. Чўқтириш тезлиги заррача ўлчами ва газнинг гидравлик қаршилигига боғлиқ.

Электр майдонида заррачаларнинг чўкиш тезлигини аниқлаш учун жараён ламинар режимда амалга ошади деб қабул қиласиз.

Электр майдони зарядланган заррачага  $F = ne_0 \cdot E_x$  (бу ерда  $n$  заррача олган заряд;  $e_0$  - элементар заряд катталиги;  $E_x$  - катод ўқидан  $x$  масофадаги электр майдони потенциали градиенти) куч билан таъсир этади.

Электр майдон таъсирида заррачанинг чўкиш тезлиги ушбу тенгламадан аниқланади:


$$w_q = \frac{ne_0 E_x}{3\pi d\mu} \quad (3.72)$$

Заррачанинг чўкиш давомийлиги:

$$\tau_q = \int_r^R \frac{dx}{w_q} \quad (3.73)$$

бу ерда:  $R$  - катод ўқидан анод ўқигача бўлган масофа;  $r$  - катод радиуси.

Электр майдон потенциали градиенти  $E_x$  катодгача бўлган масофа  $x$  га боғлиқ. Шунинг учун, заррачаларнинг чўкиш вақти (3.73) тенгламани график интеграллаш усули билан аниқланади.



3.36-расм. Трубали электрофильтр.

- 1 - силкитувчи мослама;
- 2 - изолятор; 3 - ром; 4 - "тож" ҳосил қилувчи электрод;
- 5 - трубали электрод - анод;
- 6 - тешикли панжара; 7 - чанг йиггич.

**Трубали электрофильтрлар.** Чанг ва тутун газлари қурилманинг пастки қисми бўлмиш электродлар маҳкамланган тешикли панжара (6) тагига узатилади ва трубали электрод (анод)лар ичига тақсимланади (3.36-расм).

Трубали электродлар ичига "тож" ҳосил қилувчи электродлар-катодлар ўрнатилган. Электродлар изоляторга таяниб турувчи умумий ромда маҳкамланади. Электр майдони таъсирида газ таркибидаги заррачалар чўқади. Анодга чўкиб, қатлам ҳосил қилган заррачалар вақти-вақти билан силкитиб туриласиди ва қурилманинг пастки қисмидаги конуссимон тубда йигилади. Йигилган чанг заррачалардан

иборат чўкма пастки штуцердан тўклилади, тозаланган газ эса фильтрнинг тепа қисмидаги штуцердан атроф мұхитта чиқарип юборилади.

Хозирги кунда, бир нечта кетма - кет уланган секциялардан газ ўтадиган секцияли электрофильтрлар яратилган.

Одатда, трубалар диаметри 150..300 мм ва узунлиги 3..4 м қилиб ясалади. Трубалар ичида тортилган симлар диаметри 1,5..2,0 мм.

Газларнинг тозаланиш даражаси 99%, айрим ҳолларда 99,9% ни ташкил этади.

**Пластинали электрофильтрларда** анод вазифасини пластиналар, катодни эса пластиналар орасига тортилган симлар бажаради. Электрофильтрларда газларни тозаланиш даражаси, чангларнинг электр ўтказувчанлигига боғлиқ.

Агар, заррачалар электр токини яхши ўтказса, унда заррачалар зарядини бир зумда беради ва электрон зарядини эгаллайди. Бунда, бир биридан қочиш Кулон кучи ҳосил бўлиб, фильтрдан газ билан заррачалар учуб кетишига олиб келади ва тозаланиш даражасини камаяди.

Агар, заррачалар электр токини ёмон ўтказса, унда электродда манфий зарядланган заррачалардан иборат зич қатлам ҳосил бўлиб, асосий электр майдонга қарши таъсир қиласди.

Газ таркибидаги заррачалар концентрацияси юқори бўлганда ҳам, газнинг тозаланиш даражаси паст бўлади. Чунки, ионларнинг заррача-ларда чўкиши, олиб ўтилган зарядлар сонини камайишига сабабчи бўлади. Демак, ток кучи ҳам пасаяди.

Газ таркибидаги заррачалар концентрациясини пасайтириш учун электрофильтрдан олдин қўшимча газ фильтрлар ўрнатилади.

Пластинали электрофильтр электродларига чўкган чанглар трубали фильтрнидан осонроқ тозаланади ва сим узунлиги бирлигига камрок энергия ишлатади. Ундан ташқари, бу фильтрлар ихчам, кам металл сарфлайди ва йигилиши осон.

Агар, электродлар сони ва қурилманинг кўндаланг кесими маълум бўлса, электрофильтрларни ҳисоблаш унинг "тоҷли" электродининг узунлигини аниқлашдан иборат бўлади.

Электрофильтрдаги ток миқдори  $I = iL$  га teng бўлиб, бу ерда  $i$  ток зичлиги;  $L$  - электрод узунлиги.

Кўйида келтирилган тенгламадан потенциалнинг критик градиенти топилади:

$$E_K = 31 + 9,54 \sqrt{\frac{\sigma}{r}} \quad (3.74)$$

бу ерда:  $\sigma$  - босим 0,1 МПа да ушбу шароитдаги ҳаво зичлигининг 25°C температурадаги зичлигига нисбати.

Агар, электродлар орасидаги масофани билсак, электродлардаги потенциаллар фарқини топиш мумкин.

Газларни тозаланиш даражаси ушбу умумий формула ёрдамида аниқланиши мумкин:

$$\eta_s = 1 - \frac{x_2}{x_1} = 1 - e^{-\frac{w f}{x_1}} \quad (3.75)$$

бу ерда:  $x_1$  ва  $x_2$  - электрофильтрларга кираётган ва ундан чиқаётган газларда қаттиқ заррачалар концентрацияси,  $\text{кг}/\text{м}^3$ ;  $w$  - электрод юзасига қараб ҳаракат қилаётган зарядланган заррача тезлиги,  $\text{м}/\text{с}$ ;  $f$  - солиштирма чўкиш юзаси,  $\text{м}^2/(\text{м}^3/\text{с})$ .

Трубали электрофильтрлар учун:

$$f = \frac{2l}{rw} \quad (3.76)$$

Пластинали электрофильтрлар учун:

$$f = \frac{l}{hw} \quad (3.77)$$

бу ерда:  $l$  - труба ёки пластина узунлиги, м;  $r$  - чўқтириш электроди трубасининг радиуси, м;  $h$  - чўқтирувчи ва «тожли» электродлар орасидаги масофа, м;  $w$  - электрофильтрларда газнинг тезлиги, м/с.

### 3.21. Газларни тозалаш жараёнини интенсивлаш

Турли хил қурилмаларда газларни тозалаш даражасини ошириш мумкин. Бунинг учун тозалаш жараёнидан аввал газ таркибидаги қаттиқ заррачалар ўлчами катталаштирилиши керак.

Бу мақсадга эришиш учун акустик коагулация\* қўлланиши мумкин, яъни газ аралашмасига акустик тебранма товуш ва ультра товуш частоталарини таъсир эттириш керак. Товуш ва ультра товушларнинг кескин ўзгариши ўта майда заррачаларни интенсив тебранишига сабабчи бўлади. Натижада, заррачаларнинг ўзаро тўқнашуви ва ўлчами кескин ортади.

Газларга товуш баландлиги 145...150 дБ ва тебраниш частотаси 2...50 кГц бўйлан акустик таъсир берилади.

Заррачалар ўлчамини катталаштиришнинг бошқа усуллари ҳам бор. Масалан, қаттиқ заррачаларда сув буғларини конденсациялаш. Бунинг учун, иссиқ газ оқимига ўта майда совуқ сув томчиларини пуркаш, совуқ газ оқимига совуқ сув пуркаш каби йўллар билан эришиш мумкин.

Газ тозалаш қурилмаларини танлашда уларнинг техник – иқтисодий кўрсаткичларини инобатта олиш зарур. Асосий кўрсаткичлар қаторига қўйидагилар киради: газнинг тозаланиш даражаси; қурилманинг гидравлик қаршилиги; тозалаш учун электр энергия, буф ва сув сарфлари; қурилма ва газнинг тозалаш нархлари. Булардан ташқари, тозалаш самарадорлигига таъсир этувчи омилларни ҳам инобатга олиш керак, яъни газнинг намлиги ва концентрацияси, температураси ва кимёвий агрессивлиги, чангнинг хоссалари (гигроскопиклиги, толалиги, ёпишқоқлиги, қуруқлиги), заррача ўлчамлари, унинг фракция таркиби ва ҳоказо.

Кўйидаги 3-2 жадвалда газ тозалаш қурилмаларининг айрим ўртача характеристикалари келтирилган.

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, циклон ва инерцион чанг ушлагичлар газларни фақат ўлчамлари катта заррачалардан дағал ажратиш учун қўлланиши мумкин. Албатта, бу газлар қуруқ ва таркибидаги заррачалар ёпишқоқ ва толали бўлмаслиги зарур. Шу билан бирга, бу қурилмалар катта капитал ва эксплуатацион сарфлар талаб этмайди.

Шунинг учун, бу турдаги қурилмалар газсимон турли жинсли системаларни дағал, дастлабки тозалаш учун, сўнг эса электрофильтр ва енгли фильтрларда тўлиқ тозалаш мақсадида ишлатилади. Ундан ташқари, бундай дағал тозалаш вентилятор парракларини емирилишдан сақлайди.

Циклон ва батареяли циклонларни юқори концентрацияли газларни тозалаш учун, батареяли циклонларни газсимон турли жинсли системаларнинг сарфи катта бўлганда қўллаш тавсия этилади.

Курилма	Газдаги чантнинг максимал миқдори, кг/м <sup>3</sup>	Айрим заррачалар ўлчами, мкм	Тозала-ниш даражаси, %	Гидравлик қаршилик, Н/м <sup>2</sup>
Чант чўқтириш камераси	чегараданмаган	> 100	30..40	
Циклон	0,4	> 10	70..95	400..700
Батареяли циклон	0,1	> 10	85..90	500..800
Марказдан қочма скрубберлар	0,05	> 2	90..95	400..800
Енгли фильтр	0,02	> 1	98..99	500..2500
Кўпикли чант ушлагич	0,3	> 0,5	95..99	300..900
Вентури скруббери	0,05	> 1	95..99	1500..7000
Электрофильтр	0,01..0,05	> 0,005	99..99,9	100..200

Заррача ўлчамлари 1 мкм дан ортиқ, қуруқ ва қийин хўлланадиган чангларни майин тозалаш учун енгли фильтрлардан фойдаланилади. Лекин, бу турдаги фильтрларни ёпишқоқ ва нам чангларни тозалаш учун ишлатиб бўлмайди.

Майда дисперс чангли газларни тозалаш учун скруббер, кўпикли чант ушлагич ва электрофильтрлар кўлланилади. Тозаланаётган газ совитилиши ва намланиши рухсат этилган, ҳамда ажратилаётган заррачалар қимматбаҳо маҳсулот бўлган ҳолларда, скруббер ва кўпикли чант ушлагичлар кўлланиши мақсадга мувофиқдир. Бу қурилмалар содда, нархи ва эксплуатацион сарфлари электрофильтрницидан анча кам.

Лекин, ушбу усулда чангли газларни ажратиш жараёнида жуда кўп сув сарф бўлади. Шу сабабли, қурилма коррозиясининг тезлиги юқоридир. Агар, дисперс заррачалар атроф мұхитни ифлослантириш ҳавфи бўлган ҳолларда, уларни суюқ фазадан ажратиб олиш учун қўшимча қурилма талаб этилади.

Электр майдон таъсирида чангли газларни тозалаш юқори кўрсаткичларга эришиш имконини беради. Электрофильтрларнинг гидравлик қаршилиги кичик ва энергия сарфи кам бўлади. Соатига 1000 м<sup>3</sup> газни тозалаш учун 0,2..0,3 кВт·соат электр энергия сарфланади. Қуруқ газларни тозалаш учун кўпинча пластинали, туман ва қийин ушланадиган чангларни тозалаш учун эса трубали электрофильтрлар ишлатилади. Бу турдаги қурилмалар қиммат турди ва эксплуатация қилиш анча мураккабдир. Ундан ташқари, газ таркибидаги заррачалар солиштирма электр қаршилиги кичик бўлса, электрофильтрларни кўллаш етарили самара бермайди.

Газсимон турли жинсли системаларни тозалаш қурилмаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, улар самарадорлигининг ортиши одатда энергетик сарф ва қурилма ўлчамларининг ўсиши билан боғлиқ. Масалан, енгли ва электр фильтрлар чангли газларнинг тезликлари кичик бўлганда юқори самара беради, яъни катта ўлчамли қурилмалarda жараён ташкил этилганда.

Циклонлар ва Вентури скрубберларнинг гидравлик қаршиликлари қанчалик юқори бўлса, улар чангли газларни ўнчалик самарали фазаларга ажратади, лекин чангли газни узатиш учун энергия сарфи ҳам ўнчалик кўп бўлади.

Шунинг учун, ҳар бир аниқ ҳолатда қурилмани танлаш кўпгина кўрсаткичларни ҳисобга олишни тақозо этади.

\* coagulatio (лотинча) – ивиб йириклишиши ва оғирлашиши.

# **ҚҰЗҒАЛМАС ВА МАВХУМ ҚАЙНАШ ҚАТЛАМЛАРИ ГИДРОДИНАМИКАСИ**

## **3.22. Умумий түшүнчалар**

Кимё, озиқ-овқат ва бөшқа саноатларнинг технологик, жараёнларида айрим элементлардан таркиб топған құзғалмас қатлам материаллари орқали томчили суюқлик ёки газлар оқиб ўтади.

Донадор қатлам элементларининг шакли ва ўлчами турли туман күринишга зга: масалан, фильтрлар чўкма қатламининг майда заррачалари; гранула; таблетка, катализатор ёки адсорбент бўлаклари; абсорбцион ва ректификацияни колонналардаги йирик насадкалар.

Бирор қатлам заррачаларининг ўлчами бир хил ёки турлича бўлишига қараб, донадор қатламлар **монодисперс** ёки **полидисперс** бўлиши мумкин.

Донадор қатлам орқали суюқлик ҳаракати даврида қатлам заррачалари орасидаги бўшлиқлар суюқлик билан тўлиб туради. Бунда, суюқлик қатламнинг заррачаларини, элементларини ювиги ва нотўри шаклли каналлар орқали оқиб ўтади. Бундай ҳаракат гидродинамиканинг аралаш масаласини ташкил этади.

## **3.23. Құзғалмас донадор ва ғовак қатламлар орқали суюқлик ҳаракати**

Газ энергияси ҳисобига қаттиқ заррачаларнинг бир бирига нисбатан тартибсиз ҳаракатига, яъни қатлам худди қайнайтганцек бўлиб кўринишига «қаттиқ жисм – газ» икки фазали системанинг мавхум қайнайти деб аталади. Ишчи элткич таъсирида ҳосил бўлган мавхум қайнаш системасининг мавхум қайнаш ёки қайнаш қатлами деб номланишининг келиб чиқиш сабабларидан бири, ушбу қатламга томчили суюқликлар кўп хоссаларининг мослиги дидир.

Агар, қаттиқ материал қатламининг мавхум қайнаш ҳолатини таъминловчи тезлик билан юқорига қараб ишчи элткич ҳаракат қиласа, мавхум қайнаш қатлами ҳосил бўлади.

Охирги вақтда кимё, озиқ-овқат ва бөшқа саноатларнинг барча корхоналарида мавхум қайнаш жараёнлари кенг кўламда қўлланилмоқда. Ушбу жараён аралаштириш, узатиш, сочитувчан материалларни классификациялаш, иссиқлик алмашиниш, куритиш, адсорбция, абсорбция, грануллаш, кристалланыш ва бөшқа жараёнларда юқори натижалар бермоқда. Бундай ижобий натижалар мавхум қайнаш жараёнининг қуйидаги афзалликлари билан белгилана-ди:

1. Қаттиқ заррачалар интенсив аралашиши, қурилманинг бутун ҳажми бўйлаб материал температураси ва концентрацияларининг текисланишига олиб келади. Бу ҳол ўз навбатида жараённи оптималь ташкил этишга ҳалақит берувчи қаттиқ заррачаларни локал ўта қизиб кетиш олдини олади;
2. Мавхум қайнаш қатламининг юқори оқувчанлиги материални бетўхтов узатувчи ва тайёр маҳсулотни тўкувчи, яъни узлуксиз равишда ишлайдиган қурилмаларни яратиш имконини беради;
3. Кичик ўлчамли, катта солишишрма юзали заррачалар қайта ишланганда иссиқлик ва масса алмашиниш юзалари кескин ортади, ҳамда диффузион қаршилилк камаяди. Бу ҳол ўз навбатида қурилманинг иш унумдорлигини оширишга олиб келади;
4. Иссиқлик алмашиниш жараёнлари интенсивлашади, бу эса иссиқлик алмашиниш қурилмалари ишчи ҳажмларини камайтириш имконини яратади;
5. Мавхум қайнаш қатлами қурилмалар гидравлик қаршилиги кичик бўлади ва газ оқимининг тезлигига боғлиқ эмас;

6. Қаттиқ заррачалар ва ишчи элткичлар хоссалари жуда кенг оралиқда ўзгарадиган, ҳамда суспензия ва пастасимон материаллар ҳам мавхум қайнаш жараёнида қайта ишланиши мүмкин;

7. Мавхум қайнаш қатламли қурилмалар тузилиши содда, ихчам ва осон автоматлаштирилади.

Юқорида қайд этилган афзалликлар билан бирга, мавхум қайнаш жараёнининг қуидаги камчиликлари бор:

бир секцияда заррача ва ишчи элткичларнинг бўлиш вақти бир хил эмас;

мавхум қайнаш қатламида заррачалар бир бирига урилиши натижасида едирилади;

заррачаларни едирилиши натижасида ҳосил бўлган чанг қурилмадан учуб кетади. Бу ҳол, албатта қўшимча чанг ушлагичлар ўрнатилишини тақозо этади;

диэлектрик материал заррачалари мавхум қайнаш қатламли қурилмаларда ишлов берилганда, статик электр зарядлар ҳосил қиласи. Бу эса, портлаш ҳавфини тутдиради.

Қайд этилган мавхум қайнаш жараёнининг камчиликлари салмоқли эмас ва улар қисман ёки бутунлай бартараф қилиниши мүмкин.

Сочилувчан, донадор материаллар қатлами гидравлик қаршилик, заррачалар ўчами, солиштирма юза ва бўш ҳажм улуши билан характерланади.

**Солиштирма юза  $\alpha$  ( $\text{m}^2/\text{m}^3$ )** қатламнинг ҳажм бирлигига жойлашган ҳамма заррачалар юзасини ифодалайди.

Донасимон заррачалар орасидаги бўшлиқ ҳажмининг қатлам ҳажмига нисбати бўш ҳажм ёки **ғоваклилик  $\varepsilon$**  (е) дейилади ва у ўлчамсиз катталиқдир:

$$\varepsilon = \frac{V - V_0}{V}$$

бу ерда  $V$  - донасимон қатлам ҳажми,  $\text{m}^3$ ;  $V_0$  - қатлам заррачалари эгаллаган ҳажм,  $\text{m}^3$ .

Агар, бирор қурилмада донасимон материаллар баландлиги  $H$  (м) кўндаланг кесим юзаси  $F$  ( $\text{m}^2$ ) бўлса, унда қатлам ҳажми  $V = FH$  ва заррачалар эгаллаб турган ҳажм  $V_0 = FH(1-\varepsilon)$  га тенг бўлади. Тегишли қатламнинг бўш ҳажми  $V_{\delta x} = FH\varepsilon$ , заррачалар юзаси эса -  $FHa$  га тенг.

Қатлам каналларининг кўндаланг кесимлар йигиндиси ёки қатламнинг бўш кўндаланг кесимини топиш учун  $V_{\delta x}$  ни канал узунлигига бўлиш керак. Агар, каналларнинг ўртача узунлиги қатлам баландлигидан  $\alpha_3$  марта ортиқ бўлса, каналлар узунлиги  $\alpha_K H$  ва қатламнинг бўш кўндаланг кесими  $FH\varepsilon/\alpha_3 H = F\varepsilon/\alpha_3$  (бу ерда  $\alpha_3$  - каналларнинг эгрилик коэффициенти).

Бўш кўндаланг кесимнинг хўлланган периметри каналлар умумий юзасини уларнинг ўртача узунлигига бўлиш йўли билан топилади, яъни  $P = FHa/\alpha_K H = Fa/\alpha_K$ .

Агар, қатламнинг бўш кўндаланг кесими ва хўлланган периметри маълум бўлса, эквивалент диаметрни ушбу тенгламадан аниқласа бўлади:

$$d_s = \frac{4F}{P} = \frac{4}{\frac{Fa}{\alpha_K}} \left( \frac{F\varepsilon}{\alpha_K} \right) = \frac{4\varepsilon}{\alpha_K} \quad (3.78)$$

Эквивалент диаметр  $d_3$ , қатlam заррачалари үлчамлари орқали ҳам ифодаланиши мумкин. Агар, қатlam ҳажми  $1 \text{ m}^3$ , заррачалари сони  $n$  та бўлса, уларнинг ҳажми ( $1-\varepsilon$ ) ва юзаси  $a$  га тенг деб ҳисоблаймиз. Унда, битта заррачанинг ҳажми:

$$V_3 = \frac{1 - \varepsilon}{n} = \frac{\pi d^3}{6}$$

юзаси эса:

$$F_3 = \frac{a}{n} = \frac{\pi d^2}{f}$$

бу ерда  $d$  - заррача ҳажмига тенг эквивалент шарнинг диаметри;  $f$  - шакл коэффициенти (шар учун  $f = 1$ ).

Унда, заррача юзасининг ҳажмига нисбати ушбу кўринишдан топилади:

$$\frac{a}{1 - \varepsilon} = \frac{6}{df}$$

бундан

$$a = \frac{6(1 - \varepsilon)}{fd} \quad (3.79)$$

Агар, (3.79) ни (3.78) тенгламага қўйсак, куйидаги формулани оламиз:

$$d_3 = \frac{2fed}{3(1 - \varepsilon)} \quad (3.80)$$

Полидисперс заррачалардан таркиб топган қатlam учун диаметр  $d$  ушбу нисбатдан ҳисоблаб топилади:

$$d = \frac{1}{\sum_{i=1}^n \frac{x_i}{d_i}} \quad (3.81)$$

бу ерда  $x_i$  -  $d_i$  диаметрли заррачаларининг ҳажмий ёки массавий улуши.

Донасимон қатlam заррачалари орасидаги каналларда ҳаракатланаётган оқимнинг ҳақиқий тезлиги  $w$  ни аниқлаш жуда қийин. Шунинг учун, аввал суюқликнинг мавхум тезлиги  $w_0$  топилади. Ҳақиқий ва мавхум тезликлар орасида қуйидаги боғлиқлик бор:

$$w = \frac{w_0}{\varepsilon} \quad (3.82)$$

Суюқлик донасимон қатlamга ҳаракат қилганда, (ишқаланиш қаршилиги) гидравлик қаршиликни, босим йўқотилишини ҳисоблаш формуласи (2.48) дан топиш мумкин:

$$\Delta P_{uk} = \lambda \frac{l}{d_s} \frac{\rho w^2}{2} = \lambda \frac{H}{\left[ \frac{2fed}{3(1-\varepsilon)} \right]} \frac{\rho}{2} \left( \frac{w_0}{\varepsilon} \right)^2$$

ёки

$$\Delta P = \frac{3(1-\varepsilon)}{2\varepsilon^3 f} \lambda \frac{H}{d} \frac{\rho w_0^2}{2} \quad (3.83)$$

Маълумки, гидравлик қаршилик коэффициенти  $\lambda$  гидродинамик режимга боғлиқ бўлиб, Рейнольдс критерийси қиймати билан белгиланади.

Агар (3.82) дан  $w$  ва (3.80) дан  $d_s$  ларнинг қийматларини  $Re$  қўйсак, ушбу кўринишдаги Рейнольдс критерийсини оламиз:

$$Re = \frac{wd_s\rho}{\mu} = \frac{w_0 4 \varepsilon \rho}{\varepsilon a \mu}$$

ёки

$$Re = \frac{4w_0 \rho}{a \mu} = \frac{4W}{a \mu} \quad (3.84)$$

бу ерда  $W$  - қурилманинг  $1 \text{ m}^2$  кўндаланг кесимига тўғри келадиган суюқликнинг массавий тезлиги,  $\text{кг}/(\text{м}^2 \cdot \text{с})$ .

Олинган формуладаги солиштирма юза  $a$  ўрнига (3.79) тенгламадаги қийматни ёки  $Re$  формуласига  $d_s$  нинг қийматини (3.80) дан тўғридан-тўғри қўйсак, қийидаги кўринишга эга бўламиз:

$$Re = \frac{2}{3} \cdot \frac{f}{1-\varepsilon} \cdot \frac{w_0 d \rho}{\mu} = \frac{2}{3} \cdot \frac{f}{1-\varepsilon} \cdot Re_0 \quad (3.85)$$

бу ерда:

$$Re_0 = \frac{w_0 d \rho}{\mu} \quad (3.86)$$

Гидравлик қаршилик коэффициенти  $\lambda$  ни ҳисоблаш учун бир қатор формулалар келтириб чиқарилган. Суюқликларнинг сочилувчан, донадор қатламларда ҳаракат қилишидаги ҳамма режимлар умумий гидравлик қаршилик коэффициентини ҳисоблаш қийидаги формула ёрдамида амалга оширилади:

$$\lambda = \frac{133}{Re} + 2,34 \quad (3.87)$$

Ушбу формуладаги  $Re$  критерийси (3.86) формула орқали аниқланган.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, газ донадор қатлам орқали ҳаракат қилганда турбулент режим, суюқлик труба ичидаги ҳаракат пайтидагидан, аввалроқ бошлиғанди. Лекин, ламинар ва турбулент режимлар орасида кескин ўтиш ҳолати йўқ. Ламинар режим  $Re < 50$  дан қийматларда амалга ошади. Ушбу режимда донадор қатлам учун  $\lambda = A/Re$ .

Агар,  $Re < 1$  бўлганда (3.87) формуладаги қўшилувчи ҳисобга олинмайди, яъни  $\lambda$  қўйидаги формуладан топилади:

$$\lambda = \frac{133}{Re} \quad (3.88)$$

Агар,  $Re > 700$  бўлганда, донадор қатламда турбулент режимнинг автомодель соҳаси бошланади, яъни жараён тезликга боғлиқ бўлмайди. Унда, (3.87) формуладаги биринчи қўшилувчини тушириб қолдириш мумкин, яъни:

$$\lambda \approx 2,34 = const \quad (3.88a)$$

Донадор қатлам бўш ҳажми ёки ғоваклилиги  $\varepsilon$  қурилмага материални юклаш услубига боғлиқ. Масалан, шарсимон материаллар эркин тўкиб юклангандаги қатламнинг ғоваклилиги ўртача  $\varepsilon \approx 0,4$  га teng. Лекин, амалиётда  $\varepsilon$  нинг қиймати 0,35 дан 0,45 гача бўлади.

Ундан ташқари, донадор қатламнинг  $\varepsilon$  катталиги заррача диаметри  $d$  ва қурилма диаметри  $D$  орасидаги нисбатга боғлиқдир. Бунга сабабчи девор олди эффектидир, яъни левор яқинида заррачалар зичланиши ҳар доим кам бўлади. Шунинг учун, девор олдида қатламнинг ғоваклилиги қурилма маркази ғоваклигидан ҳар доим юқоридир. Ушбу фарқ  $d/D$  ортиши билан кўпайиб боради.

Саноат донадор қатламли қурилмаларини моделлаштиришда модел қурилма диаметри материал заррачалари диаметридан энг камида 8...10 марта катта бўлиши шарт.


### 3.24. Мавхум қайнаш жараёни асослари ва гидродинамикаси

Суюқлик оқими исталган тезликларда, фақат пастдан юқорига ҳаракат қилгандагина, донадор қатлам орқали суюқлик ҳаракати қонуниятлари ушбу жараён учун тааллуқлидир. Суюқлик оқимининг юқори чегараси қатлам қўзғалмас ҳолати билан белгиланади.

3.37-расмда қаттиқ заррачалар қатламининг пастдан юқорига кўтарилувчи оқим тезлигига боғлиқлик 3 ҳолати тасвирланган.

Газ тақсимлаш тўри орқали пастдан юқорига қараб кичик тезлик билан газ ёки суюқлик оқими юборилса, донадор қатлам қўзғалмас ҳолатида қолади (3.37a-расм). Бунда оқим тезлиги ўзгариши билан қатлам (солиштирма юза, ғоваклилик ва ҳоказо) нинг характеристикалари ўзгартмайди. Қатлам орқали ўтаётган газ (ёки суюқлик) оддий, фильтрланиб ҳаракатланади.

Лекин, газ (ёки суюқлик) оқимининг тезлиги аста секин ошириб борилса, тезликнинг маълум бир критик қийматида қатламдаги заррачалар оғирлиги билан оқимнинг гидродинамик босим кучи тенглашади. Бунда қатламнинг қўзғалмас ҳолати бузилади ва унинг ғоваклилиги, баландлиги кўпайиб боради. Шу вақтда қатлам заррачалари силжиб бошлайди ва қатлам окувчанликка эга бўлиб бошлайди. Агар газ оқими тезлиги янада оширилса, қатлам кенгаяди, заррачалар ҳаракати фаоллашади, лекин гидродинамик мувозанат ҳали ҳам бузилмайди. Бу ҳол қатламнинг мавхум қайнаш жараёнига ўтганлигини кўрсатади, яъни бутун қатлам худди қайнайтгандек бўлиб кўринади (3.37b-расм). Қатламнинг бундай ҳолатида қаттиқ заррачалар интенсив, тартибсиз, турли йўналишларда ҳаракат қиласи.



3.37-расм. Қаттиқ заррачалар қатлами орқали газ (суюқлик) ҳаракати.  
а-күзғалмас қатлам; б-мавхум қайнаш қатлами;  
в - қаттиқ заррачаларнинг оқим билан чиқиб кетиши.

Агар газ оқимининг тезлиги янада оширилса, қатлам ғоваклилиги ва баландлиги кескин кўпайиб боради. Газ тезлиги маълум бир критик қийматга етганда мавхум қайнаш қатлами бузилади. Бунда гидродинамик босим кучлари қатлам заррачалари оғирлик кучидан ошиб кетади ва қаттиқ заррачалар газ оқими билан бирга учиб чиқа бошлайди (3.37в-расм). Газ оқими билан қаттиқ заррачаларнинг ёппасига учиб чиқа бошлаш ҳодисаси **пневмотранспорт** деб номланади ва саноатда сочилувчан материалларни узатиш учун ишлатилади.

3.38-расмда донадор қатлам баландлиги ва гидравлик қаршилигининг оқим **соҳта** (курилма кўндаланг кесим юзасига нисбатан ҳисобланган тезлик) тезлигидан боғлиқлик графиклари келтирилган.


Қатлам кўзғалмаслиги бузилиб, мавхум қайнаш ҳолатига ўтиш пайтидаги тезлик мавхум қайнашнинг бошланиш тезлиги ёки биринчи критик тезлик деб номланади ва  $w_{MK}$  ҳарфи билан белгиланади.

Агар, газ оқими тезлигини  $w_{MK}$  гача ошириб борилса донадор қатлам гидравлик қаршилиги ортиб боради (3.38б-расм). Лекин,  $w_0$  қиймати ошиши билан қатламнинг баландлиги умуман ўзгармайди (3.38а-расм АВС чизик).

Оқимнинг гидродинамик босим кучи қаттиқ заррачалар қатлами оғирлик кучига тенг бўлганда мавхум қайнаш жараёни бошланади. Лекин, амалда **B** нуқтадаги тегишли босимлар фарқи бевосита мавхум қайнаш бошланишига (**C** нуқта) оид  $\Delta P$  дан, яъни қатламни мавхум қайнаш ҳолатида ушлаб туриш учун зарур гидродинамик босим кучидан кўпроқ бўлади.

Бунга сабаб, қўзғалмас қатлам ҳолатидаги заррачалар орасидаги тортишиш кучидир. Газ оқими тезлиги  $w_{MK}$  бўлганда, заррачалар орасидаги тортишиш кучларини енгади ва гидродинамик босим кучи ( $\Delta P$ ) қатлам заррачалари оғирлигига тенглашади.

3.38б-расмдан кўриниб турибдики, юқорида айтилган шартлар мавхум қайнаш жараёнининг ҳамма оралигида (**CE** чизик) бажарилмоқда. Мавхум қайнаш бошланиши билан оқимнинг гидродинамик босим кучлари қатламдаги қаттиқ заррачалар оғирлигини мувозанатда ушлайди.



3.38- расм. Донадор заррачалар қатлами баландлиги (а) ва гидравлик қаршилигининг (б) оқим тезлигига бөллиқлигі.

Эмас, балки **CD** чизиги билан ифодаланади (3.38-расм). Ушбу ҳодиса **гистерезис** деб номланади. Гистерезис ҳодисасининг пайдо бўлишига сабаб, заррачалар ўргасидаги ўзаро тортишиш кучи, яъни ушбу кучни енгишга қўшимча энергия сарф бўлишидир. Ундан ташқари, мавхум қайнаш жараёни тутагандан сўнг, қўзғалмас қатлам ғоваклилиги ёки баландлиги мавхум қайнаш жараёни бошлашдан аввалги қатламнидан бир оз кўп бўлади (3.38-расм). Бунинг исботи расмдаги **CD** чизиккнинг **AB** дан тепада жойлашганигидир.

Агарда жараён яна қайтадан бошланса, яъни газ оқими тезлиги ортиши билан қатламниң гидравлик қаршилиги **AB** чизиги эмас, балки **CD** чизиги билан ифодаланади. Хулоса қилиб айтганда, гистерезис ҳодисаси намоён бўлмайди.

Мавхум қайнаш жараёни эгри чизигининг шакли қатлам ҳолатини ифодалайди. Мавхум қайнаш жараёни  $w_{MK}$  ва  $w_yu$  тезликлар оралиги билап чегараланади.

Ишчи тезлик  $w$  нинг мавхум қайнаш бошланиши тезлиги  $w_{MK}$  га нисбати мавхум қайнаш сони  $K_w$  деб аталади ва у қуйидаги кўринишга эга:

$$K_w = \frac{w_0}{w_{MK}} \quad (3.89)$$

Мавхум қайнаш сони заррачаларниң араласиши интенсивлиги ва қатлам ҳолатини ифодалайди.

Кўпчилик ҳолатларда заррачаларниң интенсив араласиши  $K_w \approx 2$  да бўлиши тажриба йўли билан аниқланган. Аниқ технологик жараён учун  $K_w$  нинг оптималь қиймати кенг оралиқда ўзгаради ва у тажриба йўли билан топилади.

Газ оқими тезлиги ортиши билан қатлам заррачалари оғирлиги ўзгармайди. Демак, қатламни мавхум қайнаш ҳолатида ушлаб туриш учун зарур бўлган  $\Delta P$  ҳам бир хил бўлади. Бу ҳолат 3.38б-расмда **CE** чизиги билан ифодаланади. Агар тезлик яна оширилса, мавхум қайнаш мувозанати бузилиб, қурилмадан газ оқими билан заррачалар ёппасига учиб чиқа бошлайди. Ушбу ҳолатга оид тезлик учиб чиқиши тезлиги ёки иккинчи критик тезлик деб юритилади ва  $w_yu$  белги билан ифодаланади.

Бу ҳолатда қатламниң ғоваклилиги жуда катта бўлади, яъни  $\varepsilon$  ни қиймати 1 яқинлашиб боради. Агар, ишчи тезлик  $w_0$  қиймати  $w_yu$  дан озгина ортса, заррачаларниң қурилмадан ёппасига учиб чиқиши бошланади.

Агар, газ оқими тезлиги аста секин камайтириб борилса, жараён эгри чизиги **ABC** чизик

Шарсимон шаклли ( $f \approx 1$ ), ғоваклилиги  $\varepsilon \approx 0,4$  бўлгани қатлам мавхум қайнашининг бошланиш тезлиги проф. О.М.Тодес формуласи ёрдамида аниқланиши мумкин:

$$Re = \frac{Ar}{1400 + 5,22\sqrt{Ar}} \quad (3.90)$$

бу ерда

$$Re_{mk} = \frac{w_{mk} d}{\mu}$$

Мавхум қайнаш бошланиш тезлиги:

$$w_{mk} = \frac{Re_{mk} \mu}{d\rho}$$

(3.90) формуладаги Архимед ( $Ar$ ) критерийси ушбу формуладан топилади:

$$Ar = \frac{gd_3^3}{v^2} \cdot \frac{\rho_k - \rho}{\rho}$$

бу ерда  $d_3$  - заррача эквивалент диаметри, м;  $v$  - муҳит кинематик қовушоқлиги,  $m^2/c$ ;  $\rho$  ва  $\rho_k$  - муҳит ва заррача зичликлари,  $kg/m^3$ .

$w_0 > w_{mk}$  бўлган ҳолатда тезлик ортиши билан қатлам кенгаяди ва ғоваклилиги (бўш ҳажми) кўпаяди.

Мавхум қатлам мувозанати бузилиши ва заррачаларнинг ёппасига учебчиқиши тезлигини ифодаловчи иккинчи критик тезлик ҳам проф. О.М.Тодес томонидан келтириб чиқарилган формула ёрдамида ҳисоблаш мумкин:

$$Re_{yu} = \frac{Ar}{18 + 0,575\sqrt{Ar}} \quad (3.91)$$

бунда

$$Re_{yu} = \frac{w_{yu} d\rho}{\mu}$$

Уеби чиқиши тезлиги эса:

$$w_{yu} = \frac{Re_{yu} \mu}{d\rho}$$

Қатлам ғоваклилиги  $0,4 < \varepsilon < 1$  оралиқда бўлганида  $Re$  ни ҳисоблаш учун қўйидаги умумлаштирилган формула таклиф этилади:

$$Re_0 = \frac{Ar \cdot \varepsilon^{4,75}}{18 + 0,6\sqrt{Ar \cdot \varepsilon^{4,75}}} \quad (3.92)$$

Агар,  $w$  маълум бўлса  $\varepsilon$  ни (3.92) формулада топиш мумкин:

$$\varepsilon = \left( \frac{18 Re_0 + 0,36 Re_0^2}{Ar} \right)^{0,21} \quad (3.93)$$

Үзгармас қатлам  $H_k$  ва мавхум қайнаш қатлами баландликлари  $H_{mk}$  ўртасида қуидаги боғлиқлик бор.

$$H_{mk} (1 - \varepsilon_{mk}) = H_k (1 - \varepsilon_k) \quad (3.94)$$

бу ерда  $\varepsilon_k$  ва  $\varepsilon_{mk}$  - күзгалмас ва мавхум қайнаш қатламларининг ғоваклилиги.

Қатламдаги босимлар фарқи ушбу тенгламадан аниқланади:

$$\Delta p = g\rho(1 - \varepsilon)H \quad (3.95)$$

$$\varepsilon = 1 - \frac{\rho_k}{\rho_3} \quad (3.96)$$

бу ерда  $\rho_k$  - қатлам зичлиги, кг/м<sup>3</sup>;  $\rho_3$  - қаттиқ заррачалар зичлиги, кг/м<sup>3</sup>.

Күзгалмас қатлам ғоваклилиги эса:

$$\varepsilon_0 = 1 - \frac{\rho_T}{\rho_3}$$

бу ерда  $\rho_T$  - материалнинг «тўқма» зичлиги, кг/м<sup>3</sup>.


Қаттиқ заррачалар қатламидаги босимлар фарқини ҳисоблаш учун Эрган формуласини кўллаш мумкин:

$$\Delta P = 150 \frac{(1 - \varepsilon_0)^2}{\varepsilon_0^3} \frac{\mu w}{d_s^2} H + 1,75 \frac{1 - \varepsilon_0}{\varepsilon_0^3} \cdot \frac{\rho_n w^2}{d_s} H \quad (3.97)$$

Мавхум қайнаш қатлами бир ва турли жинсли бўлиши мумкин.

Бир жинсли мавхум қайнаш амалда фақат томчили суюқлик оқимида қаттиқ заррачалар мавхум қайнаш жараёниди содир бўлади.

Бунда оқим тезлиги  $w_{mk}$  дан кўпайиб кетганда қатлам баландлиги ортса ҳам уни тепа чегараси сезиларли даражада тсбранмайди (3.39а-расм).



**3.39-расм. Мавхум қайнаш қатламининг турлари.**  
а - бир жинсли; б - турли жинсли;  
в - барботажли; г - поршенли;  
д - каналли.

келади (3.38а-расм).  $CE$  ва  $CE_1$  нуқтали чизиқлар мавхум қайнаш қатлами тебраниш оралигини билдиради.

Турли жинсли қатламнинг мавхум қайнаш жараёни учун қатламда ҳар хил ўлчамли пуфакчалар мавжудлиги характерлидир. Агар, мавхум қайнаш со-

аммо, саноат корхоналарида асосан «қаттиқ жисм газ» системасида мавхум қайнаш жараёни ишлатилиди (3.39б-расм). Одатда, бу система кўпинча, турли жинсли бўлади. Баъзи ҳолларда газ пуфакчаларига эга бўлган мавхум қайнаш жараёни содир бўлади. Бу пуфакчалар қатлам тепа қисмига етганда ёрилади ва натижада қатлам баландлигининг тебранишига олиб

ни кичик бўлса, қатламнинг турли жинсли эканлиги унинг характеристикала-рига таъсир этмайди. Аксинча, ҳаракатланувчи пуфакчалар қатламдаги зарра-чалар аралашишни жадаллаштиради. Лекин,  $K_w$  ўсиши билан қатламнинг турли жинслилиги ортади, яъни пуфакчалар ўлчами катталашади ва қатлам тенга чегарасидан қаттиқ заррачалар интенсив равищда улоқтирилади. Пуфак-чалар кўндаланг ўлчами қурилма ўлчамигача йириклишиб боради. Натижада **поршенили режим** ҳосил бўлади (3.39-расм). Бу режимда қаттиқ жисм ва газ ўргасидаги ўзаро таъсир ёмонлашади.

Агар, нам ёки жуда майда, ҳамда ёпишқоқ заррачалар мавхум қайнаш ҳолатига келтирилганда **каналли** мавхум қайнаш жараёни пайдо бўлади (3.39-расм). Канал ҳосил қилувчи қатламнинг энг сўнгти ҳолати бўлиб фаввора қатлам ҳисобланади. Бунда, қурилма ўқи атрофидаги канал орқали газ оқими қатламдан отилиб чиқади.

**Донадор-толали материалларнинг мавхум қайнаши.** Маълумки, Ватани-мизнинг энг асосий техник ҳом – ашёси пахта чигитидир. Пахта чигити кўп қатламли, нотўғри шаклли, гетероген система бўлиб, унинг ядроси – коллоид - капилляр ғовакли гель, қобиги-ёғочсимон тузилиши ва ташқи юзаси қуюқ пахта толалари билан қоплангандир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар бир қатлам ўзаро физик механик ва диффузион – иссиқлик хоссалари билан бир биридан кескин фарқ қиласи. Умуман олганда эса, пахта чигитини донадор сочишувчан материаллар гуруҳига қўшиб бўлмайди, чунки заррачалар орасидаги тортишиш кучи дона-дор материалларнидан анча катта ва бу гуруҳга келтириб чиқарилган асосий қонуниятларга бўйсунмайди.


Шунинг учун, кўпинча илмий тадқиқотлар ва назарий таҳлил асосида, пахта чигити алоҳида донадор - толали материаллар гуруҳига ажратиб олинди.

Ундан ташқари, пахта чигитининг яна бир неча ўзига хос ҳусусиятлари борлиги ҳам унга алоҳида ёндошиш кераклигини тақозо этади. 3.40-расмдан кўриниб турибдики, чигитнинг туклилиги ортиши билан унинг эквивалент диаметри орта-ди ва келтирилган зичлиги камаяди.

Бундай мураккаб тузилиш ва шакли пахта чигитининг шакл коэффициен-ти ушбу эмпирик тенгламадан аниқла-нади [5,6,13]:

$$f = 1,063 + 5,5 \cdot 10^{-2} O_n$$


бу ерда  $O_n$  – пахта чигити туклилиги, %.



3.40-расм. Туксизланган (а) ва тукли (б) пахта чигити.

Чигитнинг физик механик хоссаларини ўрганиш шуни кўрсатадики, унинг туклилиги ортиши билан қатламдаги заррачалар орасида тортишиш кучи кўпаяди. Бунинг яққол исботи мавхум қайнаш бошланишнинг материал туклилигига боғлиқлик графигида кўриш мумкин (3.41-расм). Агар чигит туклилиги  $O_n = 0$  дан  $O_n = 13\%$  гача ортса, унда мавхум қайнаш бошланиш тезлиги 1,2 м/с дан 2,16 м/с гача кўпаяди. Бу албатта чигитнинг туклилиги ва улар орасидаги тортишиш кучлари, ҳамда материалнинг ноксимон, нотўғри шакли билан боғлиқдир.

Донадор-толали материаллар учун мавхум қайнаш тезлиги бўйича маълумотлар умумлаштириш натижасида ушбу кўринишдаги критериал формула келтириб чиқарилди.



3.41-расм. Донадор-толали материаллар учун  $Re$  сонининг  $Ar$  критерийсига боғлиқлигиги.

ёки

$$\eta = 1 + 0,43 \cdot O_n^{0,44}$$

бу ерда  $Re_{mk}^0$  - туклилиги  $O_n = 0\%$  бўлган чигитнинг мавхум қайнац бошланиш тезлиги.

Донадор-толали материал кўзғалмас қатламининг ғоваклилигини ушбу формуладан фойдаланиб топса бўлади:

$$\varepsilon_0 = 0,355 + 0,059\eta \quad (3.100)$$

Қатламнинг гидравлик қаршилиги аномал ўзгарганлиги сабабли ва юқори аниқлиқдаги ҳисоблаш формуласини келтириб чиқариш учун  $\lambda = f(Re)$  функция З та зонага бўлинган.

Донадор толали қатламнинг гидравлик қаршилик коэффициенти куйидаги формулалардан топилади:

1 – зона учун ( $Re < 350$ ):

$$\lambda_1 = \frac{312 \cdot p^{-0,57} \exp(0,46 \cdot \eta)}{(1,8 \lg Re_{mk} - 1,64)^2} \quad (3.101)$$

2 – зона  $Re > 350$  да бошланади ва унинг юқори чегараси  $Re_{kp}$  ни ушбу тенгламадан аниқлаш мумкин:

$$Re_{kp}' = 184,3 \cdot \exp(0,53 \cdot \eta - 0,0248 p_0) \quad (3.102)$$

$$\lambda_2 = 0,86 \cdot p_0^{-0,34} Re_{mk}^{0,516 \cdot \exp(0,082 \cdot \eta)} \quad (3.103)$$

3 – зона учун эса ( $Re_{kp} < Re < 4000$ ):

$$\lambda_3 = 6185 Re_{mk}^{-0,9} p_0^{-0,6} \cdot \exp(0,77\eta) \quad (3.104)$$

бу ерда  $p_0 = p/p_{atm}$  – нисбий солишишторма массавий юклама;  $Re_{mk}$  – Рейнольдснинг модификациялашган критерийси, қатлам каналлари эквивалент диаметри  $d_3$ , орқали ҳисобланади.

$$Re_{mk} = 0,456 \cdot \left( \frac{Ar}{10^6} \right)^{3,63} \quad (3.98)$$

ёки

$$Re_{mk} = \frac{\eta Ar}{1400 + 5,22\sqrt{Ar}}$$

бу ерда  $\eta$  – пахта чигитининг туклилк коэффициенти.


Ушбу коэффициент эса куйидаги формула орқали аниқланади:

$$\eta = \frac{Re_{mk}}{Re_{mk}^0} \quad (3.99)$$


Дастлабки тажрибалардан маълумки, чигитнинг толалиги ортиши билан заррачанинг эквивалент диаметри ортади, зичлиги эса камаяди. Шунинг учун, донадор толали қатлам заррачаларининг учеб чиқиши тезлиги ҳам классик қонуниятларга бўйсунмайди. Тажриба натижаларини умумлаштириш орқали донадор-толали материалларнинг учеб чиқиши тезлигина аниқлаш учун куйидаги кўринишда формула олинди:

$$\text{Re}_{yy} = \frac{\eta^{-0.4} \cdot Ar}{20.16 + 0.683\sqrt{Ar}} \quad (3.105)$$

$Re_{mk}$  ва  $Re_{ym}$  қийматлари маълум бўлган донадор-толали материаллар учун қатлам ҳолатларининг мавжуд бўлиш чегараларини топиш осон (3.43-расм).



**3.42-расм. Донадор - толали материаллар учун  $Re$  сонининг  $Ar$  критерийисига боғлиқлиги.**



**3.43-расм. Донгандор - толали материалдарнинг кўзғалмас, кешгайган ва мавхум қайнаш қатлам ҳолатларининг мавжуд бўлиши чегаралари.**

Донадор толали кенгайган қатламнинг юқори чегараси мавхум қайнаш боштаниш теэлиги  $Re_{mk}$  билан аниқланса, пастки чегараси эса қуидаги тенглама ёрдамида топилади:

$$Re_{\text{f,p}} = 111(3.9 - \eta) \cdot p_0^{0.18} \quad (3.106)$$

Юқорида келтирилган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, донадор-толали материаллар гидродинамикаси чигит туклилик коэффициенти  $\eta$  га боғлиқдир. Ундан ташқари,  $\eta$  ушбу материаллар қатлам ҳолатларининг мавжуд бўлиш чегараларига ҳам таъсир кўрсатади. Донадор, сочиувчан материаллар учун мавхум қайнуш қатлами чегаралари **Ar** критерийси ортиши билан кўпайса, донадор - толали материаллар қатламиниги эса камаяди.

### 3.25. Оқимчалы мавхум қайнаш

Ҳозирги кунда күпгина долзарб мухандислик муаммоларни ҳал этиш турли мұхитларда газ оқимчалари (тизиллаган оқимлар) нинг тарқалиши билан узвий боғлиқидір.

Оқимчали мавхум қайнаш жараёни қўзғалмас, мавхум ва фавворасимон қайнаш қатламили қурилмаларда газ тақсимловчи тешикли панжара мосламалари нинг устида қаттиқ ва газ фазали системаларида амалга ошали. Ушбу жараён мавхум қайнаш қатламили гранулятор ва қуритгичларда, пневматик аралаштиргичларда, ҳамда қатламга турли - туман пулфлаб ҳаво йўналтирадиган мосламали қурилмаларда ишлатилади.

Оқимчали мавхум қайнаш жараёни қатламни ташкил қилиш усули бўйича классик (анъанавий) мавхум қайнашдан оқимчали ҳаракат потенциали имкониятларидан фойдаланишга системали ёндашиши билан фарқланади.


Оқимчали мавхум қайнаш қатламларида иссиқлик ва масса алмашиниш жараёнларини салмоқли интенсивлашга эришиш ва классик мавхум қайнаш жараёнига ҳарактерли камчилликларни бартараф қилиш мумкин. Ундан ташқари, саноат қурилмаларига масштабли ўтиш, газ оқимларини тақсимлаш ва қатлам тузилишини бошқариш масалалари осонлашади. Айрим жараёнлар (колчеданни флотация қилиш, оҳактошни куйдириш ва бошқалар) да айнан оқимчали мавхум қайнаш қатламили қурилмалардан ишончли фойдаланишни таъминтайди.

Оқимчали мавхум қайнаш жараёни «газ - қаттиқ заррача» системасида фазалар ўзаро таъсирини ташкил этишнинг янги усулларини яратиш имкониятини туғдиради. Бу усуллардан энг асосий ва самаралиси-қурилма реакцион зонасини параллел – оқимчали секциялашдир.

Қатламга киритилаётган оқимчалар сони ва шакли турлича бўлиши мумкин: думалоқ ва ясси, сони эса бир ва ундан ортиқ.

Оқимчаларни кўллашдан асосий мақсад, мавхум қайнаш сифатини яхшилаш ва бир жинсли қатлам ҳосил қилиш. Ушбу усулни тадбиқ этишда техник қийинчилликлар йўқ. Одатда оқимчаларда ҳаво сарфи мавхум қайнаш жараёнидаги умумий сарфнинг 6..15% ни ташкил этади. Оқимчаларнинг минимал тезлиги заррачалар учиб чиқиш тезлигидан 10 ва ундан ортиқ марта кўп бўлади.

3.44-расмда «газ - қаттиқ заррачалар» системасида фазалар ўзаро таъсирини ташкил этишнинг принципиал схемалари:



**3.44-расм. «Газ - қаттиқ заррачалар» системасида фазалар ўзаро таъсирини ташкил этишнинг принципиал схемалари.**

а-турли жинсли мавхум қайнаш қатламининг ўрта ва юқори қисмига оқимча узатиш; б-минимал мавхум қайнаш тезлигига қатламга оқимча узатиш; в-перфорацияли диск тешиги орқали оқимча узатиш; г—бир-бирига йўналган оқимчалар мавхум қайнаш қатламида.

Гидродинамик фаол оқимча қатламнинг турли жинсли юқори қисмини яхши аралаштирилган қатлам ҳолатига олиб келиши мумкин (3.44а-расм). Агарда, минимал мавхум қайнаш ҳолатидаги қатламга оқимча (3.44б-расм) киритилса, жараён интенсивлашади. Лекин, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, иккала ҳолатда ҳам қурилманинг гидравлик қаршилиги пасаяди. Агар оқимча


3.44в - расмда құрсатылғандек, яғни қатламда жойлаштирилген тешикли панжара үқідаги катта тешик орқали узатылса, қаттық заррача циркуляция тезлиги ортади. Ушбу ҳолатда қаттық заррачалар тартибли, циркуляциялы қатлам ҳосил қылади. 3.44г - расмда бир - бирига йұналған горизонтал оқимчалар ёрдамида мавхұм қайнаш жараёнини барпо этиш мүмкін. Бунда иккала оқимча бир - бири билан түқнашиб, тартибли қатлам ташкил қылилади. Саноат миқёсида бундай системалар микробиологик синтез маҳсулоттарини гранулаш учун күлланилади.

Иккى оқим (асосий ва оқимча) ёрдамида мавхұм қайнаш қатламины ташкил этиш, донадор қатламли қурилмаларни лойиҳалаңда янги йұналиш очиб берди. Бундай қурилмалар гидродинамик фаол оқимчалар ҳаракати нағијасыда интенсив циркуляциялы бўлади ва сульфат аммоний, хамир - туруш ишлаб чиқариш саноати қолдиқлари, кунжара ва бошқа материалларни гранулаш учун ишлатилади. Яна шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, классик мавхұм қайнаш қатламли қурилмаларга қараганда оқимчали мавхұм қайнаш қатламли қурилмаларда иссиқлик ва масса алмашиниш жараёнлар тезлиги 3-6 марта интенсив бўлади.

Шуни айтиш керакки, юқорида көлтирилган ҳамма усул ва қурилмалар донадор, сочиувчан материаллар учун тўғри келади.

Лекин, донадор толали материаллар (масалан, пахта чигити ва унинг натижасыда ҳосил бўлган иккиласми маҳсулотлар) учун кўриб чиқилган усуллар яхши натижка бермайди [5,6]. Бунга сабаб, пахта чигитининг момиқлигидир. Маълумки, чигит ташқи юзасидаги пахта толалари (~8...12%) заррачалар ўртасида тортишиш кучларини ҳаффан ташқари кўпайишига олиб келади. Ундан ташқари, пахта чигитининг томчисимон, нотўғри шаклга эгалиги уни мавхұм қайнаш ҳолатига қийин ўтишининг сабабчисидир.

Юқорида таклиф этилган усулларнинг бирортаси ҳам пахта чигитини мавхұм қайнаш ҳолатига ўтказиш бўйича ижобий натижалар бермади. Шунинг учун ушбу дарслик муаллифлари томонидан пахта чигитини турғун, сифатли мавхұм қайнаш ҳолатига ўтказиш учун ясси оқимчалардан фойдаланиш тавсия этилди (3.45-расм).



**3.45-расм. Донадор - толали материаллар учун оқимчали мавхұм қайнаш қатламли қурилма.**

1 - қобик; 2 - оқимча узатыш ҳалқаси; 3 - тешикли панжара;  
4 - оқимча кириш штуцери; 5 - умумий оқим кириш штуцери.

Донадор - толали материалларни мавхұм қайнаш ҳолатига ўтказиш учун күзғалмас, кенгайған қатламга ясси оқимча киритилди. Натижада, мавхұм қайнаш сони  $K_w < 1,4$  да мавхұм қайнашга эришилди. Бу эса, ҳаво оқими сар-

фини 30...40% гача тежаш имконини яратади. Конгайган ( $H/H_0 > 1$  бўлган) қатламга гидродинамик фаол ясси оқимча юбориш натижасида куйидаги мавзуларни ҳал этса бўлади:

- энергия сарфи кам режимларда донадор - толали қатламларни мавхум қайнаш ҳолатига ўтказиш мумкин;
- ясси оқимчани девор яқинидаги зонага йўналтириш натижасида класик мавхум қайнаш қатламининг асосий камчиликлари бартараф қилинади;  
материалнинг толалик коэффициентига қараб,  $K_w \leq 1,4$  гача бўлган оралиқда мавхум қайнаш жараёнини ташкил этиш мумкин.

Оқимчали мавхум қайнаш жараённи донадор толали қатламнинг ғоваклилиги ушбу формула ёрдамида аниқланади:

$$\varepsilon = A \cdot Re^x \cdot \exp(0,122 \cdot \eta) \quad (3.107)$$

бу ерда  $A$  ва  $x$  нинг қийматлари газ оқимининг тезлигига боғлиқ. Бунда коэффициент  $A = 0,127...0,265$  ва даража кўрсаткичи  $x = 0,103...0,212$  га тенг.

### 3.26. Мавхум қайнаш қатламли қурилмалар

Технологик жараёнлар бориш шароитларини, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатига қўйиладиган талабларни ўзаро таъсирда бўлган моддаларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи жуда кўп мавхум қайнаш қатламли қурилмалар конструкциялари яратилган. 3.46-расмда мавхум қайнаш қатламли қурилмаларнинг айрим конструкциялари кўрсатилган.

Ишлаш принципига қараб даврий ва узлуксиз ишлайдиган қурилмалар бўлади. Узлуксиз қурилмаларда газ оқими ва донадор материал ўзаро таъсир қилиб, унга узлуксиз равишда юкланди ва қурилмадан тўкилади.


Жараёнда қатнашувчи қаттиқ материал ва газ оқимининг ҳаракат йўналиши бир хил, қарама - қарши ва кесишган йўлли бўлиши мумкин.

**Узлуксиз ишлайдиган, қарама - қарши йўлли цилиндрик қурилмаларда** газ оқими тақсимловчи тешекли панжара остига узатилса, материал эса қурилманинг тепа қисмидан юкланди (3.46а-расм). Газ тақсимловчи тешекли панжара устида донадор материалнинг бир хил сатҳини таъминлаш ва қурилмадан чиқариш учун оқиб ўтувчи патрубкалар хизмат қиласди.

Вертикал цилиндрический қурилмалар катта миқдордаги дон-дунларни йиғиб қўйиш учун ишлатилади (3.46б-расм). Газ тақсимлаш камераси ясси туб ва тешекли панжаралар орасила жойлашган иккита цилиндрдан иборат Бу конструкцияни камераларда концентрик тўсиқ уни иккита, яъни ички ва ташки ҳалқаларга бўлади. Ташки ҳалқа бўшлиғига, ичкарисинга қараганда 2 марта кўп газ юборилади. Турли миқдорда газ узатилгани сабабли, қурилмада дон маҳсулотининг йўналтирилган циркуляцияли ҳаракати пайдо бўлади. Натижада материал интенсив аралашади ва заррачалар ҳаракати қурилма ўқидан цилиндрик девор томонга йўналган бўлади.

**Конуссимон қурилмаларда** пастдан юқорига қараб тезликнинг пасайиши полидисперс материалларни мавхум қайнатиш имконини яратади (3.46в-расм). Газ оқими катта тезликда қурилма тубидаги штуцер орқали юборилади. Ушбу ҳолатда қурилмага газ тақсимловчи тешекли панжара ҳам ўрнатилмаса бўлади. Тешекли панжарасиз қурилмаларда ёпишқоқ материалларни ҳам мавхум қайнаш жараёнидан фойдаланиб қуритса бўлади. Агар, конуслик бурчаги катта бўлса, газ оқимининг қурилма девори яқинида фаоллиги камаяди ва конус ўқи бўйлаб узлуксиз канал барпо бўлиши мумкин. Ушбу канал орқали катта тезликда «газ қаттиқ заррача» аралашмаси ҳаракат қилиб, қатламдан отилиб чиқиб, қаттиқ заррачалар фаввораларини ҳосил қиласди. Бундай қатлам **фавворасимон қатлам** деб аталади. Диаметри 25...40 мкм ўлчамли ёпишқоқ ва элек-

тролизацияяга мойил майды заррачалар мавхум қайнаш жараёнида яхши аралашышини таъминлаш ва ҳаракатсиз зоналарни бартараф қилиш мақсадида, ҳамда иссиқлик ва масса алмашиниш жараёнларини интенсивлаш учун газомеханик мавхум қайнаш усулидан фойдаланилади (3,46г-расм). Қатламга құшимча энергия узатыш түрли хил аралаштиргич ва тсбраттигичлар ёрдамида амалға оширилади (3.46 г-расм).




3.46-расм. Мавхум қайнаш қатламлы қурилмалар схемалари.

а – цилиндрик узлуксиз ишлайдиган, қарама қарши йүлли; б -йүнталтирилган циркуляциялы; в - конуссимон; г - аралаштиргич мосламали; д - пневмотранспорт мосламали: 1 шлюзли тамба; 2 - бункер; 3 - паст босимни ҳаво қувури; 4 - циклон; е - фаол оқимчали: 1- қобик; 2- түр парда; 3,5,7- штуцерлар; 6- сопло; 8- фаол оқимча; 9- мавхум қайнаш қатлами.

**Пневмотранспорт усули ва мосламаси**  
донадор материалларни труба қувурлари орқали маълум масофага ёки баландликка узатиш учун мўлжалланган (3.46д-расм). Донадор материал шлюзли тамба ёрдамида ҳаво узатиш қувурига қадоқланиб тушурилади. Мавхум қайнаш қатлами газ ва қаттиқ фазаларга циклонда амалға оширилади.

**Узлуксиз ишлайдиган секциялы қурилма.** Жараённинг ҳаракатта келтирувчи кучини камайишга олиб келувчи тескари аралашишни камайтириш ва жараён температурасини бир хил қилиш мақсадида қарама қарши йүлли қурилмаларда секциялаш кўлланилади (3.47-расм). Бунинг учун қурилма баландлиги бўйлаб тешекли панжаралар ёрдамида донадор материал қатлами бўлинади. Донадор материалнинг юқори секциялардан пастга қараб ҳаракатланиши, оғирлик кучи таъсирида амалға ошади.



3.47-расм. Узлуксиз ишлайдиган секциялы қурилма.

1 - қобик; 2 - газ тақсимловчи тешекли панжара; 3 - оқиб ўтиш мосламаси; 4 - донадор қатлам; 5 - ишлатилган адсорбентни тўкиш трубаси.

## АРАЛАШТИРИШ

### 3.27. Умумий түшүнчалар

Суспензия ва эмульсиялар ҳосил қилиш учун суюқлик мұхитларида аралаштириш жараёни құлланилади. Пластик ва сочилувчан материалларни қориштиришдан мақсад, таркибида қаттық, суюқ ва пластик құшымчы моддали, бир жинсли асосий масса олишидир.

Аралаштириш пайтида иссиқлик, масса ва биокимёвий жараёнлар интенсивлашади. Аралаштириш жараёнини амалга ошириш учун турли усуллар ва аралаштиргич конструкциялари құлланилади.

Аралаштириш сифати фазаларни қориштириш даражаси билан характерланади.

Аралаштириш курилмасининг бутун ҳажмидаги фазаларни қориштириш даражаси  $I$  қуйидаги төндама ёрдамида аниқланиши мүмкін:

$$I = 1 - \frac{\sum_1^m \frac{\Delta x'}{100 - x_{ap}} + \sum_1^n \frac{\Delta x''}{x_{ap}}}{m + n} \quad (3.108)$$

бу ерда  $m$  – таҳлил учун олинган намуна,  $\Delta x > 0$ ;  $\Delta x'$  – аралаштиргичдеги мусбат концентрациялар фарқы ва у ушбу формуладан топилади  $\Delta x' = x - x_{ap}$ ;  $x_{ap}$  идеал қориштиришда аралашмадаги заррачалар концентрацияси бўлиб, у куйидаги формуладан аниқланади:

$$x_{ap} = \frac{100V_c \rho_c}{V_c \rho_c + V_k \rho_k}$$

бу ерда  $V_k$  – асосий массада (суюқликда) тақсимланған қаттық заррачалар ҳажми;  $\rho_k, \rho_c$  аралашмадаги қаттық заррача ва суюқлик зичликлари;  $V_c$  – суюқлик ҳажми;  $n$  – таҳлил учун олинган намуналар сони,  $\Delta x'' < 0$ ;  $\Delta x''$  – манфий концентрациялар фарқи,  $\Delta x'' = x - x_0$  формуладан ҳисоблаб топилади.

Фазаларни қориштириш даражаси 0 дан 1 гача ўзгариши мүмкін. Агар, компонентлар идеал қориштирилса,  $I = 1$  га тенг бўлади.

### 3.28. Суюқликни аралаштириш усуллари

Суюқликларни аралаштириш пневматик, циркуляциялы, статик ва механик усулларда олиб борилади.

**Пневматик аралаштириш** учун сиқилган газ (кўпинча сиқилган ҳаво) суюқлик қатлами орқали ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Суюқлик қатламида газни бир текисда тақсимлаш учун барботер ишлатилади. Барботернинг тешикчали трубалари аралаштиргич тубига ўрнатилади. Бу усул ўргача қовушоқликка (~200 Паc) эга суюқликларни аралаштириш учун ишлатилади. Жараён тезлиги паст ва энергия сарфи кўп бўлади.

Айрим ҳолларда аралаштиришни инжекторлар ёрдамида ҳам амалга оширилади. Сиқилган ҳаво ёрдамида аралаштириш учун эрлифт принципини ҳам қўлласа бўлади.


Аралаштиргичда суюқлик эркин юзаси бирлигидан вакт бирлигига ўтаётган газ миқдорига аралаштириш интсивлиги деб аталади.

Саноатда қуйидаги газ сарфлари ишлатилади:

T/p	Аралаштириш интенсивлігі	Газ сарғи, м <sup>3</sup> /(м <sup>2</sup> ·мин)
1.	Паст	0,4
2.	Үртача	0,8
3.	Юқори	1,2

Пневматик аралаштириш усулининг қўлланиши чекланган бўлади, чунки айrim ҳолларда заарли жараёнлар, яъни оксидланиш ёки маҳсулотнинг буғланиши юз бериши мумкин. Шунинг учун, ушбу газ ва суюқ фазалар ўзаро тўқнашуви рухсат этилган ҳолларда ишлатилиши мақсадга мувофиқдир.

3.48-расмда пневматик аралаштиргичларнинг айrim конструкциялари келтирилган.



**3.48-расм. Сиқилган ҳаво ёрдамида аралаштириш.**

а - марказий барботерли; б - газлифт (эрлифт) трубали; в - газлифт ва марказий циркуляция трубали қобиқ - трубали қурилма.

1 - газлифт трубалари; 2 - циркуляция трубаси;  
3 - тешикли труба панжаралари; с - суюқлик; г - газ;  
иэ иссиқлик элткич

Агар, сиқилган ҳаво қурилманинг пастки қисмига юборилса, унда эрлифт ҳосил бўлади (3.48а-расм). Ҳаво қурилманинг қанчалик юқори қисмига узатилса, шунчалик сиқиши учун энергия сарғи кам бўлади. Шунинг учун, ҳавони баландлиги кам қатламларга юбориш керак, яъни пневматик аралаштириш учун диаметри катта, баландлиги кичик бўлган қурилмаларни қўллаш мақсадга мувофиқдир.


Пневматик аралаштириш жараёнини интенсивлаш учун қурилмаларда газлифт (эрлифт) трубалари ўрнатилади. Ушбу трубалар суюқликни кўп марта циркуляция қилишини таъминлайди (3.48б-расм). Бунинг учун, икки томони очиқ газлифт труба қурилма марказига жойлаштирилади. Сиқилган ҳаво газлифт трубаси ичига узатилади ва кўтарилувчи оқим қанчалик катта бўлса, аралашиш шунчалик самарали бўлади.

Иссиқликни узатиш ва ажратиб олиш учун газлифт ва марказий циркуляция трубали қурилмалар яратилган (3.48в-расм).

**Циркуляциялы аралаштириш**, насос ёрдамида амалга оширилади. Бунда, «аралаштиргич – насос – аралаштиргич» ёпиқ системасыда суюқлик узлуксиз айтаниб юради.

Аралаштириш жараёнининг интенсивлиги, циркуляция карралигига, яъни вақт бирлигиде насос иш унумдорлигининг, қурилма ичидаги суюқлик ҳажми нисбатига боғлиқ. Айрим ҳолларда насослар ўрнига буф инжекторлари кўлланиши ҳам мумкин.

Ундан ташқари, турли соҳаларда йўналтирувчи труба (диффузор)ли винтсимон аралаштиргичлар ҳам ишлатилади (3.49-расм).



**3.49-расм. Диффузорли ва винтсимон аралаштиргичли қурилма.**

1 – винтсимон аралаштиргич; 2 – иссиқлик алмашиниш камерали диффузор; 3 - гилоф; иэ – иссиқлик элткич; с - аралаштирилаётган суюқлик.

Бу турдаги қурилмаларда ёпиқ циркуляцион контур ҳосил қилинади. Насос вазифасини одатда уч парракли винтсимон аралаштиргич бажаради. Шунинг учун, бундай аралаштиргичлар ҳисоби ўқли насослар ҳисобига ўхшашибди.

**Статик аралаштириш.** Қовушоқлиги ўртача суюқлик, ҳамда газ суюқлик билан аралаштириш бирорта фазанинг кинетик энергияси ҳисобига статик аралаштиргичларда олиб борилади (3.50-расм).


Одатда, статик аралаштиргичлар реакторгача бўлган труба қувурига ёки бевосита реакторнинг ўзига ўрнатилади.

3.50а-расмда газ ва суюқликларни аралаштириш учун мўлжалланган носимметрик, легирланган пўлат пластиналарни бураш йўли билан олинган ясама элементли аралаштиргич тасвирланган.

Ҳар бир элементнинг геометрик характеристикалари бураш бургачи ва йўналиши, ҳамда элемент диаметрининг узунлигига нисбати билан ифодаланади. Ўрнатилиши зарур бўлган элементлар сони суюқлик қовушоқлигига, ҳамда аралаштирилаётган суюқликлар қовушоқлиги нисбатига боғлиқдир. Агар, суюқлик ва фазалар ўргасидаги қовушоқликлар фарқи қанча катта бўлса, шунчалик кўп элементлар ўрнатилиши зарур.

3.50б-расмда ёғ фосфатидли эмульсиясини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган уюрмали эмульсor кўрсатилган. Босим 0,3...0,36 МПа бўлганда, уюрмали эмульсor юқори самарали эмульгация қилишни таъминлайди. Бу турдаги қурилмалар содда, тайёрланиши осон ва фойдаланишда қулай. Ишлаш

принципи - марказдағы қочма пурқагиң эффективига ассосяланған. Олинган З мкм үлчамли заррачалардан таркиб топған эмульсия 24 соат давомида ҳам қатламларга ажралмайды.




### 3.50-расм. Статик аралаштиргичлар.

а- цилиндрик, ясама элементли; б- эмульсор.  
1- фланец; 2- қобиқ; 3- аралаштирувчи элемент

**Механик аралаштириш** «суюқлик суюқлик», «газ суюқлик» ва «газ-суюқлик қаттық жисм» системали гидромеханик, иссиқлик ва масса, ҳамда биокимёвий жараёнларни интенсивлаш түрли хил аралаштириш мослама (аралаштиргич) лар ёрдамида амалға оширилади. Аралаштиргич, айланувчи ўқта ўрнатылған, түрли хил парраклардан таркиб топған мослама.

Кімे ва бошқа саноатларда құлланиладын ҳамма аралаштириш мосламаларини 2 гурухға ажратса бўлади: биринчи гурухга парракли, турбинали ва пропеллерли; иккинчи гурухга махсус винтли, шнекли, лентали, ромли, якорли, пичоқли ва бошқа мосламалар киради. Биринчи гурух суюқликлар учун бўлса, иккинчиси эса - пластик ва сочилувчан материалларни аралаштириш учун хизмат қилади.



### 3.51-расм. Аралаштиргичлар түрлари.

а - уч парракли; б - икки парракли;  
в - пропеллерли; г - турбинали очик;  
д - қия парракли, турбинали, очик;  
е - турбинали ёпик.

Ишчи органининг айланиш частотасига қараб аралаштириш мосламалари секин ва тез юрар гурухларга бўлинади.

Парракли, лентали, якорли ва шнекли аралаштиргичлар секин юрар мосламалар қаторига киради (3.51а,б-расм). Уларнинг айланма частотаси  $30\dots90\text{ мин}^{-1}$ , қовушоқ муҳитларда паррак учидағи айланма тезлиги -  $2\dots3\text{ м/с}$ .

Парракли аралаштиргичлар афзалликлари: мослама содда ва нарихи қиммат эмас.

Камчиликлари айланиш ўқи бўйлаб суюқлик оқими кичик бўлади, натижада аралаштиргич ҳажмида

суюқлик түлиқ аралашмайды. Ўқ бўйлаб суюқлик оқими ҳаракатини жадаллаштириш учун парраклар оғиш бурчаги  $30^{\circ}$  га тенг бўлиши керак.

Якорли аралаштиргичлар қурилма тубининг шаклига мос бўлади. Бу турдаги мосламалар қовушоқ ва ўта қовушоқ суюқликларни аралаштириш учун ишлатилади. Якорли мосламалар ишлаш даврида қурилма девори ва тубини ёпишиб қолган ифлосликлардан тозалаш қобилиятига эга.

Шнекли аралаштиргичлар винтсимон шаклини бўлиб, қовушоқ суюқликларни қоришиши учун мўлжалланган.

Пропеллер ва турбинали аралаштиргичлар тез юар мосламалар қаторига киради. Уларнинг айланиш частотаси  $100\ldots3000$  мин $^{-1}$ , айланма тезлиги  $3\ldots20$  м/с.

Пропеллерли аралаштиргичлар 2 ёки 3 парракли қилиб ясалади ( $3.51\text{в-расм}$ ). Ушбу мосламаларга насос эфекти хос бўлади ва суюқликнинг интенсив циркуляциясини ҳосил қилиш учун ишлатилади. Қовушоқлиги 2 Па·с бўлган суюқликларни аралаштириш учун кўллаш мумкин.


Турбинали аралаштиргичлар турбина фидираклари шаклида бўлиб, парраклари яssi, қия ва эгри чизиқли бўлиши мумкин ( $3.51\text{г,д,е-расм}$ ). Улар очиқ ва ёпиқ турли бўлади. Турбина фидирагининг ишлаш принципи марказдан қочма кучлар таъсирига асосланган. Ёпиқ аралаштиргич иккита дискдан иборат бўлиб, суюқлик ўтиши учун тешиги бор. Ҳам радиал, ҳам турбина ўқи бўйлаб оқимлар ҳосил қилиш учун қия парракли, турбинали аралаштиргичлардан фойдаланилади. Турбинали мосламалар қурилманинг бутун ҳажмида суюқликни интенсив аралаштиради. Суюқликнинг айланана бўйлаб ҳаракатини камайтириш ва қурилмада ўрама ҳосил бўлишини бартараф қилиш учун цилиндрисимон қайтарувчи тўсиқлар ўрнатилади.

Турбинали аралаштиргичлар қовушоқлиги 500 Па·с гача бўлган суюқликларни ва дағал суспензияларни аралаштириш учун кўлланилади.

Қопқоқли қобик, узатма ва аралаштиргичлардан ташкил топган типик қориширгич 3.52-расмда кўрсатилган.

Ишчи фидирак 200...2000 айл/мин частота билан айланма ҳаракатланади. Турбина фидираги марказдан қочма куч таъсирида суюқликка тегишли энергия беради. Суюқлик аралаштиргич марказий тешигидан кириб, у ерда марказдан қочма куч таъсирида тезланиш олган ҳолда радиал йўналишида чиқиб кетади. Турбинада суюқлик вертикал йўналишдан горизонталга ўтади ва ундан катта тезликда чиқиб кетади. Бу турдаги қурилманинг самарадорлиги юқори.

Турбинали аралаштиргич диаметри қурилма қобиги диаметрининг 0,15...0,35 улушкини ташкил этади. Бу қурилмалар қовушоқлиги 1...700 Па·с га тенг суюқликларни аралаштириш учун мўлжалланган.




3.52-расм. Аралаштиргичли қориширгич.

1 - узатма; 2 - узатма таянчи; 3 - зичлагич; 4 - ўқ; 5 - қобик; 6 - филоф; 7 - қайтарувчи тўсиқ; 8 - аралаштиргич; 9 - труба.

### 3.29. Пластмассаларни аралаштириш

Кимё саноатида пластик массаларни аралаштиришда, озиқ-овқат саноатида нон ёпиш, макарон ва қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда кўлланилади. Бу жараёнда на фақат турли компонентлар қориштирилали, балки, хамир эзиз қориштирилали, ҳаво билан тўйинтирилали ва маълум бир хоссаларга эга бўлади.

Аралаштириш жараёни даврий ва узлуксиз қориштиргичларда олиб борилиши мумкин. Бу турдаги қурилмалар ичилади ромли, шнекли ёки лентали аралаштиргичлар вертикал ёки горизонтал ўқда ўрнатилади (3.53-расм).



3.53-расм. Шнекли (а) ва лентали (б, в) аралаштиргичлар схемаси.


Шнекли аралаштиргич истеъмол қилаётган қувватни аниқлаш учун ушбу тенглама қўлланиши мумкин:

$$Eu_m = \frac{71}{Re_m}$$

ёки

$$N = Ad_m \cdot n^2 \mu \quad (3.109)$$

бу ерда  $d_m$  - аралаштиргич диаметри;  $A$  - аралаштиргич мосламасининг геометрик нисбатлари функцияси сифатида топиладиган коэффициент.



3.54-расм. Хамир тайёрлаш қурилмаси.

1 - қопқоқ; 2 - таянч; 3 - қобик; 4 - қориштириш мосламаси.

Кам ва юқори қовушоқли қандолат маҳсулотлар (вафли, бисквит ва бошқа хамирлар) ни, ҳамда қандолат массаларини сочи-лувчан компонентлар (кекс хамирларини майиз, оксил массасини ёнроқ) билан қориштириш учун иккита спиралсимон ишчи органли тоғарасимон шакли аралаштиргичлар қўлланилади.

Аралаштириш жараёни юпқа қатламда олиб борилгани сабабли, юқори даражада интенсивлашга эришиш мумкин.

Курилма туби шаклида ясалган,  $90^\circ$  бурчак остида ўрнатилган 4 парракли қо-риштириш мосламали аралаштиргичда ширинликлар хамири тайёрланади (3.54-расм).

Аралаштиргичнинг айланиш частотаси  $12 \text{ мин}^{-1}$  Қориштириш жараёни тугагандан сўнг, қобиқ 3 ағдарилади, яъни қопқоқ 1 очилади ва хамир тўкилади.


### 3.30. Сочилувчан материалларни аралаштириш

Одатда сочилувчан материалларни аралаштириш учун мўлжалланган қурилмалар ишлаш принципи, тезлик характеристикалари ва конструктив белгиларига қараб гуруҳларга ажратилади.

Ишлаш принципига қараб даврий ва узлуксиз ишлайдиган аралаштириш қурилмалари бўлади. Даврий ишлайдиган қурилмаларга барабанли, лентали, марказдан қочма, айланувчи роторли, червяқ парракли ва мавҳум қайнаш қатламли аралаштиргичлар киради. Узлуксиз ишлайдиган қурилмаларга эса – барабанли, червяқ - парракли, роторли ва бошқа турдаги аралаштиргичлар киради.

Тезлик характеристикаларига қараб тез ва секин юрар қурилмалар бўлади. Тез юрар аралаштиргичлар бир ва икки поғонали бўлиши мумкин. Биринчи поғона иситиладиган, иккинчиси эса – совутиладиган бўлиши мумкин.

3.55-расмда аралаштиргичларнинг асосий турлари келтирилган.



3.55-расм. Сочилувчан материаллар аралаштиргичларининг асосий турлари.

1 - парракли; 2, 3 - шнекли; 4 - барабанли;  
5 - зарбали.

Парракли аралаштиргич қарама қарши йўналишда айланадиган **z** симон **m** ва **n** парраклардан таркиб топган.

Курилмага узатилган материал парракларнинг айланиши туфайли самарали қориштирилади. Шнекли қурилмаларда бир вақтнинг ўзида материаллар ҳам қориштирилади, ҳам маълум масофага узатилади (3.55 б-расм).

3.55 в-расм шнекли аралаштиргичнинг яна бир тури келтирилган бўлиб, унда бир қатор вертикал шнеклар ҳаракатчан ромларга ўрнатилган бўлади.


Бундай қурилмаларда айлантирувчи шнек ромлар аралаштирилаётган материал билан бирга силжиди.

Барабанли қурилмаларда аралаштириш жараёни барабанда амалга оширилали (3.55 г-расм).

Зарбали қурилмаларда жараёпшиг интенсивлиги аралаштирилаётган материалга билаларнинг кўпдан – кўп уриниши натижасида ҳосил бўлади (3.55д-расм).


Икки пофонали, марказдан қочма турбоқориштиргичнинг умумий кўриниши 3.56-расмда тасвиirlанган.

Бундай аралаштиргичлар қукунсимон, қовушоқ ва суюқ материалларни қоришириш учун қўлланилади. Қурилманинг биринчи пофонаси аралашмани гомогенлаш учун, иккинчиси эса уни совитиш учун хизмат қиласди. Қориштиргич ичидаги парраклар аралаштиргич ва пичоқлар комбинациясидан таркиб топган тез юрар ротор айланади (3.57-расм).



3.56-расм. Комбинацияланган турбоқориштиргич.

1 – электр юриткич; 2 - ротор; 3 - иситиладиган фильтр; 4 - дефлектор; 5 - фильтр; 6 - буриувчи қопқоқ; 7 –оқиб ўтиш мосламаси; 8 – совутладиган сегментлар; 9- аралаштирувчи мослама.



3.57-расм. Турбоқориштиргич ишчи органи.

Ротор айланиси пайтида сочилувчан материал қурилма деворига улоқтирилади ва юқорига қараб кўтарилади. Натижада заррачаларнинг циркуляцияли ҳаракат оқими барпо бўлади. Қурилма девори бўйлаб ҳосил бўлган кўтариувчи оқим нам материални деворга ёлишишига ҳалақит беради. Қориштиргич конструкцияси ротор парракларини ўзини ўзи тозалашини таъминлайди.

Сочилувчан ва нам материалларни аралаштириш учун мўлжалланган сеқин юрар қориштиргичлар цилиндр ёки тогорасимон шаклини бўлиб, ён ва тепа қопқоқлар билан беркитилади.

Қориштиргич қобиги ичидаги ясси лентали спиралсимон парракли ўқ жойлаштирилади. Материални интенсив аралаштириш учун парраклар чап ва ўнг томонга қараб уралади. Лентали қурилмаларда қориштириш элементи 4 та лентадан таркиб топган бўлади. Ташқи лентанинг айланма тезлиги 1,2 м/с га тейғидир.

### 3.31. Аралаштириш мосламаларини ҳисоблаш

Аралаштиригич парраклари айланиши пайтида энергия асосан ишқаланиш қаршилигини енгишга, ҳамда уормалар ҳосил қилиш ва узилишига сарфланади. Мұхиттің қаршилик күчі қаршилик коэффициенті  $\psi$  га бағылана.

Исталған шаклдаги паррак учы учун ўртача ва айланма тезликтери орасыда қойылады бағылыштык бор ва ушбу ифодадан топилади:

$$\omega_{yp} = a \cdot \omega$$

Бу ерда:  $w$  - паррак учига түғри келадиган айланма тезлик;  $a$  - пропорционаллык коэффициенти.

Агар,  $R = P$  эканлигини инобатта олсак, қаршилик коэффициентини қойылады тенгламадан анықлаш мүмкін:

$$\psi = \frac{P}{\rho d^2 \cdot a^2 \cdot \omega^2}$$

Бу ерда:  $P$  - аралаштиригич паррагига таъсир этувчи күч.

Мұхит қаршилигини енгиш учун аралаштиригич үқига маълум миқдорда энергия бериш зарур.

Паррак айланиши учун керакки қувват миқдорини қойылады тенгламадан ҳисоблаб топилади:

$$N = P \cdot w_{yp} = P \cdot a \cdot \omega$$

Паррак учидаги айланма тезлик  $\omega = \pi d n$  (бу ерда  $n$  аралаштиригичтің 1 с ичидаги айланиш сони). Агар, охирги тенгламада  $P$  ва  $w_{yp}$  ларни қўйсак, ушбу ифодани оламиш:

$$N = \psi \rho d^2 a^3 \omega^3 = \psi \rho d^2 a^3 (\pi d n)^3$$

ёки

$$N = \psi \pi^3 \cdot a^3 \cdot \rho \cdot d^5 \cdot n^3$$

Агар,  $\psi \pi^3 a^3 = c$  деб белгилаб олсак, унда:

$$N = c d^5 \cdot n^3 \rho$$

Коэффициент  $c$  нинг қиймати, тажрибадан олинади. Одатда у идиш ва паррак шаклига, ҳамда  $Re$  критерийсига бағылана.

$$c = f(Re)$$

Аралаштиригичлар учун  $Re$  критерийсига қойылады тенгламадан топилади:


$$Re_m = \frac{w_{yp} \cdot d \cdot \rho}{\mu} = \frac{(a \omega) \cdot d \rho}{\mu} = \frac{(a \pi d n) d \rho}{\mu} = a \pi \frac{\pi d^2 \rho}{\mu}$$

Үзгармас күпайтма  $\alpha$  ни формуладан тушириб қолдирса бўлада. Унда:

$$Re_m = \frac{nd^2}{\mu} \cdot \rho$$

Қоришириш учун сарфланадиган қувватни аниқлашга олиб келади. Қориширишни жадал бориши тажриба натижасига асосланган ҳолда белгиланади.

Қориширгич турини, ўлчамларини ва айлантириш частотаси танлангандан сўнг истеъмол қувватини ҳисоблашга киришилади. Қориширгич ишлганда қурилмада маълум ҳолатда суюқликнинг йўналган оқимлари пайдо бўлади. Суюқликнинг жадал аралашishi иккиласми оқимлар билан ўрама ҳаракати ҳосил бўлиши билан амалга ошади. Суюқлик марказдан қочма куч таъсирида, марказдан девор томонга ҳаракатланади. Бундай ҳаракат натижасида қориширгич марказида паст босим, зонаси ва ўрама ҳосил бўлиб, суюқлик куракнинг пастки ва юқори қисмларидан сўрилади. Суюқлик иккиласми оқими ва айланма ҳаракати, мураккаб тасвири 3.58-расмда келтирилган.



**3.58-расм. Қориширгичда суюқлик циркуляциясининг схемаси.**

Үлчам сифатида аралаштиргичнинг  $d_m$  диаметри олинса, суюқликнинг чизиқли тезлиги ўрнига, ўхшашлик критерийсида аралаштирувчи кураклар четларидаги айланма тезлик кўйилади:

$$V_{aun} = \frac{\pi d_{ap} \cdot n}{60}$$

бу ерда  $n$  - айланышлар сони,  $s^{-1}$ .

Куракнинг олди ва орқа текисликларидаги босимлар фарқи, аралаштиргичнинг фойдали қуввати  $N$  билан ифодаланади. Насос қувватига мос бўлган ва суюқликни узатиш учун керак бўладиган босим:

$$\Delta p = \frac{N}{V_{cek}} \quad (3.110)$$

бу ерда  $V_{cek}$  - аралаштирилаётган суюқликнинг ҳажми, у суюқлик ҳажмини циркуляция карралити кўпайтирилганига тенг,  $m^3/s$ .

$$V_{cek} = FHm \quad (3.111)$$

бу ерда  $F$  - қурилманинг кўндалант кесим юзаси;  $H$  - қурилмадаги суюқлик сатҳи ба-ландлиги, м;  $m$  - циркуляция карралити,  $s^{-1}$ .

Курилма ўлчамларини аралаштиргич диаметрига боғлаб ёзамиз, чунки улар ўзаро боғлик.

$$F = C_2 d_{ap}^2 \quad H = C_3 d_{ap} \quad (3.112)$$

Циркуляция карралыгина аралаштиргич айланиш частотасига пропорционал деб қабул қылса бўлади:

$$m = C_4 \cdot n \quad (3.113)$$

$\omega = C_1 \cdot \omega_{air} = C_1 \pi \cdot d_M \cdot n = C_5 \cdot d_M \cdot n$  - эканлигини ҳисобга олиб, модификациялашган Эйлер критерийини оламиз:

$$Eu_{ap} = \frac{N}{(C_2 \cdot C_3 \cdot C_4 \cdot C_5 \cdot \rho \cdot n^3 d_{ap}^5)} \quad (3.114)$$

$C_2, C_3, C_4, C_5$  - коэффициентларни ҳисобга олмасак, Эйлер ва Рейнольдсларнинг модификациялашган критерийини олиш мумкин:

$$Eu_{ap} = \frac{N}{(\rho \cdot n^3 d_{ap}^5)}$$

$$Re_{ap} = \frac{n d^2 \rho}{\mu} \quad (3.115)$$

бу ерда:  $\rho$  - суюқлик зичлиги, кг/м<sup>3</sup>;  $\mu$  - қовушоқлик, Па·с.

Модификациялашган критерийлар орасидаги боғлиқлик тенгламаси ушбу кўринишга эга бўлади:

$$Eu_{ap} = f(Re_{ap}, \Gamma_1, \Gamma_2, \dots)$$


Қайта ишландан сўнг критериал тенглама қўйидаги  $Eu_{ap} = A Re_{ap}^n \Gamma_1^a \cdot \Gamma_2^b$  соддалашган ҳолатга келади. Коэффициент  $A$  нинг қиймати даражалар кўрсаткичи, аралаштирувчининг тури, конструкцияси ва аралашиш режимига боғлиқ бўлиб, улар тажрибадан аниқланади. Ҳисобни осонлаштириш учун тажриба натижалари суюқликни реакторга кириш ва чиқишини ҳисобга олиб, Эйлер ва Рейнольдс критерийлар ўртасида боғлиқлик графиги кўринишида берилади.

Нормаллашган тигдаги аралаштиргичли қурилмаларнинг  $Eu_{ap} = f(Re_{ap})$  боғлиқлиги 3.60-расмда; 3-4 жадвалда ва 3.59-расмда аралаштиргичларнинг характеристикалари келтирилган.

Аниқланган қонуний боғлиқлардан хulosha қилиш мумкинки, аралаштирувчининг истеъмол қуввати унинг кубдаги айланишлар частотасига ва бешинчи даражали диаметрига боғлиқ бўлади.

Аралаштиргичнинг истеъмол қувватига, қурилманинг шакли, тузилиши ва мосламанинг жойлашиши ҳам таъсир қилади. Шакли цилиндрик бўлмаган ва аралаштиргичта тўсиқлар ўрнатилган ҳолларда (змеевиклар ва бошқа мосламалар) аралаштириш жараёни учун кўп қувват талаб этилади.

Механик аралаштиргичларда аралаштириш жараёнини ламинар ёки турбулент режимларда олиб бориш мумкин.  $Re_{ap} < 20$  да ламинар режим,  $Re_{ap} > 100$  бўлганда аралаштириш турбулент режимда бўлади.



3.59-расм. Арапаштиргичлар конструкциялари.


Күчли турбулентлик оралиғида, ( $Re_{ap} > 10^5$ ), Эйлер сони Рейнольдс критерийсига боғлиқ бўлмай қолади. Маълумки, ушбу автомодел соҳада арапаштиргичнинг айланиш тезлигини ошириш қувват сарфининг кўпайишига олиб келади.

Агар, арапашиб жадаллиги берилган бўлса, 3.60-расмда келтирилган боғлиқликлар ёрдамида кетма-кет яқинлашиш услубида арапаштиргич тури, унинг ўлчамлари ва айланишлар частотасини танлаш, ҳамда арапаштирувчи электр юриткичининг қувватини ҳисоблаш мумкин.

Курилма ишчи ҳажми бўйича  $V_{uu}$  ва талаб этилаётган арапашлаштириш жадаллиги  $j$  (тезкорлиги) бўйича керакли қувват миқдори аниқланади [ $N \cdot [H \cdot m / (m^3 \cdot c)]$ ]:

$$N = j \cdot V_{uu} \quad (3.116)$$

Ундан сўнг арапаштирувчининг тури, ўлчамлари ва айланишлар сони танланади.



3.60-расм. Түрлі турдаги аралаштиргичлар үчүн  $Eu = f(Re)$  график  
боглиқлігі (графикдеги әгри чизиқлар тартиб рақамлари 3-4 жад-  
вал ва 3.59-расмлардаги аралаштиргич рақами ва турига мөс кела-  
ди).

## Нормаллашған аралаштиргичларнинг характеристикалари

Аралаштиргичтің 3.59-расмда, 3.60-расмда эгри чизик рақамлари	Аралаштиргич тури	Аралаштиргич характеристикасі				Идиш характеристи- касі
		D/d	H/D	b/d <sub>ap</sub>	S/d <sub>ap</sub>	
1	Икки парракли	3	1	0,25	-	түсиқсиз
2	Икки парракли	3	1	0,167		4 та түсиқұлы, әни 0,1·D
3	Икки парракли	2	1	0,885	-	түсиқсиз
4	Икки парракли	2	1	0,885		Змеевикли (d <sub>3M</sub> =1,9d; d <sub>tp</sub> =0,066d; t=0,12d)
5	Олти куракли	1,11	1	0,066	-	түсиқсиз
6	Пропеллерли	3	1	-	1	түсиқсиз
7	Пропеллерли	3	1		1	4 та түсиқұлы, әни 0,1·D
8	Пропеллерли	3	1	-	2	түсиқсиз
9	Пропеллерли	3	1		2	4 та түсиқұлы, әни 0,1·D
10	Очиқ турбинали 6 та түғри куракли	3	1	0,25		түсиқсиз
11	Очиқ турбинали 6 та түғри куракли	3	1	0,2		4 та түсиқұлы, әни 0,1·D
12	Очиқ турбинали 8 та текис әгил- ган қуракли	3	1	0,125		4 та түсиқұлы, әни 0,1·D
13	Ёпиқ турбинали 6 та қуракли	3	1			түсиқсиз
14	Ёпиқ турбинали 6 та қуракли ва йұналтирувчи мосламали	3	1			түсиқсиз
15	Якорли	1,11	1	0,066	-	түсиқсиз
16	Диски, 6 та қуракли	2,5	1	0,1		4 та түсиқұлы, әни 0,1·D

Эслатма: D – қурилма диаметри; H – қурилмадаги суюқлик қатламиңынгы ба-  
ланындығы; b – аралаштиргич паррагининг әни; S – винт қадами; d, d<sub>tp</sub>, d<sub>3M</sub> – аралаш-  
тиргич, труба ва змеевик диаметрлари; t – змеевик қадами.

Аралаштирувчининг дастлабки танланган параметрлари бўйича Эйлер критерийси ҳисобланади, 3.60-расмдан мос равища  $Re_{ap}$  критерийси аниқланади.  $Re_{ap}$  қиймати ёрдамида эса аралаштиргичнинг айланиш сони аниқланади:

$$n = \frac{Re_{ap} \cdot \mu_c}{(d_{ap}^2 \cdot \rho)} \quad (3.117)$$

Агар, дастлаб аниқланган ушбу нисбатдан айланишлар сонининг қиймати кўп ёки кам бўлиб қолса, бошқа қийматлар олинади ва ҳисоблаш қайтарилади.

Ҳисоблар, (3.117) формулада ёрдамида тогилган айланиш частотаси, аралаштиргичнинг дастлаб қабул қилинган айланиш частотаси билан тенг бўлгунга қадар олиб борилади.

Юқоридаги ҳисоблардан сўнг аралаштиргичнинг айланишлар сони ёки камайтирилади ёки кўпайтирилади. Бунинг учун эса аралаштиргичнинг диаметри ҳам мос равища ўзгартирилади.

Электр юриттич куввати (Вт) ни қуйидаги тенглама ёрдамида аниқласа бўлади:

$$N_{\omega} = \frac{N}{\eta} \quad (3.118)$$

бу ерда  $\eta$  - узатманинг ф.и.к.

Аралаштиргичга сарфланадиган энергия (кВт·соат) аралаштириш давомийлигига боғлиқ бўлади:

$$E = N_{\omega} \cdot \tau \quad (3.119)$$

Ишга тушириш вақтида энергия фақат ишқаланиш кучини енгиш учунгина эмас, аралаштирични, суюқликни ҳаракатга келтириш ва инерция кучларини енгиш учун сарфланади. Бунинг натижасида қурилманинг истеъмол қуввати ортади.

Аралаштиргичларни ишлатиш тажрибасидан шу нарса маълум бўлдики, ишга тушириш вақтида аралаштириш мосламасининг куракларига суюқлик кўрсатадиган қаршилик иш пайтидагига нисбатан 2 дан 4,5 баробаргача ортиб кетади. Қисқа вақт ичida ортиқча юклама 200...300% га ортиб кетиши муносабати билан, асинхрон электр юриткичлар қўлланилади.

# ТЕСКАРИ ОСМОС ВА УЛЬТРАФИЛЬТРАШ

## 3.32. Умумий түшүнчалар

Суюқ ва газ аралашмаларын ажратиш жараёнлари халқ хўжалигининг кўп соҳаларида муҳим аҳамиятга эга. Бундай аралашмаларни ажратишида ҳайдаш, ректификация, экстракция, адсорбция жараёнлари кенг ишлатилади. Лекин, газ ва суюқ аралашмаларни ажратишнинг энг универсал усули, ярим ўтказувчан тўсиқ мемброналар ёрдамида ажратишидир (3.61-расм).

Кимё ва нефтни қайта ишлаш саноатларида мембрана усуллари азетроп аралашмаларни ажратишида, эритмаларни тозалаш ва концентрацияси-ни орттиришида, юқори молекулати бирикмаларни эритмаларидан ажратиб олишида; биотехнология ва медицина саноатида вакцина, ферментларни аж-ратиш ва тозалашда; озиқ - овқат саноатида сабзавот ва мевалар шарбатла-ри концентрациясини ошириш учун, сувни ва сувли эритмаларни қайта ишлашда, оқава сувларни тозалашда мембрана жараёнлари кенг кўламда кўлланилади.

Охирги йилларда газ аралашмаларни ушбу усулда ажратиш жадал ра-вишда ривожланмоқда. Ҳозирги кунда ҳаводан кислородни, гелийни ва  $SO_2$  ни табиий газдан ажратиб олишида ишлатилмоқда.

Ҳисботлар ва йигилган тажриба натижалари шуни кўрсатадики, мем-броналарни қўллаш мавжуд технологияларда катта иқтисодий самара бериши мумкин ва янги, содда энергетик тежамли ва экологик жиҳатдан тоза техноло-гиялар яратишида кенг имкониятлар туғдириши мумкин.

Саноатнинг турли технологияларида кенг қўлланилаётган мембрана усулларида тескари осмос, ультрафильтраш, микрофильтраш, диализ, элек-тродиализ, мембрана орқали буғлатиш ва газларни ажратишларни келтириш мумкин.

Янги мембрана усуллари, яъни мембронали дистилляция, электр осмос, фильтраш ва бошқалар устида жадал изланишлар олиб борилмоқда.

Юқоридан қайд этилган усуллардан ҳар бирида ажратиладиган аралашма ярим ўтказувчан мембрана ёрдамида амалга оширилади.

Ярим ўтказувчан тўсиқ мемброналарни хусусий хоссаларига кўра, у орқали ўтган модда бир ёки бир неча компонент билан тўйинади ёки шу ком-понентлар миқдорига моддада камаяди. Қатор ҳолларда жараён шунчалик тўлиқ ўтадики, моддада деярли дисперс фаза қолмайди, чунки улар мемброна-да ушланиб қолади.

Мембронали жараёнлар асосий ҳаракатлантирувчи куч турига қараб классификацияланади. Одатда ушбу жараёнларнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб кимёвий ёки электрокимёвий потенциал градиенти ҳисобланади. Лекин техник ҳисобларда, ушбу жараёнларнинг тезлигини характерлайдиган босим, температура ва ҳ. градиенти қабул қилиниши мумкин.

Шундай қўлиб, мембронали жараённинг ҳаракаттага келтирувчи кучи си-фатида босимлар градиенти - баромембронали жараёнлар (тескари осмос, на-но-, ультра- ва микрофильтраш), концентрациялар градиенти - диффузион мембронали жараёнлар (диализ, мембрана орқали буғланиш, мембрана ёрда-мида газларни ажратиш ва ҳоказо), электр потенциал градиенти - электромем-бронали жараёнлар (электродиализ, электроосмос ва ҳоказо), температура гра-диенти термомембронали жараёнлар (мембронали дистилляция ва ҳоказо) бўлиши мумкин.

Мемброна орқали ўтган модда **пермеат** деб номланади, мембронада қолган аралашма эса - **ретант** (ёки концентрат) деб аталади.

Мембрана ёрдамида ажратиш жараёнининг селективлиги  $\varphi$  (%) куйидагича аниқланади:

$$\varphi = \left( \frac{c_1 - c_2}{c_2} \right) \cdot 100\% = \left( 1 - \frac{c_2}{c_1} \right) \cdot 100\% \quad (3.120)$$

бу ерда  $c_1$  ва  $c_2$  - эриган модданинг аралашмадаги ва permeатдаги концентрациялари.

Мембраннынг солишиштірма унумдорлиғи (үтказувчанлығы)  $G$ , маълум бир ҳаракатлантирувчи күч таъсирида, вакт бирлиғи  $\tau$  ичидә, иш юзаси  $F$  бирлигидан олинган permeatнинг ҳажми  $V$  (ёки массаси) орқали аниқланади [ $\text{кг}/(\text{м}^2 \cdot \text{с})$ ]:

$$G = \frac{V}{F \cdot \tau} \quad (3.121)$$

**Мембрана** - бу суюқ ёки газ аралашмадан бир ёки бир неча компонентни бир томоғлама үтказиш қобилиятыга эга бўлган ярим үтказувчан тўсиқдир.

Мембраннынг қуйидаги талабларни қондириши ва хусусиятларга эга бўлиши керак:

- 1) яхши ажратиш қобилияти (селективлик);
- 2) катта солишиштірма унумдорлик;
- 3) ажратилаётган кимёвий моддаларга чидамли;
- 4) монтаж қилиш, сақлаш ва транспортировка даврига етарли мустаҳкамлик;
- 5) ишлатиш даврида хоссалари ўзгармаслиги керак.

Мембраннынг турли полимер (целлюлоза, ацетат, полиамид, полисульфон), керамика, шиша, металл фольга ва бошқа материаллардан ясалади.

Механик мустаҳкамлигига қараб мембраннынг зичланувчи (полимерли) ва қаттиқ структуралари, ҳамда ғовакли ва ғоваксиз (диффузияли) бўлиши мумкин.

Ғовакли мембраннынг тескари осмос, микро- ва ультрафильтрлаш жараёнларини амалга ошириш учун қўлланилали, газларни ажратишда эса, камроқ ишлатилади. Бу мембраннынг хизмат муддати мембрана материални кимёвий чидамлилиги билан белгиланади.

Диффузияли мембраннынг ёрдамида газ ва суюқлик аралашмаларни то-залаш мембрана орқали буғланиш ва диализ усуулларида амалга оширилади. Одатда диффузияли мембраннынг ғоваксиз бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, гель қатламидаги айрим бўлаклар полимер занжири ўзаро қанчалик суст боғланган бўлса, диффузия тезлиги шунчалик юқори бўлади. Демак, диффузияли мембраннынг тайёрлашда лиофил полимер материалларни қўллаш мақсадга мувофиқ.

Молекулаларни диффузияли мембраннынг орқали ўтиш тезлиги диффузия коэффициентига тўғри пропорционал ва у эса ўз навбати молекулаларнинг ўлчами, шаклига қаттиқ боғлиқ.

Бу турдаги мембраннынг яхши хусусиятларидан бири шундаки, уларнинг үтказувчанлығи вакт ўтиши билан умуман камаймайди. Диффузияли мембраннынг гидравлик қаршилиги катта, шунинг учун улар юпқа қатламли ҳолатда қўлланилади.

Кўпинча мембраннынг лист ёки труба шаклида, ёки ичи бўш толалар кўринишида ясалади. Бу каналлар ички диаметри 20...100 мкм, деворининг қалинлиги 10...50 мкм бўлади. Бундан ташқари, мембраннынг турли шаклдаги

ғовакли ташувчилар устида ҳам ишлатилиши мүмкін. Бу мембраналар **композит мембраналар** деб аталади.

### 3.33. Тескари осмос ва ультрафильтрлаш жараёнларнинг физик-кимёвий асослари

Турли мембранали жараёнлар учун умумий бўлган механизм шу пайтгача ишлаб чиқилмаган ва ҳар бир жараённи алоҳидан кўриб чиқиш керак. Лекин ҳар бир мембранали жараён таҳлил қилинаётганда куйидаги уч асосий омил ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги кўзда тутилиши керак:

1) Мембраннынг қалинлиги бўйича таркиби (ғовакли, ғоваксиз, изотропли);

2) Ажратилаётган системанинг физик кимёвий (газлар учун яна термодинамик) хоссалари;

3) Ажратилаётган аралашманинг мембрана билан ўзаро таъсири.

Агар, юқорида қайд этилган омиллар инобатга олинмасдан қолса, модель механизмини яратиш ва таҳлил қилиш пайтида приниипиал хатоликка олиб келиши мүмкін.

Мембрана орқали ажратилаётган моддаларнинг ўтишига эритувчини ташкил этувчи компонентлар хоссалари (масалан, сувнинг) ва уларнинг мембрана билан ўзаро таъсири катта аҳамиятга эга. Мъълумки, суюқлик ва қаттиқ жисм тўқнашиш зонасида сиртий кучлар (адгезия, сиртий таранглик, молекуляр тортишиш) мавжуддир. Шунинг учун, мембрана устидаги суюқликнинг чегаравий қатламишининг физик-кимёвий хоссалари курилма ҳажмини тўлдириб турган суюқлик хоссаларидан катта фарқ қиласди.

Агар, эритма таркибидаги сувнинг диэлектрик ўтказувчанлиги кескин равища камайса, унинг молекулалари ҳаракатчанлиги сусаяди. Бу ҳол ўз на-вбатида сувнинг эритиши қобилиятини пасайтиради. Полярмас суюқликлар учун чегаравий қатлам ва катта ҳажмдаги суюқликнинг хоссалари сезиларли даражада фарқ қилмайди.

### Баромембран жараёнлар


**Тескари осмос** бу эритманинг эритувчисини ўтказадиган ва дисперс фаза молекула (ёки ионлар) ларини ушлаб қоладиган ярим ўтказувчан мембраналар ёрдамида босим остида фильтрлаш жараёни. Тескари осмос усули осмос ҳодисасига асосланган, яъни бунда система мувозанат ҳолатига чиқмагунча ( $p = \pi$ ), эритувчи ярим ўтказувчан мембрана орқали эритмага ўз - ўзидан ўтадиган жараён (3.61-расм).

Мувозанат ҳолатига ўрнатилиш пайтидаги босимга **осмотик босим** ( $\pi$ ) дейилади. Агар, эритмага осмотик босимдан кўпроқ босим таъсир эттирилса ( $p > \pi$ ), масса ўтиш жараёни тескари йўналишда боради (3.61в-расм). Шунинг учун ҳам, жараён номи "тескари осмос" деб номланган. Мембрана орқали ўтган эритувчи **фильтрат** деб аталади.

Тескари осмос жараёнини ҳаракатга келтирувчи кучи деб босимлар фарқи  $\Delta p = p - \pi$  ҳисобланади, бу ерда  $p$  - эритма остидаги ортиқча босим,  $\pi$  - эритманинг осмотик босими. Агар, тескари осмос жараёнида мембрана орқали озгина дисперс фаза ўтиб қолса, унда  $\Delta p$  ни ҳисоблаш пайтида фильтратнинг осмотик босими  $\pi$  ни ҳам инобатга олиш зарур, яъни:

$$\Delta p = p - (\pi_1 - \pi_2) = p - \Delta\pi \quad (3.122)$$

## Ярим ўтказувчан мембрана



**3.61-раем.** Тескари осмос усулида эритмаларни ажратиш схемаси.  
а - осмос; б - мувозанат; в - тескари осмос.

Осмотик босимни таҳминий ҳисоблаш учун Вант Гофф формуласидан фойдаланса бўлади.

$$\pi = xRT \quad (3.123)$$

бу ерда  $x$  - эрувчи модданинг моль улуши;  $R$  - ўзгармас газ доимийси;  $T$  - эритманинг абсолют температураси, К.

Эритмаларнинг осмотик босими 10 ва ундан ортиқ мегапаскаль бўлиши мумкин. Тескари осмос қурилмаларидағи босим осмотик босимдан анча кўп бўлиши керак, чунки жараённи ҳаракатга келтирувчи куч босимлар фарқи. Масалан, 35% тузлар бор денгиз сувининг осмотик босими 2,45 МПа бўлса, тузсизлантирадиган қурилманинг ишчи босими таҳминан 7,85 МПа бўлиши керак.

**Селектив ўтказувчанлик**нинг капилляр фильтрлашли моделига биноан электролитга чўқтирилган лиофил мембранинг юзаси ва ғоваклар ичida  $t_c$  қалинликда боғланган сувдан иборат сиртий қатлам ҳосил бўлади. Маълумки, боғланган сувнинг бўлиши, ион (ёки молекула) ларнинг мембрана орқали ўтишига тўскенилик қиласди. Ушбу модель проф. Ю. И. Дитнерский томонидан яратилиган.

Агар, мембрана ғоваклари диаметри  $d \leq 2t_c + d_{ru}$  (бу ерда  $d_{ru}$  - гидратацияланган ион диаметри) бўлса, ғоваклар орқали асосан сув ўтади. Бу ҳол бундай мембраналарнинг селективлик хоссасини ифодалайди.

Одатда, мембрана ғоваклар диаметри турлича бўлади, жумладан, йирик ва катта диаметрли ҳам бўлади, яъни  $d > 2t_c + d_{ru}$ , бундай ҳолда боғланган сув оз миқдорда бўлса ҳам ноорганик тузларни эритади. Шунинг учун, қанчалик боғланган сув қатлами қалинлиги ва ионнинг гидратациялаш қобилияти катта бўлса, мембранинг селективлиги шунчалик юқори бўлади.

Кўриб чиқилган модель таҳлилидан куйидаги холосаларга келиш мумкин:

мембрана материали лиофил бўлиши керак, яъни ўтказиладиган компонентга нисбатан мембрана селектив сорбция хусусиятли бўлиши керак;

- ғоваклар диаметри боғланган сув қатлами қалинлиги ва гидратацияланган ион диаметрлар йигиндинининг иккига кўпайтмасидан кичик бўлиши зарур;

мембраналар гидравлик қаршилигини камайтириш учун улар анизоротроп тузилишили ёки композит (фаол қатлам қаланлиги минимал) қилиб ясалishi мақсадга мувофиқ.

**Ультра- ва микрофильтрлаш.** Ультрафильтрлаш - бу юқори ва паст молекулалы бирикмали эритмаларни ажратиш жараёни, ҳамда юқори молекулалы бирикмаларни қуюқлаштириш ва фракциялаштырып көздейтін процесстің негізгілерінің бірі болып табылады.

Ультрафильтрлаш жараёни эриган компонент молекуляр массасы эриттувчи молекуляр массасыдан анча катта бўлган системаларни ажратиш учун кўлланилади.

Юқори молекулалы бирикмалар осмотик босими жуда кичик бўлгани учун ультрафильтрлаш жараёнининг ҳаракатга келтирувчи кучини ҳисоблашда инобатга олмаса бўлади. Шунинг учун ҳам, ультрафильтрлаш жараёни нисбатан паст босимлар ( $0,2\ldots1,0$  МПа) да олиб борилади.

Агар, мембранны жараёни эритма таркибидаги йирик коллоид заррачалар ( $0,1\ldots10$  мкм)ни ажратиш учун ишлатилса, унда у **микрофильтрлаш** деб аталади. Бу жараённинг ҳам ҳаракатга келтирувчи кучи - босимлар фарқи.

Микрофильтрлаш жараёни ўта паст босимларда ўтказилади ( $0,01\ldots0,5$  МПа). Ушбу жараёни ультрафильтрлаш ва оддий фильтрлаш жараёнлари ўртасидаги оралиқ ҳолатни эгаллайди. Микрофильтрлаш электроника, медицина, кимё, микробиология, озиқ овқат ва бошқа саноатларда кснг кўлланилмоқда. Тескари осмос,nano- ва ультрафильтрлаш жараёнларида эритмаларни ажратишдан аввал микрофильтрлаш жараёнини амалга ошириш юқори самара беради.

Баромембранны жараёнларни шартли қўллаш чегаралари 3-5 жадвалда келтирилган.

### 3-5 жадвал

Жараён Параметр	Тескари осмос	Нано- фильтрлаш	Ультра- Фильтрлаш	Микро- фильтрлаш
Заррача диаметри, мкм	0,0001 0,003	0,001 0,005	0,005 0,05	0,05 10,0

Шундай қилиб, нанофильтрлаш тескари осмос ва ультрафильтрлаш ўртасидаги оралиқ жараёни.

Ушбу жараёни ёрдамида молекуляр массаси  $300\ldots3000$  бўлган моддаларни ажратиш ва қуюқлаштириш (концентрлаш), ҳамда оғир металлар ионларини ажратиши олиш мумкин.

Кўпинча саноатда хоссалари бир бирига яқин бўлган электролитлар, ионли суюлтирилган эритмаларни ажратишга тўғри келади. Кўп компонентли эритмалар таркибидан керакли электролитни ажратиб олиш учун комбинацияланган усулдан фойдаланиш зарур. Ушбу усул ўз ичига комплекс ҳосил қилиш ва ультрафильтрлаш (КОУФ)ни олади. Усулнинг асоси шундаки, электролит ионлари ажратувчи эритма билан полимер комплексларини ҳосил қиласади. Полимер комплексларнинг ўлчами боғланмаган ионларни ишлайди. Шунинг учун ҳам, ультрафильтрлаш жараёнида полимер комплекс ретантда чўкиб қолади, боғланмаган ионлар эса, мембранныдан ўтиб пермеат ҳосил қиласади.

### 3.34. Диффузион - мембранны жараёнлар

**Диффузион - мембранны жараёнлар** мембраннынинг қалинлиги бўйича концентрация ёки босим градиентига асосланган бўлиб, газ ёки суюқ аралашмаларни ажратишида кўлланилади. Бунда газларни мембрана ёрдамида компонентларга ажратиш ёки бирор компонентга тўйиниши юз беради.

Фоваксиз мембрана ёрдамида газларни ажратиш, компонентларнинг мембрана орқали диффузияси турли тезлиқда ўтишига асосланган. Бу жараён уч асосий босқичда ўтади: 1) газ мембрана юзасида ажратилаётган аралашма томонида адсорбцияланади; 2) газ мембрана орқали диффузия ҳисобига ўгади; 3) мембраннынг бошқа томонида десорбция юз беради. Одатда, иккинчи босқич жараённинг тезлигига асосий хисса қўшади ва ўтаётган диффузия жараёни Фикнинг биринчи қонуни билан ифодаланади:

$$G = -DF \frac{dc}{dx} \quad (3.124)$$

Агар, (3.124) тенгламани интегралласак ва тегишли ўзгартиришлар кири-тилса:

$$G = D \frac{c_1 - c_2}{\delta} F \quad (3.125)$$

бу ерда  $G$  - мембрана орқали ўтган газ миқдори;  $D$  - диффузия коэффициенти;  $c_1$  ва  $c_2$  - мембраннынг икки томонларидағи концентрациялар;  $x$  - мембрана қалинлиги бўйича масофа;  $F$  - мембрана юзаси;  $\delta$  - мембрана қалинлиги.

Мембрана юзасидаги концентрациялар  $c_1$  ва  $c_2$  ни аниқлаш ёки ўлчаш қийин. Шунинг учун газни мембрана материалида эриши деб ҳисоблаб,  $c_1$  ва  $c_2$  ларни Генри қонуни бўйича аниқлаш мумкин:

$$c_1 = SP_1 \quad c_2 = SP_2 \quad (3.126)$$

бу ерда  $S$  - эриш коэффициенти;  $P_1$  ва  $P_2$  - мембраннынг икки томон юзаларидаги босимлар.

(3.126) ва (3.125) тенгламаларни (3.124) тенгламага қўйсак:

$$G = -DS \frac{P_1 - P_2}{\delta} F \quad (3.127)$$

бу ерда  $A = DS$  - мембраннынг газ ўтказувчанлиги (ёки ўтказувчанлик коэффициенти).

$$G = A \frac{P_1 - P_2}{\delta} F \quad (3.128)$$

яъни, газ ёки буғнинг мембрана орқали ўтиш тезлиги мембраннынг юзаси, босимлар фарқи ва мембраннынг ўтказувчанлик коэффициентига тўғри пропорционал ва қалинлигига тескари пропорционал.

**Мембрана орқали буғланиш** усулида суюқ аралашмалар ажратилади. Ушбу усул аралашма компонентларининг диффузия коэффициентлари турлилиги туфайли компонентларнинг мембрана орқали ўтиш тезлиги ҳар хиллигига асосланган.

Аралашмадан мембрана орқали инерт газ оқими билан ёки вакуум таъсирида буғ ўтади ва кейин конденсаторда конденсацияланади.

Бу жараён ҳам уч босқичда ўтади: 1) модда мембрана юзасида адсорбцияланади; 2) мембрана орқали диффузия ёрдамида ўтади; 3) мембраннынг бошқа томонида десорбция юз беради. Мембрана орқали массанинг ўтиши Фикнинг иккинчи қонуни билан ифодаланади. Буғнинг таркиби температура,

мембрана материали ва аралашма таркибиға боялған. Жараён тезлигини ошириш учун аралашмани 30...60°C гача иситилади ва бұғ зонасида эса, вакуум ҳосил қыллады.

Ноорганик моддалар (масалан, керамика)дан ғовакли мембраналар тайёрланады. Бу жараён полимер асослы, ғовакли ёки ғоваксиз мембраналар (масалан, полипропилен, полиэтилен ва ҳ.)да олиб боришли мүмкін ва азеотроп аралашмаларни (изопропанол - сув, этанол-сув) ажратиша кенг құлланилади. Бу турдаги аралашмаларни ректификация усули билан ажратиб бўлмайди, лекин ректификация ва мембранали ажратиш усууларини бирга қўллаш катта иқтисодий фойда бериши мүмкін.

Турли синтетик углеводородларни, органик кислоталарнинг сувли эритмаларини, кетонларни мембрана орқали буғланиш усулида ажратиш юқори иқтисодий самара беради.

Бундан ташқари, бу усул оқава сувларни тозалашда қўлланилиши мүмкін.

**Диализ** – бу концентрантланган ва суюлтирилган эритмаларни диффузия тезликлари турли бўлган моддаларни ярим ўтказувчан мембраналар орқали ўтказиб ажратиш усулидир. Агар концентрацияси юқори ва паст бўлган эритмалар орасига мембрана жойлаштирилса, эритмалар орасида концентрация градиенти ҳосил бўлади. Бу градиент таъсирида эритилган модда мембрана орқали концентрацияси кам бўлган эритма томон диффузия орқали ўта бошлайди.

Эритувчи (сув) эса, тескари томон ҳаракат қила бошлайди. Диализ тезлиги Фикнинг биринчи қонуни ёрдамида топилади. Диализ орқали ўтган модда микдори эса, масса ўтказиши тенгламаси орқали аниқланади. Диализ асосан, тузилиши ромли фильтр - прессга ўхшаш бўлган, текис камерали ва ичи бўш толали мембрана қурилмаларда амалга оширилади.

**Термомембрана жараёнлари.** Бу жараён ғовакли мембрана қалинлиги бўйича температура градиенти ҳосил бўлишига асосланган ва мембранали дистилляция бунга мисол бўлиши мүмкін.

Жараённинг моҳиятини кўриб чиқамиз. Бошлангич концентрацияли бирорта бир эритма иситилиб (30-70°C) микрографакли сув ўтмайдиган мембраннынг бир томонида узатилади. Мембраннынг бошқа томонида эса, совуқ эритувчи (сув) ҳаракат қиласи. Мембрана ғовакларининг диаметри жуда кичик ва у сув ўтказмайдиган бўлгани учун, сув молекулалари мембрана орқали ўтмайди. Иссик эритмадан ажраб чиқсан буг мембрана ғовакларига кириб мембраннынг совуқ томонида конденсацияланади. Унда, ғовакларда вакуум ҳосил бўлади ва буғлатиш жараёни тезлашади. Берилган эритманинг температураси унча юқори бўлмагани учун мембранали дистилляцияни ўтказища чиқинди сувлар ёки газлар (иссиқлик алмашиниши қурилмалардан чиқсан) ва қуёш энергиясидан фойдаланиш мүмкін. Шунинг учун иқтисодий жиҳатдан бошқа жараёнларга қараганда, термомембрана жараёнлар яхши натижадан беради. Ундан ташқари, бу жараён атмосфера босимида олиб борилгани учун қурилмалар арzon ва қулай материаллардан (полимер) ясалishi мүмкіn.

Бу жараён электролит эритмалар концентрациясини оширишда, дengiz сувларини тозалашда, юқори даражадаги тоза сув олишда қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

### 3.35. Мембраналарни тозалаш усуулари

Мембраналарнинг самарали хизмат муддати, қурилманинг гидродинамик шароити ва уни йиғищдан аввал мембрана элементлари, маҳсус эритма билан

қанчалик яхши ишлов берилганига боғлиқ. Лескин, мембраналар күрилган чора ва тадбирларга қарамасдан, ифлосланади ва қурилманинг технологик кўрсаткичларини пасайтиради. Шунинг учун мембраналар характеристикаларини дастлабки ҳолатига келтириш учун механик, гидродинамик, физик ва кимёвий тозалаш усуллари қўллашилади.

**Механик тозалаш** усули самарали бўлиб, фақат цилиндрик мембрана элементли қурилмаларда қўллаш мумкин. Бунинг учун ифлосланган мембрана юзаси кўпикли материал ёки бошқа мослама ёрдамида артилади.

**Гидродинамик тозалаш** усулининг моҳияти шундаки, мембранага пульсацияли эритма ёки сув оқими, турбулент оқим таъсир эттирилади ёки у сиқилган ҳаво ёрдамида тескари йўналишда пулланади. Ундан ташқари, баромембран жараёнларда босимнинг кескин равишда пасайтириш йўли билан мембранани тозалаш мумкин.

Бу усуллар энг содда ва арzon. Лекин, бу усулда фақат юзаки, енгил bogланган чўқмаларгина тозаланади.

**Физик тозалаш** мембранага электр, магнит ва акустик майдонлар таъсир эттириш орқали амалга оширилади. Бу усулининг энг асосий афзаллиги шундаки, мембраналарни тозалаш қурилмани тўхтатмаслан амалга ошириш мумкин.

**Кимёвий тозалаш** мембраналарни реактив (масалан, лимон, шавель кислоталари, сода, хлор водородли суюқ эритма ва ҳ.) лар ёрдамида ювишdir. Ушбу усул жуда қиммат, чунки реактивлар сарфи катта ва кимёвий зарарли оқава суюқликлар ҳосил бўлади. Агар, мембрана материалининг кимёвий чидамлилиги паст бўлса, ушбу тозалаш усулини умуман қўллаш мумкин эмас.

### 3.36. Мембранали қурилмалар тузилиши ва ишлаш принципи

Тескари осмос ва ультрафильтраш жараёнлари учун ишлатиладиган қурилмалар даврий ва узлуксиз ишлайдиган бўлади. Даврий қурилмалар, одагда лаборатория шароитларида тажрибалар ўтказиш учун қўлланилади. Саноатда эса, асосан узлуксиз ишлайдиган қурилмалар ишлатилади.

Мембранали қурилмалар афзалликлари: жуда катта солишишим ажратиш юзали, йигилиши содда, ишончлилиги юқори ва монтажи осон

Тескари осмос қурилмаларининг энг катта камчилиги шундаки, қурилмада ишчи босим юқори бўлиши керак. Бу ҳол ўз навбатида юқори босимга ҳисобланган ва қувурларни уланиш жойида фланецли бирикмалар ва маҳсус, чидамли қистирмалар қўллашни талаб қиласди.

Фильтровчи мембрана жойлашиш усулига қараб ясси, цилиндр ва ўрам шакли, ҳамда ичи бўш толали мембранали қурилмалар бўлади.


Ушбу қурилмалар алоҳида секция ва модуллардан таркиб топган. Шунинг учун исталган юзали қурилмалар йигиш осон.

Мембранали қурилмаларга қўйиладиган талблар: ишчи юзаси катта, тузилиши содда ва ихчам, суюқлик оқимининг тезлиги юқори ва мембрана бўйлаб бир текисда тақсимланиши, гидравлик қаршилиги кичик, мустаҳкамлиги юқори ва герметик бўлиши керак.

**Ясси юза, мембрана элементли қурилмалар.** Одатда бундай мембранали қурилмалар оддий фильтр қурилмасига ўхшаш бўлиб, энг содда қурилма деб ҳисобланади. Бу қурилма икки мембранадан таркиб топган фильтровчи элемент конструкция асосини ташкил этади (3.62-расм). Фильтровчи элементлар ғовакли материал (масалан, полимер)дан тайёрланади.

Суюқлик ўтиши учун металл "патақ" листларида тешиклар қилинган. Ушбу листлар 0,5...5 мм оралиқда ўрнатилиб, эритмани ажратувчи мембрана-

лараро бүшлик ҳосил қиласи. Фильтрловчи элементлар дастаси иккита плита орасида жойлаштирилди ва тортувчи болтлар билан сиқиб қўйилади.



**3.62-расм. Ясси юза мембрана элементли қурилма.**


1-плита, 2-тортувчи болт; 3-металл  
"патақ"; 4-мембрана; 5-тешик.

Эритма фильтрловчи элементлардан кетма-кет ўтади ва концентранади. Ҳосил бўлаётган концентрат ва фильтрат қурилмадан узлуксиз равишда чиқариб турилади.

Бу турдаги қурилмалар оқсилларни ажратиб олиш, ҳамда ёғсизлантирилган сут ва творогларни ультрафильтраш учун қўлланилади.

Ясси юза, мембрана элементли қурилмалар камчиликлари: мембраналар солишишрма юзаси кичик  $60..300\text{ m}^2$ ; мембраналарни алмаштириш ва йигиш қўлда амалга оширилади.


**Цилиндрик мембрана элементли қурилмалар** алоҳида цилиндрик фильтрловчи модуллардан йигилади (3.63-расм).



**3.63-расм. Цилиндрик мембрана элементли қурилма.**

Цилиндрик фильтровчи элементлар 3 хилда: мембрана дренаж қобирғанинг ички ва ташқи юзасида, ҳамда комбинацияли жойлаштирилиб тайёрланади.

Дренаж қобирғанинг ички юзасида ўрнатилган мембранали қурилмалар афзалликлари (3.64а-расм): металл сарфи кам; гидравлик қаршилиги кичик; фильтровчи элементларни бузмасдан туриб чўқмадан тозалаш осон; конструкция ишончлилиги юқори.



**3.64-расм. Мембранаси турлича жойлаштирилган цилиндрик фильтровчи элементлар.**

а-дренаж қобирғанинг ички юзасида; б-дренаж қобирғанинг ташқи юзасида; в-комбинациялашган; 1-труба; 2-мембрана; 3-металл "патақ"

Камчиликлари: фильтровчи мембрананинг солиширма ишчи юзаси кичик; элементларни йигиш юқори талабларга жавоб бериси керак.

Одатда, дренаж қобирғанинг ташқи юзасида ўрнатилган мембранали қурилмалар катта фильтрлаш солиширма юзали бўлади (3.64б-расм). Лекин, бу фильтр элементларига металл сарфи кўп бўлади ва уларни механик тозалаш мумкин эмас.


Мембраналари комбинацияли жойлаштирилган цилиндрик фильтр элементларнинг солиширма ишчи юзаси юқорида кўриб чиқилган қурилмаларнидан 2 марта кўп бўлади (3.64в-расм). Лекин, фильтрат чиқариш каналларининг узуғлиги катталиги учун, гидравлик қаршилик нисбатан катта бўлади.

Цилиндрик фильтр элементли ультрафильтрлаш қурилмалари мева ва мева-резаворлар шарбатларини тинитиб тозалаш учун кенг кўламда қўлланилади. Шарбатларни хира қилиб турувчи протеин, крахмал, пектин, целлюлоза заррачаларидан ажратиб олиш мумкин. Тозаланган шарбатда фақат табиий таркибли моддалар қолади.

**Ўрам шаклдаги мембрана элементли қурилмалар** труба шаклида ясалиб, унинг ичига бир нечта ўрамли фильтр элемент тикилади.

Мембранани ўраш зичлиги  $300\ldots800 \text{ м}^2/\text{м}^3$ . Бошлангич эритма мембраналараро бўшлиқда бўйлама йуналишда ҳаракат қиласа (3.65б-расм), фильтрат эса, спиралсимон дренаж қатламдан ўтиб, трубага тушади ва қурилмадан чиқарилади.


Мембрананинг ишчи юзасини ошириш учун ўраш зичлиги кўпайтирилади.



3.65-расм. Ўрамли фильтр элемент (а) ва шундай элементли қурилма (б)  
1-труба; 2-мембрана; 3-металл "патақ"; 4-түр-сепаратор.

Мембраннынг ўраш зичлиги оширилса, унинг ишчи юзаси оргади ва ясалиш нархи пасаяди. Ўраш дастасининг энг максимал эни 900 мм гача бўлади. Дастанарнинг узуонлиги дренаж қатламининг фильтрат ҳаракатига гидравлик қаршилиги билан чегараланади ва одатда 2 метрдан ошмайди.

3.66-расмда сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун, уни қайта ишлаш технологик схемаси келтирилган.



3.66-расм. Сутни қайта ишлаш схемаси.


Ушбу схемадан кўриниб турибдики, сутни сепарация қилиб ёф олиш, ёғсизлантирилган сутни ультрафильтрлаш ва тескари осмослар технологиянинг асосий босқичларидир. Ёғсизлантирилган сут концентратидан турли хил сут маҳсулотларини олиш мумкин. Сутни қайта ишлаш технологиясида мембранали қурилмаларни кўллаш оқава сувларни тозалаш муоммосини ҳал этиш имконини беради.

**Ичи бўш толали қурилмалар** ультрафильтрлаш ва тескари осмос ёрдамида эритмаларни ажратиш учун кенг миёсда кўлланилади. Ичи бўш толаларнинг ташқи диаметри 45...200 мкм ва деворининг қалинлиги эса 10...50 мкм, ультрафильтрлаш учупи диаметри - 200...1000 мкм, девори қалинлиги - 50...200 мкм. Ушбу ўлчамли толалар суюқлик ёки газ аралашмасининг 10 МПа гача бўлган босимга чидамли ва ўз мустаҳкамлигини йўқотмайди.

Бу турдаги қурилмаларни куйидаги гурӯҳларга бўлиш мумкин: а - ичи бўш, толалари параллел жойлаштирилган; б - цилиндрик мембрана элементли; в - ичи бўш, толалари U-симон қилиб жойлаштирилган.

Ичи бўш толали қурилмалар таянчсиз ва таянч тақсимловчи трубкали бўлиши мумкин. Таянчсиз қурилмалар тузилиши содда, лекин суюқликнинг тақсимланиши, яъни гидродинамик шароити ёмон. Шунинг учун, ушбу қурилмаларда гидродинамик шароитларни яхшилаш мақсадида тақсимловчи мослама ва турбулизаторлар ўрнатилади.

3.67-расмда ичи бўш, толалари параллел ўрнатилган мембрана қурилма келтирилган.




**3.67-расм. Ичи бўш, толалари параллел жойлаштирилган, таянчсиз мембрана қурилма.**

1-пермеат йигич; 2-фланецлар; 3-қобиқ; 4-ичи бўш толалар; 5-тешикли панжара.

Курилма, эритма кириш ва чиқиш штуцерлари ўрнатилган қобиқ 3 дан, ҳамда пермеат йигич 1 ва тешикли панжара 5 ларни маҳкамлаш учун фланец 2 лардан таркиб топган. Ичи бўш толалар дастаси 4 қобиқ 3 ўқига параллел ҳолда жойлаштирилади ва эпоксид елими ёрдамида тешикли панжара 5 га маҳкамланади. Ажратилаётган эритма ичи бўш толалар дастаси 4 нинг ташқи юзаси бўйлаб ҳаракат қиласи ва босим таъсирида толалар девори орқали ўтади ва пермеат капилляр каналлардан йигичга тушади. Концентрланган эритма ва ретант-узлуксиз равища қурилмадан чиқарилиб туради.

Ушбу турдаги қурилма энг асосий камчилиги шундаки, толалар дастаси тешикли панжарага маҳкамлаш ва зичлаш жуда қийин. Ундан ташқари, эритма оқимини толалар дастаси бўйлаб бир текисда тақсимлаш ҳам осон эмас.

Қайд этилган камчиликлар бир дастали, мембрана элементли қурилмаларда бартараф қилинган (3.68-расм).



**3.68-расм. Ичи бўш, бир даста толали қурилма схемаси.**


1-қобиқ; 2-пермеат йигич; 3-суюқлик тўсгич; 4-спирализмон чизимча; 5-толалар дастаси.

Бу турдаги қурилмаларда эритмани аралаштириш жараёнини жадаллаштириш учун тақсимловчи труба ўрнатилади. Ушбу трубанинг марказий қисмida эритмани толалар дастасининг ичига узатиш учун тешиклар қилинган бўлади.

Бундай қурилмаларни ясаш учун металл кам сарфланади. Лекин, эритманинг аралаштириш жадаллиги паст бўлғанлиги ва ичи бўш толаларнинг

суюқлик түсгічдә қаттық маңкамланиши сабабли, таркибіда қаттық заррағалар бор эритмаларни ажратып бўлмайди.

Ичи бўш, толалари U-симон қилиб жойлаштирилган қурилмалар тузилиши содла, ясаш, йигиш ва монтаж қилиш осон ва металл сарфи кам. Шунинг учун бу турдаги қурилмалардан саноатда кўп фойдаланилади (3.69-расм).



**3.69-расм. Ичи бўш, U-симон толали мембранали қурилма.**

а-конуссимон таянч фланецли: 1-қобик; 2-ими бўш толалар дастаси; 3-шайба; 4-ҳалқасимон қистирмалар; 5-пермеат йиггич; 6-ғовакли таянч «патақ»ли:  
1-ими бўш толалар дастаси; 2-шайба; 3-ғовакли «патақ»; 4-қопқоқ; 5-фланецли бирикма; 6-қобик.

Бу турдаги қурилмалар қобиқ 1, пермеат йигтич 5 ва ҳалқасимон қистирмалар 4 дан таркиб топган бўлади (3.69а-расм). U-симон ичи бўш толалар дастасининг узунлиги 1,5...2 метр бўлиб, уларнинг очиқ учлари шайба 3 га эпоксид елими ёрдамида ёпиштирилган.

Қурилманинг асосий камчилиги: ичи бўш толаларни шайба 3 га маҳкамлаш қийин ва мураккаб; шайба 3 қалин бўлганлиги учун ичи бўш толаларнинг юзаси 5-10 % га камаяди.

Юқорида қайд этилган камчиликлар 3.69б-расмда кўрсатилган қурилмада бартараф қилинган, чунки шайба 3 қалинлиги анча камайтирилган, яъни 10...20 мм.

### 3.37 Мембранали жараён ва қурилмаларни ҳисоблаш

Мембранали қурилмаларнинг ҳисоби технологик, гидравлик ва механик ҳисоблардан иборат. Эритма иситилса ёки совутилса, жараён иссиқлик ҳисоби ҳам ўтказилиши керак.

Технологик ҳисоблашларда мембраннынг ишчи юзаси, суюқликлар сарфи ва таркиби аниқланади.

Гидравлик ҳисоблашдан мақсад - қурилма ва арматураларнинг гидравлик қаршиликларини аниқлашдир.

Механик ҳисоб эса, қурилма қисмларининг ўлчамларини аниқлаш ва ишчи босим учун тўғри келадиган арматура танлашдан иборат.

Иссиқлик ҳисоблашга эса, иссиқлик алмашиниш юзасини ва иссиқлик элткичлар сарфини аниқлаш киради.

**Моддий баланс.** Одатда мембранали жараёнлар ўзгармас температура ва босимда олиб борилади. Бошлангич эритманинг сарфи  $L_0$  (кг/соат) ва унинг таркиби  $c_0$  (кг/кг) permeatnинг концентрацияси  $c_2$  (кг/кг), ва қурилмадан чиқаётган permeat миқдори  $a$ :

$$a = \frac{W}{L_0} \quad (3.129)$$

бу ерда  $W$  - permeat сарфи, кг/соат.

Пермеат  $a$  чиқиши бўйича унинг миқдори аниқланади:

$$W = a \cdot L_0 \quad (3.130)$$

Оқимлар бўйича моддий баланс:

$$L_0 = L - W \quad (3.131)$$

$L$  - ретант (концентрат) сарфи:

$$L = L_0 - W \quad (3.132)$$

Компонент бўйича моддий баланс:

$$L_0 c_0 = L c_1 - W c_2 \quad (3.133)$$

(3.132) tenglamani инобатга олганда, ретант таркибини ушбу формуладан топилади:

$$c_1 = \frac{L_0 c_0 - W c_2}{L_0 - W} \quad (3.134)$$

$$c_1 = \frac{c_0 \left( \frac{W}{L_0} \right) c_2}{1 - \frac{W}{L_0}} \quad (3.135)$$

Келтириб чиқарилган (3.134) ва (3.135) tenglamalар бошқа турдаги мембраналарни ҳисоблаш учун ҳам қўллаш мумкин.

Агар, (3.129) tenglikni инобатга олсак, ҳисоблаш формуласи қўйидагича бўлади:

$$c_1 = (c_0 - a c_2) (1 - a) \quad (3.136)$$

Мембрана устидаги ажратилаётган эритманинг таркибига қараб мембрананинг солиштирма унумдорлиги ушбу функция орқали аниқланади:

$$G = f(c_1) \quad (3.137)$$

Агар,  $G$  ва  $c_1$  катталиклар маълум бўлса ва (3.130) тенгламани ҳисобга олсак (3.121) формуладан ярим ўтказувчан мембрананинг юзаси  $F$  ни топиш мумкин:

$$F = \frac{W}{G} = \frac{\alpha L_0}{f(c_1)} \quad (3.138)$$

**Мембрана юзасини ҳисоблаш** – масса ўтказишнинг асосий тенгламаси ёрдамида олиб борилади. Мембрана орқали ўтётган модданинг миқдорини, масса ўтказишнинг асосий кинетик тенгламасидан аниқлаш мумкин:

$$M = K F \Delta_{yp} \tau \quad (3.139)$$

бу ерда  $K$  – масса ўтказиш коэффициенти;  $F$  – мембрана ишчи юзаси;  $\Delta_{yp}$  – мембранали ажратиш жараёнининг ҳаракатта келтирувчи кучи;  $\tau$  – жараён давомийлиги.

(3.139) тенгламадан мембрананинг ишчи юзаси топилади:

$$F = \frac{M}{K \Delta_{yp} \tau} \quad (3.140)$$

бу ерда  $M$  – мембрана орқали ўтган компонент миқдори, моддий баланс орқали аниқланади.

Мембрана орқали модда ўтиш пайтида масса ўтказиш коэффициенти  $K$  ни ушбу формуладан топилади:

$$K = \frac{1}{\frac{1}{\beta_1} + \frac{\delta}{\lambda_M} + \frac{1}{\beta_2}} \quad (3.141)$$

бу ерда  $\beta$  - ажратилаёттан оқимдан мембрана юзасига масса бериш коэффициенти;  $\delta$  - мембрана қалинлиги;  $\lambda_M$  - мембрананинг масса ўтказувчаник коэффициенти;  $\beta_2$  - мембранадан пермеат оқимига масса бериш коэффициенти.

Масса ўтказиш коэффициентининг тескари қиймати масса ўтказишга кўрсатилган қаршиликни кўрсатади:

$$\frac{1}{K} = R = r_1 + r_M + r_2 = \frac{1}{\beta_1} + \frac{\delta}{\lambda_M} + \frac{1}{\beta_2} \quad (3.142)$$

бу ерда  $r_1 = 1/\beta_1$ ,  $r_2 = 1/\beta_2$  – масса беришга кўрсатилган қаршиликлар;  $r_M = \delta / \lambda_M$  – мембранадаги масса ўтиш жараёнига қаршилик ва  $r >> (r_1 + r_2) \cdot r_M$  ни аниқлаш учун кўпинча тажриба ўтказиш керак бўлади.

Ундан ташқари  $\Delta_{yp}$  ни аниқлаш ҳам осон эмас.

### Иссиқлик ўтказиш

#### 4.1. Умумий түшүнчалар

Температураси юқори бўлган жисмдан температураси паст жисмга иссиқликнинг ўз - ўзидан, қайтмас ўтиш жараёнига *иссиқлик алмашиниши* дейилади.

Жараённи ҳаракатга келтирувчи кучи, бу ҳар хил температурали бўлган жисмларнинг температуралар фарқидир. Термодинамиканинг 2-қонунига биноан, иссиқлик ҳар доим температураси юқори жисмдан температураси паст жисмга ўтади.

Иссиқлик (иссиқлик миқдори) – бу иссиқлик алмашиниши жараёнининг энергетик характеристикаси бўлиб, жараён мобайнида узатилган ёки олинган энергия миқдори билан белгиланади.

Иссиқлик алмашиниши жараёнида иштирок этувчи жисмлар иссиқлик ташувчи элткич ёки *иссиқлик элткич* деб номланади.

Иссиқлик ўтказиш – иссиқлик энергиясининг тарқалиш жараёнлари тўғрисидаги фан.

Иссиқлик алмашиниши жараёнларига иситиш, совитиш, конденсациялаш, бугланиш ва буғлатишлар киради. Ушбу жараёнларни амалга ошириш учун мўлжалланган қурилмалар *иссиқлик алмашиниши* қурилмалари деб аталади.

Маълумки, иссиқлик алмашиниши жараёнларида камида 2 та турли температурали муҳитлар иштирок этади. Ўз иссиқлик энергиясини узатувчи, юқори температурали муҳит – *иссиқлик элткич* деб аталса, иссиқлик энергиясини қабул қылувчи паст температурали муҳит эса-*совуқлик элткич* деб аталаади.

Иссиқлик ва совуқлик элткичлар кимёвий бардошли бўлиши, қурилмаларини емирмаслиги ва унинг деворларида қаттиқ, говак, қуйқа ҳосил қиласлиги керак. Шунинг учун, иссиқлик ёки совуқлик элткичларни танлашда жараён температураси, нархи ва уларни кўлланиш соҳалари каби кўрсаткичларга катта аҳамият бериш керак.

Температураси турли бўлган муҳитлар орасида иссиқлик ўтказиш турғун ва нотурғун шароитларда амалга ошиши мумкин.

Турғун жараёнларда қурилманинг температура майдони вақт ўтиши билан ўзгармайди. Нотурғун жараёнларда эса, вақт ўтиши билан температура ўзгаради. Узлуксиз ишлайдиган қурилмаларда жараёнлар турғун боради, узлукли (даврий) ишлайдиган қурилмаларда эса – жараёнлар нотурғун бўлади. Ундан ташқари, даврий ишлайдиган қурилмаларни юргизиш ва тўхтатиш, ҳамда иш режимлари ўзгарган ҳолларда нотурғун жараёнлар содир бўлади.

Иссиқлик ўтказиш жараёнининг асосий кинетик характеристикалари бўлиб, ўртача температуралар фарқи, иссиқлик ўтказиш коэффициенти ва узатилаётган иссиқлик миқдорлари ҳисобланади.

Иссиқлик алмашиниши қурилмаларини ҳисоблашда қуйидаги параметрлар топилади:

1. Иссиқлик оқими (курилманинг иссиқлик юкламаси), яъни иссиқлик миқдори  $Q$  ҳисобланади. Иссиқлик оқимини аниқлаш учун иссиқлик баланси тузилади ва у  $Q$  га нисбатан ечиб топилади;

2. Берилган вақт ичидә зарур иссиқлик миқдорини узатишни таъмилловчи курилманинг иссиқлик алмашиниш юзаси аниқланади.

#### 4-1 жадвал

#### Иссиқлик (совуқлик) элткичларнинг энг кенг тарқалган турлари

т/р	Иссиқлик элткичнинг номи	Ишчи шароитлар	
		Температура, °C	Босим, МПа
1.	Гелий	≤ -272	≤ 0,1
2.	Водород	≤ -257	≤ 1,0
3.	Азот, кислород, ҳаво	≤ -210	≤ 20,0
4.	Метан	-100...-160	≤ 4,0
5.	Этан, этилен, фреонлар	-70...-150	≤ 4,0
6.	Аммиак, олтингугурт ва углерод диоксиди, фреон -12,22	0...-70	≤ 1,5
7.	Этиленгликоль	0...-65	≤ 0,1
8.	Кальций хлорид эритмаси	0...-50	≤ 0,1
9.	Фреон -11, 21, 113, 114	0...-10	≤ 0,3
10.	Сув	0...-100	0,1
11.	Тўйинган сув буғи	100...374	0,1...22,5
12.	Газойль	0...250	0,1...4,0
13.	Дифенил, дифенилоксид, дифенил аралашмалари (юқори температурали органик иссиқлик элткичлар)	200...300 260...350	0,1 0,1...0,6
14.	Силиконлар (юқори молекулали кремний органик бирикма)	320	0,1
15.	Қалай ва сурмаларнинг қўргошин билан қотишмаси	400	0,1
16.	HTS қуюқ эритмаси (40% NaNO <sub>2</sub> , 17% NaNO <sub>3</sub> ва 53% KNO <sub>3</sub> )	150...530	0,1
17.	Тутун газлари	420...1000	0,1
18.	Қаттиқ иссиқлик элткичлар (шамот, алунд ва ҳоказо)	≤ 1500	0,1
19.	Газлардан электр разряди ўтганда ҳосил бўлган газлар	≤ 3500	0,1

Бунинг учун иссиқлик ўтказишнинг асосий тенгламасидан фойдаланилади.

Иссиқлик асосан З усулда узатилиши мумкин. *Иссиқлик ўтказувчаник, конвекция ва иссиқлик нурланиши*.

#### 4.1.1. Иссиқлик баланси

Температураси юқори иссиқлик элткичдан берилаётган иссиқлик миқдори  $Q_1$  температураси паст элткични иситиш учун  $Q_2$  ва маълум бир қисми курилмадан атроф муҳитга йўқотилаётган иссиқлик ўрнини тўлдириш учун  $Q_{\text{йўқ}}$  сарф бўлади. Одатда, иссиқлик қопламали курилмалар учун  $Q_{\text{йўқ}}$  миқдори фойдали иссиқлик миқдорининг 3...5% ни ташкил этади. Шунинг учун, бу турдаги курилмаларни ҳисоблашда  $Q_{\text{йўқ}}$  ни эътиборга олмаса ҳам бўлади. Унда, иссиқлик баланси қўйидаги тенглик билан ифодаланиши мумкин:

$$Q = Q_1 = Q_2 \quad (4.1)$$

бу ерда  $Q$  - курилманинг иссиқлик юкламаси.

Агар, иссиқлик элткічніңг массавий сарфи  $G_1$ , уннің күрілмега кириштің тәсілдегісі  $I_{1б}$  ва чиқыщадегісі  $I_{1в}$ , союзлик элткічніңг сарфи  $G_2$  күрілмега кириштің тәсілдегісі  $I_{2б}$  в чиқыщадегісі  $I_{2в}$  бўлганда (4.1) тенгламаси ушбу кўринишда ёзиш мумкин:

$$Q = G_1(I_{1б} - I_{1в}) = G_2(I_{2в} - I_{2б}) \quad (4.2)$$

Агар, иссиқлик алмашиниш жараёнида иссиқлик элткічніңг агрегат ҳолати ўзгармаса, унда уннің тәсілдегісі ушбу кўринишда ифодаланади:

$$\begin{aligned} I_{1б} &= c_{1б} t_{1б} & I_{1в} &= c_{1в} t_{1в} \\ I_{2в} &= c_{2в} t_{2в} & I_{2б} &= c_{2б} t_{2б} \end{aligned} \quad (4.3)$$

Одатда, техник ҳисобларда маълум температура учун тәсілдегі қиймати жадвал ва диаграммалардан топилади.

Агар, иккала элткічніңг солишиштірма иссиқлик сифимлари ( $c_1$  ва  $c_2$ ) температурага боғлиқ әмас деб ҳисобланса, унда иссиқлик балансининг тенгламаси кўйидаги кўринишни олади:

$$Q = G_1 c_1 (t_{1б} - t_{1в}) = G_2 c_2 (t_{2в} - t_{2б}) \quad (4.4)$$

#### 4.1.2. Температура майдони ва градиенти

Мұхитларда иссиқлик оқыми ва температураниң тақсимланиши ўртасидегі боғлиқликни аниқлаш иссиқлик алмашиниш назариясининг асосий вазифаларидан биридир.

Текширилаётган мұхитнинг ҳамма нұқталари учун исталған бирор вақтдегі температура қийматлари мажмуга **температура майдони** дейилади.

Әнг умумий ҳолатда маълум бир нұқтадегі температура  $t$  шу нұқтаниң координаталари ( $x, y, z$ )га боғлиқ бўлади ва вақт  $\tau$  ўтиши билан ўзгаради. Демак, температура майдонини ушбу функция билан ифодалаш мумкин:

$$\tau = f(x, y, z, \tau) \quad (4.5)$$

Ушбу боғлиқлик турғун температура майдонини ифодаловчи тенгламадир.


Хусусий ҳолатда (4.5) тенглама фақат фазовий координаталар функцияси бўлади, яъни:

$$t = f(x, y, z) \quad (4.6)$$

ва унга тегишли турғун температура майдонини ифодалайди.

Агар, жисмда бирор текислик ўтказилса ва ушбу текисликдеги бир хил температурали нұқталарни бирлаштирасақ, ўзгармас температурали чизик (изотерма) га эга бўламиз. Температураси бир хил нұқталардан ташкил топган жисмнинг юзаси **изотермик юза** деб номланади.

Иккита бир-бирига яқин жойлашган изотермик юзаларнинг температуralар фарқи  $\Delta t$  бўлса, улар орасидеги энг қисқа масофа  $\Delta n$  бўлади (4.1-расм). Агар, иккала изотермик юзалар бир-бирига яқинлашиб борса  $\frac{\Delta t}{\Delta n}$  нисбат ушбу чегарага интилади:



4.1-расм. Температура градиенти ни аниклашга оид.

температура градиенти чизиги бўйлаб ҳаракат қиласади. Лекин, унинг ҳаракат йўналиши температура градиентига қарама-қарши бўлади.

## 4.2. Иссиклик ўтказувчанлик

**Фурье қонуни.** Қаттиқ жисмларда иссиқлик тарқалиш жараёнини тажрибавий ўрганиш натижасида Фурье (1768-1830) иссиқлик ўтказувчанликнинг асосий қонунини кашф этди. Ушбу қонунга биноан, иссиқлик ўтказувчанлик орқали узатилган иссиқлик миқдори  $dQ$  температура градиенти  $\frac{dt}{dn}$ , вақт  $d\tau$  га ва иссиқлик оқими йўналишига перпендикуляр бўлган майдон юзаси  $dF$  га пропорционал бўлади, яъни:

$$dQ = -\lambda \frac{\partial t}{\partial n} dF d\tau \quad (4.8)$$

(4.8) формуладаги пропорционаллик коэффициенти  $\lambda$  иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти деб аталади. Бу коэффициент жисмнинг иссиқлик ўтказиш қобилиятини характерлайди ва қуйидаги ўлчов бирлигига эга:

$$[\lambda] = \left[ \frac{dQ dn}{dtdF d\tau} \right] = \left[ \frac{Ж}{K} \frac{м}{м^2} \frac{с}{с} \right] = \left[ \frac{Вт}{м К} \right]$$

**Иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти иссиқлик алмашиниш юза бирлигидан ( $1 \text{ м}^2$ ) вақт бирлиги давомида изотермик юзага нормал бўлган  $1 \text{ м}$  узунликка тўғри келган температураларнинг  $1 \text{ K}$  ( $^{\circ}\text{C}$ ) га пасайиши вақтида узатилган иссиқлик миқдорини ифодалайди.**

Жисмларнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти унинг таркиби, физик-кимёвий хоссалари, температура, босим ва бошқа катталикларга бўргиц. Иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти турли материаллар учун қуйидаги оралиқда бўлади:

- газлар учун  $0,005 \dots 0,5 \text{ Вт}/(\text{м} \cdot \text{К})$ ;
- суюқликлар учун  $0,08 \dots 0,7 \text{ Вт}/(\text{м} \cdot \text{К})$ ;
- иссиқлик қоплама ва қурилиш материаллари учун  $0,22 \dots 3,0 \text{ Вт}/(\text{м} \cdot \text{К})$ ;
- металллар учун  $2,3 \dots 458,0 \text{ Вт}/(\text{м} \cdot \text{К})$ .

Кимё ва бошқа саноатларда қўлланиладиган айрим металлар иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти қуйидаги қийматларга эга: легирланган пўлат -  $14 \dots 23$ ; кўргошин -  $35$ ; углеродли пўлат -  $45$ ; никель -  $58$ ; чўян -  $63$ ; алюминий -  $204$ ; мис -  $384$ ; кумуш -  $458 \text{ Вт}/(\text{м} \cdot \text{К})$ . Саноатда энг кўп қўлланиладиган металлар ва суюқликлар иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентлари 4.2 ва 4.3 -расмларда келтирилган.


$$\lim_{\Delta n \rightarrow 0} \left( \frac{\Delta t}{\Delta n} \right) = \frac{\partial t}{\partial n} = gradt \quad (4.7)$$

Изотермик юзага нормал бўйича йўналган температура ҳосиласи **температура градиенти** деб номланади.

Температура градиенти вектор катталиқдир.


Температура градиенти нольга тенг бўлмаган ( $gradt \neq 0$ ) шароитдагина иссиқлик оқими ҳосил бўлиши мумкин.

Маълумки, иссиқлик оқими ҳар доим температура градиенти чизиги бўйлаб ҳаракат қиласади. Лекин, унинг ҳаракат йўналиши температура градиентига қарама-қарши бўлади.



4.2-расм. Айрим металларнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентлари.

1-тоза мис; 2-мис 99,9%; 3-алюминий 99,7%; 4-алюминий 99,0%; 5-тоза марганец; 6-марганец 99,6%; 7- рух 99,8%; 8-тоза платина; 9-никель 99%; 10-никель 99,2%; 11-темир 99,2%; 12 техник тоза қурғошин.



4.3-расм. Турли газларнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентлари.


1-сув буғи; 2-углекислота; 3-ҳаво; 4-аргон; 5-кислород; 6- азот; 7- водород.

#### 4.2.1. Иссиқлик ўтказувчанликнинг дифференциал тенгламаси

Иссиқлик ўтказувчанлик йўли билан иссиқликнинг тарқалиши математик усулда дифференциал тенглама билан ифодаланиши мумкин. Ушбу тенглама энергиянинг сақланиш қонуни асосида келтириб чиқарилади ва иссиқлик тарқатаётган жисм ёки муҳитнинг физик хоссалари (зичлик  $\rho$ , иссиқлик сифим  $c$ , иссиқлик ўтказувчанлик  $\lambda$ ) ҳамма йўналишларда ва вақт ўтиши билан ўзгармайди деб қабул қилинади.

Иссиқлик ўтказувчанликнинг дифференциал тенгламасини келтириб чиқариш учун қаттиқ жисмдан қирралари  $dx$ ,  $dy$  ва  $dz$  бўлган элементар параллелепипед ажратиб олинади (4.4-расм).

Агар, параллелепипеднинг чап орқа ва ости томонларидан  $d\tau$  вақт мобайнида  $Q_x$ ,  $Q_y$  ва  $Q_z$  миқдорда иссиқлик кирса, қарама-қарши - ўнг, олд



4.4-расм. Фуръенинг иссиқлик ўтказувчанлик тенгламасини келтириб чиқаришга оид.

ва устки — томонларидан эса ўз навбатида  $Q_{x+dx}$ ,  $Q_{y+dy}$  ва  $Q_{z+dz}$  миқдорда ис-сиқлиқ чиқады.

Бирор  $d\tau$  вакт ичида параллелепипедга кирган ва ундан чиққан ис-сиқликларнинг фарқи ушбу ифодадан топилади:

$$dQ = (Q_x - Q_{x+dx}) + (Q_y - Q_{y+dy}) + (Q_z - Q_{z+dz}) \quad (4.9)$$

Фурье қонунига биноан (4.9) тенгламани қўйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$\begin{aligned} Q_x &= -\lambda \frac{\partial t}{\partial x} dy dz d\tau \\ Q_{x+dx} &= -\lambda \frac{\partial \left( t + \frac{\partial t}{\partial x} dx \right)}{\partial x} dy dz d\tau = -\lambda \frac{\partial t}{\partial x} dy dz d\tau - \lambda \frac{\partial^2 t}{\partial x^2} dx dy dz d\tau \end{aligned}$$

Демак,

$$Q_x - Q_{x+dx} = \lambda \frac{\partial^2 t}{\partial x^2} dx dy dz d\tau \quad (4.10)$$

Юқоридаги усулдан фойдаланиб, қолган қирралар орқали ўтган ис-сиқлиқ миқдорлари аниқланади:

$$Q_y - Q_{y+dy} = \lambda \frac{\partial^2 t}{\partial y^2} dx dy dz d\tau \quad (4.11)$$

$$Q_z - Q_{z+dz} = \lambda \frac{\partial^2 t}{\partial z^2} dx dy dz d\tau \quad (4.12)$$

(4.11)...(4.13) тенгламаларнинг чап ва ўнг томонларини қўшиб, қўйидаги кўринишга эга бўламиз:

$$dQ = \lambda \left( \frac{\partial^2 t}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 t}{\partial y^2} + \frac{\partial^2 t}{\partial z^2} \right) dx dy dz d\tau \quad (4.13)$$

Энергия сақланиш қонунига биноан,  $dQ$  иссиқлиқ миқдорининг фарқи  $d\tau$  вакт ичида параллелепипед энталпиясининг ўзгаришига сарфланаётган ис-сиқлиқ миқдорига тенг бўлади, яъни:

$$dQ = c \rho dx dy dz \frac{\partial t}{\partial \tau} d\tau \quad (4.14)$$

бу ерда  $c$  — материалнинг солиштирма иссиқлиқ сигими.

(4.13) ва (4.14) ифодаларни солиштириш натижасида Фуръенинг ис-сиқлиқ ўтказувчанилик дифференциал тенгламасини оламиз:

$$\frac{\partial t}{\partial \tau} = \frac{\lambda}{c\rho} \left( \frac{\partial^2 t}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 t}{\partial y^2} + \frac{\partial^2 t}{\partial z^2} \right) \quad (4.15)$$

(4.15) тенгламадаги  $\lambda/(c\rho)$  пропорционаллик күпайтмаси температура ўтказувчанлик коэффициенти деб номланади ва у қуидаги ўлчов бирлигига эга:

$$[a] = \left[ \frac{\lambda}{c\rho} \right] = \left[ \frac{\frac{Bm}{m \cdot K}}{\frac{\mathcal{K}}{K} \cdot \frac{\kappa g}{m^3}} \right] = \left[ \frac{\frac{\mathcal{K}}{c \cdot m \cdot K}}{\frac{\mathcal{K}}{K} \cdot \frac{\kappa g}{m^3}} \right] = \left[ \frac{m^2}{c} \right]$$

Ушбу коэффициент жисмнинг иссиқлик ўтказиш қобилиятини характерлайди.

Одатда, Фуръенинг иссиқлик ўтказувчанлик дифференциал тенгламаси-ни ушбу кўринишида ёзилади:

$$\frac{\partial t}{\partial \tau} = \left( \frac{\partial^2 t}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 t}{\partial y^2} + \frac{\partial^2 t}{\partial z^2} \right) \quad \text{ёки} \quad \frac{\partial t}{\partial \tau} = \alpha \cdot \nabla^2 \cdot t \quad (4.16)$$

Иссиқлик алмашиниш қурилмаларининг иситиш юзлари текис, цилиндрик ёки сферик шаклда бўлиши мумкин.

Шунинг учун, юқорида қайд этилган геометрик шаклли деворларда иссиқликнинг тарқалиши муҳим амалий аҳамиятта эга.

#### 4.2.2. Текис деворнинг иссиқлик ўтказувчанлиги

Бир жинсли, деворнинг қалинлиги  $\delta$  ва иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти  $\lambda$  бўлган бир қатламли текис девордан иссиқлик ўтишини кўриб чиқамиз. Деворнинг ташқи юза температураси  $t_{w1}$ , ички юзасиники эса  $t_{w2}$  га


тенг, лекин  $t_{w1} > t_{w2}$  (4.5-расм).

Бир қатламили, текис деворнинг иссиқлик ўтказувчанлик тенгламасини келтириб чиқариш учун Фуръенинг дифференциал тенгламаси (4.16) дан фойдаланамиз.

Маълумки, турғун иссиқлик режимда деворнинг турли нуқталаридаги температура, вакт ўтиши билан ўзгармайди, яъни  $dt/d\tau = 0$ . Ундан ташқари, температура майдони бир ўлчамли бўлади.

Демак, температура фақат бир йўналиш ( $x$  ўқи) бўйлаб ўзгаради, яъни:

$$\frac{\partial^2 t}{\partial y^2} = \frac{\partial^2 t}{\partial z^2} = 0$$



4.5-расм. Текис бир қатламли деворнинг иссиқлик ўтказувчанлик тенгламасини келтириб чиқаришга оид.

Шундай қилиб, турғун жараёнда бир қатламли текис девор учун (4.16) тенгламаны қўйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$\frac{\partial^2 t}{\partial x^2} = 0 \quad (4.17)$$

(4.17) тенгламани интегралласак, қўйидаги тенгликларни оламиз:

$$\frac{dt}{dx} = C_1; \quad t = C_1 x + C_2 \quad (4.18)$$

Интеграллаш константалари  $C_1$  ва  $C_2$  ларни чегаравий ( $x=0$  ва  $x=\delta$ ) шартлардан аниқлаймиз:

$$C_2 = t_{w1}; \quad C_1 = \frac{dt}{dx} = \frac{t_{w2} - t_{w1}}{\delta} \quad (4.19)$$

Агар, (4.19) ни (4.18) га қўйсак, қўйидаги натижага эга бўламиз:

$$t = \frac{t_{w2} - t_{w1}}{\delta} \cdot x + t_{w1} \quad (4.20)$$

Охирги (4.20) тенгламани таҳдил қўлсак, ушбу хуносага келиш мумкин: турғун иссиқлик жараёнида текис деворнинг қалинлиги бўйлаб температура тўғри чизиқ қонунига биноан ўзгаради ва температура градиенти ўзгармас қийматини сақлади.

Аниқланган температура градиенти қийматини (4.8) тенгламага қўйсак, иссиқлик ўтказувчанликнинг асосий қонунини ифодаловчи тенгламани оламиз:

$$dQ = \lambda \frac{t_{w1} - t_{w2}}{\delta} dF d\tau$$

ёки

$$Q = \frac{\lambda}{\delta} (t_{w1} - t_{w2}) F \tau \quad (4.21)$$

бу ерда  $\lambda / \delta$  - нисбат деворнинг иссиқлик ўтказувчанлитини, унга тескари катталик  $\delta / \lambda$  - деворнинг термик ёки иссиқлик қаршилигини ифодалайди.

Агар, текис девор  $n$  та (бир-биридан фарқли) қатламдан иборат бўлса, турғун иссиқлик алмашиниш жараёнида ҳар бир қатлам орқали бир хил миқдорда иссиқлик ўтади (4.6-расм) ва у турли қатламлар учун қўйидаги кўринишда ёзилади:

$$Q = \frac{\lambda_1}{\delta_1} (t_{w1} - t_a) F \tau \quad \text{ёки} \quad Q \frac{\delta_1}{\lambda_1} = (t_{w1} - t_a) F \tau$$

$$Q = \frac{\lambda_2}{\delta_2} (t_a - t_b) F \tau \quad \text{ёки} \quad Q \frac{\delta_2}{\lambda_2} = (t_a - t_b) F \tau$$

$$Q = \frac{\lambda_n}{\delta_n} (t_n - t_{w2}) F \tau \quad \text{ёки} \quad Q \frac{\delta_n}{\lambda_n} = (t_n - t_{w2}) F \tau$$

Тенгламалар ўнг ва чап қисмларини қўшиш натижасида ушбу кўринишга эришамиз:

$$Q \left( \frac{\delta_1}{\lambda_1} + \frac{\delta_2}{\lambda_2} + \dots + \frac{\delta_n}{\lambda_n} \right) = (t_{w1} - t_2) F \tau$$


Бунда

$$Q = \frac{(t_{w1} - t_{w2}) F \tau}{\sum_{i=1}^n \frac{\delta_i}{\lambda_i}} \quad (4.22)$$


бу ерда  $i$  - девор қатламининг тартиб рақами;  $n$  - қатламлар сони.

#### 4.2.3. Цилиндрик деворнинг иссиқлик ўтказувчанлиги

Узунлиги  $L$ , ички радиуси  $r_w$  ва ташқи радиуси  $r_t$  бўлган цилиндрик деворнинг иссиқлик ўтказувчанлигини кўриб чиқамиз (4.7-расм). Иссиқлик ўтказиши турғун жараёнда амалга ошаётгани учун деворнинг ички ва ташқи юзаларида температуралари ўзгармасдир, яъни  $t_{w1} = t_{w2}$ . Аммо, ички ва ташқи юзалар бир-бирига тенг бўлмагани учун (4.21) тенгламани қўллаш ўринли эмас.



4.6-расм. Текис, кўп қатламли деворнинг иссиқлик ўтказувчанлик тенгламасини келтириб чиқаришга оид.



4.7-расм. Цилиндрик деворнинг иссиқлик ўтказувчанлик тенгламасини келтириб чиқаришга оид.

Температура фақат радиус бўйлаб ўзгармоқда ва  $t_{w1} > t_{w2}$  деб қабул қиласиз. Цилиндрик деворнинг бирор  $r$  радиусдаги юзаси  $F = 2\pi r L$  бўлсин. Агар,  $F$  нинг қийматини (4.8) тенгламага қўйсак, бир ўлчовли майдон учун  $Q$  ни топиш мумкин:

$$Q = -\lambda 2\pi r L \tau \frac{dt}{d\delta}$$

бу ерда  $\delta = r_m - r_u$

Агар  $d\delta$  ўрнига  $dr$  ни қўйсак, унда

$$Q = -\lambda 2\pi r L \tau \frac{dt}{dr}$$

ёки

$$\frac{dr}{r} = -\lambda \frac{2\pi L \tau}{Q} dt$$

ушбу тенгламани  $r_u$  дан  $r_m$  ва  $t_{w1}$  дан  $t_{w2}$  оралиқда интегралласак, қуйидаги кўринишга эришамиз:

$$\ln \frac{r_m}{r_u} = -\frac{2\pi L \tau}{Q} (t_{w2} - t_{w1})$$

ёки  $r_m/r_u = d_m/d_u$  эканлиги ҳисобга олсак, ушбу формулани оламиз:

$$Q = \frac{2\pi L \tau (t_{w1} - t_{w2})}{\frac{1}{\lambda} 2,3 \lg \frac{d_m}{d_u}} \quad (4.23)$$

Келтирилиб чиқарилган (4.23) формуладан кўриниб турибдики, цилиндрик деворларнинг қалинлиги бўйича температура логарифмик (эгри чизик) қонуни асосида ўзгаради. Ушбу тенглама турғун иссиқлик ўтиш жараёни учун цилиндрик деворнинг иссиқлик ўтказувчанлигини ифодалайди.

Худди шу йўл билан  $n$  қатламли цилиндрик девор орқали иссиқлик ўтказувчанлик усулида узатилган иссиқлик миқдорини аниқлаш мумкин:

$$Q = \frac{2\pi L \tau (t_{w1} - t_{w2})}{\sum_{i=1}^{i=n} \frac{1}{\lambda_i} 2,3 \lg \frac{d_{i+1}}{d_i}} \quad (4.24)$$

#### 4.2.4. Шарсимон деворнинг иссиқлик ўтказувчанлиги


Девор материалининг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти  $\lambda$ , ички радиуси  $r_1$  ва ташқи радиуси  $r_2$  бўлган шарсимон деворнинг иссиқлик ўтказувчанлигини кўриб чиқамиз (4.8-расм)

Бундай шаклдаги жисмларда температура тарқалиши бир ўлчовли бўлгани учун, температуранинг деворда тақсимланиши шарнинг фақат радиусига боғлиқ. Шунинг учун сферик координаталар системасида иссиқлик ўтказувчанликнинг дифференциал тенгламаси ушбу кўринишда ёзилади:

$$\frac{d^2 t}{dr^2} + \frac{2}{r} \frac{dt}{dr} = 0 \quad (4.25)$$

Деворнинг исталган қалилигидаги температура ушбу формуладан топилади:

$$t(r) = -\frac{C_1}{r} + C_2 \quad (4.26)$$



4.8-расм. Шарсимон деворда температуранинг тақсимланиши.

Агар, шарсимон деворда температуранинг тақсимланиши гипербола эгри чизиги шаклида, ташқи температураси  $t_{w1}$  ва ички температураси  $t_{w2}$  бўлганда интеграллаш константалари  $C_1$  ва  $C_2$  ушбу тенгламалар системасидан топилади:

$$t_{w1} = -\frac{C_1}{r_1} + C_2; \quad t_{w2} = -\frac{C_1}{r_2} + C_2 \quad (4.27)$$

яъни

$$C_1 = \frac{t_{w1} - t_{w2}}{\frac{1}{r_1} - \frac{1}{r_2}}; \quad C_2 = \frac{r_2 t_{w2} - r_1 t_{w1}}{r_2 - r_1} \quad (4.28)$$

Олинган  $C_1$  ва  $C_2$  ларнинг қийматларини (4.26) га қўйсанк, ушбу ифодани оламиз:

$$t(r) = \frac{t_{w1} \left( \frac{1}{r} - \frac{1}{r_2} \right) + t_{w2} \left( \frac{1}{r_1} - \frac{1}{r} \right)}{\frac{1}{r_1} - \frac{1}{r_2}} \quad (4.29)$$

Турғун жараёнда тўлиқ иссиқлик оқими ушбу формуладан аниқланади:

$$Q = -\lambda \frac{dt}{dr} 4\pi r^2 \quad (4.30)$$

(4.28) ва  $dt/dr = C_1/r^2$  лардан фойдаланиб, шарсимон девор орқали иссиқлик ўтказувчанлик йўли билан ўтган иссиқлик миқдорини топиш формуласини келтириб чиқариш мумкин:

$$Q = \frac{4\pi \lambda}{\frac{1}{r_1} - \frac{1}{r_2}} (t_{w1} - t_{w2}) \quad (4.31)$$

Кўп қатламли шарсимон девор учун эса,  $Q$  ни ҳисоблаш формуласи ушбу кўринишда бўлади:

$$Q = \frac{4\pi (t_{w1} - t_{w(n+1)})}{\sum_{i=1}^n \frac{1}{\lambda_i} \left( \frac{1}{r_i} + \frac{1}{r_{i+1}} \right)} \quad (4.32)$$

бу ерда  $\lambda_i$  ва  $r_i - i$  қатламнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти ва ички радиуси.

#### 4.2.5. Мураккаб шаклли жисмлар иссиқлик ўтказувчанлиги

Юқорида келтирилган параграфларда энг содда жисмларнинг турғун жарайёnda иссиқлик ўтказувчанлиги кўриб чиқилди. Лекин, айрим ҳолларда мураккаб жисмларнинг иссиқлик ўтказувчанлигини билишга тўғри келади. Бунинг учун ушбу бобда келтириб чиқарилган формулаларнинг умумлаштирилган кўринишидан ҳам фойдаланиш мумкин, яъни:

$$Q = \frac{\lambda}{\delta} (t_{w1} - t_{w2}) \cdot F_x \quad (4.33)$$

бу ерда  $F_x$  – жисмнинг бирор соҳта (хисобланган) иссиқлик бериш юзаси.

Текис деворлар учун

$$F_{x_{tek}} = \frac{2F}{2} = \frac{F_1 + F_2}{2} \quad (4.34)$$

бу ерда  $F_1$  ва  $F_2$  – иссиқ ва совуқ ҳолатлардаги юзалари (текис пластина учун  $F_1=F_2$ ).

Цилиндрик деворлар учун

$$F_{x_{qqu}} = \frac{2\pi dr_2 - 2\pi dr_1}{\ln\left(\frac{2\pi dr_2}{2\pi dr_1}\right)} = \frac{F_2 - F_1}{\ln\left(\frac{F_2}{F_1}\right)} \quad (4.35)$$

Шарсимон деворлар учун

$$d_1 = \sqrt{\frac{F_1}{\pi}} \quad \text{ва} \quad d_2 = \sqrt{\frac{F_2}{\pi}}$$

яъни

$$F_{x_{shap}} = \sqrt{F_1 \cdot F_2} \quad (4.36)$$

Агарда, жисмлар ўта мураккаб бўлса, ҳар қайси ҳолатда алоҳида ёндашув зарур.

Куйида мамлакатимизнинг асосий техник хом - ашёси бўлмиш пахта чигитининг иссиқлик ўтказувчанлигини кўриб чиқамиз. Маълумки, пахта чигити нотўғри, эллипс - шаклли жисм бўлиб, ташқи юзаси пахта толалари билан қопланган гетероген мураккаб (4 қатламли) системадир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар бир қатлам физик-механик ва диффузион-иссиқлик хоссалари билан бир-биридан кескин фарқ қиласи [5,6,13].

Пахта чигитининг иссиқлик ўтказувчанлитини аниқлаш учун кўп қатламли сфера кўринишидаги соддалашган моделдан фойдаланамиз.

Кўпгина тажрибалар асосида, чигит марказида 0,1..0,15 мм ўлчамли бўшлиқ (эмбрион) борлиги аниқланди. Шунинг учун ҳам, пахта чигитини ичи бўш сфералар системаси деб ҳам ҳисобласа бўлади.

Сфера турли жинсли 4 та қатламдан иборат ва унинг ички  $t_1$  ва ташқи юзалари  $t_5$  температуралари бўлсин, лекин  $t_1 > t_5$ . Сферанинг ички радиуси  $r_1$ , ташқисиники  $r_5$ . Жисмдаги изотермалар концентрик айланалар кўринишидадир.

Фурье қонунига биноан, ичи бўш сфера учун иссиқлик оқими  $Q$  ушбу формуладан топилади:

$$Q = -\lambda F \frac{dt}{dr} = -4\lambda\pi r^2 \frac{dt}{dr} \quad (4.37)$$

Бу тенгламани интегралласак, қўйидаги натижани оламиз:

$$t = -\frac{Q}{4\pi\lambda} \cdot \frac{1}{r} + C$$

(4.37) тенгламага девор чегараларидағи ўзгарувчан катталиклар қийматларини қўйиб, ушбу формулага эга бўламиз:

$$Q = \frac{4\pi\lambda(t_1 - t_5)}{\frac{1}{r_1} - \frac{1}{r_5}} \quad (4.38)$$

Пахта чигитининг ҳар бир қатламидан ўтаётган иссиқлик микдорини (4.38) формула ёрдамида топиш мумкин. Формуланинг ёйилган кўриниши қўйидагича бўлади:

$$Q = \frac{\frac{4\pi(t_1 - t_5)}{\frac{1}{r_1} - \frac{1}{r_2} + \frac{1}{r_2} - \frac{1}{r_3} + \frac{1}{r_3} - \frac{1}{r_4} + \frac{1}{r_4} - \frac{1}{r_5}}}{\lambda_1 + \lambda_2 + \lambda_3 + \lambda_4} \quad (4.39)$$

бу ерда  $r_1, r_2, r_3, r_4, r_5$  – пахта чигити бўшлиғи, магизи, ҳаво қатлами, қобиги ва толали қатламларининг радиуслари, м;  $\lambda_1, \lambda_2, \lambda_3, \lambda_4$  – чигит магизи, ҳаво, қобиги ва пахта толалирининг иссиқлик ўтказувчалитги [5,6,13].


### 4.3. Иссиқлик нурланиши

Иссиқлик нурланиши тўлқин узунликлари спектрнинг кўз илғамас қисмida бўлиб, 0,8...40 мкм оралиқда бўлади. Улар ёруғлик нурлари 0,4...0,8 мкм дан факат тўлқин узунликлари билан фарқланади. 4-2 жадвалда нурланиш турига қараб тўлқин узунликларининг ўзгариши ҳақида маълумотлар келтирилган.

4-2 жадвал

#### Электромагнит тўлқинларининг умумий классификацияси

Нурланиш тури	Тўлқин узунлиги, м
Космик	$0,05 \cdot 10^{-12}$
$\gamma$ - нурланиш	$0,05 \cdot 10^{-12} \dots 0,1 \cdot 10^{-12}$
Рентген	$10^{-12} \dots 20 \cdot 10^{-9}$
Ультрабинафша	$20 \cdot 10^{-9} \dots 0,4 \cdot 10^{-6}$
Кўз илғайдиган	$0,4 \cdot 10^{-6} \dots 0,8 \cdot 10^{-6}$
Иссиқлик (инфриқизил)	$0,8 \cdot 10^{-6} \dots 0,8 \cdot 10^{-3}$
Радио тўлқинлар	$0,2 \cdot 10^{-3} \dots x \cdot 10^{-3}$



4.8а-расм. Нурланиш энергияси балансига оид.

Иссиқлик ва ёруғлик нурланишининг табиати бир хил бўлиб, умумий қонуниятлар билан характерланади, яъни бир жинсли ва изотроп мұхитларда нурланиш энергияси түғри чизик бўйлаб тарқалади. Иссиқ жисмлардан тарқалаётган оқим нурлари бошқа жисмга тушганда, энергиянинг бир қисми ютилади  $Q_{\text{ют}}$ , бир қисми қайтарилади  $Q_{\text{қат}}$  ва бир қисми ўзгармасдан  $Q_{\text{ж}}$  ўтиб кетади.

Унда, энергиянинг умумий баланси:

$$Q_{\text{ют}} + Q_{\text{қат}} + Q_{\text{ж}} = Q_{\text{нур}} \quad (4.40)$$

ёки ушбу баланснинг улушлардаги кўриниши:

$$\frac{Q_{\text{ют}}}{Q_{\text{нур}}} + \frac{Q_{\text{қат}}}{Q_{\text{нур}}} + \frac{Q_{\text{ж}}}{Q_{\text{нур}}} = 1 \quad (4.40a)$$

бу ерда  $Q_{\text{ют}}/Q_{\text{нур}}$  – жисмнинг нурланган иссиқликни ютиш қобилиятини;  $Q_{\text{қат}}/Q_{\text{нур}}$  – жисмнинг нурланган иссиқликни қайтариш қобилиятини;  $Q_{\text{ж}}/Q_{\text{нур}}$  – жисмнинг нурланган иссиқликни ўтказиб юбориш қобилиятини характерлайди.

Умуман олганда ҳар бир нисбат I га тенг бўлиши мумкин, агар қолган иккита нисбат нолга тенг бўлса.

$Q_{\text{ют}}/Q_{\text{нур}}=1$  бўлганда ( $Q_{\text{қат}}/Q_{\text{нур}} = Q_{\text{ж}}/Q_{\text{нур}} = 0$ ), жисмга тушаётган нурланган энергиянинг ҳаммаси ютилади. Бу ҳолда жисм **абсолют қора жисм** деб номланади.

$Q_{\text{ж}}/Q_{\text{нур}} = 1$  бўлганда ( $Q_{\text{ют}}/Q_{\text{нур}} = Q_{\text{қат}}/Q_{\text{нур}} = 0$ ), жисмга тушаётган нурланган энергиянинг ҳаммаси ўзгармасдан ўтиб кетади. Бу ҳолда жисм **абсолют шаффоф жисм** деб номланади.

Саноатда ва табиатда абсолют қора, оқ ва шаффоф жисмлар бўлмайди.  $Q_{\text{ют}}/Q_{\text{нур}}$ ,  $Q_{\text{қат}}/Q_{\text{нур}}$  ва  $Q_{\text{ж}}/Q_{\text{нур}}$  ўргасидаги боғлиқлик жисм табиатига, юзаси ҳолатига ва температурасига боғлиқдир. Табиатда учрайдиган ҳамма жисмлар нурланган энергиянинг бир қисмини ютади, бир қисмини қайтаради ва бир қисмини ўзидан ўтказиб юборади. Бундай жисмлар кул ранг **жисмлар** деб номланади.

Табиатда учрайдиган жисмлардан қоракуя абсолют қора жисмга яқинроқ. Лекин, у ҳам фақат 90...96 % нурланган энергияни юта олади. Тушаётган нурланган энергияни ўта силлиқланган, ёруғ юзаларгина тўлиқроқ қайтариш қобилиятига эга. Кўпчилик қаттиқ жисмлар шаффоф эмас жисмлар турига киради. Аммо, ҳамма газлар (кўп атомли газлардан ташқари) шаффоф бўлади.

Иссиқлик нурланиш қонуниятлари Стефан-Больцман, Кирхгоф ва Ламберт қонунлари билан ифодаланади.

**Стефан-Больцман қонуни** жисмнинг нур чиқариш қобилияти  $E$  ва жисмдан 1 соат мобайнида  $F$  юзасидан ажralиб чиқаётган иссиқлик миқдори  $Q$  орасидаги боғлиқликни ифодалайди:

$$E = \frac{Q}{F \cdot \tau} \quad (4.41)$$

Нурланиш энергияси тұлқин узунлиги ва жисмнинг температурасыга бөлік бұлади. Абсолют қора жисмнинг нур тарқатып қобилияты ва температураси орасыдаги бөліктердің ушбу формуладан топилади:

$$E_0 = K_0 T^4 \quad \text{еки} \quad E_0 = C_0 \left( \frac{T}{100} \right)^4 \quad (4.42)$$

бу ерда  $K_0 = (4,19 \dots 5,67) \cdot 10^{-8}$  Вт/(м<sup>2</sup> · К<sup>4</sup>) – абсолют қора жисмнинг нур чиқариш константасы;  $C_0 = K_0 \cdot 10^8 = 4,19 \dots 5,67$  Вт/(м<sup>2</sup> · К<sup>4</sup>)


(4.42) формула Стефан – Больцман қонуининг ифодасы бўлиб, Планк тенгламасининг ҳосиласидир.

Стефан – Больцман қонуини абсолют қора бўлмаган жисмлар учун ҳам қўллаш мумкин. Масалан, кул ранг жисмлар учун қўйидаги кўринишига эга:

$$\tilde{E} = \varepsilon \quad C_0 \left( \frac{T}{100} \right)^4 \quad (4.43)$$

бу ерда  $\varepsilon = C/C_0$  – кул ранг жисмнинг қоралик даражаси ёки унинг нур чиқариш коэффициенти;  $C_0$  – кул ранг жисмнинг нур чиқариш коэффициенти.

Кул ранг жисмнинг нур чиқариш коэффициенти ҳар доим 1 дан кичик бўлиб, 0,055...0,95 оралиқда ўзгаради.



4.9-расм. Кирхгоф қонунига оид схема.

$$Q_{\text{кай}}/Q_{\text{нур}} = Q_{\text{нур}}/Q_{\text{нур}} = 1.$$

Демак:

$$E_1 - E_0 A_1 = 0 \quad (4.45)$$

бундан

$$\frac{E_1}{A} = E_0 \quad (4.45a)$$

Ушбу холосани умумлантириб, бир нечта параллел жойлаштирилган жисмлар учун ушбу ифодани келтириб чиқарамиз:

$$\frac{E_1}{A_1} = \frac{E_2}{A_2} = \dots = \frac{E_n}{A_n} = \frac{E_0}{A_0} = f(T) \quad (4.46)$$

(4.46) тенглама Кирхгоф қонунини характерлайди. Ушбу тенгламага биноан, маълум бирор температура учун исталган бир жисмнинг нур тарқатиш қобилияти, унинг нур ютиш қобилиятига бўлган нисбати ўзгармас миқдор бўлиб, абсолют қора жисмнинг нур тарқатиш қобилиятига тенгдир.

**Ламберт қонуни** турли йўналишларда нурланиш интенсивлиги ўзаришини ифодалайди ва ушбу кўринишда ёзилади:

$$dQ = \frac{1}{\pi} Ed\psi \cdot \cos \varphi \cdot dF_1 \quad (4.47)$$


бу ерда  $d\psi$  -  $dF_1$  элементдан  $dF_2$  элемент кўриниши мумкин бўлган фазовий бурчак;  $\varphi$  -  $dF_1$  ва  $dF_2$  ни бирлаштирувчи тўғри чизиқ ва  $dF_1$  га ўтказилган нормал орасида ҳосил бўлган бурчак (4.10-расм).

Ушбу қонунга биноан, жисмнинг нормал йўналишида нур тарқатиш қобилияти жисмнинг тўла нур тарқатиш қобилиятидан  $\pi$  марта кам бўлади.

Икки параллел жойлаштирилган жисмлар ўртасидаги нурланиш жараёнида узатилган иссиқлик миқдори Стефан  $\cdot$  Больцман қонуни асосида келтириб чиқарилган формула ёрдамида ҳисоблаш мумкин:

$$Q_{1-2} = C_{1-2} \left[ \left( \frac{T_1}{100} \right)^4 - \left( \frac{T_2}{100} \right)^4 \right] \cdot F \quad (4.48)$$

бу ерда  $Q_{1-2}$  - 1-жисмдан 2- сига узатилаётин иссиқлик миқдори;  $C_{1-2}$  - 1-ва 2- жисмлардан ғборат системанинг келтирилган нур тарқатиш коэффициенти;  $F$  - жисмнинг нур тарқатиш юзаси.



4.10-расм. Ламберт қонунига оид схема.

$$C_{1-2} = \frac{1}{\frac{1}{C_1} + \frac{1}{C_2} + \frac{1}{C_0}} \quad (4.49)$$

Агар, бир жисм иккинчисини бутунлай ўраб олган ҳолларда ( $F=F_1$ , бу ерда  $F_1$  - ўралиб турган жисм юзаси) 4.48 формуладан фойдаланса бўлади. Келтирилган нур тарқатиш коэффициентини эса, ушбу формуладан ҳисоблаб топиш мумкин:


$$C_{1-2} = \frac{1}{\frac{1}{C_1} + \frac{F_1}{F_2} \left( \frac{1}{C_2} - \frac{1}{C_1} \right)} \quad (4.50)$$

#### 4.4. Конвектив иссиқлик алмашыныш

Суюқлик массаси турбулентлиги қанчалик юқори ва унинг заррачалари жадал равишда аралаштирилса, конвекция усулида иссиқлик алмашиниш шунчалик интенсив булади. Шундай қилиб, конвектив иссиқлик алмашиниш, иссиқликнинг механик узатилиши ва суюқлик ҳаракати гидродинамикасига қаттиқ боғлиқдир.

Иссиқлик алмашиниш жараёнида қатнашаётган суюқлик икки қатламдан ташкил топган, яъни чегаравий қатлам ва оқим ўзаги (ядроси) дан.

Оқим ўзаги иссиқлик ўтиш вақтинг ўзида ҳам конвекция, ҳам иссиқлик ўтказувчанлик усулларида амалга ошади. Бундай иссиқлик алмашиниш **конвектив иссиқлик алмашиниш** дейилади (4.11-расм).



4.11-расм. Конвектив иссиқлик алмашиниш схемаси.

Иссиқликнинг қаттиқ жисм юзасидан суюқлик (ёки газ) га ёки суюқлик (ёки газ) дан қаттиқ жисм юзасига ўтиши **иссиқлик бериш** деб номланади.

Девор юзасидан чегаравий қатлам орқали энергия иссиқлик ўтказувчанлик усули билан ўтади. Чегаравий қатламдан эса, суюқлик ўзагига энергия асосан конвекция усулида узатилиди. Иссиқлик энергиясининг девор юзасидан суюқликка узатилиш жараёнига оқимнинг ҳаракат режими катта таъсир қиласди.

Конвектив иссиқлик алмашиниш асосан 2 хил бўлади, яъни **эркин** (ёки **табиий**) ва **мажбурий** конвекция.

Суюқлик ҳажмининг турли нуқталаридаги зичликларнинг фарқи туфайли рўй берадиган иссиқлик алмашиниши. Бу жараёнга суюқликнинг физик хоссалари, унинг ҳажми, совук ва иссиқ заррачалари орасидаги температуралар фарқи катта таъсир кўрсатади.

Бутун суюқлик ҳажмининг ташқи кучлари таъсири натижасида рўй берадиган иссиқлик алмашинишга **мажбурий конвекция** дейилади. Суюқликнинг ҳаракати насос, аралаштиргич, вентиляторлар ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Бу жараёнга суюқликнинг физик хоссалари, унинг тезлиги, каналнинг шакли ва ўлчамлари салмоқли таъсир этади.

Суюқликнинг турбулент ҳаракат режимида ламинар режимдагига қараганда иссиқлик алмашиниш анча интенсив бўлади.

##### 4.4.1. Ньютон қонуни

Иссиқлик беришнинг асосий қонуни – бу Ньютоннинг совитиш қонунидир.

Иссиқлик алмашиниш юзаси ва суюқлик (газ) ёки суюқлик (газ) ва иссиқлик алмашиниш юзаси орасида энергия ўтишига **иссиқлик бериш** деб номланади.

Иссиқлик бериш жараёни иссиқлик бериш коэффициенти  $\alpha$  билан белгиланади.

Ушбу қонунга биноан, иссиқлик алмашиниш суюқлик (газ) га узатилган иссиқлик миқдори  $dQ$ , деворнинг юзаси  $dF$ , юза  $t_w$  ва муҳит температура-

лари  $t_f$  нинг фарқи ( $t_w - t_f$ ), ҳамда жараённинг давомийлиги  $d\tau$  га тўғри пропорционалдир, яъни:

$$\left. \begin{aligned} dQ &= \alpha (t_w - t_f) \cdot dF \cdot d\tau \\ dQ &= \alpha (t_f - t_w) \cdot dF \cdot d\tau \end{aligned} \right\} \quad (4.51)$$

(4.51) тенгламадан иссиқлик бериш коэффициентининг ўлчов бирлиги-ни келтириб чиқариш мумкин:

$$\alpha = \left[ \frac{dQ}{(t_w - t_f) dFd\tau} \right] = \left[ \frac{J}{m^2 coam K} \right] = \left[ \frac{Bm}{m^2 K} \right]$$

Агар, иссиқлик алмашиниш юзаси бўйлаб иссиқлик бериш коэффициентининг қўймати ўзгармас ( $\alpha = \text{const}$ ) бўлса, (4.51) тенглама ушбу кўринишни олади:

$$\left. \begin{aligned} Q &= \alpha (t_w - t_f) F \tau \\ Q &= \alpha (t_f - t_w) F \tau \end{aligned} \right\} \quad (4.52)$$

Демак, иссиқлик бериш коэффициенти  $\alpha$  деворнинг  $1 \text{ m}^2$  юзасидан суюқликка  $1$  с вақт давомида, девор ва суюқлик температуранинг фарқи  $1 \text{ K}$  бўлганда узатилган иссиқлик миқдорини билдиради. Ушбу, иссиқлик бериш коэффициентининг миқдори бир нечта параметрларга боғлиқдир, яъни суюқликнинг ҳаракат режими  $w$ , унинг зичлиги  $\rho$ , қовушоқлиги  $\mu$ , солиштирма иссиқлик сигими  $c$ , иссиқлик ўтказувчаник коэффициенти  $\lambda$ , ҳажмий кенгайиш коэффициенти  $\beta$ , деворнинг шакли ва ўлчамлари (труба диаметри  $d$  ва узунлиги  $L$ ), ҳамда ғадир-будурлиги  $e$  ва ҳоказоларга.

Юқорида айтилганларни қўйидаги функция ҳолатида ёзиш мумкин:

$$\alpha = f(w, \rho, \mu, c, \lambda, \beta, d, L, e, \dots) \quad (4.53)$$

Умумий кўринишга эга бўлган иссиқлик бериш коэффициенти тенгламаси кўринишидан содда бўлса ҳам,  $\alpha$  ни аниқлаш жуда мураккаб. Чунки, (4.53) дан кўриниб турибдики,  $\alpha$  жуда кўп параметрларга боғлиқ. Шунинг учун, тажриба натижаларини ўхшашлик назарияси ёрдамида умумлаштириш йўли билан иссиқлик бериш коэффициентини ҳисоблаш критериал формуласини келтириб чиқариш мумкин.

Иссиқлик бериш коэффициентини аниқлаш учун суюқликда температура тақсимланишини билиш зарур. Ундан ташқари, иссиқлик алмашиниш жараёнини ҳисоблаш учун иссиқлик бериш коэффициентини ўзгарувчи параметрлар билан боғлиқ тенгламасига эга бўлиши керак.

Бундай тенглама бўлиб конвектив иссиқлик алмашинишнинг дифференциал тенгламаси хизмат қиласи. Лекин, ушбу тенглама девор ва суюқлик чегарасидаги шартларни характерловчи тенглама билан тўлдирилган бўлиши керак.

#### 4.4.2. Конвектив иссиқлик алмашинишнинг дифференциал тенгламаси (Фурье - Кирхгоф тенгламаси)

Маълумки, конвектив иссиқлик алмашиниш жараёнида суюқликда иссиқлик ҳам, иссиқлик ўтказувчаник, ҳам конвекция усувларида узатилади.

Иссиқлик ўтказувчанлык (4.16) тенглама билан ифодаланади ва ушбу күринишга эга:

$$\frac{\partial t}{\partial \tau} = \alpha \left( \frac{\partial^2 t}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 t}{\partial y^2} + \frac{\partial^2 t}{\partial z^2} \right)$$

Ушбу тенгламанинг чап томонидаги нисбат суюқлик (газ)дан ажратиб олинган құзғалмас элемент температурасининг локал (маҳаллий) ўзгаришини ифодалайды.

Конвектив иссиқлик алмашинишида ушбу элемент суюқликнинг бир нүктасидан иккінчисига күчади. Бу ҳолатдаги элементтің температура ўзгариши субстанционал ҳосила ёрдамида ифодаланиши мүмкін. Агар, элементтің фазодаги  $x, y, z$  үқілар бүйічә күчишини  $w_x, w_y, w_z$  деб белгиласақ, унда элемент температурасининг түлиқ ўзгаришини характерловчи субстанционал ҳосила құйидаги күринишга эга бўлади:

$$\frac{\partial t}{\partial \tau} = \frac{\partial t}{\partial x} + \frac{\partial t}{\partial x} w_x + \frac{\partial t}{\partial y} w_y + \frac{\partial t}{\partial z} w_z \quad (4.54)$$

(4.54) тенгликтеги  $\partial t / \partial \tau$  температуранинг локал (маҳаллий) ўзгариши, қолган құшилувчилар йигиндиси эса - температуранинг конвектив ўзгаришини ифодалайды.

Агар, (4.16) тенгламанинг температурадаги локал ўзгаришини түлиқ ўзгаришига (4.54) алмаштирасақ, Фурье Кирхгофнинг конвектив иссиқлик алмашинишининг дифференциал тенгламасини оламиз:

$$\frac{\partial t}{\partial \tau} + \frac{\partial t}{\partial x} w_x + \frac{\partial t}{\partial y} w_y + \frac{\partial t}{\partial z} w_z = \alpha \cdot \left( \frac{\partial^2 t}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 t}{\partial y^2} + \frac{\partial^2 t}{\partial z^2} \right) \quad (4.55)$$

Ушбу тенглама ҳаракатдаги суюқликда иссиқлик энергиясининг бир вақтда иссиқлик ўтказувчанлык ва конвекция усууларыда узатилишининг математик ифодаси. Конвектив иссиқлик алмашиниш жараёнини тұла математик ифодалаш учун (4.55) тенглама девор юзаси ва ҳаракатдаги суюқлик чегарасидаги шароитларни характерловчи тенглама билан түлдирилиши зарур.

Маълумки, ҳаракатланувчи суюқликда жойлашған қаттық жисм юзасида ҳар доим  $\delta$  қалинликка эга чегаравий қатлам мавжұд бўлиб (4.11-расм), у орқали иссиқлик энергияси иссиқлик ўтказувчанлык усулида тарқалади. Чегаравий қатлам орқали суюқлик оқимининг ўзагига узатилган иссиқлик миқдори Фурье қонуни асосида топилади:

$$dQ = -\lambda \frac{\partial t}{\partial n} dFd\tau$$

Үтган  $dQ$  иссиқлик миқдорини Ньютон қонуни ёрдамида ҳам ҳисобласа бўлади:

$$dQ = \alpha (t_w - t_f) dFd\tau$$

Охирги икки тенгламанинг ўнг қисмларини тенглаштириб, «девор-суюқлик» чегара шароитларини характерловчи тенгламани оламиз:

$$-\lambda \frac{\partial t}{\partial n} = \alpha (t_w - t_f) \quad (4.56)$$

(4.55) ва (4.56) тенгламалар конвектив иссиқлик алмашиниш жараёнини түлиқ ифодалайды.

4.11-расмдан күриниб турибдикى, энг катта температура градиенти чегаравий қатlamда ҳосил бўлиб, иссиқлик бериш жараёнининг интенсивлигини, асосан, унинг термик қаршилигини белгилайди.

#### 4.4.3. Конвектив иссиқлик алмашинишнинг ўхшашлик критерий ва тенгламалари

Маълумки, юқорида келтириб чиқарилган (4.55) ва (4.56) тенгламалар мураккаб конвектив иссиқлик алмашиниш жараёнларини ифодалайди.

Ушбу тенгламаларни амалда учрайдиган жараёнларга қўллаш мумкин эмас, чунки ечимини топиш қийин.

Иссиқлик алмашиниш жараёнларини амалий ҳисоблашда ўхшашлик назарияси усуллари ёрдамида (4.55) ва (4.56) тенгламалардан келтирилиб чиқарилган критериял тенгламалари кенг миқёсда ишлатилади.

Агар, (4.56) тенгламанинг иккала қисмини чап қисмiga бўлсак, ушбу ўлчамсиз комплексни олиш мумкин:

$$\frac{\alpha (t_w - t_f) \Delta n}{\lambda \Delta t} = \frac{\alpha \cdot \Delta t \Delta n}{\lambda \Delta t} \quad (4.57)$$

Олинган ўлчамсиз комплексда дифференциялаш белгиларини ўчириб, *n* ни *I* га алмаштириб ва қисқартириш йўли билан **Нуссельт** сонини оламиз:

$$Nu = \frac{\alpha l}{\lambda} \quad (4.58)$$

бу ерда  $\alpha$  - иссиқлик бериш коэффициенти, Вт/(м<sup>2</sup>.К); *l* - геометрик ўлчам, м;  $\lambda$  - мухитнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти, Вт/(м.К).

**Нуссельт** критерийси девор ва суюқлик ўртасидаги чегарада иссиқлик алмашиниш жараёни интенсивлигини характерлайди.

Ушбу критерий чегаравий қатlam қалинлиги *d* нинг аниқловчи геометрик ўлчам (труба учун унинг диаметри *d*) га нисбатини характерлайди.

Конвектив иссиқлик алмашинишнинг дифференциал тенгламасидан:

$$\frac{\partial t}{\partial \tau} + \frac{\partial t}{\partial x} w_x + \dots = a \cdot \left( \frac{\partial^2 t}{\partial x^2} + \dots \right)$$

унинг ҳамма қўшилувчиларини  $a \frac{\partial^2 t}{\partial x^2}$  га бўлиш йўли билан ушбу ўлчамсиз комплексни олиш мумкин:

$$\frac{\partial t \partial x^2}{\partial \tau a d^2 t} \quad \text{ва} \quad \frac{\partial t w_x \partial x^2}{\partial x a \partial^2 t}$$

Дифференциаллаш, белги ва йўналишларини ўчириш ва қисқартириш йўли билан Фурье критерийсини:

$$Fo = \frac{a\tau}{l^2} \quad (4.59)$$

ва Пекле критерийсини

$$Pe = \frac{wl}{a} \quad (4.60)$$

келтириб чиқарамиз.

Фурье критерийси нотургун иссиқлик алмашиниш жараёнларида температура майдонининг ўзгариш тезлиги, мухитнинг ўтчами ва физик катталиклари ўртасидаги боғлиқларни характерлайди.

Пекле критерийси суюқлик оқимида конвекция ва иссиқлик ўтказувчанлик усуллари билан иссиқлик тарқалиш нисбатини характерлайди.

Одатда, Пекле критерийси иккита ўхшашлик критерийларининг кўпайтмаси кўринишида келтирилади:

$$Pe = \frac{wl}{a} = \frac{wl}{v} \cdot \frac{v}{a} = Re \cdot Pr$$

Прандтл критерийси суюқлик қовушоқлиги ва температура ўтказувчанлиги хоссаларининг нисбатини ифода этади. Ушбу критерий фақат суюқликларнинг диффузион – иссиқлик параметрлари ёрдамида аниқланади:

$$Pr = \frac{v}{a} = \frac{\mu}{a\rho} = \frac{\mu g}{a\gamma} \quad (4.61)$$

Грасгоф критерийси табиий конвекция жараёнидаги суюқлик оқимининг гидродинамик режимини характерлайди:

$$Gr = \frac{gl^3}{v^2} \beta \cdot \Delta t \quad (4.62)$$

бу ерда  $\Delta t$  – девор ва суюқликлар ўртасидаги температуралар фарқи, K;  $\beta$  – суюқликнинг ҳажмий кенгайиш коэффициенти;  $g$  – эркин тушиш тезланиши, м/с<sup>2</sup>.

Айрим ҳолларда Нусセルт критерийси ўрнига конвектив иссиқлик алмашиниш критерийси, Сентон критерийсини, ҳам қўллаш мумкин:

$$St = \frac{Nu}{Pe} = \frac{\alpha}{c_p \rho w} \quad (4.63)$$

Ушбу критерий иссиқлик бериш интенсивигини суюқлик иссиқлик оқимига нисбатини аниқлайди.

Юқорида келтириб чиқарилган ўхшашлик критерийлари конвектив иссиқлик алмашинишнинг ўхшашлик тенгламасини аниқлаш имконини беради:

$$f(Re, Nu, Pr, Fo, Gr) = 0 \quad (4.64)$$

Ушбу тенгламада фақат Нуссельт  $Nu$  сони аниқловчи бўлганлиги утун, (4.64) тенглама кўйидаги кўринишда ёзилади:

$$Nu = f(Re, Pr, Gr, Fo) \quad (4.65)$$

Иссиқлик алмашиниш жараёнининг аниқ масалаларини ечишда (4.65) тенгламани анча соддалаштириш мумкин.

Турғун иссиқлик алмашиниш жараёнида тенгламадан  $Fo$  критерийси туширилиб қолдирилади ва ушбу кўринишни олади:

$$Nu = f(Re, Pr, Gr) \quad (4.66)$$

Суюқликнинг мажбурий ҳаракати даврида табиий конвекцияни инобатга олмаса ҳам бўлади ва унда тенглама  $Gr$  критерийси киритилмайди:

$$Nu = f(Re, Pr) \quad \text{ёки} \quad Nu = A Re^n \cdot Pr^m \quad (4.67)$$

Суюқликнинг эркин ҳаракати (табиий конвекция) даврида тенгламадан Рейнольдс критерийси тушуриб қолдирилади:

$$Nu = f(Gr, Pr) \quad \text{ёки} \quad Nu = A Gr^n \cdot Pr^m \quad (4.68)$$

#### 4.4.4. Эркин конвекция даврида иссиқлик бериш

Маълумки, иссиқ ва совуқ суюқлик қатламлари зичликларининг фарқи таъсири остида эркин конвекция мавжуд бўлади. Зичликларнинг ушбу фарқи, девор ва суюқлик температуралар фарқига боғлиқдир. Девор шаклининг жараёнга таъсири иккиласмчи бўлгани учун, иссиқлик беришнинг ўхшашлик тенгламаси ушбу кўринишда ёзилади:

$$Nu = c(Gr \cdot Pr)^n \quad (4.69)$$

бу ерда  $c$  ва  $n$  - суюқлик ҳаракати режимида, яъни  $Gr \cdot Pr$  га, боғлиқ бўлган константалар.

#### 4-3 жадвал

Режимлар		$c$	$N$
Ламинар	( $Gr \cdot Pr \leq 10^{-3}$ )	0,45	0
	( $Gr \cdot Pr = 10^{-3} \dots 5 \cdot 10^2$ )	1,18	0,125
Ўтиш	( $Gr \cdot Pr = 5 \cdot 10^2 \dots 2 \cdot 10^7$ )	0,54	0,25
Турбулент	( $Gr \cdot Pr > 2 \cdot 10^7$ )	0,135	0,33

Грасгоф критерийсида аниқловчи геометрик ўлчам сифатида кўйидагилар қабул қилинган: цилиндрик ва сферик жисмлар учун – диаметр; текиқ плиталар учун – баландлик.

Аниқловчи температура сифатида - чегаравий қатламнинг ўртача температураси  $t = 0,5 (t_w + t_f)$  қабул қилинган. Бу ерда  $t_w$  – девор температураси,  $t_f$  – суюқлик ўзагидаги температура. Грасгоф критерийсидаги температуралар фарқи  $\Delta t = t_w - t_f$  формулада ҳисобланади.

#### 4.4.5. Мажбурий конвекция даврида иссиқлик бериш

Труба ичида иссиқлик элткичнинг иссиқлик бериш коэффициенти қуидаги тенгламалардан аниқланади:  
турбулент режим учун ( $Re > 10000$ )

$$Nu = 0,021 Re^{0,8} \cdot Pr^{0,33} \left( \frac{Pr}{Pr_g} \right)^{0,25} \quad (4.70)$$

үтиш режими учун ( $2320 < Re < 10000$ )

$$Nu = 0,008 Re^{0,8} \cdot Pr^{0,43} \quad (4.71)$$

ламинар режим учун ( $Re \leq 2320$ )

$$Nu = 0,17 \cdot Re^{0,33} \cdot Pr^{0,43} \cdot Gr^{0,1} \left( \frac{Pr}{Pr_g} \right)^{0,25} \quad (4.72)$$

Трубалар ўрами мажбурий ҳаракатдаги кўндаланг йўналган иссиқлик элткич билан ювилиб турган шароитда иссиқлик бериш қуидаги формулалар ёрдамида ҳисобланishi мумкин:

$Re < 10^3$  бўлганда

$$Nu = 0,56 \cdot Re^{0,5} \cdot Pr^{0,36} \left( \frac{Pr}{Pr_g} \right)^{0,25} \quad (4.73)$$

$Re > 10^3$  бўлганда

$$Nu = 0,28 \cdot Re^{0,6} \cdot Pr^{0,36} \left( \frac{Pr}{Pr_g} \right)^{0,25} \quad (4.74)$$

Ушбу тенгламаларда аниқловчи геометрик ўлчам бўлиб, каналларнинг эквивалент диаметри ҳисобланади.

$Nu$ ,  $Re$  ва  $Pr$  критерийларидағи физик параметрлар суюқликнинг ўртача температурасида,  $Pr_g$  эса – деворнинг ўртача температурасида ҳисобланади.

$(Pr/Pr_g)^{0,25}$  иссиқлик оқим йўналиши ва температуралар фарқининг иссиқлик беришга таъсирини ҳисобга олувчи параметр.

Иссиқлик элткичнинг змеевикда ҳаракат қилганда иссиқлик бериш коэффициенти  $\alpha$  ни (4.70) формуладан ҳисобланган қиймати змеевик ўлчамларини инобатга олувчи коэффициент  $\chi$  га кўпайтирилади:

$$\chi = 1 + 3,54 \frac{d}{D} \quad (4.75)$$

бу ерда  $d$  – змеевик трубасининг ички диаметри, м;  $D$  – змеевик ўрамининг диаметри, м.

Ҳаво учун (4.70) формула қуидаги кўриништа эга:

$$Nu = 0,018 \cdot Re^{0,8} \quad (4.76)$$

чунки  $Pr/Pr_g = 1$

Иссиқлик элткіч ұлқасимон каналларда ҳаракат қылған даврида (масалан, “труба ичіда труба” иссиқлик алмашиниш қурилмасыда) иссиқлик бериш ушбу формуладан ҳисоблаб аниқланishi мүмкін:

$$Nu = 0,023 \cdot Re^{0,8} \cdot Pr^{0,4} \left( \frac{D_u}{d_T} \right)^{0,45} \quad (4.77)$$

бу ерда  $d_T$  – ички трубанинг ташқи диаметри, м;  $D_u$  – ташқи трубанинг ички диаметри, м.

Иссиқлик элткіч қобиқ-трубали иссиқлик алмашиниш қурилмасынинг трубалараро бўшлиғида ҳаракат қылганда, иссиқлик бериш энг кенг тарқалган жараёндир. Ушбу ҳолатда иссиқлик бериш коэффициенти қуидаги формуладан аниқланади:

$$Nu = C (Re^{0,6} \cdot Pr^{0,23} \cdot d) \quad (4.78)$$

бу ерда  $C = 1,16$  ва  $1,72$  қийматларга teng бўлиши мүмкін.

Биринчи қиймат қурилмада кўндаланг сегмент тўсиқлар бўлмаган ҳол учун, иккинчиси эса – сегмент тўсиқлар ўрнатилган ҳол учун.

Қобиқ-трубали иссиқлик алмашиниш қурилмаларида трубалар шахматли ёки йўлакли қилиб жойлаштириллади.

Иссиқлик элткіч оқими трубалар ўрамини ташқи томонидан ювига ўтганда, иссиқлик бериш коэффициенти ушбу формуладан ҳисоблаб топилиши мүмкін:

трубаларнинг шахматли жойлашишида

$$Nu = 0,4 \cdot Re^{0,6} \cdot Pr^{0,36} \left( \frac{Pr}{Pr_g} \right)^{0,25} \quad (4.79)$$

трубаларнинг йўлакли жойлашишида

$$Nu = 0,27 Re^{0,63} \cdot Pr^{0,36} \left( \frac{Pr}{Pr_g} \right)^{0,25} \quad (4.80)$$

(4.79) ва (4.80) тенгламалар  $Re = 200 \dots 2 \cdot 10^5$  бўлган оралиқда қўлланилиши мүмкін ва аниқ натижалар беради.

#### 4.4.6. Иссиқлик элткічининг агрегат ҳолати ўзгаришида иссиқлик бериш


Буғланиш, конденсацияланиш, кристалланиш ва эриш жараёнларида иссиқлик алмашинишнинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, мұхитдан иссиқликнинг олиниши ёки унга узатилиши ўзгармас температурада рўй беради ва иккала фазада тарқалади. 4.12 – расмда иссиқлик бериш жараёнда мұхитнинг агрегат ҳолати ўзгараши билан температурасынинг ўзгариш схемаси келтирилган.

Иссиқлик беришнинг бу ўзига хос хусусиятини конвектив иссиқлик алмашинишнинг критерналар тенгламаси фазавий ўзгариш критерийсі ёки конденсацияланиш критерийсі  $K = r/c \Delta t$  (бу ерда  $r$  – бут ҳосил қилиш иссиқлиги,  $\text{Ж}/\text{кг}$ ;  $c$  – солиштирма иссиқлик сифими,  $\text{Ж}/\text{кг}\cdot\text{К}$ )ни киритиш йўли билан ҳисобга олинади.

Сув буғининг конденсацияланиш пайтидаги иссиқлик алмашинишни ифодалаш учун ўхшашилк назарияси асосида келтирилиб чиқарылган қуйидаги критернал формуладан аниклаш мүмкін:

$$Nu = f(Ga, Pr, K) \quad (4.81)$$

бу ерда  $Ga = g\beta/\nu^2$  – Галилей критерийси;  $K$  - фазавий ўзгариш критерийси;  $Pr$  – Прандтл критерийси.



4.12-расм. Мұхиттіннің агрегат ҳолаты ўзгариши билан иссиқлик әлткіч температурасыннің ўзгариш схемасы:

а – иссиқлик әлткіч ўз иссиқлигини агрегат ҳолаты ўзгарғанда узатмоқда (түйінгап сув буғининг конденсацияланиш даврида). Бу ҳолатда;

$$\Delta t_{yp} = \frac{(t_1 - t_2) - (t_1 - t_2)}{\ln[(t_1 - t_2)/(t_1 - t_2)]}$$

б – иккала иссиқлик әлткічлар агрегат ҳолаты ўзгарғанда иссиқлик алмашмоқда. Бу ҳолатда  $\Delta t = t_1 - t_2$ .

Күпгина тажриба натижаларини қайта ишлап натижасыда (4.81) формуласын қўйидаги кўринишда ёсса бўлади:

$$Nu = C(Ga, Pr, K)^{0,25} \quad (4.82)$$

Юпқа қатламли конденсацияланиш даврида иссиқлик беришни конденсат юпқа қатламишининг қалинлиги чегаралайди. Буғнинг тезлиги юпқа қатламли коденсатни узиб олиш учун етарли бўлмайди ва бир хиллик шартларига кирмайди.

Юпқа қатламда конденсациялашнинг умумлаштирилган тенгламасидаги  $Re$  ва  $Fr$  критерийлари ўрнига  $Ga = Re^2/Pr = g\beta/\nu^2$  критерийси киритилади. Бунга сабаб, Галилей критерийсининг буг конденсат икки фазали оқимда оғирроқ фаза таъсир этувчи оғирлик кучларининг ўхшашилгини ифодалашидир. Ушбу ҳолатда конденсацияланиш пайтидаги иссиқлик бериш коэффициенти қўйидаги формула ёрдамида аникланади:

$$\alpha = C \sqrt[4]{\frac{\lambda^3 \rho^2 gr}{\mu \cdot l \cdot \Delta t}} \quad (4.83)$$

Тўйинган буғнинг вертикал деворда конденсацияланishi ва конденсатни ламинар режимда юпқа қатламда оқиб тушиш ҳолати учун (4.83) формуладаги  $C$  коэффициентининг қиймати 2,04 эканлиги аниқланди. Аниқловчи ўлчам бўлиб, вертикал девор баландлиги  $H$  хизмат қиласди. Унда, иссиқлик бериш коэффициенти  $\alpha$  ни қўйидаги формуладан ҳисоблаш мумкин:

$$\alpha = 2,04 \sqrt{\frac{rg^2 \lambda^3 g}{\mu \cdot \Delta t \cdot H}} \quad (4.84)$$

бу ерда  $r$  – конденсацияланиш иссиқлиги,  $J/kg$ ;  $\rho$  – конденсат зичтиги,  $kg/m^3$ ;  $\lambda$  – конденсат иссиқлик ўтказувчанилиги,  $W/m \cdot K$ ;  $\mu$  – конденсатнинг динамик қовушоқлик коэффициенти,  $Pas$ ;  $\Delta t = t_{конд} - t_g$  – тўйинган буғ ва девор температуралари ўртасидаги фарқ,  $^{\circ}C$ ;  $H$  – вертикал труба ёки девор баландлиги,  $m$ .

Конденсацияланиш иссиқлиги  $r$  нинг қиймати конденсация температурасидаги, конденсатнинг  $\lambda$ ,  $\rho$  ва  $\mu$  параметрлари  $t_{юк} = 0,5(t_g + t_{конд})$  да ҳисобланади.

Агар, буғ горизонтал трубада конденсацияланса, (4.84) формула ушбу кўринишда ёзилади:

$$\alpha = 0,72 \sqrt{\frac{r \cdot \rho^2 \lambda^3 g}{\mu \cdot \Delta r \cdot D}} \quad (4.85)$$

бу ерда  $D$  – трубанинг ташқи диаметри,  $m$ .

Агар, буғ труба ўрамида конденсацияланса, ўртача иссиқлик бериш коэффициентини ҳисоблаш учун ушбу формулани қўллаш мумкин:

$$\alpha = 0,728 \varepsilon_t \sqrt{\frac{rg\rho^2 \lambda^3}{\mu \Delta r D}} \quad (4.86)$$

бу ерда  $\varepsilon_t$  – трубаларнинг жойлаштирилиши (йўлакли ёки шахматли) га боғлиқ коэффициент.

$$\varepsilon_t = \left[ \left( \frac{\lambda_g}{\lambda} \right)^3 \frac{\mu}{\mu_g} \right]^{0,125} \quad (4.87)$$

(4.78) даги  $\lambda_g$  ва  $\mu_g$  лар конденсат тегиб турган девор температурасида ҳисобланади.

Мухандислик ҳисобларда  $\varepsilon_t = 0,55...0,68$  деб қабул қилиш мумкин.

Суюқликлар қайнаши пайтида иссиқлик бериш жуда мураккаб жараён-дир. Амалиётда энг кенг тарқалган ва учрайдиган қайнаш тuri – бу пулфакчали қайнаш режимиdir. Ушбу режимдаги иссиқлик бериш коэффициентини аниқлаш учун қўйидаги тенгламадан фойдаланса бўлади:

$$Nu = 125 Re^{0,66} \cdot Pr^{0,33} \quad (4.88)$$

бу ерда  $Nu = ad/\lambda$ ;  $Re = wl/\mu$ ;  $l$  – чизиқли ўлчам бўлиб, пулфакча радиусининг функцияси,  $m$ ;  $w$  – буғ фазаси ҳаракатининг ўртача тезлиги,  $m/c$ ;

Одатда пуфакчалар диаметри 2...3 мм бўлади ва уни ушбу формуладан ҳисоблаб топиш мумкин:

$$d_o = 0,02 \left[ \frac{\sigma}{g(\rho - \rho_\delta)} \right]^{0,5} \quad (4.89)$$

Охирги критериал тенгламадан эркин ва мажбурий конвекция шароитида пуфакчали қайнаш жараёнида  $\alpha$  ни ҳисоблаш учун қуйидаги тенглама келтириб чиқарилган.

$$\alpha = b \sqrt[3]{\frac{\lambda^2 q^2}{\nu \sigma T_{kai}}}$$

бу ерда  $b = 0,075 + 0,75 (\rho_\delta/\rho - \rho_\delta)^{0,66}$  - ўлчамсиз коэффициент;  $\nu$  - суюқликнинг кинематик қовушоқлиги,  $\text{m}^2/\text{s}$ ;  $\sigma$  - сиртий таранглик коэффициенти,  $\text{H}/\text{m}$ .

Эркин конвекция шароитида пуфакчали қайнаш режимида  $\alpha$  ни аниқлаш учун ушбу тенглама таклиф этилган:

$$\alpha = 7,77 \cdot 10^{-2} \left( \frac{\rho_\delta}{\rho - \rho_\delta} \right)^{0,033} \left( \frac{\rho}{\sigma} \right)^{0,033} - \frac{\lambda^{0,75} \cdot q^{0,7}}{\mu^{0,45} \cdot c^{0,12} T_{myi}^{0,37}} \quad (4.90)$$

бу ерда  $\rho_\delta$ ,  $\rho$  - буғ ва суюқликнинг зичликлари,  $\text{kg}/\text{m}^3$ ;  $\sigma$  - суюқлик ва буғни ажратиб турувчи чегарадаги сиртий таранглик,  $\text{H}/\text{m}$ ;  $\lambda$  - суюқликнинг иссиқлик ўтказувчанлиги,  $\text{Bt}/\text{m}\cdot\text{K}$ ;  $q=Q/F$  - солиштирма иссиқлик юклами,  $\text{Bt}/\text{m}^2$ ;  $\mu$  - суюқлик қовушоқлиги,  $\text{Pa}\cdot\text{s}$ ;  $c$  - суюқликнинг солиштирма иссиқлик сифими,  $\text{J}/(\text{kg}\cdot\text{K})$ ;  $T_{myi}$  - тўйиниш температураси,  $\text{K}$ .

Катта ҳажмда сувнинг қайнаш жараёнида иссиқлик бериш коэффициентини таҳминий ҳисоблаш учун қуйидаги формулани кўллаш мумкин:

$$\alpha = 2,72 q^{0,7} p_{abc}^{0,7} \quad (4.91)$$

$$\alpha = 2,72 q^{0,7} p^{0,4}$$

бу ерда  $p$  - босим,  $\text{kg}\cdot\text{k}/\text{cm}^2$

(4.91) формулани  $q = 0,4 \cdot q_{kp}$  ва  $p_{abc} = 0,2 \dots 10 \text{ kg}\cdot\text{k}/\text{cm}^2$  бўлган оралиқда ишлатиш мумкин.

4-4 жадвалда энг кўп учрайдиган иссиқлик алмасиниши жараёнларининг таҳминий иссиқлик бериш коэффициентлари келтирилган.

#### 4-4 жадвал


т/р	Иссиқлик алмасиниши жараёни	Иссиқлик бериш коэффициенти, $\text{Bt}/(\text{m}^2\cdot\text{K})$
1.	Газларни иситиш ва совитиш (атмосфера босимида)	10...50
2.	Органик суюқликларни иситиш ва совитиш	50...1500
3.	Сувни иситиш ва совитиш	200...10000
4.	Сувнинг қайнashi	500...10000
5.	Сув буғларининг конденсацияланиши	4000...15000
6.	Органик суюқлик буғларининг конденсацияланиши	500...2000

#### 4.5. Иссиклик ўтказиш

Иссиклик алмашиниши жараёнларидан күпинча иссиқлик энергиясы бир суюқликтан иккінчисига уларни ажратып түрүвчи девор орқали узатылади. Температураси юқори бўлган суюқликка девор орқали иссиқликнинг узатилиши **иссиқлик ўтказиш** дейилади. Ушбу йўл билан узатилган иссиқлик миқдори иссиқлик ўтказишнинг асосий тенгламасидан аниқланади:

$$Q = K \Delta t_{wp} F \quad (4.92)$$

бу ерда  $K$  – иссиқлик ўтказиш коэффициенти,  $\text{Вт}/(\text{м}^2 \cdot \text{К})$ ;  $\Delta t_{wp}$  – иссиқлик ва совуқлик элткичлар температуруларининг фарқи,  $\text{К}$ ;  $F$  – ажратып түрүвчи девор юзаси,  $\text{м}^2$ .



**4.13-расм.** Текис девор орқали иссиқлик ўтказиш жараёнида температуранинг ўзгариш характеристи.

ган иссиқлик миқдорига тенг бўлади.

Ушбу иссиқлик миқдорини қўйидаги тенгламалардан топиш мумкин:

$$\begin{aligned} Q &= \alpha_1 (t_{f1} - t_{w1}) \cdot F \\ Q &= \frac{\lambda}{\delta} (t_{w1} - t_{w2}) \cdot F \\ Q &= \alpha_2 (t_{w2} - t_{f2}) \cdot F \end{aligned}$$

Юқорида келтирилган тенгламалардан қўйидаги ифодаларни олиш мумкин:

$$\begin{aligned} t_{f1} - t_{w1} &= \frac{1}{\alpha_1} \cdot \frac{Q}{F} \\ t_{w1} - t_{w2} &= \frac{\delta}{\lambda} \cdot \frac{Q}{F} \\ t_{w2} - t_{f2} &= \frac{1}{\alpha_2} \cdot \frac{Q}{F} \end{aligned} \quad (4.93)$$

Тенгламалар чап ва ўнг томонларини қўшиш натижасида, ушбу кўринишга эришамиз:

$$t_{f1} - t_{f2} = \frac{Q}{F} \left( \frac{1}{\alpha_1} + \frac{\delta}{\lambda} + \frac{1}{\alpha_2} \right) \quad (4.94)$$

бундан:

$$Q = \frac{1}{\frac{1}{\alpha_1} + \frac{\delta}{\lambda} + \frac{1}{\alpha_2}} (t_{f1} - t_{f2}) F \quad (4.95)$$

(4.92) ва (4.95) тенгламаларни солишириб, қўйидаги формулага эришамиз:

$$K = \frac{1}{\frac{1}{\alpha_1} + \frac{\delta}{\lambda} + \frac{1}{\alpha_2}} \quad (4.96)$$

бу ерда  $K$  – иссиқлик ўтказиш коэффициенти,  $\text{Bt}/(\text{m}^2 \cdot \text{K})$ .

Унда, текис девор учун иссиқлик элткичнинг ўзгармас температураларида иссиқлик ўтказиш тенгламаси ушбу кўринишни олади:

$$Q = K F \tau (t_{f1} - t_{f2}) \quad (4.97)$$

узлуксиз жараёнлар учун эса:

$$Q = K F (t_{f1} - t_{f2}) \quad (4.98)$$

(4.97) тенгламага биноан иссиқлик ўтказиш коэффициентининг ўлчов бирлиги:

$$K = \left[ \frac{Q}{F \tau (t_{f1} - t_{f2})} \right] = \left[ \frac{Ж}{м \cdot с \cdot К} \right] = \left[ \frac{Вт}{м^2 \cdot К} \right]$$

(4.96) тенгламадан

$$\frac{1}{K} = \frac{1}{\alpha_1} + \frac{\delta}{\lambda} + \frac{1}{\alpha_2} \quad (4.99)$$

Шундай қилиб иссиқлик ўтказиш коэффициенти  $K$  температураси юқори бўлган иссиқлик элткичдан, температураси паст элткичга вақт бирлигига ажратувчи деворнинг  $1\text{m}^2$  юзасидан элткичлар температураси  $1\text{K}$  бўлганда ўтказилган иссиқликнинг миқдорини билдиради.

Иссиқлик ўтказиш коэффициентига тескари бўлган катталик **термик қаршилик** деб номланади.  $1/\alpha_1$  ва  $1/\alpha_2$  лар иссиқлик беришнинг термик қаршилиги бўлса,  $\delta/\lambda$  деворнинг термик қаршилиги. (4.99) тенгламадан кўриниб турибдики, иссиқлик ўтказишнинг термик қаршилиги иссиқлик бериш ва деворнинг термик қаршиликлар йигиндисига тенг.

Деворнинг термик қаршилигини аниқлашда, унга ўтириб қолган қуйқа ва ифлосликларнинг термик қаршилигини ҳам ҳисобга олиш зарур (4-5 жадвал).

$$r_{u\phi_1} = \frac{\delta_{u\phi_1}}{\lambda_{u\phi_1}}$$

Кўп қатламли текис девордан иссиқлик ўтиш жараёнида ҳар бир қатламнинг термик қаршилиги ҳисобга олиниши зарур. Бундай деворлар учун  $K$  ни қўйидаги тенгламадан аниқлаш лозим:

$$K = \frac{1}{\frac{1}{\alpha_1} + \sum_{i=1}^n \frac{\delta_i}{\lambda_i} + \frac{1}{\alpha_2}} \quad (4.100)$$

бу ерда  $i$  - қатламнинг тартиб рақами;  $n$  - қатламлар сони.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар доим иссиқлик ўтказиш коэффициенти энг минимал иссиқлик бериш коэффициенти қийматидан кичик бўлади.

#### 4-5 жадвал

##### Гифл. нинг таҳминий қийматлари

т/р	Иссиқлик элткич	$r_{u\phi_1}, \frac{m^2 K}{Bm}$
1.	Сув - дистилланган - денгиз - сифатли қудук, кўл, водопровод, дарё суви - $w < 0,9 \text{ м/c}$ - $w > 0,9 \text{ м/c}$ - ифлосланган дарё суви - $w < 0,9 \text{ м/c}$ - $w > 0,9 \text{ м/c}$	0,00009 0,00009 0,00018 0,00035 0,00018 0,00053 0,00035
2.	Нефть маҳсулотлари - хом-ашё	0,00009
	- тоза (шу жумладан минерал мойлар)	0,00018
3.	Органик суюқликлар, тузли эритмалар, совуқлик элткичлар ( $\text{NH}_3$ , фреонлар ва ҳоказо.)	0,00018
4.	Сув буғи	0,00018
5.	Буғлар - органик суюқликники - совуқ элткичларники	0,00009 0,00035
6.	Ҳаво	0,00035

**Цилиндрик деворнинг иссиқлик ўтказиши.** Маълумки, саноатнинг турли соҳаларида иссиқлик алмасиниш труба орқали ўтади (4.7-расм). Трубадан температураси  $t_1$  бўлган суюқлик ҳаракат қўлса, ташқарисидан эса —  $t_2$  температурали суюқлик оқиб ўтсин, яни  $t_1 > t_2$  дан. Температураси юқори суюқликдан труба ички деворига иссиқлик бериш коэффициенти  $\alpha_1$ , ташқи юзасидан совуқ суюқликка иссиқлик бериш коэффициенти  $\alpha_2$ , труба баландлиги  $L$ , ички радиуси  $r_1$  ва ташқи радиуси  $r_2$  бўлса, цилиндрик юзадан узатилган иссиқлик миқдори қўйидагича аниқланади:

$$Q = K_R 2\pi r (t_1 - t_2) \quad (4.101)$$

Иссиқлик ўтказиш коэффициенти  $K$  ни эса ушбу тенгламадан топилади:

$$K_R = \frac{1}{\frac{1}{\alpha_1 r_1} + \frac{1}{\lambda} 2,31g \frac{r_2}{r_1} + \frac{1}{\alpha_2 \cdot r_2}} \quad (4.102)$$

бу ерда  $K_R$  – иссиқлик ўтказишнинг чизиқли коэффициенти, Вт/(м·К).

$K$  нинг  $K_R$  дан фарқи шундаки,  $K$  деворнинг юза бирлигига нисбатан олинса, иккинчиси  $K_R$  - труба узунлигининг бирлигига нисбатан олинади.

#### 4.6. Иссиқлик алмашиниш жараёнларини ҳаракатга келтирувчи күч

Иссиқлик алмашиниш жараёнларини ҳаракатга келтирувчи күчи – иссиқлик элткичларнинг температуралар фарқи. Ушбу фарқ таъсири остида иссиқлик температураси юқори мұхитдан температураси паст мұхитта ўтади.

Үзгармас температурада иссиқлик ўтказиш жараёни жуда кам тарқалған. Бундай жараёнлар, бир томонида бүг конденсацияланса, иккинчисида эса, суюқлик қайнаши рўй беради. Лекин, саноатда кўпчилик жараёнлар иссиқлик элткичларнинг ўзгарувчи температураларида содир бўлади.

Одатда температура иссиқлик элткичларни ажратиб турувчи девор юзаси  $F$  бўйлаб ўзгаради. Лекин, вақт ўтиши билан иссиқлик элткичнинг температураси ўзгармаслиги мумкин ва у  $t = f(F)$  функция билан ифодаланади. Бундай ҳол турғун иссиқлик алмашиниш жараёнини характерлайди.


Нотурғун иссиқлик алмашиниш жараёнларида 2 ҳолат бўлиши мумкин:

- девор юзасининг ҳар бир нүктасида температура фақат вақт ўтиши билан ўзгаради, яъни  $t = f(\tau)$ ;

иссиқлик элткичнинг температураси вақт ўтиши ва девор юзаси бўйлаб ўзгаради, яъни  $t > f(\tau, F)$ .

Ўзгарувчан температурада иссиқлик ўтказиш суюқликларнинг ҳаракат йўналишига боғлиқдир.

Узлуксиз ишлайдиган қурилмаларда иссиқлик алмашиниш жараёнида суюқликлар ҳаракати параллел, қарама-қарши, кесишиб ўтган ва мураккаб (аралаш) йўналишили бўлиши мумкин (4.14-расм).



4.14-расм. Иссиқлик алмашиниш жараёнида суюқликларнинг ҳаракат йўналишилари  
а - параллел; б - қарама-қарши; в - кесишиб ўтган;  
г, д - аралаш.

Элткичлар бир-бирига нисбатан перпендикуляр йўналишда ҳара-кат қиласиди;


- 1) параллел ҳаракатда (4.14а-расм) иккала иссиқлик элткичлар ҳам бир хил йўналишда ҳаракат қиласиди;
- 2) қарама-қарши ҳаракатда (4.14б-расм) иссиқлик элткичлар бир-бирига қарши йўналишда ҳаракат қиласиди;
- 3) кесишиб ўтuvchi ҳаракатда (4.14в-расм) иссиқлик

4) мураккаб ёки аралаш ҳаракатда (4.14г, д-расм) биринчи иссиқлик элтич бир йұналишда ҳаракат қылса, иккінчиси ҳам тұғри, ҳам тескари йұналишда ҳаракат қылади.


Үзгаруучан температуралар жараёnlарда иссиқлик элткічларнинг үзаро аракат йұналишига қараб, иссиқлик алмашиның жараёnnинің ҳаракатта кел-ируди күчи үзгәради. Шунинг учун, иссиқлик үтказишнинг асосий тенглама-идаги үртака ҳаракатта келтируучи күч суюқликларнинг бир-бираига нисбатан аракат йұналишига ва жараённи ташкил этилишига боғлиқ бўлади.

4.15-расмда параллел ва қарама-карши йұналишли ҳаракатлар пайтида иссиқлик элткічлар температураларининг үзгариши тасвиirlанган. Иссиқлик лткічлардан бири  $G_1$  совутилганда температураси  $t_1'$ дан  $t_1''$  гача пасаймоқда, иккінчиси эса  $G_2$ , иситилганда  $t_2'$ дан  $t_2''$  гача кўтарилимоқда.

4.16-расмда қобиқ трубали иссиқлик алмашиниш қурилмаларида тез-е兹 учраб турадиган аралаш йұналишли суюқликлар ҳаракат схемалари келти-иilган.



4.15-расм. Иссиклик элткічлар температураларининг үзгариш схемаси.  
а - параллел йұналиш; б - қарама - қарши йұналиш.



4.16-расм. Аралаш йұналишынан қобиқ - трубали иссиқлик алмашиниш қурилмасында иссиқлик элткічларнинг ҳаракат схемаси ва  $\epsilon_{ht}$  коэффициенті:

- а - трубалараро бўшлиғи бир ва трубалар бўшлиғи эса икки, тўрт, олти ва ундан ортиқ йўлли; б - кўндаланг тўсиқли трубалараро бўшлиғи бир ва трубалар бўшлиғи икки, тўрт, олти ва ортиқ йўлли; в - кўндалант тўсиқли трубалараро бўшлиғи икки ва трубалар бўшлиғи тўрт йўлли.

4.15-расмдан күриниб турибиди, иссиқлик алмашиниш жараёнида иккى иссиқлик элткичлар орасидаги ҳаракатта келтирувчи куч миқдори девор юзасы бўйлаб ўзгармоқда. Масалан, иссиқлик элткичларнинг қурилмага киришда параллел йўналишда (4.15а-расм) локал ҳаракатта келтирувчи куч максимал қийматга эга:  $\Delta t_{\max} = t_1' - t_2'$ , қурилмадан чиқишда эса, минимал  $\Delta t_{\min} = t_1'' - t_2''$ . Қарама-қарши йўналишли ҳаракатда ҳам худди шундай натижага эга бўламиз: Шунинг учун иссиқлик алмашиниш жараёнини ҳисоблашда ўртач ҳаракатта келтирувчи кучдан фойдаланилади.

Иссиқлик алмашиниш юзасининг чексиз кичик элементида вақт бирлигида иссиқ элткичдан совуқ элткичга узатилаётган иссиқлик миқдори (4.15а расм) ушбу тенгламадан аниқланади:  $dQ = K(t_1 - t_2)dF$ .

Иссиқлик алмашиниш оқибатида иссиқ элткичнинг температураси  $dt_1 = -dQ/(G_1 c_1)$  га пасаяди.

Совуқ элткичнинг температураси эса  $dt_2 = dQ/(G_2 c_2)$  га кўтарилади.

Бу ерда  $G_1$  ва  $G_2$  иссиқ ва совуқ элткичларнинг массавий сарфи;  $c_1$  ва  $c_2$  иссиқ ва совуқ элткичларнинг солиштирма иссиқлик сигимлари.

Иссиқлик элткичлар температурасининг ўзгаришини топиш учун биринчи тенгламадан иккинчисини айриш керак:

$$d(t_1 - t_2) = -dQ \left( \frac{1}{G_1 \cdot c_1} - \frac{1}{G_2 \cdot c_2} \right) \quad (4.103)$$

Агар, иссиқлик ўтказишнинг асосий тенгламасининг  $dQ$  қийматин (4.103)га қўйсак ушбу ифодага эга бўламиз:

$$\frac{d(t_1 - t_2)}{t_1 - t_2} = -K \left( \frac{1}{G_1 c_1} + \frac{1}{G_2 c_2} \right) dF \quad (4.103)$$

$F$  юзали иссиқлик алмашиниш қурилмасида вақт бирлигида иссиқли элткичдан совуғига ўтган иссиқлик миқдори  $Q$ , иссиқлик баланси тенгламаси дан топилади:

$$Q = G_2 c_2 (t_1' - t_1'') = G_2 c_2 (t_2'' - t_2') \quad (4.10)$$

(4.104) тенгламадаги  $G_1 c_1$  ва  $G_2 c_2$  ларнинг қийматларини (4.103a) қўйсак, ушбу кўринишни оламиз:

$$\frac{d(t_1 - t_2)}{t_1 - t_2} = -\frac{K}{Q} [(t_1' - t_1'') + (t_2'' - t_2')] dF \quad (4.10)$$

(4.105) тенгламани ўзгармас  $K$  да интегралласак:

$$Q = K F \frac{(t_1' - t_2') - (t_1'' - t_2'')}{\ln \frac{t_1' - t_2'}{t_1'' - t_2''}} \quad (4.10)$$

ёки:

$$Q = KF \frac{\Delta t_{\max} - \Delta t_{\min}}{\ln \frac{\Delta t_{\max}}{\Delta t_{\min}}} \quad (4.107)$$

(4.106), (4.107) ва иссиқлик ўтказишининг асосий тенгламаларини солишириш натижасида иссиқлик ўтиш жараёнининг ўртача ҳаракатта келтирувчи кучини топиш мумкин:

$$\Delta t_{yp} = \frac{\Delta t_{\max} - \Delta t_{\min}}{\ln \frac{\Delta t_{\max}}{\Delta t_{\min}}} \quad (4.108)$$

Ушбу ифода иссиқлик элткичларнинг қарама-қарши йўналишли ҳаракати учун ҳам тааллуқидир.

Агар  $\Delta t_{\max}/\Delta t_{\min} \leq 2$  ва иссиқлик элткичларнинг тезлиги кичик бўлганда, температураларнинг фарқи ўртача арифметик қилиб ҳисобланади:

$$\Delta t_{yp} = \frac{(\Delta t_{\max} + \Delta t_{\min})}{2} \quad (4.109)$$

Бу формулада ҳисоблаганда, хатолик 5% дан ошмайди.

Иссиқлик элткичларнинг кесишиб ўтган ва аралаш йўналишли ҳаракатларида ўртача ҳаракатлантирувчи куч қўйидаги формуладан аниқланади:

$$\Delta t_{yp} = \varepsilon_{\Delta} \frac{\Delta t_{\max} - \Delta t_{\min}}{\ln \frac{\Delta t_{\max}}{\Delta t_{\min}}} \quad (4.110)$$

бу ерда  $\varepsilon_{\Delta}$  – ўлчамсиз, коэффициент бўлиб, 4.16-расмдаги тегишли графиклардан топиш мумкин.

Графиклардаги  $P$  ва  $R$  катталиклар Боуман формуласидан фойдаланиб ҳам топилади:

$$P = \frac{t_2'' - t_2'}{t_1' - t_2'} \quad (4.111)$$

$$R = \frac{t_1' - t_1''}{t_2'' - t_2'} \quad (4.111)$$

## 4.7. Умумий түшүнчалар

Кимё ва бошқа саноатларда иссиқлик алмашиниш қурилмаларида ўтказиладиган суюқлик ва газларни иситиш, буғланиш, совитиш ва буғларни конденсациялаш жараёнлари жуда кенг тарқалган.

Бирор мұхитдан бошқасыга иссиқлик ўтказиш учун мұлжалланған мослама **иссиқлик алмашиниш қурилмасы** деб номланади. Иссиқлик узатиш жараёнида қатнашаётган мұхитлар **иссиқлик әлткічлар** деб аталади. Юқори температурали ва иссиқлик берувчи мұхит **иссиқлик әлткіч** дейилади. Паст температурали ва иссиқлик олувчи мұхит **совуқлик әлткіч** дейилади.

Түрли саноатларда түғридін түғри иссиқлик манбаи бўлиб ёқилғиларни ёнишидан ҳосил бўлган газлар ва электр энергияси ҳам ишлатилади. Бу турдаги бевосита иссиқлик манбаларидан иссиқлик олиб, ўзининг иссиқлигини қурилма девори орқали иситилаёттан суюқлик ёки газга берувчи моддалар **оралық иссиқлик әлткічлар** деб юритилади. Бундай иссиқлик әлткічларга сув буги, иссиқ сув ва юқори температурали иссиқлик әлткічлар (ўта қиздирилған сув, минерал мой, органик суюқлик ва уларнинг буғлари, туз эритмалари, суюқ материаллар ва бошқалар) киради.

Оддий температура ( $10\ldots30^{\circ}\text{C}$ ) ларгача совитиш учун сув ва ҳаво кенг миқёсда ва самарали қўлланилади.

Иссиқлик әлткічларни танлашда уларнинг қуйидаги хоссаларига эътибор бериш зарур:

мұхитни совитиш ёки совитиш даражаси ва уни бошқариш;

минимал массавий ва ҳажмий сарфларда катта иссиқлик алмашиниш тезлигига эришиш;

қовушоқлиги кичик, зичлиги, иссиқлик сиғими ва буғ ҳосил қилиш иссиқлиги катта бўлиши керак;

- ёнмайдиган, заҳарлимас, иссиқликка чидамли бўлиши зарур;

- иссиқлик алмашиниш қурилма материалини емирмаслиги ва бузмаслиги керак;

арzon ва камёб бўлмаслии зарур.

Кўп ҳолатларда иссиқлик әлткічлар сифатида саноат ярим маҳсулот, маҳсулот ва чиққиндиларнинг иссиқлигидан фойдаланиш иқтисодий томондан мақсадга мувофиқдир.

### 4.7.1. Буғ билан иситиш

Маълумки, саноат миқёсида иссиқлик әлткіч сифатида тўйинган сув буги кенг қўламда ишлатилади, чунки у бир қатор афзалликларга эга. Масалан, буғ конденсацияланганда жуда катта миқдорда иссиқлик ажralиб чиқади. Агар, буғнинг босими  $9,8 \cdot 10^4 \text{ Н/м}^2$  бўлса,  $2,26 \cdot 10^6 \text{ Ж/кг}$  миқдорда иссиқлик бериши мумкин. Конденсацияланяётган буғнинг иссиқлик бериш коэффициенти юқори бўлгани учун, буғ томонидаги термик қаршилик кичик бўлади. Бу эса, буғ ёрдамида иситиш учун кам юза талаб этади.

Тўйинган буғнинг энг асосий афзалликларидан бири шундаки, маълум бир босимда, бир хил температурада конденсацияланади. Бу ҳол тегишли иситиш температурасини юқори аниқликда ушлаб туриш имконини беради.

Зарур пайтда буғ босимини ўзгартириш усули билан иситиш температурасини бошқариб туриш мумкин. Буғ конденсати иссиқлигидан фойдаланиш

натижасида бугли иситкичлар ф.и.к. жуда юқори бўлади. Яна бир афзаллиги шундаки, бугли иситкичлар ф.и.к. жуда юқори бўлади.

Сув бугининг асосий камчилиги, бу унинг температура ортиши билан босимининг пропорционал равища ўсишидир. Шунинг учун, сув буғи ёрдамида 180...200°C гача иситиш мумкин. Ушбу температураларда бугнинг босими 1,0...1,2 МПа га тўғри келади. Жуда юқори босимли иссиқчилик элткичлар ишлатилганда, қалин деворли ва қиммат қурилмалардан фойдаланишга тўғри келади.

#### 4.7.2. Иссиқ сув билан иситиш

Ушбу усул маҳсулотларини 100°C гача иситиш учун қўлланилади. 100°C дан юқори температураларгача иситиш учун ортиқча босим остидаги ўта қиздирилган сув ишлатилади.

Сувнинг афзалликлари жуда кўп: ер куррасида кенг тарқалган ва арzon; коррозион фаол эмас. Одатда бирор маҳсулотни иситиш иссиқчилик қурилмасининг девори орқали амалга оширилади. Айрим ҳолларда иситиш учун сув буғи конденсатининг иссиқлигидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Сув ёки бошқа органик суюқчиликлар билан иситиш учун кўпинча циркуляцион усул ишлатилади. Циркуляцион ҳаракат эркин ёки мажбурий бўлиши мумкин. Лекин, саноатда насос ёрдамида амалга ошириладиган мажбурий циркуляцион жараёнлар кенг тарқалган.

Помидор, бодринг, полиз маҳсулотларини етиштиришда иссиқхона (теплица) ларда завод ва фабрикалардан чиқариб ташланадиган иссиқ сувлар ишлатилади.

#### 4.7.3. Юқори температурали органик суюқчилик ва уларнинг буглари билан иситиш

Ушбу гуруҳ иссиқчилик элткичларига қўйидаги органик моддалар киради: глицерин, этиленгликоль, нафталин, дифенил эфири, дифенилметан, дитолилметан, дифенил ва полифенолларни хлорли маҳсулотлари, минерал мойлар, тетрахлордифенил, кремний органик бирикмалар ва ҳоказолар.

Саноатда энг кенг тарқалган юқори температурали органик суюқчиликлардан бири дифенил аралашма (26,5 - дифенил ва 73,5% - дифенил эфири) сидир. Ушбу иссиқчилик элткич циркуляцион усулда иситиш учун ишлатилади ва эркин циркуляция шароитида иссиқчилик бериш коэффициенти 200...350 Вт/(м<sup>2</sup>·К).

Дифенил аралашмасининг асосий афзалликларидан бири шундаки, юқори босим ишлатмасдан туриб юқори температурали олиш мумкинлигидир. Масалан, 300°C температурада сув бугининг босими 87,6 ат бўлса, дифенил аралашмасида эса - атиги 2,4 ат.

Ушбу гурухдаги органик суюқчиликлар ёрдамида 250...400°C температурагача иситиш мумкин.

Сув ёки бошқа иссиқчилик элткичнинг иситиш учун кетган сарфи иссиқчилик балансидан аниқланади:

$$G_c c_c t_{cb} + G_m c_m t_{mb} = G_c c_c t_{max} + Q_{byk} \quad (4.112)$$

бу ерда  $G_c$  ва  $G_m$  - сув ва маҳсулотнинг массавий сарфлари, кг/соат;  $c_c$  ва  $c_m$  - сув ва маҳсулотнинг иссиқчилик сигимлари, кЖ/(кг·К);  $t_{cb}$  ва  $t_{mb}$  - сув ва маҳсулотнинг бошлангич температуравари, °C;  $t_{max}$  ва  $t_{max}$  - сув ва маҳсулотнинг чиқишидаги температуравари, °C;  $Q_{byk}$  - атроф мухитта иссиқчиликнинг йўқотилиши, кЖ/соат.

(4.112) дан сувнинг сарфини топиш мумкин:

$$G_c = \frac{G_m c_m (t_{ox} - t_{mb}) + Q_{i_{yk}}}{c_c (t_{cb} - t_{ox})} \quad (4.113)$$

#### 4.7.4. Тўйинган сув буги билан иситиш

Ушбу усулда иситиш амалиётда кенг микёсда қўлланилади. Бунга унинг қўйидаги афзалликлари сабабчидир: конденсацияланниш жараёнида жуда катта миқдорда иссиқлик ажраб чиқади (2024...2264 кЖ/кг); конденсацияланётган буғдан деворга иссиқлик бериш коэффициенти жуда юқори; иситиш бир текисда содир бўлади.

**Ўтқир буг билан иситишда** сув буги бевосита иситилаётган суюқликка юборилади. Натижада буг конденсацияланади ва иссиқлигини суюқликка беради. Жараёнда ҳосил бўлган конденсат суюқлик билан аралашиб кетади. Иситиш ва аралаштириш жараёнларини бирдагига амалга ошириш учун буг барботер ёрдамида суюқлик қатламига юборилади.

Ўтқир буг сарфи иссиқлик балансидан топилади:

$$Gct_{\delta} + Di'' = Gct_{ox} + Dct_{ox} + Q_{i_{yk}} \quad (4.114)$$

Ўтқир буг сарфи:

$$D = \frac{G c \cdot (t_{ox} - t_{\delta})}{i'' - ct_{ox}} \quad (4.115)$$

Иситилаётган муҳитни сув билан аралашиши мумкин бўлган ҳоллардагина ўтқир буг билан иситиш жараёни қўлланилади.

Ушбу усул қўпинча сув ва сувли эритмаларни иситиш учун ишлатилади.

**Кучсиз буг билан иситишда** иссиқлик буғдан суюқликка ажратиб турувчи девор орқали узатилади. Курилма ичida буг конденсациялангандан сўнг, унинг буг бўшлиғидан конденсат ҳолатида чиқарилади. Ҳосил бўлган конденсатнинг температураси иситувчи буғнинг тўйиниш температурасига тенг деб қабул қилинади.

Суюқликни иситиш жараёнида буғнинг массавий сарфи ҳам иссиқлик балансидан топилади:

$$G c t_{\delta} + D_1 = G c t_{ox} + Di' + Q_{i_{yk}} \quad (4.116)$$

Кучсиз буг сарфи:

$$D = \frac{G c (t_{ox} - t_{\delta}) + Q_{i_{yk}}}{i'' - i'} \quad (4.117)$$

бу ерда  $D$  – буғнинг массавий сарфи, кг/соат;  $G$  – суюқликнинг массавий сарфи, кг/соат;  $c$  – суюқликнинг солиштирма иссиқлик сигими, кЖ/(кг·К);  $t_{\delta}$  ва  $t_{ox}$  – суюқликнинг бошланғич ва охирги температуранлари, °C;  $i'$  ва  $i''$  – иситувчи буг ва конденсатнинг энталпиялари, кЖ/соат.

#### 4.7.5. Тутун газлари билан иситиши

Тутун газлари билан иситиши турли саноат соҳаларида анча вақтдан бери кўлланилиб келинаётган усуллардан биридир. Тутун газлари суюқ, газсимон ва қаттиқ ёқилғиларни маҳсус ўтхоналарида ёндириш натижасида ҳосил бўлади. Ушбу газлар ёрдамида  $1000\dots1100^{\circ}\text{C}$  температурагача иситиши мумкин.

Тутун газлари ёрдамида иситишинг камчиликлари: кичик иссиқлик бериш коэффициенти [ $35\dots60 \text{ Вт}/(\text{м}^2 \cdot \text{К})$ ]; температураларининг фарқи жуда катта ва иситиши жараёни бир текисда эмас; температурани ростлаш мураккаб; қурилма деворларининг оксидланиши ва тутун таркибида заарали моддаларнинг борлиги, ушбу усулни озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлашда кўллаш мумкин эмас.

Лекин, кимё саноатида тутун газларини кўллаш катта самара беради, чунки ушбу газларни ишлатишда кўшимиш ёқилғи талаб этилмайди. Шунинг учун тутун газларини иситиши жараёнида кўллаш иқтисодий жиҳатдан жуда фойдалидир.

#### 4.7.6. Электр токи билан иситиши

Электр токи ёрдамида материалларни жуда катта температура оралигида иситиши, зарур температурани ушлаб туриш ва осон ростлаш мумкин. Ундан ташқари, электр иситиши мосламалари содда, ихчам, ишлатиш ва таъмирлаш кулади. Лекин, электр токи билан иситиши анча қиммат.

Электр токини иссиқлик энергиясига айлантириш усулига қараб ушбу усул бир неча турга бўлинади: электр қаршилиги ёрдамида иситиши, индукцион иситиши, юқори частотали иситиши, электр ёйи билан иситиши.

Электр қаршилиги ёрдамида  $1000\dots1100^{\circ}\text{C}$  гача иситиши мумкин. Атроф-муҳитга иссиқлик йўқотилишини бартараф қилиш учун ўтхона иссиқлик қопламаси билан ўралади. Ўтхонанинг асосий иситиши элементлари сим ёки лентасимои қилиб ниҳром қотишмасидан ясалади.

Индукцион иситиши қурилма девори қалинлигига ўзгарувчан ток майдони таъсирида фойдали иш коэффициенти уормавий токлари ҳосил бўлади ва улар иссиқлик ажралиб чиқишига сабабчи бўлади.

Ушбу усулда бир текисда иситиши мумкин. Одатда индукцион иситишида  $400^{\circ}\text{C}$  температурага эришиши ва керакли температурани юқори аниқликда ушлаб туриш мумкин.

Бу усулнинг камчиликларидан бири – бу унинг қимматлиги. Иситиши арzonлаштириш учун комбинациялашган усулдан фойдаланилади. Бунинг учун маҳсулот тўйинган сув буғи ёрдамида  $180^{\circ}\text{C}$  гача қиздирилади ва ундан кейин индукцион усулда керакли температурагача иситилади.

Юқори частотали иситиши. Ушбу усулда электр токи ўтказмайдиган материалылар иситилади, шунинг учун ҳам диэлектрик усул деб номланади.

Юқори частотали иситгичнинг ишлаш принципи қуйидагича: ўзгарувчан электр майдонига жойлаштирилган материал молекулалари майдон частотаси билан тебранма ҳаракат қила бошлияди ва қутбланади. Материал молекулаларининг тебранма ҳаракат энергияси диэлектрик молекулалари орасидаги ишқаланиш кучини енгишга сарфланади ва материал массасида иссиқликка айланади. Ажралиб чиқаётган иссиқлик миқдори ток частотаси ва кучланиш квадратига пропорционалдир. Иситиши бу усулда бир текисда бўлади. Ундан ташқари, иситиши температураси осон ва аниқ ростланади. Лекин, бу турдаги иситкичлар мураккаб ва уларнинг фойдали иш коэффициенти жуда паст

бүләди. Ушбу усулда ишлайдиган иситкичларда  $1 \cdot 10^6 \dots 1 \cdot 10^8$  Гц частотали токлар құлланилади.

Электр токи ёрдамида иситиш жараёнида ажралиб чиқадиган иссиқлик миқдори иссиқлик балансидан топилади:

$$Q_s + Gct_\delta = Gct_{ox} + Q_{uyk} \quad (4.118)$$

бу ерда  $Q_s$  – электр токи ўтганда электр иситиш мосламасидан ажралиб чиққан иссиқлик миқдори, кЖ/соат;  $G$  – иситилаёттан қурилмада қайта ишланаёттан махсулот миқдори, кг/соат;  $c$  - материал солиширма иссиқлиги,  $\text{Ж}/(\text{кг}\cdot\text{К})$ ;  $t_\delta$   $t_{ox}$  – материалнинг бошланғич ва охирги температуралари,  $^{\circ}\text{C}$ ;  $Q_{uyk}$  – атроф мұхитта йўқотилаёттан иссиқлик миқдори, кЖ/соат.

(4.118) тенгламадан

$$Q_s = Gc (t_{ox} - t_\delta) + Q_{uyk} \quad (4.119)$$

Иситувчи элементлар қуввати эса ушбу ифодадан аниқланади:

$$N = \frac{Q}{3600} \quad (4.120)$$

## ✓ 4.8. Конденсациялаш

Бүг ёки газларни, сув ёки ҳаво ёрдамида совитиб, суюқ агрегат ҳолатига ўтказиш жараёнига **конденсациялаш** дейилади. Конденсациялаш жараёни конденсаторларда амалга оширилади. Ушбу жараён кимё ва озиқ - овқат саноатларыда түрли моддаларни суюлтириш учун құлланилади. Бүгнинг конденсацияланисида ҳосил бўлган конденсатнинг ҳажми бүг ҳажмига нисбатан таҳминан 1000 марта кичик. Бу ҳодиса конденсаторларда вакуум ҳосил бўлишига олиб келади.

Совитиш усулига қараб конденсацияланыш жараёни 2 турга бўлинади: сиртий ва иссиқлик элтичларни аралаштириш йўли билан конденсациялаш.

Конденсациялаш жараёнида ажралиб чиқаёттан иссиқлик миқдори ушбу формуладан аниқланади:

$$Q = Dr \quad (4.121)$$

бу ерда  $D$  – конденсацияланыётган бүг массаси, кг;  $r$  - конденсацияланыш иссиқлиги,  $\text{кЖ}/\text{кг}$ .

Масалан, 1 кг сув буғининг атмосфера босимида конденсацияланисида 2264 кЖ миқдорда иссиқлик ажралиб чиқади.

**Сиртий конденсация** иссиқлик алмашиниш қурилмаларида амалга оширилади. Бундай қурилмалар **сиртий конденсатор** деб номланади.

Ўта қиздирилган бүгни сув билан конденсациялаш жараёнининг иссиқлик баланси:

$$Di + Wc_c t_{cb} = Dc_{kon} t_{kon} + Wc_c t_{cox} + Q_{uyk} \quad (4.122)$$

бу ерда  $D$  - конденсаторга кираётган буғнинг массавий сарфи,  $\text{кг}/\text{соат}$ ;  $i$  – бүг энталпияси,  $\text{кЖ}/\text{кг}$ ;  $c_c$  ва  $c_{kon}$  сув ва конденсатнинг солиширма иссиқлик сифими,  $\text{Ж}/(\text{кг}\cdot\text{К})$ ;  $t_{cb}$   $t_{cox}$  - сувнинг бошланғич ва охирги температураси,  $^{\circ}\text{C}$ ;  $Q_{uyk}$  - атроф мұхитта йўқотилаёттан иссиқлик миқдори,  $\text{кЖ}/\text{соат}$ .

(4.122) дан совутувчи сувнинг массавий сарфи аниқланади (кг/соат):

$$W = \frac{D \cdot (i - c_{\text{кон}} t_{\text{кон}}) - Q_{\text{бук}}}{c_c (t_{\text{cox}} - t_{\text{cb}})} \quad (4.123)$$

Ўта қиздирилган буғнинг солиштирма энталпияси (кЖ/кг) ушбу тенглама орқали ҳисобланади:

$$I = c_{\text{бук}} (t_{\text{бук}} - t_{\text{myu}}) + r + c_{\text{кон}} \cdot t_{\text{myu}}$$

бу ерда  $C_{\text{бук}}$  - ўта қиздирилган буғ солиштирма иссиқлик сигими, кЖ/(кг·К);  $t_{\text{бук}}$  - ўта қиздирилган буғ температураси, °C;  $t_{\text{myu}}$  - буғнинг тўйиниш температураси, °C;  $r$  - буғнинг конденсацияланishi иссиқлиги, кЖ/кг.

Конденсаторнинг иссиқлик ўтказиш юзаси 3 та зона учун алоҳида ҳисобланади:

- ўта қиздирилган буғни совитиш зонасининг юзаси  $F_1$ ;
- конденсациялаш зонасининг юзаси  $F_2$ ;
- конденсатни совитиш зонаси  $F_3$ .

Конденсаторнинг умумий иссиқлик алмашиниш юзаси  $F_{\text{ум}} = F_1 + F_2 + F_3$ .

Ҳар бир зонанинг юзаси иссиқлик ўтказишнинг асосий тенгламасидан ҳисоблаб топилади.

Иссиқлик элткичларни аралаштириш йўли билан конденсациялаш ҳўл ва қуруқ конденсаторларда олиб беради.

Ҳўл конденсаторларда сув, конденсат ва конденсацияланмаган газлар (масалан, ҳаво) қурилманинг пастки қисмидан маҳсус, нам ҳаволи насос ёрдамида чиқарилади.

Қуруқ конденсаторларда совутувчи сув ва конденсат қурилманинг пастки қисмидан, ҳаво эса - юқори қисмидан вакуум - насос ёрдамида сўриб олинади.

Конденсаторлар иссиқлик элткичларнинг ҳаракатига қараб параллел ва қарама - қарши йўналишли бўлади.

#### 4.9. Атроф муҳит температурасигача совитиш

Материалдан иссиқлик олиш йўли билан температурасини пасайтириш жараёни **совитиш** деб номланади.

Саноат миқёсида газ, буғ ва суюқликлар температурасини 15...20°C гача совитиш учун ҳаво ва сув қўлланилади. Маҳсулотларни паст температураларга-ча совитиш учун паст температурали совуқлик элткичлар - фреонлар, аммиак, углерод диоксиди, совутувчи эритмалар ва ҳоказолар - ишлатилади.

**Сув билан совитиш** иссиқлик алмашиниш қурилмасида амалга оширилади. Бу қурилмаларда иссиқлик элткичлар ажратувчи девор орқали ёки бевосита аралаштириш натижасида иссиқлик алмашади. Масалан, сувни газларга тўғридан - тўғри пуркаш йўли билан совутилади.

Одатда совитиш учун 15...25°C температурали оддий сув ёки 8...12°C артезиан суви ишлатилади. Сувни тежаш мақсадида ишлатиб бўлинган сувнинг температураси градирняларда совутилади ва қайтадан иссиқлик алмашиниш жараёнида қўллаш учун қайтарилади.

Совитиш учун зарур сувнинг массавий сарфи иссиқлик балансидан аниқланади:

$$Gct_{\delta} + Wc_c t_{ox} = Gct_{ox} + Wc_c t_{ox} + Q_{\text{уык}} \quad (4.124)$$

бундан:

$$W = \frac{Gc}{c_c} \frac{(t_{\delta} - t_{ox}) - Q_{\text{уык}}}{(t_{ox} - t_{\delta})} \quad (4.125)$$

бу ерда  $G$  – совутилаёттан иссиқлик элткичнинг массавий сарфи, кг/соат;  $c, c_c$  – иссиқлик элткич ва сувнинг солиштирма иссиқлик сигими, кЖ/(кг·К);  $t_{\delta}, t_{ox}$  – иссиқлик элткичнинг бошланғич ва охирги температураси, °C;  $Q_{\text{уык}}$  – атроф мұхитта йўқотилаёттан иссиқлик миқдори, кЖ/соат.

**Муз билан совитиш** бир қатор маҳсулотлар температурасини нольгача совитиш учун қўлланилади. Маълумки, муз маҳсулотга иссиқлигини бериш натижасида 0°C гача исийди ва эриб бошлайди. Шу пайтда совутилаёттан маҳсулотдан иссиқлик ажратиб олинади. Совитиш жараёни давомийлиги тажриба ўтказиш йўли билан аниқланади.

Муз ёрдамида бевосита совитиш жараёнида маҳсулотга олиб кирилаётган совуқлик миқдори ушбу тенгламадан топилади:

$$Q = L(-r) \quad (4.126)$$

бу ерда  $L$  – муз массаси, кг;  $r$  – музнинг эриш иссиқлиги, кЖ/кг.

Совутувчи суюқлик билан олиб кирилаётган иссиқлик миқдори қуидаги тенгламадан аниқлаш мумкин:

$$Q_{\text{ж}} = Gct_{\delta} \quad (4.127)$$

бу ерда  $G$  – совутилаётган суюқлик массаси, кг;  $c$  – суюқлик солиштирма иссиқлик сигими, кЖ/(кг·К);  $t_{\delta}$  – суюқликнинг бошланғич температураси, °C.

Музнинг эриш температурасида ҳосил бўлган сув ва совутилаётган суюқликнинг охирги температураси  $t_{ox}$  деб қабул қиласиз. Унда, иссиқлик баланси ушбу кўринишга эга бўлади:

$$Gct_{\delta} - Lr = Gct_{ox} + Lc_c t_{ox} \quad (4.128)$$

бу ерда  $c_c$  – сувнинг солиштирма иссиқлик сигими, Ж/кг·К.

(4.128) дан музнинг сарфини аниқлаймиз:

$$L = \frac{Gc}{c_c t_{ox} - r} \frac{(t_{\delta} - t_{ox})}{(t_{ox} - t_{\delta})} \quad (4.129)$$

**Ҳаво билан совитиш** табиий ва сунъий усусларда амалга оширилади. Иссиқ маҳсулотларни табиий усулда совитиш жараёни атроф мұхитта иссиқлик тарқатилиши ҳисобига содир бўлади. Бу усулда совитиш қиши фаслида самарали ўтади.

Сувларни ҳаво ёрдамида градирняларда совитиш сунъий совитиш усулида амалга оширилади. Градирняда совитилаётган сув юқоридан пастга қараб

туркалса, совутувчи ҳаво эса пастдан юқори йўналган бўлади. Бунда суюқлик температурасининг пасайиши фақат иссиқлик алмашиниш ҳисобига бўлмай, балки суюқлик бир қисмининг бугланishi ҳисобига ҳам совутилади.

#### 4.10. Атроф мұхит температурасидан паст температурагача совутиш

Кимё ва озиқ овқат маҳсулотларини атроф мұхит температурасидан паст ( $+4\ldots-60^{\circ}\text{C}$ ) температурадарда совутиш, музлатиш ва сақлаш учун совутичлар ишлатилади. Совутичларнинг асосий ишчи қисми бу совутиш машиналариидир.


Совутиш машиналарида совуқлик ишлаб чиқариш учун газни сиқиш, конденсациялаш ва бугланыш жараёнлардан таркиб топган тескари айланма термодинамик цикл қўлланилади.

Термодинамика нинг иккинчи қонунига биноан, атроф мұхит температурасидан паст температурагача совутиш, температураси қўйи сатҳдан юқори сатҳга иссиқлик ўтказиш билан боғлиқ бўлганлиги учун, албатта энергия сарфланиши зарур. Бундай иссиқлик узатиш Карнонинг тескари цикли асосида амалга оширилади.

Карно тўғри циклининг энергетик баланси ушбу тенглама билан ифодаланади:

$$Q = L + Q_0 \quad (4.130)$$

Карно тескари циклини кўриб чиқамиз (4.17-расм).



4.17-расм. Карно тескари цикли.

$L_{1-2-3-4}$  – ушбу юза сарфланган ишга тенг;  
 $Q_0$  – совуқлик иш унумдорлиги.

(4.130) тенгламадан газнинг фойдали ишини аниқлаймиз:

$$L = Q - Q_0 \quad (4.131)$$

$Q$  ва  $Q_0$  иссиқлик миқдорлари ишчи жисмнинг конденсациягача  $S_1$  ва ундан кейинги  $S_2$  энтропиялари билан ифодалаш мумкин:

$$Q = T \cdot (S_1 - S_2);$$

$$Q_0 = T_0 \cdot (S_1 - S_2) \quad (4.132)$$

Агар,  $Q$  ва  $Q_0$  қийматларини (4.131) тенгламага қўйсак, ушбу ифодани оламиз:

$$L = (T - T_0) \cdot (S_1 - S_2) \quad (4.133)$$

Совитиш коэффициенти ушбу кўринишга эга:

$$\varepsilon = \frac{Q_0}{L} = \frac{Q_0}{Q - Q_0} = \frac{T_0}{T - T_0} \quad (4.134)$$

Шундай қилиб, совитиш коэффициенти  $\varepsilon$  сарфланган иш бирлиги  $L$  ҳисобига куйи  $T_0$  температурадан юқори  $T$  температура сатҳигача қанча иссиқлик миқдори  $Q_0$  ни узатиш мумкинлигини ифодалайди. Иссиқлик миқдори  $Q_0$  **совуқлик иш унумдорлиғи** деб номланади.

## ✓ 4.11. Иссиқлик алмашиниш қурилмалари

Маълумки, саноатнинг турли соҳаларида хилма-хил хом ашё ва маҳсулотларни қайта ишлашда иссиқлик алмашиниш жараёнлари ва уларни амалга оширувчи қурилмалар жуда кенг миқёсда қўлланилади. Жараёнларни ўтказиш шартлари ва қурилмаларни қўллаш соҳасига қараб, иссиқлик алмашиниш қурилмаларнинг тузилиши турлича бўлади.

Ишлаш принципига қараб иссиқлик алмашиниш қурилмалари сиртий (рекуператив), регенератив ва аралаштирувчи (градирня, скруббер, аралаштирувчи конденсатор ва д.) қурилмаларга бўлинади.

Сиртий иссиқлик алмашиниш қурилмаларида иссиқлик элткичлар девор билан ажратилган бўлиб, уларда бир муҳитдан иккинчисига иссиқлик ушбу девор орқали узатилади. Конструкциясига кўра сиртий иссиқлик алмашиниш қурилмалари қобиқ - трубали, змеевикли, пластинали, спиралсимон, қиррали, филофли, блок-графитли ва маҳсус иссиқлик алмашиниш қурилмаларига бўлинади.

Регенератив иссиқлик алмашиниш қурилмаларида бир иссиқлик алмашиниш юзаси галма-гал иссиқ ва совуқ элткичлар билан ювилиб туради. Агар, иссиқлик алмашиниш юзаси иссиқ элткич билан ювилиб турса, муҳитнинг иссиқлиги ҳисобига исиди, совуқ элткич билан ювилганда эса ўз иссиқлигини беради. Шундай қилиб, иссиқлик алмашиниш юзаси иссиқлик элткичнинг иссиқлигини йиғиб олади, сўнг эса совуқ элткичга беради.


Аралаштирувчи иссиқлик алмашиниш қурилмаларида иккала элткич бевосита ўзаро аралashiши пайтида иссиқлик алмашади.

Иссиқлик алмашиниш турига кўра қурилмалар иситкич, буғлаткич, соуткич ва конденсаторларга ажратилади.

### ✓ 4.11.1. Сиртий иссиқлик алмашиниш қурилмалари

Конструкциясига қараб ушбу турдаги қурилмалар қобиқ - трубали, «труба ичida труба», змеевикли, спиралсимон, ювилиб турувчи, пластинали, қиррали, филофли, блок-графитли, шнекли ва ҳоказо бўлиши мумкин.

**Қобиқ - трубали иссиқлик алмашиниш қурилмалари** халқ хўжалигининг турли соҳаларида энг кенг тарқалган ва кўп ишлатиладиган туридир.



**4.18-расм.** Вертикал, бир йүлли қобиқ - трубали иссикүллик алмашиниш курилмаси.


1 - қобиқ; 2 - тешикли панжара; 3 - иситувчи трубалар; 4 - патрубок; 5 - қопқоқ; 6 - таянч; 7 - болт; 8 - қистирма; 9 - обечайка.

кич оқими эса, масалан буг, трубалараро бүшлиққа йұналтирилади, иситувчи трубалар ташқи қозасындағы үз иссиқлигини беради ва суюқ агрегат ҳолаты (конденсат) га айланиб қобиқтің пастки патрубкасыдан чықазыб юборилади. Мұхитлар орасындағы иссиқлик алмашиның жараёны трубалар девори орқали амалға оширилади. Иситувчи трубалар тешикли панжарага пайвандаш, развалицовка ва усулларда маңкамланады (4.19-расм). Күпинча, иситувчи трубалар пұлат, легирланган пұлат, мис, латун, титан ёки бошқа материалдардан тайёрланиши мүмкін.

Иситувчи трубалар 3 ни тешикли панжаралар 2 да маҳкамлашнинг эпг кенг тарқалган усули бу оддий развалъцовкалир (4.19-расм). Вальцовка номли асбобда радиал йўналишда ҳосил қилинадиган куч таъсирида труба деформацияга (диаметри ортади, яъни кенгаяди) учраб, тешикли панжарарага зичланади ва маҳкамланади. Труба ўрамининг тўр пардага мустаҳкам жойлаштиришига эришиш учун тешикли панжарала эни 2...3,5 мм ва чукурлиги 0,4...1,0 мм ли иккита ҳалқасимон ариқча қилинади. Ундан ташқари, трубаларни тешикли панжараларга пайвандлаш, кавшарлаш, сальник ёрдамида ҳам маҳкамлаш мумкин. Сальник ёрдамида зичлаш мураккаб ва қиммат. Бу усулда маҳкамлаш мұхитлар температура фарқи катта бўлганда, трубаларнинг бўйлама силжишига имкон беради, аммо бунда бирикма зичланиши бузулмайди.

Трубанинг кириш қисмини конуссимон развалъцовка қилиш, маҳаллий қаршилик коэффициентини сезиларли даражада пасайтиради. Бу эса, ўз на-вбатида кириш қисмининг емирилиш олдини олади.

4.18-расмда трубаларнинг кўзғалмас тешик панжарали, бир йўлли, вертикал қобиқ-трубали иссиқлик алмашиниш қурилмаси тасвирланган. Ушбу қурилма цилиндр қобиқ 1 ва унинг икки чеккасига иситувчи трубалар 3 маҳкамланган тешикли панжара 2 лардан таркиб топган. Трубалар ўрами иссиқлик алмашиниш қурилмасининг бутун ҳажмини иккига бўлади: 1) труба бўшлиғи; 2) трубалараро бўшилик. Тешикли панжара 2 лар цилиндрлик қобиқ 1 га пайвандалаш усулида маҳкамланади. Қурилма қобиғига болтили бирикма ёрдамида 2 та қопқоқ маҳкамланади. Иссиқлик элткичлар кириши ва чиқиши учун цилиндрлик қобиқ 1 ва қопқоқ 5 ларда патрубкалар ўрнатилган. Иссиқлик элткичлардан бири, масалан суюқлик, трубалар бўшлиғига йўналтирилса, у трубалар орқали ўтиб қопқоқнинг патрубкасидан чиқиб кетади. Бошқа иссиқлик элт



**4.19-расм. Трубаларни тешикли панжараларга маҳкамлаш усуллари.**

а - иккита ариқчага развальцовка қилиш; б - битта ариқчага развальцовка қилиш; в - пайвандлаш ва развальцовка қилиш; г, д - пайвандлаш; е, ж - ариқчали ва тишли пайвандлаш; з - кириш қисмими конуссимон развальцовка қилиш; и - текис тешикка развальцовка қилиш ва буқлаш; к - кавшарлаш; л - елимлаш; м - сальник билан зичлаш; н - портлатиб пайвандлаш; о - тешикли панжара ташқи томонини конуссимон раззенковка қилиш; п - тешикли панжаранинг ташқи томони аста - секин силлиқ, торайтириб развальцовка қилиш.

Одатда, қалин деворли трубаларни пайвандлаш мақсадга мувофиқдир. Агар, трубалар кучланиш остида ишлатиладиган бўлса, портлатиб пайвандлаш тавсия этилади. Ушбу усулда трубаларни маҳкамлаш учун портлатиш заряд куввати катта, тешикли панжаранинг ташқи юзаси раззенковка қилишини ва панжара ташқарисига труба учлари кўп чиқиб туриши керак. Бу усулда труба тешикли панжарарага ўта мустаҳкам ҳолатда бириктирилади. Агар, трубанинг бир уни панжарарага ушбу усулда портлатиб пайвандланса, иккинчи уни эса портлатиб развальцовка қилинса, энг юқори мустаҳкамликка эришса бўлади.

Хозирги кунда трубаларни тешикли панжарарага маҳкамлашнинг энг замонавий, илғор технологияси бу портлатиб вальцовка қилишdir. Бунда, портлатувчи заряд труба ичида, яъни учда жойлаштирилади. Сўнг эса, заряд капсюль ёрдамида портлатилади. Натижада, портлаш энергияси трубани радиал йўналишда деформация қиласи ва тешикли панжара билан труба мустаҳкам бирикма ҳосил қилиб уланади. Бу усулдаги бирикма, развальцовка усулиникуга қараганда анча мустаҳкамроқ бўлади. Портлатиб пайвандлаш усулини трубаларни таъмирлаш учун ҳам кўллаш мумкин. Трубаларни тешикли панжарарага электрогидравлик маҳкамлаш ва бириктириш усули ҳам мавжуд.

Қобиқ трубали иссиқлик алмашиниш қурилмаларида труба тешикли панжарага қуйидаги усулларда жойлаштирилиши мүмкін (4.20-расм):


- түғри олтибурчак чүққи ва қирралари ёки тенг ёнли учбурчак бўйлаб;
- концентрик айланалар бўйлаб;
- квадрат чүққи ва томонлари бўйлаб;
- шахматли кўринишда (бир ва ҳар хил кўндаланг қадамли).

Ушбу усулларда трубаларни иссиқлик алмашиниш қурилмасида жойлаштириш, қурилманинг ихчам бўлиш шарти билан белгиланади. Ундан ташқари, ҳар бир қурилмага иложи борича кўпроқ труба жойлаштиришга ҳаракат қилинади.

Кимё машинасозлигига тўғри олтибурчак томонлари ва чўққаларида трубаларни жойлаштириш кенг тарқалган. Бу усул учун, трубалар сонини аниқлашга қуйидаги формула тавсия этилади:

$$n = 3a \cdot (a - 1) + 1 \quad (4.135)$$

бу ерда  $a$  - энг катта олтибурчак томонидаги трубалар сони;  $b = 2a - 1$  - энг катта олтибурчак диагоналидаги трубалар сони.



**4.20-расм. Труба тешикли панжарасида трубаларни жойлаштириш схемаси.**

- 1 – түғри олтибурчак томонлари ва чўққаларида;
- 2 – квадрат томонлари ва чўққаларида;
- 3 – концентрик айланалар бўйлаб.

Агар, трубалар тешикли панжарага развалъцовка усулида маҳкамланса, унда трубаларни жойлаштириш қадами  $t$  ни, уларнинг ташқи диаметрига  $d_m$  қараб, ушбу оралиқдан танланади:

$$t = (1,3 \dots 1,5) \cdot d_T \quad (4.136)$$

Пайвандлаб маҳкамлашда эса –  $t = 1,25 \cdot d_T$ .

Иссиқлик алмашиниш қурилмасининг диаметри куйидаги тенгламадан топилади:

$$D = t \cdot (b - 1) + 4d_T \quad (4.137)$$

Трубаларнинг узунлиги зарур иссиқлик алмашиниш юзаси  $F$  ва трубаларнинг ўртача диаметри  $d_{yp}$  лардан келиб чиқсан ҳолда ушбу формулада ҳисобланади:

$$l = \frac{F}{\pi \cdot n \cdot d_{yp}} \quad (4.138)$$

Қобиқ трубали иссиқлик алмашиниш қурилмаларида иссиқлик элткичларнинг йўналиши параллел ёки қарама қарши бўлади. Иссиқ элткич

қурилманинг юқори қисмидан трубалараро бўшлиқда, совуқ элткич эса, пастки қисмидан трубалар ичига юборалади. Натижада, буғ иссиқлигини беради ва совийди, яъни конденсатга айланади ва пастга қараб ҳаракатланади. Температураси ортиши билан совуқ элткичнинг зичлиги камаяди ва у юқорига қараб кўтарилади. Агар, суюқликлар сарфи кўп бўлса, уларнинг тезлиги ҳам юқори ва иссиқлик алмашиниш жараёни интенсив бўлади. Ундан ташқари, суюқликларнинг қарама – қарши йўналишида уларнинг тезликлари бир хилда тақсимланиб, қурилманинг бутун кўндаланг кесимида иссиқлик алмашиниши ўзгармас бўлади.

**Трубалар бўшлиғидаги тўсиқлар.** Иссиқлик алмашиниш жараёнининг тезлигини ошириш учун икки ва ундан ортиқ йўлли иситкичлар қўлланилади.

Икки ва ундан ортиқ йўлли қурилмаларда трубаларни секцияларга ажратиш учун ёки суюқликнинг ҳаракат йўли сонига қараб қурилманинг қопқоғи билан труба тешикли панжарасининг орасига тўсиқлар ўрнатилади (4-6 жадвал). Бунинг натижасида суюқлик оқими учун йўллар сони, яъни иссиқлик алмашиниш юзаси ортади.

#### 4-6 жадвал

##### Қопқоқлар бўшлиғида тўсиқларни жойлаштириш схемаси

Тўсиқлар	Схема	Йўллар сони
Биринчи қопқоқда битта, иккинчисида эса бўлмайди		2
Ҳар бир қопқоқда биттадан бўлади.		4
Биринчи қопқоқда 3 та, иккинчисида эса 4 та бўлади.		6
Биринчи қопқоқда 4 та, иккинчисида эса 5 та бўлади.		8

Шунга алоҳида эътибор бериш керакки, ҳар бир секциядаги трубалар сони бир хил бўлиши зарур. Икки ва унлан ортиқ йўлли қурилмаларда бир йўналишилига қараганда, суюқликларнинг тезлиги йўллар сонига қараб пропорционал равища ўзгаради.


Лекин, шуни унугмаслик керакки, йўллар сони ортиши билан курилманинг гидравлик қаршилиги ҳам ортади ва тузилиши мураккаблашади.

Қопқоқ бўшлиғила ўрнатиладиган тўсиқларнинг қалинлиги қопқоқ диаметрига боғлиқ. Кам легирланган ва углеродли пўлатлардан тайёрланган тўсиқларнинг қалинлиги 9...16 мм, мис ва никель қотишмалардан ясалганларни эса - 6...13 мм бўлади. Қопқоқ ва тўсиқларнинг материали ҳар доим бир хил бўдиши шарт. Одатда, тўсиқлар қопқоқларга пайвандланади ёки қопқоқ билан бир бутун, яхлит қилиб қуюлади.

**Трубалардо бўшлиқдаги тўсиқлар.** Маълумки, иссиқлик алмашиниш курилмаларида биринчи муҳит трубалар ичидаги ҳаракат қилса, иккинчиси – трубалардо бўшлиқдаги. Агарда, трубалар ўрами кўндаланг ҳаракатланаётган иссиқлик (ёки совуклик) элткич оқими билан ювилиб турилса, иссиқлик бериш бўйлама ҳаракатланаётганга қараганда, анча интенсив бўлади [52,53,58,61-66].

Трубалар дастасининг эгилиши ва тебранишини, ҳамда трубалардо бўшлиқдаги трубаларнинг кўндаланг оқим билан ювилиб туришини ташкил этиш мақсадида ва қобиқ ичидаги суюқлик ҳаракатининг тезликлари юқори бўлиши учун кўндаланг тўсиқлар ўрнатилади.

Кимё машинасозлигига энг кўп қўлланиладиган бир томонли 1 ва 2 сегмент тўсиқлар (4.21а-расм), диск-ҳалқа типидаги 3 ва 4 тўсиқлар (4.21б-расм) ва икки томонли 5 ва 6 сегмент тўсиқлардир (4.21в-расм). Ундан ташқари труба ўрамини ёпувчи, уч томонлама жойлаштириладиган ва бошқа турдаги сегмент тўсиқлар ишлатилади.



4.21-расм. Қобиқ трубали иссиқлик алмашиниш курилмаларида қўлланиладиган кўндаланг тўсиқлар турлари.

Босим йўқотилиши  $\Delta p$  ни камайтириш мақсадида икки томонлама ва уч томонлама жойлаштириладиган сегмент тўсиқлар қўлланилади. Бу икки турдаги тўсиқлар  $\Delta p$  йўқотилишини 60...100% га пасайтириш имконини беради.

Тўсиқдан кесиб олинган қисми орқали суюқлик бир бўлимдан иккинчисига оқиб ўтади. Унинг баландлиги  $h$  нинг қобиқ диаметри  $D_{inner}$  га нисбати одатда қуйидаги сон қийматларга teng:

бир томонлама сегмент түсік үчүн  $h/D_{\text{шв}} = 0,15 \dots 0,4$ ;

икки томонлама сегмент түсік үчүн  $h/D_{\text{шв}} = 0,2 \dots 0,3$ .

Күндаланг түсіктер бир қаватли ёки бир неча перфорация қилинган листлардан йиғилған бўлиши мумкин. Одатда, битта листнинг қалинлиги  $\delta = 1,5 \dots 2$  мм бўлади.

Куйидаги жадвалда түсіктер умумий қалинлиги  $\Sigma\delta$  нинг қобиқ диаметри  $D_{\text{шв}}$  ва трубалар узунлиги  $L$  га боғлиқлиги келтирилган.

Қобиқнинг ички диаметри $D_{\text{шв}}$ , мм	<325	<355	<355 (>1550)	>1550
Трубанинг таянчсиз узунлиги $L$ , мм	<610	610...1524	>1524 (<610)	>1524
Түсіктер умумий қалинлиги $\Sigma\delta$ , мм	3...4	4...9	9...10	19...20


**Кўп йўлли, қобиқ-трубалар иссиқлик алмашиниш қурилмаси.** 4.22-расмда тўрт йўлли қурилма тасвирланган.

Трубалар бўшлиғи секцияланиши туфайли, секциядаги трубалар сони бутун қурилманикига қараганда камаяди. Бу эса, суюқлик оқими ҳаракатланадиган кўндаланг кесим юзаси камайишига ва иссиқлик элткич тезлигининг ортишига олиб келади.

Масалан, тўрт йўлли қурилмада, бир йўлликка қараганда суюқликнинг тезлиги тўрт марта кўп бўлади. Ушбу ҳол эса, трубалар бўшлиғида иссиқлик бериш коэффициентини ўсишига сабабчи бўлади.


Шуни назарда тутиш керакки, ҳар доим термик қаршилиги юқори иссиқлик элткичнинг тезлигини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Трубалараро бўшлиқда суюқлик оқими тезлигини ва ҳаракат йўлини узайтириш мақсадида сегмент түсіктер ўрнатилади (4.23-расм).



4.22-расм. Кўп йўлли иссиқлик алмашиниш қурилмаси (труба бўшлиғи бўйича).

1 - қобиқ; 2 - иситувчи труба;  
3 - қопқоқ; 4 - түсік.




4.23-расм. Кўп йўлли иссиқлик алмашиниш қурилмаси (трубалараро бўшлиқ бўйича).

1 - қобиқ; 2 - түсік;  
3 - иситувчи труба;  
4 - қопқоқ.

Горизонтал иссиқлик алмашиниши курилмаларидан ушбу сегмент түсіктер тұрағынан оралық таянчлар вазифасини ҳам бажаради. Одатта горизонтал курилмалар күп йүлли қылышты ясалады ва уларда суюқликтар тезлігінде юкори бўлади. Бундай қылышдан мақсад, температура ва зичликлар фарқи остида суюқликларниң қатламларга ажратиб, ҳамда ҳаракатсиз зоналар ҳосил қилимаслигини таъминлаштиришади.

Агар, иссиқлик алмашиниши курилмаси қўзғалмас тешик панжара тузилиши, қобиқ ва трубалар температураларининг ўртача фарқи  $50^{\circ}\text{C}$  дан катта бўлса, қобиқ ва трубалар узайиши ҳар хил бўлади. Бу ҳол ўз навбатида тешикли панжарада катта кучланишлар ҳосил қиласди ва панжарарадаги трубалар зичланишини, пайванд чокларини бузади ва йўл кўйиб бўлмайдиган иссиқлик элткичлар аралашшига олиб келади. Шунинг учун, температуралар фарқи катта бўлганда, температура таъсирида узайишини компенсация қиласиган иссиқлик алмашиниши курилма конструкциялари кўлланилиади.

**Линза компенсаторли иссиқлик алмашиниши курилмаси.** Ушбу турдаги курилмалар суюқликтар температура фарқи катта бўлганда ишлатилади. Линзали компенсаторлар температура деформациясини бартараф қиласди. Бу турдаги курилмалар труба ва трубаларро бўшикчарида босимлар  $P \leq 6 \cdot 10^6 \text{ Н/м}^2$  бўлганда ишлатилади (4.24а-расм).




**4.24-расм. Температура кучланишларини компенсация қилувчи иссиқлик алмашиниши курилмаларининг тузилиши.**  
А - линза компенсаторли:  
1 - қобиқ; 2 - иситувчи труба;  
3 - линзали компенсатор.  
Б - U-симон трубали:  
1 - қопқоқ; 2 - қобиқ;  
3 - U-симон иситувчи трубалар.

**Ҳаракатчан қалпоқчали иссиқлик алмашиниши курилмаси.** Труба ва қобиқ-чали иссиқлик алмашиниши курилмаларидан фойдаланилиади (4.25-расм).

Курилманинг пастки тешикли труба панжараси ҳаракатчан қалпоқчали иссиқлик алмашиниши курилмаларидан фойдаланилиади. Бу эса ҳавфли бўлган трубалар температура деформацияси,

линзали компенсатор иссиқлик алмашиниши курилмалар қобиғига пайвандлаб кўйилади ва у эластик деформация остида сиқиласди ёки узаяди. Бундай курилмалар тузилиши содда ва ихчам. Ундан ташқари, вертикаль қылыш ясалган линза компенсаторли курилмалар кўп жой эгалламайди.

**U-симон трубали иссиқлик алмашиниши курилмаси.** Бундай курилмаларда битта тешикли труба панжараси бўлиб, U-симон трубанинг иккала учи унга маҳкамланади. Шуни алоҳида айтиш керакки, трубаларнинг ўзи компенсацияловчи мослама функциясини бажаради (4.24б-расм). Курилма тузилиши содда ва трубаларнинг ташқи юзасини тозалаш осон. Ундан ташқари, икки ва ундан ортиқ йўлли бўлгани учун иссиқлик алмашиниши жараёни интенсив бўлади. Трубаларнинг ички юзасини тозалаш қийин ва тешикли панжарада кўп микдорда трубалар жойлаштириш мураккаб.



**4.25-расм. Ҳаракатчан қалпоқчали иссиқлик алмашиниш курилмаси.**

1 - қобиқ; 2 - иситувчи трубалар; 3 - ҳаракатчан қалпоқча.

мухит II эса, юқоридан пастга қараб қурилманинг трубалараро бўшлиғидан ҳаракат қиласи ва труба 4 нинг ташқи юзасини юваб чиқиб кетади.

Бундай қурилмаларда температура таъсирида трубалар бир – биридан бевосита исталган миқдорда узайтиши мумкин.

Қўшалоқ трубали иссиқлик алмашиниш қурилмаларининг афзаликлавари: содда, трубалараро бўшлиқда юқори босимларни кўллаш мумкин ва қарама-қарши йўналиши қобиқ – трубали қурилмага ўхшаб ишлайди.

**Камчиликлари:** оддий қобиқ трубали иссиқлик алмашиниш қурилмасига нисбатан ўтчами катта ва нархи қиммат.

Қобиқ – трубали иссиқлик алмашиниш қурилмалари суюқлик ва конденсацияланётган буг орасида иссиқлик алмашиниш учун қўлланилади. Одатда суюқ фаза трубалар ичига йўналтирилади, буг эса – трубалараро бўшлиққа.


Қобиқ – трубали иссиқлик алмашиниш қурилмаларининг афзаликлавари: ихчам, металл сарфи кам, U-симон трубали қурилмадан ташқари ҳамма қурилмалардаги трубалар ичини тозалаш нисбатан осон.

**Камчиликлари:** иссиқлик элткичлар тезлигини ошириш мураккаб (кўп йўлли қурилмалардан ташқари); трубалараро бўшлиқни тозалаш қийин; трубалараро бўшлиқни кузатиш ва таъмирлаш учун имкониятлар чегаралнган; развалъцовка ва пайвандлашга мойил бўлмаган материаллардан, бу турдаги қурилмаларни ясаш мураккаб.

уларнинг тешикли панжара билан зичланишинг бузилиши олдини олиш имкониятини беради. Лекин шуну қайд қилиш керакки, температура таъсирида узайшини компенсация қилиш, қурилмани мураккаблашиши ва оғирлашиши ҳисобига эришилади.

**Қўшалоқ трубали иссиқлик алмашиниш қурилмаси.** Қурилманинг бир томонида иккита тешикли труба панжараси ўрнатилган бўлади (4.26-расм).

Тешикли панжара 1 да кичик диаметрли иккала учи очиқ трубалар ўрами 2 маҳкамланса, панжара 3 да эса, катта диаметрли чап учи ёпиқ трубалар маҳкамланади. Ички труба ташқи трубанинг ўргасида жойлашиши шарт. Муҳитлардан бири I қурилманинг ички 2 ва ташқи 4 трубалари ҳосил қилган ҳалқасимон бўшлиқ орқали ҳаракатланиб, труба 2 орқали трубалараро бўшлиқдан чиқариб юборилади. Иккинчи




**4.26-расм. Қўшалоқ трубали қобиқ – трубали иссиқлик алмашиниш қурилмаси.**

1, 3 – тешикли панжара;  
2 – ички труба; 4 – ташқи труба.

"Труба ичидә труба" типидаги иссиқлик алмашиниш қурилмаси бир неча элементлардан таркиб топган бўлади (4.27-расм).

Хар бир элемент катта диаметрли ташқи труба 1 (одатда 25...159 мм) ва концентрик жойлаштирилган ички труба 2 (одатда 57...219 мм) лардан ташкил топган. Совуқлик элткич I труба ичидә ҳаракатланса, иссиқлик элткич II трубалараро бўшлиқда ҳаракатланади. Иссиқлик алмашиниш ички трубанинг дебори орқали амалга ошади.



**4.27-расм. "Труба ичидә труба" типидаги ажралмас, бир оқимли иссиқлик алмашиниш қурилмаси.**

1 – ташқи труба; 2 - ички труба; 3 - калач; 4 – патрубка.  
I, II – иссиқлик элткичлар.

Ушбу қурилмаларнинг труба ва трубалараро бўшлиғида юқори тезликларга (3,0 м/с гача) эришса бўлади. Агар, катта юзалар зарур бўлса, бир неча секциялардан батарея ҳосил қилиш осон ва мумкин.

Бу турдаги қурилмаларда суюқликлар сарфи катта ва «суюқлик – суюқлик», «суюқлик – буғ» системаларида иссиқлик алмашиниш учун кўлланилади.

"Труба ичидә труба" иссиқлик алмашиниш қурилманинг афзалликлари: тузилиши ва ясалиши содда; суюқликлар тезликлари катта бўлгани учун иссиқлик ўтқазиш коэффициенти юқори.


Камчиликлари: кўпол; металл сарфи кўп, трубалараро бўшлиқни тозалаш қийин.

Ажралувчан конструкцияли «труба ичидә труба» типидаги иссиқлик алмашиниш қурилмаларида, температура ортиши билан ташқи трубаларга боғлиқ бўлмаган ҳолда, ички трубалар узайиши мумкин (4.27а,в-расм). Қурилманинг конструкцияси иссиқлик алмашиниш трубаларининг ички юзасини ифлослик ва қўйқалардан муңтазам равинада механик тозалаб туриш имконини беради. Ундан ташқари, бу қурилмаларда трубаларни алмаштириш жараёнини амалга ошириш учун уларни ечиб олиш осон ва ташқи юзасини тозалаш мумкин.


Кўп оқимли иссиқлик алмашиниш қурилмаларида (4.27 б-расм) тақсимлаш камераси 1 оқимларни труба 6 ларга бўлиб беради. Труба-қобиқ 4 ва труба 2 ларнинг тешикли панжараси орасида тақсимлаш камераси 3 жойлашган. Ушбу камера трублараро бўшлиқда ҳаракатланётган мухит учун мўлжалланган. Кўп оқимли қурилмаларнинг ички ва ташқи трублари иккита йўлли бўлади.

Бу турдаги қурилмаларда оқимларнинг ҳаракат тезлиги қобиқ-трубали қурилмаларниң қараганда анча юқори. Шу сабабли иссиқлик ўтказиш коэффициенти ва труба юзасининг иссиқлик кучланиси катта бўлади. Ундан ташқари, иссиқлик алмашинувчи мұхитларни қарама-қарши йўналишда ҳаракат қилишини ташкил этиш осон.

Бир ва кўп оқимли қурилмаларнинг трубаларида иссиқлик элтичлар таркибидағи агрессив ва механик ифлосликлар камроқ ўтириб қолади. Кўпчилик ҳолларда, «труба ичиде труба» қурилмаларининг иссиқлик кўрсаткичлари қобиқ-трубали қурилмаларниң қараганда анча юқори бўлади.




**4.27а-расм. «Труба ичиде труба» типидаги ажралувчан, бир оқимли иссиқлик алмашиниш қурилмаси.**  
1-иссиқлик алмашиниш трубаси; 2-труба-қобиқ;  
3-таянч; 4-қобиқ-труба тешикли панжараси;  
5-бурилиш камераси; 6-кўшалоқ труба;



**4.27б-расм. «Труба ичиде труба» типидаги ажралувчан, кўп оқимли иссиқлик алмашиниш қурилмаси.**  
1-биринчи тақсимлаш камераси; 2-трубалар тешикли панжараси; 3-иккінчи тақсимлаш камераси; 4-труба-қобиқ тешикли панжараси; 5-таянч; 6-иссиқлик алмашиниш трубаси; 7-труба-қобиқ; 8-бурилиш камераси; 9-кўшалоқ труба.

Айрим ҳолларда, қурилманинг ички трубаларнинг ташқи юзаси қиррали қилиб ясалади. Натижада, иссиқлик алмашиниш юзаси 4...5 маротаба ортади. Одатда бу усулдан трубанинг бирорта мұхит ҳаракатланадиган томонида иссиқлик бериш коэффициентини ошириш қийин бўлганда (газ, қовушок суюқлик ҳаракатида ёки ламинар режимда) фойдаланилади. Бундай ҳолларда, қиррали трубаларни қўллаш, узатилаётган иссиқлик миқдорини анчага ошириш имконини беради.

**Змеевикли иссиқлик алмашиниш қурилмаси.** Змеевик шақлида эгилган трубы цилиндрдик қобиқли идишга ўрнатылған бўлади (4.28-расм). Цилиндрдик қобиқли идиш 2 иситилиши зарур бўлган суюқлик билан тўлдирилади.



**4.28-расм. Змеевикли иссиқлик алмашиниш қурилмаси.**  
1 - змеевик; 2 - қобиқ.

суюқликларни иситиш ҳам мумкин; иситиш юзаси  $10\ldots15 \text{ м}^2$ ; суюқлик ҳажми катталиги учун ишчи режимлар ўзгариши жараёнга сезиларли таъсир этмайди.

Ушбу турдаги қурилманинг камчилклари: суюқликнинг тезлиги ва иссиқлик бериш коэффициенти кичик; труба ички деворини тозалаш қийин;  $I/d \geq 200\ldots275$  бўлса, змеевик пастида конденсат йигилади, иссиқлик алмашиниш ёмонлашади ва гидравлик қаршилик ортиб кетади.

**Ювилиб турувчи иссиқлик алмашиниш қурилмаси** газ, суюқликларни совитиш ва буғларни конденсациялаш учун қўлланилади (4.29-расм).

Бу қурилма бир-бири устига жойлаштирилган трубы 2 ва уларни бирлаштирувчи калац 3 лардан иборат. Трубалар ичидан совутилаётган иссиқлик элткич ҳаракатланади. Совутувчи сув четлари тишли тақсимловчи тарнов 1 га кююлади ва ундан трубалар 2 га оқиб тушади. Сувнинг бир қисми трубы юзасидан буғланиб кетади.


Сув бир трубани ювиб иккинчисига, ундан сўнг учинчисига ва ҳоказо таргибда ҳаракатланиб, охири исиган ҳолда йигувчи тарновга оқиб тушади.

**Ювилиб турувчи иссиқлик алмашиниш қурилмаларининг афзалликлари:** тузилиши содда; очиқ ҳавода ишлаташ мумкин; сув сарфи кам; трубаларни тозалаш осон.

Ушбу қурилманинг камчилклари: қўпол; иссиқлик ўтказиш коэффициенти кичик; металл сарфи кўп.

Змеевиклар кўпинча 15...75 мм диаметрли трубалардан ясалади. Цилиндрдик идишнинг ҳажми катта бўлгани учун, суюқликнинг тезлиги кичик, яъни иссиқлик бериш коэффициентининг қиймати паст бўлади. Иссиқлик элткич одатда змеевик ичига юборилади. Бу турдаги қурилмалар кам миқдордаги суюқликларни иситиш учун мўлжалланган.


Змеевикли иссиқлик алмашиниши қурилмаларининг афзалликлари: тузилиши содда; нархи арzon; тозалаш ва таъмирлаш осон; юқори босим ( $0,2\ldots0,5 \text{ МПа}$ ) қўллаш мумкин; кимёвий фаол



**4.29-расм. Ювилиб турувчи иссиқлик алмашиниш қурилмаси.**

1 - тақсимловчи тарнов; 2 - труба; 3 - калац; 4 - таянч; 5 - йигувчи тарнов.

**Спиралсimon иссиқлик алмашиниш қурилмаси.** Бу қурилмаларда иссиқлик алмашиниш юзаси иккита юпқа металл лист 1 ва 2 ларни спирал бўйлаб ўраш натижасида ҳосил бўлади (4.30-расм). Спиралларнинг ички учлари пластина— тўсиқ 3 ёрдамида бирлаштирилган.



**4.30-расм. Спиралсimon иссиқлик алмашиниш қурилмаси.**

1,2- металл листлар; 3- пластина-тўсиқ; 4- қопқоқлар;  
5- фланец; 6- қистирима; 7- ораликни белгиловчи бўлакча.  
I ва II- иссиқлик элткичлар.

Каналлар ён томони қистирима ва текис қопқоқ ёрдамида зичлаб ёпилган. Натижада бир - биридан ажраб турувчи каналлар ҳосил бўлади ва уларда қарама қарши йўналишда суюқликлар ҳаракатлантирилади. Каналларнинг эни металл лист эни билан белгиланади. Баландлиги эса ораликни белгиловчи бўлакча 7 нинг ўлчами билан аниқланади. Текис қопқоқ 4 лар фланец 5 га болтлар ёрдамида маҳкамланади.

Иссиқлик элткичлар кириши ва чиқиши учун текис қопқоқларнинг марказида ва спиралнинг ташқи учларида штуцерлар ўрнатилади.

Бу қурилма суюқлик ва газлар орасида иссиқлик алмашиниш учун ишлатилади. Агар, иссиқлик элткич таркибида қаттиқ заррачалар бўлган тақдирда ҳам ушбу қурилмалардан фойдаланиш мумкин, чунки тўғри тўртбурчак шаклдаги каналга тиқилиб қолмайди.


**Спиралсimon иссиқлик алмашиниш қурилмаларининг афзалликлари:** тузилиши ихчам; гидравлик қаршилиги нисбатан кичик; суюқликлар тезлиги юқори ( $1\dots2$  м/с); иссиқлик ўтказиш коэффициенти катта; кам жой эгаллайди.

Ушбу қурилма камчиликлари: ясаш, таъмиrlаш ва тозалаш қийин; юқори босим ( $\geq 1,0$  МПа) да ишлатиш мумкин эмас, чулки бу босимларда зичланишини таъминлаш қийин.

**Пластинали иссиқлик алмашиниш қурилмаси.** Юпқа металл листлардан тайёрланган бир неча пластина тепа ва пастки тутиб турувчи бруслардан иборат ромда йигилади (4.31-раем).

Қўзғалмас ва ҳаракатчан плиталар орасида штамповка қилинган пўлат, гофрирланган пластина дастаси жойлашган бўлиб, уларда иссиқлик элткичлар ҳаракати учун каналлар бор.

Пластина дастаси қўзғалмас 2 ва ҳаракатчан плиталар 4 орасида йигилади ва тортиб турувчи шпилька 6 ёрдамида сикиласди.



**4.31-расем. Пластинали иситкіч (а) ва уннинг ишлеш принципи (б):**

- 1-тепе тутиб турувчи брусь; 2-құзғалмас плита;
- 3-пластина; 4-харакатчан плита; 5-пастки тутиб турувчи брусь; 6-йұналтирувчи ва тортиб турувчи шпилька; 7-таянч.

Пластиналарни зичлаш юқори босимга бардош бера оладиган қистирмалар ёрдамда амалға оширилади. Пластиналар орасидаги каналлар эни 3...6 мм бўлади.

Пластинали иссиқлик алмашиниш қурилмаларининг ишлеш принципи 4.31б-расмда кўрсатилган. Расмдан кўриниб турибдики, суюқликларнинг ҳаракати қарама - қарши йўналишда. Шуни қайд этиш керакки, ҳар бир иссиқлик элткіч пластинанинг бир томони бўйлаб ҳаракат қиласи.


Бу турдаги қурилмалар иситкіч, совуткіч сифатида, ҳамда пастеризация, стерилизация қилиш учун, ҳам кўллаш мумкин.

Пластиналар орасидаги каналларда суюқлик тезликлари юқори бўлгани учун иссиқлик ўтказиш коэффициенти  $K \leq 3800 \text{ Вт}/\text{м}^2\cdot\text{К}$  гача эришиш мумкин. Ундан ташқари, бундай юқори иссиқлик ўтказиш коэффициентларни олишга сабабчи бўлган омиллардан бири, гофириланган пластина юзасининг суюқлик оқимини турбулизация қилиши ва деворнинг кичик термик қаршилигидир.

Пластинали иссиқлик алмашиниш қурилмаларининг афзалликлари: иссиқлик ўтказиш коэффициенти катта; гидравлик қаршилиги нисбатан кичик; тузилиши ихчам; суюқликлар тезлиги юқори; иссиқлик алмашиниш юзаси катта.

Бу турдаги қурилмалар камчиликлари: катта босимга бардош беролмайды; тайёрлаш қийин; суюқлик таркибидаги қаттиқ заррачалар каналларни ёпиб қўйини эҳтимоли бор.


**Қиррали иссиқлик алмашиниш қурилмаси.** Бу турдаги қурилмаларда иссиқлик бериш коэффициенти паст мұхит томонидаги, иссиқлик ўтказиш юзасини күпайтириш имконияти бор (4.32-расм).



4.32-расм. Пластинали қалорифер.  
1 - күти; 2 - қовурға.

металл шайбалар пайвандланади. Қурилмаларида кўндалант ёки бўйлама қобурғалар кўлланиши мумкин. Натижада, бу турдаги трубалар ўрнатилган қурилманинг иссиқлик юкламаси ортади. Маълумки, қирралар ясаладиган материалнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти юқори бўлиши керак.

Бундай трубаларнинг гидравлик қаршилиги кичик бўлиши учун қирралар юзаси иссиқлик элткич оқимининг йўналишига паралел бўлиши зарур. Ҳозирги кунда тўғри тўртбурчак ва трапеция шаклидаги кўндалант кесимли қирралар энг кўп кўлланилади. (4.33-расм) Қиррали иссиқлик алмашиниш юзали элементлар ҳаво ва турли газларни иситадиган иссиқлик алмашиниш қурилмаларида ўрнатилади.



4.33-расм. Қиррали иссиқлик алмашиниш юзалари.


а – тўғри тўртбурчак қиррал; б – трапеция шаклидаги қиррал; в – кўндалант қиррал; г – бўйлама, қиррал "юзгич"; д – бўйлама, қиррал; е – гофрирланган қиррал; ж – учбурчак шаклидаги, қиррал.

Саноатда ишлатиладиган иссиқлик алмашиниш жараёнларида деворнинг иккى томонидаги иссиқлик бериш коэффициентлар бирбиридан кескин фарқ қиласи. Масалан, сув буғи ёрдамида ҳаво иситилганда, буғнинг деворга иссиқлик бериш коэффициенти таҳминан  $10000\ldots15000 \text{ Вт}/(\text{м}^2 \cdot \text{К})$  ни ташкил этади. Демак, ушбу ҳолатда ҳаво томонидан юза миқдорини ошириш керак, яъни  $\alpha$  паст томонидан.

Трубалар юзасини ошириш мақсадида унинг ташқи юзасига думалоқ ёки тўртбурчак шаклидаги Трубали иссиқлик алмашиниш

тасдиқланади. Ҳозирги кунда тўғри тўртбурчак ва трапеция шаклидаги кўндалант кесимли қирралар энг кўп кўлланилади. (4.33-расм) Қиррали иссиқлик алмашиниш юзали элементлар ҳаво ва турли газларни иситадиган иссиқлик алмашиниш қурилмаларида ўрнатилади.

**Филофли иссиқлик алмашиниш курилмаси.** Бундай курилмаларда иссиқлик алмашиниш жараёнлари (иситиш ёки совитиш) билан кимёвий жараён бир вақтда юз беради. Филофли курилма тасвири 4.34-расмда көлтирилген.



**4.34-расм. Филофли иссиқлик алмашиниш курилмалари**


а - паст босимлар учун; б - юқори босимлар учун;

1 - қобик; 2 - филоф; 3 - фланецли бирикма;

I, II; II - иссиқлик элткичлар.

Бундай курилмаларда иссиқлик алмашиниш юзаси сифатида реактор де-вори хизмат қиласи. Фланец бирикма 3 ёрдамида қобик 1 га филоф 2 маҳкамланади. Қобик ва филоф орасидаги бўшлиқда иссиқлик элткич I циркуляция қиласи. Курилманинг ичиди эса, элткич II жойлаштирилади. Бу турдаги курилмаларнинг иссиқлик алмашиниш юзаси  $\leq 10 \text{ m}^2$  ва филофдаги босим 1,0 МПа дан ошмайди.

Агар, босим 7,5 МПа дан ортса, филофда кўп миқдорда тешиклар килинади ва филоф листининг четлари периметри бўйича буқланади ва курилма қобигига пайвандланади (4.34 б-расм).



**4.35-расм. Блок-графитли иссиқлик алмашиниш курилмаси.**

1 - графитли блок; 2 - вертикал каналлар; 3 - горизонтал каналлар; 4 - қобик.


**Блок-графитли иссиқлик алмашиниш курилмаси.** Блок-графитли иситкичларда графитнинг юқори иссиқлик ўтқазувчанлик  $[100 \text{ Вт}/(\text{м}\cdot\text{К})$  гача] ва суюқлик таъсирида емирилмаслиги туфайли графитли иссиқлик алмашиниш курилмалари саноатнинг барча соҳаларида ишлатиладиган иситкичларга нисбатан кенг тарқалган бўлиб, унинг афзалликларини ҳеч қандай иситкич билан солиштириб бўлмайди.

Бу турдаги иссиқлик алмашиниш курилмалар асосий элементи паралелепипед шаклидаги графитли блокdir. Унда иссиқлик элткичлар учун бир-бири билан кесишмайдиган тешиклар ясалган (4.35-расм). Курилма бир ёки бир неча тўғри тўртбурчакли блокдан йигилади.

Ён томонидаги металл плиталар ёрдамида ҳар бир блокда иссиқлик элткінинг иккі йүлти горизонтал каналларда ҳаракати ташкил этилади. Ўлчами 350x51x350  $\text{мм}^3$  бўлган блоклардан йигилган иссиқлик алмашиниш курилмасининг вертикал каналлари бўйича элткіч бир ёки иккі йўлли ҳаракат қилиши мумкин. Вертикал йўлларнинг сони курилманинг пастки ва юқори қопқоқларининг конструкциясига боғлиқдир. Графитли иссиқлик алмашиниш курилмасининг ишчи босимининг қиймати  $2,9 \cdot 10^5 \text{ Па}$  дан ошмаслиги керак.

Блок-графитли курилмаларни муҳитлардан бири коррозион-фаол бўлган ҳолларда ишлатиш мумкин. Агарда иккала муҳит ҳам коррозион-фаол бўлса, унда ён томондаги плиталар маҳсус графит вкладишлар билан ҳимоя қилинади.

**Шнекли иссиқлик алмашиниш курилмаси.** Юқори қовушоқли суюқлик ва иссиқлик ўтказувчанлиги кичик бўлган сочишувчан материалларни иситиш даврида, жараённи интенсивлаш учун курилма деворига тегиб турган муҳит юзасини доимий равища янгилаб туриш керак. Бунинг учун, бир пайтнинг ўзида шнек ёрдамида материални механик аралаштириш ва узатиб туриш мақсадга мувофиқдир (4.36-расм).



4.36-расм. Шнекли иссиқлик алмашиниш курилмаси.

1 - кобиқ; 2 - филоф; 3, 4 - шнеклар;  
5 - ичи бўш ўқларнинг сальники.


Курилма қобигининг бир учидан материал юкланди ва бир-бирига қараб айланадиган 3 ва 4 шнеклар ёрдамида аралаштирилади. Араваштириш билан бирга материални қурилманинг бошқа учига узатади. Айрим ҳолларда, иссиқлик алмашиниш жараённи интенсивлаш учун шнекнинг ичи бўш қилиб тайёрланади ва улар орқали иссиқлик элткіч (буғ ёки иссиқ ҳаво) юборилади

#### 4.11.2. Регенератив иссиқлик алмашиниш курилмалари

Регенератив иссиқлик алмашиниш қурилмалари иккита секциядан ташкил топган бўлади. Биринчисида иссиқлик элткічдан оралиқ материалга иссиқлик узатилса, иккинчисида эса – оралиқ материалдан технологик газга узатилади. 4.37-расмда циркуляцион ҳаракатлантирувчи донадор қатламли узлуксиз ишлайдиган регенератив иссиқлик алмашиниш курилмаси келтирилган.

Курилма асосан иккита иситкичдан тузилган бўлиб, ҳар бир иситкичининг пастки қисмida газ оқимини бир меъёрда узатиш учун тақсимлагич 6 ўрнатилган. Иситкичдан донадор материални узлуксиз равища тўкиш учун шлюзли тамба 3 хизмат қиласиди.

Иккинчи иситкичдан чиқаётган совутилган донадор материал пневмотранспорт линиясига тўкилади. Ундан сўнг, ҳаво ёрдамида бункер - сепараторга узатилади ва у ерда заррачалар чўқтирилади ва яна қайтадан биринчи иситкичга юборилади.



4.37-расм. Циркуляцион ҳаракатланувчи донадор қатламлы курилма.

1,2 – иссиқлик алмашиниш курилмаси; 3 - шлюзли тамба; 4 - газодувка; 5 – пневмотранспорт линияси; 6 - газ тақсимлагич; 7 - сепаратор.

#### 4.11.3. Арапаштирувчи иссиқлик алмашиниш курилмалари

Бир хил йўлли, хўл конденсатор буғни сув ёрдамида конденсациялаш учун мўлжалланган (4.38-расм). Конденсаторга совутувчи сув сопло орқали киритилади. Сувни пуркаш натижасида сув ва буғ орасидаги иссиқлик алмашиниш юзаси сезиларли даражада ошади. Буғни сув билан ўзаро таъсири, буғни конденсацияланшига олиб келади. Конденсатор ичидан конденсат, сув ва конденсацияланмаган газлар насос ёрдамида сўриб олинади.

Жараённинг моддий баланси куйидаги тентглама билан ифодаланади:

$$Di + Wc_c t_{co} = (D + W) c_c \cdot t_{cox}$$

бундан:


$$W = \frac{D \cdot (i - c_c t_{cox})}{c_c (t_{cox} - t_{co})} \quad (4.139)$$

бу ерда  $D$  – конденсацияланётган буғ массавий сарфи, кг/соат;  $i$  – конденсацияланётган буғ энталпияси, кДж/кг;  $W$  – совутувчи сув массавий сарфи, кг/соат;  $c$  - сувнинг иссиқлик сигими, кДж/(кг·К);  $t_{co}$  ва  $t_{cox}$  - сувнинг бошлангич ва охирги температуралари, °C.

Арапаштирувчи конденсатордан сўриб олинаётган ҳавонинг массавий сарфи (кг/соат):

$$G_c = 25 \cdot 10^6 (D + W) + 0,01 \cdot D \quad (4.140)$$

Ҳавонинг температураси конденсатордан чиқаётган совутувчи сувнинг температурасига тенг деб қабўл қилинади, яъни  $t_{xao} = t_{cox}$ .



4.38-расм. Бир хил йўлли ҳўл (а) ва насадкали (б) конденсатор.

а) 1-қобиқ; 2-қопқоқ; 3-пурковчи сопло; 4-махсус насос; 5-штуцер. б) 1-қобиқ; 2-насадка; 3-сув пурка-  
гич.

**Қарама қарши йўлли қуруқ конденсаторда** буғ ва совутувчи сувнинг ўзаро таъсири қарама - қарши йўналишда ўтади (4.39-расм).

Совутувчи сув конденсаторнинг юқори қисмидаги тарелкаси 2 га юборилса, буғ эса пастдаги тарелка остига. Сув тарелкадан тарелкага тенниклари ва четидан ингичка оқимча кўринишида оқиб ўтади. Сув билан суюқликнинг ўзаро таъсири конденсаторнинг тарелкалараро бўшлигига юз беради. Ҳосил бўлган конденсат барометрик труба 3 орқали совутувчи сув билан йингги 4 га туширилади.

Ҳаво эса, ушлагич орқали вакуум насос ёрдамида сўриб олинади. Шуннинг учун ҳам бу турдаги конденсаторларни **барометрик конденсатор** деб атала-ди.


Барометрик конденсаторда конденсациялаш жараёни вакуум остида олиб борилади. Куримдаги абсолют босим 0,01...0,02 МПа бўлади.

Атмосфера ва барометрик конденсаторларда босимлар фарқини тенг ҳолатда ушлаб туриш барометрик труба 3 даги суюқлик устуни  $h_3$  хизмат қиласи.

Барометрик трубанинг баландлиги ушбу ифодадан аниқланади:

$$H_{T_p} = h_3 + h_d + 0,5 \quad (4.141)$$

бу ерда  $h_3 = 103,3 \cdot B$  (B - конденсатордаги вакуум, МПа);  $h_d$  - динамик напор ҳосил қилиш учун зарур суюқлик устунининг баландлиги,  $h_d = (\omega^2/2g)(2,5 + \lambda \cdot H_{mp}/d)$ ;  $\omega$  - трубадаги суюқлик тезлиги,  $\omega = 1...2$  м/с;  $\lambda$  - гидравлик қаршилик коэффициенти;  $d$  - труба диаметри,  $d = \sqrt{0,004(D + W)} / 3600\pi\omega$  м; D ва W конденсаторга кираётган буғ ва сувнинг массавий сарфлари, кг/соат; 0,5 – буғ кираётган штуцерни сув билан тўлиб кетмаслиги олдини олувчи баландлик, м.



**4.39-расм. Барометрик конденсатор.**

1 - қобиқ; 2 - тарелка; 3 - барометрик труба;  
4 – йигит; 5-ушлагич.

Барометрик конденсатор ўлчамлари барометрик труба диаметрига боғлиқ бўлиб, ёрдамчи жадвал ва адабиётлардан аниқланади.

Вакуум насосни танлаш учун сув ва буф таркибидаги ҳаво, ҳамда фланецили бирикмалар ёрдамида орасидан сўрилаётган ҳаво миқдорини билиш зарур.

Ҳавонинг сарфи (4.140) тенгламадан ҳисоблаб топилади, температураси эса ушбу ифодадан:

$$t_{\text{хаво}} = t_{\text{сб}} + 0,1 \cdot (t_{\text{сax}} - t_{\text{сб}}) + 4 \quad (4.142)$$

#### 4.12. Иссиклик алмашиниш қурилмаларини танлаш

Иссиклик алмашиниш қурилмаларининг конструкциясини танлашда куйидагиларни инобатта олиш керак: қурилма технологик жараёнга мос бўлиши зарур; юқори самарали, тежамкор ва ишлаш пайтида ишончли, ҳамда металл сарфи кам бўлиши зарур; ишчи муҳитларда қурилма материалы емирилишга бардошли бўлиш керак.

Иссиклик элткичлар қурилма орқали катта тезликда ўтса, иссиқлик ўтказиш коэффициентининг юқори қийматларига эришса бўлади. Бундай юқори қийматларни олиш учун иссиқлик алмашиниш юзаси тоза бўлиши керак.

Агар, суюқликлар бирортасининг тезлиги оширилса, иккинчи суюқлик томонидаги иссиқлик бериш коэффициенти кўпаяди. Лекин, иссиқлик ўтказиши коэффициентининг сезиларли даражада кўпайиши учун девор ва ундаги ифлосликларнинг термик қаршилиги кичик бўлиши керак. Масалан, агар трубалараро бўшлиқдаги иссиқлик бериш коэффициенти трубалар бўшлигиникидан жуда паст бўлса, трубалар ичida оқаётган суюқлик тезлигининг ўсиши иссиқлик ўтказиш коэффициентига унча таъсир қилмайди. Бу ҳолда трубалараро бўшлиқдаги иссиқлик бериш коэффициентини ошириш зарур, яъни у ерга сегмент тўсиқлар ўрнатиш мақсадга мувофиқдир.

Қайси мұхитни труба ичига, қайси бирини трубалараро бўшлиққа йўналтириш муаммосини ҳал этишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

юқори иссиқлик ўтказиш коэффициентига эришиш учун иссиқлик бериш коэффициенти кичик бўлган мұхитни труба ичига йўналтириш зарур;

кимёвий фаол, коррозион мұхитларни труба ичига юбориш зарур, чунки бунда фақат труба, тешекли панжара ва қопқоклар тегишли легирланган металдан ясалади, яъни қобиқ, сегмент тўсиқ ва бошқалар оддий, углеродли пўлатдан тайёрланиши мумкин;

атроф мұхитфа иссиқлик йўқотилишини камайтириш учун температураси юқори мұхитни труба ичига юбориш мақсадга мувофиқдир;

- чўкма ҳосил қиласидан мұхитларни трубалар юзаси осон тозаланадиган бўшлиққа йўналтириш тавсия этилади;

босими юқори бўлган мұхитни труба ичига йўналтириш зарур, чунки қобиқдан кўра трубалар босимни яхши ушлайди.

Иссиқлик алмашиниш қурилмасининг конструкцияси техник-иқтисодий ҳисоблашлар асосида таъланади. Бунда, тайёрлаш учун кетган асосий (капитал) ва йиллик эксплуатациян сарфлар таққосланади. Айрим ҳолларда, эксплуатациян сарфлар тежалиши ҳисобига сарфлар тез қопланса, асосий сарфларни кўпайтириш ҳам мумкин.

Технологик жарабёнлар учун иссиқлик алмашиниш қурилмаси лойиҳаланаётганида, ҳисоблашнинг асосий мақсади, қурилманинг иссиқлик алмашиниш юзаси ва габарит ўлчамларини аниқлашдир.

Ҳисоблаш, биринчи навбатда қурилманинг иссиқлик балансини тузишдан бошланади. Сўнг, иссиқлик балансидан узатилган иссиқлик миқдори топилади. Масалан, сув буги ёрдамида бирор мұхит  $t_b$  дан  $t_{ox}$  температурагача иситилаётган бўлса, иссиқлик баланс ушбу кўринишда ёзилади (4.40-расм).

$$Gct_b + Di'' = Gct_{ox} + Di' + Q_{iyk} \quad (4.143)$$

$$Q = Gc (t_{ox} - t_b) + Q_{iyk} = D (i'' - i') + Q_{iyk} \quad (4.144)$$

бу ерда  $D=Q/(i'' - i')$  - иситувчи буг сарфи.


Иссиқлик ўтказиш коэффициенти ушбу формуладан ҳисобланади:

$$K = \frac{1}{\frac{1}{\alpha_1} + \sum_{i=1}^n \frac{\delta_i}{\lambda_i} + \frac{1}{\alpha_2}}$$

бу ерда  $\alpha_1$  ва  $\alpha_2$  иссиқлик бериш коэффициентлари 4 - бобдаги тегишли критериал тенгламалардан аниқланади.

Жараённи ўртacha ҳаракатга келтирувчи қучи қуйидаги тенгламалардан топилади:

$$\Delta t_{yp} = \frac{\Delta t_{\max} + \Delta t_{\min}}{2} \quad \text{ёки} \quad \Delta t_{yp} = \frac{\Delta t_{\max} - \Delta t_{\min}}{2,31g \frac{\Delta t_{\max}}{\Delta t_{\min}}}$$



**4.40-расм.** Моддий баланс тузишга оид.

Иссиқлик алмашиниш юзаси иссиқлик ўтказишнинг асосий тенгламасидан аниқланади:

$$F = \frac{Q}{K \cdot \Delta t_{yp}} \quad (4.145)$$

Иситкичдаги трубалар сонини эса, ушбу тенгламадан аниқлаш мумкин:

$$n = \frac{4 \cdot F}{\pi d_T^2 l} \quad (4.146)$$

бу ерда  $d_T$  - трубалар ташқи диаметри, м;  $l$  - труба узунлиги, м.

Тешикли панжарада трубалар жойлаштирилган ушбу бобда кўриб чиқилган усууллардан бирида амалга оширилади.

Қобик - трубали иссиқлик алмашиниш қурилмасининг диаметрини ушбу формулада ҳисоблаб топиш мумкин:

$$D = (1,3 \dots 1,5) \cdot (b - 1) \cdot d_T + 4d_T \quad (4.147)$$

Иссиқлик алмашиниш қурилмасининг гидравлик қаршилиги Дарси Вейсбах формуласидан топилади:

$$\Delta p = \left( \lambda \frac{l}{d} + \sum \xi \right) \frac{\rho w^2}{2} \quad (4.148)$$

бу ерда  $\lambda$  - гидравлик қаршилик коэффициенти;  $l$  - труба узунлиги, м;  $d$  - труба диаметри, м;  $\sum \xi$  - маҳаллий қаршилик коэффициентларининг йигиндиси;  $w$  - муҳит тезлиги, м/с;  $\rho$  - муҳит зичлиги, кг/м<sup>3</sup>.

Иситкичнинг технологик жараён учун яроқлигини билиш учун текширув ҳисоблаши ўтказилади. Бунинг учун қўйидаги бошланғич маълумотлар зарур:

$F$  - иссиқлик алмашиниш юзаси;  $Q$  - иссиқлик юклама; муҳитларнинг қурилмага кириш ва чиқишидаги температуралари;  $w$  - муҳит тезлиги ва муҳитлар физик параметрлари.

Ҳисоблаш даврида қўйидагилар аниқланади:

берилган иссиқлик юклама ва ҳақиқий иссиқлик алмашиниш шароитларидағи термик қаршилик; зарур бўлган ўртача температуралар фарқи  $\Delta t_3$ ; мавжуд ўртача температуралар фарқи  $\Delta t_m$ ; қурилманинг иш унумдорлик заҳираси.

Температураларнинг ўртача фарқи ушбу формуладан топиш мумкин:

$$\Delta t_3 = \frac{Q}{K \cdot F} \quad (4.149)$$

Мавжуд ўртача температурадар фарқи (4.108) формуладан аниқланади.

Мавжуд ўртача температурадар фарқининг зарур ўртача температурадар фарқига нисбати иситкичнинг иш унумдорлик заҳираси деб аталади:

$$\chi = \frac{\Delta t_u}{\Delta t}, \quad (4.150)$$

Зарур ўртача температурадар фарқи иссиқлик алмашиниш қурилмасининг ўртача эксплуатацион ишлаш шароитлари ва иссиқлик алмашиниш юзасидан фойдаланиш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

#### 4.13. Иссиқлик алмашиниш жараёнларини интенсивлаш

Халқ хўжалиги турли соҳаларининг жадал суръатлар билан ривожланиши иссиқлик алмашиниш қурилмаларининг кенг миқёсда қўлланиши ва уларга қўйиладиган талабларни ортиши билан характерланади. Шу билан бирга бу турдаги қурилмаларниг габарит ўлчамлари ва массасини камайтириш энг долзарб муаммо бўлиб ҳисобланади. Ундан ташқари, айрим ҳолларда температурадар фарқини ва девор температурасини пасайтириш зарур бўлади.

Худди шундай муаммолар иссиқлик алмашиниш қурилмаларини ишлатидиган кимё, озиқ - овқат, энергетика, нефть, металлургия ва бошқа саноат корхоналари олдида турибди.

Юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал этиш йўли - бу каналларда иссиқлик алмашиниш жараёнини интенсивлашдир.

Интенсивлаш усулини танлаш бир қатор шартлар билан белгиланади. Улардан энг асосийлари:

1. Иссиқлик алмашиниш қурилмасининг габарит ўлчамлари ва массасини камайтириш;
2. Иссиқлик алмашиниш жараёнини интенсивлаш учун рухсат этилган энергетик сарфлар ва уни амалга ошириш учун бор энергия тури;
3. Иссиқлик бериш интенсивланадиган оқимнинг гидродинамик таркиби. Иссиқлик оқими зичлигининг тақсимланиш ёки иссиқлик элткичда температурадар майдони;
4. Иссиқлик алмашиниш қурилмасининг тайёрлаш технологиясига мойиллиги, ҳамда эксплуатация даврида қулайлиги ва ишончлилиги.

Ундан ташқари, қурилма конструкцияси ва жараённинг таҳлили, иссиқлик элткични узатиш учун рухсат этилган энергия сарфини аниқлаш имконини беради. Одатда, энергия сарфи деганда насоснинг куввати назарда тутилади.

Шунинг учун, қурилма орқали иссиқлик элткични узатишда босимлар йўқотилишининг йигиндиси ўзгармас бўлганда, унинг габарит ўлчамларини камайтиришни таъминлайдиган интенсивлаш усуслари яратилиши керак.

Маълумки, ҳамма турбулент оқимларни интенсивлаш усусларида иссиқлик беришни жадаллаштириш учун оқим қўшимча сунъий турбулизация қилинади. Лекин, шу билан бирга гидравлик қаршилик коэффициенти ҳам ошади. Шунинг учун, интенсивлаш даражасини билиш учун интенсивлаш усулида олинган натижаларни, текис трубада олинган тажриба маълумотлар билан таққослаш мақсадга мувофик. Бунинг учун  $Nu/Nu_T$  нисбатдан фойдаланиш мумкин.

Турбулент оқимнинг гидродинамик таркибини ва ундан иссиқлик алмашинишни ўзига хос хусусиятларини билиш, оқимнинг қайси соҳасида турбу-

лент тебранишларни интенсивлаш зарурлигини анықлашга ёрдам беради. Күпгина олимларнинг маълумотларига биноан, одатда труба девори яқинидаги суюқликлар ҳаракатини жадаллаштириш кераклигини ҳеч ким инкор қилмайди.

Одатда, турбулентлик интенсивлигини ошириш энергетик сарфлар ўсиши билан боғлиқ, яъни гидравлик қаршилик коэффициенти ортади. Шунинг учун,  $\lambda_m$  ни бутун оқимда эмас, балки девор яқинида ошириш мақсадга мувофиқ. Шунга алоҳида эътибор бериш керакки, яратилган интенсивлаш усули иссиқлик алмашиниши қурилмаларини ясаш технологиясини тубдан бузмаслиги керак ва катта серияда ишлаб чиқаришга мойил бўлиши зарур. Бу ерда на фақат ясаш ва йигиш технологияси назарда тутилган, балки оддий қурилмага нисбатан нархи ҳам ҳисобга олинган бўлиши керак.

Ундан ташқари, яратилган интенсивлаш усули қурилма мустаҳкамлигини, ишончлилигини ва унинг эксплуатацион характеристикаларини пасайтирумаслиги керак.

Труба каналларида иссиқлик алмашиниши жараёнини интенсивлаш бўйича ҳамма ишлар таҳлили қўйидаги хулюсаларга олиб келди:

1. Сунъий равишда ташкил этилган уормавий тузилишли оқим турбулентлигини ҳосил қилиш энг самарали воситадир.

2 Трубада бўртиқ-ботиқ типидаги силлиқ кўндаланг тўсиқлар ясалиши оқибатида ҳосил бўлган уормавий оқим турбулентлиги тўсиқлар ўлчами ва шаклига катта боғлиқдир.

3. Иссиқлик алмашиниши жараёнини интенсивлаш учун турбулизатор шакли ўтқир қиррали (учбурчак, тўғри тўртбурчак ва ҳ.) бўлмаслиги керак, чунки бу шакли тўсиқларнинг гидравлик қаршилиги катта.

Демак, турбулизаторлар шакли аста-секин ортиб, кейин эса камаювчи, силлиқ шакли бўлиши гидравлик қаршилики кўрсаткичини кескин ортиб кетмаслигини таъминлайди.

Суюқлик ва газларнинг оқими труба ичидаги ҳаракати даврида девор атрофидаги юпқа, чегаравий қатламни сунъий равишда турбулизация қилиши керак. Ундан ташқари, ушбу девор атрофидаги юпқа қатламни сунъий равишда турбулизация қилиш учун дискрет жойлашган кўндаланг бўртиқ турбулизаторлар қўллаш мақсадга мувофиқ.

Бир хил баландликдаги силлиқ ва тўғри тўртбурчак шаклдаги бўртиқ тўсиқларнинг таҳлили ва у ердаги босимларни ўлчаш шуни кўрсатдики, биринчисида девор яқинидаги юпқа қатламнинг турбулизацияси энг минимал гидравлик қаршиликларда эришилади. (4.41-расм).




4.41-расм. Силлиқ (а) ва тўғри тўртбурчак (б) шаклидаги бўртиқ тўсиқларда оқим турбулентлигининг тузилиши.

Хозирги кунда, проф. Зокиров С.Г ва бошқалар томонидан яратилган, ташқи томонида кўндаланг ботиқ ариқча ва ички томони силлиқ бўртиқ тўсиқли иссиқлик алмашиниши юзаси энг самарали интенсивлаш трубаси деб ҳисобланади (4.42-расм). Бу турдаги трубаларни «накатка» усулида ясаш техно-

логияси содда ва осон, нархи эса текис трубанинг бир неча фоизини ташкил этади.

"Накатка" қилиш усулида тайёрланган иссиқлик алмашиниш қурилмаси текис трубалардан қурилма ясаш технологиясидан фарқ қилмайди. Лекин, самарадор трубали иссиқлик алмашиниш қурилмасидаги накаткали трубаларнинг умумий узунлиги, текис трубали қурилманидан кам бўлади, яъни камроқ сарф бўлади.



**4.42-расм.** Ташқи томонида кўндаланг ботиқ ариҷча ва ички томони силлиқ бўртиқ тўсиқли самарадор иссиқлик алмашиниш юзаси.

бўлади. Ҳаво учун эса, гидравлик қаршилик 2,8...4,5 марта ошганда иссиқлик бериш коэффициенти 2,8...3,5 марта кўпайди.

"Накатка" қилинган трубалар иссиқлик алмашиниш жараёнининг самарадорлигини оширади ва бир қатор афзалликларга эга [47,48,59]:

трубанинг ички ва ташқи томонларида иссиқлик алмашиниш самарадорлигини бир вақтда амалга ошириш мумкин;

- бошқа усулларга нисбатан юқори иссиқлик алмашиниш самарадорлигига эришилади;

- бу турдаги турбулизаторли трубаларни саноат миқёсида тайёрлаш осон. Бундай трубали қурилмаларни тайёрлаш «Ўзбеккимёмаш» ОТАЖда йўлга қўйилган.

Газларни иситиш ва совитиш жараёнида ( $Re=10^4...4 \cdot 10^5$ ,  $d/D = 0,88...0,98$  учун  $T_w/T_b = 0,13...1,6$ ) ўртача иссиқлик беришни ушбу формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

агар  $t/d = 0,25...0,8$  бўлса,

$$\frac{Nu}{Nu_T} = \left[ 1 + \frac{\lg Re - 4,6}{35} \right] \cdot \left\{ 3 - 2 \exp \left[ \frac{-18,2 \cdot (1 - d/D)^{1,13}}{(t/D)^{0,326}} \right] \right\} \quad (4.151)$$

агар  $t/D = 0,8...2,5$  бўлса,

$$\frac{Nu}{Nu_T} = \left[ 1 + \frac{\lg Re - 4,6}{35} \right] \cdot \left[ \left( 3,33 \frac{t}{D} - 16,33 \right) \frac{d}{D} + \left( 17,33 - 3,33 \frac{t}{D} \right) \right] \quad (4.152)$$

(4.151) ва (4.152) формулалардаги  $Nu$  ни ҳисоблашда ҳамма параметрлар газнинг ўртача массавий температурасида олинади.

$d/D = 0,9...0,97$  ва  $t/D = 0,5$  параметрларга эга турбулизаторларли трубаларда иссиқлик беришни ҳисоблашда қўйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

Шунинг учун ҳам, ушбу усулда жараённи интенсивлаш қурилманинг габарит ўлчамлари ва массасини 1,5...2,0 марта камайтириш имконини берибгина қолмай, балки унинг нархини ҳам арzonлаштиришга эришилди.

Ушбу усулда  $Pr = 2...80$  бўлган суюқликлар учун гидравлик қаршилик 2,7...5,0 марта ўсанда, иссиқлик бериш коэффициентини 2,0...2,6 марта ортиришга эришса

$$\frac{Nu}{Nu_T} = \left(1 + \frac{\lg Re - 4,6}{7,45}\right) \cdot \left(\frac{1,14 - 0,28\sqrt{1-d/D}}{1/14}\right) \cdot \exp\left[\frac{9(1-d/D)}{(t/D)^{0,58}}\right] \quad (4.153)$$

бу ерда  $Re_w$  – деворнинг ўртача температурасида ҳисобланади.

(4.151)-(4.153) формулалардаги  $Nu_T$  күйидаги тенгламаларда ҳисобланади.

газларни иситиш пайтида

$$Nu_T = 0,0207 \cdot Re^{0,8} \cdot Pr^{0,43} \quad (4.154)$$

бу ерда аниқловчи температура - труба узунлиги бўйича деворнинг ўртача температураси.

газларни совитиш пайтида

$$Nu_T = 0,0207 \cdot Re^{0,8} \cdot Pr^{0,43} \quad (4.154)$$

бу ерда аниқловчи температура - труба узунлиги бўйича деворнинг ўртача температураси.

$$Nu_T = 0,018 \cdot Re^{0,8} \quad (4.156)$$

бу ерда аниқловчи температура - труба узунлиги бўйича ўртача массавий температура.

Агар  $t/D = 0,5$  ва  $d/D \geq 0,94$  ( $Re > Re^*$ ) бўлса, суюқликлар учун ўртача иссиқлик бериш қўйидаги формуладан топилади:

$$\frac{Nu}{Nu_T} = \left[100 \cdot \left(1 - \frac{d}{D}\right)\right]^{0,445} \quad (4.157)$$

бу ерда  $Nu_T$  ушбу формуладан ҳисоблаб топилади:

$$Nu_T = 0,0216 \cdot Re^{0,8} \cdot Pr^{0,445} \quad (4.158)$$

Ушбу трубаларнинг гидравлик қаршилигини  $Re = 10^4 \dots 4 \cdot 10^5$  оралиқда кўйидаги формуладан аниқласа бўлади:

$d/D = 0,90 \dots 0,97$  ва  $t/D = 0,5 \dots 1,0$  бўлганда:

$$\frac{\xi}{\xi_T} = \left[1 + \frac{100 \cdot (\lg Re - 4,6) \cdot (1 - d/D)^{1,65}}{\exp(t/D)^{0,3}}\right] \cdot \exp\left[\frac{25 \cdot (1 - d/D)^{1,32}}{(t/D)^{0,75}}\right] \quad (4.159)$$

$d/D = 0,88 \dots 0,98$  ва  $t/D = 0,5$  бўлганда

$$\frac{\xi}{\xi_T} = \left[1 + \frac{\lg Re - 4,6}{3,4 Re \cdot 10^{-5} + 6}\right] \cdot \left(1,3 - \sqrt{\frac{d}{D} - 0,93}\right) \exp\left[20,9 \cdot (1 - d/D)^{1,05}\right] \quad (4.160)$$

$d/D = 0,90 \dots 0,98$  ва  $t/D = 0,25$  бўлганда эса,

$$\frac{\xi}{\xi_T} = \left[1 - \frac{\lg Re - 4,6}{6(Re \cdot 10^{-5})^{0,33}}\right] \cdot \left(3 \frac{d}{D} - 2\right) \cdot \left(2,5 - 1,5 \frac{d}{D}\right) \cdot \exp\left[17 \left(1 - \frac{d}{D}\right)^{0,858}\right] \quad (4.161)$$

(4.159) формуладаги  $\xi_T$  қуидаги тенгламадан топилади:

$$\xi_m = \frac{0,316}{Re^{0,254}} \cdot \left( \frac{\mu_b}{\mu_w} \right)^n \quad (4.162)$$

бу ерда газларни иситиш жараёни учун  $n = 0,14$ , газларни совитиш учун  $n = 0$  ва суюқликларни иситиш учун  $n = 0,333$ .

(4.161) ва (4.162) формулардаги  $\xi_T$  ушбу тенгламадан ҳисоблаб аникланади:


$$\xi_T = 0,182 \cdot Re^{-0,2} \quad (4.163)$$

Юқорида келтирилган девор яқинидаги чегаравий қатламнинг турбулентлигини жадаллаштирадиган турбулизаторлардан ташқари бошқа интенсивлаш усуллари ҳам кимё машинасозлигига қўлланилади.

Бошқа усуллар ўртасида иссиқлик элткичларни труба ичидаги бураб, спиралсимон ҳаракатлантириш усули алоҳида ўрин тутади. Бунинг учун 4.43...4.46 расмларда ва 4-7, 4-8 жадвалларда келтирилган мосламалардан фойдаланилади [48,49].

а) трубанинг бир қисми ёки бутун узунлигига винтсимон (бураган лента, шнек) турбулизаторлар ўрнатилади (4.43-расм);

б) трубага иссиқлик элткични тангенциал йўналишда узатиш (4.44-расм);




**4.43-расм. Шнексимон ўормалантиргичлар конструкциялари.**


а - тўртбурчак ариқчали; б - трапеция шаклидаги ариқчали; в - сим ёки найча ўраш йўли билан ҳосил қилинган шнекли; г - ярим доира шаклидаги ариқчали.

в) трубага киришда ёки трубаларнинг керакли жойларига куракчали ўормалаштиргичлар ўрнатиш (4.45-расм);

г) иситкичга бурама-спирал кўринишидаги трубалар ўрнатиш (4.46-расм).



**4.45-расм. Аксиял - куракчали уюргалантиргич.**  
а) профилли; б - ясси куракчали.



**4.46-расм. Суюқлик оқимини бурама йўналишда ҳаракатлантирувчи иссиқлик алмашиниш қурилмаси.**  
1 - бурама трубалар; 2 - труба тешикли панжараси; 3 - қобиқ;  
4 - қопқоқ.

Ушбу усулда иссиқлик беришни интенсивлаш бир қатор омиллар таъсирида рўёбга ошади:

- текис трубалар билан бир хил ўртача сарфда уюргалантиргичли трубаларнинг девори яқинида тезлик градиенти ва турбулентли кучланишилар юқори бўлади;

марказдан қочма куч таъсирида зичлиги юқори совук суюқлик девор атрофига, труба марказида эса зичлиги кичик иссиқ суюқлик йифилиди. Суюқликнинг қатламларга ажralиш эффекти иситиш жараёнида иссиқлик беришни интенсивлади;

винтсимон элементларни қўллаш қиррали юзалар эффективини беради. Бу усулда иссиқлик бериш коэффициенти 30...40% ортади, гидравлик қаршилик эса 1,5...2,5 марта кўпаяди.

Турбулент ва ўтиш режимларида девор яқинидаги қатлам зонасини интенсивлаш керак, чунки чегаравий қатламнинг иссиқлик ўтказувчанилиги кичик. Ундан ташқари, бу ерда «девор – суюқлик» системасининг 60...70% температура напори мужассамланган, яъни иссиқлик оқимининг зичлиги максималдир.

Яна бир самарали интенсивлаш усули проф. Дзюбенко Б.В., проф. Дрейцер Г.А. ва бошқатар томонидан яратилган. Бу самарадор труба бўлиб, уни бураш йўли билан ҳосил қилинади ва унинг кўндаланг кесим юзаси эллипсоид шаклида бўлади (4.46-расм).

Бурама трубалардан ясалган қурилмаларда иссиқлик алмашиниш ҳам трубалар ичida, ҳам трубалараро бўшлиқда интенсивлашади. Агар, трубалар бураш қадами  $S/d = 6\ldots 15$  бўлса, қурилма ҳажмини текис трубали қурилмага нисбатан 1,5...2 баробар камайтириш мумкин. Демак, қурилманинг массаси ва металл сарфи ҳам кам бўлади.

Бу турдаги трубалар винтсимон каналлари чегарасида тезликнинг айланувчан ташкил этувчисининг тангенциал узилиши рўй беради ва бу ҳол оқимни турбулизация ҳолатига олиб келади. Оқим ядрасига қараганда, труба девори яқинида суюқлик оқими уюргавий ҳаракатланади. Бурама трубалар биринчи навбатда девор яқинидаги суюқлик қатламини турбулизация қилиш учун қўлланилади.

Саноат синовлари шуни кўрсатадики, агар  $S/d \approx 12$  бўлса, турбулент режимда трубалараро бўшлиқда иссиқлик алмашиниш ва гидравлик қаршилик

бир хил даражада ортади. Ўтиш соҳаси  $Re = 10^3 \dots 10^4$  да эса, гидравлик қаршиликтан иссиқлик алмашинишнинг ўсиш даражаси кўпроқ бўлади.

Иссиқлик алмашиниш жараёнини интенсивлашнинг яна бир самарали усули бу труба ташки юзасида кўшимиш қирралар юзалар ҳосил қилишдир. Ушбу усулда, иссиқлик бериш коэффициенти паст бўлган муҳит албатта труба ичига йўналтирилиши керак. Пластина қирралар иссиқлик алмашиниш юзаларнинг баъзи бирлари 4-7 жадвалга келтирилган.

#### 4-7 жадвал

##### Самарадор иссиқлик алмашиниш трублалари

Иссиқлик алмашиниш жараёнини интенсивлаш усуллари ва мосламалари	Схема	Иссиқлик алмашиниш жараёнини интенсивлаш усуллари ва мосламалари	Схема
Бурма лента		Ташки томонида винтсимон кўндаланг ботик ариқча ва ички томонида силлиқ бўртиқ тўсикли труба	
Узлуксиз, шнекли лента		Бурма труба	
Конфузор-диффузор типидаги ҳалқасимон канал		Ташки томонида дискрет жойлагиширилган ботик ариқча ва ички томонида бўртиқ тўсикли труба	
Диафрагма кўринишидаги турбулизатор		Диск кўринишидаги турбулизатор	
Сим қобурғали		Узлуксиз спиралли труба	

Схема	Характеристика
	Тұғри түртбұрчак канал ҳосил құлувчи, текис, узлуксиз қобурғалар (ТУК).
	Трапеция шаклидаги канал ҳосил құлувчи, (ТУК).
	Үчбурчак шаклида канал ҳосил құлувчи, (ТУК).
	Узлуксиз, түлкінсімөн қовурға (УТК).
	Трубалараро бўшлиқда иссиқлик элтич түлкінсімөн ҳаракатланади.
	Үчбурчак шаклида канал ҳосил құлувчи жазлози қовурға (ЖК). Текис қовурғаларда тирқишлиар ҳосил қилиб, қырқылған бўлаклари қарама-қарши томонга буқланган. Бундай каналларда суюқликнинг ҳаракати туфайли ҳосил бўладиган чегаравий қатлам бузилади ва иссиқлик бериш жараёни интенсивлашади.

Иссиқлик алмашиниш юзасига механик таъсир усууллари, ҳамда электр, ультратовуш ва магнит майдонларининг таъсири, шу кунгача ҳали етарли ўрганилмаган.

Иссиқлик алмашиниш жараёнини интенсивлаш натижасида иссиқлик ўтказиш коэффициентининг ортиши иссиқлик алмашиниш юзалари тоза бўлганда, иситувчи буғ ва иситилаётган суюқликлар ва девор ўртасидаги иссиқлик бериш коэффициенти билан белгиланади. Кўпинчча ишлатиладиган

иссиқлик әлткічларнинг физик - кимёвий хоссалари, босими, температураси ва иссиқлик бериш коэффициентлари бир биридан кескин равища фарқ қылади. Масалан, бұғдан деворга иссиқлик бериш коэффициентининг қыймати  $\alpha = 4000\ldots15000 \text{ Вт}/(\text{м}^2\cdot\text{К})$ , қовушоқ суюқликлар учун эса -  $\alpha \leq 200 \text{ Вт}/(\text{м}^2\cdot\text{К})$ .

Күрениб турибиди, жараённи интенсивлаш  $\alpha$  коэффициенти кичик бўлган иссиқлик әлткіч томонидан қилиш зарур, яъни қовушоқ суюқлик томонидан ўтказилиши даркор. Агар, иссиқлик бериш коэффициенти иккала мухит учун таҳминан бир хил қыйматга эга бўлса, интенсивлаш иккала тарафдан ўтказилиши мумкин. Лекин, курилмани эксплуатациян ва техник имкониятлари инобатга олинниши зарур.

Одатда иссиқлик бериш жараёнини интенсивлаш, гидравлик қаршиликларни енгиш учун сарфланадиган, ўсиб борувчи энергия билан боғлиқдир. Шунинг учун, иссиқлик бериш жараёнини интенсивлашни характерловчи энг асосий кўрсаткичлардан бири - бу курилманинг энергетик самарадорлигидир. Гидравлик қаршилик ўсиши билан иссиқлик беришнинг ортиши бир хил даражада бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Иссиқлик алмашиниш жараёнини интенсивлашнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

- девор яқинидаги чегаравий қатлам оқимини интенсивловчи ғадир - будур ва мураккаб шаклдаги юзалар барпо этиш;

труба ичига оқимни турбулизация қилувчи шнек ва мосламалар ўрнатиш;

иссиқлик әлткіч оқимига электр, магнит ва ультратовуш майдонлари ни таъсир эттириш;

девор яқинидаги чегаравий қатламни ҳаракатдаги оқим тезлигининг тебраниши ёки уормали ҳаракатини ташкил этиш ва уни бурама, спиралсимон траектория бўйича йўналтириш;

қиррали конструкция ясаш йўли билан иссиқлик алмашиниш юзасини ошириш;

иссиқлик алмашиниш юзасини айлантириш ва тебранма ҳаракатлантириш каби механика таъсир эттириш;

қўзғалмас ёки мавхум қайнаш қатламларида донадор насадкаларни қўллаш;

иссиқлик әлткіч таркибиغا қаттиқ заррача ёки газ пуфакчаларини қўшиш.

Аниқ шароит учун интенсивлашнинг у ёки бу усулларини қўллашнинг имконияти ва мақсадга мувофиқлиги унинг техник имконияти ва самарадорлиги билан белгиланади. Трубалар ичиде иссиқлик беришни интенсивлаш учун қўлланиладиган айрим мосламалар схемаси 4-8 жадвалда келтирган.

#### 4.14. Умумий түшүнчалар

Қаттиқ, учувчан бўлмаган ёки учувчанлиги ёмон бўлган моддалар эритмаларини қайнатиш даврида эритувчисини ва ҳосил бўлган буғларни чиқариб юбориш жараёнига **буғлатиш** дейилади.

Одатда, яноат миқёсида буғлатиш жараёни эритмаларни қайнатиш йўли амалга оширилади.

Эритмаларни буғлатишдан мақсад уларнинг концентрациясини орттириш бўлиб, яъни эритмаларни қуюқлаштиришdir. Агарда, қуюқлаштирилган эритмалардан яна эритувчи чиқарилса, қаттиқ моддалар кристаллана боштайди ва кристаллар ажralиб чиқади.

Суюлтирилган эритмалар концентрациясини ошириш ёки улардан эриган моддаларни кристаллаш усулида ажратиб олиш учун буғлатиш жараёни кўлланилади.

Кимё, озиқ овқат ва бошқа саноатларда буғлатиш жараёнидан кенг кўламда фойдаланилади. Масалан, туз, ишқор каби моддаларнинг сувли эритмаларини, минерал ва органик кислоталар, кўп атомли спиртлар, шакар ва консерва маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологиясида томат, сут ва шарбатларни концентрлашда бу жараёnsиз технологияни тасаввур қилиб бўлмайди. Шу билан бирга, ушбу жараёни тоза эритувчи ишлаб чиқариш учун ҳам кўлласа бўлади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, агар **буғланиш** жараёни қайнаш температурасидан паст, исталган температурада эритма юзасида содир бўлса, **буғлатиш** эса қайнаш температурасидан юқори температурада, эритманинг бутун ҳажмида юз беради.

Ушбу жараёnlар буғлатиш қурилмаси деб номланадиган қурилмаларда амалга оширилади. Маътумки, узлуксиз ва узлукли буғлатиш жараёnlарини ташкил этиш мумкин. Узлукли ишлайдиган қурилмалар, одатда кам миқдорда маҳсулот ишлаб чиқарадиган технологияларда қўлланилади.

Йирик саноат корхоналарида узлуксиз ишлайдиган буғлатиш қурилмаларидан фойдаланилади ва уларнинг иссиқлик алмашиниши юзлари  $600\dots1000\text{ m}^2$  бўлади. Бундай қурилмаларнинг тежамлилигини аниқловчи асосий омил бўлиб, ундаги буғ ва сув сарфи ҳисобланади.

Буғлатиш вакуум, атмосфера ва юқори босим остида олиб борилиши мумкин.

**Вакуум остида буғлатиш** пайтида иккиласи буғни маҳсус конденсаторда конденсациялаш йўли билан қурилмада вакуум ҳосил қилинади ва насос ёрдамида конденсацияланмаган газлар сўриб олинади. Бу усулда жараён олиб борилса, эритманинг қайнаш температурасини пасайтиришга эришса бўлади. Натижада юқори температурага ўта таъсирчан маҳсулотлар сифатини сақлаб қолиш имконияти туғилади. Ундан ташқари, вакуумни жараёnda қўллаш, ҳаракатга келтирувчи куч миқдорини оширади ва буғлатиш қурилмасининг иссиқлик алмашиниши юзасини, ҳамда металл сарфини камайтириш имконини беради.

Вакуум остида буғлатишнинг яна бир афзаллиги шундаки, паст температура ва босимли иссиқлик элтқичлардан фойдаланиш мумкин. Бу усулда буғлатишганда, ҳосил бўлган иккиласи буғни, кейинги корпусда бирламчи буғ сифатида қўллаш мумкин.

Албатта, бу усулнинг камчиликлари ҳам бор: жараёнда вакуумни қўллаш унинг нархини оширади; буғлаткичдан ташқари бир неча кўшимча қурилма ва мосламалар ишлатиш керак.

**Атмосфера босимида буғлатиши** жараёнида ҳосил бўлган иккиламчи бугатроф муҳитга чиқариб юборилади. Бундай усул энг содда деб ҳисобланса ҳам, лекин у иқтисодий жиҳатдан энг тежамсизdir.

**Юқори босим остида буғлатиши** жараёнида ҳосил бўлган иккиламчи бугайтадан буғлатиши жараёнида, ҳамда бошқа мақсадлар учун ҳам ишлатиш мумкин. Бу усулда жараён юқори босимда олиб борилгани учун, эритмаларнинг қайнаш температураси анча кўтарилади.

Бошқа мақсадлар учун ишлатиладиган иккиламчи буг - **экстра буг** деб номланади. Юқори босим остида буғлатиши жараёнида ажралиб чиқсан иккиламчи бугни қайтадан кўллаш, вакуум остида буғлатишига нисбатан, иссиқликдан тўла миқдорда фойдаланиш имконини беради. Шунинг учун, ушбу усул фақат иссиқликка бардош эритмаларни буғлатиши учун кўлланилади. Ундан ташқари, юқори босим остида буғлатиши жараёни учун юқори температурали иссиқлик элткичларни ишлатиш керак. Бу ҳол албатта унинг энг асосий камчилигидир.

Атмосфера босими, айрим ҳолларда вакуум остида жараён олиб борилганда, бир корпусли буғлаткичлардан фойдаланилади. Лекин, саноат миқёсида кўпинча бир неча қурилмадан йигилган кўп корпусли буғлатиши қурилмаларида жараённи олиб бориш кенг тарқалган. Бундай қурилмаларда фақат биринчи корпусда бирламчи буг ишлатилади. Иккинчи, учинчи ва кейинги корпусларда эса, олдинги корпусда ажралиб чиқсан иккиламчи буг кўлланилса, элткич тежалишига сабабли бўлади ва буг сарфининг камайишига олиб келади.

Бир корпусли буғлатиши қурилмаларида ҳам, бирламчи буг сарфини камайтириш мумкин. Бунинг учун, қурилмадан чиқаётган иккиламчи буг иссиқлик насоси ёрдамида бирламчи буг температурасига тўри келадиган босимгача сиқилади ва қайтадан эритмани буғлатиши учун қурилмага йўналтирилади.

#### 4.15. Буғлатишнинг назарий асослари

Буғлатиши жараёнида эритмаларнинг концентрацияси ортади ва натижада унинг физик ва иссиқлик хоссалари ўзгаради.

Буғлатиши қурилмаларини ҳисоблаш, лойиҳалаш ва эксплуатация қилиш учун муҳим бўлган эритмаларнинг баъзи бир хоссаларини кўриб чиқамиз.

**Температура депрессияси -  $\Delta'$**  Эритма  $T_3$  ва эритувчилар  $T$  қайнаш температурандаги ўртасидаги фарқдир, яъни  $\Delta' = T_3 - T$  температура депрессияси деб номланади. Эритмалар назариясидан маълумки, бир хил  $T$  температурада тоза эритувчи устидаги буғларининг босими  $p$ , эритма устидаги буғларнинг босими  $p_3$  дан ҳар доим кўп бўлади. Ёки бир хил босимда тоза эритувчининг қайнаш температураси эритманинг қайнаш температурасидан паст бўлади.

Эритмаларнинг температура депрессияси эритувчи ва эриган моддалар хоссаларига боғлиқдир. Босим ва концентрация ортиши билан температура депрессияси ошади. Кўпинча ушбу кўрсаткич тажрибавий йўл билан аниқланади.

Маълумки, буғлаткичларда иссиқлик йўқотилиши оқибатида температуранинг пасайиш ҳодисаси юз беради. Натижада температурулар фарқи камайди ва жараён интенсивлиги сусаяди. Температурулар йўқотилиши  $\Delta$ , температура депрессияси  $\Delta'$ , гидростатик  $\Delta''$  ва гидравлик депрессия  $\Delta'''$  лар йиғиндисига teng, яъни:

$$\Delta = \Delta' + \Delta'' + \Delta''' \quad (4.164)$$

Агар, эритманинг атмосфера босимдаги температура депрессияси  $\Delta'_{\text{атм}}$  таълум бўлса, исталган бошқа босимлардаги депрессия Тишенконинг аҳминий формуласидан ҳисоблаб аниқлаш мумкин:

$$\Delta' = 1,62 \cdot 10^{-2} \frac{T^2}{r} \Delta'_{\text{атм}} \quad (4.165)$$

у ерда  $T$  - маълум босимдаги тоза эритувчининг қайнаш температураси, К;  $r$  - маълум осимдаги тоза эритувчининг буғлатиш иссиқлиги, кЖ/кг;  $\Delta'_{\text{атм}}$  - атмосфера босимида-и температура депрессияси,  $^{\circ}\text{C}$ .

Агар,  $\Delta'_{\text{атм}}$  катталиги бўйича тажрибавий маълумотлар йўқ бўлса, уни ир нечта усул билан таҳминан ҳисоблаб топиш мумкин. Бирор босимда эрит-анинг битта қайнаш температураси маълум бўлса - Бабо, иккита температу-заси маълум бўлганда эса Дюринг ёки Киреев қоидасига биноан аниқлаш мони бор.

Бабо қоидасига биноан, бирор концентрацияли эритма устидаги буғ бо-тимининг пасайиши  $(p_1 - p_2)/p_1$  ёки  $p_2/p_1$  температурага боғлиқ эмас ва ягармас қийматга тенгдир:

$$\frac{p_2}{p_1} = K = \text{const} \quad (4.166)$$

ерда  $p_1$  ва  $p_2$  - эритувчи ва эритма буғларининг босимлари.

**Гидростатик депрессия -  $\Delta''$ .** Буғлаткич қайнаш трубаларининг бир қисми юқлик билан тўлиб турган бўлади ва унинг устида буғ - суюқликдан иборат тульсия қатламида юқорига қараб кўтарилган сари буғнинг миқдори ошиб ўради.

Агар, қайнаш трубасидаги суюқлик ва эмульсияни шартли равища юқлик деб номласак, унда гидростатик босимлар фарқи ҳисобига трубанинг ёстки қисмидаги суюқликнинг қайнаш температураси тепа қисминикидан юқори бўлади.

Гидростатик эффект ҳисобига эритма қайнаш температурасининг орти-и гидростатик депрессия деб аталади.

Буғлатиш жараёни вакуум остида олиб борилганда, гидростатик депрес-я салмоқли бўлади.

Тўйинган сув буғи  $t_c$  ва иккиласи чи буғ температура  $T$  лари орасидаги фарқ гидростатик депрессияни беради:

$$\Delta'' = t_c - T'' \quad (4.167)$$

Ушбу тенглик эритма ҳаракатини инобатга олмагани учун унинг хатоли-катта. Шунинг учун  $\Delta''$  нинг қийматлари тажрибавий усулда топилади.

Вертикал буғлаткичда интенсив ҳаракатланётган эритмалар учун  $\Delta''$  ўдори  $1\dots 3^{\circ}\text{C}$  оралиқда қабул қилиниши мумкин.

**Гидравлик депрессия -  $\Delta'''$ .** Ушбу депрессия иккиласи чи буғнинг сепара-ш ва қувурлар орқали ҳаракати даврида ишқаланиш ва маҳаллий қарши-кларни енгиши туфайли вужудга келадиган температура йўқотилишлар.

Ушбу гидравлик қаршиликларни енгиш вақтида босимнинг камайиши, температура пасайишига сабабчи бўлади.

Демак, гидравлик қаршиликлар туфайли эритма қайнаш температураси-нг кўлпайиши гидравлик депрессия деб номланади. Одатда  $\Delta'''$  нинг қиймати ... $1,5^{\circ}\text{C}$  оралиғида бўлади.

Юқорида қайд этилган депрессияларни ҳисобга олсак, эритманинг қайнаш температураси қўйидагича ҳисобланади:

$$t_{\kappa} = T' + \Delta' + \Delta'' \quad (4.168)$$

бу ерда  $T'$ - иккиламчи бүг температураси, К.

**Эритмалар иссиқлик сигими** температура ва эриган моддалар концентрациясининг функциясидир.

Кўпчилик эритмалар иссиқлик сигими аддитивлик қоидасига бўйсинганди. Шунинг учун эритманинг ушбу хоссасини эриган модда ва эритувчилар иссиқлик сигимлари ёрдамида аниқлаб бўлмайди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, эритма концентрацияси қанчалик катта бўлса, унинг иссиқлик сигими шунчалик аддитивлик қоидасига кам бўйсинади. Эритманинг ушбу хоссаси маҳсус адабиётларда келтирилган.

**Эритиши иссиқлиги** эритманинг концентрацияси, эритувчи ва эриган моддалар хоссаларига боғлиқ. Кўшимча қаттиқ моддалар эриши даврида кристаллик панжара бузилади. Албатта, бунинг учун энергия сарфланади ва оқибатда эритманинг совиши рўй беради. Агар, эритувчи ва эрийдиган моддалар ўзаро кимёвий реакцияга киришса, гидратлар ҳосил бўлиб, жараён натижасида иссиқлик ажраб чиқади. Шундай қилиб, эритиши иссиқлиги эриш ва кимёвий ўзаро таъсир иссиқликлари йигиндисига тенг.

Осон гидрат ҳосил қиласидан моддалар мусбат эритиши иссиқлигига (сувда), эга; гидрат ҳосил қиласидан моддалар манфий эритиши иссиқлигига эга.

#### 4.16. Буғлатиш усуллари

Саноатда мавжуд технологияларда асосан қўйидаги буғлатиш усулларидан фойдаланилади:


- оддий буғлатиш (узлукли ва узлуксиз);
- кўп корпусли қурилмаларда буғлатиш (фақат узлуксиз);
- иссиқлик насосларини қўллаб буғлатиш.

Эритмалар ва иситувчи бүг хоссаларига қараб ҳамма 3 та буғлатиш усуллари вакуум ва босим остида ўтказилиши мумкин. Иссиқлик элткич сифатида, деярли ҳар доим, тўйинган сув буғи ишлатилади. Камдан - кам ҳолларда эритмалар электр токи ёки оралиқ иссиқлик элткичлари ёрдамида иситилади.

**Оддий буғлатиш.** Иссиқлик тежалиши катта аҳамиятга эга бўлмаган ва унумдорлиги кичик бўлган қурилмаларда оддий буғлатишдан фойдаланилади. Ундан ташқари, температура депрессияси юқори эритмаларнигина узлукли ишлайдиган, бир корпусли буғлатиш қурилмасида амалга ошириш иқтисодий жиҳатдан тўғри ва мақсадга мувофиқдир. Узлукли буғлатишни икки хил йўл билан олиб бориш мумкин: бошланғич эритмани даставвал юклаш ва оз-оз миқдорда юклashi.

Узлуксиз ишлайдиган оддий буғлатиш қурилмаси 4.47-расмда келтирилган.

Бошланғич концентрацияли эритма насос 1 ёрдамида сарф ўлчагич 2 орқали иситкич 3 га узатилади. У ерда эритма қайнаш температурасигача иситилади ва сўнг буғлаткич 4 га буғлатиш учун юборилади. Курилма 4 нинг пастки қисмида эритма сув буғи ёрдамида иситилади, натижада эритувчи буғланади. Ҳосил бўлган иккиламчи бүг қурилма 4 нинг юқори қисми бўлмиш сепарацион бўлимида майда томчилардан ажратилади ва барометрик конденсатор 5 га йўналтирилади. Ундан иккиламчи бүг конденсацияланади.




#### **4.47-расм. Бир корпусли, узлуксиз ишлайдиган буғлатиши кирилмасининг схемаси.**

1, 8 - насослар; 2 - сарф ўлчагич; 3 - иситкич;  
4 - буғлаткич; 5 - барометрик конденсатор;  
6 - үшінші; 7 - барометрик труба

Конденсацияланмаган инерт газлар ушлагич 6 орқали вакуум насос 8 ёрдамида сўриб олинади. Советувчи сув билан ҳосил бўлган конденсат барометрик труба 7 орқали йиғгичга тушуриласди. Куюқлаштирилган эритма насос 8 ёрдамида тайёр маҳсулот омборига узатиласди.

Вакуум остида эритмаларни буллатиш жараёнини ташкил этишнинг бир қатор афзаликлиари бор: эритма қайнаш температураси пасаяди; паст босимли бүгеларни иссиклик элткич сифатида кўллаш мумкин.

Марказий циркуляция трубали, узлуксиз ишлайдиган буглаткич 4.48-расмда күрсатылған.



**4.48-расм. Марказий циркуляция трубали бүглаткич.**

1 - иситувчи камера; 2 - сепаратор; 3 - иситувчи трубалар;  
4-циркуляция трубаси.

Бүглаткич асосан иккى  
қисмдан, яъни иситувчи камера 1  
ва сепаратор 2 дан иборат бўлади.

Камера 1 күпинча түйинган сув буғи билан иситилади. Сув буғи камеранинг трубалараро бўшлигига йўналтирилади, у ерда труба девори орқали ўз иссиқлигини эритмага узатади ва совитиш натижасида конденсацияланади. Ҳосил бўлган конденсат камеранинг пастки қисмидаги штуцер орқали ташқарига чиқарилади.

Трубаларда иситилаётган эритмапинг температураси ортиши билан зичлиги камаяди. Натижада, эритма труба бўйлаб юқорига кўтарилади ва девор орқали ўтаётган иссиқлик таъсирида қайнаш бошланади. Қайнаш жараёнида ҳосил бўлаётган иккиламчи буф эритмадан ажрайди ва

сепаратор 2 га қараб ҳаракатланади. У ерда бүг майды эритма томчиларидан ажратилади ва бүг ташқарига чиқарилади. Сепараторда ажратилган томчилар яна қайтадан буғланаётган эритмага күшилади.

Эритманинг маълум қисми (зичлиги юқори) циркуляция трубаси орқали буғлатишнинг пастки қисмига тушади. Ушбу трубадаги эритма ва иситувчи трубалардаги «бүг - суюқлик» аралашмаси зичликлари ўртасидаги фарқ тасирида бетўхтов равища циркуляция қилиб туради. Концентрацияси ошган, яъни қулоқлашган эритма, курилманинг пастки қисмидан чиқарип олинади.

#### 4.16.1. Оддий буғлатишнинг моддий баланси

Оддий буғлатиш жараёнининг моддий баланси ушбу тенгламалар ёрдамида ифодаланади:

$$G_{\delta} = G_{ox} + W \quad (4.169)$$

бу ерда  $G_{\delta}$  – бошлангич эритма сарфи, кг/соат;  $G_{ox}$  – қулоқлаштирилган эритма сарфи, кг/соат;  $W$  – буғлатилган сув миқдори, кг/соат.

Эритмадаги қуруқ моддага нисбатан моддий баланс ушбу кўринишга эга:

$$\frac{G_{\delta} \cdot x_{\delta}}{100} = \frac{G_{ox} \cdot x_{ox}}{100} \quad (4.170)$$

бу ерда  $x_{\delta}$  ва  $x_{ox}$  – эритманинг бошлангич ва охирги концентрациялари, % (масс).

(4.169) ва (4.170) тенгламалардан фойдаланиб буғлатилган сув миқдорини топиш мумкин:

$$W = G_{\delta} \left( 1 - \frac{x_{\delta}}{x_{ox}} \right) \quad (4.171)$$

Эритманинг охирги концентрацияси эса:

$$x_{ox} = G_{\delta} \frac{x_{\delta}}{G_{\delta} - W} \quad (4.172)$$

Қулоқлаштирилган эритма бўйича буғлаткичнинг иш унумдорлиги куидаги тенгламадан топилади:


$$G_{ox} = \frac{G_{\delta} \cdot x_{\delta}}{x_{ox}} \quad (4.173)$$

#### 4.16.2. Оддий буғлатишнинг иссиқлик баланси

Оддий буғлатиш жараёнининг иссиқлик баланси 4.49-расмда келтирилган иссиқлик оқимлари асосида битта тенглик ёрдамида ёзилиши мумкин:

$$G_{\delta} c_{\delta} t_{\delta} + DI = G_{ox} c_{ox} t_{ox} + G_{ox} 0,01 x_{ox} \Delta q + W I_{u\delta} + D \cdot I_k + Q_{uyk} \quad (4.174)$$

бу ерда  $D$  – иситувчи бүг сарфи, кг/соат;  $I$  – иситувчи бүг энталпияси, кЖ/кг;  $t_{\delta}$  ва  $t_{ox}$  – эритманинг бошлангич ва охирги температуралари, °C;  $I_k$  – конденсат энталпияси, кЖ/кг;  $\Delta q$  – эритмани  $x_{\delta}$  ва  $x_{ox}$  гача қулоқлаштириш иссиқлиги, кЖ/кг;  $Q_{uyk}$  – иссиқликнинг атроф муҳитга йўқотилиши, кЖ/соат.



4.49-расм. Оддий буғлатиш жараёнидаги иссиқлик оқимлар схемаси

$G_{\delta} c_{\delta} t_{\delta}$	бошланғич эритма билан иссиқлик кириши;
$DI$	иситувчи буғ билан иссиқлик кириши;
$G_{ox} c_{ox} t_{ox}$	куюқлашган эритма билан иссиқлик чиқиши;
$WI_{ub}$	иккиламчи буғ билан иссиқликнинг чиқиши;
$DI_k$	иситувчи буғ конденсати билан иссиқликнинг чиқиши;
$G_{ox} 0,01 x_{ox} \Delta q$	- куюқлаштириш иссиқлиги;
$Q_{\eta K}$	- атроф мұхитта иссиқлик йүқотилиши.

Агар. (4.169) тенгламаны (4.174) га қўйсак, ушбу кўринишга эришамиз

$$G_{\delta} c_{\delta} t_{\delta} + W c_{\delta} t_{\delta} + DI = G_{ox} c_{ox} t_{ox} + G_{ox} 0,01 x_{ox} \Delta q + W \cdot I_{ub} + D \cdot I_k + Q_{\eta K} \quad (4.175)$$

бундан

$$D = G_{ox} \frac{c_{ox} t_{ox} - c_{\delta} t_{\delta} + 0,01 x_{ox} \Delta q}{I - I_{ox}} + W \frac{I_{ub} - c_{\delta} t_{\delta}}{I - I_{ox}} + \frac{Q_{\eta K}}{I - I_{ox}} \quad (4.176)$$

(4.176) тенгламадан кўриниб турибдики, буғлатиш учун зарур бўлган иситувчи буғ сарфи, учта қўшилувчи ёрдамида аниқланади:

биринчиси, буғлатилаётган эритма зентальпиясини ўзgartириш учун зарур буғ сарфи;

- иккинчиси, иккиламчи буғ ҳосил қилиш учун зарур буғ сарфи;

- учинчиси, атроф мұхитта йуқотилинаётган иссиқликни қоплаш учун зарур буғ сарфи.

Биринчи ва учинчи қўшилувчилар қиймати, иккинчисига қараганда, жуда кичикдир. Шунинг учун, таҳминий ҳисоблашларда  $H_{ub} - c_{\delta} t_{\delta} \approx I - I_k$  эканлигини инобатга олиб, эритмадан 1 кг сувни буғлатиш учун 1,1...1,2 кг иситувчи буғ керак деб қабул қилинади.

#### 4.16.3. Иситиш юзаси

Зарур иссиқлик алмашиниши юзаси иссиқлик ўтказишнинг асосий тенгламасидан аниқланади, яъни  $Q = K F M$  дан.

Унда, узлуксиз ишлайдиган буғлаткичининг иситиш юзаси қуйидаги ифодадан топилади:

$$F = \frac{Q}{K \cdot \Delta t}$$

бу ерда  $t$  температураларнинг фойдали фарқи, иситувчи тўйинган сув буги ва қайнаётган эритма температуралари фарқига тенг.

Температураларнинг фойдали фарқи температуралар умумий фарқи ва температура депрессиялари орқали аниқланади.

Иситувчи ва иккиламчи буг температуралари орасидаги фарқга температураларнинг умумий фарқи дейилади ва ушбу кўринишда ёзилади:

$$\Delta t_{yu} = t_{ub} - t_{kon} \quad (4.177)$$

бу ерда  $t_{ub}$  - иситувчи буг температураси, °C;  $t_k$  - конденсаторга киришдаги иккиламчи буг температураси, °C.

Температураларнинг фойдали фарқи  $t_{yu}$  дан температуралар йўқотилиш йигиндиси  $\Sigma\Delta$  га қараганда камроқ бўлади, яъни

$$\Delta t = \Delta t_{yu} - \Sigma\Delta \quad (4.178)$$

бу ерда

$$\Sigma\Delta = \Delta' + \Delta'' + \Delta'''$$

**Кўп корпусли қурилмаларда буғлатиш.** Бу турдаги қурилмаларда иситувчи буг сифатида иккиламчи буг ишлатилади. Натижада жуда катта миқдорда исикътиқ тежалади. Эритмадан 1 кг сувни буғлатиш учун иситувчи, тўйинган сув буғининг солиширига сарғ‘и қўйидагича:

- бир корпусли қурилма учун 1,1...1,2 кг;
- икки корпусли қурилма учун 0,55 кг;
- уч корпусли қурилма учун 0,40 кг;
- тўрт корпусли қурилма учун 0,30 кг.


Кўи корпусли қурилмаларда буғлатиш жараёнини юқори босимли иситувчи буг ёки вакуум ёрдамида амалга ошириш мумкин.

Буғлатиш корпусларидағи босим шундай бўлиши керакки, унга узатилаётган буг температураси, шу корпудаги эритманинг қайнаш температурасидан юқори бўлиши таъминланиши керак. Охирги корпудаги иситувчи буғнинг босими техник – иқтисодий ҳисоблар асосида аниқланади.

Иситувчи буг ва эритманинг ҳаракат йўналишига қараб параллел (бир хил), қарама қарши ва комбинацияланган йўлли кўп корпусли буғлатиш қурилмаларига бўлинади. 4.50а-расмда уч корпусли параллел йўналишили буғлатиш қурилмаси келтирилган.

Бошлиғич эритма корпус 1 га юборилади, сўнг корпус 2 ва 3 га узатилади ва керакли концентрациягача қуюқлаштирилгандан сўнг корпус 3 нинг пастки қисмида чиқарилади. Корпус 1 дан корпус 3 га қараб босим пасайиб боради. Шунинг учун, эритма босимлар фарқи остида корпудан корпусга ўтиб боради. Иситувчи буг эритма каби уша йўналишда бир корпудан кейингисига ҳаракат қиласди. Яъни, корпус 1 да ҳосил бўлган иккиламчи буг 2-корпусга иситувчи буг бўлиб, 2-корпусда ҳосил бўлган иккиламчи буг эса, 3-корпусга иситувчи буг бўлиб, 3-корпусда ҳосил бўлган иккиламчи буг конденсацияланиш учун барометрик конденсатор 4 га юборилади.

4.50б-расмда уч корпусли қарама қарши йұналишли буғлатиш қурилмаси тасвирланған. Янги иситувчи буғ 1-корпусдан 3-га қараб ҳаракат қылади. Бошланғич эритма эса, аввал 3-корпусга юкланды, сүнг эса 3-корпусдан 1-корпус томон қараб узатыла-ди. Қуюқлаштириб бўлингган эритма 1-корпуснинг пастки қисмидан чиқариб олинади. Ҳар бир кейинги корпусдаги босим аввалиги корпуснидан кам бўлгани учун, эритмани узатиш учун насос 5, 6, 7 лар хизмат қылади.



**4.50-расм. Буғлатиш қурилмаларининг принципиал схемалари.**

а - бир хил (параллел) йұналишли; б - қарама-қарши йұналишли; 1-3 – корпуслар; 4- барометрик кондесатор; 5-7 – насослар.

Комбинациялашган буғлатиш қурилмаларыда эритмани киритиш ва чиқариш вариантлари турлича бўлиши мумкин.


Парааллел йұналишли буғлатиш қурилмасининг афзалликлари: эритмани корпусдан корпусга узатиш учун насос керак эмас.

Ҳар бир кейинги корпусда, юқори концентрацияли эритма, нисбатан пастроқ босимда буғлатилади.

Шу охирги корпусдаги иссиқлик ўтказиш коэффициенти биринчисига қараганда анча кичик бўлади.

Қарама қарши йұналишли буғлатиш қурилмасининг афзалликлари: жуда юқори концентрацияларгача қуюқлаштириш мумкин; бир йұналишли қурилмаларга нисбатан кичик иситиш юзаси талаб этилади. Камчилиги: эритмани корпусдан корпусга узатиш учун насослар зарур.

4.51-расмда буғлатиш қурилмалари сонининг ортиши билан турли сарфлар ўзгариши кўрсатилган.



**4.51-расм. Буғлатишиң оптималь сонини аниқлашып көрсеткіштің көзбеті**

- 1 - уменный сарфлар;
- 2 - энергетик (иситувчи буға бұлған) сарфлар;
- 3 - капитал ва амортизация сарфлари; 4 - эксплуатация сарфлари.

Курилмаларнинг оптималь сонини техник-иктисодий ҳисоблашшар йүли билан аниқлаш мақсадға мувофиқдир.

Графикдаги эгри чизик 1 нинг минимумига түғри келадиган минимал уменный сарфлар, күп корпусдаги буғлатиши курилмасининг оптималь сонини күрсатади. Саноат миқесінде күп корпуслы буғлатиши курилмаларнинг оптималь сони 3 – 4 та бўлади.


**Иссиклик насосини қўллаб буғлатиши.** Ушбу усул, шу курилмада олинган иккиламчи буғни қайтадан ўша буғлаткичда қўллашга асосланган. Бунинг учун иккиламчи буғ температураси иситувчи буғ температурасигача кўтарип зарур. Иккиламчи буғ температурасини ошириш учун у компрессор ёки инжекторли иссиқлик насосда сиқилади. Одатда, компрессор сифатида турбокомпрессор қўлланилади (4.52-расм).

Буғлаткичдан чиқаётган босими  $p_{ub}$  ва энталпияси  $i$  иккиламчи буғ турбокомпрессор ёрдамида сўриб олинади ва у ерда  $p$  босимгача сиқилади. Сиқиши натижасида буғнинг энталпияси  $i$  гача ўсади. Шундай қилиб, сиқилиш натижасида буғ  $\Delta i = i_c - i$  миқдорда иссиқлик олади. Турбокомпрессордан чиқаётган сиқилган буғ буғлатиши курилмасининг иситиш камерасига йўналтирилади.

Жараённинг иссиқлик баланси:

Юқорида қайд этилгандан маълумки, курилмалар сони ўсиши билан эритма таркибидағи 1 кг сувни буғлатиши учун иситувчи буғ сарфи кескин камайиб боради. Лекин, курилмалар сони ортиши билан температура йўқотилишлар кўпаяди. Иссиқлик алмашиниш жараёни самарали ўтиши учун температураларнинг фойдали фарқи маълум қийматта эга бўлиши керак. Табиий циркуляцияли курилмалар учун ушбу фарқ  $5...7^{\circ}\text{C}$  ва мажбурий циркуляцияли учун эса  $3^{\circ}\text{C}$  дан кам бўлмаслиги зарур.

Буғлатиши курилмаларининг сони кўп бўлса, бунда температуралар йўқотилишининг йиғиндиси, температураларнинг умумий фарқига тенг ёки ундан ортиб кетиши мумкин. У ҳолда эритмаларни буғлатиши қийинлашади ва жараённи ўтказиш имкони бўлмай қолади.



**4.52-расм. Турбокомпрессорли буғлатиши курилмаси.**

- 1 - буғлатгич;
- 2 - турбокомпрессор.

$$G_b c_b t_b + D \cdot i'' + W \cdot i_c = G_{ox} \cdot c_{ox} \cdot t_{ox} + W \cdot i + (D + W) \cdot i' + Q_{uyk} \quad (4.179)$$

бундан иситувчи бүг сарфи:

$$D = G_{ox} \frac{c_{ox} t_{ox} - c_b t_b}{i'' - i'} + W \frac{i - c_b t_b - i_c}{i'' - i'} + \frac{Q_{uyk}}{i'' - i'} \quad (4.180)$$

бу ерда  $i_c$  иккиламчи бүгнинг турбокомпрессорда сиқилгандан кейинги солиштирма энталпияси, кЖ/кг.


(4.176) ва (4.180) тенгламаларни таққослашдан кўриниб турибдики, иккиламчи буғлар энталпиясини ошириш ҳисобига иситувчи бүг сарфи  $i_c$  қийматга камроқ сарфланади:

$$D = W \frac{i - c_b t_b - i_c}{i'' - i'} \quad (4.181)$$

Турбокомпрессорда сарфланаётган қувват миқдори ушбу тенгламадан топилади:

$$N = \frac{W(i_c - i)}{3600 \eta_{ad} \cdot \eta_{mex}} \quad (4.182)$$

бу ерда  $\eta_{ad}$  - турбокомпрессорнинг адиабатик ф.и.к.,  $\eta_{mex}$  - электр юриткич ва юритмаларнинг механик ф.и.к.



4.53-расм. Инжектор иссиқлик насосли буглаткин курилмаси.  
1- буглаткич;  
2- иссиқлик насоси.

бу тенглик билан ифодаланади:

$$D \cdot (1+m) \cdot i_c + G_b c_b t_b = G_{ox} c_{ox} t_{ox} + W \cdot i + D \cdot (1+m) \cdot i' + Q_{uyk} \quad (4.183)$$

бундан бүг сарфи:

$$D = G_{ox} \frac{c_{ox} t_{ox} - c_b t_b}{(1+m) \cdot (i_c - i')} + W \frac{i - c_b t_b}{(1+m) \cdot (i_c - i')} + \frac{Q_{uyk}}{(1+m) \cdot (i_c - i')} \quad (4.184)$$

бу ерда  $m = 0,5 \dots 1,0$  - инжекция коэффициенти.

(4.184) тенгламанинг таҳлили шуни кўрсатадики, иссиқлик насос ёрдамида буғлатиш жараёнида, иситувчи буғ сарфи оддий буғлатишга қараганда ( $1+m$ ) марта кам бўлади.

Инъекторли буғлаткичлар температура депрессияси паст ва иккиламчи буғ босими юқори бўлган эритмаларни буғлатиш учун қўлланилади. Агар, иккиламчи буғ босими камайиб кетса, инжекция коэффициенти  $m$  ҳам камаяди. Бундай ҳолларда иситувчи буғ сарфи кўпайиб кетади ва иссиқлик насосли буғлаткичларни ишлатиш мақсадга мувофиқ эмас.

#### 4.17. Буғлаткичлар тузилиши ва ишлаш принциплари

Буғлатиш қурилмаларини классификациялаш усуллари кўп. Лекин, буғлатиш қурилмаларини ишлаш интенсивлигини характерловчи эритма циркуляциясининг тури ва карралиги классификациялашнинг асосий белгилари деб ҳисоблаш мумкин. Кимё ва бошқа саноатларда уч хил буғлатиш қурилмалари кенг тарқалган:

1. Эркин (табиий) циркуляцияли буғлатиш қурилмалари;
2. Мажбурий циркуляцияли буғлатиш қурилмалари;
3. Юпқа қатламли (плёнкали) буғлатиш қурилмалари.

Замонавий буғлатиш қурилмаларининг иситиш юзалари  $10\dots1800\text{ m}^2$ . Буғлаткичлар конструкцияларини танлашда эритмаларнинг физик ва иссиқлик хоссалари, кристалланишга мойилиги, юқори температураларга чидамлилиги, ҳар бир корпусдаги фойдали температуралар фарқи, иссиқлик алмашиниш қурилмасининг юзаси, технологик хусусиятлари ҳисобга олинниши зарур.

Буғлатиш қурилмалари углеродли, легирланган ва икки қатламли пўлатлардан тайёрланади.

Куйида, саноатда энг кенг тарқалган, типик буғлаткичлар конструкциялари келтирилади.

**Ички иситувчи камерали ва марказий циркуляцион трубали буғлаткич.** Вертикал қобиқ 1 нинг пастки қисмида иситиш камераси 2 жойлашган. Ўз навбатида иситиш камераси иккита тешикли панжара ва унга развалъцовка усулида маҳкамланган қайнаш трубалари 3 дан таркиб топган. Иситиш камерасининг ўргасига қайнаш трубаларига қараганда диаметри каттароқ циркуляцион труба 4 ўрнатилган бўлади.

Иситиш камерасининг трубалароро бўшлиғига иссиқлик элткич, яъни сув буғи юборилади.

Эритма эса қурилманинг тешикли труба панжараси устига узатилади ва циркуляцион труба орқали пастга оқиб тушади. Сўнгра, иситиш натижасида зичлиги камайиб, қайнаш трубалари бўйлаб теплага кўтарилади ва труба ичидан маълум бир масофада қайнайди. Ҳосил бўлган иккиламчи буғ сепарацион бўшлиқ 5 га кўтарилади ва томчи ушлагич 6 да инерцион куч таъсирида майда эритма томчиларидан ажратилади. Ундан кейин, иккиламчи буғ қурилмадан чиқиб кетади.

Қуюқлаштирилган эритма конуссимон тубдаги штуцер орқали оралиқ ёки тайёр маҳсулот сифатида чиқарилади.

Юқорида қайд этилгандек қайнаш ва марказий (циркуляцион) трубада эритманинг циркуляцияси унинг зичликлари фарқи остида рўй беради. Эритма зичлиги фарқининг ҳосил бўлишига сабаб, иситиш камераси юзасининг марказий трубаникidan анча катталигидир.

Маълумки, иситувчи камера трубаларида эритмадан буғ ажralиб чиқиши, марказий трубага қараганда анча интенсив бўлади. Демак, қайнаш трубаларида эритманинг зичлиги, марказий трубаникidan пастроқ бўлади. На-


тижада, зичликлар фарқи таъсири остида эртма эркин циркуляция қиласи да висиқлилар үтказиш жараёни жадаллашади. Ундан ташқари, эртма циркуляцияси труба юзасига сополсимон, говак қатлам (накипь) ўтириб қолишига қаршилик кўрсатади.

Бу турдаги қурилмалар вакуум остида ишлаганды, қайнаш температураси пасаяди. Демак, паст босимли иссиқлилар әлткичлардан фойдаланиш мумкин. Ушбу усулда юқори температура ларга бардош беролмайдиган эртмаларни буғлатиш тавсия этилади.

Буғлатиш жараёнида вақт ўтиши билан эртманинг физик ва иссиқлики диффузион хоссалари ўзгаради. Бу ҳол иссиқлилар бериш жараёнига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

**Курилманинг камчиликлари:** трубалар тешекли панжараларга қаттиқ, кўзгалмас қилиб маҳкамланганлиги учун қобиқ ва трубаларнинг температура таъсирида узайишига йўл қўймайди; марказий труба иситиш камерасининг ичидаги ўрнатилгани учун температура фарқи кам бўлади, натижада зичликлар фарқи ҳам оз бўлади, яъни циркуляция карралиги камаяди.

**Осма иситувчи камерали буғлаткич.** Ушбу турдаги қурилмаларда иситувчи камера 1 ўз обечайкасига эга бўлиб, қобиқ 2 нинг пастки қисмига эркин, кўзгалувчан қилиб ўрнатилган. Иситувчи буғ труба 3 орқали узатилади ва камера 1 нинг трубалараро бўшлиғига юборилади. Иссиқлигини берган буғ конденсат ҳолида ҳамда иситувчи камеранинг пастки қисмидан чиқарилади. Исиған эртма эса, қайнаш трубаларидан юқорига кўтарилади ва эркин циркуляция таъсирида буғлатиш жараёни содир бўлади (4.55-расм).



**4.54-расм. Ички иситувчи камера ва марказий циркуляцион трубали буғлатиш қурилмаси.**

- 1 - қобиқ;
- 2 - иситувчи камера;
- 3 - қайнаш трубалари;
- 4 - циркуляцион труба;
- 5 - сепарацион бўшлиқ;
- 6 - томчи ушлагич.

**4.55-расм. Осма иситувчи камерали буғлатиш қурилмаси.**

- 1 - иситувчи камера;
- 2 - қобиқ;
- 3 - буғ трубаси;
- 4 - томчи ушлагич;
- 5 - тўкиш трубаси;
- 6 - ювиш учун тешекли труба.

Иккиламчи буғ томчи ушлагич 4 дан ўтиб қурилманинг тепасидан чиқиб кетади. Иккиламчи буғдан ажратиб олинган суюқлик труба 5 орқали пастга

окизиб туширилди. Курилма қайнаш трубаларининг ички ва ташқи юзаларида ҳосил бўлувчи ковакли қатлам (накиль) вақти-вақти билан сув билан ювилаб турилди.


Бу курилмада марказий циркуляцион труба иситувчи камера ташқарисида ўрнатилган бўлиб, катта кўндаланг кесимга эга. Шунинг учун ҳам эритма циркуляциясияга ижобий таъсир этади.

Иситувчи камера эркин, ҳаракатчан ҳолда ўрнатилгани учун трубаларнинг тешикли панжаралардаги зичлиги бузилмайди. Ундан ташқари, осма ҳолатдаги камерани демонтаж қилиш осон.

Осма иситувчи камерали буғлаткич афзалликлари: эритмалар буғлатилиши интенсив; иситиш камераси осма ҳолда ўрнатилгани учун, температуралар фарқи катта бўлганда ҳам трубалар зичлиги ўзгармайди; иситувчи камеранинг яроқсиз трубаларини алмаштириш осон; эритма циркуляциясининг карралиги катта; қаттиқ, ковакли қатлам кам ҳосил бўлади.

Буғлаткич камчиликлари: иситувчи элткич ва конденсатнинг трубалар орқали кириши ва чиқиши қийин; металл сарфи катта; қовушоқлиги юқори эритмаларни буғлатиш самардорлиги паст; эритма трубаларга ёпишиб қолади.

Эркин циркуляцияли буғлаткичлар тузилиши содда ва кристалланмайдиган, ўртacha қовушоқликли суюқликларни буғлатиш учун қўлланилади (4.56-расм).



4.56-расм. Эритмаси эркин циркуляция қиласидаган буғлаткичлар.

- а - иситувчи камераси ажратилган буғлаткич;
- б - иситувчи камераси ташқарига ўрнатилган буғлаткич:

1- иситувчи камера; 2-сепаратор; 3-циркуляцион труба.

$D_c$ ,  $D_k$ ,  $D_q$  - сепаратор, иситувчи камера ва сепарацион труба диаметрлари;  $L$  - камера узунлиги.

Буғлатиш қурилмаси сепаратор, иситувчи камера ва циркуляцион трубадан ташкил топган. Сепаратор эллиптик қопқоқли цилиндрик қобиқдан иборат бўлиб, иситувчи камерага болтлар ёрдамида бирлаштирилган. Унда, иккиламчи буғни томчилардан ажратиш учун турли конструкцияли қайтаргичлар ўрнатилади (4.56а-расм), Иситувчи камера эса, вертикал қобиқ-трубали исиқлик алмашиниш қурилмаси типида ясалган бўлиб, трубалараро бўшлигига буг юборилади ва трубалар ичидаги эритма қайнатилади.

Сепаратор ва иситувчи камералар пастки қисмлари циркуляцион труба билан бирлаштирилган. Циркуляцион ва қайнатиш трубаларидан таркиб топган туташган системада табиий циркуляция ҳосил бўлади.

Агар, трубаларда эритма қайнаш даражасигича иситилса, ундаги бир қисм суюқлик буғланиши натижасида трубаларда бут суюқлик аралашмаси ҳосил бўлади. Албатта, бу аралашма зичлиги суюқлик зичлигидан кичикдир. Шундай қилиб, циркуляцион трубадаги суюқлик массаси, қайнаш трубадаги суюқлиқдан катта бўлиши аниқ. Натижада, қайнаш трубаси – бут бўшлиғи циркуляцион труба трубалар ва ҳоказо йўли бўйича эритма циркуляцион ҳаракатланади.

Циркуляция пайтида қайнайтган суюқлик томонидаги иссиқлик бериш коэффициенти ортади ва труба юзасида қаттиқ, ковакли ифлослик қатлами ҳосил бўлиши камаяди.

Табиий циркуляция бўлиши учун иккита шарт бажарилиши зарур:

1) Бут - суюқлик аралашма қатламини мувозанатда ушлаб туриш ва зарур тезлик ҳосил қилиш учун циркуляцион трубадаги суюқлик сатхининг ба郎айдлиги етарли бўлиши керак;

2) Бут - суюқлик аралашмаси иложи бориға кам зичликли бўлиши учун қайнаш трубаларида бут ажралиб чиқиш интенсивлиги етарли миқдорда бўлиши даркор.

Эритма ва бут орасидаги температуралар фарқи кўп ва қайнаш зонасида напорнинг йўқотилиши кам бўлгани учун, циркуляция тезлиги 1,8...2 м/с ни ташкил этади.

Агар, циркуляция тезлиги юқори бўлса, буғлаткичнинг иш унумдорлиги ва иссиқлик алмашиниш жараёнининг интенсивлиги катта бўлади.

4.56-расмда эскириб қолган марказий циркуляция трубали буғлаткичдан тубдан фарқ қиласидан қурилма келтирилган. Маълумки, марказий циркуляцион трубали буғлаткичларда температуралар фарқи кичик ва циркуляция интенсивлиги паст бўлади. Қайнаш трубаларида бут ҳосил бўлиши эритманинг физик хоссалари, труба девори ва суюқлик ўртасидаги температуралар фарқи билан белгиланади. Эритманинг қовушоқлиги қанчалик кам бўлса, шунчалик бут ажралиб чиқиши ва циркуляция тезлиги кўп бўлади. Интенсив циркуляцияга эришиш учун иситувчи бут ва эритма орасидаги фарқ 10°C дан кам бўлмаслиги керак.


4.56-расмда келтирилган буғлаткичларнинг иссиқлик алмашиниш юзаси 10...1200 м<sup>2</sup>, диаметрига қараб қайнаш трубаларнинг узунлиги 3...9 м бўлади. Қайнаш трубаларнинг диаметри 25, 38 ва 57 мм бўлиши мумкин. Иситувчи камерадаги ортиқча босим 0,3...1,6 МПа, сепаратордаги вакуум эса - 93,0 кПа. Циркуляцион труба кўндаланг кесим юзасининг иситувчи камера юзасига нисбати 0,3 дан кам бўлмаслиги зарур.

**Мажбурий циркуляцияли буғлаткичлар** эритма циркуляциясининг интенсивлиги ва иссиқлик ўтказиш коэффициентини ошириш имконини беради. Бундай қурилмаларда қовушоқлиги катта бўлган эритмаларни ҳам буғлатиш мумкин (4.57-расм). Эритма циркуляцияси пропеллерли ёки марказдан қочма типдаги насослар ёрдамида амалга оширилади.

Бошлангич эритма иситувчи камера 1 нинг пастки қисмига юборилса, қуоқлаштирилган эритма эса сепараторнинг пастки қисмидан чиқарилади (4.57а-расм).

Эритма қайнаш трубалари учидан озгина пастроқ сатҳда ушлаб турилади. Иситувчи камера трубаларадаги эритма тезлиги 1,2...3,5 м/с бўлади. Эритма циркуляция қиласидан система суюқлик билан тўлиб тургани учун насос иши фақат гидравлик қаршиликларни енгизиш учун сарфланади. Қайнаш трубалари-

нинг пастки қисмидаги босим, тепа қисминикидан, труба ичидаги суюқлик устини ва қаршиликлар йиғиндисига тенг миқдорда ортиқ бўлади. Шунинг учун, трубанинг кўп қисмida эритма қайнамасдан, фақат иситилади. Труба учининг маълум бир қисмидагина эритма қайнайди. Насос узатаётган суюқлик миқдори буғланётган сувдан бир неча баробар ортиқдир. Шунинг учун ҳам, суюқлик массасининг қайнаш трубасидан чиқаётган буғ суюқлик аралашмадаги буғ массасига нисбати жуда катта.



**4.57-расм. Эритма мажбурий циркуляция қиладиган буғлаткичлар.**

а- иситувчи камера ажратилган буғлаткич; б- иситувчи камераси ташқарида ўрнатилган буғлаткич; 1 - иситувчи камера; 2 - сепаратор; 3 - циркуляцион труба; 4 - насос.

Бу турдаги буғлаткичлар иситиш юзаси  $25\dots1200\text{ m}^2$ , қайнаш трубаларининг узунлиги 4...9 м, диаметри 25, 38, 57 мм бўлиши мумкин. Иситувчи камерадаги ортиқча босим 0,3...1,0 МПа, сепаратордаги вакуум эса 93 кПа. Циркуляцион труба кўндаланг кесими юзасининг иситувчи камера юзасига нисбати 0,9 дан кам бўлмаслиги керак.

Мажбурий циркуляцияли буғлаткичлари афзалликлари: иссиқлик ўтказиш коэффициенти жуда катта (эркин циркуляциялиги қарагандо 3...4 марта кўп), шунинг учун иситиш юзаси кам бўлса ҳам бўлади; кичик температураалар фарқида ( $3\dots5^\circ\text{C}$ ) ҳам самарали ишлайди; кристалланишга мойил эритмалар буғлатилганда, иссиқлик алмашиниш юзаларида ифлосликлар ёпишиб қолмайди.


Бундай қурималарнинг камчилиги шундаки, насосни ишлатиш туфайли энергия сарфи кўпаяди.

Одатда, буғлаткичлар қиммат легирланган металлардан ясалғанда, ҳамда ошушоқлиги юқори ва кристалланишга мойил эритмаларини буғлатиш учун ўллаш юқори самара беради.

**Юпқа қатламли (плёнкали) буғлаткичлар** юқори температурага чидамсиз ситмаларни қуюқлаштириш учун құлланилади. Қурилма трубалари орқали ситманинг бир марта ўтиши натижасыда буғлатиш жаңаёни содир бўлади.

Эритманинг ҳаракат йўналишига қараб, кўтариливчи ва пастка оқиб түрвичи юпқа қатламли буғлаткичларга бўлинади.

Юпқа қатламли буғлаткичлар иситувчи камера ва сепаратордан таркиб олган бўлади (4.58-расм).



4.58-расм. Юпқа қатламли буғлаткичлар.

а — кўтариливчи қатламли буғлаткич;

б — пастка оқиб тушувчи қатламли буғлаткич.

1 - сепаратор; 2 - иситувчи камера.

Иситувчи камера трубалари 7...9 м узунликда бўлиб, сув буғи ёрдамида ситилади.

4.58а-расмда кўтариливчи қатламли буғлаткич кўрсатилган. Бошлангич ритма узлуксиз равишда иситувчи камеранинг пастки қисмийга юборилади ва рубаларнинг 20..25% узунлигини тўлдириб туради. Трубаларнинг қолган исми буғ - суюқлик аралашмаси билан банд бўлади.

Ушбу аралашма труба деворида юпқа қатламли суюқликка ва унинг қида буғ агрегат ҳолатига ажralган бўлади. Буғ оқими ҳаракати пайтида ўюқлик қатламига ишқаланиш оқибатида юпқа қатлам турбулизацияята учрайти ва унинг юзаси жадал равишда янгиланиб туради. Шу омиллар ҳисобига юқори иссиқлик ўтказиш коэффициенти ва катта буғлатиш юзасига эришилайди.

4.58б-расмда пастга оқиб тушувчи қатламли буғлаткич тузилиши келтирилганды. Бундай қурилмада бошланғич эритма иситувчи камеранинг юқори қисмiga узатылады.


Куюқлаштырылған эритма, сепараторнинг пастки қисмидан чиқарылады.

Юпқа қатламли буғлаткичларнинг иссиқлик алмашиниш юзаси 63...2500 м<sup>2</sup> бўлиб, 38 ва 57 мм ли трубалардан ясалади.

Иситувчи камерадаги ортиқча босим 0,3...1,0 МПа, сепаратордаги вакуум эса - 93 кПа.

Камчиликлари; иситувчи буғ босими тебраниб турган ҳолларда ишлаши бир текисда эмас. Агар, иш режими бузилса, қурилмани циркуляцияли ишлаш режимига ўтказиш мумкин.

**Ротор – юпқа қатламли буғлаткичлар** юқори температурага чидамсиз, қовушоқ ва пастасимон материалларни, ҳамда суспензияларни буғлатиш учун ишлатылади (4.59-расм).



4.59-расм. Ротор – юпқа қатламли буғлаткич.

- 1 - юритма;
- 2 - зичлагич;
- 3 - ротор;
- 4 - паррак;
- 5 - қобик;
- 6 - филоф.

Иссиқлик бериш коэффициентини ҳисоблаш учун ушбу формула тавсия этилади:

$$\alpha = 110 \cdot \left( \frac{n}{\mu} \right)^{0,33} \lambda \quad (4.185)$$

бу ерда  $n$  - айланиш частотаси, айл/мин;  $\mu$  - динамик қовушоқлик, Па·с;  $\lambda$  - мұхиттіннинг иссиқлик алмашинишга эришиш мумкин, аммо буғ билан суюқликнинг илиниб чиқиб костиши кам бўлади.

Иссиқлик бериш коэффициентини ҳисоблаш учун ушбу формула тавсия этилади:

$$Nu = 0,65 \cdot Re^{0,25} \cdot Re_y^{0,43} \cdot Pr^{0,3} \cdot z^{0,33} \quad (4.186)$$

бу ерда  $z$  - ротордаги парраклар сони.

$$Re_y = \frac{d^2 \cdot n}{v} \quad (4.187)$$

Қобиқ девори ва парраклар орасидаги тиркүш 0,04...1,5 мм ни ташкил этади. Бошлангич эритма қурилманинг юқори қисмiga узатилади ва цилиндрик девор бўйлаб юпқа қатlam кўринишида тақсимланади. Парракларнинг айланма тезлиги 12 м/с

Қурилма конструкцияси роторни ўқ бўйлаб сизъжишига имкон беради. Натижада, эритма қатлами қалинлигини ростлаш ва жараён тезлигини ошириш мумкин.

Ротор – юпқа қатлами буғлаткичлар жуда юқори иссиқлик ўтказиш коэффициентига эга, яъни  $2300 \dots 2700 \text{ Вт}/\text{м}^2 \cdot \text{К}$ . Лекин, бу қурилмалар тузилиши мураккаб, ясаш қийин ва жуда қиммат. Ундан ташқари, иссиқлик алмашиниш юзаси кам бўлгани учун, иш унумдорлиги юқори эмас.

**Иссиқлик насосли буғлаткичлар.** Айрим пайтларда технологик сабабларга кўра, кўп корпусли буғлатиш қурилмаларини қўллаб бўлмайди. Масалан, юқори температураларга чидамсиз эритмаларнинг сифат кўрсаткичларини сақлаб қолиш учун иссиқлик насосли, бир корпусли буғлаткичларни ишлатиш мақсадга мувофиқдир.


4.60-расмда буғлаткич 1 ва оқимчали компрессор 2 дан иборат бир корпусли буғлатиш қурилмаси келтирилган.

Бундай қурилмаларда иккиламчи буг босими иситувчи буг босими-гача инжекторли компрессорда сиқилади. Сўнг, сиқилган буг сиқиш учун буғлаткичга йўналитирилади. Демак, иссиқлик насосли буғлатиш қурилмаларида иккиламчи буг температураси иситувчи буг температурасигача кўтарилади, яъни компрессорга сарфланган энергия, иккиламчи буг температурасини оширишга кетади.

Температура депрессияси кичик бўлган эритмаларни буғлатиш учун иссиқлик насосларини қўллаш жуда ўринили ва кўти коритусли буғлатиш схемаларида иситувчи бугни тежаш имконини беради.

Иссиқлик насосига сарфланадиган энергия микдори иситувчи ва иккиламчи буғлар тўйиниш температуралари фарқига пропорционалдир. Шунинг учун, температура депрессияси катта бўлган эритмаларни, ушбу усуlda буғлатиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас.

Одатда, иссиқлик насосли буғлатиш қурилмалари ва эритувчининг қайнаш температураларининг фарқи  $5 \dots 15^\circ\text{C}$  бўлган ҳолларда қўллаш мумкин. Демак, эритманинг қайнаш температураси катта бўлса, ушбу усул ишлатilmайди. Бунга сабаб, иккиламчи бугни иситувчи буг босимигача сиқиш учун кўп энергия сарф бўлишидир.



**4.60-расм. Иссиқлик насосли бир корпусли буғлатиш қурилмаси.**


1 – буғлаткич; 2 – оқимчали (инжекторли) насос.

#### 4.18. Перспектив иссиқлик алмашиниш қурилмалари

Маълум қурилмага қараганда, янги иссиқлик алмашиниш қурилмаси юқори иссиқлик ўтказиш коэффициентли, емирилишга бардош, металл ва ис-

Сиқиқлик әлткічини узатишига энергия сарғи кам каби құрсаткичларға эга бўлиши зарур.

Бундай иссиқлик алмашиниш қурилмаларини лойиҳалаш у уларидан бири – иссиқлик бериши чегаралайдиган, суюқтик юпқа қатламини бузадиган юзали қурилмалар яратишидир. 4.61-расмда самарадор пластинали – спиралсимон иссиқлик алмашиниш қурилмаси келтирилган.



**4.61-расм. Пластинали спиралсимон иссиқлик алмашиниш қурилмаси.**

1,4,6,7 – штуцерлар;  
2,3 – текис қоғоқлар;  
5 – гофриланган лист.


Ҳаракати даврида марказдан қочма күчлар пайдо бўлади. Бу омил ҳам жараённи жадаллашига олиб келади.

Бу турдаги қурилмалар жуда юқори иссиқлик – энергетик характеристикаларга эгадир. Масалан, пластинали-спиралсимон иссиқлик алмашиниш қурилмаларида  $1\text{ m}^2$  юзага сарфланадиган қувват миқдори одий турбулизаториз қобиқ-трубали қурилмаларниң энг яхши хусусиятларини ўз ичидаган.

Иссиқлик алмашиниш юзалари  $0,2\dots1,0$  мм қалинликдаги штампланган металл листлардан иборат. Металл листда ярим доира шаклидаги ариқчалар штамплаш усулида қилинади. Штампланган листлар

Бу турдаги қурилмалар спирал бўйича ўрилган гофриланган лист 5 ва иккала томонидан текис қоғоқ 2 лардан таркиб топган. Иссиқлик әлткічларни кириш ва чиқиши учун 1,4,6,7 штуцерлар мўлжалланган. Муҳитларнинг қарама қарши йўналишили ҳаракатидаги биринчи иссиқлик әлткіч штуцер 6 дан киради ва гофриланган каналлар орқали ўтиб, штуцер 4 дан чиқарилади. Иккинчи иссиқлик әлткіч эса, штуцер 1 дан кириб, гофриланган каналдан ўтиб штуцер 7 дан чиқади.

Гофриланган листлардан ясалган каналларда сунъий равища ҳосил қилинган гофрлар ёки макро гадир-будурликлар дискрет жойлашган бўлади. Ушбу гадир-будурликлар девор юзасидаги суюқтик чегаравий қатлами бузади ва иссиқлик алмашиниш жараёнини интенсивлайди. Ундан ташқари, каналлар спиралсимон бўлгани учун суюқлик оқимлари



**4.62-расм. «Бабекс» типидаги иссиқлик алмашиниш қурилмасининг комбинациялашган трубалар ўрами.**


симметрик қолатда көтма-кең йиғилиб маҳкамланади ва натижада трубалар ва трубалараро бўшлиқлар ҳосил бўлади. Суюқлик гофрларни ташқи томонидан оқиб ўтиши пайтида тўлқинсимон ҳаракатланади. Листлар (1500 ва ундан ортиқ) йиғилиб блок ҳосил қиласди ва унинг юзаси  $7200 \text{ m}^2$  гача бўлиши мумкин.

Курилманинг трубалар бўшлиғи 8,4 МПа, трубалараро бўшлиғи эса 10,5 МПа гача бўлган босимларга бардош бера олади. Иссиклик элткичларнинг температураси  $130\ldots760^\circ\text{C}$  оралиқда бўлиши мумкин.

Маълуми<sup>т</sup> кимёвий технология жараёнларида кимёвий агрессив иссиқлик элткичлар кўлланилади Шунинг учун, қурилма ясашида легирланган ва маҳсус материаллардан фойдаланилади.

Қобиқ-трубали иссиқлик алмашиниш қурилмаларида жараённи жадаллаштиришнинг асосий муаммоси – бу иссиқлик алмашиниш юзасининг қарама қарши томонларидаги термик қаршиликларни тенглаштириш ёки бир-бирига яқинлаштиришидир. Бунга эришиш учун иссиқлик алмашиниш юзаси *F* оширилади ёки иссиқлик элткичнинг оптималь гидродинамик режими ташкил этилади.

Жараён гидродинамикасини яхшилашдан мақсад, оқимнинг бугун кўндаланг кесимида температура ва тезликни текислашdir. Натижада, қовушоқ, чегаравий қатламнинг термик қаршилиги камаяди. Кўпчилик олимларнинг тажрибалари шуни кўрсатдики, иссиқлик алмашиниш жараёни интенсивлигини пасайтирувчи асосий омиллардан бири, бу суюқлик чегаравий юпқа қатламининг қалинлигидир. Шунинг учун, иссиқлик элткичларнинг ҳаракати пайтида трубалараро бўшлиқ трубаларida ҳосил бўладиган чегаравий юпқа қатламни бузадиган турли шаклдаги турбулизаторлар қўлланилади (4.63-расм).



4.63-расм. Самарадор қиррали трубалар

а – бўйлама қиррали; б – қирқма, спиралсимон қиррали; в – кўндаланг қирқма; г – спиралсимон қиррали.

Қирралы трубаларда на фақат иссиқлик алмашиниш юзаси  $F$  ортади, балки оқим турбулизацияси жадаллашганлиги сабабли қирралы юзадан иссиқлик әлткичга иссиқлик бериш көэффициентининг қиймати ҳам күпаяди. Лекин, шу билан бирга, гидравлик қаршилик ҳам ошади, яъни суюқликни узатиши учун бўладиган қўшимча энергия сарфини ҳам инобатга олиш керак.


Трубалар самарадорлиги қовурға шакли, геометрик ўлчами ва материалига боғлиқ бўлиб, иссиқлик бериш көэффициенти билан характерланади.

Иссиқлик бериш көэффициентини оз миқдорда ошириш учун пўлатдан, кўп миқдорда ошириш учун эса – мис ва алюминийдан ясалган қовурғалар кўллаш мақсадга мувофиқ.

Труба ичидаги ҳосил бўладиган чегаравий қатламни бузиш ва жараённи интенсивлаш учун сунъий равишда дискрет жойлаштирилган силлиқ диафрагма, ғадир-будурлик ва мосламалар жуда юқори самара беради. Ҳар томонлама мукаммал ва самарадор иссиқлик алмашиниш юзали (4.42-расм) курилмалардан бирининг тузилиши 4.64-расмда келтирилган.


Бу турдаги трубали қурилмаларда, ҳаттоқи ламинар режимда ҳам, иссиқлик бериш көэффициенти оддий трубаларнига қараганда 20...100% га ортиқ бўлади. Агар, ушбу қурилма трубаларида дискрет ясалган ботиқ ариқни ва ички томонида силлиқ, бўргиқ тўсиқлар жойлашиш қадами  $t/D = 0,25\dots1,0$ ,  $d/D = 0,88\dots0,94$  ва  $Re \geq 10^4$  бўлганида жараён интенсивлиги  $Nu/Nu_{mek} = 1,8\dots3,2$  марта ортади, гидравлик қаршилик эса -  $\xi/\xi_{mek} = 1,8\dots7$  баробар ўсади.

Фторопласт каби материалларнинг кашф этилиши билан емирилишга бардош кимёвий иссиқлик алмашиниш қурилмаларини яратиш имкони пайдо бўлди. Бундай қурилмалар диаметри 2...5 мм ли трубалардан тайёрланади. Қурилмалардаги босим  $P = 1,0$  МПа ва иссиқлик әлткичлар орасидаги температуralар фарқи  $200^\circ\text{C}$  гача бўлиши мумкин. Одатда, фторопластдан ясаладиган қурилмалар қобиқ-трубали тузилишли бўлади (4.65-расм).



4.64-расм. Самарадор қобиқ-трубали иссиқлик алмашиниш қурилмаси.

Эгилувчан полимер трубалар ўрамининг учлари тешикли панжарага пайвандлашади (4.65б-расм). Фторопласт трубали иссиқлик алмашиниш қурилмалари сульфат кислота, хлорли органик ва тиббиёт маҳсулотларини ишлаб чиқаришда қўлланилади.



**4.65-расм. Фторопласт трубали иссиқлик алмашиниш элементи.**

Самараадор қобиқ-трубали иссиқлик алмашиниш қурилмаларини яратишни яна бир усули – бу тешикли панжара қалинлигини иссиқлик алмашиниш девори ёки унга яқин қалинликда қилишdir (4.65б-расм). Бундай ҳолатларда, температуралар фарқи катта бўлишига қарамаслан, труба ва тешикли панжара маҳкамланиши жойида кучланишлар ҳосил бўлмайди. Натижада, линза компенсатор, U-симон труба ёки ҳаракатчан қалпоқчали конструкциялар қилишга ҳожат қолмайди.

Ундан ташқари, электромагнит майдонининг (ўта юқори частотаси СВЧ) нурланиши энергиясидан иссиқлик энергия манбай сифатида фойдаланишнинг келажаги порлоқдир.

#### **4.19. Қобиқ-трубали иссиқлик алмашиниш қурилмаларини ҳисоблаш**

Қобиқ-трубали иссиқлик алмашиниш қурилмасида этил спирти (100%-ли) иситилмоқда. Этил спиртнинг массавий сарфи  $G_f=25000$  кг/соат, температураси  $t_{1\theta}=30^{\circ}\text{C}$  дан  $t_{1ox}=70^{\circ}\text{C}$  гача иситилмоқда ва у трубалароро бўшлиқда ҳаракатланмоқда. Иситувчи суюқлик – сув (тўйиниш босимидан юқори босимда) трубалар ичидаги ҳаракатланади ва температураси  $t_{2\theta}=170^{\circ}\text{C}$  дан  $t_{2ox}=130^{\circ}\text{C}$  гача пасаймоқда.

#### **Иссиқлик ҳисоби**

Ечиш:

Этил спиртнинг ўртача температураси


$$t_{\bar{y}p} = \frac{t_{\theta} + t_{ox}}{2} = \frac{30 + 70}{2} = 50^{\circ}\text{C}$$

Этил спиртнинг  $t_{\bar{y}p}=50^{\circ}\text{C}$  даги физик-механик ва иссиқлик-диффузион хоссалари:

- зичлиги  $\rho_1 = 763 \text{ кг}/\text{м}^3$ ;
- солиширма иссиқлик сигими  $c_{p1} = 2954 \text{ Ж}/(\text{кг}\cdot\text{К})$ ;
- иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти  $\lambda_1 = 0,1745 \text{ Вт}/(\text{кг}\cdot\text{К})$ ;
- кинематик қовушоқлик коэффициенти  $v_1 = 0,918 \cdot 10^{-6} \text{ м}^2/\text{с}$ ;
- ҳажмий кенгайши коэффициенти  $\beta_1 = 1,175 \cdot 10^{-3} \text{ 1/K}$ ;
- Прандтл сони  $Pr_f = 11$ .

## Курилманинг иссиқлик юкламаси:

$$Q = G_1 \cdot c_{p1} (t_{1,ov} - t_{1,u}) = \frac{25000}{3600} \cdot 2954 \cdot (70 - 30) = 820555,6 \text{ Bm}$$



Үртача температурулар фарқи-ни аниқдаймиз:

$$\Delta t_{ka} = 170 - 70 = 100^\circ\text{C}$$

$$\Delta t_{ku} = 130 - 30 = 100^\circ\text{C}$$

$$\frac{\Delta t_{ka}}{\Delta t_{ku}} = \frac{100}{100} = 1$$

Үртача температурулар фарқи ўргача арифметик температура сифатида топилади:

$$t_{yp} = \frac{100 + 100}{2} = 100^\circ\text{C}$$

Труба деворидан спиртга иссиқлик бериш коэффициентини  $\alpha_1 = 140 \text{ Вт}/(\text{м}^2 \cdot \text{К})$  ва сувдан деворга эса -  $\alpha_2 = 415 \text{ Вт}/(\text{м}^2 \cdot \text{К})$  деб қабул қилиб оламиз. Легирланган X18H10T маркали пүлатдан тайёрган трубанинг  $t_{ym} = 100^\circ\text{C}$  даги иссиқлик ўтказиш коэффициентининг таҳминий қийматини 2-2 жадвалдан 120  $\text{Вт}/(\text{м}^2 \cdot \text{К})$  деб танлаб оламиз [5,6]:

Иссиқлик оқимининг зичлиги:

$$q_0 = \lambda \Delta t_{yp} = 120 \cdot 100 = 12000 \text{ Вт}/\text{м}^2$$

Этил спирти ҳаракатланаётган бўшлиқдаги труба деворининг температураси

$$t_{w1} = t_1 + \frac{q_0}{\alpha_1} = 50 + \frac{12000}{140} = 135,7^\circ\text{C}$$

бу ерда  $\alpha_1 = 140 \text{ Вт}/\text{м}^2 \cdot \text{К}$  деб қабул қиласиз.

Сув ҳаракатланаётган труба деворининг температураси

$$t_{w2} = t_{w1} + \frac{q_0 \delta}{\lambda} = 135,7 + \frac{12000 \cdot 0,002}{50,7} = 136,2^\circ\text{C}$$

Унда, юқорида ҳисобланган иссиқлик юклама учун зарур юзани топалмиз:

$$F = \frac{Q}{K \cdot \Delta t} = \frac{820555,6}{120 \cdot 100} = 68,4 \text{ м}^2$$

Ушбу, яъни  $F=68,4 \text{ м}^2$  га мос қобиқ-трубали стандарт иссиқлик алмасиши қурилмасини 2-4 жадвалдан танлаймиз [5,6]:

- иссиқлик алмашиниш юзаси
  - қобиқ диаметри
  - труба диаметри
  - трубалар сони
  - йүллар сони
  - труба узуңлиги
  - трубалараро бўшлиқнинг энг тор кўндаланг кесимининг юзаси
  - трубалараро бўшлиқ битта йўли кўндаланг кесимининг юзаси
- $F = 69 \text{ м}^2;$   
 $D = 800 \text{ мм};$   
 $d = 25 \times 2 \text{ мм};$   
 $n = 442$   
 $z = 2$   
 $l = 2 \text{ м};$   
 $f_{\text{М}} = 0,07 \text{ м}^2;$   
 $f_{\text{mp}} = 0,077 \text{ м}^2.$

Этил спиртнинг ўртача массавий тезлиги:

$$\omega_1 = \frac{G_1}{3600 \cdot A_{\pi 1} \cdot \rho} = \frac{25000}{3600 \cdot 0,2854 \cdot 763} = 0,032 \text{ м/с}$$

бу ерда  $f_{\text{М}}$  ни қуидаги формуладан ҳисоблаб топса ҳам бўлади

$$A_{\pi 1} = \frac{\pi D^2}{4} - n \cdot \frac{\pi d^2}{4} = \frac{3,14}{4} \cdot \frac{0,8^2}{4} - 442 \cdot \frac{3,14}{4} \cdot \frac{0,025^2}{4} = 0,2854 \text{ м}^2$$

Этил спиртнинг ҳаракат режими  $Re$  ни аниқлаш учун трубалараро бўшлиқнинг эквивалент диаметрини топамиш:

$$d_s = \frac{4f_{\text{М}}}{\Omega_1} = \frac{D^2 - nd^2}{nd} = \frac{0,8^2 - 442 \cdot 0,025^2}{442 \cdot 0,025} = \frac{0,3638}{11,05} = 0,0329 \text{ м}$$

Этил спирти учун  $Re$  сони:

$$Re = \frac{\omega_1 \cdot d_s}{\nu_1} = \frac{0,032 \cdot 0,0329}{0,918 \cdot 10^{-6}} = 1142,9$$

Демак, этил спиртининг ҳаракат режими – ламинар, чунки  $Re_{\text{Л}} = 1142,9 < 2300$ .

Биринчи яқинлашишда  $l/d_s = 2000/25 = 80$ , яъни  $l/d_s > 50$ , унда  $\epsilon_l = 1$ . Прандтл критерийсини ҳисоблаймиз

$$Pr = \frac{\nu}{\alpha} = \frac{c\mu}{\lambda} = \frac{3550}{0,163} \cdot \frac{0,25}{10^{-3}} = 5,44$$

Грасгоф сони эса

$$Gr_{\text{L1}} = \frac{gd_s^3}{\nu_2} \beta_1 (t_{w1} - t_1) = \frac{9,81 \cdot 0,0329^3}{(0,918 \cdot 10^{-6})} \cdot 1,175 \cdot 10^{-3} (124,4 - 50) = 36180000$$

$$\begin{aligned}
 Nu_{f1} &= 0,15 \cdot Re_{f1}^{0,33} \cdot Pr_{f1}^{0,42} \cdot Gr_{f1}^{0,1} \left( \frac{Pr_{f1}}{Pr_w} \right)^{0,25} = \\
 &= 0,15 \cdot 1143^{0,33} \cdot 5,44^{0,42} \cdot 36180000^{0,1} \cdot \left( \frac{11}{5,44} \right)^{0,25} = \\
 &= 0,15 \cdot 10,2 \cdot 2,04 \cdot 32 \cdot 1,19 = 118,86
 \end{aligned}$$

Труба деворидан этил спиртга иссиқлик бериш коэффициенти:

$$\alpha_1 = \frac{Nu_{f1} \cdot \lambda_1}{d_s} = \frac{118,86 \cdot 0,1745}{0,0329} = 630,4 \frac{Bm}{m^2 \cdot K}$$

Иссиқ сувнинг ўртача температурасини аниқлаймиз:

$$t_2 = \frac{t_{2\delta} + t_{2ox}}{2} = \frac{170 + 130}{2} = 150^{\circ}C$$

Сувнинг температураси  $t_2 = 150^{\circ}C$  бўлган даврида унинг асосий параметрларини топамиз:

- зичлиги  $\rho_2 = 917 \text{ кг}/\text{м}^3$ ;
- солиштирма иссиқлик коэффициенти  $c_{p2} = 4313 \text{ кЖ}/(\text{кг}\cdot\text{К})$ ;
- иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти  $\lambda_2 = 0,684 \text{ Вт}/(\text{м}^2\cdot\text{К})$ ;
- кинематик қовушоқлиги  $v_2 = 0,203 \cdot 10^{-6} \text{ м}^2/\text{с}$ ;
- ҳажмий кенгайиш коэффициенти  $\beta_2 = 1,03 \cdot 10^{-3} 1/\text{К}$ ;
- Прандтл сони  $Pr_f = 1,17$ .

Трубалардаги сувнинг сарфи:

$$G_2 = \frac{Q}{c_{p2}(t_{2\delta} - t_{2ox})} = \frac{820555,6}{4313(170 - 130)} = 4,76 \text{ кг}/\text{с}$$

Труба каналларидағи сувнинг ўртача массавий тезлиги:

$$\omega_2 = \frac{4G_2}{\pi d_s^2 \cdot n \cdot \rho_2} = \frac{4 \cdot 4,76}{3,14 \cdot 0,021^2 \cdot 442 \cdot 917} = 0,0374 \text{ м}/\text{с}$$

Рейнольдс сони

$$Re_{f2} = \frac{\omega_2 \cdot d_s}{v^2} = \frac{0,0374 \cdot 0,021}{0,203 \cdot 10^{-6}} = 3869$$

яъни, иссиқ сув ўтиш режимида ҳаракатланмоқда.

Грасгоф сонини ҳисоблаймиз:

$$Gr_{f2} = \frac{gd_b^3}{\nu_2^2} \beta_2 \cdot (t_{w2} - t_2) = \frac{9,81 \cdot 0,021^3}{(0,203 \cdot 10^{-6})^2} \cdot 1,03 \cdot 10^{-3} \cdot (150 - 135,7) = \\ = \frac{9,81 \cdot 9,26 \cdot 10^{-6}}{0,041 \cdot 10^{-12}} \cdot 1,03 \cdot 10^{-3} = 14,3 = 32633931$$

Иссиқ сувнинг  $t_{w2}$  учун Нуссельт сонини топамиз:

$$Nu_{f2} = 0,15 \cdot Re_{f2}^{0,33} \cdot Pr_{f2}^{0,42} \cdot Gr_{f2}^{0,1} \cdot \left( \frac{Pr_{a2}}{Pr_{u2}} \right)^{0,25} = \\ = 0,15 \cdot 3869^{0,33} \cdot 1,17^{0,42} \cdot 32633931^{0,1} \cdot \left( \frac{1,17}{1,22} \right)^{0,25} = 13,68$$

$$Pr_{w2} = \frac{c_2 \mu_2}{\lambda_2} = \frac{4270 \cdot 0,196 \cdot 10^{-3}}{0,685} = 1,22$$

Иссиқ сувнинг  $t_{w2} = 136,2^{\circ}\text{C}$  даги параметрлари қўйидагича [5,6]:

$$\lambda_2 = 0,685 \text{ Вт}/(\text{м} \cdot \text{К})$$

$$c_2 = 4270 \text{ Ж}/(\text{кг} \cdot \text{К})$$

$$\mu_2 = 0,196 \cdot 10^{-3}$$

Иссиқ сувдан деворга иссиқлик бериш коэффициентини ҳисоблаймиз:

$$\alpha_2 = \frac{Nu_{f2} \cdot \lambda_2}{d\theta} = \frac{13,68 \cdot 0,685}{0,021} = 446,15 \text{ Вт}/(\text{м}^2 \cdot \text{К})$$

Иссиқлик ўтказиш коэффициенти эса

$$K = \frac{1}{\frac{1}{\alpha_1} + \frac{\delta_{cm}}{\lambda_{cm}} + \frac{1}{\alpha_2}} = \frac{1}{\frac{1}{630,4} + \frac{0,002}{50,2} + \frac{1}{446,15}} = \\ = \frac{1}{0,00158 + 0,0000398 + 0,00224} = \frac{1}{0,00386} = 259,1 \frac{\text{Вт}}{\text{м}^2 \cdot \text{К}}$$

Иссиқлик алмашиниш юзаси:

$$F = \frac{820555,6}{235,96 \cdot 100} = 34,8 \text{ м}^2$$

Аниқловчи ҳисоблашлар асосида келиб чиқсан иссиқлик алмашиниш юзасига мос стандарт қобиқ-трубали иссиқлик алмашиниш қурилмаси қайтадан 2-4 жадвалдан танланади [5,6]:

- иссиқлик алмашиниш юзаси	$F = 38 \text{ м}^2$
- қобиқ диаметри	$D = 600 \text{ мм}$
- труба диаметри	$d = 25 \times 2 \text{ мм}$
- трубалар сони	$n = 240$
- труба узуңлиги	$l = 2,0 \text{ м}$
- йўллар сони	$z = 2$
- бўшлиқнинг энг тор кўндаланг кесимнинг юзаси	$f_{mm} = 0,040 \text{ м}^2$
- труба битта йўли кўндаланг кесимининг юзаси	$f_{mp} = 0,042 \text{ м}^2$

### Гидравлик хисоб

Трубалар озина коррозияга учраган пўлатдан ясалган деб қабул қиласиз. Труба деворининг ғадир-будурлиги  $e = 0,2 \text{ мм}$ .

$$\varepsilon = \frac{e}{d_s} = \frac{0,2}{21} = 0,0095$$

$Re_{f2} = 3869$  и  $d_s/e = 105$  бўлган ҳол учун гидравлик қаршилик коэффициентни аниқлаймиз.

$$\lambda = \frac{1}{4 \left\{ \lg \left[ \frac{\varepsilon}{3,7} + \left( \frac{6,81}{Re} \right)^{0,9} \right] \right\}^2} = \frac{1}{4 \left\{ \lg \left[ \frac{0,0095}{3,7} + \left( \frac{6,81}{3869} \right)^{0,9} \right] \right\}^2} = \frac{1}{19,892} = 0,0503$$

Трубалардаги тезлик босими

$$\Delta p_{mez} = \frac{\rho \omega^2}{2} = \frac{917 \cdot 0,0374^2}{2} = 0,641 \text{ Па}$$

Ишқаланиш қаршилигини енгиш жараёнидаги босимнинг йўқотилиши:

$$\Delta p_{uk} = \lambda \left( \frac{nL}{d_s} \right) \quad \Delta p_{mez} = 0,0503 \left( \frac{240}{0,021} \right) \quad 0,641 = 737 \text{ Па}$$

Маҳаллий қаршилик коэффициентлари:

а) камерага кириш ва чиқиш -  $\xi_1 = 3$ ;

б) трубага кириш ва ундан чиқиш -  $\xi_2 = 2$ .

Жами:  $\sum \xi = 5$

$$\Delta p_{uk} = \sum \xi \cdot \frac{\rho \omega^2}{2} = 5 \cdot \frac{917 \cdot 0,0374^2}{2} = 3,2 \text{ Па}$$

Босимнинг умумий йўқотилиши

$$\Delta p_{ym} = \Delta p_{uk} + \Delta p_{mez} = 737 + 3,2 = 740,2 \text{ Па}$$

Иссиқ сувни қурилмага узатиш учун насос танлаймиз. Насосни танлаш асосан 2 параметр бўйича амалга оширилади:

- ҳажмий сарф  $V$  ( $\text{м}^3/\text{с}$  ёки  $\text{л}/\text{с}$ );
- насос ҳосил қилаётган тўлиқ босим  $P$  (Па).

Насоснинг ҳажмий сарфи:

$$V = \frac{G_2}{\rho_2} = \frac{4,76}{917} = 0,0052 \text{ м}^3/\text{с}$$

Тўлиқ напор эса

$$P = P_{y,2} = 0,075 \text{ м.сув.уст.}$$

Сўнг эса, сувни узатиш учун зарур бўлган кўрсаткичлар  $V$  ва  $P$  бўйича мос келадиган стандарт насосни танлаймиз [6, 128].

Насос тури X20/18;  $V = 5,5 \cdot 10^{-3} \text{ м}^3/\text{с}$ ;  $H = 10,5 \text{ м}$ ;  $n = 48,3 \text{ 1/с}$ ;  $\eta_n = 0,6$

Электр юриткич типи A02-31-2;  $N = 3 \text{ кВт}$ ;  $\eta_{de} = 0,83$

Иссиқлик алмашиниши жараённи интенсивлаш учун самарадор трубани аниқлаймиз.

Маълумки, “суюқлик-суюқлик” системаси учун “накаткали” трубалардан тайёрланган “юқори иссиқлик самарадорликка эга қобиқ-трубали иссиқлик алмашиниши қурилма” ни ТУ 26-02-925-81 дан танлаймиз. Ушбу турдаги трубалар жараённи интенсивлашда юқори самара беради. Бунинг учун “накатка” параметрлари қуидагида бўлган трубани кўриб чиқамиз:

$$\frac{d}{D} = 0,983 \quad \text{ва} \quad \frac{t}{D} = 0,496$$

Ушбу накатка параметрли трубалар учун иссиқлик алмашиниши жараёнининг интенсивлиги қуидагига тенг

$$\frac{Nu}{Nu_{mek}} = 1,34$$

Гидравлик қаршиликнинг ўзгариши эса қуидагига тенг бўлади:

$$\frac{\xi}{\xi_{mek}} = 1,08$$

“Накатка” трубали иссиқлик алмашиниши қурилмасида иссиқ сув ҳаракат қилаётган томондаги  $\alpha$  коэффициентни қуидагича аниқлаш мумкин:

$$\alpha_{nak} = 1,34 \quad \alpha_{mek} = 1,34 \quad 446,15 = 597,91 \text{ Bm/(m}^2 \cdot \text{K)}$$

Юқори самадор трубалардан ясалган иссиқлик алмашиниши қурилма иссиқлик утказиш коэффициенти  $K$  ушбу формулалардан ҳисоблаб топса бўлади:

$$K_{nak} = \frac{1}{\frac{1}{\alpha_1} + \frac{\delta}{\lambda} + \frac{1}{\alpha_{nak}}} = \frac{1}{\frac{1}{630,4} + \frac{0,002}{50,2} + \frac{1}{597,91}} = \frac{1}{3,3 \cdot 10^{-3}} = 303 \frac{\text{Bm}}{\text{m}^2 \cdot \text{K}}$$

Жараённи “накатка” иссиқлик алмашиниш трубалари ёрдамида интенсивлаш натижасида иссиқлик алмашиниш юзасининг камайиш миқдори ушбу тенгламадан аниқланади:

$$F_{\text{нак}} = \frac{Q}{K_{\text{нак}} \Delta t} = \frac{820555,6}{303 \cdot 100} = 27,1 \text{ m}^2$$

Курилмага элткичларнинг кириш ва ундан чиқиш температураларини, ҳамда унинг иссиқлик юкламасини ( $Q = 820555,6 \text{ Вт} = \text{const}$ ) ўзгармас ҳолда сақлаб қолинса, унда трубалар узунлигини қўйидаги миқдоргача камайтирса бўлади.

$$l_{\text{нак}} = \frac{F_{\text{нак}}}{\pi d_s n} = \frac{27,1}{3,14 \cdot 0,021 \cdot 240} = 1,71 \text{ m}$$

Текис трубали иссиқлик алмашиниш курилма трубасининг узунлиги

$$l = \frac{F}{\pi d_s n} = \frac{34,8}{3,14 \cdot 0,021 \cdot 240} = 2,19 \text{ m}$$

Қўриниб турибдики, накатка қилинган трубалар жараён самарадорлигини сезиларли даражада оширади. Шунинг учун, текис трубадан ясалган иситкич трубасининг узунлиги  $l = 2,19 \text{ m}$ , «накатка» қилинган трубанини эса —  $l = 1,71$ . Демак, қурилмадаги ҳар бир трубанинг узунлиги  $\Delta = 0,48 \text{ m}$  (22%) га камайтирилиши мумкин.

Демак, накаткали трубадан ясалган стандарт иссиқлик алмашиниш қурилма трубасининг узунлиги  $l_{\text{нак}} = 1,56 \text{ m}$  қилиб тайёрланса ҳам бўлади.

Агарда, трубанинг узунлиги  $l = 2 \text{ m}$  ни ўзgartирмасак, унда иситкичнинг диаметрини камайтириш мумкин, чунки  $F = 27,1 \text{ m}^2$  юза учун  $H = 195$  дона накаткали труба зарур, яъни 45 та труба тежалади. Натижада, иситкич диаметри 20% та камайди.

### Эксергетик ҳисоб

Атроф муҳит температураси  $T_{\text{атм}} = 298 \text{ K}$  бўлган шароит учун спиртга узатилётган сув оқимининг эксергия (11 бобда батафсил келтирилган) сини ҳисоблаймиз:

$$\tau_{\text{тек.в}} = 1 - \frac{T_{\text{атм}}}{T_{\text{ев}}} = 1 - \frac{298}{423} = 0,296$$

Спирт оқими учун  $\tau$  ни топамиз

$$\tau_{\text{ев}} = 1 - \frac{T_{\text{атм}}}{T_{\text{ев}}} = 1 - \frac{298}{323} = 0,0774$$

Сув узатган эксергияни топамиз

$$E_e = Q \cdot \tau_{\text{тек.в}} = 820555,6 \cdot 0,296 = 242884,5 \text{ Bт}$$

$$E_{\theta} = Q \tau_{cn} = 820555,6 \cdot 0,0774 = 63511 \text{ Bt}$$

Эксергетик йўқотилишларни ҳисоблаймиз:

$$D_{mek} = E_{\theta} - E_{cn} = 179373,5 \text{ Bt}$$

Трубани “накатка” типида интенсивловчи макрографир-будурликлар қилиш натижасида гидравлик қаршиликлари ортади. Бундаги босимнинг йўқотилишини топиш учун  $\xi/\xi_{tek} = 1,08$  эканлиги инобатга олиш зарур.

“Накатка” ли иссиқлик алмашиниш трубалари учун гидравлик қаршилик коэффициенти қуидаги тенгликдан топилади:

$$\lambda_{nak} = 1,08 \quad \lambda_{tek} = 1,08 \quad 0,0503 = 0,05432$$

Бундан, ишқаланиш қаршилигини снгииш жараёнида босимнинг йўқотилиши

$$\Delta p_{uk} = \lambda \cdot \left( \frac{n \cdot l}{d_s} \right) \Delta p_{mes} = 0,05432 \cdot \frac{240}{0,021} \cdot 2 \cdot 0,641 = 795,9 \text{ Pa}$$

Маҳаллий қаршиликлар туфайли босимнинг йўқотилиш қийматлари ўзгармасдир.

Унда, умумий гидравлик йўқотилишлар қуидагига тенг бўлади:

$$\Delta p_{ym} = \Delta p_{mk} + \Delta p_{uk} = 795,5 + 3,2 = 799,1 \text{ Pa}$$

Ишқаланиш қаршилигини енгишда босим йўқотилишининг ортиши жуда кичик бўлгани учун, сувни узатища эксергетик йўқотилишларни ҳисобламаса ҳам бўлади.

“Накатка” трубали самарадор трубаларни қўллаб, иссиқлик алмашиниш жараёнини интенсивлаш мумкин. Лекин гидравлик қаршилик бу усулда сезиларсиз миқдорда ортади.

Натижада қурилманинг габарит ўлчамлари ва массасини камайтириш мумкин.

### **Механик ҳисоб**

Трубанинг тешикли панжараси сифатида III-тилдаги конструкцияни танлаймиз [5,128].

Механик ҳисоблаща қуидаги параметрлар аниқланади: болт жойлаштириладиган айлана диаметри; қистирмани сиқиш кучи; болтни чўзувчи кучланиш; болт диаметри; болтлар сони; фланецнинг ташқи диаметри ва қалинлиги.

Болтларни жойлаштириш диаметри:

$$D_b = 1,1 \cdot D_u^{0,933} = 1,1 \cdot 0,602^{0,933} = 0,625 \text{ m}$$

бу ерда  $D_u$  – фланецнинг ички диаметри (одатда у қобиқнинг ташқи диаметрига тенг).

Зичловчи қистирмани сиқиши кучи (қистирма эни 0,02 м ва ички диаметри 0,62 м):

$$P_k = \pi \cdot D_{Kyp} \cdot \sigma \cdot k \cdot p = 3,14 \cdot 0,6125 \cdot 0,1 \cdot 2,5 \cdot 1,6 = 0,77$$

Бу ерда  $\sigma = \sqrt{\sigma_0} = 3,16$ ;  $\sigma_0$  - қистирманинг ҳақиқий эни, м.

$$D_{Kyp} = \frac{2Du + 0,015}{2} = \frac{2 \cdot 0,605 + 0,015}{2} = 0,6125$$

Болтларни чўзувчи кучланиш:

$$p_\delta = \frac{\pi D_{Kyp}}{4} + P_K = \frac{3,14 \cdot 0,6125^2}{4} \cdot 1,6 + 0,77 = 1,25 \text{ MN}$$

Бу ерда  $p = 1,6 \text{ MPa}$  – сувнинг ишчи босими.

Болтлар диаметрини ҳисоблаш.

$$d_\delta = \frac{D_\delta - D_\Gamma}{2} - 0,006 = \frac{0,685 - 0,612}{2} - 0,006 = 0,03 \text{ m}$$

Бу ерда  $D_\Gamma$  – фланецдаги пайвандлаш чокининг ташқи диаметри, м.

Резьбасининг диаметри M27x1,5 бўлган болтни танлаймиз. Болт резьбасининг ички диаметри  $d = 23,5 \text{ mm}$  га тенг. Болт кўндаланг кесимининг юзаси (резьбанинг ички диаметри бўйича)

$$F_\delta = \frac{\pi d^2}{4} = \frac{3,14 \cdot 0,0235}{4} = 4,34 \cdot 10^{-4} \text{ m}^2$$

Болтлар сони

$$z = \frac{p_\delta}{\sigma_{\text{ж}} F_\delta} = \frac{1,25}{126 \cdot 4,34 \cdot 10^{-4}} = \frac{1,25}{0,055} = 22,72 \approx 24 \text{ дона}$$

Фланецнинг ташқи диаметри

$$D_\phi = D_\delta + 1,83 \quad d_\delta = 0,685 + 1,83 \cdot 0,03 = 0,74 \text{ m}$$

Ишчи жараёнида фланецга тушаётган юклама:

$$\begin{aligned} p &= \frac{D_\phi}{D_\phi - D_u} \left[ p_\delta \frac{D_u}{D_\delta} \left( \frac{D_\delta}{D_{Kyp}} - 1 \right) + \frac{\pi D_{Kyp}^2}{4} p \cdot \left( 1 - \frac{D_u}{D_{Kyp}} \right) \right] = \\ &= \frac{0,74}{0,74 - 0,602} \left[ 1,25 \frac{0,602}{0,685} \left( \frac{0,685}{0,6125} - 1 \right) + \frac{3,14 \cdot 0,6125^2}{4} \cdot 1,6 \cdot \left( 1 - \frac{0,602}{0,6125} \right) \right] = \\ &= 5,36 (0,13 + 0,471 \cdot 0,0171) = 0,74 \text{ MN} \end{aligned}$$

Ёрдамчи катталиклар:

$$\Phi = \left( \frac{p}{\sigma_T} \right) \quad \Psi_1 = \frac{1,6}{240} \quad 1,1 = 0,0073$$

$$A = 2 \quad \psi_2 \quad \delta^2 = 2 \quad 5 \quad 0,005^2 = 0,00025$$

бу ерда  $\sigma_T$  — ишчи ғемпературада фланец материалининг оқувчанлик чегараси, МН/м<sup>2</sup> (Ст.3 ва X18H10T пўллатлар учун  $\sigma_T = 240$  МН/м<sup>2</sup> деб қабул қиласа бўлади);  $\delta = 0,005$  қобиқ қалинлити, м;  $\psi_1$ ,  $\psi_2$  — коэффициентлар, уларнинг сон қиймати IV.2-расмдан аниқланади [5,128].

$\Phi > 1,13 \cdot A$  бўлгани учун фланец баландлигини ушбу формуладан аниқлаймиз:

$$h = 0,43 \sqrt{D_u(\Phi - 0,85A)} = 0,43 \sqrt{0,602(0,0073 - 0,85 \cdot 0,00025)} = 0,0691 \text{ м}$$

Труба тешикли панжарасининг ўрта қисмидаги баландлиги эса ушбу тенгламадан аниқланади:

$$\begin{aligned} h = K \cdot D_u \sqrt{\frac{p}{\varphi_0 \sigma_{u,d}}} + c_k + c_{\alpha_{xx}} &= 0,47 \cdot 0,602 \sqrt{\frac{1,6}{0,265 \cdot 126}} + 0,001 + c_{\alpha_{xx}} = \\ &= 0,03193 + 0,1 + c_{\alpha_{xx}} = 0,06293 \approx 0,063 \text{ м} \end{aligned}$$

бу ерда  $K = 0,47$  — труба тешикли панжарасининг конструкциясига боғлиқ коэффициент;  $\sigma_{u,d}$  — материал учун рухсат этилган эгилиш кучланиши, МН/м<sup>2</sup> (мўрт бўлмаган материаллар учун  $\sigma_{u,d} = \sigma_{e,d}$ );  $\varphi_0$  — труба маҳкамланадиган панжаранинг тешиклар қилиниши натижасида мустаҳкамлигини ифодаловчи коэффициент. Ушбу,  $\varphi_0$  коэффициентни қўйидаги формуладан топиш мумкин:

$$\varphi_0 = \frac{D_{\alpha_{yy}} - \sum d_0}{D_{\alpha_{yy}}} = \frac{0,6125 - 0,41}{0,6125} = 0,265$$

бу ерда  $\sum d_0$  — труба маҳкамланадиган панжара диаметридаги тешиклар диаметрларининг йигиндиси қўйидагича топлади:

$$\sum d_0 = z \cdot d = 18 \cdot 0,025 = 0,45$$

Тешикли панжара диаметридаги трубалар сони  $z$  қурилмадаги трубаларнинг умумий сони  $n$  орқали ушбу формуладан топилади:

$$z = 2 \sqrt{\frac{n-1}{3} + 0,25} = 2 \sqrt{\frac{240-1}{3} + 0,25} = 17,88 \approx 18 \text{ дона}$$



### Масса алмашиниш асослари

Бир ёки бир неча компонентларни бинар ёки мураккаб аралашмаларда бир фазадан иккинчи фазага ўтишида рўй берган жараёнлар **масса алмашиниш жараёни** деб юритилади (масалан, газдан газга, суюқликдан газга, қаттиқ жисмдан суюқлик ёки газга). Одатда, компонентларнинг бир фазадан иккинчисига ўтиши молекуляр ёки турбулент диффузия орқали содир бўлади. Шунинг учун, бу жараёнлар **диффузион жараёнлар** деб аталади.

Масса алмашиниш жараёнлари фаол компонент ва инерт ташувчи фазалар билан характерланади.Faол компонент – бу фазадан фазага ўтuvchi масса, инерт ташувчиларнинг миқдори эса, жараён давомида ўзгармайди.

Масса алмашиниш жараёнини ҳаракатга келтирувчи куч – концентрациялар фарқи.

### 5.1. Умумий тушунчалар

Саноат технологияларида ишлатиладиган абсорбция, ҳайдаш, ректификация, экстракция («суюқлик - суюқлик», «қаттиқ жисм – суюқлик» система-ларида), адсорбция, қуритиш, кристалланишларда масса алмашиниш жараёнлари содир бўлади.

**Абсорбция** – бу газ аралашмасидан бирор модданинг суюқ фазага селектив равишда ютилиш жараёнидир. Яъни, бу жараёнда модда буг ёки газ фазадан суюқ фазага ўтишини кузатишимиш мумкин.

Моддани ўзига ютувчи фаза абсорбент деб номланади. Абсорбция 2 хил бўлади: физик абсорбция – бу газнинг суюқликда оддий ютилиши; хемосорбция – бу газнинг суюқликда ютилиши даврида кимёвий бирикма ҳосил бўлиши.

Абсорбцияга тескари жараён, яъни ютилган компонентларни суюқликдан ажратиб олиш **десорбция** деб аталади.

**Суюқликларни ҳайдаш ва ректификация** – бу суюқ ва буг фазалар орасида компонентлар ўзаро модда алмашиниш йўли билан суюқ аралашмаларни компонентларга ажратиш жараёнидир. Ушбу жараён иссиқлик таъсирида олиб борилиб, компонентларнинг қайнаш температураси ҳар хил бўлишига асосланади. Бу жараён 2 хил бўлади: оддий ҳайдаш (дистиллаш) ва мураккаб ҳайдаш (ректификация). Шу алоҳида таъкидлаш керакли, бунда модда суюқ фазадан бугга ва бугдан суюқ фазага ўтади

**Экстракция** – бу эритма ёки қаттиқ жисмдан эритувчи ёрдамида бир ёки бир неча компонент ажратиб олиш жараёнидир. «Суюқлик-суюқлик» система-сида фаол компонент бир суюқ фазадан иккинчисига ўтади. «Қаттиқ жисм – суюқлик» системасида модда қаттиқ жисмдан суюқ фазага ўтади. Бундай система компонентнинг суюқ фазага ўтиши **эртиш жараёни** деб номланади.

**Адсорбция** – бу газ, буг ёки суюқ аралашмалардан бир ёки бир неча компонентларни қаттиқ, ғовакли жисм билан ютилиш жараёнидир. Жуда катта фаол юзага эга қаттиқ жисмлар **адсорбентлар** деб аталади. Ушбу жараён саноатини турли соҳаларида ишлатилади ва газ, буг ёки суюқ аралашмалардан у ёки бу компонентни ажратиб олиш учун хизмат қиласи.

Адсорбция жараёнида суюқ ёки газ фазадаги компонент қаттиқ жисмга ўтади.

**Құритиши** – бу қаттық материаллар таркибидаги намлыкни бүг шаклида ажратиб олиш жараёнидир. Ушбу жараёнда фаол компонент - намлык қаттық фазадан газ ёки бүг фазасыга ўтады.

**Кристалланиш** – бу суюқ әртмалар таркибидаги қаттық фазаны кристалл шаклида ажратиб олиш жараёнидир. Ушбу жараёнда суюқ фазадан модданинг қаттық фазага ўтиши рүй беради.

Юқорида келтирилған жараёнлардан күриниб турибиди, уларнинг ҳаммаси учун  $\delta_{\text{н}}$  фазадан иккинчисига масса ўтиши ёки масса ўтказиш хос.

Модданинг бир фазадан иккинчига, ажратиб турувчи юза орқали ўтиши масса ўтказиш жараёни деб номланади.

Бир фаза ичидә, фазадан ажратиб турувчи юза ёки ажратиб турувчи юзадан фазага модданинг ўтишига **масса бериш жараёни** дейилади.

## 5.2. Масса ўтказиш кинетикаси

Мувозанат ҳолатига эришиш йўналийшида модданинг бир фазадан иккинчисига ўтиш жараёнига масса ўтказиш дейилади.

Масса алмашиниш жараёнида энг камидә 3 та модда иштироқ этади: 1) биринчи фазани ташкил этувчи модда; 2) иккинчи фазани ташкил этувчи модда; 3) бир фазадан иккинчисига ўтган тарқалувчи модда.

Масса алмашиниш жараёнида мувозанат ҳолатларини аниқлашда **фазалар қоидасидан** фойдаланилади:

$$\Phi + C = K + 2 \quad (5.1)$$

бу ерда  $\Phi$  – фазалар сони;  $C$  – эркинлик даражаси сони;  $K$  – системадаги компонентлар сони.

Бу қоидага биноан, мувозанат ҳолатларини ҳисоблашда параметрларининг (босим, температура, концентрация) нечтасини ўзgartириш имконияти борлигини аниқлаш мумкин.

Биринчи фазани  $G$ , иккинчисини –  $L$  ва тарқалувчи массаны –  $M$  билан белгилаб оламиз. Ҳамма масса алмашиниш жараёнлари қайтар, шунинг учун модда  $G$  фазадан  $L$  га ва тескари йўналишда ўтиши мумкин.

Даставвал, тарқалувчи модда фақат  $G$  фазада ва у концентрацияли бўлсин. Бошланғич даврда  $L$  фазада тарқалувчи модда йўқ бўлса, унда фазалаги концентрацияси  $x = 0$ .

Агар, фазаларни аралаштириб юборадиган бўлсак, унда тарқалувчи модда  $G$  фазадан  $L$  фазага ўтади.  $L$  фазада тарқалувчи модда  $M$  бўлиши билан тескари ўтиш бошланади, яъни  $L$  фазадан  $G$  фазага. Маълум вақтгача,  $G$  фазадан  $L$  га ўтаётган тарқалувчи модда заррачаларининг сони  $M$ ,  $L$  фазадан  $G$  фазага ўтаётганнидан кўпроқ бўлади.


Лекин, яъни бирор фурсатдан сўнг,  $M$  модданинг тўғри ва тескари ўтиш тезликлари тенгламалади. Системанинг бундай ҳолати **фазавий мувозанат** дейилади. Мувозанат пайтида  $x$  нинг маълум қийматига бошқа фазадаги тегишли аниқ бир қийматли мувозанат концентрацияси  $u_M$  тўғри келади. Худди шундай, у нинг маълум қийматига тегишли мувозанат концентрацияси  $x_M$  мос келади. Мувозанат пайтида фазалардаги тарқалувчи компонент концентрациялари ўртасида умумий боелиқлик қуйидаги кўринишга эга:

$$\bar{y}_P = f_1(\bar{x}); \quad \bar{x}_P = f_2(\bar{y}) \quad (5.2)$$

Ушбу тенгламалар графикда мувозанат чизиги билан ифодаланади ва масса алмашиниш жараёнининг турига қараб тўғри ёки эгри чизиқли

күринишида бўлади. 5.1-расмда газ фазасидаги мувозанат концентрациясининг суюқ фазадаги концентрация билан боғлиқлиги берилган.

Мувозанат пайтидаги фазалар концентрацияларининг нисбати тарқалиш коэффициенти  $m$  деб номланади.



**5.1-расм.  $p=\text{const}$  ва  $t=\text{const}$  бўлгандаги мувозанат диаграмма.**

чиқилади.

Мувозанат боғлиқликлар жараён йўналиши билан бирга, бир фазадан иккинчисига тарқалувчи модда ўтиш тезлигини ҳам аниқлаш имконини беради.

Мувозанат ва ҳақиқий концентрациялар орасидаги фарқ масса алмашиниш жараёнларини ҳаракатга келтирувчи кучи деб ҳисобланади.

Масса алмашиниш жараёнларининг тезлик коэффициенти ва ҳаракатга келтирувчи кучини ҳисоблаш масса ўтказиш кинетикасининг асосий масала-сидир.

**Масса ўтказишнинг асосий тенгламаси** кинетиканинг умумий тенгламасидан келтириб чиқарилиши мумкин.

Ушбу тенгламага биноан, масса алмашиниш жараёнларининг тезлиги ҳаракатга келтирувчи кучга тўғри ва жараён диффузион қаршилигига тескари пропорционалдир.

Агар, диффузион қаршилик тескари катталикни  $K = I/R$  (бу ерда  $R$  – диффузион қаршилик) деб белгиласак, ушбу тенгламага эга бўламиш:

$$\frac{dM}{F \cdot d\tau} = k\Delta \quad (5.3)$$

бу ерда,  $M$  – бир фазадан иккинчисига ўтган масса миқдори, кг;  $F$  – масса ўтказиш юзаси,  $\text{m}^2$ ;  $\tau$  – жараён давомийлиги, с;  $k$  – масса ўтказиш коэффициенти. Кўриниб турибдики,  $dM/Fd\tau$  ажратиб турувчи юза бирлигига тўғри келадиган масса ўтказиш тезлигидир.

Демак, агар  $k=\text{const}$  бўлса, бутун масса алмашиниш юзаси учун

$$M = k \cdot \Delta \cdot F \tau$$

$$M = K_y F \Delta y_{yp} \cdot \tau \quad \text{ёки} \quad M = K_x F \Delta x_{yp} \cdot \tau \quad (5.4)$$

(5.4) масса ўтказиш жараёнининг асосий тенгламаси деб номланади. Ушбу тенгламага биноан, бир фаза ядросидан иккинчи фаза ядросига узатил-


ган масса миқдори фазалар ядроидеги концентрациялар фарқи, ажратиб турувчи юза ва жараён давомийлигига түғри пропорционалдир.

**Масса ўтказиш көзoeffициенти**, вақт бирлігі ичіда ҳаракатта көлтирувчи күч бирга тенг бўлганда, уларни ажратиб турувчи юза бирлигидан ўтган масса миқдорини характерлайди.

(5.4) тенгламани ташкил этувчи параметрлар бирликларига қараб, масса ўтказиш көзoeffициенти қўйидаги ўлчов бирлигига эга бўлади:  $m/s$ ;  $kg/(x \cdot k \cdot b \cdot m^2 \cdot s)$ ;  $kmol/(x \cdot k \cdot b \cdot m^2 \cdot s)$ .

### 5.3. Масса алмашиниш жараёнининг моддий баланси

Бир хил йўналишли фазалар ўртасида масса алмашиниш рўй берадиган элементар масса алмашиниш қурилмасининг схемасини кўриб чиқамиз. Фазаларни ажратиб турувчи юзага нисбатан массавий тезликларини  $G$  ва  $L$  ( $kg/s$ ), тарқалувчи модда концентрацияларини эса –  $y$  ва  $x$  ( $kg/kg$ ) деб белгилаб оламиз (5.2-расм).



5.2-расм. Жараёнининг моддий балансини тузишга ва ишчи чизик тенгламасини келтириб чиқаришга оид.  
а- қурилмадаги оқимлар схемаси;  
б-  $y$ - $x$  координатларида ишчи чизикни тасвирилаш.

Агар,  $y > y_{ox}$  деб фараз қиласак, тарқалувчи модда  $G$  фазадан  $L$  фазага ўтади, аммо  $G$  фазада концентрация  $y_b$  дан  $y_{ox}$  гача камаяди.

$L$  фазада эса,  $y < y_{ox}$  деб фараз қиласак, тарқалувчи модда  $L$  фазадан  $G$  фазага ўтади, аммо  $L$  фазада концентрация  $x_b$  дан  $x_{ox}$  гача ортади.

Қурилманинг чексиз кичик  $dF$  юзаси учун:

$$dM = G(-dy) = Ldx \quad (5.5)$$

Қурилмада тарқалувчи модда концентрациялари ўзгариши чегарасида (5.5) тенгликни интеграллаб, қуйидаги тенгламани оламиз:

$$M = -G(\bar{y}_{ox} - \bar{y}_b) = G(\bar{y}_b - \bar{y}_{ox}) = L(\bar{x}_{ox} - \bar{x}_b) \quad (5.6)$$

Бундан, фазаларнинг массавий сарфини аниқлаймиз:

$$G = L \frac{\bar{x}_{ox} - \bar{x}_b}{\bar{y}_b - \bar{y}_{ox}}; \quad L = G \frac{\bar{y}_b - \bar{y}_{ox}}{\bar{x}_b - \bar{x}_{ox}} \quad (5.7)$$

(5.5) тенгламани бошланғич ва охирги концентрациялар оралиғида интеграллаб қуйидаги ифодани оламиз:

$$G(\bar{y}_b - \bar{y}) = L(\bar{x} - \bar{x}_b)$$

Бундан, жорий концентрациялар орасидеги бөғлиқлик топилади:

$$\bar{y} = \frac{L}{G} \bar{x} + \frac{G\bar{y}_b - L\bar{x}_{ox}}{G} \quad (5.8)$$

ёки

$$\bar{y} = Ax + B \quad (5.9)$$

$$\text{бу ерда } A = L/G \quad B = (G\bar{y}_\delta - L\bar{x}_{ox})/G$$

(5.8) ва (5.9) лар ишчи чизиқ тенгламасини характерлайди. Улардан, масса алмашиниш курилмаларини ҳисоблашда фойдаланилади.

Шундай қилиб, мувозанат ва ишчи чизиқ тенгламаларидан жараённинг йўналишини ҳам аниқдаш мумкин.

Ҳақиқий (ишчи) концентрациялар орасидаги боғлиқликни ифодаловчи тўғри чизиқ тенгламаси (5.9) **жараённинг ишчи чизиги** деб номланади.

#### 5.4. Масса ўтказишнинг асосий қонунлари

Масса ўтказиш жараёнлари бир неча масса алмашиниш йўли билан амалга оширилиши мумкин: газ (ёки буғ) ва суюқлик оқимлари орасида; суюқлик оқимлари орасида; суюқлик оқими ва қаттиқ фаза орасида; газ (ёки буғ) оқими ва қаттиқ фаза орасида.

Масса ўтказишнинг асосий қонунлари бўлиб молекуляр диффузия (Фикнинг 1- қонуни), масса бериш (Ньютон – Шукарс қонуни) ва масса ўтказувчанлик қонунлари ҳисобланади.

**Молекуляр диффузия қонуни (Фикнинг 1- қонуни).** Молекула, атом, ион ва коллоид заррачаларнинг хаотик ҳаракати натижасида моддаларнинг тарқалиши **молекуляр диффузия** деб номланади. Матъумки, моддалар ҳар доим концентрацияси юқори зонадан концентрацияси паст зонага қараб тарқалади. Ушбу қонунга биноан, диффузия йўли билан тарқалган модда миқдори концентрациялар градиенти, диффузион оқим йўналишидаги перпендикуляр ажратувчи юза ва жараён давомийлигига тўғри пропорционалдир:

$$dM = -D \frac{\partial c}{\partial t} F d\tau \quad \text{ёки} \quad M = -D \frac{dc}{dn} F \tau \quad (5.10)$$

бу ерда  $dM$  - диффузия йўли билан тарқалган масса миқдори;  $D$  - диффузия коэффициенти;  $\partial c / \partial t$  концентрациялар градиенти,  $F$  - диффузия ўтаётган юза;  $d\tau$  - диффузия давомийлиги.

Диффузия коэффициенти,  $1 \text{ m}^2$  ажратувчи юза орқали 1 соат давомида  $1 \text{ m}$  оралиқдаги концентрациялар фарқи 1 га тенг бўлганда тарқалган модда миқдорини характерлайди.

Тенгламадаги «минус» ишора молекуляр диффузия жараёнида концентрация камайиб боришини ифодалайди.

(5.10) тенгламадаги диффузия коэффициентининг ўлчов бирлигини аниқлаймиз:

$$[D] = \left[ \frac{M}{dc} \frac{dn}{F} \tau \right] = \left[ \frac{\text{кг}}{\text{кг}} \frac{\text{м}}{\text{м}^2} \frac{\text{м}^3}{\text{с}} \right] = \left[ \frac{\text{м}^2}{\text{с}} \right]$$

Молекуляр диффузия коэффициенти ўзгармас физик катталик бўлиб, модданинг диффузия йўли билан қўзғалмас муҳитга кириш қобилиятини характерлайди. Ушбу коэффициент жараёнинг гидродинамикасига боғлиқ эмас. Лекин, у тарқалувчи модда ва муҳитнинг иссиқлик-диффузион хоссалари, температура ва босимга боғлиқдир. Яъни температура ошиши ва босим пасайиши билан унинг қиймати ортади.

Одатда, диффузия коэффициентининг қийматлари адабиётлардан ёки күйидаги формулалардан аниқланади:  
газлар учун:

$$D = 4,35 \cdot 10 \frac{T^2}{P(V_A^{0,33} + V_B^{0,33})} \sqrt{\frac{1}{M_A} + \frac{1}{M_B}} \quad (5.11)$$

суюқликлар учун:

$$D = \frac{8,2 \cdot 10^{-12} T}{\mu V^{0,33}} \left[ 1 + \left( \frac{3V_B}{V_A} \right)^{0,66} \right] \quad (5.12)$$

бу ерда  $T$  – температура, К;  $P$  - босим, Па;  $V_A$  ва  $V_B$  - жараёнда иштирок этувчи моддалар моль ҳажми, см<sup>3</sup>/моль;  $M_A$  ва  $M_B$  - моддаларнинг молекуляр массаси, кг/кмоль;  $\mu$  - динамик қовушоқлик, мПа·с;  $A$  ва  $B$  – модданинг табиатига боғлиқ тажрибавий константа.

Диффузия коэффициенти системанинг агрегат ҳолатига боғлиқ. Газлар учун  $D$  нинг қийматлари  $(0,1\dots1,0) \cdot 10^{-4}$  м<sup>2</sup>/с. Суюқликларнинг диффузия коэффициенти тўрт даражага паст бўлади. Маълумки, температура ортиши билан  $D$  оргади, босим ошиши билан эса – камаяди.

Газлардаги диффузия коэффициенти концентрацияга умуман боғлиқ эмас. Лекин, суюқликларда эса, диффузия коэффициенти концентрацияга боғлиқлиги бор. Пахта ёғининг нормал шароитда экстракцион бензиндаги диффузия коэффициенти  $D = 0,71 \cdot 10^{-5}$  см<sup>2</sup>/с; газнинг бошқа бир газдаги тарқалиш диффузия коэффициенти  $\sim 0,1\dots1,0$  см<sup>2</sup>/с; газнинг суюқликлардаги диффузия коэффициенти  $10^4\dots10^5$  маротаба кам бўлиб, таҳминан 1 см<sup>2</sup>/суткага тенг.

Хуроса қилиб айтганда, молекуляр диффузия жуда секин ўтадиган жараёндир.

**Турбулент диффузия.** Турбулент тебраниш таъсирида оқимнинг ҳаракатида бир фазадан иккинчисига модданинг тарқалиши **турбулент диффузия** деб номланади.

Турбулент диффузия тезлиги оқимнинг турбулентлик даражасига, жараённинг гидродинамик режимида боғлиқдир. Исталган фазада турбулент диффузия йўли билан тарқалган модданинг миқдори ушбу тенгламадан топилади:

ёки

$$M = -\varepsilon_D \frac{\partial c}{\partial n} F \cdot \tau \quad (5.13)$$

бу ерда  $\varepsilon_D$  – турбулент диффузия коэффициенти.


(5.13) тенгламадан  $\varepsilon_D$  – аниқлаймиз

$$\left[ \varepsilon_D \right] = \left[ \frac{M}{dc} \frac{dn}{F \cdot \tau} \right] = \left[ \frac{\text{кг}}{\text{с}} \frac{\text{м}}{\text{м}^2} \frac{\text{м}^2}{\text{кг}} \right] = \left[ \frac{\text{м}^2}{\text{с}} \right]$$

Турбулент диффузия коэффициенти вақт бирлиги ичидаги концентрация градиенти бирга тенг бўлганда ажратувчи юза бирлигидан турбулент диффузия йўли билан тарқалган модданинг мидорини билдиради. Унинг қиймати жараённинг гидродинамик режимига боғлиқ. Бу ерда гидродинамик режим дегандага оқимнинг тезлиги ва турбулентлик масштаби назарда тутилади.

## Молекуляр диффузиянинг дифференциал тенгламаси (Фикнинг 2-қонуни).

Бирор фазанинг оқимида ажратиб олинган элементар параллелепипед учун тарқалувчи модданинг моддий баланси кўриб чиқилади ва ундан конвектив диффузия ёки масса бериш жараёнининг тенгламасини келтириб чиқариш мумкин (5.3-расм).



**5.3-расм. Молекуляр диффузиянинг дифференциал тенгламасини келтириб чиқаришга оид.**

Элементар кичик параллелепипед орқали молекуляр диффузия йўли билан модда тарқалаётган бўлсин.

Агар,  $dydz$ ,  $dxdy$  ва  $dxdz$  томонлари орқали  $M_x$ ,  $M_z$  ва  $M_y$  микдорда моддалар ўтаётган бўлса, қарама-қарши томонлардан эса  $M_{x+dx}$ ,  $M_{z+dz}$  ва  $M_{y+dy}$  микдорда моддалар чиқади. Яъни, параллелепипеднинг элементар ҳажми  $dM = (M_x - M_{x+dx}) + (M_y - M_{y+dy}) + M_{z+dz}$  микдорда тарқалган модда ютиб олади. Бунда, модданинг концентрацияси  $(\partial C / \partial t) \partial t$  микдорга ортади. Фикнинг I қонунига биноан:

$$M_x = -D \frac{\partial \bar{C}}{\partial x} dydzd\tau$$

$$M = -D \frac{\partial \left( \bar{C} + \frac{\partial \bar{C}}{\partial x} dx \right)}{\partial x} dydzd\tau = -D \frac{\partial \bar{C}}{\partial x} dydzd\tau - D \frac{\partial^2 \bar{C}}{\partial x^2} dxdydzd\tau$$

демак:

$$M_x - M_{x+dx} = D \frac{\partial^2 \bar{C}}{\partial x^2} dxdydzd\tau$$

Худди шундай қилиб параллелепипеднинг қолган томонлари учун ҳам ўтган моддалар фарқини аниқлаб оламиз.

Параллелепипед билан ютилган умумий модда микдори:

$$dM = D \left( \frac{\partial^2 \bar{C}}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 \bar{C}}{\partial y^2} + \frac{\partial^2 \bar{C}}{\partial z^2} \right) dxdydzd\tau \quad (5.14)$$

Ушбу модда микдорини параллелепипед ҳажмини тарқалаётган модда концентрациясиянинг  $\partial t$  вақт ичida ўзгаришига кўпайтириб ҳам топса бўлади:

$$dM = dxdydz \frac{\partial \bar{C}}{\partial \tau} d\tau \quad (5.15)$$


(5.14) ва (5.15) ларни тенглаштириб, ўшбу қўринишдаги молекуляр диффузиянинг дифференциал тенгламасини оламиз:

$$\frac{\partial \bar{C}}{\partial \tau} = D \left( \frac{\partial^2 \bar{C}}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 \bar{C}}{\partial y^2} + \frac{\partial^2 \bar{C}}{\partial z^2} \right) \quad (5.16)$$

(5.16) тенглама Фикнинг 2-қонуни деб юритилади.  $\partial C / \partial t$  - фазода олинган исталган нүқтадаги концентрациянинг вақт бўйича ўзгариш тезлигини характерлайди.

**Масса беришнинг асосий қонуни.** Ушбу қонун қаттиқ жисмлар эришини ўрганиш пайтида рус олими Шукарев томонидан аниқланган. Бу қонунга биноан, фазаларни ажратиб турувчи юзадан бирор фаза ядроисига ёки тескари йўналишда масса бериш йўли билан ўтган модда миқдори фазалар концентрацияси фарқига фазага ва жараён давомийлигига тўғри пропорционалдир.

Диффузион чегаравий қатлам назариясига асосан тарқалувчи модда суюқлик оқими ядроисидан фазаларни ажратувчи юзага суюқлик конвектив оқимлари ва молекуляр диффузия йўли билан ўтади. Кўрилаётган системада оқим ядрои ва чегаравий диффузион қатламлар бор (5.4-расм). Фаза ядроиси



5.4-расм. Масса бериш тенгламасини келтириб чиқаришга оид.

ташқари, бу ер – умумий масса ўтказишга молекуляр диффузия тезлигининг таъсири кўпаядиган соҳадир.

$G$  фазадан  $L$  фазага тарқалаётган модда миқдори  $M$  бўлсин. Агар, фазалар ядроисидаги моддалар концентрациясини  $y_f$  ва  $x_f$  деб, фазаларни ажратиб турувчи юзадаги концентрацияларни эса –  $y_u$  ва  $x_u$  деб белгиласак, унда масса бериш жараённада ўтган модда миқдорларини куйидаги тенгламалардан аниқлаш мумкин:

$$dM = \beta_y (y_f - y_u) F d\tau; \quad dM = \beta_x (x_u - x_f) F d\tau \quad (5.17)$$

бу ерда  $\beta_y$ ,  $\beta_x$  – конвектив ва молекуляр оқимлар билан модда узатилишини характерловчи масса бериш коэффициентлари;  $y_u = y_M$  ва  $x_u = x_M$  деб қабул қилинади.

Масса бериш коэффициентининг ўлчов бирлиги қуйидагича:

$$[\beta] = \left[ \frac{M}{(y_f - y_u) F \tau} \right] = \left[ \frac{\kappa g m^3}{\kappa g m^2 coam} \right] = \left( \frac{m}{coam} \right)$$

Масса бериши коэффициенти вақт бирлигига жараённи ҳаракатга келтирувчи кучи бирга тенг бўлганда, юза бирлигидан фазаларни ажратувчи юзадан фазанинг ядроисига ёки тескари йўналишда ўтган модда миқдорини характерлайди.

Масса бериш коэффициенти фазаларнинг зичлиги, қовушоқлиги ва бошқа хоссаларига, суюқлик ҳаракат режимига, қурилманинг тузилиши ва ўтчамларига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам упинг қийматини тажриба ёки ҳисоблаш йўли билан аниқлаш қийин. Лекин, ҳар бир аниқ шароит ва суюқликлар учун  $\beta$  нинг қийматини тажриба йўли билан топиш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, масса бериш коэффициенти физик маъноси бўйича масса ўтказиш коэффициентидан фарқ қилса ҳам, лекин бир хил ўлчов бирлигига эга.

### 5.5. Қаттиқ жисм иштирокида масса алмашиниш

Бундай жараёнларга адсорбция, десорбция, кристалланиш, қуритиш, эритиш, қаттиқ материалардан экстракциялаш кабилар киради. Албатта, бу нотургун жараёнларнинг ўзига хос алоҳида хусусиятлари бор. «Қаттиқ жисм – суюқлик» системасида масса алмашиниш жуда мураккаб жараён деб ҳисобланади.

Фоваксимои қаттиқ жисмдан фазаларни ажратиб турувчи чегара орқали газ (ёки буғ) суюқлик мухитта ёки газ (ёки буғ) мухитдан қаттиқ жисмга мoddанинг тарқалиши, ўтказиш потенциали градиенти мавжуд бўлгандагина рўй беради. Башқача қилиб айтганда, «Қаттиқ жисм – суюқлик» системада масса ўтказиш жараёни ички ва ташки диффузиялардан ташкил топган бўлади. Бу системада масса алмашиниш жараёнига қаттиқ жисмнинг тузилиши катта таъсир кўрсатади. Маълумки, қаттиқ жисм мураккаб, геометрик система бўлиб, фоваклилик, полидисперслик, капиллярлар шакли ва ковакчаларни ўлчами бўйича тақсимланиши билан ажралиб туради.

Капилляр-ковакли тузилишига қараб қаттиқ жисмлар қуйидаги синфларга ажратилади: йирик ковакли ( $d_{np} \leq 100\text{nm}$ ); ўртача ковакли ва ультрамикровакли материалар бўлади.

«Қаттиқ жисм – суюқлик» системасида масса бериш жараёни билан **масса ўтказувчанлик** (қаттиқ жисмда модданинг тарқалиши) бир вақтда ўтади.

Бу системада кечадиган жараёнларнинг тезлиги вақт ўтиши билан молекуляр диффузия тезлигига қараганда камайиб бориш хосдир. Шунинг учун ушбу жараёнларни ифодалашда “сиқиқ диффузия” деган атамадан фойдаланилади.

Эритманинг “сиқиқ диффузия”си учун Кади ва Вильямслар томонидан ушбу формула таклиф этилган:

$$D_{cu} = D \frac{1}{1 + a \left( \frac{r}{R} \right)} \quad (5.18)$$

бу серда  $D_{cu}$  – «сиқиқ диффузия» коэффициенти;  $D$  – молекуляр диффузия коэффициенти;  $r$  – тарқалаётган молекула ўлчами;  $R$  - қаттиқ жисм ковакчаларининг кўндаланг ўлчами.


«Сиқиқ диффузия» ўрнига жараённи ҳар томонлама тўлиқ ифодаловчи умумий кинетик характеристика – масса ўтказувчанликни аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Унда, қаттиқ жисмда тарқалган модданинг узатилишини ифодаловчи қонун сифатида қабул қилиниш мумкин: қаттиқ жисмда масса ўтказувчанлик ҳисобига тарқалган масса миқдори концентрациялар градиенти, оқим йўналишига перпендикуляр юза ва жараён давомийлигига тўғри пропорционалдир, яъни:

$$dM = -k \frac{\partial c}{\partial x} dF dt \quad (5.19)$$

бу ерда  $k$  – масса ўтказувчанлик коэффициенти,  $\text{m}^2/\text{с}$ .


Ушбу коэффициент температура ва қаттиқ жисм да тарқалган модда концентрацияларига боғлиқдир.

5.5-расмда ғоваксимон қаттиқ жисмларнинг типик тузилишлари келтирилган. Кўринг’иб туриблики, бундай тузилиши жисмларда жараённинг кинетикиси турлича бўлиши табиийдир.



5.5-расм. Ғоваксимон жисмлар тузилиши модификациялари.

раси ўзгармайди ва у ҳўй термометр температурасига тенг бўлади. Материал устидаги буг босими эса, суюқликнинг тўйинган буғлари босимига баробардир. Шу даврда материалдан намликтининг буг ҳолатида чиқиб кетиши ўзгармас тезликда содир бўлади.



5.6-расм. Капилляр - ғовакли жисмда масса алмашиниш модели.

тезлиги масса ўтказувчанлик тезлиги билан белгиланади. Ўз навбатида, масса ўтказувчанлик тезлиги масса алмашиниш механизмига боғлиқдир.

Қаттиқ жисмдан намликтин десорбцияси мисолида масса алмашиниш жараёнини кўриб чиқамиз (5.6-расм).

Бошлигич вақт  $\tau = \tau_0$  да гластиналинг бутун ҳажмида концентрация ўзгармас бўлади ( $c = \text{const}$ ). Қаттиқ жисм билан масса алмашинувчи суюқлик фазада тарқалувчи модданинг концентрацияси ўзгармас ва  $y$  га тенгдир. Дастребки даврда, тарқалётган модда қаттиқ жисмдан суюқликка қараб ҳаракат қиласди.

Қаттиқ материалдан эркин боғланган намликтин чиқиб кетиши билан жисмнинг температу-

вақт ўтиши билан жисмнинг концентрацияси узлуксиз равишда пасайиб боради.

Бирор критик концентрация  $x_{kp}$ дан бошлаб, буғланиш зонаси жисмнинг ичига сурлади. Бу ҳол, албатта ўтказиш потенциали градиентининг камайишига ва жараённи секинлашувига олиб келади. Намликтин буғланиши на фақат ўзгарувчан координатали юзаларда бўлибгина қолмасдан, балки жисмнинг «аввалги» қатламларида ҳам боради. Лекин, жисмнинг ташки юзасига яқинлашган сари, жараён интенсивлиги камаяди. Бундай ҳол намликтин материал билан турли усулларда боғланганлигидан далолат беради.

Жараён тезлиги пасайиши даврида масса алмашиниш жараённинг

Қаттиқ фаза иштирок этадиган масса алмашиниш жараёнларининг энг мураккаби - бу қуритиш жараёнидир, чунки бунда масса ва иссиқлик алмашиниш жараёнлари бир вақтда рўй беради.

Масса ўтказувчанлик дифференциал тенгламаси иссиқлик ўтказувчанлик дифференциал тенгламасига ўхшаш келтириб чиқарилади ва у ушбу кўринишга эга:

$$\frac{\partial \bar{C}}{\partial \tau} = k \left( \frac{\partial^2 \bar{C}}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 \bar{C}}{\partial y^2} + \frac{\partial^2 \bar{C}}{\partial z^2} \right) \quad (5.20)$$

Кўриниб турибдики, масса ўтказувчанлик коэффициенти ўзгарувчан катталиқ ва у жараён тури (адсорбция, қуритиш, эритиши), қаттиқ жисм тузилиши ва молекуляр диффузия коэффициентига таъсир этувчи параметрларга боғлиқ.

(5.20) дифференциал тенглама фазаларни ажратувчи чегарасида масса ўтказиш шартларини белгиловчи тенглама билан биргаликда кўрилиши керак. Ушбу шартларни (5.19) тенгламани  $dM = \beta(y_u - y_m)F \cdot d\tau$  тенглама билан таққослаб топиш мумкин. Тенгламаларнинг ўнг томонларини бир-бирига тенглаб, ушбу кўринишга эга ифодани оламиз:

$$-k \frac{\partial \bar{C}}{\partial x} = \beta \Delta \bar{y} \quad (5.21)$$

Ўхшашлик назариясини қўллаб қўйидаги ўлчамсиз комплексни келтириб чиқарамиз:

$$Bi_A = \frac{\beta \cdot l}{k} \quad (5.22)$$

Ушбу комплекс **Био диффузион критерийси** деб номлнади.

Био критерийси қаттиқ фазадан юваб турувчи суюқ фазага модда тарқалиши тезлигининг масса ўтказувчанлик тезлигига нисбатани ифодалайди.

Масса ўтказувчанлик тенгламасидан Фурье диффузион критерийсини келтириб чиқариш мумкин:

$$Fo_A = \frac{k\tau}{l^2} \quad (5.23)$$

Фурье критерийси қаттиқ жисм ичидаги масса алмашиниш тезлигининг вақт ўтиши билан ўзгаришини характерлайди.

(5.21) тенглама таҳдили шуни кўрсатадики, масса ўтказиш тезлиги масса ўтказувчанлик ва масса беришга боғлиқ. Экстракция жараёнининг масса ўтказишга таъсiri З хил бўлади:

масса бериш жараёни тезлиги масса ўтказиш тезлигига нисбатан анча катта. Бунда масса ўтказиш тезлиги масса ўтказувчанлик орқали топилади;

- масса ўтказувчанлик тезлиги масса бериш жараёни тезлигига нисбатан анча катта бўлади. Бунда масса ўтказиш тезлиги масса бериш жараёни  $\beta$  асосида ҳисобланади;

масса ўтказувчанлик ва бериш жараёнларининг тезлигини ўзаро солиштириш мумкин бўлади. Бунда масса ўтказишнинг тезлигини топишда  $D_u$  ва  $\beta$  коэффициентлар ҳисобга олинади.

Қаттиқ жисмдан керакли компонентни ажратиб олиш мураккаб жараёндир. Бунда, қаттиқ жисм ичидаги атроф – муҳитда концентрациялар миқдори вақт давомида ёки қурилманинг узунлиги бўйича ўзгартириб туради (5.6-расм).

Қаттиқ жисмда концентрациялар миқдорининг ўзгариш тезлигига куйидаги омиллар сабабчи бўлади:

1. Қаттиқ жисм ва тарқалаётган мoddанинг диффузия хоссалари, бу хоссалар масса ўтказувчанлик коэффициенти  $D_u$  орқали ифодаланади;
2. «Қаттиқ жисм – суюқлик» чегарасида масса ўтказиш шароитлари;
3. Қаттиқ жисм ва суюқ фазалар миқдорларининг нисбати

$$\frac{C_0 - C_0'}{C_0' - C_0} = n$$

билин ифодаланади.

бу ерда  $C_0'$  ва  $C_0$  – жараённинг бошланиш ва охирида суюқ фазадаги экстракцияланган мoddанинг концентрациялари;  $C_0$  ва  $C_0'$  жараённинг бошланиши ва охирида қаттиқ фазадаги экстракцияланиши зарур бўлган мoddанинг концентрацияси;  $n=W/N$  – ўзаро тўқнашиш ҳолатида бўлган суюқлик миқдори  $W$  нинг қаттиқ жисм миқдори  $N$  га нисбати.

4. Қаттиқ материал заррачаларининг суюқлик билан ўзаро таъсир қилиш усули;

5. Қаттиқ материал заррачаларининг шакли ва ўлчамлари.

Масса ўтказувчаник йўли билан масса алмашиниш жараённинг ўхшашигини ифодалашда геометрик ўхшашик ҳам инобатга олиниши зарур.

Бир ўлчамли оқим учун масса ўтказувчанликнинг критериал тенгламасини куйидагича ёзиш мумкин:

$$\frac{C - C_M}{C_0 - C_M} = f\left(Bi_{\lambda}, Fo_{\lambda}, \frac{x}{\delta}\right) \quad (5.24)$$

бу ерда  $C$  – вакт моменти  $\tau$  да қаттиқ фазанинг берилган нуқтасидаги концентрацияси;  $C_0$  - қаттиқ фазадаги бошлангич концентрация;  $C_M$  - қаттиқ фазадаги экстракциялаётган мoddанинг мувозанат концентрацияси;  $\delta$  - қаттиқ жисмнинг аниқловчи ўлчами;  $x$  - қаттиқ жисмнинг берилган нуқтасидаги координатаси.

(5.24) тенгламанинг ечими фақат энг оддий шаклдаги жисмлар (шар, цилиндр ва чексиз пластина) учун бор.

“Қаттиқ жисм – суюқлик” системасида масса ўтказиш жараёнини ифодалаш учун масса ўтказишнинг асосий тенгламасидан фойдаланиш мумкин. Унда, масса ўтказиш коэффициенти ушбу формуладан ҳисобланади:

$$\frac{1}{K} = \frac{1}{\beta_y} + \frac{1}{(\psi + n) \cdot km} \quad (5.25)$$

бу ерда  $\psi$  - шакл коэффициенти, пластина учун 1 га, цилиндр учун 2 ва шар учун 3 тенг;  $n$  – даража кўрсаткичи.

Ташки диффузия соҳасида жараён ўтказилганда ва  $Bi_{\lambda} \leq 3,0$  бўлганда (5.25) формула ушбу кўринишни олади:

$$K \approx \beta_y \quad (5.25a)$$

Ушбу ҳолатда жараён тезлиги фақат ички диффузия омиллари билан аниқланади.

Иссиқлик ва масса алмашиниш жараёнлари биргаликда содир бўлганда, иссиқлик ва масса бериш коэффициентларини топиш учун ушбу критериал тенглама тавсия этилади:

$$Nu = A \cdot Re^n \cdot Pr^{0.33} \cdot Gu^{0.175} \quad (5.26)$$

бу ерда  $Gu$  – адиабатик шароитда суюқликнинг ҳажмий бугланишини характерловчи Гүхман критерийиси. Константа  $A$  ва даражаси күрсаткичи  $n$  қурилмадаги гидродинамик режимга боғлиқ бўлади.

### 5.6. Конвектив диффузиянинг дифференциал тенгламаси

Диффузион чегаравий қатлам назариясига биноан, суюқлик оқими фазаларни ажратувчи чегарасида тарқалаётган модда молекуляр диффузия ва бевосита суюқлик оқими билан узатилади (5.7-расм). Кўрилаётган системада оқимни 2 қисмдан иборат деб ҳисобласа бўлади, яъни ядро ва чегаравий диффузион қатламдан. Турбулентлик анча юқори бўлганда ҳам, ядрода модданинг тарқалиши асосан суюқлик ҳаракати туфайли рўй беради. Турғун режимда ушбу кўндаланг кесимда тарқалувчи модда концентрацияси ўзгармасдир. Чегаравий диффузион қатламга яқинлашган сари, турбулентлик даражаси пасаяди. Шунинг учун, фазаларни ажратувчи чегарада модданинг тарқалиши асосан молекуляр диффузия ҳисобига ўтади. Ундан ташқари, бу зонага яқинлашиш билан концентрациялар градиенти ҳам ортади.

Шундай қилиб, чегаравий диффузион қатлам – бу концентрация градиенти ҳосил бўладиган ва ортадиган, ҳамда молекуляр диффузия қийматининг минимумдан максимумгacha кўпаядиган зонасидир.

Конвектив диффузия жараёнида фазанинг элементар ҳажмида тарқалувчи модданинг концентрацияси ҳам молекуляр диффузия, ҳам механик ҳаракат таъсири остида ўзгаради. Бундай ҳолларда, тарқалаётган модданинг концентрацияси  $x, y, z$  координаталар ва вақт  $t$  нинг функцияси бўлиб қолмай, балки элемент силжиш тезлиги  $w_x, w_y$  ва  $w_z$  ларга ҳам боғлиқ бўлади.


Молекуляр диффузия йўли билан модданинг тарқалиши (5.16) тенглама ёрдамида топилади.

Конвектив диффузия пайтида эса, элемент фазонинг бир нуқтасидан иккинчисига кўчади. Бунда, элементда тарқалаётган модда концентрациясининг ўзгариши субстанционал ҳосила орқали ифодаланади:

$$\frac{D\bar{c}}{Dt} = \frac{\partial \bar{c}}{\partial t} + \frac{\partial \bar{c}}{\partial x} w_x + \frac{\partial \bar{c}}{\partial y} w_y + \frac{\partial \bar{c}}{\partial z} w_z \quad (5.27)$$

Ушбу	тенгламадаги	қўшилувчилар	йиғиндиси
$\frac{\partial \bar{c}}{\partial x} w_x + \frac{\partial \bar{c}}{\partial y} w_y + \frac{\partial \bar{c}}{\partial z} w_z$	концентрациянинг конвектив ўзгаришини		
$\frac{\partial \bar{c}}{\partial t}$	эса – локал ўзгаришини характерлайди.		

Молекуляр диффузия ҳисобига тарқалаётган модданинг ортиши (5.16) тенглама ёрдамида аниқланади. Агар, (5.16) ва (5.27) тенгламаларни тенглаш-



5.7-расм. Конвектив диффузия  
концентрациянинг  
минимумдан максимумгача  
кўпаядиган зонаси.

тирсак ва концентрациянинг локал ўзгариши  $\frac{\partial \bar{C}}{\partial \tau}$  ни (5.27) даги тўлиқ  $\frac{D\bar{C}}{\partial \tau}$  га алмаштирасак, конвектив диффузиянинг дифференциал тенгламасини келтириб чиқариш мумкин:

$$\frac{\partial \bar{C}}{\partial \tau} + \frac{\partial \bar{C}}{\partial x} w_x + \frac{\partial \bar{C}}{\partial y} w_y + \frac{\partial \bar{C}}{\partial z} w_z = D \left( \frac{\partial^2 \bar{C}}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 \bar{C}}{\partial y^2} + \frac{\partial^2 \bar{C}}{\partial z^2} \right) \quad (5.28)$$

Фазаларни ажратувчи чегара атрофида фазадан фазага тарқалаётган модда миқдори конвектив диффузия қонуни (5.17) ёрдамида аниқланади. Юқорида айтилгандек, фазаларни ажратувчи юза олдида, модданинг бир фазадан иккинчисига ўтиши эса, молекуляр диффузия (5.10) ҳисобига амалга ошади.

(5.10) ва (5.17) тенгламаларни бир-бирига тенглаштириб, ушбу формулали оламиз:

$$\beta \Delta \bar{C} = -D \frac{\partial \bar{C}}{\partial x} \quad (5.29)$$

Бу ерда  $\Delta \bar{C} = \bar{C}_u - \bar{C}_f$  жараённи ҳаракатга келтирувчи күч.

**Конвектив диффузиянинг критериал тенгламалари.** Бундай формулалар (5.28) ва (5.29) тенгламалардан келтириб чиқарилади. Диффузион критерийларни олиш учун ўхшашлик назариясидан фойдаланамиз. (5.29) тенгламадан ўлчамсиз  $\beta \Delta \bar{C} / D \partial \bar{C} / \partial x$  комплексни оламиз ва баъзи қисқартиришлардан сўнг Нуссельт диффузион критерийсини ҳосил қиласиз:

$$Nu_{\mathcal{A}} = \frac{\beta \cdot l}{D} \quad (5.30)$$

Бу ерда  $\beta$  - масса бериш коэффициенти;  $l$  - аниқловчи ўлчам;  $D$  - молекуляр диффузия коэффициенти.

(5.28) тенгламанинг иккала қисмини  $D \partial^2 \bar{C} / \partial x^2$  га бўлиб, ушбу ўлчамсиз комплексни олиш мумкин:

$$\frac{\partial \bar{C} \cdot \partial x^2}{\partial \tau \cdot \partial^2 \bar{C}} \quad \text{ва} \quad \frac{\partial \bar{C} \cdot w_x \cdot \partial x^2}{\partial x \cdot D \cdot \partial^2 \bar{C}}$$

Булардан эса Фурье диффузион критерийси:

$$Fo_{\mathcal{A}} = \frac{D\tau}{l^2} \quad (5.31)$$

ва Пекле диффузион критерийси:

$$Pe_{\mathcal{A}} = \frac{wl}{D} \quad (5.32)$$

келтириб чиқарилади.

Бу ерда  $\tau$  - жараён давомийлиги;  $w$  - оқим тезлиги.

Фуръе критерийси вақт ўтиши билан тарқалаётган масса оқими тезлиги ўзгаришини ифодалайди ва нотургун масса бериш жараёнларни характерлайди.

Пекле критерийси ўхаш системаларнинг ўхаш нұқталариңа конвектив ва молекуляр диффузиялар орқали ўтәтган массаларнинг нисбатини ифодалайди.

Пекле критерийсінің ўзгартырыб, ушбу күринишида ёзамиз:

$$Pe = \frac{wl}{D} = \frac{wl}{\nu} \cdot \frac{\nu}{D} = Re \cdot Pr_D$$

бу ерда

$$Pr_D = \frac{\nu}{D} \quad (5.33)$$

Прандтл критерийсі физик катталиклар майдонларининг ўхашлигини характерлайди ва моддалар физик хоссалари нисбатининг ўзгармаслигини ифодалайди.

Масса бериш жараёнынің характеристовчи ўхашлик критерийлари аниқланғандан сүнг, конвектив диффузиянинг умумий критериал тенгламаси тузылиши мүмкін:

$$f(Re, Gr, Nu_D, Pr_D, Fo_D) = 0 \quad (5.34)$$

Нуссельтнинг диффузион критерийсі асосий аниқланувчи критерий бўлгани учун (5.34) тенгламани қўйидагича ёзиш мүмкін:

$$Nu_D = f(Re, Gr, Pr_D, Fo_D) \quad (5.35)$$

(5.39)даги Грасгоф критерийси эркин конвекция пайтида конвектив диффузиянің характеристорлайди.

Агар, жараён тургун бўлса, умумий критериал тенгламадан, Фуръе критерийси туширилиб қолдирилади:

$$Nu_D = f(Re, Gr, Pr_D) \quad (5.36)$$

Суюқлик оқимининг мажбурий ҳаракати пайтида эркин конвекцияни ҳисобга олмаса бўлади. Бу ҳолда (5.36) тенгламадан Грасгоф критерийси тушиб қолади:

$$Nu_D = f(Re, Pr_D) \quad (5.37)$$

Критериал тенгламалардан аниқланған Нуссельт критерийсі қийматларидан масса бериш коэффициентини ҳисоблаб топиш мүмкін:

$$\beta = \frac{Nu \cdot D}{l} \quad (5.38)$$

Масса бериш коэффициентларининг қийматлари ёрдамида масса ўтказиш коэффициенти  $K$  ни топиш мүмкін.

Гидродинамик ўхашлик асосида масса бериш коэффициенти  $\beta$  ни оқим ўртаса тезлиги  $w$  га нисбатини аниқлаш мүмкін. Бу ўлчамсиз катталик Стантон диффузион критерийси деб номланади ва ушбу күринишига эга:


$$St_D = \frac{\beta}{w} = \frac{Nu_D}{Pe_D} = \frac{\beta \cdot l/D}{w \cdot l/D} \quad (5.39)$$

Стантон критерийсі турбулент оқимдарда масса бериш жараёнида концентрация ва тезлик майдонлари ўхшашлигини характерлайды.

### 5.6.1. Масса алмашиниш жараёни механизми

Маълумки бирор модда массасининг иккінчи фазага ажратиб турувчи юза орқали ўтиши **масса ўтказиш** деб номланади. Бу жараён жуда мураккаблар, чунки масса бериш ва турбулент оқимларнинг гидродинамик қонуниятлари яхши ўрганилмаган.

5.8-расмда суюқлик ва газ (бут) ёки иккала фаза орасида масса ўтказиш жараёнини тушунтирувчи схема көлтирилган.



**5.8-расм. Масса ўтказиш жараёнида фазаларда концентрациялар тақсимланиш схемаси.**

ни рўй беради.

Маълумки, масса алмашиниш жараёни ҳар бир фазадаги оқим турбулентлик тузилиши билан узвий равища боғлиқ.

Гидродинамикадан маълумки, суюқлик оқимининг девор яқинида ҳаракат пайтида чегаравий қатлам ҳосил бўлади. Ҳар бир фаза ядро ва чегаравий қатламдан ташкил топган бўлади. Фаза ядроидан мoddанинг тарқалиши кўпчилик ҳолларда турбулент пульсация ёрдамида амалга ошади ва тарқалувчи мoddанинг концентрацияси, 5.8-расмда кўрсатилгандек, ўзгармас бўлади. Чегаравий қатламда эса, турбулентлик аста секин сўниб, концентрация эса ўзгариб боради. Ажратувчи юзага яқинлашган сари, концентрация ўзгариши кескинлашади. Бевосита ажратувчи юзада мoddанинг тарқалиш тезлиги жуда кичик бўлади ва у молекуляр диффузиянинг тезлигига боғлиқ бўлиб қолади. Фазалараро ишқаланиш ва сиртий таранглик кучлари таъсирида ажратувчи юза яқинида концентрация кескин, тўғри чизиқли қонун бўйича ўзгаради.

Шундай қилиб, суюқлик оқимининг турбулент ҳаракати пайтида фаза ядроидан ажратувчи юзагача ёки тескари йўналишда массасининг берилиши ҳам молекуляр, ҳам турбулент диффузиялар усулида боради. Лекин, тарқалётган массасининг асосий қисми турбулент диффузия усулида ўтади.

Демак, масса алмашиниш жараёнини интенсивлаш учун оқим турбулентлик даражасини кўпайтириб, чегаравий қатлам қалинлигини камайтириш зарур.

Фазалар бир - бирига нисбатан турбулент режимга оид тезликка ҳаракат қўлимоқда ва улар ўртасида ажратувчи юза мавжуд.

Тарқалувчи модда массаси **M** фаза  $\Phi_M$  (аммиакнинг ҳаво билан арапашмаси)дан суюқ фаза  $\Phi_X$  (сув) га ўтмоқда. Шундай қилиб,  $\Phi_M$  фаза ядроидан фазаларни ажратиб турувчи юзага ва ажратиб турувчи юзадан  $\Phi_X$  фазанинг ядроига масса бериш жараёни содир бўлади.

Ажратувчи юза қаршилигини (агар унинг миқдори сезиларли бўлса) енгиб, бир фазадан иккинчисига масса ўтади, яъни масса ўтказиш жараёнини рўй беради.

Маълумки, оқим турбулентлик даражасини қўпайтириш учун суюқлик тезлигини ошириш керак бўлса, чегаравий қатлам қалинлигини камайтириш учун аралаштириш, пульсация, тебраниш, электромагнит майдон ёки ультратовуш каби усувларни қўлаш мумкин.

### 5.6.2. Масса ўтказиш ва беріш коэффициентлари ўргасидаги боғлиқлик

Ишчи ва мувозанат концентрациялари орасида чизиқли боғлиқлик шароитида, бирор  $G$  фазадан  $L$  фазага масса ўтказиш жараёнини кўриб чиқамиз (5.4-расм). Фазаларни ажратувчи чегарада мувозанат ҳолатига эришилади деб қабул қиласиз.

$G$  фазадан фазаларни ажратувчи чегаравий юзага тарқалган модда миқдори ушбу тенгламадан топилади:

$$dM = \beta \cdot y(y - y_v) \cdot dF$$

Фазаларни ажратувчи чегаравий юзадан  $L$  фаза ядросига берилган модда миқдори эса қуйидаги тенгламадан аниқланади:

$$dM = \beta_x(x_v - x) \cdot dF$$

Мувозанат концентрация  $y_m = m \cdot x$  эканлиги маълум бўлгани учун,  $L$  фазадаги концентрация  $x$  ни  $G$  фазадаги мувозанат концентрацияси орқали ифодаласа мумкин:

$$dM = \beta_x(x_v - x) \cdot dF = \frac{\beta_x}{m} (y_{mv} - y_m) \cdot dF$$

бундан:

$$y_{mv} - y_m = \frac{dM \cdot m}{\beta_x dF}; \quad y - y_v = \frac{dM}{\beta_y dF}$$

Юқорида келтирилган охирги икки тенгламаларнинг чап ва ўнг томонларининг йигиндиси, ҳамда  $y_v = y_{mv}$  га тенглигини ҳисобга олсак ушбу кўринишлаби тенгламани оламиз:

$$y - y_m = \frac{dM}{dF \left( \frac{m}{\beta_x} + \frac{1}{\beta_y} \right)} \quad (5.40)$$

Масса ўтказишнинг асосий тенгламасидан:

$$y - y_m = \frac{dM}{dF} \cdot \frac{1}{K} \quad (5.41)$$

(5.40) ва (5.41) тенгламаларни ўнг томонларини тенглаштириб, ушбу кўринишга эга бўламиз:

$$\frac{1}{K_y} = \frac{m}{\beta_x} + \frac{1}{\beta_y} \quad \text{ёки} \quad K_y = \frac{1}{\frac{m}{\beta_x} + \frac{1}{\beta_y}} \quad (5.42)$$

Худди шу усулда  $L$  фаза учун масса ўтказиш коэффициентини аниқлаш формуласини келтириб чиқарамиз:

$$\frac{1}{K_x} = \frac{1}{m\beta_y} + \frac{1}{\beta_x} \quad \text{ёки} \quad K_x = \frac{1}{\frac{1}{m\beta_y} + \frac{1}{\beta_x}} \quad (5.43)$$

Бу тенгламаларнинг чап томонлари массанинг бир фазадан иккинчисига ўтиши учун умумий диффузион қаршилики, ўнг томонлари эса – фазалардаги масса бериш жараёнлари диффузион қаршиликларнинг йигиндисини ифодалайди. Шунинг утун ҳам, (5.42) ва (5.43) тенгламалар фазавий қаршиликларнинг *аддитивлик тенгламалари* деб юритилади.

$K_y$  ва  $K_x$  коэффициентлар  $K_y = K_x/m$  тенглик билан боғлиқ бўлади. Масса ўтказиш коэффициентларнинг қиймати масса бериш коэффициентларининг сон қийматлари ва мувозанат чизигининг қиялик бурчаги билан белгиланади. Масса бериш коэффициентлари критериал тенгламалардан аниқланади.

### 5.6.3. Масса алмашиниш жараёнларининг моделлари

Масса бериш механизми бир вақтда ҳам молекуляр, ҳам конвектив усулларда масса ўтиш билан характерланади. Масса ўтказиш эса, ундан ҳам мураккаб жараёндир, чунки фазаларни ажратувчи чегаранинг иккала томонида масса бериш жараёнлари рўй беради. Шу кунгача фазалар орасидаги ҳаракатчан юза чегарасида боралиган масса ўтказиш жараёнининг назарияси яратилмаган. Шунинг учун ҳам масса ўтказиш механизмининг бир қатор соддалаштирилган назарий моделлари ишлаб чиқилган.

Кўпчилик моделлар қуйидаги таҳминлар асосида яратилган:

1. Бир фазадан иккинчисига масса ўтиш жараёнидаги умумий қаршилик иккала фаза ва уларни ажратувчи юза қаршиликларининг йигиндисига тенг. Лекин, кўпинча ажратувчи юзадаги қаршилик нольга тенг деб ҳисобланади. Унда, умумий қаршилики фазалар қаршиликлари йигиндиси деб қарашиб мумкин;

2. Ажратувчи юзада фазалар мувозанат ҳолатида бўлади.

**Юпқа қатламли модель.** Бу модель энг биринчиларидан бўлиб, Льюис ва Уитменлар томонидан таклиф этилган. Ушбу модельга биноан, ҳар бир фазада унинг бевосита чегарасига қўзғалмас ёки ламинар ҳаракатланувчи юпқа қатлам ёндашиб туради.

Юпқа қатламда масса фақат молекуляр диффузия усулида тарқалади. Масса беришга қаршиликнинг ҳаммаси юпқа қатламда мужассамлашган. Шунинг учун, концентрациялар градиенти фақат чегаравий юпқа қатлам ичидаги ўтиши бўлади, чунки фазалар ядросида концентрациялар ўзгармас ва сон жиҳатидан ўргача концентрацияларга тенгдир.

Ундан ташқари, юқорида қабул қилинган таҳминлар бу модельга ҳам тааллуқли. Шундай қилиб, ушбу модель схемасининг 5.8-расмдагидан фарқи шундаки, чегаравий қатламда турбулент пульсациялар ёрдамида аралаштириш тўғри чизиқ қонунига бўйсинади.

Юпқа қатламли модельга биноан, вақт бирлигида тарқалган масса миқдори қуйидаги тенгламадан аниқланиши мумкин:


$$M = \frac{D}{\delta_{\phi}} (C_0 - C_\infty) \quad (5.44)$$

бу ерда  $C_0$  ва  $C_\infty$  – фаза ядроси ва уларни ажратиб турувчи чегарадаги концентрациялар;  $\delta$  – чегаравий юпқа қатламнинг эффектив қалинлиги;  $D/\delta_{\phi}$  – масса бериш тезлигини характерловчи коэффициент.

Ушбу модельда ажратувчи юза атрофидаги гидродинамик шароитлар анча соддалаштирилган. Молекуляр ва турбулент диффузияларни ажратиб турувчи чегарасида турбулент пульсацияларнинг сўниши, системанини физик ва геометрик катталиклари ҳисобга олинмаган. Шу сабабларга кўра, кўпчилик тажрибаларда олинган натижаларда **M-D** боғлиқлик исботланмаган.

Ундан ташқари, чегаравий қатламнинг эффектив қалинлигини ўлчаш ёки формулалар ёрдамида ҳисоблаш қўйин.

**Диффузион чегаравий қатламли модель.** Ушбу модельда фазаларни ажратувчи чегара яқинидаги шароитлар аниқроқ ҳисобга олинган (5.9-расм).



5.9-расм. Фазадаги оқимнинг тузилиши ва концентрациянинг ўзгариши.

усулида тарқаладиган массанинг микдори молекуляр диффузияникига қараганда нисбатан кўп. Фақат диффузион қатлам  $\delta$  дагина массанинг ўтиши бутунлай молекуляр диффузия йўли билан тарқалади.

Диффузион қатламда концентрация кескин ўзгаради ва бу ўзгариш тўғри чизик бўйича боради.

Қовушоқ қатлам қалинлиги ва  $\delta_0$  диффузион қатлам қалинлиги  $\delta$  ўртасида қўйидаги боғлиқлик бор:

$$\delta = \left( \frac{D}{\nu} \right)^{\frac{1}{m}} \cdot \delta_0 \quad (5.45)$$

$\delta$  нинг қийматини (5.44) га қўйиб, ушбу тенгламани оламиз:

$$M = \frac{D^{\frac{m-1}{m}}}{\nu^{\frac{1}{m}} \delta_0} (C_0 - C_u) \quad (5.46)$$

бу ерда  $\nu$  - кинематик қовушоқлик;  $m$  - фазаларни ажратувчи чегарада турбулент диффузия усулида масса тарқалишининг сўниш қонуниятини ифодаловчи даражада кўрсаткич.

Кўпинча, тажриба йўли билан аниқланади ва «қаттиқ жисм – суюқлик» системаси учун  $m=3$ , «суюқлик – газ», «суюқлик – суюқлик» системаси учун –  $m = 2$  ва (5.46) тенгламага асосан  $M \sim D^{0,66}$ , ҳамда  $M \sim D^{0,5}$ .

Шундай қилиб, турбулентлик аста-секин ва узлуксиз радиалда сүниб боради ва қаттиқ жисм юзаси яқинида пульсацион тезлик нольга тенглашади,  $\varepsilon_D = 0$

Харакатчалық ажратувчи юзага эта бүлган «суюқлик газ» ва «суюқлик суюқлик» системаларидағи сиртій таранглик күчләри, худди қаттиқ юзада ишқаланиш күчи каби таъсир этади. Лекин, шу күнгача турбулент пульсацияларнинг сўниш қонуни топилмаганлиги учун ***m*** нинг қийматини назарий йўл билан аниқлаб бўлмайди.

Юқорида кўриб чиқилган моделларда модда ўтиши узлуксиз деб таҳмин қилинган. Лекин, тўқнашиш юзасининг янгиланиш модели (Данквертс ва Кишиневскийлар томонидан яратилган) да масса алмашиниш жараёни узлукли бўлади, яъни вақт ўтиши билан ўзгариб туради.

Кишиневский М.Х томонидан таклиф этилган модельга биноан, фазаларни ажратувчи чегарагача масса беришда молекуляр турбулент диффузия биргаликда боради деб қабул қилинади. Шунинг учун, бу модельда ўтаётган масса миқдори куйидаги формуладан ҳисобланади:

$$M = 2 \sqrt{\frac{D + \varepsilon_d}{\pi \tau}} (C_0 - C_s) \quad (5.47)$$

бу ерда  $\tau$  - фазаларнинг тўқнашиш вақти;  $C_0 - C_s$  - фазалар чегараси ва ядроидаги концентрациялар фарқи.

Данкверс моделига биноан, фазаларни ажратувчи юзалар чегарасида модданинг тарқалиши фақат молекуляр диффузия ҳисобига боради деб қабул қилинган. Лекин, ҳар бир элемент янгиси билан алмашиш эҳтимоли бор деб қаралади. Шу билан бирга, элементларнинг ажратувчи юзада бўлиш вақти бир хил эмас ва модданинг тарқалиши экспоненциал қонунга бўйсинади, яъни (5.47) тенглама ушбу кўринишни олади:

$$M = \sqrt{Ds} (C_0 - C_s)$$

бу ерда  $s$  – вақт бирлиги ичидаги янгиланаётган юзанинг улуши,  $\text{c}^{-1}$ .

Маълумки, турбулент ҳаракат шу күнгача мукаммал ўрганилмаган. Шунинг учун ҳам, аниқ ва мукаммал масса ўтказиш моделлари ишлаб чиқилмаганлиги учун (5.17) тенглама ишлатилади.


#### 5.6.4. Масса алмашиниш жараёнларини ҳаракатга келтирувчи куч

Иссиқлик алмашиниш жараёнларида каби, масса алмашинишда ҳам фазалар йўналиши параллел, қарама қарши, ўзаро кесишган ва мураккаб бўлиши мумкин.

Маълумки, фазалар ҳаракатининг ўзаро йўналиши ва уларнинг таъсир қилиш усули масса алмашиниш жараёнининг ҳаракатга келтирувчи куч қийматини белгилайди. Фазалар, ажратувчи юза бўйича ҳаракатланганда, уларнинг концентрацияси ўзгаради. Бу ҳол эса ўз навбатида ҳаракатга келтирувчи кучнинг ўзгаришига олиб кетади. Шунинг учун, масса ўтказишнинг асосий тенгламасида ўртача ҳаракатга келтирувчи куч катталиги ишлатилади.

**Масса ўтказиш жараёнининг ўртача ҳаракатта келтирувчи кучи.** Ушбу кучнинг ифодаланиши мувозанат чизиги тўғри ёки эгри чизик шаклида эканлигига боғлиқ.

Қарама қарши йұналишли колоннада масса алмашиниш жараёнини күриб чықамиз (5.10-расм).



**5.10-расм. Масса ўтказиш жараёнининг ўртаса ҳаракатта келтирувчи күчини аниқлашга оид.**

Жараён қуидаги шарттарға амал қылған ҳолатда юз бермоқда:

- 1) мувозанат эгри чизиги  $y^* = f(x)$ ;
- 2) фазалар сарфлари ўзгармас ( $G = \text{const}$ ,  $L = \text{const}$ ), яъни ишчи чизик түгри чизик функциясыидир.
- 3) масса ўтказиш коэффициенти қурилманинг баландлиги бўйича ўзгармайди, яъни  $K_x = \text{const}$ ,  $K_y = \text{const}$ .

Масса ўтказиш жараёнида  $dF$  элементар юзадан  $\Phi_y$  фазанинг концентрацияси  $dy$  га камаяди ва тарқалган масса  $dM$  нинг микдори қуидаги аниқланади:

$$dM = -Gdy$$

Тенглама ўнг томонидаги манфий ишора  $\Phi_y$  фазадаги концентрациянинг камайишини ифодалайди.

Худди шу микдордаги  $dM$  масса  $\Phi_x$  фазага ўтиб, унинг концентрациясини  $dx$  қийматта оширади. Унда,  $dF$  элементар юза учун масса ўтказиш тенгламасини ушбу кўринишда ёзиш мумкин:

$$dM = -Gdy = K_y(y - y^*) \cdot dF \quad (5.48)$$

Ўзгарувчи  $y$  ва  $F$  қийматларни ажратиб (5.48) тенгламани интегралласак (концентрация бўйича  $y_b$  дан  $y_{ox}$  гача, тўқнашиш юзаси бўйича  $O$  дан  $F$  гача), қуидаги тенгламани оламиш:

$$\int_{y_{ox}}^{y_b} \frac{dy}{y - y^*} = \int_0^F \frac{K_y}{G} dF$$

бундан

$$\int_{y_{ox}}^{y_b} \frac{dy}{y - y^*} = \frac{K_y}{G} F \quad (5.49)$$

Моддий баланс тенгламасига биноан, бутун қурилма учун бир фазадан иккинчисига ўтган модда массаси қуидаги тенгламадан аниқланади:

$$M = G \cdot (y_b - y_{ox})$$

Охирги ифодадаги  $G$  нинг қийматини (5.49) тенгламага қўйсак, ушбу кўринишга эришамиз:

$$\int_{y_{ox}}^{y_b} \frac{dy}{y - y^*} = \frac{K_y \cdot F}{M} (y_b - y_{ox})$$

бундан:

$$M = K_y F \frac{y_6 - y_{ox}}{\int_{y_{ox}}^{y_6} \frac{dy}{y - y^*}} \quad (5.50)$$

(5.50) тенгламани (5.4) билан таққослаб, (5.50) тенгламанинг охирги күпайтмаси масса алмашиниш жараённинг ўртача ҳаракатга келтирувчи кучини ифода этишини биламиз:

$$\Delta y_{yp} = \frac{y_6 - y_{ox}}{\int_{y_{ox}}^{y_6} \frac{dy}{y - y^*}} \quad (5.50a)$$

Худди шундай  $\Phi_x$  фазадаги  $\Delta x_{yp}$  ни қуйидагич ифодалаш мумкин:

$$\Delta x_{yp} = \frac{x_{ox} - x_6}{\int_{x_6}^{x_{ox}} \frac{dx}{x^* - x}} \quad (5.50b)$$

Мувозанат чизиги тўғри чизик ( $y^* = mx$ ) функцияси бўлган ҳолда ўртача логарифмик ёки арифметик катталик сифатида аниқлаш мумкин.

Шундай қилиб,  $\Phi_y$  фазаси учун масса ўтказишнинг ўртача ҳаракатга келтирувчи кучи ушбу тенглама билан ифодаланади:

$$\Delta y_{yp} = \frac{(y_6 - y_6^*) - (y_{ox} - y_{ox}^*)}{\ln \frac{y_6 - y_6^*}{y_{ox} - y_{ox}^*}} = \frac{\Delta y_{ka} - \Delta y_{ku}}{2,3 \lg \frac{\Delta y_{ka}}{\Delta y_{ku}}} \quad (5.51)$$

$\Phi_x$  фазаси учун масса ўтказишнинг ўртача логарифмик ҳаракатга келтирувчи кучини эса қуйидаги тенглама орқали топиш мумкин:

$$\Delta x_{yp} = \frac{(x_{ox}^* - x_{ox}) - (x_6^* - x_6)}{\ln \frac{x_{ox}^* - x_{ox}}{x_6^* - x_6}} = \frac{\Delta x_{ka} - \Delta x_{ku}}{2,3 \lg \frac{\Delta x_{ka}}{\Delta x_{ku}}} \quad (5.52)$$

Агар  $\Delta y_{ka} / \Delta y_{ku} < 2$  бўлган шароитда, техник ҳисоблашлар учун етарли аниқликда, масса ўтказишнинг ўртача ҳаракатга келтирувчи кучи, ўртача арифметик қиймат сифатида топилади:

$$\Delta y_{yp} = \frac{\Delta y_{ka} + \Delta y_{ku}}{2} \quad (5.53)$$

Худди шундай,  $\Phi_x$  фазаси учун:

$$\Delta x_{yp} = \frac{\Delta x_{ka} + \Delta x_{ku}}{2} \quad (5.54)$$

**Ўтказиш бирлигининг сони.** (5.50a) ва (5.50b) тенгламалари маҳражидаги интеграл ўтказиш бирлигининг сони деб номланади ва у  $n_{oy}$ ,  $n_{ox}$  билан белгиланади:

$$n_{oy} = \int_{y_{ox}}^{y_6} \frac{dy}{y - y^*}$$

$$n_{ox} = \int_{x_6}^{x_{ox}} \frac{dx}{x^* - x}$$

(5.55) тенгламадан күриниб турибдики, ўтказиш бирлигининг сони ва ўртача ҳаракатга келтирувчи куч ўртасида маълум боғлиқлик бор:

$$\begin{aligned} n_{oy} &= \frac{y_6 - y_{ox}}{\Delta y_{yp}} \\ n_{ox} &= \frac{x_{ox} - x_6}{\Delta x_{yp}} \end{aligned} \quad (5.56)$$

Шундай қилиб, ўтказиш бирлиги сони жараённинг ўртача ҳаракатга келтирувчи кучига тескари пропорционалдир.

**Ўтказиш бирлигининг баландлиги.** Фараз қилайлик,  $\Phi_y$  фазадан  $\Phi_x$  га масса ўтказиш жараёни содир бўлиб, ўртача ҳаракатга келтирувчи куч  $\Phi_y$  фаза концентрациясида ифодаланганда, тарқалган модда  $M$  миқдори ушбу тенгламадан аниқланади:

$$M = G \cdot (y_6 - y_{ox})$$

бу ерда  $G - \Phi_y$  фаза сарфи.

Ундан ташқари, тарқалган модда миқдори ҳажмий масса ўтказиш коэффициенти орқали ифодаланган масса бериш тенгламаси ёрдамида топилиши мумкин:

$$M = K_y \cdot aS H \Delta y_{yp}$$

Агар, охирги икки тенгламаларнинг ўнг томонларини тенглаштирасак, ушбу ифодани оламиз:

$$K_y \cdot aS H \Delta y_{yp} = G (y_6 - y_{ox})$$

бундан, қурилманинг ишчи баландлиги:

$$H = \frac{G}{K_y \cdot aS} \cdot \frac{y_6 - y_{ox}}{\Delta y_{yp}} \quad (5.57)$$

(5.57) тенглама ўнг томонидаги биринчи кўпайтмасини  $n_{oy}$  деб белгилаб, (5.49) ва (5.55) тенгламаларни ҳисобга олган ҳолда қуидагига эришамиз:

$$h_{oy} = \frac{H}{n_{oy}} = \frac{HG}{K_y F}$$

Агар, фазалар тўқнашиш юзаси  $F = aSH$  эканлигини инобатга олсак:

$$h_{oy} = \frac{HG}{K_y aSH} = \frac{G}{K_y \cdot aS} \quad (5.58)$$

ёки

$$h_{ox} = \frac{L}{K_x \cdot aS}$$

$K_y \cdot a = K_v$  ва  $G/S = W$  – суюқлик массавий тезлиги, бўлгани учун:

$$h_{oy} = \frac{W}{K_v}$$

ёки

$$h_{ox} = \frac{L}{K_v} \quad (5.59)$$

Шундай қилиб, ўтказиш бирлигининг баландлиги битта ўтказиш бирлигига эквивалент бўлган қурилма баландлигини ифодалайди. Ўтказиш бирлигининг баландлиги масса ўтказишининг ҳажмий коэффициентига тескари пропорционалдир. Демак, қурилмада масса ўтказиш интенсивлиги қанчалик юқори бўлса, ўтказиш бирлигининг баландлиги шунчалик кичик бўлади.

Ўтказиш бирлиги баландлиги узунлик ўлчов бирлиги (м) ёрдамида ўлчанади.

**Ажратиб олиш коэффициенти.** Масса алмашиниш жараёни нуқтаи назаридан қаралганча, қурилманинг самарадорлиги тарқалувчи компонентни газ (ёки суюқлик) фазадан ажратиб олиш даражаси ёрдамида характерланади.

Қурилмада бир фазадан иккинчисига ўтган компонент ҳақиқий массасининг максимал ўтиши мумкин бўлган компонент массасига нисбати масса алмашиниш қурилмаларининг асосий характеристикаси бўлиб, **ажратиб олиш ёки бойитиши коэффициенти** деб номланади.

$$\varphi = \frac{y_b - y_{ox}}{y_b - y_{ox}^*} \quad (5.60)$$

### 5.7. Масса алмашиниш қурилмаларининг асосий ўлчамларини ҳисоблаш

Масса алмашиниш қурилмаларини технологик ҳисоблаш уларнинг асосий ўлчамлари: қурилма унумдорлигини характеристиковчи – диаметр ва унда рўй берадётган жараён интенсивлигини ифодаловчи – ишчи баландликлар аниқланиши зарур.

**Қурилма диаметри.** Ушбу параметрни ҳисоблаш учун суюқлик сарфи тенгламасидан фойдаланилади:

$$V = Fw_0$$

бу ерда  $V$  – фазанинг ҳажмий сарфи;  $w_0$  – фазанинг соҳта тезлиги;  $F$  – қурилма кўндаланг кесимининг юзаси.

Думалоқ кўндаланг кесим юзаси  $F = \pi D^2 / 4$  Демак:

$$V = \frac{\pi D^2}{4} w_0$$

Бундан қурилманинг диаметри:

$$D = \sqrt{\frac{4V}{\pi w_0}} \quad (5.61)$$

Одатда,  $V$  катталик берилган бўлади ва қурилма диаметрини аниқлаш учун тегишли фазанинг соҳта тезлигини танлаш зарур. Фаза тезлигини танлаш қуйидаги талаблар асосида амалга оширилади: суюқлик оқимининг тезлиги ортиши билан масса ўтказиш коэффициенти кўляяли; суюқлик тезлиги ортиши билан масса ўтказиш коэффициенти кўляяли;

ши билан қурилманинг гидравлик  $\cdot$  тиги ҳам ошади; гидравлик қаршилик ортиши билан жараённи ўтказиш учун зарур энергия сарфи кўпаяди. Шунинг учун газ ёки суюқликнинг оптимал тезлигини топиш техник-иктисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқдир. Лекин, амалиётда соҳта тезликни ҳисоблаб чиқиш ва унинг максимал қийматини топиш билан чегаралинади.

**Курилма баландлиги.** Масса алмашиниши қурилмасининг баландлиги жараёнда иштирок этувчи фазалар тўқнашуви узлуксиз ёки погонали бўлишига қараб аниқланиши мумкин.

Узлуксиз тўқнашишли қурилманинг баландлиги. Фазалари узлуксиз тўқнашувда бўлган қурилмаларда унинг баландлиги ҳажмий масса ўтказиш коэффициенти орқали ифодаланган масса ўтказиш формуласи асосида ҳисоблаш мумкин:

$$M = K_y \cdot a \cdot V \cdot \Delta y_{yp} \quad (5.62)$$

ёки

$$M = K_x \cdot a \cdot V \cdot \Delta x_{yp} \quad (5.63)$$

Қурилманинг ишчи ҳажми:

$$V = FH$$

бу ерда  $F$  - қурилма кўндаланг кесими юзаси, м;  $H$  - қурилманинг ишчи баландлиги, м.

Агар,  $V$  нинг қийматини (5.63) га қўйиб, тенгламани  $H$  га нисбатан ечсақ, қурилманинг баландлигини топамиш:

$$H = \frac{M}{K_y \cdot a \cdot F \cdot \Delta y_{yp}} \quad (5.64)$$

ёки

$$H = \frac{M}{K_x \cdot a \cdot F \cdot \Delta x_{yp}}$$

(5.64) тенгламадан  $H$  ни аниқлашда солишишторма юза  $a$  ва масса ўтказишнинг сиртий коэффициенти ( $K_y$  ёки  $K_x$ ) ни ёки ушбу қатталикларнинг кўпайтмаси бўлмиш ҳажмий масса ўтказиш коэффициенти  $K_y$  ни билиш керак.

Қурилманинг ишчи баландлигини аниқлашда ўтказиш бирлиги сони ёрдамида ҳам топиш мумкин, яъни:

$$H = h_{oy} \cdot n_{oy}$$

ёки

$$H = h_{ox} \cdot n_{ox} \quad (5.65)$$

Погонали тўқнашишли қурилманинг баландлиги. Бундай турдаги қурилмаларнинг, шу жумладан, тарелкали колонналарнинг баландлиги ҳажмий масса ўтказиш коэффициенти орқали ифодаланади.

Лекин,  $K_y$  ни аниқлаш учун керакли ҳаракатчан фаза ҳажмини топиш жуда қийин. Шундай учун,  $H$  ни ҳисоблашда қурилма погоналарининг сони аналитик ёки график усулда топилиши мумкин.


Қурилманинг ишчи баландлиги погоналарнинг ҳақиқий сони орқали аниқланиши мумкин:

$$H = n_x \cdot h$$

бу ерда  $h$  – погоналар орасидаги масофа.

**Погоналар сонини аниқлашынгы аналитик усул.**  $n$  - погонали, қарама-қарши йұналиши, колоннали қурилмада масса алмашиниң жараёнини күриб чиқамиз (5.11-расм).

Колонна тарелкасында  $y_{n-1}$  концентрациялы  $G$  газ фаза ва  $x_{n+1}$  концентрациялы  $L$  суюқ фаза узатылмоқда. Масса алмашиның натижасында газ фазаның концентрациясы  $y_n$  миқдорға пасайса, суюқ фазаның  $x_n$  миқдорға күпаяди. Тарелкадан чиқиб кетаётган газ  $y_n$  ва ундан оқыб тушаётган суюқлик  $x_n$  таркибларынинг мувозанат ҳолаты концентрациялари мувозанат чизигида  $B$  нүкта билан ифодаланади (5.11-расм).



5.11-расм. Тарелкада масса алмашиниң (а) ва жараённи  $y$ - $x$  координатларында тасвирлаш

б – тарелка мувозанат бўлган шароитда – идеал жараён; в – тарелкада мувозанат бўлмаган шароитда – ҳақиқий жараён.

Назарий погонада газ фазаси концентрациясининг ўзгаришига  $A_1B$  вертикал чизиқ тўғри келади. Суюқ фазада концентрацияның  $x_n$  дан  $x_{n+1}$  гача ўзгариши  $BA_2$  горизонтал чизиқ билан ифодаланади.

Шундай қилиб,  $A_1BA_2$  “погона” назарий тарелкада иккала фазалар концентрацияларининг ўзгаришини тасвирлайди. Колоннали қурилмаларда назарий тарелкалар сонини аниқлаш учун бошлангич ва охирги концентрациялар оралигида кетма-кет шундай “погоналар” қурилади.

Ҳақиқий тарелкалар сонини топиш учун қурилманиң ф.и.к. дан фойдаланилади. Ушбу коэффициент ҳақиқий тарелкадаги масса алмашиниң жараёнининг реал кинетикасини ҳисобга олади ва тарелкалар тузилишига қараб  $\eta=0,5...0,8$  ораликда бўлади.

Ф.и.к. ҳисобга олинган ҳолларда, тарелкаларнинг ҳақиқий сони ушбу нисбатдан топилади:

$$n_x = \frac{\eta_H}{\eta} \quad (5.66)$$

бу ерда  $\eta_H$  – назарий тарелкалар сони;  $\eta$  – ф.и.к.

Тарелкалар ф.и.к. унинг тузилишига, газ ва суюқликларнинг физик – кимёвий хоссаларига, ҳамда оқимлар гидродинамикасига боғлиқдир.

Шуни назарда тутиш керакки, назарий тарелкалар сони ёрдамида қурилма баландлигини аниқлаш таҳминий усул бўлиб ҳисобланади. Бундан, фақат масса ўтказиш коэффициенти ёки ф.и.к. нинг ишончли қийматлари бўлмаган ҳолатларда фойдаланиш мумкин.

Кўпинча, масса алмашиниң жараёнларида мувозанат ҳолатига эришиб бўлмайди. Шунинг учун, ҳақиқий тўқнашиш погоналарини аниқлаш бу жараёнларда асосий масаладир.

Поғонанинг самарадорлиги фазанинг поғонадаги концентрациялар ўзгаришини шу фазанинг поғонага киришдаги ҳаракатга келтирувчи кучни нисбати билан белгиланади.

$n$  - поғона тарелкасидаги концентрациянинг ўзгариши  $y_{n-1} - y_n$  фарқи билан (5.11в-расм,  $A_1B$  кесма), суюқликни идеал аралаштириш пайтидаги ҳаракатга келтирувчи куч эса,  $y_{n-1} - y_{np}$  (5.11в-расм,  $A_1C$  кесма) фарқи билан ифодаланади.

Үнда, поғоналарнинг самарадорлиги ёки ф.и.к. қуийдагича ҳисобланади:

$$E_y = \frac{y_{n-1} - y_n}{y_{n-1} - y_{np}} \quad (5.67)$$

Курилма баландлиги эса ушбу нисбатдан топилади:

$$H = \frac{n_x \cdot h_x}{\eta} \quad (5.68)$$

$y > y_{np}$  бўлганда,  $n$  - тарелка учун ҳаракатга келтирувчи куч қуийдагича аниқланади:

$$\Delta y_{np} = \frac{(y_{n-1} - y_{np}) - (y_n - y_{np})}{\ln \frac{y_{n-1} - y_{np}}{y_n - y_{np}}} = \frac{y_{n-1} - y_n}{\ln \frac{y_{n-1} - y_{np}}{y_n - y_{np}}} \quad (5.69)$$

Ўтказиш бирлигининг сони эса,

$$m_y = \ln \frac{y_{n-1} - y_{np}}{y_n - y_{np}} \quad (5.70)$$

бундан

$$e^{m_y} = \frac{y_{n-1} - y_{np}}{y_n - y_{np}} \quad (5.71)$$

5.11-расмдан кўриниб турибдики,  $e^{m_y} = AC/BC$  ёки  $BC = AC e^{-m_y}$ . Агар,  $e^{-m_y}$  маълум бўлса,  $BC$  кесма бўйича  $B$ ,  $B_1$ ,  $B_2$  нуқталар ўрнини топиш мумкин.  $B$ ,  $B_1$ ,  $B_2$ , ... нуқталарни бирлаштириб, ҳар бир тарелкадан чиқишдаги фазанинг концентрациясини ифодаловчи жараённинг кинетик чизигини оламиз.

Масса ўтказиш коэффициенти  $\beta_y$  ва  $\beta_x$  ларни ҳисобга олган ҳолда аниқланади:

$$K_y = \frac{1}{\frac{1}{\beta_y} + \frac{m}{\beta_x}}$$

Шундай қилиб,  $K_y$  ва  $e^{-m_y}$  қийматларни, ҳамда  $CB$  кесмани ҳисоблаб, кинетик чизик ўрнини топиш мумкин.

Поғоналар самадорлиги ва ўтказиш бирлигининг сони орасида эса қуийдаги боғлиқлик бор:

$$e^{-m_y} = 1 - \frac{y_{n-1} - y_n}{y_n - y_{np}} = 1 - E_y \quad (5.72)$$

бундан

$$E_y = 1 - e^{-m_y} \quad (5.73)$$

# АБСОРБЦИЯ

## 5.8. Умумий түшүнчалар

Газ ёки буғларни газ ёки буғли аралашмалардаги компонентларининг суюқликда ютилиш жараёни **абсорбция** деб номланади. Ютилаётган газ ёки буғ **абсорбтив**, ютувчи суюқлик эса – **абсорбент** деб аталади. Ушбу жараён селектив ва қайтар жараён бўлиб, газ ёки буғ аралашмаларини ажратиш учун хизмат қиласди.

Абсорбтив ва абсорбентларнинг ўзаро таъсирига қараб, абсорбция жараёни 2 га бўлинади: физик абсорбция; кимёвий абсорбция (ёки хемосорбция).

Физик абсорбция жараёнида газнинг суюқлик билан ютилиши пайтида кимёвий реакция юз бермайди, яъни кимёвий бирикма ҳосил бўлмайди. Агар, суюқлик билан ютилаётган газ кимёвий реакцияга киришса, бундай жараён **хемосорбция** дейилади.

Маълумки, физик абсорбция кўпинча қайтар жараён бўлгани сабабли, яъни суюқликка ютилган газни ажратиб олиш имкони бўлади. Бундай жараён **десорбция** деб номланади. Абсорбция ва десорбция жараёниларини узлуксиз равишда ташкил этиш, ютилган газни соф ҳолда ажратиб олиш ва абсорбентни кўп марта ишлатиш имконини беради.

Абсорбция жараёни саноат корхоналарища утгисводородли газларни ажратиш, сульфат, азот, хлорид кислоталар ва аммиакли сувларни олишда, газ аралашмаларидан қимматбаҳо компонентларни ажратиш ва бошқа ҳолларда кент миқёсда ишлатилади.

Абсорбция жараёни иштирок этадиган технологияларни қурилмалар билан жиҳозлаш мураккаб эмас. Шунинг учун, кимё, озиқ – овқат ва бошқа саноатларда абсорберлар кўп қўлланилади.

## 5.9. Абсорбция жараёнининг физик асослари

Газ фаза суюқлик билан ўзаро таъсири натижасида иккита фаза ( $\Phi=2$ ) ва учта компонент, яъни тарқатувчи модда ва иккита модда ташувчи ( $K=3$ ) лардан иборат система ҳосил бўлади.

Фазалар қоидасига биноан, бундай система 3 та эркинлик даражасига эга:

$$C = K + 2 - \Phi = 3 + 2 - 2 = 3$$

Системадаги фазавий мувозанатни белгиловчи асосий учта параметрлар қуйидагилардир: босим, температура ва концентрация. Демак, «газ -суюқлик» системада иккала фазанинг босими  $p$ , температураси  $t$  ва концентрацияси  $x$  ўзгариши мумкин. Абсорбция жараёни ўзгармас босим ва температурада бораётган бўлса, бир фазада тарқалаётган мoddанинг ҳар бир концентрациясига, иккинчи фазадаги аниқ концентрация тўғри келади.

Ўзгармас температура ( $t=\text{const}$ ) ва умумий босимли шароитда мувозанат концентрациялари орасидаги боғлиқлик Генри қонуни билан ифодаланади. Бу қонунга биноан, бирор температурада эритмадаги эритма устидаги газ парциал босими, унинг моль улушига тўғри пропорционалдир:

$$p = Ex$$

ёки

$$x = \frac{P}{E} \quad (5.74)$$

бу ерда  $P$  – мувозанат ҳолатидаги эритмада  $x$  концентрацияли ютилаётган газнинг парциал босими;  $E$  – Генри контантаси.

Генри контантаси абсорбтив ва абсорбентларнинг хосса тарига, ҳамда температурага боғлиқ бўлади:

$$\ln E = -\frac{q}{RT} + C \quad (5.75)$$

бу ерда  $q$  – газнинг эриш иссиқлиги, кЖ/кмоль;  $R = 8,325$  кЖ/(кмоль·К) – универсал газ доимийси;  $T$  – абсолют температура, К,  $C$  – ютаётган суюқлик ва газларнинг табиятига боғлиқ бўлган ўзгармас катталик.

(5.75) тенгламадан кўриниб турибдики, температура ортиши билан газнинг суюқлика эриши камаяди.

Дальтон қонунига биноан, газ аралашмасидаги компонентнинг парциал босими, ушбу компонент моль улушининг умумий босимга кўпайтирилганига тенгдир, яъни:

$$p = P \cdot y \quad \text{ва} \quad y = \frac{p}{P} \quad (5.76)$$


бу ерда  $P$  – газ аралашмасининг умумий босими;  $y$  – тарқалаёттан модданинг аралашмадаги концентрацияси; моль улуши.

(5.74) ва (5.76) тенгламаларни таққослаб, қуйидаги ифодага келамиз:

$$y = \frac{P}{P} = \frac{E}{P} x$$

ёки фазавий мувозанат контантаси  $E/P$  ни  $m$  орқали белгилаб, қуйидаги ифодани оламиз:

$$y = m \cdot x \quad (5.77)$$



**5.12-расм. Турли температураларда ( $t_1 > t_2 > t_3$ ) газнинг суюқлика эриши.**

аралашма газ компонентининг ҳар бири Генри қонунига бўйсунади.

Абсорбция жараёни нисбий моль концентрацияларда ҳам ҳисобланиши мумкин. Бунда, газ фазасининг суюқликдаги кичик концентрациялари  $x$  да Генри қонуни ушбу кўринишида ёзилади:

$$Y = m \cdot X$$

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўта суюлтирилган эритмалар, ҳамда кичик босимларда ўз хоссалари бўйича идеал суюқликларга ўхшаш эритмалар ҳам Генри қонунига бўйсунади.

Юқори концентрацияли эритмалар ва катта босимларда газ билан суюқликнинг ўзаро мувозанат ҳолати Генри қонунига бўйсунмайди, чунки фазаларнинг мувозанат концентрациялари орасидаги боғлиқлик эгри чизиқ билан ифодаланади.

### 5.10. Адсорбциянинг моддий баланси ва кинетик қонуниятлари

Адсорбция жараёнининг моддий баланси қўйилдаги кўринишдаги умумий тенглама билан ифодаланади:

$$-G \cdot (dy) = L \cdot dx$$

Охирги тенгламани бошлангич ва охирги концентрациялар оралигига интеграллагандан сўнг, ундан абсорбент сарфини (кмоль/с) аниқлаш мумкин:

$$L = G \frac{y_b - y_{ox}}{x_{ox} - x_b} \quad (5.78)$$

1 кмоль инерт газ учун зарур солиширма сарф:

$$l = \frac{L}{G} \cdot \frac{y_b - y_{ox}}{x_{ox} - x_b} \quad (5.79)$$

Абсорберда концентрациянинг ўзгариши (5.8) ва (5.9) тенгламалар билан ифодаланади. Жараён ишчи чизиги  $y-x$  координаталарида тўғри чизиқ кўринишида бўлади. Унинг қиялик бурчаги тангенси  $I = L/G$ .

Абсорбент солиширма сарфининг абсорбер ўлчамига ва суюқ фазада тарқалётган модданинг охирги концентрациясига таъсирини кўриб чиқамиз.

Абсорберда фазалар йўналиши параллел деб қабул қиласиз.

$y-x$  координаталарнинг  $B$  нуқтасида аниқланадиган суюқ фазада тарқалётган модданинг бошлангич концентрацияси  $x_b$ , газ фазасидаги бошлангич концентрация  $y_b$  охиргиси эса  $y_{ox}$  (5.13-расм).

Фазалар мувозанат ҳолати  $y_m = f(x)$  тенгламага биноан турли қиялик бурчаги остида бир нечта ишчи чизиқлар ўтказамиз. Расмдаги  $A_1$ ,  $A_2$ ,  $A_3$  нуқталар газ фаза ва абсорбентдаги бошлангич ва охирги концентрацияларни характерлайди. Жараённи ҳаракатга келтирувчи кучи ишчи ва мувозанат чизиқлар ўртасидаги фарқ билан аниқланади, яъни  $\Delta y = y - y_m$ . Бутун қурилма учун ўртача ҳаракатга келтирувчи куч ўртача логарифмик қиймат сифатида топилади. Агар, ишчи чизиқ  $BA$  вертикал чизиқ билан устма-уст тушса, ҳаракатга келтирувчи куч энг катта қийматга эга бўлади. Агар, (5.79) тенгламага  $x_{ox} = x_b$  қўйилса, абсорбентнинг сарфи чексиз бўлади.

Бошқа ҳолатда эса, яъни ишчи чизиқ  $BA_3$  мувозанат чизиги билан туваши, абсорбентнинг сарфи минимал ва туваши нуқтасида ҳаракатга келтирувчи куч нольга тенг бўлади, чунки  $y_b = y_m$ .

Биринчи ҳолатда абсорбернинг ўлчамлари минимал бўлади, чунки абсорбентнинг чексиз сарфида  $\Delta y_{\text{макс}}$  максимал қийматга эгадир. Иккинчи ҳолатда эса, абсорбентнинг сарфи минимал бўлганда абсорбентнинг ўлчамлари чексиз бўлади.

Масса алмашиниш, шу жумладан, адсорбция жараённада ҳам мувозанатга эришиб бўлмайди, чунки ҳар доим ( $x_{ox} < x_m$ ). Демак, абсорбентнинг сарфи

жар доим минимал қийматдан катта бўлиши керак. Абсорбентнинг минимал сарфини қуидаги тенгламадан топиш мумкин:

$$l_{\min} = \left( \frac{L}{G} \right)_{\min} - \frac{y_{\delta} - y_{ox}}{x_{kp} - x_{\delta}} \quad (5.80)$$

Абсорбентнинг оптимал сарфи техник-иқтисодий ҳисоблашлар асосида аниқланади.


1 кмоль газни ютиш учун зарур сарфлар газ ва эксплуатация нархи  $S_1$ , амортизация ва таъмирлаш учун сарфлар, энергия нархи  $S_2$ , газни узатиш ва десорбция  $S_3$  га кетадиган ҳаражатлар йиғиндисига тенг:

$$S = S_1 + S_2 + S_3$$


Маълумки, *S<sub>1</sub>* катталик абсорбентнинг солиширма сарфига боғлиқ эмас. Агар, *I* ортса, абсорбернинг ишчи баландлиги ва унинг гидравлик қаршилиги камаяди. Лекин, бунда қурилманинг диаметри катталашади.

Шундай қилиб,  $S_2 = f(l)$  функция мінimumга эга бўлиши мумкин.

Абсорбентнинг солишиштирма сарфи  $I$  ошиши билан газни узатиш ва десорбциясига кетадиган сарфлар  $S_3$  кўпаяди. 5.14-расмда юқорида келтирилган боғлиқликлар характеристикалари тасвиirlанган. Ҳамма эгри чизиқлар ординаталарини қўшсак, 1 кмоль газни абсорбция қилиш учун зарур сарфлар йигиндиси эгри чизигини оламиз. Ушбу эгри чизиқнинг минимуми, абсорбент оптималь солишиштирма сарфига тўғри келади.



### **5.13-расм. Абсорбентният солищ-тирма сарфани аник-лапига оид.**



## 5-14-расм. Абсорбенттинг оптимал солиширма сарғани аңылшашга оид.

**Абсорция жараёнининг асосий тенгламаси** абсорция жараёни икки фазали системаларнинг масса ўтказиш тенгламаси билан ифодаланиши мумкин:

$$M = K_v F \Delta y_{vp} \cdot \tau$$

ёки

$$M = K_x F \Delta x_{vp} \cdot \tau$$

Күпинча, абсорбция жараёнининг масса ўтказиш тенгламасида, ҳаракатга келтирувчи куч  $y_u$ , босимлар фарқи билан ифодаланади:

$$M = K_v(p - p_v) \cdot F\tau$$

ёки

$$M = K_u \cdot \Delta p_{yp} \quad F\tau \quad (5.81)$$

бу ерда  $p$  - газ аралашмасыда тарқалаёттган газнинг ишчи парциал босими;  $p_m$  - абсорбент устидаги газнинг мувозанат босими;  $K_u$  - масса ўтказиш коэффициенти;  $M$  - газ фазасидан суюқ фазага ўтган масса миқдори;  $\Delta p_{yp}$  - жараённи ҳаракатта келтирувчи күчи.

Агар, мувозанат чизиги түғри бўлса, жараённинг ўртача ҳаракатга келтирувчи күчи ушбу формуладан топилади:

$$\Delta p_{yp} = \frac{\Delta p_{ka} - \Delta p_{ku}}{2,3 \lg \frac{\Delta p_{ka}}{\Delta p_{ku}}}$$

бу ерда  $\Delta p_{ka} = p_b - p_{ox}$  ва  $\Delta p_{ku} = p_{ox} - p_b$  абсорбернинг охирги қисмларидағи ҳаракатга келтирувчи кучлар;  $p_b$  ва  $p_{ox}$  абсорберга кираётган ва чиқаётган газнинг парциал босими;  $p_{ox}^*$ ,  $p_b^*$  - абсорберга кираётган ва чиқаётган газнинг мувозанат парциал босими.

Абсорбция жараёнида масса алмашиниш механизми қуйидагича: ҳар бир фаза асосий масса ва чегаравий юпқа қатламдан иборат бўлади. Асосий массага ютиловчи компонент конвектив диффузия йўли билан ўтади.

Иккала чегаравий юпқа қатламда эса, ютиловчи компонентнинг ўтиши молекуляр диффузия усулида боради. Шунинг учун, абсорбция жараёнида масса ўтказишга бўлган қаршилик чегаравий юпқа қатламлар йифиндисидан иборат бўлади. Суюқ, юпқа қатламдаги масса ўтказишга бўлган қаршилик  $1/\beta_y$ , газдаги эса -  $m/\beta_x$  бўлса, масса ўтказиш коэффициенти ушбу тенгламадан ҳисобланади.

$$K_y = \frac{1}{\frac{1}{\beta_x} + \frac{m}{\beta_y}} \quad (5.82)$$

$$K_x = \frac{1}{\frac{1}{\beta_x} + \frac{1}{\beta_y m}} \quad (5.83)$$

бу ерда  $\beta_y$  - газ оқимидан фазаларни ажратувчи юзасига масса бериш коэффициенти;  $\beta_x$  - фазаларни ажратувчи юзадан суюқлик оқимига масса бериш коэффициенти;  $m$  - пропорционаллик коэффициенти, абсорбтив ва абсорбент хоссаларига ва температурага боғлиқ.

Коэффициент  $m$  нинг катталиги масса ўтказиш тенгламасининг тузилишига ҳам таъсир этади. Яхши эрийдиган газлар учун  $m$  нинг қиймати жуда кичик бўлади. Шунинг учун, суюқлик фазасидаги диффузион қаршилик ҳам кичикдир.  $1/\beta_y > m/\beta_x$  бўлгани учун, (5.82) тенглама қуйидагича ёзилади:

$$K_y \approx \beta_y$$

Қийин эрийдиган газлар учун пропорционаллик коэффициент  $m$  нинг қиймати жуда каттадир. Шунинг учун газ фазасидаги диффузион қаршиликни

инобатта олмаса ҳам бўлади.  $1/\beta_x > 1/\beta_y$  бўлгани учун, (5.83) тенглама куидагича ёзилади:

$$K_x \cong \beta_x$$

яъни, ҳамма диффузион қаршилик суюқ фазада мужассамланган бўлади.


### 5.11. Абсорбция жараёнини олиб бориш усууллари

Халқ хўжалигининг турли тармоқларида абсорбция жараёнини ташкил этишда қуидаги принципиал схемалар қўлланилади:

- параллел йўналиши;
- қарама - қарши йўналиши;
- бир поғонали, қисман рециркуляцияли;
- кўп поғонали, қисман рециркуляцияли.

**Параллел йўналиши** схема 5.15a-расмда кўрсатилган. Бунда газ оқим ва абсорбент параллел (бир хил) йўналишда ҳаракатланади. Абсорберга киришда, абсорбтив концентрацияси катта бўлган газ фаза, абсорбтив концентрацияси паст бўлган суюқ фаза билан тўқнашувда бўлса, қурилмадан чиқишида эса абсорбтив концентрацияси кичик бўлган газ фаза, абсорбтив концентрацияси юқори бўлган суюқлик билан ўзаро таъсирда бўлади.

**Қарама - қарши йўналиши** схема 5.15b-расмда кўрсатилган.



5.15-расм. Абсорбция схемалари ва жараёнини

у-х координатларда тасвирлаш.

- а - параллел;
- б - қарама - қарши;
- в - абсорбент рециркуляцияси билан;
- г - абсорбтив рециркуляцияси билан.

чамлари катта бўлади.

**Абсорбент ёки газ фазанинг рециркуляцияли схемалари** (5.15в,г расм). Бундай схемаларда абсорбент кўп марта ўтади.

5.15в расмда абсорбент бўйича рециркуляцияли схема келтирилган. Бунда, газ фаза абсорбернинг тепа қисмидан кириб, паст қисмидан чиқиб кетса, суюқ фаза эса қурилмадан бир неча марта қайтариб ўтказилади. Абсорбент қурилманинг тепа қисмига узатилади ва газ фазасига қарама - қарши йўналишда ҳаракатланади. Янги,  $x_b$  концентрацияли абсорбент абсорбердан чиқаётган суюқ фаза билан аралашishi натижасида унинг концентрацияси  $x_c$  га кўтарилади. Жараённинг ишчи чизиги у-х диаграммада **AB** тўғри чизиги билан ифодаланади. Абсорбтивнинг аралаштиришдан кейинги концентрацияси  $x_c$  ни моддий баланс тенгламасидан топиш мумкин.

Ушбу схемали абсорберларнинг бир учида абсорбтив концентрацияси юқори газ ва суюқлик тўқнашувда бўлса, иккинчи учида эса - концентрациялари паст фазалар ўзаро таъсирда бўлади.

Қарама-қарши йўналиши схемаларда параллел йўналишига қараганди, абсорбентдаги абсорбтив энг юқори қийматига эришса бўлади. Лекин, жараённинг ўргача ҳаракатга келтирувчи кучи параллел йўналишига нисбатан кам бўлгани учун, қарама-қарши йўналиши абсорбернинг габарит ўл-

Агар, абсорберга киришдаги абсорбент миқдорини янги абсорбент миқдорига нисбатини  $n$  деб белгиласак, моддий баланс тенгламаси ушбу күринищда ёзилади:

$$G \cdot (y_{\delta} - y_{ox}) = L \cdot (x_{ox} - x_{\delta}) = Ln \cdot (x_{ox} + x_c)$$

бундан

$$x_c = \frac{x_{ox}(n - 1) + x_{\delta}}{n} \quad (5.84)$$

Газ фазасы рециркуляциялы абсорбция схемаси 5.15-расмда көлтирилген. Ишчи чизик ҳолати  $A_c$  ( $y_{\delta}$ ,  $x_{ox}$ ) ва  $B$  ( $y_{ox}$ ,  $x_{\delta}$ ) нүкталари билан белгилана-ди.  $y_c$  концентрация моддий баланс тенгламасидан аниқланади:

$$y_c = \frac{y_{ox}(n - 1) + y_{\delta}}{n} \quad (5.85)$$


Абсорбент ҳаракат тезлиги ортиши билан масса бериш коэффициенти күпаяди, бу эса ўз навбатида масса ўтказиш коэффициентини ўсишига олиб келади.

Қийин эрувчан газларни абсорбция қилиш пайтида абсорбентни рециркуляция қилиш усулини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Агар, абсорбтив рециркуляция қилса, газ фазасида масса бериш коэффициенти күпаяди. Бу усул яхши эрийдиган газларни абсорбция қилишда юқори самара беради.

## 5.12. Абсорберлар конструкциялари

Абсорбция жараёни фазаларни ажратувчи юзада содир бўлади. Шунинг учун ҳам, суюқлик ва газ фазалар тўқнашувда бўладиган абсорберлар юзаси иложи борича катта бўлиши керак. Масса алмашиниши юзаларини ташкил этиш ва лойиҳалаш бўйича абсорберлар 4 гуруҳга бўлинади: сиртий ва юпқа қатламили абсорберлар; насадкали абсорберлар; барботажли абсорберлар; пурковчи абсорберлар.

**Сиртий абсорберларда** ҳаракатланаётган суюқлик устига газ узатилади. Бундай қурилмаларда суюқлик тезлиги жуда кичик ва тўқнашув юзаси кам бўлган учун бир нечта қурилма кетма - кет қилиб ўрнатилади.



5.16-расм. Сиртий абсорбер.

- 1 - тақсимлагич;
- 2- труба;
- 3- остона.

Абсорбция жараёнида ҳосил бўлаётган иссиқликни ажратиб олиш учун трубалар тақсимлаш мосламаси 2 дан оқиб тушаётган сув билан ювилиб туради. Совутувчи сувни бир меъёрда тақсимлаш учун тишли тақсимлагич 1 қўлланилади. Бу тур-

даги абсорберлар яхши эрийдиган газларни ютиш учун ишлатилади.

Суюқлик ва газ қарара қарши йўналишда ҳаракатлантирилади. 5.16 расмда горизонтал трубалардан таркиб топган ювилиб турувчи абсорбер тасвирланган. Трубалар ичидә суюқлик оқиб ўтса, унга тескари йўналишда газ ҳаракат қиласи. Трубалар ичидаги суюқлик сатҳи остона 3 ёрдамида бир хил баландликда ушлаб турилади.

Абсорбция жараёнида ҳосил бўлаётган иссиқликни ажратиб олиш учун трубалар тақсимлаш мосламаси 2 дан оқиб тушаётган сув билан ювилиб туради. Совутувчи сувни бир меъёрда тақсимлаш учун тишли тақсимлагич 1 қўлланилади. Бу тур-

**Юпқа қатламли абсорберлар** ихчам ва юқори самаралидир. Бу абсорберларда фазаларнинг тўқнашиш юзаси оқиб тушаётган суюқлик юпқа қатлами ёрдамида ҳосил бўлади. Юпқа қатламли қурилмалар гурӯхига трубали, лист-насадкали, кўтарилидиган қатламли абсорберлар киради.

Трубали абсорберларда суюқлик вертикал трубаларнинг ташқи юзасидан пастга қараб оқиб тушса, газ фаза эса қарама қарши йўналишда юқорига қараб ҳаракатланади. Қолган турдаги абсорберларда ҳам фазаларнинг ҳаракат йўналиши трубали абсорберларникига ўхшашидир.

Трубали абсорберлар тузилишига қараб қобик - трубали иссиқлик алмашиниш қурилмасига ўхшайди. Қурилмада ҳосил бўлган иссиқликни ажратиб олиш учун трубалар ичига сув ёки бошқа совуқлик элткич юборилади.

5.17-расмда текис, параллел насадкали абсорбер тасвириланган.

Насадкалар вертикал листлар кўринишида бўлиб, абсорбер ҳажмини бир нечта секцияга бўлади. Абсорберга суюқлик труба орқали узатилади ва тақсимлаш мосламаси ёрдамида насадка-га тақсимланади. Натижада текис листнинг иккала томони ҳам суюқлик билан ювилиб туради. Газ ва юпқа қатламли суюқликларнинг нисбий ҳаракат тезлигига қараб, суюқлик юпқа қатлами пастга оқиб тушиши ёки газ оқимиға ила-кишиб, тепага ҳам ҳаракатланиши мумкин. Агар, фазалар оқимининг тезлиги кўпайса, масса бериш қоэффициентининг қиймати ва фазалар тўқнашиш юзаси ошади. Бунга сабаб, чегаравий қатламнинг турбулизацияси ва унда уормалар ҳосил бўлишидир.

Юпқа қатламнинг ўртача тезлиги ушбу тенгламадан топилиши мумкин:

$$w_{yp} = \sqrt[3]{\frac{gL_c^2}{3\rho\mu}} \quad (5.86)$$

бу ерда  $L_c$  – тўкиш мосламаси периметрининг суюқлик билан солишиштирма пуркалиш зичлиги,  $\text{кг}/(\text{м}\cdot\text{с})$ ;  $\rho$  – суюқлик зичлиги,  $\text{кг}/\text{м}^3$ ;  $\mu$  – суюқлик динамик қовушоқлиги,  $\text{Па}\cdot\text{с}$ .


Юпқа қатлам яқинидаги суюқликнинг тезлиги:

$$w = 1,5 \cdot w_{yp} \quad (5.87)$$

Юпқа қатламнинг қалинлиги:

$$\delta = \sqrt[3]{\frac{3 \cdot L_c \cdot \mu}{g \rho^2}} \quad (5.88)$$

Юпқа қатламнинг ҳаракат тезлиги Рейнольдс критерийсидан аниқланади:



5.17-расм. Юпқа қатламли абсорбер.

1 - труба; 2 - тақсимлаш мосламаси; 3 - текис параллел насадка.

$$Re = \frac{w_{yp} \cdot d_s \cdot \rho}{\mu} \quad (5.88a)$$


бу ерда  $d_s$  – юпқа қатламнинг эквивалент диаметри, м.

Юпқа қатламнинг эквивалент диаметри:

$$d_s = \frac{4\pi \cdot \delta}{\Pi} = 4\delta \quad (5.89)$$

бу ерда  $\Pi$  - суюқлик оқиб чиқаёттган түкиш мосламасининг периметри, м.

**Насадкали абсорберлар.** Турли шаклни қаттиқ насадкалар билан түлдирилган вертикаль цилиндрический колонналарнинг тузилиши содда, ихчам ва юқори самарадор бўлгани учун саноатда кўп ишлатилади. Одатда, насадкалар қатлами тешикли панжараларга жойлаштирилади. Газ фаза тешикли панжара остига юборилади ва ундан ўтиб, қатлам орқали юқорига қараб ҳаракатланади (5.18-расм).



5.18-расм. Насадкали абсорбер.

1 – тақсимлагич; 2 – насадка; 3 – суюқликни қайта тақсимлаш мослами; 4 - тешикли панжара.

Суюқлик фаза абсорбернинг юқори қисмидан тақсимлаш мослами 1 ёрдамида пуркалади ва насадка қатламида газ фазаси билан ўзаро таъсири этади. Курилма самарави ишлаши учун суюқ фаза бир текисда пуркалиши ва тақсимланиши зарур. Бу турдаги абсорберларда насадкалар ҳам суюқликни бир меъерда тақсимлашга салмоқли хисса кўшади. Насадкалар қуйидаги талабларга жавоб бериш керак: катта солиштирма юзага эга бўлиши; газ оқимига кўрсатадиган гидравлик қаршилиги кичик бўлиши; ишчи суюқлик билан яхши ҳўлланилиши; абсорбер кўндаланг кесим юзаси бўйлаб суюқликни бир текисда тақсимлаши; иккала фаза таъсири остида емирилмайдиган бўлиши; енгил ва арzon бўлиши керак.

Саноатда қўлланиладиган насадкаларнинг баъзи бир турлари ва уларни курилмада жойлаш усуллари 5.19-расмда келтирилган. Бу насадкаларнинг ичидаги энг кенг тарқалган насадка Рашиг ҳалқаларидир. Ундан ташқари, керамик жисм, кокс, майдаланган кварц, полимер ҳалқа, металл тўр ва панжара, шар, пропеллер ва паррак, эгарсизмон элемент ва бошқа жисмлар ишлатилади.

Рашиг ҳалқалари  $15 \times 15 \times 2,5$ ;  $25 \times 25 \times 3$ ;  $50 \times 50 \times 5$  мм ўлчамли қилиб ясалади. Насадкаларнинг геометрик характеристикаси бўлиб эквивалент диаметр ҳисобланади:


$$d_s = \frac{4V_{ax}}{a} \quad (5.90)$$

бу ерда  $V_{ax}$  – бўш ҳажм,  $\text{m}^3/\text{m}^3$ ;  $a$  - солиштирма юза,  $\text{m}^2/\text{m}^3$ .

Рашиг ҳалқаларининг ўлчамлари катталашиши билан солиштирма юзаси  $300$ ;  $204$ ;  $87,5 \text{ m}^2/\text{m}^3$  ва бўш ҳажми  $0,7$ ;  $0,74$ ;  $0,785 \text{ m}^3/\text{m}^3$  миқдорларга тенг бўлади.

Насадкали абсорберларда тақсимловчи мослама орқали пуркалаётган суюқлик, газнинг кичик тезликларида, насадка устида юпқа қатлам кўринишида оқади. Насадканинг хўлланган юзаси фазаларга тўқнашиш юза вазифасини бажаради. Шунинг учун, насадкали абсорберларни юпқа қатламили қурилмалар деб қараш мумкин. Суюқ фаза қурилмалар девори атрофида йиғилиб қолмаслиги учун насадка бир неча секцияга юклавади. Суюқликни бир текисда тақсимлаш учун секциялар орасида қайта тақсимлаш мосламалари ўрнатилади. Насадкали колонналарда газ ва суюқлик қарама - қарши ҳаракат қиласди.

**Гидродинамик режимлар.** Абсорбция жараёнининг самарадорлиги гидродинамик режимларга боғлиқ. Бу режимлар узатилаётган суюқлик миқдори (намлаш зичлиги) ва газ оқимининг тезлиги билан белгиланади. Қурилмада рўй берадиган режимлар насадка гидравлик қаршилигини газ оқимининг соҳта тезлигига боғлиқлик функцияси сифатида тасвирланади (5.20-расм).




5.20-расм. Насадка гидравлик қаршилигининг колоннадаги газ тезлигига боғлиқлиги.  
1 - куруқ насадка;  
2 - намланган насадка.

ортади. Шу билан бирга фазалар орасидаги тўқнашиш юзаси кўпаяди, жараённинг самарадорлиги бирмунча каттароқ бўлади. Бу режим иккинчи ўтиш нуқтаси (В) да тамом бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, осилиб туриш режимида қатламнинг секин оқиши бузилади; уорма ва томчилар ҳосил бўлади, яъни барботаж ҳолатига ўтиш шароитлар туғилади. Юқорида қайд этилган масса алмашиниш жараёнини интенсивлаштиради.

3 режим - эмульгацион режим насадканинг бўш ҳажмида суюқлик йиғилиши натижасида пайдо бўлади. Суюқлик йиғилиши кўтарилаётган газ ва



5.19-расм. Насадка турлари.

а - яssi параллел; б - керамик фасонли ва уларни жойлаш усувлари (в-бетартиб; г-тартибли).

1 режим - **юпқа қатламили режим** газ оқимининг тезлиги кичик ва узатилаётган суюқлик миқдори кам бўлганда рўй беради. Суюқлик насадка бўйлаб юпқа қатлам кўринишида оқиб тушади. Юпқа қатламили режим биринчи ўтиш нуқтаси (А нуқта, 5.20-расм) да тамом бўлади ва у осилиб туриш нуқтаси леб номланади. Бу режимда фазаларро тўқнашиш юзаси кичик ва жараён самарадорлиги камроқ бўлади.

2 - режим **осилиб туриш режими**. Бунда фазалар қарама - қарши йўналиши ҳаракати туфайли газ ва суюқлик орасидаги ишқаланиш кучлари ортади. Бу ҳол суюқликни насадкадан оқиб тушиш тезлигини секинлаштиради, юпқа қатлам қалинлиги ва ундан суюқлик миқдори ортади.

окиб тушаётган суюқлик орасидаги ишқаланиш күчи билан оғирлик күчи тенг бүлгүнга қадар давом этади. Натижада «газ – суюқлик» дисперс системасы ва ташқи күриниши бўйича барботажли (кўпикли) қатлам ёки газ суюқликлари эмульсия ҳосил бўлади. Маълумки, курилма кўндаланг кесимида юкланган насадка қатламигининг зичлиги бир хил эмас. Шунинг учун, қатламининг энг тор жойларида эмульгацион режим пайдо бўлиб бошлайди. Газ узатишни ўга аниқ ростлаш йўли билан насадка қатламигининг бутун баландлигига эмульгацион режим ўрнатиш мумкин. Колоннанинг гидравлик қаршилиги кескин равища ортади (ВС кесма).

Шунинг учун, юқори босимда ишлайдиган абсорберларда гидравлик қаршиликтининг таъсири суст ёки бўлмагани учун абсорбция жараёни эмульгацион режимда олиб борилади.

Эмульгацион режим самарали режим деб ҳисобланади. Бу режимда фазалар тўқнашиш юзаси катта бўлгани учун жараён жуда интенсив кечади.

Атмосфера босимида ишлатиладиган абсорберларда гидравлик қаршиликтининг таъсири суст ёки бўлмагани учун уларни юпқа қатламли режимда ишлатиш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, ҳар бир аниқ шароит учун, энг оптималь гидродинамик режим техник – иқтисодий ҳисоблашлар асосида топилади.

Агар, газ оқими тезлигини эмульгацион режим тезлигидан озигина оширасак, тиқилиб қолиш ҳодисасига дуч келамиз.

Тиқилиб қолиш ҳолатига тўғри келадиган газ тезлиги проф. Касаткин А.Г томонидан келтириб чиқарилган формула ёрдамида ҳисобланади:

$$\lg \left( \frac{w_T^2 \cdot a}{g V_{\alpha}^3} + \frac{\rho_T}{\rho} \mu^{0.16} \right) = 0,076 - 1,75 \left( \frac{L}{G} \right)^{0.25} \cdot \left( \frac{\rho_T}{\rho} \right)^{0.125} \quad (5.91)$$

бу ерда  $a$  – насадканинг солиштирма юзаси,  $\text{m}^2/\text{m}^3$ ;  $V_{\alpha}$  – насадканинг бўш ҳажми,  $\text{m}^2/\text{m}^3$ ;  $L$  ва  $G$  – суюқлик ва газнинг массавий сарфлари;  $\text{kt}/\text{c}$ ;  $w_T$  – тиқилиб қолиш тезлиги,  $\text{m}/\text{s}$ .

Колоннадаги газ ёки буғнинг оптималь тезлигини ушбу критериал тенгламадан аниқлаш мумкин:

$$Re = 0,045 \cdot Ar^{0.57} \cdot \left( \frac{G}{L} \right)^{0.43} \quad (5.92)$$

бу ерда

$$Re = \frac{wd}{\mu_T} \quad Ar = \frac{gd^3 \rho_T}{\mu_T^2} (\rho - \rho_T) \rho_T$$

$w$  – газ (ёки буғ) оптималь тезлиги;  $d$  – насадканинг эквивалент диаметри;  $\rho$  ва  $\rho_T$  – суюқлик ва газнинг зичлиги;  $\mu_T$  – газ (ёки буғ) динамик қовушоқлиги;  $G$  ва  $L$  – газ (ёки буғ) ва суюқлик массавий тезликлари.

4 – режим – учиб чиқиш режимида суюқ фаза колоннадан газ оқими билан ташқарига чиқа бошлайди. Ушбу режим саноатда ишлатиладиган курилмаларда кўлланилмайди.


**Насадкаларни танлашда** уларнинг ўлчамларига катта аҳамият бериш керак. Агар, насадка элементлари қанчалик кичик бўлса, гидравлик қаршиликтининг зичлигига кам ва газнинг тезлиги юқори бўлади. Бундай насадкали абсорберлар нархи нисбатан арzon бўлади.

Агар, абсорбер юқори босим остида ишлайдиган бўлса, кичик ўлчамли насадкалар кўлланилади. Чунки, бу турдаги курилмаларда гидравлик

қаршиликнинг аҳамияти йўқ. Ундан ташқари, насадкаларнинг ўлчами кичик бўлганда, унинг солишишторма юзаси нисбатан катта бўлади ва абсорбция жа-раёнида бир фазадан иккинчисига ўтган масса миқдори кўп бўлади.

Абсорберларда газлар ютилиши пайтида ажралиб чиқадиган иссиқликни нейтраллаш қийин. Бундай қурилмалардаги иссиқликни камайтириш ва насадкалар ҳўлланишини ошириш мақсадида суюқликни насос ёрдамида рециркуляция қилиш зарур. Бу усулда ишлайдиган абсорберлар тузилиши мураккаблашади ва нархи ортади. Ундан ташқари, ифлосланган суюқликларни ажратиш учун қайнавчи абсорберларда пластмассадан ясалган шарлар ишлатилиб, газ тезлиги ошиши билан мавхум қайнай бошлайди. Одатда, қайнавчи абсорберларда газнинг тезлиги жуда катта бўлади, аммо қатламнинг гидравлик қаршилига жуда оз миқдорга ортади.

**Тарелкали абсорберлар** самарали ва энг кенг тарқалган қурилмалардан бўлиб, унинг ичидаги бутун баландлиги бўйича бир хил масофада бир нечта тарелкалар ўрнатилган. Тешикли тарелкалар орқали ҳам газ, ҳам суюқлик ҳаракатланади ва ундан ўтиш пайтида бир фазадан иккинчисига масса ўтади. Газ фазанинг суюқлик қатламидан ўтиши даврида пуфакча ва кўпикларнинг ҳосил бўлиш жараёни **барботаж** деб номланади. Суюқлик ва газ (ёки буғ) ни бир-бири билан тўқнашиши зарур бўлган ҳолларда барботаж қўлланилади. 5.21-расмда қалпоқчали насадкадан газ ёки буғнинг ўтиши тасвириланган.



5.21-расм. Барботаж жараёни схемалари.

а - кичик тезликда қалпоқчали насадкадан газнинг чиқиши;  
б - катта тезликда қалпоқчали насадкадан газнинг чиқиши.


Барботаж асосан икки режимда кечиши мумкин: пуфакчали ва оқимчали. Газ ёки буғнинг сарфи кичик бўлса, пуфакчали режимни кузатиш мумкин. Бунда, газ пуфакчалари суюқлик қатламини битта-битта бўлиб ёриб чиқади. Пуфакчалар ўлчами барботёр тузилишига, суюқлик ва газ хоссаларига боғлиқ.

Агар, газ тезлиги ошириб берилса, оқимчали режим пайдо бўлади. Барботёрдан чиқаётган газ оқими шакли ва ўлчами ўзгармайдиган "машъала" ҳосил бўлади. Одатда, машъала баландлиги 30...40 мм дан ошмайди.

Тарелкали колонналар қалпоқчали, клапанли, пластинали ва элаксимон тарелкали бўлади. Фазаларнинг бир тарелкадан иккинчисига ўтишига қараб қўйилиш мосламали ва қўйилиш мосламасиз абсорберларга бўлинади.

5.22-расмда қўйилиш мосламали, тарелкали абсорбер конструкцияси тасвириланган.

Қўриниб турибдики, қўйилиш трубасининг пастки қисми қўйида жойлашган тарелка устидаги остонаяга тушиб туради ва гидравлик тамба вазифасини бажаради. Одатда, суюқ фаза қурилманинг тепа қисмидан тарелкага узатилиди ва унинг пастки қисмидан чиқарилади. Газ фаза эса, қурилманинг пастидан узатилиб, тарелкалар орқали пуфакчалар кўринишида чиқиб кетади. Тарелкада ҳосил бўладиган газ – суюқлик кўпик қатламида асосий иссиқлик ва масса бериш жараёnlари юз беради. Абсорбция жараёнида тозаланган газ



5.22-расм. Қуйилиш мосламали, тарелкали абсорбер.

Холатида ўтиш даврида пуфакчали режимни кузатиш мүмкін. Бу режимда тарелкадаги фазалар түкнашиш юзаси кам бўлади.

**Кўпикли режим.** Газ фазасининг тезлиги ортиши билан тешиклардан чиқаётган пуфакчалар қўшилиб оқимча ҳосил қиласди. Тарелканан майлум бир масофада қатлам қаршилиги туфайли оқимча бузилади ва кўп микдордаги пуфакчаларга ажраб кетади. Натижада, "газ – суюқлик" дисперс система, яъни кўпик пайдо бўлади. Ушбу режимда газ ва суюқ фазалар түкнашиши пуфакчалар ва газ оқимчаси, ҳамда суюқ томчилар сиртига тўғри келади. Кўпикли режимда барботажли тарелкаларда фазаларнинг түкнашиш юзаси максимал микдорга эгадир.

**Оқимчали (инжекцион режим).** Агар газ тезлиги янада оширилса, газ оқимчасининг узунлиги кўпаяди ва у барботаж қатламидан чиқиб қолади. Шу билан бирга, барботаж қатлам бузилмайди ва кўп микдорда йирик томчилар ҳосил бўлади. Бундай режимда фазаларнинг түкнашиш юзаси кескин равища камайиб кетади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бир режимдан кейингисига ўтиш аста-секин бўлади. Барботажли тарелкалар гидравлик режимлари чегарасини ҳисоблашнинг умумий усуллари шу кунгача яратилмаган. Шунинг учун ҳам, тарелкали абсорберларни лойиҳалашда тарелка ишлашининг пастки ва тепа ораликлари ҳисоблаш йўли билан топилади. Сўнг эса, газни ишчи тезлиги топилади.

**Элаксимон тарелкали абсорбер.** Бу турдаги қурилма 5.23-расмда тасвирланган.

Бу колонна горизонтал тарелка қуйилиши ва остоналардан таркиб топган бўлади.


Одатда бу турдаги тарелка юзаси 1...5 мм ли тешиклардан иборатdir ва тарелкадан тушаётган кўпикни парчалаш учун остона тарелкаларни суюқлик сатҳини бир хил ба-

курилманинг тепа қисмидан чиқиб кетади. Тарелка, қуйилиши трубаси ва остона шундай жойлаштириллади, суюқ фаза албатта қарама қарши йўналишда ҳаракат қиласди.

**Тарелкали абсорберлар гидродинамик режими** майлумки, исталган конструкцияли тарелкаларнинг са-марадорлиги унинг гидродинамик режимларига узвий боғлиқдир.

Газнинг тезлигига ва суюқликни пуркаш зичлигига қараб барботажли тарелкаларнинг З та асосий гидродинамик режими бўлади: пуфакчали, кўпикли ва оқимчали (ёки инжекцион).

**Пуфакчали режим.** Газнинг тезликлари жуда кичик ва суюқлик қатламидан алоҳида пуфакчалар




5.23-расм. Элаксимон тарелкали колонна.

- 1 - тарелка;
- 2 - қуйилиш мосламаси;
- 3, 4 - остоналар.

ландлиқда ушлаб туриш учун эса, остана 3 хизмат қилади. Суюқ фаза тәпадаги тарелкага узатилади ва қуйилиши мосламаси 2 дан, ўтиб, қурилманинг пастки қисмидан чиқиб кетади. Газ фаза ҳар доим қурилманинг пастки қисмига кири-тилади ва тарелкалардан пуфакча шаклида ўтиб, юқори қисмидаги штуцердан чиқади.

**Қалпоқча тарелкалы абсорбер.** Бу турдаги қурилма капсула қалпоқча ва сегмент қуйилиш мосламасидан таркиб топған (5.24-расм). Тарелка күпілаб дисклардан иборат бўлиб, таянч ҳалқага қистирма ёрдамида болтлар билан маҳкамланади.



5.24-расм. Қалпоқчали тарелка.


- 1-тарелка; 2-қистирма; 3-ростловчи қуйилиш останаси; 4-қуйилиш патрубкаси; 5-болт; 6-ростловчи болт; 7-ҳалқа; 8-қуйилиш останаси; 9-қалпоқча.

тарелкадаги суюқлик қатлами баландлигига боғлиқ.

Тарелкада катта масса алмашиниш юзасини барпо қилиш учун ўрнатила-диган қалпоқчалар сони күпайтирилади. Капсулали қалпоқчанинг бўйлама қир-қими 5.25-расмда келтирилган. Тарелка ва қалпоқчанинг пастки қисми орасида-ги масофа втулка 4 ва гайка 2 ёрдамида амалга оширилади. Бу турдаги тарелкалар саноатда кенг кўламда қўлланилади. Элаксимон тарелкали абсорберларга қараганда қалпоқчали қурилмалар газ аралашмалари ифлос бўлганда ҳам узоқ муддатда барқарор ишлай олади. Ундан ташқари, газ ёки суюқ фазалар бўйича юклама катта миқдорда ўзгарса ҳам, қалпоқчали тарелка бир текисда яхши

Суюқ фаза юқорида жойлашган тарелкадаги остана 3 дан ўтиб, қуйида ўрнатилған тарелкага тушади. Тарелка юзасида суюқликни бир меъёра тақсимлаш учун остана 8 хизмат қилади. Суюқликни тарелка юзасида бир хил баландлиқда ушлаб туриш учун ростловчи остана 3 дан фойдаланилади. Газ тарелкаларга патрубка 6 орқали кириб, бир неча оқимчалар ҳолида қалпоқчалар теши-гидан чиқиб бошлиайди.

Қалпоқчадаги ҳаво тешиклари тишли бўлиб, тўғри учбурчак шаклида ясалади. Суюқлик қатлами орқали ўтаётган газ ёки буғ оқими алоҳида-алоҳида пуфакчаларга бўлинниб кетади. Тарелкалардан суюқлик қуйилиш патрубкаси 4 орқали тўклилади. Бу турдаги тарелкаларда газ кўпиклари ва пуфакчаларнинг ҳосил бўлиш ин-тенсивлиги буғ (ёки газ) тезлиги ва



5.25-расм. Капсулали қалпоқча.

- 1- шайба; 2- гайка; 3- болт; 4- втулка; 5- қалпоқча; 6- патрубка.

ишлиайди. Ушбу тарелка камчиликлари: конструкцияси мураккаб, қиммат ва гидравлик қаршилиги юқори. Ундан ташқари, газ фаза сарфи кам бўлганда, курилма самараадорлиги кескин равишда камайиб кетади.

**Клапанли тарелкалар.** Бу турдаги тарелкалар газ фазасининг тезлиги тез ўзгариб турадиган жараёнларда қўлланиши мақсадга мувофиқдир.

Клапанли тарелкалар элаксимон ва қалпоқчали тарелкаларнинг яхши хоссаларини ўзида мужассам қўлган (5.26-расм).



5.26-расм. Клапанли тарелка.

1 - клапан; 2 - кронштейн-чеклагич; 3 - тарелка.

пандардан ўтадиган газ оқимининг тезлигига қараб, клапан вертикаль, тепага силжайди.

Газ ёки буғ бўйича юклама кенг кўламда ўзгартганда ҳам, клапанли тарелкалар бир меъерда, барқарор ишлиайди. Лекин, уларнинг гидравлик қаршилиги нисбатан юқори.

**Оқимчали (ёки пластинали) тарелкалар.** Бу турдаги тарелкалар қия, параллел пластиналар кўринишида тайёрланади (5.27-расм).

Қалпоқчали, клапанли ва оқимчали тарелкаларда фазаларнинг йўналиши ўзаро кесишган бўлади. Газ ёки буғ тарелкадаги тешиклардан ўтади, суюқлик эса, горизонтал ҳаракатланиб, тарелкадан тарелкага кўйилиш мосламаси 5 орқали ўтади.


Юқорида қайд этилган тарелкалар самараадорлиги гидродинамик режимларга боғлиқ. Газ (ёки буғ) тезлиги ва суюқлик сарфига қараб 3 хил режимлар мавжуд: пуфакчали, кўпикли ва оқимчали. Ҳар бир режимда барботажли қатлам ўзига хос тузилишига эга бўлиб, у қатламнинг гидравлик қаршилиги ва масса алмашиниш юзаси катталигини характерлайди. Бундай тарелкаларнинг гидравлик қаршилиги кам, уларни ясаш учун металл кам сарфланади ва таркибида ифлосликлар бўлган суюқликларни ҳам ишлатиш мумкин. Ундан ташқари, бу тарелкали курилмаларда жараённи ҳаракатга келтирувчи куч катта бўлади.

Оқимчали тарелкалар камчиликлари: тарелкага иссиқлик бериш ва ажралиб чиқсан иссиқликни ажратиб олиш мураккаб; суюқлик сарфи нисбатан кам бўлгани учун, унинг самараадорлиги настроқ.

**Пурковчи абсорберлар.** Бундай қурилмаларда фазаларнинг тўқнашиши суюқ фазани – газ оқимига пуркаб бериш усули ёрдамида амалга оширилади. Пурковчи абсорберларнинг энг содла конструкцияси 5.28-расм келтирилган.


Клапанлар 1 думалоқ пластина шаклида, диаметри эса 40...50 мм бўлади. Кронштейн-чеклагич 2 даги тешик диаметри эса 30...40 мм ва улар орасидаги масофа эса

70...150 мм га teng. Клапанларнинг кўтарилиш баландлиги 6...8 мм. Клапанлардан ўтадиган газ оқимининг тезлигига қараб, клапан вертикаль, тепага силжайди.



5.27-расм. Оқимчали тарелкалар.

1 - гидравлик тамба;  
2 - кўйилувчи тўсик;  
3 - тарелка; 4 - пластина;  
5 - кўйилиш мосламаси.



5.28-расм. Пурковчи абсорбер.

кин. Бундай қурилмаларда суюқлик айланма механизм ёрдамида сочиб берилади. Суюқликдаги тешикли дисклар күзғалмас цилиндрик қобиқ ичидә айланади. Натижада, диск ёрдамида суюқлик майды томчилар шаклида атрофга сочилади. Механик абсорберлар ихчам ва юқори самарали.

### 5.13. Абсорберларни ҳисоблаш

Абсорберларни ҳисоблашда қуйидаги параметрлар аниқланади: абсорбент сарфи, қурилманинг диаметри, баландлиги ва гидравлик қаршилиги. Бунинг учун эса қуйидаги параметрлар маълум ёки берилган бўлиши керак: газ сарфи, газ аралашманинг таркиби, бошланғич ва охирги концентрациялари, абсорбентдаги газнинг бошланғич концентрацияси.

Абсорбентнинг сарфи моддий баланс тенгламаси (5.7) дан топилади.

Абсорбернинг гидравлик қаршилиги қурилманинг конструкцияси ва унинг гидродинамик режимига боғлиқ. Одатда гидравлик қаршилик газнинг оптимал тезлиги бўйича ҳисобланади, у эса ўз навбатида техник-иқтисодий ҳисоблашлар асосида аниқланади.

Абсорбер диаметри газнинг чизиқли тезлигига биноан (5.61) тенгламадан ҳисобланади.

Абсорбер баландлиги эса, масса ўтказишнинг модификациялашган тенгламаси (5.65) дан топиш мумкин.

Юпқа қатламли ва насадкали абсорберларни ҳисоблаш схемалари бир хилдир.

**Юпқа қатламли абсорберларни ҳисоблашда гидравлик қаршилик Дарси Вейсбах тенгламасидан аниқланади:**

$$\Delta p = \lambda \frac{H}{d_s} \frac{\rho w_H^2}{2}$$

бу ерда  $\lambda$  - гидравлик қаршилик коэффициенти;  $H$  - юпқа қатлам оқиб тушаётган юзанинг баландлиги, м;  $d_s$  - газ ҳаракатланаётган каналнинг эквивалент диаметри, м;  $w_H = w + w_{yp}$  - газнинг нисбий тезлиги, м/с;  $w_{yp}$  - юпқа қатлам ҳаракатининг ўртача тезлиги, м/с;  $\rho$  - газ зичлиги, кг/м<sup>3</sup>.

Юпқа қатлам ҳаракатининг ўртача тезлиги  $w_{yp}$  (5.86) тенгламадан аниқланади.

Гидравлик қаршилик коэффициенти, газ ва юпқа қатламлар, Рейнольдс критерийининг қийматларига боғлиқ. Суюқлик юпқа қатламининг ҳаракат режимини аниқловчи Рейнольдс критерийси (5.88а) тенгламадан топилади.

Трубали абсорберлар диаметри газнинг сарфи ва тезлиги орқали (труба ички диаметрини маълум қийматига тенг деб қабул қилинади) аниқлаш мумкин.

Трубалар сони эса:

$$n = \frac{G}{0,785wd^2\rho_r} \quad (5.93)$$

бу ерда  $G$  - газнинг массавий сарфи, кг/с.

Трубалар сони маълум бўлса, улар орасидаги масофа  $t = (1,25...1,5) \cdot d_m$  ва трубанинг қалинлиги  $\delta$  ни аниқлаб, абсорбернинг диаметри секундли сарф тенгламасидан аниқланади.

Трубалар баландлиги ҳамма трубаларнинг ички юзалари орқали аниқланади:

$$H = \frac{F_m}{n \pi d_{uu}} \quad (5.94)$$

бу ерда  $F_m = n\pi d_{uu} \cdot H$ .

Модификациялашган масса ўтказиш тенгламаси (5.63) ни ҳисобга олсанак:

$$H = \frac{\mu}{n\pi d_{uu} \cdot K_{yv} \cdot \Delta y_{yp}}$$

Газ фазасидаги масса бериш коэффициентини ҳисоблаш учун қуйидаги критериал тенглами таклиф этилади:

$$Nu_{\text{ДЛ}} = 0,023 \cdot Re_c^{0,83} \cdot Pr_{\text{ДЛ}}^{0,43} \quad (5.95)$$

бу ерда  $Re_c$  - газ оқими учун Рейнольдс критерийси;  $Pr_{\text{ДЛ}}$  - газ учун Прандтл критерийси.

Ушбу тенгламада аниқловчи ўлчам сифатида газ оқими ҳаракатланаётган каналнинг эквивалент диаметри қўлланилади.

Суюқ фазасидаги масса бериш коэффициентини ушбу тенглама ёрдамида ҳисоблаш мумкин:

$$Nu_{\text{ДЛ}} = 0,069 Re_c^{0,33} \cdot Pr_{\text{ДЛ}}^{0,3} \cdot Ga^{0,167} \left( \frac{h}{d_s} \right)^{-0,5} \quad (5.96)$$

бу ерда  $Re_c$  - суюқлик юпқа қатлами учун Рейнольдс критерийси;  $Pr_c$  - суюқлик учун Прандтл критерийси;  $Ga$  - Галилей критерийси;  $h$  - курилма ишчи қисмининг баландлиги, м;  $d_s$  - юпқа қатламнинг эквивалент диаметри, м.

$Re_c$  ни ҳисоблашда суюқлик юпқа қатламининг оқиб тушиш тезлиги ишлатилади.

**Насадкали абсорберларни ҳисоблашда** қуруқ насадкадаги напорниг йўқотилиши ушбу тенгламадан аниқланади:

$$\Delta p = \lambda \frac{H}{d_s} \frac{\rho_r w^2 r}{2}$$

Маълумки, напорнинг йўқотилиши насадка характери, газ тезлиги ва намланиш зичлигига боғлиқ.

Хўлланған насадка қаршилигини проф. А.И.Плановский томонидан таклиф этилган формула ёрдамида ҳисоблаш мумкин:

$$\Delta p = \Delta p_k \left[ 1 + 8,4 \cdot \left( \frac{L}{G} \right)^{0,4} \cdot \left( \frac{\rho_r}{\rho_c} \right)^{0,23} \right] \quad (5.97)$$

бу ерда  $\Delta p_k$  - куруқ насадка гидравлик қаршилиги.

Абсорбер диаметри эса қўйидаги формуладан топилади:

$$D = \sqrt{\frac{G}{3600 \pi \rho_r \cdot w}}$$

бу ерда  $G$  - газ сарфи, кг/соат;  $\rho_r$  - газ зичлиги, кг/м<sup>3</sup>;  $w$  - колонна бўш кўндаланг кесимидағи тезлиқ, м/с. Газ тезлиги (5.92) тенгламадан ҳисоблаб топилади.

Абсорбер баландлигини модификациялашган масса ўтказиш тенгламаси (5.65) дан аниқлаш мумкин.

Газ фазасидаги масса бериш коэффициентини ҳисоблаш учун қўйидаги критериял тенгламани кўллаш мумкин:

$$Nu_{DC} = 0,407 Re_r^{0,655} Pr_{DC}^{0,33} \left( \frac{h}{d_{ek}} \right)^{-0,47}$$

Ушбу тенгламада аниқловчи ўлчам сифатида насадканинг эквивалент диаметри  $d_{ek}$  хизмат қиласи.  $Re_r$  критерийсига насадка бўш каналларидағи газнинг тезлиги қўйилади.

Суюқ фазадаги масса бериш коэффициентини ҳисоблаш ушбу формула ни кўллаш мумкин:

$$Nu_{DC} = 0,00216 Re_c^{0,77} \cdot Pr_{DC}^{0,5} \quad (5.98)$$

Формуладаги  $Nu_{DC}$  юпқа қатлам келтирилган қалинлигига ҳисобланган:

$$\delta_{ek} = \left( \frac{\mu_c^2}{g \rho_c^2} \right)^{0,33} \quad (5.99)$$

**Тарелкали абсорберларни ҳисоблашпа** курилманинг гидравлик қаршилиги, диаметри, баландлиги ва тарелкалар сони аниқланади.


Тарелка тури танлангандан сўнг, буг ёки газнинг рухсат этилган энг катта тезлиги аниқланади. Бунинг учун Киршбаум томонидан таклиф этилган формуладан фойдаланиш мумкин:

$$w_k = 0,05 \sqrt{\frac{\rho_c}{\rho_r}} \quad (5.100)$$

Колонна бўш кўндаланг кесимидағи газнинг тезлиги  $(0,8...0,9) \cdot w_k$  га тенг деб қабул килинади.

Замонавий қурилмаларда тарелкалар орасидаги масофа иложи борича кам бўлиши керак.

Тарелкалар орасида керакли гидравлик тамба ҳосил қитувчи минимал масофа ушбу ифодадан топилади (5.29-расм).



$$h_T \geq h_d + h_3 + h_0 \quad (5.101)$$

бу ерда  $h_d$  - суюқлик тезлигини ҳосил қилиш учун қуйилиш патрубкасидаги суюқлик устунининг баландлиги,  $m^2$ ;  $h_3$  - гидравлик тамба ҳосил қилиш учун қуйилиш патрубкасидаги суюқлик устунининг баландлиги,  $m$ ;  $h_0$  - тарелкадан қуйилиш патрубкасининг пастки учигача бўлган масофа,  $m$ .

5.29-расм. Тарелкалар орасидаги минимал масофани ҳисоблашга оид.

Қуйилиши патрубкасидаги суюқлик устунининг баландлиги:

$$h_d = \frac{w^2}{2g} (1 + \xi_1 + \xi_2) \quad (5.102)$$

бу ерда  $w$  - қуйилиш патрубкасидаги суюқлик тезлиги, одатда  $0,02...0,06$   $m/s$  ораликда бўлади;  $\xi_1$  - патрубкадан чиқишидаги қаршилик коэффициенти;  $\xi_2$  - қуйилиш патрубкасининг қаршилигини ифодаловчи коэффициент.

Ушбу коэффициентни қўйидаги формуладан топиш мумкин:

$$\xi_2 = \lambda \frac{l_k}{d_k}$$

бу ерда  $\lambda$  - гидравлик қаршилик коэффициенти;  $l_k$  - қуйилиш патрубкаси ишчи узунлиги,  $(h_d + h_3) m$ ;  $d_k$  - қуйилиш патрубкаси диаметри,  $m$ .

Суюқлик устунининг баландлиги  $h_3$  тарелкалар орасидаги босимни тенглостириб туради.

Элаксимон тарелканинг гидравлик қаршилиги ( $\text{Па}$ ) қўйидаги тенгламадан аниқланиши мумкин:

$$\Delta p = \Delta p_k + \Delta p_a + \Delta p_c \quad (5.103)$$

бу ерда  $\Delta p_k$  - куруқ тарелка қаршилиги;  $\Delta p_a$  - сиртий таранглик кучларини енгиш учун зарур босимлар фарқи;  $\Delta p_c$  - тарелкадаги суюқлик устунининг қаршилиги.

$\Delta p_a$  суюқликнинг сиртий таранглик катталигига қараб аниқланади:

$$\Delta p_a = \frac{4\sigma}{d_0} \quad (5.104)$$

бу ерда  $\sigma$  - фазалар чегарасидаги сиртий таранглик,  $N/m$ ;  $d_0$  - тарелка тешигининг диаметри,  $m$ .

Куруқ тарелка  $\Delta p_k$  ва ундан суюқлик устунининг қаршилиги  $\Delta p_c$  лар проф. А.Н.Плановский тавсия этган формулалардан ҳисоблаб топилиши мумкин:

$$\Delta p_k = 1,83 \frac{w_0^2}{2} \rho_f \quad (5.105)$$

$$\Delta p_c = 1,3 k h + \sqrt[3]{k} \Delta h \quad (5.106)$$

бу ерда  $w_0$  - тарелка тешикларидаги газ оқимининг тезлиги, м/с;  $k=0,5$  - тарелкадаги күпик зичлигининг суюқлик зичлителги нисбати;  $h$  - қуйилиш остонаси баландлиги, м;  $\Delta h$  - остона атрофидаги барботаж бўлмаган суюқлик баландлиги, м;

$$\Delta h = \sqrt{\left(\frac{4}{\phi b}\right)^2} \quad (5.107)$$

бу ерда  $L$  суюқлик массавий сарфи, кг/соат;  $\phi$  қуйилиш тўсигидан ўтаётган суюқликнинг сарф коэффициенти ( $\phi=6400...10000$ );  $b$  - қуйилиш тўсигининг эни, м.

Қалпоқчали тарелканинг гидравлик қаршилиги ушбу тенглиқдан аниқланади:

$$\Delta p = \Delta p_k + \Delta p_{mip} + \Delta p_c \quad (5.108)$$

бу ерда  $\Delta p_k$  - қалпоқчали тарелкадан газ оқими ўтишидаги босимнинг йўқотилиши, Па;  $\Delta p_{mip}$  - қалпоқчали тарелка тирқишидан газ ўтиши пайтидаги босимнинг йўқотилиши, Па;  $\Delta p_c$  - тарелкадаги суюқлик устунининг қаршилиги, Па.

Қалпоқчали тарелканинг гидравлик қаршилиги  $\Delta p_k$  ни, маҳаллий қаршиликларни енгиш пайтидаги босимлар йўқотилишларнинг йиғинидиси орқали топиш мумкин. Одатда қалпоқчанинг ҳамма кўндаланг кесимларида газ оқими тезликлари тенг бўлса, гидравлик қаршилик минимал бўлади:

$$\frac{\pi d_n^2}{4} = \pi d_n \cdot h_k = \frac{\pi}{4} \cdot (d_k^2 - d_n^2) \quad (5.109)$$

бу ерда  $d_n$  - патрубка диаметри, м;  $d_k$  - қалпоқча диаметри, м;  $h_k$  - қалпоқча ва патрубка орасидаги масофа, м.

Диаметри 40...60 мм ва буг патрубкаларининг кесим юзалари колонна кўндаланг кесим юзасига нисбати 0,1...0,15 бўлган қалпоқчалар энг яхши гидродинамик характеристикаларга эга.

Қалпоқчанинг қаршилиги ушбу формуладан топилиши мумкин:

$$\Delta p_k = \sum \xi \left( \frac{w^2 p_f}{2} \right)$$

бу ерда  $w$  - патрубкадаги газ тезлиги, м/с;  $\sum \xi$  - ҳамма қаршиликлар йиғинидиси.

Қалпоқча тирқишларининг қаршилиғи эса:

$$\Delta p_{mip} = \xi_{mip} \left( \frac{w_{mip}^2 P_f}{2} \right) + \Delta p_a$$

бу ерда  $\xi_{mip}=1,5$  - тирқишдан газ ўтишидаги маҳаллий қаршилик коэффициенти;  $w_{mip}$  - тирқишдаги газ тезлиги, м/с;  $\Delta p_a$  - сиртий таранглик кучлари туфайли ҳосил бўлган қаршилик.

Ушбу ҳолатда:

$$\Delta p_a = \frac{4\sigma}{d_r}$$

бу ерда  $d_r$  - тирқиши очиқ тешигининг гидравлик диаметри, м.

Суюқлик устунининг қаршилиги (5.102) формуладан ҳисоблаб топиш ҳам мумкин.

Абсорбер даяметри (5.62) тенгламадан ҳисобланади.

Агар, тарелкалар сони  $n$  ва улар орасидаги масофа  $h_s$  маълум бўлса, абсорберлар баландлиги ушбу формуладан топилиади:

$$H = h_r \cdot n + h_s \quad (5.110)$$

бу ерда  $h_r$  - энг юқори тарелка ва абсорбер қопқоғи орасидаги масофа, м.

Масса ўтказиш коэффициентлари (5.82), (5.83) формулалардан аниқланади.

Тарелкали абсорберларда газ фазасида масса бериш коэффициенти проф. Г.П.Саламаха томонидан келтириб чиқарилган тенглама орқали ҳисоблаб топилиши мумкин:

қалпоқчали тарелкалар учун:

$$Nu_{D_s} = 0,265 \cdot Re_c^{0,5} \cdot Pr_{D_s}^{0,5} \cdot We^{-0,32} \quad (5.111)$$

қуйилиш мосламали элаксимон тарелкалар учун:

$$Nu_{D_s} = 2,5 \cdot Re_c^{0,72} \cdot Pr_{D_s}^{0,5} \cdot We^{-0,25} \quad (5.112)$$

пластинали ва элаксимон тарелкалар учун:

$$Nu_{D_s} = 1,53 \cdot Re_c^{0,72} \cdot Pr_{D_s}^{0,5} \cdot We^{-0,25} \quad (5.113)$$

бу ерда  $We = \sigma / g\rho_c h_{cm}^2$  Вебер критерийси. Бу ерда  $\sigma$  - сиртий таранглик, Н/м;  $\rho_c$  суюқлик зичити, кг/м<sup>3</sup>;  $h_{cm}$  - тарелкадаги статик суюқлик қатламишининг баландлиги, м.

$Nu_{D_s}$  ва  $Re$  критерийларида чизиқли ўлчам бўлиб капилляр константа  $\chi$  ҳисобланади ва у  $\chi = \sqrt{(\sigma / \rho_c \cdot g)}$  ифода орқали аниқланади. Суюқ фазадаги масса бериш коэффициентини ҳисоблаш учун ушбу формуладан фойдаланиш тавсия этилади:

$$Nu_{D_s} = 540 \cdot Re_c^{0,33} \cdot Pr_{D_s}^{0,45} \quad (5.114)$$

Тенгламадаги  $Re$  критерийсини ҳисоблашда  $w$  параметр ўрнига колонна бўш кўндаланг кесимидағи газнинг тезлиги қўйилади.

# ХАЙДАШ ВА РЕКТИФИКАЦИЯ

## 5.14. Умумий тушунчалар

Икки ва ундан ортиқ учувчан компонентлардан таркиб топган бир жинсли суюқлик аралашмаларини ажратиш учун құлланиладиган усуллардан энг кенг тарқалғанлари ҳайдаш ва ректификациядир.

Хайдаш ва ректификация жараёнлари кимё, озиқ - овқат ва бошқа саноатларда жуда кенг күламда ишлатилади. Масалан, техник ва озиқ - овқат этил спиртларини, ароматик моддалар ишлаб чиқарища, ҳамда аралашмаларни дағал ажратиш учун құлланилади. Жуда тұла ажратиш учун ректификация жараёнидан фойдаланилади.

Хайдаш ва ректификация жараёнлари бир хил температурада аралашма компонентларининг түрли учувчанлыгига асосланғандыр. Юқори учувчанликка әга компонент *енгил учувчан*, паст учувчанликка әга *қыйин учувчан* деб номланади. Демак, енгил учувчан компонент қыйин учувчанга қараганда пастроқ температурада қайнайды. Шунинг учун ҳам, улар паст ва юқори температурада қайнайдыған компонентлар деб аталади.

Хайдаш ёки ректификация жараённанда бошланғич аралашма енгил учувчан компоненти билан бойитилған *дистилляция* ва қыйин учувчан компонент билан бойитилған *куб қолдигига* ажралади.. Хайдаш жараённанда ҳосил бўлған буғ конденсатор - дефлегматорга конденсация  и натижасида дистилляция олинади. Курилма кубида эса - куб қолдиги қолади.

## 5.15. Ҳайдаш ва ректификация жараёнларининг назарий асослари

Энг оддий аралашма 2 та компонентдан таркиб топган бўлади ва у *бинар аралашма* деб аталади. Бинар аралашманинг эркинлик даражаси сони қуидагига teng:

$$C = K + 2 - \Phi = 2 + 2 - 2 = 2$$

бу ерда *K* компонентлар сони; *Φ* - фазалар сони.

Система ҳолатини учта бир - бирига боғлиқ бўлмаган параметр белгилайди: босим *p*, температура *t* ва концентрация *x*. Агар, исталган иккита параметр танланса, учинчисини аниқлаш қыйин эмас. Демак, мувозанат чизигини исталган иккита ўзгарувчи параметр орқали ифодалаш мумкин, яни *p* ва *x*, *t* ва *x*, *p* ва *t*, *x* ва *y*.

Маълумки, суюқлик аралашмалари ўзларининг физик-кимёвий характеристикалари бўйича катта фарқ қиласи.

Компонентларнинг ўзаро эришига қараб, бинар аралашмаларни 3 гурӯҳга бўлиш мумкин:

- компонентлари чексиз эрувчан аралашмалар;
- компонентлари ўзаро эrimайдиган аралашмалар;
- компонентлари қисман эрувчан аралашмалар.

Компонентлари чексиз эрувчан аралашмалар ўз навбатида идеал ва ҳақиқий эритмаларга бўлинади.

*Идеал аралашмалар* деб эритма таркибидағи компонент олиниши натижасида иссиқлик ажраб чиқмайдиган ёки ютилмайдиган ва ҳажми ўзгармайдиган аралашмаларга айтилади.

Енгил учувчан **A** ва қийин учувчан **B** компонентли бинар, суюқ аралашмани күриб чиқамиз. **A** ва **B** тоза компонентлар түйинган буғларининг босимини  $P_A$  ва  $P_B$  деб белгилаймиз.

Маълумки, идеал аралашмалар Рауль қонунига бўйсинади. Ушбу қонунга биноан, суюқлик устидаги тоза компонентнинг буғ босими унинг суюқликдаги моль улушкига пропорционалдир:

$$P_A = P_A \cdot x \quad P_B = P_B (1-x) \quad (5.115)$$

бу ерда  $P_A, P_B$  - **A** ва **B** компонентларнинг парциал босими;  $x, (1-x)$  - суюқ аралашмадаги **A** ва **B** компонентларнинг моль улушлари.

**Дальтон қонунига** биноан системадаги умумий босим, парциал босимлар йифиндисига тенг:


$$P = P_A \cdot x + P_B (1-x) = P_B + (P_A - P_B) \cdot x \quad (5.116)$$

бундан

$$x = \frac{P - P_B}{P_A - P_B}$$

(5.115) ва (5.116) тенгламалардан кўриниб турибдики, бир хил ўзгармас температурада суюқлик аралашмаси устидаги компонентлар парциал ва буғларнинг умумий босими енгил учувчан компонентнинг моль улуси  $x$  билан тўхричили боғлиқликда бўлади.

5.30-расмда компонентлар парциал босими ва умумий босим изотермалари тасвирланган.



5.30-расм. Идеал аралашмалар учун суюқлик-буғ мувозанат диаграммаси.  
а - аралашма устидаги компонент парциал босими ва умумий босим изотермалари; б - t-x.y диаграммалар; в - y-x диаграмма.

**OB** ва **CA** тўғри чизиқлар компонентлар парциал босими ( $P_A$  ва  $P_B$ ) ни, **AB** эса - суюқлик устидаги умумий босим ўзгаришини ифодалайди. **OA** ва **CB** вертикал кесмалар тоза компонентлар түйинган буғ и босими ( $P_A$  ва  $P_B$ ) ни кўрсатади.

Дальтон қонунига кўра, буғдаги компонентнинг парциал босими, ундағи шу компонент моль улушкига пропорционалдир:

$$P_A = P \cdot y \quad P_B = P \cdot (1-y) \quad (5.117)$$

бу ерда  $P$  - система умумий босим;  $y, (1-y)$  - буғ аралашмасидаги **A** ва **B** компонентлар моль улуси.

Мувозанат шароити учун:

$$P_A \cdot x = P_B \cdot y \quad P_B(1-x) = P \cdot (1-y) \quad (5.118)$$

бундан

$$y = \left( \frac{P_A}{P} \right) x \quad \text{ёки} \quad 1-y = \left( \frac{P_B}{P} \right) \cdot (1-x) \quad 5.119)$$

Одатда, ҳайдаш - ва ректификация жараёнлари изобарик жараёнда ўтказилади. Шунинг учун,  $P = \text{const}$  бўлган ҳолатдаги бинар аралашмани кўриб чиқамиз.

Бунда мувозанат чизигини  $t - x$ ,  $y - x$  координатларда тасвирлаш мумкин. Агар, температура маълум бўлса ва  $x$ ,  $y$  катталиклари ҳисоблаб топилса, системадаги мувозанатни ифодаловчи диаграммани қуриш мумкин. Диаграммадаги пастки чизик (5.30б-расм) суюқ аралашманинг қайнаш температурасини, юқори чизик эса - буг аралашмани конденсациялаш температурасини ифодалайди.  $x = 0$  ва  $x = 1,0$  да ордината ўқладидаги кесмалар, қийин ва енгил учувчан компонентлар қайнаш температурасини кўрсатади.

Суюқликнинг маълум таркиби  $x_1$  бўйича буг таркибини аниқлаш учун суюқлик концентрациясига тегишли абсцисса ўқидаги нуқтадан қайнаш чизиги билан кесишгунча вертикал чизик ўтказилади. Сўнг эса, кесилиш нуқтасидан буг конденсацияланиш чизиги билан кесишгунча горизонтал чизик ўтказилади. Кесилиш нуқтасининг абсцисса ўқидаги қиймати буғнинг мувозанат таркиби  $y_{p1}$  ни беради.

5.30б-расмда кўриниб турибдики, бир хил қайнаш температурасида буғдаги енгил учувчан компонент концентрацияси унинг суюқлик буглари мувозанат концентрациясидан катта бўлади. «Суюқлик буг» системанинг бу хоссаси **Коноваловнинг биринчи қонунига** бўйсунади, яъни эритма билан мувозанатда бўлган буг доим ўзида шундай компонентни ортиқча ушлайди, бунда эритмага шу компонентдан қўшилганда унинг қайнаш температураси камаяди. Масалан, этил спиртига сув қўшилса, системанинг қайнаш температураси пасяди. Коноваловнинг 1-қонунига биноан, эритманинг қайнashi даврида сув буғи фазасининг спирт буглари билан бойиши содир бўлади.

Ректификация жараёнини ҳисоблаш учун  $y - x$  диаграммадан фойдаланиш қулайдир (5.30в-расм).

$y_m = f(x)$  функция қуйидаги тенгламага мос келади

$$y = \frac{P_A \cdot x}{P} = \frac{P_A \cdot x}{P_B + (P_A - P_B) \cdot x} \quad (5.120)$$

ҳамда, суюқ ва буг фазалар мувозанат таркиблари орасидаги боғлиқликни ифодалайди.

Компонентлар нисбий учувчанлиги:

$$\alpha = \frac{P_A}{P_B}$$

маълум бўлса, идсал аралашмалар мувозанат чизигини ҳисоблаш ва қуриш мумкин.

$$y = \frac{\alpha \cdot x}{1 + (\alpha - 1) \cdot x} \quad (5.121)$$

Фақат енгил учувчан компонентлардан таркиб топган суюқлик билан шу компонентдан таркиб топган бүг мувозанат ҳолатида бўлади. Мувозанат чизигининг энг четки нукталари квадратнинг қарама қарши бурчакларида жойлашган. Квадрат диагонали ва мувозанат эгри чизиги суюқ ва буг фазаларнинг мавжуд бўлиш соҳаларини чегаралайди.

**Ҳақиқий суюқлик аралашмалари.** Бундай аралашмалардан компонентлар ажратиб олинганда иссиқлик ажраб чиқади, ҳажми ўзгаради ва кўпчилик ҳолларда Рауль қонунига бўйсунмайди.

Ундан ташқари, бу аралашмалар буг фазасининг молекулалари ўзаро тортишиш кучларини, уларнинг ҳажмларини ва бошқаларни ҳисобга олиш зарур.

Рауль қонунига нисбатан оғиш манфий ёки мусбат бўлиши мумкин. Агар, оғиш мусбат бўлса, эритма устида умумий босим Рауль қонуни бўйича идеал эритма учун ҳисоблангандан катта, манфий оғишида эса - кичик бўлади.

Мусбат оғишида умумий босим чизиги идеал эритманикidan юқори, манфий оғишида - пастроқдан ўтади.

Парциал босимларнинг концентрацияга боғлиқлиги ботиқ ёки бўртиқ чизиклар орқали тасвирланади (5.31-расм);

Ҳақиқий эритмалар учун фазавий мувозанат диаграммалари тажрибавий маълумотлар асосида қурилади.

Мувозанат чизигидан оғишининг сон қийматлари Рауль қонунидан жуда катта фарқ қилиши ва бир қатор эритмалар учун маълум бир концентрацияда

қайнаш температураси ўзгармас катталикка эга бўлиши мумкин.

**Коноваловнинг иккинчи қонунига** биноан, суюқ эритма устидаги мувозанат ҳолатидаги бугнинг таркиби суюқ эритма таркибига тенгdir, яъни  $y_M = x$  (5.31-расмдаги М нукта). Бундай аралашмалар **азеотроп** эритмалар деб номланади. Азеотроп эритмалар максимал ва минимал қайнаш температураги бўлиши мумкин.

Азеотроп эритмалар таркиби босим (температура) га боғлиқ бўлади.


Бирор системада босим ўзгариши билан унинг мувозанат ҳолати ўзгаради. Бу эса, ўз навбатида буг фазаси таркибининг ўзгаришига олиб келади.

Ушбу ўзгаришлар механизмини билиш учун **М.С.Вревский** томонидан куйидаги қонунлар яратилган:

(а) икки компонентли эритманинг қайнаш температураси (ёки босими) ортганда, буғлар таркибида буғланиши учун катта энергия талаб этувчи компонентнинг нисбий миқдори ошади;

**5.31-расм. Ҳақиқий эритмаларнинг фазавий диаграммалари.**  
а - манфий оғиш;  
б - мусбат оғиш.

б) буг учувчанилиги максимумга эга бўлган эритмаларнинг температураси (ёки босими) оширилганда, азеотроп эритмаларда буғланиши учун катта энергия талаб этувчи компонентнинг нисбий қиймати ортади. Буғнинг учувчанилиги минимум бўлганда, эритманинг қайнаш температураси оширилганда азеотроп эритмада буғланиши учун кам энергия талаб қилувчи компонентнинг нисбий миқдори кўпаяди.



Вревский қонунига биноан, азеотроп эритмаларни ажратиш учун босимни ўзгартыриб ҳайдаш ёки ректификация қилиш жараёнларидан фойдаланиш мүмкін.

**Бир-бирида эримайдиган ёки қисман эримайдиган суюқлик аралашмалари.** Агар, **A** ва **B** компонентлар бир-бирида түлиқ эриса, компонентлар молекуларининг ўзаро тортишиш кучлари нолга teng бўлади. Бунда, ҳар бир компонент ўзини мустақил тутади ва куйидаги босимда қайнайди:

$$P = P_A + P_B$$


Агар, аралашма компонентлари бир - бирида эримаса, исталган компонент парциал босими, унинг ўша температурада тўйинган буғ босимига teng.

Аралашманинг қайнаш температураси  $t_{ap}$  суюқ аралашманинг таркибига боғлиқ эмас (5.32-расм *a*в*d* чизик).

Аралашманинг қайнаш температураси ҳар доим тоза компонентлар қайнаш температураларидан паст бўлади.

Табиатда бир бирида абсолют эримайдиган моддалар камдан-кам учрайди. Агар, қисман эримайдиган суюқлик аралашмаларида қайнаш температураси *ac* ёки *de* чизиги бўйлаб эритманинг асосий компонентининг қайнаш температурасигача ўзгаради.

Буғнинг конденсацияланыш температураси *cb* ва *eb* чизиклари бўйлаб ўзгаради. Диаграммадаги *b* нуқтада  $y_0 = P_a/P = \text{const}$  таркибли буғ конденсацияланади.



5.32-расм. Қисман эримайдиган аралашмаларининг фазавий диаграммалари.


### 5.16. Оддий ҳайдаш

Суюқлик аралашмаларини бир маротаба қисман буғлатиш йўли билан ажратиш жараёни **оддий ҳайдаш** деб номланади. Оддий ҳайдаш жараёнини эритма компонентлари учувчанлиги орасидаги фарқ катта бўлган ҳоллардагина қўллаш мақсадга мувофиқ ва юқори самара беради.

Оддий ҳайдаш қўйидаги усуllibарда амалга оширилади: фракцияли ҳайдаш; дефлегмация билан ҳайдаш; сув буғи билан ҳайдаш; молекуляр ҳайдаш.

**Фракцияли ҳайдаш** Бу усул ҳайдаш кубидаги эритмани астасекин буғлатиш йўли билан олиб бориладиган ажратиш жараёнидир (5.33-расм).

Жараён давомида ҳосил бўлаётган буғ конденсатор 2 га уза-



5.33-расм. Оддий ҳайдаш қурилмаси.

- 1 - куб;
- 2 - конденсатор;
- 3 - дистилляят йигитчилар.

тилади ва у ерда конденсацияланиб, дистиллят ҳолатида йигич 3 га юборилади. Жараён тугагандан сўнг, куб 1 даги куб қолдиги чиқариб ташланади. Куб 1 тўйинган сув буғи ёки тутун газлари билан қиздирилади.

Эритмани ҳайдаш жараёнида куб қолдигида енгил учувчан компонент миқдори ва дистиллят таркибидаги миқдори максимал қийматдан минималга-ча камаяди. Шунинг учун, ҳар хил таркибли дистиллят фракциялари турли йигичларга ажратиб олинади. Ҳар хил таркибли маҳсулот олишга мўлжалланган эритмаларни ажратиб олиш усули **фракцияли ҳайдаш** деб номла-нади.

Оддий ҳайдаш даврида ҳосил бўлаётган буғ қубдан чиқариб олинади ва ҳар бир онда кубда қолган эритма билан мувозанатда бўлади.

Бу усулда ҳайдаш атмосфера ёки вакуум остида олиб борилади. Вакуум остида ҳайдаш усули иссиқликка чидамсиз эритмаларни ажратиш имконияти-ни яратади, чунки бу усулда қайнаш температураси пасаяди. Шунинг учун ҳам бу усулда ҳайдаш даврида паст температурали сув буғларидан фойдаланилади.

Дистиллятнинг ўртача таркиби моддий баланс тенгламасидан аниқланади:

$$Fx_f = Wx_w + (F - W)x_{dyp}$$


бундан

$$x_{dyp} = \frac{Fx_f - Wx_w}{F - W} \quad (5.122)$$

бу ерда  $F$  - бошланғич эритма миқдори;  $x_f$  - бошланғич эритма концентраяси;  $W$  - куб қолдиги миқдори;  $x_w$  - куб қолдиги концентраяси.

**Дефлегмация билан ҳайдаш** Бу усул эритмаларни ажратиш даражасини кўтариш учун кўлланилади (5.34-расм).

Бу усулда, куб 1 да ҳосил бўлган буғлар дефлегматор 2 га узатилади ва у ерда қисман конденсацияланиди. Қисман конденсацияланиш даврида қийин учувчан компонент миқдори кўп бўлган флегма ҳосил бўлади ва қайтадан кубга туширилади. Куб 1 га тушиш вақтида кўтарилаётган буғлар билан ўзаро таъсирида бўлади.



5.34-расм. Дефлегмацияли оддий ҳайдаш курилмаси.

- 1 - куб;
- 2 - дефлегматор;
- 3 - конденсатор;
- 4 - йигичлар.

Енгил учувчан компонент миқдори юқори бўлган буғлар конденсаторга йўналтирилади. Конденсацияланиш натижасида ҳосил бўлган дистиллят йигич 4 га тушади. Куб қолдигининг концентраяси ўрнатилган  $x_w$  қийматига етганда сўнг, қубдан чиқариб юборилади.


**Сув буғи билан ҳайдаш** Эритмалар қайнаш температура-сини пасайтириш учун жараёни-ни вакуум остида ташкил этиш усули олдиндан маълум эди. Лекин, эритмаларни сув буғи билан ҳайдаш усулида ҳам қайнаш температурасини пасайтириш мумкин. Айниқса, бу усул қайнаш температураси 100°C

дан ортиқ бўлган ва компонентлари сувда эримайдиган эритмалар учун жуда кўл келади. Шунинг учун, эритма компонентлари сувда эримаса, унда ҳайдаш кубига кўшимча компонент сифатида сув буги юборилади.

5.35-расмда сув буги билан оддий ҳайдаш даврида қайнаш температуранини аниқлаш диаграммаси келтирилган. Бу диаграммада қайнаш температурасига сув буғининг эластиклик эгри чизиги билан турли суюқликлар эластилик эгри чизигулари кесишган нуқтаси тўғри келади. Графикдан кўриниб турибидики, атмосфера босимида бензолни сув билан ҳайдаш пайтида жараён температураси  $69,5^{\circ}\text{C}$ , босим  $p = 0,0395 \text{ МПа}$  да  $46^{\circ}\text{C}$  атрофида, босим  $p = 0,1 \text{ МПа}$  да толуол учун эса -  $85^{\circ}\text{C}$ .

5.36-расмда аралашмаларни сув буги билан ҳайдаш курилмасининг схемаси келтирилган.


Бошланғич эритма куб 1 га юкланиди ва унинг филофига сув буги юборилади. Сўнг, куб ичидаги эритмага барботёр орқали кучли сув буги ҳайдалади. Эритманинг қайнаш пайтида ҳосил бўлган буғлар конденсатор 2 га узатилади ва ундан кейин сепаратор 3 да конденсат ажратилади. Сепаратордан сув чиқарилади, сувда эримайдиган енгил учувчан компонент эса махсус идишга йиғилади. Одатда бу усул мувозанат бўлмаган шароитларда амалга оширилади.



5.36-расм. Сув буги билан оддий ҳайдаш курилмаси

1 - куб; 2 - конденсатор;  
3 - сепаратор.

Эркин ҳаракати узунлигидан кам бўлиши керак. Бундай ҳолатда иссиқ юзадан кўтарилётган енгил учувчан компонент молекулалари совуқ юзага урилиши билан конденсацияланади. Буғланиш ва конденсацияланниш юзалари ўртасидаги температуралар фарқи  $100^{\circ}\text{C}$  атрофида.




5.35-расм. Сув буги билан ҳайдаш пайтида қайнаш температуранини аниқлаш диаграммаси.

**Молекуляр ҳайдаш.** Бу усул юқори температурада қайнайдиган ва иссиқликка чидамсиз эритмаларни ажратиш учун кўлланилади.

Ушбу жараён ўта паст вакуумда, яъни босим  $1,31\ldots0,131 \text{ Па}$  бўлган оралиқда олиб борилади.

Молекуляр ҳайдаш эритмани ташки юзасидан буғлатиш орқали амалга оширилади. Жараён бир бирига яқин ўрнатилган буғлатиш ва конденсацияланаш юзаларида рўй беради. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, улар орасидаги масофа одатда  $20\ldots30 \text{ мм}$ , яъни молекулаларнинг



5.37-расм. Молекуляр ҳайдаш қурилмаси.

1 - ротор; 2 - бошлангич эритмани узатиш трубаси; 3 - электр иситкич; 4,5 - конденсаторлар; 6 - ҳалқасимон йиггич; 7,8 -конденсатор таглиги; 9 - концентрик изоляцион плита; 10 - тармоқли нов.

Бошлангич эритма қурилмага труба 2 өфқали ротор 1 нинг тубига узатилиди. Ротордаги эритма марказдан қочма куч таъсирида конус юзаси бўйлаб юпқа қатлам ҳолида тарқалади. Бугланиш юзасидан ажралиб чиқсан молекулалар конденсацияланиш юзасига қараб йўналади.

Учувчанлиги паст компонент буғлари конденсатор 4 юзаларида конденсацияланса, учувчанлиги юқори компонент буғлари эса конденсатор 5 юзасида конденсацияланади. Биринчи фракция конденсатор 4 дан таглик 8 га, иккинчиси эса, змеевикда конденсацияланниб таглик 7 га оқиб тушади. Эритманинг буғланмаган қисми эса, марказдан қочма куч таъсирида ротор четидан тармоқли нов 10 га тошиб ўтади ва қурилмадан чиқариб юборилади. Ажратиб олинган дистиллят, таглик 8 чеккасидаги секция орқали ҳалқасимон йиггичга, таглик 7 дан эса, марказий секция орқали чиқариб олинади.

### 5.17. Ректификация

Суюқлик аралашмаларини ташкил этувчи компонентларга бир неча марта қисман буғлатиш ва буғларни конденсациялаш натижасида ажратишга ректификация дейилади.

Одатда, эритмаларни тўла ажратишни фақат ректификация усули таъминлайди. Бу жараён насадкали ёки тарелкали колонналарда ўтказилади. Колоннада буғ ва эритма қарама қарши йўналишда ҳаракатлантирилади ва ҳар бир тўқнашиш мосламасида буғ конденсацияланса, эритма эса буғнинг конденсацияланиш иссиқлиги ҳисобига қисман буғланади.

Шундай қилиб, буғ енгил учувчан компонент билан, колоннадан пастга оқиб тушаётган суюқлик эса - қийин учувчан компонент билан бойитилади. Буғ ва эритманинг кўп марта тўқнашиши ҳисобига дистиллят бутунлай енгил учувчан, куб қолдиги эса қийин учувчан компонентдан таркиб топган бўлади.

Ректификация жараёнини ҳисоблашда қуйидаги таҳминлар қабул қилинади:


а) 1 кмоль бүг конденсацияланиш даврида 1 кмоль суюқлик бүгланади. Демак, ректификацион колоннанинг исталган күндаланг кесимида ҳаракатланаётган бүгнинг миқдори бир хилдир;

б) дефлегматорда конденсацияланаётган бүгнинг таркиби ўзгармайди. Демак, ректификацион колоннадан чиқиб кетаётган бүгнинг таркиби дистиллятниги тенг ( $y_d = x_d$ ) бўлади;

в) эритма бүгланиши даврида унинг таркиби ўзгармайди. Демак, бүгланиш даврида ҳосил бўлган бүгнинг таркиби куб қолдигиникига тенглашади, яъни ( $y_w = x_w$ ).

Кўпинча ректификация жараёни  $t - x, y$  диаграмма ёрдамида тасвирланади (5.38-расм).


Концентрацияси  $x_1$ , бўлган бошлангич эритма қайнаш температураси  $t_1$  гача қиздирилганда, суюқлик билан мувозанатдаги бүг олинади ва у конденсациялангандан енгил учувчан компонентга бойитилган  $x$  таркибли суюқлик ҳосил бўлади. Ушбу суюқлик яна қиздирилса ва унинг температураси  $t_2$  гача етказилса, ҳосил бўлган бүгнинг конденсацияланиши натижасида  $x_2$  таркибли суюқликни оламиз. Шундай қилиб, бүгланиш ва конденсациялаш жараёни кўп марта қайтарилса, бошлангич эритмани тоза, енгил ва қийин учувчан компонентларга ажратиш мумкин.




5.38-расм.  $t - x, y$  - диаграмма.

### 5.17.1. Ректификация жараёнининг моддий ва иссиқлик баланслари

Жараённинг принципиал схемаси асосида ректификациянинг моддий ва иссиқлик баланслари тузилади (5.39-расм). Ректификацион колоннага узатилиган бошлангич эритма дистиллят ва куб қолдигига ажратилади.



5.39-расм. Ректификация жараёнининг моддий ва иссиқлик балансларини тузишга оид.



5.40-расм. Ректификация жараёни ишчи чизигининг тасвири.

Коллоннадан чиқаётган бұлар дефлегматор 4 да конденсацияланады ва ажратувчи идиш 3 га түшади. Бу ерда суюқлик иккі қисмга, яғни флегма  $\Phi$  ва дистиллятта ажратилади. Флегма колоннада пуркатилиш учун йұналтирилади.

Жараён моддий баланси ушбу күринишга әга:

$$G_f = G_d + G_w \quad (5.123)$$

Енгил учувчан компонент бүйича эса:

$$G_f \cdot x_f = G_d \cdot x_d + G_w \cdot x_w \quad (5.124)$$

бу ерда  $G_f$ ,  $G_d$ ,  $G_w$  - бошланғич эритма, дистиллят ва куб қолдиги массалари, кмоль;  $x_f$ ,  $x_d$ ,  $x_w$  - бошланғич эритма, дистиллят ва куб қолдиктаридаги енгил учувчан компоненттің концентрациялари, моль улушлар.

(5.123) ва (5.124) тенгламалардан дистиллят ва куб қолдигининг массалары аниқланади:

$$G_d = G_f \frac{x_f - x_w}{x_d - x_w} \quad (5.125)$$

$$G_w = G_f \frac{x_d - x_f}{x_d - x_w} \quad (5.126)$$

Бошланғич эритма, куб қолдиги ва флегмаларнинг 1 кмоль дистиллятта нисбаттарини қуидагыча белгилаб оламиз:

$$\frac{G_f}{G_d} = F; \quad \frac{G_w}{G_d} = W; \quad \frac{\Phi}{G_d} = R$$

Флегма миқдорининг дистиллят миқдорига нисбати **флегма соңы** деб номланади.

Ректификацион колоннаниң таъминлаш тарелкаси уни 2 га ажратади: юқори ва пастки қисмларга.

Үмумий тенглама асосида колоннаниң юқори ва пастки қисмлари учун моддий баланс тенгламаларини тузамиз:

$$G \cdot dy = L \cdot (-dx) \quad (5.127)$$

бу ерда  $L = R \cdot G_d$  - колонна юқори қисмінде оқиб тушаёттан суюқлик миқдори.

Колонна бүйлаб юқорига құтарилаётган бүр миқдори:

$$G = G_d + \Phi = G_d + RG_d = G_d(1 + R) \quad (5.128)$$

Колоннаниң юқори қисми учун:

$$(R + 1) \cdot dy = R \cdot (-dx) \quad (5.129)$$

Пастки қисми учун:

$$(R + 1) \cdot dy = (F + R) \cdot (-dx) \quad (5.130)$$

Концентрациялари  $x$ ,  $y$  бўлган колонна юқори қисмининг исталган кўндаланг кесими ва концентрациялари  $x_d$ ,  $y_d$  бўлган колоннанинг юқори қисми учун (5.129) тенгламани ёзамиш:  $(x_d = y_d)$  деб қабул қилинган ҳолда)

$$(R + 1) \cdot (y_d - y) = (R + 1) \cdot (x_d - y) = R \cdot (x_d - x)$$

Бундан

$$y = \frac{R}{R+1} x + \frac{x_d}{R+1} \quad (5.131)$$

Концентрацияси  $x$ ,  $y$  бўлган колоннанинг пастки қисми ва концентрациялари  $x_w$ ,  $y_w$  бўлган кубнинг исталган кўндаланг кесими учун,  $x_w = y_w$  ни ҳисобга олиб (5.130) тенгламани ёзамиш:

$$(R + 1) \cdot (y - y_w) = (R + 1) \cdot (y - x_w) = (F + R) \cdot (x - x_w)$$

ёки

$$y = \frac{R+F}{R+1} x - \frac{F-1}{R+1} x_w \quad (5.132)$$

Кўриниб турибдик (5.131) ва (5.132) тенгламалар тўғри чизиқни ифодалайди. (5.131) тенгламадаги  $R/(R + 1) = tga$  ишчи чизиқнинг абсцисса ўқига оғиш бурчаги тангенси  $x_d/(R+1) = B$  чизиқ  $y - x$  диаграмма ордината ўқида ажратган кесмаси (5.40-расм).

Шундай қилиб, (5.131) ва (5.132) тенгламалар ректификацион колоннанинг юқори ва пастки қисмларининг ишчи чизиқ тенгламаларини ифодалайди.

Агар, жараён даврий бўлса, ректификация жараёни колонна юқори қисмининг ишчи чизиги билан ифодаланади.

(5.129) тенгламадан колоннанинг таъминловчи тарелка кўндаланг кесими ва тепаси учун қўйидаги ифодани оламиш:

$$(R + 1) \cdot (x_d - y_f) = R \cdot (x_d - x_f) \quad (5.133)$$

бундан

$$R = \frac{x_d - y_f}{y_f - x_f} \quad (5.134)$$

### 5.17.2. Узлуксиз ишлайдиган ректификацион колоннанинг иссиқлик баланси

Бу турдаги қурилмаларнинг иссиқлик баланси қўйидаги тенглик билан ифодаланади (5.39-расм).

$$Q_1 + G_f c_f t_f + R \cdot G_d c_d t_d = G_d (R + 1) \cdot (r_d - c_d t_d) + G_w c_w t_w + Q_{\text{йук}} \quad (5.135)$$

бу ерда  $Q_1$  - кубдаги иссиқлик сарфи,  $\text{Ж}/\text{соат}$ ;  $c_f$ ,  $c_d$ ,  $c_w$  – бошлангич эритма, дистиллят ва куб қолдиқларининг солишишима иссиқлик сифими,  $\text{Ж}/(\text{кг}\cdot\text{К})$ ;  $t_f$ ,  $t_d$ ,  $t_w$  – бошлангич эритма, дистиллят ва куб қолдиқларининг температуруларни, К;  $r_d$  – дистиллятнинг буф ҳосил қилиш иссиқлиги,  $\text{Ж}/\text{кг}$ ;  $Q_{\text{йук}}$  – атроф муҳитта иссиқликнинг йўқотилиши,  $\text{Ж}/\text{соат}$ .

Ректификацион колонна кубидаги иссиқлик сарфини (5.135) тенгламадан топамиз:

$$Q_1 = G_d(R + 1) r_d + G_d c_d t_d + G_w c_w t_w + G_f c_f t_f + Q_{\text{шук}} \quad (5.136)$$

Агар, қайнатгыч сув буғи билан иситилаётган бўлса, жараённи ўтказиш учун сарфланадиган буғ сарфи ушбу тенгламадан аниқланади:

$$D = \frac{Q_1}{i'' - i'} \quad (5.136a)$$

бу ерда  $i''$ ,  $i'$  - сув буғи ва конденсатнинг энталпиялари, кЖ/кг.

**Ишчи чизикни у-х диаграммада тасвирилаш.** Эритма таркибини характерловчи  $x_w$ ,  $x_f$ ,  $x_d$  концентрация қийматлари абсцисса ўқига қуйилади (5.40-расм). Агар,  $x_d = y_d$  эканлигини ҳисобга олсак,  $x_d$  нуқтадан перпендикуляр чиқарип, диагонал чизик билан кесишган, координатлари  $x_d = y_d$  бўлган,  $A$  нуқтаси топилади.

Флегма сони  $R$  маълум бўлса,  $B = x_d/(R+1)$  кесма аниқланади ва у диаграмманинг ордината ўқига қўйилади. Сўнг,  $B$  кесманинг учи бўлмиш нуқта  $B$  ва  $A$  лар бирлаштирилади. Бошлангич эритма концентрациясига оид  $x_B$  нуқтасидан  $AB$  чизиги билан  $B$  нуқтада кесишгунча вертикал чизик ўтказилади.  $AB$  тўғри чизик колонна юқори қисмининг ишчи чизигини ифодалайди. Кейин,  $x_w$  нуқтасидан перпендикуляр чиқарилиб, диагонал билан кесишган  $C$  нуқтани топамиз.  $C$  ва  $B$  нуқталарни бирлаштириб, колонна пастки қисмининг ишчи чизигини топамиз. Диаграммадан кўриниб турибдики,  $B$  нуқта иккала ишчи чизик учун умумий бўлиб, таъминловчи тарелкадаги буғ ва суюқликнинг ишчи концентрацияларини характерлайди.

Эритма концентрациялари  $x_w$ ,  $x_f$ ,  $x_d$  бўлганда, ишчи чизикнинг ҳолати кесма  $B$  нинг қийматига боғлиқ. Ўз навбатида  $B$  кесма ишчи флегма сони  $R$  нинг катталиги билан аниқланади. Агар, флегма сони камайса, кесма  $B$  нинг қиймати ортади. Бунда ишчи ва мувозанат чизикларининг  $B_1$  нуқтасида кесишганди, ишчи чизик ўзининг максимал юқори ҳолати -  $AB$  га интилади. Ушбу нуқтада жараённи ҳаракатга келтирувчи кучи  $\Delta y = y_m - y = 0$  бўлади. Демак, ректификацион колоннанинг фазалар тўқнашиш юзаси чексиз катта бўлиши керак.

Ҳақиқатан ҳам, бундай ҳолатда концентрациялар ўзгаришининг назарий погоналар сони чексиз бўлади ва эритмани фақат чексиз баландликка эга шартли колоннада ажратиш мумкин. Лекин, иситувчи буғ ва колонна диаметри минимал кўрсаткичли бўлади. Албатта, бундай шароитда флегма сони ҳам минимал бўлади ва уни ушбу тенгламадан аниқлаш мумкин:


$$R_{\min} = \frac{x_d - y_{f,m}}{y_{f,m} - x_f} \quad (5.137)$$

Ишчи чизигининг қуви чегаравий ҳолатига чексиз катта флегма сони тўғри келади ва у графикда  $B=0$  кесма билан ифодаланади. Бу ҳолда иккала ишчи чизик диагонал билан устма-уст тушади. Чексиз катта флегма сонига максимал ҳаракатга келтирувчи куч  $\Delta y_{\min} = y_m - y$  ва ўз навбатида концентрация ўзгариш назарий погоналарининг минимал сони ва колоннанинг минимал сони, ҳамда колоннанинг минимал баландлиги тўғри келади. Лекин, колоннадаги буғ, қайнатгичдаги иситувчи буғ, дефлегматордаги совуқ сув сарфи ва қурилма диаметри максимал бўлади.

### 5.17.3. Ҳақиқий флегма сони

Ҳақиқий флегма сонини танлаш ўтга мураккаб масаладир, чунки унинг миқдорига қараб ректификацион колонна ўлчамлари ва иссиқлик элткичлар сарфи ўзгаради. Колонналарни ишлатиш учун зарур сарфлар ва капитал ҳаражатлар, ҳамда энергетик сарфлар флегма сонига боғлиқ.

5.41-расмда ҳақиқий флегма сонининг ректификация жараёни сарфлари-га боғлиқлиги тасвирланган.



5.41-расм. Ректификация жараёнига бўлган сарфларнинг флегма сонига боғлиқлиги.

- 1- эксплуатацион сарфлар;
- 2- капитал сарфлар;
- 3- умумий сарфлар.

Кўриниб турибдики, флегма сони ортиши билани эксплуатацион сарфлар пропорционал равища ортади. Капитал сарфларнинг флегма сонига боғлиқлиги колонна диаметри ва баландлигига тескари пропорционаллиги билан ифодаланади. Флегма сонининг маълум бир қийматига капитал сарфларнинг минимал катталиги тўғри келади.

Умумий сарфлар ва флегма сони орасидаги боғлиқлик ҳам минимум нуқтаси билан характерланади. Бу нуқтага мос  $R$  ҳақиқий флегма сонининг оптималь қийматига тенг бўлади. Ҳақиқий флегма сонини қўйидаги формулада ҳисоблаш мумкин:


$$R_x = \beta_R R_{\min} \quad (5.138)$$

бу ерда  $\beta_R$  - флегма ортиқчалигини ифодаловчи коэффициент. Кўпчилик ҳолларда ушбу коэффициент қўйидаги ордикда бўлади -  $\beta = 1,04 \dots 1,5$ .

### 5.17.4. Ректификацион колонна ишчи баландлиги ва тарелкалар сонини ҳисоблаш

Одатда ушбу параметрларни аниқлаш концентрациялар ўзгаришининг назарий ёки ҳақиқий погоналари сонига қараб олиб борилади. Бунда, назарий погонада буғ ва оқиб тушаётган суюқлик мувозанат ҳолатида бўлади.

Барботаж тарелкасининг ишлатиш принципини кўриб чиқамиз (5.42-расм).



5.42-расм. Тарелкалар сонини аниқлашга оид.

а - тарелкада буғ ва суюқликнинг ўзаро таъсири; б - буғ ва суюқлик мувозанатта эришиш жараёнини у-х диаграммада тасвири; в - буғ ва суюқлик мувозанатта эришмаган жараёнини у-х диаграммадаги тасвири.

Агар, концентрацияси  $x_{n+1}$  бўлган суюқлик юқоридан  $n$  – тарелкага оқиб тушса, пастдаги тарелкадаң концентрацияси  $y_{n-1}$  - бўлган буғ кўтарилади. Масса алмашиниш натижасида суюқликтаги енгил учувчан компонент бугга ўтса, қийин учувчан эса буғдан суюқлика ўтади. Бугдаги енгил учувчани компонент концентрацияси  $y_n$  гача ортса, суюқлиқда эса  $x_{n+1}$  дан  $x_n$  гача камаяди.

Жараённи таҳлил қилишда қўйидаги таҳминаларни қабул қиласиз: тарелкадаги суюқлик идеал аралаштирилган ва унинг концентрацияси ўзгармас  $x_n$  га тенг; идеал сиқиб чиқариш режимидағи суюқлик қатламида буғнинг концентрацияси  $y_{n-1}$  дан  $y_n$  гача ўзгариади.

Буғ концентрацияси  $y_{n-1}$  дан  $y_n = y_{np}$  гача ўзгариши даврида мувозанатга эришиши вертикал **AB** кесма билан тасвирланса, концентрациясининг  $x_{n+1}$  дан  $x_n$  гача ўзгариши эса, **BD** кесма билан характерланади (5.42б-расм). Шундай қилиб, **ABD** погона битта назарий тарелкада содир бўлаётган жараённи ифодалайди.

Ректификацион колоннада ўрнатиш зарур бўлган назарий тарелкалар сонини аниқлаш учун ишчи ва мувозанат эгри чизиқларининг **A** ва **C** нуқталари орасига погоналар қурилади.

Колоннанинг ҳақиқий тарелкасида ҳеч қачон мувозаитат концентрациясига эришиб бўлмайди, яъни  $y_n < y_{np}$  (5.42в-расм).

Колоннадаги ҳақиқий тарелкалар сонини аниқлаш учун фойдали иш коэффициенти қўлланилади. Одатда унинг катталиги тажрибавий усул билан топилади. Ректификация жараёнида масса бериш коэффициентини ҳисоблаш учун қўйидаги тенгламалар тавсия этилади:

суюқ фазада:

$$Nu_{AC} = 540 \cdot Re_c^{0.33} \cdot Pr_{Ac}^{0.45} \quad (5.139)$$

элаксимон тарелкаларда газ фазаси учун:

$$Nu_{\text{эл}} = 2.5 \cdot Re_i^{0.72} \cdot Pr_{\text{эл}}^{0.5} \cdot We^{-0.25} \quad (5.140)$$

қалпоқчали тарелкаларда газ фазаси учун:

$$Nu_{\text{эл}} = 0.265 \cdot Re_i \cdot Pr_{\text{эл}}^{0.5} \cdot We^{-0.25} \quad (5.141)$$

(5.140) ва (5.141) тенгламалардаги  $Nu_{de}$  ва  $Re_e$  критерийларда аниқловчи ўлчам сифатида капилляр константа  $\chi = \sqrt{\sigma / \rho_c g}$  ҳисобланади.

Вебер критерийси  $We = (\sigma / p_c) h_{ct}^2 g$ ,


бу ерда  $\sigma$  - сиртий таранглик, Н/м;  $h_{ct}$  - тарелкадаги суюқлик қатламигининг статик баланлиги, м.

## 5.18. Ректификация жараёнини ташкил этиш усуллари

Исталган ректификацион схема таркибида колонна (тарелкали ёки насадкали) ва қайнаткич бўлади. Одатда, қобиқ трубали ёки змеевикили иссиқлик алмашиниш қурилмасидан қайнаткич сифатида фойдаланилади. Қайнаткич колоннанинг пастки қисмида ёки унинг ташқарисида ўрнатилиши мумкин.

Турли саноат корхоналарида тарелкали ва насадкали колонналар кўп ишлатилади.

**Узлуксиз ишлайдиган ректификацион колоннанинг принципиал схемаси** 5.43-расмда кўрсатилган. Бошлангич эритма иситкич 2 да қиздирилади ва колоннанинг таъминловчи тарелкасига узатилади. Колоннадаги қайнаткич 8 нинг иссиқлиги таъсирида ректификация жараёни содир бўлади, эритма дистиллят ва куб қолдигига ажралади. Колоннадан чиқаётган буғлар дефлегматор 4 да қисман ёки тўла конденсацияланади. Агар буғ тўла конденсацияланса, ҳосил бўлган дистиллят ажратувчи мослама 5 да икки қисмга бўлинади.



5.43-расм. Узлуксиз ишлайдиган ректификацион колонна.

1 - йиггич; 2 - иситкич; 3 - ректификацион колонна; 4 - дефлегматор; 5 - ажратувчи мослама; 6 - совуткич; 7 - насослар; 8 - қайнаткич.

Биринчи қисм флегма суюқлик тамбаси орқали ўтиб колоннанинг юқори тарелкасида пуркалади, иккинчи қисми эса - дистиллят совуткич 6 дан ўтказилиб совутилади ва йиггич 1 да тўпланди.

Агар, буғлар дефлегматорда қисман конденсацияланса, улар конденсатор-совуткич орқали ўтказилади, у ерда конденсацияланади ва совутилади. Жараён мобайнида ҳосил бўлаётган куб қолдиги унинг қимматлиги ва зарурлигига қараб ёки йигичча тўпланди, ёки оқава сув сифатида утилизацияга йўналтирилади.

Одатда, саноат миёсида бошлангич эритма уч ваундан кўп қисмларга ажратилади.


**Кўп компонентли эритмаларни ректификация қилиш** схемаси 5.44-расмда тасвириланган. Ушбу схема кўп колоннали бўлиб, бошлангич эритмани узлуксиз равишда уч қисм, яъни **A**, **B** ва **C** компонентларга ажратишга мўлжалланган.

Биринчи колонна аралашмани **A+B+C** ёки **AB+C** қисмларга ажратади. Аралашмани **n** қисмга ажратиш учун **n-1** ректификацион колонналардан таркиб топган ректификацион схема зарур бўлади.


**Даврий ишлайдиган ректификацион колоннанинг принципиал схемаси** 5.45-расмда келтирилган.

Бошлангич аралашма буғ билан иситилаётган қайнаткичга узатилади. Қайнаш температурасигача иситилган аралашманинг буғлари ректификацион колоннанинг ластки қисмига юборилади. Колонна бўйлаб телага кўтари-

лаётган буелар енгил учувчан компонент билан бойиб боради, сүнг эса дефлегматорга тушади. У ерда конденсацияланади. Худди узлуксиз ишлайдиган ректификация схемасидек, конденсат флегма ва дистиллятга ажрайди. Курилмадаги куб қолдиги тўкилади ва у янги бошланғич аралашма билан тўлдирилади.



5.44-расм. Кўп компонентли аралашмаларни ажратиш ректификацион схемаси.



5.45-расм. Даврий ишлайдиган ректификацион колонна схемаси.

1 - қайнаткич; 2 - колонна; 3 - дефлегматор; 4 - совуткич; 5 - куб

### 5.19. Ректификацион колонналарни ҳисоблаш

Маълумки, ҳалқ хўжалигининг турли соҳаларида ректификация жараёни жуда кўп ишлатилади. Бу жараённи амалга оширишда тарелкали колонналардан кенг кўламда фойдаланилади.

Мисол тариқасида этил спирти-сув аралашмасини ажратиш учун узлуксиз ишлайдиган ректификацион колоннани (тарелкали) ҳисоблашни кўриб чиқамиз. Этил спирти-сув аралашмасининг массавий сарфи  $G=800$  кг/соат этил спиртининг бошланғич эритмадаги концентрацияси  $a_f = 20\%$  (масс); этил спиртнинг дистиллятдаги концентрацияси  $a_d = 91\%$  (масс); этил спиртининг куб қолдигидаги концентрацияси  $a_w = 2,6\%$  (масс); флегманинг оптикчалик коэффициенти  $\beta_R = 1,3$ ;  $\eta = 0,5$ ; тарелкалар орасидаги масофа  $h = 200$  мм; иситувчи буг босими  $p_b = 0,3$  МПа; ректификация жараёни атмосфера босимида ташкил этилган. Дистиллят  $G_d$ , куб қолдиги  $G_w$  ва тарелкалар миқдори  $n$ , ҳамда колонна баландлиги  $H$ , диаметри  $D_k$  ва иситувчи буг сарфи  $D$  ларни аниқлаш зарур.

Моддий баланс (5.125) формуладан ҳосил бўлаётган дистиллят миқдорини аниқлаймиз:

$$G_d = G_f \frac{a_f - a_w}{a_d - a_w} = 800 \frac{20 - 2,6}{91 - 2,6} = 157,4 \text{ кг / соат}$$

(5.123) формуладан эса куб қолдигининг миқдори топилади:

$$G_w = G_f - G_d = 800 - 157,4 = 642,4 \text{ кг / соат}$$

Ректификация жараёнини у-х координатларида қуриш учун бошланғич аралашма, дистиллят ва куб қолдиқлари таркибидағи енгил учувчан компонент

концентрациясини қуидаги формулалар ёрдамида моль улушларда ифодалаш мүмкін:

$$x_{f,d,w} = \frac{\frac{a_{f,d,w}}{M_a}}{\frac{a_{f,d,w}}{M_a} + \frac{100 - a_{f,d,w}}{M_B}}$$

бу ерда  $M_a$  ва  $M_B$  - енгил спирт ва қыйин сув учувчан компонентларнинг молекуляр массалари:

$$x_f = \frac{20/46}{20/46 + (100-20)/18} = \frac{0,434}{0,434 + 0,44} = 0,089;$$

$$x_d = \frac{91/46}{91/46 + (100-91)/18} = \frac{1,978}{1,978 + 0,5} = 0,798$$


$$x_w = \frac{2,6/46}{2,6/46 + (100-2,6)/18} = \frac{0,056}{0,056 + 5,41} = 0,01$$

Тажриба маълумотлари асосида  $y$  -  $x$  координатларида бошланғич аралашма учун мувозанат чизигини қўрамиз.

(5.137) формула ёрдамида минимал флегма сонини аниқлаймиз:

$$R_{\min} = \frac{x_d - y_{fm}}{y_{fm} - x_f} = \frac{0,798 - 0,44}{0,44 - 0,089} = 1,25$$

бу ерда  $y_{fm}$  - бошланғич аралашма таркибидаги енгил учувчан компонент билан мувозанатда бўлган буддаги енгил учувчан компонент концентрацияси.



**5.46-расм.** Ректификацион колонна тарелкаларининг сонини график усулда аниқлаш.

колоннанинг юқори қисми учун ишчи чизик оламиз. Пастки қисм учун ишчи чизик эса,  $B$  нуқтани ( $x_d$ ,  $y_d$  - кординатли) С нуқта ( $x_w = y_w$  кординатли) билан бирлаштирамиз ва

көрсакчидан ишчи чизик оламиз. Пастки қисм учун ишчи чизик оламиз.

Колонна пастки ва юқори қисмларидаги концентрация ўзгариши поғоналарининг сони ( $n$ ) ни аниқлаймиз. Бунинг учун мувозанат ва ишчи чи-

366

Колонна юқори қисми учун ишчи чизигини куриш учун (5.138) формуладан ҳақиқий флегма сонини хисоблаймиз:

$$R = \beta_R R_{\min} = 1,3 \cdot 1,25 = 1,629$$

Кесма  $B$  нинг узунлигини топамиз (5.46-расм):

$$B = \frac{x_d}{R+1} = \frac{0,798}{1,629 + 1} = 0,3$$

Сўнг, ордината ўқида  $B=0,3$  кесмани ўлчаб, уни  $A$  нуқта ( $x_d = y_d$  кординатли) билан бирлаштирамиз ва

зиқлари орасига  $A$  нүктадан  $C$  гача поғонали чизиқлар ўтказамиз. Тарелка сони (5.66) формула ёрдамида топилади, янын:

$$n_x = \frac{n}{\eta} = \frac{16}{0,5} = 32$$

Колоннанинг ҳақиқий баландлиги эса

$$H = h \cdot (u_x - 1) = 0,2 \cdot 31 = 6,2 \text{ м}$$

бу ерда  $h$  – тарелкалар орасидаги масофа, м.

Курилма диаметри ушбу формуладан ҳисобланади:

$$D_K = \sqrt{\frac{V}{0,785 \cdot w_u}}$$

бу ерда  $V$  – колоннадаги буғ сарфи;  $w_u$  – буғнинг ишчи тезлиги.

$$\begin{aligned} V &= \frac{G_d (R + 1) \cdot (273 + t_{wp})}{3600 M_a 273} \cdot 22,4 = \\ &= \frac{157,4 \cdot 2,629 \cdot 360 \cdot 22,4}{3600 \cdot 46 \cdot 273} = 0,0738 \text{ м}^3 / \text{с} \end{aligned}$$

бу ерда  $t_{wp} = 87^\circ\text{C}$  – колоннадаги буғларнинг ўртача температураси.

Колоннадаги буғнинг тезлиги қўйидагича аниқланади:

$$w_{np} = 0,05 \sqrt{\frac{\rho_c}{\rho_b}}$$

бу ерда  $\rho_c$ ,  $\rho_b$  – суюқлик ва буғнинг ўртача зичликлари.

Буғнинг ўртача зичлиги:

$$\rho_b = \frac{\rho_{bw} + \rho_{bd}}{2} = \frac{0,596 + 1,59}{2} = 1,09 \text{ кг / м}^3$$

Кубдан чиқаётган буғнинг зичлиги (буғ фақат тоза сувдан иборат деб таҳмин қилинганда),

$$\rho_{bw} = \frac{M_b}{22,4} \frac{273}{(273 + t_w)} = \frac{18}{22,4} \frac{273}{(273 + 95)} = 0,596 \text{ кг / м}^3$$

бу ерда  $t_w = 95^\circ\text{C}$  – кубдаги аралашманинг қайнаш температураси.

Дефлегматорга кираётган буғнинг зичлиги (буғ фақат тоза спиртдан иборат деб таҳмин қилинганда),

$$\rho_{bd} = \frac{M_a}{22,4} \frac{273}{(273 + t_d)} = \frac{46}{22,4} \frac{273}{351,0} = 1,59 \text{ кг / м}^3$$

бу ерда  $t_d + 78^\circ\text{C}$  – спиртнинг қайнаш температураси

Колоннадаги суюқликнинг ўртача зичлигини  $78^{\circ}\text{C}$  ли спирт зичлиги ва кубда сувнинг қайнаш температураларининг ўртача қиймати деб топамиз:

$$\rho_c = \frac{\rho_{cw} + \rho_{cd}}{2} = \frac{958 + 735}{2} = 846,5 \text{ кг / м}^3$$

Унда

$$w_{np} = 0,05 \sqrt{\frac{846,5}{1,09}} = 1,393 \text{ м / с}$$

Ишчи тезликни рухсат этилган чегаравий тезликдан 20% га кам микдорда қабул қиласиз, яъни

$$w_u = 0,8 \cdot 1,393 = 1,11 \text{ м / с}$$

Унда, колоннанинг диаметри

$$D = \sqrt{\frac{0,0738}{0,785 \cdot 1,11}} = 0,291 \text{ м}$$

Иссиқликнинг умумий сарфи ректификацион колоннанинг иссиқлик балансидан аниқланади:

$$Q = G_d(R + 1) r_d + G_w c_w t_w - G_f c_f t_f - R G_d c_d t_d$$

бу ерда  $r_d = 850 \text{ кЖ/кг}$  аралашманинг иссиқлик ҳосил қилиш иссиқлиги;  $c_f = 4310$ ,  $c_d = 3600$ ,  $c_w = 4190 \text{ Ж}/(\text{кг} \cdot \text{К})$  солиштирма иссиқлик сифимлар;  $t_f$   $t_d$   $t_w$  –  $x_f$   $x_d$   $x_w$  5.46-расмдаги эгри чизиқларидан топиладиган қайнаш температуралари;  $t_f = 87^{\circ}\text{C}$ ,  $t_d = 78^{\circ}\text{C}$ ,  $t_w = 95^{\circ}\text{C}$  га тент деб қабул қиласиз.

Атроф муҳитга иссиқликнинг йўқотилиши умумий иссиқлик сарфидан 3...5% деб қабул қилинади, яъни

$$Q_{\text{иык}} = 0,03 \cdot Q = 7066,3 \text{ кЖ/соат}$$

Иссиқлик сарфи:

$$Q = 157,4 \cdot 2,629 \cdot 850 + 642,6 \cdot 4,19 \cdot 95 - 800 \cdot 4,31 \cdot 87 - \\ - 1,629 \cdot 157,4 \cdot 3,6 \cdot 78 = 235546,4 \text{ кЖ/соат}$$

Иситувчи буғ сарфи:

$$D = \frac{Q_{\text{иык}}}{i'' - i'} = \frac{242612,7}{2730 - 558,9} = 111,75 \text{ кг/соат}$$

бу ерда  $i'' = 2730 \text{ кЖ/кг}$  иситувчи буғ энталпияси;  $i' = 558,9 \text{ кЖ/кг}$  – конденсат энталпияси. Иситувчи буғ ва конденсатларининг энталпиялари тўйинган сув буғи босими бўйича жадвалдан аниқланади.

# «Суюқлик - Суюқлик» СИСТЕМАСИДА ЭКСТРАКЦИЯЛАШ

## 5.20. Умумий түшүнчалар

«Суюқлик - Суюқлик» системаларида эритма ёки қаттиқ жисмлар таркибидан бир ёки бир неча компонентларни маңсус суюқлик (эритувчи) ёрдамида ажратиб олиш жараёни **экстракциялаш** деб номланади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, эритувчи аралашмада эримайди, лекин экстракциялангаётган компонентни эритади.

Маълумки, экстракция жараёни 2 хил бўлади: 1) суюқликларни экстракциялаш; 2) қаттиқ материалларни экстракциялаш.

Экстракция жараёнининг принципиал схемаси 5.47-расмда келтирилган.



5.47-расм. Экстракция жараёнининг принципиал схемаси.

Таркибида тарқатувчи модда **M** бор бошлангич эритма **F** ва эритувчи **E** лар экстракторга юкланди. Бирор эритма таркибидаги компонентларни ажратиб олиш учун кўлланиладиган суюқлик **экстрагент** (**E**) деб номланади. Фазалар ўртасида масса алмашиниш жараёни уларнинг бевосита тўқнашуви туфайли юз беради. Экстракция натижасида ҳосил бўлган суюқ аралашма ажратгичга юборилади ва у ерда экстракт (**Э**) ва рафинат (**R**) га ажратилади.

Суюқ аралашмани экстракт ва рафинатга ажратиш учун тиндириш, сепарациялаш, центрифугалаш ёки бошқа механик жараёнлар кўлланилади.

Экстракт таркибидаги зарур компонент (маҳсулот) ажратиб олинади, рафинатдан эса экстрагент қайта тикланади.

Экстракция жараёни турли хил конструкцияли қурилмаларда **экстракторларда** ўтказилади.

Жараён таҳлили шуни кўрсатадики, бу жараён ҳам ректификация каби эритмаларни ажратиш учун ишлатилади. Агар, ректификация жараёни иссиқлик таъсирида олиб борилса, экстракция учун эса - унинг зарурати йўқ. Ректификацияда компонентларга ажратиш уларнинг турли учувчанлигига боғлиқ. Агар, эритма компонентларининг қайнаш температуралари бир бирiga жуда яқин бўлса, экстракция жараёнидан фойдаланиш юқори самара беради. Лекин, экстрагентнинг зичлиги, суюқ аралашма зичлигидан етарли даражада фарқ қилиши ва кам бўлиши керак.

Экстракция жараёнидан кимё, нефтни қайта ишлаш, нефть кимёси, озиқ-овқат, фармацевтика ва саноатнинг бошқа соҳаларида кенг миқёсда фойдаланилади. Бу жараён хилма-хил органик ва нефть-кимё синтез маҳсулотларини тоза ҳолда ажратиб олиш, нодир, камёб ва тарқоқ элементларни олиш, оқава сувларини тозалаш ва бошқа соҳаларда ишлатилади. Жараённинг асосий афзаллиги шундаки, у паст температурада ўтади ва термолабил моддалари бор элементларни ажратиш имконини яратади.

Экстракция жараёни камчиликлардан ҳоли эмас, яъни қўшимча эритувчи ишлатилади, эритувчини қайта тиклаш технологик схемани мураккаблаштиради ва қўшимча қурилма талаб этади, ҳамда жараённи қимматлашишига олиб келади.

Кўпчилик ҳолларда экстракция ва ректификация жараёнлари кўпигча биргаликда қўлланилади. Бунга сабаб, бошлангич эритма концентрацияси ортиши билан ректификация жараёнига зарур бўлган иссиқлик сарфи камаяди. Демак, аввал экстракция жараёнининг ўтказилиши, бошлангич эритмани ажратиш учун сарфланадиган иссиқликни тежашга олиб келади.

### 5.21. «Суюқлик - суюқлик» системасининг мувозанати

Бир суюқлик фазадан иккинчисига тарқалувчи модданинг ўтиши мувозанат ҳолати ўрнатилгунча давом этади, яъни фазаларда кимёвий потенциаллар тенглашгунга қадар. Фараз қиласлик, жараёнда учта компонент ( $K = 3$ ) ва иккита фаза ( $\Phi = 2$ ) қатнашмоқда. Унда, фазалар қоидасига биноан эркинлик даражаси  $C = 3$ . Лекин, одатда экстракция жараёнида температура ва босим бир хил қилиб ушлаб турилади. Бундай, экстракциялаш системасининг эркинлик даражаси 1 га тенг бўлади.

Демак, мувозанат ҳолатида бир фазадаги тарқалувчи модда концентрациясига, иккинчи фазадаги маълум бир концентрация тўғри келади.

Экстракция жараёнидаги мувозанат тарқалиш коэффициенти  $\varphi$  билан характерланади, яъни экстракт ва рафинатлардаги тарқалувчи модда мувозанат концентрацияларнинг нисбатига тенг.

Бергло-Нернст қонунига бўйсинадиган суюлтирилган эритма учун ўзгармас температурада тарқалиш коэффициенти  $\varphi$ , тарқалувчи модда концентрациясига боғлиқ эмас ва  $\varphi = y_M/x$ , бу ерда  $y_M$  —  $x$  экстракт ва рафинатдаги тарқалувчи модданинг мувозанат концентрациялари. Бундай ҳолларда мувозанат тўғри чизиқ кўринишида бўлали:

$$y_M = \varphi \cdot x \quad (5.142)$$


Одатда, саноат қурилмаларининг тарқалиш коэффициенти тажриба йўли билан аниқланади.

Агар, иккала суюқлик фазалар бир - бирида эримаса, ҳар бир фазани икки компонентли эритма деб ҳисобласа бўлади. Бундай ҳолатларда экстракция жараёни бошқа масса алмашиниш жараёnlари каби  $y-x$  координаталарида тасвирлаш мумкин.

Аммо, суюқлик фазалар бир-бирида қисман эриса, ҳар бир фазани уч компонентли эритма деб ҳисобласа бўлади. Уч компонентли аралашмалар таркиби учбурчакли координаталар системасида тасвирланади (5.48-расм).

Тенг томонли учбурчакнинг чўққилари  $L$ ,  $M$ ,  $E$  ларда тоза (100% ли) компонентлар таркиби кўрсатилган: бошлангич эритма  $L$ , экстрагент  $E$  ва тарқалувчи модда  $M$ . Учбурчакнинг томонлари  $LM$ ,  $ME$  ва  $EL$  моддалардаги ҳар бир нуқта икки компонентли эритмани ифодалайди.

Учбурчак ички юзасидаги исталган нуқта  $N$  уч компонентли




5.48-расм. Учбурчакли диаграмма.

эритма таркибини күрсатади. Эритма таркибини аниқлаш учун  $N$  нүктадан учбұрчак томонларига параллел чизиқтар үтказилади.

Натижада,  $N$  нүктеге мес келдиган аралашма таркиби қуидагыча бўлади: эритувчи  $L = 30\%$ , экстрагент  $E = 40\%$  ва тарқалувчи модда  $M = 30\%$ .

Учбұрчакли диаграммада уч компонентли аралашма таркибида содир бўлаётган ўзгаришлар тасвирланади. Агар,  $N$  нүкта билан характерланадиган эритмага тарқалувчи модда  $M$  кўшилса,  $E$  ва  $L$  компонентлар миқдори ўзгармайди. Лекин,  $M$  компонентнинг қўшилиш миқдорига қараб, аралашма таркибини аниқловчи миқдор  $NM$  қиррада бўлади ва учбұрчакни  $M$  чўққисига яқинлашиб боради (5.49а-расм).



5.49-расм. Уч компонентли аралашма таркиби ўзгаришини учбұрчакли диаграммада тасвирлаш.

Аралашма  $N$  дан тарқалувчи модда  $M$  ни ажратиб олиш жараёнида ва олинган маҳсулот таркибига оид нүкта  $PM$  кесмада ётади. Лекин, эритма қанча кўп суюлтирилган бўлса, у учбұрчакнинг  $LE$  қиррасига шунча яқин жойлашади.

Таркиби  $N$  бўлган аралашмани экстрагент  $E$  билан суюлтириш  $NE$  чизиги билан характерланади.

Агар бошланғич аралашма миқдори ва таркиби ( $N$  нүкта) ва уни экстракт ( $\mathcal{E}$  нүкта) ва рафинат ( $R$  нүкта) га ажратгандан кейинги таркиблари маълум бўлса, учбұрчакли диаграмма ёрдамида фазаларнинг миқдорларини (5.49б-расм) моддий баланс тенгламасидан аниқлаш мумкин:


$$R + \mathcal{E} = N$$

бу ерда  $R$ ,  $\mathcal{E}$ ,  $N$  - рафинат, экстракт ва бошланғич аралашма массалари, кг.

Ричаг қонунига биноан:

$$\frac{\mathcal{E}}{R} = \frac{R\bar{N}}{\mathcal{E}\bar{N}} \quad (5.143)$$

Мувозанат чизигини учбұрчакли диаграммада тасвирлаймиз. Бунинг учун  $L$  ва  $E$  суюқлик фазаларида тарқалувчи модда  $M$  чексиз миқдорда эрийди деб қабул қиласиз. Лекин, эритувчилар бир-бирида чекланмаган миқдорда эрийди (5.49-расм).



5.49в-расм. Учбурчакли диаграммада мувозанат чизигини тасвирилш.

жойлашган  $N_1$  нүқта билан характерланадиган уч фазали аралашмалар бўлади.

$N_1$  таркибли аралашма  $R_1$  ва  $\mathcal{E}_1$  таркибли  $\mathcal{E}_1N_1/(R_1N_1)$  нисбатда икки фазага ажралади. Агар, аралашмага яна  $M_2$ ,  $M_3$ ,... тарқалувчи моддалар қўшилса,  $N_2$ ,  $N_3$ ,... таркибидаги уч фазали аралашмалар ҳосил бўлади ва улар мувозанат таркибли  $R_2$  ва  $\mathcal{E}_2$ ,  $R_3$  ва  $\mathcal{E}_3$  ва ҳ. фазалари қатламларга ажралади. Бирор  $N_4$  таркибда фазаларнинг бири йўқ бўлиб кетган ҳолгача мувозанат сарфлар нисбати ўзгариб боради. Ундан кейин эса, тарқалувчи модда  $M$  нинг яна қўшилиши билан  $N_5$  таркибли бир жинсли, уч фазали аралашмалар ҳосил бўлади.

Агар,  $R_1$  ва  $\mathcal{E}_1$ ,  $R_2$  ва  $\mathcal{E}_2$ ,... лар тўғри чизиқ билан бирлаштирилса, мувозанат таркибга оид  $R_1\mathcal{E}_1$ ,  $R_2\mathcal{E}_2$ ,... мувозанат хордаларини ҳосил қўламиз. Мувозанат хордалари критик деб номланадиган  $K$  нүқтада бирлашади. Мувозанат хордаларининг оғиш бурчаги компонент табиати ва фазалар таркиби билан белгиланади. Агар, мувозанат таркиблар  $R$ ,  $R_1$ ,  $R_2$ ,... ва  $\mathcal{E}$ ,  $\mathcal{E}_1$ ,  $\mathcal{E}_2$ ,... ни ифодаловчи нүқталарни равон, силлиқ чизиқ билан туташтирасак мувозанат эгри чизигини (бинодал эгри чизиқни) ҳосил қўламиз.  $RK$  чизиқ  $L$  эритувчи фазаларининг мувозанат таркибини,  $\mathcal{E}K$  чизиқ эса  $E$  эритувчи фазаларининг мувозанат таркибини характерлайди.

Учбурчакли диаграммадаги бинодал эгри чизиқ икки (бинодал чизиқ остидаги) ва бир (бинодал чизиқ ташқарисидаги) фазали аралашмаларга ажратади.

5.49в-расмдаги мувозанат диаграммаси ўзгармас температура учун қурилган ва у изотерма деб номланади.

Система мувозанатига температура ҳам таъсир кўрсатади. Одатда, температура ўсиши билан компонентларнинг бир бирида эриши ортади. Демак, гетероген системалар зонаси камайиб боради. Температура ортиши билан бинодал эгри чизиқ  $LE$  ўқига яқинлашади ва  $RK\mathcal{E}$  чизиқ остидаги юза камаяди (5.49в-расм).

## 5.22. Экстракция жараёнида масса ўтказиш

Экстракция жараёнининг кинетик қонунлари масса ўтказишнинг асосий қонунлари билан белгиланади.

Фазалар тұқнашиш юзасини ошириш мақсадыда улардан биттаси томчи ҳолида пуркалади. Натижада, бир суюқпик фаза қурилманинг бутун ҳажмида яхлит жойлашади, иккінчиси эса томчи ҳолида бўлади. Фазаларнинг биринчиси дисперсион, томчи ҳолатидагиси эса - дисперс фаза деб номланади.

Шундай қилиб, ажратилиши зарур бўлган компонент дисперсион фаза ичидан томчининг юзасига, кейин эса, унинг таркибига ёки тегишли компонент томчининг ичидан чегаравий (ажратувчи) юза орқали дисперсион (яхлит) фазага ўтади. Жараён тезлиги фазадан фазага ўтган модда миқдори билан характерланади.

Томчи ичиди масса ўтказиш асосан молекуляр ва конвектив диффузия йўли билан рўй беради. Томчи ичиди циркуляция ҳисобига конвекция пайдо бўлади. Жараён мобайнида томчининг шакли ва ўлчами бир неча марта ўзгаради. Бунинг оқибатида фазалар орасидаги ўзаро таъсир юзаси бир неча бор янгиланади.

Экстракция жараёнларида масса алмашинишни ифодалаш учун Фикнинг 2-қонунидан фойдаланилади.

Умумий ҳолатда, яъни дисперсион (яхлит) ва дисперс фазалардаги диффузион қаршиликларни инобатга олмасликни иложи бўлмагандан, массанинг иккала фазада тарқалиши ҳисобга олинади.

Масса бериш коэффициентларини ҳисоблашда ушбу формуладан фойдаланиш мумкин:

$$M = \beta_c \cdot \Delta x_{yp} \cdot F \quad (5.144)$$

$$M = \beta_d \cdot \Delta y_{yp} \cdot F$$

бу ерда  $\beta_c$  ва  $\beta_d$  - дисперсион ва дисперс фазалардаги масса бериш коэффициенти.

Ушбу коэффициентлар қуйидаги критериал формулалардан топилади:

$$\begin{aligned} Nu_c &= 1,13 \cdot Pe_d^{0,5} \\ Nu_d &= 3,75 \cdot 10^{-3} \cdot Pe_d \end{aligned} \quad (5.145)$$

бу ерда  $Nu_c = \beta_c d/D_c$  дисперсион фаза учун Нуссельт критерийси;  $Pe_c = wd/D_c$  дисперсион фаза учун Пекле критерийси;  $D_c$  дисперсион фазадаги диффузия коэффициенти,  $m^2/c$ ;  $d$  томчи диаметри, м;  $w$  - томчининг дисперсион фазадаги тезлиги,  $m/s$ ;  $Nu_d = B_d d/D_d$  - дисперс фаза учун Нуссельт критерийси;  $D_d$  - дисперс фазадаги диффузия коэффициенти,  $m^2/c$ .

Масса ўтказиш коэффициентлари қуйидаги тенгламалардан аниқланади:

$$K_y = \frac{1}{\frac{1}{\beta_d} + \frac{\varphi}{\beta_c}} ; \quad K_x = \frac{1}{\frac{1}{\varphi \beta_d} + \frac{1}{\beta_c}} \quad (5.146)$$

Агар, ҳамма диффузион қаршилик фақат дисперсион фазада мужассам бўлса, (5.146) тенглама  $K_x = \beta_c$  кўринишга келиб қолади.

Агар, ҳамма диффузион қаршилик фақат дисперс фазада бўлса, яъни томчининг ичиди, (5.146) тенглама  $K_y = \beta_d$  кўринишни олади.


Унда, масса ўтказишнинг асосий тенгламасини қуйидагича ёзиш мумкин:

$$M = K_x \cdot \Delta x_{yp} \cdot F \quad M = K_y \cdot \Delta y_{yp} \cdot F \quad (5.147)$$

## 5.23. Экстракция жараёнини ташкил этиш усуллари

Саноат миқёсида даврий ва узлуксиз экстракция жараёни қуйидаги схемалар асосида ташкил этилади: бир погонали, күп погонали қарама-қарши йұналишила вә күп погонали ўзаро кесишган йұналишила.

**Бир погонали экстракция** асосан ажратиш коэффициентининг қиймати жуда катта бұлған ҳолларда ишлатилади. Бу схема даврий ёки узлуксиз бўлиши мумкин (5.50а-расм).



5.50-расм. Бир погонали экстракция (а) ва жараённи у-х координатларыда (б) ва учбурчакли (в) диаграммада тасвирилаш.

таркиби аралаштириш чизиги  $EE$  да жойлашкан  $N$  нұқта билан хартерланади. Арапашмани ажратиш натижасида экстракт ва рафинатта бўлинади. Уларнинг таркиби  $N$  нұқта орқали ўтадиган, мувозанат хордасида ётувчи  $R$  ва  $\mathcal{E}$  нұқталар билан белгиланади. Экстрагент модулини ричаг қоидасига биноан топиш мумкин:

$$\frac{E}{F} = \frac{\overline{FN}}{\overline{EN}}$$

Рафинат миқдорини эса,

$$R = \frac{N\overline{\mathcal{E}N}}{\overline{RN}}$$

Экстракт миқдорини эса:

$$\mathcal{E} = N - R = N \cdot \left( \frac{\overline{RN}}{\overline{R\mathcal{E}}} \right)$$

Рафинат таркибини учбурчакнинг  $LM$  томонидаги нұқта  $R_k$ , экстрактникини эса -  $\mathcal{E}_k$  белгилайди.

Агар, фазалар бир-бирида эримайдиган бўлса, бир погонали экстракция жараёни у-х диаграммада  $AB$  тўғри чизик билан ифодаланади. Ушбу тўғри чизик оғиш бурчагининг тангенси бошлангич эритма ва эритувчи оғирликлари нисбатига тенгдир:

$$\frac{L}{E} = \frac{\overline{BR}}{\overline{RF}} = \operatorname{tg} \alpha$$

Арапаштиргич қурилмага бошлангич эритма  $F$ , концентрацияси  $x_b$  бўлған  $L$  (кг) миқдордаги эритувчи ва экстрагент  $E$  юкландади. Сўнг, арапаштиргич ёрдамида улар арапаштирилади ва икки қатламга ажратилади, яъни экстракт  $\mathcal{E}$  ва рафинат  $R$  га.

Эмульсияларни ажратиш учун тиндиригич ва қийин ажратиладиган эмульсиялар учун эса, сепараторлар ишлатилади.

Бир погонали экстракция жараёни учбурчакли ва тўғри бурчакли диаграммаларда кўриб чиқамиз (5.50б,в-расм).

Бошлангич эритма арапаштирилганда уч компонентли арапашма ҳосил бўлади ва унинг

таркиби  $N$  нұқта билан хартерланади. Уларнинг таркиби  $N$  нұқталар билан белгиланади. Экстрагент модулини ричаг қоидасига биноан топиш мумкин:

$$\frac{E}{F} = \frac{\overline{FN}}{\overline{EN}}$$

Рафинат миқдорини эса,

$$R = \frac{N\overline{\mathcal{E}N}}{\overline{RN}}$$

Экстракт миқдорини эса:

$$\mathcal{E} = N - R = N \cdot \left( \frac{\overline{RN}}{\overline{R\mathcal{E}}} \right)$$

Рафинат таркибини учбурчакнинг  $LM$  томонидаги нұқта  $R_k$ , экстрактникини эса -  $\mathcal{E}_k$  белгилайди.

Агар, фазалар бир-бирида эримайдиган бўлса, бир погонали экстракция жараёни у-х диаграммада  $AB$  тўғри чизик билан ифодаланади. Ушбу тўғри чизик оғиш бурчагининг тангенси бошлангич эритма ва эритувчи оғирликлари нисбатига тенгдир:

$$\frac{L}{E} = \frac{\overline{BR}}{\overline{RF}} = \operatorname{tg} \alpha$$


Агар, эритувчи миқдори оширилса, исталған тозалик даражали рафинат олиш мүмкін. Лекин, экстрактнинг түйиниш чегараси  $y_{ox}$  билан белгиланади.

Иккала диаграммадан күрениб турибдики, бир погонали экстракция натижасыда олишган рафинат ва экстракт таркиблари мувозанатда бўлади ва бошлангич таркибдан кам фарқ қиласди. Шунинг учун, бу жараён самарадорлиги паст бўлади ва саноат корхоналарида кенг қўлланилмайди.

Жараён самарадорлигини ошириш учун уни бир неча марта қайтариш керак ва ҳар гал янги эритувчи узатиш зарур.

**Кўп погонали экстракция** кўп секцияли экстракторларда ўтказилади. Бундай қурилмаларда фазалар йўналиши қарама-қарши, ўзаро кесишган ёки комбинациялашган бўлиши мүмкін.

**Қарама – қарши йўналишили экстракция** жараёни турли схемаларда амалга оширилиши мүмкін (5.51а-расм).



5.51-расм. Кўп погонали экстракция (а) ва жараённи  
у - x (б) ва учбурчакли (в) диаграммада тасвирилаш.

Кўп погонали экстракция қурилмаларида бошлангич эритма  $F$  ва экстрагент  $E$  қурилманинг қарама-қарши учларидан юборилади. Тарқалувчи компонент концентрацияси тўйинишга яқин бўлган экстракт биринчи погонада  $x_0$  концентрацияли  $F$  бошлангич эритма билан ўзаро тўқнашувда бўлади. Бу компонентли аралашма биринчи погонада ажратилгандан сўнг,  $y_1 = y_{ox}$  концентрацияли экстракт ва  $x_1$  концентрацияли рафинат олинади.

Таркиби  $x_1$  бўлган рафинат қурилманинг иккинчи погонасида  $\mathcal{R}_2$  таркибли экстракт билан ўзаро таъсирда бўлади. Ажратилгандан сўнг,  $R_2$  таркибли рафинат ва  $\mathcal{R}_2$  экстракт ҳосил бўлади. Экстракторнинг  $n$  погонасида концентрацияси  $x_{n-1}$  бўлган  $R_{n-1}$  рафинат янги  $y_b = y_n$  концентрацияли, яни нолга яқин экстрагент  $E$  билан тўқнашища бўлади. Қурилмадан чиқишида тозаланган эритма олинади. Кўп погонали экстракция жараёни у - x диаграммада кўрсатилган.

Экстракция жараёнининг моддий баланси ушбу кўринишга эга:

$$L \cdot (x_0 - x_{ox}) = E \cdot (y_{ox} - y_0) \quad (5.148)$$

( $n-1$ ) - секция учун

$$L \cdot (x_0 - x_{n-1}) = E \cdot (y_{ox} - y_n)$$

Бундан, қарама-қарши йўналиши жараён ишчи чизигининг тенгламасини келтириб чиқариш мумкин:

$$y_n = \frac{L}{E} (x_{n-1} - x_\delta) + y_{ox} \quad (5.149)$$

Ушбу тенглама оғиш бурчагининг тангенси бўлиб, тўғри чизикни ифодаловчи тенгламадир:

$$\operatorname{tg} \alpha = \frac{L}{E}$$

Фазалар тўқнашиш логоналарининг сони  $A$  ( $x_0 y_{ox}$ ) ва  $B$  ( $x_0 x_{yb}$ ) нуқталари орасидаги поғоналар сони билан аниқланади.

Кинетик чизик ўрни қурилмадаги гидродинамик ҳолат ва ажратиб олиш коэффициенти билан белгиланади.

Экстракция жараёнининг тасвири 5.51в-расмда келтирилган.


Экстракция қурилмасининг биринчи секциясида бошланғич эритма  $F$  иккинчи поғонадан тушаётган экстракт  $\mathcal{E}_2$  билан ўзаро тўқнашувда бўлади. Натижада, уч фазали  $N_1$  нуқтали аралашма ҳосил бўлади. Ушбу аралашма сепараторда ажратилиши туфайли мувозанатда бўлмаган таркибли экстракт  $\mathcal{E}_1$  ва рафинат  $R_1$  лар олинади.

Иккинчи поғонадаги рафинат  $R_1$  учинчи поғонадан тушаётган экстракт  $\mathcal{E}_3$  билан ўзаро таъсирда бўлиб, уч фазали  $N_2$  аралашма ҳосил қиласди. Ўз навбатида у  $R_2$  ва  $\mathcal{E}_2$  ажралади.

Фазаларни секцияга кириши ва чиқишидаги таркибларига оид икки нуқталарни  $F\mathcal{E}$ ,  $R_1\mathcal{E}_2$ ,  $R_2\mathcal{E}_3$  ва ҳоказо чизиклар билан бирлаштириб, уларнинг кесилиш нуқтаси  $P$  ни топамиз.

Экстракторнинг бошқа секцияларидаги ҳам худди шундай жараёнлар содир бўлади. Натижада, бошланғич эритма қурилманинг охиги  $n$  секциясидан  $x_{ox}$ , экстрагент эса -  $y_{ox}$  концентрация билан чиқади.

Оқимлар йўналиши ўзаро кесишган экстракция жараёнида бир секцияда даврий (5.52а-расм) ёки бир неча секцияда узлуксиз (5.52б-расм) амалга оширилиши мумкин.




5.52-расм. Кўп поғонали, оқимлар йўналиши ўзаро кесишган экстракциялаш схемаси.

Экстракциялаш жараёни узлуксиз бўлганда бошланғич эритма  $F$  биринчи секцияда экстрагент  $E$  билап бирга тўқнашувда бўлади. Ундан сўнг, ажратилиш натижасида рафинат  $R_1$  ва экстракт  $\mathcal{E}_1$  лар ҳосил бўлади. Кейин, рафинат  $R_1$  иккинчи секцияга ўтади ва у ерда яна янги экстрагент  $E$  билан қайта ишланади.  $\mathcal{E}_1$  ва  $\mathcal{E}_2$  экстрактлар қурилмадан чиқарилади,  $R_2$  таркибли

рафинат эса кейинги секцияга ўтади ва жараён яна қайтарилади. Натижада, зарур таркибли рафинат  $R_n$  ва ўзгарувчан таркибли  $\mathcal{E}_1, \mathcal{E}_2, \mathcal{E}_n$  экстракт олинади.

Узлуксиз, кўп маротабалик экстракциялаш жараёни 5.53-расмда келтирилган.



5.53-расм. Ўзаро кесишган йўналишили кўп погонали экстракция жараёнини учбурчакли диаграмма (а) ва у-х координатларда (б) тасвирлаш.

Бошлангич эритма ва экстрагент аралаштирилиши натижасида уч фазали аралашма ( $N_1$  нуқта) ҳосил бўлади ва у биринчи секцияда рафинат  $R_1$  ва экстракт  $\mathcal{E}_1$  га ажралади. Иккинчи секция  $R_2$  таркибли рафинат янги экстрагент  $E$  билан аралаштирилади. Уч фазали аралашма ( $R_1E$  кесмадаги  $N_2$  нуқта) рафинат  $R_2$  ва экстракт  $\mathcal{E}_2$  ларга ажралади. Сўнг, рафинат кейинги секцияга ўтади.

Тозаланган,  $x_{\alpha}$  концентрацияли эритма қурилманинг охирги секциясидан чиқарилади ва технологик жараённинг кейинги босқичига узатилади. Экстракт эса, қайта тикланади ёки оқава сув сифатида **утилизация** қилинади.

Қарама - қарши йўналишили кўп погонали экстракция ўзаро кесишган йўналишили жараёнга қараганда анча самарали. Чунки, қарама-қарши йўналишили экстракциялашда ўртача ҳаракатга келтирувчи куч миқдори кўпроқ бўлади.

Қурилманинг тепа ва пастки қисмларидаги ўртача ҳаракатга келтирувчи куч тенглашиши ҳисобига эритма таркибидан компонентни тўлароқ ажратиб олишга эришилди. Ундан ташқари, экстракцион модуль қиймати камаяди, лекин бир хил тозалаш даражасига эришиш учун керакли погоналар сони кўпаяди.

## 5.24. Экстракторлар конструкциялари


Маълумки, экстракциялаш жараёнларида масса ўтказишнинг самараодорлиги масса бериш юзаси ва ўртача ҳаракатга келтирувчи кучга тўғри пропорционал. Экстракторларда масса алмашиниш юзасини ошириш мақсадида суюқ фазалардан бири томчи ҳолида пуркалади. Дисперс ва дисперсион фазалар ўртасида масса ўтказиш жараёни содир бўлади. Экстракторда юқори ҳаракатга келтирувчи кучга эришиш учун жараёндаги оқимлар идеал сиқиб чиқариш шароитида ўзаро тўқнашиши ташкил этилади. Бунинг учун экстракциялаш жараёни юпқа қатламда насадкали, марказдан қочма экстракторларда уларни секциялаш ёки кўп погонали секцияланган қурилмаларда олиб борилади.

Жараён ташкил этилишита қараб экстракторлар даврий ва узлуксиз принципда ишлайдиган бўлади.

Жараёнда қатнашаётган фазалар тўқнашувига қараб экстракторлар З гурухга бўлинади: аралаштириб тиндирувчи; дифференциал контактли ва поғонали ёки секцияли.

**Аралаштириб – тиндирувчи экстракторлар** бир неча поғонадан иборат бўлиб, улардан ҳар бири таркибида аралаштиргич ва ажратгич бўлади. Ташқаридан берилаётган энергия ҳисобига аралаштиргичда суюқлик фазаларидан бири томчи ҳолида пуркалади ва натижада дисперсион фаза ҳосил бўлади. Томчи ҳолидаги дисперсион фаза дисперс фазада тарқалади. Дисперс фаза сифатида енгил фаза ҳам ёки оғир фаза ҳам бўлиши мумкин.

Ажратгич сифатида тиндиригични ҳам ишлатиш мумкин. Замонавий қурилмаларда эса, унинг ўрнига сепаратор ишлатилади. Сепараторда эмульсия рафинат ва экстрактга ажратилади. Энг содда аралаштириб-тиндирувчи экстрактор схемаси 5.54-расмда келтирилган.



5.54-расм. Аралаштириб – тиндирувчи экстракцион қурилма.  
1 – экстрактор; 2 – сепаратор.

Бир нечта аралаштириб тиндирувчи қурилмаларни секцияларга улаш натижасида турли экстракцион қурилмаларни ҳосил қилиш мумкин.


Лекин, ушбу схеманинг бир қатор камчиликлари бор: қўпол, кўп жой эгаллайди, металл ва энергия сарфи кўп.

**Дифференциал – контактли экстракторлар** фазалар ўртасидаги тўқнашишини узлуксиз ва улардаги концентрацияларнинг аста секин, узлуксиз ўзгаришини таъминлайди. Бу турдаги қурилмаларда фазаларнинг бўйлама сильжиши ҳисобига идеал сиқиб чиқариш қурилмасига қараганда ўртacha ҳаракатга келтирувчи куч бирмунча паст бўлади.

Ундан ташқари, суюқ фазани пуркаш учун ҳам энергия сафрланиши зарур. Экстракторда энергия сафрланиш турига қараб, ташқи энергия ҳисобига ва бундай энергиясиз қурилмаларга бўлинади. Ўзаро таъсирда бўлган фазаларга ташқи энергия аралаштиргич, тебратгич ва пульсаторлар ёрдамида узатилади.

**Поғонали (секцияли) экстракторлар** алоҳида секциялардан таркиб топган бўлиб, уларда фазалар концентрациялари нотекис, сакраб-сакраб ўзгаради. Айрим ҳолларда ҳар бир секцияда концентрациялар майдони идеал сиқиб чиқариш қурилмасига яқинлашиб қолади. Шундай бир неча секциядан ташкил бўлган экстрактор идеал сиқиб чиқариш қурилмаси деб ҳисобланиши мумкин.

Колоннали экстракторлар тарелкали, ичи бўш колонна, насадкали, пульсацион ва ротор - дискли бўлиши мумкин.



**5.55-расм. Тарелкали экстрактор.**

- 1 – цилиндрик қобиқ;
- 2 – қуйилиш мосламаси;
- 3 – элаксимон тарелка.

унинг ости ёки устида яхлит суюқлик қатламини ҳосил қиласи. Курилмани секциялаш, жараённи ҳаракатга келтирувчи кучни ортишига олиб келади.

Тарелка тешикларидағи дисперс фазанинг тезлиги оқимчали режим ҳосил бўлиш шартидан аниқланади. Томчилни режимдан оқимчали режимга ўтиш пайтидаги критик тезлик тарелка тешикларига боғлиқ, яъни:

$$w_{kp} = \frac{4,4}{d_0} \quad (5.150)$$

Турғун оқимчали режимда экстрактор самарали ишлаши учун тезлик критик тезлиқдан 20% кўт бўлиши керак.


Дисперс фазадаги масса бериш коэффициентини аниқлаш учун куйидаги формулани тавсия этиш мумкин:

$$Nu_\partial = 0,064 Re^{0,84} \cdot Pr_\partial^{0,5} \quad (5.151)$$

бу ерда  $Nu_\partial = \beta_\partial d_\partial / D_\partial$  - диффузион Нуссельт критерийси ( $\beta_\partial$ -дисперс фазадаги масса бериш коэффициенти);  $d_\partial$  - томчининг эквивалент диаметри;  $D_\partial$  - дисперс фазадаги диффузия коэффициенти);  $Re = w_{max} d_\partial / v_c$  - томчи учун Рейнольдс критерийси ( $w_{max}$  - яхлит фазадаги томчининг нисбий тезлиги;  $v_c$  - яхлит фазанинг кинематик қовушоқлиги);  $Pr_\partial = \nu_\partial / D_\partial$  - дисперс фаза учун Прандтл критерийси ( $\nu_\partial$  - дисперс фазанинг кинематик қовушоқлиги).

**Ичи бўш (пурковчи) колонналар.** Бу турдаги экстракторлар оғир суюқлик  $L$  билан тўлдирилади ва у бирор  $w_c$  тезлик билан қурилмада ҳаракатланиб, тўкиш штуцеридан чиқиб кетади (5.56-расм). Енгил фаза  $G$  қурилмага пуркагич орқали томчи ҳолатида узатилади ва пастга қараб  $w_d$  тезлик билан тушади.

Экстракторнинг тепа қисмида томчилар бирлашади ва яхлит суюқлик қатлами ҳосил бўлади ва у қурилманинг тепа штуцери орқали чиқиб кетади.



### **5.56-расм. Ичи бўш (пурковчи) экстрактор.**

тиқилиб бошлайди.

**Механик аралаштырыгычли, колонналы экстракторлар.** Агар, дисперс ва дисперсион фазалар зичликларининг фарқи жуда кам ( $< 100 \text{ кг}/\text{м}^3$ ) ва фазалар орасидаги сирттий таранглик катта бўлса, ротор дискли экстракторлар кўлланилади (5.57-расм).

Механик аралаштиргич дискли, турбинали, парракли ва ҳоказо бўлиши мумкин. Лекин, кимё ва озиқ-овқат машинасозлигида асосан ротор — дискли экстракторлар ишлаб чиқарилади.


Бу турдаги экстракторнинг ўқи бўйлаб ротор ўқ 1 айланади ва унга айланувчи диск 2 лар ўрнатилган бўлади. Ўқ 1 нинг айланиси натижасида фазалар яхши аралашади. Ҳалқасимон тўсиклар колонна 3 ни бир нечта секцияларга бўлади. Дисклар ҳар бир секциянинг ўтгасида айланади.

Қарама - қарши йұналишда ҳара-  
катланаётган **L** ва **G** фазалар айланувчи  
диск 2 лар ёрдамида колонна баланд-  
лиги бүйлаб арапаштирилади ва ҳалқа-  
симон тұсыкұлар 3 атрофида қисман  
қатламларға ажралади. Агар, оғир фаза  
**L** яхлит фаза вазифасини ұтаса, қурил-  
манинг тепа қисміда, яъни тешекли  
паңжара 5 нинг қоюкорисида енгил фаза  
яхлит фазадаı түлиқ ажралади. Сүнтра,  
ажралған фаза тегишли штуцер орқали  
ташқарига чиқарилади. Оғир фаза эса,  
колоннанынг пастки қисмидан олинади.

Томчининг нисбий ҳаракат тезлиги  $w_o$  ни режимга қараб чўкиш тезлиги тенгламаси (3.21) орқали топиш мумкин. Куритма деворига нисбатан томчи-лар сиддижининг тезлиги нисбий  $w_o$  тезлик ва яхлит фаза ҳаракатининг чизиқли тезлиги  $w_c$  нинг фарқи сифатида аниқлаш мумкин:

$$w_D = w_0 - w_c$$

Агар, дисперс (яхлит) фаза бўйича курилманинг юкламаси ортиб кетса, томчилар тезлиги  $w_d = 0$  бўлган ҳол содир бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда курилмада дисперс фаза йиғилиб қолади. Экстракторнинг ишчи зонасида дисперс фазанинг йиғилиши, унинг ўтиш йўлини торайишига олиб келади. Натижада, ушбу фазанинг тезлиги ортиб кетади ва у ишчи зонадан дисперс фаза томчиларини олиб чиқа бошлайди. Фазаларнинг қарамакарши ҳаракати бузулади ва экстрактор



**5.57-расм. Ротор - дискил экстрактор.**  
 1-үй; 2- айланувчи диск;  
 3- күзғалмас ҳалқсимон  
 түсиқтар; 4- қобиқ;  
 5-тешикли панжара;  
 6- ажратувчи камера.


Фазаларга ажратиш жараёнининг самарадорлигини ошириш учун 5.58-расмда кўрсатилган экстракторлар ишлатилади.

Бундай қурилмаларнинг аралаштириш секциялари 1 оралигида тиндириш зоналари 2 жойлашган бўлади. Икки фазали оқимни ажратиш жараёнини жадаллаш учун зонёа 2 симли тўр, насадка ёки концентрик цилиндр блоклари билан тўлдирилади. Бу турдаги колонналар вертикал ёки маълум оғиш бурчаги остида ўрнатилиши мумкин.

Механик аралаштиргичли, колоннали экстракторлар диаметри қуйидаги формуладан топилади:

$$D = \sqrt{\frac{G / \rho_G + L / \rho_L}{900\pi(q_d + q_s)_{onm}}} \quad (5.152)$$

бу ерда  $q_d$ ,  $q_s$  - дисперс ва яхлит фаза бўйича солиштирма юклами,  $\text{m}^3/(\text{m}^2 \cdot \text{s})$ .



5.58-расм. Аралаштиргичли ва ажратувчи зонали, колоннали аралаштириб – тиндирувчи экстрактор.

тебраниш таъсир эттириш керак. Тебраниш (пульсация) ларнинг амплитудаси ва частотаси етарли миқдорда бўлса, суюқлик ўта кичик томчилар ўлчамида пуркалади ва иккала фазалар аралашиш интенсивлиги ортади. Тебранишлар асосан пульсация ва вибрацияли усуулларда ташкил этиш мумкин.

5.59 а-расмда пульсацияли экстрактор схемаси кўрсатилган. Бунда енгил фазанинг кириш йўлига гидравлик ёки пневматик пульсатор ўрнатилган. Суюқлик оқимига илгарилама – қайтма ҳаракат бериш учун клапансиз поршень, плунжер ёки мемранали насосдан, ҳамда маҳсус пневматик мосламадан фойдаланиш мумкин.

Пульсация тебранишлари таъсири остида суюқлик оқимининг Турбулентлиги ва фазаларнинг томчиларга парчаланиши ортади. Бу ҳол ўз навбатида тарелкали ёки насадкали экстракторларда масса алмашининг жараёнининг ўсишига олиб келади.

Лекин, ушбу формулага қурилманинг кўндаланг кесимига тушаётган юкламалар йигиндинисини ҳам киритиш унинг аниқлигини оширади.

Курилманинг баландлиги эса ушбу формуладан аниқланади:

$$H = h_s \cdot N = \frac{h_s \cdot m_y}{m_{y_0}} \quad (5.153)$$


бу ерда  $h_s$  – секция баландлиги, м;  $N$  – қурилмадаги секциялар сони;  $m_{y_0}$  – битта секциянинг узагиши бирлиги сони.

Аралашмани экстракт ва рафинатга сифатли ажратиш учун экстракторнинг юқори ва пастки қисмларида сепарациян (тиндириш) секциялари бор.

Насадкали, элаксимон ва бошқа турдаги экстракторлар самарадорлигини ошириш учун қарама қарши йўналган оқимларга бўйлама

Пульсацияли экстракторнинг ишлаш режими пульсациялар интенсивлигига боғлиқ бўлиб, амплитуданинг частотага кўпайтмаси билан характерланади.

Агар, пульсация интенсивлиги кичик бўлса, енгил фаза оғир фазада ёки оғир фаза енгилда галма-гал тарқалади. Агар, пульсация интенсивлиги катта бўлса, колоннанинг ишчи зонаси яхлит фазага қарама қарши йўналишда ҳаракат қилаётган майдо томчилар билан бир текисда тўлиб туради. Бундай режим пульсацияли экстракторнинг оптимал режими ҳисобланади.



5.59-расм. Пульсацияли (а) ва вибрация тарелкали (б) экстракторлар.

а) 1 - колонна; 2 - поршенили пульсатор; 3 - тарелка;

4 - тиндириш зонасидаги фазаларни ажратувчи юза.

б) 1,2 - оғир фазанинг кириш ва чиқиш штуцерлари;

3,4 - енгил фазанинг кириш ва чиқиш штуцерлари;

5 - элаксимон тарелка; 6 - шток.

Тебранишлар амплитудаси сиқилган ҳавонинг босими билан белгиланади. Пульсациялар частотаси одатда минутига 30...250, амплитудаси эса - 2...25 мм ни ташкил этади.

Агар, пульсациялар интенсивлиги янада оширилса, экстракторда тиқилиб қолиш ҳодисаси рўй беради.

Пульсацияли экстракторлар колоннасидаги бутун суюқликни тебратиш учун энергия сарфи катта, кўндаланг кесим бўйича оқим тезликлар бир хил эмаслиги ва кавитация ҳодиса ҳосил бўлиши мумкинлиги, ҳамда курилманинг айrim бўлакларида ҳавфли кучланишлар барпо бўлиши бу турдаги экстракторларнинг камчиликлариидир.

Бир даста элаксимон тарелкалар вибрацияси туфайли колоннадаги суюқликка тебраниш бериш, пульсацияли усулга нисбатан самараси юқори бўлиб чиқди (5.59б-расм).

Бу турдаги курилмаларда тарелка 5 лар шток 6 да ўрнатилади ва шток илгарилама - қайтма ҳаракат қиласи. Бундай ҳаракат суюқликка тебранишлар беради ва жараён интенсивлашади.

Пульсация ва вибрацияли экстракторларда масса алмасиниш интенсивлиги ротор дискли курилманикига қараганда анча юқори. Бунга сабаб, масса бериш ва ўргача ҳаракатга келтирувчи кучнинг катталигидир.


Ундан ташқари, солиширма юклама  $30\ldots80 \text{ м}^3/(\text{м}^2\cdot\text{согт})$ . Бу күрсаткич бошқа экстракторлар учун рухсат этилган юкламадан анча ортиқ.

Яна бир афзаллиги шундаки, курилмада юқори масса аламашинишга эришилгани учун, металл ва капитал сарфлар камаяди.

Лекин, пульсация ва вибрацияли экстракторлар камчиликлардан ҳоли эмас. Масалан, улар катта динамик юкламага бардош берадиган оғир пой-деворларга ўрнатилиши зарур. Ундан ташқари, бошқа экстракторларга қаралганда эксплуатацион сарфлар ҳам бирмунча күпроқ.

**Марказдан қочма экстракторлар.** Агар, экстракцияланаётган модда парчаланиб кетиш хусусиятига эга бўлса, жараённинг давомийлигини максимал даражада қисқартириш зарур бўлганда, бу турдаги экстракторлар кўлланилади. Маълумки, марказдан қочма экстракторларда жараёй максимал тезлик билан амалга оширилади. Эритма ва эритувчи зичликлари орасида фарқ жуда кичик бўлганда ҳам, бундай экстракторларни кўллаш мақсадга мувофиқ.

Бу турдаги экстракторлар - трубали, камерали ва юпқа қатламли бўлади. 5.60-расмда трубали, марказдан қочма экстрактор схемаси келтирилган.



5.60-расм. Трубали марказдан қочма экстрактор схемаси.

1, 8 – енгил ва оғир фазаларни тўкиш цилиндрлари; 2, 6 – оғир ва енгил фазалар кириш каналлари; 3 – цилиндрик барабан; 4 – қўзғалмас цилиндр; 5 – тешикли аралаштирувчи дисклар; 7 – тешикли қайтарувчи тўсиқ; I, III, V, VII – сепарацион зоналар; II, IV, VI – экстракцион зоналар.

Экстрактор цилиндрик барабан З дан иборат бўлиб, ичига қайтарувчи диск 7 лар ўрнатилган бўлади. Қайтарувчи дисклар барабанни сепарацион (I, III, V, VII) ва экстракцион (II, IV, VI) зоналарга бўллади. Оғир фаза *L* канал 2 ва қўзғалмас цилиндр 4 орқали экстракторнинг VI зонасига узатилади. У ердан оғир фаза барабаннинг пастки қисмидан юқорига кўтарилади ва ҳалқасимон тўкиш канали 8 орқали чиқарилади. Енгил фаза *G* эса, канал 6 орқали юқори экстракцион зона II га узатилади. Оғир фаза *L* га қарама-қарши йўналишда ҳаракат қилиб, курилманинг пастки қисмидаги тўкиш канали 1 орқали чиқарилади.

Жараён натижасида экстракцион зоналарда ҳосил бўлган эмульсия тешикли, қайтарувчи дисклар орқали ўтиш пайтида биринчи бор ажратилади. Эмульсиянинг тўлик фазаларга ажратилиши марказдан қочма куч таъсирида сепарацион зоналарда содир бўлади.

## 5.25. Экстракторларни ҳисоблаш

Бензин ёрдамида сувдаги фенол ажратиб олинаётган экстракция жараёнини амалга ошириш учун мўлжалланган ротор-дискли экстракторнинг асосий ўлчамлари қуидаги шароитларда аниқлансин:

- аралашма сарфи
  - сувдаги фенолнинг бошлангич концентрацияси
  - сувдаги фенолнинг охирги концентрацияси
  - экстрагент таркибидаги фенолнинг бошлангич концентрацияси
  - экстрактордаги температура
- $V_x = 0,001389 \text{ м}^3/\text{с};$   
 $C_{x0} = 0,3 \text{ кг}/\text{м}^3;$   
 $C_{xo} = 0,009 \text{ кг}/\text{м}^3 (97\%);$   
 $C_{y0} = 0,01 \text{ кг}/\text{м}^3;$   
 $t = 25^\circ\text{C}.$

$$V_y = V_D = 0,002778 \text{ м}^3 / \text{с}; \quad m = 2,22; \quad m_o = 0;$$

$$\rho_C = 997 \text{ кг}/\text{м}^3 \quad \rho_D = 874 \text{ кг}/\text{м}^3; \quad \Delta\rho = 123 \text{ кг}/\text{м}^3$$

$$\mu_C = 0,894 \text{ мПа}\cdot\text{с}; \quad \mu_D = 0,6 \text{ мПа}\cdot\text{с}; \quad D_C = 1,05 \cdot 10^{-9} \text{ м}^2 / \text{с};$$


$$D_D = 2 \cdot 10^{-9} \text{ м}^2 / \text{с}; \quad \sigma = 0,0341 \text{ Н/м}; \quad \Phi_s = 0,382.$$

Бундай ажратиб олиш даражаси бўлганда бензодаги фенолнинг охирги концентрацияси қўйидагига тенг бўлади:

$$C_{y.o.} = C_{y.b.} + \left( \frac{V_x}{V_y} \right) \cdot (C_{x.b.} - C_{x.o.}) =$$

$$= 0,01 + \left( \frac{0,001389}{0,002778} \right) \cdot (0,3 - 0,009) = 0,1555 \text{ кг}/\text{м}^3$$

Ротор-дискли экстракторларни ҳисоблашда фақат колоннанинг диаметри ва ишчи қисмининг баландлигини аниқлаш етарли эмас. Шунинг учун унинг ички курилмаларининг ўлчамлари (диск ва статор ҳалқалар диаметрлари, дисклар орасидаги масофа) ва дискнинг айланиш частотасини ҳам аниқлаш керак. Ротор-дискли экстракторларни ҳисоблаш учун 5.61 расмда келтирилган схемадаги услубдан фойдаланилади:



5.61-расм. Ротор-дискли экстрактор ўлчамларини ҳисоблаш схемаси.

Ушбу услугуга биноан  $D_p/D$ ,  $D_c/D$ ,  $h/D$ , ҳамда  $nD_p$  нисбатлар бошланғич маълумотлардир. Бу ерда  $D$  – колонна диаметри;  $D_p$  – диск диаметри;  $D_c$  – статор ҳалқасининг ички диаметри;  $h$  – секция баландлиги;  $n$  – ротор айланишининг частотаси.

Одатда, бундай экстракторларда дискнинг диаметри колонна диаметридан 1,5...2,0, секция баландлиги эса 2-4 маротаба кичик бўлади.

Курилманинг ички ускуна ўлчамлари учун қуйидаги нисбатларни қабул қиласиз:

$$\frac{D_p}{D} = \frac{2}{3}, \quad \frac{D_c}{D} = \frac{3}{4}, \quad \frac{h}{D} = \frac{1}{3}$$

ва  $nD_p = 0,2$  м/с шароитда ишлаётган экстракторнинг ўлчамларини ҳисоблаймиз.

**Томчиларнинг ўртача диаметрини аниқлаш** учун секциялар (дисклар) сонини билиш керак. Шунинг учун секциялар сонини  $N = 20$  деб қабул қилиб оламиз ва унда қуйидаги натижани оламиз:

$$d = 16,7 \cdot \frac{(0,894 \cdot 10^{-3})^{0,3} \cdot (0,0341)^{0,5}}{0,2^{0,9} \cdot 997^{0,8} \cdot 9,81^{0,2} \cdot 20^{0,28}} = 0,00203 \text{ м} = 2,03 \text{ мм}$$

#### Билқиллаб қолиш даврида фазаларнинг умумий соҳта тезлиги.

Майда томчиларнинг эркин чўкиш тезлигини топиш учун Адамарнинг тенгламасидан фойдаланса бўлади:

$$w_q = \frac{\Delta \rho \cdot g \cdot d^2 \cdot (\mu_d + \mu_c)}{6 \cdot \mu_c \cdot (2 \cdot \mu_c + 3 \cdot \mu_d)}$$

бу ерда  $w_q$  – эркин чўкиш тезлиги;  $\Delta \rho$  - фазалар зичликларининг фарқи;  $\mu_c$  ва  $\mu_d$  – дисперсион ва дисперс фазалар қовушоқликлари.

Йирик томчиларни эркин чўкиш тезлигини ҳисоблаш учун қуйидаги эмпирик формуладан фойдаланамиз:

$$\begin{aligned} 2 \leq T \leq 70 & \text{ да} & Q &= (0,75 \cdot T)^{0,78} \\ T > 70 & \text{ булганда} & Q &= (22 \cdot T)^{0,42} \end{aligned}$$

бу ерда

$$Q = 0,75 + \frac{Re}{P^{0,15}}$$

$$T = \frac{4 \cdot \Delta \rho \cdot g \cdot d^2 \cdot \rho^{0,15}}{3 \cdot \sigma}$$

$$P = \frac{\rho_c^2 \cdot \sigma^3}{\Delta \rho \cdot g \cdot \mu_c^4}$$

бу ерда  $\sigma$  - фазалар орасидаги тортишиш кучи.

Параметр  $T=70$  га тенг бўлса, бу томчиларнинг критик диаметрига мос келади. Ушбу формулалар ёрдамида ҳисоблаш  $w_o = 5,73$  эканлиги келиб чиқади.

Томчиларнинг характеристик тезликларини ушбу формулалардан аниқлаймиз;

$$\left(\frac{D_c}{D}\right)^2 = \left(\frac{3}{4}\right)^2 = 0,562; \quad I - \left(\frac{D_p}{D}\right)^2 = I - \left(\frac{2}{3}\right)^2 = 0,556;$$

$$\left(\frac{D_c + D_p}{D}\right) \cdot \left[ \left(\frac{D_c - D_p}{D}\right)^2 + \left(\frac{h}{D}\right)^2 \right]^{0,6} = \left(\frac{3}{4} + \frac{2}{3}\right) \cdot \left[ \left(\frac{3}{4} - \frac{2}{3}\right)^2 + \left(\frac{1}{3}\right)^2 \right]^{0,6} = 0,485$$

Демак,  $\alpha = 0,485$  ва томчиларнинг характеристик тезликлари кўйидагига тенг бўлади:

$$w_{xap} = \alpha \cdot w_o = 0,485 \cdot 5,73 = 2,78 \text{ см/с}$$

Билқиллаб қолиш давридаги фазаларнинг соҳта умумий тезлиги ушбу формуладан топилади:

$$\begin{aligned} (w_c + w_d)_o &= (1 - 4 \cdot \Phi_6 + 7 \cdot \Phi_6^2 - 4 \cdot \Phi_6^3) \cdot w_{xap} = \\ &= (1 - 4 \cdot 0,382 + 7 \cdot 0,382^2 - 4 \cdot 0,382^3) \cdot 2,78 = 0,756 \text{ см/с} \end{aligned}$$

#### **Колоннанинг диаметри ва ички ускуналарининг ўлчамлари.**

Ушбу шарт-шароитда колоннанинг рухсат этилган минимал диаметри кўйидаги қийматга тенг:

$$D_{min} = \sqrt{\frac{4 \cdot (V_d + V_c)}{\pi \cdot (w_d + w_c)}} = \sqrt{\frac{4 \cdot (0,001389 + 0,002778)}{3,14 \cdot 0,00756}} = 0,84 \text{ м}$$

Колоннанинг ички диаметрини 1 м га тенг деб оламиз. Бундай колоннада фазаларнинг соҳта тезликлари:

$$w_y = w_d = 0,354 \text{ см/с}; \quad w_x = w_c = 0,177 \text{ см/с} \quad \text{га тенгdir.}$$

Фазалар тезликларининг йифиндиси уларнинг билқиллаб қолиш давридаги умумий тезликнинг 69% ни ташкил қилади.

Экстрактор ички ускуналарининг асосий ўлчамлари:

$$D_p = D \cdot \left(\frac{D_p}{D}\right) = 1 \cdot \frac{2}{3} = 0,667 \text{ м};$$

$$D_c = D \cdot \left(\frac{D_c}{D}\right) = 1 \cdot \frac{3}{4} = 0,75 \text{ м};$$

$$h = D \cdot \left(\frac{h}{D}\right) = 1 \cdot \frac{1}{3} = 0,333 \text{ м};$$

Айланиш частотаси

$$n = \frac{n \cdot D_p}{D_p} = \frac{0,2}{0,667} = 0,3 \text{ c}^{-1}$$

**Фазалар түқнашиш жойининг солиштирма юзаси.**

Фазаларнинг соҳта тезликларининг ва характеристик тезликлар қийматларини қуидаги тенгламага

$$\Phi^3 - 2 \cdot \Phi^2 - \left( 1 + \frac{w_d}{w_{om}} - \frac{w_c}{w_{om}} \right) \cdot \Phi - \frac{w_d}{w_{xap}}$$

кўйиб, кубик тенгламани оламиз:

$$\Phi^3 - 2 \cdot \Phi + 1,06 \cdot \Phi - 0,127 = 0$$

Ушбу тенгламани ечиб, ушлаб қолиш қобилияти  $\Phi = 0,169$  эканлигини топамиз. Унда, фазаларнинг солиштирма түқнашиш юзаси

$$a = \frac{6 \cdot \Phi}{d} = \frac{6 \cdot 0,169}{2,03 \cdot 10^3} = 500 \frac{\text{м}^2}{\text{м}^3}$$

**Колоннанинг ишчи зонасининг баландлиги.**

Дисперсион  $E_c$  ва дисперс  $E_d$  фазаларнинг бўйлама аралашиш коэффициентлари қуидаги эмпирик тенгламалардан топиш мумкин:

$$E_x = E_c = 0,5 \cdot \frac{w_c \cdot h}{1 - \phi} + 0,09 \cdot \left( \frac{D_p}{D} \right)^2 \cdot \left[ \left( \frac{D_c}{D} \right)^2 - \left( \frac{D_p}{D} \right)^2 \right] n D_p \cdot h = \\ = 0,5 \cdot \frac{0,177 \cdot 10^{-2} \cdot 0,333}{1 - 0,169} + 0,09 \cdot \left( \frac{2}{3} \right)^2 \cdot \left[ \left( \frac{3}{4} \right)^2 - \left( \frac{2}{3} \right)^2 \right] 0,2 \cdot 0,333 = 6,59 \cdot 10^{-4} \text{ м}^2 / \text{с}$$

$$E_y = E_d = 0,5 \cdot \frac{w_d \cdot h}{\phi} + 0,09 \cdot \left( \frac{D_p}{D} \right)^2 \cdot \left[ \left( \frac{D_c}{D} \right)^2 - \left( \frac{D_p}{D} \right)^2 \right] \cdot n D_p \cdot h = \\ = 0,5 \cdot \frac{0,354 \cdot 10^{-2} \cdot 0,333}{0,169} + 0,09 \cdot \left( \frac{2}{3} \right)^2 \cdot \left[ \left( \frac{3}{4} \right)^2 - \left( \frac{2}{3} \right)^2 \right] \cdot 0,2 \cdot 0,333 = 38 \cdot 10^{-4} \text{ м}^2 / \text{с}$$

Масса бериш коэффициентини аниқлаш учун Рейнольдс критерийси ва томчиларнинг нисбий тезликларини топиш керак:

$$w_{nuc} = \frac{w_d}{\Phi} + \frac{w_c}{1 - \Phi} = \frac{0,177}{0,169} + \frac{0,354}{1 - 0,169} = 2,3 \text{ см/с}$$

$$Re = \frac{\rho_c \cdot w_{nuc} \cdot d}{\mu_c} = \frac{997 \cdot 0,023 \cdot 2,03 \cdot 10^{-3}}{0,894 \cdot 10^{-3}} = 52,2$$

Юқорида келтирилған параметр  $T$  эса қуидагига тенг бўлади:

$$T = \frac{4 \cdot 123 \cdot 9,81 \cdot (2,03 \cdot 10^{-3})^2 \cdot 40,4}{3 \cdot 0,0341} = 7,85$$

Экстрактордаги секциялар сони  $N = 20$  деб олинган. Экстракторнинг баландлигини биринчи таҳминда

$$H = N \cdot h$$

деб қабул қиласиз. Унда унинг баландлиги

$$H = 20 \cdot 0,333 = 6,66 \text{ м}$$

га тенг бўлади.

Масса бериш коэффициенти қуидагича ҳисобланади:

$$Nu'_c = 0,6 \cdot Re^{0,5} \cdot Pr^{0,5} = 0,6 \cdot 52,5^{0,5} \cdot 854^{0,5} = 127$$

$$\beta_x = \beta_c = Nu'_c \cdot \frac{D_c}{D} = 127 \cdot \frac{1,05 \cdot 10^{-9}}{2,03 \cdot 10^{-3}} = 0,657 \cdot 10^{-4} \text{ м/с}$$

$$\tau = \frac{\Phi \cdot H}{w_D} = \frac{0,169 \cdot 6,66}{0,00354} = 318 \text{ с}$$

$$Fo_D^i = \frac{4 \cdot D_D \cdot \tau}{d^2} = \frac{4 \cdot 2 \cdot 10^{-9} \cdot 318}{(2,03 \cdot 10^{-3})^2} = 0,617$$

$$Nu_D^i = 31,4 \cdot (Fo_D^i)^{-0,34} \cdot (Pr_D^i)^{-0,125} \cdot We^{0,37} = \\ = 31,4 \cdot 0,617^{-0,34} \cdot 343^{-0,125} \cdot 0,0314^{0,37} = 4,96$$

бу ерда

$$Pr_c^i = \frac{\mu_c}{\rho_c \cdot D_c} = \frac{0,894 \cdot 10^{-3}}{997 \cdot 1,05 \cdot 10^{-9}} = 854$$

$$Pr_D^i = \frac{\mu_D}{\rho_D \cdot D_D} = \frac{0,6 \cdot 10^{-3}}{874 \cdot 2 \cdot 10^{-9}} = 343$$

$$\beta_y = \beta_o = Nu_o^i \cdot \frac{D_o}{d} = 4,96 \cdot \frac{2 \cdot 10^{-4}}{2,03 \cdot 10^{-3}} = 0,0488 \cdot 10^{-4} \text{ м/с}$$



Идеал сиқиб чиқариш режими түгри келадиган сув фазасыда масса ўтказиш коэффициенти ва ўтказиш бирлиги баландлигини ҳисоблаймиз:

$$K_x = \left( \frac{1}{\beta_x} + \frac{1}{m \cdot \beta_y} \right)^{-1} = \left( \frac{1}{0,657 \cdot 10^{-4}} + \frac{1}{2,22 \cdot 0,0488 \cdot 10^{-4}} \right)^{-1} = 0,93 \cdot 10^{-5} \text{ m/c}$$

$$H_{ox} = \frac{w_x}{K_x \cdot a} = \frac{0,00177}{0,93 \cdot 10^{-5} \cdot 500} = 0,381 \text{ m}$$

Ушбу жараёнда фазаларнинг сарфлари умуман ўзгармайди ва фазалар орасидаги мувозанат түгри чизиқти боғлиқлик билан ифодаланади. Шунинг учун ўтказиш сонининг бирликларини ҳисоблашда ушбу формуладан фойдаланамиз:

$$n_{ox} = \frac{m \cdot V_y / V_x}{m \cdot V_y / V_x - 1} \cdot \ln \frac{m \cdot c_{x6} + m_o - c_{yox}}{m \cdot c_{x6} + m_o - c_{yox}}$$

ҳисобланаётган жараён учун  $\frac{m \cdot V_y}{V_x} = 2,22 \cdot 2 = 4,44$   $m_o = 0$ .

Демак,

$$n_{ox} = \frac{4,44}{4,44 - 1} \cdot \ln \frac{2,22 \cdot 0,3 - 0,1555}{2,22 \cdot 0,009 - 0,01} = 5,08$$

Шундай қилиб, идеал сиқиб чиқариш режимида иккала фаза бўйича колоннанинг ишчи баландлиги

$$H = n_{ox} \cdot H_{ox} = 5,08 \cdot 0,381 = 1,93 \text{ m}$$

Бўйлама аралашини ҳисобга олган ҳолда колоннанинг баландлигини аниқлаш учун мавхум ўтказиш сони бирлигини кетма — кет яқинлашиш усулидан фойдаланамиз. Бунинг учун аввал Пекле критерийсини иккала фазалар учун топамиз:

$$Pe_y = \frac{w_y \cdot H}{E_y} = \frac{0,00354 \cdot 6,66}{38 \cdot 10^{-4}} = 6,2$$

$$Pe_x = \frac{w_x \cdot H}{E_x} = \frac{0,00177 \cdot 6,66}{6,69 \cdot 10^{-4}} = 17,6$$

Биринчи яқинлашувда  $f_y$  ва  $f_x$  коэффициентлар қийматларини аниқлаймиз:

$$f_y = \left\{ 1 - \frac{[1 - \exp(-Pe_y)]^{-1}}{Pe_y} \right\}^{-1} = \left\{ 1 - \frac{[1 - \exp(-6,2)]^{-1}}{6,2} \right\}^{-1} = 1,192$$

$$f_x = \left\{ 1 - \frac{[1 - \exp(-Pe_x)]^{-1}}{Pe_x} \right\}^{-1} = \left\{ 1 - \frac{[1 - \exp(-17,6)]^{-1}}{17,6} \right\}^{-1} = 1,06$$

Олинган натижалар ушбу формулага қўйилади

$$H_{ox} = H_{ox} + \frac{E_x}{w_x \cdot f_x} + \left( \frac{V_x}{m \cdot V_y} \right) \cdot \left( \frac{E_y}{w_y \cdot f_y} \right) = 0,381 + \frac{660 \cdot 10^3}{0,001771,06} + 0,2252 \frac{38 \cdot 10^4}{0,003541,192} = 0,941 \text{ м}$$

бу ерда

$$\frac{V_x}{m \cdot V_y} = \frac{1}{2,22 \cdot 2} = 0,2252$$

$H'_{ox} = 0,941 \text{ м}$  қийматга колоннанинг

$$H = H'_{ox} \cdot n_{ox} = 0,941 \cdot 5,08 = 4,78 \text{ м}$$

баландлиги тўғри келади. Ҳисоблаш натижасида олинган  $H$  ва  $H'_{ox}$  лар ёрдамида Пекле критерийси,  $f_y$  ва  $f_x$  коэффициентларнинг аниқроқ қийматларини топамиз:

$$Pe_y = \frac{0,00354 \cdot 4,78}{38 \cdot 10^{-4}} = 4,45$$

$$Pe_y = \frac{0,00177 \cdot 4,78}{6,69 \cdot 10^{-4}} = 12,6$$

$$f_y = \left\{ 1 - \frac{\left[ 1 - \exp(-Pe_y) \right]^{-1}}{Pe_y} \right\}^{-1} - \left( 1 - \frac{V_x}{m \cdot V_y} \right) \cdot \frac{F_y}{w_y \cdot H'_{ox}} = \\ = \left\{ 1 - \frac{\left[ 1 - \exp(-4,45) \right]^{-1}}{4,45} \right\}^{-1} - (1 - 0,2252) \cdot \frac{38 \cdot 10^{-4}}{0,00354 \cdot 0,941} = 0,401$$

$$f_x = \left\{ 1 - \frac{\left[ 1 - \exp(-Pe_x) \right]^{-1}}{Pe_x} \right\}^{-1} + \left( 1 - \frac{V_x}{m \cdot V_y} \right) \cdot \frac{F_x}{w_x \cdot H'_{ox}} = \\ = \left\{ 1 - \frac{\left[ 1 - \exp(-12,6) \right]^{-1}}{12,6} \right\}^{-1} + (1 - 0,2252) \cdot \frac{6,69 \cdot 10^{-4}}{0,00177 \cdot 0,941} = 1,4$$

Иккинчи кетма-кет яқинлашувда зоҳирий ўтказиш сонининг бирлиги қуйидаги қийматга тенг бўлади:

$$H'_{ox} = 0,381 + \frac{6,69 \cdot 10^{-4}}{0,00177 \cdot 1,4} + 0,2252 \cdot \frac{38 \cdot 10^{-4}}{0,00354 \cdot 0,401} = 1,25 \text{ м}$$

$H'_{ox} = 1,25 \text{ м}$  қийматида колоннанинг зарур баландлиги  $H = 1,25 \cdot 5,08 = 6,35 \text{ м}$  га тенглир.

$H'_{ox}$  ва  $H$  ларни ҳисоблашни бир неча марта ушбу параметрларнинг охирги икки итерациясининг сон қийматлари тенг бўлгунча ўтказамиш ва

$$H'_{ox} = 1,15 \text{ м}; \quad H = 5,84 \text{ м}$$

эканлигини аниқлаймиз.

Дисклар орасидаги масофа 0,33 деб қабул қилганимиз учун  $H = 5,84$  м ли колонна дискларининг сони

$$\frac{5,84}{0,333} = 17,5 \text{ ма}$$

Дисклар сонини 18 та десак, ишчи зонанинг баландлиги қўйидаги қийматга тенг бўлади.

$$H = 18 \cdot 0,333 = 6 \text{ м}$$

Миқдори 20 га тенг деб олинган эди. Агарда қўйидаги тенгламага:

$$d = 16,7 \cdot \frac{\mu_c^{0,3} \cdot \sigma^{0,5}}{(n \cdot D_p)^{0,9} \rho_c^{0,8} \cdot g^{0,2} N^{0,23}}$$

$N = 11$  қўйсак, томчиларнинг ўртача ўлчами  $d = 2,08$  мм лигини биламиш ва бу ўлчам  $N = 20$  даги  $d$  қийматидан 25% га фарқ қиласди. Томчиларнинг ўлчами ва экстракторнинг қолган бошқа гидродинамик параметрларини қайтадан ҳисоблашга ўрин йўқ, чунки бундай четга чиқиш юқорида келтирилган тенгламанинг аниқлик доирасида жойлашган. Колоннанинг баландлигига боғлиқ бўлган дисперс юзадаги модда бериш коэффициенти ҳам мутлақо ўзгармайди. Агар ҳисоблаш натижасида экстракторнинг баландлиги бошида олинган қийматдан фарқ қиласданда, ҳамма ҳисоблашни такрорлашга тўғри келар эди. Томчининг ўртача ўлчамини аниқлашдан тортиб экстрактордаги колонна баландлигини ҳисоблаш натижалари шуни кўрсатадики, бўйлама аралаштиришнинг салмоғи анча катта. Бўйлама аралаштириш юқорилиги сабабли керакли ишчи зонасининг баландлиги 3 марта ортади.

Рейнольдс критерийсининг катта қийматлари ( $Re > 10^5$ ) учун айланадётган дискни қувват критерийси таҳминан  $K_N = 0,03$ . Бизнинг мисол учун

$$Re_c = \frac{\rho_u \cdot \pi \cdot d_p^2}{\mu_m} = \frac{997 \cdot 0,3 \cdot 0,667^2}{0,894 \cdot 10^{-3}} = 149000$$

Аралаштирилаётган мұхитнинг ўртача зичлиги

$$\rho = \Phi \cdot \rho_d + (1 - \Phi) \cdot \rho_u = 0,169 \cdot 874 + (1 - 0,169) \cdot 997 = 976 \text{ кг / м}^3$$

Битта диск ёрдамида аралаштириш учун керакли энергия сарфи қўйидагига тенг бўлади:

$$N = K_N \cdot \rho \cdot n^3 \cdot D_p^5 = 0,03 \cdot 976 \cdot 0,3^3 \cdot 0,667^5 = 0,1 \text{ Bт}$$


Кўриниб турибиди, аралаштириш учун қувват сарфи кўп эмас ва ҳамма дисклар учун 2 Вт ни ташкил этади. Демак, электр юриткич қувватини механик ҳисоблар асосида танлаш керак. Унинг қуввати ишқаланиш кучлари ва ишга тушириш пайтидаги қаршиликни енгиш учун етарли бўлиши зарур.

### Чўқтириш зоналарининг ўлчамлари

Одатда ротор-дискли экстракторларда ишчи ва чўқтириш зоналарининг баландликлари бир хил бўлади. Агарда, ушбу формула орқали бензол томчилари коаленценция бўлиши учун зарур вақти

$$\tau_{коал} = 1,32 \cdot 10^5 \cdot \left( \frac{\mu_m \cdot d}{\sigma} \right) \cdot \left( \frac{H}{d} \right)^{0.18} \cdot \left( \frac{\Delta \rho \cdot g \cdot d^2}{\sigma} \right)^{0.32}$$

ва унинг асосида чўқтириш зонасининг ҳажми ҳисобланса, ушбу зонанинг баландлиги таҳминан 0,2 м га тенг бўлади. Маълумки бу турдаги экстракторларда чўқтириш зонаси ишчи зонасининг давоми бўлиб, унда суюқлик интенсив ҳаракат қиласи. Шунинг учун чўқтириш зонаси 2 қисмдан иборат бўлгани мақсадга мувофиқдир, яъни чўқтириш ва оралиқ турғунлаштирувчи зоналардан. Юқорида айтилганларни ҳисобга олсак, чўқтириш зонасининг тўлиқ баландлиги 1,2 м га тенг бўлади.



5.62-расм. Ротор-дискли экстрактор.

5.62-расмда ротор-дискли экстракторнинг технологик ҳисоблар асосида олинган ўлчамлари келтирилган. Ушбу мисолда ротор-дискли экстрактор ҳисоби  $n \cdot D_p = 0,2$  м/с бўлган шарт-шароит учун бажарилган. Аммо ротор-дискли экстракторларни лойиҳалашда ҳисоблар  $n \cdot D_p$  кўпайтманинг турли қийматлари учун бажарилиши керак ва олинган натижалардан оптимал варианти танланиши зарур.

## 5.26. Умумий түшүнчалар

Фоваксимон қаттиқ жисм таркибидан бир ёки бир неча компонентларни ажратиб олиш жараёни **экстракциялаш** деб аталади.

Қаттиқ жисмдан бир ёки бир неча компонентни селективлик қобилиятыга эга бўлган эритувчи ёрдамида ажратиб олиш жараёни **эритиш** деб номланади. Ушбу жараён экстракциялаш жараёнининг хусусий ҳолидир.

Кимё, озиқ-овқат ва бошқа саноатларда жуда кўп капилля-фовакли жисмлар эритиш жараёни ёрдамида қайта ишланади. Экстракциялаш ишқор, кислота, тузлар, қанд, ўсимлик мойлар, шарбатлар, витаминалар, турли дорилар, рангли ва нодир металлар ва ҳоказоларни олишда ишлатилади. Экстракциялаш жараёнида керакли компонент қаттиқ фазадан диффузия йўли орқали суюқлик фазага ўтади. Бунинг учун шу компонентни эритадиган тегишили эритувчи танлаб олиниши керак. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, экстракциялаш ва эритиш жараёнилари «қаттиқ жисм - суюқлик» системасида олиб борилади. Экстракциялаш 2 босқичда ўтади:

1) компонентнинг қаттиқ жисмлар ички қисмидан ташқи юзасига диффузия йўли билан ўтиши;

2) компонентнинг диффузия жараёни туфайли қаттиқ жисм юзасидан чегаравий қатлам орқали суюқлик фазага ўтиши. Бу жараён нотурғун бўлиб, вақт бўйича ўзгаради.

Эритиш жараёнининг тезлиги фақат иккинчи босқичнинг қаршилигига боғлиқ, чунки биринчи босқичда қаршилик умуман бўлмайди. Шунинг учун, эритиш жараёни экстракциялашга қараганда анча тез боради.

Саноат технологик жараёnlарида эритувчилар сифатида куйидаги суюқликлар ишлатилади: сув - қанд лавлагидан шакарни, ҳамда кофе, чойни экстракциялаш учун; спирт ва спирт-сувлар аралашмалар ликер - ароқ дамламаси ва пиво алкоголосиз ичимликлар ишлаб чиқариш саноатида; бензин, трихлорэтан, дихлорэтан ёф ва эфир мойларини ишлаб чиқаришда. Ундан ташқари, сув ва айрим ноорганик кислоталарнинг эритмалари ҳам, эритувчи сифатида ишлатилади. Бундай жараёnlар **ишқорланиш** деб номланади. Ишқорланиш минерал ҳом ашёларни кимёвий қайта ишлаш йўли билан қимматбаҳо компонентларни олиш учун кўлланилади.

Эритиш жараёни технологик схемаларида фильтрлаш, буғлатиш ва кристаллаш каби жараёnlардан аввал ишлатилади ва у биринчи босқич бўлиб ҳисобланади.

## 5.27. Эритиш жараёни статикаси ва кинетикаси


Жараёnnинг механизми шундаки, эритувчи қаттиқ жисм фовакларига кириб боради ва ажратилиши керак бўлган моддани эритади.

Эритилган модданинг кимёвий потенциали ва унинг қаттиқ жисмдаги кимёвий потенциалига тенглашганда эриш жараёни мувозанат ҳолига келади. Тўйиниш ҳолатига оид эритманнинг концентрацияси **эрүччаник** деб аталади.

Қаттиқ жисмнинг ташқи юзасидаги мувозанат қисқа вақт ичидаги ўрнатилади. Шунинг учун, масса алмашиниш жараёnlарни таҳлил қилишда, "қаттиқ жисм - эритувчи" системасининг фазалараро юзасидаги концентрацияси тўйинган эритма концентрацияси  $u_{m\ddot{y}}$  га тенг деб қабул қилинади.

Эритиши жараёни кинетикасининг асосий масаласи фазаларнинг ўзаро тўқнашиш вақтини аниқлашдир. Фазалар тўқнашиш вақти маълум бўлгандан сўнг, экстракторларнинг асосий ўлчамлари ҳисобланади.


Эритиши жараёнида масса алмашинишга қаттиқ жисмнинг ички тузилиши: капилляр шакли ва ўлчами (5.63б-расм), заррачалар кимёвий таркибига катта таъсир кўрсатади (5.63а-расм). Қаттиқ жисмнинг ички тузилиши масса ўтказиш тезлигига ҳам катта таъсир этади.



5.63-расм. Ғоваксимон қаттиқ жисм тузилиши (а),  
коваклар тuri (б) ва ўсимлик ҳужайраси (в).

1 – ҳужайра қобиги; 2 – протоплазмалар;  
3,4 – ўтказувчан мембраналар;  
5 – вакуоль.

Қаттиқ ғоваксимон заррачалар ўзида мақсадли, керак компонентни қаттиқ ҳолатида сақлади. Мақсадли компонентнинг заррача ҳажмида тақсимланиши турили варианtlарда бўлиши мумкин. Кўпчилик ҳолларда, ғоваксимон жисм ҳажмида ажратиб олинадиган компонент бир текисда тақсимланган бўлади. Экстракция жараёнида мақсадли компонентнинг ҳажми систематик равишда камайиб боради (5.64-расм).



5.64-расм. Қаттиқ ғоваксимон жисмнинг  
экстракция жараёнида тузили-  
шининг ўзгариши.

Мақсадли компонент ажратиб олинган ҳажм ( $R - r_0$ ) да, шу компонент экстрагентда эриган ҳолда бўлади. Вақт ўтиши билан ушбу ҳажм улуши ортиб боради.

Эритиши жараёни мураккаб жараён бўлиб, эритувчини қаттиқ жисм ковакларига диффузияси, ажратиб олинаётган моддаларни эритиши, қаттиқ жисм капиллярлари орқали фазаларни ажратувчи юзага экстракцияланадиган модда-

нинг диффузияси ва фазаларни ажратувчи юздан экстрагент оқими ядросига массанинг ўтиши каби босқичлардан иборат.

Жараённинг қайд этилган 4 босқичдан охирги иккитаси масса алманишнинг умумий тезлигини чегаралайди. Чунки, биринчи ва иккинчи босқичларнинг масса алмашиниш тезлиги, охирги иккитасиникига қараганда анча юқоридир.

Шундай қилиб, масса алмашиниш жараённинг умумий диффузия қаршилиги, қаттиқ жисм ва эритувчиларнинг ички диффузия тезлиги ийғиндисидан иборат.

Капилляр - ғовак жисм ичидан модданинг диффузия тезлиги ушбу тенглама билан ифодаланади:

$$i = -\frac{dM}{Fd\tau}$$

Фазаларни ажратувчи юздан оқим ядросига масса бериш тезлиги (5.17) тенглама ёрдамида аниқланади.

Масса ўтказувчанлик ва бериш тезликлари орасидаги нисбатни баҳолаш учун Био критерийсидан фойдаланилади:

$$Bi = \frac{\beta \cdot l}{D}$$

Айниқса, капилляр - ғовак жисмларда масса ўтказувчанлик тезлиги жуда кичик бўлади.

5.63в-расмда ўсимлик ҳужайрасининг тузилиши кўрсатилган.

Масса ўтказувчанлик коэффициенти қаттиқ жисмнинг ички тузилишига, экстрагентнинг физик хоссалари, экстракцияланётган модданинг концентрацияси ва жараён температурасига боғлиқ. Масса ўтказувчанлик коэффициентининг юқорида қайд этилган омилларга боғлиқлиги тажрибавий усулда топилади.

Асосий диффузиян қаршилик суюқлик фазада мужассам бўлган ҳолларда, жараённи ифодалаш учун (5.17) тенгламалардан фойдаланиш мумкин.

Эритиши жараённи ҳаракатга келтирувчи куч бўлиб, қаттиқ жисм юзасидаги экстракцияланувчи модда концентрацияси  $y_u = y_{myu}$  ва унинг экстрагентдаги ўргача концентрацияси  $y_{yp}$  ларнинг фарқи ҳисобланади.

Ушбу ҳолатда жараённинг тезлиги қўйидаги тенгламадан аниқланади:

$$\frac{dM}{Fd\tau} = \beta_y (y_{myu} - y_{yp}) \quad (5.154)$$

бу ерда  $\beta_y$  - суюқлик фазадаги масса бериш коэффициенти.

Қалинлиги  $\delta$  бўлган чегаравий қатламдаги молекуляр диффузия тезлиги Фикнинг 1-қонуни ёрдамида топилади:

$$\frac{dM}{Fd\tau} = D \frac{(y_{myu} - y_{yp})}{\delta} \quad (5.155)$$

бу ерда  $D$  - молекуляр диффузия коэффициенти.

Қаттиқ жисмни эритиш жараёни учун проф. А.Н. Шукарев томонидан ушбу формула келтириб чиқарилган:

$$\frac{M}{\tau} = \left( \frac{D}{\delta} \right) F_{yp} (y_{myu} - y_{yp}) = \beta_y \cdot F_{yp} (y_{myu} - y_{yp}) \quad (5.156)$$

бу ерда  $\beta_y = D/\delta$ . Тажрибавий усул билан  $\delta \approx D^{0.33}$  эканлиги аниқланган.

(5.154) тенгламадан  $\beta_y$  масса бериш коэффициенти  $D^{0.66}$  га пропорционаллыги күриниб турибди. Юқорида келтирилган тенгламаларни инобатта олган ҳолда ва тажриба натижаларини умумлаштириш натижасида, ишқорлаб ажратиш жараёнида масса бериш коэффициенти  $\beta_y$  ни ушбу тенглама ёрдамида топиш мүмкін:

$$Nu_D = 0.8 Re^{0.5} \cdot Pr^{0.33} \quad (5.157)$$

бу ерда  $Nu_D = \beta_y \cdot d/D$  - Нуссельт критерийси ( $d$  - қаттиқ заррача диаметри);  $Re = wd\rho/\mu$  Рейнольдс критерийси ( $w$  - экстрагент тезлиги;  $\mu$  - экстрагент динамик қовушоқлиги);  $Pr = \nu/D$  - Прандтл критерийси.

(5.156) тенгламадан күриниб турибдики, агар чегаравий қатлам қалинлиги  $\delta$  камайса, коэффициент  $\beta$  нинг қиймати ортади. Чегаравий қатлам назариясидан маълумки, Рейнольдс сони ортиши, яъни қаттиқ заррачаларга нисбатан экстрагент ҳаракат тезлиги кўпайиши билан диффузион қатлам қалинлиги камаяди.

Демак, самарадор гидродинамик шароит яратиб, ишқорлаб ажратиш жараёни интенсивлаш мүмкін. Ундан ташқари, қаттиқ материални майдалаш ҳам жараённи жадаллашишига олиб келади.

Маълумки, қаттиқ жисмларни майдалаш, масса алмашиниш юзасининг ортишига ва материал ичидан капиллярлар орқали экстракцияланаётган компонентнинг диффузия йўли капайишига олиб келади. Температура ортиши билан масса ўтказувчанлик коэффициент кўпайганилиги учун ишқорлаб ажратиш жараёни экстрагентнинг қайнаш температурасига яқин температураларда ташкил этилади. Бундай ҳолатда эритманинг тўйиниш концентрацияси  $y_{myu}$  ортади, бу эса ўз навбатида эритиши ва ишқорлаб ажратиш жараёнларини ҳаракатга келтирувчи кучининг кўпайишига сабабчи бўлади.

Амалий жиҳатдан жараёнларни интенсивлаш учун экстрактордаги гидродинамик ҳолатни яхшилаш зарур. Масалан, мавхум қайнаш қатламда қайта ишлаш, пульсация ёки вибрация таъсир этириш йўллари билан экстракторларда юқорида қайд этилган жараёнлар самарасини кўтариш мүмкін. Ундан ташқари, паст частотали тебранишлар ҳам, экстракторларда кечадиган масса алмашиниш жараёнини тезлаштиради.

## 5.28. Ишқорлаб ажратиш экстракторларининг конструкциялари

Экстракция, эритиши ва ишқорлаб ажратиш учун даврий ва узлуксиз ишлайдиган экстракторлар кўлланилади. Курилмадаги фазалар ҳаракатига қараб параллел, қарама - қарши ва мураккаб йўналишли бўлиши мүмкін.

Суюқлик фазасининг қаттиқ материални юваб ўтиш ҳаракатига қараб ўзгармас, механик аралаштиргичи бўлган ва мавхум қайнаш қатламли экстракторлар бўлади.

Экстракторларни таңлашда қаттық фаза физик-механик хоссалари ва ажраб чиқадиган экстракт концентрацияси ёки тайёр маҳсулот чиқиши ҳисобга олинади.


Маълумки, даврий ишлайдиган қурилмалар иш унумдорлиги кам бўлади. Шунинг учун, улар кичик ҳажмли корхоналарда қўлланилади. Лекин, саноат миқёсида кўпинча узлуксиз ишлайдиган қурилмалар ишлатилади. Экстрактор ва эриткич бир-биридан катта фарқланмайди. Агар, қурилма қаттиқ, ғоваксимон жисмни экстракциялаш учун қўлланилса **экстрактор** деб номланади. Агар, қурилма қаттиқ ғоваксимон материални эритиш учун ишлатилса, унда у **эриткич** деб аталади.

Экстрактор ва эриткичларга қўйиладиган талаблар қўйидагилардан иборат:

қурилма ҳажми бирлигига тўғри келган экстрактнинг миқдори, яъни солишишторма иш унумдорлиги катта бўлиши зарур;

- ҳосил бўлаётган эритма концентрацияси иложи борича юқори бўлиши керак;

- энергия сарфи кам бўлиши зарур.



5.65-расм. Перколятор.

1-қопқоқ; 2-5-эртувчи учун штуцерлар; 3-қобиқ; 4-тешикли панжара; 6-кўтарма люк; 7-материал.

**Перколятор** бу даврий ишлайдиган, қўзғалмас қатламли экстрактор (5.65-расм). У конуссимон тубли ва ясси қопқоқли цилиндрик қурилма бўлиб, тубида тешикли панжара ўрнатилган. Ушбу панжарага тепа люқдан майдаланганд қаттиқ материал қатлами юкланади.

Ишқорлаб ажратиш жараёни тугагандан сўнг, материал пастки кўтарма люқдан чиқариб юборилади.


Перколяторлар кетма-кет уланиб батареялар ҳосил қилинади. Батареяга уланадиган перколяторлар сони 4 та дан 15 та гача бўлиши мумкин. Эритувчи перколяторнинг паст қисмидан юқорига насос ёрдамида ҳайдалади. Батареяларда оқимлар йўналиши ҳар доим қарамакарши бўлади. Исталган перколяторда ажратиш даражаси белгиланган даражага этиши билан ишлатиб бўлинган материални тўкиш учун батарея ўчирилади ва янги хом-ашё юкланади. Одатда, қурилмадан материал босим остида тўкилади.

**Узлуксиз ишлайдиган диффузион қурилмалар** кимё, тоғ кон, озиқ овқат ва бошқа саноатларда жуда кўп ишлатилади. Айниқса, қанд лавлагидан шакар олишда ва унинг турпини чиқариб ташлашда бу турдаги қурилмалар жуда самарали қўлланилмоқда.

**Икки шнекли, орма диффузион қурилма** одатда 8...11° бурчак остида ишлатилади. Қурилманинг тепа қисмida қанд лавлаги қириндиларини юлаш учун бункер ва ҳосил бўлаётган турпини (жомни) чиқариш учун шнеклар ўрнатилган (5.66-расм).

Қурилма ичида қанд лавлаги қириндиси иккита шнек ёрдамида пастдан тепага қараб узатилади. Винт чизиги бўйлаб жойланган парраклар тизими

шнекларни ҳосил қиласи. Биринчи шнекнинг парраклари, иккинчи шнекнинг парраклараро бўшлиғига кириб туради. Шнекларнинг бундай жойлашиши қириндини бир текисда узатиш ва қириндини паррак билан бирга айланисига тўсқиплик қиласи. Бунинг учун қурилмада контрпарраклар ва қопқоқнинг пастки қисмида тўсиқлар ўрнатилган.



**5.66-расм. Икки шнекли, оғма диффузион қурилма.**

- 1, 8 - электр юриткичлар;
- 2 - юкловчи бункер;
- 3 - қопқоқ;
- 4 - таянч;
- 5 - тўсиқ;
- 6, 9 - парраклар;
- 7 - тўкиш шнеки;
- 10 - шнек;
- 11 - иситувчи камера;
- 12 - элак;
- 13 - диффузион шарбатни чиқариш штуцери;
- 14 - қобурга;
- 15 - қоплама;
- 16 - контрпаррак.


Лавлаги турпи қурилманинг тепа қисмидаги шнеклар ёрдамида чиқарилади. Турпни самарали тўкиш учун парраклар ҳам ёрдам беради. Тўкиш шнеклари узатилишнекларига нисбатан тўғри бурчак остида ўрнатилган ва уларга қарама - қарши йўналишда айланади. Экстракцияланаётган материални иситиш учун қурилманинг остки қисмида иситувчи камера ўрнатилган.

**Икки поюнали диффузион қурилма** U симон, тўғри тўртбурчак кўндаланг кесимли қобиқдан иборат бўлади. Ушбу қобиқ маҳсус таянчлари билан оғир пойдеворга ўрнатилади.

Қурилма қобиги айрим царгалардан таркиб топғаи бўлиб, қаттиқлик қобурғалари билан мустаҳкамланади. Экстракторда материал узатувчи ромчалар ўрнатилган пластмасса занжирлар ёрдамида узатилади. Ушбу занжир электр юриткичга уланган узатма ёрдамида ҳаракатга келтирилади. Ромчаларни вертикаль ҳолатда материалдан тўлиқ тозалаш учун зарба типидаги тозалагич ўрнатилган.

Хом - ашё қурилмага панжарасимон конвейер ва ротацион улоқтиргич ёрдамида юкланади. Иситилган шарбат қурилмага соплолар ёрдамида пуркалади.

Қурилмадан диффузион шарбат камерада ўрнатилган конуссимон тешикли элак ва патрубкалар орқали чиқарилади. Барометрик сув қурилманинг тепа қисмидаги жойлашган прессланган турп суюқлиги эса, пастки соплолар орқали қурилмага киритилади.




**5.67-расм. Икки колоннали диффузион қурилма.**

1,5 - штуцерлар; 2 - ротацион улоқтиригч; 3 - барабан; 4 - қобиқ; 5 - занжир; 6 - ромча.

циялаш жараёнининг тезлиги ҳам камайды.

**Лентали экстракторлар** кўпинча таркибида ёғ бор материаллардан (писта, чигит ва х.) ёғни экстракциялаш учун қўлланилади (5.68-расм).



**5.68-расм. Лентали экстрактор.**

1 - қобиқ; 2 - соплолар; 3 - юкловчи шахта; 4 - узатувчи транспорт мосламаси; 5 - насослар.

ликда кечади. Демак, хом - ашёдан ёғни тўла ажратиб олиш учун экстракция жараёни бир неча поғонали қурилмада олиб бориш керак.


**Мавхум қайнаш қатламли экстракторлар.** Бу турдаги қурилмаларда қаттиқ материал заррачалар юзаси бутун жараён мобайнида турбулент оқим билан ювилиб туради, яъни тўқнашувда бўлади. Натижада экстракциялаш ва эритиш жараёnlари интенсивлашади.

Қанд лавлаги парахаси ромчали занжир ёрдамида қурилма бўйлаб узатилади ва охирида тўкиш штуцерига олиб келинади. Барометрик ва прессланган турп сувлари, қанд лавлаги қириндисига қарама қарши йўналишда, колоннанинг тепа қисмига юборилади. Жараён якунида ҳосил бўлган диффузион шарбат кейинги технологик жараёнга узатилса, турп эса пресслашга ёки омборга юборилади. Айрим қурилмаларда қаттиқ материал ковшлар ёрдамида узатилади.

Лекин, материални узатиш учун ромча ёки ковш занжирли мосламаларни қўллаш, қаттиқ жисмларнинг зичланishiга сабабчи бўлади. Маълумки, зичланган материални экстракциялаш анча қийин.

Парракли ва контрапарракли диффузион қурилмаларда қиринди анча майдаланади, бу эса диффузион шарбатнинг фильтрланишини қийинлаштиради. Натижада, экстракциялаш жараёнининг тезлиги ҳам камайды.

Майдаланган қаттиқ фаза (писта) лентада юпқа қатлам ҳолида узатилса, экстрагент бензин ёки гексан эса насослар ёрдамида лентадаги хом ашёга пуркалади. Қаттиқ материал ва экстрагентларнинг ўзаро ҳаракати комбинацияланган, мураккаб бўлиб, яъни бир бир бўлимда ўзаро кесишган ва экстракторнинг бутун узунлиги бўйлаб қарама-қарши йўналишда ҳаракатланади. Экстрактор конструкцияси қаттиқ материал ва экстрагентнинг ўзаро яхши тўқнашувини таъминлай олмайди. Шунинг учун, экстракциялаш жараёни жуда кичик тез-



**5.69-расм. Трубали экстрактор.**

1 - труба; 2- насос; 3 - бүг қобиги; 4 - юувучи сув кирадын штуцер.

боғлиқдир. Курилмада фазалар қарама бўлмаслигига сабаб, қаттиқ жисмнинг чиқиб кетишидир.


**Мавхум қайнаш қатламли экстрактор.** Цилиндрическая колонна 1 га пастки штуцер 2 орқали эритма узлуксиз равища узатилади. Штуцер 2 орқали киристилган эритма белгиланган тезлиқда тақсимловчи панжара 3 тешикларидан ўтади ва майдаланган қаттиқ материал қатламини мавхум қайнаш ҳолатига келтиради.

Бошланғич материал қурилманинг юклаш трубаси 7 орқали мавхум қайнаш қатламига узатилади. Одатда, мавхум қайнаш қатлами бир неча метр бўлади. Курилмадан чиқишида юқори концентрацияли эритма олиш мумкин. Концентрланган эритма ҳалқасимон тарновга тушади ва штуцер 5 орқали ташқарига чиқарилади. Ҳосил бўлаётган қаттиқ қолдиқ тақсимловчи панжара 3 дан озгина юқорида жойлашган штуцер 6 орқали узлуксиз равища чиқариб турилади.

Бундай экстракторлар тузилиши сода ва кам металл сарфланади. Ундан ташқари, жараён интенсивлиги катта ва қаттиқ жисмдан керакли компонентни ажратиш даражаси юқори.

**Трубали экстрактор** кетма кет уланган труба 1 лардан иборат бўлиб, улардан қаттиқ, майдада заррачали суюқлик насоси 2 ёрдамида ҳайдалади. Маълумки, температура оргиши билан жараён тезлашади. Шунинг учун, трубалар буф қобиги 3 билан ўралган. Насос тўсатдан тўхтаб қолган ҳолларда, труба ичидаги қаттиқ куйқаларни деворга ўтириб қолмаслиги учун ювиб юборилади. Бунинг учун тепада жойлашган идишдан трубаларга сув юборилади.

Ушбу қурилмаларда экстракциялаш жараёнининг интенсивлиги, унда идеал сиқиб чиқариш режимига яқин шароит яратилиши билан қарши ҳаракат йўналишини кўллаб майдада заррачалари суюқлик билан



**5.70-расм. Мавхум қайнаш қатламли экстрактор.**

1 – колонна; 2 – эритма кириш штуцери; 3 – тақсимловчи тешикли панжара; 4 – ҳалқасимон тарнов; 5 – концентрланган эритма чиқадиган штуцер; 6 – қаттиқ қолдиқни тўкиш штуцери; 7 – қаттиқ материални юклаш трубаси.

## 5.29. Эриткичларни ҳисоблаш

Охирги йилларда яратылған қаттық жисмні экстракциялаш жараёнининг зонали усули, нотурғун масса ўтказувчанлик масаласини ечишга асосланған. Тұғри, геометрик шаклдаги жисмларни экстракциялаш жараёнининг давомий-лигини ҳисоблаш учун ушбу формуланы күллаш мүмкін:


$$\tau_i = \sum_i^n \frac{\ln \prod_{j=1}^S \frac{\rho_{j,i}}{E_i}}{k_i \sum_{j=1}^n \frac{\mu_{j,i}}{R_j^2}}$$

бу ерда  $\mu_{j,i}$  ва  $\beta_{j,i}$  -  $j$  йұналишидеги жисм шаклига ва намлық ўзгариши  $i$  оралигидеги  $E_{i,m}$  катталикларга бөлелиқ коэффициентлар.

Лекин, масса ўтказувчанлик коэффициенти бүйича тажриба маълумотлари етарли бўлмагани учун, ушбу усулнинг амалиётда кўлланилиши маълум қийинчиликларга дуч келмоқда.

Шунинг учун экстракторларни ҳисоблаш усули концентрация ўзгаришида назарий поғоналар сонини аниқлашга асосланған усул кенг қўламда ишлатилади. Ҳисоблаш усулига Ф.И.К. нинг киритилиши кўп поғонали қурилмаларнинг ҳақиқий поғоналар сони ёки узунлигини топиш имконини беради.

Назарий поғоналар сонини учбурчакли диаграммадан фойдаланиб график усулда аниқлашни кўриб чиқамиз (5.71-расм).



5.71-расм. "Қаттық жисм - суюқлик" системаси учун учбурчакли диаграмма.

ва  $E$  компонентлардан иборат икки компонентли аралашмани ифодалайди. Учбурчак ичидаги ҳар бир нұқта уч компонентли системани характерлайди.


Агар, экстрагент  $E$  даги  $M$  модда түйинган эритмасининг таркиби гипотенузасидеги  $C$  нұқта орқали ифодаланса, унда  $LC$  кесма эримайдиган қаттық модда  $L$  билан  $M$  ва  $E$  лар эритмаси аралашмасини характерлайди. Ҳосил бўлаётган аралашмалар таркиби ва миқдори, ҳамда экстракт  $E$  ва рафинат  $R$  лар орасидаги миқдорий нисбатлар ричаг қоидасига биноан ینиқланади.

Кўп секцияли қурилмада қарама қарши йұналишли экстракциялаш караёнини учбурчакли диаграммада кўриб чиқамиз.

Ҳисоблашлар қулай бўлиши учун тент томонли учбурчак ўрнига диаграммани тўғри бурчакли учбурчак кўринишида чизамиз.

Бошланғич қаттық материал эримайдиган  $L$  ва эрийдиган  $M$  компонентдан таркиб топган бўлсин ва суюқлик экстрагент  $E$  ёрдамида ажратиб олинсин. Экстракциялаш натижасида экстрагент  $E$  ва унда эриган  $M$  моддадан таркиб топган экстракт, ҳамда эримайдиган модда  $L$  ва унинг ковакларида маълум миқдорда экстрагент  $E$  да эриган модда  $M$  дан таркиб топган рафинат ҳосил бўлади.

Учбурчакнинг ҳар бир томонидаги нұқта  $L$  ва  $M$ ,  $L$  ва  $E$ ,  $M$



5.72-расм. Күп секциялы қарама-қарши йұналишты экстракциялаш.

Экстракциялаш курилмаси  $n$  поғонадан иборат бўлсин (5.72-расм).


Концентрацияси  $x_b$  (масс.улуш) бўлган  $F$  (кг/с) миқдордаги бошланғич аралашма экстракцион курилманинг биринчи поғонасига узатилади. Куритманинг бошқа учидан  $n$  поғонага  $y_b$  концентрацияли  $E$  (кг/с) миқдорда экстрагент юборилади. Экстракция жараёнида ҳосил бўлаётган  $y_{ox}$  концентрацияли экстракт  $\mathcal{E}$  (кг/с) ва  $x_{ox}$  концентрацияга эга бўлган рафинат  $R$  (кг/с) курилмадан узлуксиз равишда чиқариб турилади.

Жараённинг моддий балансини ушбу кўринишда ёзиш мумкин:

$$F + E = R + \mathcal{E} \quad (5.158)$$

$$Fx_b + Ey_b = Rx_{ox} + \mathcal{E}y_{ox} \quad (5.159)$$

Қаттиқ фазадаги экстракцияланётган модда концентрацияси  $\bar{x}_b$  абсцисса ўқига  $y_b$  концентрацияни учбурчакли диаграмманинг гипотенузасига кўямиз ва ушбу нуқталарни бирлаштирамиз (5.73-расм).



5.73-расм. Учбурчакли диаграмма.

Ҳосил бўлган чизиқни  $E/F$  нисбатга қараб бўлсак,  $\bar{x}_p$  ни оламиз. Бу нуқта бошланғич аралашма таркибини ифодалайди.

Агар, рафинатнинг таркиби маълум бўлса, учбурчакли диаграмма гипотенузасига қаттиқ фазасига ўзгармас таркиби чизигини ( $x_1 = const$ ) параллел қилиб ўтказамиз ва унга  $x_{ox}$  нуқтани кўямиз.

(5.158) ва (5.159) тенгламаларга биноан  $\bar{x}_{ox}$ ,  $\bar{x}_{ap}$  ва  $\bar{y}_{ox}$  нуқталар битта чизикда ётиши керак. Шу билан бирга, экстракт таркибини ( $M$  ва  $E$  моддалар аралашмаси) ифодаловчи  $y_{ox}$  нуқта гипотенузада ётади.

Шунинг учун,  $y_{ox}$  нуқтани  $\bar{x}_{ox}$  ва  $\bar{y}_{ox}$  нуқталаридан ўтказилган тўғри чизикнинг гипотенузада билан кесишган жойи сифатида аниқланади.

Бирор  $j$ -погона учун моддий баланс тенгламаси ушбу кўринишига эга:

$$F + \mathcal{E}_{j+1} = R_j + \mathcal{E} \quad (5.160)$$

бундан

$$F - \mathcal{E} = R_j - \mathcal{E}_{j+1} \quad (5.161)$$

Экстракциялангаётган модда бўйича моддий баланс эса:

$$F\bar{x}_6 - \mathcal{E}\bar{y}_{ox} = R_j\bar{x}_j - \mathcal{E}_{j+1}\bar{y}_{j+1} \quad (5.162)$$

Агар, бошлангич қаттиқ аралашма ва экстракт сарфларининг фарқини  $F - \mathcal{E} = P$  деб белгиласак, унда:

$$F\bar{x}_6 - \mathcal{E}\bar{y}_{ox} = P\bar{x}_u$$

ёки

$$P = F - \mathcal{E} = R_1 - \mathcal{E}_2 = \dots = R - E \quad (5.163)$$

$$P\bar{x}_u = F\bar{x}_6 - \mathcal{E}\bar{y}_{ox} = F_1\bar{x}_1 - \mathcal{E}_2\bar{y}_2 = \dots = R\bar{x}_{ox} - E\bar{y}_{ox} \quad (5.164)$$

(5.163) ва (5.164) тенгламаларидан кўриниб турибдики,  $P$  қутбнинг ҳолати икки тўғри чизик, яъни  $x_6$  ва  $y_{ox}$  нуқталар, ҳамда  $x_{ox}$  ва  $y_b$  нуқталар орқали ўтган чизиклар кесишишида ҳосил бўлган нуқта билан белгиланади.

Агар,  $P$  қутбнинг ҳолати топиб олинса, график усулда концентрация ўзгаришининг назарий погоналар сонини аниқлаш мумкин. Бунинг учун  $\bar{y}_{ox}$  нуқтани координаталар боши (нуқта 0) билан бирлаштирамиз ва  $\bar{x}_A = \text{const}$  чизикда кесишиш нуқтаси  $\bar{x}_1$  топамиз.

(5.163) ва (5.164) тенгламалардан маълумки,

$$P = R_1 - \mathcal{E}_2$$

$$P\bar{x}_u = R_1\bar{x}_1 - \mathcal{E}_2\bar{y}_2$$

Шунинг учун,  $\bar{y}_2$  нуқтани  $\bar{x}_u$  ва  $\bar{x}_1$  нуқталар орқали ўтказилган тўғри чизикнинг учбурчак гипотенузаси билан кесишган жойи сифатида топамиз.  $x_2$  нуқта топиш учун  $y_2$  нуқтани координаталар боши билан бирлаштириш керак. Ушбу  $x_2$  нуқта ўтказилган чизик ва  $x_A = \text{const}$  чизикларнинг кесилиши жойида ётади. Худди шундай қуришлар рафинат концентрацияси  $x_{ox}$  қиймагига тени бўлмагунча давом эттирилади. Координаталар бошини  $x_1, x_2, x_3, \dots, x_{ox}$  нуқталар билан бирлаштирадиган чизиклар экстракция жараёнининг назарий погоналар сонини характерлайди.

## АДСОРБИЯ

### 5.30. Умумий түшүнчалар

Газ аралашмалари газ ёки буғларни ёки эритмалардан эриган моддаларни қаттың, ғоваксимон жисм ёрдамида ютиш жараёни **адсорбция** деб номланади. Ютилаёттан модда **адсорбтив**, ютувчи модда эса – **адсорбент** деб аталади.

Адсорбция жараёнининг ўзига хослиги шундаки - у селектив ва қайтар жараёндир. Жараённинг қайтар бўлишилиги туфайли адсорбент ёрдамида буг – газ аралашмаларидан бир ёки бир неча компонентларни ютиш, сўнг эса маҳсус шароитда уларни адсорбентдан ажратиб олиш мумкин.

Адсорбцияга тескари жараён **десорбция** деб номланади. Адсорбция жараёни халқ хўжалигининг турли соҳаларида кенг тарқалган бўлиб, газларни тозалаш ва қисман қуритиш, эритмаларни тозалаш ва тиндириш, буг - газ аралашмаларини ажратиш учун ишлатилади.

Кимё саноатида адсорбция қуйидаги ҳолларда: газлар ва эритмаларни тозалаш ва қуритишда, эритмалардан қимматбаҳо моддаларни ажратиб олишда, нефть ва нефть маҳсулотларини тозалашда, нефтни қайта ишлашда ҳосил бўладиган газ аралашмаларидан ароматик углеводородларни (этилен, водород, бензин фракцияларидан ароматик углеводородларни) ажратиб олишда ишлатилади.

Озиқ овқат саноатида эса қанд қиёми ва диффузион шарбатларни тозалашда, пиво ва мевалар шарбатларини тиндириш, вино, конъяк, ароқ ва спиртларни органик ва бошқа бирикмалардан тозалаш, крахмал-патока саноатида қиёмларни тозалашда қўлланилади.

Адсорбция жараёни 2 хил бўлади, яъни физик ва кимёвий адсорбция. Агар, адсорбент ва адсорбтив молекулаларининг ўзаро тортишиши Ван-дер-Ваальс кучлари таъсири остида содир бўлса, бундай жараён **физик адсорбция** деб номланади.

Физик адсорбция жараёнида адсорбент ва адсорбтивлар ўртасида кимёвий ўзаро таъсир бўлмайди.

Адсорбция жараёнида буғларнинг ютилиши пайтида улар конденсацияланади, яъни адсорбент коваклари суюқлик билап тўлиб қолади. Бошқача қилиб айтгандা, адсорбентда капишилар конденсация рўй беради.

**Кимёвий адсорбция** ёки **хемосорбция** адсорбент ва ютилган модда молекулалари орасида кимёвий боғлар ҳосил бўлиши билан характерланади. Бу албатта кимёвий реакциянинг натижасидир. Ундан ташқари, хемосорбция жараёнида кимёвий реакция туфайли катта миқдорда иссиқлик ажralиб чиқади. Одатда адсорбция жараёнида ажralиб чиқадиган иссиқлик **адсорбция иссиқлиги (Ж/кг)** деб номланади ва у тажрибавий усуlda ёки қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$r = \frac{19,16 \cdot \ln \frac{P_2}{P_1}}{\frac{1}{T_1} - \frac{1}{T_2}} \quad (5.165)$$

бу ерда  $P_1$  ва  $P_2$  - тегишли абсолют температурулар  $T_1$  ва  $T_2$  ларда адсорбент устидаги ютилаёттан модданинг мувозанат босимлари.

Шундай қилиб, хемосорбция жараёни юқори температурада кичик тезликларда содир бўлади.

Адсорбция жараёнининг селективлиги адсорбент ва ютилаётган компонентнинг концентрациясига температурага, табиатига ва газлар ютилаётганда босимга боғлиқдир.

Ундан ташқари, жараён тезлиги адсорбентларнинг солиширма юза каталигига ҳам боғлиқ.

### 5.31. Адсорбентлар турлари ва характеристикалари

Маълумки, халк хўжалигининг турли соҳаларида қўлланиладиган адсорбентлар иложи борича катта солиширма юзага эга бўлиш керак. Кимё, озиқовқат ва бошқа саноатларда фаолланган кўмир, силикагел, алюмогел, цеолит, целлюлоза, ионитлар, минерал тупроқ (бентонит, диатомит, каолин) ва бошқа материаллар адсорбент сифатида ишлатилади. Албатта, адсорбентлар маҳсулот билан бевосита таъсирида бўлгани учун зарарсиз, мустаҳкам, заҳарлимас ва маҳсулотни ифлос қўймаслиги керак.

Адсорбентлар модданинг масса бирлигига нисбатан жуда катта солиширма юзали бўлади. Унинг капилляр каналлари ўлчамига қараб 3 гурӯхга бўлинади, яъни макроковакли ( $>2\cdot10^{-4}$ мм), оралиқ ковакли ( $6\cdot10^{-6}...2\cdot10^{-4}$ мм) ва микроковакли ( $2\cdot10^{-6}...6\cdot10^{-6}$ мм) бўлади. Шуни таъкидлаш керакки, адсорбция жараёнининг характеристери кўп жиҳатдан коваклар ўлчамига боғлиқ.

Адсорбент юзасида ютилаётган компонент молекулаларининг миқдорига қараб бир молекулали (мономолекулали адсорбция) ва кўп молекулали қатлам (полимолекулали адсорбция) ҳосил қилиш мумкин.

Адсорбентларнинг яна бир муҳим характеристикаси шундаки, бу унинг ютиш қобилияти ёки фаоллигидир. Адсорбент фаоллиги унинг бирлик массаси ёки ҳажмида компонент ютиш миқдори билан белгиланади. Ютиш қобилияти 2 хил, яъни статик ва динамик бўлади. Адсорбентнинг статик ютиш қобилияти масса ёки ҳажм бирлигига максимал миқдорда модда ютиши билан белгиланади.

Динамик ютиш қобилияти эса, адсорбент орқали адсорбтив ўтказиш йўли билан аниқланади.

Адсорбентларнинг компонент ютиш қобилияти температура, босим ва ютилаётган модда концентрациясига боғлиқ. Ушбу шароитларда адсорбентнинг максимал ютиш қобилияти мувозанат фаоллиги деб номланади.

Адсорбентлар зичлиги, эквивалент диаметри, мустаҳкамлиги, гранулометрик таркиби, солиширма юза каби хоссалари билан характерланади. Саноатда кўпинча гранула (2...7 мм) кўринишидаги ёки ўлчамлари 50...200 мкм бўлган кукунсимон адсорбентлардан фойдаланилади.

**Фаолланган кўмирлар** одатда таркибида углерод бор ёғоч, торф, ҳайвонлар суюги, тошкўмир каби маҳсулотларни қуруқ ҳайдаш йўли билан олинади. Кўмир фаоллигини ошириш учун унга 900°C дан ортиқ температурада ҳавосиз термик ишлов берилади. Бунда, материал ковакларидаги смолалар экстрагент ёрдамида экстракция қилиб олинади.

Фаолланган кўмирларнинг солиширма юзаси  $600...1750$  м<sup>2</sup>/г, тўкма зичлиги  $250...450$  кг/м<sup>3</sup>, микроковаклар ҳажми  $0,23...0,7$  см<sup>3</sup>/г. Ундан ташқари, улар таркибида жуда кам миқдорда (<8%) кул бўлади. Яна шуни таъкидлаш керакки, ҳавода 300°C температурада фаолланган кўмир ёнади.

Фаолланган кўмирнинг майдо қуқунлари 200°C га яқин температурада ёнади ва концентрацияси  $17...24$  г/см<sup>3</sup> бўлганда ҳаво таркибидаги кислород билан портловчи бирикма ҳосил қиласиди.

Адсорбция жараёнида тозалашнинг самарадорлиги адсорбентнинг ғоваксимон тузилишига боғлиқ бўлиб, бунда микроковак асосий роль ўйнайди.

Фаолланган күмірлар адсорбцион бүшлигининг чегаравий ұажми 0,3 см<sup>3</sup>/г лиги тозалаш жараёнида қўлаш тавсия этилади. Маълумки, микроковаклар ўлчами каталитик реакциялар тезлігіні белгилайди. Микроковак ўлчами 0,8...1,0 мкм бўлган фаолланган күмірлар оптималь деб ҳисобланади.

Спирт ва ликер-ароқ ишлаб чиқариш саноатида оқ қайин БАУ, бук каби ёғочлардан олинган фаолланган күмір, спирт-реактиватларни альдегид, кетон, мураккаб эфир, карбон кислоталар ва юқори молекулали бирикмалардан тозалашда ишлатилади. Ундан ташқари, меваляр шарбати ва пивони тиндириш учун ҳам ишлатиш мумкин. Қанд шарбатини тиндириш учун эса суяқ күмири асосида олинган күмірлар қўлланилади. Қанд шарбати, коньяк, вино, мева шарбатлари, эфир ёғлари, желатинни тозалаш учун майдада донасимон фаолланган күмір - деколар ишлатилади. Айрим ҳолларда, фаолланган күмірлар тозалаш билан бирга ҳид, ёқимсиз таъм, коллоид ва бошқа қўшимча аралашмаларни ҳам йўқотади.

**Силикагеллар** бу кремний кислота гелининг сувсизлантирилган маҳсулотидир. Ушбу адсорбентлар натрий силикат эритмаларига кислота ёки улар тузларининг эритмаларини таъсири натижасида олинади. Силикагелларнинг солиширма юзаси 400...780 м<sup>2</sup>/г, тўқма зичлиги эса - 100...800 кг/м<sup>3</sup>. Силикагел гранулалари 7 мм гача бўлиши мумкин. Силикагеллар асосан сув буғини ютиш, газларни қуритиш, пиво ёки мева шарбатларини тозалаш учун қўлланилади. Бу адсорбент бошқа адсорбентларга қараганда ёнмайди, механик жиҳатдан мустаҳкам бўлади.

**Цеолитлар** - табиий ва сунъий минерал ҳолатида бўлиб, алюмосиликатнинг сувли бирикмаси. Ушбу адсорбент сувда ва органик эритмаларда эrimайди. Сунъий цеолит коваклари ўлчами сорбцияланётган молекула ўлчамига яқин бўлгани учун, ковакларга кириётган молекулаларни адсорбция қила олади. Бу турдаги цеолитлар молекуляр элаклар деб номланади. Цеолитларнинг айрим турлари шарбатларни концентрлаш учун ишлатилади.

Цеолитлар юқори ютиш қобилиятига эга бўлгани учун, газларни ва суюқликларни қисман қуритиш ёки сувсизлантириш учун ҳам қўлланилади. Цеолитлар, кўпинча 2...5 мм диаметрли гранула кўринишида ишлаб чиқарилади.

**Тупроқлар ва табиий тупроқсимон адсорбентлар** қаторига бентонит, диатомит, гумбрин, каолин, асканит, мураккаб кимёвий таркибли юқори дисперс системалар SiO<sub>2</sub>, Al<sub>2</sub>O<sub>3</sub>, CaO, Fe<sub>2</sub>O<sub>3</sub>, MgO ва бошқа металл оксидлари киради. Табиий тупроқлар фаоллигини ошириш учун улар сульфат ва хлорид кислоталар билан қайта ишланади. Натижада кальций, магний, темир, алюминий ва бошқа метал оксидлари чиқариб юборилиши туфайли қўшимча коваклар ҳосил бўлади.

Бу тупроқлар солиширма юзаси 20...100 м<sup>2</sup>/г, коваклар ўртача радиуси 3...10 мкм бўлади.

Катион алмашиниши сифими ортиши билан тупроқларнинг тозалаш қобилияти кўпаяди. Одатда, тупроқлар суюқлик мухитларни тозалаш учун ишлатилади, масалан, рангли моддаларни қайта ишлаш натижасида маҳсулот оқаради. Шунинг учун, айрим ҳолларда тупроқли адсорбентлар оқартирувчи тупроқ деб ҳам аталади.

Озиқ-овқат саноатида тупроқсимон адсорбентлар вино, пиво, мева шарбатлари, ўсимлик ёғларини рафинация қилиш ва бошқа мақсадларда ишлатилади. Пивони тозалаш учун эса, сирт фаол бентонитдан кенг кўламда фойдаланилади. Масалан, натрийли бентонит винони на фақат тозалайди ва мутадиллайди, балки уни етилиш жараёнини тезлаштиради ва муддатини қисқартиради.

### 5.32. Адсорбция жараёни мувозанати

Адсорбцион күчлар табиатидан қатый назар, адсорбентнинг масса ёки ҳажм бирлигига ютилган модда миқдори, ютилаётган модда табиати, темпера-тура, босим ва фазадаги аралашма миқдорига боғлиқ.

Жараёндаги қаттық ва газ ёки суюқлик фазаларида ютилаётган модда-нинг мувозанат концентрациялари ўртасида қуидаги боғлиқлик бор:

$$\bar{x}_m = f_1(\bar{y}) \quad \text{ёки} \quad \bar{x}_m = f_2(p) \quad (5.166)$$

бу ерда  $\bar{x}_m$  - адсорбентда ютилган модда (адсорбтив) концентрацияси, яъни газ ёки суюқлик фазаларидаги адсорбтивнинг мувозанат концентрацияси, кг адсорбтивнинг 1 кг адсорбентга нисбати;  $y$  - бу ёки суюқлик фазадаги адсорбтив концентрацияси, кг адсорбтивнинг 1 кг инерт қисмита нисбати;  $p$  - буғ-газ аралашмадаги адсорбтивнинг мувозанат босими, Н/м<sup>2</sup>.

(5.166) тенглама билан ифодаланувчи боғлиқликлар **адсорбция изотермалари** деб номланади.

Кимёвий термодинамика асосида адсорбция изотермаларининг аниқ ифодалари топилади:

Ленгмюр изотермалари

$$x_m = \frac{abp}{1 + ap} \quad (5.167)$$


ёки Фрейдлих изотермалари

$$x_m = k p^{\frac{1}{n}} \quad (5.167a)$$

бу ерда  $x_m$  - адсорбент билан ютилган мөдда концентрацияси, кг 1 кг адсорбентта;  $a$ ,  $b$ ,  $k$ ,  $n$  - тажрибавий усул билан аниқланадиган константалар.

Температура пасайиши, босим ортиши ва фазаларда қўшимча аралашмалар бўлмаса, адсорбция жараёни тезлашади.

Адсорбция изотермасининг тури кўргина омилларга: адсорбентнинг со-лиштирма юзаси, коваклар ҳажми, адсорбент тузилиши, ютилаётган модда хоссалари ва жараён температурасига боғлиқ.



5.74 расм. Изотермаларнинг асосий турлари.

5.74-расмда асосий 5 хил изотермалар тури келтирилган.

Расмдаги 1 эгри чизиқ микровакуум адсорбентга оид. 2 ва 4 эгри чизиқлар бошлинишидаги бүртиқлик ҳам микровакуумлар билан боғлиқ. Изотермаларнинг кейинги қисми йўналишини полимолекуляр адсорбция ва капилляр конденсация белгилайди. 3 ва 5 эгри чизиқлар ботиқ қисми "адсорбент-адсорбтив" системада адсорбтив билан адсорбент молекулаларининг ўзаро таъсир кучлари адсорбтив молекулаларининг ўзаро таъсир кучларидан кам бўлган ҳолатини характерлайди. Бу турдаги изотермалар жуда кам учрайди.

Адсорбция жараёнида бу ёки суюқлик фазадан бир неча модда адсорбцияланадаётганда, ҳамма моддалар ютилиши аниқланган.

Лекин, ҳар бир модданинг мувозанат концентрацияси ҳар бир моддани алоҳида адсорбциялашдаги концентрациясига қарагандга кам бўлади.

Адсорбция жараёнининг бир неча назарияси мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири маълум шароитдаги тажриба натижаларини ифодалайди.

Дубинин М.М. назариясига биноан, микроковакли адсорбент иштирокида ўтказилаётган адсорбция жараёни микроковакларни адсорбтив билан тўлдирилиши деб қаралади. Жуда катта температуralар оралигидаги газ ва буғлар адсорбцияси учун келтириб чиқарилган тенгламалар адсорбтив мувозанат концентрациясининг адсорбент коваклари тузилишига боғлиқлигини характерлайди. Бундай тенгламалар мураккабдир.

Проф. Дубинин М.М. томонидан олинган тенгламалардан бири куйидаги кўринишга эга:

$$x_m = \frac{V}{V_c} \exp \left[ -B \frac{T^2}{\beta_a^2} \lg \left( \frac{P}{p} \right)^2 \right] \quad (5.168)$$

бу ерда  $V$  - адсорбент коваклари ҳажмининг йигиндиси;  $V_c$  - суюқлик ҳолатидаги ютилаётган модда ҳажми;  $B$  - адсорбент тузилишига боғлиқ константа;  $T$  - буғнинг абсолют температураси;  $\beta_a$  - бирор адсорбент ва стандарт коваклардаги суюқлик ҳолатидаги моль ҳажмларига тенг бўлган аффинлик коэффициенти;  $P$  - адсорбтив тўйиниш буғининг босими;  $p$  - адсорбция температурасидаги адсорбтив буғининг парциал босими.

Адсорбция жараёнида бошланғич аралашмада ютилаётган модда буғининг босими камаяди ва иссиқлик ажralиб чиқади. Шунинг учун Лешателье принципига биноан, температура пасайиши ва босим ортиши билан адсорбцияланаётган модда миқдори кўпайиб боради. Шундай қилиб, босим пасайиши ва температура ортиши тескари - десорбция жараёнини тезлаштиради.

Адсорбция жараёнида ажralиб чиқаётган иссиқлик миқдори ( $\text{кЖ}/\text{кмоль}$ ) тажрибий усул билан аниқланади. Тажрибий маълумотлар йўқ бўлса, ажраб чиқаётган иссиқлик миқдори (5.165) тенглама ёрдамида ҳисобланishi мумкин.

### 5.33. Адсорбция статикаси ва кинетикаси

Адсорбция жараёни бошқа қаттиқ фазали системаларда масса алманиш жараёнидан (механизми) фарқ қилмайди.

Умумий ҳолатда адсорбентда ютилаётган модданинг диффузия жараёни (5.24) критериал тенгламаси ёрдамида ифодаланади:

$$\frac{x - x_m}{x_b - x_m} = f \left( Bi_D, Fo_D, \frac{z}{\delta} \right)$$


Кўзгалмас адсорбент қатламига ютилаётган модданинг бошланғич концентрацияси у бўлган оқим узлуксиз равишда узатилиш ҳолатини кўриб чиқамиз.

Адсорбент қатлами орқали оқим аралашмасдан, идеал сиқиб чиқариш режимида ҳаракатланмоқда деб фараз қиласиз.


Маълум ваqt ўтгандан сўнг, адсорбент қатламининг бошланғич қисми тезда тўйинади ва адсорбтивни адсорбция қилиши тўхтайди. Натижада, ютилаётган модда концентрацияси ўзгармас қатламнинг бошланғич қисмидан ўтиб кетади ва адсорбция зонаси юқорига қараб кўтарилиб боради. Адсорбент қатлами баландлиги бўйича адсорбтивнинг тарқалиши равон ва адсорбция

күлами ҳосил бўлади (5.75-расм). Ушбу расмда  $\tau_1$ ,  $\tau_2$ ,  $\tau_3 \dots \tau_n$  вақтларда адсорбент қатлами баландлиги  $h$  бўйича адсорбтив нисбий концентрациясининг тақсимланиш эгри чизиқлари келтирилган. Шуни таъкидлаш керакки  $\tau_1 < \tau_2 < \tau_3 \dots < \tau_n$  (бу ерда  $\tau_n$ -жараён бошланишидан ўтган вақт).

Жараён давомида бирор вақт ўтиши билан адсорбция кўлами ўзгармайди. Адсорбция жараёнида адсорбтив қатламининг тўйиниш пайтигача ишлаш вақти, адсорбция кўламининг ташкил этиш даври деб номланади. Адсорбентнинг бутун қатлами бўйича адсорбция зонаси вақт ўтиши билан қатламда адсорбтив концентрацияси равон ўзгаради. Натижада, адсорбция кўлами қандайдир ўзгармас тезлик билан силжийди. Адсорбтивнинг "ўтиб кетишига" тўғри келадиган вақтдан бошлаб адсорбент қатламининг адсорбци-он ёки ҳимояловчи таъсири тамом бўлади.



## 5.75-расм.Адсорбция күлами-нинг ўзгариш схемаси.



**5.76-расм. Ҳимояловчи таъсир давомийлигининг адсорбент қатлами баландлигига боғлиқлары.**

Адсорбент қатламидан адсорбтивнинг "үтиб кетиш" вактига мос келадиган ўртача концентрацияси қатламнинг динамик фаоллиги деб аталади.

Адсорбция жараёни бошланишидан мувозанат ҳолатигача адсорбент массаси бирлигига ютилган модда миқдори адсорбенттинг статик фаоллиги дейилади. Маълумки, динамик фаоллик ҳар доим статик фаоллиқдан кичик бўлади. Демак, адсорбенттинг сарфи унинг динамик фаолигига қараб ташла- нади. Адсорбент қатлами ишлатилишининг фронтал (қатламли) модели проф. Шилов И.А. томонидан яратилган.

Ютилаётган модда концентрацияси бошланғычдан "үтиб кетиш" концентрациясынан үзгараётган адсорбент қатламининг  $h_0$  қисми ишчи қатлам дейилдиди. Ушбу жараёнга тұғри келдиган вакт - химоя килиш вакти дейилдиди.

Проф. Шилов И.А. томонидан ўзгармас тезлик и да адсорбция кўламининг сиљишини ифодалаш учун тегиши формуласи келтириб чиқарилган. Адсорбция ёки ҳимояловчи таъсир вақтини ушбу тенгламадан топиш мумкин:

$$\tau = kh - \tau_0 = \frac{h}{u} - \tau_0 \quad (5.169)$$

бу ерда  $k=1/u$  - қатламни ҳимояловчи таъсир коэффициенти;  $\tau_o$  - қатламни ҳимояловчи таъсир вактининг йўкотилиши.

(5.169) тенгламадаги күттегілдіктер тақрибавий йүл билан анықланады да үлардың графикалық тасвири 5.76-расмда күрсатылған. Эгер чизик түғри

қисмининг қиялик бурчак тангенси ( $\operatorname{tg}\alpha=k$ ) қатламнинг ҳимояловчи таъсири коэффициентига тенг. Ордината ўқи давоми билан эгри чизик тўғри қисмининг кесишган жойидаги кесма эса, ҳимояловчи таъсир вақти йўқотилиши  $t_0$  га тегишли.

Адсорбция қўламиининг силжиш тезлигини ҳисоблаш учун қуйидаги тенглама тавсия этилади:

$$u = w_0 \frac{y_\delta}{\varepsilon \cdot y_\delta + x_m} \quad (5.170)$$

бу ерда  $w_0 = w' \cdot \varepsilon$  - оқимнинг соҳта тезлиги ( $w'$  - адсорбент заррачалари орасидаги каналларда оқимнинг тезлиги;  $\varepsilon$  - адсорбент қатламиининг ғоваклилиги);  $x_m$  - оқимдаги адсорбтивнинг ҳажмий концентрацияси  $y_n$  билан мувозанатдаги адсорбент қатламиидаги адсорбтив концентрацияси.

Адсорбент қатлами баландлиги  $h_0$  масса ўтказишнинг асосий тенгламасидан аниқланади:

$$h_0 = \frac{u \cdot m_s}{K_{yy}} \quad (5.171)$$

бу ерда  $m_s=0,9 y_b/4y_{yy}$  - газ ёки суюқлик фаза ўтказиш бирлигининг умумий сони;  $K_{yy}$  - масса ўтказиш коэффициентининг ҳажмий коэффициенти.

Масса ўтказишнинг ҳажмий коэффициенти ушбу формуладан аниқланади:

$$K_{yy} = \frac{1}{1/\beta_{yy} + m/\beta_{xx}} \quad (5.172)$$

бу ерда  $\beta_{yy}$  ва  $\beta_{xx}$  - суюқ ва қаттиқ фазаларда ҳажмий масса бериш коэффициентлари;  $m$  - мувозанат чизиги қиялик бурчагининг ўртча тангенси.

Адсорбция жараёнининг тезлиги адсорбция изотермалари шакли, адсорбент ва қатлами табиати ва геометрик характеристикалари, адсорбтив концентрацияси, суюқлик фазаси тезлиги, ҳамда масса беришнинг ташқи тезлиги (газ ёки суюқлик фазасидаги масса бериш коэффициенти) ёки ички масса ўтказиш қаршилигининг тезлиги билан белгиланади.

Адсорбция жараёнида ички ва ташқи фазавий тезликлар *Bio (Bi)* критерийиси билан ифодаланади. Агар,  $Bi \geq 30$  бўлса, жараён тезлиги адсорбент заррачаларининг ичидаги масса ўтказувчанлик тезлиги билан белгиланади.  $Bi \leq 0,1$  бўлганда эса, жараённинг тезлиги газ ёки суюқлик фазаларидаги ташқи дифузиянинг тезлиги билан аниқланади. Лекин, адсорбция жараёнининг тезлигига бу иккала фазавий дифузия тезликларининг таъсирини миқдорий жиҳатдан алоҳида аниқлаш қийин.

Донадор адсорбент қатламиининг масса бериш коэффициентини аниқлаш учун қуйидаги формулалардан фойдаланиш мумкин:

ламинар режимда ( $Re < 30$ ):

$$Nu_D = 0,883 Re^{0,47} \cdot Pr_D^{0,33} \quad (5.173)$$

турбулент режимда эса ( $Re=30\dots150$ ):

$$Nu_D = 0,53 \cdot Re^{0,54} \cdot Pr_D^{0,33} \quad (5.174)$$

бу ерда  $Nu_D = \beta_w d_s / D$  - Нуссельт диффузион критерийсі;  $Re = w_0 d_s / v$  Рейнольдс критерийсі;  $Pr_D = \nu / D$  - Прандтл диффузион критерийсі;  $D$  - газ ёки суюқлык фазадаги диффузия коэффициенті;  $w_0$  - оқимнинг соҳта тезлиги;  $v$  оқимнинг кинематик қовушоғлиги.

(5.173) ва (5.174) тенгламалардаги  $Nu_D$  ва  $Re$  критерийларида аниқловчи геометрик ўлчам сифатида эквивалент диаметр  $d_s$ , ҳисобланади.


### 5.34. Адсорбция жараёнини ташкил этиш усуллари

Адсорбция жараёнини ташкил этиш схемалари 5.77-расмда көлтирилған. Донадор адсорбентлар учун құзғалмас (*a*) ва ҳаракатчан (*b, c*) қатламли схемалар ишлатилади.

Биринчи ҳолатда жараён даврий бўлади. Даставвал адсорбент қатлами *L* орқали буғ-газ аралашмаси *G* ўтказилади ва у ютилаётган модда билан тўйинтирилади; ундан сўнг сиқиб чиқарувчи модда *B* юборилади ёки адсорбент қиздирилади. Ана шундай йўл билан адсорбент қайта тикланади, яъни десорбция жараёни содир бўлади.

Иккинчи ҳолатда адсорбент *L* ёпиқ системада циркуляция қиласи (5.77б-расм); адсорбентнинг тўйиниши қурилманинг юқори адсорбцион зонасида, қайта тикланиш эса - пастки десорбцион зонасида юз беради.

Агар, адсорбент куқун, чангсизон кўринишда бўлса, циркуляцияли, мавҳум қайнаш қатламли схема қўлланилади (5.77в-расм).



5.77-расм. Адсорбция жараёнининг принципиал схемалари.

*a* - құзғалмас донадор адсорбентли; *b* - ҳаракатчан донадор адсорбентли; *c* - циркуляцияли, мавҳум қайнаш қатламли.

### 5.35. Десорбция

Маълумки, адсорбция жараёни аралашмаларни ажратиш учун қўлланилади ва ҳар доим десорбция жараёни билан кетма-кет ўтказилади.

Одатда, адсорбентни қайта ишлатиш мақсадида унга ютилган модда десорбция қилиб ажратиб олинади. Бунинг учун кўпинча сув буғи ишлатилади.

Десорбция натижасида олинган адсорбтив ва сув буғи аралашмаси конденсаторга йўлланилади. Унда, маҳсулот сувдан чўқтириш усулида ажратиб олинади.

Саноатда десорбциянинг бир неча усули қўлланилади.

а) адсорбентга ютилган компонентлар ютиловчи моддаларга нисбатан юқори адсорбцион қобилиятга эга бўлган элткичлар ёрдамида сиқиб чиқарилади;

б) адсорбент қатламини қиздириш йўли билан нисбатан юқори учувчаникка эга ютилган компонентларни буғлатиш.

Айрим ҳолларда адсорбция жараёнида ҳосил бўлган смола ва бошқа маҳсулотларни тозалаш учун ушбу компонентлар кўйдирилади.

Десорбциянинг у ёки бу усулини қўллаш техник-иқтисодий мақсаддан келиб чиқсан ҳолда танланади. Иккала усул ҳам амалиётда кенг ишлатилади ва кўпинча биргаликда қўлланилади.

Адсорбция жараёни тугагандан сўнг, адсорбент қатламидан тоза буг ёки газ ўтказилади ва ютилган модда ажратиб олинади. Десорбция жараёнини жадаллаштириш учун юқори температурадаги десорбловчи элткич адсорбент қатламидан ўтказилади.

Десорбловчи элткич сифатида сув ва органик моддалар буғлари, ҳамда инерт газларни қўллаш мумкин. Десорбция жараёни тугагандан сўнг адсорбент қатлами одатда қуритилади ва совутилади. Қайта тиклаш жараёнида фаолланган кўмирга ютилган учувчилар тўйингдан сув буғи ёрдамида десорбция қилинади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ютилган модданинг асосий қисми десорбция жараёнининг бошида ажратиб олинади. Жараён охирига бориб, унинг тезлиги пасаяди, аммо ютилган компонент бирлигига сув буғининг сарфи жуда кўпайиб кетади. Шунинг учун сув ёки бошқа органик модда буғларини тежаш мақсадида, десорбция жараёни охиригача олиб борилмайди. Шу сабабли, ютилган компонентнинг бир қисми адсорбентда қолиб кетади.

Десорбция жараёни давомида иситувчи буғнинг бир қисми бутун системани иситишга, адсорбентда ютилган моддани десорбциялаш ва атроф муҳитга йўқотилган иссиқликни компенсация қилишга сарфланади. Лекин, шуни назарда тутиш керакки, иситувчи буғнинг ҳаммаси адсорбентда бутунлай конденсацияланади.

Адсорбент қатламидаги десорбцияланган моддалар динамик буг ёрдамида пуфлаб чиқарилади. Динамик буг адсорбентда конденсацияланмайди ва қурилмадан десорбцияланган моддалар билан бирга учеб чиқади.

Таҳминий ҳисобларга кўра, 1 кг моддани десорбциялаш учун 3...4 кг динамик буг сарфланади. Цеолитларни қайта тиклаш учун кўпинча қиздирилган қуруқ газ қўлланилади. Десорбция жараёни адсорбция каби қўзғалмас, ҳаракатчан ва мавхум қайнаш қатламларида олиб борилади.


### 5.36. Адсорберлар конструкциялари

Жараённи ташкил этиш бўйича адсорберлар 2 гуруҳга бўлинади: даврий ва узлуксиз.

**Даврий адсорберлар қўзғалмас ва мавхум қайнаш қатламли бўлади.**

**Вертикал цилиндрик адсорбер** - даврий ишлайдиган адсорберларнинг энг кўп тарқалган конструкциясидир (5.78-расм).


Колосникили панжара 2 га қурилма тепа қисмидаги люклар орқали адсорбент гранулалари юкланади. Қурилманинг пастки қисмидаги люклар орқали эса, ишлатиб бўлинган адсорбент тўкилади. Бу турдаги адсорберлар буғ-газ аралашма ва суюқлик эритмаларини тозалаш учун ишлатилади. Бошланғич аралашма ва ўткир буғни узатиш учун адсорберда тегишли штуцерлар



5.78-расм. Құзғалмас қатламлы адсорбер.

1-қобиқ; 2-колононкли панжара; 3-халқасимон труба; 4-адсорбент.

міда адсорбенттден ютилған компоненттің тезлигіні ошириш үчүн жараён юқори температураларда ўтказилади.



5.79-расм. Халқасимон адсорбент қатламлы адсорбер.

1-қобиқ; 2,3-ички ва ташқы цилиндрик панжара; 4-адсорбент.

Адсорбент совутилғандан сүнг цикл яна қайтадан тақрорланади. Адсорбенттің юқлаш қурилманинг тепасидаги люк, түкиш эса-пастки течка орқали амалга ошириледи.

ўрнатылған. Одатда, бошланғыч ертма адсорбернинг ҳалқасимон трубаси 3 орқали пастдан юқорига ҳаракатланырылади. Буғ-газ аралашмаси эса, юқоридан пастта қараб узатилиши мүмкін. Бундай қурилмаларда, десорбция жараёнида ўтқир буғ ҳалқасимон труба 3 орқали юборылади.

Бу турдаги адсорберларда адсорбция жараёни 4 босқичда ўтады: адсорбция, десорбция, қуритиш ва адсорбенттің совитиш. Жараён тугагандан сүнг, ишлатылиб бўлинган адсорбенттни қайта тиклаш масаласи пайдо бўлади. Адсорбентдан ютилған моддани десорбциялаш технологик жараённинг зарур босқичидир. Ушбу босқичда бирданига иккита масала ечилади: адсорбенттни қайта тиклаш ва моддани ажратиб олиш.


Десорбциялашнинг асосий усули бу тўйинган сув буғи ёрда-тиш үчүн сиқиб чиқариш. Десорбция жараёни тозаланган буғ-газ аралашмаси адсорбернинг пастки қисмiga берилади ва ҳалқасимон адсорбент қатламиининг кесими бўйича тақсимиленади. Адсорбент қатламидан ўтиб, тозаланган буғ-газ аралашма марказий патрубкадан чиқиб кетади. Десорбциялаш босқичида сув буғи адсорбернинг марказий патрубкаси орқали узатилиди. Десорбцияланган компонент ва сув буғларининг аралашмаси қурилманинг пастки қисмидаги штуцер орқали чиқарылади. Адсорбентті қуритиш үчүн иссик, совитиш үчүн эса - совук ҳаво юборылади.

**Мавхум қайнаш қатламли адсорбер** – майда, донадор адсорбент билан түлдирілген бұлади (5.80-расм).

Бошланғыч аралашма адсорбент заррачасининг мавхум қайнаш тезлигидан каттароқ тезликда газ тақсимловчи тешикли панжара 2 остига узатилади. Натижада, адсорбент қатлами кенгаяди ва сүңг мавхум қайнаш ҳолатига ўтади. Адсорбция жарапнини мавхум қайнаш қатламида ўтказиш масса алмашиниш жараёнини интенсивлашыга жараЄн давомийлігінің қысқаришига олиб келади.


**Реактор типидаги адсорбер** механик ёки пневматик аралаштириш мосламали бұлади. Адсорбер цилиндр қобиқ ва эллиптик тублардан иборатdir. Қобиқ ичидегі парраклар аралаштыргыч айланади. Адсорберга эритма қурилма тепа қисмидегі люқдан қойилади, адсорбент эса ўша қисміда жойлаштырылған люқдан юкландади. Суспензия эса, қурилманинг пастки патрубкасыдан түкилади ва фильтрга узатилади. У ерда суспензия компонентларға ажратылади. Ишлатыб бўлинган адсорбент қайта тиклаш учун десорберга йўналтирилади. Адсорбцион қурилмалар даврий ишлайдиган бир нечта адсорбердан иборат бұлади. Бир нечта адсорбер адсорбция босқичида ишласа, қолганлари эса адсорбентни қайта тиклаш босқичида ишлатылади.

*Тозаланган эритма*



*Бошланғыч эритма*

**5.80-расм. Мавхум қайнаш қатламли адсорбер.**  
1-қобиқ; 2-тақсимловчи тешикли панжара;  
3-сепаратор.



**5.81-расм. Ҳаракатчан адсорбент қатламли адсорбер.**

1-совуткич; 2-тақсимловчи тарелка; 3-иситкич; 4-шлюзли тамба; 5-ўткір бүг тақсимлагич; 6-бошланғыч эритма тақсимлагич.

нечта адсорбердан иборат бұлади. Бир нечта адсорбер адсорбция босқичида ишласа, қолганлари эса адсорбентни қайта тиклаш босқичида ишлатылади.

**Узлуксиз ишлайдиган адсорберлар** сиқиқ (зич) ҳаракатланувчи мавхум қайнаш қатламли бұлади.

**Ҳаракатчан донадор адсорбент қатламли адсорберлар** бу ичи бүш колонна типидаги қурилма бўлиб, унда тўсиқлар, қуйилиш патрубкалари ва узатувчи мосламалар ўрнатилған.

5.81-расмда бүг-газ аралашмасини тозалаш ва тақсимловчи тарелкалардан таркиб топган. Бу турдаги адсорберда адсорбент узлуксиз циркуляция қилиб туради ва газдаги ютиловучи компонент адсорбентга ўтади.


Адсорбенттің бириңчи секцияси бўлмиш совуткичда қайта тикланган адсорбент совутылади. Ушбу секция қобиқ-трубали исиклик алмашиниш қурилмаси

күринишида ясалган. Совуқлик элткіч совуткичининг трубалараро бўшлиғига узатилса, адсорбент эса - трубалар ичида ҳаракатланади.

Иккинчи секция адсорбер вазифасини бажаради. Бу ерда адсорбент буғаз аралашмаси билан тўқнашувда бўлади. Биринчи секциядан иккинчисига адсорбент патрубка ва тақсимловчи тарелкалар орқали ўтади. Қайд этилган мосламалар адсорбент қурилма кўндаланг кесими бўйича бир хилда тақсимлаш ва иккала секция орасида тамба ва ажратиб турувчи восита сифатида хизмат қилади. Ундан кейин, ишлатиб бўлинган адсорбент десорбция секциясига ўтади ва у ерда десорбцияловчи элткіч (ўткір буғ) билан ўзаро таъсирида бўлиб қиздирилади. Қайта тикланган адсорбент шлюзли тамба орқали чиқариб юборилади.

Мавхум қайнаш қатламли адсорберлар бир ва кўп поғонали бўлади.

Бир поғонали, мавхум қайнаш қатламли адсорбер конструкцияси 5.82-расмда келтирилган. Бундай қурилмаларда адсорбент мавхум қайнаш ҳолатида бўлади ва у узлуксиз равишда тегишли панжара устига узатилиб турилади.



**5.82-расм. Узлуксиз ишлайдиган, бир поғонали мавхум қайнаш қатламли адсорбер.**

1 - қобиқ; 2 - газ тақсимлагич; 3 - чанг йиғгич.

Цияга мос келадиган мувозанат ҳолидаги концентрациядан кам бўлган адсорбтивнинг концентрациясига эришиш анча мураккаб.

Бир поғонали адсорбер камчиликлари кўп поғонали, қарама-қарши йўналиши қурилмаларда бартараф қилинган.


**Кўп поғонали, мавхум қайнаш қатламли адсорбер** 5.83-расмда тасвирланган. Бу қурилма колонна типида бўлиб, ичида қуйилиш патрубкалар газ тақсимловчи тегишли панжаралар жойлаштирилган. Қуйилиш патрубкалари бир вақтнинг ўзида тамба вазифасини ўтайди, яъни газ оқимини ўзидан ўтказмайди. Адсорбент қурилманинг тепасидаги штуцердан энг юқори тарелкага узатилади ва ундан сўнг пастда ўрнатилган тарелкаларга қуйилиш патрубкаси орқали бирин-кетин ўтади. Энг пастдаги тарелкадан шлюзли тамба орқали ташқарига чиқариб юборилади.

Бошлангич бүг-газ аралашма эса адсорбернинг пастки қисмидаги штуцердан киритилади ва тепадагидан чиқарилади.

Бу турдаги қурилмаларда бүг-газ аралашма кўндаланг кесим бўйлаб бир текисда тақсимланади ва фазалар ўргасида интенсив масса алмашиниш юз беради. Натижада, адсорбентнинг тўйиниши бир хил ва энг катта ютиш қобилиятига эга бўлади.


Бир поғонали адсорберлардан фарқли, кўп поғонали қурилмалар идеал сиқиб чиқариш схемасида ишлайди. Бу ҳол адсорбция жараёнини фазалар қарама-қарши йўналишида олиб бориш имконини яратади.

**Фаолланган кўмир қўзғалмас қатламда сув-спирт аралашмасини тозалаш схемаси** 5.84-расмда келтирилган. Аввал сув-спирт аралашмаси кумли ёки керамик фильтрда тозаланади, сўнг эса адсорберларда тиндирилади. Битта цилиндрик адсорбердаги фаолланган кўмир массаси 250...300 кг. Кўмир қурилманинг газ тақсимловчи тешикли панжарасига юкландади. Сув-спирт аралашмаси эса, газ тақсимловчи панжара остига юборилади.



5.83-расм. Кўп поғонали, мавхум қайнаш қатламили адсорбер.

1 - кобиқ; 2 - газ тақсимловчи тешикли панжара; 3 - куйилиш патрубкаси; 4 - шлюзли тамба.



5.84-расм. Қўзғалмас фаолланган кўмир қатламида сув-спирт аралашмасини тозалаш қурилмасининг схемаси.


1,3-фильтрлар; 2-адсорберлар; 4,6-идишлар;  
5-конденсатор-совуткич.

Янги ёки қайта тикланган адсорбентли адсорберга сув-спирт аралашмаси ароқнинг навига қараб 30...60 дал/г миқдорга узатилади. Эксплуатациядаги адсорбер адсорбентни қайта тиклаш режимига бир йилда 3...4 марта ўтказилади. Ишлатиб бўлинган фаолланган кўмир адсорберда 115°C температурада қайта тикланади. Бунинг учун юқоридан пастга қараб тўйинган сув буғи ҳайдалади.

Битта адсорбердан қуввати 55...60% ли 50...60 дал спирт ҳайдаб олиш мумкин. Иккита даврий ишлайдиган адсорбер қурилманинг узлуксиз ишлшини таъминлайди. Десорбциялаш жараёни давомийлиги 3...4 соат, 1 кг кўмирни тиклаш учун 4 кг сув буғи сарфланади. Қайта тиклашдан сўнг, адсорбент совутилади ва иссиқ ҳаво билан қуритилади.

Саноат миқёсида фаолланган кўмирни қайта тиклаш барабанли ўтхоналарда 800...850°C температурада олиб борилади. Куйдириш жараёнида фаолланган кўмирнинг йўқотилиши 20% ни ташкил этади.

**Қанд қиёмини адсорбцион тозаловчи, икки поғонали қурилма.** Қанд қиёмини майдо, донадор суяқ кўмирлари ёрдамида тозаланади, рангизлаш қандни тозалашнинг охирги босқичидир.



5.85-расм. Қиёmlарни узлуксиз тозалаш қурилмаси.

1,13-насослар; 2-иссиқлик алмасиниш қурилмаси; 3-адсорбер; 4-конвейер; 5,11-бункерлар; 6-тебранма элақ; 7,10-вакуум-қурилмалар; 8-колонна; 9-гидроциклон; 12-инжектор.

Қанд қиёмини тозалаш учун грапула ҳолатидаги фаолланган кўмирили қурилмалар ҳам ишлатилади. Цилиндрик адсорберлар баландлиги 8...10 м ва диаметри 1 м бўлганда, қанд қиёмининг тезлиги 1,5...2,5 м/с оралиқда ишлайди. Адсорбент қатлами ва қанд қиёмининг ўзаро таъсир давомийлиги 6 соатни ташкил этади. Адсорбентнинг қайта тиклашгача хизмат қилиш муддати 80 сутка. Ишлатиб бўлинган адсорбент, қурилмадан тўклилгандан сўнг, ноорганик бирикмалар билан ювилади, қуритилади ва 1000...1100°C температурада термик ишлов берилади. Ундан кейин эса, сув буғи ёрдамида фаоллиги оширилади.

Қанд қиёмини рангизлантириш учун ҳаракатчан қатламли, узлуксиз ишлайдиган адсорберлар ҳам қўлланилади.

**Рафинат ва маҳсулот қиёmlарини тозалаш адсорбцион қурилмаси** 5.85-расмда кўрсатилган. Ушбу қурилмада эритмалар бўёвчи модда ва эриган тузлардан тозаланади.


Сув ва қанд иситилувчи автоклавда аралаштирилиши натижасида қанд эрийди ва унинг қиёми ҳосил бўлади. Эритманинг дастлабки рангизлантириш адсорберда ўтказилади. Иккинчи тозалаш поғонасидан бу қурилмага қисман ишлатилган адсорбент келиб тушади. 1 кг қиёми рангизлаш учун фаолланган кўмирнинг сарфи 5...10 г ни ташкил этади. Адсорбция жараёни 30 минутга яқин давом этади. Суспензия фильтрпрессада фазаларга ажратилади. Фильтрланган қанд қиёми адсорбцион тозалашга узатилади. Адсорберга янги адсорбент юкланди. Суспензияни фазаларга ажратиб ҳам биринчи поғонада, ҳам фильтрпрессада олиб борилади. Ишлатиб бўлинган кўмир қайта тикланади ёки утилизацияга юборилади.

Фильтрланган қиём насос 1 ёрдамида иссиқлик алмашиниш курилмасида қыздырилиб, адсорбер 3 нинг пастки қисмига юборилади. Күмир эса тебранма элак 6 дан ўтиб адсорберга тушади ва у ерда тозаланган қиём билан хўлланади. Адсорбент ҳаракатига қарма-қарши йуналишда узлуксиз қанд қиёми юборилади ва қурилманинг тепа қисмидан чиқарилади Ишлатиб бўлинган адсорбент қурилманинг пастки қисмидан ташқарига тўкилади.

Қиём ва таркибида қанд бор моддаларни аралашмадан ажратиб олиш жараёни вакуум-курилмада амалга оширилади. Колоннада адсорбент заррачалари қандсизлантирилади, суюқ қолдиқлар эса, қурилманинг тепа қисмидан чиқариб олинали. Ундан кейин эса, адсорбент иккинчи вакуум қурилмага узатилади ва у ерда қандли моддалардан тўла ажратилади. Ишлатиб бўлинган адсорбент иккинчи колоннада ютилган компонентлардан юваб тозаланади.

Гидроциклон 9 ва вакуум-курилма 10 ларда сувсизлантирилган адсорбент (кўмир) бункер 11 га юборилади ва тебранма таъминлагич ёрдамида қайта тиклаш учун ўтхонага узатилади. Ўтхонадан чиқсан адсорбент (кўмир) бункер - совуткичга йўналтирилади ва ундан кейин яна тебранма элакка юборилади.

**Буғ-ҳаволи аралашмани органик моддалардан тозалаш адсорбцион қурилмаси 5.86-расмда тасвирланган.**



**5.86-расм. Буғ-ҳаво аралашмасини тозалаш**

**учун адсорбцион қурилма схемаси.**

1-адсорбер; 2-совуткич; 3-конденсат чиқаргич; 4,5-вентиляторлар; 6-иссиқлик алмашиниш қурилмаси; 7- айланма линиялар.

Ушбу схеманинг асосий қурилмаси адсорберлар бўлиб, улар галма-гал ишлайди. Шуни қайд этиш керакки, битта қурилмада адсорбция, иккинчисида эса десорбция жараёни кечади. Адсорберга киришда аввал буғ-ҳаволи аралашма чанглардан тозалаш учун фильтрланади. Портлаш ҳавфини бартараф қилиш мақсадида, фильтрдан кейин ёнгин тўскич ва сақловчи мембрана урнатилади. Ушбу мосламада босим микдори рухсат этилгандан ошиб кетмаслигини таъминлаб беради.

Адсорберга буғ-ҳаво аралашмаси вентилятор ёрдамида узатилади ва адсорбент қатламишининг тепа қисмидан кириб, пастидан чиқиб кетади.

Десорбция жараёнида ўткир буғ адсорбернинг пастки қисмига юборилади. Адсорбердан чиқаётган буғлар конденсацияланади ва конденсат ажратиш учун сепараторга ёки ректификацияга узатилади. Адсорбентни қуритиш учун иссиқлик алмашиниш қурилмасидаги иситилган ҳаво адсорберга юборилади.

Адсорбентни советиши учун вентилятор 1 ёрдамида айланма линия 7 орқали совуқ ҳаво ҳайдалади.

Агар, адсорбцион схемада бир нечта адсорбер бўлса, қурилма узлуксиз равишида ишлайди.

### 5.37. Адсорберларни ҳисоблаш

**Даврий ишлайдиган адсорберларни ҳисоблаш** адсорбент қатламининг баландлигини аниқлашдан иборат. Бошлангич концентрацияси  $y_b$  бўлган аралашманинг концентрациясини  $y_{ox}$  гача тушириш учун зарур адсорбент миқдори моддий балансдан топилади:

$$G \cdot (y_b - y_{ox}) = V_a (x_{ox} - x_b) \quad (5.175)$$

бу ерда  $G$  ва  $V_a$  - газ (ёки суюқлик) аралашмаси ва адсорбентнинг массалари, кг;  $x_b$   $x_{ox}$  - адсорбтив ва адсорбент концентрациялари, г/кг.

Агар,  $x = 0$  ва  $x_{ox} \rightarrow x_m$  деб қабул қиласак, ушбу кўринишга эга бўламиш:

$$V_a = G \frac{y_b - y_{ox}}{x_{ox}} \quad (5.176)$$

ёки аралашмадаги адсорбтивнинг охирги концентрацияси қўйидаги тенгламадан аниқланиши мумкин:

$$y_{ox} = -\left(\frac{V_a}{G}\right) \cdot x_{ox} + y_b \quad (5.177)$$

Охирги тенглама  $\operatorname{tg}\alpha = -V_a/G$  га тенг қиялик бурчагида жойлашган тўғри чизикни ифодалайди.

Адсорбер диаметри буғ - газ аралашма ёки эритманинг сарфи  $V$  га қараб топилади:

$$D = \sqrt{\frac{V}{0,785 \cdot w_0}} \quad (5.178)$$

Адсорбент баландлиги эса:

$$H = \frac{V_a}{0,785 \cdot D^2 \cdot \rho_T}$$

ёки

$$H = u \cdot (\tau - \tau_0) \quad (5.179)$$

бу ерда  $\rho_m$  - адсорбентнинг тўқма зичитги, кг/м<sup>3</sup>.

Адсорбция жараёнининг давомийлиги:

$$\tau = \frac{V_a (x_{ox} - x_b)}{w_0 \cdot 0,785 \cdot D^2 \cdot \rho \cdot (y_b - y_{ox})} \quad (5.180)$$

Адсорбция құламининг силжиш тезлигини (5.170) тенгламадан топиш мүмкін.

Қатламнинг ҳимоялаш таъсир вакти йүқотилиши  $\tau_0$  ни қуйидаги тенгламадан таҳминан ҳисоблаш мүмкін:

$$\tau_0 = \frac{0,5 \cdot h_0}{u} \quad (5.181)$$

бу ерда  $h_0$  - адсорбент қатламининг баландлығы бўлиб, (5.171) тенгламадан аниқланади.

Адсорбент қатлами баландлығи ва конструктив ўлчамлардан келиб чиққан ҳолда, адсорбер баландлығи аниқланади.

**Узлуксиз ишлайдиган адсорберларни** ҳисоблашда колонна баландлығи, ишчи ҳажм, тарелкалар диаметри ва сони аниқланади.

Бундай адсорберлар баландлығи моддий баланс тенгламасидан аниқланади. Моддий баланс тенгламасида тегишли ўзгаришлар ва қисқартиришлардан сўнг, ушбу кўринишга келамиз:

$$H = \frac{V_a}{0,785 \cdot D^2 \cdot \rho_T}$$

қурилманинг ишчи ҳажми эса:

$$V_a = L \frac{x_{ox}}{\Delta y_{yp}} \cdot \frac{1}{K_y \sigma} \quad (5.182)$$

бу ерда  $L$  - адсорбент сарфи, кг/с;  $\sigma$  - жараён пайтидаги адсорбенттинг солишишторма юзаси,  $m^2/kg$ ;  $\Delta y_{yp}$  - ўртача ҳаракатлантирувчи куч бўлиб, ушбу тенгламадан топилади:

$$\Delta y_{yp} = \frac{y - y_{ox}}{\int_{y_b}^{y_m} \frac{dy}{y - y_m}}$$

бу ерда  $y_b$ ,  $y_{ox}$  - газ аралашмадаги адсорбтивнинг бошлангич ва охирги концентрациялари;  $y_m$  - мувозанат концентрацияси.

Агар,  $\tau = V_a/L$  эканлигини инобатга олсак, адсорбенттинг адсорберда бўлиш вақти:

$$\tau = \frac{1}{K_y \sigma} \cdot \frac{x_{ox}}{\Delta y_{yp}} \quad (5.183)$$

Мавхум қайнаш қатламли тарелкали адсорберларда тарелкалар сони ушбу тенгламадан топилади:

$$n = \frac{H}{h_\tau} \quad (5.184)$$

бу ерда  $h_\tau$  тарелкадаги адсорбент қатламининг баландлығи (одатда  $h_\tau = 50$  мм деб қабул қиласа бўлади).

### 5.38. Ион алмашиниш жараёнлари ва қурилмалари

Электролит эритмалари билан ўзаро таъсири пайтида ион алмашиниш қобилиятига эга адсорбентлар (ионитлар) таркибидағи фаол ионларнинг эритмадаги ионлар билан алмашиниш **ион алмашиниш жараёни** деб номланади.

Ион алмашиниш жараёнининг құлтаниш соҳаси жуда кенг, чунки у сувли эритмалардан бегона ионларни йўқотиши ва минералсиз (юмшоқ, тузыз) сувлар олишда ишлатилади. Бу усулда тозаланган сув ичиш учун, ҳамда ўта тоза модда ишлаб чиқариш саноатида құлтанилади. Ундан ташқари, иссиқлик электр станциялари учун сувни тайёрлашда, атом электр станцияларининг оқава сувларини тозалашда ҳам, ион алмашиниш жараёнидан фойдаланилади.

Озиқ-овқат саноатининг турли соҳаларида, айрим маҳсулотларни тайёрлашда, ушбу жараён жуда күп ишлатилади. Масалан, қанд ишлаб чиқариш саноатида ионлар шарбат ва қиёмларни, бегона моддалардан тозалаш имконини беради. Виночиликда вино таркибидан кальций ва темирни ажратиб олишда, сутни кальций ва бошқа метал ионларидан тозалашда, ёғ-мой саноатида ўсимлик мойларини тозалашда, қымматбаҳо металларни ажратиб олишда, медицина, металтургияда ионитлар жуда катта самара беради. Техник-иктисодий күрсаткичлари бўйича ион алмашиниш жараёни экстракция, ректификация ва бошқа жараёнлар билан рақобат қила олади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу жараёнда ионит ва эритма орасида ион алмашиниш юз беради. Бунда, эритмадаги ионлар ионит юзасига, ионит юзасидаги ионлар эса, эритмага ўтади.

Ионитлар сифатида қаттиқ, сувда ва органик эритувчиларда эримайдиган табиий ва сунъий материаллар ишлатилади. Ионитлар шарсимон шаклда, майда донадор, гранула ҳолатида бўлади. Уларнинг ион алмашиниш хоссалари алмашиниш ҳажми билан характерланади, яъни 1 г ионит билан алмашаётган миллиграмм-эквивалент ион сони билан ифодаланади.

Ионитлар кимёвий таркиби ва тузилиши билан фарқланади. Алмашадиган ион зарядлар ишорасига қараб, ионитлар катионит ва анионитларга бўлинади.

Эритмада ионизация даражасига қараб катионитлар қуйидаги гуруҳларга бўлинади: кучли ва кучсиз кислотали. Анионитлар эса, юқори ва паст асосли гуруҳларга бўлинади.

Фоваклилик даражасига қараб синтетик ионитлар гелли ва макроковакли бўлади. Макроковакли ионитлар ривожланган ғовак тузилиши бўлиб, солишиб тирима юзаси катта бўлади. Натижада, гранула ичидаги моддалар кўчиши юқоридир.

Катта алмашиниш ҳажмли, механик мустаҳкам, сувда ва органик суюқликларда эримайдиган, қайта тикланадиган сунъий ионитлар яратилиши билан ион алмашиниш технологияси жуда кенг тарқала бошлади.

Катионитлар кислота характеристириши қобилиятига эга. Катионитлар таркибида қуйидаги:  $SO_4^{2-}$  - сульфо,  $HCOO^-$  - карбоксил,  $PO_3H^2-$  - фосфон гуруҳлари бўлиб, манфий заряд олиб келади.

Анионитлар таркибида қуйидаги:  $NH_3^+$  - амидо,  $NH_2^+$  амино гуруҳлари бўлиб, мусбат заряд олиб келади.

Ионитлар механик мустаҳкамлиги юқори, таъсир этаётган суюқликда эримаслиги ва уни ифлослантириласлиги керак.

Физик - кимёвий жиҳатдан ионитлар мураккаб система бўлиб, унда бир вактнинг ўзида кўтгина ўзаро таъсирлар бўлади. Шунинг учун, ион алмашиниш назариясида, ионитларнинг табиати ва унда бўладиган ўзаро таъсирларни ҳисобга олмаган мувозанат ҳолатидаги хоссалари кўриб чиқилади.


Ион алмашиниш жараёнини характерловчи ионитларнинг мувозанат хоссаларини ифодалаш учун термодинамик усуллардан фойдаланилади. Бунда, ҳамма ионитлар учун умумий белгилар ажратилади:

- ионит - эритма системаси икки фазали, гетероген системадир;
- ионит фазасида битта ёки бир нечта муайян ҳолатда маҳкамланган ион бўлиб, манфий ёки мусбат зарядлар олиб келади;
- ионлар ионит - эритма фазалар чегарасини кесиб ўтольмайди;
- ионит фазаси таркибида антиионлар бўлади ва улар ионит эритма фазаларни ажратувчи чегарани кесиб ўта олади;
- мувозанат ҳолатидаги эритма ионит фазасида бошқа заррачалар ҳам бўлиши мумкин, масалан, эритувчи молекулалари.

Ион алмашиниш жараёни бошланиши учун мувозанат ўнг томонга силжитилиши керак, яъни ион алмашиниш реакцияларининг кимёвий мувозанат константаси бирдан анча катта бўлиши керак.

Ион алмашиниш жараёнини гетероген кимёвий реакция деб қараш ва мисол тариқасида қўйидаги тенгламаларни келтириш мумкин:

а) катионли алмашиниш:



б) анионли алмашиниш:



Катионит ва анионитлар орасидаги оралиқ ҳолатни амфолитлар эгаллайди. Унинг таркибида кислотали ва асосий ионоген гуруҳлар бўлиб, катионит ва анионит вазифаларини бажаради.

Ионит эритма системанинг мувозанати мувозанат коэффициенти билан характерланади. Коэффициентнинг катталиги ташқи омилларга боғлиқ, яъни мувозанатдаги эритма концентрацияси, температураси ва босимга.


**Ион алмашиниш жараёнида мувозанат.** Мувозанат изотермалари ионитларнинг мувозанат алмашиниш ҳажми ва унинг таинловчанлиги тўғрисида маълумот беради. Ион алмашиниш жараёнидаги мувозанат нисбатлари Ленгмюр (5.187) ёки Фрейндлих (5.188) формулалари билан ифодаланиши мумкин:

$$a = \frac{Kac}{1 + kc} \quad (5.187)$$

$$a = \beta c^{1/p} \quad (5.188)$$

5.87-расм. ЭДЭ - 10П анионитда лимон кислотасининг мувозанат изотермалари.

Одатда, мувозанат изотермалари жараённи ҳаракатга келтирувчи кучини аниқлашда қўлланилади. (5.187) тенгламани ифодаловчи эритмаларнинг типик сорбциялаш изотермалари 5.87-расмда келтирилган. Кўриниб турибдики, мувозанат концентрациялар қисми 3 та зонага ажратилиши мумкин. Биринги зона паст концентрациялар зонаси бўлиб, у тўғри чи-



зикли иккинчи зона Ленгмюр тенгламалари ва учинчиси эса - эритма концентрациясига боғлиқ бўлмаган ва тўйиниш ҳолатларини ифодалайди:

Мувозанат ҳолатига ионит ва ютилаётган ионлар табиати, температура ва электролит эритмасининг  $pH$  миқдорига таъсир кўрсатади.

Масалан, сульфополистирол смолосидаги дивинилбензолнинг миқдори изотерма ҳолатига юқори даражада боғлиқ (5.88-расм).

Эритманинг  $pH$  миқдори мувозанат ҳолатга турлича таъсир этади:  $pH$  ортиши билан катионитлар ҳажми кўпаяди, анионитларники эса камаяди.

Ион алмашиниш жараёни қуйидаги кетма кет босқичлардан иборат: ионит чегаравий қатлам юзасидан ютилаётган ион диффузияси; ионит ичидаги ион диффузияси; ионитда десорбцияланган ион диффузияси; суюқлик чегаравий қатлам юзасидан десорбцияланган ионнинг суюқлик фаза ядроисига диффузияси.

Ушбу таклиф этилган схема, ион алмашиниш жараёнининг чегараловчи босқичини топиш имконини беради.

**Ион алмашиниш кинетикаси.** Жараёнда қатнашаётган жами ҳодисалар мураккаблигига қарамасдан, ион алмашиниш кинетикасини ифодаловчи тенглама содда кўринишга эга. Кимёвий реакция тезлиги қолган босқичларда ион алмашиниш тезлигидан жуда катта ва у жараён тезлигига таъсир қўлмайди деб таҳмин қилинади. Ион алмашиниш кинетикаси қўйидаги тенглама орқали ифодаланиши мумкин:

$$\frac{dM}{Vd\tau} = \beta_V (c - c_\infty) \quad (5.189)$$

бу ерда  $\beta_V$  - масса бериш коэффициенти, 1/с.

Масса бериш коэффициентини ҳисоблаш учун  $10 < Re < 100$  оралиқда ушбу тенглама тавсия этилади:

$$\beta = 1,85 \frac{w}{\varepsilon} \left( \frac{\varepsilon}{1-\varepsilon} \right)^{0,33} \cdot Re_m^{-0,56} \cdot Pr^{0,66}$$

ёки


$$Nu_\delta = 28,4 \cdot Re^{0,41} \quad (5.190)$$

бу ерда  $w$  - суюқлик тезлиги;  $Re_m = wd_0\rho_c/(1-\varepsilon)\mu$  - модификациялашган Рейнольдс критерийси;  $d_0$  - ионит грануласи диаметри, м;  $\rho_c$  - суюқлик фаза зичлиги, кг/м<sup>3</sup>;  $\varepsilon$  - ғоваклилик;  $\mu$  - динамик қовушоқлик, Па·с;  $Pr$  - Прандтл критерийси.

Саноат миқёсидаги технологияларда ион алмашиниш қурилмалари 2 хил: даврий ва узлуксиз ишлайдиган бўлади.


Даврий ишлайдиган қурилмалар ўз навбатида қўзғалмас ва мавҳум қайнаш ионит қатламли бўлади.

Узлуксиз ишлайдиган қурилмалар ҳаракатчан ионит қатламли ва погоналарда мавҳум қайнаш қатламли бўлади.



5.88-расм. Турли миқдордаги дивинилбензол сульфополистиролли смола учун мувозанат изотермалари.

**Даврий ишлайдиган, құзғалмас ионит қатламли ион алмашиныш күріл-  
маси** 5.89-расмда көлтирилған. Күрілма цилиндрик қобиқ 1 ва тақсимловчи  
мослама 2,3 лардан таркиб топған. Пастки тақсимловчи мослама 3 тиркішли  
қалпоқчали тарелка күрнишида бўлиб, унда құзғалмас ионит қатлами жой-  
лаштирилади.



**5.89-расм.** Күзгалмас ионит қатламлы даврий ишлайдиган ион алмашиниш күрілмаси.

1 - кобиқ; 2 - тиркішли қалпоқча типидаты тақсим-ловчи тарелка; 3 - тақсим-лагич; 4,5 - дастлабки эрит-манинг кириш ва тозаланган эритма чиқариш штүцерлари.

нинг қолдиқларини сув ёрдамида тозалаштириш.


Шундай сүнг қурилма кейіпіги ион алмашиниш циклига тайёр бўлади.

Даврий ишлайдиган секциялы, мавхум қайнац ионит қатламлы ион алмашниш курилмаси 5.90-расмда күрсатылған. Ион алмашиниш курилмаси колонна 1 ва уни бир неча секцияга ажратувчи тешикли панжара 2 лардан таркиб топған. Курилмани секциялаш мавхум қайнаш жараённанда ионитларни күндалаң ҳаралатланишини камайтиради ва идеал сиқиб чиқариш режимини таъминлады. Маълумки, бу режимда жараён максимал ҳаракатта келтирүвчи күчтә эга бўлади.

Курилма люклари З орқали ионит юкланди ва ундан сўнг бошлангич эритма ўзаро таъсир учун юборилади. Ионит ютилган моддалар билан тўйингандан сўнг, у ювилади ва қайта тикланади.


Қайта ишланадиган эрит-  
ма эса, қурилма пастки қисми-  
даги штуцер 4 орқали узатилади  
ва газ тақсимловчи тешикли  
панжарадан ионит қатламига  
үтади. Курилманинг тела (бўш)  
қисмидаги тозаланган эритма  
тўпланади ва юқоридаги шту-  
цер 5 дан чиқарилади.

Ион алмашиниш жараёни тугагандан сүнг, курилма тұхтатилади ва ионит қайта тикланади. Бунинг учун аввал ионитдан эритма ювіб ташлаңади ва ундан кейин махсус эритувчи ёрдамида тозаланади. Одатда, қайта тикловчи эритувчи, эритма йұналишига қарама-қарши ҳаракатлантирилади. Кейин эса, яна ионит қатлами сүв билан ювилади.



**5.90-расм.** Даврый ишлайдыган секцияли, мавхум қайнац ионнит қаттамлы ион алмашиниш курилмаеи.  
1 - қобиқ; 2 - тешискили панжара; 3 - люклар.

## Узлуксиз ишлайдиган, ҳаракатчан ионит қатламли ион алмашиниш курилмаси 5.91-расмда тасвириланган.



**5.91-расм. Узлуксиз ишлайдиган, ҳаракатчан ионит қатламли ион алмашиниш курилмаси.**

1 - қобик; 2 - инжектор; 3 - насос; 4 - чўктиргич; 5 - фильтр тўсиқ; I, II - ионит сорбциялаш ва қайта тиклаш зоналари; III, IV - ионитни сув билан ювиш зоналари.

У ерда ионит сув билан ювилади. Ундан кейин, худди шундай қилиб, ионит III секцияга ўтади ва қайта тикловчи эритма билан ўзаро таъсирда бўлади. Сўнг, қайта тикланган ионит ювиш секцияси IV га ўтади, у ерда эритмадан тозаланди ва инжектор 2 га йўналтирилади ва цикл қайтадан тақрорланади.


**Узлуксиз ишлайдиган, кўп погонали мавхум қайнаш ионит қатламли курилма схемаси 5.92-расмда кўрсатилган.** Схемадан кўриниб турибдики, ионитнинг мавхум қайнаш жараёни погоналарда, элаксімон тарелкаларда ташкил этилади.

Фазаларнинг йўналиши қарама-қарши бўлади. Тозалангандан эритма курилманинг тела, ионит эса пастки қисмидан чиқарилади.

Бу турдаги курилмаларда эритма тезлиги ионит заррағаларининг мавхум қайнаш бошланиши тезлигидан каттароқ бўлади.

Одатда эритма пастдан юқорига қараб ҳаракатланади. Ушбу колоннада фақат сорбция жараёни ўтказилади. Ютилаётган компонентга тўйинган ионит пульпа ҳолатида сиқилган ҳаво ёрдамида қайта тиклашга узатилади. Қайта тикланган ионит шнек ёрдамида курилманинг тела қисмига қайтарилади.

У қуйилиш патрубкалари билан тўрт секцияга бўлинган колонна 1 типидаги курилмадир. Қайта тикланган ионит курилманинг пастки қисмидан инжектор 2 га тушади. У ерга насос 3 ёрдамида курилманинг чўктириш қисми 4 дан ишлатиб бўлинган эритма ҳам ҳайдалади. Гидротранспортловчи суюқлик вазифасини бажарувчи суюқликнинг бу қисми, рециркуляция системасига уланган. Ионит пульпаси инжектор 2 дан сорбциялаш секцияси 1 га узатилади. Ундан ташқари, шу секцияга бошлангич эритма ҳам юборилиб, тозалангай суюқлик эса, курилманинг тепасидан чиқарилади. Узатилиш учун зарур суюқлик улуши фильтр тўсиқ 5 дан курилманинг инжектор қисми 4 га ўтади ва насос 3 ёрдамида инжектор 2 га ҳайдалади. Ишлатиб бўлинган ионит сорбциялаш секциясининг I қуйилиш тарелкасидан ювилаш секция II га ўтади.



**5.92-расм. Узлуксиз ишлайдиган, кўп погонали мавхум қайнаш ионит қатламли курилма схемаси.**

## 5.39. Умумий түшүнчалар

Қаттיק ва пастасимон материалларни сувсизлантириш йўли билан уларга зарур хоссалар бериш, транспорт воситаларида узатиш ва узоқ муддат давомида сақлаш имкониятини беради.

Сувсизлантиришни 3 хил усулда амалга ошириш мумкин:

1. Механик (сиқищ, чўқтириш, фильтрлаш, центрифугалаш ва ҳ.);
2. Физик-кимёвий (сувни ўзига тортиб олуви чоддалар ёрдамида, масалан, кальций хлорид, сульфат кислота ва ҳ.);
3. Иссиклик таъсирида сувсизлантириш, яъни қуритиш.

Лекин, юқорида қайд этилган усуллардан энг самаралиси, иссиқлик таъсирида сувсизлантириш, яъни қуритишилди. Чунки, қуритиш жараёнида тўлиқ сувсизлантиришга эришса бўлади.

Қаттиқ ва пастасимон материаллар таркибидаги намликни буғлатиш ва ҳосил бўлаётган буғларни четга олиш чиқишига **куритиш жараёни** дейилади.

Нам материалларни иссиқлик ёрдамида қуритиш саноатда энг кенг тарқалган усул. Ушбу усул кимёвий, озиқ-овқат ва бир қатор бошқа технологияларда ишлатилади. Материал таркибидаги намлик даставвал арzon, механик (масалан, фильтрлаш) усулда, якуний, тўла сувсизлантириш эса қуритиш усулида олиб борилади. Сувсизлантиришнинг бундай комбинациялашган усули иқтисодий жиҳатдан самаралидир.

Саноатда нам материалларни қуритиш учун сунъий (махсус қуритиш қурилмаларида) ва табиий (очиқ ҳавода қуритиш жуда давомий жараён) усуллар қўлланилади.

Физик моҳиятига кўра, қуритиш жараёни мураккаб диффузион жараёнидир. Унинг тезлиги, қуритилаётган материал ичидан намликнинг атроф муҳитга тарқалиши, диффузия тезлиги билан белгиланади. Маълумки, қуритиш жараёни бу иссиқлик ва модда (намлик) нинг материал ичидаги ҳаракати ва материал юзасидан атроф муҳитга узатилишидир. Шундай қилиб, қуритиш бу иссиқлик ва масса алмашиниш жараёниларининг бир-бiri билан узвий боғланган жараёнилар мажмуасидир.

Қаттиқ, нам материалга иссиқлик таъсир этиш усулiga қараб қуритиш қуйидаги турларга бўлинади:

1) **конвектив** қуритиш - бунда нам материал билан қуритувчи элткич бевосита ўзаро таъсирида бўлади. Одатда, қуритувчи элткич сифатида қиздирилган ҳаво ёки тутун газлари ишлатилади;

2) **контактли** қуритиш - иссиқлик ташувчи элткич ва нам материал орасида ажратувчи девор бўлади. Материалга иссиқлик шу девор орқали изатилади;

3) **радиацион** қуритиш нам материалга иссиқлик инфрақизил нурлар орқали узатилади;

4) **дизэлектрик** қуритиш - нам материал юқори частотали ток майдонида узатилади;

5) **сублимацион** қуритиш - нам материал музлаган ҳолатда, юқори вакуум остида қуритилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, исталган қуритиш усулида қуритилаётган нам материал кўпчилик ҳолларда иссиқ ҳаво билан ўзаро таъсирида бўлади. Конвектив қуритиш саноат технологияларида жуда кўп ишлатилади. Ушбу жараённи амалга ошириш учун нам материалга иссиқ ҳаво таъсирининг аҳамияти катта. Шунинг учун, нам ҳавонинг асосий хоссаларини билиш қуритиш жараёнини ўрганиш ва ҳисоблаш учун зарур.

## 5.40. Рамзининг нам ҳаво I-х диаграммаси

Куруқ ҳавонинг сув буги билан аралашмаси **нам ҳаво** деб номланади. Нам ҳаво абсолют ва нисбий намлик, нам сақлаш, энталпия, қуруқ ва ҳўл термометр температуралари, парциал босим каби параметрлар билан характерланади.

**Абсолют намлик** деб  $1 \text{ m}^3$  нам ҳаво ҳажмидаги сув буги (кг) миқдорига айтилади.

Агар парциал босим  $p_\delta$  да сув буги бутун ҳажми, масалан  $1 \text{ m}^3$  ни, эгалласа, унда, абсолют намлик сув буги зичлиги  $\rho_\delta$  га тенг.

**Нисбий намлик** деб ҳаво абсолют намлигининг, тўйиниш пайтидаги абсолют намлик нисбатига айтилади:

$$\varphi = \frac{\rho_\delta}{\rho_m} \quad (5.191)$$

бу ерда  $\rho_m$  - тўйинган сув бугининг зичлиги,  $\text{kg/m}^3$ ;  $\rho_\delta$  - сув бугининг зичлиги,  $\text{kg/m}^3$ .

Газ таркибидаги буғлар парциал босими, унинг миқдорига пропорционал бўлгани учун, нисбий намлик бир хил температура ва босимда ҳаводаги сув буги парциал босими  $p_\delta$  нинг тўйинган сув буғлари босими  $p_T$  га нисбати сифатида ифодаланиши мумкин:

$$\varphi = \frac{p_\delta}{p_T} \quad \text{ёки} \quad p_\delta = \varphi \cdot p_T \quad (5.192)$$

**Нам сақлаш** деб 1 кг абсолют қуруқ ҳавога тўғри келадиган сув буғлари (1 кг) миқдорига айтилади.

Нам ҳавонинг солиштирма нам сақлаши  $x$  ( $\text{kg/kg}$ ) ёки ( $\text{g/g}$ ) билан белгиланади. Ҳавонинг нам сақлаши ушбу нисбат орқали аниқланади:

$$x = \frac{m_\delta}{m_{акс}} = \frac{\rho_\delta}{\rho_{акс}} \quad (5.193)$$

бу ерда  $m_\delta$  ва  $m_{акс}$  - сув буги ва абсолют қуруқ ҳаво массалари, кг.

Менделеев Клапейрон идеал газлар ҳолатининг тенгламасига биноан нам сақлаш ва нисбий намликлар орасидаги боғлиқликни аниқлаймиз. Сув буги ва қуруқ ҳаво зичликларини ушбу тенгламалардан топиш мумкин:

$$\rho_\delta = \frac{P_\delta M_\delta}{RT} \quad \text{ва} \quad \rho_{акс} = \frac{P_{акс} M_{акс}}{RT} \quad (5.194)$$

бу ерда  $M_\delta$  ва  $M_{акс}$  - 1 моль сув буги ва абсолют қуруқ ҳаволар массалари,  $\text{kg/кмоль}$ ;  $P_{акс}$  - бирор температурадаги қуруқ ҳавонинг парциал босими,  $\text{Pa}$ ;  $R = 8314$  газнинг универсал доимийси,  $\text{J/(кмоль}\cdot\text{К)}$ .

(5.194) ни (5.193) га қўйиб, ушбу кўринишли тенгламани оламиз:

$$x = \frac{M_\delta}{M_{акс}} \left( \frac{P_\delta}{P_{акс}} \right) \quad (5.195)$$

Дальтон қонунига биноан  $P = p_n + p_{\text{акс}}$ . Үнда:

$$p_{\text{акс}} = P - p_{\text{акс}} \quad (5.196)$$

(5.192) тенгламадан биламизки,  $p_\delta = \varphi p_m$ .

Агар,  $p_{\text{акс}}$  ва  $p_\delta$  қийматларини (5.195) га кўйсак:

$$x = \frac{18}{29} \frac{\varphi \cdot P_m}{P - \varphi p_m} = 0,622 \frac{\varphi \cdot P_m}{P - \varphi p_m} \quad (5.197)$$

бу ерда  $M_{\text{акс}}=29$  кг/моль;  $M_\delta=18$  кг/моль.

Энталпия термодинамик системанинг ҳолат функцияси бўлиб,  $I$  ҳарфи билан белгиланади.

Нам ҳаво энталпияси қуруқ ҳаво билан шу нам ҳавода бўлган сув бугининг энталпиялари йиғиндисига тенг:

$$I = c_{\text{акс}} \cdot t + x I_\delta \quad (5.198)$$

бу ерда  $c_{\text{акс}}$  - абсолют қуруқ ҳавонинг ўртacha температураси;  $c_{\text{акс}} = 1000$  Ж/(кг·К);  $I_\delta$  - сув бугининг солиштирма энталпияси, Ж/кг.

Қуритиш жараёнида ҳаво билан аралашмада бўлган сув буғи ўта қиздирилган ҳолатда бўлади. Унинг солиштирма бут ҳосил қилиши  $r_0 = 2493 \cdot 10^3$  Ж/кг бўлса, ўта қиздирилган сув бугининг солиштирма иссиқлик сифими эса,  $c_\delta \approx 1,97 \cdot 10^3$  Ж/(кг·К).

Ўта қиздирилган сув бугининг солиштирма энталпияси:

$$I_\delta = r_0 + c_\delta I = 2493 \cdot 10^3 + 1,97 \cdot 10^3 \cdot t \quad (5.199)$$

Агар, (5.199) ни (5.198) га кўйсак, ушбу қўринишдаги тенгламага эришамиз:

$$I = (1000 + 1,97 \cdot 10^3 \cdot t) \cdot t + 2493 \cdot 10^3 \cdot x \quad (5.200)$$

**Зичлик.** Нам ҳавонинг зичлиги  $\rho_{nx}$  абсолют қуруқ ҳаво  $\rho_{\text{акс}}$  ва сув буғи  $\rho_\delta$  зичликлари йиғиндисига тенг. Агар,  $\rho_\delta = x \cdot \rho_{\text{акс}}$  эканлигини инобатга олсак, ушбу тенгламани оламиз:

$$\rho_{nx} = \rho_{\text{акс}} + \rho_\delta = \rho_{\text{акс}} (1 + x) \quad (5.201)$$

Менделеев Клапейроннинг ҳолат тенгламасига биноан абсолют қуруқ ҳаво зичлиги қўйидаги тенгламадан аниқланади:


$$\rho_{\text{акс}} = \frac{M_{\text{акс}} \rho_{\text{акс}}}{RT} = \frac{29 p_{\text{акс}}}{8314 \cdot T} = \frac{P - p}{287T} \quad (5.202)$$

(5.197) тенгламадан  $x$  ва (5.202) дан  $\rho_{\text{акс}}$  қийматларини олиб (5.201) га кўйсак, ушбу қўринишли ифодани оламиз:

$$\rho_{nx} = \frac{P - 0,378 \cdot p_\delta}{287T} \quad (5.203)$$

Иситиши, совитиши қорытиси жараёнларидагы ҳавонинг асосий хоссалари ўзгариши тасвирланган ва техник ҳисоблашлар учун етарли аниқликда Л.К. Рамзиннинг энталпия диаграммаси ёрдамида аниқланishi мумкин.

*I* - *x* диаграмма ўзгармас босим  $p = 745$  мм.симв.уст. (-99 кПа) учун курилган (5.93-расм). Диаграмма энталпия *I* (ордината үқи) нам сақлаш *x* (абсцисса үқи) координаталарида курилган.



5.93-расм. Рамзиннинг *I*-*x* диаграммаси.

Координатада үқлари  $135^\circ$  бурчак остида жойлаштирилган. Диаграммадан фойдаланиш қулай бўлиши учун нам сақлаш қийматлари ордината үқига перпендикуляр, яъни қўшимча горизонтал үқига проекцияланган.

Диаграммага қуйидаги чизиқлар ўтказилган: ордината үқига параллел ( $x = \text{const}$ ), ўзгармас нам сақлаш вертикаль чизиқлар; қўшимча абсцисса үқига  $135^\circ$  бурчакда ўтказилган ўзгармас энталпия ( $I = \text{const}$ ) қия чизиқлари; ўзгармас температура (изотерма) чизиқлари; ўзгармас нисбий намлик ( $\phi = \text{const}$ ) чизиқлари; нам ҳаводаги сув бугининг парциал босим  $p_b$  чизиқлари.

Ўзгармас температура чизиқлари (5.200) тенглама ёрдамида курилади. Бунинг учун  $x_1$  ва  $x_2$  параметрларнинг исталган қийматилари қабул қилиниб, уларга тегишли  $I_1$  ва  $I_2$  қийматлари ҳисобланади.

Ундан кейин, диаграммада координатлари  $I_1$ ,  $x_1$  ва  $I_2$ ,  $x_2$  бўлган нуқталар аниқланади. Топилган нуқталар тўғри чизиқ билан бирлаштирилади ва у изотерма деб номланади.

Ўзгармас нисбий намлик чизиқлари (5.197) тенглама ёрдамида қурилади.  $\phi = \text{const}$  чизиқлари координаталари  $t = -273^\circ\text{C}$  ва  $x = 0$  бўлган нуқтадан тарқалувчи эгри чизиқлар дастасини ҳосил қиласди.

$\phi = \text{const}$  чизиқлари бир-бирига ёпишиб кетмаслиги учун диаграмма маълум бурчакли система координаталарида қурилган.

I - x диаграммадан кўриниб турибдики,  $99,4^{\circ}\text{C}$  температурада  $\phi = \text{const}$  чизиқлари синади ва юқорига вертикал кўтарилиб кетади, яъни диаграмма иккى қисмга бўлинади. Ушбу температурада тўйинган сув бугининг босими 745 мм.сим.уст. тенг бўлади. (5.197) тенгламадан кўриниб турибдики, температура  $t \geq 99,4^{\circ}\text{C}$  етганда нисбий намлик  $\phi$  температурага боғлиқ бўлмай ва ўзгармас катталик бўлиб қолади.

Ҳавонинг сув буғи билан тўйинниш, чизиги, яъни  $\phi = 100\%$ , диаграмма ни тўйинмаган нам ҳаво ва чизик остида жойлашган, сув буғи билан ўта тўйинган ҳаво зоналарига ажратади.

Сув бугининг парциал босими (5.192) тенгламани инобатга олган ҳолда (5.197) тенгламадан аниқланади:


$$p_6 = \frac{P_x}{0,622 + x} \quad (5.204)$$

Сув бугининг **парциал босими I - x** диаграмманинг пастки қисмида жойлашган. Диаграмма ёрдамида нам ҳавонинг исталган икки параметри маълум бўлса, қолган параметрларини топиш мумкин.


I-x диаграмма ёрдамида, нам ҳавонинг исталган икки параметри орқали қолган параметрларини топиш мумкин. Масалан: ҳаво температураси  $t=55^{\circ}\text{C}$  ва нисбий намлиги  $\phi=70\%$  бўлган параметрлар учун нуқта A ни аниқлаймиз (5.93a-расм). Бу нуқта учун нам сақлаш параметри  $x=0,0608$  кг намлик/кг куруқ ҳаво ва энтальпияси  $H=207,25 \text{ кЖ}/\text{кг}$  куруқ ҳаво.

**Шудринг нуқтаси.** Ҳавонинг ўзгармас нам сақлаш параметрида совиши, унинг сув буғлари билан бутунлай тўйиниши натижасида, ҳаво ёки газ таркибидаги сув буғларининг конденсацияланиши рўй беради. Ушбу температура шудринг нуқтаси деб номланади.


5.93б-расмда A нуқтага мос бошлангич параметрли ҳаво учун шудринг нуқта B ни график усулда аниқлаш тасвирланган. Шудринг нуқтаси  $\phi=100\%$  ва нам сақлаш  $x_1$  ларнинг кесилиш нуқтаси B орқали ўтган изотерма  $t_p$  сифатида аниқланади.



5.93a-расм. I-x диаграмма ёрдамида маълум икки параметр орқали нам ҳавонинг қолган параметрларини аниқлаш.



5.93б-расм. I-x диаграмма шудринг нуқтасини аниқлаш.



5.93в-расм. I-x диаграмма хўл термо-метр температурасини аниқлаш.

**Хұл термометр температурасы.** Ҳавонинг нам материал билан изотермик үзаро таъсири натижасыда ҳаво совийди. Бұнда, ҳаво материалга үз исеклигини беради ва нам материалдан ҳавога ўтаётган сув буғларининг энтальпияси ҳисобига үз энтальпиясини ортиради. Бундай шароитда температура пасаяди, энтальпия эса үзгармас бўлади. Ушбу изоэнтальпия жараёни ҳавонинг сув буғлари билан тўлиқ тўйингунга қадар боради, яъни  $\phi=100\%$  га эришадиган температурагача. *I-x* диаграммада *A* нуқтадан  $\phi=100\%$  чизигида *B* нуқта билан кесишгунча  $I=\text{const}$  чизиги ўтказилади (5.93в-расм). Нуқта *B* орқали ўтадиган, изоэнтальпия шароитида ҳавонинг совиши чегарасига тўғри келадиган изотерма  $t_{MT}$  – хұл термометрнинг температураси деб номланади.

**Куритиш потенциали.** Ҳаво температураси  $t_o$  ва хұл термометр температураси  $t_{MT}$  ларнинг фарқи куритиш потенциали  $\varepsilon$  деб аталади. Ушбу кўрсаткич ҳавонинг материалдан намликни ютиш қобилиятыни характерлайди. Куритиш потенциали қанчалик катта бўлса, материалдан намликнинг буғланиш тезлиги шунчалик юқори бўлади. Агар,  $t_o = t_{MT}$  бўлса, куритиш потенциали  $\varepsilon = 0$ .

#### 5.41. Куритиш жараёни статикаси

Ҳар бир қаттиқ нам материал атроф мұхитдан намликни ютиш ёки уни атроф мұхитга бериш қобилиятига эга. Нам материални ўраб турган мұхит таркиби фақат сув буғи ёки сув буғи – газ аралашмасидан иборат бўлиши мумкин. Ҳаво билан аралашма ҳосил қылган сув буғининг парциал босимини  $p_b$  деб белгилаймиз. Материал таркибидаги намликка тегишли сув буғиниг босими деб номланади.

Материал билан нам ҳаво үзаро таъсири пайтида система З ҳолатда бўлиши мумкин:

1. Куритилаётган нам материалдаги сув буғининг босими  $p_o$ , материални ўраб турган ҳаво ёки газдаги парциал босимдан катта, яъни  $p_o > p_b$ . Бундай ҳолда материалдан намлик атроф мұхитга десорбция қиласи, яъни куритиш жараёни содир бўлади. Куритилаётган материалдаги сув буғининг босими  $p_o$  материал намлиги, температура ва намликнинг материалга боғланиш усулига боғлиқ;

2. Атроф мұхитдаги буғнинг парциал босими, унинг нам материалдаги босимидан катта, яъни  $p_b > p_o$ . Бу ҳолда, материал ва намлик орасида сорбция жараёни юз беради, яъни материал намланиши рўй беради;

3. Нам материал ва атроф мұхитдаги сув буғларининг босими бир-бирига тенг, яъни  $p_o = p_b$ . Бундай ҳолда система динамик мувозанатда бўлади. Динамик мувозанат бошланишига тўғри келадиган материал намлиги мувозанат намлиги  $W_M$  деб номланади. Мувозанат намлик сув буғининг парциал босими  $p_b$  ёки унга пропорционал бўлган ҳавонинг нисбий намлиги  $\phi$  га боғлиқдир.

Мувозанат намлигининг  $t = \text{const}$  да  $\phi$  га боғлиқдиги *сорбция изотермаси* деб аталади ва кўпинча тажрибавий йўл билан топилади.

Куритиш жараёнида материал сиртидаги буғ босими камайиб боради ва мувозанат намлигига интилади. Намлаш жараёнида эса аксинча бўлади, яъни материал сиртидаги буғ босими ортиб бориб, мувозанат намлигига интилади.

Материал намлиги эркин ва боғланган ҳолда бўлиши мумкин.

Эркин намлик деб материалдан буғланаётган намликнинг буғланиш тезлиги сувнинг эркин юзадан ( $p_o = p_m$ ) буғланиш тезлигига тенг бўлган намлик тушунилади. Маълумки, материалдаги боғланган намликнинг буғланиш тезлиги эркин юзадан сувнинг буғланиши тезлигидан ҳар доим кичик бўлади. Бунда,  $p_o < p_m$ , бу ерда  $p_m$  – сув буғининг тўйиниш босими.

Материал таркибидаги намликин характеристикаш учун материал намлиги  $W$  (%) ва нам сақлаш  $x$  (кг намлик/кг қуруқ ҳаво) деган түшүнчалар күлланилади.

Материал намлиги материалнинг умумий миқдори ёки унинг таркибидаги абсолют қуруқ модда миқдорига нисбатан ҳисобланиши мүмкін.

#### 5.42. Материал билан намликтин боғланиш усуллари

Материал билан намликтин боғланиши классификацияси акад. Ребиндер П.А. томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унга боғланиш энергияси асос қилиб олинган. Ушбу боғланиш қўйидаги шаклларда бўлиши мүмкін:

намликтин кимёвий боғланиши, кимёвий реакция натижасида ҳосил бўлади;

намликтин физик-кимёвий боғланиши, ярим ўтказувчан қобиқча орқали газ молекулаларининг адсорбцияси натижасида ҳосил бўлади;

намликтин физик-механик боғланиши, микрокапилляр ( $r < 10^{-7}$ ), макрокапиллярлар ( $r > 10^{-7}$ ) томонидан буғларни ютишда, ҳамда гель ҳосил бўлади;

Сиртий намлик энг осон, кимёвий боғланган намлик эса, энг қийин йўқотилади.

**Кимёвий боғланган намлик** гидрооксид суви кўринишида бўлиб, гидратация реакцияси натижасида гидрооксид ва кристаллогидрат типидаги бирикмалар таркибига кириб олади. Ушбу намликтин қиздириш йўли билан йўқотиш мүмкін.


**Физик-кимёвий боғланиш** шакллари турли-туман бўлади:

**Адсорбцион боғланган намлик.** Ушбу намлик атроф мұхит ва коллоид заррачани ажратиб турувчи чегара юзасида ушланиб туради. Коллоид заррачалар катта юза ва юқори адсорбцион қобиляят тузилишга эга. Адсорбцион намлик молекуляр кучли майдон ёрдамида тортилиб туради. Адсорбцион намлик йўқотилиши даврида иссиқлик ажраб чиқади ва у гидратация иссиқлиги деб номланади.

**Осмотик боғланган намлик** ёки бўргиши намлиги материал скелети ичидаги бўлади ва осмотик кучлар ёрдамида ушланиб турилади.

**Капилляр - боғланган намлик** микро- ва макрокапиллярлар ичидаги бўлади. Ушбу намлик материал билан механик боғланишда бўлади ва нисбатан осон бартараф этилади.

Намликтин материал билан боғланиши қанчалик мустаҳкам бўлса, материал юзасидаги буғ босими шунчалик кам бўлади. Энг мустаҳкам боғланиш гигроскопик моддаларда бўлади.



5.94-расм. Крахмал намликтин сорбция - десорбция изотермалари.

Материал билан намлик боғланиш турларини характеристлаш учун сорбция десорбция изотермалари күлланилади. 5.94-расмда сорбция ва десорбция изотермалари көлтирилган.

Десорбция эгри чизиги (десорбция изотермаси) нам крахмалдан намлик йўқотилиши даври учун қурилган, яъни уни куритиш жараённида.

Сорбция эгри чизиги крахмални намлаш даври учун қурилган ва сорбция изотермаси деб

номланади. Сорбция ва десорбция эгри чизиклари ўзига хос шаклдаги гистерезис ҳалқаси деб аталади.

Гистерезис ҳодисасидан күйидаги хulosaga келиш мумкин: бир хил қийматта эга бўлган мувозанат намликка эришиш учун ҳавонинг нисбий намлиги, қутиши жараёнида материални намлаш жараёнига нисбатан катта бўлиши зарур.

Буни, қутилаётган материал қапиллярларида ҳаво борлиги, яъни ҳавонинг қапилляр деворларида сорбцияланиши билан тушунтириш мумкин.

Озиқ овқат маҳсулотларининг сорбция-десорбция характеристикаларини, яъни ҳаво намлиги ва унинг температурасини аниқлаш имконини беради.

Сорбция изотермалари таҳлили ёрдамида материал билан намликнинг боғланиши усулини билиш мумкин. 5.95-расмда қотирилган нон сорбция изотермалари келтирилган. Маҳсулотнинг бошлангич намлиги  $W_b$ , охиргиси эса —  $W_{\alpha}$  ( $W_{\alpha} = W_m$  (бу ерда  $W_m$  — мувозанат намлиги)). Материал намлигининг  $W_b$  дан  $W_{\alpha}$  гача ўзгариш оралиги қутиши соҳаси дейилади. Бу соҳада материалдан чиқадиган намлик йўқотилади. Гигроскопик намлик  $W_e$  дан  $W_{\alpha}$  гача бўлган оралиқ десорбция соҳаси деб аталади. Мувозанат намлик эгри чизигининг юқорисида сорбция, яъни материал намланиш, соҳаси бўлади. Материалнинг нам ҳолати (материал таркибида эрkin боғланган намлик) ва гигроскопик ҳолатларини (материалда фақат боғланган намлик) гигроскопик намлик ажратиб туради.


Нисбий намлик  $\phi = 0,4$  бўлганда, изотерма абсцисса ўқига нисбатан бўртиқ кўринишга эга. Ушбу ҳолат мономолекуляр адсорбцияга хосdir. Материал билан намлик боғланишини енгиш учун мономолекуляр адсорбцияда жуда катта микдорда иссиқлик сарфланиши зарур. Нисбий намлик  $\phi = 0,1 \dots 0,9$  оралиғида изотерманинг  $AB$  бўлаги ордината ўқига нисбатан бўртиқ кўринишга эга. Ушбу ҳолат полимолекуляр адсорбцияга хосdir. Бу намликни йўқотиш учун мономолекуляр адсорбцияда намликни йўқотишга сарфланадиган иссиқлик микдори нисбатан кам бўлади.

Изотерманинг  $BC$  ( $\phi = 0,9 \dots 1,0$ ) бўлаги микрокапилляр ( $r < 10^{-8}$  см) лардаги намликни ифодалайди.

Механик боғланган эрkin намлик материалдан механик усулда ажратиб олиниши мумкин.

Материални сув билан боғланиши натижасида унинг устидаги сув буғларининг босими пасаяди. Шунинг учун, эрkin энергия ҳам камаяди.

Ўзгармас температурада эрkin энергия ёки боғланиш энергиясининг камайиши иш билан ифодаланади. Бу иш 1 моль сувни материалдан ажратиш учун сарфланади ва уни акад. Ребиндер П.А. томонидан келтириб чиқарилган формула ёрдамида топиш мумкин:



5.95-расм. Қотирилган нон намлигининг сорбция – десорбция изотермалари.

$$E = RT \ln \frac{p_T}{p_M} = -RT \ln \varphi \quad (5.205)$$

бу ерда  $p_m$  - түйинган сув буғи босими;  $\rho_m$  - намлиги  $x$  бўлган материал устидаги сув буғининг мувозанат парциал босими;  $\varphi$  - ҳавонинг нисбий намлиги.

Материал билан намлик боғланиши қанчалик мустаҳкам бўлса, шунчалик  $p_m$  катталиги кичик бўлади. Эркин сувни ажратиш даврида,  $p_m = p_m'$  бўлгани учун (5.205) формула қўйидаги кўринишни олади:

$$E = RT \ln 1 = 0$$

Материални қуритиш жараёнида боғланиш энергияси аста-секин кўпайиб боради, чунки материал намлиги камайиши билан адсорбцион боғланган намлик улуши ортади.


5.96-расмда айрим озиқ - овқат маңсулотлар мувозанат намликларининг эгри чизиклари, ҳамда турли температураларда боғланиш энергия функциялари келтирилган.

Ушбу графикдан фойдаланиб, боғланиш энергияси ва боғланган на-  
мликни йўқотиши учун зарур иш микдорини аниқлаш мумкин.

Куриши жараёнидаги умумий иссиқлик сарфи:

$$Q = Q_{\delta y_2} + Q_{\delta u}$$

бу ерда  $Q_{byf}$  эркин намликни бүгланиши учун сарфланадиган иссиқлик;  $Q_{bh}$  бүгләнгән намликни йүкөтиш учун сарфланадиган иссиқлик.



**5.96-расм. Турли маңсулоттарда намлыкни бөглөнүү энергиясини аниклаш чызмасы.**

- 1 - писта ( $t=20^{\circ}\text{C}$ ); 2 - бүгдий ( $t=50^{\circ}\text{C}$ ); 3 - маккажүхори ( $t=20^{\circ}\text{C}$ );  
4 - жавдари бүгдий ( $t=0^{\circ}\text{C}$ ); 5 - тозаланган гуруч ( $t=20^{\circ}\text{C}$ ); 6 - ун  
( $t=24^{\circ}\text{C}$ ); 7 - маккажүхори крахмали ( $t=20^{\circ}\text{C}$ ); 8 - макарон  
( $t=30^{\circ}\text{C}$ ).


### 5.43. Қуритиш жараёни кинетикаси

Юқорида қайд этилгандек, қуритиш жараёни мұраккаб иссиқлик ва масса алмашиниш жараёндир. Материалдаги намликтар унинг ичидән фазаларни ажратып түрүвчи юзага масса ўтказувчанлық, ажратып түрүвчи юзадан газ оқими ядросига эса - конвектив диффузия ҳисобига ўтказилади.

Материал таркибидаги намликтар диффузияси на факат нам сақлаш градиенти, балки температура градиенти ҳам таъсири остида рой беради.

Материалдаги диффузияны аналитик усулда ифодалаш жуда қийин ма- сала. Матылумки, қуритиш жараёни тезлиги материал билан намликтар диффузия механизмига боғлиқ, қуритиш жараёни кинетикаси материалнинг нам сақлаши ёки ўртача намлигининг маълум вақтдан кейин ўзгариши билан характерланади.

Одатда, қуритиш тезлигини тажрибай үсулда топиш учун қуритиш эгри чизиги қурилади, сунг у дифференциалланиб қуритиш тезлигининг эгри чизиги ҳосил қилинади.



5.97-расм. Қуритиш эгри чизиги.

5.97-расмда материал намлиги  $W$  ва қуриш вақти  $t$  орасидаги боғлиқлик тасвирланган.

Ундан ташқари, расмда материал температурасининг намлика боғлиқлиги ҳам көлтирилган.

Типик қуритиш эгри чизиги қуритиш жараёнининг түрли давларини ифодаловчи бир неча қисмдан иборат.

Жараён бошланишида нам материал қизийди ва ундан намлик буғланишиб чиқа

бошлайди. Материалнинг қуритиш температурасига қизиши  $AB$  кесма билан ифодаланади. Ундан сунг, ўзгармас қуритиш тезлиги даври ( $BC$  кесма), яни I давр, бошланади. Бу давр қиялк бурчаги  $\alpha$  нинг ўзгармас тангенсли түгри чизиги ( $BC$  кесма) билан ифодаланади ва  $C$  нүктәде якунланади. Ушбу даврда материалнинг температураси термометрнинг хүл температураси (температура эгри чизигидеги  $B_1C_1$  кесма) қийматига тенг бўлади. Ўзгармас қуритиш тезлиги даврида узатилаётган иссиқлик, материалдаги эркин намликни буғланишига сарфланади. Ушбу, ўзгармас қуритиш тезликли давр түгри чизик билан ифодаланади ва у биринчи критик тезлик  $W_{kp}$  га етганда тамом бўлади.

$W_{kp}$  дан бошлаб эса камаючи тезлик даври бошланади, яни материал намлиги аста - секин камаяди ва у  $CE$  кесма билан ифодаланади. Бу даврда материалдаги температураси  $C_1E_1$  эгри чизик бўйлаб кўтарилади. Қуритиш жараёни охирида материал намлиги асимптотик равищда мувозанат намлиги  $W_M$  га яқинлашиб боради. Материал  $W_M$  намлика эришиши билан ундан намлик чиқиши тўхтайди. Ушбу дақиқада материал температураси уни ўраб турган иссиқлик элткич температурасига ( $E_1$  нүкта) тенг бўлади. Лекин, мувозанат намлигига эришиш учун анча вақт зарурдир.

Қуритиш тезлиги вақт бирлигиде намлик ўзгаришини ифодалайди, яни  $dW/dt$  (%/соат) ёки  $dx/dt$  ( $c^{-1}$ ).


Қуритиш тезлиги бўйича маълумотлар асосида қуритиш тезлигининг эгри чизиклари қурилади (5.98-расм).

**ВС** горизонтал кесма куритиши жараённинг биринчи, **СЕ** эса - иккинчи даврдаги тезлигини кўрсатади.

Жараённинг биринчи даврида эркин боғланган намлик йўқотилади ва унинг тезлиги ташқи диффузия зонасидаги масса алмашиниш қаршилиги, яъни конвектив масса бериш коэффициенти билан аниқланади. Биринчи критик тезликка оид **С** нуқтада материал ташқи юзасидаги намлик гигроскопик намлика тенг бўлиб қолади.

$w_{kp}$  дан бошлаб материалдан боғланган намлик ҳайдалиб бошланади ва жараён тезлиги анча сусайди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, куритиши тезлиги эгри чизиқларининг кўриниши 5.98-расмда келтирилгандан анча фарқ қилиши мумкин. Намликтин материал билан боғланиш шаклларига қараб, иккинчи даврнинг ўзи бир неча даврдан иборат бўлиши мумкин (5.99-расм).


Расмдаги эгри чизиқ 1 типик капилляр - фовакли жисмлар учун хосдир. Чизиқнинг тепа қисми капилляр, пастки қисми эса -  $w_{kp}$  га тенг адсорбцион намликтин йўқотиш тезлигини ифодалайди. Эгри чизиқ 2 газлама ва юпқа листвли материаллар, 3 эса - керамик материалларни куритиши жараённини характерлайди.



5.99-расм. Капилляр - фовакли материалларнинг куритиши тезлиги эгри чизиқларининг тасвири.

турувчи юзадан газ оқими ядроюга намликтин тарқалиши эса, конвектив диффузия усулида ўтади.

Маълумки, капилляр фовакли материалларда модданинг тарқалиши концентрация ва температура градиентлари остида бўлиши мумкин. Температура градиенти таъсирида қаттиқ материалда рўй берадиган намликтин



5.98-расм. Куритиши тезлигининг эгри чизиги.

Куритиши тезлиги жараённинг муҳим технологик параметри бўлмиш - куритиши интенсивлигини аниқлаш имконини беради.

Материал намлигининг буғланниш интенсивлиги, куритилаётган материал юзаси бирлигидан ыақт бирлигига чиқариб юборилаётган намлик миқдори билан белгилана-ди, яъни:

$$m = \frac{W}{F\tau}$$

бу ерда  $\tau$  - куритиши жараённинг умумий давомийлиги.

Қаттиқ нам материалда намликтин диффузияси 5.6-расмда келтирилган. Қаттиқ материал ичидан ташқи юзасига намликтин тарқалиши масса ўтказувчанлик усулида боради. Фазаларни ажратиб

тарқалиши термодиффузия ҳисобига бўлади. Агар, материални қуритиш қаттиқ режимларда олиб борилса, яъни температуralар градиенти салмоқли бўлганда, термодиффузия ҳодисаси намоён бўлади.

$p = \text{const}$  бўлганда, массавий оқимни ушбу тенглама билан ифодалаш мумкин:

$$i = \frac{dW}{Fd\tau} = \pm k\rho_{акн} \left( \frac{\partial x}{\partial l} + \delta \frac{\partial t}{\partial l} \right) \quad (5.206)$$

бу ерда  $k$  - масса ўтказувчанлик коэффициенти,  $\text{m}^2/\text{соят}$ ;  $\rho_{акн}$  - абсолют қуруқ материал зичлиги,  $\text{кг}/\text{м}^3$ ;  $x$  - материалнинг нам сақлаши,  $\text{кг}/\text{кг}\cdot\text{куруқ}$  материалга;  $l$  - изоконцентрацион юза нормали;  $\delta$  - термономалик ўтказувчанлик коэффициенти,  $\text{K}^{-1}$ ;  $t$  - температура,  $\text{К}$ .

(5.206) тенгламанинг биринчи қўшилувчиси концентрация градиенти таъсирида, иккинчиси эса - температура градиенти таъсирида модда узатилишини характерлайди.

Тенгламадаги кинетик  $k$  ва  $\delta$  коэффициентлар температура ва жисм намлиги функциясиadir. Шунинг учун, нам материалда намликнинг тарқалишини унда иссиқлик алмашиниш билан биргаликда қараш керак. Иссиқлик алмашиниш Фуръенинг иссиқлик ўтказувчанлик қонуни билан ифодаланди.

$$\frac{dQ}{Fd\tau} = -\lambda \frac{\partial t}{\partial n}$$

Юқорида келтирилган масса ва иссиқлик ўтказувчанлик тенгламалар асосида А.В. Ликов томонидан капилляр - ғовакли жиемда иссиқлик ва масса алмашибишнинг дифференциал тенгламалар системаси келтириб чиқарилган:

$$\frac{\partial x}{\partial \tau} = \frac{\partial}{\partial l} \left( k \frac{\partial x}{\partial l} + k\delta \frac{\partial t}{\partial l} \right) \quad c\rho_{акн} \frac{\partial t}{\partial \tau} = \frac{\partial}{\partial l} \left( \lambda \frac{\partial t}{\partial l} \right) + \sigma \frac{\partial x}{\partial \tau} \quad (5.207)$$

бу ерда  $\sigma = dx_f/dx$  - фазавий ўзгариш критерийси;  $r$  - бугланиш иссиқлиги,  $\text{кЖ}/\text{кг}$ .

Ушбу тенгламадаги  $\lambda$ ,  $c$ ,  $\sigma$  ва  $r$  коэффициентлар ўзгарувчи катталиклар бўлиб, жисмнинг намлиги ва температурасига боғлиқ.

(5.207) даги биринчи тенглама қаттиқ жисмда намлик ва температура градиентлари таъсирида нам сақлашнинг ўзгариш тезлигини ифодалайди. Иккинчи тенглама эса, иссиқлик ўтказувчанлик ва ички бугланиш ҳисобига температура майдони ўзгариш тезлигини характерлайди.

Конвектив қуритишда моддалар диффузияси йўналишига қарши йўналган термодиффузия оқими масса ўтказувчанлик тезлигини пасайтиради.

Материалдаги нотурғун концентрация ва температура майдонларини топиш учун дифференциал тенгламалар системасини ечиш керак. Қуритиш жараёнини бундай ҳисоблаш усули, керакли намлика эришиш вақтини ва қуриткич ўлчамларини аниқлаш, назарий жиҳатдан ўринилдири.

Лекин, дифференциал тенгламалар системасини ечиш учун масса ва иссиқлик ўтказиш коэффициентларини материал намлиги ва температуррага боғлиқлигини билиш зарур. Юқорида қайд этилган ҳамма коэффициентлар,  $c$  ва  $r$  дан ташқари,  $x$  ва  $t$  га боғлиқлиги жуда мураккабдир.

Проф. А.Н. Плановский томонидан қуришиш жараёнини фақат масса ўтказувчанлик коэффициенти  $k$  орқали ҳисоблаш мумкинлиги исботланган. Унга биноан, (5.207) нинг биринчи тенгламаси ушбу кўринишни олади:

$$\frac{\partial x}{\partial \tau} = \frac{\partial}{\partial l} \left( k^* \cdot \frac{\partial x}{\partial l} \right) \quad (5.208)$$

бу ерда  $k^*$  - ҳам термодиффузия, ҳам масса ўтказувчанликни характерловчи коэффициент бўлиб, фақат материал намлигига боғлиқ.

Агар, намликнинг маълум оралиғида  $k = \text{const}$  ва  $\delta = \text{const}$  деб қабул қилсак, (5.208) чизиқли тенглама кўринишига келади:

$$\frac{\partial x}{\partial \tau} = k \frac{\partial^2 x}{\partial l^2} \quad (5.209)$$

Куришиш жараёнининг бошланғич шартларига, қаттиқ материалда намликнинг бир текисда тарқалиши, яъни  $\tau = 0$  бўлганда  $x = x_0 = \text{const}$  тўғри келади.

(5.208) ва (5.209) тенгламалар таҳлилидан қуийдаги кўринишдаги критериал формула келтириб чиқарилади:


$$E = f(Bi_{\Delta}, Fo_{\Delta}) \quad (5.210)$$

бу ерда  $E$  - материалдаги намликнинг ўлчамсиз концентрацияси, яъни:

$$E = \frac{x - x_M}{x_0 - x_M}$$

бу ерда  $x_M$  - материалдаги намликнинг мувозанат концентрацияси;  $Bi_{\Delta} = \beta / (k \rho_h)$  - Био диффузион критерийси;  $Fo_{\Delta} = k \tau / P$  - Фурье диффузион критерийси.

Нотўғри геометрик шаклдаги жисмлар учун (5.210) тенглама  $\Gamma_1, \Gamma_2, \dots, \Gamma_n$  параметрик критерийлар билан тўлдирилиши мумкин.



**5.100-расм.** Иссиклик ўтказувчанлик тенгламасини очицга оид  $Fo_{\Delta}=\text{const}$  ва  $Fo=\text{const}$  чизиқлари.

Агар материалнинг иссиқлик - физик хоссалари ва жараён давомида температуранинг ўзариши маълум бўлса, қуришиш кинетикаси проф. А.Н.Плановский ва проф. С.П.Рудобашта томонидан таклиф этилган иссиқлик ўтказувчанлик тенгламалари асосида ҳисоблаш усулидан фойдаланиш мумкин. Лекин, Фурье тенгламаси ва масса ўтказувчанлик тенгламалари орасида ўхшашлик расмий характеристерга эга.  $Fo = \text{const}$  чизиқларининг турли характеристи температура ўтказувчанлик коэффициенти  $a$  нинг  $t$  дан ва масса ўтказувчанлик коэффициенти  $k^*$  нинг  $x$  дан боғлиқлари орасида принципиал фарқ борлигини кўрсатади (5.100-расм)

$Fo_\partial = \text{const}$  әгри чизиклар  $k = f(x)$  функцияни характерлайди.

Түғри геометрик шакли жисм ва чексиз оқим учун (5.200) тенглама-нинг умумий ечими ушбу күринишда бўлади:

$$E = \frac{x - x_u}{x_b - x_m} = \sum_1^{\infty} A_n \exp(-\mu_n^2 Fo_{\partial}) \quad (5.211)$$

бу ерда  $A = f(Bi_\partial, \mu_n)$  - жисм шакли, чегаравий ва бошлангич шартларига боғлиқ бўлган жисм функцияси;  $\mu_n$  - характеристик тенгламалар илдизлари.

Капилляр-говакли жисмда масса ўтказувчаник бўйича маълумотлар бўлса, (5.211) тенгламадан  $i$  - интервалда қуритиш вақтини аниқлаш мумкин (бу ерда  $k_i = \text{const}$ ):

$$\tau_i = \sum_1^n \frac{\ln \prod_1^3 \frac{\beta_{j,i}}{E_j}}{k_i \sum_{j=1}^n \frac{\mu_j^2}{R_j^2}} \quad (5.212)$$

бу ерда  $\mu_{j,i}$  ва  $\beta_{j,i}$  -  $j$  йўналишда жисм юзаси шаклига ва намтик ўзгаришининг  $i$ -оралиғидаги  $Bi_m$  нинг катталиги.

Амалиётда қуритиш вақтини аниқлаш учун кинетика ва қуритиш тезлиги эгри чизиқларидан ёки кинетик тенгламалардан фойдаланилади.

Кинетик тенгламалар ёрдамида қуритиш давомийлиги, узлуксиз ишлайдиган қуритиш вақти фазалар ўзаро таъсир учун зарур юза аниқланади.

Умумий ҳолатда даврий жараёнлар учун умумий қуритиш вақти куйидаги тенгламадан ҳисобланади:

$$\tau_{yu} = \tau_1 + \tau_2 \quad (5.213)$$

бу ерда  $\tau_1$  - биринчи даврда қуритиш давомийлиги, соат;  $\tau_2$  - иккинчи даврда қуритиш давомийлиги, соат.

$\tau_1$  нинг қиймати масса ўтказишнинг асосий тенгламасидан аниқланади:

$$\tau_1 = \frac{W}{\beta_x F \cdot \Delta x_{yp}} \quad \text{ёки} \quad \tau_1 = \frac{W}{\beta_p F \Delta P_{yp}} \quad (5.214)$$

бу ерда  $x_{yp}$  - жараённинг ўргача ҳаракатта келтирувчи кучи.

$$\Delta x_{yp} = \frac{\Delta x_b - \Delta x_{ox}}{2,3 \lg \frac{\Delta x_b}{\Delta x_{ox}}} \quad \text{ёки} \quad \Delta P_{yp} = \frac{\Delta P_b - \Delta P_{ox}}{2,3 \lg \frac{\Delta P_b}{\Delta P_{ox}}}$$

бу ерда  $\Delta x_b = (x_{myu} - x_b)$  - қуритиш жараёнидаги тўйинган ҳаво нам сақлаши ва ишчи нам сақлашларнинг бошлангич фарқи, кг/кг қуруқ ҳаво;  $\Delta x_{ox} = (x_{myu} - x_{ox})$  жараён охиридаги нам сақлашлар фарқи, кг/кг қуруқ ҳаво;  $\Delta P_b = (P_{myu} - P_b)$  қуритиш жараёнидаги тўйинган ҳаво парциал босими ва ишчи парциал босимларнинг фарқи;  $\Delta P_{ox} = (P_{myu} - P_{ox})$  - жараён охиридаги парциал босимлар фарқи.

Қуритиш жараёнининг биринчи даври учун кинетик қонун масса бериш тенгламаси билан ифодаланиши мумкин:

$$W = \beta_x F(x_{my} - x) \cdot \tau; \quad W = \beta_p F(p_{my} - p) \cdot \tau \quad (5.215)$$

бу ерда  $W$  - буғлатилган суюқлик миқдори, кг;  $F$  - фазалар ўзаро таъсир юзаси,  $\text{m}^2$ ;  $x_{my}$  - материал ташқи юза температурасидаги тўйинган ҳаво нам сақлаши, кг/кг қуруқ ҳаво;  $x$  - ҳавонинг ҳақиқий нам сақлаши, кг/кг қуруқ ҳаво;  $\beta_p$  - масса бериш коэффициенти, кг/( $\text{m}^2\cdot\text{соат}\cdot\text{Па}$ );  $p_{my}$  - материал юзаси атрофидаги тўйинган ҳаво сув буғларининг босими, Па;  $p$  - ҳаводаги сув бугининг парциал босими, Па.

Қуритиш жараёнининг биринчи даврида масса бериш коэффициентини ҳисоблаш учун қуйидаги таҳминий формуладан фойдаланиш мумкин:

$$Nu = 2 + A Re^n \cdot Pr_{\frac{D}{L}}^{0,33} \cdot Gu^{0,133} \quad (5.216)$$

бу ерда  $Gu = (T_c - T_m)/T_c$  - Гухман критерийси;  $T_c$  - мухит температураси, К;  $T_m$  - материал ташқи юзасининг температураси, К.

Формуладаги константа  $A$  ва даражаси кўрсаткичи  $n$  Рейнольдс критерийсига боғлиқ, яъни  $Nu$ ,  $Re$  ва  $Pr$  критерийларида параметрлар газ оқимининг ўргача температурасида ҳисобланади.

$Re$	$A$	$n$
200...25000	0,385	0,57
25000...70000	0,102	0,73
70000...315000	0,025	0,9

Қуритиш жараёни иккинчи даврининг давомийлигини ҳисоблаш учун Шервуд - Ликов таҳминий усулидан фойдаланса бўлади. Лекин, қуритиш тезлигининг эгри чизиги тўғри чизик ҳаво тенгламаси билан ифодаланиш шарти баҳарилиши зарур. Иккинчи давр учун кинетик қонун ушбу кўринишга эта:

$$-\frac{dW}{Fd\tau} = K(x - x_m) \quad (5.217)$$

бу ерда  $K$  қуритиш тезлиги коэффициенти;  $x$  - материалнинг шу ондаги намлиги, кг/кг қуруқ ҳаво;  $x_m$  - материалнинг мувозанат намлиги, кг/кг қуруқ ҳаво.

Лекин, қуритиш тезлигининг  $x_{kp}$  ва  $x_{ox}$  оралиқдаги ўзгариши тўғри чизикли қонунга бўйсинмайди. Шунинг учун, (5.217) тенглама 40...60% хатолик беради.

Моддий баланс тенгламасини ҳисобга олсак:

$$dW = Gdx = KF(x - x_m) \cdot d\tau$$

бу ерда  $G$  - қуритилаётган материал массаси, кт.

Математик ўзгартиришлардан сўнг ушбу кўринишга эришамиз:

$$2,3 \lg \frac{x_{kp} - x_m}{x_{ox} - x_m} = \frac{KF}{G} \tau \quad (5.218)$$

Охирги тенгламадан иккинчи даврдаги қуритиш жараёни давомийлигиги-ни аниқлаш мүмкін:

$$\tau_2 = \frac{G}{KF} 2,3 \lg \frac{x_{kp} - x_m}{x_{ax} - x_m} \quad (5.219)$$

Агар қуритиш жараёни узлуксиз бўлса, биринчи ва иккинчи даврларни ўтказиш учун зарур бўлган фазалар тўқнашиш юзасини ушбу тенгламадан топамиз:

$$F_{ym} = F_1 + F_2 \quad (5.220)$$

бу ерда  $F_1$  - биринчи даврдаги газ ва материаллар ўзаро таъсир юзаси,  $m^2$ ;  $F_2$  - иккинчи даврдаги фазалар тўқнашиш юзаси,  $m^2$ .

$W/\tau$  ни  $W_r$  орқали белгилаб, (5.213) ва (5.214) тенгламалардан  $F_1$  ни топамиз:

$$F_1 = \frac{W_r}{\beta_p \cdot \Delta P_{yp}} = \frac{W_r}{\beta_x \cdot \Delta x_{yp}} \quad (5.221)$$

$G/\tau$  ни  $G_r$  деб белгилаб, (5.219) тенгламадан ушбу кўринишни оламиз:


$$F_2 = \frac{G_r}{K} 2,3 \lg \frac{x_{kp} - x_m}{x_b - x_m} \quad (5.222)$$

Шундай қилиб, қуритиш жараёни тезлигини оширувчи омилларга куйидагилар киради:

- а) жараён температурасини кўтариш;
- б) қуритилаётган материал устидаги бўшлиқда босимни пасайтириш;
- в) иссиқлик элткич нам сақдашини камайтириш;
- г) материал устидаги иссиқлик элткич тезлигини ошириш;
- д) жараён давомида материални аралаштириш.

#### 5.44. Қуритичининг моддий ва иссиқлик баланслари

Конвектив қуритиш қурилмаси қуритич, транспорт мосламаси, вентилятор ва калорифердан таркиб топган деб фараз қиласайлик (5.101-расм).



5.101-расм. Конвектив қуритич схемаси.

1 - қуритич; 2 - нам материал; 3 - лентали транспортер; 4 - қўшимча калорифер; 5 - асосий калорифер; 6 - вентилятор.

Куритишга узатилаётган нам материалнинг массавий сарфини  $G_6$  (кг/соат), қуритилган материал массавий сарфини  $G_{ox}$  (кг/соат), материалнинг бошлангич ва охирги намликларини  $W_1$  ва  $W_2$  (%), буғланган намлик миқдорини  $W$  (кг/соат) деб белгилаб оламиз.

Унда, жараённинг моддий балансини ушбу тенглама кўринишида ифодалаш мумкин:

$$G_6 = G_{ox} + W \quad \text{ёки} \quad W = G_6 - G_{ox} \quad (5.223)$$

Куруқ моддалар бўйича моддий балансни қўйидаги ёзиш мумкин:

$$G_6 = (100 - W_1) = G_{ox} (100 - W_2) \quad (5.224)$$

ёки

$$G_{ox} = G_6 \frac{100 - W_1}{100 - W_2} \quad (5.225)$$

Буғлатилган намлик миқдори эса, ушбу тенгламадан ҳисоблаб аниқланади:

$$W = G_6 \frac{W_1 - W_2}{100 - W_2} \quad (5.226)$$

Куриткичга узатилаётган газ ёки абсолют қуруқ ҳаво миқдорини  $L$  (кг/соат), бошлангич нам сақлашини  $x_1$  ва охиргисини  $x_2$  деб белгилаб оламиз.

Унда, намлик бўйича моддий баланс:

$$W + Lx_1 = Lx_2 \quad (5.227)$$

бундан қуруқ ҳаво сарфи:

$$L = \frac{W}{x_2 - x_1} \quad (5.228)$$

Ҳавонинг солиштирма сарфи (1 кг намликни буғлатиш учун кетаётган сарф) эса,

$$l = \frac{L}{W} = \frac{1}{x_2 - x_1} \quad (5.229)$$

**Конвектив қуритишнинг иссиқлик балансини** ҳам 5.101-расм асосида тузамиз. Қуритиш вақтида иссиқлик ва масса алмашиниш жараёнлари биргаликда ўтади. Моддий ва иссиқлик оқимлар орасида маълум боғлиқлик мавжуд. Контактли қуритиш жараёнида иссиқлик материални қандайдир бошлангич қуритиш температурасигача иситиш ва қуритиш учун сарфланади.

Қуритишга кираётган материал миқдори  $G_c + W$  (кг/соат) бўлиб, у массаси  $G_m$  бўлган конвейерда жойлашган. Қуриткичга  $L$  (кг/соат) миқдорда абсолют қуруқ ҳаво узатилмоқда. Калориферда иситилаётган ҳавога  $Q_k$  (кЖ/соат) миқдорда иссиқлик узатилса, қурилмада эса унга қўшимча  $Q_d$  (кЖ/соат) иссиқлик берилади.

Куритиш жараёнида қатнашаётган материал, иссиқлик элткіч ва мосламалар параметрларини күйидаги белгилаб оламиз:

$G_c$  куритилаётган материал массаси, кг/соат;  
 $c_c$  куритилган материал солишишима иссиқлик сифими, кЖ/(к·К);  
 $c_T$  транспорт мосламасининг солишишима иссиқлик сифими, кЖ/(кг·К);

$t_n$  материалнинг куритишгача бўлган температураси, °C;  
 $c_a$  сувнинг солишишима иссиқлик сифими, кЖ/(кг·К);  
 $t_k$  материалнинг куритилгандан кейинча температураси, °C;  
 $t_{mh}, t_{mk}$  - транспорт мосламасининг куриткичга киришдан аввалги ва ундан чиққандан кейинги температуралиари, °C;

$I_0$  - куриткичга кираётган ҳавонинг солишишима энталпияси, кЖ/кг;  
 $I_1$  калориферда иситилаётган ҳавонинг солишишима энталпияси, кЖ/кг;

$I_2$  - куриткичдан чиқаётган ҳавонинг солишишима энталпияси, кЖ/кг;  
 $Q_n$  атроф мұхитга иссиқликнинг йўқотилиши, кЖ/кг.  
 Жараённинг иссиқлик баланс тенгламасини қўйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$LI_0 + Q_n + Q_n + G_c c_c t_n + Wc_a t_n + G_T c_T t_{mh} = LI_2 + G_c c_c t_k + G_T c_T t_{mk} + Q_n \quad (5.230)$$

Ушбу тенгламадан қуритиш учун қеракли иссиқлик сарфини аниқлаш мумкин:

$$Q = Q_n + Q_n = L \cdot (I_2 - I_0) + G_c c_c (t_k - t_n) + G_T c_T (t_{mk} - t_{mh}) - Wc_a t_n + Q_n \quad (5.231)$$

Агар, ҳамма иссиқлик сарфларини буғлатилаётган 1 кг намлика нисбатан олиб, тегишли белгилашларни амалга оширасак, (5.231) тенглама ушбу кўринишни олади:

$$q = q_n + q_D = l \cdot (I_2 - I_0) + q_m + q_T + q_n - c_a t_n \quad (5.232)$$

Ушбу тенгламадан калорифердаги солишишима иссиқлик сарфини топамиз:

$$q_n = l \cdot (I_2 - I_0) + q_m + q_T + q_n - q_D - c_a t_n \quad \text{ёки} \quad q_n = l \cdot (I_2 - I_0) \quad (5.233)$$

Олинган  $q_n$  қийматини (5.232) тенгламага қўйиб, қўйидаги кўринишга эришамиз:

$$l \cdot (I_1 - I_0) + q_D = l \cdot (I_2 - I_0) + q_m + q_T + q_n - c_a t_n$$

ёки

$$l \cdot (I_1 - I_0) = q_D + c_a t_n - q_m - q_T - q_n \quad (5.234)$$

Агар,  $q_D = 0$  бўлса

$$l \cdot (I_2 - I_0) = c_a t_n - q_m - q_T - q_n$$

(5.234) тенгламанинг ўнг томонини

$$(q_d + c_s t_u) - (q_m + q_T + q_n) = \Delta \quad (5.234a)$$

деб белгиласақ, ушбу кўринишга эришамиз:

$$l(I_2 - I_1) = \Delta$$

ёки

$$I_2 = I_1 + \frac{\Delta}{l} \quad (5.235)$$

Агар, (5.229) тенгламани инобатга олсақ, ушбу тенгламага эришамиз:

$$\frac{I_2 - I_1}{x_2 - x_1} = \Delta \quad (5.236)$$

оралиқ, бирор ондаги қийматлар учун эса:

$$\frac{I - I_1}{x - x_1} = \Delta \quad (5.237)$$

(5.237) тўғри чизик тенгламаси бўлиб, қуритиш жараёнининг ишчи тенгламаси деб номланади.

Шундай қилиб, энталпия ва нам сақлашлар орасидаги боғлиқлик тўғри чизик функцияси билан характерланади.

Қуритиш жараёнларини таҳдил қилиш учун назарий қуриткич тушунчасини киритамиз. Қуритишга узатилаётган материал температураси нольга тенг, ҳамда материал ва транспорт воситалар иситилиши бўлмаган қурилма, назарий қуриткич деб аталади. Унда, (5.234a) тенгламага биноан,  $\Delta = 0$  бўлади. Бунда  $l \neq 0$  ва (5.235) тенгламадан назарий қуритиш учун  $I_1 = I_2$  эканлигини аниқлаймиз. Шундай қилиб,  $I - x$  диаграммада жараён  $I = \text{const}$  чизиги билан тасвирланади. Назарий қуриткичда материал намлигининг буғланиши фақат ҳавонинг совиши ҳисобига бўлади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳаво берастган иссиқлик миқдори материалдан буғланган намлик билан бирга қайтарилади.

Ҳақиқий қуриткичларда ҳавонинг энталпияси кўлчилик ҳолларда ўзгарувчан бўлади.

Агар иссиқликнинг кириши унинг сарфидан катта ( $q_d + c_s t_u > q_m + q_T + q_n$ ) бўлса, яъни  $\Delta > 0$ , унда (5.235)га биноан  $I_2 > I_1$  бўлади. Бундай ҳолларда қуриткич иқтисодий жиҳатдан тежамсиз режимда ишлайди, чунки ҳамма иссиқлик фойдали сарфланмайди.

Агар,  $\Delta < 0$  дан бўлса, унда  $I_2 < I_1$  бўлади. Бундай ҳолларда қуриткич тежамкор ва самарали ишлайди.

Ҳақиқий қуриткичларда  $\Delta = 0$  бўлган тенглик ҳоллари ҳам бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда қуриткичга кираётган иссиқлик унинг сарфига тенгдир, яъни,  $q_d + c_s t_u = q_m + q_T + q_n$

Контактли қуриткичда намликни буғлатиши учун зарур иссиқлик фазаларни ажратиб турувчи девор орқали узатилади. Ушбу қуритиш жараёнида иссиқлик элткич сифатида тўйинган сув буғи ишлатилади.

Узатиластган иссиқлик материални қуритиш температурасигача иси-тиш ва унинг ичидағи намлики йўқотиш учун сарфланади, яъни  $Q_{y_m} = Q_n + Q_c$ .

Материални иситиш учун иссиқлик сарфи

$$Q_n = D_n (I'' - I') = G_c c_c (t_{cs} + t_K) + W c_s (t_{ch} - t_n) + Q_n \quad (5.238)$$

Куритиш учун зарур иссиқлик сарфи

$$Q_c = D_c (I'' - I') = G_c c_c (t_{ck} + t_{ch}) + W (I_e - c_e t_{ch}) + Q_n \quad (5.239)$$

Бүғнинг умумий сарфи

$$D_{y_m} = \frac{Q_{y_m}}{I'' - I'} \quad (5.240)$$

Конвектив қуритиш жараёнини  $I$ - $x$  диаграммада тасвиirlаш учун ҳавонинг 2 та бошлангич параметри  $t_1$  ва  $x_1$  берилган бўлиши керак. Жараён тамом бўлгандан сўнг, ҳавонинг охирги 3 та параметрларидан, яъни нисбий намлик, температура ёки нам сақлашдан, бигтаси қабул қилинади.

Кейин, ҳавонинг бошлангич параметрларини ифодаловчи ва берилган ( $\varphi = \text{const}$ ,  $t_2 = \text{const}$  ёки  $x = \text{const}$ ) нуқталар бўйича  $I$ - $x$  диаграммада қуритиш жараёнининг ишчи чизиги ўтказилади. Топилган нуқта бўйича иссиқлик элткич ҳавонинг ҳамма охирги параметрлари, ҳамда унинг сарфи ва иссиқлик миқдори аниқланади.

*I-x диаграммада қуритиши учун ҳаво ва иссиқликнинг сарфини аниқлаш*

Куритиш жараёни  $I$ - $x$  диаграммада қўйидагича тасвиirlанади (5.102-расм). Калориферга кираётган ҳавонинг температураси  $t_0$  ва унинг нисбий намлиги  $\varphi_0$  бўлган параметрли ҳаво диаграммада  $A$  нуқта билан ифодаланади. Ушбу параметрли ҳавонинг нам сақлаши  $x_0$ .

Калориферда ҳавонинг  $t_0$  дан  $t_1$  температурагача исиши ўзгармас нам сақлаш  $x_0=x_1$  да ўтади ва жараён диаграммада вертикал кесма  $AB$  билан ифодаланади. Нуқта  $B$  га изотерма  $t_1$  тўғри келади.

Куритиш жараёнида ҳаво ҳолатининг ўзгаришини қўйидаги тенглама ёрдамида аниқлаймиз:

$$I(I_1 - I_2) = \Delta \quad (5.241)$$

бу ерда  $\Delta$ -иссиқликнинг солиштирма сарфи.

Агар қуритичга қўшимча иссиқлик узатилмаса  $Q_{k\bar{j}w}=0$ , унда

$$q_M + q_T + q_{\bar{u}\bar{y}_K} > q_W$$

яъни  $\Delta > 0$ . Қуритичдан чиқиб кетаётган иссиқ ҳавонинг энталпияси унга ки-раётгандан кичик ( $I_2 < I_1$ ).

Агар қуритичга қўшимча иссиқлик  $Q_{k\bar{j}w}$  узатилса, унда


$$q_M + q_T + q_{\bar{u}\bar{y}_K} < q_{k\bar{j}w} + q_W$$

яъни  $\Delta < 0$ . Қуритичдан чиқиб кетаётган ҳавонинг энталпияси ортиб боради ( $I_2 > I_1$ ).

Лекин, шундай қуритиш шароитларини ташкил этиш мүмкінки, унда

$$q_M + q_T + q_{\text{ж}} = q_{kjsh} + q_W$$

яъни  $\Delta=0$  ва  $I_1=I_2=\text{const}$ .



5.102-расм. I-x диаграмма да назарий қуритиш жарёнининг график тасвири.

Куритичда ҳаво энталпияси ўзгармасдан кечадиган жараён назарий қуритиш деб номланади.  $I$ -x диаграммада назарий қуритиш жарёни **B** нуқтадан  $I=\text{const}$  бўйлаб ҳавонинг юқори нам сақлаш қийматлари ўнга томон йўналган чизиги билан ифодаланади. Ушбу чизик **C** нуқтадаги изотерма  $t_2$  ёки нисбий намлик  $\varphi_2$  тўхтайди (5.102-расм). Нуқта **C** нинг абсциссаси ишлатиб бўлинган иссиқ ҳаво нам сақлаши  $x_2$  ни кўрсатади.

Агар,  $x_2$  ва  $x_0$  маълум бўлса, ҳавонинг солиштирма сарфи  $I$ , унинг сарфи  $L=I \cdot W$  ва калориферда ўзатилаётган иссиқлик миқдори  $Q=L(I_1-I_0)$  аниқланиши мумкин. Ҳисоблашларда ишлатиладиган ҳамма катталиклар ( $x_0$ ,  $x_2$ ,  $I_0$ ,  $I_1$ ) I-x диаграммадан топилади.

Агар,  $\Delta \neq 0$  бўлган ҳолларда **C** нуқта  $I=\text{const}$  чизигидан юқорида ёки пастда бўлади.

Аввал  $\Delta > 0$  бўлган шароит учун I-x диаграммада қуритиш чизигининг шаклини кўрамиз. Бошлангич маълумотлар бўйича назарий қуритишнинг чизиги **BC** ни топамиз. Куритичга кўшимча иссиқлик узатилганда ( $\Delta > 0$ ), ҳақиқий қуритичнинг чизиги **B** нуқтадан бошланаб,  $I_1=\text{const}$  чизигининг юқорисидан ўтади (5.103-расм). Ҳақиқий қуритич чизигини топиш учун **BC** кесмада ихтиёрий **C**, **C** нуқтани танлаймиз ва вертикаль, горизонтал чизиклар ўтказиб **D**, **D** ва **E**, **E** нуқталарни топамиз. **BC**, **C** ва **CE**, ҳамда **BD**, **C** ва **BD** учбурчакларнинг ўхшашилигидан қўйидаги ифода келиб чиқади:

$$\frac{CE}{CD} = \frac{C_1E_1}{C_1D_1}$$

Нуқта **E** да ҳаво энталпияси  $I_1$  бўлиб, **C** да эса -  $I_2$  бўлгани учун, уларга тегишли кесмалар  $CE = I_1 - I_2$  ва  $DC = x_2 - x_1$  га teng бўлади.

Демак,

$$\frac{CE}{CD} = \frac{I_1 - I_2}{x_2 - x_1}$$

Аммо,  $\Delta = (I_1 - I_2) / (x_2 - x_1)$  эканлигини инобатга олсак, яъни

$$\frac{CE}{CD} = \Delta = \frac{I_1 - I_2}{x_2 - x_1}$$

Агар, **C** нуқтанинг координатларининг  $x$  ва  $I$  деб белгилаб олсак, унда тегишли кесмалар куйидаги кўринишни олади:

$$C_1E_1 = I_1 - I \quad \text{ва} \quad C_1D_1 = x - x_0$$

Юқорида келтирилгандарни ҳисобга олсак, ушбу нисбатни оламиз:

$$\frac{CE}{CD} = \frac{C_1 E_1}{C_1 D_1} = \Delta = \frac{I_1 - I_2}{x_2 - x_0} = \frac{I_1 - I}{x - x_0}$$


ёки

$$I_1 - I = \Delta(x_2 - x_0)$$


Демак, **ВС** куритиш чизиги  $\Delta$  катталикни ҳавонинг бошланғич параметрлари  $I_1$  ва  $x_0$ , ҳамда координатлар  $I$  ва  $x$  лар билан боғлади.

Шундай қилиб, юқорида көлтирилгандарга асосланиб исталған ҳолаттукунан куритиш чизигининг йұналишини топиш мүмкін.

Агар,  $\Delta < 0$  бўлса, яъни қуриткичда иссиқликнинг йўқотилиши мавжуд бўлса, ҳақиқий қуриткичининг чизигини тузиш аввалги мисолдан (яъни  $\Delta > 0$  бўлгандагидан) фарқ қилмайди (5.103а-расм). Қуритиш чизиги **BC'** кесма билан ифодаланади.



**5.103-расм.** Куритгин жарайёнинг ишчи чизигини I-х диаграммада тасвирилаш.



**5.103а-расм. I-х диаграмада  
куритишиң чизирине  
анниклаш.**

#### **5.45. Қуриғиши жараёнини ташкил этиш усуллары**


Кимё, озиқ овқат ва бошқа саноатларда ҳаво қыздырилиши ва бир марта қуритиш камерасидан ўтиши қаби эңг содда қуритиш жараёнидан ташқари бошқа усууллар ёрдамида ҳам жараённи ташкил этиш мүмкін. Саноат миқәсида қуйидаги усууллар құлланылады: ҳавони күп марта оралиқ иситиш йүли билан қуритиш, ишлатилған ҳавони қисман рециркуляция қилиш йүли билан қуритиш, ишлатилған ҳаводан күп марта фойдаланиш йүли билан қуритиш.

Хавони күп марта оралық иситиш йүли билан қорытыншы схемаси 5.104-расмда көлтирилген.

Одатда, бу усулда ҳавонинг юқори  $t_a$  ва қуий  $t_h$  температуралари қабул қилинади. Даставвал ҳаво  $t_a$  температурагача қиздирилади ва ундан сўнг нам материал билан ўзаро таъсирида бўлиб,  $t_h$  температурагача совийди. Кейин, калориферда ҳаво яна  $t_a$  температурагача қиздирилади ва яна материал билан ўзаро таъсирида бўлиб  $t_h$  температурагача совийди ва ҳ. Бу ҳолда ҳавонинг охирги температураси  $B$  нуқта орқали аниқланади.

Куритишнинг бу усулида нам материални нисбатан паст температурали иссиқ ҳаво ёрдамида қуритиш имкони бор. 5.1046-расмдаги пункттир чи-


зиқлардан күрініб турибдікі, агар иссиқлик әлткіч камералар оралиғыда құшымча қыздырылмаганда, ҳавони  $t_1$  температура ( $C$  нүктә) гача қыздырыш зарур бўлар эди.



**5.104-расм.** Ҳавони қўй марта оралиқ иситиш йўли билан қуритиш схемаси (а) ва жараённинг i - x диаграммадаги (б) тасвири.  
1 - қуритиш камераси; 2 - калорифер.

Бу усулда юқори температураларга чидамли материаллар қуритилади.

**Ишлатилган ҳавони қисман рециркуляция қилиш йўли билан қуритиш схемаси** 5.105-расмда кўрсатилган. Диаграммада  $A$  нүктани ифодаловчи параметрли иссиқ ҳаво, ишлатиб бўлинган ҳаво ( $AC$  ва  $BC$  чизиқлар) билан аralашади ва калориферда  $t_c$  температурагача қыздыриллади. Ундан кейин, қыздырилган ҳаво нам материал билан ўзаро таъсир эттириллади. Нам ҳавонинг сўнгти параметрларини  $B$  нүктада характерлайди.



**5.105-расм.** Ишлатилган ҳавони қисман рециркуляция қиласиган қуритиш схемаси (а) ва жараёни i - x диаграммада тасвирлаш (б).  
1 - калорифер; 2 - қуритиш камераси; 3 - вентилятор; 4 - кран.

Сиқлик сарфи ҳам бир хил бўлади.

**Ишлатилган газ қўй марта фойдаланиш усулида қуритиш схемаси** 5.106-расмда келтирилган.

Қуритувчи газ сифатида тоза ва қиммат газлар, масалан водород, ишлатилганда ушбу усулни қўллаш мақсадга мувофиқ. Бундай ҳолларда ишлатиб бўлинган газни атмосферага чиқариб бўлмайди. Шунинг учун, бу схемалар ёпиқ циркуляцияли бўлади.

Сув буғлари билан тўйинган газ калориферда қыздыриллади ( $AB$  кесма). Натижада унинг нисбий намлиги пасаяди ва қуритиш қобилияти ортади. Ундан кейин, газ ва материал ўзаро таъсирда бўлади ( $BC$  кесма) ва намлик билан тўйинади. Сўнг эса, намланган газ шудринг нуқтасигача ( $CD$  кесма) совутилади. Лекин, намланган газ таркибидаги бир қисм намлик конденсацияланади

Оддий қуритиш усулига нисбатан бу усул пастроқ температураларда, яъни  $t_k$  ўрнига  $t_c$  да ва газ оқимининг юқори тезликларида ўтказилади.

Юқорида қайд этилган ҳавонинг параметрлари ва унинг қуритичдаги тезлиги аралашиб карралиги  $n = L/L$  га боғлиқ. Циркуляцияли ва циркуляциясиз қуритиш усуллари ва ҳаво ҳолатининг ўзгариш оралиги бир хил бўлганда, иссиқлик сарфи

(ДЕ кесма). Кейин эса, газ қыздырылади ва яна қуриткич га йўналтирилади.

Бу қуритиш усули ҳавонинг паст температураси, юқори бошлангич нам сақлаш ва нисбий намликлари билан характерланади. Ундан ташқари, қуриткичда газ тезлиги ҳам жуда катта. Газ тезлигининг юқори бўлиши масса бериш коэффициенти ва биринчи даврда қуритиш тезлигининг ортишига олиб келади.

Юқорида қайд этилган қуритиш усувлари керакли миқдордаги иссиқликни узатиш ва майин қуритиш режимларини таъминлайди.

Шуни алоҳида таъқидлаш керакки, у ёки бу қуритиш усули жараённи тезлаштириши ёки секинлаштириши, уни ўтказиш шароитига таъсир этиши мумкин. Лекин, иссиқлик сарфига салмоқли таъсир этмайди, чунки у қуритувчи газнинг бошлангич ва охирги параметрлари билан аниқланади.

#### 5.46. Қуриткичлар конструкциялари


Кимё, озиқ - овқат ва бошқа саноатларда қўлланиладиган қуриткичлар конструкциялари турли - тумандир. Улар бир биридан ҳар хил белгиларига қараб фарқланади. Қаттиқ, нам материалга иссиқлик узатиш турига қараб конвектив, контактли ва маҳсус қуриткичларга бўлинади. Иссиқлик элткич сифатида ҳаво, газ ва буғ қўлланилиши мумкин. Қуритиш камерасидаги босим катталигига қараб, вакуум ва атмосфера босимида ишлайдиган қуриткичларга бўлинади. Жараённи ташкил этиш усулига қараб, даврий ва узлуксиз ишлайдиган қуриткичлар бўлиши мумкин. Ундан ташқари, материал ва иссиқлик элткич ҳаракатига қараб паралел, қарама-қарши ва ўзаро кесишган йўналиши қуриткичлар тайёрланади. Юқорида қайд этилганлардан кўриниб турибдики, қуриткичларни умумлаштирувчи классификация қилиш жуда қийин.

Шунинг учун, қўйида иссиқликни узатиш ва қуритилаётган материал қатламининг ҳолатига қараб гуруҳларга ажратилган қуриткичлар конструкцияларини кўриб чиқамиз.

Ҳалқ ҳўжалигининг турли соҳаларида камерали, туннелли, лентали, шахтали, сиртмоқли, мавҳум қайнаш қатламли, барабанли, тебранма, жўвали, пурковчи, пневматик, икки поронали ва бошқа қуриткичлар қўлланилади.

**Камерали қуриткичлар** конвектив қурилмалар ичидаги содда тузилган ва қобиқ 1 ичидаги вагонетка 2 лар жойлашган бўлади.

Вагонеткалар токчаларида нам материал жойлаштирилади. Ҳаво калориферда қиздирилиб, вентилятор ёрдамида ҳайдалади ва материал устидан ёки ичидан ўтиб намликларни буғлатади. Ишлатиб бўлинган ҳавонинг бир қисми янги ҳаво билан аралаштирилади. Бу турдаги қуриткичлар, одатда атмосфера босимида ишлайди. Улар кичик корхоналарда майин режим ва паст температурада нам материалларни қуритиш учун мўлжалланган. Афзалликлари: тузилиши




5.106-расм. Ишлатилган газдан кўп марта фойдаланиш усулида қуритиш схемаси.

1 - қуриткич; 2 - конденсатор-совуткич; 3 - сув ажраттич; 4 - йигтич.


содда ва таъмирлаш осон. Камчиликлари: камерали қуриткичларнинг иш унумдорлиги кичик ва маҳсулот куриши бир текисда эмас.

**Туннелли қуриткичлар.** Жараённи ташкил этиш бўйича бу қурилмалар узлуксиз ишлайдиган қуриткичлар қаторига киради. Бу қуриткичлар тўғри тўртбурчак кўндаланг кесимли узун камерадан иборатdir (5.108-расм). Нам материал юкланган аравачалар темир рельслар устида ҳаракатланади. Қурилманинг кириш ва чиқиш эшиклари зич ёпилади. Аравачаларнинг қуритиш камерасида бўлиш вақти қуритиш жараёни давомийлигига тенг. Материал юкланган аравачаларнинг камерадан бир марта ўтишида нам материал қуритилади. Иссиклик элткич калориферда қиздирилиб, вентилятор ёрдамида қурилмага узатилади.



5.107-расм. Камерали қуриткич.

1 - кобиқ; 2 - вагонетка;  
3 - калорифер; 4 - вен-  
тилятор; 5 - шибер.



5.108-расм. Туннелли қуриткич.

1-эшикчалар; 2-газоход;  
3- вентилятор; 4-кало-  
рифер; 5- қобиқ; 6-ма-  
териалли аравача.

Бу турдаги қуриткичларда иссиқлик элткич қисман рециркуляция қилинади. Нам материал ва иссиқлик элткич параллел ёки қарама – қарши йўналиши бўлиши мумкин. Кўпинча калорифер ва вентилятор қуриткичнинг ёнига ёки томига ўрнатилади. Ишлатиб бўлинган ҳаво қувур орқали атмосфера га чиқариб юборилади. Бу турдаги қурилмаларда, материални аралаштириб бўлмайди ва қуриш бир текисда эмас; туннелли қуриткичлар ўлчами катта, донасимон материалларни, сабзавот, мева, макарон ва бошқа маҳсулотларни қуритиш учун мўлжалланган. Қуриткич камчиликлари: қуритиш тезлиги кичик, жараён узоқ муддатда давом этади ва бир текисда эмас.

**Лентали қуриткичлар** узлуксиз ишлайдиган қуриткичлар қаторига киради (5.109-расм).


Нам материал қурилманинг тепа қисмидаги бункер орқали юкланади ва конвейернинг юқори лентасига тушади. Одатда, иккита барабан орасига тортилган лента тешикли бўлади ва нам материал унинг устида ҳаракатланади. Лентанинг иккинчи учига етганда, материал пастки конвейерга тўкилади. Энг пастки конвейердан, қуритилган материал чиқариш бункерига тўкилади.

Қуритилаётган материалнинг бир лентадан иккинчиси тўкилиб ўтиши унинг аралашшига сабабчи бўлади. Натижада, қуритиш тезлиги ортади. Кўпинча бундай қуриткичлар кўп лентали қилиб ясалади.

Материал ва иссиқлик элткич ўзаро кесишган йўналишда ҳаракатланади.

Шу билан бирга, параллел ва қарама - қарши йўналиши қуриткичлар ҳам ишлаб чиқарилади. Бундай қуриткичларда иссиқлик элткич қисман рециркуляция қилиниши мумкин.

Ҳавони рециркуляция ва оралиқ қиздирилиши туфайли лентали қуриткичларда майнин қуритиш режимларига эришиш мумкин.



5.109-расм. Лентали қуриткич.

1 - қобик; 2 - лентали конвейер; 3 - етакловчи барабанлар; 4 - етакланувчы барабанлар; 5 - калорифер; 6 - юкловчи мосламали бүнкер.


Лентали қуриткичларнинг айрим конструкцияларида, бир текисда қуритишга эришиш учун, материал қатламини аралаштириш ва қатламни текислаш учун лента устига маҳсус ағдирувчи мослама ўрнатилади.

Қуриткичининг асосий камчиликлари: қўпол, кўп жой эгаллайди, таъмирлаш ва эксплуатация қилиш мураккаб, иш унумдорлиги кичик ва иссиқлик сарфи катта.

**Шахтали қуриткичлар** донадор, сочишувчан материалларни қуритиш учун ишлатилади (5.110-расм). Иссиқлик элткични узатиш учун қуриткичининг ўқи бўйлаб трубалар ўрнатилган.

Трубаларнинг иккинчи учида иссиқлик элткични бир хилда тақсимлаш учун жалюзлар ўрнатилган. Иссиқлик элткични узатиш ва циркуляция қилиш системаси қуритиш ҳажмини иккита зонага бўлади. Биринчи зонада иккинчи сидан чиқаётган иссиқликдан фойдаланилади. Биринчи зонада асосан сиртий намлик, иккинчисида эса - ички намлик йўқотилади.

Иккинчи зонага юборилаётган иссиқлик элткич даставвал шу зонадаги конденсаторда қисман қуритилади. Қуриткичининг тепа қисмида иккила оқим бир-бирига аралашшиб кетади ва калориферда қиздирилгандан сўнг, газодувка ёрдамида қуриткичининг биринчи зонасига узатилади. Қуритилган мате-




5.110-расм. Сочилувчан, донадор материалларни қуритиш учун шахтали қуриткич.

1 - бүнкер - совуткич; 2 - оралиқ бүнкер; 3 - газодувка; 4 - калорифер; 5 - бүнкер; 6 - шахта; 7 - иссиқлик элткични узатиш трубалари; 8 - конденсатор-совуткич; 9 - жалюзлар; 10 - қалоқлагич; 11 - совуткич.

риални түкиш узлуксиз ишлайдиган токчали қадоқлагич ёрдамида амалга оширилади.

**Сиртмоқли қуриткічлар** пастасимон материалларни узлуксиз қуритишга мүлжалланган қурилмалардир (5.111-расм).



5.111-расм. Сиртмоқли қуриткіч (а) ва түрлі лента элементі (б).

1 - нам материал таъминлагич; 2 - иситиладиган жувалар; 3 - чексиз түрлі лента; 4 - занжирли конвейер; 5 - таянчы механизм; 6 - шnekли бункер.

Сиртмоқли қуриткічларда материал 5...20 мм ли қатламда, икки томонидан иссиқ ҳаво билан иситиладиган жувалар қыздырилиши натижасыда (масалан, қофоз) қуриллади. Бу қурилмада камерали қуриткічға қараганда жараён тезлиги юқори. Қуриткіч камчиликлари: конструкцияси мұраккаб ва эксплуатациян сарфлар катта.

**Тебранма қуриткічлар** майин дисперс, полидисперс, құмоқ – құмоқ ва шулар каби бошқа, яни мавхұм қайнашга мойил бўлмаган, материалларни қуритиш учун мүлжалланган. Дисперс материал қатламига паст частотали тебранишлар таъсири қатламдаги иссиқлик ва масса алмашиниш жараёнларни интенсивлайди. Ундан ташқари, тебранишлар ўзаро кесишган йўналиши, юқори самарадор ва идеал сиқиб чиқарувчи қуриткічлар яратиш имконини очиб беради. Бу турдаги қуриткічларда температура ва концентрация майдонлари бир текисда бўлади.

Тебранма мавхұм қайнаш қатламини вертикаль, горизонтал ва новли қурилмаларда ташкил этиш мумкин.

Кимё ва озиқ овқат саноатларида новли қуриткічлар энг кенг тарқалган. Лекин, шуни алоҳида қайд этиш керакки, бу қурилмалар кичик қиялик бурчак остида ўрнатилган бўлади (5.112-расм).


Қуриткіч узатмаси маятникли юриткіч - тебратгичдан иборат. Қатлам орқали ўтаётган газ оқими ва паст частотали тебранмаларнинг бир вақтда таъсири натижасыда тебранма мавхұм қайнаш қатлами ҳосил бўлади. Бундай қатламда масса ва иссиқлик алмашиниш жуда юқори бўлади.

**Барабанлы қуриткічлар** узлуксиз ишлайдиган қурилмалар қаторига киради ва атмосфера босимида донадор, сочилувчан материалларни (минерал туз, фосфорит, қанд лавлаги турпи, буғдой, шакар ва ҳ.) қуритиш учун қўлланилади. Иссиқлик элткіч сифатида ҳаво ёки тутун газлари хизмат қиласди.

Барабанли қуриткічлар ичи бўш цилиндрдан иборат бўлиб, уфқга нисбатан кичик қиялик бурчагида ўрнатилган бўлади (5.113-расм).


Барабан бандаж ва роликларга таяниб туради. Унинг айланиши электр юриткіч ва редуктор, ҳамда тишли фиддирак ёрдамида амалга оширилади. Барабаннинг айланиш частотаси  $5...8 \text{ мин}^{-1}$  дан ошмайди. Қуриткічга нам материал таъминлагич ёрдамида узатилади. Барабан айланиши даврида материал

тепега күтарилиб пастга түкилади ва бу жараён узлуксиз давом этади. Шу билан биргә, қурилма ўрнатилгани ва ичига махсус насадкалар жойланғанлиги сабабли, қуритилаётган материал түкиш бункери томонига қараб ҳаракатланади. Одатда насадкалар цилиндрик барабаннинг бутуп узулигиги бўйлаб жойлаштирилади. Барабан ичида материал иссиқлик элткич билан ўзаро таъсирда бўлиб қуритилади.



**5.112-расм. Тебранма мавхум қайнаш қатламли қуриткич.**

1 - амортизатор; 2 - пружина; 3 - түкиш люки; 4 - тебраткич; 5 - юриткич; 6 - газ тақсимловчи тешикли панжара; 7 - тарнов; 8 - кузатиш ойнаси.



**5.113-расм. Барабани қуриткич.**

1 - ўтхона; 2 - бункер; 3 - барабан; 4 - бандаж; 5 - тишли фидирақ; 6 - вентилятор; 7 - циклон; 8 - түкиш бункери; 9 - шлюзли таъминлагич; 10 - таянч роликлар.


Материал ва қуритувчи элткич билан ўзаро таъсир самарасини ошириш учун турли хилдаги насадкалар мавжуд.

Насадкалар нам материални бир текисда тарқатади ва уни иссиқлик элткич билан ювилиб туришини яхшилади. Насадка тури материал хоссаларига қараб танланади (5.114-расм).

Йирик бўлакли ва ёпишиб қолишга мойил материалларни қуритиш учун кўтарувчи куракчали насадкаларни кўллаш мақсадга мувофиқ. Майда, сочи-лувчан материалларни қуритиш учун эса, тақсимловчи насадкалар кўлланилади. Майин дисперс, кукусимон, чангийдиган материаллар эса ағдарувчи насадкали қурилмада қуритилади.

Иссиқлик элткич ва материал параллел ва қарама-қарши йўналишда ҳаракатланиши мумкин. Параллел йўналишили қуриткичларда материал ўта

қизиб кетиш олдини олиш мүмкін, чунки иссиктік элткіч юқори намлика әзге материал билан ўзаро таъсирда бўлади. Қуритилаётган материал таркибидағи кукунсимон фракция учиб кетмаслиги учун вентилятор ҳайдайтган иссиқтік элткіч тезлиги 2...3 м/с дан ошмаслиги керак. Ишлатилган газ атмосферага чиқариб юборишидан аввал циклонда тозаланади.



5.114-расм. Барабанли қуриткіч насадкаларининг асосий турлари.


а- парракли; б,в- ҳажмий типидаги, тақсимловчи;  
г - ағдарувчи, секторли;  
д- ағдарувчи, ёпик ячейкали.

Барабанли қуриткічлар диаметри 1 дан 3,5 м гача бўлади. Диаметри 2,8, 3,0 ва 3,5 м ли барабанларнинг узунликлари 14, 20 ва 27 м қилиб ясалади.

Ундан ташқари, барабанли вакуум-қуриткічлар ҳам саноатнинг турли соҳаларида ишлатилади. Кўпингча бу қурилмалар даврий ишлайдиган бўлади. Ушбу қуриткічлар иссиқтікка сезгир материаллардан сув ва органик эритмаларни йўқотиш, ҳамда заҳарли материалларни қуритиш учун қўлланилади.

Барабанли вакуум қуриткічлар гербицид, заҳарли дорилар, баязи бир полимерларни ишлаб чиқариш, ҳамда медицина, озиқ - овқат, кимё ва фармацевтика саноатларида ишлатилади.

**Мавхум қайнаш қатламли** қуриткічлар узлуксиз ишлайдиган қурилмалар қаторига киради ва майда, сочиувчан, донадор нам материалларни қуритиш учун кенг кўламда ишлатилади. Бундай қурилмаларда сиргий ва боғланган материалларни сувсизлантириш мүмкін. Мавхум қайнаш қатламли қуриткічлар вертикал ва горизонтал, бир ёки бир неча секцияли қилиб ясалади. Узлуксиз ишлайдиган, бир секцияли мавхум қайнаш қатламли қуриткіч 5.115-расмда келтирилган.



5.115-расм. Бир секцияли мавхум қайнаш қатламли қуриткіч.

1 - вентилятор; 2 - калорифер; 3 - бункер; 4 - шнек;  
5 - циклон; 6 - қуриткіч; 7 - тўкиш патрубкаси; 8 - газ тақсимловчи тешикли панжара; 9 - конвейер.


Нам материал узлуксиз равиша қуриткичга узатилади. Калориферда қиздирилган иссиқлик элткич вентилятор ёрдамида газ тақсимловчи тешикли панжара остига ҳайдалади. Қуритиш жараёни ушбу панжара яқыннидаги зонада юз беради. Қуритилган материал тўкиш патрубкаси орқали чиқарилади. Ишлатиб бўлинган газ циклонда тозаланиб, қуриткичдан атмосферага чиқазиб юборилади.

Мавхум қайнаш қатламли қуриткич камчиликлари: материални қуритиш бир текисда эмас. Бу камчиликни бартараф қилиш учун кўп секцияли ёки ўзгарувчан кўндаланг кесимли қуриткичлардан фойдаланилади.

Ушбу турдаги қурилмаларда материал қуриши бир текисда бўлади. Ко-нуссимон қуриткичларда тартибли циркуляция вужудга келади, яъни заррачалар қурилманинг марказий қисмида тепага кўтарилади ва чекка қисмида эса - пастга қараб тушади. Натижада материал бир текисда қизийди ва камеранинг ишчи баландлиги камаяди.

Ҳозирги кунда мавхум қайнаш қатламли қуриткичлар кимёвий технологияда минерал ва органик тузлар, ёпишиб қолишга мойил, масалан сульфат аммоний, поливинилхlorид, полиэтилен ва бошқа полимерларни, ҳамда пастасимон материаллар (пигмент, анилинили бўёвчи моддалар), эритмалар, супензияларни қуритиш учун ишлатилади.

**Жували қуриткичлар** суюқ ва пастасимон материалларни атмосфера босими ёки вакуум остида қуритиш учун мўлжалланган (5.116-расм).



5.116-расм. Жували қуриткич.

1 - шнекли нов-қуриткич; 2 - қобик; 3-узатма; 4 - етакловчи жува; 5 - сифон трубкаси; 6 - пичноқ; 7 - етакланувчи жува.


Жува бир - бирига қараб  $2\ldots10 \text{ мин}^{-1}$  частота билан айланади. Ичи бўш жувага цапфа орқали иситувчи буф юборилади ва иссиқлигини бериб кондесатга айланади. Жувалар иссиқ сув ёки юқори температурали органик суюқликлар ёрдамида қиздирилиши мумкин.

Материал қурилманинг тепасидан, жувалар орасига юкланди ва уни юпқа қатлам билан қоплади. Юпқа қатлам қалинлиги жувалар орасидаги тирқиши катталиги билан белгиланади. Одатда, ушбу тирқиши эни  $0,5\ldots1,0 \text{ мм}$  бўлади. Материалнинг кириши юпқа қатламда, жуванинг тўлиқ айланисида содир бўлади.

Жувадаги материал қатламининг қалинлиги қапчалик кичик бўлса, у шунчалик тез ва бир текисда қурийди. Лекин, қуритиш давомийлиги кам бўлгани учун, кўпинча қўшимча қуритиш талаб этилади. Қуритилган материал пичноқ ёрдамида жувадан кесиб олинади.

**Пурковчи қурилтичлар** эритма, суспензия ва пастасимон материалларни қуритиш учун құлланылади. Пуркаб қуритиш усулида сут кукуни, сут-сабзавот концентратлари, хамиртуриш, тужум кукуни ва бошқа маңсулотлар олинади.

Бундай қурилтичларда материал маңсус мосламаларда пуркалади ва иссиқлик әлткіч оқимида қуритилади (5.117-расм). Материалнинг қуритиш зонасида бўлиш вақти жуда қисқа, лекин юқори даражада майдаланганилиги ва намликтининг бугланиш тезлиги катталиги, унинг тез қуришига олиб келади. Шунинг учун, пурковчи қурилтичларда юқори температуралы иссиқлик әлткічларни қўллаш мумкин.



5.117-расм. Пурковчи қурилтич.

- 1 - вентилятор;
- 2 - калорифер;
- 3 - қуритиш камераси;
- 4 - диск;
- 5 - циклон;
- 6 - енгли фильтр;
- 7 - қуритилган материални тўкувчи шнек.

афзаликлари: юқори температуралы иссиқлик әлткічларни ҳам қўллаш мумкин.

**Камчиликлари:** иссиқлик әлткіч сарфи катта бўлгани учун энергия ва металл сарфи ҳам нисбатан юқори; солиширма намликтин олиш кўрсаткичи жуда паст, яъни  $20 \text{ кг}/\text{м}^3$ ; материал қурилтич деворларига ёпишиб қолади; иссиқлик әлткіч тезлиги нисбатан кичик, чунки катта тезликларда майдада зарражалар учуб кетади.

**Сублимацияли қурилтичлар.** Турли материаллардаги муз агрегат ҳолатидаги намлигини вакуум остида бутга (суюқ агрегат ҳолатидан сакраб) айлантириб сувсизлантириш жараёни сублимацияли қуритиш деб номланади. Сублимацияли қуритиш юқори вакуум, қолдиқ босим  $133,3 \dots 13,3 \text{ Па}$  ( $1,0 \dots 0,1 \text{ мм сим.уст.}$ ) бўлган оралиқ ва паст температураларда ўтказилади.

Сублимация қуритиш жараёнида материал юзасидан намликтин буг агрегат ҳолатида тарқалиш механизми ўзига хос **эффузия** усулида боради. Эффузия усулида буғ молекулаларининг эркин ҳаракати даврида молекулалар бир-бири билан ўзаро тўқнашмайди.

Сублимацияли қурилтич қуритиш камераси, конденсатор-музлаткич ва вакуум насосдан таркиб топган (5.118-расм.)


Плита ичида иссиқ сув насос ёрдамида циркуляцияли ҳаракат қиласиди. Қуритилаёттан материал тунука товаларда плита устига жойлаштириллади. Плита ва товалар орасида маълум ҳаволи бўшлиқ бўлади. Плиталардан товаларга иссиқлик нурланиш усули (радиация) ҳисобига ўтади.

Қуритиш натижасида олинган маңсулот бир хил дисперс таркибли, сочиувчан ва майдада дисперс бўлади.

**Пурковчи қурилтичлар камчиликлари:** габарит ўлчамлари ва энергия сарфи катта.

Материални пуркаш меҳаник ёки пневматик пуркагичлар ёрдамида, ҳамда айланниш частотаси  $4000 \dots 20000 \text{ мин}^{-1}$  бўлган марказдан қочма дискда амалга оширилади. Қурилтичда материалнинг бўлиш вақти 50 с дан ортмайди. Шу қисқа вақт ичида иссиқлик ва масса алмашиниш жараёни юз беради. Пурковчи қурилтичларда фазалар параллел ва қарама-қарши йўналишда ҳаракатланиши мумкин. Бундай қурилтичлар

афзаликлари: юқори температуралы иссиқлик әлткічларни ҳам қўллаш мумкин.



5.118-расм. Сублимацияли қурилтич

1 – қуритиш камераси; 2 – плита;  
3 – тунука това; 4 - конденсатор-  
музлаткич.

Сублиматорда ҳосил бўлган сув буғи ва ҳаво аралашмаси конденсатор музлаткичга ўтади. Буғ-ҳаволи аралашма қобиқ-трубали иссиқлик алмашиниши қурилмасининг трубалар бўшлигига, трубаларро бўшлиқда эса амиак циркуляцияли ҳаракат қиласди. Қурилма трубаларида сув буғлари аввал конденсацияланади, ундан сўнг эса музлайди. Сублимацияли қурилтичларда 2 та конденсатор-музлаткич бўлади. Улар навбатма-навбат ишлайди, яъни биттасида конденсация ва музлатиш содир бўлса, иккинчисида ҳосил бўлган муз эритиб йўқотилади.

Материалдан намликтин чиқариб юбориш жараёни 3 босқичдан иборат:

- 1) қуритиш камерасида босим пасайиши билан намликтин ўз - ўзидан музлайди ва материалдан чиқсан иссиқлиги ҳисобига муздан буғга айланади. Бу босқичда 15% намликтин йўқотилади;
- 2) намликтин асосий қисми сублимация йўли билан қуритиш жараёнинг ўзгармас тезлик даврида йўқотилади;
- 3) қолдиқ намликтин материалдан иссиқлик ёрдамида йўқотилади.

Сублимацияли қуритиш оз микдорда паст температурали ( $40\ldots50^{\circ}\text{C}$ ) иссиқлик элтич сарфланади. Лекин, умумий энергия ва эксплуатацион сарфлар бошқа қуритиш (диэлектрик қуритишдан ташқари) усуllibарига қараганда юқори.


Шунинг учун, бу қуритиш усули қимматбаҳо моддалар, юқори температурага чидамсиз ва биологик хоссалари узоқ муддат давомида сақланиб туриши керак бўлган материалларни (гўшт, мева, сабзавот, медицина ва фармацевтика маҳсулотлари) қуритиш учун ишлатилади.

Энергия сарфи бўйича сублимацияли қуритиш, атмосфера босимида қуритишга яқинроқ туради.

**Терморадиацияли қурилтичлар.** Бу қурилтичларда материал таркибидаги намликтин буғлатиши учун зарур иссиқлик инфрақизил нурлар орқали узатилади. Иссиқлик инфрақизил нурланишга мосланган лампалар ёки ўта қиздирилган керамик ёки металл юзалардан тарқалади. Инфрақизил нурланишли лампалар оддий ёритиш лампаларидан қиздириш температураси билан фарқ қиласди. Нурланиш оқимини нам материалга йўналтириш учун парабола шаклини рефлекторлар ишлатилади.

Ушбу усульда қуритиш даврида материал юза бирлигига контактли қуритишга қараганда вақт бирлигига анча кўпроқ иссиқлик тўғри келади. Натижада, жараён интенсивлашади. Масалан, юпқа қатламли материалларни инфрақизил нурлар ёрдамида қуритиш давомийлиги  $30\ldots100$  марта гача қисқаради.

Газ билан иситиладиган радиацияли қурилтич тузилиши 5.119-расмда көлтирилган. Бундай қурилтичлар тузилиши содда ва лампали қурилтичларга нисбатан арzon.



**5.119-расм. Радиациялы қурилма.**

1-конвейер; 2-газодувка; 3-газ горелкаси; 4-нур тарқатгич; 5-чикиш трубаси.


Нур тарқатувчи қурилманинг пастки қисмиде газ ёқилади. Газ ёниши оқибатида нур тарқатувчи қурилма қызыйди, сүнгра инфрақызыл нурларни тарқатади. Нур тарқатгич нам материал хоссаларига қараб танланади. Юқори сифаттеги маҳсулот олиш учун мураккаб жараёнлардан (масалан, радиациялы ва конвектив усулларни бир вақтда қўллаш) фойдаланилади.

Намликнинг термодиффузиян оқими материал сиртидан намлик диффузияга ҳалақит бермаслиги, ҳамда терморадиациялы қуритиш жараёнини интенсивлаш учун қурилма осцилляцияли режимда ишлаши керак.

Терморадиациялы қурилма тузилиши ихчам, юпқа қатламли материалларни қуритишда юқори самара беради. Лекин, унинг энергия сарфи нисбатан кўп, яъни 1 кг намликни буглатиш учун 1,5...2,5 кВт-соат энергия зарур.

Юқори частотали (диэлектрик) қурилмачлар қалин қатламли материалларни қуритиш учун мўлжалланган. Бу қуритиш усулида материалнинг юзаси ва қалинлиги бўйлаб температура ва намликни ростлаш мумкин. Ушбу қурилмачда пластмасса ва диэлектрик хоссаларга эга бўлган материалларини, ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини қуритиш мумкин.

Диэлектрик қурилмачлар лампали юқори частотали генератор, қурилма ва лентали конвейердан таркиб топган (5.120-расм).



**5.120-расм. Юқори частотали қурилма.**

1-конденсатор пластинкаси; 2-куритиш камераси; 3-лентали конвейер; 4-лампали, юқори частотали генератор; 5-тўғрилагич.

Частотаси 50 Гц ли ўзгарувчан ток тўғрилагич орқали генераторга узатилиди. Генераторда ток юқори частотали токка айлантирилади. Сўнг, бу ток лентали конвейернинг икки томонида жойлашган конденсатор пластинкаларига юборилади.

Конденсатор пластинкалари заряд ишоралари ўзариши билан юқори частотали майдон таъсирида материал ион ва электронлари синхрон равища ҳаракат йуналиши ўзгаради. Диполь молекулалар айланма ҳаракатланса, электр зарядлар силжиши туфайли қутбсиз молекулалар қутбланади.

Юқорида қайд этилган ҳодисалар оқибатида материалда иссиқлик ажрабчиқади ва у қызийди. Электр майдон кучланишини ўзгартириб қуритиш тезлигини ростлаш мүмкін.

Бу усулда намликтар температура градиентларнинг йўналиши бир хил бўлади. Натижада, намликтар диффузияси тезлашади. Шунинг учун бу қуритиш усули тезлиги, конвектив қуритиш тезлигидан анча катта.


Диэлектрик қуритиш жараёни учун кўп микдорда энергия зарур. 1 кг намликтар буглатиш учун 2,5...5 кВт·соат энергия сарфланади.

Бу турдаги қуритичлар тузилиши мураккаб ва қиммат. Шунинг учун, юқори частотали қуритичлар қимматбаҳо материалларни сувсизлантириш учун ишлатиш мақсадга мувофиқ, яъни иқтисодий жиҳатдан самарали.

#### 5.47. Қуритичларни ҳисоблаш

Бу қурилмалар атмосфера босимда узлуксиз равишида турли сочишувчан ва донасимон материалларни тутунли газлар ёки иссиқ ҳаво билан қуритиш учун ишлатилади. Улар цилиндрсimon корпусдан иборат бўлиб, горизонтга нисбатан жуда кичик оғиш бурчагида жойлаштирилади. Барабан иккита роликли таянчларга жойлаштирилган бўлиб, электр юриткич ва редуктор ёрдамида айлантирилади. Айланиш сони 5-8 айл/мин. Барабан ичидаги насадкалар ўрнатилган бўлиб, улар фазалараро таъсир юзасини ошириш учун кўлланилади. Насадкалар барабаннинг кўндаланг кесими бўйича материални бир мөърда тарқатиш ва аралаштиришни таъминлайди. Материал ва иссиқлик элткич бир-бирига нисбатан тўғри йўналишда берилса, барабаннинг ичидаги материал ўта қызаб кетмайди, чунки бу шароитда юқори температураги иссиқлик элткич катта намликка эга бўлган материал билан ўзаро таъсирда бўлади. Барабанли қуритичлар узулиги  $L$  ва ташки диаметри  $D$  бўйича танланади.

Нам материал бункер 1дан таъминлагич 2 орқали айлануб турган барабан 3га берилади. Материал билан бир хил йўналишда барабанга иссиқлик элткич берилади. У ёқилғи ўтхонаси 4 да ёнишида ҳосил бўлган газларни аралаштириш камераси 5 да ҳаво билан аралаштириш натижасида ҳосил бўлади. Ҳаво ўтхона ва аралаштириш камерасига вентиляторлар 6 ва 7 ёрдамида берилади (5.121- раем).



5.121-расм. Барабанли қуритичнинг принципиал схемаси.

- 1 - бункер;
- 2 - таъминлагич;
- 3 - қуригувчи барабан;
- 4 - ўтхона;
- 5 - аралаштириш камераси;
- 6,7,11 - вентиляторлар;
- 8 - оралиқ бункер;
- 9 - транспортер;
- 10 - циклон;
- 12 - тишли узатма.


Куритилган материал барабаннинг бошқа томонидан бункер 8 га тушади ва ундан транспортер 9 га ўтади.

Ишлатилган газлар атмосферага чиқариб юборишдан аввал майдада заррачалардан циклон 10 да тозаланади ва керак бўлса яна қўшимча тозаланилади.

Куритувчи элткич барабан орқали вентилятор 11 ёрдамида узатилади. Узатилиш даврида унча катта бўлмаган сийракланиш ҳосил бўлади ва бу эса куритувчи элткичнинг барабанли қуритич тешклари орқали йуқотилишига йўл қўймайди.

Барабан электр юриткич ва тишли узатма 2 ёрдамида айлантириб турилади.

Барабаннинг ичидаги материални бир меъорда тарқатиш, аралаштириш ва ўйналтириш учун насадка жойлаштирилган. Куритилаётган материал доналарининг ўлчамига ва хоссаларига қараб, ҳар-хил насадкалардан фойдаланилади. Катта бўлакли ва ёпишиб қолиш хусусиятига эга бўлган материалларни куритишда кўтарувчи парракли насадкалар, ёмон сочилувчан ва юқори зичликка эга бўлган катта бўлакли материалларни куритиш учун секторли насадка; кичик бўлакли, тез сочилувчан материалларни қуритишда тарқатувчи насадка ишлатилади; майдада қилиб эзилган, чанг ҳосил қилувчи кукун материалларни берк ячейкали, довонсимон насадкалар бўлган барабанларда қуритиш мақсадга мувофиқдир. Айрим шароитларда мураккаб насадкалардан фойдаланса ҳам бўлади (5.122-расм).



**5.122-расм. Барабанли қуритич насадкаларининг турлари ва уларнинг тўлдирилиши козефициентлари  $\beta$ .**

1 - кўтарувчи - парракли,  $\beta = 12\%$ ; 2 - худди аввалгидек,  $\beta = 14\%$ ;  
3 - тақсимловчи,  $\beta = 20,6\%$ ; 4 - тақсимловчи, ёпиқ ячейкали,  
 $\beta = 27,5$ .

### I. Куритиш қурилмасининг ҳисоби

1. Курилманинг қуритилган модда бўйича унумдорлиги:

$$G = 10 \text{ m}/\text{сант}$$

2. Материал заррачаларининг ўлчамлари ( $\text{NaCl}$ ):

$$\begin{aligned} d &= 2,0-1,5 \text{ мм} & - 25\% \\ d &= 1,5-1,0 \text{ мм} & - 75\% \end{aligned}$$

3. Материалнинг намлиги ( $\text{NaCl}$ ):

$$\text{бошланғич} \quad w_1 = 6,0\%$$

$$\text{охирги} \quad w_1 = 0,2\%$$

4. Боку шаҳри учун нам ҳавонинг параметрлари

январь	июль
температура	$t = +3,4^{\circ}\text{C}$
нисбий намлик	$\varphi_0 = 82\%$

$$t = +25,3^{\circ}\text{C}$$

$$\varphi_0 = 65\%$$

5. Иssiқ ҳавонинг температураси

барабанга киришда -  $t = 160^{\circ}\text{C}$   
барабандан чиқишида -  $t = 60^{\circ}\text{C}$

### 1. Моддий баланс

Моддий баланс тенгламасидан қутиши давомида буғлатилган намлик  $W$  миқдорини аниқлаймиз.

$$W = G_k \cdot \frac{w_1 - w_2}{100 - w_1}$$

$$G_2 = 10 \text{ m} / \text{сoam} = \frac{10 \cdot 1000}{3600} = 2,778 \text{ кг/с}$$

$$W = 2,778 \cdot \frac{6 - 0,2}{100 - 6} = 0,171 \text{ кг/с}$$

### II. Қутишига сарфланган ҳаво ва иссиқликни аниқлаш

Қутикичнинг ички иссиқлик балансини ёзамиш:

а) Қиши фасли учун:

$$\Delta = c \cdot \theta_1 + q_k - (q_{mp} + q_m + q_u)$$

Бу ерда:

$c$  - сувнинг иссиқлик сифими,  $c = 4190 \text{ кДж/кг К}$ ;

$q_k$  - кўшимча ички калорифер берган иссиқлик миқдори,  $q_k = 0$ ;

$q_{mp}$  - транспорт қурилмалари билан кирган иссиқлик миқдори,

$$q_{mp} = 0;$$

$q_u$  - атроф мұхиттага йўқотилган иссиқлик миқдори, таҳминан иситишга сарфланган иссиқлик миқдорининг 10% ни олса бўлади;

$q_m$  - модданни иситишга сарфланган иссиқлик миқдори,

$$q_m = G_k \cdot c_m \cdot (\theta_2 - \theta_1) / W$$

$\theta_2$  - модданинг қутикичдан чиқишидаги температураси қутиувчи элтичининг ҳўл термометр температурасига тенг деб оламиш.

$$\theta_2 = t_x = 42^{\circ}\text{C}$$

Рамзиннинг  $I - x$  диаграммасидан аниқланади.

$c_m$  - материалнинг иссиқлик сифими [6]:

$$c_m = \frac{c_{Na} + c_{Cl}}{M_{(NaCl)}}$$


$$Na = 26,0 \text{ кЖ/кг·К} ; \quad Cl = 26,0 \text{ кЖ/кг·К}$$

$$c_m = (26+26)/56 = 0,88 \text{ кЖ/кг·К}$$

$$q_m = 2,778 \cdot 0,88 \cdot (42 - 3,4) / 0,171 = 551,83 \text{ кЖ/кг·К}$$

$$\Delta = 4,19 \cdot 3,14 - 551,83 - 22,6 = -560,185 \text{ кЖ/кг·К}$$

Куритиши жараёнига сарфланган солишиштірма ҳаво ва иссиқлик сарфларини аниклаш учун  $I$ - $x$  диаграммада куритиши жараёни ифодаланади (5.123-расм).



5.123-расм. Нам ҳавонинг  $I$ - $x$  диаграммаси.

Боку шаҳри учун ҳавонинг ўртача температураси ва нисбий намлиги аникланади

a) Қиши фасли учун  $t_o = +3,4^{\circ}\text{C}$  ва  $\phi_o = 82\%$ .

Шу параметрлар бўйича диаграммада " $A$ " нуқта топилади, яъни калориферга кираётган ҳавонинг параметрларини кўрсатувчи нуқтани топамиз. " $A$ " нуқтадан, яъни ўзгармас нам сақлаш чизиги бўйича тўғри чизик ўтказиб, берилган куритиши температураси билан кесишган " $B$ " нуқтани топамиз. Бу нуқта калориферда иситилган ва куриткичга кираётган ҳавонинг параметрлари  $x_I = x_o$ ,  $t_I$ ,  $I_I$  - ларни кўрсатади.  $AB$  чизик ҳавони калориферда иситиш жараёнини ифодалайди. Калориферда ҳаво қиздирилганда унинг нам сақлаши ўзгармайди. " $B$ " нуқтадан  $I_I$  чизигини - ўзгармас энталпия чизигини ўтказамиз. Шу  $I_I$  чизигида ихтиёрий бир нуқта "e" олинади ва ундан AB чизигига перпендикуляр

туширилди ва ҳосил бўлган " $e$ " деб белгилаймиз. Сўнг  $ef$  кесманинг узунлиги ўлчанади -  $ef = 2,4 \text{ см} = 24 \text{ мм}$ . Ниҳоят, қуритишнинг идеал жараёндан фарқи  $eE$  кесманинг узунылиги ҳисобланади.

$$eE = ef \cdot \frac{\Delta}{M} = 24 \cdot \frac{(-560,185)}{1250} = 10,75 \text{ мм}$$

бу ерда  $M = 1250$  -  $I$ - $x$  диаграмма масштаби.

Диаграммада  $eE$  кесмани " $e$ " нуқтадан пастга  $x = \text{const}$  чизик бўйича ўтказамиш, чунки  $\Delta < 0$ . "В" нуқтадан " $E$ " нуқта орқали тўғри чизик ўтказиб, берилган  $t_2 = 60^\circ\text{C}$  чизиги билан кесишгунча давом эттирамиз. Кесишган нуқтани " $C$ " деб белгилаймиз ва бу нуқта қуритиш қурилмасидан чиқаётган ҳавонинг параметрлари  $x_2$ ,  $t_2$ ,  $I_2$ ,  $\varphi_2$  ни кўрсатади:

$$x_2 = 0,029 \text{ кг/кг} \text{ ва } I_2 = 136 \text{ кЖ/кг} \text{ (I - x диаграммадан топилади).}$$

Қиши фаслида қуритиш жараёнига кетган солиширма ҳаво сарфи:

$$x_o = x_1 = 0,003 \text{ кг/кг} \quad l = \frac{1}{x_2 - x_0} = \frac{1}{0,029 - 0,003} = 38,46 \text{ кг/кг}$$

Ҳавонинг умумий сарфи

$$h = l \cdot W = 38,46 \cdot 0,171 = 6,58 \text{ кг/с}$$

Сарфланган солиширма иссиқлик миқдори эса:

$$I_o = 11 \text{ кЖ/кг} \quad q = \frac{I_2 - I_o}{x_2 - x_0} = \frac{136 - 11}{0,029 - 0,003} = 4707,69 \text{ кЖ/кг}$$

ва умумий иссиқлик сарфи:

$$Q = q \cdot W = 4707,69 \cdot 0,171 = 622,12 \text{ кВт}$$

Калорифердаги иссиқлик сарфи:

$$q_k = \frac{I_2 - I_o}{x_2 - x_0} = \frac{169 - 11}{0,029 - 0,003} = 6076,9 \text{ кЖ/кг}$$

$$I_1 = 169 \text{ кЖ/кг} \quad I - x \text{ диаграммадан топилади.}$$

6) Ёз фасли учун.

$$\Delta = c \cdot \theta_1 + q_k - (q_{mp} + q_m + q_u)$$

$$c = 2,95 \quad 4,19 = 12,36 \text{ кЖ/кг} \cdot \text{К}$$

$$q_k = 0; \quad q_{mp} = 0; \quad q_m = G_2 \cdot c_m \cdot (\theta_2 - \theta_1) / W;$$

$$\theta_2 = 42^\circ\text{C} = t_m \text{ (I - x диаграммадан)}$$

$$\theta_1 = t_0 = 25,3^\circ \text{ (Боку шаҳри учун)}$$

$$q_m = 2,778 \cdot 0,88 \cdot (42 - 25,3) / 0,171 = 238,746 \text{ кЖ/кг}$$

$$\Delta = 12,36 \cdot 42 - 238,746 - 23,87 = 257,77 \text{ кЖ/кг}$$

Нам ҳаво параметрларини, ҳавонинг солиштирма ва иссиқлик сарфини ёз фасли учун аниқлаймиз. Бунинг учун  $I$ - $x$  диаграммада қуритиш жараёнини ифодалаймиз.

$$ef = 94 \text{ мм}; M = 1250; Ee = ef \cdot \frac{\Delta}{M} = 94 \cdot \frac{297,77}{1250} = 19,5 \text{ мм}$$

Сўнг,  $I$ - $x$  диаграммадан:

$$x_0 = 0,014 \text{ кг/кг}; \quad x_2 = 0,0525 \text{ кг/кг};$$

$$I_0 = 55 \text{ кЖ/кг}; \quad I_1 = 192 \text{ кЖ/кг}; \quad I_2 = 195 \text{ кЖ/кг}.$$

$$l = \frac{1}{x_2 - x_0} = \frac{1}{0,0525 - 0,014} = 25,98 \text{ кг/кг}$$

$$L = l \cdot W = 25,98 \cdot 0,171 = 4,13 \text{ кг/с}$$

$$q = \frac{I_2 - I_0}{x_2 - x_0} = \frac{195 - 55}{0,0525 - 0,014} = 3381,64 \text{ кЖ/кг}$$

$$Q = q \cdot W = 3381,64 \cdot 0,171 = 578,26 \text{ кВт}$$

$$G_2 = 10 \text{ м/соат} = \frac{10 \cdot 1000}{3600} = 2,778 \text{ кг/с}$$

$$q_k = \frac{I_1 - I_0}{x_2 - x_0} = \frac{162 - 55}{0,0525 - 0,014} = 3309,18 \text{ кЖ/кг}$$

Ез ва қиши фасллари учун топилган сарфларни солиштирамиз:

$$\begin{aligned} L_{киш} &= 6,58 \text{ кг/с} > L_{е3} = 4,13 \text{ кг/с} \\ Q_{киш} &= 822,12 \text{ кВт} > Q_{е3} = 578,26 \text{ кВт} \end{aligned}$$

## *II. Барабанини қуриткичнинг асосий ўлчамларини аниқлаш*

Барабанинг ҳажмини топамиз:

$$V_{бап} = \frac{W}{A_v} \cdot 3600 = \frac{0,171 \cdot 3600}{7,2} = 85,5 \text{ м}^3$$

бу ерда  $A_v$  барабанинг намлик бўйича кучланиши,  $A_v = 7,2 \text{ кг}/(\text{м}^3 \text{ соат})$  [16,128].

Барабанинг ҳажми бўйича 9,3-жадвалдан барабанинг асосий ўлчамларини [128], яъни №7208 сериясини танлаймиз. Ушбу сонли барабанинг асосий параметрлари қўйидагича:

- барабанинг ички диаметри, м	2,8
- барабанинг узунлиги, м	14
- деворларнинг қалинлиги, мм	14
- қуритиш ҳажми, м.	86,2
- ячейкалар сони, дона	51
- айланиш тезлиги, айл/мин	5
- умумий массаси, т	70
- истеъмол қилинадиган қувват, кВт	25,8

Ҳавонинг барабандаги ҳақиқий тезлиги ушбу формулада аниқланади:

$$w_x = V_x / (0,785 \cdot d^2)$$

бу ерда  $V_x$  - қурилувчи элткичнинг барабандан чиқишдаги ҳажмий сарфи:

$$V_x = L \cdot V_o \cdot \frac{(T_o + t_{\text{ср}})}{T} \cdot \left( \frac{1}{M_1} + \frac{\lambda_{\text{ср}}}{M_2} \right)$$

$$t_{\text{ср}} = (t_1 + t_2)/2 = (160 + 60)/2 = 110^{\circ}$$

$$\lambda_{\text{ср}} = (\lambda_1 + \lambda_2)/2 = (0,003 + 0,029)/2 = 0,016 \text{ м} \cdot \text{К} / \text{Вт}$$

$$V_x = 6,58 \cdot 22,4 \cdot \frac{273 + 110}{273} \cdot \left( \frac{1}{29} + \frac{0,016}{16} \right) = 7,31 \text{ м}^3/\text{с}$$

$$w_x = 7,31 / (0,725 \cdot 2,8^2) = 1,2 \text{ м/с}$$

Материалнинг барабанда ўртача бўлиш вақти:

$$\tau = \frac{G_m}{G_2 + (W/2)}$$

$G_m$  - барабандаги материалнинг сарфи:

$$G_m = V \cdot \beta \cdot \rho_m$$

бу ерда  $V$  - қурилкичнинг ҳажми,  $86,2 \text{ м}^3$ ;  $\rho_m$  - материалнинг «тўқма» зичлиги  $\rho_m = 1200 \text{ кг/м}^3$  [6,16];  $\beta$  - барабаннинг тўлдирилиш даражаси, ушбу мисолдаги насадка учун  $12\%$  [128].

$$G_m = 86,2 \cdot 0,12 \cdot 1200 = 12412,8 \text{ кг}$$

унда:

$$\tau = \frac{12412,8}{2,778 + 0,171/2} = 4335 \text{ с}$$

Барабаннинг оғиши бурчаги қўйидаги формуладан аниқланади:

$$\alpha' = \left( \frac{30 \cdot l}{d \cdot n \cdot \tau} + 0,007 \cdot w_x \right) \cdot \frac{180}{\pi}$$

бу ерда  $l$  - барабаннинг узунлиги,  $14 \text{ м}$ ;  $n$  - айланишлар сони,  $5 \text{ айл/мин}$ ;  $d$  - барабаннинг диаметри,  $2,8 \text{ м}$ .

$$\alpha' = \left( \frac{30 \cdot 14}{2,8 \cdot 5 \cdot 4335} + 0,007 \cdot 1,2 \right) \cdot \frac{180}{3,14} = 0,88^{\circ}$$

Агар  $\alpha^I$  нинг қиймати жуда кичик бўлса ( 0,5 дан кам ), барабаннинг айланыш сони  $n$  камайтирилади ва ҳисоб қайтарилади.

Материалнинг энг кичик заррачалари курилмадан ҳаво билан чиқиб кетмаслиги учун, унинг тезлигини ҳисоблаймиз. Бунинг учун модданинг чиқиб кетиш тезлигини, яъни эркин учиш тезлигини топамиз:

$$w_3 = \frac{\mu_{y,p}}{d \cdot \rho_{y,p}} \cdot \left( \frac{Ar}{18 + 0,575\sqrt{Ar}} \right)$$

бу ерда  $\rho_{y,p}$  - куритувчи элткичнинг зичлиги.

$$\rho_{y,p} = [m_x \cdot (p_o - p) + m_c \cdot p] \cdot \frac{T}{v_o \cdot p_o \cdot (T + t_{y,p})}$$

бу ерда  $p$  - нам ҳаводаги буғларнинг парциал босими.

$$p = \frac{x/M_c \cdot p_o}{1/M_x + x/M_a}$$

$p_o = 10^5$  Па, чунки қурилма атмосфера босими остида ишлайди.

курилмага киришдаги:

$$p_1 = \frac{0,003/18 \cdot 10^5}{1/29 + 0,003/18} = 480,81 \text{ Па}$$

курилмадан чиқишидаги:

$$p_2 = \frac{0,029/18 \cdot 10^5}{1/29 + 0,029/18} = 4463,64 \text{ Па}$$

унда ўртача  $p$

$$p = (480,81 + 4463,64) / 2 = 2472 \text{ Па}$$

ва зичлик:

$$\rho_{y,p} = [29 \cdot (10^5 - 2472) + 18 \cdot 2472] \cdot \frac{273}{22,4 \cdot 10^5 \cdot [273 + 110]} = 0,91 \text{ кг} / \text{м}^3$$

Архимед критерийини аниқлаймиз:

$$Ar = d^3 \cdot \rho_s \cdot \rho_{y,p} \cdot g / \mu_{y,p}^2$$

бу ерда  $\rho_s$  - куритилаётган материал заррачаларининг зичлиги,  $\rho_s = 2165 \text{ кг} / \text{м}^3$  [129];  $\mu_{y,p}$  - ҳавонинг ўртача температурадаги қовушоқлиги,  $\mu_{y,p} = 0,022 \cdot 10^{-3} \text{ Па} \cdot \text{с}$  [130].

$$Ar = \frac{(1 \cdot 10^{-3})^3 \cdot 2165 \cdot 0,91 \cdot 9,8}{(0,022 \cdot 10^{-3})^2} = 39891468 \cdot \frac{10^6}{10^9} = 3,99 \cdot 10^4$$

ва чиқиб кетиш тезлиги

$$w_2 = \frac{0,022 \cdot 10^{-3}}{1 \cdot 10^{-3} \cdot 0,91} \cdot \left( \frac{3,99 \cdot 10^4}{18 + 0,575 \cdot \sqrt{3,99 \cdot 10^4}} \right) = 7,3 \text{ м/с}$$

Ҳавонинг қурилмадаги тезлиги 1,2 м/с ва бу 7,3 м/с дан анча кам. Демак, заррачалар қурилмадан ҳаво билан чиқиб кетмайди, чунки  $w_x < w_u$

Агар бу сон аксингча каттароқ бўлса, ҳаво тезлиги камайтирилади ва ҳисоб қайтадан ўтказилиши керак.

### *III. Қуритиш қурилмасининг гидравлик ҳисоби.*

Иссиқ элткич қуриткич ичида ва каналларда ҳисобат қилганда гидравлик қаршиликлар ҳосил бўлади. Улар ишқаланиш  $\Delta P_u$ , ма ҳаллий  $\Delta P_{m.k}$ , қурит-кичининг ичидаги  $\Delta P_k$ , калорифер ва чанг тозаловчи қурилма қаршиликларидан ҳосил топади:

$$\Delta P = \Delta P_u + \Delta P_{m.k} + \Delta P_k + \Delta P_{kal} + \Delta P_q$$

1) Ишқаланиш қаршиликлари туфайли йўқотилган босимни аниқланади:

$$\Delta P_u = \lambda \cdot \frac{l}{d} \cdot \frac{w^2 \rho}{2}$$

бу ерда  $\lambda$  - ишқаланиш қаршилиги коэффициенти, ва у ҳисобат режимига боғлиқ;

$$Re = \frac{w \cdot d \cdot \rho}{\mu}$$

бу ерда  $w$  - қуритувчи элткичнинг трубадаги тезлиги, одатда уни 10 - 20 м/с атрофида олиш мумкин [5,129];  $d$  - трубанинг диаметри, секундли сарф тенгламасидан аниқланади

$$d = \sqrt{\frac{V_c}{0,785 \cdot w}}$$

бу ерда  $V_c$  - қуритувчи элткичнинг секундли ҳажмий сарфи:

$$V_c = \frac{L}{\rho}$$

бу ерда  $\rho$  - ҳавонинг зичлигиги, одатда у атроф мухит температурасида олинади.

$t_o = + 3,4^\circ\text{C}$  (Боку шаҳри учун қиши фаслида).

$$\rho = \frac{M \cdot 273}{22,4 \cdot (273 + t)} = \frac{29 \cdot 273}{22,4 \cdot (273 + 3,4)} = 1,28 \text{ кг/м}^3$$

ва унда

$$V = \frac{6,58}{1,28} = 5,14 \text{ м}^2/\text{с}$$

Трубанинг диаметри:

$$d = \sqrt{\frac{5,14}{0,785 \cdot 20}} = 0,570 \text{ м}$$

ва

$$Re = \frac{20 \cdot 0,57 \cdot 1,28}{\mu} = \frac{20 \cdot 0,57 \cdot 1,28}{0,017 \cdot 10^{-3}} = 858353$$

яьни турбулент режим [6,130]:

$$\begin{aligned}\lambda &= 0,11 \cdot (e + 68/Re)^{0,25} \\ e &= \frac{\Delta}{d}; \quad \Delta = 0,08; \quad e = 0,0002 \\ \lambda &= 0,11 \cdot \sqrt[4]{0,0002 + 68/858353} = 0,0142\end{aligned}$$

Бу ерда  $l$  - трубанинг узунлиги. Вентилятор жойлашишига қараб олина-ди, бизнинг мисол учун  $l = 2$  м деб ҳисоблаймиз (5.121-расм).

$$\Delta P_u = 0,0142 \cdot \frac{2}{0,57} \cdot \frac{20^2 \cdot 1,28}{2} = 12,78 \text{ Па}$$

2) Маҳаллий қаршиликларни енгишда йўқотилган босим:

$$\Delta P_{m,k} = \sum \xi \cdot \frac{w^2}{2} \rho$$

бу ерда  $\sum \xi$  - маҳаллий қаршилик коэффициентларини иловадаги 5-7 жадвалдан аниқлаймиз [5]:

- |  |                                   |
|--|-----------------------------------|
| 1. Трубага кириш   | $\xi = 0,5$                       |
| 2. Трубадан чиқиши                                       | $\xi = 1,0$                       |
| 3. Тўғри бурчак ( $90^\circ$ ) остида трубанинг бурилиши | $\xi = 1,1$                       |
| 4. Нормал вентил<br>иккита бўлгани учун                  | $\xi = 5,5$<br>$5,5 \cdot 2 = 11$ |

$$\Delta P_{m,k} = (0,5 + 1 + 1,1 + 11) \cdot \frac{20^2 \cdot 1,28}{2} = 3481,6 \text{ Па}$$

Чанг тозалагич сифатида циклон олсак:

$$\begin{aligned}\Delta P_u &= \xi \cdot w_{ax}^2 \cdot \rho / 2; \\ \rho &= \frac{M \cdot 273}{22,4 \cdot (T + t)} = \frac{29 \cdot 273}{22,4 \cdot (273 + 60)} = 1,1 \text{ кг/m}^3\end{aligned}$$

$\xi = 6$  циклон АТИ учун [127],

$$\Delta P_u = 6 \cdot 20^2 \cdot 1,1 / 2 = 1320 \text{ Па}$$

Күритиши барабанининг қаршилиги  $\Delta P_b = 100$  Па [19] ва калорифер-нинг қаршилиги  $\Delta P_k = 200$  Па [19,128].

$$\Delta P = 12,76 + 3481,6 + 200 + 100 + 1320 = 5798,36 \text{ Па}$$

#### **IV. Вентиляторни танлаш**

Вентилятор асосан икки параметр: ҳавонинг ҳажмий сарфи ва напори орқали танланади:

$$V_c = \frac{h_{max}}{\rho} = \frac{6,58}{1,28} = 5,14 \text{ м}^3/\text{s}$$

$$H = \frac{\Delta P}{\gamma} = \frac{\Delta P}{\rho \cdot g} = \frac{5498,36}{1,28 \cdot 9,8} = 439,87 \text{ м}$$

бу параметрлар орқали [127] ёки иловадаги 15 жадвалдан [5] газодувка ТВ - 450 - 1,08 ни танлаймиз, у  $V = 5,86 \text{ м}^3/\text{s}$  ва  $\Delta P = 6000$  Па га тўғри келади.

Газодувканинг **A02-82-2** маркали электр юриткичи  $N = 55 \text{ кВт}$  қувватга эга.

#### **V. Калорифер ҳисоби**

Нам ҳавони иситиш учун кўпинча буғ билан ишлайдиган пластинали калориферлар ишлатилади.

Калориферни танлаш учун иситиш юзасини аниқлаш керак:

$$F = \frac{Q}{k \Delta t_{yp}}$$

бу ерда  $Q$  - ҳавони иситишга сарфланган иссиқлик миқдори:

$$Q = h_{max} \cdot c_x \cdot (t_1 - t_o);$$

бу ерда  $c_x$  - ҳавонинг иссиқлик сигими,  $c_x = 0,241 \text{ кЖ/кг}\cdot\text{К}$  [25];  $t_1 = 160^\circ\text{C}$ ;  $t_2 = 3,4^\circ\text{C}$ .

$$Q = 6,58 \cdot 0,24 \cdot (160 - 3,4) = 248,3 \text{ кЖ/с},$$

бу ерда  $k$  буғдан ҳавога иссиқлик ўтказиш коэффициенти  $k = 40 \text{ Вт}/(\text{м}^2\cdot\text{К})$ ;  $\Delta t_y$  - ўргача температуралар фарқи. Буғнинг температурасини  $t_1$  ( $160^\circ\text{C}$ ) дан  $20^\circ\text{C}$  баландрок оламиз [5, 127].

Буғ конденсатга айланганда унинг температураси ўзгармайди.



$$\Delta t_{ka} = 180 - 3,4 = 176,6^\circ\text{C} \quad \frac{\Delta t_{ka}}{\Delta t_{ku}} = \frac{176,6}{20} = 8,83 > 2$$

$$\Delta t_{ku} = 180 - 160 = 20^\circ\text{C}$$

ва

$$\Delta t_{yp} = \frac{\Delta t_{ka} - \Delta t_{ku}}{2,3 \cdot \lg \frac{\Delta t_{ka}}{\Delta t_{ku}}} = \frac{176,6 - 20}{2,3 \cdot \lg 8,83} = \frac{156,6}{2,3 \cdot 0,946} = 71,2^{\circ}C$$

$$F = \frac{248,3 \cdot 10^3}{40 \cdot 71,2} = 87,2 \text{ м}^2$$

Ушбу юза бўйича КФС - 11 калорифер танлаймиз ва ундан икки дона олишимиз керак [127].

КФС - 11 нинг характеристикалари:

- |   |                            |
|---|----------------------------|
| - иссиқлик алмашиниш юзаси              | - $F = 54,6 \text{ м}^2$   |
| - массаси                               | - $m = 244,45 \text{ кг}$  |
| - баландлиги                            | - $h = 1160 \text{ мм}$    |
| - ЭНИ                                   | - $l = 960 \text{ мм}$     |
| - кўндаланг кесим юзаси, $\text{м}^2$ : |                            |
| ҳ а во бўйича                           | - $f = 0,638 \text{ м}^2$  |
| иситувчи буф бўйича                     | - $f = 0,0122 \text{ м}^2$ |

## VI. Қуриткичининг механик ҳисоби.

Барабан деворларининг қалинлиги

$$\delta = 0,007 \quad D_{бap} = 0,007 \cdot 2814 = 19 \text{ мм}$$

Барабаннинг айланиш тезлиги.

$$n = \frac{(m \ k \ L_{бap})}{(\tau \ D_{бap} \cdot \operatorname{tg} \alpha)}$$

бу ерда  $m$  - насадканинг турига боғлиқ коэффициент:  $m = 0,5$ ;  $k = 0,5 \dots 2,0$  [127,128].

$$n = \frac{(0,5 \ 2 \ 14)}{(4335 \ 2,814 \ \operatorname{tg} 24,4)} = 0,05 \text{ айл/c}$$

Одатда, қумни қуритища  $n = 3,8 \text{ айл/мин}$  қабул қилинади.

Барабанни айлантиришга сарфланган қувват:

$$N = 0,078 \ D_{бap}^3 \ L_{бap} \ \rho \ \sigma \cdot n$$

бу ерда  $\sigma$  - қувват коэффициенти, насадка турига ва барабаннинг тўлалик коэффициентига боғлиқ  $\sigma = 0,071$  [85,127].

$$N = 0,078 \cdot 2,8^3 \cdot 14 \cdot 1200 \cdot 0,071 \cdot 3 = 6,127 \text{ кВт}$$

## КРИСТАЛЛАНИШ

### 5.48. Умумий түшүнчалар

Эритмалардан эриган қаттиқ компонентларни кристалл ҳолда ажратиб олиш **кристалланиш** жараёни деб номланади.

Кристалланишга тескари жараён **эритиш** жараёни дейилади.

Кристалл деганда ҳар хил шаклдаги, текис қирралар билан чекланган бир жинсли қаттиқ моддалар тушунилади.

Кристалланиш қаттиқ моддаларни тоза ҳолда олишнинг асосий усули, чунки кристалланиш жараёнида ҳар доим шундай шароит яратиш мумкинки, кераксиз моддалар эритмада қолиб, фақат тоза модда кристалланади.

Кристалланиш жараёни кимё, нефть кимёси, металлургия, медицина, фармацевтика, озиқ – овқат ва бошқа саноатларда көнг миқёсда құлланилади. Кристалланиш жараёнини ўтказышдан мақсад: эритмалардан кристаллик фазани ажратиш; бир ва күп босқичли кристаллаш усулларида аралашмаларни ажратиш; моддаларни аралашмалардан ўта тозалаш; монокристаллар етишириш.

Кристалланиш жараёнида турли ўлчамли кристаллар, яъни сочилувчан маҳсулот олинади.

Ҳар бир модда кристалларининг ўзига хос геометрик шаклари бор. Ҳаммаси бўлиб 32 хил кристаллар симметрия ўқлар сони мавжуд ва улар 7 та кристаллографик гурухга ажратилган: кубик, тригонал, тетрагонал, гексагонал, ромбиқ, моноклин, триклин.

Бир кимёвий модда бир неча хил кристаллар ҳосил қилиши **полиморфизм** деб юритилади.

Ўз таркибида сув молекулаларини тутган кристалл **кристаллогидратлар** дейилади.

Кристалланиш жараёни рўй бериши учун бошлангич эритма ўта тўйинган ҳолатда бўлиши керак. Агар, эритмадаги эриган модда концентрацияси унинг эрувчанлигидан юқори бўлса, бундай эритмалар ўта тўйинган деб номланади. Лекин, ўта тўйинган эритмалар нотурғун система бўлгани учун, ундан эриган модданинг ортиқча миқдори ажralиб чиқади, яъни кристалланиш жараёни содир бўлади. Кристаллар ажраб чиқиши тутагандан кейин тўйинган эритма қолади.

Саноат технологик жараёни З босқичдан иборат: 1) кристалланиш; 2) кристалларни эритмалардан ажратиш; 3) кристалларни ювиш ва қуритиш.

### 5.49. Кристаллаиш статикаси ва кинетикаси


**Жараён статикаси.** Температура ортиши билан қаттиқ моддалар эрувчанлиги ўзгаришига қараб "мусбат" ёки "манфий" эрувчанликка эга бўлиши мумкин.

Агар, температура ўсиши билан моддалар эрувчанлиги ортса, унда "мусбат", аксинча бўлса "манфий" эрувчанликли бўлади.

Маълум температурада қаттиқ фаза билан мувозанатда бўлган эритма тўйинган эритма деб номланади. Бундай эритмаларда қаттиқ модда ва эритма ўртасида динамик мувозанат ҳолати мавжудdir.

Эриган модда концентрацияси унинг эрувчанлигидан катта бўлган аралашмаларга ўта тўйинган эритмалар деб номланади. Ўта тўйинган эритмалар нотурғун бўлади ва тўйинган ҳолатга осон ўтади. Бундай ўтиш даврида ўта тўйинган эритмалардан кристаллар ажralиб чиқади.

Температура ўзгариши билан эритмаларда юз берадиган ўзгаришларни ҳолат диаграммаси характерлайди (5.124-расм).



**5.124-расм.** Эритмалар ҳолат диаграммаси.  
1-1 - эрувчанлик эгри чизиги;  
2-2 - метастабил соҳа чегараси;  
А - лабил (ўзгурувчан) эритмалар зонаси; Б - метастабил эритмалар зонаси; В - барқарор эритмалар зонаси.

Демак, бундай эритмалар кристалланиши эритма температурасини пасайтириш ёки эритувчининг бир қисмини йўқотиш йўли билан ўтказиш мумкин.

Эритма эрувчалигининг температурага боғлиқлиги жуда катта бўлса, температурани камайтириб кристаллаш оптимал усулига тўғри келади.

Агар, температура ортиши билан моддалар эрувчалиги ўзгармаса, унда эритувчининг бир қисмини йўқотиш усулида кристаллаш мумкин.

**Жараён кинетикаси.** Эритмадан моддани қаттиқ фазага ўтиши, эриган моддаларнинг чегаравий қатлам орқали диффузия усулида амалга ошади. Кристалланиш жараёнигининг тезлиги чегаравий қатлам орқали эриган модда диффузияси ёки кристалл билан модда кўшилиш тезлиги ёки бир вақтнинг ўзида иккала омил билан аниқланиши мумкин.

Сахарозанинг кристалланиши жараёнини кўриб чиқамиз. Кристаллар ўлчами ўсиши жараёнида улар  $\delta$  қалинликдаги ўта тўйинган, метастабил эритма чегаравий қатлами билан ўралган бўлади. Ушбу ўта тўйинган эритмадан ортиқча сахароза молекулалари тезда ажратиб чиқади ва кристалл юзасига ёпишади. Натижада, эритма  $y_n$  концентрацияли ҳолатига ўтади.

Лекин, кристалларни маълум бир масофада ўраб турган эритмада концентрацияси  $y_n$  бўлган ўта тўйинган сахароза сақланиб туради.

Концентрациялар фарқи  $y_n$   $y_n'$  бўлгани учун эритманинг чегаравий қатлами орқали сахароза диффузия қиласи. Кристалл қирраларига яқинлашган, сахароза молекулалари кристаллик панжарага ўтади, яъни фазавий ўтиш содир бўлади. Шундай қилиб, кристаллар ўсиш тезлиги сахарозанинг диффузия ва фазаларни ажратувчи чегарада фазавий ўтиш тезликлари билан белгиланади. Агар, фазавий ўтиш тезлиги сахарозанинг диффузия тезлигидан юқори бўлса, унда сахарозанинг кристалланиш жараёнини чекловчи босқичи бўлиб унинг диффузияси ҳисобланади.

Концентрацияси лабил (ўзгарувчан) зонага тўғри келадиган эритмалар жуда тез кристалланади. Метастабил зонага оид концентрацияли эритмалар эса - нисбатан секин кристалланади, чунки жараён тезлиги эритма температураси, иссиқликни ажратиб олиш ёки эритувчини буғланиш тезлиги, аралаштириш ва бошқа омилларга боғлиқ.

Агар, температура  $t_2$  дан  $t_1$  гача ўзгарса, эритмадан жуда кам миқдорда кристаллар ажрабчиқади ва у эритма концентрацияси  $y_2$  -  $y_0$  ўзгаришига тўғри пропорционалдир.

Ўзгармас  $t_2$  температурада эритувчининг бир қисми йўқотилган тақдирда, ўта тўйинган эритма олишга эришиш мумкин. Бунда, концентрациялар фарқи  $y_{x''} - y_0$  га пропорционал миқдорда кристаллар ҳосил бўлади.

Сахароза кристалларининг ўсиш тезлиги ушбу тенглама ёрдамида ифодалаш мумкин:

$$\frac{dM}{d\tau} = \frac{D \cdot F(y_n - y_u)}{\delta} \quad (5.242)$$

бу ерда  $dM$  - вакт бирлигига кристалланган модда миқдори;  $D$  - диффузия коэффициенти;  $F$  - кристалланиш юзаси;  $y_n$  - ўта түйинган эритма ҳажмидаги модда концентрацияси;  $y_u$  - кристалл сирти атрофидаги модда концентрацияси (одатда эритма концентрациясига тенг деб қабул қилинади);  $\delta$  - концентрацияси  $y_n$  лан  $y_u$  гача ўзгарадиган эритма чегаравий қатламининг қалинлиги.

(5.242) тенгламани интегралласак, ушбу кўринишга эга бўламиш:

$$M = \frac{D \cdot (y_n - y_u) F \tau}{\delta}$$

Кристалланиш тезлиги эса:

$$\frac{M}{F \tau} = \frac{D \cdot (y_n - y_u)}{\delta} \quad (5.243)$$

Кристаллар ламинар режимда ўта түйинган эритма билан ювилаб туришини ҳисобга олсак, чегаравий қатлам қалинлиги ушбу ифодадан аниқланади:

$$\delta \approx \left( \frac{\mu}{v} \right)^{0.5} \quad (5.244)$$

бу ерда  $\mu$  - түйинган эритманинг динамик қовушоқлиги;  $v$  - кристалларнинг эритмадаги ҳаракат тезлиги. Стокс қонунига биноан  $v = I/\mu$ .

Эйнштейн назариясига биноан диффузия коэффициентининг абсолют температура  $T$  ва қовушоқлик  $\mu$  га боғлиқлиги қўйидаги функция билан ифодаланади:

$$D = \frac{kT}{\mu} \quad (5.245)$$

бу ерда  $k$  - диффузияланаётган модда табиатига боғлиқ ўзгармас катталик.

(5.244) ва (5.245) тенгламаларни (5.243) га қўйсак, ушбу кўринишга эришамиз:

$$\frac{M}{F \tau} = \frac{kT(y_n - y_u)}{\mu^2} \quad (5.246)$$

$\mu^2=1$  бўлганда, коэффициент  $k = 2318$ . Унда, (5.246) тенглама ушбу кўринишни олади:

$$\frac{M}{F \tau} = \frac{2318 \cdot (y_n - y_u)}{\mu^2} \quad (5.247)$$

бу ерда  $M/(F\tau)$  - сахарозанинг кристалланиш тезлиги,  $\text{мг}/(\text{м}^2 \cdot \text{мин})$ ;  $y_n-y_u$  - концентрациялар фарқи, грамм 100 г эритмага;  $\mu$  - түйинган эритманинг динамик қовушоқлиги,  $\text{мПа}\cdot\text{с}$ .

Кристалланиш тезлигини белгиловчى асосий омиллар: эритманинг ўта түйиниш даражаси; температура; кристалланиш марказларининг ҳосил бўлиши; аралаштириш интенсивлиги; эритмада қўшимча моддалар борлиги ва ҳ.

Кристалланиш жараёни 2 босқичдан иборат: кристалланиш марказлари ни ҳосил бўлиши ва кристалларнинг ўсиши.

**Кристалланиш марказларининг ҳосил бўлиши.** Ўта тўйинган ёки совутилган эритмаларда кристалланиш марказларини сунъий равища ҳосил қилиш мумкин. Масалан, эритмага майин дисперс заррачалар ёки "томизги" қўшиш йўли билан ёки эркин, ўз - ўзидан ҳосил бўлади.

Ўз - ўзидан кристалланиш марказларининг ҳосил бўлишига индукцион давр сабабчи, чунки бу даврда кристалланиш юз бермайди. Ушбу даврда кристаллик асослари эритма билан ҳаракатчан мувозанатда бўлади. Кристаллик асослар ва эритма орасидаги ҳаракатчан мувозанат бузилиши билан ёпласига кристалланиш бошланади. Эритмани силкитиши ёки аралаштириш ва температура ортиши билан кристалл асослари ҳосил бўлиш тезлиги қўпаяди.

**Кристалларнинг ўсиши.** Эритмада эриган модда заррачаларининг ҳосил бўлган кристаллик асосларда адсорбцияси ҳисобига бўлади.

Кристалланиш жараёнида кристалл ҳамма қирралари бўйлаб бир вақтда ўсади, лекин ўсиш тезлиги ҳар хил бўлади. Бу ҳол кристаллар ўлчами ва шаклининг ўзгаришиги олиб келади.

Кристалларнинг шакли асосан кристалланаётган модда табиатига боғлиқ. Агар, кристаллик асослар эркин ва бир текисда ювилиб турса, тўғри шакли, яхши қирра ва томонли кристаллар ҳосил бўлади. Агар қурилма девори ва аралаштириш мосламасига кристаллар ишқаланса ёки урилса, унинг қирралари силлиқланиши ҳисобига кристалл шакли бузилади, яъни маҳсулот сифати ёмонлашади.

Одатда, олинаётган кристаллар ҳар хил бўлиши, эритмани ёмон аралаштирилиши билан боғлиқдир. Лекин, эритма интенсив аралаштирилиши бир томондан кристалланиш тезлигини ошиrsa, иккинчи томондан - майда кристаллар ҳосил бўлишига сабабчи бўлади.

Олинган маҳсулот гранулометрик таркибини яхшилаш мақсадида класификация қилинади.

Кристаллар тозалиги кристалланиш жараёнини ўтказиш шароитларига, ҳамда кристалларни фильтрлаш ва ювишга боғлиқ.

## 5.50. Кристалланиш усуллари

Кристалланиш жараёнини даврий ва узлуксиз ташкил этиш мумкин. Даврий кристалланиш жараёни кам тоннажли, узлуксиз эса - кўп тоннажли ишлаб чиқаришда қўлланилади.

Саноат миқёсида қуйидаги кристалланиш усулларидан фойдаланади: эритмалардаги эритувчининг бир қисмини буғлатиш; эритма температурасини ўзгартириб кристаллаш; комбинацияланган усуллардан фойдаланиб кристаллаш.

**Эритмадаги эритувчининг бир қисмини буғлатиб кристаллаш.** Эритувчининг бир қисмини йўқотиш учун буғланиш ёки музлатиш усулидан фойдаланиш мумкин. Эритма таркибидаги сувни ҳайдаш учун буғланиш кенг кўламда ишлатилади. Одатда бу жараён буғлатиш қурилмаларида амалга оширилади. Керакли даражадаги ўта тўйинган эритма ҳосил бўлгандан кейин, у шу қурилмада кристалланади. Ушбу усул **изотермик** кристалланиш деб аталади.

Бу усулнинг камчиликлари: ҳосил бўлаётган кристаллар иссиқлик алмашниш юзаларига ёпишиб қолади; бошланғич эритма таркибидаги аралашмалар ҳам қуюқлашади.

Курилма ичида қаттиқ моддалар ёпишиб ёки чўкиб қолмаслиги учун эритманинг циркуляция тезлиги кўпайтирилади.

Кристалларни ажратиш ва ювиш фильтр ёки центрифугаларда ўтказилади.

**Эритма температурасини ўзгартириб кристаллаш.** Бундай усул изогидрик кристаллаш деб номланади, чунки бу жараён эритмада эритувчи миқдори ўзгармас бўлган ҳолатда олиб борилади.

Кимё саноатида мусбат эрувчаникка эга тузларни кристаллаш жуда кенг тарқалган. Бундай эритмаларнинг ўта тўйинишига уни совитиш йўли билан эришилади. Жараён даврий ёки узлуксиз, погонали жойлашган бир ёки кўп корпусли курилмаларда олиб борилади. Совутувчи элткич сифатида сув ишлатилади. Ҳаво ёрдамида совутилганда жараён нисбатан секин боради, лекин йирик ва бир жинсли кристаллар ҳосил бўлади. Манфий эрувчаникка эга эритмаларни кристаллаш учун эритма қиздирилиши зарур.

**Комбинацияланган усулларга** вакуум остида, эритувчининг бир қисмини иссиқлик элткич ёрдамида буғлатиб кристаллаш ва фракцияли кристаллашлар киради.

**Вакуум остида кристаллаш.** Бу усулда эритувчи девор орқали иссиқлик узатиш йўли билан буғлатилмасдан, балки эритманинг ўз физик иссиқлигини бериш ҳисобига рўй беради. Ушбу иссиқликнинг бир қисми эритувчини (тахминан 10% масс) буғлатиш учун сарфланади. Ҳосил бўлаётган буғлар вакуум - насос ёрдамида сўриб олинади. Узатилаётган иссиқ тўйинган эритма температураси қурилмадаги босимга тегишли эритманинг қайнаш температурасигача пасаяди ва жараён адабатик кечади. Эритманинг ўта тўйиниши ҳолатига уни совитиш йўли билан эришилади, чунки концентрация бунда сезилар - сезилмас ўзгариади. Эритувчи эритманинг физик иссиқлиги ҳисобига, ҳамда кристалланиш жараёнида ажралиб чиқаётган иссиқлик ҳисобига буғланиши мумкин. Эритманинг совитиш ва кристалланиши билан бирга буғланиши унинг бугун ҳажмида содир бўлади. Бундай ҳолат курилма деворларида кристаллар ёпишиб қолишини камайтиради, ҳамда уни тозалаш билан боғлиқ сарфлар қисқаради.

**Эритувчининг бир қисмини иссиқлик элткич ёрдамида буғлатиб кристаллаш.** Бу усулда эритувчининг бир қисми эритма устида ҳаракатланаётган ҳаво ёрдамида буғланади ва эритма совутилади.

**Фракцияли кристаллаш.** Агар эритма таркибида ажратиладиган моддалар бир нечта бўлса, уни фракцияли кристаллаш усулида қайта ишланади. Бу усулда эритма температура ва концентрациясини ўзгартириш йўли билан кристаллар кетма - кет чўқтирилади ва ажратиб олинади.

### 5.51. Кристаллизаторлар конструкциялари

Ишлаш принципига қараб кристаллизаторлар даврий ва узлуксиз қурилмаларга бўлинади. Узлуксиз ишлайдиган қурилмалар ўз навбатида эритувчининг бир қисмини буғлатувчи ва эритмани совутувчи кристаллизаторларга ажралади. Ундан ташқари, мавҳум қайнаш қатламли кристаллизаторлар ҳам бўлади.

**Табиий циркуляцияли, даврий ишлайдиган, осма иситувчи камерали вакуум - кристаллизатор 5.125-расмда тасвирланган.**

Иситувчи камера конуссимон тешикли панжара ва трубалар ўрамидан таркиб топган. Трубалар ушбу панжарага развалъцовка усулида маҳкамланган.

Иситувчи камеранинг ўқи бўйлаб циркуляцион труба жойлантирилган. Курилма қобиги ва иситувчи камера орасида ҳалқасимон бўшлиқ бўлиб, унда

утфель циркуляция қилади. Қурилмада температуралар фарқи туфайли чизиқи үзайышлар пайдо бўлади. Шу сабабли, бугни узатиш учун температура деформацияларини компенсация қилувчи маҳсус мослама ўрнатилган.

Ушбу мослама иситувчи камера билан қаттиқ бирлаштирилган бўлса, қурилма қобиги билан эса - температура таъсирида ҳосил бўладиган үзайышларни бартараф қилувчи мембрана ёрдамида бирлаштирилади. Утфель циркуляциясини яхшилаш мақсадида иситувчи камера остига буғ ёрдамида пуфлаш кўлланилиди.


Вакуум - кристаллизаторларда кўлланиладиган иситувчи камера конструкциялари турли бўлиши мумкин. Ҳозирги кунда энг кенг тарқалган иситувчи камера конструкцияси - бу осма камералардир. Уларнинг тешикли панжараси конуссимон, сферик ва бошқа мурракаб шаклини бўлиши мумкин. Иситувчи буғ камеранинг трубалароро бўшлиғига, буғлагилаётган эритма эса - труба ичига юборилади.

**Узлуксиз ишлайдиган кристаллизаторлар** қуюқлаштиргич, кристалл генератори ва кристалл ўстириш камерасидан иборат. Қурилма конструкцияси кристалларни деворларга чўкиб қолмаслигини таъминловчи, интенсив циркуляцияли бўлиши керак. Ундан ташқари, унинг иссиқлик алмасиниши юқори ва бир хил катталиктаги кристаллар олишни таъминлаши керак.


5.126-расмда қанд ишлаб чиқариш саноатида кўлланиладиган узлуксиз ишлайдиган кристаллизатор конструкцияси келтирилган. Қуюқлаштиргич ва кристалл генераторлари ҳалқасимон сегмент кўринишида ясалган бўлиб, иситиш юзалари зарур ўтчамдаги трубалардан ҳосил қилинган. Қурилманинг бошқа қисмларидан қуюқлаштиргич ажратилган ва яхши зичланган. Шунинг учун ҳам, унинг ичидаги бошқа қисмларига боғлиқ бўлмаган ҳолда ортиқча босим ҳосил қилиш имкони бор. Кристалл генераторининг юқори, очиқ қисми кристалл ўстириш камераси утфель усти бўшлиғи билан бофланган. Одатда, кристалл ўстириш камераси цилиндрик кўринишида бўлиб, цилиндрик ва радиал тўсиқлар ёрдамида 4 та бўлимга ажратилган бўлади.

Турғун режим ўрнатилгандан сўнг, қиём (патока) қуюқлаштиргич ва кристалл ўстириш камерасига узатилади.

Қуюқлаштиргичдаги юқори босимда ва кристалл ҳосил бўлиш температуласидан  $10\ldots15^{\circ}\text{C}$  юқори температурада қиём концентрацияси оширилади. Сўнг эса, қуюқлаштирилган эритма кристалл генераторига юборилади ва у ерда қайнайди. Натижада эритмадаги эритувчининг бир қисми буғланади ва температураси пасаяди. Бу ҳол ўта тўйиниш коэффициентининг кескин ўсишига олиб келади. Қиёмнинг циркуляцияси даврида интенсив равишда кристаллар ҳосил бўлиб бошлайди. Қуюқлаштиргичдаги қиёмнинг ўта қизиш катталиги ва кристалл генераторига узатилаётган буғ микдори билан кристаллар таркибини ростлаш мумкин.



5.125-расм. Осма иситувчи камерали вакуум - кристаллизатор.  
1 - қобиг; 2 - иситувчи камера; 3 - бугни узатиш мосламаси; 4 - циркуляцион труба; 5 - конуссимон туб; 6 - иситувчи труба; 7 - инерцион сепаратор.




**5.126-расм. Узлуксиз ишлайдиган кристаллизатор.**

1 - куюқлаштиргич; 2 - труба; 3 - труба ҳолатини ростловчи фидирек (штурвал); 4 - кристалл генератори; 5 - күйилиш трубалари; 6 - барботер; 7 - тұқиши мосламаси; 8- кристаллар ўстириш камераси.

ми 0,5...6 мм дан ошмайды. Тогорасимон кристаллизаторлар тузилиши содда, эксплуатация қулиш күлай ва ишончлилігі юқори.

**Барабанлы кристаллизаторлар** таркибіда сув ёки ҳаволи совитиш мосламали бўлади. Ҳаво ёрдамида совутилганда, зритмадан ҳавога иссиқлик бериш коэффициенти кичик бўлади.



**5.127-расм. Лента аралаштиргичли кристаллизатор.**

1 - тогорасимон қобиқ; 2 - сувли филоф; 3 - аралаштиргичлар.

Кристалл генераторида олинган утфель вә қиём узлуксиз равишида кристалл ўстириш камерасининг биринчи бўлимига узатилади. Утфель эса биринчи бўлимдан тўртингисига оқиб ўтади, қайнатиб қуолтирилади вә тўкиш мосламаси орқали узлуксиз равишида чиқариб турилади.

Курилма ишлаши автоматик равишида бошқарилади.


**Даврий ишлайдиган кристаллизаторлар** механик аралаштиргичли ва змеевикли вертикаль, цилиндрик қурилмалардир. Бундай қурилмаларда кристаллаш жараёни ва зритмани совитиш бир вақтда олиб борилади.

**Лента аралаштиргичли** тогорасимон типдаги кристаллизатор 5.127-расмда кўрсатилган. Айрим ҳолларда лентали аралаштиргич ўрнига узлуксиз винт шаклидаги шнекли аралаштиргич ўрнатилиши мумкин.

Бу турдаги кристаллизаторда олинган кристаллар ўлчамни мөнгөн мөнгөн тузилиши содда, эксплуатация қулиш күлай ва ишончлилігі юқори.

Шунинг учун йирик, катта ўлчамли кристаллар ҳосил бўлади. Лекин, кристаллизатор иш унумдорлиги, сув билан совитиш усулига қараганда, камроқ бўлади.

Барабанли кристаллизатор айланувчи, цилиндрик барабандан ташкил топган. Одатда барабан эритма ҳаракат йўналиши бўйлаб, уфқ чизигига нисбатан маълум қиялик бурчагида ўрнатилади (5.128-расм).



**5.128-расм. Барабанли кристаллизатор.**

- 1 - қобиқ; 2 - барабан; 3 - суспензия; 4 - фидиракча; 5 - змеевик;  
6 - воронка.

Эритма барабанинг тепа қисмiga берилади ва ҳосил бўлган кристаллар унинг пастки учидан тўкилади. Барабан айланиши пайтида унинг деворлари эритма билан хўлланади ва натижада сувнинг буғланиш юзаси ортади.


Барабан қобиқ ичига жойлаштирилган бўлиб, улар орасидаги ҳалқасимон бўшлиққа совуқлик элткичлар, яъни сув ёки ҳаво юборилади. Эритма ва совуқлик элткич қарама қарши йўналишида ҳаракатланади. 1 м<sup>3</sup> эритмани совитиш учун таҳминан 5 м<sup>3</sup> сув сарфланади. Курима деворларида кристаллар чўкиб ёки ёпишиб қолиш олдини олиш мақсадида барабанинг

пастки қисми қиздириб турилади. Бунинг учун қобиқ ва барабан орасидаги бўшлиққа змеевик ўрнатилади.

**Мавхум қайнаш қатламли кристаллизаторлар** кристаллаш жараёни интенсив режимларда ўтказиш имкониятини беради (5.129-расм).

Кристалланиш жараёни эритувчининг бир қисмини буғлатиб йўқотиш ёки эритманни совитиш усуllibарida ташкил этилиши мумкин.

Циркуляцион трубада бошланғич эритма циркуляция қиласётган кристаллари ажратиб олинган эритма қолдиги билан аралашади. Сўнг, аралашма иссиқлик алмашиниши курилмасида қиздириллади, қайнаш трубаси орқали курилмага ўтади ва у ерда интенсив равиша қай-



**5.129-расм. Мавхум қайнаш қатламли кристаллизатор.**


- 1 - қобиқ; 2 - қайнаш трубаси;  
3 - йифгич; 4 - иссиқлик алмашиниши қурилмаси; 5 - насос;  
6 - циркуляцион труба; 7 - марказий трубалар.

наб буғ ҳосил қиласи. Жараён мобайнида ҳосил бўлган ўта тўйинган эритма кристаллизаторнинг пастки қисмига тушади. Бу ерда, эритманинг циркуляцияси ҳисобига мавхум қайнаш қатлами пайдо бўлади. Ҳосил бўлган йирик (2 мм гача) кристаллар қурилма тубига чўқади ва улар чиқариб юборилади.

Майда кристаллар эса, жараёнда қатнашиб, ўсишда давом этади ёки йигтич З орқали чиқарилади.

Мавхум қайнаш қатламида суспензиянинг интенсив аралашиши туфайли эритмада модданинг диффузия тезлиги ортади ва кристалларнинг ўсиш жараёни тезлашади. Бунда, эритманинг ўта тўйиниш даражаси камаяди ва кристалларнинг ўсиш тезлиги кристаллаш марказлари ҳосил бўлиш тезлигига нисбатан катта бўлади. Мавхум қайнаш қатламида кристаллаш жараёнида бошқа усулларга нисбатан яхши гранулометрик таркиби кристаллар олинади.

**Кўп корпусли вакуум – кристаллаш қурилмаси** 5.130-расмда келтирилган. Одатда бундай қурилмалар таркибида 3...4 та аралаштиргичли вакуум кристаллизатор бўлади. Эритма, ҳар бир кўйидаги жойлашган корпусдан юқоридаги корпусга вакуум ҳисобига сўриб олинади. Ҳар бир корпус сиртий конденсатор ва буғ оқимчали насос билан таъминланган. Охирги корпусдан вакуум, барометрик конденсатор ёрдамида ҳосил қилинади. Сиртий конденсаторлар бошлигич эритма ёрдамида совутилади. Суспензия эса, охирги корпусдан чиқарилади.



5.130-расм. Кўп корпусли вакуум-кристаллаш қурилмаси.

1 - вакум-кристаллизаторлар; 2 - сиртий конденсаторлар;  
3 - буғ-оқимчали насос; 4 - барометрик конденсатор.

Кўп корпусли вакуум кристаллизаторлар тузилиши содда, иқтисодий жиҳатдан самарадор ва йирик, кўп тоннажли корхоналарда ишлатилади.

## 5.52. Кристаллизаторларни ҳисоблаш

### МОДДИЙ БАЛАНС

Эритмадаги эритувчининг бир қисмини буғлатиб кристаллаш. Жараёнда қатнашаётган моддалар ва оқимлар параметрларини белгилаб оламиз:

-  $G_b$ ,  $G_{\varphi}$ ,  $G_m$  - бошлигич эритма, олинган кристаллар ва кристаллардан ажратилган суюқлик қолдиқларининг массаси, кг;

$W$  - буғлатилган эритувчи массаси, кг;

-  $x_\delta, x_m$  - бошланғич эритма ва кристаллари ажратиб олинган суюқлик қолдиги таркибидағи эриган модда концентрациялари, массавий улушлар;

-  $a = M/M_{kp}$  - эриган абсолют қуруқ модда молекуляр массасининг кристаллогидратнинг молекуляр массасига нисбати; сув молекулаларини күшмасдан кристаллаш учун  $M = M_{kp} \cdot a = 1$ ;

-  $L$  - қуруқ газ сарфи, кг;

-  $x_1, x_2$  - газнинг бошланғич ва жараён охиридаги нам сақлаши.

Кристалланиш жараёнининг умумий моддий баланси ушбу формула билан ифодаланади:

$$G_\delta = G_{kp} + G_k + W \quad (5.248)$$

Эриган абсолют қуруқ модда бўйича моддий баланс ушбу қўринишида бўлади:

$$G_\delta x_\delta = G_{kp} a + G_m x_m \quad (5.249)$$

Агар,  $a=1$  бўлса, буғлатилган эритувчининг массаси ушбу формуладан топилади:

$$W = \frac{G_{kp}}{G_\delta \left( 1 - \frac{x_\delta}{x_m} \right)} \quad (5.250)$$

(5.248) ва (5.250) формулалардан фойдаланиб ҳосил бўлган кристаллар массасини аниқлаш мумкин:

$$G_{kp} = \frac{G_\delta (x_m - x_\delta) - W \cdot x_m}{x_m - a} \quad (5.251)$$

Эритмадаги эритувчини буғлатмасдан кристаллашда  $W=0$  бўлади. Бу усулда олинган кристаллар миқдори:

$$G_{kp} = \frac{G_\delta (x_\delta - x_m)}{a - x_m} \quad (5.252)$$

Агар  $a=1$  бўлса:

$$G_{kp} = \frac{G_\delta (x_\delta - x_m)}{1 - x_m}$$

Эритувчини буғ ҳолатига ўтказиш учун сарфланган газ миқдори ушбу тенгламадан ҳисобланади:

$$L = \frac{W}{x_2 - x_1} \quad (5.253)$$

## ИССИКЛИК БАЛАНСИ.

Эритмадаги эритувчининг бир қисмини буғлатиб кристаллаш. Иссиклик балансини тузиш учун ушбу белгилашларни киритамиз:

-  $D$  - иситувчи буғ сарфи, кг/с;

-  $i_p, i_{kp}, i_m, i_{\text{втв}}, i'$ ,  $i''$  - эритма, кристалл, кристаллари ажратиб олинган эритма қолдиги, иккиламчи буғ, иситувчи буғ ва конденсатларнинг солиштири-ма энталпияси, кЖ/кг;

$r_{kp}$  - кристалларнинг кристаллик панжараси ҳосил қилиш иссиқлиги, кЖ/кг;

-  $\Delta q$  - эритмани  $x_0$  дан  $x_m$  гача концентрлашнинг иссиқлик эффекти.

Эритмани кристаллаш жараёнида кристаллик панжараси ҳосил бўлади ва маълум миқдорда иссиқлик (қотиб қолиш иссиқлиги) ажралиб чиқади. Моддаларни эритиш жараёнида эса, иссиқлик сарфлар зарур бўлади.

Агар, эритилаётган модда эритувчи билан кимёвий реакцияга киришиб гидратлар ҳосил қилса, унда иссиқлик ажралиб чиқади.

Қотиш иссиқлиги ва гидратлар ҳосил бўлишига қараб кристалланишнинг суммар иссиқлик эффекти мусбат ёки манфий бўлади.

Юқорида қабул қилинган белгилашларни ҳисобга олсак,

- кристалланиш иссиқлиги  $Q_{kp} = Q_{kp} \cdot r_{kp}$ ,

- гидратлаш иссиқлиги эса -  $Q_r = \pm \Delta q G_m x_m$ .

Иссиқлик балансини куйидаги тенглик билан ифодалаш мумкин:

$$G_\delta i_p + G_{kp} \cdot r_{kp} \pm \Delta q G_m x_m + Di'' = G_{kp} \cdot i_{kp} + G_m \cdot i_m + Wi_{BT} + Di' + Q_n \quad (5.254)$$

Бундан, кристаллаш учун зарур бўлган буғ сарфини аниқлаш мумкин:

$$Q = D(i'' - i') = G_{kp} \cdot i_{kp} + G_m \cdot i_m + Wi_{BT} + Q_n - G_m \cdot r_{kp} \pm \Delta q G_m x_m \quad (5.255)$$

Эритмани совитиш жараёнидаги совуқ сувнинг массавий сарфи:

$$G_{cyc} = \frac{Q_{cyc}}{G_m c_m (t_{ox} - t_\delta)} \quad (5.256)$$

Совуқ ҳавонинг сарфи эса:

$$L = \frac{Q_{cyc}}{i_{ox} - i_\delta} \quad (5.257)$$

бу ерда  $i_\delta, i_{ox}$  - сувнинг бошлангич ва охирги температуралари, °C;  $i_\delta, i_{ox}$  - ҳавонинг бошлангич ва охирги энталпиялари, кЖ/кг.

Кристаллизаторларнинг иситиш ва совитиш юзалари иссиқлик алмаси-ниш қурилмаларини ҳисоблаш формулалари бўйича олиб борилади.

## 6-боб. БИОКИМЁВИЙ ЖАРАЁНЛАР


### 6.1. Умумий түшүнчалар

Микроорганизмларнинг ҳаёт фаолиятига йүнәлтирилган жараёнлар **биокимёвий жараёнлар** дейилади. Бу жараёнлар маълум тезликка эга бўлиб, улар микроорганизмлар биомассасининг ёки муҳитда тўпланган метаболит маҳсулотлар массасининг ўсиши билан характерланади.

Хозирги замонда кўпроқ диққат эътибор тирик организмларнинг ҳаёт-фаолиятига суюниб олиб бориладиган саноат жараёнларига қаратилмоқда ва улар **биотехнологик жараёнлар** деб аталади. Биотехнологиянинг гуркираб ривожланиши охирги 40 йилларга тўғри келиб, биология фанининг ютуқлари, генетика ва ҳужайра инженерияси технологияларининг ишланмаларини юзага келиши, ҳамда табиий ресурсларни камайиши (ёки қимматлашиши), анъанавий технологияларнинг инқизорзга учраши билан боғлиқдир. Биотехнологиянинг ривожланиши келажакда иқтисодий ва экологик манфаатдорликка олиб келади.

Биотехнологиянинг кенг маънодаги умумий түлүнчаси деганда технологик жараёнларда микроорганизмлардан, микроб ҳужайралари ва тўқималаридан фойдаланган ҳолда, биокимё, молекуляр биология ва амалий фанларни, интеграциялаган ҳолда қўллаш тушунилади.


6.1-расмда анъанавий биотехнологик тизимни тузилиши ва унинг асосий таркибий қисмлари келтирилган.



6.1-расм. Биотехнологик тизимнинг асосий компонентлари.

Биотехнологиянинг бугунги кундаги фаол ривожланаётган илмий йўналиши – микробиологик биотехнологиядир ёки уни микроблар синтезининг биотехнологияси деб ҳам юритилади. Микроблар синтези биотехнологиясининг ривожланиши биринчидан айrim маҳсулотларга бўлган талаб ҳисобланса, иккинчидан жараёнда қўлланиладиган хом – ашёнинг бисёрлиги ва тўпланган чиқиндиларни утилизация қилишнинг иқтисодий самарадорлигидир (6.2-расм).

Микробиологик биотехнологиянинг асосий вазифаларидан бири юқори табақадаги оптимал шароитда микроорганизм популацияларини ва кўзланган мақсадга мувофиқ уларни ҳаёт фаолиятини бошқарган ҳолда маҳсулот олишни (талаб даражасидаги аниқликда) услуб ва тартибларини назарий ва амалий жиҳатдан асослаб беришдан иборат. Қонуниятларни ўрганиш асосида олинган натижалар микробиологик ишлаб чиқаришда, маҳсус жиҳозлар, ускуналар ва автоматлаштирилган тизимни яратишда асос бўлиб, хизмат қиласи.



6.2-расм. Субстрат, хом-ашё ва маҳсулотларнинг мұхим гурӯхларини ҳисебга олган биоконверсия схемаси.

Микробиологик синтез жараёнлари қуйидаги ҳолларда құлланилади:

1. Микроб биомассасини (ачитқилар, тубан сув ўтлари, оқсил – витамин комплекси ва ҳ.) олишда.

2. Ўстириш жараёнида микроорганизмлардан ажратувчи мураккаб тузилишга ега бўлган биокимёвий маҳсулотларни олишда (антибиотиклар, витаминлар, органик кислоталар, ферментлар, спиртлар ва ҳ.).

3. Микроорганизмлар ферментини ва уларнинг компонентларини қўллаш орқали ўзгариш натижасида кимёвий маҳсулотлар олишда (6-аминопенициллин кислотаси ва ҳ.).

4. Кераксиз компонентлардан тозаланган мұхит олишда (тозаланган оқава сувлар, парафинизлаштирилган нефть ва бошқалар).

5. Рудалардан металларни микробиологик ишқорлаш йўли билан ноёб металлар олишда.

Микроорганизмларни ўстириш учун ферментациялаш жараёни амалга оширилади. Жараён давомида микроорганизмлар нафас олади, ўсади, кўпаяди, мұхитта газсимон ва суюқ ҳолдаги метаболизм маҳсулотларини ажратади, натижада мұхитда биомасса ёки метаболизм маҳсулоти йиғилади. Демак, ферментациялаш жараёнида мұхитда микроорганизмлар биомассаси ва метаболизм маҳсулоти тўпланади. Масалан, ачитқилар ёки оқсил-витамин концентратларини олишда жараён микроорганизмлар биомассасини тўплашга қаратилади.

Антибиотиклар, ферментлар ва бошқа моддалар олишда эса, жараён микроорганизмлар ҳужайраларида синтезланган метаболит маҳсулотларни олишга йўналтирилади. Микроорганизм ҳужайраларида метаболит маҳсулотлар 2 хил кўринишда учрайди: айрим микроорганизмларда метаболизм маҳсулоти унинг ҳужайларида синтезланади ва мұхитга ажралиб чиқмайди. Демак, бундай микроорганизмлардан, улар тўплаган метаболит маҳсулотни олиш учун микроорганизмлар ҳужайраси парчаланиб, сўнгра ажратиб олинади. Ўзга хил микроорганизмларда метаболизм маҳсулотлари ҳужайларида синтезланниб масса алмашиниш жараёни ҳисобига у ўсаётган мұхитта чиқади. Биомасса қанча кўпайса, метаболит маҳсулот миқдори ҳам шунча кўп бўлади.

Микробиологик синтездан, одатда жуда мұхим маҳсулотлар олишда фойдаланилади, чунки буидай маҳсулотларни кимёвий технология усулида олиб бўлмайди ёки унинг иқтисодий самарадорлиги жуда паст бўлади.

Жумладан, ферментларни, бактериал препаратларни, оқсилларни, антибиотикларни, ва кўпгина витаминларни ишлаб чиқаришда фақат микробиологик синтез усулидан фойдаланилади.

Саноат миқёсида шундай соҳалар борки, уларда жорий қилинган технологиилар асосан микроорганизмлар фаолиятига асосланган: масалан, озиқовқат саноатидаги бижгиш маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхона (пиво қайнатиш, шаробчилик, озуқавий спирт ишлаб чиқариш, лимон, сут ва сирка кислоталарини олиш, ачитқи тайёрлаш, қышлоқ ҳўжалик хом-ашёсини қайта ишлаш ва ҳоказо) лар бунга мисол бўла олади. Ачитқи ишлаб чиқариш жуда катта миқдордаги микроорганизм биомассасини тўплаш орқали амалга оширилади. Ачитқилар ва бошқа органик кислоталарни олишда, микроорганизмларни нордон мұхитда, чукур ферментациялаш усулида олиб борилади. Бундай шароитда юқори даражадаги асептика талаб қилинмайди, чунки ушбу нордон мұхитда ёт микроорганизмларнинг ўсиши ўта мушкул. Ундан ташқари, мұхитдаги қанд, спирт ва ўзга компонентларнинг концентрацияси ҳам кўнгина бегона микроорганизмларнинг ривожланишига тўскىнлик қиласи. Шу билан бирга, саноатда кўпинча анаэроб микроорганизмлар ишлатилади, бу шароит эса кўпчилик микроорганизмлар (аэроблар) учун ноқулай.

Шу сабабли, саноатда катта ҳажмдаги суюқликларни, ускуналарни стерилизациялашга ва уларни герметиклигини таъминлаш учун ҳавони тозалашга ҳожат қолмайди.

Лекин, бактериологик препаратларни ва физиологик фаол моддаларни, жумладан, антибиотикларни, фермент препаратларни, витаминаларни, аминокислоталарни, гормонал препаратларни олишда, озуқа муҳитини ифлосланишлардан муҳофаза қилиш катта аҳамиятта эга. Шунинг учун, ишчи озуқа муҳити ва ферментация босқичларини доимий назорат қилиш талаб этилади.

Ишчи озуқа муҳити одатда, ҳаво орқали ёт микроорганизмлар билан ифлосланади. У ферментаторга кўйилган вақтда, ферментаторнинг герметик равишда ёпилмаслиги ёки ферментаторнинг яхши стерилизация қилинмаганлиги ҳам ферментаторда бегона микроорганизмларнинг ўсишига сабаб бўлади. Шунинг учун ферментаторга ва ишчи озуқа муҳитига жуда эҳтиёткорлик билан ёндошиш лозим.

Мақсадга мувофиқ маҳсулот олишда микроорганизмларнинг турларига катта аҳамият берилади. Бир турдаги микроорганизмлар (махсус танланган микроб тури) ферментаторда кўпайтирилади. Агар ферментаторда технологик жараён давомида ёт микроорганизмлар ўса бошласа, бу ускуналарнинг ёмон стерилизацияланганлиги ёки уларнинг герметиклиги бузулганлигидан далолат беради.

Оқибатда, мақсад асосида ўстириластган микроорганизм бутуслай ҳалок бўлади ёки олинаётган метаболизм маҳсулоти кескин камайиб кетади. Микроорганизмларнинг ҳаёт жараёни метаболик маҳсулотларни синтезланиши маҳсус қурилмаларда – ферментаторларда - амалга оширилади.

Шу сабабли бундай жараёnlарни амалга оширишда асептикага катта аҳамият берилади: ҳаво маҳсус фильтрларда тозаланади, ускуна ва микробларни ўстирадиган озуқа муҳити стерилизацияланади.

Ферментаторлар 2 хил иш принципига эга: даврий ва узлуксиз ферментаторлар. Жараён тутагач синтезланган маҳсулотни ажратиб олиш учун, ферментаторларнинг иш принципидан қатъий назар, микроблар ўстирилган суюқ муҳит фильтранади. Фильтранган суюқликка сепараторда ишлов берилади, ва экстракцияланади, арапашма буглатилади ва қуритиш усувларидан мос бўлгани танланиб, қуритилади. Кўлланиладиган қуритиш усувлари хилмажилдир ва улардан энг кенг тарқалгани: пуркаш, сублимациялаш, вакуум остида ва мавҳум қайнаш қатламида қуритиш жараёnlаридир.

## 6.2. Ферментация жараёни кинетикаси

Саноатдаги кўлланиладиган кўпчилик микроорганизмлар гетеротрофлардир, яъни улар ўзларининг ҳаёт фаолиёти учун углероднинг органик манбалиридан фойдаланадилар.


Микроорганизмлар ўзларининг ҳаёти жараёнида ўз ҳужайраларидаги мурakkab тузилмаларни жалб қилган ҳолда, турли хил вазифаларни амалга оширадилар.

Ҳужайра девори, цитоплазматик мембрана, цитоплазма ва унинг киритмалари, ҳамда ядродан иборат.

Ҳужайра микроорганизмларнинг ҳаёти давомида ҳам миқдор, ҳам сифат ўзгаришларини ўз бошидан кечиради: ўсади, кимёвий таркиби, морфологияси ўзгаради, кўпаяди, спора ҳосил қиласи ва ниҳоят ўлади.

Микроорганизмларнинг ўсишини кўрсатувчи анъанавий эгри чизиқ 6.3-расмда келтирилган. Чизмадаги биринчи фаза – лаг-фаза (логарифмик фаза) дейилади, яъни бу фазада ҳужайралар ўсмайди. Ушбу фазада (I босқич) экил-

ган микроорганизмлар ташқи мұхитта мослашади ва мұхитта ўзидан ферментлар ажратади. Бу ферментлар жорий озуқавий мұхитда ұхайраларни ўсишига ёрдам беради. II босқыч экспоненциал фаза деб аталағи. Ушбу фазада ұхайралар имкони борича максимал юқори төзликда күпая бошлайды.



6.3-расм. Микроорганизмнинг ўзигі хос ўсіш зәрі чизигі.

ланади ва кислороднинг ұхайра билан масса алмашиның жараёны сусайды. Бу күрсатиб ўтилган ўзгаришлар натижасыда микроорганизмларнинг ўсіш даражасы пасаяди (III босқыч). Жараён давом этган сари мұхитдаги озуқа моддалар камайиб, улар үрнини микроорганизм метаболитлари (хаёт чиқындылары) қоғладайды ва оқыбатда ҳаёт тұхтайды. Бу жараён IV босқыч ёки турғун фаза деб аталағи. V босқычда микроорганизмлар сони кескин равища пасаяди ва у ўлим босқычи деб номланади.

Микроорганизмлар күпайишининг кинетикасини баён қилиш учун умумий ва солищтирма ўсіш тезлигидан фойдаланылади. Микроорганизм массасынинг умумий ўсіш тезлиги  $[кг/(м^3 \cdot с)]$ , биомасса  $dM$  нинг жуда чексиз қисқа вақт  $d\tau$  га нисбати тушунилади. Ушбу тезлик биомасса концентрациясига пропорционалдир.

Микроорганизм биомассасыннан ўсіш кинетикасинан утибу тенглама ёрдамида ифодалаш мүмкін:

$$\frac{dM}{d\tau} = K \cdot M \quad (6.1)$$

бу ерда  $M$  - биомасса концентрацияси,  $кг/м^3$ ;  $\tau$  - жараён давомийлиги, соат;  $K$  - биомасса ўсішининг солищтирма тезлиги, соат $^{-1}$ .

(6.1) тенгламадан солищтирма тезликтин топиш мүмкін:

$$K = \frac{1}{M} \cdot \frac{dM}{d\tau} \quad (6.2)$$

Микроорганизмлар биомассасыннан экспоненциал фазадаги солищтирма ўсіш тезлиги доимий ва у шу микроорганизмнің ўстириш жараёнидаги максимал имконият шароитига тенгdir.

Биомасса концентрацияси (6.1) тенгламага бионоан экспоненциал қонун бүйіча ўсади:

$$M = M_0 \cdot e^{K\tau} \quad (6.3)$$

бу ерда  $M_0$  - экспоненциал фаза бошланишидаги биомасса концентрацияси,  $кг/м^3$ .

(6.3) тенгламасини логарифмлаб, ушбу күринишига эришамиз:

$$\ln M = M_0 + K\tau \quad (6.4)$$

Ярим логарифмик координатларда (6.4) тенглама мәлтүм бир қиялик тангенси бурчаги остидаги түғри чизик бўлиб, кристалл ўсишининг солиштирима тезлиги  $K$  га пропорционалдир.

Солиштирима ўшиш тезлигини ҳисоблаш учун жараён давомийлиги  $\tau_1$  ва  $\tau_2$  ларга мос келадиган икки нуқта  $M_1$  ва  $M_2$  ларнинг қийматлари аниқланади.

Унда

$$K = \frac{1}{\tau_1 - \tau_2} \cdot (\ln M_2 - \ln M_1) \quad (6.5)$$

Биомасса миқдори 2 марта ортиши учун регенерация давомийлиги  $\tau_p$  куйидагича топилади:

$$\tau_p = \frac{\lg 2}{K} = \frac{0,69}{K} \quad (6.6)$$

Микробиологик синтез учун хом-апё сифатида крахмал-патока ишлаб чиқаришдаги чиқиндилар (меласса, гидрол), торф гидролизати ва озуқа чиқиндилари, сут зардоби, маккажўхори уни, қайта ишланган нефт углеводородлари қўлланилади.

### 6.3. Ферментация жараённида масса алмашиниш

Аэроб микроорганизмлар ўзларининг ривожланиши даврида қўп миқдордаги кислородни талаб қиласди. Бунда кислород органик субстратларни оксидлаб (нордонлаб), тўқималарни энергия билан таъминлайди. Кислород сувда ёмон эрийди ва унинг сувдаги концентрацияси 8,1 мг/л ни ташкил этади.

Ферментациялаш жараённи ташкил қилишда микроб ўстирилаётган суюқликни ҳаво билан доимий тўйинтириб туриш лозимдир.

Суюқликни ҳаво билан тўйинтириш мобайнида иккита жараён юз беради: ферментация шароитидаги озуқа суюқлигини тўйинтирилган ҳаво таркибидан кислородни ютиб олиши (абсорбцияланиш) ва муҳитда эриган кислородни микроорганизмлар томонидан ўлаштириши (озуқаланиши).

Суюқ фаза учун масса алмашиниш тенгламаси қўйидагича ёзилади:

$$dM = \beta_c (x_u - x) F d\tau \quad (6.7)$$

бу ерда  $M$  - кислород концентрацияси, кг;  $\beta_c$ -суюқ фазадаги массани йигилиш коэффициенти, м/соат;  $x_u$  - кислороднинг мувозанат концентрацияси, кг/м<sup>3</sup>;  $x$  - кислороднинг суюқ фазадаги ишчи концентрацияси, кг/м<sup>3</sup>;  $F$  - масса алмашиниш юзаси, м<sup>2</sup>;  $\tau$  - жараён давомийлиги, соат;

Барботажли қурилмаларда фазалар юзасини аниқлаб бўлмаганлиги туфайли, куйидагича ифодалаймиз:

$$F = V_u \cdot a$$

бу ерда  $V_u$  - ферментаторнинг ишчи ҳажми, м<sup>3</sup>;  $a$  - масса алмашинишнинг солиштирима юзаси, м<sup>2</sup>/м<sup>3</sup>.

(6.7) тентгламани қўйидаги қўринишга келтирамиз:

$$dM = \beta_c \cdot a(x_u - x) \cdot V_u \cdot d\tau \quad (6.8)$$

ёки

$$dM = \beta_{cv} (x_u - x) \cdot V_u d\tau \quad (6.9)$$

бу ерда  $\beta_c$  - ҳажмий масса бериш коэффициенти, соат<sup>-1</sup>;  $\beta_{cv} = \beta_c \cdot a$ .

Ишлаб чиқаришда суюқликда эриган кислороднинг концентрация миқдори ўлчамайди, балки суюқлик билан мувозанатда бўлган газ фазасининг парциал босими аниқланади.

Генри қонунига биноан:

$$x_u = \frac{1}{E} P_{O_2}$$

бу ерда  $E$  - Генри доимийси,  $\text{kg}/(\text{m}^3 \cdot \text{Pa})$ ;  $P_{O_2}$  - озуқа мұхитидаги кислороднинг парциал босими, Па.

Ферментация мұхитидаги микроорганизмларнинг кислородни ўзлаштириб олиш тезлиги  $W_o$  ҳар қандай вақтда абсорбция тезлигига тенг деб ҳисобласак, унда  $x=0$  бўлиди.

$$W_{O_2} = \beta_{cv} x_u = \beta_{cv} \frac{1}{E} \cdot P_{O_2} \quad (6.10)$$

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, масса бериш коэффициенти суюқ фазадаги мұхитнинг аралашиш тезлигига ва ҳаво билан тўйиниш шароитига боғлиқ. Ферментатордан ташқарига чиқариладиган ҳаводаги кислород концентрациясининг миқдори 18...20% ни ташкил этади.

#### 6.4. Ферментаторлар конструкциялари

Лаборатория шароитида ферментаторлар тубида олиб бориладиган ферментациялаш жараёнларида қўйидаги босқычларни кузатиш мүмкін: экиш материалларини тайёрлаш; озуқа мұхитини тайёрлаш ва стерилизациялаш; инокуляторларда экиш материалларини ўстириш.

Экиш материалининг миқдори цехдаги ферментаторларнинг физик ҳажми билан белгиланади.


Одатда, экиладиган материал миқдори, ферментаторлар ичидаги озуқавий мұхитнинг 5...10% ни ташкил қиласади.

Ферментаторларга озуқавий мұхит ва экиладиган материалларни юқлашдан аввал, қурилмалар ва бошқа коммуникациялар стерилизацияланади.

Ферментаторлар ичида қўпик ҳосил бўлишни камайтириш мақсадида унинг ичига сиртқи фаол модда (ПАВ) қўшилади. Ферментация жараёни аспертик шароитда 18...24 соат давомида олиб борилади. Жараён давомида ферментатор ичидаги микробли суюқлик, мұхитнинг температураси ва *pH* миқдори кузатиб турилади.

Ферментациялаш жараёни тутагач, ферментатор ҳосил бўлган маҳсулотдан бўшатилади, маҳсулот фильтр ёки сепаратор ёрдамида суюқликдан ажратилади ва унга ишлов бериш учун кейинги босқычга юборилади.

Ферментациялаш жараёнини амалга оширувчи асосий қурилма – бу маҳсус ферментатор ҳисобланади. Энг кенг тарқалган ферментаторлардан бири, бу механик аралаштиргичли ва ҳаво юборишга мўлжалланган барботёри курилмадир (6.4-расм).



**6.4- расм. Ферментатор схемаси.**

1- электр юриткіч; 2- ҳаво узатыш трубасы; 3- қайтартувчи түсік; 4- аралаштиргич; 5- змеевик; 6- филоф.

Бундай аралаштиргичда бир вақтнинг ҳамда суюқлик аэрациясини таъминловчи ҳавонинг узатилиши амалга оширилади.

Аралаштиргичдеги турбина ичидеги ҳалқали сопло бүшлиғи мавжуд бўлиб, у ҳаво узатиш каналига уланган. Аралаштиргич ҳаракатта келганда, турбина ичидеги босим камайди. Натижада, атмосферадаги ҳаво, аралаштиргич ичидеги бүшлиққа ютилади ва у ферментацияланётган суюқлик ичидеги дисперсияланади.

Ферментацияланган суюқликдаги ҳосил бўлган маҳсулотни (антибиотиклар, органик кислоталар ва ҳоказо) ажратиб олиш, экстракциялаш, буғлатиш ва қуритиш жараёнларини амалга оширишда кимё, фармацевтика ва озиқ-овқат саноатида ишлатиладиган қурилмалардан фойдаланилади.

## **6.5. Микробиологик синтез асосида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумлашган технологик схемаси**

Биотехнологик ишлаб чиқариш – бу технологик оқимлари ўзаро боғланган қурилмалар йиғиндиси бўлиб, унда озуқавий муҳит ва экиш материалини (микробларни) тайёрлаш, мақсадга мувофиқ олинадиган маҳсу-


тундай қурилмада ферментацияланувчи суюқлик, механик аралаштиргич ва юборилган ҳаво ёрдамида аралаштирилади.

Аралаштиргичнинг ишлаш давомида ферментацияланувчи суюқлик ичидеги ҳаво күшимча равишда дисперсланади.

Ферментаторнинг ҳажмига қараб, унинг баландлиги бўйлаб, унинг ўқига бир нечта аралаштиргичлар ўрнатилади. Айрим ҳолларда тўлқинларни қайтарувчи түсиклар ҳам ўрнатилиш мумкин. Ферментатор ичидеги зарур бўлган температурани бир хилда ушлаб туриш мақсадида, унга иссиқлик алмашинишини таъминловчи филоф ўрнатилади.

Ферментация шароитидаги температура, филоф ичига совуқ сув юбориши йўли билан бошқарилади.

Аралаштиргичларнинг бир нечада хили мавжуд бўлиб, улардан ҳавони ўзи сўриб олувчи конструкцияга эта бўлган аралаштиргични мисол тариқасида келтириши мумкин (6.5-расм).




**6.5-расм. Ҳавони ўзи сўриб олувчи аралаштиргич.**

1- ҳаво бўшлиғи; 2- ҳаво узатувчи патрубка; 3- турбина; 4- куракча.

лотнинг биосинтез жараёни, уни суюқ фазадан ажратиш ва ҳоказолар, яъни маҳсулотни товар ҳолатда олишгача бўлган технологик жараёнлар мъълум бир кетма-кетликда омалга оширилади. Одатда, озуқа муҳитини тайёрлаш деганда, ўстириладиган микроорганизмни озукаланиши учун муҳитни углеводлар, азот, фосфор ва бошқа минерал моддалар, витаминалар билан бойитиш тушунилади.

6.6 – расмда биотехнологик ишлаб чиқаришнинг яхлитланган таркибий схемаси келтирилган. Бунда даврий, яъни узлукли ферментация жаръенида маҳсулот (антибиотиклар, ферментлар, аминокислоталар, ўсимликларни ҳимоя қилиш микробиологик воситалар ва х) ҳосил бўлади.



**6.6-расм. Ўсимликларни микробиологик ҳимоя қилиш воситалари (а) ва антибиотикларни (б) биотехнологик йўл билан ишлаб чиқаришнинг таркибий схемалари.**

Антибиотиклар ишлаб чиқаришнинг асосий босқичлари бўлиб, куйидаги жараёнларни ҳисоблаш мумкин: озуқа муҳитини тайёрлаш, ферментациялаш, ажратиб олиш, кимёвий тозалаш ва қуритиш. Қишлоқ ҳўжалиги учун бактериал препаратларни ишлаб чиқаришда, кимёвий тозалашдан ташқари, қолган ҳамма жараёнлар омалга оширилади.

Озуқа муҳитини тайёрлаш жараёни зарур компонентларни мъълум пропорцияларда аралаштириб, сув ва ишқор иштироқида қиздиришдан иборат.

Ҳар бир маҳсулот берувчи микроорганизм учун озуқа муҳитларининг оптималь таркиби мавжуддир. Лекин, биотехнологик ишлаб чиқаришдаги даврий ферментациялаш жараёнларига қўйиладиган асосий талаб стерилликка риоя қилишади. Бунинг учун озуқа муҳити маҳсус қурилмаларда стерилланади, унга узатиладиган ҳаво эса, маҳсус фильтрларда тозаланади. Мъълумки, биосинтез жараёни ферментаторларда олиб борилиб, унга узлуксиз аралаштирилган ҳолда озуқа муҳит, экиш материали, аэрацияни таъминловчи ҳаво ва жараён кўрсаткичларини мўтадил ҳолатда ушлаб туриш учун совутувчи сув, ҳамда тегишли титрантлар жойланади. Агар, қурилмада кўпиклар ҳосил бўлса, унга кўпикни бартараф қўлувчи модда узатилади. Олинган микроорганизм тутган суюқлик кейинги қайта ишлаш жараёнига, яъни ундан мақсаддаги маҳсулотни ажратиб олиш ва қуюқлаштиришга узатилади. Антибиотикларни, масалан, пе-

ницилиинни ишлаб чиқаришда, микроорганизм тутган суюқлик коагуляция қылданади ва фильтрланади. Натижада, таркибида пеницилин бор табий эритма мицелийдан ажратилади. Сүнг, табий эритма, кимёвий тозалашга юборилади ва ундан мақсаддаги маҳсулот ажратиб олинади ва яна тозаланади. Кейин эса, у қурикчида сувсилантирилади ва кукун ҳолатига келтирилади.

Қишлоқ ҳұжалиги учун бактериал препаратлар (масалан, энтомобактерин, бацитрацин) ишлаб чиқаришда микроорганизм тутган суюқлик сепаратор ва буғлатиши қурилмаларида қоюқлаштирилади, сүнг эса қурикчида намсилантирилади ва нейтрал түлдирувчи (каолин) билан стандарт күрсаткычгача түйинтирилади.

Шундай қилиб, микробиология ва медицина саноатларыда мақсаддаги маҳсулот микробиологик синтез жараёнида, яғни ферментация босқычидан, фақат мақсаддаги маҳсулотни ажратиб олиш учун хизмат қиласы.

Шуни алоқида тағқидлаш керакки, бу жараёнлар технологик жиҳатдан ва қурилмалар билан жиҳозланиши бүйіча тубдан фарқ қиласы. Лекин, айрим жараёнларнинг мураккаблығы ва хилма-хиллигига (озуқа мұхитини тайёрлаш, мақсаддаги маҳсулотни ажратиб олиш ва тозалаш, аниқ шаклли маҳсулот олиш) қарамасдан кимёвий технология соҳаси билан күпгина үшашликка эга.

Аммо, ферментация жараёнларидаги босқычлар саноатнинг ўзга бирон бир соҳасидаги жараёнлар билан үшашликка эга бўлмаган босқычлардир. Шу билан бирга, биотехнологик ишлаб чиқаришдаги биосинтез жараёнлари ўзга ишлаб чиқаришлардаги технологик мақсад ва жараённи жиҳозлаш бүйіча олиб борадиган тадбирлар билан ҳамоҳангдир.


## **6.6. Ферментация жараёнининг тавсифлари ва технологик схемалари**

Биотехнологик схема – бу технологик оқимлар билан ўзаро боғланған қурилмалар мажмуаси бўлиб, уларда жараёнлар маълум кетма-кетлиқда амалта ошади ва биокимёвий айланишлар натижасида хом-ашёдан мақсаддаги маҳсулот олинади.

6.7 - расмда даврий ферментация жараёнининг типик таркибий схемаси келтирилган. Ушбу схемага биноан 3 босқычда мақсаддаги маҳсулот, яғни антибиотик олиш мумкин. Ўсимликларни микробиологик ҳимоя қилиш воситалари ва медицина учун антибиотикларни олишда биосинтез жараёни стерил шароитларда олиб борилади. Бунинг учун инокулятор 1, ўстириш қурилмаси 2 ва ферментатор 3 ларга узатилаётган озуқа мұхити узлуксиз ишлайдиган стерилизаторда стерилланади. Қурилмаларга юбориладиган ҳаво эса, маҳсус фильтрларда тозаланади. Инокулятор ва ўстириш қурилмаларида кетма-кет равишда микроорганизмлар тутган суюқликлар ўстирилади. Ферментаторда микроорганизм биомассаси түпланиши билан бир вақтда олинадиган модда биосинтези, яғни мақсаддаги маҳсулот түпланиш жараёни ва кўпик ҳосил бўлади. Агар, қурилмада микроорганизм тутган суюқликнинг кўп қисми кўпикка айланса, унда йигичга стерилланган кўпик ўчирувчи, қўшимча озуқа моддалар ва титрантлар эритгаси юборилади.


Қурилмаларни стерилизациялаш вақтида ва уларда микроорганизмлар ўстириш жараёнида температура ва босим зарур миқдорда ушлаб турдилади. Чунончи, стерилизациялаш даврида керакли температура буғ узатиш йўли билан, ўстириш даврида эса - қурилма гилофи ёки змеевикта совуқ сув узатиш орқали бошқарилади ва аралаштиргич ёрдамида интенсив аралаштириб, мұхит аэрацияси ташкил этилади. Даврий олинган намуналарнинг таҳлили асосида

микроорганизмлар ривожланиши, микробиологик ва биокимёвий назоратдан ўтказилади.



Пенициллинни биосинтез қилиш жараёнининг тугаганлиги, озуқа мұхитидаги моддаларнинг тамом бўлиши ва ферментатордаги суюқликда антибиотиклар кўпайишининг тўхташи билан белгиланади. Ферментациялаш жараёнининг ўргача давомийлиги 150 соат.

Пенициллинни биосинтезлаш жараёнининг асосий параметрлари динамикаси 6.8-расмда келтирилган.



6.8-расм. Пенициллин (а) ва эндобактеринни (б) биосинтез қилиш жараёнидаги асосий параметрлар динамикаси.

А - фаоллик; Х - куруқ мицелий оғирлигиги;

N<sub>aa</sub> - аминли азот.

Одатда антибиотикларни биосинтез қылиш жараёши – икки фазада боради [133]. Биринчи фазада, асосий маҳсулот миқдори оз бўлиб, микроорганизмлар сони жуда тез ортади. Иккинчи фазада эса – биомасса ортиши сенинлашиб, антибиотик биосинтези жадаллашади.

Иккинчи фаза микроорганизмларнинг ҳаёт фаолияти натижасида тўплланган моддалар билан бойиган микроби суюқлик ичидаги боради. Суюқлик таркиби озукавий жиҳатдан жуда камбағаллашган бўлиб, унда қисман углеводлар ва ноорганик фосфор учрайди. Ушбу фазанинг бошлангич даврида мицелийнинг антибиотикни синтезлаш хусусияти максимал даражада юқори бўлади.

Иккала фаза ўзаро биокимёвий жараёнларнинг тезлиги билан фарқланади. Шу фарқларни назарда тутган ҳолда, бу фазаларга мос шароитлар танланади. Биосинтез шароитини таъминлашдаги асосий шартлардан бири – антибиотикни синтезловчи микроб учун озуқа маънбасини таъминлаш, яъни углерод, азот ва фосфор моддалари тутган муҳитни яратишади. Одатда углерод манбай сифатида углеводлардан, азот манбай сифатида ўсимлик ва ҳайвон маҳсулотлари асосидаги моддалардан фойдаланилади.

Хозирча микроорганизм ҳолатини биринчи фазадан иккинчи фазага ўтишидаги қонуниятлари тўлиқ ўрганилмаган. Аммо шу нарса маълумки, антибиотикларни максимал синтезланиши ва тўпланиши учун муҳитдаги айrim компонентлар концентрациясини бир меъёрда ушлаб туриш керак. Шу билан бирга, бу компонентлар микроблар биомассасини ортиб кетишини чегаралаш ёки ингибиторлик, яъни тўхтатиш хусусиятига эга бўлиши керак. Масалан, муҳитга глюкоза солинса, пеницилиннинг синтезланиши муҳитда глюкозанинг тўлиқ ўйқолганидан сўнг, яъни микроорганизмлар томонидан уни бутунлай ўзлаштирилгандан сўнгтина бошланади ёки окситетрациклин биосинтезини тезлатиш учун, ундаги синтезловчи микроб кўпайишини, муҳитга ноорганик фосфор кўшиш орқали чегаралаш мумкин. Айrim ҳолларда эса, микроорганизмни мақсаддаги моддани синтезлаши учун муҳитга шу модданинг ўзидан қисман қўшилади, масалан, пеницилинни синтезланиши учун озуқа муҳитига қисман пенициillin кўшилади [133].

Ферментация жараёнини нормал ташкил этиш учун муҳитда маълум концентрацияда водород ионлари бўлиши керак. Ушбу концентрация тегишли титрантларни юбориш йўли билан ушлаб турилади. Ундан ташқари, микроорганизмларни кислородга бўлган эҳтиёжини қондириш ва жараённи оптималь температурада олиб бориш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Асосий маҳсулотни иккиласми метаболизм натижасида биосинтез қилишнинг динамика жараённинг энтобактеринни биосинтезланиши жараёни мисол бўла олади. Одатда, жараён давомийлиги 30...35 соат бўлиб, ферментация жараённинг кўйидаги шартлари бажарилганда амалга ошади: қурилмадаги температура - 28...30°C; аралаштиргич ёрдамида узлуксиз аралаштириш; ҳавонинг сарфи - 25...45 м<sup>3</sup>/соат; ферментатордаги босим - 0,04...0,05 МПа.


Ферментаторда микроорганизмни етиштириш жараёнида кўп миқдорда кўпик ҳосил бўлади. Аралаштиргичнинг узлуксиз ишлашини ва микроорганизмларнинг нормал ривожланишини таъминлаш учун, кўпик ҳосил бўлишини бартараф этувчи, стерилланган кўпик ўчиргич узатилади.

6.86-расмда энтобактеринни *Vac. Thuringiensis* var.gal биосинтез қилишдаги муҳитнинг физик, физик-кимёвий, биокимёвий ва микробиологик параметрларини ўзгариш динамикаси келтирилган.

Микроорганизмни кўпайтириш жараёнида унинг ҳужайрасида микроорганизмларни даврий ортишига оид бўлган барча физиологик ривожланиш фазалари амалга ошади.

6.8б-расмдан күриниб турибдики, лаг-фазада мұхитнинг ҳамма параметрлари, умуман олғанда, ўзгартмайды. Экспоненциал үсіш фазасига ўтиш даврида микроорганизм тутган суюқликнинг  $pO_2$ ,  $pH$ ,  $eH$  катталикларнинг камайиши, ҳамда чиқиб кетаётгандың газларда  $O_2$  пасайиши ва  $CO_2$  ортиши на-моён бўлади.

6.9-расмда энтобактеринни олиш қурилмасидаги босим ва температура-ни тегишиلى ўзгаришлари кўрсатилган.



6.9-расм. Технологик жараёларни олиб бориша энтобактерин ишлаб чиқариш қурилмасида температура ва босимнинг ўзгариши.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, турли саноатларнинг ферментациялаш бўлимлари бир-биридан, қўлланиладиган технологик қурилмаларининг тури ва сони билан ажralиб туради. Лекин, бошқариш функцияларининг ўхшашлиги туфайли, улардаги назорат ва ростлаш параметрлари бир хил бўлади.

Одатда, температура, босим, концентрация, сарф, сатҳ ва бошқа анъанавий параметрларни назорат қилиш билан бирга  $pH$ , эриган  $O_2$  ва  $CO_2$ , парциал босимлар автоматик равишда назорат қилиниши лозим.



## **Қаттиқ материалларни майдалаш ва классификациялаш**

### **7.1. Умумий түшүнчалар**

Механик жараёнларга материалларни майдалаш, узатиш, аралаштириш, пресслаш грануллаш ва классификациялашлар киради. Бу жараёнда материал-нинг физик кимёвий характеристикалари ўзгартмайды, аммо уларнинг шакли ўзгаради.

Бу жараёнларнинг тезлиги қаттиқ жисмларнинг механика қонуниятлари билан ифодаланади ва уларнинг ҳаракатта көлтирувчи кучи механик күчлар таъсиридир.

**Майдалаш** бу қаттиқ жисм бүлакларини керакли ўлчамларга көлтириш, парчалаш ва юзасини оширишилди. Майдалапп жараёни қаттиқ жисмнинг майда заррачалар (атом ва молекулалар) ўзаро тортишиш күчларини енгадиган ташки күчлар таъсирида ўтади. Майдалаш натижасида ишлов берилеётган жисм юзаси сезиларли даражада күпаяди, күп жараёнлар, шу жумладан эритиши, күйдириш каби катта юза талаб қиласидиган жараёнлар тезлиги ортади. Майдалаш кон-металлургия, кимё, озиқ-овқат, қурилиш ва саноатнинг бошқа тармоқларида кенг қўлланилади.

Хозирги пайтда қаттиқ жисмларни майдалаш учун ҳар хил турдаги машиналар қўлланилади. Катта ҳажмли ( $<2 \text{ m}^3$ ) палахсаларни майдалайдиган жағли майдалагичлардан бошлаб, то заррача ўлчамини 0,1 мкм гача майдалайдиган коллоид тегирмонлар технологик жараёнларда ишлатилиади.

Майдалаш жараёни қаттиқ жисмнинг бошланғич ва охирги ўлчамига қараб янчиш ва тортишга бўлинади. Янчиш ва тортиш жараёнлари майдалаш даражаси билан характерланади.

$$i = \frac{D}{d} \quad (7.1)$$

Майдалаш даражаси жисмнинг бошланғич ўртача диаметри  $D$  нинг майдаланган заррачалар ўртача диаметри  $d$  га нисбати билан ифодаланади. Ҳажмий майдалаш даражаси эса, уларнинг ҳажмлари нисбати билан аниқланади:

$$i = \frac{V_{\alpha}}{V_{\delta}} \quad \text{ёки} \quad i = \frac{F_{\alpha}}{F_{\delta}} \quad (7.2)$$

Берилган модда бўлаклари ва янчилган заррачалар тўғри шаклга эга бўлмайди. Шунинг учун, амалда уларнинг ўлчамлари элакли таҳтил орқали аниқланади, яъни заррача ўлчами у ўтган элак тешиклари ўлчамига тенг деб олинади.

Майдалаш жараёни бир ёки бир неча босқичда олиб борилади. Ҳар бир майдалагич, унинг ишчи органи шаклига кўра, чекланган майдалаш даражаси ни таъминлайди. Майдалаш даражаси 1-3...5 дан (жағли майдалагичда)  $1 > 100$  - тегирмонларда ўзгариши мумкин.

Нотўғри геометрик шакли жисмнинг чизиқли ўлчами ўртача геометрик қиймат сифатида ҳисобланиши мумкин:

$$d = \sqrt[3]{l b h}$$

бу ерда  $l$ ,  $b$ ,  $h$  - жисмнинг уч перпендикуляр йўналиши бўйича максимал ўлчамлари.

Материал бўлакларининг ўргача ўлчамларини ҳисоблаш учун элаклар ёрдамида бир неча фракцияга ажратилади. Ҳар бир фракцияда бўлаклар максимал  $d_{max}$  ва минимал  $d_{min}$  ўлчамлар яром йигиндисининг ўргача миқдори топилади:

$$d_{yp} = \frac{d_{max} + d_{min}}{2}$$

Максимал бўлаклар ўлчами, улар ўтган тешик диаметрига, минимал бўлакларни эса элак ушлаб қолган тешикларининг диаметрига тенг деб ҳисобланади.

Сочилувчан материал аралашмасининг ўргача ўлчами ушбу тенглама ёрдамида аниқланади:

$$d = \frac{d_{yp1}a_1 + d_{yp2}a_2 + \dots + d_{ypn}a_n}{a_1 + a_2 + \dots + a_n}$$

бу ерда  $a_1$ ,  $a_2$ ,  $a \dots a_n$  - ҳар бир фракция миқдори, %;  $d_{yp1}$ ,  $d_{yp2}$ , ...,  $d_{ypn}$  - ҳар бир фракция бўлакчаларининг ўргача ўлчами.

Одатда саноатда юқори майдалаш даражаси талаб этилади. Кўпинча қайта ишланадиган хом-ашё бўлакларининг ўлчамлари 1,5...2,0 м гача бўлади, аммо технологик жараёнларда қўлланиладиган материал заррачалари микрометрнинг бир неча улушини ташкил этади. Бундай ўта майнин майдалаш бир неча босқичда эришилади, чунки битта майдалағичда юқорида айтилган натижага эришиб бўлмайди.

Хом-ашёнинг энг йирик бўлаклари ва майдаланган заррача ўлчамларига қараб майдалаш кўйидаги турларга бўлинади (7-1 жадвал):

### 7-1 жадвал

#### Қаттиқ жисмларни майдалаш усуллари

Майдалаш тури	Материалнинг дастлабки ўлчамлари, D, мм	Материалнинг майдалашдан кейинги ўлчамлари, d, мм	Майдалаш даражаси, i
Йирик майдалаш	1500...300	300...100	2..6
Ўргача майдалаш	300...100	50...10	5..10
Майда янчиш	50...10	10...2	10..50
Майнин янчиш	10...2	2...0,075	~100
Ўта майнин янчиш	10...0,075	0,075...0,001	-

### 7.2. Сочилувчан материалларинин механикасининг асослари

Дисперсион таркиб-сочилувчан материал полидисперс система бўлиб, унинг дисперслигини баҳолаш учун заррачаларнинг қўйидаги характеристикаларидан фойдаланилади:

$\delta_{max}$  – максимал ўлчам;  $\delta_{min}$  - минимал ўлчам;  $\delta_{yp}$  - ўргача ўлчам.

Юзанинг солиширма майдони -  $F_c$  ( м<sup>2</sup>/м<sup>3</sup>):

$$F_c = \frac{G \cdot n}{\rho \cdot L} \quad (7.3)$$

бу ерда  $L$  - чизиқли ўлчам;  $\rho$  - заррача зичлиги; шар шакли учун  $n=1$ .

Майдаланган материалнинг дисперсион таркибини Розин-Роммлер формуласи ёрдамида аниқлаш мумкин.

$$R = \exp(-b \cdot \delta^n) \quad (7.4)$$

бу ерда  $b$ ,  $n$ -константалар.

Агар, заррачалар ўлчами турлича бўлса, материал бир неча фракцияларга элаб ажратилади. Сўнг, ҳар бир фракция учун заррача ўлчами  $L_i$ , фракцияларнинг массавий улушлари  $x_i$  ларни аниқлаб,  $F_c$  ни ҳисоблаш мумкин:

$$F_c = \frac{G}{\rho} \sum \frac{n_i x_i}{L_i} \quad (7.5)$$

**Сочилувчан материалларнинг "тўқма" зичлиги**  $\rho_T$  - жисм массасининг уэгаллаб турган ҳажм нисбатига айтилади. "Тўқма" зичлик  $\rho_T$  ва материал зичлиги  $\rho$  орасида қуйидаги боғлиқлик бор:

$$\rho_T = \rho_{.u} (1 - \varepsilon) \quad (7.6)$$

бу ерда  $\varepsilon$  - материал қатламининг ғоваклилиги.

Нам материалнинг "тўқма" зичлиги эса ушбу ифода ёрдамида топилади:

$$\rho_T = \rho_{.u} (1 - \varepsilon) \cdot (1 + u)$$

бу ерда  $u = M_{\text{нам}} / M_{\text{абс.курук}}$ .

**Табиий қиялик бурчаги**  $\varphi_e$  - сочилювчан материал текис юзага тўкилиши натижасида ҳосил бўлган конус чизиги ва унинг асоси орасидаги бурчак. Одатда,  $\varphi_e$  нинг сон қиймати 30...40° орагидига бўлади.

Қатлам ғоваклилиги  $\varepsilon$  - бу қатлам заррачалари орасидаги бўш ҳажмни ифодаловчи параметр:

$$\varepsilon = 1 - \frac{\rho_T}{\rho_{\text{кж}}} \quad (7.7)$$

бу ерда  $\rho_{\text{кж}}$  - қаттиқ жисм зичлиги, кг/м<sup>3</sup>.

Эквивалент диаметр -  $d_s$ :

$$d_s = \sqrt[3]{\frac{6 \cdot m}{\pi \cdot \rho}} \quad (7.8)$$

**Сиқин ва синин пайтидаги мустаҳкамлик** кучланиш (Pa·10<sup>-5</sup>) орқали топилади.

1. Паст механик мустақамлик	> 100
2. Жуда юмшоқ	100...500
3. Юмшоқ	- 500...1000
4. Ўртача	-1000...1500
5. Мустақам	-1500...1800
6. Ўта мустақам	>1800

**Қаттиқлик** на фақат майдаланиш даражаси  $i$  га, балки майдалаш машиналар ишчи деталларининг едирилишига таъсир кўрсатади. Едирилиш 10 балли Моор шкаласи ёрдамида баҳоланади.


**Мўртлик.** Жисм мўртлиги пластик деформациясиз, механик куч таъсири остида бузилиш қобилияти орқали аниқланади. Одатда мўртлик температурага боғлиқ. Жисм бўлагининг ўлчами қанчалик кичик бўлса, унинг мустақамлиги шунчалик юқори бўлади.

### 7.3 Майдалаш усувлари

Турли саноат корхоналарида қўлланиладиган майдалаш усувлари 7 1-расмда келтирилган.

Одатда, қаттиқ жисм-ларни майдалаш учун кўпинча эзиш, ёриш, сиқиқ ва эркин зарба бериш усувларидан кенг кўламда фойдаланилади.

Лекин, соф ҳолда ҳеч қайси усул саноатда учрамайди. Масалан, эзиш, ёриш, зарба билан майдалаш кетидан келадиган жараён бу ейилиш ёки едирилишидир. Ейилиш жараёнида кўпинча чанг ҳосил бўлади ва материалнинг ўта майдаланиш каби зарарли ҳоллар ҳам учрайди.



7.1-расм. Майдалаш усувлари.

а - эзиш; б - ёриш; в - синдириш; г - қирқиши; д - аппа-лаш; е - ейилиш; ж - сиқиқ зарба; з - эркин зарба.

Шунинг учун, майдалаш усулини танлаш материал бўлакларининг каталиги ва мустақамлигига боғлиқ.

Мустақам ва мўрт материаллар эзиш ва зарба, мустақам ва эгилувчандар - эзиш, ўртача мустақам, эгилувчан материаллар - зарба, ейилиш ёки ёриш усулида майдаланади.

Майдалаш бир ёки бир неча усувларда, очиқ ва ёпиқ циклларда амалга оширилади. Ундан ташқари, майдалаш жараёнини қуруқ ёки нам усувларда ҳам ўтказса бўлади.

Айрим ҳолларда, материал ҳусусиятларига қараб: ультратовуш, гидравлик зарба тўлқини, юқори ва паст температураларни тез алмаштириш, электрогид-

равлик зарба, босимни тезда ўзгартыриш, юқори температурада қиздириш усулларини ҳам қўлласа бўлади.

Майдалаш жараёнларида катта миқдорда энергия сарфланади. Энергия сарфи мавжуд майдалаш назариялари асосида топилиши мумкин.

**Юза назариясига** биноан, майдалаш жараёнидаги иш, материални парчаланиш юзаси бўйича молекулалар тортишиш кучини енгига сарфланади. Ушбу назарияга кўра, майдалаш учун зарур иш, майдаланиш этижасида янги ҳосил бўлаётган юзаларга пропорционалдир.

**Хажмий назарияяга** биноан, майдалаш жараёнидаги иш материал деформациясига, яъни энг юксак парчаланиш деформациясига етказиш учун сарф бўлади.

Майдалаш жараёнида ташки кучлар таъсирида бажарилган ҳамма иш  $A$  Риттингер тенгламаси орқали аниқланади:

$$A = A_D + A_{\alpha} = K_1 \Delta V + K_2 \cdot \Delta F \quad (7.9)$$


бу ерда  $A_D$  - парчаланаётган бўлак ҳажмининг деформациясига сарфланаётган иш,  $\mathbf{J}$ ;  $A_{\alpha}$  - янги юза ҳосил қилиш учун сарфланган иш,  $\mathbf{J}$ ;  $K_1$ -жисмнинг ҳажм бирлигини деформация қилиш учун сарф бўлган ишга тенг пропорционаллик коэффициенти;  $K_2$ -янги юза ҳосил қилиш учун сарфланган ишга тенг пропорционаллик коэффициенти;  $\Delta V$  - парчаланаётган жисм ҳажмининг ўзгариши;  $\Delta F$ - янги ҳосил бўлган юза.

Риттингер майдалаш гипотезасига биноан, иш майдалаш пайтидаги ҳосил бўлган юза қийматига тўғри пропорционалдир.

Майдалаш даражаси катта майдалаш жараёнида жисм бўлаги деформациясига сарфланаётган ишни ҳисобга олмаса бўлади. Унда  $\Delta F \sim D^2$  эканлигини назарда тутиб, ушбу формулани оламиз:

$$A = K_2 \cdot \Delta F = K_2^1 \cdot D^2 \quad (7.10)$$

бу ерда  $D$  - жисм бўлагининг ўлчами;  $K_2^1$  - пропорционаллик коэффициенти.



7.2-расм. Кубни майдалашга оид.

Риттингер назарияси қуйидаги ҳолатлардан келиб чиқади: масалан, куб қиррасининг узунлиги  $n$ , майдалангандан сўнг эса  $1/n$  бўлади.

Майдалаш жараёнини ташки кучлар таъсирида жисм қирраларга параллел текисликлар бўйлаб парчаланади деб қараш мумкин.

Агар парчаланиш  $aa'$ ,  $bb'$  ва  $cc'$  текисликлар бўйича парчаланса, унда 8 та  $n/2$  узунликка эта қиррали янги кублар ҳосил бўлади (7.2-расм).

Агар,  $n/3$  бўлса 27 та,  $n/4$  да эса 64 янги майда кублар олиш мумкин.

Демак, майдалаш учун сарфланаётган иш, майдалаш даражасига пропорционал:

$$\frac{A}{A_1} = \frac{i}{i_1} \quad (7.11)$$

бу ерда

$$i = \frac{1}{a}, \quad i_1 = \frac{1}{b}$$

Унда, майдалаш учун сарфланаётган иш, майдалаш натижасида ҳосил бўлаётган бўлакларнинг чизиқли ўлчамларига тескари пропорционал:

$$\frac{A}{A_1} = \frac{b}{a} \quad (7.12)$$

Майдалаш даражаси кичик, лекин йирик майдалаш жараёнида янги юза ҳосил қилиш учун сарфланаётган ишни ҳисобга олмаса бўлади. Унда,  $\Delta V \sim D^3$  эканлигини инобатга олсак, қуйидаги формулани оламиз:

$$A = K_1 \cdot \Delta V = K_1^1 \cdot D^3 \quad (7.13)$$

(7.13) тенглама Кик-Кирпичев гипотезасини ифодалайди, яъни майдалаш жараёнидаги иш, майдаланаётган бўлак ҳажмига тўғри пропорционал.

(7.9) формуладаги қўшилувчиларни ҳисобга олмасликнинг иложи бўлмаса, қуйидаги тенгламани келтириб чиқариш мумкин:

$$A = K_3 \sqrt{D^3 - D^2} = K_3 \cdot D^{2.5} \quad (7.14)$$

Ушбу тенглама Бонд тенгламаси деб номланади, яъни майдалаш жараёнидаги иш, ҳажм ва юзаларнинг ўртача геометрик қийматига тўғри пропорционал.

Маҳсулотларни кесиб майдалашдан мақсад, унга зарур шакл, ўлчам ва юзаларини сифатли қилишдир. Материалларни кесиш жараёнида чегаравий қатлам бузилади ва натижасида бўлакларга ажралади. Материал парчаланишдан аввал эластик ва қайишқоқ деформацияларга дучор бўлади. Ушбу деформациялар кесувчи асбобга кўрсатилаётган маълум куч таъсирида ҳосил бўлади. Таъсир этаётган кучланиш материалнинг вақтинча қаршилигига тенг бўлган ҳолдагина материалнинг парчаланиши бошланади.

Кесиш учун сарфланган иш эластик ва қайишқоқ деформациялар, ҳамда кесиш асбобининг материалга ишқаланишини енгишга сарфланади.

Жисмларни кесиш учун сарфланган иш  $A$  акад. Горячкин В.П. формуласи орқали ифодаланиши мумкин:

$$A = A_c + A_\phi \quad (7.15)$$

бу ерда  $A_c$ -маҳсулотни сикиш учун сарфланган иш,  $\text{Ж}$ ;  $A_\phi$ -кесиш фойдали иши,  $\text{Ж}$ . Сикиш учун сарфланган иш  $A_c = \mathcal{E}h_c/h$ , бу ерда  $\mathcal{E}$  - кесувчи пичноқ билан материални сикиш шартли модули,  $\text{Ж}$ ;  $h_c$  - сикилган қатлам баландлиги, м;  $h$  - қатламнинг бошланғич баландлиги, м; Фойдали иш  $A_\phi = F_{kec}(h-h_c)$ , бу ерда  $F_{kec}$ -кесиш кучланиши.

Озиқ-овқат саноатида кесиш учун турли хил ва шаклдаги пичноқлар кўлланилади: тўғри бурчакли, дискли, лентали, ўроқсимон ва бошқалар. Кесиш асбоблари қўзғалмас, тебранма, айланма, илгарилама-қайтма ҳаракатли бўлиши мумкин.

#### 7.4. Майдалагичлар конструкциялари

Майдалаш машиналари икки хил бўлади: майдалагич ва тегирмонлар. Майдалагичлар йирик ва ўрта майдалаш учун, ўрта, майда, майнин ва ўта майнин майдалаш учун эса, тегирмонлардан фойдаланилади.

Түрли хил даражада майдалаш үчүн хилма-хил машиналар ишлатылади (7.3-расм).




7.3-расм. Майдалагичлар классификацияси.

Кесиш машиналари пластинали, дискли, роторли, оқимчали ва бошқа түрли бўлади.

Ҳамма майдалаш ва кесиш машиналарига қўйидаги талаблар кўйилади: майдаланган материал бўлаклари бир хил бўлиши; майдаланган бўлаклар ишчи бўшлигидан чиқарилиши; минимал чанг ҳосил бўлиши; узлуксиз ва автоматик тўкилиши; майдаланиш даражасини ростлаш шароити; тез-едириладиган ишчи қисмлар осон алмаштириш шароити; энергия сарфи кичик бўлиши зарур.

**Жағли майдалагичларда** қўзғалмас ва ҳаракатчан плиталарнинг узлукли яқинлашишидан ҳосил бўлган конусли камерада материални эзиш ва ёриш усуллари билаги амалга оширилади (7.4-расм).

Майдаланган материал ҳаракатчан плита орқага юриши пайтида майдалагичдан тўкилади.



7.4-расм. Жағли майдалагич.

- 1-харакатчан плита; 2-құзғалмас плита;
- 3-харакатчан плита ўқи; 4-эксцентрик ўқ;
- 5-шкив;
- 6-маховик; 7-шатун; 8,11-ростловчи поналар; 9-пружина;
- 10-станина; 12-дастаклар; 13-тая.

Майдалагич жағлари осон счиладиган, едирилишга чидамли, қирралы плиталар билан қолланған бўлиши керак. Ҳаракатчан плита құзғалмас ўқга маҳкамланади ва эксцентрик ўқ орқали шатун ёрдамида тебранма ҳаракатга келтирилади. Ўз навбатида шатун шарнир дастак 12 орқали ҳаракатчан плита ва ростловчи поналар 8 ва 11 лар билан бөгланған. Ушбу поналарни сурилиши ростловчи болтлар ёрдамида амалга оширилади ва чиқиши ўйли энини керакли ўлчамда ўрнатилишига олиб келади. Бу эса түғридан-түғри материални майдалаш даражасига таъсир этади. Тая 13 ва пружина 9 лар ёрдамида плита 1 нинг қайтар ҳаракатига эришилади. Шатун 7 ва йириб турувчи плиталар тирсакли дастакни ташкил қиласи. Майдалагич конструкциясининг асоси бўлиб тирсакли дастак ҳисобланади ва юқори босимлар ҳосил қиласи.

Жағли майдалагичлар тузилиши содда ва иш жараёнида ишончли. Аммо, унинг таркибида тебранувчи массалар (яъни ҳаракатланувчи плита, тирсакли дастак ва ҳоказо) бўлгани учун уни оғир пойдеворларга ўрнатиш зарур:

Жағли майдалагич ишининг асосий параметрлари: илинтириш бурчаги; ўқнинг айланиш частотаси; иш унумдорлиги ва энергия сарфи.

Материалниң майдаланиш даражасига илинтириш бурчаги  $\alpha$  катта таъсир кўрсатади. Агар,  $\alpha$  катта бўлса, майдаланиш даражаси  $i$  ортади.

Одатда, ушбу бурчак қўймати  $\alpha = 15 \dots 22^\circ$  оралигига бўлади.

Ҳаракатчан плитаниң бир ҳолатдан иккинчисига ўтиш даври  $t = 30/n$ . Бу вакт ичida материал  $S = g t^2 / 2 = (g/2)(30/n)^2 = 450 g/n^2$  масофани босиб ўтади.

Агар, ҳаракатчан плита тебраниш ўйли  $l$  (см) бўлса, майдалагич камера-сидаги материал баландлиги  $h = l / \operatorname{tg} \alpha$  га тенг бўлади.

Оғирлик кучи таъсири остида материалниң тўкилиши  $l / \operatorname{tg} \alpha \leq 450 g/n^2$  бўлган шарт бажарилса амалга ошади.

Ҳаракатчан плитаниң жуфт тебраниш сони  $n$  ( $\text{мин}^{-1}$ ) ушбу формуладан топилади:

$$n \leq \sqrt{\frac{450 \cdot g \cdot \operatorname{tg} \alpha}{l}} \quad (7.16)$$

$\alpha = 22^\circ$  бўлган ҳолда майдалагичнинг иш унумдорлиги куйидаги формуладан аниқланади:

$$Q = 0,15 \mu \cdot d_{yp} I b n \rho_k \quad (7.17)$$

бу ерда  $\mu$  - майдаланган материалнинг юмашаш коэффициенти ( $\mu=0,2\dots0,65$ );  $d_{yp}$  - майдаланган материал бўлакларининг ўртача ўлчами, см;  $I$  - плита юриши йўлининг узунлиги, см;  $b$  - тўкиш тиркшининг узунлиги, см;  $n$  - 1 минут ичига жуфт тебранишлар сони;  $\rho$  - материал зичлиги, кг/м<sup>3</sup>.

Майдалагичнинг 1 т/соат иш унумдорлигига учун 400...1500 Вт энергия сарфи тўғри келади.

Ушбу майдалагич афзалликлари: оддий ва ихчам, унча катта жой эгалламайди; ишлатиш осон ва турли соҳаларда кенг тарқалган.

Камчиликлари: оғир пойдевор талаб қиласди; бинони тебрантиради; зарба ва шовқин билан ишлайди.


**Конусли майдалагич** материалларни йирик, ўрта ва майда янчиш учун ишлатилади. Жараён асосан эзиш ва синдириш усуулларида олиб борилади.

Майдалаш қурилма қобиги ва конуссимон шаклдаги айланувчи каллак орасида амалга оширилади (7.5-расм).

Конуссимон, айланувчи конус қурилма ўртасидан маълум масофада четга ўрнатилган, эксцентрик айланма ҳаракат қиласди. Айланувчи конус қобигининг бир томонига яқинлашса, иккинчи томонида қобиқ ва конус қаллак орасидаги масофа кўпаяди ва у ердан майдаланган материаллар тўклилади.


Афзалликлари унумдорлиги катта, материал узлуксиз эзиш ва букиш натижасида майдаланилади, бир меъёрда, шовқинсиз ишлайди (маховик керак эмас) ва майдалаш даражаси юқори.

Камчиликлари қурилма мураккаб, нархи қиммат, тикка конусли қурилманинг баландлиги катта.



7.5-расм. Конусли майдалагич.

1-шарсимон таянч; 2-қобиқ;  
3-зирхли плита; 4-каллак;  
5-вертикаль ўқ; 6-эксцентрик.




7.6-расм. Болғали майдалагич.

1-қобиқ; 2-майдаловчи болға;  
3-диск; 4-ўқ; 5-зирхли плита;  
6-колосникили тўр парда.

**Болғали майдалагич** ҳайвон суяклари ва бошқа қаттиқ жисмларни майдалаш учун кўлланилади (7.6-расм). Ушбу машина сиқиқ зарба бериш усулида ишлайди. Унда, болға 2 тез айланадиган диск 3 га шарнир орқали биринтирил-

ган. Материал бункер орқали машинага юкланади ва болғалар билан майдаланади. Майдаланган материал колосники панжара 6 дан ўтиб, машинадан тўкилади. Майдаланган материал ўлчамлари колосники панжара тешиклари нинг ўлчамлари билан белгиланади.

Дезинтеграторда дискларнинг концентрик айланалари бўйлаб савалаш стерженлари ўрнатилган. Биринчи дискнинг ҳар бир қаторидаги савалаш стерженлари бошқа дискнинг икки қаторидаги стерженлар орасида кичик тирқиши қолдириб жойлаштирилган бўлади (7.7а-расм).



7.7-расм. Дезинтегратор (а) ва дисембратор (б).

а) 1,6-ўқлар; 2,3-дисклар; 4-била стерженлари; 5-юкловчи бункер; 7-тўкиш штуцери. б) 1-барабан; 2-ўқ; 3-қопқоқ; 4-юкловчи бункер; 5,6-била стерженлари.

Юкловчи бункер 5 орқали материал машинага юкланади ва айланувчи савалаш стерженлар зарбаси таъсирида материал майдаланади.

Майдаланган материал машинанинг пастки қисмида жойлашган тўкиш штуцери орқали чиқарилади.

Дискнинг айланыш частотаси  $200\ldots1200 \text{ мин}^{-1}$ . Бу турдаги машиналар иш унумдорлиги  $0,5\ldots20 \text{ т/соат}$ .

**Дисембратор.** Бундай қурилмаларда битта айланувчи барабан 1 бўлиб, унга бир нечта стержень – била 6 лар ўрнатилган, иккинчи, кўзғалмас барабан функциясини қопқоқ 3 бажаради (7.7б-расм). Ушбу қонқоқнинг ички юзасига стержень 5 лар маҳкамланган. Майдаланаётган материал воронка 4 орқали қурилмага юкланади. Дисембратор ўртасига тушган сочилувчан материал марказдан қочма куч таъсирида винтсимон ҳаракатга келтирилади. Барабан 1 айланувчи ўқ 2 га ўрнатилган бўлади ва у билан бирга тешикли ёки тиқишли ҳалқасимон панжара ичидаги ҳаракатланади.

Панжара тешикларидан ўтмаган материалларни стержень 5 лар ёрдамида жуда кичик ўлчамли бўлакчалар даражасигача майдалаш мумкин. Дисембратор барабанинг диаметри 250...6000 мм ва айланиш частотаси 2500...3800 айл/мин – оралиқда бўлиши мумкин.

Дисембраторларнинг дезинтегратордан фарқи шундаки, дискнинг фақат биттаси айланувчан бўлади. Иккинчи диск вазифасини машина қопқоги (қобиги) бажаради. Унда ҳам концентрик айланалар бўйлаб стерженлар жойлаштирилган. Бу курилмалар резина-техника саноат корхоналарида мел ва каолинни майдалаш, ҳамда кўмир кукунини олиш учун ишлатилади.


Зарбали майдалагич афзаликлари: тузилиши содда ва ихчам; иш унумдорлиги ва майдалаш даражаси юқори; ишончлиги катта.

Камчиликлари: курилма деталларининг едирилиши юқори; кўп чанг ҳосил бўлади; энергия сарфи катта.

**Дискли тегирмонлар.** Бугдой, күнжара, арпа, шоли ва қуруқ нонларни майда ва майнин янчиш учун ишлатилади. Бундай машиналарда ишчи қисм сифатида иккита тарам-тарам вертикал дисклар хизмат қиласиди. Улардан бири горизонтал ўқда айланади, иккинчиси эса - қўзғалмас бўлади. Ҳом-ашё узлуксиз равишда икки диск бўшлиғига узатилади ва у ерда майдаланади. Иккила диск орасидаги масофа материалнинг майдаланиш даражасини белгилайди. Дискнинг айланга бўйлаб ҳаракат тезлиги 7...8 м/с.

Болға, плитга, диск ва тўр пардалар едирилишга чидамли марганецли ёки қаттиқ қотишка билан қопланган углеродли пўлатлардан тайёрланади.

Мева ва резаворларни майдалаб, уларнинг шарбатини қолдиқлардан ажратиш учун центрифугаси бор дискли тегирмон ишлатилади (7.8-расм).



7.8-расм. Мева-резаворларни майдалаш машинаси.

- 1-бункер;
- 2-турпни чиқариши учун патрубка;
- 3-қобик;
- 4-ротор;
- 5-юриткич;
- 6-шарбат чиқиши учун патрубок;
- 7-ўқ;
- 8-майдаловчи диск;
- 9-сават.


Машина қобиги ичидаги ўқга қирғичли диск ўрнатилган бўлиб, у коностимон ротор ёрдамида айлантирилади. Ҳом-ашё юкловчи бункер 2 орқали сават 9 га узатилади. Саватнинг девори темир турдан ясалади ва у фильтрловчи юза вазифасини ҳам бажаради.

Майдаланган ҳом-ашё марказдан қочма куч таъсирида иккита, яъни шарбат ва турпга ажралади.

Шарбат, айланувчи саватнинг тўр деворларидан, ҳалқасимон бўшлиқقا фильтрланиб ўтади ва чиқиш патрубкаси орқали машинадан тўкилади. Турпи эса, қопқоқ остидаги бўшлиқдан турпни чиқариш патрубкасидан ташқарига узатилади.

**Жували майдалагичлар** иккита параллел цилиндрик жувадан иборат бўлиб, бир-бирига қараб айланади ва эзиш усулида материалларни майдалайди.

Текис жували майдалагичлар станина 1 ва жува 3,5 лардан таркиб топган (7.9-расм). Жува 1 нинг подшипниклари кўзгалмас қилиб маҳкамланса, жува 2 эса ҳаракатчан подшипникларда ўрнатилади ва у силжиши мумкин. Жува 3 пружиналар 2 ёрдамида маълум бир ҳолатда ушлаб турилади. Агар, майдалагичга катта ва мустаҳкам бўлак тушиб қолса, пружина сикилади ва жувалар тирқиши ортиши натижасида ушбу бўлак машинадан ўтиб кетади. Кўпинча, ҳар бир жува алоҳида ҳаракатга келтирилиши мумкин.



7.9-расм. Жували тегирмон.  
1-станина; 2-пружина;  
3-ҳаракатчан жува;  
4-бункер; 5-кўзгалмас  
жува.

Камчиликлари: майдалангандан материаллар ясси бўлаклардан иборат; юқори мустаҳкамликка эга материалларни майдалаш учун кам яроқли.

Жували майдалагични ҳисоблаш қуйидаги параметларни илинтириш бурчаги, илинтирилаётган бўлакнинг энг катта ўлчами, жувалар тезлиги ва иш унумдорлигини аниқлашдан иборат.

Илинтириш бурчаги одатда  $18^\circ$  атрофида бўлиши маҳсадга мувофиқдир.

Текис жувалар материал бўлакларини тортиб олиш учун илинтириш бурчаги  $\alpha$ -материалнинг ишқаланиш бурчаги  $\phi$  дан кичик, яъни  $\alpha \leq \phi$  бўлиши керак.

*Илинтирилаётган бўлакнинг энг катта ўлчами*  $d_k = 2r$  бўлгани учун:

$$R + e = (R + r) \cdot \cos \alpha \quad (7.18)$$

бу ерда  $e$  - жувалар орасидаги тирқиши ўлчамининг ярми;  $R$ -жува радиуси.

Жувалар бир-бирига зич ўрнатилганида ( $2e = 0$ ):

$$2r = \frac{2R(1 - \cos \alpha)}{\cos \alpha} \quad (7.19)$$

Агар,  $\cos\alpha = 18^\circ$  лигини ҳисобга олсак:

$$2r = 0,1R + 2e$$

Амалиётда майдаланаётган бўлакларнинг энг катта ўлчами жувалар диаметридан 20-25 марта кичик бўлади.

*Жувалар тезлиги.* Жувалар максимал айланиш сонини материал бўлакларининг улар орасидан сирпаниб ўтиб кетмаслиги шартидан қелиб чиқсан ҳолда аниқланади. Юқорида қайд этилгин шарт асосида ва Л.Б. Левенсон формуласига биноан:

$$n = 616 \sqrt{\frac{f}{\rho d_k D}} \quad (7.20)$$

бу ерда  $f$  - материални жувага ишқаланиш коэффициенти ( $f=0,3$ );  $\rho$  - материал зичлиги, кг/м<sup>3</sup>;  $d_k$  - хом-ашё бўлакларининг ўлчами, м;  $D$  - жува диаметри, м;

Одатда жуваларнинг айлана бўйлаб тезлиги 3...6 м/с бўлади.

*Иш унумдорлик.* Жували майдалагичларнинг назарий иш унумдорлиги  $Q$  ушбу формуладан аниқланади.

$$Q \approx 0,2\mu \rho L D e n \quad (7.21)$$

бу ерда  $\mu$  -майдаланган материалнинг юмашаш коэффициенти ( $\mu= 0,2-0,3$ );  $L$ -жува узунлиги, м; чизикли ўлчамлар  $D$ ,  $n$ ,  $L$ ,  $e$  - м, зичлик  $\rho$  эса - кг/м<sup>3</sup>


**Артиш машинаси.** Горизонтал артиш машинаси бир ёки бир неча камерали бўлиши мумкин.

Айрим ҳолларда камералар сони бир нечта бўлиши мумкин. Камера цилиндрик қобиқдан иборат бўлиб унинг ичида метал тўр парда жойлаштирилган. Қобиқ ва тўр парда орасида ҳалқасимон канал бор. Қобиқ ўқи бўйлаб артиш куракчали ротор ўрнатилган. Тўр парда ва куракчалар орасида зарур ўлчамили тирқиши бўлиб, у ерда майдалаш ва едирилиши натижасида материал майдаланади. Чунончи, куракчаларни материалга сон-саноқсиз урилиши натижасида ҳосил бўлаётган босим таъсирида артиш жараёни амалга оширилади.

**Югурувчи тегирмон,** одатда 2 та тегирмон тоши ва майдаланаётган материал солинадиган жом 2 лардан таркиб топган (7.10-расм).

Тегирмон тошлари вертикал ўқларга ўрнатилади ва у билан бирга айланади.

Ундан ташқари, жом учидаги материал билан ишқаланиш натижасида тегирмон тошлари горизонтал ўқи атрофига ҳам айланади. Майдалаш жараёни эзиш ва едирилиш усуllibарини ҳисобига бўлади.




7.10-расм. Югурувчи тегирмон.

1-вертикал ўқ; 2-жомлар;  
3-горизонтал ўқлар; 4-тегирмон тошлари; 5-кривошип.

Қўзғалмас жомли ва узатмадан айланувчи тегирмон тошли, ҳамда узатмадан айланувчи жомли ва қўзғалмас тегирмон тошли югурувчи тегирмонлар бор. Охирги турдаги тегирмон тез юрар ( $20\ldots50 \text{ мин}^{-1}$ ) машина деб ҳисобланади.

Ушбу машиналарда майдаланган материални тўкиш, марказдан қочма куч таъсирида, автоматик равишда амалга оширилади.

**Шарли тегирмонлар** майин янчиш учун ишлатилади (7.11-расм).



**7.11-рамз. Шарли тегирмон.**

1-барабан қобиги; 2-зирхли плита; 3-люк; 4-узатма шестернёси; 5-панжара; 6,9 қопқоқ; 7-ичи бўш цапфалар; 8-йўналтирувчи конус.

Ушбу тегирмонлар бир вақтнинг ўзида шар ва материал билан юкланди. Шарлар кўпинча пўлат, диабаз, чинни ва бошқа материаллардан ясалади. Уларнинг диаметри майдаланаётган материал ўлчамларига боғлиқ.

Одатда пўлат шарлар диаметри  $35\ldots175 \text{ mm}$  бўлади ва тегирмон ҳажмининг  $30\ldots35\%$  шарлар билан тўлдирилади.

Тегирмон айланиши пайтида, девор ва шарлар ишқаланиши натижасида шарлар айланиш йўналишида тепага кўтарилиб боради. Ушбу ҳол, кўтарилиш бурчаги материалнинг табиий қиялик бурчагидан ортмагунча давом этади, сўнг эса шарлар пастга қараб думалайди.

Айланиш тезлиги ортиши билан марказдан қочма куч ва кўтарилиш бурчаги кўпаяди. Шарлар оғирлиги марказдан қочма кучдан кўпайиши билан шарлар пастга, параболик траектория бўйлаб тушиб кетади.

Агарда, айланиш тезлигини янада оширсан, марказдан қочма кучлар шунчалик кўпаядики, шарлар тегирмон билан биргаликда айлана бошлади.

Шарлар тушиб кетмайдиган тегирмоннинг чегаравий айланиш частотаси кўйидаги формуладан топилади:

$$n_c = \sqrt{\frac{900 \cdot g}{\pi^2 R}} = \frac{42,3}{\sqrt{D}} \quad (7.22)$$

Одатда тегирмоннинг айланиш частотаси  $n_c$  нинг  $75\%$  га тенг деб қабул қилинади ва ушбу формуладан аниқланади.

$$n = \frac{32}{\sqrt{D}} \quad (7.23)$$

бу ерда  $D$  - барабан диаметри, м.

Тегирмоннинг иш унумдорлиги  $Q$  ( $m^3/соат$ ) күйидаги таҳминий формуладан ҳисоблаб топилади:

$$Q = V K D^{0.6} \quad (7.24)$$

бу ерда  $V$ -барабан ҳажми, м;  $K$  - хом-ашё бўлакларининг ўртача ўлчамига боғлиқ пропорционаллик коэффициенти,  $K=0,41\dots1,31$ .

**Афзаликлари:** универсал, майдалаш даражаси юқори, ишлатишда ҳавфсиз ва қулай.


**Камчиликлари:** кўпол, оғир, фойдали иш коэффициенти кичик, янчиш воситалари ҳам уқаланиб майдаланилаётган материални ифлослантиради.

**Тебранма тегирмонлар** майнин янчиш учун мўлжалланган. Бу машиналар барабандан иборат бўлиб, 70% ҳажм майдаловчи шарлар билан тўлдирилган. Унинг ичидаги тебратгич ўрнатилган бўлиб, у шар ва материалларни тебрантиради. Бундай тегирмонларнинг ишлаш самарадорлиги тебраниш частотаси ва амплитудага боғлиқ.

Одатда тебраниш амплитудаси 2..4 мм бўлганда, частотаси эса 1500...2500 мин<sup>-1</sup>.

**Коллоид тегирмонлар** суспензияларни ўта майнин янчиш учун қўлланилади. Майдалаш нам усулда олиб борилади. Коллоид тегирмонларнинг асосий қисми конус шаклидаги ботик қобиқ ва ротордир. Конус юзали қобиқ ва ротор орасида тирқиши бўлиб, унинг қиймати 0,01...0,5 мм га teng бўлади. Роторнинг айланаси бўйлаб тезлиги 30...120 м/с. Қобиқ ва ротор орасидаги тирқишида суспензия едирилиш усулида майдаланади.

**Марказдан қочма, ромли кесгич.** Одатда, бу турдаги машина қанд лавлагини паррак қилиб кесиш учун мўлжалланган (7.12-расм).



7.12-расм. Марказдан қочма, ромли кесгич.  
1-юкловчи бункер; 2-пичоқли ром; 3-қобиқ; 4-туб; 5-лок; 6-уч парракли спиральсиз мослама.


диск хизмат қиласи.

Машина, устига полиамид материали қопланган, юқори сифатли, рангли материалдан ясалади. Кесилган сабзавотларни ранги ва ўлчами пичоқнинг

лавлаги бункер 1 орқали машинага юкланади, айланётган мослама уни илинтириб олади ва марказдан қочма куч таъсирида кесувчи пичоқларга сиқилади. Натижала, пичоқнинг ўткир қирралари билан парракларга кесилади. Қирқалган лавлаги парраклари машина қобиги ва ром орасидаги бўшлиқга тушади, сўнг эса люк орқали кейинги қайта ишлаш жараёнинга узатилади. Кесувчи пичоқларни тозалаш буг ёки сиқилган ҳаво ёрдамида амалга оширилади.


**Вертикал сабзавот кесгичлар.** Маҳсулотларни тилимча, куб, қаламча ва ҳоказо шаклларда кесиш учун мўлжалланган. Ушбу машина юкловчи бункер, майдалаш камераси ва узатмалардан иборат. Кесувчи асбоб сифатида электр юриткич ёрдамида айлантирилаётган вертикал ўқга ўрнатилган горизонтал

конструкцияси ва конфигурациясига боғлиқ (7.13-расм). Гүшт майдалагич куттер конструкцияси 7.14-расмда көлтирилган.



**7.13-расм. Сабзавот кесгиччининг қирғыш дисклари.**

а-тилимча қилиб кесадиган; б-юмшоқ ва серсув маҳсулотларни юпқа кесадиган; в-тарам-тарам тилимча кесадиган; г-куб шаклидаги кесадиган; е-қирғич.



**7.14 – расм. Гүшт майдалагич (куттер)**

1-қопқоқ; 2-девор; 3-жом; 4-узатма; 5-станина;  
6-кесувчи асбоб.

Легирланган пўлатда ясалган ва айланувчи жомга гүшт автоматик равишда юкланди. Жомдаги фреза шаклидаги кесувчи асбоб ёрдамида гүшт кесракли ўлчамларда кесилади. Кесиш тезлиги 130 м/с ни ташкил этади. Жараён вакуум остида олиб борилади. Қобиқ материали ва машина қопқоғи жараённи шовқин-суронсиз ўтказиш имкониятини беради. Кесиш натижасида ҳосил бўлаётган қийма узлукли, қия тамба ёрдамида автоматик тўкиб турилади. Қопқоқ ва қобиқ бирикмасини зичлаш маҳсус полимер қистирмалар ишлатилиди.

### 7.5. Донадор, сочилувчан материалларни классификациялаш

Донадор материал аралашмасини фракцияларга, бир-бирига яқин бўлган ўлчамли заррачаларни, ажратиш учун уч хил классификациялаш қўлланилади:

механик усул, бунда сочилувчан материалларни элак, түр ва шунга ўхшаш мосламаларда элаб олинади. Механик классификациялашда ўлчами элак тешигидан кічік бўлганлари ундан ўтиб кетади. Ўлчами катта бўлган бўлаклар ёки доначалар эса, яна қайта майдалашга жўнатилади;

гидравлик классификациялаш қаттиқ заррачалар аралашмаларини суюқлиқда чўкиш тезлиги асосида фракцияларга ажратади;

ҳаво ёрдамида ажратиш қаттиқ заррачалар аралашишини ҳавода чўқтириш ёрдамида амалга оширилади.

Классификациялаш ёрдамчи жараён сифатида қўлланилади, яъни материални майдалашдан оддин майда фракцияси ажратиб олинади. Ушбу жараён, йирик бўлакларни элаб олиб, қайта майдалашга жўнатиш учун, яна керакли ўлчамдаги тайёр маҳсулотни ажратиб олиш учун ҳам қўлланиши мумкин. Механик классификациялаш яна ажратиш (ёки элаш) деб ҳам номланади. Бу усулда заррачалар ўлчами миллиметрнинг бир неча улушидан токи бир неча сантиметр ўлчамли материалларни ажратиш учун қўлланилади. Классификациялаш жараёни элаш (грохот) ёки ажратиш (сепаратор) мосламаларида амалга оширилади.

Материалларни элаш учун металл ёки бошқа материал листларида тешиклар ҳосил қилинган тўрлар, металл стерженлари параллел жойлаштирилган колосниклардан фойдаланилади. Элак тешиги кўриниши квадрат ёки тўғри тўртбурчак шаклида бўлиши мумкин. Ўлчами эса 0,04 дан 100 мм гача бўлади. Элак рақами, шу элак тешиги ўлчамининг қиймати билан бир хил бўлади.


Тўрлар 2-12 мм қалинликдаги металл листлардан 2-10 мм диаметрлардаги тешикли қилиб ясалади. Тешиклар тиқилиб қолмаслиги учун, тешик пастга қараб кенгайиб борувчи шаклда қилинади.

Колосникларни стерженлардан трапецидал кўринишда қилиб йигилади. Мосламанинг кўринишдаги бу йигиши заррачалар ўтишини осонлаштиради.

Сочилувчан материаллар перфорацияли юзага нисбатан ҳаракати даврида классификациялаш жараёни содир бўлади. Бунда, перфорация қилинган юза қўзгалмас ёки тебранма ҳаракатда бўлиши мумкин. Агар, перфорацияли юза қўзгалмас қилиб ўрнатилса, унинг уфқга нисбатан қиялик бурчаги, материал ишқаланиш бурчагидан катта бурчак остида бўлиши керак.

Классификациялаш натижасида икки хил маҳсулот, яъни эланган ва эланмаган маҳсулотга ажралади. Эланган маҳсулот тешиклардан ўтгани бўлса, эланмагани бу элакдан ўтмаган қисми бўлади.

Классификациялаш бир ва кўп маротабали бўлади. Оддий классификациялашда материал бир маротаба элансан, кўп мартали классификацияда эса тешиклари турли ўлчамли бир нечта элаклардан ўtkазилади.



7.15-расм. Элаш усуллари.  
а - майдадан йирикга; б - йирикдан майдага;  
в - комбинацияланган.


**Элаклар.** Маълум бир қатор фракцияларни классификациялаб ажратиб олиш учун кўйидаги кўп маротабали элаш усули қўлланилади (7.15-расм):

- майдадан йирикка. Ушбу усулда материал тешик ўлчамлари ортиб борувчи бир неча элакдан кетма-кет ўтказиш йўли билан амалга оширилади;

йириқдан майдага. Тешик ўлчамлари камайиб борувчи элаклар бири-бирини устига ўрнатилади;

- комбинацияланган.

Саноатда ҳаракатчан ва қўзғалмас турдаги элаклар ишлатилади. Элакларнинг кўп қўлланиладиган тури-қўзғалмас элаклардир. Элаклар тебранувчан, барабанли, силталаувчан, дискли, гилдиракли, колосникли ва занжирили бўлиши мумкин. 7.16-расмда тебранувчан элак схемаси тасвирланган.



7.16-расм. Тебранувчи элак.

1-эксцентрик; 2-шатун; 3- пружина; 4-қобиқ; 5-элак.

Элак кривошилг механизми ёрдамида тебранма ҳаракат килади. Эланган маҳсулот пастга тешикдан тўкилади, эланмагани эса элак бўйлаб ҳаракатланиб, қайта майдалашга жўнатилади. Бир қанча фракцияларга ажратиш учун тебранувчи элаклар кўп қаватли қилинади. Материал қурилманинг энг юқорисига тўкилади. Катта ўлчамли материал юқори қаватда қолади, майдалари эса пастки қаватда тўгланади. Катта ўлчамли бўлаклари яна қайтадан майдалашга жўнатилади.

Тешикли тебранувчан ғалвир-машинанинг афзалликлари: ғалвирлаш самарадорлиги юқори; ихчам; таъмирлаш қулай.

Ғалвир машинанинг камчиликлари: конструкцияси мукаммал эмас; саралаш пайтида силкиниб, тебраниб ишлайди.

Роликли элаклар ҳаракатчан колосникли машиналар қаторига киради. Бу турдаги машиналарда элаш юзасини параллел ўрнатилган. Айланувчи ўқларга маҳкамланган диск ёки роликлар бажаради. Ажратилаётган материал диск ёки гилдирак устида ҳаракатланади ва улар орасидағи тирқищдан пастга тушади. Эланган материал элакнинг охиридан ташқарита тўкилади.

Материални узлуксиз силкиниши туфайли унинг гилдирак ёки дисклар бўйлаб ҳаракатлангани учун фракцияларга ажратиш самарадорлиги ортади.

Барабанли ғалвир-машина эса, горизонтта нисбатан 4-7° бурчак остида жойлашган барабан бўлиб, тўрдан ёки тарам-тарам қилиб темир листдан ясалган бўлиб, ўқта ёки тиргакли гилдиракга ўрнатилган бўлади. Барабаннинг очик томонидан материал юкланди. Барабан девори орқали майдада материал эланади, элакдан ўтмагани эса барабаннинг паст томонидан тўкиб олинади. Барабанли ғалвир-машина энг майда заррачаларни йирик бўлаклардан классификациялаш учун ишлатилади.


Ғалвир тешикларини материал ҳаракатланиш йўли бўйича ўзгартириш, яъни катталаштириш ҳам мумкин бўлади.

Барабанли ғалвир машинанинг камчиликлари: ажратиш самарадорлиги ва унумдорлиги кичик.

Дон ва бошоқли дон маҳсулотларини тозалаш учун горизонтал ва вертикал цилиндрлик дон тозалаш ажратгичлардан фойдаланилади. Ажратиш жараёни металл түрли ажратгичларда амалга оширилади.


Элак (түр) тешиклари дон аралашмаси ҳаракати йўналиши бўйича катталашиб боради. Аралашмани ажратиш эса вертикал ажратгичда марказдан қочма куч ёрдамида амалга ошса, горизонтал ажратгичда эса тебранма ҳаракат туфайли амалга оширилади.

7.17-расмда барабанли марказдан қочма ажраткич (сепаратор) нинг схематик кўриниши тасвирланган.



7.17-расм. Барабанли ғалвир

- 1-юклаш штутцери;  
2-қобиқ; 3-барабан;  
4-каналли тўсиқ;  
5-ўқ.



7.18-расм. Электромагнит барабанли ғалвир

- 1-ажраткич; 2-конвейер;  
3-бункер.

Барабан бир неча қисм (секция) дан ташкил топган. Тозаланмаган дон юқори секцияга келиб тушади. Марказдан қочма куч таъсирида бошоқли материал барабанли ажраткичнинг ғалвирсимон девор четига урилади. Материал таркибидаги, дондан кичик аралашмалар ғалвир орқали ўтиб кетади ва ажратгичдан чиқариб ташланади. Дон эса, курилманинг пастки қисмига тушади. Бу секция деворининг тешиклари маҳсулот ўлчамидан катта бўлгани учун, дон ғалвирсимон девордан ўтиб, курилмадан чиқариб юборилади.

Вибрацион ғалвир машиналарининг элаги текис ётиқ бўлиб, тебраткич ёрдамида ҳаракатга келтирилади. Материалнинг элак устида доим тебраниб (силкиниб) туриши туфайли, элак тешиклари тўлиб қолмайди ва заррачалар тешикдан ўтиб кетади. Ушбу жараённи тебраниш частотаси ва амплитудасини ўзгартириш йўли билан ростлаш осон. Ғалвирда деталларни алмаштириш қийин эмас.

Сочилувчан материаллар таркибидаги темир ва чўян аралашмаларни тозалаш электромагнит ажраткич ёрдамида амалга оширилади (7.18-расм).

**Электромагнит барабанли ажраткичда ўқга мос равища қўзғалмас магнит жойлаштирилади.** Бу магнит ўзгармас электр токида ишлайди. Барабан айланганда унинг юзаси электромагнит қутблари яқинида жойлашган бўлади. Металл аралашмалар кучли магнит майдон таъсирига дуч келиб, барабан юзасига ёпишиб қолади. Магнит майдон таъсирига тушмайдиган бошоқли материаллар бункерга тўкилаверади. Кейин эса, металл заррачалар ҳам майдон


таъсиридан узоклашгаңдаң сүнг, улар ҳам бункердан ташқарига йигилади. Шу усулда донларни металдан ажратиш мүмкін бўлади.

Магнитли ажратичлар металларни машиналарга юклаш жараёнида ҳам ишлатиш мүмкін бўлади.

Қаттиқ жисмлар аралашмасини фракцияларга гидравлик классификациялаш, қаттиқ заррачаларни суюқликда чўкишининг умумий қонунига бўйсунади.

Гидравлик классификациялаш сув оқимининг горизонтал ёки кўтарилиш ҳаракатида амалга оширилади.

Оқим тезлиги шундай таъланадики, бунда классификатордан кичик ўлчами маълум заррачалар оқим билан чиқиб кетса бу заррачалар юқори маҳсулот деб номланса, классификаторнинг ўзида қоладиган заррачалар ўлчами катта бўлади ва у остки маҳсулот деб номланади.



7.19-расм. Марказдан қочма сепаратор схемаси.

1-қобиқ; 2-ички конус; 3- материални юклаш патрубкаси; 4,5-йирик заррачаларни юклаш патрубкаси; 6-йўналтирувчи куракча; 7- чангни чиқариш патрубкаси.

лиқда циклонга чиқиб кетади.

Марказдан қочма куч таъсирида классификациялаш эса гидроциклонларда амалга оширилади.

Ҳаво ёрдамида ажратиш гидравлик классификациялашдан фарқи шундаки, заррачаларни ҳавода чўқтириш тезлиги суюқликда чўкиш тезлигидан тезроқ боради. Ҳаво ёрдамида ажратиш, циклонли курилмаларда ҳавонинг юқорига кўтарилиувчи оқимида амалга оширилади.

7.19-расмда марказдан қочма ажратич схемаси кўрсатилган. Бундай ажратичлар тегирмондан чиқадиган ҳаво оқимига уланади. Йирик заррачалар марказдан қочма куч таъсирида ҳалқа (айланма) оралик ва конус деворларига урилиб ажратилади. Йигилган йирик заррачалар конус деворидан сирпаниб-думалаб курилманинг пастки қисмидан ажратиб олинади. Ажралмаган майдан заррачалар ҳаво оқими билан биргаликда циклонга чиқиб кетади.

## 7.6. Қаттиқ материалларни майдалашнинг максус усуллари

Охирги вақтда қаттиқ материалларни портлатиш, термик ва электротермик, ҳамда термомеханик майдалаш ва янчиш усуллари устида кенг миқёсда тадқиқот ишлари олиб борилмоқда ва саноат технологияларига тадбиқ этилмоқда.

Гидравлик портлатиш усулида қаттиқ жисмларни майдалашнинг моҳияти шундаки, парчалаш жараёнида материал ва портловчи моддаларни сув ичидаги портлатиш йўли билан амалга оширилади. Бунда, портлаш моддаларини кенгайиш пайтида ҳосил бўладиган жуда юқори босим, материалга таъсир этади. Ундан ташқари, суюқлик ичидаги портлаш натижасида

тарқаладиган зарба түлкіни ҳам материал парчаланишига құшимча хисса құшади.

Электрогидравлик майдалаш усулида материални парчаловчи зарба түлкіни электр разряди ёрдамида ҳосил қилинади.

Термик усуларда тозалаш, қаттық материял бүлакларини мағаллий қыздырыш ҳисобига амалға оширилади. Бунда, қыздырыш жойи иссиқлик “понаси” вазифасини бажаради. Иссиқлик манбалари сифатида электр разряди, экзотермик ёниш реакцияси иссиқликлари, юқори температурали газ, юқори температурали плазма оқимчалари, лазер нури ва ҳоказо.

Электротермик усулда парчалашнинг моҳияти шундаки, қаттық материал бевосита электроэнергия ёрдамида нотекис қыздыриллади. Натижада, ҳосил бўлган ички кучланишлар таъсирида қаттық материал парчаланиши содир бўлади.

Термомеханик усулда майдалаш жараёнида материални қыздырыш дастлабки жараён бўлиб фақат унинг мустаҳкамлигини камайтириш учун қўлланилади. Якунловчи жараён майдалаш эса юқорида кўриб чиқғилган бирорта механик усулда бажарилади. Баъзи ҳолларда материал қыздырилгандан сўнг кескин равища совутилади.

ТошКТИ «Технологик жараёнлари ва қурилмалари» кафедрасида гўштни ноанъанавий «портлатиш» усулида пишириш жараёни яратилди.

Бу усулнинг моҳияти шундаки, гўшт маҳсулоти солинган герметик идиш ичидаги сув бугининг ортиқча босими ҳосил қилинади. Курилмада ҳосил қилинадиган ортиқча босимнинг микдори қайта ишланадиган маҳсулот турига боғлиқ. Одатда, цилиндрик шаклдаги қурилма ичидаги сув бугининг босими керакли қийматда ўрнатилади. Қайта ишланадиган маҳсулотга маълум вақт идиш ишлов берилади. Сўнг, идишдаги ортиқча босим  $0,001\text{--}0,3$  с вақт идиш, кескин равища атмосферага чиқариб юборилади, яъни атроф мухит босими билан тенглаштирилади. Натижада босимлар фарқи остида, маҳсулот таркибидаги намлиқ ўта қизиган ҳолатдан қисқа онда буғ агрегат ҳолатига ўтади ва материал ичидан ташқарига қараб жуда катта тезликда ҳаракат қўлади. Шу пайтда, маҳсулот ичидан ташқарига йўналган сув бугининг кучи пишган гўшт маҳсулотининг яхлитлигини бузади ва уни бўйлама толаларга парчалайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, парчалангандай гўшт толалари тайёр ҳолатда, яъни пишган булади. Лекин, шундай технологик режимлар танлаш мумкинки, «портлатиш» усулида гўшт ушбу усулда қайта ишланганда пишиб чиқади, аммо яхлитлиги, бир бутунлиги сақланиб қолади. Ундан ташқари, ушбу усулда таркибида ёғ бор материаллар (пахта чигити, писта, масхар, мевалар данаги, полиз маҳсулотларнинг уруғлари) ва деформацияланувчи материаллар (сабзи, картошка ва бошқалар)ни чақиши ва тозалаш мумкин. Тажрибалар шуни кўрсатдики, данак ва уруғларни «портлатиш» усулида чақиши, бутун мағизи ва майдаланмаган қобиқ олиш имконини берди. Худи шундай, картошка ва сабзини бу усулда артиш юқори самара берди. Жараён афзаликлари: хомаиёнинг йўқотилиши минимал миқдорда ва мақсулот яхлитлиги бузулмайди.

Бу турдаги қурилманинг тузилиши содда, ихчам, ф.и.к юқори, капитал ва эксплуатацион сарфлар кам. Камчилиги шундан иборатки, ишлатиб бўлинган буғдан қайта фойдаланиш имкони йўқ. Ҳозирги кунда ушбу муаммо устида жадал изланишлар олиб борилмоқда.

### 8.1. Умумий түшүнчалар

Қаттиқ материалларни сувсизлантириш, брикетлаш, ҳамда пластик материалларни грануллаш ва шакллантириш учун кимёвий, озиқ-овқат, фармацевтика ва бошқа саноатларда пресслаш каби жараён қўлланилади.

Пресслаш жараёнининг моҳияти шундаки, маҳсус прессларда ташки кучлар таъсирида қайта ишланаётган материалнинг шакли ва гранулометрик таркиби ўзгартирилади.

Турли хом-ашё ва материалларни сувсизлантириш, брикетлаш, шакллаш ва штамплаш учун ортиқча босим таъсирида ишлов берилади.

**Босим остида сувсизлантириш** кимё ва озиқ-овқат саноатларининг турли соҳаларида ишлатилади: қанд лавлаги турвидан сувни, шакар қамишдан шарбатини, чигит, кунгабоқар ва бошқа уруғ ва данаклардан ёғини, мева ва меварезаворлардан шарбатини ажратиб олишда кенг қўлланилади.

**Брикетлаш жараёни** брикетлар, яъни цилиндрик ва тўртбурчак шаклдаги прессланган бўлаклар олиш учун қўлланилади. Ушбу жараён турли саноатларда жуда кенг тарқалган: масалан, шакар ишлаб чиқариш саноатида қанд-рафинат, қанд лавлаги турпи, озиқ-овқат концентратлари ва доривор брикетларини олишда, кондитер ва омухта емлар, ҳамда чиқинциларни қайта ишлаш саноатлари ва бошқаларда брикетлаш кенг ишлатилади.

Брикетлаш жараёнининг турлари кўп бўлиб, энг асосийлари грануллаш ва таблеткалаш. Маълумки, таблетка ва гранулалар ўлчамлари брикетникига қараганда анча кичик бўлади. Ҳалиқ ҳўжалигада минерал ўғит, пластмасса, ем, чой, озиқ-овқат концентратлари, синтетик ювиш воситалари ва бошқа маҳсулотлар гранула ҳолида ишлаб чиқарилади.

**Шакллантириш** - пластик материалларни қайта ишлашнинг асосий усулидир. Бу жараён: нон ёпиш, макарон, ем, пластмасса ишлаб чиқариш саноатларида кўп қўлланилади. Материалларга турли шакл беришда экструзия жараёни ҳам кенг ишлатилади.

### 8.2. Сувсизлантириш ва брикетлаш

Маҳсулот таркибидаги суюқлик қимматбаҳо ёки уни сувсизлантириш натижасида маҳсулотнинг қадрлиги ортса, бундай ҳолларда маҳсулотлардан суюқлик ажратиб олиш учун сувсизлантириш жараёни қўлланилади.

Одатда бу жараён ортиқча босим остида амалга оширилади. Материалга ортиқча босим асосан икки хил усулда: прессларда поршень босими ёки центрифугаларда марказдан қочма куч таъсири орқали берилиши мумкин.

Маҳсулот сифатини ошириш, нобудгарчиликни камайтириш, узоқ муддат давомида фойдаланиш, транспортда ташилишини яхшилаш мақсадида брикетлаш, таблеткалаш ва грануллаш жараёnlари қўлланилади.

Масалан, қанд лавлаги жоми пресс машиналарда 9...10% намликтагача прессланади. Натижада, диаметри 11-20 мм ли ёки кўндалант кесими тўртбурчак баландлиги 20...40 мм ли брикетлар ҳосил қилиш мумкин. Прессланган жом зичлиги ~750 кг/м<sup>3</sup>.

Сувни сиқиб чиқариш даражаси пресслаш босимига боғлиқ. Лекин, сувни сиқиб чиқариш даражасини ортиши пресс иш унумдорлигини пасайишига ва солиштирма энергия сарфини кўпайишига олиб келади.

Брикетлаш жараёни ҳар доим маҳсус прессларда амалга оширилади. Олинган брикет ўз-ўзидан уқаланиб ёки парчаланиб кетмайдиган зичликгача прессланади. Брикетлар прессдан чиқиши билан совутилади ёки қуритилади.

Брикетлаш жараёнининг асосий характеристикаси бу пресслаш босими-нинг ортиши ва прессланётган модданинг зич ҳамош коэффициентлари ўртасидаги боғлиқликдир:

$$\frac{\beta}{\beta_0} = \frac{V}{V_1} = \frac{h}{h_1} \quad (8.1)$$

бу ерда  $\beta$ ,  $\beta_0$  - охирги ва бошлангич зичланиш коэффициентлари;  $V$ ,  $V_1$  - маҳсулотнинг пресслашдан аввалти ва кейинти ҳажмлари;  $h$ ,  $h_1$  - брикетнинг бошлангич ва охирги баландлilikлари.

Пресслаш босими маҳсулотни зичлаш босими ва уни пресс-қолипга ишқаланиш кучини енгиз босимлари йигиндисига тенгdir.

Агар, пресс-қолипга ишқаланиш кучларини инобатга олмасак ва маҳсулот бир жинсли система деб қабул қылсақ, унда пресслаш жараёнини ифодалаш учун проф. С.М. Гребенюк формуласидан фойдаланса бўлади:

$$\psi \ln \frac{p}{p_0} = \beta - \beta_0 \quad (8.2)$$

Пресс-қолип тубидаги солиштирма босим:

$$p_h = p \cdot \exp \left( \frac{\xi f \Pi z}{F} \right) \quad (8.3)$$

бу ерда  $h$  - брикет баландлиги;  $z$  - матрица (ўйма қолип)даги брикет ва пуансон орасидаги масофа;  $F$  - брикет периметри;  $f$  - материалнинг матрица деворига ишқаланиш коэффициенти;  $F$  - кўндаланг кесим юзаси;  $\xi = \frac{P_{xz}}{P_z}$  - ён томондаги солиштирма босимнинг вертикал томондаги солиштирма босимга нисбати.

Ўзгармас кўндалант кесимли брикетнинг ўртача зичлиги қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\rho = \frac{\rho - \rho_x \cdot \psi \cdot \ln \frac{p}{p_0}}{1 - \frac{\psi \xi f \Pi G_k}{2F\rho_k}} \quad (8.4)$$

бу ерда  $G_k$  - брикетдаги қаттиқ фаза массаси.

Бир томонлама пресслаш жараёнида ҳосил бўлган брикетнинг зичлиги унинг баландлиги бўйича бир текисда бўлмайди. Бунга сабаб, материалнинг матрица деворига ишқаланишидир. Шунинг учун, юқори сифатли, баландлиги бўйича зичлиги бир хил брикетлар икки томонлама пресслаш натижасида ҳосил бўлади.

### 8.3. Шакллантириш

Пресслаш ва грануллаш жараёнини ўтказишдан мақсад босим, темпера-тура, намлик ва қўзғалиш кучланишларини комплекс таъсирида тайёр ва қисман ярим тайёр маҳсулотларни олишидир.

Ушбу жараёнлар экструдерларда ўтказилади. Экструзия жараёнининг аф-заллиги шундаки, унда аралаштириш, дисперслаш, бир жинсли қилиш, сови-тиш, шакллантириш ва қуритиш каби жараёнларни бир вақтда олиб бориш мумкин. Ундан ташқари, экструзия жараёни қайта ишланаётган материалнинг таркибини ва хоссаларини зарур йўналишда ўзгартириш, жараённи узлуксиз ташкил этиш, материалга узлуксиз равища ароматик бирикма, бўёқ, пласти-фикатор ва таъм берадиган моддаларни бетўхтов узатиш имкониятини беради. Экструзия жараёни пластмасса, резина, ҳамир каби материалларни, ҳамда мака-рон, кондитер маҳсулотлари, омухта ем, болалар овқати, гранулланган емлар ишлаб чиқаришда қўлланилади. Экструзия усулида олинган тайёр маҳсулот ёки қисман тайёр маҳсулот экструдат деб аталади. Экструдатнинг шакли унга ўрнатилган матрица тешиклари шакли билан белгиланади.

Иссик, совуқ ёки қайнаш экструзия усуllibари бор.

Пластик хом-ашё ва материалларни матрица орқали эзib ўтказгандаги механик шакллантириш-совуқ экструзия усулида амалга оширилади.

Намлиги 20...40% ва таркибида крахмал бор материалларни қисман клейстеризация қилиш учун иссиқ экструзия усулидан фойдаланилади. Олин-ган маҳсулот албатта қовурилади ёки пиширилади.

Қайнаш экструзияси жараёнида қайта ишланаётган материалда қайтмас биофизик ўзгаришлар (биринчи галда оқсил, крахмал ва шакар) содир бўлади. Одатда, ҳосил бўлган экструдат қуритилади ёки қовурилади ва зарур модда билан қопланади.

### 8.4. Маҳсулотларни пресслаш ускуналари

Киме, озиқ-овқат ва бошқа саноатларда турли хил конструкцияли пресслар ишлатилади. Уларни 2 та гуруҳга ажратса бўлади: гидравлик ва механик пресслар.

**Гидравлик пресс**-гидравлика қонунларига биноан ишлайди. Пресснинг асосий қисми цилиндрик бўлиб, унинг ичидаги қўзғалмас плита билан боғланган плунжер ҳаракат қиласи. Плунжернинг ҳаракати юқори босимли суюқлик таъсирида амалга ошади.

Прессланётган материал қўзғалмас ва ҳаракатчан плиталар орасида бўлади. Материалда, плунжер ёки поршень ёрдамида ҳосил қилинган босим кучи, унинг юзасиги тўғри пропорционал:


$$P = p \cdot F \quad (8.5)$$

бу ерда  $p$  - гидравлик системадаги босим, Н/м<sup>2</sup>;  $F$  - поршен ёки плунжер юзаси, м<sup>2</sup>.

**Кли шнекли пресс** лавлаги тургини сикиб, шарбат олиш учун мўлжалланган (8.1-расм). Лавлаги турпи сепаратор 1 га юкланди ва у ерда ундан қисман сув чиқарилади, сўнг эса прессда сувнинг асосий қисми сикиб олинади.

Бу сувнинг бир қисми цилиндрик элак 5 дан ўтиб штуцер 9 орқали, ик-кинчи қисми эса - элак 3 дан шнекнинг ғовак ўқига тушади ва тешик 10 ва штуцер 9 орқали тўкилади. Лавлаги турпи конуссимон элак 8 ва сиқувчи шнек

4 жар орасидаги ҳалқасимон тешикдан тушади. Ушбу ҳалқасимон тешик ўлчами турпнинг қурилмада қайта ишланиш вақти ва сиқиши даражасини белгилайди. Ушбу параметрларни ростлаш мослама 6 ёрдамида амалга оширилади.



**8.1-расм. Қия шнекли пресс.**

1-сепаратор; 2-шнек үқи; 3-элак; 4-сиқувчи шнек; 5-цилиндрик элак; 6-ростловчи мослама; 7-турпни тўкиш штуцери; 8-конуссимон элак; 9-штуцер; 10-сувни чиқариш штуцери; 11-қўшимча фильтрлаш юзаси; 12-сувни тўкиш штуцери.

Горизонтал ва қия пресслар бир-бирига ўхшаш бўлади. Лекин, горизонтал прессларда сиқиб бўлинган турп билан шарбат аралашиши содир бўлади.


**Вертикал шнекли пресснинг асосий қисми** бу маҳсус траверсага ўрнатилган ичи бўш вертикал шнекдир (8.2-расм). Шнек билан материал бирга айланмаслиги учун шнек қобигида маҳсус парраклар ўрнатилади. Ушбу парраклар қурилма қобигининг қарама-қарши иккى томонида ўрнатилади. Бу эса, қайта ишланаётган материални шнек билан бирга айланishiга қаршилик қиласди. Маҳсус парракларда тешиклар бўлиб, улардан труба қувурлари орқали келаётган буф ўтади.

Пресснинг тепа қисмida юкловчи штуцер 2 жойлашган бўлса, пастки қисмida эса - конуссимон тешикли ажравувчан цилиндрик элак 4 ўрнатилган.

Нам лавлаги турпи юкловчи штуцер 2 орқали пресслашга туширилади ва шнекнинг юқори қисмидаги парраклар ёрдамида кўндаланг кесими кичик зонага, пастга қараб йўналтирилади. Худди шу зонада сиқиш жараёни содир бўлади, яъни материалдаги сув сиқиб олинади.

Сувнинг бир қисми цилиндрик элакнинг тешиклари, бошқа қисми эса ичи бўш шнек орқали оқиб чиқади ва канал 10, штуцер 9 лардан тўкилади.

Цилиндрик элакнинг пастки қисмida ҳаракатчан конуссимон элак жойлаштирилган бўлиб, у болт 7 ёрдамида



**8.2-расм. Вертикал шнекли пресс.**


1-шестеря; 2-юкловчи штуцер; 3-шнек; 4-ажравувчан элак; 5-маҳсус паррак; 6-конуссимон элак; 7-болт; 8-қирғич; 9-штуцер; 10-канал.

тепега күтарилиши ва пастга туширилиши мумкин. Бу икки элак орасидағи тирқышнинг ўлчами маҳсулотни сиқиши даражасини белгилайди.

**Ротацион пресслар** қуруқ турпни брикетлаш учун күлланилади. Ушбу прессларнинг текис, ясси ёки цилиндрик матрицаси бўлади.

Пресслаш жараёнида бу турдаги прессларда жуда катта инерцион кучлар ҳосил бўлади. Шунинг учун бу курилмалар катта, оғир пойдеворга ўрнатилади.

Ясси матрицали горизонтал ротацион пресснинг конструкцияси 8.3-расмда кўрсатилган.



### 8.3-расм. Ротацион пресс.

1-қобик; 2-материал тақсимлагич; 3-бункер; 4-прессловчи жува; 5-матрица; 6-гранулани кесиш мосламаси; 7-тўкиш нови; 8-паррак.

ишлаб чиқаришда кўйланилади ва у қуйидаги асосий қисмлардан иборат: рафинат бўтқасини қабул қилиш қутичаси; пуансон ва матрицали дисклар; рафинат бўлакларини пресслаш учун таянч; стол юзасини ишқалаб ортиш механизми; прессланган рафинат бўлакларни кўтариш механизми; станина, узатма ва дискларни айлантириш механизми.

Пресс столи горизонтал текисликда соат миллига қарши йўналишда айланма ҳаракат қиласи (8.4-расм).

Ушбу стол битта айланishiда тўрт маротаба тўхтайди ва кетма-кет қуйидаги жараёнлар бажарилади:

I матрицани рафинат бўтқаси билан тўлдириш;

II пуансон юқорига ҳаракат қилгандан шаклантириш;


III матрицадан қанд бўлакларини пуансон ёрдамида суриб чиқариш;

Пресснинг асосий қисми бу прессловчи бўлак бўлиб, матрица 5 ва прессловчи жува 4, гранула кесиш мосламаси 6 ва ичи бўш ўқлардан таркиб топган. Матрица 5 ичи бўш ўқта ўрнатилган ва у билан бирга айланади. Конуссимон тақсимлагич 2 қуруқ материални жува 4 остига йўналтириш учун мўлжалланган.

Матрицадан чиқаётгай прессланган материал пичноқ билан кесилади ва паррак ёрдамида тўкиш новига йўналтирилади. Матрица ва пичноқ орасидағи тирқиши 0,5 мм дан ортмаслиги керак. Лекин, пичноқ матрицанинг ишчи энини ёпиб туриши ва пичноқ тифи матрицанинг остки юзасига параллел бўлиши зарур. Горизонтал текисликка нисбатан пичноқнинг қиялик бурчаги 30° бўлади.

Брикетни кесиш учун 4 та пичноқ ўрнатилади. Агар, йирик ўлчамдаги брикетлар олиниши зарур бўлса, пичноқлар сони камайтирилади.

### Дискли пресс қанд-рафинатни ишлаб чиқаришда



8.4-расм. Дискли пресснинг ишлаш схемаси.

IV пуансонни қанд қолдикларидан тозалаш ва мастика билан ишқалаш.

Одатда пресс матрицалари күтичалар шаклида латунь материалдан тай-ёрланади ва диск тешикларига жойлаштирилади.


Таблетка қилиш машиналаридан энг кенг күлланиладиган тури сифатида ротацион курилмани таъкидлаш мумкин.

Ротацион таблетка қилиш машиналари 2 синфга бўлинади. Биринчи синфга оид машиналарда пуансон копира устида думалаб ҳаракатланади, иккинчисида эса - сирпанади.

Ротацион таблетка қилиш машиналарининг иш унумдорлиги ушбу формуладан топилади:

$$Q = 60 \left( \frac{P}{p} \right) h \cdot \rho \cdot N \cdot m \cdot kn \quad (8.6)$$

бу ерда  $P$ -пресслаш кучланиши, Н;  $p$ -пресслаш босими, МПа;  $h$ -матрицадаги материалнинг пресслашгача бўлган баландлиги, м;  $\rho$  - материал зичлити, кг/м<sup>3</sup>;  $N$ -ротордаги матрицалар сони;  $m$  - матрицадаги уялар сони;  $k$  - кўп позициялик коэффициенти ( $k=1,2,3,4$ );  $n$  - ротор айланиш частотаси, мин<sup>-1</sup>.



8.5-расм. Икки шнекли шакллантириш пресси.

1-узатма; 2-юкловчи штуцер; 3-қадоқловчи шнек; 4-пресс қобиги; 5-шнек; 6-фильтера.

лайди. Фильерадан чиқиш пайтида маҳсулот бовлики экцентрик ўрнатилган пичоқлар билан гранула қилиб кесилади.


Шнек ҳосил қиласидан босим фильера тешикларининг гидравлик қаршилигига боғлиқ. Ўз навбатида гидравлик қаршилик маҳсулот консистенцияси, тешиклар шакли ва ўлчамига боғлиқдир.

Бир шнекли экструдер 8.6-расмда кўрсатилган бўлиб, юкловчи штуцер 1, қобиқ 2, шнек 3, матрица 4 ва бошқариш системали узатма 5 лардан таркиб топган. Шнек диаметри 50...250 мм, узунлиги эса - 1 дан 20 та диаметргача. Шнек ўрами шаклининг кўндаланг кесими тўғри бурчакли ёки трапецидал бўлиши мумкин.

Икки шнекли шакллантириш пресси кимё ва озиқ-овқат саноатларида кенг кўламда ишлатилади (8.5-расм).

Пресс ёрдамида маҳсулотга босим берилади ва у фильера орқали сиқиб чиқарилади.

Фильера бу тешиклари бор яssi металл диск бўлиб, унинг тешикларидан юқори босимда қайта ишланаётган маҳсулот сиқиб чиқарилади. Ушбу тешикларнинг шакли тайёр маҳсулот ташки кўринишини белгилайди.



8.6-расм. Бир шнекли экструдер.

1-юкловчи штуцер; 2-қобиқ; 3-шнек; 4-фильтра; 5-узатма; t-термопаралар; M-босим датчики.

8.6-расмдаги I зона материалнинг нам ҳолатини, II-қайишқоқ ҳолатини ва III-зона аморф, оқувчан массани ифодалайди.

Экструдер ишлаш кўрсаткичи бу унинг самарадорлиги, яъни иш улумдорлигининг истеъмол қилаётган қувватга нисбати билан аниқланади. Истеъмол қуввати экструдер узатмасининг турига боғлиқ. Агар, электр токининг кучланиши  $U$  ва кучи  $I$  маълум бўлса,  $N=UI$  формуладан экструдер қуввати аниқланади.

## 8.5. Грануллаш усуllibари ва гранулятор конструкциялари

Сочилувчан материалларнинг физик-механик хоссалари, таркиби, шакли ва маълум ўлчамли материалларни олишга йўналтирилган физик-механик ва физик-кимёвий жараёнлар йигиндисига **грануллаш** жараёни деб аталади. Табигатда грануллаш жараёни турли муҳитларда мавжуд: ер остида вулкан отилиб чиқиши, ер устида муз ва тупроқ силжишида, шағал ва атмосферада дўл ҳосил бўлишлардир.

Инсоният қадим замонлардан ерга ишлов беришда, яъни унинг унумдорлигини ошириш учун унга юмалоқ-юмалоқ таркиб ёки қурилишда минерал хом-ашёни шакллантиришда грануллаш жараёнидан фойдаланиб келган.

Бу жараён натижасида физик-механик хоссалари яхшиланган гранулалар олиш мумкин. Чунончи, гранулланган маҳсулотларнинг ташқи қўриниши яхши, сочилувчан ва зичлиги юқори бўлган ҳолда мустаҳкам таркибга эга. Ундан ташқари, уларнинг ўлчамлари бир хил, юқлаш ва узоқ масофага узатиш пайтида чангимайди.

Грануллаш жараёни қуйидаги технологик босқичлардан иборат:

хом-ашёни қайта ишланига тайёрлаш компонентларни қадоқлаш ва аралаштириш;

гранула ҳосил қилиш (агломерация, кристаллаш, зичлаш ва х.);

гранула таркибини мўтадиллаш (қуритиш, совитиш, полимеризация усуllibарida заррачалар орасидаги боғларни мустаҳкамлаш);

классификациялаш, йирик фракцияларни парчалаш (янчиш);

Хозирги кунда, саноатда қўлланиладиган ва маълум грануллаш усуllibари қуйидагилардир:

1) қаттиқ моддаларни юмалатиб грануллаш; 2) эритмани пуркаш ва грануляцион минораларда совитиш; 3) қуруқ кукунларни пресслаш; 4) эритмани мавхум қайнаш қатламида пуркаш; 5) турбопарракли қурилмада тезкор грануллаш; 6) тангасимон пластиналар ҳосил қилиш (эримани бошқа юзаларда совитиш йўли билан); 7) экструзия.

**Қаттиқ моддаларни юмалатиб грануллаш** барабанли ёки тарелкали қурилмаларда олиб борилади. Грануллаш албатта суюқлик иштирокида олиб борилади. Суюқлик қаттиқ фаза билан бирга ёки эритма сифатида қурилмага юборилади.

Гранула ҳосил бўлиш ва унинг диаметри ўсишига, қаттиқ ва суюқ фазалар орасидаги нисбат катта таъсир кўрсатади.

Бу грануллаш жараёни 4 босқичдан иборат:

- боғловчи ва ретурни аралаштириш;
- майда заррачалар ва майдаланган бўлаклардан гранула ҳосил қилиш;
- юмалатиш ва зичлаш;
- мўтадиллаш (стабиллаш).

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жараённинг ҳар бир босқичида ўлчам бўйича заррачаларнинг тақсимланиши ўзгариб боради.

Кукун ва ретурни аралаштириш пайтида боғловчи модда сифатида турли хил суюқликлар ишлатилади, чунончи, сув, маҳсулот эритмаси, бирорта компонентнинг эритмаси (плав) ва бошқалар. Суюқлик ва материалларнинг ўзаро таъсир схемаси куйидагича:

агарда фракцияда майда заррачалар улуши кўп бўлса, улар орасидаги масофа бўш қолиб кетади. Шунинг учун, заррачалар орасидаги тортишиш кучи кичик бўлади ва гранула мустаҳкамлиги паст бўлишига олиб келади;

агарда фракцияда майда заррачалар улуши кўпайса, гранула зичлиги ортади ва уларнинг мустаҳкамлиги ортади.

Лекин, шуну алоҳида таъкидлаш керакки, йирик заррачаларнинг гранула ҳосил қилишда ижобий роли ҳам бор, чунки улар бўлажак грануланинг скелети бўлиб хизмат қиласди. Бунда, майда заррачалар катта заррачалар орасидаги бўшлиқни тўлдиради ва натижада улар орасидаги масофа камаяди. Фақат нам аралашма таркибидаги йирик ва майда заррачаларнинг маълум бир оптимал қийматларида гина зичлиги юқори ва катта тортишиш кучига эга гранулалар ҳосил қилиш мумкин.

**Юмалатиб грануллаш босқичи** бунда заррачаларнинг нисбатан кўзғалмас қатламга кўп марта урилиши натижасида гранулалар ҳосил қилиш ва уларни зичлаш мумкин.

Грануланинг зичланиши кўп марта урилишлар ва юқоридан пастга қараб тўклишилари оқибатида рўй беради. Натижада материал таркибидаги ортиқча намлик сиқиб чиқарилади. Бунинг оқибатида қуруқ материаллардан ҳосил бўлган гранула ёпишишига идеал шароит яратилади. Заррачаларнинг бир-бирига яқинлашиши билан, сув қатламининг қалинлиги тобора камайиб боради, лекин грануллаларнинг тортишиш кучи эса, ортиб боради. Ҳосил бўлаётган гранулага янги заррачаларнинг ёпишиш механизмининг асосий шарти шундаким, бу ҳодиса фақат гранула ва заррача ўлчамларининг маълум бир нисбатида рўй беради.


Гранула таркибининг зичланиши ҳар томонидан кўп урилишлар натижасида аста-секин борадиган жараёндир.

**Гранула таркибини мўтадиллаш босқичи.** Тайёр маҳсулот олиш учун грануланинг мустаҳкамлигини ошириш зарур. Бунинг учун гранула таркибидаги намлик йўқотилади ёки қаттиқ агрегат ҳолатига ўтказилади. Лекин, гранула таркибидаги намликни йўқотишнинг энг кенг тарқалган усули - бу қуритишдир. Гранула намсизлантирилганда қаттиқ фаза кристалланади. Баъзи ҳолларда бу жараён гранула парчаланишига олиб келади, шунинг учун ҳар доим ҳам гранулалар таркиби жуда юқори талаб кўйиб бўлмайди.

8.7 ва 8.8 расмларда юмалатиб грануллаш қурилмаларининг схематик тасвиrlари келтирилган.

Барабанли гранулятор одатда уфқта нисбатан  $1\dots30^\circ$  оғиш бурчагида ўрнатилади. 8.7-расмда барабанли гранулятор-қуриткич қурилмаси кўрстайлган. Бу қурилма эритмаларни грануллаш ва қуритиш, ҳамда конструкциясига қараб, ҳосил қилинган маҳсулотни классификациялаш ва совитиш учун кўлланилади.


Цилиндрик обечайка 1 нинг ташқарисига бандаж 4 ва тожли шестерня 5 лар ўрнатилади. Электр юриткич 14 дан айланма ҳаракат редуктор 13 ёрдамида 5 га узатилади ва натижада цилиндрик обечайка 1 материал билан бирга айланади. Барабаннинг бир четида юкловчи, иккинчи четида тўкувчи камералар жойланган бўлиб, улар грануляторнинг ишчи ҳажмини зичлаш функциясини ҳам бажарадилар. Юкловчи тарнов 2 орқали шихта ёки қуруқ кукун юкландади. Агар қурилмага қуруқ кукун берилса, унда қатлам устига боғловчи тақсимлагич 3 дан керакли миқдорда суюқ фаза юборилади.



### 8.7-расм. Барабанли гранулятор.

1-обечайка; 2-кукунни юклаш тарнови; 3-боғловчи тақсимлагич; 4-бандаж; 5-тишли шестеря; 6-буғларни сўриб олиш патрубкаси; 7-тўкиш камераси; 8-ёритиш учун дарча; 9-кўриш ойнаси; 10-гранулани тўкиш патрубкаси; 11-таянч ғидиракча; 12-бетон пойдевор; 13-редуктор; 14-электр юриткич.

Ушбу грануляторнинг асосий қисми ўз ўқи атрофида айланувчи тарелка 1 бўлади. Махсус механизм 8 ёрдамида унинг қиялик бурчагини ҳам ўзгартириш мумкин. Боғловчи моддани узатиш учун тарелка 1 устида пуркагич 3 ўрнатилади. Грануллаш пайтида тарелкага ёпишиб қолган массани тозалаш учун махсус қиргич ўрнатилади.



### 8.8-расм. Тарелкали гранулятор.

1-айланувчи тарелка; 2-зичловчи қобиқ; 3-суюқлик узатувчи пуркагич; 4-буғларни сўриб олиш патрубкаси; 5-кўриш ойнаси; 6-кукун юклаш патрубкаси; 7-ўқ; 8-тарелка қиялик бурчагини ўзгартирувчи механизм; 9-таянч.

Мавхум қайнаш қатламида грануллаш учун турли конструкцияли грануляторлар ишлатилади. Одатда бундай гранулятор қобиги шаклига қараб цилиндрик (8.9-расм), 30...60° конуслик бурчаги кичик бўлган ( $20^\circ$  гача) (8.10-расм) ва конуслиги катта (8.11-расм), конуссимон, цилиндрик-конуссимон, тўғри бурчакли (8.12-расм) ва квадрат кўндаланг кесимли (8.13-расм) бўлади. Курilmанинг шакли унинг гидродинамикасини белгилайди.

Конуслик бурчаги  $20^\circ$  гача бўлган курilmаларда ҳамма кўндаланг кесимларида бир текисда мавхум қайнаш содир бўлади (8.9-расм).

Бу турдаги қурилмалар таҳлили шуни кўрсатадики, бу қурилмада юқори сифатли маҳсулот олиш билан бирга, жуда кўп иссиқлик ва масса алмашинишга эришса бўлади. Олинган маҳсулотнинг гранулометрик таркиби 80-90% товар фракциясини ташкил этади. Ундан ташқари, жараённи автоматлаштириш қийин эмас.


Камчиликлари: ўлчами катта, кўп; металл кўп сарфланади; суюқликни пуркаш учун кўп энергия сарф бўлади; маҳсулот қурилма деворларига ёпишиши мумкин;

Бу усулда ишлайдиган қурилмаларни оптималлашдан мақсад, керакли гранулометрик таркибдаги маҳсулот олиш ва максимал иш унумдорликка эришишдан иборатдир.


Агар, конуслик бурчаги катта бўлса, курилма марказида сийраклашган ва девор атрофида эса заррачалар секин-секин тўпланиб қатлам зичланади, яъни фавворасимон мавхум қайнаш жараёни содир бўлади (8.11-расм).

Цилиндр-конуссимон мавхум қайнаш қатламили курилмаларнинг цилиндрик қисмиди қатламнинг заррачалари умуман бўлмайти (8.10-расм).

Иссиқлик элткичлар ўзаро кесишган йуналишда ҳаракат қилган ҳолатларда қаттиқ заррачаларни маълум бир йўналишда узатиш учун тўғри тўртбурчак шаклидаги курилмалар ишлатилади. (8.12-расм)




**8.9-расм. Марказий тўкиш ва иситилиган эртмани қатламга узатувчи цилиндрлик курилма.**  
1-маҳсулотни тўкиш патрубкаси; 2-суюқликни юлаш патрубкаси; 3 - калорифер; 4-иссиқлик элткич кириш патрубкаси; 5 - ишлатиб бўлинган элткични чиқариш патрубкаси; 6- суюқлик пуркагич; 7-курилма қобиги.




**8.10-расм. Конуссимон курилма.**

1-ўтхона; 2-газ горелкаси; 3-гранулани тўкиш патрубкаси; 4-қобик; 5-ишлатиб бўлинган иссиқлик элткични чиқариш патрубкаси; 6-механик пуркагич; 7-газ тақсимловчи тўр парда; 8-иссиқлик элткич кириш патрубкаси.




**8.11-расм. Фавворасимон қатламили конуссимон гранулятор.**  
1-иссиқлик элткични чиқариш патрубкаси; 2-иссиқлик элткични кириш патрубкаси; 3-суюқлик пуркагич; 4-маҳсулотни тўкиш патрубкаси.



**8.12-расм. Тўғри тўрг бурчак шаклидаги мавхум қайнаш қатламили гранулятор.**

1 - қобик; 2 - иссиқлик элткич кириш патрубкаси; 3 - рецикл учун кириш патрубкаси; 4-ишлатиб бўлинган иссиқлик элткични чиқариш патрубкаси; 5-суюқлик тақсимлагич; 6-маҳсулотни тўкиш патрубкаси; 7-газ тақсимлаш тешикли панжараси.

Катта иш унумдорликка эришиш учун түғри түртбұрчакли қурилмаларни лойиҳалаш, жараённи ярим саноат шароитларыда текшириш ва сиңаш учун квадрат күндаланг кесимли қурилмалар жуда қулаңдир (8.13-расм).



**8.13-расм. Квадрат шаклидаги мавхум қайнаш қатламлы гранулятор**

1-гранула түкиш патрубкаси; 2-тамба; 3-хаволи конуссимон классификатор; 4-ишлатиб бўлинган иссиқлик элткични чиқариш патрубкаси; 5-қобик; 6-суюқлик ва рециклини узатиш бўлаги; 7-иссиқлик элткич кириш патрубкаси.

Грануллаш жараённанда асосий вазифани пульпа пуркагичлар бажаради.


**Эритмаларни пуркаб грануллаш.** Бу усулда грануллаш механизми қуидагича: эритма, грануляцион минорада пуркагичлар ёрдамида майда томчилар ҳолатигача пуркалиб, пастга қараб йўналтирилади. Пастдан юқорига қараб эса, вентилятор ёрдамида бериләётган совуқ ҳаво ёрдамида томчилар совитилади, яъни ўз иссиқлигини ҳавога беради ва гранула шаклига келтирлади. Чунончи, томчи иссиқликни бериши билан гранула ҳосил бўла бошлайди ва томчининг ташқи юзаси кристалланаб, жараён охирида ички қатламлари ҳам кристалланади.

**Барабанли гранулятор-куриткич** (БГК) грануллаш ва куритиш учун мўлжалланган, ҳамда конструкциясига қараб, маҳсулотларни классификациялаш ва совитиши мумкин.

БГК нинг асосий қисми барабан бўлиб, гранула тўкилиш томонига қараб қия ўрнатилади. Барабан, ташқарисида 2 та бандаж таянч 10 ларга таяниб туради. Ундан ташқари, тожли шестеря 12 ҳам ўрнатилади ва унинг ёрдамида электр юриткичдан редуктор орқали келаётган айланма ҳаракат барабангга узатилади. Саноат қурилмалари 3-5 айл/мин тезликда ҳаракат қиласди.

Барабандада юклаш ва тўкиш камералари бўлиб, уларни зичлаш учун лентали ёки секторли қистирмалар ўрнатилади. Чанг ҳосил бўлмаслиги ва ўтхона бир меъёрда ишлашини таъминлаш учун курилмада 10-50 Па вакуум ушлаб турилади (8.14-расм).

БГК ташқи кўринишидан барабанли грануляторга ўхшаса ҳам, лекин унда гранула ҳосил қилиш механизми тубдан фарқ қиласди. Бунга сабаб, БГК нинг ичидаги қўшимча конструктив элементлар борлигидир.



**8.14-расм. Барабанли гранулятор - куриткич.**

1-барабан қобиғи; 2-орқага йўналган шнек; 3-парракли насадка; 4-юкловчи камера; 5-куритувчи элткич кириш патрубкаси; 6-пульпа пуркагич; 7-кўриш дарчаси; 8-рецикл кириш патрубкаси; 9-зичловчи ҳалқалар; 10-бандаж; 11-токчали насадка; 12- тожли шестеря; 13-конус-классификатор; 14-ишлатиб бўлинган элткични чиқариш патрубкаси; 15-гранула түкиш патрубкаси; 16- тўкиш камераси.

Шундай қилиб, кристалланиш жараёни томчининг ташқи юзасидан ичкарига қараб, йўналган бўлади.

Грануляцион минорада гранула ҳосил бўлиши нотурғун иссиқлик алмашиниш жараёнида ўтади. Лекин, иссиқлик манбаи, эритма томчисининг ичидага бўлгани учун жараён янада мураккаблашади ва кийинлашади.

Бундай жараёnlарни амалга оширувчи қурилмаларнинг мухандислик ҳисоби шундан иборатки, грануляцион минора баландлиги ёки томчиларнинг тушиш вақти аниқланади. Албатта, бу вақт ичидаги ёки шу баландликни босиб ўтиш даврида, томчи кристалланиб улгuriши керак. Ундан ташқари, ҳосил бўлган гранула бир-бирига ёпишмаслиги ва пастта тушганда, шакли бузилмаслиги керак.

Маълумки, вақт ўтиши билан томчининг кристалланиши ортади. Шунинг учун, гранула олиш температураси шундай бўлиши керакки, бунда кристалларнинг суюқ эритмага нисбати, грануланинг таркибини, яхлитлигини бузмаслиги керак.

Одатда томчилардан гранула ҳосил қилиш, грануляцион минораларда ёки мавҳум қайнаш қатламида амалга оширилади.

Ушбу қурилмаларнинг асосий элементларидан бири пуркагичdir. Пуркагичлар конструкциясига қараб, марказдан қочма, статик ва вибрацион бўлади.


Агарда ушбу маҳсулотлар мавҳум қайнаш қатламида совутилса, селитра учун ёз фаслида грануляцион минора баландлиги  $h = 30$  м ва диаметри  $d=10\ldots20$  м бўлиши керак.

Карбамид учун ёз фаслида грануляцион минора баландлиги  $h=55\ldots50$  м ва диаметри  $d=15\ldots20$  м бўлиши зарур.

Нитроаммофоска грануляция қилиш учун, ёз фаслида, грануляцион минора баландлиги  $h=50\ldots55$  м ва диаметри  $d=10\ldots20$  м бўлиши керак.

**Турбопарракли грануляторда грануллаш.** Кукусимон материалларни турбопарракли тезкор грануляторларда грануллаш механизми барабанли ёки тарелкали қурилмаларда материалларни юмалатиб грануллаш жараёнига ўхшашидир.

Тезкор грануляторларда гранула ҳосил бўлиши, аралаштирувчи парракларнинг материалга таъсири, яъни  $170 \text{ c}^{-1}$  частота билан айланадиган элементлар аралаштириши асосий сабабдир (8.15-расм).



**8.15-расм. Турбопарракли тезкор гранулятор.**

1-қобик; 2-шнек; 3-ротор ва ли; 4-ротор стерженлари.

Жараёнида кимёвий реакциялар самарадор ўтиши мумкин. Богловчи модда вазифасини реакциянинг суюқ маҳсулотлари ўтайди.

Ундан ташқари, материални интенсив аралаштирилиши, унинг температурасини ортишига ва термопластификацияга олиб келиши мумкин. Термо-

материални турбопарракларда қурилмада қайта ишлаш вақти бир неча секунддан 2...3 мин гача бўлади.

Бу турдаги қурилмаларда гранула ҳосил бўлиши бир неча босқичда боради, яъни жараён даврларининг алмашиниш кетмакетлиги куйидагича: аралаштириш, агломерация, дезинтеграллаш, гранула ҳосил қилиш, гранулаларни зичлаш ва шарсимон шакл бериш.

Тезкор усулда грануллаш

жараёнида кимёвий реакциялар самарадор ўтиши мумкин. Богловчи модда

вазифасини реакциянинг суюқ маҳсулотлари ўтайди.

пластификация ёки қаттиқ қатлам бир қысманинг суюқ ҳолатга фазавий үтиши грануллаш жараёнини кам боғловчи билан ёки боғловчисиз ўтказиш имкониятини беради ва олинган гранулаларни куритмаса ҳам бўлади. Бунга мисол қилиб, селитра ёки карбамил асосида мураккаб-аралашган минерал ўғитларни олиш жараёнини кўрсатиш мумкин.

Турболарракли тезкор грануляторда қайта ишланаётган материал оқими ҳаракатининг таҳлили, бу жараённинг асосий параметларини аниқлаш имконини беради.

Материал қатламини узатишнинг чизиқли тезлиги:

$$v_q = \frac{Q_0}{\pi \cdot \rho_{Tuk} \cdot \varphi \cdot R_k^2} \quad (8.7)$$

бу ерда  $Q_0$  - грануланаётган аралашма сарфи;  $\rho_{Tuk}$  - грануланаётган аралашма зичлиги;  $\varphi$  - гранулятор ишчи камерасини тўлдирилиш коэффициенти;  $R_k$  - ишчи камера радиуси.

Грануллаш жараёнида гранула босиб ўтган масофа узунлиги  $L$ :

$$L = \frac{L \cdot \pi \cdot \rho_{Tuk} \cdot \varphi \cdot \omega \cdot R_k^3}{Q_0} \quad (8.8)$$

бу ерда  $L$  - гранулятор ишчи камераси узунлиги;  $\omega$  - гранулятор ўқининг айланиш частотаси.

Ҳосил қилинган грануланинг ўргача диаметри ушбу формуладан хисоблаб топилади:

$$d = d_0 \cdot \exp m \cdot (W - W_p) \quad (8.9)$$

бу ерда  $d_0$  - гранула ҳосил бўлиш пайтидаги гранула диаметри;  $m$  - материал хоссалари ва Фруд критерийсига боғлиқ коэффициент;  $W$  - гранула ҳосил бўлиш пайтида аралашма таркибидаги боғловчи модда миқдори.

Боғловчи модда сарфи қўйидаги формуладан аниқланади:

$$Q_{bos} = Q_0 \left( W_{bos} + \frac{1}{m \ln \frac{d}{d_0}} \right) \quad (8.10)$$

Турболарракли тезкор грануляторда олинган гранулалар ўлчамлари логарифмик нормал тақсимланиш қонунига бўйсинади.

Ушбу дарслик муаллифлари томонидан турболарракли тезкор грануляторда пахта чигити кунжарасини грануллаш бўйича ижобий натижалар олинган.

Курилма хом-ашёни юқлаш, майдалаш, грануллаш, гранулаларни зичлаш ва шакл бериш зоналаридан иборатдир.


Кунжарани турболарракли, тезкор грануляторда майдалаш даражаси ушбу формулада хисобланади:

$$i = 0,74 \cdot \omega^{0,2} \left( \frac{t}{d} \right)^{-0,35} \quad (8.11)$$

Пахта чигити кунжарасини турбопарракчи қурилмада тезкор грануллаш натижасида олинган материал қатламининг гранулометрик таркибини ушбу формулада аниқлаш мумкин:

$$R = 11 \cdot V^{0.8} \cdot \tau_0^{0.03} \left( \frac{t}{d} \right)^{0.66} \cdot \left( \frac{U}{U_m} \right)^{0.3}$$

бу ерда  $V$  - айланма тезлиги,  $\text{с}^{-1}$ ;  $\tau_0$ -үлчамсиз вақт;  $t/D$  - билалар жойлашиш қадами;  $U$ -намлиқ %;  $U_m$  - материал мувозанат намлиғи, %.



**8.16-расм. Дражже ясаш гранулятори-рида заррачаларнинг ҳара-кат схемаси.**

тида эса какао, кофе, қанд қукунлари ишлатилади.

### 8.6. Сочилувчан материални грануллашга мойиллигини баҳолаш

Маълумки, гранула ҳосил бўлиши билан унинг таркиби зичланиб боради. Шунинг учун, моддаларни гранулланишга мойиллик кўрсаткичи сифатида зичланишни ҳисоблаш мумкин. Демак, зичланишга мойиллик, бу моддаларнинг маълум босим остида зичланиш хусусиятидир:

$$\Gamma_1 = \frac{\partial(\rho/\rho_0)}{\partial P} \quad (8.12)$$

Ундан ташқари, моддаларнинг зичланишга мойиллиги уларнинг шаклланишга мойиллиги билан ҳам ифодаланади. Шаклланишга мойиллик бу шундай хусусиятки, бунда модда пресслаб гранулланиш натижасида олган шаклини сақлаш қобилиятидир:

$$\Gamma_2 = \frac{\partial \sigma}{\partial P} \quad (8.13)$$

Турли маҳсулотларни гранулланишга мойиллик кўрсаткичи сифатида гранулланишга мойиллик коэффициенти қўлланилади:

$$K_1 = \frac{(\rho/\rho_0)}{P_{nn}}; \\ K_2 = \frac{\sigma}{P_{nn}} \quad (8.14)$$

бу ерда  $\rho$  ва  $\rho_0$  - материалнинг оралық ва бошланғич зичликлари,  $\text{т}/\text{м}^3$ ;  $\sigma$  -эзиш даврида грануланинг мустаҳкамлиги, Па;  $P_{nn}$ -зичланиш босими, Па.

Агарда, материалнинг зичланиш қобилияти  $K_1$  қанча юқори бўлса, унинг шунчалик шаклланиш қобилияти  $K_2$  яхши бўлади.

Материалларни гранулланишга мойиллигини баҳолаш уларнинг зичланиш ва шаклланиш қобилиятлари бўйича классификация қилиш имконини беригина қолмай, балки ушбу материал учун энг ишончли ва яроқли грануллаш усулини тавсия этиши имконини беради.

Қанчалик  $K_1$  ва  $K_2$  юқори бўлса, шунчалик кичик кучланишларда гранулаларнинг зичланиш даражаси юқори бўлади. Демак, ушбу шароитларда юмалатиб грануллаш усули тавсия этилиши мумкин.

Агар, модданинг грануллашга мойиллиги кичик бўлса, унда грануллаш учун катта кучланишлар талаб қилинади. Масалан, пресслаш ёки боғловчи модда қўшиб юмалатиб грануллаш.

Гранулланишга мойиллик материалнинг физик хоссалари ва ҳолат параметрлари (температура  $t$ , намлик  $W$ , гранулометрик таркиб  $R$ ,  $pH$  ва ҳоказо) га катта боғлиқ.

8-1 жадвалда баъзи бир кимёвий маҳсулотларнинг гранулланишга мойиллиги ва тавсия этиладиган грануллаш усуllibарни келтирилган.

### 8-1 жадвал

№ т/п	Материал номи	$K_1 \cdot 10^{-3}$	$K_2$	W, %	T, °C	Усул
1	Фосфогипс	1,0	0,008	20	20	боғловчи модда қўшиб пресслаш ёки юмалатиб грануллаш
2	Хлорли калий	0,8	0,01	0,05	20	-
3	Суперфосфат	1,0	0,011	2,5	20	-
4	Аммофос	2,07	0,028	0,8	20	юмалатиб грануллаш
5	Нитроаммофос калийли ўғит	1,23	0,027	0,3	20	пресслаш
6	Мочевина	0,8	0,07	0,3	20	эритмани пуркаш

### 8.7. Грануляторларни ҳисоблаш

Бошланғич маълумотлар: маҳсулот - аммофос.

- иш унумдорлик
- гранула ўргача диаметри
- аммофос пульпасининг нам сақлаши
- тайёр маҳсулот грануласининг намлиги
- атмосфера ҳавосининг нам сақлаши
- қатлам температураси
- пульпа температураси
- иссиқ ҳавонинг чиқишидаги нисбий намлиги
- маҳсулот солиштирма иссиқлик сифими
- солиштирма эриш иссиқлиги
- зичлик
- тўқма зичлик
- пульпа температураси ўтказувчанлиги
- $Q$
- $d_{yp}$
- $W_n$
- $W_m$
- $x_j$
- $t_k$
- $t_{II}$
- $\varphi_2$
- $c_\varphi$
- $q$
- $\rho$
- $\rho_{тук}$
- $a$ .

1. Қатлам температураси  $t_k$  ва  $\varphi_2$  лар бўйича Рамзиннинг I-x диаграммасидан ишлатиб бўлинган иссиқлик элткичнинг нам сақлаши  $x_2$  топилади.

2. Иssiқлик элткичнинг сарфи:

$$Q_B = \frac{Q \cdot w_n}{(x_2 - x_1) \cdot 10^{-3}}$$

3. Иссиқлик балансидан иссиқ ҳавониң температураси топилади.  
 4. Мавхум қайнаш бошланиши тезлиги проф. О.М. Тодес формуласи ёрдамида аниқланади:

$$Re = \frac{Ar}{1400 + 5,22\sqrt{Ar}}$$

бу ерда  $w_u = (2...4) \cdot w_0$  ишчи тезлик

5. Газ тақсимлаш түр пардасининг юзаси:

$$F = \frac{Q_B}{w_u}$$

6. Грануланинг мавхум қайнаш қатламида ҳаракат вақти  $\tau_{yp}$  нинг ўртача қиймати ушбу тентгламадан топилади:

$$\frac{w_T}{w_n} = 0,1 \cdot Gu^{-0,65} \cdot Fo^{-0,6}$$

7. Мавхум қайнаш қатламининг массаси:

$$Q_k = Q \cdot \tau_{yp}$$

8. Мавхум қайнаш қатламининг баландлиги:

$$H_0 = \frac{Q_k}{\rho_{myk} \cdot F}$$

9. Курилма ишчи қисмининг баландлиги:

$$H_u = 5,6 \cdot H_0 \cdot Re^{0,75} \cdot Ar^{-0,37}$$

10. Учиб чиқиш тезлиги ушбу формуладан топилади:

$$w_y = 0,09 \cdot Ar^{0,25} \cdot \lg \frac{w_u}{w_0}$$

11. Қатlam заррачасининг максимал учиб чиқиш тезлиги куйидагича аниқланади:

$$w_{y\cdot max} \cong 3 \cdot w_y$$

12. Курилма ажратиш бўлимининг минимал баландлиги:

$$H_{cen} = \frac{w_{y\cdot max}^2}{2g}$$

### 9.1. Умумий түшүнчалар

Кимёвий айланишларни ўтказиш учун мұлжалланган қурилмалар *реакторлар* деб аталади. Кимёвий технологияның жараён ва қурилмалари орасыда кимёвий реакторлар ва уларда кеңадиган жараёнлар алоҳида ўрин тутади. Ушбу жараёнлар кимё саноатининг асосидир.

Кимёвий айлантиришлар қўйидаги хоссалари билан характерланади:

а) гидродинамик, иссиқлик ва масса алмашиниш ҳодисалари, ҳамда кимёвий кинетика қонунлари кимёвий жараёнлар кечиш қонуниятларини белгилайди;

б) кимёвий-технология жараёнларининг кечишига катта таъсир этувчи омиллар кимёвий жараёнлар учун муҳим аҳамиятга эга; реакцияларни бир вақтда параллел ва кетма-кет кечишида температура ва аралаштириш каби омиллар маҳсулот сифатига салмоқли таъсир этади;

в) умуман олганда, жараён тезлиги энг секин ўтадиган босқич билан белгиланғанлыги сабабли, кимёвий жараёнлар диффузия, кинетик ва оралиқ соҳаларда кечиши мумкин.

Агар жараён тезлиги масса алмашиниш (диффузия) тезлиги билан белгиланса, жараён **диффузия** соҳада ўтади. Агар жараён тезлиги фақат кимёвий айланишлар тезлиги билан белгиланса, жараён **кинетик** соҳада боради. Агар кимёвий реакция ва диффузия тезликлари таҳминан бир хил бўлса, жараён **оралик** соҳада кечади. Лекин, саноат қурилмаларида кимёвий жараёнларнинг тезлиги фақат иссиқликни узатиш ёки ажратиб олиш тезликлари билан ҳам белгиланиши мумкин.

Кўпинча реакторлар сифатида маҳсус, ўта мураккаб конструкцияли қурилмалар қўлланилади.


### 9.2. Кимёвий айланишлар давридаги мувозанат

Одатда, янги реакторлар яратиш учун лойиҳачига реакция йўналиши ва охирги концентрациялар берилган бўлади. Шунга қарамасдан, лойиҳачи кимёвий мувозанат назариясининг (физик-кимё фанининг кимёвий термодинамика қонуниятлари) асосий ҳолатларини билиши зарур.

**Массалар таъсир қонуни.** Маълумки, кимёвий реакциялар қайтар бўлиши мумкин, яъни бошлангич моддалар ўзаро кимёвий таъсири (тўғри реакция) билан бирга, реакция маҳсулотларининг ўзаро кимёвий таъсирида бошлангич моддалар ҳосил бўлиши (тескари реакция) мумкин. Тўғри реакция ўтиб бориши билан унинг тезлиги камайса, шу даврда маҳсулот ортиши билан тескари реакция тезлиги ўсади. Тўғри ва тескари реакция тезликлари тенглашиши билан кимёвий мувозанат ҳолати бошланади. Ташқи шароитлар бузилмасдан турганда мувозанат аралашмадаги моддалар тарқиби ва концентрацияси ўзгармас бўлади. Ташқи шароитларнинг чексиз кичик ўзгариши, мувозанат ҳолатини чексиз ўзгаришига олиб келади. Демак, кимёвий реакциялар термодинамик мувозанат ҳолатида бориши ва уларга термодинамик мувозанатнинг умумий шартларини қўллаш мумкин.

Кимёвий реакцияда қатнашаётган моддаларнинг парциал босимлари ёки мувозанат концентрациялари ўргасидаги боғлиқлик массалар таъсир қонуни

билин ифодаланади. Мувозанат ҳолатидаги гомоген газли кимёвий реакция учун:



Агар, реакция компонентлари идеал газлар бўлса, қуйидаги тенглама тўғри келади:

$$\frac{p_C^c}{p_A^a} \cdot \frac{p_D^d}{p_B^b} = K_p \quad (9.2)$$

бу ерда  $a, b, c, d - A, B, C, D$  моддаларнинг стехиометрик коэффициентлари;

$p_i$  тегишли стехиометрик коэффициентлар даражасидаги  $A, B, C, D$  компонентларнинг парциал босимлари.

Ўзгармас  $K_p$  нинг қиймати мувозанат константаси деб аталади. Ушбу константа фақат температурага боғлиқ ва бошланғич аралашма компонентларнинг парциал босими ва босимлар йиғиндисига боғлиқ эмас. (9.2) тенглама массалар таъсир қонунининг ифодаси бўлиб, унинг миқдорий ифодаси ва келтириб чиқарилиши 1867 йили Гульдберг ва Вааглар томонидан таклиф этилган.

Ҳақиқий газлар учун компонентлар парциал босимларини ҳар бир  $i$  компонентнинг учувчанилиги  $f_i$  билан алмаштириш керак. Бунда, мувозанат константаси  $K_f$  ҳам компонентларнинг учувчанилиги орқали ифодаланиди.

Мувозанат константаси концентрациялар ёрдамида ҳам ифодаланиши мумкин:

$$\frac{[C]^c [D]^d}{[A]^a [B]^b} = K_c \quad (9.3)$$

Идеал бўлмаган эритмалар учун мувозанат константаси  $K_a$  компонент  $a$  нинг фаоллиги орқали ҳам ифодаланиши мумкин.

Суюлтирилган эритмалар учун  $a_i=c_i$  ва  $K_c=K_a$ .

Парциал босим ва моль улушлар ( $K_N$ ) орқали ифодаланган мувозанат константалари ўзаро қуйидагича боғланган:


$$K_p = K_c (RT)^{\Delta n} = K_N P^{\Delta n} \quad (9.4)$$

бу ерда  $\Delta n$  - реакция газсимон қатнашчисининг моль сони ўзгариши;  $P$  - системадаги умумий босим;  $R$  - газ доимийси;  $T$  - температура, К.

Агар, реакция газсимон модданинг моль улуси ўзгаришисиз ўтса, яъни  $\Delta n=0$  бўлса, унда  $K_p=K_c=K_N$  бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, умумий ҳолда  $K_N$  миқдорий жиҳатдан  $K_p$  дан фарқ қиласи ва температура, ҳамда системадаги босимга боғлиқдир.


Мувозанат константасининг сон қиймати реакциянинг йўналиши ва қайси миқдорлари учун стехиометрик тенглама ёзилганига боғлиқ. Агар, (9.1) реакция тенгламасини тескари йўналиш учун ёсек, яъни:



унда, мувозанат коисталтаси қуйидагига тенг бўлади:

$$K_p = \frac{1}{K_p} \quad (9.6)$$

Агар, (9.1) тенгламадаги стехиометрик коэффициентларни 2 баробар камайтирсак, унда қуйидаги ифодага эришамиз:




унда, мувозанат константаси  $K_p''$  қуйидагича қўринишни олади:

$$K_p'' = K_p^{0,5} \quad (9.8)$$

Агар, мувозанат системасига, масалан (9.7)га қўшимча маълум миқдорда **A** компонент киритилса, у **B** модда билан реакцияги киришиб, қўшимча миқдорда **C** ва **D** моддалар ҳосил қиласди. Натижада мувозанат ҳолатига эришилди ва **C**, **D** моддаларнинг парциал босимлари бошланғич ҳолатдагидан анча кўпаяди. Модда **B** нинг босими камаяди, **A**ники эса - ортади. Мувозанат ҳолатига эришилгандан сўнг, реакцияда қатнашаётган ҳамма моддалар парциал босимларининг нисбати мувозанат константаси  $K_p$  нинг сон қийматига яна тўғри келади.

Гетероген реакциялар учун мувозанат константалари газсимон компонентлар парциал босими ёки ҳақиқий газлар учун газсимон компонент учувчанлиги орқали ифодаланади. Эримайдиган ва учувчан бўлмаган фазалар конденсатлари мувозанатга таъсир этмайди.

Ҳар бир қаттиқ фаза газсимон фаза таркибига кирадиган тўйинган буг ҳосил қиласди деб таҳмин қилиш мумкин. Масалан, ушбу реакцияни қўриб чиқамиз:



Ушбу ҳолатда 2 та қаттиқ ва 1 та газсимон фазалар мавжуд. Системадаги моддалар парциал босимлари  $p_{CaCO_3}$ ,  $p_{CaO}$ ,  $p_{CO_2}$ . Унда, массалар таъсир қонунига биноан:

$$\frac{p_{CaO} p_{CO_2}}{p_{CaCO_3}} = const \quad (9.9)$$

Ўзгармас температурада қаттиқ фаза иштирок этган системада моддаларнинг тўйинган буг босими ўзгармас, ва  $p_{CaO}/p_{CaCO_3}$  нисбати ўзгармас катталикдир.

Шундай қилиб, юқорида қайд этилганларни қуйидаги қўринишда ёзиш мумкин:

$$p_{CO_2} \left( \frac{p_{CaCO_3}}{p_{CaO}} \right) = const = K_p$$

яъни, ушбу реакцияда мувозанат константаси карбонат ангидрид газининг босимига тенг.

Жараённи амалга ошириш имконияти изобар-изотермик ( $\Delta G$ ) ёки изохор-изотермик ( $\Delta F$ ) потенциаллар катталиклари билан белгиланади. Стандарт шароитда улар мувозанат константаси билан белгиланади. Стандарт шароитда күйидаги боғлиқликда бўлади:

$$\begin{aligned}\Delta G^0 &= -RT \ln K_P \\ \Delta F^0 &= -RT \ln K_C\end{aligned}\quad (9.10)$$

Агар,  $\Delta G^0 < 0$  бўлса, стандарт шароитда реакция боради; агар  $\Delta G^0 > 0$  бўлса, реакция бормайди. Худди шундай, агар  $\Delta F^0 < 0$  бўлса, реакция тўгри,  $\Delta F^0 > 0$  бўлса - тескари йўналишда боради.

Ностандарт шароитда жараён йўналишини аниқлаш учун **кимёвий реакция изотермалари тенгламасидан** фойдаланиш мумкин:

$$\Delta G^0 = RT \ln \frac{P_C^c \cdot P_D^d}{P_A^a \cdot P_B^b} - RT \ln K_P \quad (9.11)$$

$$\Delta F^0 = RT \ln \frac{[C]^c \cdot [D]^d}{[A]^a \cdot [B]^b} - RT \ln K_C \quad (9.12)$$

(9.11) тенгламанинг ўнг қисмидаги биринчи ҳади бошлангич система компонентларининг парциал босимини ифодалайди; (9.12) тенгламанинг ўнг томонидан биринчи ҳади эса бошлангич аралашмадаги компонентлар концентрациясини кўрсатади.  $\Delta G^0 < 0$  ва  $\Delta F^0 > 0$  бўлганда, реакция тўгри,  $\Delta G^0 > 0$  ва  $\Delta F^0 > 0$  бўлганда эса - тескари йўналишда боради.

**Жараённи амалга ошириш имкониятлари ва реакция тўлиқ боришига таъсир этувчи омиллар.** Термодинамик ҳисобларга ( $\Delta G^0 < 0$ ) қарамасдан реакция бормаса, демак уни секинлаштурувчи қандайдир омиллар бор. Бундай ҳолларда ушбу омилни енгиш, яъни реакция тезлигини ошириш зарур.

Жараён термодинамикаси ва кинетикасига реагентлар температураси, босими ва концентрацияси каби омиллар таъсир этади. Факат реакция тезлигига таъсир этувчи омил, бу катализаторлар бўлиб, лекин улар мувозанат константаси қийматини ўзгартиргайди.

Кимёвий мувозанатнинг температурага миқдорий боғлиқлигини **Вант-Гоффнинг изобар тенгламасидан** топиш мумкин:

$$\frac{d \ln K_P}{dT} = \frac{\Delta H}{RT^2} \quad (9.13)$$

бу ерда  $H$  - энталпия ўзгариши ёки ўзгармас босимдаги реакциянинг иссиқлик эфекти.

(9.13) тенгламани кичик температуralар оралиғида интегралласак, ушбу кўринишга эришамиз:

$$\ln \frac{K_{P,T_2}}{K_{P,T_1}} = \frac{\Delta H}{R} \cdot \frac{T_2 - T_1}{T_2 \cdot T_1} \quad (9.14)$$

Худди шундай қилиб, Вант-Гоффнинг изохор тенгламасини келтириб чиқарыш мүмкін:


$$\ln \frac{K_{CT2}}{K_{CT1}} = \frac{\Delta U}{R} \cdot \frac{T_2 - T_1}{T_2 + T_1} \quad (9.15)$$

бу ерда  $\Delta U$ -система ички энергиясининг ўзгариши ёки ўзгармас ҳажмдаги реакцияның иссиқлиқ эффекти.

Температура ўсиши билан  $K_p$  ортиши ёки камайиши мүмкін, лекин жарайн тезлиги күтпічілік ҳолларда ортади.

Босим ўсиши билан концентрация ортади. Шунинг учун, күпинча реакция тезлиги ортади. Агар, жараён ҳажм ўсиши билан кечәттеган бўлса, унда умумий натижә қандай бўлиши номаълум. Бундай ҳолларда қандайдир бир оптимал қийматни қабул қилиш керак.

Мувозанат ўзгаришини ҳисоблаш учун мувозанат константаси ва бошланғич моддалар моль сони маълум бўлиши керак. Сўнг, мувозанатдаги ҳар бир модда миқдорини моль миқдори орқали ифодалаб оламиз. Масалан,



Реакция учун 2500К да  $K_p=0,0455$ . Агар, бошланғич аралашмада 21% кислород ва 79% азот бўлса, мувозанат аралашмадаги  $NO$  концентрацияси (моль%) аниқлансан.

Стехиометрик тенгламага биноан мувозанат аралашма таркибидаги азот концентрациясини (79-х), кислород концентрациясини (21-х) ва  $NO$  концентрациясини  $2x$  га тенг деб қабул қиласиз. Мувозанат аралашма таркибини массалар таъсир қонунига биноан қуйидагича ифодалаш мүмкін:

$$K_p = 0,0455 = \frac{[NO]}{[N_2]^{0,5} \cdot [O_2]^{0,5}} = \frac{2x}{(79 - x)^{0,5} \cdot (21 - x)^{0,5}}$$

Ушбу тенгламани  $x$  га нисбатан ечсак, унинг қийматини топамиз. Мувозанат аралашмада  $NO$  нинг миқдори  $2x$  га тенг, яъни 1,8%

### 9.3. Кимёвий жараёнлар кинетикаси

Ҳар доим ҳам кимёвий жараёнларнинг ўтиш тезлиги кимёвий айланишлар тезлиги билан белгиланмайди. Айрим ҳолларда жараён тезлиги иссиқлиқни узатиш ва ажратиб олиш тезлиги ёки массасининг бир фазадан иккинчисига тарқалиш тезлиги билан аниқланади. Бундай ҳолатларда реакторлар иссиқлиқ ёки масса алмашиниш қонунлари билан топиладиган ўлчамларга эга бўлиши керак. Куйида, кимёвий айланишларнинг кинетик қонуниятларини кўриб чиқамиз.

**Кимёвий реакциялар тезлиги.** Кимёвий кинетиканинг асосий қонуни (постулати)га биноан, ўзгармас температурада гомоген реакция тезлигини ушбу формуладан топиш мүмкін:


$$w = K c_A^{V_A} \cdot c_B^{V_B} \quad (9.16)$$

Оддий ҳолатларда  $V_A$  ва  $V_B$  даражасы қийматлари стехиометрик коэффициентларға тенг.

Үзгармас температурадаги ҳар бир реакция учун пропорционаллик коэффициенттер  $K$  үзгармас катталиқдир. Ушбу пропорционаллик коэффициенттеги төзілік константасы деб номланади. Унинг катталиғи реакцияга киришаёттан моддалар концентрациялари бирға тенг бўлган реакция төзилгига тенг. Реакция даражаси ва унинг молекулярлиги деган иккита тушунчани фарқлаш керак, чунки улар бир хил эмас.

**Реакция даражаси** (9.16) кинетик тенглама концентрацияларидаги даражасы кўрсаткичларининг йиғиндиси билан аниқланади. Кимёвий кинетика бўйича реакция даражаларини аниқлаш усууллари маҳсус адабиётларда келтирилган.

**Оддий реакция** молекулярлиги бу кимёвий ўзаро таъсирида қатнашаётган бошланғич модда молекулаларининг сони. Реакциялар мономолекуляр, бимолекуляр ва ҳоказо бўлади. Бир вақтда 3 тадан ортиқ молекулаларнинг тўқнашиш эҳтимоли жуда кам. Шунинг учун, кўпинча паст молекулярли реакциялар бўлади.



9.1-расм. Реакцияга киришаёттан моддалар концентрацияси с ининг вақт  $t$  га боғлиқлиги.

Модданинг реакция маҳсулотига айланиш жараёнини кўриб чиқамиз (9.1-расм)

Кўриниб турибдики,  $\theta$  дан  $\tau_{0x}$  ораликда концентрация  $c_{A0}$  дан  $c_A$  гача камаяди:

$$\frac{c_{A0} - c_A}{c_{A0}} = 1 - \frac{c_A}{c_{A0}} = x \quad (9.17)$$

Ушбу нисбат айланиш даражаси деб номланади. (9.17) нисбатдан қўйидаги кўринишдаги тенгликни оламиз:

$$c_A = c_{A0}(1-x) \quad \text{ва} \quad dc_A = -c_{A0}dx \quad (9.18)$$

Камаювчи модда бўйича реакция төзигига қуйидагига тенг:

$$w = -\frac{dc_A}{d\tau} = Kc_A \quad (9.19)$$

Юқорида қайд этилтандарни ҳисобга олсак:

$$-\frac{dc_A}{d\tau} = c_{A0}K(1-x) \quad (9.20)$$

ёки

$$\frac{dx}{d\tau} = K(1-x) \quad (9.21)$$

Физик маъносига кўра,  $(1-x)n$  катталик ушбу дақиқада жараённи ҳаракатта келтирувчи кучи. Турли даражали реакциялар учун кинетик тенгламалар қуйидаги дифференциал шаклда ёзиш мумкин:

ноль ва биринчи даражали реакциялар учун:

$$\frac{dx}{d\tau} = K_0; \quad \frac{dx}{d\tau} = K_1(1-x) \quad (9.22)$$

иккинчи ва  $n$  - даражали реакциялар учун:

$$\frac{dx}{d\tau} = K_2(1-x)^2; \quad \frac{dx}{d\tau} = K_n(1-x)^n \quad (9.23)$$

**Узлуксиз жараёнлар ҳаракатта келтирувчи күч.** Проф. Плановский А.Н. томонидан яратилған узлуксиз жараёнлар назариясига биноан, реакцион қурилмалар З га бўлинади: идеал (тўлиқ) сиқиб чиқарувчи; идеал (тўлиқ) аралашиш; иккила тип оралиғидаги реакторлар.

Идеал сиқиб чиқарувчи реакторларда вақт ўтиши билан ҳаракатга келтирувчи күч  $\Delta c$  аста-секин камаяди. Агар,  $\Delta c$  камайса, жараён тезлиги ҳам камаяди. Бундай ҳолларда ҳаракатга келтирувчи күч ўртача логарифмик катталик сифатида топилади.

Идеал аралашиш ёки оралиқ типидаги узлуксиз ишлайдиган реакторнинг ҳаракатга келтирувчи кучининг идеал сиқиб чиқарувчи қурилманинг ҳаракатга келтирувчи кучига нисбати идеал сиқиб чиқариш қурилмасидаги жараён давомийлиги  $\tau_{ud.c}$  нинг идеал аралашиш  $\tau_{ap}$  ёки оралиқ типидаги реактордаги жараён давомийлиги  $\tau_{op}$  нисбатига тенг катталикка реакторнинг **концентрацион фойдали иш коэффициенти**  $\eta_c$  деб номланади.

Агар,

$$\eta_c = \frac{\tau_{ud.c}}{\tau_{ap}} \quad \text{ва} \quad \eta_c = \frac{\tau_{ud.c}}{\tau_{op}} \quad (9.24)$$

Идеал сиқиб чиқариш ва аралашиш қурилмаларидағи қайтмас кимёвий реакциялар тезликларини тақдослаймиз. Ноль даражали реакция қурилмалари учун

$$\tau_{ud.c} = \frac{x}{K_0} \quad \text{ва} \quad \tau_{ap} = \frac{x}{K_0} \quad (9.25)$$

Демак,  $\eta_c = 1$  яъни, ноль даражали реакциянинг тезлиги аралаштиришга боғлиқ эмас.

Биринчи даражали реакция учун

$$\tau_{ud.c} = \frac{1}{K_1} \ln \frac{1}{1-x} \quad (9.26)$$

Идеал аралаштириш қурилмасида жараён ўзгармас ва охирги айланиш даражасида боради.

Үнда

$$\frac{dx}{d\tau} = \frac{x}{\tau_{ap}} = K_1(1-x) \quad (9.27)$$

ёки

$$\tau_{ap} = \frac{x}{K_1(1-x)} \quad (9.28)$$


Бундан

$$\eta_c = \frac{1-x}{x} \cdot \ln \frac{1}{1-x} \quad (9.29)$$

Худди шундай, иккинчи даражали реакция учун

$$\eta_c = 1 - x \quad (9.30)$$

9.2-расмда идеал аралаштириш қурилмаси фойдали иш коэффициентининг айланиши ва реакция даражалари боғлиқлиги кўрсатилган. Расмдан кўриниб турибдики, айланиш ва реакция даражаси ортиши билан қурилма фойдали иш коэффициенти камаяди. Яъни, айланиш ва реакция даражалари қанчалик катта бўлса, кимёвий айланиш тезлигига аралаштириш шунчалик салбий таъсир кўрсатади.



**9.2-расм. Идеал аралаштириш қурилма ф.и.к.  $\eta_c$  нинг реакциялар айланиш даражасига боғлиқлиги.**

1-ноль даражали; 2-биринчи даражали; 3-иккинчи даражали.

сиқиб чиқариш қурилмасида маҳсулот  $A$  дан маҳсулот  $X$  ҳосил бўлиш тезлиги (9.31), маҳсулот  $X$  дан маҳсулот  $Y$  ҳосил бўлиш тезлиги эса (9.32) тенгламадан аниқланади:

$$\frac{dx}{d\tau} = K_x (a - x) \quad (9.31)$$

$$\frac{dy}{d\tau} = K_y (x - y) \quad (9.32)$$

бу ерда  $a$  - бошлангич модда  $A$  нинг миқдори;  $x$  ҳосил бўлган маҳсулот  $X$  нинг миқдори;  $y$  -  $Y$  маҳсулотта айланган  $X$  модда миқдори.

(9.31) ва (9.32) тенгламаларни солиштириб, ушбу кўринишга эришамиз:

$$\frac{dy}{dx} = \frac{K_y}{K_x} \cdot \frac{x - y}{a - x} \quad (9.33)$$

Төзлик коэффициентлар нисбатини  $K_Y/K_X=B$  деб белгилаб, (9.33) тенгламани ечсак:

$$y_{ox} = x_{ox} - \frac{(a - x_{ox})^B - (a - x_{ox})}{1 - B} \quad (9.34)$$

бу ерда  $y_{ox}$  ва  $x_{ox}$  -  $y$  ва  $x$  параметрларнинг охириги қийматлари.

Идеал аралашиш қурилмалари учун:


$$\frac{x}{\tau_{ap}} = K_X(a - x); \quad \frac{y}{\tau_{ap}} = K_Y(x - y)$$

ёки

$$\frac{y}{x} = B \frac{x - y}{a - x}; \quad y_{ox} = \frac{Bx_{ox}^2}{(a - x_{ox}) - Bx_{ox}} \quad (9.35)$$

Идеал аралашиш қурилмасида  $y_{ox}$  қиймати юқори бўлади. Демак, фойдали иш коэффициентнинг камайиши жараён давомийлиги  $\tau$  нинг ортишига ва маҳсулот сифатининг ёмонлашишига (иккиласми маҳсулот ўсишига) олиб келади.

**Курилмаларни секциялаш - фойдали иш коэффициентни оширишининг асосий усули.** Қандайдир кимёвий жараённи ўтказиш учун идеал аралашиш иккита қурилмаси кетма-кет уланган деб, фараз қилийлик (9.3-расм).



**9.3-расм. Иккита кетма-кет уланган идеал аралашиш қурилмасидан иборат агрегат схемаси.**

Биринчи қурилмада айланиш дарражаси  $x_1$ , иккинчисида эса -  $x_2$ . Реакцияда қатнашаётган моддаларнинг умумий вақти  $\tau = \tau_1 + \tau_2$  (бу ерда  $\tau_1$  ва  $\tau_2$  - биринчи ва иккинчи қурилмаларда модданинг бўлиш вақти). Шундай қилиб, биринчи даражали реакция учун:

$$\tau = \frac{x_1}{K \cdot (1 - x_2)} + \frac{x_2 - x_1}{K \cdot (1 - x_2)} \quad (9.36)$$

Кўриниб турибдики,  $\tau$  юкламанинг тақсимланиш функцияси.  $x_2$  ни ўзгармас деб,  $\tau$  нинг минимал қийматини (9.36) тенгламани дифференциаллаб топамиз:

$$\frac{dx}{d\tau} = \frac{1}{K(1 - x_2)^2} - \frac{1}{K(1 - x_2)} = 0 \quad (9.37)$$

бундан


$$K \cdot (1 - x_1)^2 = K(1 - x_2); \quad x_1 = x_2 - x_1 + x_1^2 \quad (9.38)$$

Тегишли ўзгартиришлардан сўнг қуидаги кўринишни оламиз:

$$\frac{x_1}{1 - x_2} = \frac{x_2 - x_1}{1 - x_2} \quad (9.39)$$


Бундан,  $\tau_1 = \tau_2$  ёки  $V_{a1} = V_{a2}$  эканлиги келиб чиқади. Шундай қилиб, қурилмалар ҳажмлари тенглиги оптималь нисбатdir.

9.4 ва 9.5 - расмларда қурилма фойдали иш коэффициентига секциялар сони ва айланиш даражасининг таъсиirlари кўрсатилган.



**9.4-расм.** Секциялар сони  $N$  ва айланиш даражаси  $x$  ларнинг реактор ф.и.к.  $\eta_c$  га таъсири (биринчи даражали реакция учун).

1 -  $x=0,1$ ; 2 -  $x=0,2$ ; 3 -  $x=0,3$ ;  
4 -  $x=0,4$ ; 5 -  $x=0,5$ ; 6 -  $x=0,6$ .



**9.5-расм.** Секциялар сони  $N$  ва айланиш даражаси  $x$  ларнинг иккинчи даражали реакция бораётган қурилманинг ф.и.к.  $\eta_c$  га таъсири.

1 -  $x=0,1$ ; 2 -  $x=0,2$ ; 3 -  $x=0,3$ ;  
4 -  $x=0,4$ ; 5 -  $x=0,5$ ; 6 -  $x=0,6$ .

Расмлардан кўриниб турбидики, реакторнинг фойдали иш коэффициенти секциялар сони  $N$  ва айланиш даражаси  $x$  га боғлиқ. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, реакциянинг даражаси қанчалик катта бўлса, унинг қурилма фойдали иш коэффициентига таъсири ҳам кескин равишда ортади. Агар,  $N=\infty$  бўлса, система идеал сиқиб чиқариш қурилмасига мос келади.  $N=8\dots10$  бўлганда, реактор идеал сиқиб чиқариш режимида ишлади.

Кўп секцияли реакторларнинг фойдали иш коэффициентини қуидаги эмпирик формуладан топиш мумкин:

$$\eta_{CN} = 30 \frac{mN}{30 + (m-1)N} \quad (9.40)$$

Ушбу формуладаги  $m$  қуидаги тенгламадан топилади:

$$m = \frac{30\eta_{C1}}{1 - \eta_{C1}}$$

бу ерда  $\eta_{C1}$  - бир секцияли қурилма фойдали иш коэффициенти.

**Реакция тезлиги коэффициентига температура таъсири.** Ушбу таъсир Аррениус қонунига бўйсунади ва қуийдагича ифодаланади:

$$K = z_0 \exp\left(-\frac{E}{RT}\right) \quad (9.41)$$

бу ерда  $z_0$  ўзгармас, пропорционаллик константаси (молекулаларнин ўзаро тўқнашув омили);  $E$  - реакцияга киришаётган моддаларнинг фаолланиш энергияси;  $R$  - газ доимийси.


Ушбу тенгламадан қўйидаги кўринишни олиш мумкин:

$$\ln \frac{K_2}{K_1} = \frac{E}{R} \left( \frac{1}{T_2} - \frac{1}{T_1} \right) \quad (9.42)$$

бу ерда  $K_1$  ва  $K_2$  абсолют температурулар  $T_1$  ва  $T_2$  га тегишли тезлик коэффициентлари.

$K_{m+10}/K_m = \beta$  нисбат реакция тезлигининг температуравий коэффициенти деб номланади.

9.6-расмда фаоллашиш энергияси ва температуранинг, коэффициент  $\beta$  га таъсири кўрсатилган. Расмдан кўриниб турибдики, фаоллашиш энергияси ортиши ва температура камайиши билан  $\beta$  нинг миқдори ортади. Агар,  $\beta = 2\dots 4$  бўлса, жараён кинетик зонада,  $\beta = 1,2\dots 1,5$  да эса - диффузион зонада боради.



9.6-расм. Реакция тезлиги температуравий коэффициенти  $\beta$  нинг температура  $T$  ва фаоллашиш энергияси  $E$  га таъсири.

#### 9.4. Кимёвий жараёнлар моддий ва иссиқлик баланслари

**Моддий баланс.** Қайта ишланаётган ва ҳосил қилинаётган материаллар миқдорини аниқлаш учун кимёвий жараённинг моддий баланси тузилади. Юқорида қайд этилган миқдорларни билиш реакторнинг асосий ўлчамларини аниқлаш, иссиқлик балансини тузиш ва ҳисоблашларни ўтказиш учун зарур.

Олинаётган моддалар миқдори вақтга (кг/сутка, кг/соат, кг/с) ёки ишлаб чиқилаётган маҳсулот массасига нисбатан аниқланиши мумкин.

Моддий баланс тузиш учун (9.1) стехиометрик тенглама асос бўла олади. Агар, реакция чапдан ўнгта қайтмас кечеётган бўлса, унда жараён охирида  $A$  модда тўлиқ сарфланади, яъни  $G_A=0$ .

Унда, модда  $B$  нинг сарфи қўйидагига teng бўлади:

$$G_B = G_A \left( \frac{b \cdot M_B}{a \cdot M_A} \right) \quad (9.43)$$

Ҳосил бўлаётган  $C$  ва  $D$  моддалар учун эса:

$$G_C = G_A \left( \frac{c \cdot M_C}{a \cdot M_A} \right); \quad G_D = G_A \left( \frac{d \cdot M_D}{a \cdot M_A} \right) \quad (9.44)$$

бу ерда  $M_A$ ,  $M_B$ ,  $M_C$ ,  $M_D$  - ўзаро таъсиридаги моддалар массалари;  $G$  асосий, бошлангич маҳсулот (масалан,  $A$ ) миқдори.

Моддий баланснинг ҳисоблаш натижалари, одатда ушбу кўринишида келтирилиши мумкин (9-1 жадвал):

9-1 жадвал

Моддалар	Микдорлар
A	$G_A$
B	$G_A(bM_B/aM_A)$
Кираётган моддалар жами:	$G_A + G_A(bM_B/aM_A)$
C	$G_A(cM_C/aM_A)$
D	$G_A(dM_D/aM_A)$
Ҳосил бўлаётган маҳсулотлар жами:	$G_A(cM_C/aM_A) + G_A(dM_D/aM_A)$

**Иссиқлик баланси.** Кимёвий жараён иссиқлик баланси қуидаги умумий кўринишида ёзилиши мумкин:

$$Q_1 + Q_2 + Q_3 = Q_4 + Q_5 \quad (9.45)$$

бу ерда  $Q_1$  - қайта ишланаётган материал билан кираётган иссиқлик;  $Q_2$  - иссиқлик элткичдан қайта ишланаётган моддага берилётган иссиқлик;  $Q_3$  жараённини иссиқлик эфекти;  $Q_4$  - реакцияда қайнашаётган материаллар билан чиқиб кетаётган иссиқлик;  $Q_5$  - атроф муҳитга йўқотилаётган иссиқлик.

Қайта ишланаётган материаллар билан олиб кирилаётган ва реакция маҳсулотлари билан чиқиб кетаётган иссиқлик миқдори қуидаги тенглиқдан топилиши мумкин:

$$Q = \sum G \cdot c \cdot t \quad (9.46)$$

бу ерда  $G$  - модда массаси;  $c$  - материал солишишторма иссиқлик сифими;  $t$  - температура.

Реакциянинг иссиқлик эфекти Гесс қонунига биноан ҳисобланади:

$$q = \Sigma q_K - \Sigma q_H \quad (9.47)$$

бу ерда  $q_p$  - реакция иссиқлик эфекти;  $\Sigma q_H$  кимёвий реакцияга киришаётган, бирокмалар ҳосил бўлиш иссиқликларининг йигинидиси;  $\Sigma q_K$  - кимёвий таъсир натижасида ҳосил бўлаётган бирокмалар ҳосил бўлиш иссиқликларининг йигинидиси.

Реакция иссиқлиги  $q$  махсус адабиётларда  $20^{\circ}\text{C}$  учун келтирилган бўлади. Бундан юқори температуралардаги қийматини топиш учун Кирхгоф қонунидан фойдаланиш мумкин. Унинг математик талқини ушбу тенглама кўринишида бўлади:

$$\frac{dq}{dT} = \Delta c_p \quad (9.48)$$

бу ерда  $\Delta c_p$  - олинган маҳсулот ва бошланғич моддалар иссиқлик сифимларининг фарқи (стехиометрик коэффициентлар ҳисобга олинган).

Иссиқлик сифимнинг температурага боғлиқлиги ушбу кўринищдаги тенглама билан ифодаланади:

$$c_p = a + bT + cT^2 + \dots \quad (9.49)$$

бу ерда  $a, b, c$  - эмпирик константалар;  $T$  - температура.

Демак,  $\Delta c_p$  нині температурага бөліккілігі ҳам (9.49) тенгламага үшшаш функция билан ифодаланади:

$$\Delta c_p = a_1 + b_1 T + c_1 T^2 + \dots \quad (9.50)$$

Ушбу тенгламага биноан, Кирхгоф қонунини ифодаловчи тенглик күйидегіча ёзилиши мүмкін:

$$\frac{dq}{dT} = a_1 + b_1 T + c_1 T^2 + \dots \quad (9.51)$$

Буда  $a_1, b_1, c_1$  - олинган маңсулот ва бошланғич моддалар формулаларидаги тегишли  $a, b, c$  коэффициентларнинг фарқыга сон жиҳатдан тент коэффициентлар.

(9.51) тенгламани интеграллаш, реакция иссиқтік эффекти ва температура орасыдаги бөліккілігінинг күйидегі күрінишини беради:

$$q = a_1 T + \frac{1}{2} b_1 T^2 + \frac{1}{3} c_1 T^3 + \dots + C \quad (9.52)$$


20 ёки 25°C температурадаги реакция иссиқтігіні  $q_0$  орқали белгилаб олсақ, интеграллаш ўзгармас катталиги  $C$  ни хисоблаш осонлашади:

$$C = q_0 - \left( a_1 T + \frac{1}{2} b_1 T^2 + \frac{1}{3} c_1 T^3 + \dots \right) \quad (9.53)$$

Агар,  $C$  нинг құймати (9.53) дан аниқланса, исталған  $T$  температурадаги реакциянинг иссиқтік эффекти (9.52) тенгламадан аниқланади.

## 9.5. Кимёвий жараёнлар принципиал схемалари

Кимёвий жараёнларнинг ҳамма принципиал схемаларини 2 гурұхға ажратыш мүмкін: бир босқычли (9.7а-расм) ва рециркуляциялы (9.7б-расм).



9.7-расм. Кимёвий жараёнлар принципиал схемалар.  
а - бир босқычли; б - рециркуляциялы.


Бир босқычли схемаларда хом-аше реактор  $P$  га узатылади ва у ерда түлиқ ўзгариш рүй беради. Жараёнда ҳосил бўлган моддалар тозалаш қурилмаси  $T$  га юборилади. Ушбу қурилмада у тайёр маңсулот ва аралашмаларга ажратилади.

Циркуляциялы схемада ҳам хом-аше реактор  $P$  га узатылади ва у ерда қисман ўзгаришта учрайди. Шунинг учун, у яна қайта ишланади. Бундай ҳолда реактор  $P$  га бошланғич ва қайта ишлашган хом-аше аралашмаси юкланды ва унинг оптималь даражада қайта ишланишига эрилишади. Сўнг, тайёр маңсулот ва реакцияга киришмаган хом-аше аралашмаси реактордан ажратыл қурилмаси  $AK$  га узатылади. Унда, тайёр маңсулот аралашма таркибидан ажратиб олинади. Реакцияга киришмаган хом-аше қайтадан реакторга юборилади. Биринчи ва иккинчи гурӯҳ схемаларидаги қурилмаларни хисоблаш усууллари ҳар хил. Биринчи гурӯҳ схемаларидаги қурилмалар жараённинг берилған бошланғич ва охирги параметрлари бўйича хисобланади. Иккинчи гурӯҳ схемаларидаги қурилмаларни хисоблаш усууллари ҳар хил. Биринчи гурӯҳ схемаларидаги қурилмалар жараённинг берилған бошланғич ва охирги параметрлари бўйича хисобланади. Иккинчи гурӯҳ схемаларидаги қурилмаларни хисоблаш усууллари ҳар хил.

ридаги қурилмалар эса, бир неча вариант бүйича ҳисобланади ва фәқат техник-иктисодий таққослашына реактор ва ажратиш қурилмасидаги жараёнларнинг оптималь параметрларини аниqlаш имконини беради.

## 9.6. Реакторлар конструкциялари

Жараённи ташкил этиш бүйича реакторлар 3 гурӯхга бўлинади:



9.8-расм. Даврий реактор.


1-қобиқ; 2-филюф; 3-змеевик;  
4-аралаштиргич.

**Даврий ишлайдиган реакторларда** жараённинг ҳамма босқичлари ҳар хил вақтда кетма-кет кечади (9.8-расм).

Ўзаро таъсирдаги моддалар концентрациясининг ўзгариш характеристери реакцион ҳажмнинг ҳамма нуқталарида бир хилдадир. Лекин, ҳажмнинг бирор нуқтаси учун вақт бүйича турлича бўлади. Бу турдаги қурилмада реакция давомийлигини бевосита ўлчаш мумкин, чунки реакция вақти ва реакцион ҳажмда реагентларнинг таъсир вақти бир хил. Даврий қурилмаларда технологик жараён параметрлари вақт ўзиши билан ўзгарида.

Бундай реакторлар иш унумдорлиги кичик ва уларни автоматлаштириш, ҳамда ростлаш қийин.

**Узлуксиз ишлайдиган реакторда** кимёвий айланиш жараёнининг ҳамма босқичлари параллел ва бир вақтда юз беради (9.9-расм).




9.9-расм. Узлуксиз ишлайдиган реактор

1,4-иситкичлар; 2-реактор; 3-аралаштиргич.

Ўзаро таъсирдаги моддалар концентрациясининг ўзгариш характеристи ҳар бир дақиқада реакцион ҳажмнинг турли нуқталарида ҳар хил. Лекин, ҳажмнинг бирор нуқтаси учун вақт бүйича ўзгармасdir. Бу турдаги қурилмада реакция давомийлигини бевосита ўлчаш мумкин эмас, чунки узлуксиз ишлайдиган қурилмаларда реакция вақти ва реакцион ҳажмда реагентларнинг таъсир вақти турлича. Умумий ҳолда, моддаларнинг реакторда бўлиш вақти аралаштириш интенсивлиги, оқимлар таркибига боғлиқ ва ҳар бир қурилма учун алоҳида бўлади.

Бу турдаги реакторларнинг иш унумдорлиги катта, уларни эксплуатация қилиш осон ва автоматлаштиришга мойил.

**Ярим узлуксиз реакторлар** нотурғун шароитда ишлайди, яъни баъзи бир реагентлар узлуксиз, бошқалари эса даврий узатилади (9.10-расм).



9.10-расм. Ярим узлуксиз ишлайдиган реактор.

1-қобиқ; 2-аралаштиргич.

мадан ўтаётган ҳар бир олдин узатилган ҳажм, кейинги узатилган билан аралашмасдан, сиқиб чиқарилади. Натижада, қурилманинг марказий қисми ва девор атрофидаги аралашманнинг таркиби ва температураси бир-биридан фарқ қиласы. Ундан ташқари, қурилмага кириш ва чиқиш концентрация ва температура-лари орасыда сезиларли катта фарқ бўлади. Бу турдаги реакторларга қобиқ-трубали, яъни колоннали қурилмалар киради (9.11, 9.13-расмлар).


**Оралик гидродинамик режимли реакторлар** жуда кенг тарқалган. Ушбу турдаги қурилмаларда тез-тез идеал ара-лашиш режимидан четга

Ушбу турдаги реакторлар кичик тоннажли ишлаб чиқариш корхонала-рида, айниқса экзотермик реакция ўтказиш зарур бўлган жараёнларда кўлланилиши мақсадга мувофиқ.

**Гидродинамик режимга** қараб, реакторлар З гурӯҳга бўлинади.


**Идеал аралашиш реакторларида** реагентлар оқими бутун реакцион ҳажмда бир зумда ва бир текисда ара-лашади. Демак, бундай реакторларда аралашманинг таркиби ва температу-раси бутун реакцион ҳажмда бир хил деб ҳисоблаш мумкин. Бу турдаги ре-акторлар қаторига кичик ҳажмдаги аралаштиргичли, циркуляцияли, мав-хум қайнаш қатламли қурилмалар ки-ради (9.11, 9.12-расмлар).

**Идеал сиқиб чиқариш реакторла-рида** реагентларнинг ҳаракати поршен-симон характерда бўлиб, яъни қурил-




9.11-расм. Турли тицдаги реакторларда моддалар концентрациясининг ўзгариш характери.  
а-сиқиб чиқариш қурилмаси; б-аралашиш қурилмаси; в-кўп секцияли, аралашиш қурилмаси; г-оралик тицдаги қурилма; С-бирор ондаги концентрация;  $C_H$ -бошлангич концентрация;  $C_K$ -охирги кон-центрация;  $C^*$ -мувозанат концентрация; L-қурилма узунлиги.

чикиш режимлари содир бўлади. Бундай ҳолатларда реагентларнинг аралашмайдиган зоналари пайдо бўлиши ва бошқа салбий ҳодисалар ҳосил бўлади.



9.12-расм. Арадашиш реакторлари

а-бир погонали қурилма; б-вертикаль, кўп погонали қурилма;  
в-горизонтал, кўп секцияли қурилма; г-арадашиш қурилмаси  
батареяси.



9.13-расм. Сиқиб чиқариш реактори.

1-бир трубали қурилма; 2-кўп трубали қурилма.

## 9.7. Реакторларнинг арадаштириш ва иссиқлик алмашиниш мосламалари

Реакторнинг нормал ишлаши, юқори иш унумдорлик ва олий сифатли маҳсулот олишга эришиш учун ундаги моддаларни арадаштириш энг асосий шартлардан биридир.

Арадаштириш усуслари ва уни конструктив жиҳозлаш ўзаро таъсирдаги моддаларнинг агрегат ҳолатига боғлиқ.

**Арадаштириш.** Газларни арадаштириш учун қўлланиладиган энг содда мосламалар қаторига сопло, инжектор, лабиринтли ва каскадли арадаштиргичлар киради. Одатда, арадаштириш мосламалари реактор билан бир қобиқда ўрнатилади.

«Суюқлик-суюқлик» ва «суюқлик-қаттиқ жисм» системаларини аралаштириш учун механик усулдан фойдаланиш юқори самара беради. Бунинг учун парракли, турбинали, якорли ва шнекли, ҳамда пневматик аралаштиргичлар ишлатилади. «Газ-қаттиқ жисм» системасыда сифатли аралаштиришга эришиш учун жараён мавхум қайнаш ёки қарапатчан қатламда ўтказилади.

**Иссиқлик алмашиниш.** Кимёвий реакторларни түрли усулларда иситиш ёки совитиш мүмкін. Реактордаги иссиқлик алмашиниш усулини таңлаш кимёвий жараённинг ўтказиш температураси, ҳамда иссиқлик элткичнинг физик, иссиқлик-диффузиян ва кимёвий хоссаларига боелик. Саноат миқёсида иситиш ва совитишнинг 2 та, яъни бевосита ва билвосита усууллари бор.

**Бевосита иссиқлик алмашинишда** аралашма ва иссиқлик элткич қуидаги варианктардан бирида иссиқлик узатилади:

1) иссиқлик бевосита реакторда берилади, масалан, экзотермик реакция ёки электрик разряд йўли билан;


2) иссиқликнинг узатилиши реакцион аралашманинг бирорта компонентини қисман ёки тўлиқ буғлатиш орқали ёки эндотермик реакция йўли билан;

3) реакцион ҳажмда иссиқлик элткичнинг циркуляцияси ҳисобига иссиқлик узатиш.

**Билвосита иссиқлик алмашинишда** иссиқлик элткич ва реагентлар кўзгалмас девор ёрдамида ажратилган бўлади. Иссиқлик алмашиниш юзалари турли геометрик шаклда (змеевик, филоф, ҳалқа ва ҳоказо) бўлиши мүмкін.


Одатда реакторни иситиш ёки совитиш унинг ташқарисидаги филоф орқали амалга оширилади.

9.14...9.17-расмларда иссиқлик алмашинишни ташкил этиш ва иссиқлик алмашиниш мосламалари, ҳамда реагентларни аралаштириш учун мўлжалланган айрим мосламалар келтирилган.




9.14-расм. Аралашниш реакторининг иссиқлик алмашиниш мосламалари.

I-бошлангич моддалар, II-реакция маҳсулоти, III-иссиқлик элткич; а-филофли қурилма; б-ички змеевикили қурилма; в-ташқи дефлегматорли қурилма; г-ташқи иссиқлик алмашиниш қурилмали; д-ички иссиқлик алмашиниш қурилмали.




9.15-расм. Сиқиб чиқарып реакторининг иссиқлик алмашиниш мосламалари.

I-бошланғич моддалар, II-реакция маҳсулоти, III-иссиқлик элткіч; б-ички иссиқлик алмашиниш мосламали; б-ташқы иссиқлик алмашиниш мосламали; г-трубаларда катализатор түлдирилган қурилма; д-трубалараро бўшлиғи катализатор билан түлдирилган қурилма; е-комбинацияланган типдаги қурилма; ж-токчали ва катализатор қатлами орасида совитиш мосламали қурилма; з-катализатор қатлами орасига сув пурковчи мосламали қурилма.



9.16-расм. Эртмада оптимал температура ҳосил қылыш усуллари.

а-адиабатик секцияларга ажратиш; б-совук реагентлар күшиб; в-инерт, иссиқлик элткіч күшиб; г-бевосита иссиқлик алмашиниш; д-реагент билан бевосита иссиқлик алмашиниш; е-харакатчан (мавхум қайнаш) қатламли; ж-регенератив иссиқлик алмашиниш.



9.17-расм. Кимёвий реакторлар ара-  
лаштирувчи мосламалари-  
ниң түрлари.  
а-сопло; б-оқымчали; в-ара-  
лиштиргич; г-барботер.

## 9.8. Реакторларни ҳисоблаш

Реакторнинг асосий ўлчамлари (ҳажми, фазаларнинг түқнашиш юзаси) куйидаги умумий нисбатдан аниқланади:

$$A = \frac{M}{DK} \quad (9.54)$$

бу ерда  $M$  - кимёвий ўзгаришга учраган ёки бир фазадан иккинчисига ўтган материал миқдори (узатилаёттан ёки ажратиб олинёттан иссиқлик миқдори);  $D$  - жараённинг ҳаракатта келтирувчи кучи;  $K$  - жараённинг тезлик коэффициенти.

Кимёвий жараённинг қайси омили ҳал этувчи бўлишига қараб, реактор асосий ўлчами жараён давомийлиги (агар жараён кинетик зонада бўлса), модданинг бир фазадан иккинчисига тарқалиш тезлиги (агар жараён диффузион зонада бўлса) ёки иссиқлик узатилиши (ажратиб олинниши) орқали аниқланади. Охирги икки усулда эса, реактор худди иссиқлик ва масса алмашиниш қурилмаси каби ҳисобланади. Бундан кейин, фақат жараён давомийлиги орқали реакторларнинг асосий ўлчамини ҳисобланни кўриб чиқамиз.

**Даврий, идеал аралашинг реакторлари.** Энг оддий реактор змеевик ёки филофли қозон ва аралаштиргичлардан таркиб топган бўлади. Аралаштиргич аралашмани интенсив қориштиради ва ҳажмнинг исталган нуқтасида бир хил концентрация бўлишини таъминлайди, яъни концентрация фақат ваqt ўтиши билан ўзгариади.

Реакторларни ҳисоблаш учун куйидаги параметрлар берилган бўлади: ваqt бирлигидаги иш унумдорлиги ва жараён давомийлиги  $\Delta\tau$ . Агар, жараён давомийлиги  $\Delta\tau$  топиб олинса, қурилмада бир суткада ишлаб чиқариладиган маҳсулот партияларининг сони  $\beta$  ни аниқлаш жуда осон.

$\Delta\tau$  ни соатда ифодалаб, куйидаги нисбатни оламиз:

$$\beta \Delta\tau = 24 \quad \text{ва} \quad \beta = \frac{24}{\Delta\tau} \quad (9.55)$$

Бир суткада ишлаб чиқариладиган партиялар сони  $\alpha$  эса ушбу нисбатдан топилади:

$$\alpha = \frac{V_{СУТ}}{V_a} \quad (9.56)$$


бу ерда  $V_{СУТ}$  – бир суткада қайта ишланётган материалнинг ҳажми.

(9.55) ва (9.56) тенгламалардан қуйидаги боғлиқликни топиш мумкин:

$$\frac{\alpha}{\beta} = \left( \frac{V_{C_{VT}}}{24} \right) \cdot \frac{\Delta \tau}{V_a} = n \quad (9.57)$$

бу ерда  $n$  - параллел ишлаётган қурилмалар сони.

Агар, қурилмаларнинг ишчи ҳажми  $V_a$  ни қабул қилиб олсак, қурилмалар сони  $n$  ни аниқлаш мүмкін. Агар, битта қурилма ( $n=1$ ) қўллаш мақсадга мувофиқ бўлса, унда (9.57) тенгламадан унинг ишчи ҳажмини аниқлаш мүмкін:



$$V_a = \frac{V_{C_{VT}} \cdot \Delta \tau}{24} \quad (9.58)$$

**Узлуксиз ишлайдиган идеал аралашини реакторлари.** Идеал аралашини реакторларидаги материал ҳажмининг ҳамма нұқталаридаги вақт ўтиши билан концентрациялар ўзгартмасди. Бундай турдаги реакторлар учун  $c$ - $\tau$  диаграмма 9.18-расмда көлтирилган.

Расмдан кўриниб турибдики, бундай қурилмаларда концентрация бошлангич қиймат  $C_{A0}$  дан охирги концен-

9.18-расм. Идеал аралашини реакторида концентрация  $c$  нинг вақт  $\tau$  га боғлиқлиги.

трация  $C_A = C_{Ax}$  га бир зумда тушади. Ушбу ҳолат, биринчидан даражали реакциялар учун моддалар ўзаро таъсир вақти ва реакторнинг ишчи ҳажми ушбу тенгламадардан топилади:


$$\tau_{ap} = \frac{x_{ox}}{K_1(1-x_{ox})}; \quad V_a = V_r \cdot \tau_{ap} \quad (9.60)$$

бу ерда  $x_{ox}$  - қурилмадаги модда концентрацияси ( $C_A = C_{Ax}$ );  $V_r$  -  $\tau$  вақт ичидаги қайта ишланган ҳажм.

Маълумки, идеал аралашини қурилмалари жуда кичик фойдалари иш коэффициенти билан характерланади. Демак, бошқа шароитлар бир хил бўлгандаги, унинг ҳажми максимал қийматта эга.

**Идеал аралашини реакторлар каскади.** Идеал аралашини қурилмаларнинг фойдалари иш коэффициентини ошириш мақсадида улардан каскад қилинади (9.19-расм).


Каскаддаги реакторлар сонини аниқлаш учун график усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ (9.20-расм). Биринчидан даражали реакция учун биринчидан реакторда бошлангич айланиш даражаси  $x_b$  дан  $x_a$  гача ошади. Унда,  $abc$  учбурчакдан:




9.19-расм. Идеал аралашини қурилмалар каскади (а) ва унда концентрация  $c$  нинг вақт  $\tau$  га боғлиқлиги (б).

$\frac{ac}{ab} = \frac{x_2 - x_1}{w} = tg \alpha$   $(9.61)$

бу ерда  $w = \Delta x / \Delta \tau$  - реакция тезлиги;  $tg \alpha$  -  $bc$  чизигининг реакция тезлиги ўқига қиялиги;



**9.20-расм.** Каскаддаги реакторлар сонини аниқлашынгы график усулі.



**9.21-расм.** F - диаграмма (мавхум пороналар сони  $n$  бўлганда моддаларнинг юнилиб ажрап эгри чизиқлари).

Нуқта  $b$  дан абсцисса ўқи билан кесишгунча тўғри чизиқ ўтказиб, концентрация  $x_1$  ни топамиз. Шу нуқтадан тезлик эгри чизиги билан кесишгунча вертикал чизиқ ўтказиб  $d$  нуқтани аниқлаймиз. Ҳосил қилингага  $d$  нуқтадан  $\alpha$  бурчак остида абсцисса ўқи билан тугашгунча тўғри чизиқ ўтказиб  $x_2$  топамиз. Ҳудди шуни бир неча марта қайтарсак,  $x_b - x_{ox}$  оралиқда синик, поронали чизиқ ҳосил бўлади.

Синик чизиқдаги пороналар сони каскаддаги реакторлар сонини билдиради. Графикдаги  $\alpha$  бурчак қўйидагича аниқланади:

$$\frac{x_2 - x_1}{w} = \operatorname{tg} \alpha = \tau \quad (9.62)$$

Лекин,  $\tau = V_a/V_r$ , демак

$$\operatorname{tg} \alpha = \frac{V_a}{V_r}$$

Одатда, хисоблашларни ўтказиш учун  $V_r$  нинг қиймати берилган бўлади.  $V_a$  нинг қиймати эса, танлаб олинади, сўнг поронали синик чизиқ қурилади ва ундан каскаддаги реакторлар сони топилади.

**Идеал сиқиб чиқарувчи реакторлар.** Бундай реактор модели сифатида узунлиги  $l$  нинг диаметри  $D$  нисбати жуда катта ( $l/D > 20$ ) бўлган трубалар намуна бўла олади. Ушбу реакторнинг ҳар бир кўндаланг кесимининг радиуси бўйлаб концентрация бир текисда (идеал аралашиш) бўлади. Лекин, реакторда бўйлама аралашиш юз бермайди. Бундай шароитда концентрация  $c_A$  нинг ўзгариши ҳудди шу турдаги даврий ишлайдиган қурилманини каби ва сон жиҳатдан бир хил бўлади. Бунинг учун 9.1-расмдаги абсцисса ўқида  $\tau$  эмас, реактор узунлиги  $l$  қўйилиши керак.

Қурилманинг ишчи ҳажми ушбу тенгламадан топилади:

$$V_a = V_{cek} \cdot \tau \quad (9.63)$$

бу ерда  $\tau$  - жараён давомийлиги ва у юқорида келтирилган кимёвий кинетика тенгламаларидан аниқланади.

### 10.1. Умумий түшүнчалар

Кимё саноатининг бир қанча жараёнлари анча паст температурада олиб борилади. Совуқлик элткіч сифатида ҳаво, сув ва музни ишлатыб бундай жараёнларни амалга ошириб бўлмайди.

Сунъий совитиш йўли билан борадиган жараёнлар қаторига баъзи бир абсорбция, кристалланиш, газларни ажратиш, сублимацияли қуритиш ва бошқа жараёнлар киради. Шунингдек, бу турдаги совитишдан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш, ер қатламларини музлатиш, ҳавони кондициялаш ва бошқаларда кенг фойдаланилади.

Сунъий совитиш доимо паст температурали мұхитдан юқориго қадамда мұхиттеги температурали мұхиттеги иссиқликни узатиш билан боғлиқ. Термодинамиканинг иккинчи қонунига биноан, бундай узатиш энергия сарфини талаб қиласи. Шунинг учун ҳам, системага энергия киритилиши совуқлик олишнинг зарурый шарти ҳисобланади.

Совуқлик ишлаб чиқариш усуллари маълум даражада талаб этилаётган температура ва қурилманинг ишлатилиш кўлами билан аниқланади.

Шартли равища жараён: 1) ўрга совитиш (атроф мұхит температурасидан  $100^{\circ}\text{C}$  гача) ва 2) чукур совитиш ( $-100^{\circ}\text{C}$  дан паст температура) ларга бўлинади.

Ўз навбатида  $-100^{\circ}\text{C}$  дан паст температуралар олиш шартли равища қўйидагича классификацияланади:

- а) чукур совитиш техникаси  $(45 \text{ K} \quad 273 \text{ K})$ ;
- б) криоген техникаси  $(40 \text{ K} \quad 0,3 \text{ K})$ ;
- в) ультрапаст температуралар техникаси ( $0,00002 \text{ K}$  гача);

2 К дан юқори температуралар олиниши техникада қўлланилади. Ундан пастроқ температураларни олиш эса, илмий тажрибалар қилиш техникасига тўғри келади.

Чукур совитишга тўғри келадиган температураларни олиш газ аралашмаларини қисман ёки тўлиқ суюлтириш йўли билан уларни ажратиш имконини беради. Натижада азот, кислород, водород, пропан, бутан, этилен ва бошқа газларни олиш мумкин бўлади.

### 10.2. Совуқлик олишнинг термодинамик асослари


**Асосий түшүнчалар.** Термодинамика курсидан маълумки, энергиянинг паст температурали жисмдан юқори температурали жисмга олиб ўтилиши энтропия  $S$  нинг камайишига олиб келади ва шунинг учун бу жараённи амалга ошириш учун иш бажарилиши керак (яъни энергия сарфланади).

Совитиш қурилмаларида иссиқликни паст температурали мұхитдан юқори температурали мұхиттеги ўтказиш совуқлик элткіч деб номланувчи ишчи жисм ёрдамида амалга оширилади.

Совуқлик олиш айланма жараён ёки цикл сифатида амалга оширилиб, компрессорда совуқ элткіч буғларини сиқиш учун ташқаридан энергия келтирилади.

Термодинамиканинг қонуларига биноан, юқори  $T$  температурали мұхитдан пастроқ  $T_0$  температурали мұхиттеги иссиқлик ўтказилишида шу иссиқликнинг ишга айланышининг энг юқори даражаси Карно тескари цикл-

шинг фойдали иш коэффициентига түрі келади. Шунинг учун паст температурали мұхитдан юқори температурали мұхитта иссиқлик үтказиш жараёни сұрилғанда шу циклдан фойдаланиш мүмкін (10.1-расм).



10.1-расм. Карноның тескары цикли әнтропия диаграммасы.

4-1- Суюқ совуқлық әлткічининг  $T_0$  температурасидаги буғланиши. Бұнда совутилаёттан мұхитдан  $Q_0$  буғланиш иссиқлигі олиб кетилади.

Бундай циклни системанинг әнтропияси ўзгаришсиз қолганида амалга ошириш мүмкін. Шунинг учун совитиш әлткічининг буғланишида совитилаёттан мұхит әнтропияси сиқишида  $Q_0/T_0$  миқдорға камайса, иссиқлиги ҳамда совуқлық әлткічини сиқишида сарфланған  $L_k$  ишга эквивалент иссиқлигини ўзига олаёттан иссиқроқ мұхит (масалан сув) нинг әнтропияси ҳам шундай дарражага ортиши керак. Натижада иссиқроқ мұхит әнтропиясининг ортиши қуйидагича бўлади:

$$(Q_0 + L_k)/T \quad (10.1)$$

Энергетик балансга мувофик:

$$\frac{Q_0}{T_0} = \frac{Q_0 + L_k}{T} \quad (10.2)$$

бу ердан, Карно тескары цикли бўйича ишлаёттан совитиш қурилмасида сарфланған иш:

$$L_k = Q_0 \left( \frac{T - T_0}{T_0} \right) \quad (10.3)$$

Совуқлық әлткіч томонидан  $T_0 < T$  температурада совутилаёттан мұхитдан олиб кетилаёттан  $Q_0$  иссиқлиги циклнинг ёки совитиш қурилмасининг совуқлық унумдорлигини белгилайди.  $T$ - $S$  диаграммада (10.1 расм) совуқлық унумдорлиги 1-4-5-6 юза орқали құрсастилған 2-3-5-6 юза эса иссиқроқ мұхитта бериллаёттан иссиқлика эквивалент. 2-3-5-6 ва 1-4-5-6 юзаларнинг айрмаси сарф этилган иш  $L_k$  ни берады (2-3-4-1 юза.)

Шундай қилиб, Карно тескары цикли мисолида ҳар қандай совитиш машинасининг энергетик балансини құрсастиш мүмкін:

$$Q_0 + L = Q \quad (10.4)$$

бу ерда,  $L$  – ҳақиқий циклнинг иши.

Совитиш циклларининг термодинамик самарадорлигини совитиш коэффициенти  $\varepsilon$  ифодалайди. Совитиш коэффициенти совуқлик унумдорлиги  $Q_0$  ни сарфланган иш  $L$  га нисбати орқали топилади:

$$\varepsilon = \frac{Q_0}{L} = \frac{Q_0}{Q - Q_0} \quad (10.5)$$

Бу коэффициент сарфланган бирлик ишга нисбатан совуқлик элткич олган совуқлик унумдорлигини кўрсатади.

$T-S$  диаграммага кўра (10.1-расм),  $Q_0 = T_0(S_1 - S_2)$  ва  $Q = T(S_1 - S_2)$ .  $Q_0$  ва  $Q$  ларни (10.5) формулага кўйиб, Карно цикли учун қўйидагини оламиз:

$$\varepsilon_k = \frac{Q_0}{Q - Q_0} = \frac{T_0(S_1 - S_2)}{T(S_1 - S_2) - T_0(S_1 - S_2)} = \frac{T_0}{T - T_0} \quad (10.6)$$

Совитиш коэффициенти сунъий совуқлик олиш учун механик ишдан фойдаланиш даражасини кўрсатади ва (10.6) формуладан кўриниб турганидек, совуқлик элткичнинг хусусиятлари, ҳамда совитиш қурилмасининг ишлаш схемасига боғлиқ эмас, балки  $T_0$  ва  $T$  температураларнинг функцияси. Бунда  $T$  ва  $T_0$  температуралар фарқи қанчалик кичик бўлса, совитиш коэффициенти шунчалик юқори бўлади.

Совитиш коэффициентини совитиш машинасининг фойдали иш коэффициенти сифатида қабул қилиб бўлмайди. Фойдали иш коэффициенти иссиқликнинг ишга айланиши мумкин бўлган қисмини тавсифлайди, шунинг учун у доим бирдан кичкина бўлади. Юқоридаги ҳолатда эса, сарфланаётган иш иссиқликка айланмайди, балки, паст температурали муҳитдан юқори температурали иссиқликни ўтказишида (кўтарища) воситачи вазифасини бажаради. Шунинг учун кўпинча  $Q_0$  миқдор иш  $L$  дан катта, натижада  $\varepsilon > 1$ . (10.6) формулага мувофиқ,  $T_0$  температуранинг пасайиши сарфланаётган ишнинг кескин ортишига олиб келади, натижада олинаётган совуқликнинг ҳам нарҳи ортади. Ундан ташқари, бу температуранинг пасайиши термодинамик фойдали иш коэффициентининг камайишига олиб келади. Бу коэффициент  $\eta$  ҳақиқий цикл совитиш коэффициенти  $\varepsilon$  ни Карно цикли совитиш коэффициенти  $\varepsilon_k$  га нисбати билан аниқланади:

$$\eta = \frac{\varepsilon}{\varepsilon_k} \quad (10.7)$$

$\eta$  нинг пасайиши ҳақиқий жараёнларда  $T_0$  температура камайганда совуқликнинг қайтмас йўқотилишларининг ортиши билан тушунтирилади.

### 10.3. Сунъий совитиш усуллари

Сунъий совитиш жараёнларида совуқлик элткич температураси қўйидаги йўллар билан пасайтирилади:

- 1) паст температурада қайнайдиган суюқликларни буғлатиш;
- 2) сикилган ҳар хил газларни кенгайтириш.

Газларни қўйидагича кенгайтириш мумкин:

а) газни дросселловчи қурилма (тешикли шайба, вентиль ва шунга ўхшаш) ичидан ўтказиш. Дросселланишдаги кенгайиш адиабатик ва ташқи иш бажаришсиз амалга ошади.

б) тузилиши жиҳатдан поршеноли ёки турбокомпрессорга ўхшаш машина – детандерда газни кенгайтириш. Бундаги кенгайиш адиабатик, лекин ташқи иш бажариш билан амалга ошади.

**Паст температурада қайнайдиган суюқликларни буғлатиш.** Паст, манфий қайнаш температурасига эга бўлган ҳар хил суюқликларни буғлатиш совуқлик олишда кенг қўлланилади. Буғланишда бундай суюқликларнинг энталпияси камаяди, натижада улар қайнаш температурасигача совийди. Масалан, суюқ аммиак 1 атм босимда буғланса, унинг температураси – 34°C гача пасаяди, бу температура аммиак учун шу босимдаги қайнаш температураси ҳисобланади. Бу ҳолатда аммиакни ҳар хил мухитларни – 30°C гача совитишга ишлатиш мумкин. Юқорироқ босимда аммиак буғлатилса, қайнаш температураси ҳам юқори бўлади.

**Газларни дросселлаш.** Дросселлашда газ томонидан бажариладиган иш дросселовчи қурилма тешигининг қаршилигини енгиш учун сарфланади ва иссиқликка айланади, натижада кенгайиш жараёни энталпиянинг ўзгаришисиз кечади (изоэнталпик).

Идеал газ бўлганда энталпиянинг ўзгармас бўлиши газ температураси ҳам ўзгаришсиз қолишига олиб келади. Реал газларни дросселлашда эса, энталпиянинг ўзгаришсиз қолишига қарамай газ температураси ўзгаради.

Ҳақиқий газларда бундай ҳолатнинг бўлишига сабаб, уларнинг энталпияси нафақат температура  $T$  нинг, балки босими  $P$  нинг ҳам функциясидир:

$$i = u + pV = c_v T + u_{nom} + pV \quad (10.8)$$

бу ерда,  $u$  – ҳақиқий газнинг ички энергияси;  $V$  – солиширма ҳажм;  $c_v$  – ўзгармас ҳажмдаги солиширма иссиқлик сифими;  $c_v T$  – газ молекулаларининг ички кинетик энергияси;  $u_{nom}$  – газнинг ички потенциал энергияси;  $pV$  – газнинг ҳажмий энергияси.

Ташқи мухитдан системага иссиқлик оқими бўлмагандан, дросселлаш мобайнида газнинг кенгайиши учун керак бўлган энергия фақат газнинг ички энергияси ҳисобига олиниши мумкин.

(10.8) формулага дросселлашдан олдин ва кейинги ҳолатлар учун 1 ва 2 индексларни қўйсак, ҳамда энталпиянинг ўзгаришсиз қолишини эътиборга олсан:

$$c_v T_1 + u_1 + p_1 V_1 = c_v T_2 + u_2 + p_2 V_2$$

бу ердан:

$$c_v (T_1 - T_2) = (u_2 - u_1) - (p_1 V_1 - p_2 V_2) \quad (10.9)$$

Охирги ифода дросселланишда ўзини қандай тутишини кўрсатади: агар  $p_2 V_2 > p_1 V_1$  бўлса,  $T_1 - T_2 > 0$  бўлади ва натижада дросселланишда газнинг температураси пасаяди. Агар  $p_2 V_2 < p_1 V_1$ , лекин  $(u_2 - u_1) > (p_1 V_1 - p_2 V_2)$  бўлганда ҳам газ температураси пасаяди ( $T_2 < T_1$ ). Ва ниҳоят,  $(u_2 - u_1) < (p_1 V_1 - p_2 V_2)$  бўлганда, дросселланишдан кейин газнинг температураси кўтарилади  $T_2 > T_1$ .

Ҳақиқий газнинг дросселланишидаги температураси ўзгариш ҳолати дросселланиш эффиқти ёки Жоуль-Томсон эффиқти номини олган. Дросселланишда газ совитилса, бу эффиқт мусбат эффиқт дейилади, акс ҳолда манфий эффиқт дейилади.

$(u_2 - u_1) = (p_1 V_1 - p_2 V_2)$  бўлганда, (10.9) формулага мувофиқ,  $c_v (T_1 - T_2) = 0$ , яъни дросセル эффиқти нолга тенг.

Температуранинг кўтарилиши билан дросセル эффицити камайиб боради. Дросセル эффицити нолга айланадиган температура **инверсион температура** дейилади ( $i_{inv}$ ). Кўлгина газлар юқори инверсион температурага эга ва дросセルлашишда совийди. Водород ва гелий манфий дросселланиш эффицитига эга ва бошкада газлардан фарқли равишда дросселланиш вақтида температураси кўтарилади. Лекин улар ҳам инверсион температурадан пастроқ температура ларда (водород учун  $i_{inv} = -73^{\circ}\text{C}$ , гелий учун  $i_{inv} = -243^{\circ}\text{C}$ ) дросселланганда совийди.

Температуранинг жуда кичик ўзгаришини уни келтириб чиқарган жуда кичик босим ўзгаришига нисбати дифференциал **дросセル эффицити** дейилади.

$$j = \left( \frac{\partial T}{\partial p} \right)_{i=const} \quad (10.10)$$

Лекин амалий ҳисобларда дифференциал дросセル эффицити деганда ҳақиқий газнинг босими бир бирликка ўзгарганда, унинг температурасини ўзгариши тушунилади.

**Интеграл** дросセル эффицитига газ босимининг бошланғич  $P_1$  дан охирги  $P_2$  га ўзгаргандаги температура ўзгариши тўғри келади:

$$J_{int} = \int_{P_1}^{P_2} o \, dp = \int_{P_1}^{P_2} \left( \frac{\partial T}{\partial p} \right)_{i=const} \quad (10.11)$$

Интеграл дросセル эффицити энталпия диаграммаси ***i-T*** ёки энтропия диаграммаси ***T-S*** орқали аниқланиши мумкин. 10.2-расмда ҳаво учун энтропия диаграммаси тасвирланган.

Масалан, температура  $T_1 (T_1 = 205^{\circ}\text{K})$  ва босим  $P_1 (P_1 = 100 \text{ atm})$  бўйича дросселланишдан олдинги нуқта 1 топилади. Кейин  $i_1 = const$  чизиги ва охирги босим  $P_2 = 1 \text{ atm}$  изобара чизигининг кесишишида 2 нуқта аниқланади. Нуқта 2 га дросселланишдан кейинги температура  $T_2 = 150^{\circ}\text{K}$  тўғри келади. Дросセル эффицити  $\Delta T = T_1 - T_2 = 55^{\circ}\text{K}$  ни ташкил этади.

Иссиқлик бирликларида ифодаланган дросセル эффицитини **изотермик** дросセル эффицити дейилади.

Изотермик дросセル эффицитини аниқлаш учун  $P_2 = const$  изобара бўйича (10.2-расм) 2-нуқтадан  $T_1$  изотермада ётган 3-нуқтага кўтарилишимиз. 3-нуқтага  $i_3 \approx 100 \text{ ккал/кг} = 4,19 \cdot 10^5 \text{ Ж/кг}$  энталпия тўғри келади.

Шунга кўра, изланилаётган эфект 1-ва 2- нуқталар энталпияларининг айрмасига тенг ва манфий қийматга эга, чунки  $i_3 > i_1$ .

$$\Delta i = i_1 - i_3 = 86 - 100 = -4 \text{ ккал / кг} \approx -16,8 \text{ Ж/кг}$$

Дросселланишда эришилаётган совуқлик унумдорлиги  $Q_0$  газни изотермик сиқицидан олдинги ва кейинги энталпиялари фарқи билан аниқланади.

Яна ҳам пастроқ температура олиш учун дросселланиш эффицитини **рекуператив иссиқлик алмашиниши** билан боғлашади. Бунда девор орқали дросsellанишига келаётган газ билан дросsellанишдан совуган газ ўзаро иссиқлик алмашади. Бундай дросsellанишдан олдинги совитиш жараёни газларни суютиришига олиб келиши мумкин.


**Газларни детандерда кенгайиши туфайли совиши.** Бу ҳолатда олдиндан сиқилган газ ташқи иш бажараётган газ машинасида кенгаяди. Бу иш ихтиёрий мақсадларда ишлатилиши мумкин. Масалан, суюқлик ва газларни ҳайдаш учун. Сиқилган газнинг детандерда кенгайиши ташқи муҳит билан иссиқлик

алмашинишиз амалга оширилди ва газ томонидан бажарилаётган иш унинг ички энергияси туфайли содир бўлади, шунинг учун газ совиди. Идеал газнинг чегаравий совиши температураси қўйидаги формула орқали аниқланади:

$$T_2 = T_1 \left( \frac{P_2}{P_1} \right)^{\frac{k-1}{k}} \quad (10.12)$$

Бу формула адиабатик жараён учун тўғри. Ҳақиқатда эса, эришилаётган температура пасайиши камроқ бўлади ва ҳақиқий политропик жараёнга тўғри келади.

Бу усулда газ совигаида олинаётган иссиқлик ва температура пасайишини  $T\text{-}S$  диаграммасидан аниқлаш мумкин (10.2-расм).



10.2-расм. Ҳаво учун  $T\text{-}S$  диаграмма.

Фараз қилайлик, сиқилган газнинг детандердан олдинги ҳолати  $T_1=205 K$  ва  $P_1=100 \text{ atm}$  – нуқта 1 бўлсин. Газнинг ташқи иш бериси билан адиабатик кенгайиши  $S=\text{const}$  бўйича амалга ошади. Шунинг учун 1- нуқтадан берилган охирги босим  $P_2=1 \text{ atm}$  изобара чизигигача вертикал тушириб, детандерлашнинг охирги ҳолатини белгиловчи 4- нуқтани аниқлаймиз. Бу нуқтага тўғри келувчи температура  $T_4 \approx 82 K$  ва температура пасайиши  $\Delta T = T_1 - T_4 = 205 - 82 = 123 K$ . Газдан олиб кетилаётган иссиқлик бўйича ( $Q = i_1 - i_4 = 86 - 58 = 26 \text{ ккал/кг} = 10,9 \cdot 10^4 \text{ Дж/кг}$ ) газнинг кенгайиш иши аниқланади.

$T\text{-}S$  диаграммадан кўриниб турибдики, дросселланишга қараганда газнинг детандерда кенгайишида совитиш эффекти анча юқори. Бундан ташқари, детандерда ташқи иш олиш ҳисобига циклнинг умумий энергия сарфи камайди.

Лекин амалиётда детандерлашнинг дросселланишдан устуворлиги унчалик катта эмас. Идеал газнинг адиабатик кенгайищдаги иш формуласига қўра:

$$l_{dd} = \frac{k}{k-1} P_1 V_1 \left[ \left( \frac{P_2}{P_1} \right)^{\frac{k-1}{k}} - 1 \right] \quad (10.13)$$

бу иш газ абсолют температурасининг 1- даражасига тўғри пропорционал. Детандерда газларнинг кенгайиши компрессордаги сиқиш температурасидан анча пастроқ температура ларда амалга оширилади ва шунинг учун ҳам детандер иши туфайли энергия сарфининг камайиши миқдори унчалик катта эмас. Агар детандерда газнинг суюлиши ҳосил бўлса бу миқдор яна камаяди. Гидравлик зарба, уюрмаларнинг ҳосил бўлишида ҳам совитиш унумдорлиги пасаяди.

Юқорида кўрсатилган камчиликларни инобатга олган ҳолда, совитиш унумдорлигини ошириш мақсадида газни детандерда кенгайиши ва дrossелланиш усуллари бир-бирини алмаштириб туради.


#### 10.4. Паст температура олиш усуллари

Дrossелланиш ва сиқилган газни детандерда кенгайишидан бошқа усуллар билан ҳам совуқлик олиш мумкин.

Бу усуллар ичига фазавий ўзгариш (эриш, қайнаш, сублимация ва бошқалар) жараёнлари киради. Аммиак, фреон каби паст температурада қайнайдиган суюқликларни буёлатищдан ташқари, совуқлик олиш учун музни эритиш ҳам ишлатилади. Лекин тоза сув яхини эритиб олишда факат  $0^{\circ}\text{C}$  гача температура пасайиши мумкин. Эриш температурасини пасайтириш учун майдаланган муз (ёки қор) ва туздан (масалан  $\text{NaCl}$  ёки  $\text{CaCl}_2$ ) ташкил топган аралашмалар қўлланилади. Кальций хлорид тузи билан муз аралашмасини  $-55^{\circ}\text{C}$  температурагача совуқлик олиш учун ишлатиш мумкин.

Кўйида келтирилган бошқа усуллар саноатда кам қўлланилсада, улар ҳақида тўхталиб ўтиш лозим.

**Уюрмавий эффект.** Бу эффект оддийгина қурилма - уюрмавий қувур ёрдамида газ температурасини  $10^{\circ}\text{C}$  дан  $60^{\circ}\text{C}$  гача пасайтириш учун қўлланилади (10.3-расм).



10.3-расм. Уюрмавий қувур.

1-сопло; 2- қувур; 3- дrossел вентил; 4- диафрагма; 5-совуқ қатлам.

Оқимларнинг температураси вентил 3 ни очилиб-ёпилиши орқали ростланади.

Нисбатан кичик термодинамик самарадорликка эга бўлишига қарамай, бу усул бир йўла иссиқлик ва совуқлик олишда, вақти-вақти билан совуқлик олиш талаб қўлинганда қўлланилади. Сиқилган газларнинг арzon ресурслари

Юқори тезлиқда ( $200-400 \text{ м/с}$ ) сиқилган газ (ҳаво) қувур 2 нинг соплоси 1 га тангенциал ҳолатда киритилади ва у ердаги мураккаб уюрмавий ҳаракат туфайли газ иссиқ ва совуқ оқимларга ажратилади. Газнинг исиган ташқи оқими ўнгдан чапга ҳаракатланади ва дrossел вентили 3 орқали  $50...100^{\circ}\text{C}$  температура билан чиқиб кетади, совуган ички оқим эса қарама-қарши томонга ҳаракатланади, соплодан ўнг томонда жойлашган диафрагма 4 нинг тешигидан чиқиб кетади.

бўлган ҳолларда бу усулни ишлатиш мумкин. Уюрмавий усулда совитишининг асосий афзалиги қурилманинг оддийлиги ва ишлатишдаги ишончлилиги.

**Магнит-калиорик эффект.** Жуда паст температураларни параметрагнит материалларни адиабатик магнитсизлантириш йўли билан олиш мумкин. Бунда газларни адиабатик кенгайиш жараёнида каби, ички энергия сарфланаб, ташки кучлар устидан иш бажарилади, натижада температуранинг кескин пасайиши содир бўлади.

Бу усулда совуқлик олишда параметрагнит моддаси (кўпинча параметрагнит туз бўлгаги) ўзгармас температурада чукур вакуумда, масалан қайнаётган гелийли ваннада, ушланиб турилади.

Модда кучли магнит майдони остида бўлади. Майдон узилганда (ўчирилганда) адиабатик магнитсизланиш юзага келади ва натижада параметрагнит модда абсолют нольга яқин температурагача совийди. Ҳозирги вақтга келиб 10К дан пастроқ температура олиш имконини берадиган (жуда кичик совуқлик унумдорлигига) магнит совитиши машиналари яратилган.


**Термоэлектрик эффект.** Бир-бираига кавшарланган икки ҳар хил ўтказгичдан тузилган занжир орқали электр токи ўтказилганда кавшарланган бир томон исиди, бошқаси совийди (**Пельтье эффекти**). Оддий ўтказгичлар ўрнига ярим ўтказгичлар қўлланилса, паст температуралар олиш имкони яратилади. Бунинг учун самарали термоэлементлардан тузилган батареялар яратилиши керак.

**Ўртacha температурагача совитиши.** Бундай совуқлик олишда совуқлик элткичи сифатида критик температураси атроф муҳит температурасидан юқори бўлган газлар ишлатилади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, бу усул билан қўйи чегараси  $-100^{\circ}\text{C}$  температурани олиш мумкин.

## 10.5. Компрессор буг совитиши машиналари

Ўртacha температурали совуқлик олишда компрессор буг совитиши машиналари кенг қўлланилади. Бундай машиналарда совутувчи элткич сифатида паст температурада қайнайдиган суюқликлар ишлатилади.


**Идеал машина цикли.** Карнонинг тескари цикли бўйича ишлайдиган идеал компрессор совитиши машинасида (10.4-расм) компрессор I совитиши элткичи буғларини сўриб, уларни сув билан совитишида суюқликка айланиш мумкин бўлган босим дарражасигача сиқади ва конденсатор II га ҳайдайди. T-S диаграммада (10.4б-расм) буғларнинг адиабатик сиқиши жараёни вертикал адиабатик чизиги 1-2 бўлан тасвирланган. Сиқиши буғнинг температурасини  $T_0$  (1 нуқта) дан  $T$  (нуқта 2) гача кўтарилишига олиб келади. Конденсатор II да суюқланиш жараёни ўзгармас  $T$  температурада бориши учун, сиқиши жараёни суюқлик - буг мувозанат чизиги билан чегараланган соҳада амалга оширилиши керак. Идеал машинада компрессордан чиқаётган буг қуруқ тўйинган ҳолатда  $P$  босимда бўлади.



10.4-расм. Компрессор совитиши машинаси.

а-курилма схемаси; б-жараённинг T-S диаграммадаги кўриниши;  
I-компрессор; II-конденсатор; III-дроссель вентили; IV-буғлаткич.


Конденсатор  $\Pi$  даги суюқланиш (конденсацияланиш) жараёни  $T$  температурада изотермик равища боради (горизонтал 2-3 чизик). Конденсатордан суюқ совитиш элткичи кенгайтирувчи цилиндрда келади (10.4а—расмда идеал циклда күлланилладиган дроссел вентили III кўрсатилган). У ерда адиабатик кенгайиб, қайнаш босимига тўғри келадиган  $T_0$  температурага эга бўлади (3-4 адиабатик чизиги). Сўнг суюқ совитиш элткичи буғлаткич IV да буғланиб (қайнаб), совутлаётган муҳитдан иссиқликни олади.  $T_0$  температурадаги буғланиш жараёни 4-1 изотерма чизиги билан ифодаланади.  $T_0$  температурадаги буғларни (1 нуқта) компрессор сўриб олади ва цикл такрорланади. Шундай қилиб бутун жараён 2 та адиабата (1-2 ва 3-4 кесмалар), ҳамда иккита изотерма (2-3 ва 4-1 кесма) лардан иборат.



10.5-расм.  $p$ - $i$  диаграммадаги компрессор совитиш машина цикли.

суюқ совитиш элткичининг кенгайтириш цилинтридаги кенгайиши; 4-1 кесма суюқ совитиш элткичининг буғлаткич IV даги буғланиши.

**Ҳақиқий машина цикли.** Идеал совитиш машинаси конструктив ясалиши мураккаб бўлгани учун кенгайишиш цилинтри дроссел ростловчи вентил билан алмаштирилган. Бундан ташқари  $T$ - $S$  ва  $p$ - $i$  диаграммаларида (10.6-расм) ҳақиқий машина цикли идеал машина циклидан қўйидаги 2 та ўзгариш билан фарқланади:



10.6-расм. Ҳақиқий компрессор совитиш машинаси циклиниш  $T$ - $S$  ва  $p$ - $i$  диаграммалардаги қўриниши.

а) совитиш элткичи буғларининг компрессор томонидан сикилиши намбуғ соҳасида эмас, балки ўта қизиган буғ соҳасида амалга оширилади ва компрессор куруқ тўйинган, баъзида ўта қизиган буғларни сўради;

б) конденсаторда суюқланган совитиш элткичи конденсация температура расидан пастроқ температурагача ўта совитилади.

Назарий томондан қаралганда, қуруқ түйинган буғларни сиқиши энергия сарфини оширишга олиб келсада, амалиётта компрессорнин «қуруқ юриши» фойдалари қодир. Буғ қуруқ түйинган ҳолатда сўрилади (1-нуқта) ва берилган босимга адиабатик сиқилади (2-нуқта). Бунда компрессор цилинтри деворлари билан нам —буғ орасидаги интенсив иссиқлик алмашинишга асосланган совуқлик йўқотилиши камаяди. Бундан ташқари, компрессорнинг «нам юришида» совитиш элткичи цилиндр ичидаги буғланади, бу эса компрессорнинг фойдали иш ҳажмий ва узатиш коэффициентининг камайишига ва ўз навбатида циклнинг совуқлик унумдорлигини пасайишига олиб келади.

Конденсаторга кираётган ўта қизиган совитиш элткичи буғлари ўзгармас босимда конденсация температурасигача совийди (2-2 изобара чизифи), сўнг иш босими ва ўзгармас температурада конденсацияланади (2-3 горизонтал чизифи). Агар совитиш элткичи ўта совитилмагандага эди, дроссел вентилидаги унинг кенгайиши 3'-4' изоэнталпия чизифи орқали кўрсатиш мумкин бўлар эди. Совитиш элткичи  $T$  температурасигача ўта совитилса, дросселланиш жараёни 3-4 энталпия чизифи бўйлаб боради. Натижада циклнинг совитиш унумдорлиги оргади 4-5-6-7 юза). Цикл, совитиш элткичини буғлаткичда,  $T_0=\text{const}$  температурада буғланиш билан тутайди (4-1 изотермаси).

$T-S$  ва  $p-i$  диаграммалар орқали ҳақиқий совитиш циклини характерловчи асосий қатталикларни аниқлаш мумкин: компрессордаги сиқишиши, конденсаторнинг иссиқлик юкламаси ва совитиш коэффициенти.  $P-i$  диаграммада 1кг совитиш элткичи буғларини сиқиши учун компрессорда сарфланган солиштирма иши қўйидагича:

$$l = i_{2'} - i_{1'} \quad (10.14)$$

бу ерда  $i_{2'}$ ,  $i_{1'}$  - 2' ва 1' нуқталардаги энталпиялар.

Конденсаторга тушаётган солиштирма иссиқлик юкламаси:

$$q = i_{2'} - i_3 \quad (10.15)$$

бу ерда  $i_3$  – совитиш элткичининг 3-нуқтадаги энталпияси.

$q$  нинг миқдорига қараб, конденсаторнинг иссиқлик алмашиниш юзасини, ҳамда совитиш элткичи буғларини суюлтириш учун керак бўлган сувнинг сарфий миқдори аниқланади.

Циклнинг солиштирма совитиш унумдорлиги  $q_0$  жараёндаги совитиш элткичи энталпиясининг ўзгаришига тенг:

$$q_0 = i_{1'} - i_4 \quad (10.16)$$

бу ерда,  $i_4$  – совитиш элткичининг 4-нуқтадаги энталпияси.

Ҳақиқий совитиш циклининг совитиш коэффициенти қўйидагича аниқланади:

$$\varepsilon = \frac{q_0}{l} = \frac{i_{1'} - i_4}{i_{2'} - i_{1'}} \quad (10.17)$$

Совитиш машинаси томонидан таъминланаётган совуқлик унумдорлиги шу машинанинг температура режимига боғлиқ.

Компрессор совитиш машиналарининг номинал совитиш унумдорлиги маълум бир температура даражасига нисбатан олинади. Халқаро амалиётда шундай «стандарт» ёки «нормал» режим сифатида (бунда компрессор куруқ тўйинган буғларни сўради деб қабул қилинади): буғланиш температураси  $t_0 = -15^{\circ}\text{C}$ , суюқланиш (конденсация) температураси  $t_k = +30^{\circ}\text{C}$ , ўта совиши температураси  $t_n = +250^{\circ}\text{C}$  қабул қилинган.

Хақиқий совитиш машиналарининг схемалари 10.6-расмдаги машинага қараганда бир мунча мураккаблашган бўлади. Масалан, суюқ совитиш элткичи конденсаторда ўта совий олмаса, дроссел вентилидан аввал схемага қўшимча иссиқлик алмашиниш курилмаси - ўта совиткичлар ўрнатилади. Компресорнинг «куруқ юриш»ини таъминлаш учун буғлаткич ва компрессор орасига суюқлик ажратгич (томчи ушлагич) қўйилиб, совитиш элткичи буғидан ажраган суюқлик буғлаткичга қайтарилади, қуриган буғ эса компрессорга йўналтирилади.



## 10.6. Икки ва уч босқичли совитиш машиналари

Баъзи бир паст температура олиш талаб қилинган технологик жараёнларда бир босқичли машиналарни эффектив ишлатиб бўлмайди. Масалан, аммиак учун 1 атм босимда қайнаш температураси  $t_0 = -34^{\circ}\text{C}$ . Агар бундан паст буғланиш температурасини олиш талаб қилинса, бир босқичли совитиш машинаси иқтисодий кўрсаткичи кичик ёки умуман ишлатишига яроқсиз бўлиши мумкин. Чунки бу ҳолатда конденсация ва қайнаш температуралари фарқи ортганлиги туфайли сиқилиш даражаси ҳам ортади, натижада компрессорнинг фойдали сиқилиш коэффициенти камаяди. Бундан ташқари совитиш элткичи буғларининг сиқилиш даражаси ортганда уларнинг температураси ҳам ортади, бу эса буғларнинг ажралишига олиб келиши мумкин.

Шу сабабларга кўра, нисбатан паст температураларни олиш учун мураккаброқ бўлган икки босқичли (10.7-расм) ва уч босқичли машиналар кўлланилади. Аммиак буғларини сиқиш натижасида икки босқичли машиналарда  $-50^{\circ}\text{C}$  гача, уч босқичлида эса  $-70^{\circ}\text{C}$  гача температура пасайтирилиши мумкин.

Икки босқичли компрессор совитиш машинасида  $P$  босимдаги совитиш элткичи буғлари буғлаткич I дан сўрилиб олинади ва паст босим компрессор цилинтрида оралиқ  $P_1$  босимгача сиқиласди. Сиқилган буғ совиткич III дан ўтиб ажратгич идиш IV га келтирилади. У ерда буғлар қайнайётган суюқ совитиш элткичи ичидан юқорига ўтиб (барботаж), совийди ва қуруқ тўйинган ҳолда юқори босим цилинтри V ёрдамида сўриб олинади. У ерда  $P_2$  босимгача сиқилиб, конденсатор VI га йўналтирилади. Конденсацияланиш туфайли ҳосил бўлган суюқ совитиш элткичи дроссел вентил VII да  $P_1$  босимгача дроссланади. Шу босимда суюқ совитиш элткичи ажратгич-идиш IV га кириб, шу босимда совиткич III дан келаётган совитиш элткичи буғларини совитади ва бир қисми буғланади. Суюқ совитиш элткичининг қолган қисми эса VIII дроссел вентилида  $P$  босимгача дроссланаб буғлаткич I га келади, у ерда совутилаётган мухитдан иссиқликни олиб буғланади. Ҳосил бўлган совитиш элткичи буғларини  $P$  босимда паст босим цилинтри II сўриб олади.

$T-S$  ва  $p-i$  диаграммаларда (10.7б,в-расмлар) икки босқичли компрессор совитиш машинасининг цикли кўрсатилган. Совуқ элткич буғлари паст босим цилинтрида 1-2 адиабата бўйича сиқиласди, совиткич III да 2-3' изобара чизиги бўйлаб бир оз совийди, кейин ажратгич идиш IV да ўта қизиш иссиқлигини тўлиқ йўқотади ва тўйиниш температурасигача совийди (3'-3 изобараси).



**10.7-расм. Икки босқичли компрессор совитиш машинаси.**

а-қурилма схемаси; б,в-жараённинг Т-С ва р-і диаграммалардаги кўриниши;

I-буғлаткич; II-паст босим цилинтри; III-совуткич; IV-ажраткич идиш; V-юқори босим цилинтри; VI-конденсатор; VII,VIII-ростловчи вентиллар.

Кейин тўйинган буғлар юқори босим цилинтрида 3-4 адиабата бўйича 4 - ўта қизиган ҳолатигача сиқилади. Конденсатор IV ўта қизиган совуқлик элткич буғлари 4-5 бўйича тўйиниш ҳолатигача (5 нуқта) совийди ва шу курилманинг ўзида 5-6 изобара (ҳам изотерма) чизиги бўйлаб конденсацияланади, ҳамда 6-7 изобара бўйича ўта совийди. VII дроссел вентилидағи дросселланиш жараёни 7-8 – изоэнталпия чизиги билан ифодаланади. Кентайишдан кейин ҳосил бўлган нам бут (8-нуқта) IV ажраткич идишда буг (3- нуқта) ва суюқ фазага (9-нуқта) ажралади. Суюқ совуқлик элткич VIII дросssel вентилида 9-10 изоэнталпия бўйича  $P$  босимгача дросселланади ва буғлаткич I да 10-1 изотерма бўйича бўлганади.

Икки босқичли совитиш машинасининг паст ва юқори босим цилиндрларидағи сиқилиш даражаси бир босқичлига қараганда кичик, шунинг учун ҳам компрессорнинг ҳажмий фойдали иш коэффициенти юқори бўлади.

## 10.7. Совуқлик элткичлар

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек совитиш коэффициентининг миқдори совуқлик элткичининг хусусиятларига боғлиқ эмас. Лекин, совитиш машинасининг ўлчамлари, конструкцион материалнинг тури, ишчи босимлар, совуқлик элткичининг хусусиятларига боғлиқ. Шунинг учун совуқлик элткичларига қуидаги талаблар кўйилади:

1) Конденсаторда совуқлик элткич буғларини табиий совутувчи моддалар (сув, ҳаво) билан суюлтиришга имкон бўлиши учун, совуқлик элткичи юқори критик температурага эга бўлиши керак.

2) Юқори бугланиш иссиқлигига эга бўлиши керак. Бу совитиш унумдорлиги юқори бўлиши, ҳамда совуқлик элткич сарфининг камайишига олиб келади.

3) Кичик солиштирма ҳажмга эга бўлиши керак. Бу ўз навбатида совитиш машинасининг ўлчамларини камайтиради.

4) Буғланиш (сўриш) босими атмосфера босимидан юқорироқ бўлгани маъқул. Чунки совуқлик элткич йўқотилишини тўхтатиши, ҳаво сўрилишини тўхтатишдан осонроқ. Системага сўрилган ҳаво буғлаткич, конденсаторда иссиқлик алмашиниш жараёнини ёмонлаштиради, сув буғлари киргани сабабли ростловчи вентилда музлаб қолиш ҳавфи, ҳамда кимёвий фаол бирлашмаларининг ҳосил бўлишига сабаб бўлади.

5) Суюқланиш (конденсацияланиш) босимининг жуда юқори бўлмаслиги керак. Акс ҳолда курилма конструкцияси мураккаблашади ва нархи ортиб кетади.

Ундан ташқари, совуқлик элткич кимёвий агресив бўлмаслиги ва инсон организмига заарли таъсир кўрсатмаслиги керак; ёнгин ва портлашга ҳавфсиз, олиниши (тайёрланиши) осон ва арzon бўлиши керак.

Кўйилган талабларнинг иккинчиси фақат поршенили компрессорларга тегишли. Турбокомпрессор қурилмалари учун совуқлик элткичлар кичик буғланиш иссиқлигига эга бўлиши керак. Чунки турбокомпрессорлар кўп микдордаги совуқлик элткичини сиқиши учун мўлжалланган.

Ҳозирги пайтда юқоридаги талабларнинг кўпига мувофиқ келган совуқлик элткичлари – аммиак ва фреонлар. Жуда кам ҳолларда совуқлик элткичи сифатида углерод икки оксиди, олtingугурт ангидриди ва хлорли метил ишлатилади. Пропан, этан ва этилен моддаларини  $-70^{\circ}\text{C}$  дан паст температурани олиш учун ишлатилади.

**Аммиакнинг** афзалликлари кўйидагилар: юқори буг ҳосил бўлиш иссиқлиги, буғлаткичдаги унча катта бўлмаган ортиқча (атмосферадан) босим ва юқори бўлмаган конденсация босими. Шу билан бирга аммиак, ёнувчан, заҳарли, ҳаво билан аралашиб портловчи аралашма ҳосил қилиши мумкин ва намлик бўлганда мис ва унинг қотишмаларини емириши (коррозия) мумкин.

**Фреонлар** – бу метаннинг фторхлор бирикмалари. Фреонлар юқори бўлмаган суюқланиш ва буғланиш босимига эга, зарарсиз, ёнгин ва портлашга ҳавфсиз, конструкцион материалларни емирмайди. Камчиликларга эса, совуқлик элткичининг йўқотилишига сабаб бўладиган жуда кичик қовушоқлик ва мойлар билан яхши аралashiши киради.

**Углерод диоксиди** – юқори солиштирма ҳажмий унумдорликка эга, бу эса ўз навбатида компрессор цилиндрларининг ихчам бўлишига олиб келади. Лекин жуда паст критик температура ва юқори конденсацияланиш босимига эга бўлгани учун унинг ишлатилиш соҳаси чегараланган.

**Хлорли метил ва олtingугурт ангидридининг** асосий камчиликлари паст буғланиш босими (атмосферадан) ва олtingугурт ангидридининг коррозион фаоллиги ва заҳарлилигидир.

Ишлаб чиқариш шароитларида совитиш қурилмалари бошқа бир қанча қурилмаларга хизмат кўрсатиши мумкин ва бу қурилмалар **оралиқ совуқлик элткичлар** орқали совитилади. Оралиқ совуқлик ташувчилар сифатида паст температурада музлайдиган эритмалар – натрий хлорид, кальций хлорид ёки магний хлорид тузларининг сувдаги эритмалари қўлланилади. Совитиш эритмалари насос ёрдамида совитиш машинасининг буғлаткичи ва қурилмалар орасида айланма ҳаракат (циркуляция) қиласи. Буғлаткичда эритма совийди ва қурилмаларда иссиқликкни ўзига олиб исийди. Эритма ва унинг концентрациясини танлаш талаб қилинаётган совитиш температурасига боғлик. Бу темпера-


тура эритманинг музлаш температураси – **криогидрат нүқта** температурасидан юқори бўлиши керак.

## 10.8. Каскадли цикл

Битта совуқлик элткичида ишлаб суюқликларни буғлатишга асосланган совитиш цикллари ёрдамида  $-70^{\circ}\text{C}$  дан паст температура олиб бўлмайди. Бу температура чегараси совуқлик элткичининг хусусиятлари билан белгиланган.

Янада пастроқ температура олиш мақсадида иқтисодий самарадорлиги юқори бўлган **каскадли цикл** қўлланилиши мумкин. Бунда ҳар хил хусусиятли бир қанча совуқлик элткичлари қўлланилиб, юқори қайнаш температурасига эга совуқлик элткичи буғланиб, пастроқ қайнаш температурасига эга бўлган совуқлик элткичининг конденсацияланиш иссиқлигини олади. Шунда иккинчи совуқлик элткичининг суюқланишида биринчисига нисбатан пастроқ температура олинади. Демак, каскадли цикл бу бир қанча ҳар хил оралигида ишловчи совуқлик элткичларига эга бўлган циклларнинг комбинацияси.

10.8-расмда икки совитиш циклидан иборат бўлган каскад цикли тасвирланган. Иккала циклни бирлаштириб турувчи иссиқлик алмашиниш курилмаси I буғлаткич – конденсатор деб аталади. Каскаднинг қуйи совитиш циклида (компрессор II ва конденсатор III) пастроқ температурада қайнайтидан совуқлик элткичи қўлланилган бўлиб, у буғлаткич конденсаторда ўз конденсацияланиш иссиқлигини юқори совитиш циклида ишловчи қайнайтидан совуқлик элткичига беради (компрессор IV ва конденсатор V).



10.8-расм. Каскадли цикл схемаси.

I – буғлаткич (юқори цикл) – конденсатор (куйи цикл); II – куйи цикл компрессори; III – куйи цикл буғлаткичи; IV – юқори цикл компрессори; V – юқори цикл конденсатори; VI – юқори цикл дроссел вентили; VII – куйи цикл дроссел вентили.

Бир қанча совитиш циклларидан иборат каскад курилмаларида қийин суюқладиган газларни суюқликка айлантириш мумкин. Масалан, азотни суюқтириш учун амиак, этилен, метан ва азот совитиш циклларидан иборат каскад курилмасини қўллаш мумкин.

Газсимон азот  $-161^{\circ}\text{C}$  да қайнайтидан (атмосфера босимида) метанга ўз иссиқлигини бериб,  $182 \cdot 10^4 \text{ Н/м}^2$  (18,6 ат) босимда суюқланади. Буғланган метан  $242 \cdot 10^4 \text{ Н/м}^2$  (24,7 ат) босимгача сиқилади ва  $104^{\circ}\text{C}$  (атмосфера босимида) да қайнайтидан этиленга ўз иссиқлигини бериб, суюқланади.

Буғланган этилен  $186 \cdot 10^4 \text{ Н/м}^2$  (19 ат) босимгача сиқилади ва  $-33^{\circ}\text{C}$  (атмосфера босимида) қайнайтидан амиакка конденса-

цияланиш иссиқлигини бериб, суюқликка айланади. Буғсимон амиак эса  $10^6 \text{ Н/м}^2$  (10,2 ат) босимгача сиқилади ва сув томонидан суюқликка айланади.

Каскадлы қурилманинг алоҳида цикларида қайтмаслик даражаси кичик бўлгани учун уларда энергия сарфи ҳам камаяди.

## 10.9. Компрессор қурилмаларининг жиҳозлари

Совитиш қурилмаси таркибига компрессорлар ва ҳар хил турдаги иссиқлиқ алмашиниш қурилмалари киради.

**Компрессорлар.** Компрессор совитиш қурилмаларида поршенили, роторли, турбокомпрессорлар ва винтли компрессорлар қўлланилади. Шулардан энг кенг тарқалгани - поршенили компрессорлардир. Юқори ва ўргача унумдорликда V- ва W- симон компрессорлар қўлланилади. Кичик унумдорликда ишловчи фреонли компрессорлар электр юриткич билан бир қобикда жойлаштирилиб, сальниксиз ва герметик равища ишлаб чиқарилади.

Юқори сиқиши даражаларига эришиш учун кўп босқичли компрессорлар билан бир қаторда кўп босқичли агрегатта уланган бир босқичли компрессорлар ҳам қўлланилади. Масалан, паст босим босқичида маҳсус сиқиб берувчи (бустер компрессор) қўлланилса, юқори босимгача эса бир босқичли компрессор қўлланилади. Саноатда икки босқичли компрессорлар ҳам кенг ишлатилади. Юқори совитиш унумдорлигида икки ва уч босқичли турбокомпрессорлар қўлланилади.

**Иссиқлик алмашиниш қурилмалари.** Совитиш қурилмаларида қўлланиладиган конденсаторлар иссиқликни ажратиб олиши бўйича қўйидагиларга бўлинади:

- 1) Иссиқлик сув томонидан олиб кетиладиган оқимли конденсаторлар;
- 2) Иссиқлик сув томонидан олиб кетилиб ҳавога буғланадиган, ювилиб турувчи – буғлаткичли конденсаторлар;
- 3) Ҳаволи конденсаторлар.

Юқори ва ўрта унумдорликда ишловчи қурилмаларда конденсаторларнинг биринчи турига мансуб бўлган қобик трубали конденсаторлар қўлланилади. Кичик қурилмаларда эса, кўпинча ҳаволи конденсаторлар қўлланилади. Буғлаткич сифатида кўпчилик ҳолларда чўқтирилган ва қобик-трубали иссиқлик алмашиниш қурилмалари қўлланилади.


## 10.10. Абсорбцион совитиш машиналари

Компрессор совитиш машиналаридан фарқли, абсорбцион совитиш машиналаридан совуқлик олиш учун механик энергия эмас, балки юқори потенциалли иссиқлик сарфланади.

Абсорбцион совитиш машинасининг ишчи совуқлик элткичи буғларининг  $P_0$  босимда абсорбент томонидан ютилиши (абсорбция) ва кейин қиздиришда  $P$  конденсация босимида чиқарилишига асосланган. Совуқлик элткичини суюлтириш учун сиқиши ўрнига, бу ерда оптика босим остида ҳайдаш қўллашлади.

Абсорбцион совитиш машиналаридан кенг тарқалган совуқлик элткичи сифатида аммиак, ютувчи (абсорбент) сифатида эса сув қўлланилади. Маълумки, аммиак сув томонидан яхши ютилади ва бу аралашманинг қайнаш температураси тоза аммиакнинг қайнаш температурасидан анча юқори.

Сув-аммиак абсорбцион совитиш машинасида (10.9-расм) 50% аммиак бўлган сув-аммиак аралашмаси юқори  $P$  босимда ишловчи қайнаткич I га келади. Аралашмадан ажраган аммиак конденсатор II да суюқланиб, вентил III дан  $P_0$  босимгача дросселланиб ўтади. Буғлаткич IV га кириб, совитилаётган муҳитдан иссиқликни олиб буғланади. Машинанинг совитиш унумдорлиги олиб кетилаётган иссиқлик билан белгиланади.



**10.9-расм. Сув-аммиак аборбцион советиш машинасининг схемаси:**

I – қайнаткіч; II – конденсатор; III, VII – ростловчи вентиллар; IV – буғлаткіч; V – аборбер; VI – иситкіч; VIII – насос.

Аммиак буғлары буғлаткічдан аборбер V га келади ва қайнаткіч I дан келиб пуркалаёттан күчсиз аралашма томонидан ютилади. Ютилиш даражасында ошириш мақсадыда қайнаткіч ва аборбер орасига VI иситкіч ўрнатылған. Бу иссиқлик иситкічдан чиққан күчсиз аралашма VII дроссел вентилида дросселланиб совиыйди, кейин аборберга киради. Аборбердаги аборбция иссиқлигі сув томонидан олиб кетилади.

Қайнаткіч I га иссиқлик элткіч (күпинча, қызиган бүг) томонидан сув аммиак аралашмасини қайнатиши учун иссиқлик кириллади. Бу иссиқлик советиши циклини амалға ошириши учун керак бүлгандықтан эквивалент. Курилманинг иқтисодий самараадорлығини ошириши учун амалиётта қайнаткічини узлуксиз ишлайдын ректификацион колонна билан алмаштириллади.

Аборбцион советиши машинасининг иссиқлик баланси қуйидагича:

$$Q_k + Q_0 = Q_{конд} + Q_{абс}$$

бу ерда,  $Q_k$  – иссиқлик элткіч томонидан қайнаткічда сув-аммиак аралашмасига келтирилған иссиқлик;  $Q_0$  – буғлаткічда совуқ элткічи томонидан қабул қылған иссиқлик мөндөри (курилманинг советиши унумдорлығы);  $Q_{конд}$  – совуқ сув томонидан конденсаторда олиб кетилаёттан иссиқлик мөндөри;  $Q_{абс}$  – совуқ сув томонидан аборберда олиб кетилаёттан иссиқлик.

Аборбцион советиши машинасининг советиши коэффициенти қуйидагича топилади:

$$\varepsilon = \frac{Q_0}{Q_k}$$


Аборбцион советиши машинасининг советиши коэффициенти компрессор советиши машинасининг советиши коэффициентидан кичик. Лекин бу машиналарнинг нисбий самараадорлығы нафақат сарфланған энергиянинг мөндөри, балки унинг турига ҳам боғлиқ. Аборбцион советиши машиналарда компрессор ишлатадын электр энергия ўрнига, иккиласамчи, арzon энергия сарфланади. Бунинг натижасыда айрим ҳолларда бундай машиналарни компрессор машиналарига нисбатан ишлатиш самаралироқ бўлиши мумкин. Аборбцион советиши машиналарининг асосий камчилиги (поршени машиналарга нисбатан) – уларни тайёрлаш учун кўп металл сарфланиши.

## 10.11. Сув буғ-инжектор совитиши машиналари

Компрессор буғ совитиши машиналаридан сувни совутувчи элткич сифатида ишлатиб бўлмайди. Чунки паст температураларни олиш учун жуда паст босимлар ҳосил қидиниши керак. Малтумки, сув буғларининг солиштирма ҳажми юқори бўлади ва уларни сиқиши учун керак бўладиган поршенили компрессор ўлчамлари ясаб бўлмайдиган даражада катта бўлиши керак.

Лекин, поршенили компрессорлар ўрнига буғ-оқимчали инжекторлар кўлланилса, сувни совутувчи элткич сифатида ишлатиш мумкин.

Бундай машинада  $40 \cdot 10^4 \dots 60 \cdot 10^4 \text{ Н/м}^2$  ( $\sim 4 \dots 6 \text{ ат}$ ) босимидағи сув буғи инжектор соплоси I га киради (10.10-расм).



10.10-расм. Сув-буғ инжектор совитиши машинасининг схемаси:

I – инжектор; II – буғлак; III – конденсатор; IV – насос;  
V – ростловчи вентил.

Буғнинг инжектордаги кенгайишидан буғлакчич II даги босимга тўғри келадиган вакуум ҳосил бўлади. Буғлакчичдан инжекторга совуқ сув буғлари сўрилади. Инжекторнинг диффузорида буғлар аралашмасининг тезлиги пасайди, босими буғлакчичнидан конденсатор III даги босимгача кўтарилади. Бу ерда совитилаётган сув ёрдамида буғлар аралашмаси суютирилади. Ҳосил булган конденсат насос IV ёрдамида сўриб олиниб, иккинчи қисми буғ қозонига, бир қисми эса, дроссел веитили V орқали буғлакчич II га, унда буғланиш ҳисобига камайишини компенсация қилиш учун берилади.

Буғлакчичда совитилган сув истеъмолчисига узатилади. У ердан исиб қайтган сув, яна буғлакчичга қайтади.

Бундай машиналарни  $-10$  дан  $+10^0\text{C}$  гача буғланиш (қайнаш) температурасини олиш учун ишлатиш мумкин.

Сув-буғ инжектор машиналарининг камчиликларидан бири конденсаторда сув сарфи катта, ҳамда унумдорликни ростлаш мураккаб.

## 10.12. Ўта паст температуралари совуқлик олиш

Техник жиҳатдан мухим газ аралашмаларини ректификация йўли билан ажратиш учун зарур бўлган жуда паст температураларни юқорида айтиб ўтилган усуслар билан олиб бўлмайди. Чунки юқоридаги усуслар билан олинган қайнаш температуралари газ аралашмаларини ажратиш жараёнлари учун юқори. Чукур вакуум ҳосил қилиниб, температура пасайтирилиши баъзи бир совуқлик элткичларининг музлаб қолишига, ҳамда ҳаво сўрилишига олиб келади. Шунингдек компрессор иши қийинлашади.

Жуда паст температура олишида кислород (қайнаш температураси -  $183^{\circ}\text{C}$ ) ёки азот (қайнаш температураси  $196^{\circ}\text{C}$ ) ни бүглатиш усули ҳам ярамайды. Чунки уларнинг критик температуралари ҳам жуда паст, сув билан суюлтириб бўлмайди.

Критик температураси -  $100^{\circ}\text{C}$  дан паст бўлган газларни (кислород, азот, водород, гелий ва бошқалар) суюлтириш қўйидаги усуллар билан амалга ошириш мумкин:


1. Газни дросселлаш усули билан;
2. Газни детандерда ташқи иш бажариш йўли билан кенгайтириш;
3. Дросселлаш ва детандерда кенгайтириш усулларини бирга қўллаш йўли билан.

Газни детандерда кенгайтириш цикли, дросселланиш циклига қараганда, иқтисодий жиҳатдан самарали. Лекин, энг самарадори учинчиси, яъни комбинацияли усул ҳисобланади.

### 10.13. Газни дросселлаш цикллари

Газларни дросселлаш цикллари техникада **Линде цикли** дейилади. Бу циклларнинг ҳаммасида **регенератив** усул қўлланилади. Дросселлаш усули билан газни суюлтириб бўлмайди. Қарама-қарши йўналишили регенератив иссиқлик алмашиниш қурилмаси қўлланилса, газни дроссел вентили олдидан дросселланиш жараёнида температураси пасайтирилган газ билан совитилса, газ суюқликка айланади.

**Бир карра дросселланишили юқори босим цикли.**  $p_1$  босим ва  $T_1$  температурага эга бўлган газ компрессор I томонидан сўриб олинади ва  $p_2$  босимгача сиқилиб II совиткичга ҳайдалади. У ерда сув томонидан иссиқлик ажратиб олинади ва газнинг температураси бошлангич  $T_1$  ҳолатига келтирилади (10.11-расм). Сиқиш жараёни **T-S** диаграммада 1-2 изотерма билан тасвирланган.



10.11-расм. **Бир карра дросселланишили, юқори босимли регенератив цикл.**  
а – схеманинг принципиал кўриниши; б – жараённинг T-S диаграммадаги тасвири; I – компрессор; II – совуткич; III – регенератив иссиқлик алмашиниш қурилмаси; IV – дроссел; V – суюқ маҳсулот йиғгич.

Кейин сиқилган газ қарама-қарши йўналишили регенератив иссиқлик алмашиниш қурилма III да «тескари» газлар ҳисобига ўзгармас босим (изобара

2-3) бўйича совийди.  $p_2$  босимга эга бўлган, совуқ сиқилган газ дrossел IV орқали ўтади. Дrossелланиш натижасида газ босими бошлангич  $p_1$  ҳолатга келади, 3-4 изоэнталпия чизиги бўйлаб температураси пасайиб, суюқ фазага ўтади. Газнинг суюлмаган қисми иссиқлик алмашиниш қурилмаси III га ўтиб сиқилган газни совутади. Бу жараёндаги «қайтаётган» газ  $T_1$  температурагача  $p_1$  ўзгармас босимда (5-1 изобара) исиди ва компрессор I орқали сўриб олинади, цикл қайтарилади.

Суюлтирилган газ миқдори  $n$  нинг суюлмаган  $n-1$  қисмига нисбати (1 кг сиқилган газ миқдорига тўғри келувчи)  $T-S$  диаграммада 4-5 ва 0-4 кесмалар нисбати билан аниқланади.

Совитиш коэффициенти қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\varepsilon = \frac{i_1 - i_2}{1,69 RT_1 \ln \frac{\rho_2}{\rho_1}}$$

бу ерда  $i_1$  ва  $i_2 = 1$  ва 2 нуқталардаги газнинг энталпиялари;  $R$  – газ доимийси.

Юқори босим бир каррали дrossелланиш циклиниг совитиш коэффициенти кичик бўлади. Уни қўтариш мақсадида Линденинг такомишилаштирилган цикллари ишлаб чиқарилган. Бу циклларда самарадорликни ошириш мақсадида қуйидаги усуулар қўлланилади:


- 1) регенератив иссиқлик алмашиниш қурилмасига киришдан аввал аммиакни сунъий совитиш;
- 2) юқори босимгача сиқилган газни икки карра дrossелланиш, газ циркуляциясини қўллаш.

#### 10.14. Бир карра дrossелланишни ва аммиакли совитиш цикли

Бу циклни аввалгисидан фарқи (10.11-расм) шундаки, регенератив иссиқлик алмашиниш қурилмаси III бу ерда иккита-бирламчи иссиқлик алмашиниш III ва асосий иссиқлик алмашиниш қурилма V лар билан алмаштирилган (10.12-расм). Улар орасидаги қўшимча совуткич IV ўрнатилган бўлиб, у ерда газ дrossелланишдан олдин аммиак томонидан совитилади.

Кўриниб турибдики, газ компрессор I томонидан изотермик жараёнда сиқилади ( $T-S$  диаграммадаги 1-2 кесма) ва бирламчи иссиқлик алмашиниш қурилма III да «қайтган» (drosselланишдан кейин) газ ёрдамида совутилади (2-3 кесма). Бундан «қайтган» газ бошлангич  $T_\theta$  температурагача исиди (6-1 кесма). Шундан сўнг, сиқилган газ аммиак совуткич IV да совийди (3'-3 кесма) ва асосий иссиқлик алмашиниш қурилма V дан ўтиб «қайтган» газ томонидан совутилади (3-4 кесма). Иссиқлик алмашиниш қурилма V да «қайтган» газ исиди (5-6 кесма). Сиқилган газ иссиқлик алмашиниш қурилма V дан сўнг, дrossель VI орқали ўтади ва дrossелланиш туфайли (4-5 кесма) қисман суюқланади. Газнинг суюлмаган қисми эса (0-5 кесма), V ва III – иссиқлик алмашиниш қурилмаларда совуклиқ зўтикли сифатида ишлатилади.

Аммиак совитиш машинасидаги газни қўшимча совитилиши дrossель цикли самарадорлигини оширади. Буғланётган аммиак билан совитиш асосан  $-20$  дан  $-45^\circ\text{C}$  температурагача амалга оширилади.




**10.12-расм.** Бир карра дросселланишли ва құшымча совитиши регенератив цикл.  
 а – курилманинг принципиал схемаси; б – Т-С диаграммадаги жара-  
 ённинг күриници; I – компрессор; II – компрессор совуткичи; III –  
 бирламчи регенератив иссиқлик алмашиниш курилмаси; IV – ком-  
 прессор совитиши машинасининг аммиак совиткичи; V – асосий реге-  
 нератив иссиқлик алмашиниш курилмаси; VI – дроссель; VII – суюқ  
 маҳсулот йиғифи.

**10.15. Икки карра дросселланишили ва газининг босим остидаги айланнишили шикли**

Дросселлиниш туфайли олинаётган суюқлик микдори дросселланишдан олдинги ва кейинги босимлар фарқи  $p_1-p_2$  га тўғри пропорционал. Изотермик сиқищдаги сарфланаётган иш эса, босимлар нисбати  $p_2/p_1$  нинг логарифмига пропорционал. Демак, газни 200 дан 50 ат гача ёки 150 дан 1 ат гача дросселланса, бир хил совуқлик эффекти олиниши керак. Лекин, биринчи ҳолатдаги бажарилган иш  $\ln 200/50$ , иккинчи ҳолатда  $\ln 150/1$  га пропорционал бўлади, яъни иккинчи ҳолатда сарфланган иш катта. Агар газ қуий чегаравий босимга-ча эмас, балки оралиқ босимгача дросселланса, ҳамда суюқликка айланмаган қисмини юқори босимгача сиқишига қайтарилса, газни сиқиши учун кетган умумий энергия сарфи тежалади. Бу усул қуийда келтирилган циклда қўлланилган (10.13-расм).

Компрессор I да газ атмосфера босими  $p_0$  дан оралиқ босим  $p_1$  гача изотермик сиқілади. Компрессор III да эса,  $p_1$  дан  $p_2$  босимгача сиқілади. II ва IV советкичлар  $T_0$  бошланғич температурагача совитилган газ қарама-қарши йұналиши регенератив иссикүл алмашиниш қурилмасидан үтади. У ерда дросселланишдан кейинги суюлмаган газ ҳисобига совийди ва дроссел VI дан үтиб босими  $p_1$  гача пасаяди. Суюлтирилган қысми иссикүл алмашиниш қурилма V дан үтиб, үз совуклигини юқори босим газига беріб температураси  $T_0$  гача құтарилади ва компрессор III томонидан яна сүриб олинади.

Газнинг биринчى дросселланышидан кейинги суюқланган қисми дрос-  
сель VII орқали ўтиб, босими  $p_0$  гача пасаяди ва бир қисми буғланади. Газнинг  
буғланган қисми иссиқлик алмашиниш курилма V га йўналтирилади. У ерда  
юқори босим газидан иссиқлик олиб температураси  $T_0$  гача кўтарилади ва  
компрессор I томонидан яна сўриб олинади.



**10.13-расм. Икки карра дросселланишни ва газнинг босим остидаги айланишли цикл.**

а – қурилманинг принципиал схемаси; б – Т-С диаграммадаги жарённинг тасвири; I – паст босимли компрессор; II – паст босимли компрессор совиткичи; III – юқори босим компрессори; IV – юқори босим компрессорининг совиткичи; V – регенератив иссиқлик алмашиниш қурилмаси; VI, VII – дросселлар; VIII – суюқ маҳсулот йигичи.

Иккинчи дросселланишда суюқланган газ қурилмадан тайёр маҳсулот сифатида чиқарилади. Унинг ўрнига шунчак **п** микдордаги газ компрессор I томонидан сўрилади.


**T-S** диаграммада 1-2 чизиқ аввал  $p_1$  (8-нуқта) босимгача, кейин  $p_2$  босимгача (2-нуқта) изотермик сиқилишни кўрсатади; 2-3 чизиқ иссиқлик алмашиниш қурилма V даги совитиш жараёни; 3-4 чизиқ дроссель VI даги биринчи дросселланиш; 7-8 - биринчи дросселланишда суюқланмаган газнинг V – иссиқлик алмашиниш қурилмада исиши; 5-6 чизиқ дроссел VII да иккинчи дросселланиш; 9-1 чизиқ иккинчи дросселланишда буғланган газнинг иссиқлик алмашиниш қурилма V да исиши. Нуқта 10 қурилмадан тайёр маҳсулот сифатида чиқарилаётган суюқланган газнинг ҳолатини ифодалайди.

#### **10.16. Дросселланиш ва газни детандерда кенгайишига асосланган цикллар**

Агар босимлар фарқи катта бўлса, масалан, газ босими 200 дан 1 ат гача пасайтирилса, Жоуль-Томсон эфекти газ температурасини анча пасайтириш имконини беради. Газни детандерда кенгайтириб, ундан ҳам пастроқ температура олиш мумкин. Лекин газни суюлтириш учун керак бўлган жуда паст температуralарни олиш учун, фақат детандерда кенгайишга асосланган цикллар кўлланилмайди. Бунга сабаб, газ суюқланиш температурасига яқин температуralарда бўлганда, унинг ҳолати идеал газ ҳолатидан катта фарқ қиласди. Газ ҳажми кескин камаяди, натижада кенгайиш хусусияти ҳам камаяди. Бундан ташқари, суюқланиш бошланишида детандерда гидравлик зарба ҳолати вужудга келади ва совуклик йўқотилиши ортади. Натижада жуда паст температуralарда газни детандерда кенгайтириш самарадорлиги ёмонлашади. Шуларни

Хисобга олган ҳолда, ҳаво ва бошқа газларни суюлтиришда детандерда кенгайтириш фақат маълум дараҷада, совитиш (суюқлангунча) дросселланиш йўли билан амалга оширилади. Бундай бирлашган цикллар газнинг сиқилиш босими бўйича ва детандер конструкцияси (поршнли детандерлар, турбодетандерлар) бўйича фарқланади.

**Ўрта босим цикли (Клод цикли).** Ўрта босим циклида (10.14-расм) компрессор I да газ  $245 \cdot 10^4 \dots 392 \cdot 10^4 \text{Н/м}^2$  (25...40 атм) босимгача сиқилиб, совитич II да сўриш босимигача совийди.



10.14-расм. Бирлашган дросселли ва детандерли регенератив цикллар.  
а – қурилманинг принципиал схемаси; б – жарабининг Т-С диаграммадаги тасвири; I – компрессор; II – компрессор совитичи; III-V – регенератив иссиқлик алмашиниш қурилмалар; VI – детандер; VII – дроссел; VIII – суюқ маҳсулот йигитч.


Сиқиш жараёни **T-S** диаграммада 1-2 изотерма чизиги билан тасвирланган. Газ регенератив иссиқлик алмашиниш қурилма III да (2-3 изобара бўйича) совийди ва ундан чиқиб, газ икки қисмга бўлинади. Бир қисми регенератив иссиқлик алмашиниш қурилма IV да (3-3 изобара бўйича) ва V да (3-4 изобара бўйича) совишини давом эттиради. Бошқа қисми детандер VI да кенгайиб (3-5 кесма), ташқи иш бажарида. Бу иш компрессор I нинг ўқига узатилади (10.14-расмда детандер ва компрессор шартли равишда бир-бири билан боғланмаган ҳолда кўрсатилган). Детандердан чиқаётган паст босимли (1 атм атрофида) совуқ газ кетма-кет IV ва III иссиқлик алмашиниш қурилмалардан ўтиб, сиқилган газ иссиқлигини ўзига олади ва бошлангич температурагача исийди (5-1 кесма). Сиқилган ва совуган газ иссиқлик алмашиниш қурилма V дан чиқиб, дроссел VII да атмосфера босимгача кенгайиб, қисман суюқланади (4-6 кесма). Газнинг суюқланмаган қисми (7-нуқта) сиқилган газни совитиш учун иссиқлик алмашиниш қурилма V (7-5' изобара бўйича), сўнг детандердан чиққан газ билан аралашиб, биргаликда IV ва III иссиқлик алмашиниш қурилмалардан ўтади. Буларда бўладиган иссиқ алмашиниш жараёни изобара 5'-1 билан тасвирланган.

Бу циклда детандер жуда паст температураларда ишлайди, чунки унда кенгаётган газ (ҳаво) таҳминан  $-140^\circ\text{C}$  гача совийди. Шунинг учун детандер-

нинг фойдали иш коэффициенти – 0,6-0,65 дан ортмайди. Бундан ташқари, юриткични ишлатишда қийинчиликлар пайдо бўлади, чунки бундай шароитларда оддий мойларни кўллаб бўлмайди.

**Юқори босим цикли (Гейландт цикли).** Бу цикл аввалгисидан унча катта фарқ құлмайды. Фақат бу циклда сиқылған газ регенератив иссиқлик алмашниш қурилмада совумасдан илгари, юқоригоқ температурада ишлайды ва фойдалы иш коэффициенті ҳам ортади. Лекин, бу ҳолатда дросселлаб етарлы со-вүқлик олиш учун газни юқоригоқ босимгача сиқиш керак (~200 ат).

10.15-расмда күриниб турибдики, газ компрессор I да сиқылғандан сұнг (изотерма 1-2) иккі қисмға бўлинади. Бир қисми совиш учун аввал регенератив иссиқлик алмашиниши қурилма III (жараён 2-4 изобара бўйича боради) дан сұнг иситкич IV (4-5 чизик) дан ўтади. Газнинг бошқа қисми эса детандер V да кенгайиб (2-3 чизик бўйича), ташқи иш бажаради ва бу иш компрессор I нинг ўқига узатилади.



**10.15-расм.** Бирлашған дросселли ва детандерли регенерациясиз цикллар.  
 а – қурилманиң принципиал схемаси; б – жараённинг T-S  
 диаграммадаги тасвири; I – компрессор; II – компрессор  
 совиткичи; III-V – регенератив иссиқлик алмашиниш  
 қурилмалар; VI – детандер; VII – дроссел; VIII – суюқ  
 маҳсулот йиғгич.

Сиқилған ва III, IV иссиқлик алмашиниш қурилмаларыда совиган газ дрессел VI да атмосфера босимигача дресселланади (5-6 изоэнтальпия чизиги бүйлаб) ва қисман суюқликка айланади. Газнинг суюқланған қисми Қурилмадан чиқарилади, қолган қисми эса, совутувчи әлткіч сифатида аввали иссиқлик алмашиниш қурилма IV да, сүнг детандердан чиқаётган газ билан аралашиб, иссиқлик алмашиниш қурилмаси III да сиқилған газдан иссиқлик олади ва бошланғич температурагача исийди (7-1 изобара бүйлаб).


#### **10.17. Паст босым цикли (Капица цикли)**

Дегандерда газни кенгайтириш самарадорлигини оширишнинг бошқа усули – бу поршенилди машиналар ўрнига турбомашиналарни қўллаш.

Академик П.Л. Капица томонидан паст температураларда юқори фойдалы иш коэффициентга эга бўла оладиган ( $\eta_{\text{дем}}=0,8$ ) бир боскичли турбодетан-

дер кашф этилди. Бу турбодетандерни ишлатиб, 6 атм дан ошмайдиган босимда газни (ҳавони) суюлтириш имкони яратилди. Циклда фақат турбомашиналарни ишлатиб, битта агрегатда жуда катта унумдорликларни олиш мүмкін.

Паст босим циклда газ турбокомпрессор I томонидан (изотерма 1-2 бўйлаб) таҳминан  $59 \cdot 10^4 \text{ Н/м}^2$  (6 атм) гача сиқилади, сўнг шу босимда регенератор III да совутилади (10.16-расм).



**10.16-расм. Бирлашган дроссел ва детандерли (регенератив) паст босим цикллари:**

а – курилманинг принципиал схемаси; б – жараённинг T-S диаграммадаги тасвири; 1 – турбокомпрессор; 2 –турбокомпрессор совуткичи; 3,4 – регенераторлар; 5 –дроссел; 6 – турбодетандер; 7 – суюқ маҳсулот йигич.

Газ иссиқлик алмашиниш курилмасидан чиқиб икки қисмга бўлинади. Камроқ қисми регенератор 4 га кириб, пастроқ температурагача совийди ва суюқликка айланади (совиш ва суюқланиш жараёнлари 3-3'-5 чизиқлари билан тасвирланган). Суюқланган газ дроссель 5 орқали ўтиб бошлангич босимгача дросслланади (кесма 5-6).

Газнинг кўп қисми турбодетандер 4 да кенгайиб (кесма 3-4), ташқи иш бажаради. Турбодетандердан чиқаётган совуқ газ дросслланишида буғланган газ билан (нуқта 4) аралашиб, кетма – кет IV ва III иссиқлик алмашиниш курилмаларидан ўтади. У ерда сиқилган газ иссиқлигини ўзига олиб, бошлангич температурагача исийди (4-1 изобара чизиги).

### 10.18. Чукур совитиш циклларини солиштириш

Юқорида чукур совитиш циклларининг асосий турлари кўриб ўтилди. Бу циклларнинг энергетик кўрсаткичларини солиштириш учун ёки бу газни суюлтиришнинг аниқ ҳолатини кўриб чиқиши керак. Ҳозирги пайтда суюқ кислород ва ҳаво олиш учун нисбатан иқтисодий жиҳатдан самараадор цикл деб юқори босим цикли (Гейландт цикли) ҳисобланади. Шунинг учун суюқ кислород олиш учун поршен детандерли, юқори босим курилмалари ( $p = 19,62$


$H/m^2$  ёки 200 ат) күпроқ құлланилади. Улардаги солиширма энергия сарғы 1,2...1,4 кВт·соат/кг ни ташкил этади.

Йирик қурилмаларда циклнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш учун сунъий аммиак советишили циклларни кўллаш мақсадга мувофиқ.

Паст босим қурилмалари (Капица цикли) самараадорлиги камроқ бүлгани билан, юқори босим қурилмаларидан фарқли равишда ҳавони углерод икки оксидидан тозалашни талаб қилмайди ва таркибиди мой бўлмаган суюқ кислород олиш имконини беради, Шу билан бирга регенераторлар ёрдамида тоза маҳсулот олиш имкони йўқ. Щунинг учун олинадиган кислород асосан технологик мақсадларда ишлатилади.

Юқори унумдорлик қурилмаларда газсимон кислород ва азот олиш учун икки карра дросселланишли ва аммиак совитишили, ҳамда детандерли ўрга босим (Клод цикли) цикллари кенг қўлланилади. Уларда энергия сарфи таҳминан 0,7-0,8 кВт·соат/ $m^3$  кислородни ташкил этади. Унумдорлиги 100  $m^3$ /соат кислороддан ортмайдиган қурилмаларда нисбатан энергия сарфи юқори бўлишига қарамай, мураккаб бўлмаган қурилма ва ишлатишга осон бўлган бир карра дросселланишли цикл қўлланилади.

10.17-расмда суюқ ҳаво олишда ишлатиладиган асосий совитиш циклларининг солиширима характеристикалари келтирилган.



**10.17-расм. Суюқ ұаво олишда ишплатиладын ассоций советишиң циклларының солиширмалы характеристикалары:**

бир карра дросселлиниши цикл: 1 -  $Q_0$ , I - N; бир карра дросселлиниши ва аммиак совитиши цикл: 2 -  $Q_0$ , II - N; газни детандерда кенгайиши цикл: 3 -  $Q_0$ , III - N; газни детандерда кенгайишиши ва аммиак совитиши цикл: 4 -  $Q_0$ , IV - N.


Графиклар ёрдамида 1 кг суюқ ҳаво олиш учун керак бўлган совуқлик унумдорлиги ва энергия сарфини аниқлаш мумкин. Кўрилаётган ҳамма циклларда газнинг детандердаги кенгайиш босим  $59 \cdot 10^4 \text{ Н/м}^2$  (6 атм); ҳаволи компрессорнинг изотермик фойдали иш коэффициенти  $\eta_{us}=0,59$ ; детандернинг фойдали иш коэффициенти  $\eta_{det}=0,65$  бўлган ҳолатлар учун одинган.

Расмдан күриниб турибдики, олинаётган совуқлик ва энергетик сарфлар бўйича энг самарадор цикл – детандерли ва аммиак совитишли циклардир. Бир хил шароитларда ҳавони сиқиши босими ортган сари, цикларнинг иқтисодий самарадорлиги ҳам ортади.

### 10.19. Совитиш жараёни ва машиналарини ҳисоблаш

**10.1-мисол.** Куйидаги шартлар учун бир босқичли аммиак компрессор совитиш қурилмасининг схемаси ҳисоблансин: совитиш унумдорлиги  $Q_0=17,45 \text{ kBt}$ ; совуқлик элткичининг буглаткичга кириш ва чиқищдаги температуralари  $t_{h1}=-15^\circ\text{C}$ ,  $t_{h2}=-22^\circ\text{C}$ ;

Совутувчи сувнинг конденсаторга кириш ва чиқищдаги температураси  $t_{B2}=+20^\circ\text{C}$ ,  $t_{B1}=25^\circ\text{C}$ . Қурилма оралиқ совуткичсиз ишлайди. Қурилма схемаси 10.18-расмда берилган.




10.18-расм. Буғ ва суюқлик компрессор совитиш қурилмасининг схемаси ва жараёнининг T-S диаграммадаги тасвири.

Ҳисоблаш ишларидан схеманинг характерли нұқталарининг параметрлари, қурилмаларнинг иссиқлик юкламалари, компрессор куввати, қурилманинг совитиш коэффициенти ва эксергетик фойдалы иш коэффициенти аниқланиши лозим.

Буғлаткичдаги температуralар минимал фарқини  $\Delta t_u=t_{h2}-t_0=3^\circ\text{C}$  деб қабул қилиб, ҳисобий қайнаш температурасини аниқлаймиз (10.9-расм).

$$t_0 = t_{h2} - \Delta t_u = -22 - 3 = -25^\circ\text{C}$$



10.19-расм. Оқимлар температурасининг ўзгариш графиклари  
а) буғлаткичдаги; б) конденсатордаги.

Конденсатордаги температурадар минимал фарқини  $\Delta t_k = t_k - t_{B1} = 5^{\circ}C$  деб қабул қилиб, ҳисобий конденсация температурасини аниқлаймиз:

$$t_k = t_{B1} + \Delta t_k = 25 + 5 = 30^{\circ}C$$

Аммиакнинг **T-S** – диаграммаси ёки термодинамик жадвашлардан ишчи элткичнинг қуйидаги характеристики нүқталардаги параметрларини топамиз:

1-нүқта	$t_1 = 10^{\circ}C$	$p_1 = 0,5 MPa$	$i_1 = 1652 \text{ кДж/кг}$	$V = 0,78 m^3/\text{кг}$
2-нүқта	$t_2' = 126^{\circ}C$	$p_2 = 1,2 MPa$	$i_2' = 1960 \text{ кДж/кг}$	
3-нүқта	$t_3 = 30^{\circ}C$	$p_3 = 1,2 MPa$	$i_3 = 562 \text{ кДж/кг}$	
4-нүқта	$t_4 = -25^{\circ}C$	$p_4 = 0,15 MPa$	$i_4 = 562 \text{ кДж/кг}$	

Булаткичнинг нисбий иссиқлик юкламаси:

$$q_0 = i_1 - i_4 = 1652 - 562 = 1090 \text{ кДж/кг}$$

Аммиакнинг массавий сарфи:

$$G = 17,45 / 1090 = 0,016 \text{ кг/с} (57,7 \text{ кг/соат})$$

Компрессорнинг электромеханик ва ички фойдали иш коэффициентларини мос равища  $\eta_{эм} = 0,9$  ва  $\eta_i = 0,8$  деб қабул қилиб, совутувчи элткичнинг компрессордан чиқишидаги энталпиясини аниқлаймиз:

$$i_2 = i_1 + \frac{l_a}{\eta_i} = i_1 + \frac{(i_2' - i_1)}{\eta_i} = 1652 + \frac{1960 - 1652}{0,8} = 2040 \frac{\text{кДж}}{\text{кг}}$$

Компрессорнинг нисбий ички иши:

$$l_B = i_2 - i_1 = 2040 - 1652 = 388 \text{ кДж/кг}$$

Конденсаторнинг нисбий иссиқлик юкламаси:

$$q_k = i_2 - i_3 = 2040 - 562 = 1478 \text{ кДж/кг}$$

Курилма балансини текширамиз:

$$q_k = l_B + q_0 = 388 + 1090 = 1478 \text{ кДж/кг}$$

Компрессорнинг ҳажмий унумдорлиги:

$$V_0 = G \cdot v_1 = 57,7 \cdot 0,78 = 45 m^3 / соат = 0,0125 m^3 / с$$

Конденсаторнинг иссиқлик юкламаси:

$$Q_k = 0,016 \cdot 1478 = 23,7 \text{ кДж/с}$$

Компрессорнинг нисбий иши:

$$l_k = \frac{l_B}{\eta_{эм}} = \frac{388}{0,9} = 432 \text{ кДж/кг}$$

Олинган совуқлик бирлигига түғри келувчи электр энергиянинг нисбий сарфи:

$$\varTheta_x = \frac{l_k}{q_0} = \frac{l_a}{\eta_i \eta_{24} q_0} = \frac{432}{1090} = 0,3955$$

Компрессорнинг электрик қуввати:

$$N_s = l_k G = 432 \cdot 0,016 = 6,92 \text{ кВт} \approx 7 \text{ кВт}$$

Совитиш коэффициенти:

$$\varepsilon = \frac{q_0}{l_k} = \frac{1}{\varTheta_x} = \frac{1090}{432} = 2,53$$

Совуқликнинг ишга яроқлилик коэффициентини аниқлаш учун совуқлик элткичининг ўртача температурасини аниқлаймиз:

$$T_{n, cp.} = \frac{T_{n1} - T_{n2}}{\ln \frac{T_{n1}}{T_{n2}}} = \frac{258 - 251}{2,3 \lg \frac{258}{251}} = \frac{7}{2,3 \cdot \lg 1,027} = \frac{7}{2,3 \cdot 0,0118} = 254 K$$

Совуқликнинг ишга яроқлилик коэффициенти:

$$(\tau_q)_n = 1 - \frac{T_{o.c.}}{T_{n, cp.}} = 1 - \frac{293}{254} = -0,153$$

$\varTheta_n = -(\tau_q)_n$  бўлгани учун, идеал циклдаги электр энергиясининг нисбий сарфи 0,153 га тенг бўлади.

Совитиш қурилмаси буғлаткичидаги энергия йўқотилишлари (совуқлик элткич бўйича) назарда тутган фойдали иш коэффициенти:

$$\eta'_e = \frac{q_0(\tau_q)_n}{l_k} = \frac{Q_0(\tau_q)_n}{N_s} = \frac{1090 \cdot 0,153}{432} = 0,387 (\approx 39\%)$$

Совитиш қурилмаси буғлаткичидаги энергия йўқотилишлари (совуқлик элткич бўйича) назарда тутган фойдали иш коэффициенти:


$$\eta''_a = \frac{\bar{q}_0(\tau_0)_0}{l_e} = \frac{1090 \cdot 0,182}{432} = 0,46 (\approx 46\%)$$

бу ерда

$$(\tau_q)_0 = 1 - \frac{T_{o.c.}}{T_0} = 1 - \frac{293}{248} = -0,182$$

**10.2-мисол.** Бир босқичли абсорбцион совитиш қурилмасининг совитиш унумдорлиги  $Q_0=1000$  кВт. Намокобнинг буғлаткичга кириш темпера-

тураси  $t_{n1}=-20^{\circ}\text{C}$  ва чиқиши температураси  $t_{n2}=-30^{\circ}\text{C}$ ; совутувчи сувнинг курилмага кириш ва чиқиши температурадарни  $t_{B2}=-20^{\circ}\text{C}$ ,  $t_{B1}=-25^{\circ}\text{C}$ . Иситувчи сув буғининг босими  $p=0,275 \text{ МПа}$  ( $t_s=130^{\circ}\text{C}$ ). Ишчи элткич аммиак; абсорбент сув. Буғлаткич ва конденсатордаги температурадарни фарқи мос равишида  $\Delta t_u=3^{\circ}\text{C}$ ,  $\Delta t_k=5^{\circ}\text{C}$ ; температурадарни фарқи: абсорберда  $\Delta t_a=5^{\circ}\text{C}$ ; генераторда  $\Delta t_r=6^{\circ}\text{C}$ ; совуткичда  $\Delta t_{3-7}=10^{\circ}\text{C}$ ; аралашма иссиқлик алмашиниш курилмасида  $\Delta t_{14-10}=10^{\circ}\text{C}$ ; дефлегматорда  $\Delta t_d=15^{\circ}\text{C}$  (10.20-расм).



10.20-расм. Сув - аммиак совитиш қурилмасининг схемаси  
ва  $i - \xi$ -диаграммада жараён тасвири.

Жараённинг характерли нуқталаридаги параметрларни аниқлаймиз ва жараённи  $i - \xi$  - диаграммада қурамиз. Қурилмаларнинг иссиқлик юкламалари, энергиянинг нисбий сарфи, қурилманинг совитиш ва эксергетик фойдали иш коэффициентларини топамиз. Совутувчи элткичнинг қайнаш температураси:

$$t_0 = t_{n2} - \Delta t_u = -30 - 3 = -33^{\circ}\text{C}$$

Бу температурага мос келувчи босим  $p_0=0,1 \text{ МПа}$ . Конденсатордаги босим  $p_d=1,2 \text{ МПа}$ . Конденсацияланиш температураси:

$$t_k = t_{B1} + \Delta t_k = 25 + 5 = 30^{\circ}\text{C}$$

Паст концентрацияли эритманинг генератордан чиқиши температураси:

$$t_9 = t_s - \Delta t_r = 130 - 6 = 124^{\circ}\text{C}$$

Паст концентрацияли эритманинг параметрлари:

$$\xi_{ci} = 0,0225; \quad i_9 = 462 \text{ кДж/кг}$$

Юқори концентрацияли эритманинг абсорбердан чиқиши температураси:

$$t_{13} = t_{B2} + \Delta t_a = 20 + 5 = 25^{\circ}\text{C}$$

Үқори концентрацияли эритманинг параметрлари:

$$\xi_{13} = 0,315; \quad i_{13} = 0 \text{ кЖ/кг}$$

Эритманинг циркуляция карралиги:

$$f = \frac{G_{kp}}{D} = \frac{G_{15}}{G_2} = \frac{\xi_2 - \xi_{c1}}{\xi_{kp} - \xi_{c1}} = 1 - \frac{0,225}{0,315 - 0,225} = \frac{0,775}{0,09} = 8,62$$

Дефлегматордан чиқышдаги бүтнинг параметрлари:

$$t_2 = t_{B1} + \Delta t_D = 25 + 15 = 40^{\circ}\text{C}; \quad \xi_2 = 1; \quad i_2 = 1660 \text{ кЖ/кг}$$

Генератордан чиқышда мувозанат ҳолдаги бүт параметрлари:

$$p_1 = 1,2 \text{ МПа}; \quad t_1 = 105^{\circ}\text{C}; \quad \xi_1 = 0,925; \quad i_1 = 1890 \text{ кЖ/кг}$$

Дефлегматордан флегманинг нисбий чиқиши (флегма нисбати):

$$\varphi = \frac{G_8}{G_2} = \frac{\xi_2 - \xi_1}{\xi_1 - \xi_8} = \frac{1 - 0,925}{0,925 - 0,315} = \frac{0,075}{0,61} = 0,123$$

Дефлегматорни нисбий иссиқлик юкламаси:

$$q_D = (i_1 - i_2) + \varphi(i_1 - i_8) = (1890 - 1660) + 0,123(1890 - 377) = 416 \text{ кЖ/кг}$$

Паст концентрацияли эритманинг иссиқлик алмашиниш қурилмасидан кейинги параметрлари:

$$t_{10} = t_{14} + \Delta t_{mo} = t_{14} + \Delta t_{14-10} = 25 + 10 = 35^{\circ}\text{C}; \quad i_{10} = 62 \text{ кЖ/кг}$$

Үқори концентрацияли эритманинг генераторга киришидаги энтальпияси:

$$i_{15} = i_{14} + \frac{f-1}{f}(i_9 - i_{10}) = 0 + \frac{8,62-1}{8,62}(462 - 62) = 352 \text{ кЖ/кг}$$

Флегманинг  $\xi_8=0,315$  даги энтальпияси:

$$i_8 = 377 \text{ кЖ/кг}$$

$i_8 > i_{15}$  бўлгани учун топилган  $i_{10}$  қиймат кейинги ҳисоблашлар учун ишлатилиди.

Иссиқлик алмашиниш қурилмасининг нисбий иссиқлик юкламаси:

$$q_k = i_1 - i_2 = 1660 - 500 = 1160 \text{ кЖ/кг}$$

Совуқчилик буғларининг совуткичдан кейинги температураси:

$$t_7 = t_3 - \Delta t_{n.o.} = t_k - \Delta t_{3-7} = 30 - 10 = 20^{\circ}C$$

Аммиакнинг **T-S** диаграммасидан  $i_7=1760 \text{ кЖ/кг}$  эканини аниклаймиз. **T-S** ва **I-ξ** диаграммаларидағи энтальпия қийматлари ўртасидаги фарқнинг тузатиш катталигини  $\Delta i=285-210=75 \text{ кЖ/кг}$  эътиборга олиб  $i_7=1760-75=1685 \text{ кЖ/кг}$  ни топамиз.

Совуткичининг нисбий иссиқлик юкламаси:

$$q_{n.o.} = i_7 - i_6 = 1685 - 1574 = 111 \text{ кЖ/кг}$$

Суюқ аммиакнинг дросселдан олдинги энтальпияси:

$$i_4 = i_3 - q_{n.o.} = 500 - 111 = 389 \text{ кЖ/кг}$$

Курилманинг нисбий совитиш унумдорлиги:

$$q_o = 1574 - 389 = 1185 \text{ кЖ/кг}$$

Абсорбция жараёнида ажраб чиқаётган нисбий иссиқлик миқдори:

$$q_a = (i_7 - i_{10}) + f(i_{10} - i_{13}) = (1685 - 62,8) + 8,62 = (62,8 - 0) \approx 2160 \text{ кЖ/кг}$$

ёки

$$q_a = f(i_{12} - i_{13}) = 8,62(2,51 - 0) \approx 2160 \text{ кЖ/кг}$$

Генераторнинг нисбий иссиқлик юкламаси:

$$q_e = (i_1 - i_9) + f(i_9 - i_{15}) + \varphi(i_1 - i_9) =$$

$$= (1890 - 462) + 8,62 = (462 - 352) + 0,123(1890 - 377) = 25560 \text{ кЖ/кг}$$

Курилманинг иссиқлик баланси:

$$q_{узат} = q_{ажр}$$

$$q_{узат} = q_e + q_0 = 2550 + 1185 = 3735 \text{ кЖ/кг}$$

$$q_{узат} = q_a + q_k + q_D = 2160 + 1160 + 416 = 3736 \text{ кЖ/кг}$$

Ишчи элткич (аммиак) сарфи:

$$G = 1000 / 1175 = 0,85 \text{ кг/с}$$

Курилмаларнинг иссиқлик юкламалари:

а) генераторники:  $Q_e = Gq_e = 0,85 \cdot 2550 = 2170 \text{ кВт};$

б) абсорберники:  $Q_a = 0,85 \cdot 2160 = 1835 \text{ кВт};$

в) совуткичники:  $Q_{n.o.} = 0,85 \cdot 111 = 94,5 \text{ кВт};$

г) конденсаторники:  $Q_k = 0,85 \cdot 1160 = 985 \text{ кВт}$ ;

д) дефлегматорники:  $Q_D = 0,85 \cdot 416 = 354 \text{ кВт}$

Иссиқликнинг нисбий сарфи:

$$\Theta = \frac{q_e}{q_0} = \frac{Q_e}{Q_0} = \frac{2170}{1000} = 2,17$$

Совитиш коэффициенти:

$$\varepsilon = \frac{q_0}{q_e} = \frac{1000}{2170} = 0,463$$

Курилманинг совуқ элткич бўйича эксергетик фойдали иш коэффициенти:

$$\eta_e = \frac{q_0(\tau_q)_0}{q_e(\tau_q)_B} = \varepsilon \frac{(\tau_q)_0}{(\tau_q)_B} = 0,463 \frac{0,22}{0,273} = 0,373$$

бу ерда

$$(\tau_q)_0 = \frac{T_0 - T_{o.c.}}{T_0} = \frac{240 - 293}{240} = -0,22$$

$$(\tau_q)_B = \frac{T_B - T_{o.c.}}{T_B} = \frac{403 - 293}{430} = 0,273$$

ёки

$$\eta_2 = \frac{e_k^a}{e_x^a} = \frac{0,22}{0,592} = 0,373 \quad e_x^a = \frac{q_i(\tau_q)_B}{q_0} = \Theta(\tau_q)_B = 2,17 \cdot 0,273 = 0,592$$

$$e_k^a = \frac{T_{oi} - T_0}{T_0} = \frac{293 - 240}{240} = 0,22$$

Курилманинг совуқ элткич бўйича фойдали иш коэффициенти:

$$\eta_e = \varepsilon \frac{(\tau_q)_0}{(\tau_q)_B} = 0,463 \frac{0,181}{0,273} = 0,306 \approx 31\%$$

бу ерда

$$(\tau_q)_0 = 1 - \frac{T_{o.c.}}{T_n^{vp}} = 1 - \frac{293}{248} = -0,181, \quad T_n^{vp} = \frac{253 + 243}{2} = 248K$$

### 11.1. Умумий тушунчалар

Ёқилғи – энергетик ресурсларни тежаш ва материал, иссиқлик йўқотилишларисиз ишлаб чиқаришни ташкил этиш, технологик ва энергетик жараёнларнинг ўзаро боғлиқлик қонуниятларини ўрганувчи энергетиканинг бўлими **энерготехнология** деб аталади.

Хозирги вақтгача кимё, озиқ-овқат ва бошқа саноат корхоналари бирламчи энергоресурсларининг (ёқилғи, иссиқлик ва электр энергия) асосий истемолчилари ҳисобланади. Корхонанинг энерготехнологик схемаси тўғри лойиҳаланганда, нафақат бирламчи энергоресурслар сарфини камайтириш, балки ташқаридан жалб этилаётган иссиқлик ва электр энергияга ҳожат қолмайди. Энергетик жиҳозлар (иссиқлик ва буғ генераторлари, қозон-утилизаторлар, буг ва газ турбиналари, иссиқлик алмашиниш қурилмалари, совитиш қурилмалари, иссиқлик насослари ва трансформаторлар) кимё-технологик жиҳозларга бевосита боғланиб, ягона системани ҳосил қўйувчи **энергокимё – технологик система** (ЭКТС)ларни яратиш энг истиқболли ҳисобланади. Бундай ЭКТСда технологик параметрларнинг ҳар бир ўзгаришига, энергетик параметрларнинг тегишли ўзгаришлари мос келади ва аксинча. Шу тариқа ЭКТСда технологик ва энергетик босқичлар орасида ўзаро боғлиқлик вужудга келади.

Бирламчи энергоресурсларни тежаш, иккиласми энергоресурслардан унумли фойдаланишга боғлиқ; иккиласми энергоресурсларга ўтхона ва технологик газлар, оқава суюқликлар физик иссиқлиги, саноат чиқиндиларининг ёниш иссиқлиги, кимё корхоналари маҳсулот ва хом-ашёларининг ортиқча босим энергиялари киради. Барча кимё-технология системаларида (КТС) бирламчи энергоресурслардан максимал даражада фойдаланиш тайёр маҳсулот сифатини пасайтираслиги зарур.

Кимё корхоналари энерготехнология схемаларини яратишда энг аввал ишлаб чиқариш чиқиндиларидан максимал фойдаланиш зарур. Бунинг имкони бўлмаган ҳоллардагина иссиқлик олиш мақсадида ишлаб чиқаришнинг ёнувчан чиқиндиларини ёкиш мақсадга мувофиқ. ЭКТС яратишга бундай ёндошиш сабабли энергия бўйича ҳам, материал бўйича ҳам чиқиндисиз технологияларни яратиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, энерготехнология энергоресурсларни тежаш ва атроф мұхитни ҳимоя қилиш имконини беради.

### 11.2. Энергокимё-технологик системаларни (ЭКТС) термодинамик таҳлил қилиш усуслари

ЭКТС ни яратиш учун термодинамик таҳлил қилиш зарур. Бу таҳлил куйидаги икки мақсадларда бажарилади:

1) ЭКТС ҳақида ишончли маълумотларни олиш учун ундаги энергетик ўзгаришлар аниқланади (система ва унинг элементлари фойдали иш коэффициент қийматлари, системадаги йўқотилишлар тақсимоти ва характеристики, система ҳар бир элементининг нисбий массаси, элементлараро алоқалар характеристикаси, атроф мұхит билан ўзаро таъсири ва бошқалар). Бу маълумот системани мукаммалаштириш ва уни саноатнинг бошқа системалари билан соилишириш ишларига асос бўлади;

2) Максимал термодинамик ва иқтисодий унумдорликка эришиш учун ЭКТС элементларининг турли хил параметрлари оптималлаштирилади. Бунда

шуни назарда тутиш лозимки, қўпинча термодинамик жиҳатдан унумли бўлган ЭКТС иқтисодий жиҳатдан унумли бўлмайди.

ЭКТСни термодинамик таҳлилининг энг оддий усули термодинамика-нинг биринчи қонунига асосланган **энергетик усулидир**. Бу усул ЭКТС ва унинг элементларидағи энергия йўқотилишларини, ҳамда жараёнларнинг энг катта йўқотилишлари билан кечувчи ЭКТС элементларини аниқлайди. Энергетик усулнинг асосий камчилиги, турли кўринишдаги энергиянинг қиммати, яъни энергиянинг амалий яроқлилиги, эътиборга олинмайди. Бу эса, термодинами-канинг иккинчи қонунига зиддир.

Ҳақиқий жараёнларда қайтмас энергия йўқотилишлари содир бўлади. Шунинг учун ҳозирги вақтда системаларни термодинамик таҳлил қилишда жараёнларни қайтмаслигини инобатга олувчи иккита усули кўлланилади: **эн-тропия** (циклар усули) ва **эксергия** усуллари. Иккала усулга ҳам Р.К.Клаузиус, Д.В. Гиббс ва А. Стодола илмий ишларида асос солинган. Ундан ташқари, бу усулларнинг ривожига А.И. Андрющенко, В.М.Бродянский, Д.П. Гохштейн ва бошқалар ўз хиссаларини кўшганлар. Иккала усул ҳам термодинамиканинг иккинчи қонунига асосланган бўлиб, бир мақсад утун, яъни ҳақиқий жараён-лардаги энергия йўқотилишларини аниқлаш учун ишлатилади.

**Энтропия усули.** Системаларни термодинамик таҳлил қилишнинг қонунлари асосида ташқи энергетик оқимтар (иссиқлик миқдори ва иш) ва система параметрлари, ҳамда айрим ички параметрлар орасидаги боғлиқликни аниқлаш имконини беради. Термодинамик жараёнлар бораётган системанинг иссиқлик балансини таҳлил қилиш билан системани характерловчи коэффициентларни ҳисоблаш ва уларни идеал термодинамик жараёнларнинг ўшашиб коэффициентлари билан тақослаш мумкин. Бу жараёнлар қайтмаслиги туфайли берилган системадаги олинаётган ва сарфланётган ишларнинг йўқотилишларини аниқлаш имконини беради. Агар бу маълумотлар системанинг мухандислик таҳлили учун етарли бўлмаса, у ҳолда циклар таҳлили системанинг алоҳида қисмларидаги энтропия ортиши ҳисоби билан тўлдирилади.

Системанинг унумдорлигини термодинамик баҳолаш учун қўйидаги 4 саволга жавоб топиш зарур:

- 1) курилма тескари циклининг фойдали иш коэффициенти нечага тенг, у қайси омилларга боғлиқ ва уни ошириш учун нима қилиш зарур?
- 2) ҳақиқий курилмада жараёнларнинг қайтмаслиги туфайли содир бўлувчи йўқотилишлар қанча?
- 3) бу йўқотилишлар курилманинг элементлари бўйича қандай тақсимланган?
- 4) қайтмаслик даражасини камайтириш, хусусан цикл фойдали иш коэффициентини ошириш мақсадида курилманинг қайси қисмига эътибор бериш зарур?

Ана шу вазифаларга биноан қурилманинг термодинамик таҳиили икки босқичда амалга оширилади: аввалига қайтар цикл таҳлил қилиниб, сўнgra йўқотилишларнинг асосий манбалари эътиборга олинган ҳолда, қайтмас цикл таҳлил қилинади. Қайтар циклнинг фойдали иш коэффициенти ушбу формуладан аниқланади:

$$\eta_t = \frac{q_u}{q_1} = 1 - \frac{q_2}{q_1} = \frac{l_u}{q_1} \quad (11.1)$$

ва у термик фойдали иш коэффициенти деб номланади. Ҳақиқий циклники эса:

$$\eta_i = \frac{l_q^D}{q_1} \quad (11.2)$$

ички фойдали иш коэффициенти дейиллади. Ички фойдали иш коэффициенти ишчи жисм амалга ошираётган жараёнларнинг мукаммаллик даражасини характерлайди.

Берилган циклнинг мукаммаллик даражаси унинг термик фойдали иш коэффициентини Карно цикли термик фойдали иш коэффициенти билан со-лиштириш орқали характерланади. Солиштириш бир хил температуralар орагидага амалга оширилади ва нисбий термик фойдали иш коэффициенти, деб аталаади:

$$\eta_{oi} = \frac{\eta_t}{\eta_k} \quad (11.3)$$

Берилган ҳақиқий (қайтмас) цикл назарий (қайтар) циклга нисбатан қанчалик мукаммал эмаслигини баҳолаш учун нисбий ички фойдали иш коэффициенти тушунчаси киритилган:

$$\eta_{oi} = \frac{\eta_t}{\eta_k} = \frac{l_q^D}{l_u} \quad (11.4)$$

Лекин, қурилманинг ҳақиқий шароитларда ишлашида  $\eta_{oi}$  билан ифодаланувчи қайтмас йўқотилишлардан ташқари (ишчи жисм ҳосил этувчи жараёнлардаги йўқотилишлар) иссиқлик, механик, кимёвий ва электрик жараёнларнинг қайтмаслиги туфайли пайдо бўлувчи йўқотилишлар ҳам содир бўлади. Шунинг учун, ҳақиқий қурилманинг унумдорлиги ташқи истеъмолчига берилган энергия миқдорининг (иссиқлик ёки иш шаклидаги) қурилмага узатилган энергия миқдори (иссиқлик ёки иш шаклидаги) нисбатига тенг бўлган **эффектив фойдали иш коэффициенти**  $\eta$  билан характерланади. Система унумдорлиги ундағи эксергия билан ҳам ифодаланиши мумкин: ҳар бир элементдаги эксергетик йўқотилишларни ҳисоблаб, бутун системадаги эксергетик йўқотилишларни топиш мумкин.

Системанинг асосий элементи бўлиб, ташқи иш ҳисобига сиқиши жараёнларини амалга оширувчи қурилмалар (компрессорлар, турбокомпрессорлар, насослар ва ҳ.) ва кенгайиш ҳисобига иш бажарувчи қурилмалар (буғ ва газ турбиналари, турбодетандерлар) ҳисобланади. Ҳақиқий сиқиши ва кенгайиш жараёнлари қайтмас бўлиб, системанинг ҳар бир  $j$  – элементининг нисбий ички фойдали иш коэффициенти қўйидагича аниқланади:

кенгайтирувчи қурилмалар учун

$$\eta_{oi,j}^P = \frac{l_{P,j}^D}{l_{P,j}} \quad (11.5)$$

бу ерда  $l_{P,j}^D$  ва  $l_{P,j}$  – система  $j$  – элементининг ҳақиқий ва назарий кенгайиш ишлари; сиқувчи қурилмалар учун

$$\eta_{oi,j}^c = \frac{l_{c,j}}{l_{c,j}^D} \quad (11.6)$$

бу ерда  $l_{c,j}$  ва  $l_{c,j}^D$  – система  $j$  – элементининг ташқи энергия ҳисобига бажарган назарий ва ҳақиқий ишлари; бунда ҳақиқий сиқиши ишида, назарий жараёндагига нисбатан кўпроқ энергия ( $l_{c,j}^D$ ) сарфлашга тўғри келади.

Демак, курилмадаги циклнинг қайтар иши:

$$l_y = \sum_{j=1}^{j=n} l_{p,j} - \sum_{j=1}^{j=n} l_{c,j} \quad (11.7)$$

Қайтмас иши эса:

$$l_y^A = \sum_{j=1}^{j=n} l_{p,j}^A - \sum_{j=1}^{j=n} l_{c,j}^A \quad (11.8)$$

ёки (11.5) ва (11.6) формулаларни эътиборга олсак:

$$l_y^A = \sum_{j=1}^{j=n} l_{p,j} \eta_{oi,j}^p - \sum_{j=1}^{j=n} \left( l_{c,j} / \eta_{oi,j}^c \right) \quad (11.9)$$

У ҳолда (11.4) формулани назарга тутган ҳолда:

$$\eta_{oi} = \frac{\sum_{j=1}^{j=n} l_{p,j} \eta_{oi,j}^p - \sum_{j=1}^{j=n} \left( l_{c,j} / \eta_{oi,j}^c \right)}{\sum_{j=1}^{j=n} l_{p,j} - \sum_{j=1}^{j=n} l_{c,j}} \quad (11.10)$$

Циклнинг ички фойдали иш коэффициенти  $\eta_j$  (11.1), (11.7) ва (11.10) формулаларни эътиборга олган ҳолда:

$$\eta_i = \eta_{oi} \eta_t = \frac{\sum_{j=1}^{j=n} l_{p,j} \eta_{oi,j}^p - \sum_{j=1}^{j=n} \left( l_{c,j} / \eta_{oi,j}^c \right)}{l_y} \cdot \frac{l_y}{q_1} = \frac{\sum_{j=1}^{j=n} l_{p,j} \eta_{oi,j}^p - \sum_{j=1}^{j=n} \left( l_{c,j} / \eta_{oi,j}^c \right)}{q_1} \quad (11.11)$$

Системани ҳар бир элементидаги йўқотилишлар, шу элементлар эффектив фойдали иш коэффициенти  $\eta_{e,j}$  билан ҳам ифодаланади. Система элементларининг барча эффектив фойдали иш коэффициентини циклнинг абсолют ички фойдали иш коэффициентларига кўпайтириб, бутун системанинг эффектив фойдали иш коэффициентини ҳосил қиласиз:

$$\eta_e = \eta_{oi} \eta_t \prod_{j=1}^{j=n} \eta_{e,j} \quad (11.12)$$

Бу ерда  $\prod_{j=1}^{j=n}$  системанинг барча  $n$  элементларидаги қайтмас йўқотилишларни характеристловчи эффектив фойдали иш коэффициенти кўпайтмаси.

$\eta_e$  фойдали иш коэффициенти системадан ажralган иссиқликнинг қанча қисми ташқи истеъмолчига берилган ва унда фойдали ишга айланганини кўрсатади:

$$l_{noi} = \eta_e q_1 \quad (11.13)$$

Маълумки,

$$\Delta q = (1 - \eta_e) \cdot q_1 \quad (11.14)$$

Катталик ишга айланмаган  $q_1$  иссиқликнинг бир қисмидир ва бу қисм со-вуклик манбаига берилаётган  $q_2$  иссиқлиқдан, ҳамда ишқаланиш, температура-

лар фарқи туфайли қурилма элементларида рўй берувчи қайтмас жараёнлар иссиқлик йўқотилиш  $\Delta q_p$ , атроф муҳитга ва бошқа йўқотилишлардан ташкил топган.

**Маълумки,**

$$\Delta q_p = l_u - l_{no} \quad (11.15)$$

бу ерда  $l_u$  – қайтар жараёнда олинган иш.

(11.1) ва (11.13) формулаларни назарда тутиб қўйидагини олиш мумкин:

$$\Delta q_p = \eta_t q_1 - \eta_e q_1 = (\eta_t - \eta_e) q_1 \quad (11.16)$$

Максимал қайтар цикл иши факат Карно циклида олиниши мумкинлиги учун системадаги эксергетик максимал йўқотилишлар  $\Delta I_p$  ( $\Delta q_p$  нинг максимал қийматига teng бўлган) қўйидагига teng:

$$\Delta I_p = q_1 (\eta_t - \eta_e) \quad (11.17)$$

ЭКТС ларда энергетик қурилмалардан фарқли, машиналар билан бир қаторда ҳеч қандай иш бажармайдиган технологик қурилмалар мавжуд. Лекин температуралар фарқи, кимёвий реакция ва бошқалар омиллар туфайли бу қурилмаларда катта йўқотилишлар бўлади. Улар, энтропия термодинамик усулида қурилманинг эффективтифойдали иш коэффициенти  $\eta_e$  аниқлананаётганда эътиборга олинади. Аммо бу йўқотилишларни аниқлаш жуда қийин, шунинг учун бу усулдан фойдаланилганда ЭКТСнинг барча элементлари машина ва технологик қурилмалар унумдорлигини баҳолаш ўта муҳимdir.

ЭКТС даги энергия йўқотилишлар қўйидагича ҳисобланади:

$$\Delta I_{\text{йук}}^{\text{ЭКТС}} = T_0 \Delta S^{\text{ЭКТС}} \quad (11.18)$$

Система энтропиясининг ўзгариши, унинг алоҳида элементларидаги энтропия ўзгаришлари йиғиндисига teng, яъни:

$$\Delta S^{\text{ЭКТС}} = \sum_{i=1}^{i=n} \Delta S_i \quad (11.19)$$

Атроф муҳит температураси  $T_0$  га кўпайтириб қўйидаги кўринишни оламиз:

$$\Delta I^{\text{ЭКТС}} = T_0 \Delta S^{\text{ЭКТС}} = \sum_{i=1}^{i=n} T_0 \Delta S_i = \sum_{i=1}^{i=n} \Delta I_i \quad (11.20)$$

яъни бутун системанинг энергия йўқотилиши, унинг алоҳида элементларидаги энергия йўқотилишлар йиғиндисига teng.  $\Delta I_i$  нинг топилган қийматлари ЭКТСни қайси элементларидаги қайтмас жараёнлари  $\Delta I^{\text{ЭКТС}}$  га кўпроқ таъсир этишини кўрсатади. Демак, бу элементлардаги қайси жараёнлар биринчи на-вбатда мукаммалаштирилиши зарурлигини кўрсатади.

**Эксергетик усул.** ЭКТСларини термодинамик таҳлил қилишнинг эксергетик усули эксергиядан фойдаланишга асосланган. Модда эксергияси бу иссиқлик манбаи ҳисобланган атроф муҳит билан содир бўлувчи қайтар жара-

ёнда модда бажарган максимал ишдир. Бу жараён ниҳоясида модданинг барча турлари атроф мұхитнинг ҳамма компонентлари билан термодинамик мувоза-нат ҳолатига ўтиши зарур.

Эксергетик усул энергиянинг ЭКТС да турлича ўзгариши жараёнларини термодинамик таҳлил қилишнинг универсал йўлидир. Барча ҳақиқий жараёнлар қайтмасдир ва бу жараёнлар мукаммаллигини пасайтирувчи омилдир. Қайтмаслик энергия йўқотилиши туфайли эмас, балки унинг сифати пасайиши туфайлидир, чунки қайтмас жараёнларда энергия йўқолмайди. Масалан, ишчи жисмнинг дросселланиши унинг энергиясини ўзгартирмайди ( $i_1-i_2$ ), балки унинг иш бажариш яроқлилигини ёки иссиқлик алмашиниш курилмаларида ишлатиш имконини пасайтиради. Шундай қилиб, ҳар бир қайтмас жараён – энергия йўқотилишидир. ЭКТСни термодинамик таҳлил қилишнинг эксергия усулини универсаллиги шундаки, таҳлил қилинаётган системанинг характеристири (масалан, ёпиқ ёки очиқ) принципиал аҳамиятга эга эмас: масалани ечишга ёндашиш ва уни ечиш усули ўзгармайди. ЭКТС ни термодинамик таҳлил қилишнинг эксергетик усулида системанинг барча элементлари алоҳида мустақил система деб қаралади. ЭКТС ҳар бир элементнинг унумдорлигини баҳолаш, бу элементта қиришдаги эксергияни, ундаги қайтмас жараёнлар туфайли содир бўлувчи эксергия йўқотилиши билан солиштириш орқали бажарилади. Шундай қилиб, тадқиқот қилинаётган ЭКТС-нинг ҳар бир элементдаги эксергия йўқотилишларини аниқлашда ундаги жараёнлар мукаммал эмаслик сабаблари аниқланади ва миқдоран баҳоланади. Бу эса, ўз навбатида, барча элементлар мукаммаллигини ошириш имкони ҳақида маълумот беради ва натижада энг мукаммал ЭКТС яратилади.

Эксергетик усулнинг амалий қўлланилишига оид перспектив изланишлар ТошДТУ ни “Совитиш компрессор машиналари ва қурилмалари” кафедрасида проф. Зокиров С.Г. ва ходимлари томонидан олиб борилмоқда.

### 11.3. Эксергия турлари

Эксергия асосан қўйидаги икки турга бўлинади:

Энтропия билан ифодаланмайдиган, энергиянинг ўзидан иборат эксергия, яъни  $e=\dot{E}$  (механик, электрик ва бошқа энергиялар) ва энтропия билан ифодаланувчи эксергия, яъни  $e \geq \dot{E}$  (ички энергия, нурланиш энергияси, термомеханик, кимёвий эксергиялар). Иккинчи тур эксергия, ўз навбатида, ёпиқ ҳажмдаги модда эксергияси, модда оқими эксергияси ва энергия оқими эксергиясига бўлинади. Ёпиқ ҳажмдаги модда эксергияси термомеханик (физик), кимёвий ва нурланиш эксергияларидан иборат. Модда оқими эксергияси термомеханик ва кимёвий (ноль) эксергиядан иборат. Энергия оқими эксергияси иссиқлик оқими ва нурланиш эксергиясидан иборат.

**Ёпиқ ҳажмдаги модда эксергияси -  $e_e$ .** Бу эксергия ёпиқ системалар учун кўрилади. Ёпиқ ҳажмдаги модда термомеханик эксергиясини, яъни бошланғич параметрлари  $p$ ,  $v$ ,  $T$ ,  $u$ ,  $i$ ,  $s$  бўлган модданинг атроф мұхит билан мувозанатга қайтар жараёнда ўтишидаги максимал ишни аниқлаймиз. Мувозанат ҳолатига атроф мұхит параметрлари  $p_0$ ,  $v_0$ ,  $T_0$ ,  $u_0$ ,  $i_0$ ,  $s_0$  га эришади. Модда атроф мұхит билан мувозанат ҳолатига ўтиши учун унинг ички энергияси иссиқлик олиш (ёки бериш) ёки ташқи иш бажариш ҳисобига ўзгартирилиши зарур, чунки термодинамиканинг биринчи қонунига кўра  $du=\delta_q-\delta_i$ .

Қайтар жараёнда моддага иссиқлик бериш ёки ундан иссиқликнинг атроф мұхитга тарқалиши – мұхит температурасига тенг бўлган, яъни  $\delta q=T_0 dS$  ўзгармас температурада амалга ошади. Бунда ёпиқ ҳажмдаги модда эксергияси

$de_v$ , иш  $\delta l$  ва модданинг атроф мұхит босимини енгишта сарфлаган иши  $p_0 dv$  айрмасига тенг, яъни

$$de_v = \delta l - p_0 dv = \delta q - du - p_0 dv = T_0 dS - du - p_0 dv \quad (11.21)$$

ёки интеграллашдан сўнг

$$e_v = T_0(S_0 - S) - (u_0 - u) - p_0(v_0 - v) = (u - u_0) - T_0(S - S_0) + p_0(v - v_0) \quad (11.22)$$

Моддани ўраб турган ушбу мұхит учун  $p_0$ ,  $v_0$ ,  $T_0$ ,  $u_0$  ва  $S_0$  катталиклар ўзгәргесінде бүлгани учун (11.22) тенгламани қуйидагича ёзиш мүмкін:

$$e_v = u - T_0 S + p_0 v + c \quad (11.23)$$

бу ерда  $c = -u_0 + T_0 S_0 - p_0 v_0 = \text{const}$  ва демак,  $e_v$  катталик модда ва мұхит ҳолатининг параметри – эксергетик функцияя экан.

**Модда оқими термомеханик эксергияси.** Бу эксергияни аниқлаш учун модданинг  $p$ ,  $v$ ,  $T$ ,  $u$ ,  $i$ ,  $S$  параметрлерди ҳолатидан  $p_0$ ,  $v_0$ ,  $T_0$ ,  $u_0$ ,  $i_0$ ,  $S_0$  параметрлерди атроф мұхит билан мувозанат ҳолатига қайтар жараёнда ўтиш максимал ишини ҳисоблаш зарур. Табиийки, модда оқимининг эксергияси  $e$  ёпиқ ҳажмдаги модда эксергиясидан  $e_v$  оқимни ҳаракатлантиришига сарфланған иш миқдорига фарқ қиласы. Ҳолатни түлиқ ўтартырыш учун бу иш  $p v$  иши билан мұхит қаршилигини енгиш иши  $p_0 v$  айрмасига тенг:

$$p v - p_0 v = v \cdot (p - p_0) \quad (11.24)$$

Демак, модда оқими эксергияси

$$e = e_v + v \cdot (p - p_0) \quad (11.25)$$

(11.25) формуладаги  $e_v$  ўрнига унинг (11.24) даги қийматини қўйсак, қуйидагини оламиш:

$$e = i - T_0 S + C \quad (11.26)$$

бу ерда  $e$  ҳам  $e_v$  каби эксергетик функциядир, чунки унинг қиймати модда ва мұхит параметрлари билан ифодаланади.

Одатда, ҳисоблашларда  $\Delta e_v$  ва  $\Delta e$  катталиклар айрмаси системанинг иккى ҳолатида аниқланади. Бу ҳолда  $\Delta e_v$  ва  $\Delta e$  лар мос равишда қуйидагича бўлади:


$$\Delta e_v = \Delta u - T_0 \Delta S + p_0 \Delta v \quad (11.27)$$

$$\Delta e = \Delta i - T_0 \Delta S \quad (11.28)$$

Шуни назарда тутиш лозимки, ёпиқ ҳажмдаги модда эксергияси атроф мұхитга температура ва босим орқали боғлиқ; атроф мұхит таркиби эса, аҳамиятта эга эмас.

**Кимёвий эксергия -  $e_0$ .** Бу эксергия модда ва атроф мұхиттінг тегишли компонентлари ўртасидаги кимёвий потенциаллар мувозанати билан бөлиб,  $p_0$  ва  $T_0$  да мувозанат ўрнатылыш қайтар жараёндаги олинниши мүмкін бўлган иш миқдори билан ўлчанади. Шуни ёлда тутиш лозимки, модданинг атроф мұхит билан масса алмашиниш жараёнлари доимо ҳам кимёвий реакциялар воситасида бўлавермайди; бунга мисол ажратиш, аралашибиш ва эриш жараёнларидир. Кимёвий реакторларда кимёвий эксергия асосий жараён бўлиб ҳисобланади.  $e_0$  ни аниқлаш учун атроф мұхит таркибини билиш зарур. Лекин атроф мұхит таркиби кўп жинслилиги учун  $e_0$  нинг абсолют қийматини ҳисоблаш аниқлиги  $e$  ва  $e_0$  ларникidek эмас. Амалиётда  $e_0$  ни ҳисоблашда маълум соддалаширишлар қилиниши зарур.

Кимёвий ўзгаришлардаги кимёвий (ноль) эксергияни ҳисоблайлик. Кимёвий реакторда қуйидаги реакция бораётган бўлсин:



бу ерда,  $V_1, V_2, \dots$  ва  $V'_1, V'_2, \dots$  дастлабки  $A_1, A_2, \dots$  моддалар ва олинувчи  $A'_1, A'_2, \dots$  моддаларнинг стехиометрик коэффициентлари.

Мухандислик амалиётида кимёвий реакторларда бораётган кимёвий ўзгаришлар учун ноль эксергия модда оқими эксергияси  $e$  ни аниқлаш формуласи (11.26) асосида ҳисобланади.

Агар реакция  $T=298\text{K}$  температурада кечса, у ҳолда эксергия  $E_{xp}$  (кЖ/моль) қуйидагича аниқланади:

$$E_{xp} = \Delta Z_{298}^0 - \sum_j E_{0,j} \quad (11.30)$$

бу ерда

$$\Delta Z_{298}^0 = \sum_i V_i (\Delta Z_{298}^0)_i - \sum_i V'_i (\Delta Z_{298}^0)'_i = \sum_i V_i (\Delta f_{298}^0)_i - \sum_i V'_i (\Delta f_{298}^0)'_i - T_0 \left[ \sum_i V_i (S_{298}^0)_i - \sum_i V'_i (S_{298}^0)'_i \right]$$

бу ерда  $\Delta Z_{298}^0 - T = 298K$  - стандарт изобар-изотермик потенциал, кЖ/моль;  $(\Delta H_{298}^0)$  ва  $(\Delta H_{298}^0)'$  - реакцияни бошланиш ва охиридаги ташкил этувчиликларининг стандарт қийматлари, кЖ/моль;  $(S_{298}^0)$  ва  $(S_{298}^0)'$  - реакцияни бошланиш ва охиридаги энтальпияларнинг стандарт абсолют қийматлари, кЖ/моль;  $\sum_j E_{0,j}$  -  $p_0$  ва

$T_0$  да олинган реакцияда иштирок этувчи қўшимча моддалар [(11.29) тенгламанинг чап қисми] кимёвий (ноль) эксергиясининг йигиндиши (масалан,  $\text{CaCO}_3$  ни олиш реакциясида  $\text{Ca} + 0,5\text{O}_2 + \text{CO}_2 = \text{CaCO}_3$  тенглама бўйича қўшимча модда бўлиб  $\text{O}_2$  ва  $\text{CO}_2$  лар ҳисобланади).

Қўшимча моддалар кимёвий (ноль) эксергиясини аниқлаш услуби ва уларнинг энг кўп тарқалган ноорганик бирикмасининг элементлари учун қийматлари маҳсус адабиётда берилган.

**Иссиклик оқими қ эксергияси -  $e_q$ .** Бу эксергия қуйидаги тенгламадан аниқланади:

$$e_q = \sum_{i=1}^{i=n} \delta q_i \frac{T_i - T_0}{T_i} = \sum_{i=1}^{i=n} \delta q \tau e_i \quad (11.31)$$

бу ерда  $\tau_e = 1 - (T_0 / T)$  - эксергетик температура функцияси деб аталувчи катталилк.

Хусусий  $T=idem$ ,  $\tau_e=1-(T_0/T)=idem$  ҳолда (11.31) формулани қуйидагида ёзиш мүмкін:

$$e_q = q \cdot \tau_e \quad (11.32)$$

маълумки  $\tau_e$  функция универсал аҳамиятга эга: у ёпиқ ва очиқ термодинамик жараёнларнинг максимал эксергиясини аниқлаш учун яроқли.

Оқим термомеханик эксергиясининг ўзгармас босимдаги энталпия бўйича хусусий ҳосиласи  $\tau_e$  га тенг:

$$\left( \frac{\partial e}{\partial i} \right)_p = \tau_e \quad (11.33)$$

$(di)_p = dq_p$  ёки  $(\Delta i)_p = q_p$  бўлган учун (11.31) ва (11.32) тенгламалардан

$$(\Delta e)_p = (\Delta i)_p \tau_e = q_p \tau_e = (e_q)_p \quad (11.34)$$

экани маълум бўлади, яъни изобар жараёндаги ишчи жисм оқими эксергиясининг ўзгариши шу жараён билан боғлиқ иссиқлик оқими эксергиясига тенг. Демак, ўзгармас босимда содир бўлаётган иссиқлик алмашиниш жараёнларида иссиқлик оқими эксергиясини модда оқими эксергияси айирмаси  $\Delta e$  дан аниқлаш мүмкін. Бу ҳисоб ишларини анча осонлаштиради, чунки бевосита  $e_q$  ни ҳисоблаш, масалан ўзгарувчан температурада, жуда мураккабдир.

**Нурланиш эксергияси -  $e_\varepsilon$ .** Бу эксергия нурланиш атроф мухит билан мувозанат ҳолатига келиши ( $T_0$ ) да қайтар жараёндаги максимал иш билан ифодаланади. Уни қуйидаги тенгламадан ҳисоблаб топиш мүмкін:

$$e_\varepsilon = \varepsilon C_0 \left\{ \left( \frac{T}{100} \right)^4 - \left( \frac{T_0}{100} \right)^4 - \frac{4}{3} T_0 \left[ \left( \frac{T}{100} \right)^3 - \left( \frac{T_0}{100} \right)^3 \right] \right\} \quad 11.35$$

бу ерда  $\varepsilon$  - юзанинг қоралик даражаси;  $C_0$  – абсолют қора жисмнинг нурланиш коэффициенти.

#### 11.4. Эксергетик ҳолат диаграммалари

Энерготехнологик системаларни термодинамик таҳлил қилишда эксергетик диаграммалар кенг қўлланади: улардан турли модда ва аралашмаларнинг  $e$ ,  $e_q$  катталиклари ва бу уларнинг ташкил этувчилари, берилган  $T$  ва  $T_0$  ларда  $\tau_e$  нинг қийматлари аниқланади, ҳамда ҳисоблаш ишлари кўргазмали ва содда бажарилади. Эксергетик диаграммалардан  $e=idem$  чизиқли  $i-S$  ва  $T-S$  – диаграммалар, ҳамда  $e-i$  – диаграмма кенг тарқалган.  $T_n^*$  ҳарфи орқали нормал қайнаш температурасини белгилаймиз.


11.1 – расмда  $e=idem$  чизиқли  $i-S$  – диаграммалар келтирилган: Саноқ боши нуқтаси (ноль ҳолат) фақаттина  $T_0$  параметр билан, айрим ҳоллардагина  $p_0$  билан белгиланади. Бу диаграммадан кўриниб турибдики, берилган термодинамик ҳолат учун модда эксергияси  $e=idem$  тўғри чизиқлар тўри ёрдамида аниқланади.  $e=0$  чизигидан юқорида мусбат ишорали эксергия соҳаси ( $e>0$ ), пастда – манфий қийматлар ( $e<0$ ) жойлашган.

11.2-расмда ҳавонинг  $e=idem$  чизиқли  $e-i$  – диаграммаси тасвирланган; ундаги  $e$  чизиқлари 11.1 – расмдагидан фарқли ноэвидистант чизиқлардир (нам буф соҳаси бундан мустасно).

11.2 – расмда  $T_0 > T_H$  учун  $e-i$  – диаграмма тасвирланган. Ноль нүкта  $p_0$  изобара чизиги билан ўта қызиган буғ газ соҳасидаги  $T_0$  изотерма чизигининг кесишигандыкта нүктаси орқали белгиланади. Агар изотерма ва изобаранинг кесишигандыкта нүктасига уринма ўтказилса, у ҳолда уринма бурчаги тангенснинг  $\alpha$  қиймати эксергетик температура функцияси  $\tau_e$  га тенг бўлади, чунки (11.33) формулага кўра:

$$\tau_y = \left( \frac{\partial e}{\partial i} \right)_p = \operatorname{tg} \alpha_p \quad (11.36)$$

бунда 3 та ҳол бўлиши мумкин: агар  $T > T_0$ , у ҳолда  $\operatorname{tg} \alpha_p > 0$  ва демак,  $\tau_e > 0$ ; агар  $T < T_0$ , у ҳолда  $\operatorname{tg} \alpha_p < 0$  ва  $\tau_e < 0$ ; агар  $T = T_0$ , у ҳолда  $\operatorname{tg} \alpha_p = 0$  ва  $\tau_e = 0$ .




11.1-расм. Бугнинг  $e=i_{\text{dem}}$  чизиқлари тортилган

$i-S$  – диаграммаси.

а)  $T_0 > T_H$ ; б)  $T_0 = T_H$

$e-i$  – диаграмма ёрдамида бажарилган ишни, очик цикл ва жараёнларнинг бошқа характеристикаларини топиш мумкин.



11.2-расм. Ҳавонинг  $e=i_{\text{dem}}$  чизиқлари тортилган  $e-i$  – диаграммаси.

### 11.5. Эксергетик йўқотилиши турлари

Энтропия билан ифодаланмайдиган эксергиянинг йўқотилишиларини аниқлаш қийин бўлмаганлиги учун, бу параграфда энтропия билан ифодаланувчи эксергия йўқотилишилари қўриб чиқилади.

Иссиклик алмашиниш қурилмаси эксергия йўқотилишилари –  $D_{tc}$ .

Бу йүқотилишлар асосан 4 хил бўлади: температуралар фарқи туфайли йўқотилишлар  $D_T$ ; гидравлик қаршилик туфайли йўқотилишлар; атроф мухит билан иссиқлик алмашиниш туфайли йўқотилишлар; ЭКТС иссиқлик алмашиниш қурилмаларида йўқотилишлар. Охириг тур йўқотилишлар ЭКТС иссиқлик алмашиниш қурилмаларида одатда йўқотилишлар жуда кичик бўлгани учун уларни эътиборга олмаса ҳам бўлади. Демак:

$$D_{Te} = D_T + D_p + D_{oc} \quad (11.37)$$

Иссиқлик алмашиниш қурилмасидаги температуралар фарқи туфайли рўй берувчи йўқотилишлар қўйидагига тенг:

$$D_T = E_q^B - E_q^A = m_B e_{qb} - m_A e_{qA} = \sum \delta q \Delta \tau_e = Q \Delta \bar{\tau}_e \quad (11.38)$$

бу ерда  $E_q^B$  ва  $E_q^A$ -мос равища  $B$  ва  $A$  иссиқлик элткичларнинг иссиқлик оқимлари эксергиялари;  $m_B$  ва  $m_A$  – мос равища  $B$  ва  $A$  иссиқлик элткичларнинг массалари;  $e_{qb}$  ва  $e_{qA}$  мос равища  $B$  ва  $A$  иссиқлик элткичларнинг нисбий иссиқлик оқимлари эксергиялари.

Ўзгарувчан температураларда  $D_T$  ни ҳисоблаш қийинлиги учун (11.34) формула хулосасидан фойдаланиш зарур, чунки ЭКТС иссиқлик алмашиниш қурилмаларида жараёнлар деярли ўзгармас босимларда кечади. Демак, (11.39) формула ўрнига қўйидагини ёзсанк ўринли бўлади:

$$D_t = E_q^B - E_q^A = m_B e_{qb} - m_A e_{qA} = m_B \Delta e_B - m_A \Delta e_A \quad (11.39)$$

бу ерда  $\Delta e_B$  ва  $\Delta e_A$  – мос равища  $B$  ва  $A$  иссиқлик элткичлар эксергия оқимларининг ўзгариши.

Иссиқлик алмашиниш жараёни фазанинг агрегат ҳолати ўзаришлари билан борса, яъни ўзгармас  $T_B$  ва  $T_A$  температураларда, жараёнлар содир бўладиган иссиқлик алмашиниш қурилмаларида, масалан, буглаткич-конденсатордаги йўқотилишлар  $D_T$  қўйидагича аниқланишини мумкин:

$$D_t = E_q^B - E_q^A = Q \tau_{eb} - Q \tau_{eA} = Q(\tau_e^B - \tau_e^A) = Q \left[ \left( 1 - \frac{T_0}{T_B} \right) - \left( 1 - \frac{T_0}{T_A} \right) \right] = Q T_0 \left( \frac{1}{T_A} - \frac{1}{T_B} \right) \quad (11.40)$$

(11.40) формуладаги ўзгарувчан температураларни иссиқлик элткичларнинг ўргача интеграл температура  $T_B$ ,  $T_A$  ларга алмаштирилса, ундан барча иссиқлик алмашиниш қурилмаларини ҳисоблашда фойдаланса бўлади.

Юқорида келтирилган формулалардан маълум бўлдики, иссиқлик алмашиниш қурилмаларида температуралар фарқи қанчалик кичик бўлса, ундаги эксергия йўқотилишлари шунчалик кам бўлади.

Гидравлик қаршиликлар туфайли рўй берадиган эксергия йўқотилишлари  $D_p$  иссиқлик алмашиниш қурилмаларида иссиқлик элткичлар ҳаракати сабаблидир. Агар, иссиқлик ташувчи элткичлар ҳаракатига ишқаланиш кучлари қаршилик кўрсатмагандан эди, у ҳолда  $D_p=0$ . Иссиқлик алмашиниш қурилмаларида иссиқлик элткичларни ҳаракатлантиришга сарфланувчи иш пуркаш ёки ҳайдаш қурилмаларининг (компрессор ва насослар) ишига тенг бўлгани учун:

$$D_p = L_A + L_B \quad (11.41)$$

бу ерда  $L_A$  ва  $L_B$  – мос равища  $A$  ва  $B$  иссиқлик элткичларни ҳайдовчи қурилманинг иши.

Атроф мұхит билан иссиқлик алмасынан туфайли рүй берувчи эксергия йүқотилиши  $D_0$  машина ва қурилмалар иссиқлик қопламаси билан атроф мұхит иссиқлик алмашғанда ўринилдір. Демек, иссиқлик қопламасынинг мұкаммаласын туфайли рүй берувчи эксергия йүқотилишлари  $D_{0C}$  қүйидаги формуладан аникланады:

$$D_{0C} = m_A e_q^A + m_B e_q^B = m_A q_A \bar{\tau}_{eA} + m_B q_B \bar{\tau}_{eB} = m_A q_A \left( 1 - \frac{T_0}{T_{usA}} \right) + m_B q_B \left( 1 - \frac{T_0}{T_{usB}} \right) \quad (11.42)$$

бу ерда  $q_A$  ва  $q_B$  –  $A$  ва  $B$  иссиқлик әлткічлардан иссиқлик қопламаси орқали атроф мұхит ёки тескәри йұналишда (иссиқлик әлткічлар температуралари атроф мұхит температурасы  $T_0$  дан кічік бўлганда) тарқалаётган иссиқлик оқимининг зичлеклари;  $T_{usA}$  ва  $T_{usB}$  – мос равища  $A$  ва  $B$  иссиқлик әлткічларни ташқи иссиқлик қопламасынинг ўргача интеграл температуралари. (11.42) формуладан кўриниб турибдики  $T_{us} \rightarrow T_0$  бўлганда,  $D_{0C} \rightarrow 0$ .

**Реакторда кимёвий реакция туфайли рүй берувчи эксергия йүқотилишлари** –  $D_{xp}$ . Ўзгармас температура ва босимда содир бўлувчи экзотермик реакцияни кўрайлик. Реакция иссиқлиги биронта – бир жисмга (ўша температурадаги) узатилаётган бўлсин. У ҳолда кимёвий реактордаги энтропия ўзгариши:

$$\Delta S_{xp} = \Delta S + \Delta S_T \quad (11.43)$$

бу ерда  $\Delta S$  ва  $\Delta S_T$  – мос равища реакция бораётган система ва бошқа жисмдаги энтропия ўзгариши.

Агар, ўзгармас босимда ҳажми ўзгарувчи системадаги иш фақат реакция туфайлигина бажарилса, у ҳолда бошқа жисмга бериладаётган иссиқлик шу система энтальпиясининг камайишига тенг, яни  $(-\Delta i)$  ва юқоридаги тенглама қўйидагича ёзилиши мумкин:

$$\Delta S_{xp} = -\Delta S + \frac{\Delta i}{T} = \frac{-T\Delta S + \Delta i}{T} = \frac{\Delta Z}{T} \quad (11.44)$$

ва қайтмас йүқотилишлар, яни эксергетик йүқотилишлар

$$D_{xp} = T_0 \Delta S_{xp} = \frac{T_0 \Delta Z}{T} \quad (11.45)$$

Демак, ўзгармас температура ва босимда борувчи, кимёвий реакция нағтижасида ҳосил бўлувчи энтропия, изобар-изотермик потенциал ўзгаришининг реакция температураси нисбатига тенг; бу жараённинг эксергетик йүқотилиши эса, энтропияни атроф мұхит температураси кўпайтмасига тенг.

Иссиқлик машинаси, компрессор ва насослардаги эксергия йүқотилишлар бевосита шу машиналар учун тузилган эксергетик балансдан топилади. Бу масала §11.10 да батафсил кўрилади.

## 11.6. ЭКТС ва элементларининг эксергетик баланси ва фойдали иш көзғишиенти

ЭКТС лар таҳлил қилинаётганда биринчи навбатда моддий ва иссиқлик баланслари, сўнгра эксергетик баланс тузилади.

Иссиқлик баланси ЭКТС ни идеалга яқинлигини, унинг термодинамик мукаммаллигини күрсатмайды. Иссиқлик балансидан фарқли равищада эксергетик баланс ЭКТС даги қайтаслик туфайли содир бўладиган йўқотилишларни зътиборга олади ва шу тариқа системанинг идеал системага яқинлик даражасини кўрсатади; идеал системанинг эксергетик ф.и.к. бирга тенг.

Баланслар тузилишдан аввал таҳлил этилувчи система бошқа обьектлардан ҳаёлан назорат юза орқали ажратилади, ундан ўтувчи барча модда ва энергия оқимлари эксергетик балансга киритилади.

**m** кг модда учун вақт бирлиги ёки маълум давр ичидаги ЭКТС эксергетик баланси қўйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\sum_{i=1}^{i=n} E_{1,i} = \sum_{i=1}^{i=n} E_{2,i} + \sum_{i=1}^{i=n} L_i + \sum D_i \quad (11.46)$$

ёки

$$\sum_{i=1}^{i=n} D_i = \sum_{i=1}^{i=n} E_{1,i} - \left( \sum_{i=1}^{i=n} E_{2,i} + \sum_{i=1}^{i=n} L_i \right) \quad (11.47)$$

бу ерда  $\sum_{i=1}^{i=n} E_{1,i}$  ва  $\sum_{i=1}^{i=n} E_{2,i}$  ЭКТС га кирувчи ва чикувчи эксергия йигиндилари;

$\sum_{i=1}^{i=n} L_i$  – ЭКТС ларда бажарилувчи ишлар йигиндиси;  $\sum_{i=1}^{i=n} D_i$  – ЭКТС даги эксергетик йўқотилишлар йигиндиси.

Очиқ системаларда эксергия  $E_v = 0$ . Система чегаралари орқали масса алмашиниш бўлмаган ёпиқ системаларда модда оқими эксергияси ва кимёвий

эксергия қийматлари нолга тенг. Лекин даврі.й кимё реакторларида кимёвий эксергия асосий ҳисобланади.

Эксергетик баланс асосида ЭКТС ва унинг айрим қисмларининг нисбий ёки абсолют характеристикалари аниқланади.

ЭКТС элементларининг эксергетик балансларини кўрайлик. Ҳар қандай ЭКТС машина ва қурилмалардан ташкил топади.

Ҳар қандай машинанинг эксергетик баланси 11.3 – расмда тасвирланган схема асосида тузилади:

**m** кг модда учун

$$\sum_{i=1}^{i=n} E_{1,i} = \sum_{i=1}^{i=n} E_{2,i} + L + D \quad (11.48)$$

$D=0$  да

$$L = \sum_{i=1}^{i=n} E_{1,i} - \sum_{i=1}^{i=n} E_{2,i} \quad (11.49)$$

яъни қайтар жараёнда машина бажарган иш ёки ҳаракатлантиришга сарфланган иш, унга кириш ва чиқишдаги эксергия ўзгаришига тенг.

1 кг модда учун ҳам машинанинг эксергетик баланси шунга ўхшаш ёзилади:

$$\sum_{i=1}^{i=n} e_{1,i} = \sum_{i=1}^{i=n} e_{2,i} + l + d \quad (11.50)$$

ЭКТС нинг ҳар қандай қурилмаси учун эксергетик баланс қўйидагича ёзилади:

т кг модда учун

$$\sum_{i=1}^{i=n} E_{1,i} = \sum_{i=1}^{i=n} E_{2,i} + D \quad (11.51)$$

1 кг модда учун

$$\sum_{i=1}^{i=n} e_{1,i} = \sum_{i=1}^{i=n} e_{2,i} + d \quad (11.52)$$

$$D = 0 \text{ бўлганда, } \sum_{i=1}^{i=n} E_{1,i} = \sum_{i=1}^{i=n} E_{2,i}, \text{ яъни қурилмада қайтар жараён бор-}$$

ганда, ундаги модда эксергияси ўзгармайди.

Табиийки, эксергия йўқотилишлари қанчалик кам бўлса, ЭКТС ва элементларининг мукаммаллик даражаси шунчалик юқоридир. Шунинг учун ЭКТС ва унинг элементларини мукаммаллик даражаси, эксергетик балансдан аниқланувчи, эксергетик ф.и.к. билан ифодаланади:  
ЭКТС учун

$$\eta_{ex} = \frac{\sum_{i=1}^{i=n} E_{2,i} + \sum_{i=1}^{i=n} L_i}{\sum_{i=1}^{i=n} E_{1,i}} = \frac{\sum_{i=1}^{i=n} E_{1,i} - \sum_{i=1}^{i=n} D_i}{\sum_{i=1}^{i=n} E_{1,i}} \quad (11.53)$$

машиналар учун

$$\eta_{ex} = \frac{\sum_{i=1}^{i=n} E_{2,i} + L}{\sum_{i=1}^{i=n} E_{1,i}} = \frac{\sum_{i=1}^{i=n} E_{1,i} - D}{\sum_{i=1}^{i=n} E_{1,i}} \quad (11.54)$$

курилмалар учун

$$\eta_{ex} = \frac{\sum_{i=1}^{i=n} E_{2,i}}{\sum_{i=1}^{i=n} E_{1,i}} = \frac{\sum_{i=1}^{i=n} E_{1,i} - D}{\sum_{i=1}^{i=n} E_{1,i}} \quad (11.55)$$

ЭКТС ва унинг элементлари учун эксергетик ф.и.к., эксергия йўқотилишлари бўлмаганда,  $\sum_{i=1}^{i=n} D_i = 1$  га тенг.

## 11.7. Эксергетик унумдорлик ва қувват

Эксергия ҳар қандай ЭКТС нинг эксергетик балансига киругчи энергиянинг турли оқимларини баҳолаш имконини бергани учун системани характерловчи умумлашган катталикларни ҳосил қилиш мумкин. Бундай умумлашган катталик бўлиб эксергетик унумдорлик ва ЭКТС нинг қуввати ҳисобланади. ЭКТС берувчи унумдорликни ифодаловчи барча эксергияларнинг алгебраик йигинди ЭКТС нинг эксергетик унумдорлиги  $\sum E_{\text{ex}}$  дейилади.  $\sum E_{\text{ex}}$  катталиктини вакт  $\tau$  га бўлган нисбати ЭКТС нинг эксергетик унумдорлиги дейилади:

$$N_{\text{ex}} = \frac{\sum E_{\text{ex}}}{\tau} = \sum E_{\text{ex}} \quad (11.56)$$

Эксергетик қувватнинг кимё технологиясидаги энергетик қурилмалар учун аниқ ифодаларини қўрайлик.

Маълумки, ИЭМ (иссиқлик электр энергия марказлари) электр энергия ва иссиқликни бир вақтда ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Демак, ИЭМ эксергетик қуввати қуидаги формуладан аниқланади:

$$N_{\text{ex}} = N_{\text{ex}} + \sum (m_{ni} e_{qni} - m_{ki} e_{qki}) \quad (11.57)$$

бу ерда  $N_{\text{ex}}$  - ИЭМ электр нетто қуввати;  $m_{ni}$  ва  $e_{qni}$  - мос равишда иссиқлик таъминотига узатилаёттан бут миқдори ва эксергияси;  $m_{ki}$  ва  $e_{qki}$  - ИЭМ таъминотига узатилаёттан бут миқдори ва эксергияси.

Компрессор газ (буғ) босимини оширишга мўлжалланган, демак, унинг унумдорлиги сиқиш жараёнида газ (буғ) эксергиясини ортиши билан баҳоланиши керак. Шунинг учун компрессорнинг эксергетик қуввати, сиқиш иссиқлигидан фойдаланилмаганда, қуидагича аниқланади:

$$N_{\text{ex}} = \sum m_i \Delta e_i \quad (11.58)$$

агар сиқиш жараёнида ҳосил бўлаётган иссиқлик технологик мақсадларда ишлатилса:

$$N_{\text{ex}} = \sum m_i \Delta e_i + m_b \Delta e_b \quad (11.59)$$

бу формуласарда:  $m_i$  - сиқилаётган газ (буғ) миқдори;  $\Delta e_b$  - совуткичлардаги совутувчи муҳит (буғ, ҳаво, газ) эксергиясининг ортиши;  $m_b$  - совутувчи муҳитнинг сарфи.

Иссиқлик насоси ва совитиш машинасидан иборат иссиқлик ва соvuқлик олувчи комбинациялашган қурилманинг эксергетик қуввати:

$$N_{\text{ex}} = \sum \dot{E}_{qi} + \sum \dot{E}_{qxi} \quad (11.60)$$

бу сарда  $\sum \dot{E}_{qi}$  ва  $\sum \dot{E}_{qxi}$  иссиқ ва совуқ оқимлар эксергетик қувватларининг йигинди.

Одатда, иссиқлик ва совуқлик оқимлари истеъмолчига ўзгармас босимда, иссиқлик алмашиниш қурилмаларидаги иссиқлик ва совитиш элткілары орқали узатилгани учун,  $\sum \dot{E}_{qi}$  ва  $\sum \dot{E}_{qx_i}$  лар иссиқлик ва совуқлик элткілар эксергиялари ўзгариши орқали ифодаланиши мумкин, яъни

$$N_{ex} = \sum m_i \Delta e_i + \sum m_{xi} \Delta e_{xi} \quad (11.61)$$

бу ерда  $\Delta e_i$  ва  $m_i$  - мос равиша иссиқлик элткіч эксергиясининг ўзгариши ва унинг сарфи.

Эксергетик қувват ЭКТС эксергетик ф.и.к.ни аниклаш имконини беради ва системани оптималлаштириш критерийлари сифатида ишлатилади.

### 11.8. Термодинамик системалар энергетик ва эксергетик характеристикалари ўргасидаги боғлиқлик

**Иссиқлик алмашиниш қурилмаси.** Бу қурилма энергетик фойдали иш коэффициенти  $\eta_e = L/Q_1$  ва эксергетик фойдали иш коэффициенти  $\eta_{ex} = E_{ex}/E_{sum} = A_{ex}/A_{sum}$  билан характерланиши мумкин. Иссиқлик кучланиш қурилмасининг унумдорлиги электр ёки механик иш  $L$  билан ифодаланиши мумкин, яъни,  $A_{ex} = L$ . Сарфлар эса иссиқлик эксергияси билан ифодаланади  $A_{sum} = E_{sum} = E_q = Q_1 \cdot \tau_e$ . Демак:

$$\eta_{ex} = \frac{L}{Q_1 \tau_e} \quad (11.62)$$

(11.62) формула ёрдамида энергетик фойдали иш коэффициенти куйидагича ёзилиши мумкин:

$$\eta_e = L/Q_1 = \eta_{ex} Q_1 \tau_e / Q_1 = \eta_{ex} \tau_e \quad (11.63)$$

**Совитиш қурилмаси.** Бу қурилма совитиш коэффициенти  $\varepsilon = Q_x/L$  ва эксергетик фойдали иш коэффициенти  $\eta_{ex} = A_{ex}/A_{sum}$  билан характерланиши мумкин. Бу қурилмада  $A_{ex}$  катталик совуқ оқимлар эксергиясини, яъни  $A_{ex} = E_{qx}$  сарф эса,  $A_{sum} = L$  демак:

$$\eta_{ex} = \frac{E_{qx}}{L} = \frac{Q_x \tau_{ex}}{L} \quad (11.64)$$

(11.64) формулада  $Q_x/L = \varepsilon$  бўлгани учун

$$\varepsilon = \frac{\eta_{ex}}{\tau_{ex}} \quad (11.65)$$

Агар совитиш қурилмаси  $Q_1$  иссиқлик оқими ҳисобига ишласа, у ҳолда  $A_{sum} = E_{q1} = Q_1 \cdot \tau_e$ , демак,

$$\eta_{ex} = A_{ex}/A_{sum} = Q_x \bar{\tau}_{ex} / (Q_1 \tau_e) \quad (11.66)$$

**Иссиқлик насоси.** Бу қурилма иссиқлик коэффициенти  $\varphi = Q_2/L$  ва эксергетик фойдали иш коэффициенти  $\eta_{ex} = A_{\text{эф}}/A_{\text{зат}}$  билан характерланади. Иссиқлик насосида  $A_{\text{эф}}$  катталик қурилмадан истемолчига бериләтган иссиқлик  $Q_2$  оқимининг энергиясидир, яъни  $A_{\text{эф}}=Q_2 \cdot \tau_{e2}$ .  $T_0$  температураси атроф мұхитдан олинаётган иссиқлик эксергияси нольга тенг бўлгани учун  $A_{\text{зат}} = L$  ва унда, қурилманинг эксергетик фойдали иш коэффициенти қўйидагича кўринишни олади:

$$\eta_{ex} = \frac{A_{\text{эф}}}{A_{\text{зат}}} = \frac{Q_2 \tau_{e2}}{L} \quad (11.67)$$

Агар иссиқлик насоси  $Q_1$  иссиқлик оқими ҳисобига ишласа, у ҳолда  $A_{\text{зат}} = E_{q1}=Q_1 \cdot \tau_{e1}$ , демак,

$$\eta_{ex} = \frac{Q_2 \bar{\tau}_{e2}}{Q_1 \bar{\tau}_{e1}} \quad (11.68)$$

(11.67) формулада  $Q_2/L=\varphi$ , демак  $\eta_{ex}=\varphi \cdot \tau_{e2}$  ёки

$$\varphi = \frac{\eta_{ex}}{\tau_{e2}} \quad (11.69)$$

Иссиқлик юриткичи бўлган ҳолда иссиқлик насосининг иссиқлик коэффициенти  $\varphi'=Q_2/Q_1$ . Бу ҳолда (11.68) формула қўйидаги кўринишга келади:

$$\eta_{ex} = \varphi' \frac{\bar{\tau}_{e2}}{\bar{\tau}_{e1}}$$

ёки

$$\varphi' = \eta \frac{\bar{\tau}_{e1}}{\bar{\tau}_{e2}} \quad (11.70)$$

### 11.9. ЭКТС умумий кўрсаткич ва элементларнинг характеристикалари орасидаги боғлиқлик

Элементлар характеристикалари орасидаги боғлиқлик ЭКТСларни термодинамик таҳлил қилишда мұхим аҳамиятга эга. Агар  $x_e$  – ЭКТС унумдорлиги билан ( $D$ ,  $\eta_{ex}$ ,  $E$ ) боғлиқ эксергетик характеристика бўлса,  $x_{ei}$  – системанинг  $i$  – элементи учун худди шундай характеристика бўлса, у ҳолда қўйидаги катталик:


$$Z_i = \left( \frac{\partial x_e}{\partial x_{e,i}} \right)_{y=idem} \quad (11.71)$$

$i$  – элементдаги характеристика ўзгаришининг ЭКТС характеристикасинга таъсирини кўрсатади; бу ерда  $y$  – ЭКТСнинг бошқа элементларининг параметрлари.  $y=idem$  –  $x_{e,i}$  таъсири вақтида  $x_{e,i}$  билан боғлиқ бўлмаган бошқа катталиклар ўзгартаслигини билдиради.  $Z_i$  катталик қанчалик катта бўлса,  $i$  – элемент характеристикасининг ўзгариши ЭКТС кўрсаткичига шунчалик кўп таъсир этишини билдиради. Демак, ЭКТСни оптималлаштириш вақтида асо-

сий эътибор катта қийматли  $Z_i$  элементларга қаратилиши зарур. Шундай қирилб,  $Z_i$  коэффициент системанинг ички боғлиқлигини характерлайди ва у система тузилишига боғлиқ. Агар ЭКТС кетма-кет жойлашган элементлардан иборат бўлиб, улардаги жараёнлар ташқаридан эксергия олмасдан ва бермасдан борса, у ҳолда  $\eta_{ex}^{ЭКТС}$  ва  $\eta_{ex}^i$  орасидаги боғлиқлик жуда содда бўлади: бу ҳолда  $i$  – элементдан чиқишидаги эксергия  $E_i''$  ( $i+1$ ) элементга киришидаги эксергияга доимо тенг. Шунинг учун ЭКТСнинг эксергетик фойдали иш коэффициенти унинг барча элементлари фойдали иш коэффициенти кўпайтмасига тенг бўлади, яъни

$$\eta_{ex}^{ЭКТС} = \prod_{i=1}^{i=n} \eta_{ex,i} \quad (11.72)$$

Бу система мисолида ЭКТС турли элементларидаги эксергия йўқотилишиларининг ўзига хос томонларини яқзол кўрсатиш мумкин. Учта элементдан иборат системада (11.4-расм)  $D_1=D_2=D_3=D$  бўлсин. Биринчи элементдан учигичи элемент йўналишида эксергия камайиб боради.




11.4-расм. Эксергия йўқотилишининг ЭКТС даги ўзига хос томони.

$\eta_{ex,i} = (E_i - D)/E_i$  бўлгани учун  $\eta_{ex,i}$  ҳам камайиб боради. Демак, йўқотилишларни камайтириш, технологик жараённинг охирги босқичларида айниқса катта аҳамиятга эга. Буни ЭКТС ларни оптималлаш ва такомиллаштиришда назарда тутиш керак.

## 11.10. Кимёвий технология жараёнларининг эксергетик таҳлили

**Газ ва суюқликларни сиқиши.** Ҳақиқий сиқиши жараёнларининг эксергетик баланс тенгламаси қўйидагича:

$$l_{max}^D = \Delta e + e_q + \sum d = \Delta e + q\bar{\tau}_i + \sum d \quad (11.73)$$



11.5-расм.  $e-i$  координаталарда сиқиши жараёнининг тасвири.

11.5-расмда сиқиши жараённи  $e-i$  диаграммада тасвиранган, жараён  $T \geq T_0$  учун ўринли, яъни  $t_l > 0$ . 1-2 кесмада жараён –  $T_0 = \text{const}$  чизиқ бўйича борувчи изотермик сиқишини характерлайди. Демак,  $I_q = q(1-T_0/T) = 0$ , яъни газдан атроф муҳитга тарқалаётган иссиқлик оқимининг эксергияси нолга тенг. Бу ҳолда қайтмас жараён учун (11.73) тенглама қўйидаги кўринишга келади:

$$l_{max,uz}^D = \Delta e_{2-1} + \sum d \quad (11.74)$$

қайтар жараён учун:

$$l_{mex.u3} = \Delta e_{2-1} \quad (11.75)$$

Совутилувчи (изотермик) компрессорнинг ҳақиқий иши  $e_{mex.u3}^D$  тажриба ёки ҳисоб натижаларидан маълум бўлганда унинг  $\eta_{ex}$  га тенг бўлган изотермик фойдали иш коэффициентини ҳисоблаш мумкин:

$$\eta_{u3} = \eta_{ex} = \frac{\Delta e_{2-1}}{e_{mex.u3}^D} \quad (11.76)$$

эксергетик йўқотилишлар эса:

$$\sum d = e_{mex.u3}^D - \Delta e_{2-1} \quad (11.77)$$

Кесма 1-3 жараён ( $S = const$ ) чизиги бўйича кечадиган адиабатик сиқиш жараёнидир. (11.73) tenglamaga кўра совутилмайдиган компрессорнинг ҳақиқий техник иши қўйидаги қўринишга эга:

$$l_{mex.ad}^D = \Delta e_{3-1} + \sum d = \Delta i_{3-1} + \sum d \quad (11.78)$$

( $q_{\tau_c}=0$  бўлгани учун) ва назарий иш:

$$l_{mex.ad} = \Delta l_{3-1} = \Delta i_{3-1} \quad (11.79)$$

**e-i** диаграммадан қўриниб турибдики  $\Delta l_{3-1} > \Delta l_{2-1}$ : адиабатик компрессорнинг назарий техник иши изотермик компрессорнинг техник ишидан  $\Delta l_{2-1}$  га каттадир. Ҳақиқий адиабатик сиқиш жараёнида компрессор ишининг бир қисми ишқаланишни енгишга сарфланади. Шунинг учун газ эксергияси жараён охирида ортади (нуқта 4): ҳақиқий сиқиш жараёни 1-4 чизиқ бўйича боради. Совутилмайдиган (адиабатик) компрессорнинг ҳақиқий иши  $l_{mex.u3}^D = \Delta i_{4-1} \cdot \Delta l_{4-1}$  параметрдан катта, чунки сиқиш жараёнининг қайтмаслиги ишқаланишдаги иссиқлик ҳисобига энталпияни қўшимча ортишига олиб келади. Бунда  $d = l_{mex.u3}^D - \Delta e_{4-1}$  ва совутилмайдиган компрессор эксергетик фойдали иш коэффициенти:

$$\eta_{ex} = \frac{\Delta e_{4-1}}{l_{mex.u3}^D} = \frac{\Delta i_{4-1}}{\Delta l_{4-1}} \quad (11.80)$$

Кўп босқичли совутилмайдиган компрессорнинг умумий эксергетик фойдали иш коэффициенти қўйидагicha:

$$\eta_{ex} = \frac{\sum_i \Delta l_i}{\sum_i l_{mex.u3}^D} = \frac{\sum_i \Delta l_i}{\sum_i \Delta i_i} \quad (11.81)$$

совутиладиган компрессорники эса:

$$\eta_{ex} = \frac{\sum_i \Delta l_i}{\sum_i l_{mex,i}^{\mu}} \quad (11.82)$$

бу ерда  $i = 1, 2, 3, \dots$  - босқычлар сони.

Юқорида айтилган газнинг сиқилиш қонуниятлари суюқликларни сиқишига ҳам тегишилдири.

**Газ ва суюқликларни кенгайиши**  $e-i$  диаграммада (11.6-расм) ишчи жисмнинг турлича кенгайишлари кўрсатилган. 1-2 жараён - техник иши  $l_{mex,1-2} = i_1 - i_2 = e_1 - e_2$  бўлган идеал иссиқлик машинасида борувчи қайтар адабатик жараён. 1-3 - техник иши  $l_{mex,1-3} = i_1 - i_3 < l_{mex,1-2}$  бўлган ҳақиқий иссиқлик машинасида борувчи қайтмас адабатик жараён. 1-4 жараён  $\Delta i_{1-4} = 0$ , демак  $l_{mex,1-4} = 0$  бўлган дросселланиш жараёни. Бу учта жараёндаги эксергетик йўқотилишлар биринчисидан учунчисига қараб ошиб боради:

$$d_{1-2} = (e_1 - e_2) - (i_1 - i_2) = 0 < d_{1-3} = (e_1 - e_3) - (i_1 - i_3) < d_{1-4} = (e_1 - e_4) - (i_1 - i_4) = T_0 \Delta S$$

Бу жараёнларнинг эксергетик фойдали иш коэффициенти ҳам шу тартибда камаяди:

$$\eta_{ex}^{1-2} = \frac{l_{mex,1-2}}{e_1 - e_2} = \frac{i_1 - i_2}{e_1 - e_2} = 1 > \eta_{ex}^{1-3} = \frac{l_{mex,1-3}}{e_1 - e_3} > \eta_{ex}^{1-4} = \frac{l_{mex,1-4}}{e_1 - e_4} = 0$$

Иссиқлик машинасидаги ҳақиқий жараён унумдорлигини ҳисоблаш усуулларини адабатик кенгайиши жараённинг эксергетик ва термик фойдали иш коэффициенти ёрдамида солиштирамиз. Адабатик термик фойдали иш коэффициенти энталпия ҳақиқий фарқининг назарий (қайтар) фарқи нисбатига тенг, яъни


$$\eta_{ad} = \Delta i_{1-3} / \Delta i_{1-2} = l_{mex,1-3}^{\mu} / l_{mex,1-2}^{\mu} = l_{mex,1-3}^{\mu} / (e_1 - e_2),$$

эксергетик фойдали иш коэффициенти эса

$$\eta_{ex} = l_{mex,1-3}^{\mu} / (e_1 - e_3).$$

Кўйидаги шарт ўринли бўлгани учун  $(e_1 - e_2) < (e_1 - e_3)$  ушбу муносабат тўғридир  $\eta_{ex} > \eta_{ad}$ .

**Иссиқлик алмашиниши.** Олдинги параграфларда айтиб ўтилганидек, иссиқлик алмашиниши қурилмаларида уч хил йўқотилишларни аниқлаш лозим:  $D_m$ ,  $D_p$  ва  $D_{oc}$ . Лойиҳаланаётган қурилманинг турли варианatlари учун йўқотилишларни ташкил этувчилари алоҳида-алоҳида ҳисобланниб, бу йўқотилишларнинг минимум ва умумий йўқотилишдаги  $D$  улушини аниқлаш




11.6-расм.  $e-i$  координаталарда кенгайиш жараёнининг тасвири.

мумкин. Агар  $D_p > D_m$  ва  $D_{oc} < D_m$  бўлса, иссиқлик алмашиниш курилмасининг  $\eta_{ex}$  фойдали иш коэффициенти қўйидагича аниқланади:

$$\eta_{ex} = \frac{E_q^A}{E_q^B} = \frac{\left| Q\bar{\tau}_e^A \right|}{\left| Q\bar{\tau}_e^B \right|} = \frac{\left| \bar{\tau}_e^A \right|}{\left| \bar{\tau}_e^B \right|} = \frac{\Delta E_A}{\Delta E_B} \quad (11.83)$$

Бундай фойдали иш коэффициенти қурилма унумдорлигини ифодаловчи асосий кўрсаткич бўлиб, яъни  $B$  оқимдан  $A$  оқимга эксергия ўтишини сифат жиҳатдан характерлайди.

**Ёқилгининг ёниш жараёни.** 11.7-расмда ёқилгини ёниш жараёнида энергия ўзариши схемаси ва ёнишдан ҳосил бўлган маҳсулотлардан фойдаланиш эксергия оқимлари диаграммаси кўринишида тасвирланган. Одатда, киришдаги умумий эксергия  $E_1$ , ёқилғи ва оксидловчи модда эксергиялари йигиндинсига тент. Ёқилғи ва оксидловчи модда ёниш олдидан иситкич I да ёниш маҳсулотлари эксергиянинг бир қисми  $E_5$  ҳисобига қиздирилганда, улар эксергияси  $E'_1 > E_1$  катталиккача ортади. Иситкич I да қиздириш жараёни  $D_1$  эксергия йўқотилишлари билан боради. Сўнгра  $E'_2 > E''_1$  эксергияли қиздирилган ёқилғи ва оксидловчи модда II ёниш камерасига юборилади. У ерда ёқилғи ва оксидловчи модда эксергиялари  $E'_2$  юқори температурали ёниш маҳсулотларига айланади. Ёқилгининг ёниш камераси II да ёниш жараёни  $D_2$  эксергия йўқотилишлари билан боради.  $E'_3 = E''_2$  эксергияли ёниш маҳсулотлари ЭКТС нинг III элементини ташкил этувчи буғ ёки иссиқлик генератори ёки газ турбинасига боради. III элементда ёниш маҳсулотлари эксергиясидан фойдаланиш жараёни табиати III элемент турига боғлиқ эксергетик йўқотилишлар билан боради. Масалан, буғ ва иссиқлик генераторларида  $D_2$  йўқотилиш ёниш маҳсулотлари ва иссиқлик элткичлар орасидаги катта температуралар фарқида борувчи иссиқлик узатиш сабабли пайдо бўлади.  $E_4$  қолдик эксергия қисман ёқилгини ва оксидловчи моддани иситкичда қиздиришда ( $E_5$ ) ёки иссиқликда ишловчи бошқа қурилмаларда ишлатилиши мумкин. Ёниш маҳсулотларининг атмосферага чиқаруб юборувчи эксергияси  $E_6 = D_4$  (иситкич ўрнатилмаганида, ишлатилмаганида) термомеханик ва ноль эксергиялардан ташкил топади. Эксергиянинг бошқа қисми  $E_7$  элемент III дан сўнг кейинги жараёнарда ишлатиш учун фойдаланилади.



11.7-расм. Ёқилғи ёниш жараёни учун Гроссман – Шаргут диаграммаси.

Ёқилгини ёниши – кимёвий, оксидланиш реакциясиdir. ЭКТС ни эксергетик таҳлил қилишда, одатда нисбий эксергия қийматлари жадваллардан олинади.

Ёқилғи ва оксидловчи модда эксергиясини  $e_1$ , ҳамда ёниш маҳсулотлари эксергиясини  $e_{n.c}$  аниқлаб, ёқилгининг кимёвий эксергиясини ёниш маҳсулоти эксергиясига ўтиши билан боғлиқ эксергетик йўқотилишларни топамиз  $d_1 = e_1 - e_{n.c}$ . Ёниш маҳсулотлари эксергияси  $e$  куйидагича аниқланади:

$$e_{n.c} = c_{pn.c} (T_{meop} - T_0) - T_0 \left[ c_{pn.c} \ln \left( \frac{T_{meop}}{T_0} \right) - R_{n.c} \ln \left( \frac{p_{n.c}}{p_0} \right) - \sum R_i \ln \left( \frac{1}{r_i} \right) \right] = \\ = I_{meop} - T_0 \left[ c_{pn.c} \ln \left( \frac{T_{meop}}{T_0} \right) - R_{n.c} \ln \left( \frac{p_{n.c}}{p_0} \right) - \sum R_i \ln \left( \frac{1}{r_i} \right) \right]$$

бу ерда  $I_{meop}$  - ёниш маҳсулотларининг назарий энталпияси, кЖ/кг;  $T_{meop}$  – назарий ёниш температураси, К;  $c_{pn.c}$  - ёниш маҳсулотларининг ўртача иссиқлик сигими;  $R_{n.c}$  - ёниш маҳсулотларининг газ доимийси;  $R_i$  ва  $r_i$  - ёниш маҳсулотлар компонентларининг мос равища газ доимийси ва ҳажмий улуши.

Ёниш жараёнининг эксергетик фойдали иш коэффициенти қўйидагича:

$$\eta_{ex}^r = \frac{e_{n.c}}{e_1} = \frac{e_1 - d_1}{e_1} \quad (11.84)$$

атмосфера босимида  $\eta_{ex}^r$  нинг қиймати 0,45 дан (саноат қозонлари ва ўтхоналари учун) 0,7 гача (замонавий буг генераторлар учун) ўзгаради. Ёниш жараёнининг босими ортганда  $\eta_{ex}^r$  катталиқ ҳам ортади, масалан, газ турбиналари учун  $\eta_{ex}^r = 0,55 \dots 0,6$

Ёқилғи ўтхона ва иссиқлик, буг генераторларида ёнганда иссиқлик оқими ёниш маҳсулотларидан иситилаётган жисмга ўтади. Бу жараённинг унумдорлиги нафақат ёниш маҳсулотлари эксергияси камайишига  $\Delta E_{n.c}$ , балки иситилаётган жисм эксергиясининг  $\Delta E_{qn.c}$  ортишига ҳам боғлиқ. Шунинг учун бу жараённинг эксергетик фойдали иш коэффициенти қўйидагича:

$$\eta_{ex}^{TP} = \frac{\Delta E_{n.m}}{\Delta E_{n.c}} = \frac{E_{qn.m}}{E_{qn.c}} = \frac{E_{qn.c} - D}{E_{qn.c}} \quad (11.85)$$

ва

$$\eta_{ex}^{TP} = \frac{e_{qn.c} - d}{e_{qn.c}} \quad (11.86)$$

унинг қиймати температура ўсиши билан ортиб, замонавий буг генераторлари учун 0,8...0,85 га етади.

1 кг ёқилғи ёнишида олинган ёниш маҳсулоти иссиқлик оқимининг эксергияси:

$$e_{qn.c} = I_T \left( \frac{1 - T_0'}{T_T} \right) \quad (11.87)$$

бу ерда  $I_T = Q_B^p \eta_i + Q_B + Q_T$  назарий энталпия, кЖ/кг;  $T_T = [I_T / (\sum v_i c_{PTi})] + 273$  - ёнишининг назарий температураси, К;  $\eta_i$  – ёниш камерасининг фойдали иш коэффициенти;  $Q_B$  ва  $Q_T$  – ёниш камерасига ҳаво ва ёқилғи билан кираётган иссиқлик, кЖ/кг.


Бу формулалардан күриниб турибдики, ҳаво күпроқ қизиши билан ( $Q_B$ )  $e_{qn.c}$  оргади, чунки  $T_T$  ва  $T_T$  ҳам күтпайды.

Ҳавони кислород билан түйинтириш ёниш маҳсулотлари миқдорини камайтиради (ундаги азот миқдори камаяди) ва демак,  $T_T$  оргади. Ёқылғи ёнишидаги  $\alpha$  ҳаво ортиқчалик коэффициентининг камайиши  $T_T$  ни ортишига олиб келади, чунки бунда ёниш маҳсулотларининг миқдори камаяди. (11.87) формулага биноан, бу иккита тадбир  $e_{qn.c}$  ни ортишига олиб келади ва демак, иссиқликни ёниш маҳсулотларидан қиздирилаётган жисмга узатилишида эксергетик йўқотилишлар  $d$  ни камайтиради. Лекин, ҳавони кислород билан түйинтириш қўшимча энергия сарфини талаб этади, бу эса ЭКТСни эксергетик таҳлилида эътиборга олинмайди. Ҳавони дастлабки қиздириш ва уни кислород билан түйинтириш афзаллиги техник-иқтисодий ҳисоблардан маълум бўлади.

### 11.11. ЭКТС таҳлили ва термодинамик оптималлаш

ЭКТС ни эксергетик таҳлилини суюқ фосфат олиш циклон қурилмаси мисолида кўрайлик [61].

11.8-расмда фторсиз суюқ фосфат ва энергетик буғ олиш циклонли энерготехнологик қурилмасининг схемаси, 11.9-расмда эса шу қурилманинг эксергетик баланс оқимлари диаграммаси берилган. Қурилманинг асосий маҳсулот бўйича (1723К температурали фторсиз фосфат) унумдорлиги – 10 т/соат; ёрдамчи маҳсулот бўйича (10,6 МПа босимли ва 783К температурали қизиган сув буги) унумдорлиги 15 т/соат.



11.8-расм. Фторсиз фосфат олиш ЭКТС схемаси


I-циклон; II-радиацион камера; III-буғ иситкич;  
IV-экономайзер; V-ҳаво иситкич.

Узатилувчи сув температураси 488К, ёқылғи – табиий газ  $Q_h^p = 35,8 \text{ МЖ} / \text{м}^3$ ; ҳавони иситиш температураси 623К; ишлатиб бўлинган газ температураси 323К.

Эксергетик баланс ҳисоби ёниш маҳсулотларининг ноль эксергиясини эътиборга олмасдан бажарилди, натижада олинган қийматлар аниқлиги 97% ни ташкил этди.

### 11.9-расмдан, бутун қурилма учун

$$\eta_{ex}^P = 16,6 + 30,6 = 47,2\%$$



**11.9-расм. Фторсиз фосфат олиш ЭКТС эксергетик баланс оқимларининг диаграммаси.**

Ўша параметрли фосфат ва буғ алоҳида-алоҳида ишлаб чиқарилганида қурилманинг умумий фойдали иш коэффициенти 36% бўлади. Фойдали иш коэффициенти камайишига сабаб, кўрсатилган маҳсулотлар биргаликда ишлаб чиқарилганида асосий эксергетик йўқотилишлар (иссиқлик алмасинишдаги қайтмаслик туфайли) анчагина камаяди. Чунки технологик занжирнинг бошида юқори температурали технологик жараён – циклонда фосфат олиш жойлашади; бунга циклоннинг бошқа элементларга нисбатан энг кичик эксергетик фойдали иш коэффициентига (37,8%) эгалиги таъсир этмайди; циклонда термодинамик жиҳатдан энг мукаммал бўлмаган жараён – ёқилғи ёниши амалга ошади.

Энергетик баланс бўйича қурилманинг фойдали иш коэффициенти  $\eta_t^y = 27,4 + 63,5 = 90,9\%$ . Энергетик баланс бўйича юқори унумдорли қурилма ҳақида тасаввур ҳосил бўлади, бу эса ҳақиқатдан йироқ. Эксергетик ва энергетик баланслардан олинган натижаларни таққослашдан маълум бўлди, энергетик баланс ЭКТС даги энергия ўзгариш сабабларини ёритмайди ва қурилма, ҳамда унинг элементларини тўғри баҳолаш имконини бермайди.

### 11.12. Жараён ва қурилмалар эксергиясини ҳисоблаш

**11.1-мисол.** Икки босқичли компрессорда фреон – 12 типидаги совуқлик элткич  $p_f=0,15\text{ MPa}$  босимгача сиқиляпти. Биринчи босқичдан сўнг, фреон оралиқ совуткичга юборилмоқда; ажратилиб олинадиган иссиқликдан фойдаланилмайди. Компрессорнинг иккала босқичининг адабатик фойдали иш коэффициенти  $\eta_{ad}=0,8$ . Биринчи босқичга киришдан аввалги фреоннинг параметрлари:

$$p'_f=0,15 \text{ MPa}, T'_f=263\text{K}, i_f=569,4 \text{ кЖ/кг}, e'_f=-23 \text{ кЖ/кг}.$$

Биринчи босқычдан сүнг  $p''_1=0,7$  МПа,  $T''_1=331$  К,  $h''_1=506,0$  кЖ/кг,  $i''_1=6,62$  кЖ/кг,  $e'_1=-23$  кЖ/кг. Иккинчи босқычга киришдаги параметрлари эса:  $p''_2=0,6$  МПа,  $T''_2=298$  К,  $i''_2=586,1$  кЖ/кг,  $e'_2=2,3$  кЖ/кг. Иккинчи босқычдан кейинги параметрлар қуийдагича:  $p''_2=1,2$  МПа,  $T''_2=343$  К,  $i''_2=608,1$  кЖ/кг,  $e''_2=16,1$  кЖ/кг.

1 кг совуқ әлткічни сиқышга сарфланган иш:

$$l = (i''_1 - i'_1) + (i''_2 - i'_2) = (606 - 569,4) + (608,1 - 586,1) = 58,6 \text{ кЖ/кг.}$$

Эксергетик баланс тенгламаси:

$$e''_2 - e'_1 + d = l$$

юқоридаги тенгламадан тұлық эксергетик йүқотилишларни аниқтаймиз:

$$d = l - \Delta e = 58,6 - (16,1 + 23) = 19,5 \text{ кЖ / кг}$$

Бу йүқотилиш ички ва ташқи йүқотилишлардан иборат. Ташқи йүқотилишларға оралиқ совуткичда иссиқлик тарқалиш билан боғлиқ эксергетик йүқотилишлар киради, яны  $d_e = e''_2 - e'_2 = 6,62 - 2,3 = 4,32$  кЖ/кг

Ички йүқотилишлар  $d_i = d - d_e = 19,5 - 4,32 = 15,18$  кЖ/кг га тенг айирма билан аниқланади.

Ички йүқотилишларни тақпил құлиш ва техник  $d_T$  ҳамда шахсий  $d_c$  йүқотилишларни аниқлаш учун сиқыш жараёни  $S=const$  чизик бүйича амалга ошадиган ва оралиқ совуткичда босим йүқотилиши бўлмаган, икки босқычли компрессор қурилмасини кўриб чиқамиз. Бундай шароитда фреон-12 нинг биринчи босқычдан кейинги параметрлари:  $p''_1=0,7$  МПа,  $i''_1=598,3$  кЖ/кг,  $e''_1=5,9$  кЖ/кг; иккинчи босқычга киришда  $p''_2=0,7$  МПа,  $T''_2=303$  К,  $i''_2=588,2$  кЖ/кг,  $e'_2=5,2$  кЖ/кг ва иккинчи босқычдан сүнг  $p''_2=1,2$  МПа,  $i''_2=597,6$  кЖ/кг,  $e''_2=14,6$  кЖ/кг.

Сиқышга сарфланган иш:

$$l_{us} = i''_2 - i'_1 + l''_2 - i'_2 = 598,3 - 569,4 + 597,6 - 588,2 = 38,3 \text{ кЖ / кг}$$

Эксергияни қурилмада ортиши:

$$\Delta i = 14,6 - (-23) = 37,6 \text{ кЖ / кг}$$

Эксергия йүқотилиши:

$$d = l_{us} - \Delta i = 0,7 \text{ кЖ / кг}$$

Оралиқ совуткичдан олинаётган эксергия:

$$\Delta e_{ome} = e'_2 - e'_1 = 5,9 - 5,2 = 0,7 \text{ кЖ / кг}$$

Шундай қилиб, ташқи эксергия йүқотилиши  $d_e=0,7$  кЖ/кг. Идеал қурилма тақпил қилинаётгани учун, техник эксергия йүқотилишлари йўқ. Шуннинг учун  $d_e = d_c$  ҳақиқий қурилманинг ички йүқотилишларини  $d_i$  идеал қурилманинг шахсий йүқотилишлари  $d_c$  билан солиштириб, бир мөйерда сиқмаслик ва гидравлик қаршиликлар туфайли пайдо бўлаетган умумий техник йүқотилишларни аниқлаш мумкин:

$$d_T = d_i - d_c = 15,18 - 0,7 = 14,48 \text{ кЖ / кг.}$$

**11.2-мисол.** Фреон – 13 да ишлювчи совитиш қурилмасининг детандердида ишчи элткич  $p_1 = 0,098 \text{ MPa}$  босимдан  $p_2 = 0,0331 \text{ MPa}$  босимгача кенгаймоқда. Бунда температура  $T_1 = 0$  дан  $T_2 = -20^\circ\text{C}$  гача ўзгармоқда. Фреон – 13 шиниге  $e-i$  диаграммасидан [55]  $i_1 = 530,9 \text{ кЖ/кг}$ ,  $I_1 = 71,17 \text{ кЖ/кг}$ ,  $i_2 = 519,2 \text{ кЖ/кг}$ ,  $I_2 = 97,1 \text{ кЖ/кг}$ .

Детандерда бажарилган иш  $I = 530,9 - 519,2 = 11,7 \text{ кЖ/кг}$ .

Совуқлик элткичи эксергиясининг ортиши  $\Delta I = I_1 - I_2 = 71,17 + 97,1 - 11,7 = 14,23 \text{ кЖ/кг}$  тенг.

Детандердаги жараён идеал бўлганда ( $S=const$  да кенгайиш) фреон-13 энталпияси ва эксергияси чиқишида мос ҳолда  $i_{2ad} = 504,5 \text{ кЖ/кг}$ ,  $I_{2ad} = 100,5 \text{ кЖ/кг}$ . У ҳолда детандернинг эксергетик қуввати:

$$N_{eao} = 530,9 - 504,5 + 100,5 - 71,17 = 55,73 \text{ кЖ / кг}$$

Эксергия йўқотилиши

$$d = -71,17 + 100,5 - 26,4 = 2,93 \text{ кЖ/кг.}$$

Бу ерда эксергетик йўқотилишлар ички йўқотилишлардан иборат ва ҳақиқий детандер ишлаганда техник  $d_m = 14,23 + 2,93 = 11,3 \text{ кЖ/кг}$  ва шахсий  $d_c = 2,93 \text{ кЖ/кг}$  йўқотилишларга бўлиниши мумкин. Фреон-13 нинг хусусиятлари билан боғлиқ минимал эксергия йўқотилиши шахсий йўқотилишлардан  $d_c$  кам бўлиши мумкин эмас.

**11.3-мисол.** Совитиш қурилмасининг буғлаткичига атроф муҳит температурасидан анча паст температурали совитиш элткичи кирмоқда. Атроф-муҳитдан иссиқлик келиши ҳисобига у буғланади. Совитиш камерасида атроф муҳит температурасидан анча паст миқдордаги температура сақланади. Бу камеранинг эксергетик баланси:

$$E' - E'' = Q_0 \bar{\tau}_e + \sum D$$

бу ерда  $E'$  ва  $E''$  – камерага кириш ва ундан чиқишдаги совутувчи элткичнинг эксергиялари;  $Q_0$  – узатилаёттан иссиқлик;  $\bar{\tau}_e$  – эксергетик температура функцияси.

Фараз қайлайлик, совитиш учун фреон-12 ишлатилаётган бўлсин. Буғлаткичга киришдаги унинг параметрлари:

$$T_{0,c} = 293K, i' = 529,08 \text{ кЖ/кг}, s = 1,245 \text{ кЖ/(кг·К)}, e' = 199,58 \text{ кЖ/кг.}$$

Фреоннинг қайнаш температураси 243K, совитиш камерасида 248K температура ҳосил қилинмоқда.

Буғлаткичдан чиқишдаги фреоннинг параметрлари

$$p'' = 0,1013 \text{ MPa}, T'' = 243K, i'' = 541,81 \text{ кЖ/кг}, s'' = 1,5882 \text{ кЖ/(кг·К)}, e'' = 176,47 \text{ кЖ/кг.}$$

1 кг фреон – 12 дан олинаётган иссиқлик миқдори  $Q_0 = 112,73 \text{ кЖ}$ . Тўлиқ эксергия йўқотилиши:

$$\sum D = (199,58 - 176,47) - 112,73 \cdot \left( \frac{293}{248} - 1 \right) = 2,65 \text{ кЖ / кг}$$


Бу йүқотилиш қайнаётган фреон ва совитиш камерасидаги температуралар фарқи туфайлы пайдо бўлаётган шахсий эксергетик<sup>\*</sup> йўқотилишдан иборат.

**11.4-мисол.** Температура  $t_1=1000^{\circ}\text{C}$  бўлганда  $Q=750 \text{ кЖ}$  иссиқликнинг эксергияси ва температураси  $t_2=600^{\circ}\text{C}$  ли жараёнидаги эксергетик йўқотилишларини аниқланг. Атроф мухит температураси  $t_0=17^{\circ}\text{C}$ .

Эксергия миқдори ва унинг йўқотилишлари  $T-S$  диаграммада схематик равища тасвирланг.

Ечиш: Иисиқлик эксергияси

$$E_{xa} = Q \cdot \left(1 - \frac{T_0}{T_1}\right) = 750 \cdot \left(1 - \frac{290}{1273}\right) = 518 \text{ кЖ}$$



Иисиқликнинг юқори температурали жисмдан температураси паст жисмга қайтмас ўтиши натижасида эксергетик йўқотилишлар қўйидағи топилади:

$$\begin{aligned} P &= T_0 \Delta S_c = T_0 (\Delta S_1 + \Delta S_2) = T_0 \cdot \left( -\frac{Q}{T_1} + \frac{Q}{T_2} \right) = \\ &= 290 \cdot \left( -\frac{750}{1273} + \frac{750}{873} \right) = 58,8 \text{ кЖ} \end{aligned}$$

$T-S$  диаграммадаги 1-2-5-6-1 юза  $t_1=1000^{\circ}\text{C}$  (1273K) даги иссиқликнинг эксергиясини ифодалайди.

6-7-9-8-6 юза эса температураси  $t_2=600^{\circ}\text{C}$  бўлган жисмга иссиқликнинг ўтиши билан боғлиқ эксергетик йўқотилишлар.

**11.5-мисол.** Массавий сарфи  $M=24 \text{ кг/с}$  бўлган саноат иситкичидаги температураси  $t_1=45^{\circ}\text{C}$  ли сув  $t_2=72^{\circ}\text{C}$  гача абсолют босими  $p=0,07 \text{ МПа}$  ли иситувчи буғ ёрдамида қиздирилмоқда. Лекин, корхонада ушбу босимли буғ бўлмагани учун юқори босимли, яъни  $p=0,3 \text{ МПа}$  буғ ишлатилмоқда. Иситкичнинг лойиха ва ҳақиқий буғ босимлари учун термодинамик характеристикаларини аниқланг. Атроф мухитта иссиқликнинг йўқотилиши инобатга олинмасин.

Ечиш: Иситкичнинг энергетик баланси иккала режим учун иссиқлик юкламани характеристлайди:

$$Q = \Delta H = mc_p(t_2 - t_1) = 24 \cdot 4,19 \cdot (72 - 45) = 2700 \text{ кВт}$$

Иситувчи буғнинг секундли сарфи

$$D = \frac{Q}{h_n - h_k}$$

бу ерда  $h_n$  ва  $h_k$  – иситувчи буғ ва конденсатларнинг солиштирма энталпиялари.

\* шахсий эксергетик йўқотилишлар  $d_c$  - фақат ҳақиқий қурилма ва машиналарда рўй беради.

Иситувчи бүгни қуруқ, түйинган ва конденсатни түйиниши температура расидан  $2^{\circ}\text{C}$  га күпроқ совутылган деб ҳисоблаб, қуидагиларни топамиз:

лойиҳаланаётган режимда ( $p=0,07 \text{ МПа}$ )

$$D = \frac{2700}{2666 - 376} = 1,18 \text{ кг/с}$$

ҳақиқий режимда ( $p=0,3 \text{ МПа}$ )

$$D' = \frac{2700}{2726 - 562} = 1,25 \text{ кг/с}$$

Иситкичнинг эксергетик балансини ташкил этувчилар. иситилаётган сув эксергиясининг ўсиши

$$\Delta Ex_b = \Delta H_b - T_0 \Delta S_b = 24 \cdot (113 - 288 \cdot 0,343) = 340 \text{ кВт}$$

лойиҳа режимида иситувчи бүғ эксергиясининг камайиши

$$\Delta Ex_{\pi} = 1,18 \cdot (2290 - 288 \cdot 6,3) = 560 \text{ кВт}$$

ҳақиқий режимда

$$\Delta Ex'_{\pi} = 1,25 \cdot (2180 - 288 \cdot 5,3) = 800 \text{ кВт}$$

тегишли эксергетик йўқотилишлар

$$\Pi = 560 - 340 = 220 \text{ кВт}; \quad \Pi' = 800 - 340 = 460 \text{ кВт}$$

Иситкич ф.и.к.

$$\eta = \frac{340}{560} = 0,61; \quad \eta' = \frac{340}{800} = 0,43$$

яъни, лойиҳа режимидан четга чиқилса, иситкичнинг эксергетик ф.и.к. таҳминан 30% га камаяди.

Лойиҳа режимидан четга чиқилганда эксергетик йўқотилишлар ўсиши қуидагига тенг:

$$\Delta \Pi = \Pi' - \Pi = 460 - 220 = 240 \text{ кВт}$$

Ёқилгининг ортиқча сарфи

$$\Delta B = \frac{\Delta \Pi}{Q_H^P}$$

бу ерда  $Q_H^P = 29300 \text{ кЖ}$  - шартли ёқилгининг ёниш иссиқлиги.

Шартли ёқилгининг бир суткадаги ортиқча сарфи:

$$\Delta B = \frac{240 \cdot 3600 \cdot 24}{29300} \approx 700 \text{ кг}$$

■

**И Л О В А Л А Р**

## И1. Физик катталиклар ўлчов бирликлар системаси

Бутун дунёда XX асрнинг ўртасигача бир нечта ўлчов системаси мавжуд эди: МКГСС – метр, килограмм – куч ва секундага асосланган техник система; СГС – сантиметр, грамм ва секундага асосланган метрик система; МТС – метр, тонна, секунда, ҳамда турли системасиз бирликларга асосланган система.

Ўлчов бирлик системаларининг кўплиги жуда катта ноқулайликлар, фан, техника ва ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида ҳалқаро муносабатларни қийинлаштирган.

1960 йили ўлчов ва тарозилар XI бош конференциясида Ҳалқаро бирлик системаси (СИ) қабул қилинди. Ушбу системага ўтиш меҳаник, электрик, иссиқлик ва бошқа физик катталикларни ўлчашнинг бир хиллигини таъминлайди, уларнинг аниқлигини оширади ва ҳисоблаш формулаларини соддалаштиради.

Ҳалқаро системаси (СИ)да, асосий ўлчов бирликлари қўйидагилар:

Узунлик	- метр (м);
Масса	- килограмм (кг);
Вақт	- секунда (с);
Электр токи кучи	- Ампер (А);
Температура	Кельвин (К);
Ёруғлик кучи	Кандела (кд);
Модда миқдори	моль

Ундан ташқари, стандартда яна иккита қўшимча бирлик назарда тутилган:

Ясси бурчак	- радиан (рад);
Фазовий бурчак	- стерадиан (ср);

Катталиклар орасидаги боғлиқликни ифодаловчи ҳосилавий бирликлар ўлчамлари физика тенгламалари ёрдамида аниқланади. Қўйида келтирилган И-1 жадвалда Ҳалқаро бирликлар системасининг асосий, қўшимча ва кўп ишлатиладиган ҳосилавий, ҳамда бошқа системадаги бирликларнинг СИ бирликларига ўтказиш коэффициентлари келтирилган.

Юқорида келтирилган нисбатлардан ташқари қўйидаги бирликлар тез-тез учраб туради: узунлик – 1 мкм= $10^{-6}$  м; Ангстрем  $\text{\AA} = 10^{-10}\text{m} = 10^{-8}\text{cm} = 0,1 \text{Нм}$ ; масса – 1 т = 1000 кг, 1 центнер = 100 кг; температура – Фаренгейт градуси  ${}^oF = [5/9(t-32)+273,15]K$ ;  $t^oC = (t+273,15)K$ ; частота 1 Гц =  $1 \text{ c}^{-1}$ ; 1 айл/с = 1 Гц.

Ундан ташқари қўйидаги бирликлар ҳам қўлланади: 1 миля (қадимги рус) = 7,468 км; 1 миля (денгиз) = 1,852 км; 1 миля (куруқлик) = 1,609 км; 1 дюйм = 2,54 см; 1 саржин = 3 аршин = 7 фут = 2,1336 м; 1 аршин = 71,12 см; 1 фут = 12 дюйм = 0,3048 м; 1 фунт = 0,4536 кг; 1 фунт-куч = 4,448 Ньютон.

### И-1 жадвал

T/р	Катталиклар системаси	Бирликлар номи	СИ системасига ўтказиш коэффициенти
1.	Узунлик	СИ, МКГСС СГС	Метр (м) Сантиметр (см)



8.	Иссиқлик сиғим	СИ Системадан ташқари бирлик	Жоуль килограмм-градусга (Ж/кг·град) Килокалория килограмм-градусга [ккал/(кг·град)]	4190
9.	Иссиқлик ўтказувчанлық	СИ Системадан ташқари бирлик	Жоуль-метр-соат-градусга [Ж/(м·соат·град)] Ватт метр-градусга [Вт/(м·град)] Килокалория метр-соат-градусга [ккал/(м·соат·град)]	1,163
10.	Иш энергия	СИ МКГСС  СГС Системадан ташқари бирлик	Жоуль (Ж) Килограмм-күч-метр (кгк·м) Эрг (эрگ) Киловатт-соат (кВт·соат) от күч-соат(о.к.·соат)	9,81     $10^{-7}$   $3,6 \cdot 10^6$ $2,65 \cdot 10^6$
11.	Күвват	СИ МКГСС  СГС	Ватт (Вт) Килограмм-күч-метр секундга (кгк·м/с) Эрг секундга (эрگ/с) от күчи (о.к.) Килокалория соатта (ккал/соат)	9,81     $10^{-7}$    $736$  $1,16$
12.	Иссиқлик миқдори	СИ Системадан ташқари бирлик	Жоуль (Ж) Килокалория (ккал)	4190
13.	Иссиқлик бериш, ўтказиш	СИ Системадан ташқари бирлик	Ватт метр квадрат-градусга [Вт/(м <sup>2</sup> ·град)] Килокалория квадрат метр-соат-градусга [ккал/(м <sup>2</sup> ·соат·град)]	1,163
14.	Вақт	СИ Системадан ташқари бирлик	Секунда (с) Соат Сутка Йил	3600   $86400$ $3,16 \cdot 10^6$
15.	Тезлік	СИ Системадан ташқари бирлик	Метр секундага (м/с) Километр соатта (км/соат)	0,278
16.	Айланиш ұстасы	СИ Системадан ташқари бирлик	Айланиш секундага (1/с) Айланиш минутта (айл/мин)	1/60

## И2. Асосий конструкцион материаллар ва уларнинг хоссалари

Кимё, озиқ-овқат ва бошқа саноатларнинг қурилмаларини лойиҳалаш жараёнида пайдо бўладиган қурилмани таркибий қисмлари учун лойиқ ва мос материалларни танлаш энг асосий ва ўта масъулиятли масалалардан биридир [28,131].

Материалларни танлашда уларнинг қуийидаги асосий хусусиятлари хисобга олиниши керак [132]:

- мустаҳкамлиги;
- иссиқликка бардошлилиги;
- емирилишга қарши кимёвий чидамлилиги;
- физик хоссалари;
- технологик характеристикалари, таркиби ва тузилиши;
- нархи ва уни ишлаб чиқариш мумкинлиги.

Материалнинг хоссалари кўлланилиш соҳасига, яъни ундаги муҳитларга чамбарчас ва қаттиқ боғлиқдир. Агарда, муҳитнинг температураси ўзгариши билан материалнинг ҳамма механик хоссалари коррозияга чидамлилиги, қайта ишланишга мойиллиги кескин ўзгаради. Шунинг учун материални танлашда коррозияга чидамлилигига алоҳида эътибор бериши керак, чунки бу кўрсаткичга унинг узоқ муддат давомида ишлатилиши узвий боғлиқдир. Ундан ташқари, коррозия натижасида емирилган материал олинаётган маҳсулот сифатини пасайтиради, рангини ва таъмини ёмонлаштиради. Яна шуни назарда тутиш керакки, қурилманинг материали кўшимча реакциялар учун катализатор ҳам бўлиб қолиши мумкин.

Кимёвий чидамлилиги жиҳатдан материалнинг яроқлигини баҳолаш мезонлари қуийидаги I-2 жадвалда келтирилган:

I-2 жадвал

Материалнинг коррозияга чидамлилик шкаласи

Чидамлилик групҳи	Коррозияга чидамлилик балли	Коррозия тезлиги, мм/йил
Жуда чидамли	1	< 0,001
Ўта чидамли	2	0,001 - 0,005
	3	0,005 - 0,01
Чидамли	4	0,01 - 0,05
	5	0,05 - 0,1
Чидамлилиги паст	6	0,1 - 0,5
	7	0,5 - 1,0
Чидамлилиги жуда паст	8	1,0 - 5,0
	9	5,0 - 10
Чидамсиз	10	> 10

Одатда, асосий талабларга мос ва лойиқ материаллар бир нечта бўлади. Бундай ҳолларда, кўшимча шарт ва талаблар эътиборга олиниб, қурилма учун материал танланади.

Шунинг учун, қурилмаларни ясаш учун асосий материалларни танлашни лойиҳачи нуқтаи назаридан кўриб чиқамиз.

Конструкцион материал сифатида темир (*Fe*) техник тоза ҳолда умуман кўлланилмайди, чунки қиммат туроди ва қайишқоқлиги юқори. Айрим ҳолларда уни юқори босимли қурилмаларда қистирма сифатида ҳам ишлатилади [37].

Лекин, темирнинг углерод билан қотишмалари, яъни чўян ва пўлатлар кимё ва бошқа саноат қурилмаларини тайёрлашда жуда кўп ишлатилади. Матъумки, кимё саноатида 85-90% қурилмалар чўян ёки пўлатдан ясалган.

**ЧЎЯН.** Темирнинг углерод ва кремний, фосфор, марганец ва олтин-гутурт билан кўп компонентли қотишмаси кул ранг чўян бўлади.

Чўян таркибидаги углерод миқдори 2,8-3,7% бўлади. Бошқа компонентларнинг миқдори эса қўйидагича:  $C=3,0\text{-}3,6\%$ ;  $Si=1,6\text{-}2,4\%$ ;  $Mn=0,5\text{-}1,0\%$ ;  $P<0,8\%$ ;  $S<0,12\%$ .

Чўянларнинг физик хоссалари қўйидаги маълумотлар билан характерланади:

- зичлиги  $\rho = 6600\text{...}7700 \text{ кг}/\text{м}^3$
- эриш температураси  $t_{sp} = 1050\text{...}1573 \text{ К};$
- иссиқлик ўтказувчанлиги  $\lambda = 25\text{...}59 \text{ Вт}/\text{м}\cdot\text{К};$
- солиширма иссиқлик сигими  $c_p = 0,5\text{...}4,5 \text{ кЖ}/\text{кг}\cdot\text{К};$
- чизиқли кенгайиш коэффициенти  $\chi = (16,7\text{...}17,6)\cdot10^{-6} \text{ 1}/\text{К}.$

Чўянлар нархи паст ва ўртacha механик хоссаларга эга бўлгани учун техниканинг турли соҳаларида кенг қўлланишига олиб келди.

**ПЎЛАТ.** Бу материалсиз техника ҳозирги кундаги юқори мавқеига эришмаган бўларди. Бунга сабаб, пўлатнинг мустаҳкамлиги, динамик юкламаларга бардошлиги, қўйилиш, болғаланиш, штамглаш ва пайваншилиш қобилиятига эгалиги, станокларда қайта ишланишга мойиллиги, арzonлиги ва мўллитидир.

Пўлатларда углерод миқдори 1,5% гача бўлса, конструкцион пўлатларда эса 0,7% дан ортмайди. Саноатда ст. 3, ст. 5, ст. 10, ст. 20, ст. 25, ст. 30, ст. 35, ст. 40, ст. 45 пўлат маркалари ишлатилади.

Пўлатларнинг физик хоссалари қўйидагича:

- зичлиги  $\rho = 7790\text{...}7900 \text{ кг}/\text{м}^3;$
- эриш температураси  $t_{sp} = 1400\text{...}1500 \text{ К};$
- иссиқлик ўтказувчанлиги  $\lambda = 46,5\text{...}58,2 \text{ Вт}/\text{м}\cdot\text{К};$
- солиширма иссиқлик сигими  $c_p = 0,454 \text{ кЖ}/\text{кг}\cdot\text{К};$
- чизиқли кенгайиш коэффициенти  $\chi = (11,7\text{...}12,3)\cdot10^{-6} \text{ 1}/\text{К}.$

**Легирловчи қўшимчалар таъсiri.** Муҳим легирловчи элементларга қўйидагилар киради: хром, никель, молибден, марганец, кремний, титан, ниобий, вольфрам, ванадий. Айрим ҳолларда алюминий ва мислар ҳам қўшимча сифатида пўлатларга қўшилади.

Кимёвий таркибига кўра, пўлатлар углеродли ва легирланган турларга бўлинади. Бу элементлар пўлат сифатини яхшилайди ва маҳсус хоссали қиласди.

Легирланган пўлатнинг кимёвий таркиби учун ягона шартли белгилар (ҳарф ва рақамлар) қабул қилинган.

Дастлабки икки рақам углероднинг ўртacha миқдорини (конструкцион пўлат учун фоизнинг юздан бир улуши миқдорида, асбобсоэлик ва зангламайдиган пўлатлар учун фоизнинг ўндан бир улуши миқдорида); ҳарфлар легирловчи элементларни (жадвалга қаранг); ҳарфларнинг ўнг томонидаги рақамлар эса элементларнинг ўртacha миқдорини кўрсатади.

### I-3 жадвал

#### Пўлат компонентларининг шартли белгилари

Номи	Шартли белгилари	Номи	Шартли белгилари
Алуминий	Ю	Мис	Д
Бор	Р	Молибден	М
Ванадий	Ф	Никель	Н
Вольфрам	В	Ниобий	Б
Кобальт	К	Титан	Т
Кремний	С	Углерод	у*
Марганец	Г	Хром	Х

У\* - углеродли асбобсоэлик пўлатлар маркаларида.

Масалан, X18H12M2T маркали пўлатда 18% хром, 12% никель, 2% молибден ва 1% га яқин титан борлигини кўрсатади.

**ЮҚОРИ ЛЕГИРЛАНГАН ПЎЛАТ.** Таркибида 18-20% хром ва 8-10% никель бўлган пўлатлар юқори легирланган пўлатлар деб юритилади. Улар коррозия ва иссиқликка бардошлиги, мустаҳкамлилиги учун турли саноатларда кенг қўлланилмоқда.

Хозирги кунда мамлакатимиз корхоналарида курилмаларни ясашда кўйидаги кам легирланган 16GC, 09G2C, 12MX, юқори легирланган OX13, 1X13, 2X13, 1XB1, 2X13L ва коррозия, иссиқликка бардош юқори легирланган: X17, X25TL, X28, X28AH, X28H4, 1X17H2, 1X21H5T, OX21H6M2T, OX17H5G9AB, X14G14H3T, OX23P28M2T, OX23H28M3D3T, 1X18H9T, 1X18H11B, X16H25M6, XH35BT, X22H26, 1X18H12M2T, 1X18H12M3T, X18H9T пўлатлар ишлатилиди.

Юқорида қайд этилган пўлатларнинг физик хоссалари:

- зичлиги  $\rho = 7900 \text{ кг}/\text{м}^3$ ;
- эриш температураси  $t_{3p} = 1400^\circ\text{C}$ ;
- иссиқлик ўтказувчанлиги  $\lambda = 14...18 \text{ Вт}/\text{м}\cdot\text{К}$ ;
- иссиқлик сифими  $c_p = 0,475...0,650 \text{ кЖ}/\text{кг}\cdot\text{К}$ ;
- чизиқли кенгайиш коэффициенти  $\chi = 17,3 \cdot 10^{-6} \text{ 1}/\text{К}$ .

**РАНГЛИ МЕТАЛЛАР.** Кимё саноатида рангли металлардан алюминий, мис, никель, қўрошин, титан, танталлар курилмалар ясашда қўлланилади. Рангли металлардан ясалган курилма деворларининг температураси қўйидагидан ошмаслиги керак: Алюминий учун  $200^\circ\text{C}$ ; Мис ва унинг қотишмалари учун -  $250^\circ\text{C}$ ; Никель учун -  $500^\circ\text{C}$ ; Қўрошин учун -  $140^\circ\text{C}$ ; Тантал учун -  $1200^\circ\text{C}$ .

**АЛЮМИНИЙ** кумушсимон, оқ, енгил ва болгаланувчан, коррозияга бардошли металдир. Кимёвий курилмаларни ясашда АО(99,7%), АО(99,7%), А1(99,5%), А2(99,0%), ҳамда унинг АД1, АД2 қотишмалари ишлатилиди.

Алюминийнинг турли маркалари қўйидаги физик хоссаларга эга:

- зичлиги  $\rho = 2700 \text{ кг}/\text{м}^3$ ;
- эриш температураси  $t_{3p} = 675...950^\circ\text{C}$ ;
- иссиқлик ўтказувчанлиги  $\lambda = 206...218 \text{ Вт}/\text{м}\cdot\text{К}$ ;
- солиширма иссиқлик сифими  $c_p = 0,913 \text{ кЖ}/\text{кг}\cdot\text{К}$ ;
- чизиқли кенгайиш коэффициенти  $\chi = 2,4 \cdot 10^{-6} \text{ 1}/\text{К}$ .

Агрессив мұхитлар таъсирига алюминий жуда чидамли, шу жумладан концентранган азот, фосфор ва сирка кислоталар, қуруқ хлор ва водород хлоридлар, олтингүргут буғларига ҳам узоқ муддат давомида бардош бера олади.

**МИС** - пушти-қызил рангли металл. Энг қиммат, конструкцион материаллардан бири бўлиб, техник тоза ҳолда 5 хил маркада ишлаб чиқарилади. Кимёвий курилмаларда, асосан M2 (99,7%) ва M3 (99,5%) маркалари кенг миқёсда ишлатилиди.

Миснинг хоссалари қўйидаги маълумотлар билан характерланади:

- зичлиги  $\rho = 8980 \text{ кг}/\text{м}^3$ ;
- эриш температураси  $t_{3p} = 1083^\circ\text{C}$ ;
- иссиқлик ўтказувчанлиги  $\lambda = 1596...2233 \text{ Вт}/(\text{м}\cdot\text{К})$ ;
- солиширма иссиқлик сифими  $c_p = 0,44...0,62 \text{ кЖ}/(\text{кг}\cdot\text{К})$ ;
- чизиқли кенгайиш коэффициенти  $\chi = 16,7...22,3 \cdot 10^{-6} \text{ 1}/\text{К}$ .

Мис алюминийга ўхшаб ҳимоя қилувчи оксид қоплама ҳосил қилмайди. Шунинг учун, кислота ва тузларга нисбатан коррозион чидамликка эга эмас. Лекин, паст ва криоген температуруларда мустаҳкамлиги ортиб боради. Масалан,  $-196^\circ\text{C}$  да миснинг мустаҳкамлик чегараси 20 дан  $38 \text{ кг}/\text{мм}^2$  гача ортади.

Үтә паст температурауда ишлайдиган қурилмалар учун мис каби конструкцион материални ҳеч қандай материал ўрнини боса олмайды.

**ҚҰРҒОШИН** – күкимтири, кул ранг, болғаланувчан металл. Бир пайтлар, бу материал қурилмалар куришда катта ва муҳим аҳамиятга эга бўлган. Бунга сабаб, унда туз ва сульфат кислотага нисбатан чидамли ҳимоя қопламасининг ҳосил бўлишидир. Лекин унинг жуда юмшоқлиги, осон ва паст температурада эриши, катта зичлиги ва қимматлиги борган сари камроқ қўлланишига сабаб бўлмоқда.

Хозирги кунда унинг ўрнига замонавий темир қотишмалар ишлатилмоқда. Саноатда қўрғошиннинг 6 хили СВ, СО, С1, С2, С3, С4, С5 маркалари кенг қўлланилади. Улар таркибидаги қўрғошин миқдори 99, 90...99, 95%. Қўрғошин қўйидаги физик хоссаларга эга:

- зичлиги  $\rho = 10130...11350 \text{ кг}/\text{м}^3;$
- эриш температураси  $t_{3p} = 327^\circ\text{C};$
- иссиқлик ўтказувчанлиги  $\lambda = 14,9...34,9 \text{ Вт}/(\text{м}\cdot\text{К});$
- солишибирма иссиқлик сифими  $c_p = 0,13 \text{ кЖ}/(\text{кг}\cdot\text{К});$
- чизиқли кенгайиш коэффициенти  $\chi = (12,3...14,9)\cdot10^{-6} 1/\text{К}.$

Қўрғошинни саноатда қўллашда шуни назарда тутиш керакки, унинг мустаҳкамлиги жуда пастдир.

**НИКЕЛЬ** кумушсимон, оқ металл, қийин эрийди ва ҳавода ўзгармайди. Кимё саноатининг қурилмалари учун (Н0 маркали 99,99%) никель ишлатилади. У жуда мустаҳкам, иссиқлик ва коррозияга чидамли ва яхши технологик хоссали бўлгани сабабли машинасозликда кўп ишлатилади. Никелнинг физик хоссалари қўйидагича:

- зичлиги  $\rho = 8830...8850 \text{ кг}/\text{м}^3;$
- эриш температура  $t_{3p} = 1452^\circ\text{C};$
- иссиқлик ўтказувчанлиги  $\lambda = 55,0...56,0 \text{ Вт}/(\text{м}\cdot\text{К});$
- солишибирма иссиқлик сифими  $c_p = 0,575...0,586 \text{ кЖ}/(\text{кг}\cdot\text{К});$
- чизиқли кенгайиш коэффициенти  $\chi = (18,2...18,3)\cdot10^{-6} 1/\text{К}.$

**ТИТАН** кумуш ранг, енгил, қийин эрувчан металл. Зичлиги пўлатникидан 2 марта кам бўлишига қарамасдан, унинг мустаҳкамлиги пўлатниги тенгдир. Титан, азот, фосфор, хром ва сирка кислоталарига, нитрит, нитрат, хлорид ва сульфидларга нисбатан кимёвий чидамли.  $200^\circ\text{C}$  температурада газларни ютиш қобилиятига эга. Титан 40%-ли  $H_2SO_4$  кислотасида қаттиқ коррозияга учрайди. Лекин, шуни унутмаслик керакки, титандан ясалган қурилма, пўлатдан ясалганга нисбатан 8-10 баробар қимматдир. Титан қўйидаги физик хоссаларга эга:

- зичлиги  $\rho = 4320...4500 \text{ кг}/\text{м}^3;$
- эриш температураси  $t_{3p} = 1710...1750^\circ\text{C};$
- иссиқлик ўтказувчанлиги  $\lambda = 15,1...19,4 \text{ Вт}/(\text{м}\cdot\text{К});$
- солишибирма иссиқлик сифими  $c_p = 0,543...0,635 \text{ кЖ}/(\text{кг}\cdot\text{К});$
- чизиқли кенгайиш коэффициенти  $\chi = (8,0...8,4)\cdot10^{-6} 1/\text{К}.$

**ТАНТАЛ** кул ранг оқ металл. Ўта мустаҳкамлиги ва қийин суюловчанлиги билан бошқа металлардан ажralиб туради. Ундан ташқари, юқори температурауда, титанга нисбатан кўпроқ газларни ютиш қобилиятига эга. Тантал яхши болғаланувчан, штамплашга мойил, ички ишқаланиш коэффициенти жуда катта бўлган металлдир. У сульфат, азот, фосфор, водород хлорид кислоталарига, ҳамда нитратларга чидамли металлдир. Аммо, натрий ва калий ишқорлари таъсирига яхши бардош беролмайди.

Тантал жуда ҳам қиммат металл ва у таҳминан хром-никелли пўлатдан 100 марта қимматдир. Албатта, уни фақат ўта агрессив мухитли қурилмаларда,

яъни бошқа металлар кимёвий бардош бсролмаган ҳолларда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Тантал куйидаги физик хоссаларга эга:

- зичлиги  $\rho = 16440...16600 \text{ кг}/\text{м}^3$ ;
- эриш температураси  $t_{3p} = 3000^\circ\text{C}$ ;
- иссиқлик ўтказувчанлиги  $\lambda = 48,0...100 \text{ Вт}/(\text{м}\cdot\text{К})$ ;
- солиштирма иссиқлик сифими  $c_p = 0,136...0,2 \text{ кЖ}/(\text{кг}\cdot\text{К})$ ;
- чизиқли кенгайиш коэффициенти  $\chi = (5...99)\cdot10^{-6} 1/\text{К}$ .

**ЛАТУНЬ** мис ва руҳдан иборат қотиши. Кўп компонентли латунь таркибига мис ва руҳдан ташқари, алюминий, кремний, қўрошин, никель, темир, марганец ва қалайлар кириши мумкин.

Латунь босим остида яхши ишлов бериладиган, анча мустаҳкам, қайишқоқлиги (пластиклиги) юқори ва коррозияга чидамли қотиши. Ундан ташқари, латуннинг электр ўтказувчанлиги жуда юқори. Температура пасайиши билан латуннинг хоссалари яхши томонга ўзгаради. Кимё саноатида, курилмалар ясаща Л60, Л62 ва Л68 маркали латунлар кенг қўлланилади.

Латунлар қуйидаги физик хоссаларга эга:

- зичлиги  $\rho = 8500 \text{ кг}/\text{м}^3$ ;
- эриш температураси  $t_{3p} = 940^\circ\text{C}$ ;
- иссиқлик ўтказувчанлиги  $\lambda = 105...116,3 \text{ Вт}/(\text{м}\cdot\text{К})$ ;
- солиштирма иссиқлик сифими  $c_p = 0,385 \text{ кЖ}/(\text{кг}\cdot\text{К})$ ;
- чизиқли кенгайиш коэффициенти  $\chi = 20\cdot10^{-6} 1/\text{К}$ .

**БРОНЗА** - мис ва қалайлардан иборат қотиши. Ушбу кимёвий элементлардан ташқари, унинг таркибига кремний, алюминий, бериллийлар ҳам кириши мумкин.

Бронза мустаҳкамлиги, қайишқоқлиги, коррозияга бардошлиги, антифрикцион хоссалари билан ажралиб туради.

Бу материал ушбу физик хоссалари билан характерланади:

- зичлиги  $\rho = 935...1140 \text{ кг}/\text{м}^3$ ;
- эриш температураси  $t_{3p} = 935...1140^\circ\text{C}$ ;
- иссиқлик ўтказувчанлиги  $\lambda = 32,0...105 \text{ Вт}/(\text{м}\cdot\text{К})$ ;
- солиштирма иссиқлик сифими  $c_p = 0,385 \text{ кЖ}/(\text{кг}\cdot\text{К})$ ;
- чизиқли кенгайиш коэффициенти  $\chi = (1,5...1,95)\cdot10^{-6} 1/\text{К}$ .

**ПЛАСТМАССАЛАР** юқори коррозион бардошликка ва мустаҳкамликка эга янги конструкцион материалдир. Пластмассаларни ишлаб чиқариш жараёнида мустаҳкамлигини, қайишқоқлигини, рангини, юмшаш температурасини, иссиқлик ўтказувчанлигини яхшилаш ва арzonлаштириш мақсадида унга пластификатор, тўлдирувчи, ранг берувчи моддалар қўшилади.

Ҳамма пластмассалар 2 гуруҳга бўлинади: 1) термопластлар; 2) реактопластлар.

Термопластлар иситилганда юмшаш, совитилганда қотиш хоссасига эга ва бу жараённи бир неча марта қайтарса бўлади. Реактопластлар эса, иситилганда эрийди ва маълум бир температурагача қиздирилса қотиб қолади ва қайта юмшамайди, эримайди.

**ШИША ПЛАСТИКЛАР** полиэфир смолалар ва шиша толаларидан ташкил қилинган сунъий материал. Ундан йирик, ўлчамлари катта дистилляцион колонналар, скрубберлар, омборлар, диаметри 4,5 м ва баландлиги 6 м ли идишлар ясашиб мумкин. Шиша пластиклар  $20^\circ\text{C}$  ёки ундан озгина юқори температурада қиздирилса, полимеризация бўлади.

**ФТОРОПЛАСТ-4.** Қайишқоқлиги юқори, электр токни ўтказмайдиган, иссиқликка чидамли,  $-200...+500^\circ\text{C}$  температурада ишлатилиши мумкин. Кимёвий муҳитларга ўта чидамлилиги, унинг яхши хоссаларидан биридир. Бу

кўрсаткич бўйича пластмассалар, *Au*, *Pt*, эмаль, маҳсус қотишма ва бошқа материаллардан устундир.

Фторопласт-4 дан ҳар ҳил қалинликдаги листлар, трубалар, юпқа леворли цилиндрик идишлар, мемброналар, сильфонлар ва бошқа турли маҳсулотлар тайёрлаш мумкин. Курилмалар учун қистирма сифатида фойдаланишда унга тенг келадиган материал йўқдир.

Тўлдирувчисиз пластмассаларнинг чидамлилиги қуийдаги хоссалар билан характерланади:

1. Пенопластлар кислота, ишқор ва органик эритмаларга нисбатан чидамли. Аммо,  $H_2SO_4$ , олеум,  $HNO_3$  ва концентранган ишқорларга бардош бера олмайди;

2. Шиша пластиклар бензин, метанол, бутанол, этилацетат, 10% ли азот, фосфор ва водород хлорид кислоталарга нисбатан чидамли;

3. Фторопластлар ҳамма кислота ва ишқорларга нисбатан паст ва юқори температураларга чидамли. Оксидловчи кислота ва "царская водка" лар қайнаш жараёнида ҳам фторопласт ўз хоссаларини йўқотмайди. Шу кунгача унинг эритувчиси топилмаган.

Аммо, натрий ёки калий, фтор ва учламчи фтор хлоридлар таъсирида емирилади.

Пластмассаларни металлар билан таққослаш шуни кўрсатадики, пластмассалар бир неча афзалликларга эга: а) солиштирма оғирлиги кичик; б) со лиштирма мустаҳкамлиги юқори; в) технологик хоссалари яхши; г) корроziон бардошлиги юқори.

#### I-4 жадвал

Курилмалар ва труба қувурларининг кўзгалмас, йигма бирикмаларини зичлаш учун тавсия этиладиган металмас қистирма материаллар

Қистирма материалининг номи	Зичлиги $\rho$ , кг/м <sup>3</sup>	Сортамент, мм	
		Қалинлиги	Лист ўлчамлари
Картон, сув ўтказмайдиган	900...1000	1; 1,5; 2; 2,5; 3	750x1500; 950x1500; 1000x1000; 1000x1500
Картон, А маркали	800...850	0,5; 0,8; 1; 1,5	750x1500; 950x1500; 1000x1000; 1000x1500
Картон, асбестли	1,0...1,3	2; 2,5; 3; 3,5; 4; 5; 6	900x900; 900x1000; 1000x1000
Паронит	1500...2000	1; 1,5; 2; 3; 4	500x500; 600x600; 700x1200; 1000x1200; 1000x1500; 1200x1500; 1200x1700
Паронит УВ-10		0,4÷2,5	550x550
Резина, кислота - ишқорбардош		0,5÷10	эни 200÷1750 узунлиги 500÷10000
Резина, мой-бензин- бардош			
Пластификат поли- хлорвинилли	1300...1500	1÷5	эни $\geq 600$ узунлиги $\geq 1000$
Фторопласт-4	2100...2300	1,5; 2; 3; 4; 5	195x195; 240x240
Текстолит МА	1300...1600	0,5÷3,5	250x250
Фибра ФТ	1100	0,6÷2,5	эни 550x700; 1100÷1400 узунлиги 850x1500; 1700÷2300
Чарм техник	1100...1500	2,5÷5	-

Ундан ташқари, қуийдаги материаллар ҳам қистирма сифатида ишлатилади: мис (куйдирилган), алюминий (юмшоқ), занглашадиган пўлат, никель, монель, кўроғошин.

# ТАЯНЧ СҮЗ ВА ИБОРАЛАР

## A

### Абсолют

оқ жисм 209  
температура 17, 183  
шаффоф 209  
- қора жисм 209

### Абсорбент 329

### Абсорберлар 335-344

насадкали 337  
оқимчали 343  
пурковчи 343  
сиртій 335  
тарелкали 340  
юпқа қатламли 336  
қалпоқчали тарелка 342  
хисоби 344-349

### Абсорбтив 329

### Абсорбция жараёни 302, 329

### Аддитивлик тенгламасы 319

### Адиабата 24

күрсаткычи 21

### Адсорбтив 404

### Адсорбент 302, 404, 406

табиий, тупроқсимон 406

түйиниши 404

тупроклар 406

### Адсорберлар 412-418

мавхұм қайнаш қатламли 414  
реактор типидаги 414  
күзғалмас қатламли 413, 416  
халқасимон қатламли 413  
харакатчан қатламли 414  
- хисоби 419-420

### Адсорбция 404-425

жараёни 302

изотермаси 407

иссиқшылық 404

кимёвий 404

кинетикаси 408

моддий баланс 331

статикаси 408

физик 404

### Азеотроп аралашма 353

### Аксиал-куракчали уормалантиргич 265

### Айланыш даражасы 538, 542

сони 177, 180

тезлиги 533

частотаси 170, 176, 169

### Айланма тезлик 170, 174

### Аллюминий 620, 623

### Аммиак 557

### Анионит 421-425

### Аралаштиргич турлари 168-177

барабанлы 172  
винтсимон 172  
дискли 177, 179  
диффузорлы 168  
зарбали 172  
икки, уч парракли 169, 179  
лентали 171  
парракли 169, 179  
пропеллерли 169, 179  
ромли 177, 179  
турбинали 169, 177, 179  
шнекли 171  
якорли 177, 179

### Аралаштириш 166-180, 540

Аррениус қоидаси 466  
барботер ёрдамида 166  
интенсивлиги 166  
механик 169  
пластмассаларни 171  
пневматик 166  
самарадорлиги 177  
сиқылған ҳаво ёрдамида 167  
социалувчан материалларни 172  
статик 168  
суюқникларни 166  
циркуляциялы 168  
энергия сарфи 175-177  
эрітмаларни 166-170

### Артиш машинаси 438, 506

### Асбест 623

### Ажратиш жараёни 106-149

аралашмаларни 106, 109  
коэффициенти 115  
моддий баланс 107-108  
турли жинсли системаларни  
106-113, 115-149  
фактори 138

### Арралаш 499

### Аралашма

азеотроп 353  
бинар 350  
идеал 350  
полидисперс 497

### Адиабатик жараён 92

### Адсорбцион

боғланган намлык 432  
совитиш машиналари 561-565

### Аэрозол 107

## Б

### Бабо қоидаси 271

### Бактофуга 120

- Баланс**  
 иссиқлик 33, 228, 275, 278, 279,  
 442-445, 461, 463, 480  
 моддий 32, 108, 194, 274, 305  
 358, 442, 479  
 экспергетик 592-613  
 энергия 209
- Барабанлы**  
 гальвир 502, 514  
 гранулятор-куриткич 527
- Барботаж** 143  
 механизми 339-341  
 режимлари 338-339
- Баромембранны жараён** 183-184
- Барометрик конденсатор** 256, 257  
 труба 273
- Бинар араплашма** 351
- Бир погонали экстракция** 374
- Бернули тенгламаси** 45-47, 49, 60
- Блазиус тенгламаси** 61
- Бойитиш коэффициенти** 325
- Бронза** 622
- Бүг**  
 кучсиз 232  
 органик суюқлик 231  
 түйинган 232  
 экстра 270  
 ўткыр 232
- Бүгланиш** 186, 269
- Бүглатыш** 230, 269  
 иссиқлик баланс 275  
 моддий баланс 274  
 усуллари 272  
 юзаси 275-276  
 курилмаси 280-287
- Бүглаткич** 273-287  
 бир корпусли 273  
 инжектор иссиқлик насосли 278  
 ички иситувчи камера ва марказий циркуляцион трубали 280  
 күп корпусли 277  
 мажбурый циркуляцияли 284  
 осма эркин циркуляцияли 280  
 ротор, юпқа қатламли 286  
 турбокомпрессорли 278  
 эритма эркин циркуляцияли 282
- Бурама труба** 265, 266
- Бурчак**  
 табиий қиялик 498  
 фазовий 211
- Бернули тенгламаси** 45, 46, 47, 49
- Бойитиш коэффициенти** 325
- Болғали майдалагич** 504
- Бонд тенгламаси** 501
- Босим**  
 йүқотилиши 63, 73  
 ортиқча 39
- Биоқимёвий жараён** 482-495
- Био критерийиси** 312, 395, 410
- Биомасса** 483, 484
- Брикетлаш** 517-518
- В**
- Вакуум-насос** 103, 104  
 оқимчали 104  
 поршенили 103  
 сув ҳалқали 104
- Вакуум-фильтр** 130, 131
- Вант-Гофф изобар тенгламаси** 184, 536, 537
- Вентилятор** 100, 102
- Вентури трубаси** 51  
 скруббери 142
- Г**
- Газлар**  
 барботажи 143, 338-341  
 дроселлаш 557  
 иситиш 230-233  
 иссиқлик сифими 21  
 иссиқлик ўтказувчанлиги 23, 24  
 кенгайтириш 559  
 сарғи 167  
 сиқиши ва сийраклаш 90-92, 561, 562  
 совитиш 235-237, 554-585  
 солишишима оғирлик 18  
 тозалаш 135-149  
 тутун 233
- Газ доимийиси** (ўзгармас) 184  
 ўтказувчанлик 186
- Газлифт** 167
- Газодувка** 99  
 ротор 99  
 сўриш патрубкаси 99  
 қобиқ 99  
 ҳайдаш патрубкаси 99
- Гесс қонуни** 544
- Гидравлика** 35-39
- Гидродинамика** 40-180
- Гидродинамик режимлар**  
 қўпикли 341  
 осилиб тўриш 338  
 оқимчали 341  
 пулфакчали 341  
 учеби чиғиши 339  
 эмульгациян 338  
 юпқа қатламли 338
- Гидростатика** 35-39
- Гидромеханика** 14, 106
- Гидромеханик жараёнлар**  
 ҳаракатта келтирувчи куч 14
- Гидравлик радиус** 41
- Гидравлик пресс** 39, 519-521

Гидравлик қаршилик  
ишқаланиш 58, 61, 153  
коэффициенти 61, 347, 263, 153-  
154  
маҳаллий 58, 61  
Гистерезис ҳалқаси 156, 433  
Гейландац цикли 576  
Гранула 523  
Гранулаш 517-532  
мойиллик 530- 531  
Гранулятор  
барабанли 524  
мавхум қайнаш қатламли 526,  
527  
тарелкали 525  
турбопарракли 528  
фавворасимон қатламли 526  
ҳисоби 531, 532  
Горячкин формуласи 501  
Гофрирланган 252  
Гребенюк формуласи 518  
Гроссман-Шаргут диаграммаси 607  
Гүшт майдалагич 511

## Д

Дальтон қонуни 330, 351, 428  
Даража  
газларни сиқиш 90, 92  
газларни тозалаш 136  
майдалаш 496  
реакция 538  
қоришитириш 166  
Дарси-Вейсбах тенгламаси 79, 344, 31  
Дезинтегратор 502, 505  
Депрессия 270-272  
гидравлик 271  
гидростатик 271  
температура 270, 271  
Десорбция 302, 411, 412  
Детандер 558, 574, 578  
Дефлегмататор 355  
Диаграмма  
Гроссман-Шаргут 607  
индикатор 95  
Рамзин 427, 429-431, 446  
учбурчак 370-372  
фаза мувозанати 303  
фазавий 303  
 $p - i$  562  
 $T - S$  558, 561, 565, 574  
Диализ 187  
Диаметр 41, 50, 56, 70, 111, 138, 241, 336,  
420, 497, 498  
Дисембратор 505  
Дистиллят 350, 354  
Дисперс, дисперсион 106, 373, 421, 497  
система 497  
фаза 106, 373, 379  
Дифференциал дроссель эффекти 558

Диффузион жараёнлар 302-495  
қаршилик 304  
қатлам 320  
Диффузия  
конвектив 314  
коэффициенти 307  
молекуляр 306, 307, 308  
тезлиги 304  
турбулент 307  
Донадор-толали  
гидравлик қаршилиги 159-161  
материал 159  
туклилиги 160  
Донадор қатлам 151-165  
гидравлик қаршилиги 156, 158  
мавхум қайнаши 154-165  
күзғалмас қатлам 150-154  
ғоваклилиги 151, 152, 158, 164  
Драже 530  
Дрейцер Г.А., Дзюбенко Б.В.  
интенсивлаш усули 265  
Дроссель эффекти  
дифференциал 558  
изотермик 558  
интеграл 558  
Дубинин М.М. назарияси 408  
Дитнерский Ю.И. модели 184  
Дюринг қоидаси 271

## Е

Ейилиш 499  
Енгил учвчан 350

Ёниш 606, 607  
Ёриш 499  
Ёқилғи 606, 607

## Ж

Жоуль-Томсон эффекти 557  
Жараён ишчи чизиги 305, 358  
Жараёнлар  
адиабатик 91  
баромембран 183  
биокимёвий 482-495  
гидромеханик 106-195  
диффузион-мембранныи 185-  
187  
изотермик 91  
иссиқлик алмашиниш 196-301  
кимёвий 533-553  
масса алмашиниш 302-481  
механик 496-516  
политроп 91  
совитиш 554-585  
ҳисоби 32-34  
Жағли майдалагич 503, 504  
Жували тегирмон 507

“Зарарли” бүшлик 95, 97  
 Зарба  
     сиқиқ 499  
     эркин 499  
 Заррacha  
     шакли 69, 70  
     үлчами 69, 70  
 Зичлик  
     аралашмалар 16, 498  
     газлар 17  
     нисбий 16  
     суюқликлар 18, 25  
     “тұқма” заррачалар қатлами 18, 498  
     қаттиқ жисмлар 18, 25, 619-623

## И

Идеал суюқлик 35  
     аралашма 327, 329  
     изобара 560-564  
 Изотерма 372, 431  
     кимёвий реакция 534-537  
 Изотермик дроссель эффекти 558  
 Инжектор 278  
 Инжекция коэффициенти 279  
 Индикатор диаграмма 95  
 Инверсион температура 558  
 Интеграл дроссель эффекти 558  
 Ион алмашиниш 421-425  
     анионит 421  
     ионит 421  
     кинетикаси 423  
     механизми 422  
 Ионизация 144  
 Иситиш  
     иссиқ сув б-н 231  
     тутун газлари б-н 233  
     түйинган сув бүг б-н 232  
     электр токи б-н 233  
     юзаси 276

Иссиқлик  
     алмашиниш 196, 212-229  
     баланс 198, 258-260  
     бериш 212-222  
     нурланиши 208-211  
     миқдори 197-260  
     сигими 21, 197, 198, 272  
     элткичлар 197, 230-238  
     үтказиш 223-229  
     үтказувчанлик 199-208  
 Иссиқлик алмашиниш 196, 212-229  
     интенсивлиги 260, 267  
     конвектив 212  
     элткичлар орасида 255, 256, 257  
     харакатта келтирувчи күч 14, 226-229

Иссиқлик алмашиниш трубалари  
     бурама 265  
     бурама лентали 266  
     диафрагма турбулизаторлы 266  
     диск турбулизаторлы 266  
     конфузор-диффузор 266  
     күндалант “накатка”ли 266  
     спирал “накатка”ли 266  
     спирал турбулизаторлы 266  
     шнекли, лентали 266  
     шнексимон уормалантиргич-ли 266  
 Иссиқлик алмашиниш қурилмалари  
     239, 244-257, 265  
     бир йұллы 239  
     блок-графитли 253  
     бурилиш камераси 248  
     эмевиқли 249  
     икки йұллы 244, 245  
     линза-компенсаторлы 245  
     пластиналы 251, 252  
     спиралсимон 250, 288  
     “труба ичиде труба” 247, 248  
     шнекли 254  
     ювиліб турувчи 249  
     қыррали 252, 289  
     құшалоқ трубали 246  
     қобиқ трубали 239, 244-246  
     ғилюфли 253  
     U-симон трубали 245  
 Иссиқлик алмашиниш қурилма таркиби  
     иситувчи труба 244-254  
     сегмент түсік 244-254  
     тақсымлаш камераси 248  
     таянч 244-254  
     тешікли панжара 244-254  
     фланец 244-254  
     штуцер 244-254  
     қыстирма 244-254  
     қобиқ 244-254  
     қолкоқ 244-254  
     харакатчан қалпоқчали 246  
 Иссиқлик бериш  
     дисперс системаларда 218  
     конвектив 212, 213, 218  
     коэффициенти 213, 220, 222, 286  
 Иссиқлик элткичлар 197, 230-238  
     азот, кислород, ҳаво 197  
     аммиак, олтингуттурт углерод  
     диоксиди 197  
     газлардан электр разряды үтказилганда ҳосил болған газлар 197  
     гелий 197  
     қалай ва сурманинг құрғо-шинли қотишмалари 197  
     метан 197  
     органик суюқликлар 197  
     силиконлар 197

сув 197  
 сув буғи 197  
 тутун газлари 197  
 шамот, алунд ва ҳ. 197  
 этан, этилен, фреонлар 197  
 этиленгликоль 197  
**Иссиқлик** элткіч ҳаракати  
 аралаш 227  
 кесишиб ўтган 227  
 параллел 227  
 қарама-қарши 227  
**Иссиқлик** ўтказиш  
 интенсивлаш усуллари 266  
 конвектив 223, 225  
 коэффициенти 14, 223-225  
 текис, цилиндрик, сферик  
 деворлардан 223, 225  
**Иссиқлик** ўтказувчанлық  
 газ ва суюқлуклар 23-25, 200  
 дифференциал тенгламаси 200  
 коэффициенти 23-25, 200  
 мураккаб жисмлар 207  
 текис девор 202-203  
 цилиндрик 204-205  
 шарсимон 205-206  
 эффектив 24  
 қаттық жисмлар 23, 200  
**Ионизация** 144-147  
**Ионит** 421-425  
**Ишқаланиш** қаршилиги 61, 62  
**Ишқорланиш** 393  
**Иссиқлик** насоси 287, 602

## К

Кади ва Вильямс формуласи 310  
 Калорифер ҳисоби 469  
 Картон 623  
 Капица цикли 576, 577  
 Карно цикли 237, 555-556  
 Касаткин формуласи 339  
**Кимёвий** жараён 533-553  
 иссиқлик баланс 544  
 моддий баланс 543  
 тезлиги 537, 538  
 ҳаракатта көлтирувчи күч 539  
**Кинетик** тенглама 14  
 энергия 47  
 Киреев қоидаси 271  
**Классификациялаш** 512-515  
 Клод цикли 575  
 Коллоид тегирмон 502  
**Конвекция**  
 конденсат 273-287  
 мажбурий 212  
 эркин 212  
 Конденсациялаш 234, 235  
**Конструкцион** материаллар 618-623  
**Компрессорлар** 89-105  
 - винтели 102

пластинали 99  
 ротацион 99  
 сув ҳалқали 99  
 унумдорлик 96  
**Коррозион** чидамлилик 618  
**Коррозия** тезлиги 618  
**Кристаллизатор** 475-479  
 барабанли 478  
 лента аралаштиргичли 477  
 мавхұм қайнаш қатламли 478  
 осма, вакуум 476  
 узлуксиз 477  
 ҳисоби 480-481  
**Кристалланиш** 471-481  
 жараёни 303  
 изогидрик 475  
 изотермик 474  
 иссиқлик баланси 480-481  
 кинетикаси 472  
 моддий баланси 479-480  
 статикаси 471  
 тезлиги 474  
**Кристаллогидрат** 471  
**Кристалл** 474  
**Критериал** тенглама 29  
**Критерийлар**  
 Архимед 110  
 Био 312, 395, 410, 411, 438  
 Вебер 349  
 Галилей 30, 220  
 гомохронлик 30, 57  
 Грасгофф 216  
 Гухман 314, 440  
 Нуссельт 215, 315, 316  
 Ньютон 28  
 Пекле 216, 315  
 Прандтл 216, 316  
 Рейнольдс 28, 52, 57  
 Стантон 216, 317  
 Струхаль 30  
 тез юрарлық 87  
 Фруд 57, 438  
 Фурье 216, 312, 315, 438  
 Эйлер 30, 57  
**Күндаланг** түсікілар 243  
**Күпиклар** 106  
**Күп** компонентли аралашма 106  
**Криоген** техника 554  
**Криогидрат** нұқта 566  
**Кул ранг** жисм 209  
**Күттер** 511  
**Кик-Кирпичев** назарияси 501  
**Куб** қолдиги 350  
**Контактли** қуритиш 426  
**Конвектив** қуритиш 426  
 кинетикаси 435  
**Конусли** майдалагич 504  
**Капилляр** боғланған намлик 432  
**Кимёвий**  
 боғланған намлик 432

- реакция төзлиги 537  
 реакция төзлиги константаси 538  
 эксергия 593  
**Кулон кучи** 147  
**Куч**  
     гидродинамик босим 155  
     инерция 57  
     ишқаланиш 109  
     күттарувчи 109  
     марказдан қочма 114  
     оғирлик 57, 109  
     электр майдони 135  
**Күндаланг түсікілар**  
     диски 243  
     икки томонлама сегментли 243  
     сегментли 243  
  
**Л**  
**Ламинар режим** 51, 52, 69, 70, 410  
**Линзали компенсатор** 245  
**Ленгмюр изотермалари** 407  
**Ле-Шателье принципи** 408  
**Линде цикли** 571, 572  
**Латунь** 622  
**Левенсон формуласи** 508  
  
**М**  
**Манфий эффект** 557  
**Масса** 16, 302  
     миқдори 304, 309  
     үтказувчанлық 310  
**Масса сақланиш қонуни** 44  
**Массавий улуш** 17, 498  
**Монодисперс қатлам** 150  
**Массалар таъсир қонуни** 523  
**Майдалаш**  
     даражаси 496, 497, 529, 498  
     иши 501  
     йирик 497  
     назарияси 500, 501  
     ўрта 497  
**Майдалаш усуллари**  
     арралаш 499  
     ейилиш 499  
     ёриш 499  
     сиккік зарба 499  
     эзиш 499  
     қирқиши 499  
**Майдалагич**  
     болғалы 504  
     диски 506  
     жағли 502  
     жували 507-508  
     иш унумдорлориги 500, 501, 504  
     конуслы 504  
**Майер формуласи** 21  
**Масса алмашиниш**  
     - критерийлари 315-316
- механизми 317  
 моддий баланслари 305  
 моделлари 319-321  
 қаттық жисм иштироқида 310  
 қурилмаси 336-479  
 ҳаракатта келтирувчи куч 15,  
     321-325  
**Маҳаллий қаршилик** 59, 60, 65  
**Мусбат эффект** 557  
**Менделеев-Клапейрон тенгламаси** 427  
**Механик жараёнлар** 496-532  
**Молекуляр диффузия** 306  
**Моддий баланс** 32, 108, 194, 274, 305,  
     479  
**Моделлар**  
     Данквартс 321  
     Дитнерский 184  
     Диффузион чегаравий қат-  
         ламлы 320  
     Кишиневский 321  
     Льюис ва Уитмен 319  
**Мұртглик** 499  
**Мембрана** 182  
     юзани ҳисоблаш 195  
**Масса бериш** 303, 308, 313-319, 333,  
     378, 424  
**Масса үтказыш** 15, 303, 306, 328, 333,  
     373, 409  
     асосий тенгламаси 306  
     жараёнлар класификацияси  
     14, 15  
     кинетикаси 303, 304  
     коэффициенти 306, 313, 409  
     моддий баланси 32, 33, 305  
     ўртача ҳаракатта келтирувчи  
     куч 321-325  
     қаттық фаза иштироқисиз 303-  
         310  
     қаттық фаза иштироқида 310-  
         314  
**Мембранны жараён**  
     ищчи юза 195  
     масса үтказыш коэффициенти  
     195  
     моддий баланс 194  
**Мембранныарни тозалаш усуллари**  
     гидродинамик 188  
     кимёвий 188  
     механик 188  
     физик 188  
**Мембранны курилмалар**  
     ичи бўш, бир даста толали 192  
     ичи бўш, толали 191  
     ичи бўш, U-симон толали 193  
     цилиндрик фильтр элементли  
     189  
     цилиндрик юза элементли 190  
     ясся юза элементли 189  
     ўрамли фильтр элементли 191  
     ҳисоби 193-195

Массавий сарф 40  
Маҳаллий қаршилик 60, 64  
Масса ўтказувчанлык 310, 395  
Микроковаклар ҳажми 405  
Микрофильтрлаш 185  
Мис 620  
Мувозанат 303  
Мувозанат константаси 534  
Мувозанат диаграммаси 351  
Моделлаштириш 12  
Модификацияланган критерийлар  
    Рейнольдс 175, 176  
    Эйлер 176  
Мавхум қайнаш 154  
    оқимчали 161-164  
    сони 156  
Мавхум қайнаш қатлами  
    баландлуги 156  
    биринчи критик тезлик 157  
    гидравлик қаршилик 158  
    иккинчи критик тезлик 157  
Мажбурий конвекция 212  
Монасос 86  
    ротор 86  
    статор 86  
Мослама 14, 264  
Моор шкаласи 499

## Н

“Накатка” ли труба 262  
Нанофильтрлаш 185  
Нам сақлаш  
    материалнинг 427  
    ҳавонинг 427  
Намлик  
    абсолют 427  
    адсорбцион боғланган 432  
    гигроскопик 433, 434  
    капилляр боғланган 432  
    кимёвий боғланган 432  
    материал 426  
    мувозанат 431  
    нисбий 427  
    осмотик боғланган 432  
    физик-механик боғланган 432  
    физик-кимевий боғланган 432  
    ҳавонинг 427

Нам ҳаво  
    I-х диаграмма 427

Насадкалар  
    Берл эгари 338  
    ички 64  
    кенгаювчи 64  
    коноидал 64  
    Рашиг 338  
    ташқи 64  
    тораювчи 64  
    тури 64, 65  
    - фасонли 338

хордали 338  
ўлчами 337  
Насослар  
    кетма-кет улаш 79  
    марказдан қочма 74  
    напори 73  
    оқимчали 88  
    параллел улаш 79  
    плунжерли 81  
    поршенили 81  
    ростлаш 79-80  
    тармоқдаги иш 79  
    триплекс 81  
    унумдорлиги 71  
    универсал характеристика  
    78  
    шестернили 87  
    ўқидаги қувват 72  
Никель 621  
Нисбий  
    зичлик 16  
    ғадир-будурлик 56  
Нутч-фильтр 127  
Нуқта  
    инверсия 558  
    криогидрат 566  
    учиб чиқиш 157, 158, 161  
    шудринг 430  
Напор  
    геометрик 46, 47  
    гидродинамик 46, 47  
    гидростатик 46, 47  
    динамик 46, 47  
    йўқотилиши 63  
    насос 71-74  
Нурланиш энергияси 208-211  
Нурланиш түри  
    инфрақизил тўлқин 208  
    космик 208  
    γ-нурланиш 208  
    радио тўлқин 208  
    рентген 208  
    ультрабинафаша 208  
Ньютон қонуни 53

## О

Олтингутурт ангидриди 181  
Осмос 181  
Осмотик босим 183  
Оралик  
    иссиқлик элткич 230  
    совуклик элткич 565-566  
Оқим  
    иссиқлик 197-225  
    нотурғун 41  
    турғун 41  
Оқим турбулентлиги 52-57  
Оқимчали насос 104

## П

Паскаль қонуни 37, 38  
Парциал босим 352, 427, 430  
Паронит 623  
Пахта чигити 22-24, 208  
Пельтье эффекти 561  
Пермеат 181, 185-186  
Перколятор 397  
Пневмометрик труба 50  
Плановский А.Н. назарияси 347, 438, 539  
Пластинали компрессор 99  
Пластмасса 622  
Пластификат хлорвинилли 623  
Пропорционаллик қонуни 80  
Полидисперс қатлам 150  
Политропик жараён 91  
Политропа күрсаткичи 91, 97  
Поршени насос 80, 84  
    зичловчи ҳалقا 80, 94  
    кривошип-шатун механизми 80, 94  
    поршен 80, 94  
    сүриш клапани 80, 94  
    цилиндр 80, 94  
    хайдаш патрубкаси 80, 94  
Потенциал энергия 47  
Полиморфизм 471  
“Портлатиш” усули 516  
Потенциал энергия 47-48  
Погоналар сони 327  
Плунжерли насос  
    плунжер 81  
    сүриш клапани 81  
    цилиндр 81  
    хайдаш патрубкаси 81  
Пресс  
    бир шнекли 522  
    вертикал шнекли 521  
    диски 521  
    икки шнекли 522  
    ротацион 521  
    кия шнекли 520  
Пуазейл тенгламаси 55  
Пуркаб грануллаш 527-528  
Пуркаш 527  
Пуркагичлар  
    вибрацион 528  
    марказдан қочма 528  
    пневматик 528  
    сопло 256  
Пүлат 619

## Р

Радиацион қуритиш 426  
Рафинат 369, 417  
Реакторлар 546-550  
    аралашып 548  
    - даврий 546

сиқиб чиқариш 548  
узлуксиз 546  
ярим узлуклы 547  
ұсисоби 551-553  
Реакция даражаси 538  
Реакция тезлиги  
    константаси 538  
Ребиндер тенгламаси 433  
Регенератив иссиқлик алмашиниш 254  
Резина 623  
Рейнольдс критерийси 28; 52, 57  
Ректификация 350-368  
    жараёни 302  
    иссиқлик баланс 358, 360  
    моддий баланс 358-359  
    флегма сони 359, 362  
Ректификацион колонна  
    колонна 364, 365  
    дефлегматор 364-365  
    иситкіч 364, 365  
    совуткіч 364-365  
    узлуксиз ишлайдиган 364  
    ұсисоби 365-368  
Ретант 181, 185, 186  
Риттингер тенгламаси 500  
Ричаг қоидаси 371  
Розин-Роммлер формуласи 498  
Ромли кесігі 510, 511  
Роторли компрессор 98, 99

## С

Самарадор труба 262, 264-267, 268, 288-290  
Сарф коэффициенти 66  
Селектив ўтказувчанлық 184  
Сепаратор  
    марказдан қочма 119-121  
    тарелкали 120  
Силикагел 406  
Симплекс 28  
Сиртій конденсация 234  
Сиртій таранглик 21, 363  
Сиккиш жараёни 89-93  
    иши 91  
    истеммол қуввати 92  
    - температураси 92  
Скруберлар  
    Вентури 143  
    ичи бүш 142  
    насадкали 142  
    күпикли 142  
Совитиш 234-238, 554-585  
    коэффициенти 556, 563  
    мұз билан 236, 554  
    сүв билан 235, 554  
    ұаво билан 236, 554  
Совитиш машиналари  
    абсорбцион 568

- инжекторлы 570  
 сув-аммиаклы 569  
**Совитиш усуллари**  
 газларни кенгайтириб 557  
 суюқликларни бүглатып 557  
**Совуқлик иш унумдорлыги** 236, 237  
**Совуқлик элткичлар** 230  
 аммиак 557  
 олтингутурт ангидрил 566  
 оралык 230, 480  
 углерод диоксиди 566  
 фреонлар 566  
 хлорли метил 566  
**Солишигирма оғирлік** 18  
 иссиқлик сифим 21-23  
**Сорбция** 431-434  
 изотермалари 431-434  
**Степан-Больцман қонуни** 209-210  
**Стокс қонуни** 111  
**Сув буғи**  
 бирламчи 272-273  
 иккіламчи 273-274  
 иситувчи 272-273  
**Сувсизлантириш** 517-518  
**Суспензия** 113  
**Суюқлик**  
 зичлиги 18  
 идеал 35  
 иссиқлик сифими 21-23  
 иссиқлик ўтказувчанлығы 21-  
 23, 200-205  
 насадқадан оқиб чиқышы 66  
 оғирліги ва ұажмас 16-18  
 пуркагиң 524-526  
 сарфи 40, 166, 231-233, 279,  
 381  
 сиртій таранглігі 21  
 сиқиши 89-105  
 совитиши ва иситиши 230-268  
 тезлігі 40, 49-50, 336  
 томчылы 63-64  
 узлуксизлігі 42-43  
 узатиши 71-88  
 қайнаши 273-274  
 қовушоқлігі 18-20  
 ҳақиқіт 35  
**Суюқлик билан ювиб әртиши** 393-397  
**Сүриш баландлігі** 72-74
- T**
- Тантал** 621  
**Тарелка**  
 капсулали қалпоқча 342  
 клапанлы 342  
 оқимчали 343  
 сони 326-327  
 әлаксимон 341  
 қалпоқчали 342  
 - ҳақиқіт сони 326
- Тарқалиш коэффициенти** 304  
**Тебранма тегирмон** 510  
**Тебранма әлак** 513  
**Тегирмон**  
 жували 507  
 коллоид 510  
 тебранма 510  
 шарлы 509  
 югурувчи 508  
**Тегирмонлар** 502-510  
**Тезкор гранулятор** 528-530  
**Тезлик** 40, 48-57, 110, 157-161, 256-300,  
 508  
**Текстолит** 623  
**Температура**  
 аникловчи 217-218  
 градиенти 198-199  
 депрессияси 270-272  
 майдони 198-199  
 напори 15, 292, 294, 297  
 фарқи 226-229, 260, 271, 292,  
 220  
 ўтказувчанлық 216  
 ўртача 226-229, 259, 276, 294  
 қайнаш 273  
 күрүк термометр 430-431  
 хұл термометр 431  
**Температура ўтказувчанлық** 216  
**Температуралық коэффициент** 543  
**Тенглама**  
 Бернулли 45-47, 49-51  
 Бергло-Нернст 370  
 Блазиус 61  
 Бонд 501  
 Боуман 229  
 критериал 217-222, 315-316  
 масса бериш 309  
 масса ўтказиш 317-319  
 Нұрмухамедов 22-24, 160-161,  
 164  
 Тищенко 271  
 гидродинамика дифференциал  
 44-45  
 гидростатика асосий 37-39  
 Дарси-Вейсбах 30, 344  
 Дубинин 408  
 иссиқлик ўтказиш 222-229  
 иссиқлик ўтказувчанлық 23-25,  
 199-208  
 Касаткин А.Г. 339  
 конвектив иссиқлик алмашы-  
 ниш 212-223  
 Ленгмюр 407  
 Майер 21  
 масса ўтказиш 303-308, 310-  
 312, 314-319  
 Менделеев-Клапейрон 427  
 Навье-Стокс 48  
 оқимнинг узлуксизлігі 42-44  
 Планк 210

Плановский 347, 438  
 Плановский ва Рудобашта 438  
 Пуазейл 55  
 Ребиндер 434  
 Саламаха 349  
 сарфнинг ўзгармаслиги 43  
 Тодес 157-158, 160-161, 532  
 фильтрлаш 124-126  
 Фурье 437  
 Фурье-Кирхгоф 199, 214  
 Шукарев 396  
 Эйлер 75  
**Теорема**  
 Бекинтем, Федерман ва  
 Афанасьев-Эренфест 29  
 Кирпичев ва Гуман 29  
**Термик қаршилик** 224-225  
**Термомембран жараён** 187  
**Тескари осмос** 181-183  
**Технология** 13  
**Тинлиргич**  
 кўп қаватли 117  
 эмульсия ажратгич 117  
 эшкак аралаштиргичли 116  
**Титан** 621  
**Тишенко** формуласи 271  
**Тозалаш даражаси**  
 газларни 106  
 суюқликларни 106, 109-134  
 турли жинсли системаларни  
 106  
**Томчи ушлагич** 280  
**Триплекс-насос** 81  
**Туман** 106-107  
**Турбогазодувка** 101  
**Турбодетандер** 577  
**Турбокомпрессор** 577  
**Турбоқориширгич** 173  
 дефлектор 173  
 ротор 173  
 сегмент 173  
 фильтр 173  
 электр юриткич 173  
 қопкоқ 173  
**Турбулент ҳаракат** 52, 55, 69, 70  
 диффузия 307  
**Турбулизатор** 265-267  
**Турли жинсли система** 106-121  
**Турғун ва ногурғун оқимлар** 41, 42, 58  
**Туташган идишлар** 38-39  
**Тутун** 106  
**Труба ва газ қувурлари**  
 бурама 265-266  
 диаметрини ҳисоблаш 63, 64  
 силлиқ 56  
 узунлиги 241  
 ғадир-будур 56  
 “Труба ичидаги труба” 247-248  
**Трубалар** бўшлиғи 242  
**Трубалараро бўшлиқ** 243

**Трубаларни жойлаштириш усуллари**  
 квадрат томон ва чўққиларида  
 240-241  
 концентрик айланалар бўйлаб  
 240-241  
 тўғри олтибурчак қирра ва  
 чўққиларида 240-241  
**Трубали ва пластинали электр фильтр**  
 электрод 144-147  
 силкитувчи мослама 146  
 тешикли панжара 146  
 “тож” ҳосил қилувчи электрод  
 144  
 трубали электрод-анод 146  
 чанг йигтич 146  
**Трубаларни тешикли панжарага зичлаш**  
 елимлаш 240  
 кавшарлаш 240  
 развалъцовка 240  
 пайвандлаш 240  
 “портлатиб” зичлаш 240  
 сальник билан зичлаш 240  
**“Тўқма” зичлик** 18, 498

## У

Углерод диоксиди 197  
**Узлуксизлик тенгламаси** 42-44  
 Ультра паст температура техникаси 554  
**Ультрафильтрлаш** 185  
**Унумдорлик** 72, 93, 97, 100, 119  
**Ускуна** 14  
**Усуллар**  
 энтропия 587  
 эксергия 587, 590-591  
**Уч босқичли насос** 81  
**Учбурчак диаграмма** 370-372  
**Юрмавий**  
 эффект 560  
 қувур 560

## Ф

**Фавворасимон қатлами**  
 гранулятор 526  
**Фаза**  
 бир фазали оқим 40-41  
 дисперс 106, 371  
 дисперсион 106, 371, 497-498  
 икки фазали оқим 154-165  
 қоидаси 303  
**Фазавий мувозанат** 300  
**Фазалар қоидаси** 303, 329  
**Фаолланган кўмирилар** 405  
**Фермент** 482  
**Ферментатор** 488-489  
**Ферментация** 485-489  
**Флегма** 359-362  
**Флегма сони** 359  
**Фибра** 623

**Физик-кимёвий бөглөнгөн намликтай** 432  
**Фикнинг 1, 2-қонунлары** 306, 308  
**Фильтр түсиң** 123, 126-132  
 газлама 123  
 картон 123  
 кварц қум 141  
 керамика, ғовакли 123  
 кокс 141  
 металлокерамика 123  
 пластмасса, ғовакли 123  
 сочилиувчан материал 123  
 түр парда 123  
 шагал 123  
 шлак 141  
 қум 123  
 ғовакли полимер 123  
**Фильтрат** 122-125, 183  
**Фильтрлар** 126-132  
 барабанлы 129  
 вакуумлы 129  
 диски 130  
 енгли 140  
 лентали 130-131  
 нутч-фильтр 127-128  
 патронлы 141  
 узлуксиз 132  
 фильтр-пресс 128-129  
 центрифуга 132  
 қумлы 127  
 хисоби 133-134  
**Фильтрлаш** 122-134  
 вақти 125-126  
 интенсивлаш 132-133  
 кинетик тенглама 124  
 константаси 126  
**Фильтрлаш турлари**  
 ковакни тұлдириш 123  
 оралык 123  
 чүкма ҳосил қилиб 123  
**Фойдалы иш коэффициенти** 71, 72, 82,  
 138, 327, 556  
 адиабатик 91  
 гидравлик 72, 77  
 изотермик 91  
 механик 72, 80  
 насос 72  
 узатыш 72, 80  
 экспергетик 579-581, 585  
 эффектив 588  
**Фойдалы кувват** 72  
**Фосфорит** 531  
**Фракциялы ҳайдаш** 354  
**Фрейдлих изотермалари** 407  
**Фреонлар** 560, 566  
**Фторопласт** 623  
**Фторопласт трубали иссиқлик алмашиниш** қурилмаси 291  
**Фугат** 114  
**Фурье қонуни** 199

## X

**Хемосорбция** 329, 404

**Хлорли метил** 566  
**Хом-аше** 16-25

## Ц

**Центрифуга** 114-121  
 горизонтал 119  
 фильтровчи 118  
 чүктирувчи 118  
 ўта самарали 121  
**Центрифугалаш** 114  
 унумдорлиги 119

**Цеолитлар** 406

**Цикллар**  
 Гейландт 576  
 идеал машина 554-555  
 Капица 576-577  
 Карно 228, 555  
 каскадлы 567  
 Клод 575  
 Линде 571, 572  
 ҳақиқий машина 562

**Циклонлар** 137-139  
 батареялы 138  
 НИИОГаз 138-139

**Циркуляцион труба** 282-284

## Ч

**Чанг** 107  
**Чарм** 623  
**Чегаравий қатлам** 49, 52, 56-57  
 назарияси 396

**Чигит** түкшлигі 160  
**Чукиш**

сиқиқ 111  
 тезлиги 113  
 әржын 109  
**Чүкма** 112, 117-123  
**Чүктириш** 108-115  
 қаттық заррачаларни 108-109  
 түрли жинсли системаларни  
 112-113

**Чүктиригич**  
 иш унумдорлиги 115  
 күп қаватли 117  
 узлукли 116  
 узлуксиз ишлайдиган 118  
 ярим узлукли ишлайдиган 116  
**Чүктириш камераси** 136-137  
**Чукур советиши техникаси** 554, 577-578  
**Чүян** 619

## Ш

**Шакл коэффициенти** 70, 110, 159, 152-  
 152

Шакллантириш 519  
Шарли тегирмон 509  
Шарсимон девор 206  
Шартлар  
    бошлангич 27  
    чегаравий 27  
Шаффофф жисм 209  
Шервуд-Ликов усули 440  
Шестернили насос 87  
Шилов И.А. модели 409  
Шиша пластиклар 622  
Штамм 482  
Шудринг нұқтаси 430  
Шукарев формуласи 396

## Ә

Эзиш 499  
Эйлер дифференциал тенгламаси 35-36, 45,  
    74-75  
Эквивалент диаметр 40, 41, 56, 151, 337,  
    498  
Эксергетик  
    йүқотилишлар турлари 596-597  
    куват 600-601  
    таұлым 603-604  
    унумдорлик 600-601  
Эксергия 34, 591-608  
    кимёвий 593  
    нурланиш 594  
    ф.и.к. 501, 511, 514, 515, 516,  
    598, 599, 601-604  
    термомеханик 592  
Экстра-бұғ 270  
Экстрагент 369  
Экстракт 369-373  
Экстракторлар 377-383, 397-400  
    аралаштиргичли 381  
    вибрация тарелкалар 382  
    колоннали 323  
    аралаштириб-тіндірувчи 378  
    пульсациялы 382  
    турковчы 380  
    перколоатор 397  
    икки шnekли 398  
    ротор-диски 380  
    тарелкалар 379  
    трубали 383  
    хисоби 327, 341  
Экстракциялаш 302, 369-403  
    бир погонали 374  
    жараён хисоби 384-392  
    жараён мөхияти 373  
    күп погонали 375  
    “суюқлик-суюқлик” систе-  
        масида 369-383  
    “қаттық жисм-суюқлик”  
        системасида 393-403  
Экструзия 519

Экструдат 519  
Экструдер 522  
Элаклар 512-515  
Элакли таұлым 513  
Элаш 512-514  
Электр майдон потенциали 146  
Электр фильтрлар  
    пластинали 147  
    трубали 146  
    электр юриткіч құввати 180  
    хисоби 147-148  
Электрод 144-147  
Электродиализ 181  
Электролит 184, 421-425  
Электрод  
    пластинали 145, 147  
    трубали 145-146  
    “тожли” 144  
Электромагнит барабанли ғалвир 513-  
    514  
Эмульсия 106, 168  
Энергетик баланс 47  
Энергия 47-48, 586-587  
Энерготехнология 586  
Энталпия 197-198, 428, 442-447  
Энтропия 587  
Эритма  
    иссиқлик сиғими 272  
    концентранган 280-287  
    түйинган 471  
    үта түйинган 471-472  
Эритиши 393, 471  
Эритиши иссиқтігі 272  
    жараён 393-396  
Эриткич  
    икки колоннали 398  
    лентали 399  
    мавхұм қайнаш қатламлы 400  
    трубали 400  
    хисоби 401-403  
Эритутвчи 393  
Эркин  
    зарба 499  
    конвекция 212, 217-218  
Эрүвчанлик 393  
Эффект  
    магнит калорик 561  
    манфий 557  
    мусбат 557  
    Пельтье 561  
    термоэлектрик 561  
    уормавий 560  
Эффузия 456

## Ю

Югирувчи тегирмон 508  
Юза  
    иссиқлик алмашиниш 207, 223-  
        224, 235, 259, 292, 295, 297

самарадор труба 253, 262, 264-266  
солиширма 405  
фильтрлаш 141

Юза назарияси 500  
Юмалатиб гранулаш 523-524  
Юпқа қатлам қалынлуги 336  
Юқори легирланган пүлат 619-620  
Юқори частотали куриткіч 458-459

## Я

Янчиш 497, 505, 507, 509  
майда 497  
майн 497

## Ү

Үлчов  
бирликлар 30-31  
диафрагмаси 50  
соплоси 51

Үртача  
диаметр 496-497  
концентрация 14, 323, 373, 439  
парциал босым 439  
тезлік 40, 55, 174, 336  
температура 14, 219, 229, 259

Үта түйинган эритма 471-472  
қызметтердегі сұб 231  
Үтиш режими 70  
Үтказиш бирлигининг сони 324, 328  
Үтказиш бирлигининг баландығы 324  
Үтказувчанник  
иссикпік 23-25, 200-205  
масса 310  
селектив 184  
температура 216

Үхашаш 26  
Үхашашлик 25-30  
бірхиллік шартлари 27  
вақт 27  
геометрик 26  
гидромеханик 26  
инвариант 27  
критерийлари 28-30  
назарияси 26  
теоремалари 29  
физик 27

Үқдаги күвват 71, 93, 101  
Үқули насос, компрессор 102

## Қ

Қаршилиқ  
гидравлик 58, 61, 62, 153-154  
ишқаланиш 58, 61, 153  
- маҳаллік 58, 61, 153

## Қатлам

мавхұм қайнаш 154-165  
күзғалмас 150-154  
ғовак 151, 157-158, 310  
харакатчан 154-165

## Қаттық жисм

йирик көвакли 310  
ультра-микровакли 310  
үртаса 310

## Қаттықпік

Қиын учувчан 350

Қирралы иссикпік алмашиниш юзалари  
бүйлама қирралы 252  
гофрилданган қирралы 267  
күндаланғ қирралы 289  
спиралсімон қирралы 289  
трапецидал шаклы қирра 267  
түғри түртбұрчак шаклы 252  
үбүрчак шаклы 267

Қирралы труба 289

Қирқиши 499

Қобиқ-трубали иситкіч 244-246

Қовушоқпік  
газ 20  
динамик 19  
кинематик 19-20  
ноңытон суюқпіклар 19  
Ньютон суюқпіклар 20  
суюқпік 19-20

## Қоида

Бабо 271  
Вревский 353  
Дюоринг 271  
Киреев 271  
ричаг 316  
фазалар 329

## Қонунлар

Архимед 69  
Вревский 353  
Генри 329, 330, 488  
Кирхгоф 210  
Коновалов 352, 353  
Ламберт 211  
Ньютон 28, 53, 70, 180  
Ньютон-Петров 109  
Паскаль 38  
пропорционалник 80  
Рауль 350, 353  
сақланиш (энергия) 47  
Стефан-Больцман 209-210  
Стокс 111  
Фик 306, 309, 396  
Фурье 216, 312, 315, 438

Құвват 71-72, 92, 174

Құвватнинг зақира коэффициенти 72

## Қурилма

биокимёвий 488-489  
диаметри 325  
гидравлик 38-39  
иссикпік алмашиниш 238-260

кимёвий 546-550  
 масса алмашиниши 335-344, 354-357, 364-365, 377-383, 397-400, 413-418, 424-425, 449-459, 475-497  
 механик 501-515  
 советиши 568-570  
**Куритиш** 426-470  
 давомийлиги 436, 439  
 диэлектрик 426  
 жараёни 303  
 жараён ишчи чизиги 445-446  
 иссиқлик баланси 442-444  
 кинетикаси 435-441  
 конвектив 426  
 контактылы 426  
 моддий баланс 442  
 потенциали 431  
 радиацион 426  
 статикаси 431  
 сублимациялы 426  
 тезлиги 435-436  
**Куритиш соҳаси** 432  
**Куритиш тезлигининг эгри чизиги** 435-436  
**Куритиш эгри чизиги** 435  
**Куриткич** насадкалари тури  
 ағдарувчи, ёпиқ ячейкали 454, 460  
 ағдарувчи, секторлы 454  
 күттарувчи-парракли 454, 460  
 парракли 454  
 тақсимловчи 454, 460  
**Куригкичлар**  
 барабанли 452-454  
 жували 455  
 камерали 450  
 лентали 450  
 мавхум қайнаш қатламли 454  
 пурковчи 456  
 сиртмоқли 452  
 сублимациялы 457  
 тебранма, мавхум қайнаш 453  
 терморадиацион 458  
 туннелли 450  
 шахтали 451  
 юқори частотали 458  
 ҳисоби 459-470  
**Куритувчи элткичлар**  
 тутун газлари 233  
 ўта қизиган бүф 232  
 ҳаво 444  
**Куюқлашган эритма** 272-287  
**Кўрғошин** 621  
**Кўшалоқ-трубали** 246

## F

**Фадир-будур** 56  
**Галвир**  
 - барабанли 502, 514

электромагнит барабаиши 513-514  
**Филофли иситкич** 253  
**Фоваклиник** 18, 151, 157, 498  
 жисм 18, 310, 311  
 қатлам 18, 151, 158  
**Фоваксимон жисм тузилиши** 311

**X**

**Ҳаво**  
 ажратиш 107, 135-148  
 сарфи 40, 136  
**Ҳаволи** конденсатор 257, 565  
**Ҳажмий**  
 сарф 41, 469  
 назарияси 500  
**Ҳайдаш** 350-368  
 дефлегмация билан 355  
 жараёни 302  
 моддий баланс 355  
 молекуляр 356-357  
 оддий 354  
 сув буғи билан 355-356  
 фракциялы 354  
**Ҳаракат**  
 ламинар 51-53  
 турбулент 52-53, 55-57  
 ўтиш 52  
**Ҳаракат йўналишлари**  
 аралаш 226-227  
 кесишиб ўтган 226-227  
 параллел 226-227  
 қарама-қарши 226-227  
**Ҳаракатга келтирувчи куч** 33  
 гидромеханик жараёнлар 14, 124, 181  
 иссиқлик алмашиниши жараёнлар 14, 226-228  
 кимёвий жараёнлар 15, 533  
 масса алмашиниши жараёнлар 15, 321-323  
 механик жараёнлар 15  
**Ҳақиқий суюқлик** 35, 45, 46, 47  
**Ҳақиқий флегма сони** 362  
**Ҳимояловчи таъсир вақти** 409  
**Ҳисоб**  
 гидравлик 296-298  
 иссиқлик 291-295  
 механик 299-301  
 экспергетик 298-299  
**Ҳўл термометр температураси** 431  
**Ҳўлланган периметр** 41, 151

## АДАБИЁТЛАР

1. Касаткин А.Г. Основные процессы и аппараты химической технологии. - М.: Химия, 1973. - 752 с.
2. Плановский А.Н., Николаев П.И. Процессы и аппараты химической и нефтехимической технологии. - М.: Химия, 1987. - 496 с.
3. Гельперин Н.И. Основные процессы аппараты химической технологии. - М.: Химия, 1995. - т. 1-2. - 768 с.
4. Стабников В.Н., Лысянский В.М., Попов В.Д. Процессы и аппараты пищевых производств. - М.: Агропромиздат, 1985. - 503 с.
5. Юсупбеков Н.Р., Нурмуҳамедов Ҳ.С., Зокиров С.Г., Исматуллаев П.Р., Маннонов У.В. Кимё ва озиқ-овқат саноатларининг асосий жараён ва қурилмаларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш. - Т.: Жаҳон, 2000. - 231 б.
6. Юсупбеков Н.Р., Нурмуҳамедов Ҳ.С., Исматуллаев П.Р. Кимё ва озиқ-овқат саноатларнинг жараён ва қурилмалари фанидан ҳисоблар ва мисоллар. - Тошкент: Nisim, 1999. - 351 с.
7. Ризаев Н.У., Юсупбеков Н.Р., Юсипов М.М. Основы оптимизации экстракционной и ионообменной технологии. - Т., Ўқитувчи, 1975. - 247 с.
8. Левш И.П., Убайдуллаев А.К. Тарельчатые абсорберы и скрубы с псевдоожиженным слоем орошающей насадки. - Т., Узбекистан, 1981. - 236 с.
9. Салимов З., Тўйчиев И.С. Химиявий технология процесслари ва аппаратлари.- Тошкент: Ўқитувчи, 1987. - 408 б.
10. Бродянский В.М., Фраттер В.Ф., Михалек К. Эксергетический метод и его применение. - М.: Энергоатомиздат, 1988. - 288 с.
11. Шаргут Я., Петела Р. Эксергия. - М.: Энергия, 1968. - 279 с.
12. Соколов Р.С. Химическая технология. - М.: Владос, 2000. - т. 1-2.- 814 с.
13. Нурмуҳамедов Ҳ.С. Научные основы создания процессов и аппаратов для сушки и гранулирования зернисто-волокнистых материалов. - Дис.... докт. тех. наук, Ташкент, ТашХТИ, 1993. - 440 с.
14. Скобло А.И., Молоканов Ю.К., Владимиров А.И., Щелкунов В.А. Процессы и аппараты нефтегазопереработки и нефтехимии. - М.: Недра, 2000. - 677 с.
15. Бродянский В. М. , Фраттер В.Ф., Михалек К. Эксергетический метод и его приложения. - М.: Энергоатомиздат, 1988. - 288 с.
16. Дытнрский Ю. И. Процессы и аппараты химической технологии. - М.: Химия, 1995. - т. 1-2. - 768 с.
17. Романков П.Г., Фролов В.Ф., Флисюк О.М., Курочкина М. И. Методы расчета процессов и аппаратов химической технологии. - С-Пб.: Химия, 1993. - 496 с.
18. Абросимов А.А. Экологические аспекты производства и применения нефтепродуктов. - М.: Барс, 1999. - 732 с.
19. Машины и аппараты химических производств: Учеб. пособие для вузов / Доманский И.В., Исаков В.П., Островский Г.М. и др.; Под общ. ред. В.Н. Соколова - 2-е изд., перераб. и доп. - С.-Пб.: Политехника, 1992. - 327с.
20. Николаев В.В., Бусыгина Н.В., Бусыгин И.Г. Основные процессы физической и физико-химической переработки газа. - М.: ОАО «Недра», 1998. - 184 с.

21. Кавецкий Г.Д., Васильев Б.В. Процессы и аппараты пищевой технологии. - М.: Колос, 1999. – 551 с.
22. Владимиров А.И., Щелкунов В.А., Круглов С.А. Основные процессы и аппараты нефтегазопреработки (краткий справочник). – М.: Нефть и газ, 1996. – 155 с.
23. Поникаров И.И., Перелыгин О.А., Доронин В.Н., Гайнуллин М.Г. Машины и аппараты химических производств: – М.: Машиностроение, 1989. – 368 с.
24. Идельчик И.Е. Аэрогидродинамика технологических аппаратов. – М.: Машиностроение, 1983. – 351 с.
25. Варгафтик Н.Б. Термофизические свойства веществ. – М.-Л.: Госэнергоиздат, 1956. – 368 с.
26. Гухман А.А. Введение в теории подобия. – М.: Высшая школа, 1973. - 295 с.
27. Гинзбург А.С., Громов М.А. Термофизические свойства картофеля, овощей и плодов. – М.: Агропромиздат, 1987. – 272 с.
28. Лашинский А.А., Толчинский А.Р Основы конструирования и расчета химической аппаратуры. – Л.: Машиностроение, 1970. – 752 с.
29. Соколов В.Н., Доманский И.В. Газожидкостные реакторы. – Л.: Машиностроение, 1976. – 214 с.
30. Буевич Ю.А., Минаев Г.А. Струйное псевдоожижение. - М.: Химия, 1984. - 136 с.
31. Баскаков А.П., Фролов В.Ф., Сажин Б.С. и др. Расчеты аппаратов кипящего слоя. Справочник. – М.: Химия, 1986. – 352 с.
32. Кафаров В.В. Методы кибернетики в химии и химической технологии – М.: Химия, 1971. – 496 с.
33. Закгейм А.Ю. Введение в моделирование химико-технологических процессов. – М.: Химия, 1982. – 288 с.
34. Лойцянский Л.Г. Механика жидкости и газа. – М.: Наука, 1978. – 736 с.
35. Жужиков В.А. Фильтрование. – М.: Химия, 1984. – 336 с.
36. Псевдоожижение /под редакцией Айнштейна А.Г., Баскакова А.П. – М.: Химия, 1991. – 400 с.
37. Черкасский В.М. Насосы, вентиляторы, компрессоры. – М.: Энергоатомиздат, 1984. – 416 с.
38. Роев Г.А. Очистные сооружения. Охрана окружающей среды: Учеб. для вузов. – М.: Недра, 1993. – 281 с.
39. Фильтры для жидкостей. Каталог НПО «НИИхиммаш». Фильтры периодического действия. – М.: ЦИНТИхимнефтемаш, 1992. – ч.2. – кн.1. 44 с.
40. Электрогидраторы. Трехфазные сепараторы. Электроразделители. Каталог ВНИИнефтемаш. – М.: ЦИНТИхимнефтемаш, 1992. – 7 с.
41. Лейтес И.Л., Сосна М.Х., Семенов В.П. Теория и практика химической энерготехнологии. – М.: Химия, 1988. – 280 с.
42. Страус В. Промышленная очистка газов: Пер. с англ. – М.: Химия, 1981. – 616 с.
43. Центробежные горизонтальные и вертикальные химические насосы с проточной частью из металла: Каталог. – М.: ЦИНТИхимнефтемаш, 1981. – 92 с.
44. Островский Г.М. Пневматический транспорт сыпучих материалов в химической промышленности. – Л.: Химия, 1984. – 116 с.

45. Стренк Ф. Перемешивание и аппараты с мешалками. — Л.: Химия, 1975.—384 с.
46. Кутателадзе С.С. Основы теории теплообмена. — М.: Атомиздат, 1979. — 416 с.
47. Калинин Э.К., Дрейцер Г.А., Ярхо С.А. Интенсификация теплообмена в каналах. — М.: Машиностроение, 1981. — 205 с.
48. Дзюбенко Б.В., Дрейцер Г.А., Ашмантас Л.-В.А. Нестационарный теплообмен в пучках витых труб. — М.: Машиностроение, 1988. — 240 с.
49. Щукин В.К., Халатов А.А. Теплообмен, массообмен и гидродинамика закрученных потоков в осесимметричных каналах. — М.: Машиностроение, 1982.— 200 с.
50. Юдаев Б.Н. Теплопередача. — М.: Высшая школа, 1981. — 319 с.
51. Кошкин В.К., Калинин Э.К. Теплообменные аппараты и теплоносители. — М.: Машиностроение, 1971. — 200 с.
52. Кудинов В.А., Карташов Э.М. Техническая термодинамика.— М.: Высшая школа, 2000. — 261 с.
53. Бажан П.И., Каневси Г.Е., Селиверстов В.М. Справочник по теплообменным аппаратам. — М.: Машиностроение, 1989. — 366 с.
54. Таубман Е.И. Выпаривание. — М.: Химия, 1982. — 328 с.
55. Эксергетические расчеты технических систем: Справочное пособие // Бродянский В.М., Верхивкер Г.П. и другие: Киев: Наукова Думка, 1991. — 360 с.
56. Чечеткин А.В. Высокотемпературные теплоносители. — М.: Энергия, 1971.—496 с.
- 57 Зокиров С.Г., Каримов К.Ф. Интенсификация теплообмена в каналах при течении вязких жидкостей // ЎзР ФА маърузалари, 1997 №7 С. 32-35
58. Зокиров С.Г., Каримов К.Ф., Саттаров Т. Применение двухмерной шероховатости для увеличения теплоотдачи вязкой жидкости // Труды II Российской Национальной конференции по теплообмену. Интенсификация теплообмена. — М.: МЭИ, 1998. — т.8. С.114-117
59. Dreytser G.A., Gomon V.L., Krayev V.M., Zakirov S.G. Studies of fouling channels with turbulence promoters // Proceeding of the 3<sup>rd</sup> European Thermal Sciences Conference, Heidelberg, Germany, 10-13 September, 2000.
60. Каримов К.Ф., Умаров У.Э., Алиев Б.А. Выбор оптимального теплообменного аппарата по эксергетическому к.п.д. // Техникавий, иқтисодий ва фунда-ментал фанлар соҳасининг муҳим масалалари. Ташкент, 2000. - №3 С. 91-93
61. Чечеткин А.В., Занемовец Н.А. Теплотехника. - М.: Высшая школа, 1986. —344 с.
62. Владимиров А.И., и др. Гидравлический расчет теплообменных аппаратов. — М.: Изд. ГАНГ им. И.М. Губкина, 1997. — 58 с.
63. Головачев В.Л., Марголин Г.А., Пугач В.В. Справочник-каталог. Промышленная кожухотрубчатая теплообменная аппаратура. — М.: Изд. ИНТЭК ЛТД, 1992. — 265 с.
64. Кожухотрубчатые теплообменные аппараты общего и специального назначения. Каталог ВНИИнефтемаш. — М.: ЦИНТИхимнефтемаш, 1991. — 106 с.
65. Основы расчета и проектирования теплообменников воздушного охлаждения: Справочник / А.Н. Бессонный, Г.А. Дрейцер, В.Б. Китыщ и др.; Под общ. ред. В.Б. Китыща. — СПб.: Недра, 1996. — 512 с.

66. Пластинчатые теплообменные аппараты. Каталог УкрНИИхиммаш.  
– М.: ЦИНТИхимнефтемаш, 1990. – 51 с.
67. Стальные спиральные теплообменники. Каталог УкрНИИхиммаш. –  
М.: ЦИНТИхимнефтемаш, 1976. – 22 с.
68. Теплообменные аппараты «труба в трубе». Каталог ВНИИнефтемаш.  
– М.: ЦИНТИхимнефтемаш, 1992. – 23 с.
69. Трубчатые печи. Каталог АООТ «ВНИИнефтемаш». – М.:  
ЦИНТИхимнефтемаш, 1998. – 27 с.
70. Зайчик Ц.Р. Сборник задач по расчетам оборудования вино-  
дельческого производства. – М.: Легкая и пищевая промышленность, 1983.  
200 с.
71. Обливин А.Н., Прокофьев Н.С., Воскресенский А.К. и др. Процессы  
и аппараты производства плит и пластиков.- М.: Экология, 1991.- 456 с.
72. Выпарные аппараты вертикальные, трубчатые общего назначения:  
Каталог УкрНИИхиммаша. – М.: ЦИНТИхимнефтемаш, 1979. – 38 с.
73. Плановский А.Н., Муштаев В.И., Ульянов В.М. Сушка дисперсных  
материалов в химической промышленности – М.: Химия, 1979. – 287 с.
74. Бесков В.С., Сафонов В.С. Общая химическая технология и основы  
промышленной экологии. – М.: Химия, 1999. – 470 с.
75. Аксельруд Г.А., Лысянский В.М. Экстрагирование. Система «твердое  
тело – жидкость». - Л.: Химия 1974. – 254 с.
76. Аксельруд Г.А., Молчанов А.Д. Растворение твердых веществ.– М.:  
Химия, 1977.- 272 с.
- 77 Пономаренко М.Г., Ткаченко К.П., Курлянд Ю.А. Кристаллизация в  
псевдоожженном слое – Киев Техника, 1972. – 132 с.
78. Гельперин Н.И., Носов Д.А. Основы техники фракционной  
кристаллизации. – М.: Химия, 1986. – 304 с.
79. Дытнерский Ю.И. Баромембранные процессы. Теория и расчет.– М.:  
Химия 1986. – 272 с.
80. Кафаров В.В. Основы массопередачи. – М.: Высшая школа, 1979.–  
439 с.
81. Петлюк Ф.Б., Серафимов Л.А. Многокомпонентная ректификация. –  
М.: Химия 1983. – 304 с.
82. Шервуд Т., Пигфорд Р.Л., Уилки Ч. Массопередача.– М.: Химия  
1982.–696 с.
83. Колонные аппараты. Каталог ВНИИнефтемаш. – М.:  
ЦИНТИхимнефтемаш, 1992. – 26 с.
84. Сажин Б.С., Сажин В.Б. Научные основы техники сушки. – М.:  
Наука, 1997. – 448 с.
85. Сушильные аппараты и установки. Каталог НИИхиммаш. – М.:  
ЦИНТИхимнефтемаш, 1992. – 80 с.
86. Александров И.А. Массопередача при ректификации и абсорбции  
многокомпонентных смесей. – Л.: Химия, 1975. – 320 с.
87. Кельцев Н.В. Основы адсорбционной технологии. – М.: Химия,  
1984. – 591 с.
88. Рамм В.М. Абсорбция газов. – М.: Химия, 1976. – 656 с.
89. Трейбал Р. Жидкостная экстракция. – М.: Химия, 1966. – 742 с.
90. Туменов С.Н., Корбатов А.Б., Косой В.Д. Обработка мясных  
продуктов давлением. – М.: Агропромиздат, 1991. – 271 с.
91. Рогов И.А., Забашта А.Г., Ибрагимов Р.М., Забашта Л.А.  
Производство мясных полуфабрикатов и быстрозамороженных блюд.– М.:  
Колос, 1998. – 335 с.

92. Сапронов А.Р. Технология сахарного производства. – М.: Колос, 1999. – 495 с.
93. Тихомиров В.Г. Технология пива и безалкогольных производств. – М.: Колос, 1998. – 448 с.
94. Бутковский В.А., Птушкин Г.Е. Технологическое оборудование мукомольных производств. – М.: Хлебопродукты, 1999. – 202 с.
95. Никулинко Т.Т., Лавриненко Ю.И. и др. Проектирование предприятий общественного питания. – М.: Колос, 2000. – 212 с.
96. Шолыц Е.П., Понаморев В.Ф. Технология переработки винограда. – М.: Агропромиздат, 1990. – 447 с.
97. Медведев Г.М. Технология макаронного производства. М.: Колос, 1998. – 272 с.
98. Бредихин С.А., Бредихина О.В., Космодемьянская Ю.В., Никифоров Л.Л. Технологическое оборудование мясокомбинатов. М.: Колос, 1997. 392с.
99. Арутюнян Н.С., Янова Л.И., Аришева Е.А. и др. Технология переработки жиров. – Л. – М.: Агропромиздат, 1985. – 368 с.
100. Рудобашта С.П. Массоперенос в системе с твердой фазой. – М.: Химия, 1980. – 248 с.
101. Лыков М.В. Сушка в химической промышленности. – М.: Химия, 1976. – 432 с.
102. Муштаев В.И. и др. Сушка в условиях пневмотранспорта. – М.: Химия, 1984. – 230 с.
103. Классен П.В., Гришаев И.Г. Основы техники гранулирования. – М.: Химия 1982. – 272 с.
104. Классен П.В., Гришаев И.Г. Основные процессы технологии минеральных удобрений. – М.: Химия 1990. – 304 с.
105. Генералов М.Б., Классен П.В., Степанова А.Р., Шомин П.В. Расчет оборудования для гранулирования минеральных удобрений. – М.: Машиностроение 1984. – 192 с.
106. Классен П.В., Гришаев И.Г., Шомин И.П. Гранулирование. – М.: Химия, 1991. – 240 с.
107. Казаков А.И., Классен П.В. // Химическая промышленность, 1986.- №6 - 357 с.
108. Гузь М.А. Разработка метода расчета высокоскоростного гранулятора окатывания для мелкодисперсных материалов; Дис... канд.тех.наук. – М.: МИХМ 1982. – 206 с.
109. Казаков А.И., Классен П.В., Канн С.В. // Химическая промышленность, 1989. - №2. – 220-224 с.
110. А.с. № 1724349, МКИ<sup>4</sup> F26B 1/04. Устройство для грануляции, изготовления гранул из вязкого материала. // Нурмухамедов Х.С., Агзамов Х.К., Классен П.В. – 4 с. – ил. 3.
111. А.с. №1782514, МКИ<sup>4</sup> B02B 3/21. Способ приготовления корма из маслосодержащего хлопкового шрота // Нурмухамедов Х.С., Агзамов Х.К., Казаков А.И. – 5 с.
112. Патент РУз №1966. МКИ<sup>5</sup> B02B 3/01. Способ шелушения хлопковых семян //Юсупбеков Н.Р., Нурмухамедов Х.С., Нигмаджонов С.К., Зокиров С.Г., Тўйчиев И.С., Зуфаров Р.Н. – 4 с.
113. Патент РУз №2062. МКИ<sup>5</sup> F26B 3/084. Способ сушки хлопковых семян в циркуляционном псевдоожженном слое // Юсупбеков Н.Р., Нурмухамедов Х.С., Нигмаджанов С.К., Зокиров С.Г., Сагитов А.М., Хайдаридинов Х.А., Классен П.В. – 5 с.

114. Патент РУз №2466. МКИ<sup>5</sup> A01C 1/00. Классификатор хлопковой рушанки // Юсупбеков Н.Р., Нурмухамедов Х.С., Нигмаджанов С.К., Зокиров С.Г., Зуфаров Р.Н., Хайридинов Х.А. – 5 с. - ил 2.
115. Патент РУз №2493. МКИ<sup>5</sup> A23L 1/00. Способ приготовления мяса // Юсупбеков Н.Р., Нурмухамедов Х.С., Сагитов А.М. – 3 с.
116. Патент РУз №2539. МКИ<sup>5</sup> B07B 4/00. Способ классификации хлопковой рушанки // Юсупбеков Н.Р., Нурмухамедов Х.С., Нигмаджанов С.К., Туйчиев И.С., Закирова Н.С. – 4 с.
117. Патент РУз №2593. МКИ<sup>5</sup> C11B 1/04. Способ подготовки хлопковой мятки к прессованию // Юсупбеков Н.Р., Нурмухамедов Х.С., Абдуллаева В.Т., Сагитов А.М., Хаккулова Н.К. – 3 с.
118. Патент РУз №2905. МКИ<sup>5</sup> A23N 15/00. Аппарат «взрывного» действия для очистки овощей и маслосодержащих материалов // Юсупбеков Н.Р., Нурмухамедов Х.С., Нигмаджанов С.К., Туйчиев И.С., Абдуллаев А.Ш., Алиева К.К. и др. – 4 с. – ил. 3.
119. Патент РУз №3472. МКИ<sup>5</sup> A23L 1/064. Способ получения овощного и фруктового пюре // Юсупбеков Н.Р., Нурмухамедов Х.С., Туйчиев И.С., Абдуллаева В.Т., Зуфаров Р.Н., Абдуллаев А.Ш. – 3 с.
120. Каталымов А.В., Любартович В.А. Дозирование сыпучих и вязких материалов. – Л.: Химия, 1990. – 240 с.
121. Объемные питатели и бункера. Каталог УкрНИИхиммаш. – М.: ЦИНТИхимнефтемаш, 1991. – 40 с.
122. Сиденко П.М. Измельчение в химической промышленности. – М.: Химия, 1977. – 368 с.
123. Орехов И.И., Обрезков В.Д. Холод в химической технологии. – М.: ЛГУ, 1980. – 256.
124. Григорьев В.А., Павлов Ю.М., Аметистов Е.В. Кипение криогенных жидкостей. – М.: Энергия, 1977. – 288 с.
125. Тонг Л. Теплопередача при кипении и двухфазное течение. – М.: Мир, 1969. – 344 с.
126. Фастовский В.Г., Петровский Ю.В., Ровинский А.Е. Криогенная техника. – М.: Энергия, 1974. – 495 с.
127. Курсовое проектирование по процессам и аппаратам химической технологии / Под ред. Г.С. Тарасовой. Т., ТашПИ, 1986. – 38 с.
128. Дипломное и курсовое проектирование по процессам и аппаратам химической технологии // Под ред. Ю.И. Дытнерского. – М.: Химия, 1983. – 272 с.
129. Справочник химика. – М.-Л.: Химия, 1966. – т.3. – 544 с.
130. Павлов К.Ф., Романков П.Г., Носков А.А. Примеры и задачи по процессам и аппаратам химической технологии. – М.: Химия, 1981. – 576 с.
131. Пинчук Л.С., Струк В.А., Мышкин Н.К., Свириденок А.И. Материаловедение и конструкционные материалы. Минск, Вышэйшая школа, 1989. – 461 с.
132. Чиркин В.С. Теплопроводность промышленных материалов. – М.: Машиностроение, 1987. – 515 с.
133. Юсупбеков Н.Р., Бабаянц А.В., Лубенцов В.Ф. Управление процессами ферментации. – Ташкент: Фан, 1986. – 164 с.

14 9000

Юсупбеков Нодирбек Рустамбекович  
Нурмуҳамедов Ҳабибулла Сайдуллаевич  
Зокиров Санат Гапурович

### Кимёвий технология асосий жараён ва курилмалари

(Дарслук)

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент-2003

Мұхаррір:	К.А. Ахмеров
Техник мұхаррір:	Ш.М. Фуломов
Мусаҳҳиқлар:	М.Р. Хайдарова
Саҳифаловчи:	Ш.Н. Нуритдинов
Расмлар мұхаррірлари:	Н.В. Валиханова
	Ш.Ш. Алиева
	Р.Ж. Шахабидинов

Теришга берилди 8.09.03. Босишига рухсат этилди 01.07.03.  
Бичими 70x108 1/16. Шартлы босма табоги 56,5. Нашриёт - ҳисоб табоги 55.  
Адади 500 нұсха. Буюртма № 150. Баҳоси келишилгандарда.  
Фан ва технологиялар марказининг босмахонасида чоп этилди.  
700003, Тошкент, Олмазор күні., 171.